ҚУРЪОНИ КАРИМ

Ўзбекча изоҳли таржима

ТАРЖИМА ВА ИЗОҲЛАР МУАЛЛИФИ

ШАЙХ

АЛОУДДИН МАНСУР

ҚУРЪОНИ КАРИМ

ЎЗБЕКЧА ИЗОҲЛИ ТАРЖИМА

ТАРЖИМА ВА ИЗОҲЛАР МУАЛЛИФИ

Алоуддин Мансур

ترجمة وتفسير معاني

القرآن الكريم

إلى اللغة الأزبكية

بقلم الشيخ

علاء الدين منصور



إنه لقرآن كريم في كتاب مكنون



БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Ассалому алайкум, азиз ўқувчи!

Аввалан барча оламларни Қуръон нури билан мунаввар қилган Улуғ Парвардигоримиз Оллоҳ таологa беадад ҳамду саноларимиз бўлсин, ҳамда Ул Зотнинг севикли бандаси ва сўнгги Пайғамбари бўлмиш ҳазрати Муҳаммад Мустафога дуо ва салавотларимиз бўлсин.

Мана, бир минг тўрт юз йилдан ортиқроқ вақтдан буён бир буюк Китоб - Жанобн Ҳақнинг Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга, ул киши орқали барча инсониятга юборган Муқаддас Каломи - Қуръони Карим бугун оламни Ўзининг Илоҳий нури билан ёритиб келмоқда.

Оллоҳ таоло бугун оламни яратиб, сўнгра у оламга халифа бўлсин, бошқарсин, деб одамзотни дунёга келтирганидан сўнг унга ва унинг авлодларига Ер юзида ҳақиқий инсонлар бўлиб яшаб ўтишлари учун Илоҳий Қўлланма қилиб Ўзининг кўрсатмаларини - Китобларини жўнатиб турди. Ана ўша Илоҳий Китобларнинг энг сўнггиси ва то Қиёматгача йўқолмай - бузилмай сақланиб турадигани Муқаддас Қуръондир. Бу Буюк Китобнинг одамзот ҳаётидаги ўрни - мартабасини инсон баданидаги руҳга қиёсласак хато қилмаган бўламиз. Зотан, инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқи, бошқача айтганда, инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган нарса унинг ўз ихтиёри билан танлаб олган дини, иймони бўлса, Яратган наздида мақбул ягона Дин - Исломдир ва ўша Диннинг асоси - манбаи Қуръони Каримдир.

Қуръон биз мусулмонлар учун Муқаддас Китоб - Илоҳий дастурул-амал бўлиши билан бирга, ўхшаши йўқ, тенгсиз бир Илоҳий Мўъжиза - Сўз ҳамдирки, ёлғиз мусулмонларгина эмас, балки бошқа динларнинг вакиллари ҳам Унга ўзгача ҳурмат ва эътибор билан қарайдилар. Бу Буюк Китобнинг гоҳо зоҳирда содда кўринган оятлари ва калималари остидаги ўта теран маъно-мазмуни, бир оятнинг ўзида тириклик дунёси Охират билан, Ер ҳаёти осмонлар билан ёнма-ён келиши, шунингдек, Қуръон тили - мазмунини англай билмаган ва ҳатто Қуръонни Илоҳий Калом деб эътиқод қилмаган одам ҳам Унинг ўта таъсирли оятларини эшитган пайтида, беихтиёр бир роҳат ва ором билан унга қулоқ тутиб қолиши, бутун вужуди билан берилиб тинглаши - буларнинг барчаси ушбу Улуғ Китоб оддий инсоннинг эмас, балки барча инсонларни ва бутун оламларни Яратгувчиси, ҳамда тарбия қилгувчиси бўлмиш Буюк Оллоҳнинг Илоҳий Сўзи эканлигига очиқ-равшан далолатдир. Мана, ўн тўрт аср бўладики, бу Китоб мўмин-мусулмонлар учун Илоҳий дастурул-амал бўлиш билан бирга бутун инсониятни ўзига тортиб, лол қолдириб келмоқда.

Қуръони Карим Оллоҳ таоло ҳузуридан Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-саломга нозил бўла бошлаган замонлардаёқ бу ҳайрат ва Қуръонни чин Илоҳий Калом эканини тан олиш бошланган. Маълумки, у замон араб адабиёти ўта ривожланган давр эди. Аҳли қалам адиблар ўртасида давомли равишда турли танлов - мусобақалар ўтказиб турилар ва бундай танловларда ғолиб чиққан асарлар Каъба деворига илиб қўйилар эди. Араблар бу нодир асарларни ўқиб, уларнинг ижодкорларини олқишлашар эди. Ана ўша мусобақалардан бири ўтказилаётган пайтда Пайғамбаримизнинг саҳобаларидан бири у ғолиб келган асарлар қаторига Қуръондаги энг ихчам сура бўлмиш "Кавсар" сурасини ҳам илиб қўйганида, ушбу сурани ўқиб кўрган энг таниқли ва тажрибали шоирлар ҳам бир овоздан: "Бу Сўз инсоннинг сўзи эмас", деб лол қолишган эди. Мана шу биргина тарихий воқеъанинг ўзи ҳам Қуръони Карим Оллоҳ таолонинг Сўзи эканлигига равшан далил, Пайғамбаримиз замондошлари тарафидан қилинган очиқ эътироф бўлса, энди то Қиёмат бирон Сўзи бузилмайдиган ва ўзгармайдиган Илоҳий Калом бўлмиш Қуръоннинг ўзидан олдин Оллоҳ таоло томонидан муваққат фойдаланиш учун туширилган бошқа Китоблардан фарқи янада равшандир. Чунки Қуръондан илгари нозил қилинган Таврот, Инжил каби Илоҳий Китоблардан бирортасининг ҳам асл нусхаси қолмаган, балки уларни фақат турли тиллардаги таржималаридан ўқилиши маълум бир ҳақиқатдир.

Айни пайтда Қуръони Карим дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган бўлса-да, унинг асл нусхаси Оллоҳ таоло қандаи нозил қилган бўлса ўша ҳолда - бир ҳарфи ҳам заҳаланмаган ҳолда қўлларимизда турибди!

Хўш, бунга нима сабаб бўлди экан? Биз бу саволимизга Қуръоннинг ўзидан аниқ жавоб топамиз.

Оллоҳ таоло "Ҳижр" сурасининг 9-оятида шундай марҳамат қилади: **"Албатта, бу Эслатмани** *(яъни, Қуръонни)* **Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни Сақлагувчимиз".**

Изоҳ: Ушбу ояти карима асрлар оша Қуръоннинг Илоҳий Китоб эканини қайта-қайта исботлаб келмоқда. Узоқ ўтмишни қўйиб турайлик, мана шу бизнинг асримизнинг ўзида бу азиз Китобни йўқ қилиш учун қанчадан-қанча хуружлар бўлмади. Уни ўтда ёқдилар, дарёларга оқиздилар, қабрларга кўмдилар. Бугина эмас! Яна Қуръонни ёд олган ёки ҳаётини шу Илоҳий Китобга амал қилиб ўтказмоқни истаган миллионлаб улуғ зотларни қириб - йўқотиб юбордилар. Кейин-чи, кейин бошқа миллионлар қўлларида, тилларида ва дилларида бирон ҳарфи ҳам заҳаланмаган шу Азиз Китоб билан пайдо бўлдилар! "Шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз", деган Илоҳий Сўзлар ўз тасдиғини топди. Қуръон, Оллоҳ таоло томонидан инсоният оламига туширилган Илоҳий Китобларнинг сўнггисидир. Бинобарин, мана шу оятда уни то Қиёмат йўқотмай, бузмай сақлашни Ҳақ таоло Ўз зиммасига олгандир. Шу боис, бошқа - илгариги умматларга нозил қилинган Илоҳий Китобларга ўзгаришлар киритилиб, бузилгани ҳолда (масалан: Инжилнинг етмишдан ортиқ таржималари бор, лекин асл нусхаси ҳеч қаерда мавжуд эмас) Қуръон, мана, ўн тўрт асрдан буён Пайғамбар алайҳис-саломга қандай нозил қилинган бўлса, (йўқ қилишга уринишлар, бало-офатлардан асралиб) худди ўшандай сақланиб келмоқда.

Мен Қуръони Карим мазмунини англай бошлаганимдан буён дилимда ушбу Муқаддас Калом маъноларини ўз тилимизга таржима қилиш ва уни Ҳақ Сўзга ташна бўлган элимизга етказиш фикри пайдо бўлган эди. Зеро Оллоҳ таолонинг Сўзи бўлмиш Қуръони Карим Ул Зот тарафидан фақат араб миллатига эмас, балки инсоният оламидаги барча элат ва миллатларга туширилган Ҳидоят - Тўғри Йўлдир. Бинобарин Қуръон маъноларини араб миллатидан бошқа қавмлар орасидаги мусулмонлар ҳам англашлари ва унинг кўрсатмаларига амал қилишлари лозимдир. Бунинг учун эса Қуръон тили бўлган араб тилини ўзга тилда сўзлашувчи халқларга ўргатишдан кўра Қуръон маъноларини ўша халқларнинг тилларига

таржима қилиш тўғрироқ ва осонроқ бўлади. Шу сабабдан бўлса керак, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом замони саодатларидан бошлабоқ, Қуръони Карим маънолари турли тилларга ўгирила бошлаган. Масалан, "Ал-Мабсут" китобида улуғ саҳобий Салмони Форсий (Оллоҳ ул кишидан рози бўлсин) "Фотиҳа" сурасининг маъноларини форс тилига ўгириб, Форс мамлакатига юборгани ва бундан хабардор бўлган ҳазрати Пайғамбар алайҳис-салом бу ишга ижозат берганлари зикр қилинади.

Ер юзидаги мусулмонларнинг асосий кўпчилигини ташкил этувчи Аҳли суннат вал-жамоат (суннийлар) оқимидаги тўрт мазҳабнинг энг улуғи бўлмиш Ҳанафийя мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа Имоми Аъзам (Оллоҳ ул зотни раҳмат қилсин) шундай дейдилар: "Араб тилини яхши ўзлаштира олмайдиган киши намозда Қуръон маъноларини ўзи билган форс ёки бошқа тилларда ўқиши мумкин. Чунки Оллоҳ таоло "Шуаро" сурасининг 196-оятида шундай марҳамат қилади:

"Албатта, У *(Қуръоннинг зикри)* аввал ўтганларнинг Китобларида ҳам бордир".

Маълумки, ўтган пайғамбарларга юборилган Китоблар араб тилида эмас эди". ("Ҳидоя" китоби 83-84-бетлар)

Юқорида зикр қилинган далиллардан маълум бўлганидек, Қуръони Карим маъноларини арабчадан бошқа тилларга таржима қилиш ва ўзга халқларни ҳам Оллоҳ таоло Сўзининг мазмунидан баҳраманд қилиш Шариати Исломийя тарафидан буюрилган ишлардан ҳисобланади.

Шу боис мен Қуръони Карим маъноларини элимизга етказиш ниятида уни яхшироқ ўрганиш учун араб тилидаги юзлаган тафсир китобларини ўқиб чиқдим ва бу меҳнатлар натижасида Оллоҳ таолонинг фазлу марҳамати билан камина Марказий Осиё мусулмонлари диний идораси ва Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида, Марказий Осиёдаги энг йирик Исломшунос олимлар иштирокида "Қуръони Карим маъноларини ўзбек тилига таржима қилиш" мавзуйида ўтказилган ўзига хос мусобақада ғолиб бўлдим ва Оллоҳ таолонинг инояти билан менга 1990-91-йилларида тарихимизда илк марта Қуръон маъноларини аслиятдан - арабчадан замонавий ўзбек тилига таржима қилиш ва унга изоҳлар ёзишдек улуғ бахт насиб этди. Ўшанда мен йигирма уч ой мобайнида бу хайрли ишни ниҳоясига етказдим ва ушбу таржима 1992-93-йилларда Тошкент шаҳрида, аввало "Шарқ юлдузи" ойномасида, сўнгра "Чўлпон" ва "Ғафур Ғулом" нашриётларида қайта-қайта қарийб бир миллион нусхада босилиб,

элимизнинг дуо ва олқишларига сабаб бўлди. 1995-йилда эса Туркманистон уламолари ушбу таржимамизни ўқиб-ўрганиб чиқишгач, уни Қуръони Карим таржималари ичида энг мукаммали, деган қарорга келишиб, ўзбек тилидан туркманчага таржима қилдилар ва 10000 нусхада чоп этдилар. Сўнгра Оллоҳ таолонинг марҳамати билан бу анъана яна давом этди. Замонавий ўзбек тилида биринчи марта чоп этилган ушбу таржимага яна бошқа туркий элларнинг вакиллари ҳам рағбат кўрсата бошладилар. Оллоҳнинг Каломини англашга, тушинишга бўлган бундай оммавий қизиқишни имкон борича қаноатлантириш ва Қуръон маъноларини мумкин қадар кўпроқ тилга таржима қилишдек ўта савобли юмуш йўлида бор имкониятларимизни ишга солиш ниятида биз Қуръони Каримни чин ихлос билан севгучи дўстимиз Алишер Собировнинг ташаббус ва моддий кўмаги билан 2000-йилда Қорасув шаҳрида "Қуръони Каримни ўрганиш илмий маркази"ни барпо қилдик. Ушбу илмий даргоҳда аввало биз "Қуръони Каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси"ни ҳозирда Ўзбекистонда жорий этилган лотин алифбосида тайёрладик ва у 2001-йилда Бишкек шаҳрида чоп этилди. Сўнгра "Қуръони Каримнинг изоҳли таржимаси" Қозоғистонлик олимлар томонидан ўзбек тилидан қозоқчага ўгирилди ва 2001-йилда Бишкек шаҳрида нашр қилинди. Шунингдек уйғур адиблар томонидан ўзбекчадан уйғур тилига таржима қилинган "Қуръони Каримнинг изоҳли таржимаси" ўз ниҳоясига етди ва нашрга тайёрланмоқда. Яна мен Алишер Собиров билан ҳамкорликда Қуръони Каримнинг маъноларини аслиятдан - араб тилидан рус тилига таржима қилишдек шарафли бир вазифани адо қилиш бахтига ҳам муяссар бўлдимки, бу таржима ҳам яқин кунларда ўқувчилар қўлига етиб қолса ажаб эмас. Шунингдек Жаноби Ҳақ мени 1999-2000- йиллар мобайнида Ўз Каломининг маъноларини арабчадан қадимий туркий тиллардан бири бўлган қирғиз тилига таржима қилиш шарафига муваффақ қилди ва бу таржима Бишкек ва Теҳрон (Эрон) шаҳарларида 15000 дан ортиқ нусхада чоп этилди.

Марҳаматли ўқувчи! Ҳозирда камина Оллоҳ таолодан тавфиқ ва мадад тилаб улуғ бир ишга - ўтган муфассирлар изидан бориб, Каломуллоҳни имкон қадар кенгроқ тафсир қилишдек чўнг бир юмушни адо қилишга киришдимки, қўлингиздаги ушбу Китобда сиз азизларнинг дуоларингиз умиди билан ўша, иншаоллоҳ ёзилажак тафсирдан бир намуна - "Фотиҳа" сурасининг тафсири - хамир учидан патир қабилида эътиборингизга тақдим этилаётир. Энди қайта нашр қилинаётган ушбу "Қуръони Каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси"га келсак, бу нашрга Қуръонга ташна бўлган

халқимизнинг қайта-қайта қилган талаб ва илтимослари сабаб бўлди. Мен ушбу нашрда аввал чоп этилган нусхаларда ўтиб кетган ҳарфий хатоларни тузатиш билан бирга орадан ўтган ўн йил мобайнида тўпланган тажриба асосида ҳар бир оят таржимасини изчил қайта кўриб, ўнглаб, керакли жойларида қавс ичида ва алоҳида изоҳлар билан тўлдириб чиқдим - икки нашр ўртасидаги фарқ яққолроқ намоён бўлиши учун айтадиган бўлсак, аввалги таржимамизга қарийб 10000 ўринда ўзгариш ва қўшимчалар киритдик. Демак қўлингизда Каломуллоҳ маъноларининг тамоман янги сифатда қайта ишланган таржимаси турибди. Бундай буюк савобли юмушнинг адосини мен каби бандаи ожизига насиб этгани учун Жаноби Ҳақ даргоҳига беадад ҳамду санолар айтаман ва шу билан бирга энг Буюк Илоҳий Мўъжиза бўлмиш Қуръони Карим маъноларини бор файзу футуҳи, фасоҳат ва балоғати билан бирон тилга таржима қилиш имконсиз иш эканини эътироф этаман. Зеро ушбу Китоб Ёлғиз Оллоҳ таолога хос бўлган, тенгсиз ва бемисл Улуғ Сўздир Шунингдек мен бу ўта нозик ва масъулиятли вазифани адо этишда кўз олдимда одамлар берадиган турли баҳо ва танқидлари эмас, билъакс, Ёлғиз Оллоҳ ризосини исташ ва Рўзи маҳшарда Ул Зот ҳузуридаги жавобгарлик турганини таъкидламоқчиман. Яна мен умид қиламанки, иншооллоҳ, ҳали бу Улуғ Китоб билимдон уламолар томонидан кўп марта, қайта-қайта таржима ва тафсир қилинади ҳамда бўлажак ҳар бир тафсир ўз хусусияти ва фазилати билан ўқувчилар Оллоҳ таолонинг Сўзини янада яхшироқ танишларига, теранроқ англашларига хизмат қилади.

Муҳтарам ўқувчи! Маълумки, Қуръон Пайғамбаримиз Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи ва салламга бундан қарийб 1400 йил илгари нозил қилинган. Ушбу Китобда фақат инсон, ер ва яшаб турган дунёмиз хусусидагина эмас, балки жонли-жонсиз барча махлуқот, етти қат осмон ва Охират диёридаги жаннат ва дўзах каби Ёлғиз Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайдиган сир-синоатлар борасида ҳам сўз юритилади. Зеро ушбу Китобнинг Эгаси еру осмонларни ҳам, дунё ва Охиратни ҳам Ўз қўлида тутиб турган Оллоҳ таолодир. Шу боис ушбу Илоҳий Китоб бир томондан ўқувчига бошқа ҳеч қайси манбадан ола билмайдиган ўта катта ва теран билим берса, иккинчи томондан уни ўқиш - англаш у қадар осон иш бўлмай, ўқувчидан маълум тайёргарлик - билим талаб қилади.

Демак, Қуръонни англаш истагида бўлган киши уни бир адабий асар деб эмас, балки бу Китоб - Оллоҳ таолонинг Сўзи деган иймон ва ишонч билан ўқиса, ҳар бир оят устида қайта-қайта фикр юритса, иншооллоҳ, у ушбу Китобни ўқиб-ўрганиши оқибатида бошқа ҳеч

ердан топа олмайдиган фойдали билим олиш билан бирга қалбига ором берадиган ва унинг ҳар икки дунёда саодатли инсон бўлишига кафолат берадиган чин иймон-эътиқодга эга бўлади. Мен Қуръонни ўта теран мазмунли Китоб эканлигини назарда тутиб, шунингдек ҳозирги замондошимиз Исломий билимлардан анча йироқлашиб қолганини ҳисобга олиб, қўлингиздаги таржимани имкон қадар ўқувчига яқинлаштиришга, енгиллаштиришга ҳаракат қилдим. Бунинг учун мен илгари ўтган тафсирчи уламолар изидан бориб, ушбу Улуг Китобнинг ҳар бир ояти маъносини таржима қилишдан ташқари унга уч турли изоҳ ҳам қўшдим. Дастлаб ҳар бир сура олдида ўша суранинг қисқача мазмуни дарж қилинди, сўнг оятлар таржимаси орасида қавс ичида қисқача изоҳлар берилди Бундан ташқари айрим тушунилиши ўта мураккаб бўлган оятлар остида алоҳида изоҳлар қўшилди. Шунингдек, оят таржимаси билан изоҳлар ўртасидаги фарқ аниқ бўлиши учун икки турли ҳарф қўлланилди: оят таржимаси қабариқ - қора ҳарфда, ҳар бир сура олдидаги ва қавс ичидаги изоҳлар ҳамда айрим оятлар остидаги алоҳида изоҳлар ёзма (курсив) ҳарфда берилди.

Азиз ўқувчи! Мана қўлингизда Қуръони Каримнинг маъно таржимаси турибди. Ушбу Улуг Китобни чуқур диққат-эътибор билан ўқисак, бу Илоҳий Мўъжиза гўё бундан ўн тўрт аср илгари эмас, балки, ҳозир ўзимизга туширилгандай - ҳар бир Сўзи ҳаётимизни ҳақиқий инсон бўлиб яшаб ўтишимиз учун ўта зарур Сўз эканини пайқаймиз. Зотан бу Сўз барча оламларнинг Эгаси, мангу барҳаёт Оллоҳ таолонинг ҳеч қачон ўлмайдиган Сўзидир Мен - бандаи ожиз ушбу Улуг Сўз маъноларини Сиз азизларга етказмоқчи бўлдим. Агар тўгри етказа олган бўлсам, бу Ёлгиз Яратганнинг марҳаматидан, ўтиб кетган хатолари бўлса, бу менинг нуқсонларимдир. Мен Оллоҳ таолодан ушбу Китобни ўқиган ҳар бир инсонни Ўзининг Ҳақ Йўлига ҳидоят қилишини сўрайман ҳамда сизлардан Китобни ўқиб, Каломуллоҳ маънолари билан ошно бўлган соатларингизда, агар ёдингизга келса менда Қуръони Каримга илк муҳаббат уйготган устози аввалларим бўлган марҳум Ота ва Онамнинг ҳақларига дуойи хайр қилишларингиздан умидвор бўлиб қоламан

Алоуддин Мансур.

"Қуръони Каримни ўрганиш илмий маркази"
Қорасув шаҳри
1422-йил, Рабиус-соний ойининг 11-игчиси, сешанба куни
(Милодий 2001-йил, 3-июл)

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ ١

ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِ رَبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ٢

ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ ٣ مَٰلِكِ يَوۡمِ ٱلدِّينِ ٤

إِيَّاكَ نَعۡبُدُ وَإِيَّاكَ نَسۡتَعِينُ ٥ ٱهۡدِنَا

ٱلصِّرَٰطَ ٱلۡمُسۡتَقِيمَ ٦ صِرَٰطَ ٱلَّذِينَ أَنۡعَمۡتَ

عَلَيۡهِمۡ غَيۡرِ ٱلۡمَغۡضُوبِ عَلَيۡهِمۡ

وَلَا ٱلضَّآلِّينَ ٧

ФОТИҲА

сурасининг тафсири (1)

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Барча оламларнинг Парвардигори, Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ таолога беадад ҳамду саноларимиз бўлсин, ҳамда Ул Зотнинг севикли бандаси ва сўнгги Пайғамбари бўлмиш ҳазрати Муҳаммад Мустафога дуо ва салавотларимиз бўлсин.

Сўзларнинг энг рости Оллоҳ таолонинг Сўзидир. Йўлларнинг энг чиройлиги Муҳаммад алайҳис-саломнинг Йўлидир.

Бизнинг мақсадимиз, Оллоҳ таолодан мадад ва тавфиқ тилаб, энг Рост Сўз, бутун оламларнинг Эгаси бўлган Парвардигоримизнинг Сўзини англаш - ўрганишдир. Маълумки, тафсир илми - Қуръони Каримнинг ҳар бир оят ва калимасини таҳқиқ ва тадқиқ қилишлик- қадимдан, ҳазрати Муҳаммад алайҳис-салом Пайғамбар бўлиб юборилганларидан - у зоти бобаракотга Қуръон оятлари нозил бўла бошлаганидан, у кишининг ўзлари, саҳобалари ва уларни кўрган тобеъинлар замоналаридан бошланган. Қуръони Карим сиз билан бизга Оллоҳимиз тарафидан юборилган бир кўрсатмадир, ҳикматдир, Охират диёри ҳақида - сиз билан биз кўра олмайдиган диёр ҳақидаги хабарлардир ва бу хабарлар бутун оламларнинг, балки дунё ва Охиратнинг Эгаси бўлган Оллоҳ таоло Ўзи берган хабарлардир.

Шунингдек, Қуръони Карим бизлар учун - инсоният учун туширилган Буюк Мўъжиза - Китоб бўлиб, бу Китобда Оллоҳ таоло бизни қай тарзда мусулмон бўлиб яшашимиз - қандай амалларни қилишимиз ва қайси амаллардан узоқ бўлишимиз лозимлиги хусусидаги Ўз Илоҳий фармонлари билан таништиради. Шунингдек, биздан аввал ўтган асрлар, авлодлардаги кишиларнинг ҳаётлари, мўминларнинг топган оқибатлари, кофирларнинг мубтало бўлган балолари ҳамда бутун осмонлардаги хабарлар ва бу дунёдан кейинги ҳаётнинг хабарлари, ўша кейинги ҳаётдаги Қиёмат Кунининг хабарлари ва Оллоҳ таоло Ўзи ўша Охират диёрига жойлаган жаннат ва дўзах хабарлари ҳам Қуръони Карим оятлари орқали бизга етказилади. Қуръони Каримни - бу мўъжиза Китобни

Меҳрибон Оллоҳимиз ҳар биримиз тушунадиган қилиб, инсонлар ишлатадиган сўзлар билан ва инсонлар англайдиган сўзлар билан араб тилида нозил қилган. Лекин бу Калом Мўъжиза - барчани ожиз қолдиргувчи Сўз бўлгани учун шундай бир тубсиз денгизки, унинг тагига бирон инсон, бирон олим етолмаслиги табиий ҳолдир. Балки шунинг учундир, бизларга унинг зоҳирий маъноларини англаб амал қилишимиз буюрилган. Энди бу Сўзни яхшироқ англашимиз учун Қуръон тафсирларига муҳтожмиз. Уламолар езишларича, аввало Қуръоннинг энг яхши тафсири Қуръони Каримнинг ўзидир. Яъни, Қуръоннинг бир ояти мазмунини бошқа бир оятдан янада яхшироқ тушуниб оламиз. Яна Қуръонни Жаноб Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари тафсир қилар экан. Яъни, ҳар бир оятнинг тарихини, нозил бўлиш сабабларини Қуръони Каримнинг ўзига хос шарҳи бўлмиш ҳадиси шариф тафсир қилади. Қуръони Карим Оллоҳ таолонинг шундай буюк Илоҳий неъматидирки, Парвардигоримиз бутун оламларни яратиб ва уларни сиз билан бизга бўйинсундириб, одамзотни Ўзининг ердаги халифаси қилиб қўйганидан кейин энди бизларга мана шу дунёда Ўзи рози бўладиган тарзда ҳаёт кечиришимиз, ҳақиқий халифалик қилишимиз, чин инсон бўлиб яшаб ўтишимиз учун бир қўлланмани ҳам туширди - токи ҳар ким ўз ҳавойи нафси билан, ноқис ақли билан ҳар хил йўлларга адашиб кетмасин, деб Оллоҳ таоло мана шу дунёдаги ҳаётимизнинг энг тўғри йўлини кўрсатадиган кўрсатма, дастурул-амал қилиб Қуръонни нозил қилди.

Демак, биз Қуръон кўрсатмаларига амал қилишдан олдин унинг мазмун-моҳиятини тушунишга уринишимиз керак. Қуръонни Қуръон билан тушунишимиз керак. Қуръонни Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари билан тушунишимиз керак. Оллоҳ таоло Қуръони Каримда ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб - Сиз одамларга Қуръонни баён қилиб берасиз - деган вазифани Ўз Пайғамбарининг зиммаларига юклайди. Демак, Қуръон мазмунларини чуқурроқ англашда бизга ҳадис - Пайғамбар алайҳис-саломнинг суннатлари кўмакка келади. Яна ҳазрати Пайғамбар алайҳис-саломнинг саҳобалари ҳам бизга Қуръонни тафсир - шарҳ қилиб кетганлар. Шулардан энг улуғлари Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу (Оллоҳ у кишидан рози бўлсин) - барча Қуръон илмини билувчиларнинг, Қуръон тафсир қилувчиларнинг имоми эдилар. Бу киши Макка тафсирчиларининг пешвоси эдилар. Мадинаи мунавварада Убай

ибни Каъб исмли улуғ саҳоба разияллоҳу анҳу Мадина тафсирчиларининг имомлари эдилар. Ироқ диёрида эса Абдуллоҳ ибни Масъуд разияллоҳу анҳудек улуғ зот Ироқ тафсирчиларининг пешвоси эдилар.

Мана буларнинг тафсирлари, булардан эшитган тобеъинларнинг тафсирларидан Қуръон тафсирлари бошланган, яъни, тафсир дегани Қуръоннинг ҳар бир калимаси тагида ётган маънони шарҳлаб, англатиш, ҳар бир оят ва калимани нима маънога далолат қилишини изоҳлаб, ўқувчи онгига етказишдир.

Биз Оллоҳ таолодан файз ва илҳом тилаб Қуръонни тафсир қилишга киришар эканмиз аввало Қуръони Каримни Қуръоннинг ўзи билан англашга ҳаракат қиламиз ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадислари ҳамда у зот саҳобаларининг тафсирларидан фойдаланиб сизларга етказиш ҳаракатида бўламиз.

Қуръони Карим шундай буюк Илоҳий мўъжизаки, ушбу мислсиз Илоҳий Каломнинг сирини англаш ва англатиш мақсадида турли асрларда минглаб тафсирлар ёзилди ва ҳали ҳам ёзилмоқда. Бундан кейин ҳам то Қиёматтача бу Китобнинг сиррини тўлиқ баён қилиш мумкин эмас. Ушбу азиз Китоб шу қадар бир мўъжиза, инсоният то охиригача англаб етиши мушкил бўлган, яъни, зоҳирини англаш мумкин бўлса ҳам мағзи-моҳиятини билишимиз мушкил бўлган Каломуллоҳдир. Шунинг учун биз бу тафсирда ўтган уламоларнинг тафсирларидан ҳам фойдаланамиз. Муродимиз Оллоҳимиз Сўзини ўзимиз тушинмаган ҳолда фақат лафзинигина ўқимасдан, балки маъноларини ҳам англашдир. Фақатгина маъноларини англаб қолмасдан, ўша англаган маъноларга амал қилишдир, иймонимизни мустаҳкам қилишдир ва Оллоҳнинг Тўғри Йўлини танишдир.

Маълумки, Қуръони Карим бир қанча суралардан ташкил топган Қуръонда бир юз ўн тўрт (114) сура бор. Бу саноқ Оллоҳ таолонинг буйруғи билан Ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан белгилаб берилган. Ҳар бир суранинг ўз ичида қамраб олган алоҳида мазмун-моҳияти бор. Биз қуйида Қуръондаги илк сура - "Фотиҳа" сураси ҳақида сўз юритамиз, иншаоллоҳ.

Қуръони Каримдаги биринчи сура "Фотиҳа" сураси бўлиб, у ўз номидан маълум бўлиб турганидек, Қуръонни очувчи сурадир. Бу сура Қуръоннинг аввалида келгани ва ўзи қисқагина - етти оятдан иборат бўлса-да, бутун Қуръони Карим мазмун-моҳиятини ўз ичида

мужассам қилгани учун ҳам Қуръоннинг мазмунини "Очувчи" деган номга эга бўлган.

Энди бу суранинг Оллоҳ таоло ҳузуридаги мақом-мартабасига келсак, улуғ саҳобалардан Убай ибни Каъб розияллоҳу анҳу шундай ривоят қилганлар: "Бир куни жаноб Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: "Сенга Қуръондаги энг улуғ сурани айтиб берайми?", дедилар. "Айтинг ё Расулуллоҳ", дедим. "**Бу Алҳамду лиллаҳи роббил аламийн**" сураси, дедилар". Яъни, Пайғамбар алайҳис-салом мана шу "Фотиҳа" сураси Қуръондаги энг улуғ сура деб баҳо бердилар.

Ҳақиқатан, айтиб ўтганимиздек Оллоҳ таоло ушбу буюк сурага - мана шу етти оятга Ўз мўъжизаси билан Қуръондаги мазмунни жойлаб қўйган экан. Шунинг учун ҳам бу энг улуғ сурадир. Шу сабабдан бу сура ҳар бир мусулмоннинг тилида, дилида ва намозларининг ҳар ракаатида бор бўлган сурадир. Ҳатто Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам "Ло солата илло би фотиҳатил-китоб - Агар фотиҳани ўқилмаса намоз комил намоз бўлмайди" деганлар. Демак, бу сура намозимизнинг ҳар ракаатида бизга ҳамроҳ бўлган ва доимий тилимиздан тушмайдиган сурадир. Агар эътибор қилсак, "Фотиҳа" сурасидаги яна бир Илоҳий сирру синоатга гувоҳ бўламиз - намозхон одам ҳар куни беш вақт намозида 30-32 марта шу сурани ўқийди, демак, 70-80 га кирган инсон ушбу сурани неча минг марта ўқиганлигини санаб адо қилиб бўлмайди. Яна нафл ибодатларни ҳам адо қиладиган ва намозлардан ташқари бу суранинг ўзини мудом такрорлаб ўқиб юрадиган кишилар ҳам бор. Лекин ажабки, сизнинг айтадиган сўзларингизнинг ичида шу сурадан кўра сизга суюклироқ, севиклироқ сура йўқдек, бир сўз йўқдек. Яъни, ҳар қандай сўз ҳам такрорлайверсангиз эскириб қолади, зерикасиз, озгина ўқимай турсам, дейсиз. Лекин Оллоҳнинг Каломи бўлган бу буюк Сўзни - "Фотиҳа" сурасини ҳар куни неча бор такрорламанг, зерикмайсиз, билъакс роҳатланасиз, ором оласиз, дилингиз равшан тортади - очилади, чунки бу сура "Очувчи" сурадир.

Бу суранинг яна бир номи "Уммул-Қуръон"дир. Яъни, бу Қуръоннинг онаси дегани. Бутун Қуръоннинг маъносини ўз ичига олгани учун ҳам шу номни олгандир.

Яна Оллоҳ таоло бу сурани "Сабъул-масоний", деб ҳам атайди. Яъни, бу доим такрорланувчи етти оят деган мазмунни билдиради. Қуръони Каримда Оллоҳ таоло жанобн Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб: "*(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),*

дарҳақиқат, Биз Сизга етти такрорланувчини ва Улуғ Қуръонни ато этдик", дейди. Яъни, Оллоҳ таоло ушбу улуғ сурани "Қуръон"нинг ёнида алоҳида таъкидлаб айтади. Такрорланувчи дегани, ҳар ракаат намозимизда такрорланиб тургани сабаблидир. Баъзи уламолар такрорланувчи дейилганининг сабаби бу сура Қуръони Каримдаги бошқа суралардан фарқли ўлароқ, икки бор нозил бўлган деб ҳам тафсир қиладилар. Яъни, аввал Маккайи мукаррамада, сўнг Мадинайи мунаввварада иккинчи марта нозил бўлган, шунинг учун такрорланувчи деган номга эга, дейдилар.

1.Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм - Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

Етти оятдан иборат бўлган ушбу муборак суранинг аввалги ояти **"Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм"** оятидир. Бу ояти карима 114 та сурадан 113 тасининг аввалида келиши билан бирга мана шу биринчи суранинг илк оятидир. Фақат "Бароат - Тавба" сурасидан бошқа 113 та суранинг олдида **"Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм"** келади. Бу кўпчилик уламолар наздида "Алҳамду" сурасининг биринчи оятидир Айрим уламолар **"Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм"** Оллоҳнинг оятидир, лекин сураи Фотиҳанинг биринчи ояти эмас, балки ҳар бир сура олдида келадиган алоҳида оятдир, дейдилар.

Ушбу ояти карима "Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан", деган маънони англатади ва бу билан Оллоҳ таоло бизга ҳар ишни Ёлғиз Унинг номи билан бошлашимиз зарур эканлигини таълим беради. Яъни, биз мўмин-мусулмонлар қиладиган ҳар бир ишимизни ўз номимиздан қилмаймиз, ёки ўзимизга ўхшаган инсонлардан бўлган кишининг номидан ҳам қилмаймиз, ёки бирор миллат ёки ватан номидан ҳам эмас, балки бутун оламларнинг Парвардигори бўлган Оллоҳ номи билан қиламиз. "Бисмиллоҳ", деганимиз, Оллоҳ номи билан, деганимиздир.

Ҳазрати Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам бир муборак ҳадисларида: "Ҳар бир муҳим, аҳамиятли иш Оллоҳнинг номини зикр қилмасдан бошланар экан, у иш охирига етмайди, балки чала бўлиб, кесилиб қолади", деганлар. Мана шунинг учун ҳам биз Шариати Исломийя буюрган, ижозат берган ҳар бир ишни Оллоҳ номи билан бошлаймиз, биз - мусулмонлар мана шундай шарафга эгамиз Демак, бисмиллоҳ деб бошламоқчи бўлган, шундай эътиқодда бўлган инсон ўзи фақат бисмиллоҳ деб бошлайдиган ишларни қилиши керак. Шунингдек, Оллоҳ таоло ҳаром қилган,

Оллоҳнинг номи билан бошлаб бўлмайдиган ишларга мусулмон одам қадам босмаслиги керак бўлади. Аммо кимда-ким Оллоҳ ҳаром қилган, шариъатимиз манъ қилган, динимиз қайтарган нотўғри гуноҳ-жиноят ишларни Оллоҳнинг номи билан бошласа, ундай кимса диндан чиқиб кофир бўлади. Чунки Оллоҳнинг номи билан фақат ҳалол ишларни бошлашликка буюрилади, ҳаром иш учун бисмиллоҳ деган одам диндан чиқади. Масалан, Оллоҳ таоло ароқни ҳаром қилган, уни ичишда биров "Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм", деб ичса, бу одам кофир бўлади. Аммо бу сўзни айтмай ичса, гуноҳкор бўлади ва кейин тавба қилиб бу нарсага қайта яқин келмаса, Оллоҳ унинг бу гуноҳини кечиши умид қилинади, лекин шу ҳаром нарсани Оллоҳ номи билан бошлаб ичиши Оллоҳ таоло буни ҳалол қилган, дегани бўлиб, ҳаромни ҳалол деган ёки ҳалолни ҳаром деган киши диндан чиқиб, кофир бўлади.

"Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан".

Оллоҳ таоло бу ояти каримасида Ўзининг номи билан бошлашимизга буюрар экан, нафақат номи билан, балки У Зотнинг улуғ сифатлари билан ҳам бошлашимизга буюрди. Ўзининг Раҳмон ва Раҳим сифатларини айтишга буюрди. Эътибор беринг, Оллоҳ таолонинг сифатлари жуда ҳам кўпдир. Оллоҳ таолонинг ҳамма нарсадан Ғолиб, кофирларни азобловчи, деган маънодаги Қаҳҳор деган сифати ҳам бор, яна бошқа-бошқа қаттиқликка далолат қилувчи сифатлари ҳам бор. Лекин бизларга **"Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан"**, деб бошлашимиз буюрилди. Бунда бизларга Яратган томонидан энг аввало меҳрибонлик, раҳмли бўлишлик буюрилмоқда, зотан, Пайғамбар алайҳис-саломнинг шундай кўрсатмалари бор: У зот **"Оллоҳнинг хулқи билан хулқланинглар"** деганлар. Оллоҳ таолонинг хулқи, бири Раҳмонлик ва яна бири Раҳиймлик, яъни, меҳрибонлик ва раҳмлиликдир.

Демак, мусулмон инсонда энг кўриниб турадиган сифат ўша Меҳрибонлик ва Раҳмлилик сифатидир. Шунинг учун ҳам ҳар куни, ҳар соатда Қуръондан бирон сура ўқисак, Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман, деб тилимизда, тилимиз орқали бутун вужудимизда шу Меҳрибонлик ва Раҳмлилик фазилатлари сингиб кетишлиги учун Оллоҳимиз ҳар бир ишни Ўзининг мана шундай гўзал сифатлари билан бошлашимизга буюрган. Уламолар, биргина "Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм", деган оятнинг ўзи кишини иймон келтириб, мусулмон бўлиши учун етарли, дейдилар. Яъни, бунда Оллоҳнинг исми ҳам зикр қилинди, ҳамда сифатлари бўлган Раҳмон ва Раҳим ҳам зикр қилинди. Қарангки, биргина сўз билан биз

Оллоҳимизнинг Зотини ва сифатларини танидик Энди Меҳрибонлик - Раҳмон сифати қандай сифат?

Бизлар Оллоҳнинг бу улуг сифатини чегарасига, ниҳоясига етиб-англашдан ожизмиз. У Зот шу қадар Меҳрибондир.

Жаноб Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан келган бир ҳадиси муборакда айтиладики· "Дунёдаги ҳар бир нарсага Оллоҳ таоло Ўзининг меҳридан улашган". Масалан: Ҳар бир ота-она у хоҳ инсон бўлсин, хоҳ ҳашорат бўлсин, хоҳ ҳайвонот бўлсин ўзининг фарзандига меҳрибондир.

Агар дунёда меҳр деган нарса бўлмаса, дунёнинг ўзи бўлмайди. Бутун дунёни ушлаб турган нарса меҳрдир, оқибатдир. Мана шу меҳр Еру осмонга Меҳрибон Оллоҳ таоло томонидан улашилгандир. Оллоҳ таоло бир муборак ҳадиси Қудсийда "Мен меҳрибонлик сифатини юзга бўлиб, шундан бир қисмини бутун оламга тарқатдим, қолган тўқсон тўққизини Ўзимда олиб қолганман", дейди. Кўрамизки, барча инсонлар ўз яқинларига меҳрибонлик қиладилар, хусусан ўз фарзандларига қанчалар меҳрибон эканлигини кўрамиз. Ёки ҳайвонотлармиди, ҳашоратлармиди, барча-барча жонзотлар ўз болаларига меҳрибондир. Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам бир ҳадиси муборакларида: "Чопиб кетаётган от ҳам оёгини ерга қўйишда боламни босиб олмай, деб бир ерга қараб олади, бу Оллоҳ таоло мана шу отнинг дилига солиб қўйган меҳрнинг аломатидандир", деганлар.

Ёхуд масалан бирон товуқни ҳайдайдиган бўлсангиз, у сиздан қўрқиб нарироқ кетиши мумкин. Лекин агар унинг ёнида жўжалари бўлса-ю, сиз уларга тегинадиган бўлсангиз, товуқ ўз жонини хатарга қўйиб, сизга даф қилади. Бу ҳам ўша жониворнинг ўз болаларига бўлган меҳрибонлигидан - Оллоҳнинг бутун оламга тарқатган бир қисм меҳридандир. Бундай меҳрни Яратганнинг ҳар бир махлуқида кўрасиз. Буларнинг барчаси ўша бир қисм меҳрдан бўлиб, қолган тўқсон тўққизини Оллоҳ таоло Охират Куни учун олиб қўйди. Бандаларим · Менга иймон келтирган, Мени таниган, Менга ибодат ва яхши амаллар қилиш билан ўтган бандаларимни Қиёмат Кунида мана шу меҳрим билан сийлайман, гуноҳларини кечираман, Менинг зиёфатхонам бўлган жаннатга мана шу меҳрим билан киритаман, деб юздан тўқсон тўққиз меҳрини олиб қўйди

Оллоҳ таолонинг бу Раҳмон сифати бутун дунёдаги мўмину кофир, яъни, Оллоҳни танигану танимаган, ҳатто Оллоҳни инкор қилган инсонларга ҳам баробар дахлдор сифатдир. Яъни, Оллоҳ

таоло дунёдан мўминларни фойдалантиргани каби кофирларни ҳам фойдалантираверади. Яхши инсонларни фойдалантиргани каби жуда ёмон жиноятчиларга ҳам бу ҳаётдан насиба бериб қўйган. Оллоҳ таоло бу дунёдаги меҳрини ҳаммага улашар экан. Уламолар Оллоҳ таолонинг бу сифатини барча мўмину кофирга таалуқли деб тафсир қиладилар.

Аммо Оллоҳ таолонинг Раҳим - Раҳмлилик сифатига келсак, Оллоҳ таоло Охиратда фақат мўминларгагина раҳм-шафқат кўрсатади. Оллоҳ таоло айтади: **"У мўминларга Раҳмли бўлган Зотдир"**. Қиёмат Кунида Оллоҳнинг раҳму шафқатига, меҳру раҳматига бу дунёда покиза иймон ва соф эътиқод билан яшаб ўтган одамларгина етадилар.

Демак, Оллоҳ таоло бу дунёда ҳаммага Меҳрибон, Охират диёрида эса, фақат мўминларгагина раҳм-шафқат Эгаси бўлган Зотдир. Шунинг учун бизлар бу дунёдан бир мўмин одам сафар қилса, Оллоҳ раҳмат қилсин деймиз, яъни, энди Охират диёрида Оллоҳнинг раҳмига сазовор бўлсин, деганимиз бўладики, бу раҳматга фақат мўминлар муяссар бўладилар.

2. Алҳамду лиллаҳи роббил аламийн - Ҳамду сано барча оламларнинг Парвардигори бўлмиш Оллоҳ учундир.

Айрим уламолар, юқорида айтиб ўтганимиздек, "Бисмиллоҳ"ни сураи Фотиҳадан биринчи оят десалар, бошқа баъзи олимлар, хусусан бизнинг Ҳанафий мазҳаб уламолари сураи Фотиҳанинг биринчи ояти "Алҳамду лиллаҳи роббил аламийн"дир, деб бунга далил келтирадилар. Масалан, улуғ муфассирлардан Табарий жомиъул-баён тафсирларида мана шу тафсирни қиладилар: "Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм", деб Оллоҳнинг Раҳмон ва Раҳим сифати зикр қилинганидан кейин бир оят ўтказибоқ яна Раҳмон ва Раҳим сифати зикр қилиниши аввалги "Бисмиллоҳ" "Фотиҳа" сурасидан ташқаридаги бир оят эканлигига далилдир"

Демак, **"Алҳамду лиллаҳи роббил аламийн"** ояти айрим уламолар наздида сураи Фотиҳанинг биринчи оятидир. Бошқа уламолар иккинчи ояти, дейдилар. Бунинг билан бирор маъно ўзгармайди, лекин биз модомики, Қуръони Карим тафсирига ҳаракат қилар эканмиз, уламоларнинг бу тафсирини ҳам билиб ўтишимиз фойдадан холи эмас.

"Алҳамду лиллаҳи роббил аламийн" деган бу улуғ оятнинг мазмуни - **"Ҳамд, сано, мақтов, олқиш Ёлғиз Оллоҳ учундир. У Оллоҳ бутун оламларнинг Хожаси, Парвардигори, Эгасидир"**,

дегани Яъни, ҳамду саноии, мақтов-олқишни Ёлғиз Оллоҳ учун қилишимиз керак.

"Алҳамду", деган сўз барча мақтов, барча ҳамду сано деган маънони билдиради. Яъни, бирон мақтов йўқки, ўша мақтов билан Оллоҳ мақталмаса. Ҳар бир мақтов Ёлғиз Оллоҳнинг ҳаққидир.

"Лиллаҳи" - Ёлғиз Оллоҳникидир, Оллоҳ учундир - бу табиийдир, чунки Оллоҳ таоло, бутун оламларнинг Эгаси бўлган Парвардигоримиз мақтовга Лойиқ бўлган танҳо Зотдир. Бизлар у Зотни мақтаб шукрона қилишимизга сабаб жуда кўп. Оллоҳнинг бизга берган неъматлари кўп. Қуръони Каримда Оллоҳ таоло Ўзи **"Ва ин таъуддув неъматаллоҳи ла туҳсувҳа"** - "Агар сизлар Оллоҳнинг неъматларини санайман десанглар, уларнинг адоғига етолмайсизлар", дейди.

Ҳақиқатан, бизга саноқсиз неъматларни Оллоҳнинг Ўзи бериб қўйган. Демак, албатта биз Оллоҳга ҳамд айтишимиз керак. Ҳамднинг Эгаси бўлишлик Ёлғиз Оллоҳнинг ҳаққи экан. Чунки У Зот бутун оламларнинг Парвардигоридир. Мана, бизларни инсон қилиб яратди, инсонлар орасидан ҳам Ўзининг Йўлида, Ўзини истаган мусулмон бандалари қаторида Тўғри Йўлга ҳидоят қилиб қўйди. Бунинг учун биз албатта Оллоҳимизга ҳамд бўлсин, деб Оллоҳ таологa мақтов-олқиш айтамиз. Ҳар бир ишимизда, ҳар олган нафасимизда, бизлар учун бутун оламни хизматкор қилиб қўйганлиги учун, ўз вужудимиз ҳам, атроф-жавонибдаги барча жонли-жонсиз нарсалар ҳам Оллоҳнинг амри билан биз - инсонларга бўйинсуниб, хизмат қилиб тургани учун, Оллоҳга шукр қиламиз

Ахир тасаввур ва тафаккур қилсак, биз нафас олаётган лекин ҳеч ким кўзи билан кўриши мумкин бўлмаган ҳавонинг ўзи Оллоҳнинг бизга берган бир буюк неъматидир. Буни ҳеч ким ишлаб чиқараётгани йўқ. Ёлғиз Оллоҳ бандаларини нафас олишлиги учун мана шу ҳавони ортиқчаси билан таъмин этиб турибди. Ёки бизларни тоза бўлишимизга сабаб бўлган сув ҳам Оллоҳнинг неъматидир. Тасаввур қилинг, ўша сиз билан биз истеъмол қиладиган, фойдаланадиган, ичиб ташналигимизни қондирадиган, бизга таом бўладиган, кир бўлсак бизни тозалайдиган сув, мана шу Оллоҳ таоло яратган Ерда - заминда турибди. Ахир ҳар қандай тупроққа сув қуйилса сингиб кетадику, лекин Оллоҳ таоло шу бандаларим фойдалансинлар деб ўша ерга сен устингдаги сувни сингдирмасдан сақлаб турасан, деб буюрган. Бу бизга катта неъматдир. Ёки айрим жойларда дарёларга,

денгизларга қаралса, ёнма-ён, ўрталарида катта тўсиқ бўлмай дарё-денгиз ёнма-ён бўлган жойлари бор экан. Оллоҳ таоло Қуръони Каримда ўша дарёларнинг бирини шўр, бирини чучук қилиб қўйганлигини бизга миннат қилади, яъни, бандаларим фойдалансин деб, ҳалиги шўр сувнинг тузи чучук сувга ўтмасдан турсин деб, уларнинг ўрталарига кўз билан кўриб бўлмайдиган, лекин ўта мустаҳкам бир тўсиқ қўйганини зикр қилади. Мана бу бизларга Оллоҳнинг неъмати эмасми? Ёки бизни ўзимизнинг вужудимиздаги ҳар бир аъзога қарасак, Оллоҳнинг амри билан ишлаб турибди, сиз ва бизни ақлимиз билан эмас, қувватимиз билан ҳам эмас, илмимиз билан ҳам эмас, балки, Оллоҳнинг буйруғи билан бизларга хизмат қилиб турибди. Мана, масалан бизнинг ҳаётимиз белгиси бўлган, тинмасдан уриб, ишлаб турган юрагимиз ҳақида бир фикр юритайлик. Буни биз ўзимиз ақл билан ишлатиб турган бўлсак, ухлаб қолганимизда, юрак уриши ҳам тўхташига тўғри келарди. Тасаввур қилайлик, агар юрак беш дақиқа урмаса нима бўлади? Лекин Оллоҳ таоло шу юракка ишлаб турасан деган буйруқни берди, сени ўша бандамнинг ичига жойлаган эканман, у ҳаёт бўлиб, ҳаракат қилиб яшаб туриши учун сен доим ишлайсан, у билса ҳам, билмаса ҳам, у уйғоқ вақтида ҳам, ухлаётганида ҳам, унинг ҳушида ҳам, тушида ҳам, ҳар ҳолатда ишлайсан деган буйруқни бердики, энди уни ҳеч ким тўхтатолмайди, фақатгина Ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи хоҳлаган пайтида тўхтатади. Мана, биз атрофимиздаги оламга қарасак ҳам, ўз вужудимизга қарасак ҳам Оллоҳнинг сон-саноқсиз неъматларини кўрамиз. Демак, албатта "Ал-Ҳамду лиллаҳи роббил-аламийн" деймиз, яъни, Оллоҳга ҳамд бўлсин, деймиз.

Роббил аламийн - барча оламларнинг Парвардигори. Роб деган сўз Хожа, Эга, Парвардигор деган маънони билдиради.

Оламийн - оламлар дегани. Яъни, барча оламларнинг Хожаси, Парвардигори бўлган Оллоҳга Ҳамд бўлсин. Оламлар Парвардигори ибораси бошқа бир сурада: **"Роббиссамовоти вал-ъарзи ва ма байнаҳума"**. Яъни, "Осмонлар, Ер ва уларнинг ўртасидаги барча нарсаларнинг Парвардигори", деб тафсир қилинади. Демак, осмонлар Ер ва уларнинг ўртасидаги нарсаларнинг барчаси олам ҳисобланар экан.

Мана ўн саккиз минг олам дейилади, яъни, сиз билан биз бир инсоният оламимиз. Атрофимизда бошқа оламлар ҳам бор. Масалан: Паррандалар олами, Даррандалар олами, Наботот олами, Жамодот олами, Тоғу-тошлар'

Биз кўра оладиган оламлар саноқлик, лекин биз билмайдиган оламлар ҳам борки, шу боис қадимдан уламолар Оллоҳ таоло ўн саккиз минг олам Эгаси деган иборани қўллайдилар. Биз мана шу оламларнинг ҳаммасининг Эгаси бўлган Ёлгиз Оллоҳга ҳамд айтамиз. Яъни, ҳамдга лойиқ бўлишлик Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч кимнинг, жумладан бирон инсоннинг имконида йўқ нарсадир. Чунки инсонга қандай бир шараф, катта мансаб ё бошқа бир мартаба ато қилинмасин, ўша фазилати учун мақтайлик десак, унинг бошқа юзта нуқсони бизни хижолат қилиб қўяди.

Демак, Яратган Парвардигор - барча оламларнинг Эгасигина мақтовга Лойиқ Зотдир.

Оламлар деган сўзнинг ўзи араб тилида аломат деган сўздан келиб чиққан экан. Аломат деган сўз бизнинг ўзбекда ишлайди, бу белги деганидир. Яъни, ўн саккиз минг оламдан ҳар бир олам ўзининг Яратгувчиси - Ёлгиз Оллоҳнинг бор ва бир эканлигига аломат - белги экан. Ҳақиқатан, энг кичкина заррани қарасак ҳам, ёки жуда катта бир сайёрага назар солсак ҳам уларнинг ҳар бири ўзининг Яратгувчиси, парвариш қилиб бошқариб турувчиси бор эканлигига далолат қилиб туради. Мана, ҳозирги замонимизда, сиз билан биз яшаётган, шундай илм ривожланган, фан тараққий топган, хилма-хил асбоб-анжом, жиҳоз ва ускуналар бутун оламга тўлиб кетган бир даврда ҳам мана шу тараққиёт билан бирга бир пашшанинг қанотини ҳам яратишни имкони бўлмаётир. Дарҳақиқат, биз инсонлар учун бунинг имкони йўқ, бу фақат Оллоҳнинг қўлидан келадиган иш. Демак, бир пашшанинг қанотини бутун инсоният тўпланиб ярата олмаса, ўша пашшанинг қаноти ҳам Оллоҳнинг - Яратувчининг борлигига далолат қилиб турадиган бир аломат - белги экан.

3. Ар-Роҳманир-Роҳийм - Меҳрибон ва Раҳмли.

Бу оятни кариманинг маъноси юқорида айтиб ўтилди. Оллоҳ таоло шундай Меҳрибон ва Раҳмли Зот. Оллоҳ таолонинг ушбу буюк сифатлари "Бисмиллоҳда" ҳам келиб, яна бу ўринда қайта такрорланишининг сирри - сабаби тўғрисида муфассир уламолар шундай дейдилар: "Сиз билан биз - инсонлар ўзимизнинг ожизлигимиз, бепарволигимиз, илмсизлигимиз сабабидан умримизнинг кўп қисмини ибодатсиз, итоатсиз ўтказиб, нотўғри ишларга сарф қилиб, ёшимиз бир жойга етиб борганида тавба-тазарруъ қилиб, ибодат йўлига ўтайлик десак, шайтон дилимизга васваса солиб: "Сен шундай гуноҳлар қилдингки, энди сени Худо ҳеч ҳам кечирмайди", деб алдаганида ноумидликка тушиб

қолмаслигимиз учун Оллоҳ таоло яна бир бор бизларга: "Мен Меҳрибонман ва Раҳмлиман", деб сура ўртасида ҳам таъкидламоқда".

Яна бошқа бир оятда: **"Ла тақнатув мин раҳматиллаҳ". Яъни, "Оллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар"**, дейди Оллоҳ таоло. Бу оят билан Оллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига хитоб қилиб, айтадики: "Эй Муҳаммад алайҳис-салом, ҳаддаридан ошган, ибодатга бепарво бўлган бандаларимга айтиб қўйинг, Менинг раҳматимдан ноумид бўлмасинлар". Мана бу оятда Оллоҳ таоло ўзининг Раҳмонур-Раҳийм эканлигини таъкидлашлик билан сизларни вужудинглар, тақдиринглар барчаси Ёлғиз Менинг Қўлимда, агар Мен раҳматимга олсам ҳеч қайси гуноҳ Менга писанд эмас, кечираман деган маънони англатади. Шунинг учун Раҳмонур-Раҳийм сифатларини Оллоҳ таоло бу суранинг ўртасида бизга яна бир таъкидлаб ўтади.

Ҳақиқатан, Раҳмон сифати - меҳрибонлик сифати ҳамма нарсада кўринади. Нафақат Ерда ҳатто осмонда ҳам. Зотан, осмондаги қушларни тутиб турган ҳам Раҳмондир. Бу ҳақда Оллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **"Авалам йаров илат-тойри фавқоҳум соффатин ва яқбизна ма йумсикуҳунна иллар-Раҳмон - Устиларидаги қушларга бир қарамайдиларми? Улар қанотларини ёзиб саф бўлиб ёки қанотларини йиққан ҳолида ҳам Ерга қулаб тушмасдан осмонда турибдилар. Уларни фақат Раҳмон,** (яъни, Меҳрибон Оллоҳ) **ушлаб турибди".**

Осмондаги қушни Оллоҳ ушлаб турибди, буни кўзимиз билан кўриб турибмиз, бунга ақлимиз етади. Лекин биз турган Ер ҳам осмонда турибди, яъни, фазода айланиб турган сайёра, сиз билан биз неча миллиард инсоннинг ва барча жонзотларнинг ҳаёти ўтаётган мана шу заминимиз - мана шу Ерни ҳам Раҳмон ушлаб турибди. Оллоҳ таоло бир қушни осмонда ушлаб турганига ҳайрон бўлсагу, бу қадар буюк сайёрани ҳавода муаллақ ушлаб турган Раҳмон ва Раҳим бўлган Оллоҳ таоло эканлигини унутиб қўйсак тўғри бўлмайди.

Демак, Раҳмон бўлган Оллоҳимиз мана шундай Меҳрибон, гуноҳларни Кечгувчи, тавбаларни Қабул қилгувчи ва бутун оламни Ўз ҳикмати билан Бошқариб тургувчи Меҳрибон Зотдир.

Ибодатларимиз, яхши амалларимиз жуда оздир. Борлари ҳам жуда нуқсонлидир. Биз шу амалларимизга суяниб ҳеч нарсага етолмаймиз. Чунки бу амалларга бизни қодир қилган ҳам ўша Меҳрибон Оллоҳдир. Лекин Оллоҳ Ўзи бизларнинг билиб-билмай

қилган гуноҳларимизни кечаман деса, бизларни мана шу нуқсонли амалимизни қабул қиламан деса, у Раҳмоннинг Ўзининг Қўлидаги ишдир.

Мана, Саҳиҳул-Бухорийда Оллоҳ таоло тавба қилган бандасини қанчалар яхши кўриши ва гуноҳларидан ўтишлиги хусусида кўплаб ҳадислар ворид бўлган. Ривоят қилинишича, Пайғамбар алайҳис-салом жиҳод вақтида асир тушган кишилар орасида бир аёлни шу асирларнинг гўдак-чақалоқларини эмизаётганини кўрсатиб саҳобаларига: "Мана шу хотин ўзининг боласидан бошқа чақалоқларни ҳам эмизяпди, шу аёлга ўз болангни ўтга ташла деб буюрилса, ташлайдими?", деб сўрадилар. Саҳобалар: "Ҳеч қачон, ўзини ўтга ташласа ташлайдию, лекин боласини ўтга ташламайди", дедилар. Шунда Пайғамбаримиз: "Оллоҳ таоло ҳам бандасини ўтга ташлашни истамайди. Бу онанинг ўз боласига бўлган меҳридан кўра Оллоҳнинг сиз билан бизга бўлган меҳри буюкроқ, улуғроқдир" дедилар.

Ёки яна бир ҳадисда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар: "Туя миниб кетаётган бир мусофир чарчаб, истироҳат қилгани тушиб, озгина дам олиб кўзини очса миниб келган туяси устидаги бор нарсалари билан йўқ эмиш. Чор атрофдан қидириб, ҳеч қаердан тополмасдан чарчаб, хориб келиб яна ухлаб қолибди. Бироз вақт ўтгач уйғониб қараса, йўқолган туяси қайтиб келиб қолган экан. Ўша инсон шу пайтда қанчалар хурсанд бўлади", дедилар ҳазрати Расулуллоҳ, сўнгра қўшимча қилдилар: "Сиз билан биз гуноҳларимизга тавба қилиб Оллоҳга қайтсак, Меҳрибон Оллоҳимиз бундан ҳам кўпроқ хурсанд -рози бўлади" Ҳар бир яхши амалингиз учун мукофотлар ато этаман, тавбаларингизни қабул қиламан деб турган Зотдан ҳам меҳрибон биров борми? Шунинг учун ҳам бу сураи каримада Оллоҳ таолонинг Раҳмонур Раҳим деган сифати яна бир бор зикр қилинди

4. Малики явмиддин - Дин-Жазо Кунининг Эгаси.

Дин сўзи жазо маъносини англатади. **Явмуд-дин** - Жазо Куни деганидир. **Малики явмид дин** - Жазо Кунининг Эгаси - Подшоҳи деганидир. Бу Ёлгиз Оллоҳ таолонинг сифатидир. Яъни, бу дунёда турли подшоҳлар бўлиши мумкин, яхши-ёмонлари ҳам, адолатли ва золимлари ҳам бўлиши мумкин ва уларнинг подшоҳликлари шу дунёнинг ўзидаёқ тугашини ҳам кўриб турибмиз, қанчадан-қанча подшоҳлар бу дунёдан ўтиб - йўқ бўлиб кетганларини ҳам кўриб-эшитиб турамиз. Демак, булар шу дунёнинг муваққат мансаб-лавозимлари экан.

Лекин ҳақиқий дунё бўлган Охират диёрида битта Подшоҳ бор - У Оллоҳдир Жазо Кунининг Эгасиман - Подшоҳиман, дейди Оллоҳ таоло.

Биз "дин" сўзи жазо деган маънода келишини айтдик. Диндор дегани ўша жазо борлигига ишонадиган инсон деганидир. Мана, диндор билан динсизнинг фарқи шу сўзнинг ўзида аён бўлади. Фақат бугунни ўйлайдиган, ҳозирнинг ҳузурини кўзлайдиган, келажакда - Охират диёрида нима бўлиши ҳақида тафаккур қилмайдиган инсонни динсиз дейилади. Яъни, ундай кимса қилаётган иши савобми, гуноҳми эканлигига ёки бировларга манфаатми, зиёнми эканлигига ҳам қарамайди. Ҳозир роҳат қилиб қолсам, ҳозир топиб қолсам, айшу ишрат қилиб қолсам бўлди дейди. Мана шу инсон динсиз инсон бўлади. Диндор эса худди рўзадор деганда рўзани ушловчини тушунганимиз каби, диндор деб динни тутувчини тушунамиз. Динни ушлаб турган диндор инсон эса ҳар бир ишида шу ишни қиляпман, эртага шунинг жазоси бор, ўлганимдан кейин Қиёмат Кунида Оллоҳ олдида шу ишимга жавоб бераман деб ишонадиган инсондир. Бошқача айтганда, ҳақиқий инсон диндор бўлади. Масалан, ҳайвон хоҳлаган ишини қилиши мумкин, уни биров айбламайди. Чунки Оллоҳ унга яхши-ёмонни ажратадиган ақл бермаган. Аммо инсонга эса Оллоҳ таоло ақл-фаросат неъматини ато этганки, агар у шу ақли билан иш тутмаса, ҳалолни ҳаромдан ажратмаса, савобни гуноҳдан ажратмаса, у инсон ҳайвондан фарқсиз бир махлуқ бўлади. Диндор инсон эса ҳар бир ишини эртага Оллоҳ олдидаги жазо, масъулиятни ўйлаб қилади. Мана шу диндорликдир, мана шу ҳақиқий инсонликдир.

"Явмуд-дин" - Жазо Куни дедик. Бу сўз шундоқ осонгина айтиб қўйиляпти, лекин бу Кунни сиз билан биз тўла тасаввур қила олмаймиз. Ҳатто Ҳазрати Муҳаммад алайҳис-саломга Жаноби Ҳақ таоло миннат қилиб айтади: "Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Жазо Куни қандай Кун эканлигини қаердан ҳам билардингиз, Сиз билмайсиз, яна бир бор айтаман йўқ Сиз билмайсиз", - дейди.

Яъни, биз юқоридаги ояти каримадан ўрганиб, Расулуллоҳнинг ҳадисларидан эшитиб Жазо Куни бор, деб иймон келтирамиз, лекин уни бутун ҳолатида, бутун хатари билан, бутун кўлами билан, бутун даҳшати билан билолмаймиз, то бориб кўрмагунча тўла ҳис қилолмаймиз. Оллоҳ таоло ўзининг энг улуг бандасига, энг яқин дўстига, бутун оламлар учун раҳмат қилиб юборилган энг сўнгги Пайғамбарига "Сиз ҳам билмайсиз, фақат Мен биламан", дейди

Оллоҳ таоло у Кун ҳақида яна: **"Явма ла тамлику нафсун линафсин шайъан - Жазо Куни ҳеч бир жон бирон жон учун бирон иш қилишликка эга бўлолмайдиган Кундир"**, деди.

Яъни, бу дунёда бирор хато қилсак бизнинг йўлайдиганларимиз чиқади, ўшаларнинг қўллаб юборишлари билан айрим жазолардан қутулиб ҳам кетишимиз мумкин лекин "У Кунда ҳеч ким бировнинг орасига туша олмайди. У Кунда Ёлгиз бир подшоҳ бўлади, у Менман", дейди Оллоҳ таоло.

5. Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн - Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз.

Мана бу Илоҳий Сўзлар билан биз ҳар куни, намозимизнинг ҳар ракаатида ўқийдиган ушбу сураи каримада Оллоҳ таологa илтижо қилиб - Ёлгиз Сенгагина ибодат қиламиз. Чунки ҳамду санога Лойиқ Ўзингсан, Оламларнинг Хожаси Ўзингсан, энг Меҳрибон ва энг Раҳмли ҳам Ўзингсан, бу дунёгина эмас Охират Кунининг Эгаси ҳам Ўзингсан, бас, Сендан бошқа кимга ибодат қиламиз, албатта Ёлгиз Ўзингта ибодат қиламиз, Ёлгиз Ўзингдан мадад сўраймиз, деб ваъда берамиз.

"Ийяка наъбуду" Мана бу сўз ҳар бир кишининг мўмин бўлишлиги ва динга киришлигининг калити бўлган "Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадуррасулуллоҳ" калимасининг маъносидир. "Ҳеч қандай худо йўқ, Ёлгиз Оллоҳ бордир. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Оллоҳнинг элчисидир", деб иймонга кирган эканмиз, "ийяка наъбуду" деган сўзимиз ҳам худди шу маънони билдиради. Яъни, Сендан бошқа ҳеч қандай худо йўқ, Сен Ўзинг Ёлгизсан, Сендан бошқа сигинадиганимиз йўқ, Сендан бошқа суянадиганимиз йўқ, Сендан бошқа биров бизга ёрдам ҳам беролмайди.

"Ва ийяка настаъийн" - Ёлгиз Ўзингдангина мадад сўраймиз". Демак, биз эътиқод қиламизки, бизларга мадад берадиган биргина Зот бор, У Зот Ягона Оллоҳдир. Оллоҳ хоҳламаса ҳеч ким бизга бирор яхшилик қила олмайди, Оллоҳ хоҳламаса ҳеч ким бизга ёмонлик ҳам қила олмайди.

Мана бизлар Оллоҳнинг номи билан бошлаб, ҳамду сано билан Оллоҳнинг сифатларини айтиб, Унинг Ўзи бу дунё ва Охират Эгаси эканлигини эътироф этиб, Ўзигагина ибодат қилиш, Ўзидангина мадад сўраш ваъдасини бериб туриб энди навбатда қуйидаги оятни каримани ўқиймиз:

6. "Иҳдинас сиротол мустақим - Ўзинг бизни Тўғри Йўлга ҳидоят қилгин".

Мана шу оят сураи Фотиҳанинг юрагидир. Бизларга Оллоҳимиз ушбу сурани ўқишни буюрар экан, мана шу дуони қилишимиз учун буюрган. Яъни, **"Ўзинг бизларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилгин".** Оллоҳдан бизнинг тиланчимиз, дуойимиз, илтижойимиз, ёлвориб сўрайдиган нарсамиз шудир.

Сирот - бу йўлдир. **Мустақим** - тўғри деган маънони англатади. **Иҳдина** - деган сўз ҳидоят қилгин, йўллагин, бошлагин, етаклагин деган маънодадир. Ушбу оятда бизлар бу дунёдаги ҳаётимизни адашмасдан, эгри йўлларга кириб кетмасдан, адашиб залолатга тушиб қолмасдан ўтиб олишимиз учун ҳар куни, ҳар соатда, намозимизнинг ҳар ракаатида "Ўзинг бизни Тўғри Йўлга ҳидоят қилгин", деб сўраб туришимиз барча оламларнинг Парвардигори, Жазо Кунининг Эгаси бўлмиш Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ таоло томонидан бизга буюрилди. Демак, бизлар ўзимизнинг илмимизга ёки ақлимизга ёки нимадир бошқа нарсамизга суяниб Тўғри Йўлни топаман десак, ўша адашганимиздир. Чунки бизни Оллоҳ ҳидоят қилсагина Тўғри Йўлни топамиз.

"Сиротул-мустақим" деган сўзни тафсир қилиб, **"Сирот"** бу Қуръондир, дейди баъзи уламолар. Бошқа баъзи уламолар эса, **"Сирот"** бу Исломдир дейдилар. Яъни, бизларни Тўғри Йўлга бошлагин дегани - бизларни Ўзингнинг Каломингга бошлагин, ҳаётимизни Сенинг Каломинг андозасида, Сен буюрган ишларни адо қилиб ўтказишга бошлагин, деганимиз бўлади.

Бошқа уламолар эса, Исломингга бошлагин яъни, адашиб, динсиз бўлиб, нотўғри ишларни, нотўғри йўлларни дин қилиб, залолатда ўтиб кетмасдан, Исломингга, ҳақиқий Дининг, сўнгги мукаммал Динингга эриштиргин, ҳидоят қилгин, деганимиз бўлади, деб ҳам тафсир қиладилар. Мана шу бизлар доим Оллоҳдан сўрашимиз лозим бўлган нарсадир. Чунки Оллоҳнинг Йўлига киришлик осон эмас. Бу Ёлгиз Оллоҳнинг ҳидояти билан бўлади. Агар биз астойдил сўрасак, ҳаракат қилсак Оллоҳ таоло бизни Ўзининг Тўғри Йўлига йўллайди.

Мана шу Ҳидоятдир. Яъни, Оллоҳ таоло бутунлай бошқа йўлда юрган, бошқа тарафни истаб юрган одамларни бу Тўғри Йўлга мажбуран буриб қўймайди, балки Ўзи истаган инсонларни, Ўзидан Ҳақ йўлни сўраган инсонларни Тўғри Йўлга бошлайди.

"Бизни ҳидоят қилгин" деганимиз бизларни ҳам ўша Тўғри Йўлингни излаган одамларнинг қаторида қилгин, деганимиздир.

Чунки, мусулмонларининг орасида ҳам Тўғри Йўлга юришликдан узоқда бўлган кишилар йўқ эмас.

Одамлар ёзган нарсаларни Қуръондан кўра афзалроқ деб ўйлаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Бошқа ҳар қандай китоб Оллоҳнинг Китобига қандай баробар келади? Нега улар адашадилар? Шуни билмайдиларми, деб сўрарсиз? Билмайдилар, чунки, уларни Оллоҳ ҳидоят қилган эмас. Буни Оллоҳ ҳидоят қилса биламиз.

Биз оддий инсонлар Қуръон нақадар улуғ Китоб эканлигини сўз билан етказиб беролмаймиз. Тўғри Йўлда бўлишимиз учун Исломнинг асоси бўлган Қуръоннигина ушлашлигимиз керак эканлигини Ёлгиз Оллоҳдан бошқа ҳеч ким бировга етказиб беролмайди. Агар Оллоҳ таоло Ўз инъоми - марҳамати билан кимнинг онгига, вужудига, қалбига Тўғри Йўлга бўлган муҳаббатни сингдирар экан, мана шу Оллоҳнинг ҳидоятидир. Қуйидаги ояти каримада ана ўша Оллоҳнинг инъомига сазовор бўлган зотлар ҳақида сўз боради.

7. Сиротоллазийна анъамта алайҳим гойрил магзувби алайҳим ва лаз-золлийн - *(Бизларни)* **шундай зотларнинг йўлига** *(бошлагин)***ки, Сен Ўзинг уларга** *(Тўғри Йўлни)* **инъом қилгансан - улар** *(Сен томондан)* **ғазабга дучор бўлмаганлар ва залолатга кетмаганлар - адашмаганлар.**

Яъни, "Эй Парвардигор, бизларни Сенинг ғазабингга дучор бўлмаган, залолатга кетмаган, Тўғри Йўлдан озмаган бандаларингга инъом қилган Йўлингга ҳидоят қилгин". Хўш Оллоҳ таолонинг инъомига кимлар сазовор бўлган? Бу ҳақда бошқа бир сурада хабар берилишича, улар пайғамбарлар, сиддиқлар - чин иймон, ихлос эгалари, Оллоҳ Йўлида қурбон бўлган шаҳидлар ва Оллоҳнинг буюрган амалларини адо қилган солиҳлардир.

У ҳолда Оллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўлганлар кимлар эди? Муфассир олимлар жаноби Расулуллоҳ алайҳис-саломнинг саҳобаларидан ривоятлар қиладиларки, Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлганлар - яҳудлар эди.

Залолатга кетганлар кимлар эди? Жаноби Расулуллоҳ соллоллоҳуалайҳи ва саллам дедиларки: "Насоролар - адашганлардир".

Яҳудлар нега Оллоҳнинг ғазабига гирифтор бўлдилар? Бунинг сабаби, улар Оллоҳ таолони таниган кишилар эдилар. Оллоҳнинг пайғамбари - Мусо алайҳис-саломга иймон келтирган эдилар. У зотга нозил бўлган Таврот Китобида уларга Оллоҳнинг охирги

Пайғамбари Муҳаммад алайҳис-салом келиши ҳақидаги хабар ҳам нозил бўлган эди Пайғамбар алайҳис-салом дунёга келишларидан, ҳали Пайғамбар бўлишларидан илгари яҳудийлар "Ҳали бир Пайғамбар келади, биз унга ёрдамчи бўламиз", деб даъво қилар эдилар Лекин Оллоҳ таоло Пайғамбар алайҳис-саломни яҳудлардан эмас араб қавмидан чиқарганида булар бирдан тўнларини тескари кийиб, кофир бўлдилар

Оллоҳ таоло Қуръонда айтади **"Қачонки уларга** *(яҳудларга)* **ўзлари билган нарса келгач, улар** *(ўзлари билган)* **нарсани инкор қилиб, кофир бўлдилар. Бас, Оллоҳнинг лаънати бўлсин бу кофирларга".**

Яна бошқа бир ояти каримада келади:

"Фа баув би ғазабин ъала ғазаб" - Яъни, **"Улар ғазаб устига ғазаб билан қайтдилар".**

Яъни, бутунлай ғазаб остида қолдилар, деб яҳудийларни Оллоҳ таоло лаънатлайди. Нима учун? Улар билганига амал қилмаганлари учун. Ўзлари таниган охир замон Пайғамбарига иймон келтирмаганликлари учун.

Энди насронийлар нима сабабдан адашганлар деб, сифатланди деб сўралса, насронийларнинг залолатда эканлиги уларга ҳам Оллоҳ пайғамбар юборди. Ҳазрати Ийсо алайҳис-салом уларга пайғамбар бўлиб келди. У пайғамбарга Оллоҳ Инжил номли Китоб нозил қилди. Лекин бу насронийлар Оллоҳнинг пайғамбари бўлган Ийсони худо дедилар - адашдилар. У пайғамбарнинг онаси бўлган Марямни ҳам худо дедилар - адашдилар Адашиш бундан ортиқ бўлмайди. Шунинг учун Оллоҳ таоло уларни бир сўз билан адашганлар деб номлайди. Яъни, Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилмай, илоҳни учта дедилар - Оллоҳ, Оллоҳнинг аёли Марям, Оллоҳнинг ўғли Ийсо дедилар Бундан ортиқ адашиш бўладими?!

Яна улар шундай адашдиларки, қўлларида Ийсо алайҳис-саломга тушган Инжил ҳам қолмади Бирон китобга эргашишликка имкон топмай қолдилар Инжил деб аталган китоб турибди, лекин Ийсо алайҳис-саломга тушган Инжил эмас у. Ер юзининг бирон ерида бу Китобнинг асл нусхаси қолмаган Буни улар ўзлари ҳам тан оладилар Қаерда бўлмасин Инжилнинг таржималари ўқилади. Унинг етмишдан ортиқ таржимаси бор Лекин аслий нусхаси ҳеч кимда, ҳеч қаерда йўқ. Мана ҳақиқий Китоб бўлган Қуръони Каримнинг бирон ҳарфи ҳам заҳа бўлмасдан, йўқолмасдан қўлимизда турибди. Шунинг учун Қуръонни тафсир қилганимизда бизларнинг тафсир-таржималаримизни хато еки тўғрилигини

аслига солиштириб билиб олиш мумкин. Аммо Инжил таржималарини солиштирадиган асл нусха йўқ. Демак, Насронийлар йўлдан озиб, адашиб, Тўғри Йўлни истасалар ҳам тополмайдиган даражага тушдилар. Биз мўмин-мусулмонлар мана шундай адашганларни йўлларидан узоқ қилишини сўраб Оллоҳга дуо қилишимиз керак. Яъни, ғазабингга дучор бўлмаган ва адашмаган бандаларингга инъом қилган йўлинг бўлган Тўғри Йўлга бошлагин деб Оллоҳ таологa илтижо қилишимиз ушбу муборак суранинг қалбидирки, бизларга Парвардигоримиз мана шундай дуони қилишимизни буюради. Савол туғиладики, нега Оллоҳ таоло тўғридан-тўғри яхудийлар, насронийлар демасдан, улар ҳақида ғазабга дучор бўлганлар, адашганлар, деган иборалар қўлланди? Бунинг сабаби шундаки кимда-ким ўша яхудларга ўхшаб билганларига амал қилмаса ёки насронийларга ўхшаб Оллоҳга ширк келтирса, ундай кимсалар қайси миллатдан бўлишларидан қатъий назар Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлган ва йўлдан озган - адашган ҳисобланадилар. Шу боисдан биз Оллоҳ таологa илтижо қилиб сўраймиз. "Парвардигоро, Сен бизларни ғазабга дучор бўлган кимсалар йўлини тутувчилардан қилмагинки, улар Ҳақни таниб туриб унга амал қилмаган яхудийлар ва уларга ўхшаган кимсалардир. Яна бизларни йўлдан озганлардан қилмагинки, улар Тўғри Йўлни топмасдан адашган насронийлар ва уларнинг изидан эргашган кимсалардир". Ушбу дуода мусулмон қалб учун бўйинсунмаслик, нодонлик ва йўлдан тойиш иллатларидан халос қилгувчи шифо ҳамда Исломдек Буюк Илоҳий неъматга далолат бор. Бас, ким Ҳақни яхши билгувчи ва унга доимо эргашувчи бўлса, ана ўша инсон Тўғри Йўлга ҳақдорроқ бўлади. Шубҳасиз ўтган пайғамбарлардан кейин Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ушбу неъматга энг лойиқ кишилар эдиларки, юқоридаги оят ана ўша зотларнинг фазилатларига ва улуғ манзилатларига ҳам далолат қилди. Оллоҳ улардан рози бўлғай!

Ўқувчи учун "Фотиҳа" сурасини ўқигандан сўнг "Омин", дейиши чиройли иш бўлиб, бунинг маъноси. "Оллоҳим ижобат қилгин" демакдир. Бу сўз уламолар иттифоқи билан "Фотиҳа" сурасидан бир оят эмасдир. Шунинг учун ҳам уларнинг барчалари "Омин"ни Мусҳаф - Қуръон Китобларига ёзилмаслигига қарор қилганлар.

БАҚАРА сураси (2)

Бу сура Мадинада нозил қилинган бўлиб, икки юз саксон олти оятдан иборат. У Қуръондаги энг узун сурадир

Бу сурада эътиқод, ибодат, муомала, ахлоқ, никоҳ, талоқ, идда ва бошқа Шариат ҳукмлари борасида сўз кетади Бу суранинг аввалида мўминлар, кофирлар, мунофиқлар ва иймоннинг ҳақиқати, куфр ва нифоқнинг моҳияти баен қилинади. Сўнгра башарият отаси Одам алайҳис-салом қиссаси зикр қилиниб, у зот яратилган вақтда бўлиб ўтган ибратли воқеа-ҳодисалардан хабар берилади.

"Бақара" оятларининг қарийб учдан бир қисмини "аҳли Китоблар" (Таврот ва Инжилга иймон келтирганлар), хусусан яҳудийлар ҳақидаги маълумотлар ташкил қилади. Кейин судхўрлик жинояти тўғрисида маълумот берилиб, Оллоҳ ва Пайғамбар бу жиноятга қарши уруш эълон қилганликлари уқтирилади.

Суранинг хотимасида эса мўминларни Оллоҳ таолога тавба-тазарруъ қилишга ва Унинг Ўзидангина мадад тилашга чақирилади.

Бу сура нима учун "Бақара - Сигир" сураси деб аталган?

Қадимда бани Исроил қавмидан бўлган бир киши ўлдирилади. Аммо унинг қотилини топа олмайдилар Шунда Оллоҳ таоло Мусо алаиҳис-саломга "Қавмингга айтгин, бир сигир сўйиб, унинг бир бўлаги билан ўликни урсинлар", деб буюради. Оллоҳнинг буйруғини бажо қилганларида ҳалиги ўликка жон кириб, қотили кимлигини айтади

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Алиф, Лом, Мим.

Изоҳ: Қуръондаги бир неча сура мана шундай ёлғиз-ёлғиз ҳарфлар билан бошланади Кўпчилик Ислом уламолари наздида мазкур ҳарфлар "Хуруфи муқаттаот", яъни, маънодан узилган ҳарфлар саналиб, уларнинг маъноси Ягона Оллоҳгагина маълумдир.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

الٓمٓ ١ ذَٰلِكَ ٱلْكِتَٰبُ لَا رَيْبَ فِيهِ هُدًى
لِّلْمُتَّقِينَ ٢ ٱلَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِٱلْغَيْبِ وَيُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ
وَمِمَّا رَزَقْنَٰهُمْ يُنفِقُونَ ٣ وَٱلَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِمَآ أُنزِلَ
إِلَيْكَ وَمَآ أُنزِلَ مِن قَبْلِكَ وَبِٱلْآخِرَةِ هُمْ يُوقِنُونَ ٤
أُو۟لَٰٓئِكَ عَلَىٰ هُدًى مِّن رَّبِّهِمْ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ
هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ٥

Лекин олимлар орасида "Алиф - Оллоҳ, Лом - Жаброил (Оллоҳ билан пайғамбар ўртасидаги воситачи фаришта), Мим - Муҳаммад алайҳис-салом", деб бу ҳарфларга маъно берувчилар ҳам бор.

Жаноби Ҳақ Ўзининг Муқаддас Каломидаги айрим сураларни мана шундай, одамлар осон ўқиб-англайдиган ҳамда ўзаро мулоқот ва ёзувларида ишлатадиган оддий ҳарфлар билан бошлашида яна бир Илоҳий ҳикмат зоҳирдир. Яъни, масалан қора лойдан энг ҳунарманд ёки санъаткор киши ҳам нари борса бирон одамнинг ҳайкалини ясаши мумкин, аммо Оллоҳ таоло ана ўша қора лойдан ҳазрати Одам алайҳис-саломни яратди. Худди шу янглиғ оддий ҳарфлар билан Ҳақ таоло шундай Буюк Илоҳий Мўъжиза - Қуръонни нозил қилдики, бундай Сўзни айтиш бирон инсоннинг қўлидан келмас.

2-3. *(Оллоҳ таолонинг Ҳақ Каломи эканлигида)* **ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу Китоб ғойибга ишонадиган, намозни тўкис адо этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладиган тақволи кишилар учун Ҳидоят - Тўғри Йўлдир. 4. Улар Сизга нозил қилинган ва Сиздан илгари туширилган нарсаларга** *(динларга)* **иймон келтирадилар ва Охират Кунига аниқ ишонадилар. 5. Парвардигорлари тарафидан ҳидоят топганлар ана ўшалардир ва нажот топувчилар ҳам уларнинг ўзидир.**

Изоҳ: Бу оятларда Оллоҳ таоло мўминларнинг сифатларини баён қилди. Энди ўртадаги фарқ аниқ бўлиши учун кофирларни сифатлашга ўтилади.

6. Куфр йўлини тутган кимсалар эса хоҳ Сиз *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **уларни** *(Оллоҳ таолонинг азобидан)* **қўрқитинг, хоҳ қўрқитманг, уларга баробардир - иймон келтирмайдилар. 7. Оллоҳ уларнинг дилларини ва қулоқларини муҳрлаб қўйган. Кўзларини эса парда қоплаб олган. Улар учун буюк азоб бордир.**

Изоҳ: Юқоридаги оятлар мазмунидан бизга Ислом дини назарида мўмин ким-у, кофир ким эканлиги маълум бўлади. Яъни, ғойибга - Оллоҳ таолога, Охират Кунига, жаннат ва дўзахнинг бор эканига, фаришталарга, мухтасар қилиб айтганда, оддий инсон кўриши - билиши мумкин бўлмаган барча нарсаларга фақат улар ҳақида Оллоҳ ва У Зотнинг Пайғамбари хабар бергани учун иймон келтирадиган, намозни тўла-тўкис адо этадиган, Оллоҳ таоло берган неъматлардан бошқаларга эҳсон - яхшилик қиладиган, Қуръон ва ундан олдин келган бошқа Илоҳий Китобларга иймон келтирадиган ва бу дунёдан бошқа яна бир дунё - Охират борлигига

ишонадиган тақволи (Оллоҳдан қўрқувчи, ҳаромдан парҳез қилувчи) кишиларгина мўминлар экан. Кимда мазкур сифатлар топилмас экан, у кофир бўлади. Шу ўринда бизда ёйилган бир ақида - илгари мўмин-мусулмонлар яшаб ўтган ватанда истиқомат қиладиганларнинг барча авлодлари у авлодлар ўз аждодларининг ақидалари бўлган дини Исломда барқарор бўладиларми, йўқми мўмин-мусулмон ҳисобланаверадилар, деган кўз қараш нотўғри эканлиги маълум бўлади. Демак, ҳар бир кишининг мўмин ё кофирлиги унинг иймон-эътиқоди ва амалда қиладиган ишига қараб белгиланиши лозим экан.

Энди мунофиқлар қандай кимсалар эканини қуйидаги оятлардан билиб оламиз.

8. Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, ўзлари мўмин бўлмаганлари ҳолда "Оллоҳга ва Охират Кунига иймон келтирдик", дейдилар. 9. Улар Оллоҳни ва иймонли кишиларни алдамоқчи бўладилар ва ўзлари сезмаганлари ҳолда фақат ўзларинигина алдайдилар. 10. Уларнинг дилларида мараз - иймонсизлик бор эди, бас, Оллоҳ маразларини янада зиёда қилди. Улар учун қилган ёлғонлари сабаб аламли азоб бордир. 11. Уларга: "Ер юзида бузғунчилик қилманглар", дейилса: "Шак-шубҳасиз, биз ислоҳ қилувчилармиз - ўнгловчилармиз", дейдилар. 12. Огоҳ бўлингизким, улар албатта бузғунчилардир, лекин ўзлари буни сезмайдилар. 13. Уларга: "Мана бу кишилардек иймон келтиринглар", дейилса, "Шу пасткашларга ўхшаб мўмин бўламизми?", дейдилар. Огоҳ бўлингизким, уларнинг ўзлари тубан кимсалардир, лекин буни билмайдилар.

Изоҳ: Исломни қабул қилган зотларнинг кўпчилиги камбағал, фақир кишилар ва ҳатто Суҳайб, Билол каби қуллар эдилар. Мунофиқлар ўзларича: "Мана шу зоти пастларга ўхшаб мўмин бўламизми?", дейишар эди.

14. *(Мунофиқлар)* иймон келтирган зотларга йўлиққанларида: "Биз ҳам иймон келтирдик", дейдилар. Ўзларининг шайтонлари *(бошлиқлари)* билан холи қолганда эса: "Биз албатта сизлар билан биргамиз, фақат *(мўмин бўлдик, деб уларнинг устидан)* кулмоқдамиз, холос", дейишади. 15. Оллоҳ уларнинг устидан кулади ва ўз туғёнларида адашиб-улоқиб юришларини давомли қилади. 16. Улар Ҳақ Йўлнинг ўрнига залолатни сотиб олган кимсалар бўлиб, бу савдоларида фойда қилмадилар ва Тўғри Йўлга юрувчилардан бўлмадилар. 17. Улар мисоли бир олов *(машъала)* ёқувчига ўхшайдилар. Энди олов

атрофини ёритганида Оллоҳ ёругликни кетказиб, уларни ҳеч нарсани кўролмайдиган ҳолда зулматларда қолдиради. 18. *(Улар)* кар, соқов, кўрдурлар, демак, *(йўлларидан)* қайтмайдилар. 19. Ёки *(улар)* чақмоқ, момоқалдироқ, қоронгуликлар билан осмондан қуяётган ёмгир остида яшиндан қўрққанларидан панжаларини қулоқларига тиқиб олган ҳолларида ўлим - ҳалокатдан қочмоқчи бўлиб турган кимсалар кабидирлар. Оллоҳ эса кофирларни ўраб олгувчидир. 20. Яшин кўзларини кўр қилгудек бўлади. У *(атрофни)* ёритганида юрадилар, ўчганида туриб қоладилар. Агар Оллоҳ хоҳласа қулоқ ва кўзларини йўқ қилган бўлур эди. Шубҳасиз, Оллоҳ ҳар нарсага Қодирдир.

И з о ҳ: Мазкур оятларда мунофиқларнинг сифатлари Илоҳий Қалам билан чизиб берилди. Улар бир умр Оллоҳни ҳам мўмин-мусулмонларни ҳам алдаб кун кечирадилар, бироқ ўзлари сезмаган ҳолларида фақат ўзларини алдайдилар ва ўзларига зиён қиладилар. Уларнинг мўминлар либосида юришлари фақат дунёвий фойда кўриш учундир. Шу боис, қачон мўминлар қаторида бўлиш кўзларига фойдали кўринса, обрў келтирадиган бўлса, худди яшин атрофни ёритгандек бўлади ва улар мўминлар қаторида юриб оладилар, аммо иймон сабабли бирор мусибатга - машаққатга дучор бўлинадиган бўлса, мунофиқлар назарида бутун дунё зимистонга айланади ва улар мўминлар сафларидан чиқиб, кўзларига фойдалироқ кўринган куфр тарафга ўтиб оладилар - ҳақиқий башаралари очилади. Дарҳақиқат, мунофиқлар кофирлардан ёмонроқдир.

Сура аввалидан бошлаб инсоният оламининг уч тоифаси - мўминлар қандай зотлар, кофирлар кимлар ва мунофиқлар қандай кимсалар экани баён қилингач, қуйидаги оятда Жаноби Ҳақ барча башариятга хитоб қилади:

21. Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан илгари ўтганларни тақво эгалари бўлишингиз учун яратган Парвардигорингизга ибодат қилингиз. 22. У Зот сизлар учун Ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ бўлсин, деб мевалар чиқарди. Бас, билиб туриб ўзгаларни Оллоҳга тенглаштирмангиз! 23. Агар Биз бандамизга туширган нарсадан *(Қуръондан)* шак-шубҳада бўлсангизлар, у ҳолда шунга ўхшаган биргина сура келтиринглар ва Оллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринглар - агар ростгўй бўлсангизлар. 24. Энди агар бундай қилолмасангизлар - ҳаргиз қилолмайсизлар ҳам - у ҳолда кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқинглар, унинг ўтини одамлар ва тошлардир.

Изоҳ: Ушбу оятда куфр аҳли учун тайёрлаб қўйилган дўзах зикр қилингандан кейин аҳли иймон учун мукофот қилиб бериладиган жаннат таърифланади. Зотан, Қуръоннинг услуби шундай: ёмон билан яхши, дўзах билан жаннат, роҳат билан азоб, хитоб билан итоб (танбеҳ) аксари ҳолларда ёнма-ён зикр этилади.

25. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга хушхабар берингки, улар учун остларидан дарёлар оқиб турувчи жаннатлар бор. Қачон уша *(жаннат)*ларнинг бирор мевасидан баҳраманд бўлсалар, "Илгари татиб кўрган нарсамиз-ку", дейишади. Зеро, уларга *(сурати)* бир-бирига ўхшаш мевалар берилади. Ва улар учун *(жаннатларда)* покиза жуфтлар бордир. У зотлар *(жаннатларда)* абадий қолгувчилардир.

Изоҳ Бу оятда дунё бахт-саодати билан Охиратдаги жаннатнинг фарқи ифодаланган: эҳтимол, бу дунёда ҳам жаннатдек боғларда турли ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиб, покиза умр йўлдошлари билан бахтиёр умр кечираётган кишилар кам эмасдир. Лекин бу бахтли ҳаётнинг биргина нуқсони борки, у ҳам бўлса бир куни тугаб қолишидир. Жаннатнинг фазилатларидан бири унинг боқийлигидир. Фақат бу боқий ҳаётга етиш учун фоний дунёда иймон-эътиқод билан яхши амаллар қилиб яшаш шартдир.

26-27. Оллоҳ чивин ёки ундан-да ҳақир нарсалар ҳақида масал айтишдан ҳеч тортинмайди. Иймонли кишилар унинг *(масалнинг)* ҳақиқатан, Парвардигорлари тарафидан эканини биладилар. Кофирлар эса: "Буни мисол қилиш билан Оллоҳ нима демоқчи?", дейдилар. Бу масал сабаб *(Оллоҳ)* кўпларни адаштиради ва кўпларни *(Ҳақ Йўлга)* ҳидоят қилади. Бу *(масал)* сабаб фақат Оллоҳнинг аниқ кўрсатмаларини бузадиган, У боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган фосиқ кимсаларнигина адаштиради. Улар, шубҳасиз, зиён кўргувчилардир.

Изоҳ: Қуръонда асалари, чивин, ўргимчак, чумоли каби майда жониворларнинг ибратли томонларини кўрсатиб берадиган масаллар келганида, баъзи бировлар: "Бу Китоб Илоҳий Китоб бўлганида бундай майда-чуйда ҳашаротлар ҳақида гапирилмаган бўларди", дейишди. Шунда Оллоҳ таоло ўша ҳашаротларни яратишга уялмагани, бинобарин уларни мисол қилишдан ҳам ҳеч қачон ор қилмаслигини баён этиб, мазкур оятларни нозил қилди.

"Оллоҳнинг аниқ кўрсатмалари" - Муҳаммад Пайғамбарнинг келиши ва унга иймон келтириш лозимлиги Таврот, Инжил ва бошқа самовий Китобларда ҳам аниқ кўрсатилган эди.

"У боғланишига буюрган нарсалар" - ота-онага оқ бўлмасдан уларнинг ризолигини олиш, қариндош-уруғчилик ришталарини маҳкам тутиш ва бошқа мўмин-мусулмонлар билан меҳр-оқибатли бўлиш кабилардир.

"Ер юзида бузғунчилик қилиб юриш" - одамлар орасида фитна-фасод қўзғаш, иймон-эътиқод йўлларига тўсқинлик қилиш ва бошқа бузуқ ишлар билан машғул бўлиш, деган маънони англатади.

28. Ўлик танангизга жон берган, кейин ўлим берадиган, сўнгра яна тирилтирганидан кейин Ўзига қайтажагингиз - Оллоҳга қандай кофир бўласизлар-а?! 29. У шундай Зотки, сизлар учун Ердаги барча нарсаки яратди. Сўнгра самога юзланди-да, уларни етти осмон қилиб тиклади. У ҳамма нарсани Билгувчидир. 30. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, эсланг, Парвардигорингиз фаришталарга: "Мен Ерда *(Одамни)* халифа қилмоқчиман", деганида, улар айтдилар: "У Ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани *(халифа)* қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сени*(нг номингни мудом)* пок тутамиз". *(Оллоҳ)* айтди: "Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан". 31. Ва У Зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб деди: "Агар *(халифаликка биз ҳақдормиз, деган)* сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдиринглар!" 32. Улар айтдилар: "Эй Пок Парвардигор, биз фақат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Албатта Сен Ўзинг илму ҳикмат Соҳибисан". 33. *(Оллоҳ)*: "Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдир", деди. *(Одам)* уларга барча нарсаларнинг исмларини билдирганидан кейин *(Оллоҳ)* айтди: "Сизларга, Мен Еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ва яширган нарсаларни биламан, демаганмидим?" 34. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, эсланг, Биз фаришталарга Одамга таъзим қилинг дейишимиз билан улар саждага эгилдилар. Фақат иблис кибр ва ор қилиб - кофирлардан бўлди. 35. Ва айтдик: "Эй Одам, сиз жуфтингиз билан жаннатни маскан тутинг ва ундан хоҳлаган жойларингизда бемалол таомланинглар. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангларки, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласизлар". 36. Бас, уларни шайтон йўлдан оздириб, масканларидан чиқарди ва айтдик: "Тушингиз *(жаннатдан Ерга! Сизлар - инсон ва шайтон)* бир-бирингизга душмансиз. Энди маълум вақтгача *(ажалларингиз етгунча)* Ерда маскан тутиб яшайсиз". 37. Кейин, Одам ўз Парвардигори тарафидан бир неча Сўзлар *(фармонлар)* қабул

қилиб олганидан сўнг *(Оллоҳ)* унинг тавбасини қабул қилди. Албатта У тавбаларни Қабул қилгувчи Меҳрибон Зотдир. 38. "У жойдан *(жаннатдан)* ҳаммангиз тушингиз", дедик. "Бас, сизларга Мен тарафдан Ҳидоят келганида, кимлар Менинг Ҳидоятимга эргашса, ана ўшаларга ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар". 39. Аммо ўзлари кофир бўлишиб, Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсалар эса дўзах эгалари бўлиб, унда абадий қолажаклар.

Изоҳ: Юқоридаги оятлардан бизга Одамзот Оллоҳ таолонинг Ердаги халифаси экани ва ҳатто бегуноҳ фаришталар ҳам унга таъзим қилишлари маълум бўлгани каби шайтоннинг сўзига кириш уни жаннатдан маҳрум қилгани, энди Ерда тинч, осойишта яшаш учун шайтони лаъиннинг васвасаларига учмаслик зарурлиги уқтирилади.

Энди Одамзотнинг коинотдаги энг азиз ва мукаррам зот экани баён қилинганидан кейин сўз бани Исроил (Исроил - Яъқуб пайғамбарнинг номларидан бири, бани Исроил - Исроил болалари дейилганда яҳудийлар тушунилади) ҳақида кетади Уларнинг ким эканликлари, қилмишлари ва топажак оқибатлари ҳақидаги батафсил ҳикояда (40-141- оятлар) ақл эгалари учун ибратлар бордир.

40. Эй бани Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни эсланг ва Менга берган ваъда - аҳдга вафо қилинг. *(Яъни, Менинг нозил қилган Китобларимга ва барча пайғамбарларимга иймон келтиринглз, ҳамда буюрган Шариатимга амал қилингиз).* Шунда Мен ҳам Ўз аҳдимга вафо қиламан. *(Яъни, сизларга бу дунёда Ўз фазлу марҳаматларимни кўрсатаман, Охиратда нажот ато қиламан).* Ва Мендангина қўрқинглар. 41. Сизлардаги нарсани *(Тавротни)* тасдиқ этган ҳолда нозил қилган Нарсам *(Қуръонга)* иймон келтирингиз. Унга *(аҳли Китоблар орасидан)* биринчи бўлиб куфр келтирувчи бўлмангиз! Ва Менинг оятларимни *(дунё матоларидан бўлган)* озгина қийматга алмаштирманглар ва Мендангина эҳтиёт бўлинглар. 42. Ҳақни ботилга аралаштирманглар ва билган ҳолингизда ҳақни беркитманглар. 43. Намозни тўкис адо қилинглар, закотни беринглар ва рукуъ қилгувчилар билан бирга рукуъ қилинглар. 44 Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз Китоб *(Таврот)* тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми? 45-46. Сабр ва салот *(намоз ўқиш)* билан мадад сўранглар. Албатта у *(намоз ўқиш)* оғир ишдир. Магар ўзларининг

Парвардигорларига рўбарў бўлишларини ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига қайтгувчи эканликларини биладиган шикастанафс зотларга *(оғир эмасдир)*. 47. Эй бани Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни ва сизларни бутун оламдан афзал қилган пайтимни эсланглар! 48. Биров биров томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган, ҳеч кимдан шафоат - қўллов қабул қилинмайдиган ва *(гуноҳлари учун)* эваз ҳам олинмайдиган - ёрдам берилмайдиган Кундан қўрқинглар! 49. Сизларни оғир азоблар билан қийнаган, ўғилларингизни сўйиб, хотинларингизни тирик қолдираётган Фиръавн одамларидан қутқарганимизни эсланглар! Ана ўша ишларда Парвардигорингиз томонидан буюк синов бордир. 50. Денгизни ўртасидан бўлиб сизларни қутқариб, кўз ўнгингизда Фиръавн одамларини ғарқ қилганимизни эсланглар! 51. Мусо билан қирқ кечага ваъдалашганимиз, у *(Бизнинг ҳузуримизга)* кетганидан кейин сизлар ўзингизга зулм қилган ҳолингизда бузоққа ибодат қилганингизни эсланглар! 52. Сўнгра ўша ишлардан кейин ҳам шояд шукр қиларсизлар, деб сизларни афв этгандик 53. Сизлар Ҳақ Йўлни топишингиз учун Мусога Китоб ва Фурқонни *(яъни, Тавротни)* берганимизни эсланглар! 54. Мусонинг ўз қавмига айтган гапларини эсланг: "Қавмим, сизлар бузоққа ибодат қилиш билан ўзингизга зулм қилдингиз. Энди ўзингизни *(бир-бирингизни)* ўлдириш билан сизни Бор қилгувчи Зотга тавба қиласиз. Бор қилгувчи Зот наздида мана шу *(қатл)* сизлар учун хайрлироқдир". Бас, *(қачонки сизлар ушбу Илоҳий фармонга бўйинсуниб бир-бирларингизни ўлдирганингиздан сўнггина)* Оллоҳ таоло тавбангизни қабул қилди, албатта У Кечиримли, Меҳрибондир.

И з о ҳ: Абу Жаъфар Табарийнинг "Жомиъул-баён" тафсирларида зикр қилинишича, Мусо алайҳис-салом Оллоҳ таолонинг амри билан қирқ кеча-ю кундузга Тур тоғига кетканидан кейин бани Исроил қавмидан кўпчилиги Сомирий номли сеҳргир ясаган бир бузоққа сиғина бошлаганлар Мусо қайтиб келгач, ўз қавмининг бу хиёнатини кўриб ниҳоятда ғазабланади ва энди тавбалари қабул бўлиши учун фақат бир-бирларини ўлдиришлари зарур эканини уларга еткизади. Ўшанда ўлдирилганларнинг сони етмиш мингга етканидан кейингина уларнинг тавбалари қабул бўлган экан Яҳудларнинг қонларида бўлган хиёнаткорлик ўша тарихий воқеада етмиш минг кишининг ҳаётига зомин бўлган экан Қуйидаги оятларда уларнинг шакл-шамойилларидан яна бир қирраси фош қилинади·

55. *(Эй бани Исроил),* сизлар: "Эй Мусо, то Оллоҳни очиқ-равшан кўрмагунимизча ҳаргиз сен*(инг пайғамбар эканинг)*га иймон келтирмаймиз", дейишингиз билан кўз ўнгингизда сизларни чақмоқ урганини ҳам эслангиз! 56. Сўнгра шукр қилишингиз учун ўлганингиздан кейин Биз сизларни қайта тирилтирдик. 57. Ва булутни устингизга соябон қилдик ҳамда *(осмондан)* устингизга ширинлик ва беданалар ёғдириб, "Сизларга ризқ қилиб берган пок нарсалардан енглар", *(дедик).* *(Бани Исроил Бизнинг неъматларимизга шукр қилмасликлари билан)* Бизга зулм қилмадилар, балки ўзларига зулм қилгувчи бўлдилар. 58. "Ушбу қишлоққа *(Қуддусга)* киринглар-да, ундан хоҳлаган жойларингизда бемалол еб-таомланинглар. Дарвозадан сажда қилган ҳолингизда киринглар ва "афв эт" денглар, Биз хатоларингизни мағфират қиламиз ва яхшилик эгаларига зиёда неъматлар ато қиламиз", деганимизни эсланглар! 59. Шунда золим кимсалар уларга айтилган сўздан бошқа сўзни алмаштириб айтдилар. Бас, Биз - қилган итоатсизликлари сабабли бу золимлар устига осмондан бало ёғдирдик. 60. Эсланг, *(эй бани Исроил),* Мусо ўз қавми учун сув тилаганида: "Асойингни тошга ургин", дедик. Бас, ундан ўн икки чашма отилиб чиқди - ҳар бир қабилага *(улар ўн икки уруғ эдилар)* ўз суви маълум бўлди. *(Ва уларга дейилди):* "Оллоҳ берган ризқдан еб-ичинглар, Ер юзида бузғунчилик жиноятларини қилманглар". 61. Эсланг: "Эй Мусо, Биз бир хил таомга ҳеч қаноат қила олмаяпмиз. Парвардигорингга дуо қил, бизга Ерда униб-ўсадиган сабзавотлардан, бодринг, саримсоқ, мош, пиёзга ўхшаган ўсимликлардан чиқариб берсин", деганингизда, у: "Яхши нарсани паст нарсага алмаштиришни истайсизларми? Шаҳарга тушсангизлар сўраган нарсаларингиз турибди-ку?", деди. *(Бу ношукрликлари сабаб),* уларга хорлик ва мискинлик ёзиб қўйилди ва улар Оллоҳнинг ғазабига дучор булдилар. Бунга сабаб, уларнинг Оллоҳ оятларига кофир бўлганлари ва пайғамбарларни ноҳақ қатл қилганларидир. Бунга сабаб, итоат қилмай тажовузкор бўлганларидир. 62. Албатта иймон келтирган зотлар, яҳудий бўлганлар, насронийлар ва *(Оллоҳга ишонадиган, аммо бирон шариатга амал қилмайдиган тоифа бўлган)* собиийлар - *(улардан)* қайсилари *(аввал қайси динда бўлганларидан қатъий назар, иймонга келиб, ёлғиз)* Оллоҳга, Охират Кунига ишонса ва яхши амаллар қилса, ўшаларга Парвардигорлари ҳузурида ажр бордир ва улар учун хавфу хатар, ғам-андуҳ йўқдир. 63. Эсланг,

(эй бани Исроил), Биз сизларнинг аҳду паймонингизни олгандик ва устингизда Тур тоғини кўтариб туриб: "Келтирган нарсамизни *(Тавротни)* маҳкам ушланг ва ундаги бор нарсани ёдингизда тутинг - шояд тақво эгаларидан бўлсангиз", дегандик. 64. Кейин - ўша аҳду паймондан кейин яна *(Ҳақ Йўлдан)* юз ўгирдингиз. Агар сизларга Оллоҳнинг фазлу карами ва марҳамати бўлмаганда эди, *(дунё ва Охиратда)* зиён кўргувчилардан бўлиб қолар эдингизлар. 65. Орангиздан шанба кунида ҳаддан ошган кимсаларни билдингиз. Бас, Биз уларга: "Бадбахт маймунларга айланингиз", дедик. 66. Биз бу *(уқубат)*ни ўша вақт ва кейинги даврлар учун ибрат, тақволи кишилар учун мавъиза *(насиҳат)* қилдик.

И з о ҳ: Яҳудийларга шанба куни балиқ овлаш ман қилинган эди. Улардан баъзилари шанба кунлари балиқларни қамаб, қоронғу тушиши билан тутиб оладиган бўлдилар. Мана шу жиноятлари - ўзлари учун улуғ кун ҳисобланган шанба кунида ҳаддан ошганлари сабабли мазкур жазога мустаҳиқ бўлдилар - бадбахт маймунларга айланиб қолдилар. Ушбу муборак оятларни ўқиганда киши дафъатан кейинги асрларда чиққан яҳудий даҳоларнинг: "Биз маймундан тарқаганмиз", деган даъволарини эслайди. Дарвоқеъ, улар ўзларининг даҳрий сиёсатлари билан бошқаларни ҳам Исломдан - инсонликдан чиқариб маймунларга айлантирмоқчи бўлган эдилар, бироқ шукрки, Яратганнинг марҳамати билан ўша маймундан тарқаганларнинг ўзлари йўқ бўлдилар.

67. Эсланг! Мусо ўз қавмига: "Албатта Оллоҳ сизларга бир сигир сўйишларингни буюради", деганида, улар: "Устимиздан куляпсанми?", дедилар. *(Мусо)* деди: "Ундай жоҳиллардан бўлиб қолишдан Оллоҳ паноҳ беришини сўрайман". 68. Улар дедилар: "Парвардигорингга дуо қил, бизга унинг *(ўша сўйиладиган сигирнинг)* қандайлигини баён қилсин". *(Мусо)* деди: "У Зотнинг айтишича, у қари ҳам, ёш ғунажин ҳам бўлмаган ўрта бир сигирдир. Энди ўзларингизга буюрилган ишни адо этинглар". 69. Улар дедилар: "Парвардигорингта дуо қил, бизга унинг рангини баён қилсин". *(Мусо)* айтди: "У Зотнинг айтишича, у очиқ-малларанг сигир бўлиб, кўрганларнинг кўнгли чоғ бўлади". 70. Улар айтдилар: "Парвардигорингга дуо қил, бизга унинг қандайлигини баён қилсин, бу мол бизга иштибоҳли бўлиб қолди. Иншаоллоҳ, энди йўлимизни топиб оламиз". 71. *(Мусо)* айтди: "У Зотнинг айтишича, у шундай сигирки, хор бўлиб ер ҳайдамайди, у билан *(сув ташиб)* экин суғормайдилар, айбу нуқсонсиз, унда

ўз рангидан бошқа ранг-бўёқ ҳам йўқ". Улар: "Энди ҳақиқатни айтдинг", дедилар-да, узоқ машаққатлар чекиб *(ўша айтилган сифатларга эга бўлган сигирни топиб)* сўйдилар.

И з о ҳ: Мазкур оятлар мазмунидан бир ҳикматни англаш мумкин: одам бировга ишониб эътиқод қўйганидан кейин унинг амр-фармонини дарҳол бажариши лозим. Акс ҳолда унинг ўзига зарар бўлиши мумкин. Юқоридаги оятларда зикр қилинган кишилар кетма-кет берган саволлари натижасида шундай сифатли сигир сўйиш лозим бўлдики, улар бундай сигирни излаб топиш учун озмунча қийналмадилар. Охири топганларида унинг эгаси бўлган кампир сигири учун жуда қиммат нарх - ўша сигирнинг териси тўла тилла талаб қилди ва улар бу нархга кўнишга мажбур бўлдилар. Агар фармон бўлиши билан дарҳол бир сигирни олиб қурбон қилганларида ўзларига осон бўлар эди.

72-73. Эсланг, *(эй бани Исроил)*, бир жонни ўлдириб қўйиб, унинг *(қотили ким экани)* ҳақида жанжаллашиб қолганингизда - ҳолбуки, Оллоҳ яширган нарсаларингизни *(юзага)* чиқаргувчидир - "Уни *(мақтулни)* сўйилган сигирнинг бир бўлаги билан уринглар", дегандик. Оллоҳ ўликларни шу тариқа тирилтиради ва сизларга ақлларингизни юритишингиз учун Ўз оятларини кўрсатади.

И з о ҳ: Дарҳақиқат, шундай қилишгач, ҳалиги жасадга жон кириб, ўзининг қотили ким эканлигини айтади.

74. *(Эй бани Исроил)*, сўнгра *(- шундай мўъжизаларни кўргандан)* кейин ҳам *(иймонга келиш ўрнига)* дилларингиз қотди. Бас, у *(диллар)* тош кабидир ёки ундан-да қаттиқроқдир. Зеро, шундай тошлар борки, улардан дарёлар отилиб чиқади, яна шундайлари борки, ёрилиб, ичидан сув чиқади, яна шундайлари ҳам борки, Оллоҳдан қўрққанидан *(чўққилардан)* пастга қулайди. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан гофил эмасдир. 75. *(Эй мўминлар)*, мана шулар сизлар*(нинг динингиз)*га иймон келтиришларига орзуманд бўласизми? Ҳолбуки, улардан бир гуруҳи Оллоҳнинг Каломини эшитадилар-да, сўнгра уни англаб етганларидан кейин билиб туриб ўзгартириб юборавередилар. 76. Улар иймонли кишиларга йўлиққанларида: "Иймон келтирдик", дейдилар. Бир-бировлари билан ёлгиз қолганларида эса: "Уларга *(мусулмонларга)* Оллоҳ сизларга очган нарса ҳақида гапиряпсизларми? Ўша ҳужжат билан Парвардигорингизнинг ҳузурида ҳужжатлашишлари учун-а? Ақлингизни ишлатмайсизми?", дейишади.

И з о ҳ: Яъни, Мусулмонларга Таврот Китобида келган Муҳаммад Пайғамбар ҳақидаги гапларни гапиряпсизми? Бу ахир Охиратда ўзингизнинг зарарингизга ҳужжат бўлади-ку?", дейишади.

77. Ахир улар Оллоҳ шубҳасиз, уларнинг яширадиган нарсаларини ҳам, ошкор қиладиган нарсаларини ҳам Билгувчи эканини билмайдиларми? 78. Уларнинг орасида Китобдан бехабар, фақат хом хаёлларнигина биладиган омийлари ҳам борки, улар фақат, турли гумонлар қиладилар, холос. 79. Ўз қўллари билан китоб ёзиб, сўнгра уни озгина қийматга сотиш учун: "Бу Китоб Оллоҳ ҳузуридан *(келган)*", дейдиган кимсаларга ҳалокат бўлгай, бас, ёзган нарсалари сабабли уларга ҳалокат бўлгай, топган фойдалари сабабли уларга ҳалокат бўлгай. 80. *(Яҳудийлар)*: "Бизларга дўзах ўти саноқли кунлардагина тегади", дедилар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* айтинг: Оллоҳдан аҳду паймон олдингизми - зотан, Оллоҳ ҳаргиз аҳдига хилоф қилмайди - ёки Оллоҳ ҳақида билмаган нарсаларингизни айтаяпсизларми?" 81. Йўқ! Кимда-ким ёмонлик касб қилса ва гуноҳга ўралиб қолса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар ўша жойда абадий қолажаклар. 82. Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар эса жаннат эгалари бўлиб, ўша жойда абадий қолгувчилардир. 83. "Фақат Оллоҳгагина ибодат қиласизлар, ота-она, қариндош-уруғ, етим ва мискинларга яхшилик қиласизлар. Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз ва намозни тўкис адо қилинг, закотни беринг", деб бани Исроилдан аҳду паймон олганимизни эсланглар! Кейин эса *(эй бани Исроил)*, озгина кишидан ташқари ҳаммангиз юз ўгирган ҳолда кетдингиз. 84. Эсланг, "Бир-бирингизнинг қонингизни тўкмайсиз, бир-бировларингизни диёрларингиздан ҳайдамайсиз", деб аҳду паймонингизни олгандик, сўнгра *(Ислом келган даврда)* ўзингиз гувоҳ бўлганингиз ҳолда бунга иқрор бўлгандингиз. 85. Кейин эса сизларнинг ўзингиз бир-бирингизни ўлдирмоқдасиз, ўз тоифангиздан бўлган бир гуруҳни диёрларидан ҳайдаб, уларга қарши гуноҳ ва тажовузкорлик билан ҳамкорлик қилмоқдасиз *(яъни, ўз диндошларингизга қарши душманларингиз билан ҳамкорлик қилмоқдасиз)*. Агар улар сизларга асир ҳолда келишса, товон тўлаб қутқариб ҳам оласиз. Ҳолбуки, уларни ҳайдаш сизларга ҳаром қилинган эди. Ё Китобнинг *(Тавротнинг)* бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор қиласизми? Ораларингдан ким бу ишни қилса, унинг жазоси бу дунёда расво бўлиш, Қиёмат Кунида эса қаттиқ азобга дучор қилинадилар. Оллоҳ қилаётган ишларингдан гофил эмасдир. 86. Ана ўшалар

Охират ўрнига дунё ҳаётини сотиб олган кимсалардир. Бас, азоблари енгиллатилмайди ва уларга ёрдам ҳам берилмайди.

Изоҳ: Яҳудий қабилаларидан бану Қурайза Авс номли араб қабиласи билан, бану Назийр деган яҳудий қабиласи эса Авснинг душмани бўлган Хазраж деб аталадиган араб қабиласи билан иттифоқдош эди. Қачон Авс билан Хазраж ўртасида уруш бўлса, яҳудийлар ҳам иттифоқдошлари билан бирга урушга чиқиб, ўз диндошларининг қонини тўкиб, мол-мулкларини талашар эди. Ҳолбуки, диндошлар бир-бири билан урушиб, қон тўкишлар Тавротда ҳаром қилингандир. Энди уруш тўхтаганидан кейин эса бир қабилага иттифоқдош бўлган яҳудийлар иккинчи қабилага иттифоқдош бўлган яҳудийлардан асир тушганлар бўлса товон тўлаб қутқариб ҳам олардилар. Шунинг учун юқоридаги оятда: "Ё Китобнинг (Тавротнинг) бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор қиласизми?", дейилди.

87. Ҳақиқатан, Биз Мусога Китоб *(Таврот)* **ато этдик. Унинг ортидан ҳам пайғамбарлар юбордик. Ийсо бинни Марямга ҳужжатлар** *(очиқ мўъжизалар)* **бердик ва уни Руҳул-Қудус** *(Жаброил)* **ила қувватлантирдик.** *(Эй бани Исроил),* **ҳар қачон бир пайғамбар сизларга ёқмайдиган нарса** *(оятлар)* **билан келса,** *(унга бўйинсунишдан)* **кибр-ҳаво қилиб бировини ёлғончи деб, бировини ўлдираверасизлармиꞏ? 88. Улар "Дилларимиз берк", дедилар. Йўқ, аксинча, куфрлари сабабли уларни Оллоҳ лаънатлаган. Бас, улар камдан-кам иймон келтирадилар. 89. Қачонки уларга Оллоҳнинг ҳузуридан ўзларида бор нарсани** *(Тавротни)* **тасдиқ этувчи Китоб келганда** *(яъни, ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга Қуръон нозил бўлиб, у зот Пайғамбар бўлганларида)* **- ҳолбуки, илгари улар кофирларга қарши** *(ўша Пайғамбардан)* **ёрдам кутардилар - бас, қачонки уларга ўзлари билган нарса келганда унга кофир бўлдилар. Кофирларга Оллоҳнинг лаънати бўлгай. 90. Оллоҳ бандаларидан хоҳлаган зотга** *(ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга)* **Ўз фазлу карами билан** *(ваҳий)* **юборишига ҳасад қилиб, Оллоҳ нозил қилган нарсага кофир бўлишлари сабабли улар** *(яҳудийлар)* **ўзларини энг ярамас нарсага сотдилар.** *(Яъни, иймон ўрнига куфрни сотиб олдилар).* **Бас, ғазаб устига ғазаб билан қайтдилар.** *(Яъни, Тавротни бузганлари сабабли Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлишган эди, энди Муҳаммад алайҳиссаломга кофир бўлишлари сабабли яна бир ғазабга гирифтор бўлдилар).* **Кофирлар учун хор қилувчи азоб бордир. 91. Қачон уларга: "Оллоҳ нозил қилган нарсага иймон келтиринг", дейилса,**

"Биз ўзимизга нозил қилинган нарсага иймон келтирамиз", дейдилар. Ва ундан кейин келган, ўзларидаги нарсани *(Тавротни)* тасдиқ этувчи бўлган Ҳақ *(Китоб - Қуръон)*га кофир бўладилар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* айтинг: "Агар мўмин бўлган бўлсангизлар, нима сабабдан илгари Оллоҳнинг пайғамбарларини ўлдирар эдингизлар?" 92. Мусо сизларга очиқ ҳужжатлар келтирганидан кейин *(ўзларингизга)* зулм қилган ҳолингизда унинг кетидан бузоққа сиғиндингиз? 93. Эсланг, *(эй бани Исроил),* Биз аҳду паймонингизни олгач, устингизда Тур тоғини кўтариб туриб: "Келтирган нарсамизни *(динимизни)* маҳкам ушланг ва қулоқ солинг", деганимизда: "Эшитдик ва бўйинсунмадик", дедилар. Кофирликлари сабаб, фақат бузоққа *(ибодат қилиш билан)* кўнгиллари тўлади. Айтинг: "Агар сиз мўмин бўлсангиз, иймонингиз сизларни мунча ярамас нарсаларга буюради?" 94. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Агар Оллоҳ ҳузурида Охират диёри *(жаннат)* бошқа одамларсиз фақат сизларники бўлса, у ҳолда ростгўй бўлсангизлар, ўлимни орзу қилинглар-чи!" 95. Қилган кирдикорлари сабабли ҳаргиз уни *(ўлимни)* орзу қилолмайдилар. Оллоҳ золимларни Билгувчидир. 96. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз уларнинг ҳатто мушриклардан ҳам ҳаётга *(яшашга)* ochкўзроқ кишилар эканини кўрасиз, уларнинг айримлари минг йил умр кўришни истайдилар. Ҳолбуки, узун умр уни азобдан узоқлаштирмайди. Ахир Оллоҳ қилаётган амалларини Кўриб тургувчидир. 97. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Ким Жаброилга душман бўлса, *(у Оллоҳга душмандир).* Зеро, у *(Жаброил)* Оллоҳнинг изни билан қалбингизга ўзидан аввалги Китобларни тасдиқ этадиган ва мўминларга Ҳидоят ва Хушхабар бўлган *(Қуръонни)* нозил қилди. 98. Ким Оллоҳга ва Унинг фаришталарига, пайғамбарларига, Жаброил ва Мекоилга душман бўлса, бас, албатта Оллоҳ *(бундай)* кофирларга душмандир. 99. Ҳақиқатан, Биз Сизга очиқ оятлар нозил қилдик. У *(оятларга)* фақат фосиқларгина кофир бўладилар. 100. *(Бани Исроил қавми)* ҳар қачон бирон аҳдга аҳдлашсалар улардан бир гуруҳи уни бузаверадими? Ҳақиқатан, уларнинг кўпи иймонсизлардир. 101. Қачон уларга Оллоҳнинг ҳузуридан ўзларидаги нарсани тасдиқ этувчи Пайғамбар келса, Китоб *(Таврот)* берилган кимсалардан бир гуруҳи Оллоҳнинг Китобини *(яъни, Тавротни, ундаги Муҳаммад алайҳис-салом ҳақида келган оятларни ҳеч нарса)* билмагандек орқаларига отадилар. 102. Ва Сулаймон подшоҳлигидаги шайтонлар *(жинлар)* айтган

нарсаларга эргашадилар. Сулаймон кофир эмас эди, балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар. Яна улар Бобилдаги Ҳорут ва Морут *(номли)* фаришталарга туширилган нарсаларга *(эргашадилар)*.- Ҳолбуки, у фаришталар: "Биз фақатгина фитнамиз *(яъни, одамларни алдаб имтиҳон қилиш учун юборилганмиз)*, бас, *(биз айтган нарсаларни қилиб)* кофир бўлиб қолма", демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар.- Ва ўшалардан *(Ҳорут ва Морутдан)* эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсаларни ўрганадилар. *(Лекин)* улар *(яҳудийлар)* Оллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга зарар етказа олмайдилар. Улар ўзларига ҳеч фойдасиз, билъакс зарарли нарсаларни ўрганадилар. Ахир *(Оллоҳнинг Китоби ўрнига сеҳрни)* алмаштган кимсаларга Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ эканини билган эдилар-ку. Жонларини нақадар ёмон нарсага *(яъни, Охиратдаги маҳрумликка)* сотганларини билсалар эди. 103. Агар улар иймонга келиб Оллоҳдан қўрқсалар, Оллоҳ тарафидан бўладиган савоб албатта яхшироқ бўлишини билсалар эди.

И з о ҳ: Фаришталар одамларга сеҳр ўргатишларининг ўз ҳикмати бор. Ривоят қилишларича, ўша даврда сеҳргарлик жуда ривожланган экан. Сеҳргарлар кўпайиб, уларнинг айримлари ҳатто ўзларини пайғамбар, деб эълон қилишгача боради. Шунда Оллоҳ таоло икки фариштасини юборади. Улар одамларга турли сеҳрларни ўргатишиб, сеҳргарлик ўрганиш мумкин бўлган нарса экани, пайғамбарлик эса Ёлгиз Оллоҳ тарафидан берилишини англатадилар.

104. Эй мўминлар, "Роино" деманглар. "Унзурно" денглар.

И з о ҳ: Араб тилида ҳар икки сўз "Бизга боққин, қарагин", деган маънони англатади. Пайғамбар алайҳис-салом Қуръон оятларини тиловат қилиб бераётганларида мўминлар у кишига: "Бизларнинг ҳолимизни риоя қилгин ва оятларни шошмасдан қайта-қайта ўқигин", деган маънода "Роино" дер эдилар. Лекин яҳудийлар "роино" сўзининг риоя қилмоқ, боқмоқ деган ўзакдан чиққанини билганлари ҳолда кўнгиллари бузуқлиги сабабли "руунат - енгилтак бўлмоқ" деган ўзакдан чиқадиган сўзга ўхшатиб талаффуз қилдилар. Шунинг учун Оллоҳ таоло мўминларга бу сўзни ишлатмасликни амр қилди.

Ва *(Оллоҳнинг амр-наҳий - фармон-таъқиқларига)* қулоқ солинглар! Кофирлар учун аламли азоб бордир. 105. На аҳли Китоблар *(яҳудий ва насронийлар)*дан бўлган кофирлар ва на мушриклар сизларга Парвардигорингиз тарафидан бирон яхшилик

тушишини истамайдилар. Оллоҳ эса раҳмат-марҳаматини Ўзи хоҳлаган кишиларга хос қилиб беради. Оллоҳ буюк фазлу карам Соҳибидир. 106. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, агар)* Биз бирон оятни бекор қилсак ёки ёдингиздан чиқарсак, албатта ундан яхшироғини ёки ўшанинг мислини келтирамиз. Оллоҳ ҳар нарсага Қодир Зот эканини билмадингизми? 107. Осмонлар ҳам, Замин ҳам Ёлғиз Оллоҳнинг мулки эканини ва сизлар учун Оллоҳдан ўзга бирон дўст ёки ёрдамчи йўқ эканини билмадингизми? 108. *(Эй мўминлар)*, ёки сизлар ҳам ўз Пайғамбарингиздан, илгари Мусодан сўралган нарсаларни сўрашни истайсизми? Ким иймонга куфрни алмаштирса, албатта Тўғри Йўлдан адашади. 109. Аҳли Китобларнинг кўпчилиги ўз ҳасадгўйликлари билан сизларни, иймонли бўлганингиздан кейин *(яъни, ҳозир)*, уларнинг ўзларига ҳам ҳақиқат очиқ равшан бўлганидан кейин яна куфрга қайтаришни истайди. Бас, Оллоҳнинг фармони келгунича уларни афв қилингиз ва кечирингиз! Албатта Оллоҳ ҳар нарсага Қодирдир. 110. Намозни тўкис адо қилинг ва закотни беринг! Ўзингиз учун қандай яхшиликни *(Охират диёрига)* тақдим қилган бўлсангиз, уни Оллоҳ ҳузурида топажаксиз. Шубҳасиз Оллоҳ қилган амалларингизни Кўриб тургувчидир. 111. Улар "Жаннатга фақат яҳудий ёки насроний бўлганлар киради", дейишди. *(Яъни, яҳудийлар: "Биз кирамиз", дейишса, насронийлар: "Биз кирамиз", дейишди.)* Бу уларнинг хом хаёлларидир. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатларингизни келтирингиз!" 112. Йўқ, ким чиройли амаллар қилган ҳолида ўзини Оллоҳга топширса, унинг учун Парвардигори ҳузурида ажр бор ва улар учун хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар. 113. Яҳудийлар: "Насронийлар бирон *(арзигулик)* нарса - дин устида эмаслар", дейишди. Насронийлар: "Яҳудийлар бирон *(арзигулик)* нарса - дин устида эмаслар", дейишди. Ҳолбуки, улар *(яъни, яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам)* Китоб *(яъни, Таврот, Инжил)* тиловат қиладилар, шунингдек, билмайдиган кимсалар уларнинг гапига ўхшаш гап айтдилар.

Изоҳ: Яъни, Маккадаги мушриклар: "Муҳаммад ҳақ дин устида эмас", дейишди.

Энди уларнинг ўртасида ихтилоф қилиб ўтган нарсалари ҳақида Оллоҳ Қиёмат Кунида ҳукм қилади. 114. Оллоҳнинг масжидларини уларда Оллоҳ исми зикр қилинишидан тўсадиган ва уларни хароб қилиш ҳаракатида юрадиган кимсалардан ҳам золимроқ ким бор? Ахир бу кимсалар учун ундай жойларга фақат қўрққан ҳолларида кириш жоиз эди-ку. Улар учун бу дунёда

расволик, Охиратда эса буюк азоб бордир. 115. Машриқ ҳам, Мағриб ҳам Ёлғиз Оллоҳникидир. Бас, қай тарафга юз бурсангизлар, ўша жой Оллоҳнинг тарафидир. Шубҳасиз Оллоҳ *(ҳамма томонни)* Қамраб олгувчи Билимдондир. 116. "Оллоҳнинг боласи бор", дедилар. У Зот *(буларнинг бадгумонидан)* мутлақо Покдир. Балки осмонлардаги ва Ердаги бор нарса У Зотга тегишлидирки, ҳаммаси Унга бўйинсунади. 117. *(У)* Еру осмонларни Пайдо қилгувчидир. Бирор ишни ҳукм қилса унга фақатгина "Бўл", дейди, холос. Бас, у иш бўлади. 118. Билмайдиган кимсалар: *(Муҳаммад алайҳис-саломга)* "Оллоҳ бизга *(сенинг ҳақ Пайғамбар эканингни)* айтса эди ёки бирор аломат келса эди", дейдилар. Улардан илгаригилар ҳам уларнинг гапларига ўхшаш гапларни айтишган эди. Диллари бир-бирига ўхшайди. Биз аниқ ишонадиган қавм учун оятларни баён қилдик. 119. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, албатта Биз Сизни Ҳақ *(Дин)* билан хушхабар элтгувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Дўзахилар хусусида Сиз масъул эмассиз. 120. Яҳудий ва насронийлар то Сиз уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз Сиздан рози бўлмайдилар. Айтинг: "Оллоҳнинг Йўлигина Ҳақиқий Йўлдир". Қасамки, агар Сизга келган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-ҳаволарига эргашсангиз, Оллоҳ тарафидан Сизга на бир дўст ва на бир ёрдамчи бўлмайди. 121. Биз Китоб *(яъни, Таврот, Инжил)* ато этган зотлар *(орасида)* уни тўғри тиловат қиладиган кишилар *(ҳам бор)*дирки, ана ўшалар *(Қуръонга)* иймон келтирурлар. Ва кимда-ким унга *(Қуръонга)* кофир бўлса, ўшалар зиён кўргувчилардир. 122. Эй бани Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни ва сизларни бутун оламга афзал қилган пайтимни эсланг! 123. Ва биров биров томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган ва ҳеч кимдан эваз қабул қилинмайдиган, шафоат - қўллов фойда бермайдиган, ёрдам ҳам берилмайдиган Кундан қўрқингиз! 124. Эсланг, Иброҳимни Парвардигори бир неча сўзлар билан имтиҳон қилганида уларни бенуқсон ҳолда адо этди. Шунда *(Оллоҳ таоло)*: "Албатта Мен сени одамларга имом қилгувчидирман", деди. "Зурриётимни ҳам-а?", деб сўради у. *(Оллоҳ таоло)* айтди: "Менинг бу аҳдим *(сенинг зурриётинг орасидаги)* золим кимсаларга етмайди". 125. Эсланг, Байтуллоҳни одамлар учун зиёратгоҳ ва тинч жой қилдик ва Иброҳимнинг *(Каъбатуллоҳни бино қилаётган вақтида)* турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг, *(дедик)* ва Иброҳим билан Исмоилга: "Менинг Байтимни тавоф қилгувчилар, *(ўша ерда ибодат қилиб)* турувчилар, рукуъ-сужуд эгалари учун пок тутинг", деб буюрдик. 126. Эсланг,

Иброҳим: "Эй Парвардигор, бу шаҳарни тинч шаҳар қилгин ва унинг аҳлларидан Оллоҳга ва Охират Кунига ишонувчиларини турли мевалар билан ризқлантиргин", деганида, Оллоҳ таоло: "Кофирларини ҳам бир оз фойдалантириб, сўнгра дўзах азобига дучор қиламанки, бу энг ёмон оқибатдир", деди. 127. Эсланг, Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтариб *(дедилар)*: "Парвардигоро, биздан *(ушбу қилган амалимизни)* ўзинг қабул айла. Шубҳасиз, Сен Эшитгувчи, Билгувчисан! 128. Парвардигоро, бизни Ўзингга бўйинсунгувчилардан қилгин ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга итоат қиладиган кишиларни *(чиқаргин)*. Ва бизга *(қиладиган)* ибодатларимизни ўргатгин ва тавба-тазарруъларимизни қабул эт! Шубҳасиз, Сен тавбаларни Қабул қилгувчи, Раҳмлисан. 129. Парвардигоро, уларнинг орасига ўзларидан бўлган, уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, Китоб ва ҳикматни *(Қуръон ва ҳадисни)* ўргатадиган ва уларни поклайдиган бир пайғамбарни юбор! Шубҳасиз, Сен қудрат ва ҳикмат Соҳибисан". 130. Иброҳимнинг динидан фақат енгилтакларгина юз ўгирадилар. Ҳақиқатан, Биз дунёда уни танлаб олдик ва у Охиратда шубҳасиз, солиҳ *(яқинларимиздан)*дир. 131. Эсланг, Парвардигори унга: "Бўйинсун!", деганида: "Бутун оламлар Эгасига бўйинсундим", деди. 132. Иброҳим, у билан бирга Яъқуб ҳам болаларига шу Динни васият қилиб дедилар: "Ўғилларим, албатта Оллоҳ сизлар учун шу динни танлади. Бас, мусулмон бўлган ҳолингиздагина дунёдан ўтинг!" 133. *(Эй яҳудийлар)*, ёки Яъқубга ўлим келгач, у ўғилларига: "Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?", деганида: "Сенинг Тангринг ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг Тангриси бўлмиш Ягона Оллоҳга ибодат қиламиз ва бизлар фақат Унинг Ўзигагина бўйинсунувчилармиз", деб жавоб қилганларига гувоҳ бўлганмисизлар? 134. Улар ўтиб кетган кишилардир. Уларнинг қилган амаллари ўзлари учун, сизларнинг қилган амалларингиз ўзларингиз учундир. Ва сизлар улар қилган амаллар учун масъул бўлмайсиз. 135. Яҳудий ёки насроний бўлинг, ҳидоят топасиз, дедилар. *(Яъни, яҳудийлар яҳудий бўлинг, деди, насронийлар насроний бўлинг, деди. Айтинг, эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, балки биз Ҳақ Йўлдан тойилмаган, мушриклардан бўлмаган Иброҳим миллатига - Динига *(эргашамиз)*. 136. *(Эй мўминлар)*, айтингиз: "Биз Оллоҳга ва бизга нозил қилинган Китобга ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқубга ва ўша урут-авлодга нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Ийсога берилган нарсаларга ва барча пайғамбарларга Парвардигорлари тарафидан берилган

нарсаларга ишондик. Биз улардан бирортасини ажратиб қўймаймиз ва биз фақат У Зотга *(Оллоҳ таолога)* бўйинсунувчилармиз". 137. Энди агар улар *(яъни, аҳли Китоблар)* сизлар иймон келтирган нарсаларга иймон келтирсалар, Ҳақ Йўлни топибдилар. Агар юз ўгирсалар, у ҳолда шубҳасиз, *(сизларга нисбатан)* гина ва адоватлари бордир. Улар*(нинг ёмонлиги)*дан Сизга *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Оллоҳнинг Ўзи етарлидир. У Эшитгувчи, Билгувчидир. 138. Оллоҳнинг ранги-ла *(рангинмиз)*.

Изоҳ: Бу оятдаги Оллоҳнинг рангидан мурод Оллоҳнинг Динидир. Зеро, худди кийимнинг устида ранги кўрингани каби мўмин мусулмонларда ҳам дин аломатлари кўриниб туради.

Оллоҳдан ҳам гўзалроқ ранг бергувчи борми? Бизлар Унгагина ибодат қилгувчилармиз. 139. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Бизнинг ҳам, сизнинг ҳам Парвардигорингиз бўлган Оллоҳ хусусида биз билан жанжаллашасизми? Ҳолбуки, бизнинг қилган амалимиз ўзимиз учун, сизнинг қилган амалингиз ўзингиз учун-ку? Биз фақат Унгагина ихлос қўювчилармиз. 140. Ёки Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва ўша урут-авлод яҳудий ё насроний бўлган, дейсизми"? *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "*(Уларнинг динларини)* сизлар яхшироқ биласизми ёки Оллоҳми? Оллоҳ томонидан бўлган гувоҳликни яширган кимсадан ҳам золимроқ одам борми? Оллоҳ қилаётган ишларингдан гофил эмас.

Изоҳ: Таврот ва Инжилда юқорида мазкур бўлган пайғамбарларнинг яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаганликлари очиқ-равшан айтилган экан. Яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам мана шу ҳақиқатни билиб туриб яширганлари учун юқоридаги оят нозил бўлди.

141. Улар ўтиб кетган кишилардир. Уларнинг қилган амаллари ўзлари учун, сизларнинг қилган амалингиз ўзингиз учундир ва сизлар улар қилган амаллар учун масъул бўлмайсиз.

142. Одамлардан ақлсизлари: "Уларни *(мусулмонларни)* **илгари қараган қиблаларидан қандай нарса юз ўгиртирди?", дейдилар. Айтинг: "Машриқ ҳам, Магриб ҳам Оллоҳникидир. У Ўзи хоҳлаган кишиларни Тўгри Йўлга ҳидоят қилади".**

И з о ҳ: Мусулмонлар Мадинага келган дастлабки даврларда Қуддусга қараб намоз ўқир эдилар. Қуддус яҳудийларнинг қибласи бўлгани учун мусулмонлар ҳам ўша тарафга қараб ибодат қилаетганларидан улар жуда гурурланиб юрардилар. Қачонки мусулмонларга Макка тарафга юзланиб сажда қилиш буюрилганда яҳудийлар юқоридаги сўзларни айтдилар.

143. Шунингдек, *(яъни, Тўгри Йўлга ҳидоят қилганимиз каби),* **сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва Пайгамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта** *(адолатли)* **бир миллат қилдик.**

И з о ҳ: Саҳиҳул-Бухорийда ривоят қилинишича, Оллоҳ таоло Қиёмат Кунида ҳар бир пайгамбарни ўз умматлари билан рўбарў қилиб, улардан: "Бу пайгамбарим сизларга менинг амру фармонларимни тўла етказдими?", деб сўраганида, улар: "Йўқ", деб жавоб қилишар, пайгамбар эса: "Етказганман", дер экан. Ундан гувоҳ сўралганида: "Муҳаммад алайҳис-салом ва у зотнинг умматлари гувоҳларимдир", дейди. Шунда ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламни умматлари билан ҳозир қилиниб, улардан: "Мана бу пайгамбар ўз вазифасини тўла адо этганми?", деб сўралганида, улар: "Ҳа, ўтган барча пайгамбарлар ўз элчилик бурчларини тўла адо этганлар. Бизга бу ҳақда Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом хабар келтирганлар", дейишади. Шунинг учун мазкур оятда мусулмонларга қарата: "Одамлар устида гувоҳ бўласиз", дейилди.

(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **Сиз илгари қараган қиблани Биз фақатгина ким Пайгамбарга эргашиб, ким орқасига қайтиб кетишини билиш учун қилганмиз, холос. Шубҳасиз, бу огир иш. Магар Оллоҳ ҳидоят қилган зотларгагина** *(огир эмасдир).* **Оллоҳ иймонларингизни** *(яъни, иймон билан, Оллоҳ таоло буюрган тарафга юзланиб ўқиган намозларингизни)* **зое қилгувчи эмас. Албатта Оллоҳ одамларга Меҳрибон ва Раҳмлидир.**

И з о ҳ: Араблар учун Каъба Иброҳим пайгамбар замонларидан буён муқаддас саналар эди. Муҳаммад алайҳис-салом

Мадинага ҳижрат қилишидан илгари мусулмонлар мана шу Каъбага юзланиб ибодат қилардилар. Мадинага кўчганидан кейин эса уларнинг иймонларини синаш учун бошқа тарафга - Қуддусга қараб намоз ўқиш буюрилди. Ҳижратнинг ўн еттинчи ойида қайтадан Маккага юзланишга амр қилиниб қуйидаги оят нозил бўлди.

144. Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта Биз Сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжид-ал-Ҳаром *(Макка)* томонга буринг! *(Эй мўминлар, сизлар ҳам)* қаерда бўлсангизлар, юзларингизни унинг тарафига бурингиз! Китоб берилган зотлар албатта бунинг Парвардигорлари томонидан *(келган ҳақ ҳукм)* эканини биладилар. Оллоҳ улар қилаёган амаллардан гофил эмасдир. **145.** Қасамки, агар Сиз Китоб берилган кимсаларга бор мўъжизаларни келтирсангиз ҳам улар қиблангизга боқмайдилар. Сиз ҳам уларнинг қибласига боқувчи эмассиз. Улар *(яҳудий ва насронийлар)*нинг бировлари бировларининг қибласига боқувчи эмас. Агар Сиз ўзингизга келган билим *(ваҳий)*дан кейин уларнинг ҳавойи нафсларига эргашсангиз, у ҳолда шубҳасиз, золимлардан бўлиб қоласиз. **146.** Биз Китоб ато этган кимсалар *(яҳудий ва насронийлар)* уни *(Муҳаммад Пайгамбарни)* ўз фарзандларини таниган каби танийдилар. *(Яъни, ўзларининг Илоҳий Китобларида у зот ҳақида ўқиганлар).* Ва албатта улардан бир гуруҳи билганлари ҳолда ҳақиқатни яширадилар. **147.** Бу ҳақиқат *(яъни, қибланинг ўзгариши)* Парвардигорингиз томонидандир. Бас, ҳаргиз шубҳа қилгувчилардан бўлманг! **148.** Ҳар кимнинг ўз юзланадиган тарафи бор. Бас, яхши ишларга шошилингиз! Қаерда бўлманг, Оллоҳ сизларнинг барчаларингизни *(ҳисоб-китоб учун)* келтиради. Албатта Оллоҳ ҳар нарсага Қодирдир. **149.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, қайси тарафдан чиқсангиз, юзингизни Масжид-ал-Ҳаром томонга буринг! У шубҳасиз, Парвардигорингиз *(буюрган)* ҳақ *(қибла)*дир. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан гофил эмасдир. **150.** Қайси тарафдан чиқсангиз, юзингизни Масжид-ал-Ҳаром томонга буринг! *(Эй Мўминлар)*, сизлар ҳам қаерда бўлсангизлар юзларингизни ўша томонга бурингиз! Токи *(айрим)* одамлар *(яҳудийлар ва мушриклар)* учун сизларнинг устингизда ҳужжат бўлиб қолмасин. Магар уларнинг ичида зулм қилгувчилар ҳам борки, сизлар улардан қўрқмангиз. Мендан қўрқингиз! Ва токи сизларга неъматимни комил қилиб беришим ва ҳидоят топишингиз учун *(шундай қилингиз)!*

Изоҳ: Яҳудийлар "Нега Муҳаммад дини бошқа бўла туриб бизнинг қиблага - Қуддусга қараб ибодат қилади?", мушрик араблар эса: "Муҳаммад Иброҳимнинг динидаман, деб даъво қилади-ю, ўзи яҳудийларнинг қибласига қараб намоз ўқийди", демасинлар учун мусулмонларга қаерда бўлсалар ҳам фақат Масжид-ал-Ҳаром томонга юзланиб намоз ўқиш буюрилди.

151. *(Эй инсонлар),* шунингдек сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларга Бизнинг оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга Китоб ва ҳикматни *(Қуръон ва ҳадисни)* ўргатадиган ва билмаган нарсаларингизни таълим берадиган бир Пайғамбар юбордик. 152. Бас, Мени эсланги, Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга шукр қилингиз ва Менга куфр келтирмангиз! 153. Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан *(Мендан)* мадад сўранглар! Албатта Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир. 154. Ва Оллоҳ Йўлида ҳалок бўлган *(шаҳид)*лар ҳақида: "*(Булар)* ўликлар", демангиз! Йўқ, улар тириклардир, лекин сизлар сезмайсизлар. 155-156. Албатта Биз сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* бирор мусибат келганда: "Албатта биз Оллоҳнинг *(бандаларимиз)* ва албатта биз У Зотга қайтгувчилармиз", дейдиган сабрли кишиларга хушхабар беринг! 157. Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот *(мағфират)* ва раҳмат бордир. Ана ўшалар Ҳақ Йўлни топгувчилардир. 158. Албатта Сафо ва Марва Оллоҳ *(буюрган)* маросимлардандир.

Изоҳ: Сафо ва Марва Каъба яқинидаги икки тепалик бўлиб, Ислом келишидан илгари ҳам араблар Каъбани тавоф қилганда уларнинг оралигида етти марта бориб келиш (саъй қилиш) одатлари бор эди. Шунинг учун Ислом дини келганидан кейин мусулмонлар ҳаж қилиш пайтларида у тепаликлар оралигида саъй қилишдан тортинганларида шу оят нозил бўлди.

Бас, ким Байтуллоҳни *(тавоф қилиш билан)* ҳаж ёки умра қилса, у иккисининг орасида саъй қилишининг гуноҳи йўқдир.

Изоҳ: Ҳаж қилиш - ҳар йили Зул-ҳижжа ойининг 10, 11, 12-кунлари иҳром (махсус ният ва либос) билан Каъбани зиёрат қилиш ҳамда шу ойнинг 9-куни Арафот тоғида туриб тавба-тазарруъ ва дуо-илтижо қилишдир Умра қилиш - йилнинг хоҳлаган кунида Каъбани зиерат қилишдир. Имкони бўлган киши ҳаётида бир марта ҳаж қилиши Исломда фарз бўлган амаллардан ҳисобланади Умра эса суннат амаллардандир

Ва ким ўз ихтиёри-ла яхшиликни ният қилса, бас, албатта Оллоҳ Шукр қилгувчи *(Тақдирловчи)* ва Билгувчидир.

Изоҳ: Яъни, бир марта ҳаж ва умри қилганидан кейин ана шу амалларни ихтиёрий равишда такрор-такрор қилса, Оллоҳ унинг бу яхши амаллари учун муносиб мукофотлар ато қилади.

159. Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат *(Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбар эканлиги ҳақидаги)* нарсаларни одамларга Китобда *(Тавротда)* равшан қилиб берганимиздан кейин яширадиган кимсаларни шубҳасиз, Оллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар *(фаришталар ва мўминлар)* лаънатлагайлар. 160. Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, *(одамларга ҳақиқатни)* очиқ айтсалар, бас, Мен уларнинг тавбаларини қабул қиламан. Ва фақат Менгина тавбаларни Қабул қилгувчи, Раҳмлидирман. 161-162. Куфр йўлига кириб, кофир ҳолида ўлиб кетган кимсалар шубҳасиз, Оллоҳнинг ва жамики фаришта ва одамларнинг лаънатига дучор бўлгайлар ва азоблари енгиллатилмаган, *(озгина бўлса ҳам нафас ростлашга)* муҳлат берилмаган ҳолларида абадий *(жаҳаннамда)* қолгайлар. 163. Илоҳингиз Ягона Илоҳдир. У Меҳрибон ва Раҳмли Илоҳдан *(Ёлгиз Оллоҳдан)* ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқдир. 164. Албатта осмонлар ва Ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган кемаларнинг *(сузишида)* ва Оллоҳ осмондан туширган - сўнг у сабабли ўлик Ерни тирилтириб, бор жонзотни *(Ер юзига)* тарқатиб-ёйиб юборган - сув деган неъматда ва шамолларнинг йўналтирилишида, осмон ва Ер орасидаги итоатгўй булутда - *(буларнинг ҳаммасида)* ақлли кишилар учун оят-аломатлар бордир. 165. Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Оллоҳга тенг билиб, уларни Оллоҳни севгандек севадилар. Иймонли кишиларнинг Оллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир. Бундай золимлар азобга рўбарў бўладиган замонларида *(Қиёмат Кунида)* бутун куч-қудрат Оллоҳники эканини ва Оллоҳнинг азоби қаттиқ азоб эканини билсалар эди. 166. У Кунда пешволар эргашувчилардан тонадилар ва ҳаммалари азобни *(кўзлари билан)* кўрадилар. *(У Кунда уларни боглаб турадиган)* баҳона-ю сабаблар узилади. 167. Эргашувчилар: "Қанийди, яна бир карра *(яшашнинг)* иложи бўлса-ю, улар биздан тонганларидек, биз ҳам улардан тонсак", дейдилар. Шундай қилиб, Оллоҳ таоло уларнинг қилган амалларини ўзларига ҳасрат-надомат қилиб кўрсатади ва улар жаҳаннамдан чиқувчи бўлмайдилар. 168. Эй инсонлар, Ердаги

ҳалол-пок нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашмантлар! Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир. 169. У сизларни фақат ёмонлик ва бузуқликка ва Оллоҳ шаънида билмаган нарсаларингизни гапиришга буюради, холос. 170. Қачон *(мушрикларга)*: "Оллоҳ нозил қилган нарсаларга эргашингиз", дейилса, улар: "Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшанга эргашамиз", дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, Тўғри Йўлни тополмайдиган бўлсалар, ҳамма? 171. Куфр йўлидаги кимсаларни *(Ҳақ Йўлга даъват қилувчи кишининг)* мисоли худди фақат овоз ва чақириқни эшитадиган ҳайвонларга қичқираётган кишининг мисолидир.

И з о ҳ: Яъни, улар худди жониворлар каби чақириқ ва овозларни эшитадилар-у, лекин ҳеч нарсани англамайдилар. Бинобарин, уларни Ҳақ Йўлга чорлашнинг ҳеч фойдаси йўқ.

Улар кар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар. 172. Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз - покиза нарсалардан енглар ва агар *(чиндан)* Оллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилгувчи бўлсангизлар У Зотга шукр қилингиз! 173. Албатта У сизларга фақатгина ўлаксани, қонни, тўнгиз гўштини ва Оллоҳдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди. Энди кимки золим бўлмаган ва ҳаддан ошмаган ҳолида ночор вазиятда қолса, гуноҳкор бўлмайди. Албатта Оллоҳ Мағфират қилгувчи, Раҳмлидир.

И з о ҳ: Биров ейиш учун мутлақо ҳеч нарса топа олмасдан буткул иложсиз қолганда ҳаром қилинган нарсалардан бирон нарсани саломат қолиш учун ўлмагудек миқдорда еса, гуноҳкор бўлмайди.

174. Оллоҳ нозил қилган Китоб *(Таврот)*дан иборат бўлган нарсани *(Тавротдаги Муҳаммад алайҳис-саломнинг сифатлари баён қилинган оятларни)* яширадиган ва уни озгина қийматга сотадиган кимсалар қоринларини фақат олов билан тўлдирадилар - уларга Қиёмат Кунида Оллоҳ сўзламайди ва уларни *(гуноҳларидан)* покламайди. Улар учун аламли азоб бордир. 175. Ана ўшалар ҳидоят ўрнига залолатни, мағфират ўрнига азобни сотиб олган кимсалардир. Жаҳаннам ўтига мунча сабр-тоқатли эканлар-а?! 176. Ўша *(азоб)* Оллоҳ бу Китоб *(Таврот)*ни ҳақ билан нозил қилгани сабаблидир.

И з о ҳ: Оллоҳ таоло Тавротда Муҳаммад Пайғамбар ҳақида ҳақ сўзларни нозил қилган эди. Яҳудийлар бўлса, одамлар Муҳаммадга оғиб кетиб бизлар ҳурмат-эътибордан ва келаётган

ҳадялар даромадлардан маҳрум бўлиб қолмайлик, дейишиб мана шу ҳақиқатни яширганлари учун дўзах азобига дучор бўлдилар.

Албатта бу Китоб хусусида талашиб-тортишадиган кимсалар мангу талашдадирлар *(яъни, улар ҳеч қачон ҳақ билан келиша олмайдилар).* 177. Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Оллоҳга, Охират Кунига, фариштаҳаларга, Китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўкис адо қилиб, закотни берадиган киши яхши кишидир ва аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилгувчилар ва хусусан огир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилгувчилар *(яхши кишилардир).* Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводордирлар. 178. Эй мўминлар, сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди. Энди кимга биродари томонидан бир оз афв қилинса *(яъни, қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса),* у ҳолда яхшилик билан бўйинсуниш ва унга чиройли суратда *(товон)* тўлаш лозимдир.

Изоҳ: Яъни, қотилнинг ўлдирилмасдан товон тўлашига рози бўлган тараф кўполлик қилмай, қўрқитмай кутиши, қотил тарафи эса чўзмасдан, хиёнат қилмасдан товонни тўлаши лозимдир.

Бу *(ҳукм)* Парвардигорингиз томонидан (берилган) енгиллик ва раҳм-шафқатдир. Бас, кимки шундан кейин ҳаддан ошса *(масалан, товон тўлангандан кейин ҳам қотилни ўлдирса),* унинг учун аламли азоб бордир. 179. Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар! Шояд *(жиноятлардан)* сақлансангизлар.

Изоҳ: Яъни, ҳар қандай киши қасос олинишини ўйлаб ўзини қотиллик қилишдан тияди. Демак, қотилдан қасос олиш ҳукми борлиги сабабли жуда кўп қотил ва мақтул (ўлдирилувчи) бўлиши мумкин бўлган кишиларнинг ҳаёти сақланиб қолади.

180. Бировингизга ўлим келган пайтида агар у *(ўзидан кейин)* мол-дунё қолдираётган бўлса, адолат - тўғрилик билан ота-онага, қариндош-уруғга васият қилиши фарз этилди. *(Бундай васият қилиш)* Оллоҳдан қўрқувчилар устидаги бурчдир.

Изоҳ: Васият хусусида келган бу буйруқ Нисо сурасидаги мерос ояти нозил бўлишидан илгари буюрилган муваққат буйруқ

эди. Кейинчалик мерос ҳақида оят келгач, кимга қанча мерос тегиши аниқ бўлди. Энди васият қилиш бурч ҳисобланмай ихтиёрий ишга айланган ва агар биров ўз ихтиёри билан васият қиладиган бўлса, унинг васияти қолдираётган меросининг учдан биригагина нуфуз қилиши Пайғамбар алайҳис-салом томонидан белгилаб қўйилган.

181. Ким уни *(васиятни)* **эшитганидан кейин ўзгартирса, гуноҳи фақат ўзгартирганларнинг бўйнида. Албатта Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир. 182. Энди ким васият қилгувчи томонидан бирон тойилиш ёки гуноҳ содир бўлишидан қўрқса ва** *(васият қилгувчи билан меросхўрнинг)* **ораларини ислоҳ қилиб қўйса,** *(яъни, қилинаётган васиятни Шариатга мувофиқ қилиб ўзгартириб қўйса),* **гуноҳкор бўлмайди. Албатта Оллоҳ Мағфират қилгувчи, Раҳмлидир. 183-184. Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда** *(рўза тутолмаган кунларининг)* **саноғини бошқа кунларда тутади.** *(Кексалик ёки заифлиги сабабли)* **рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг** *(бир кунлик)* **таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим. Бас, ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик қилса** *(лозим бўлганидан ортиқроқ эваз тўласа),* **ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишларингиз ўзингиз учун** *(эваз бериш ёки ҳатто узрли ҳолатда рўза тутмасликка нисбатан)* **яхшироқдир. 185.** *(У саноқли кунлар)* **Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва Фурқон** *(ҳақ билан ботилни ажратгувчи)***нинг очиқ оятлари бўлиб Қуръон нозил қилинган. Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин. Ва ким хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда** *(рўза тутолмаган кунларининг)* **саноғини бошқа кунларда** *(тузалгач ёки сафардан қайтгач)* **тутади. Оллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди. Токи сизлар бу саноқни тўлдирингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Оллоҳни улуғлангиз. Шояд шукр қилсангиз. 186.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **бандаларим Сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, Мен** *(уларга)* **яқинман Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан. Бас, улар ҳам Менинг** *(даъватимга)* **жавоб қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар.** *(Шунда)* **шояд Тўғри Йўлни топсалар 187 Сизларга рўза кечасида хотинларингизга қўшилиш ҳалол қилинди.**

И з о ҳ: Рўза тутиш фарз қилинган биринчи даврда мусулмонларга бутун Рамазон ойи мобайнида хотинлари билан

яқинлашмаслик вожиб қилинган эди. Лекин айрим кишилар ўзларини тута олмай рўза кечаларида бу удумни бузар эдилар. Ушбу оят нозил бўлиши билан муаммо ҳал бўлди.

Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз *(яъни, эр-хотин бир-бири учун худди баданнинг айбларини яшириб, уни иссиқ-совуқдан асраб, ҳарорат бағишлаб турадиган либос кабидирлар).*

Оллоҳ сизлар ўзларингга хиёнат қилаётганларингни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни афв этди. Энди улар билан *(рўза кечаларида ҳам бемалол)* **қовушингиз ва Оллоҳ сизлар учун ёзган нарсани** *(фарзандни)* **талаб қилингиз! Ва то тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар. Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар! Масжидларда эътикофда бўлган чоғингизда** *(кечалари ҳам)* **улар** *(хотинларингиз)* **билан қўшилманг!**

И з о ҳ: Эътикоф - маълум муддатни ният қилиб масжиддан чиқмай рўза тутиб ибодат қилиш.

Булар *(юқориди мазкур бўлган ҳукмлар)* **Оллоҳнинг чегараларидир. Бас, уларга яқинлашмангиз! Одамлар** *(ҳаром ишлардан)* **сақланишлари учун Оллоҳ ўз оятларини мана шундай очиқ-равшан баён қилади. 188. Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ - ҳаром йўллар билан емангиз!** *(Яъни, бир-бирингизнинг ҳаққингизни еманг!)* **Ва** *(гуноҳ қилаётганингизни)* **билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини гуноҳ - ҳаром йўл билан ейиш учун** *(молларингизни пора қилиб)* **ҳокимларга узатманг! 189.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, саҳобаларингиз)* **Сиздан ойлар ҳақида сўрашади.**

И з о ҳ: Яъни, "Ой дастлаб ипдек нозик ҳолда кўриниб, сўнгра катталаша боради Ниҳоят тўлиб, доира шаклига киргач, яна қайтадан нозиклашиб, охири дастлабки ҳолига қайтади. Бунинг сири нимада?", деб сўрашади.

Айтинг: у *(ойлар)* **одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовларидир.**

И з о ҳ: Ойнинг ўзгариб - янгиланиб туришига қараб одамлар ўзларининг деҳқончилик, савдо ва бошқа дунёвий ишлари ҳамда ҳаж, рўза, закот каби диний ишларнинг вақтларини аниқлайдилар.

Уйларингизга орқа томонидан киришингиз яхшилик эмас, балки Оллоҳдан қўрққан киши яхшилик қилгувчидир.

И з о ҳ: Мусулмонлар ҳаж сафаридан қайтганларида уйларига эшикдан кирмай, орқа томондан келиш одатлари бўлиб, бу уларга Исломдан олдинги даврлардан мерос бўлиб қолган эди. Ушбу оят

бунинг бефойда одатлигини, ҳақиқий яхши амал Оллоҳдан қўрқиш эканини ифода қилади.

Уйларга эшикларидан кирингиз**! Ва Оллоҳдан қўрқингиз! Шояд нажот топсангиз. 190. Сизларга қарши урушувчилар билан Оллоҳ Йўлида жанг қилингиз ва тажовузкор бўлмангиз! Шубҳасиз, Оллоҳ тажовузкорларни севмайди.**

И з о ҳ: Биринчидан, урушни сизлар аввал бошламанг. Иккинчидан, уруш қонун-қоидаларига риоя қилинг: Тажовузкор, динсиз кимсаларнинг қулоқ-бурунни кесиш, қуролсиз кишиларни, аёллар, гўдаклар ва қариларни ўлдириш каби одатларини қилманг!

191. Уларни *(сизлар билан уруш олиб бораётганларни)* **топган жойингизда ўлдирингиз ва сизларни** *(қувиб)* **чиқарган жой** *(яъни, Макка)***дан уларни ҳам** *(қувиб)* **чиқарингиз!** *(Одамларни)* **алдаш - фитнага солиш ўлдиришдан ёмонроқдир. Ўзлари уруш бошлагунча улар билан Масжид-ал-Ҳаром олдида урушмангиз! Энди агар уларнинг ўзлари уруш бошласалар, у ҳолда уларни ўлдиринглар! Кофирларнинг жазоси шундай бўлади. 192. Энди агар тўхтасалар** *(куфрдан кечиб, Исломга кирсалар)*, **бас, албатта Оллоҳ Кечиргувчи, Раҳмлидир. 193. То фитна тугаб,** *(бутун)* **Дин Оллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан урушингиз! Энди агар тўхтасалар,** *(у ҳолда сизлар ҳам тўхтангиз!)* **Зеро, фақат золимларга қарши душманлик қилиш мумкин. 194. Уруш ҳаром қилинган ой уруш ҳаром қилинган ой муқобилида бўлади.**

И з о ҳ: Уруш ҳаром қилинган ойда кофирлар сизларга қарши урушар эканлар, сизлар ҳам бу ойда уларга қарши урушишингиз мумкин. Аслида "шаҳри ҳаром" - уруш ҳаром қилинган ойда ҳеч қандай уруш-жанжал бўлмаслиги лозим. Аммо, модомики, қарши тараф бу қоидага риоя қилмас экан, демак, сизлар ҳам риоя қилишингиз шарт эмас, чунки.

Ҳурматлар *(бузилса, риоя қилинмаса)* **қасос** *(олинади)*. **Бас, ким сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам уларга тажовузлари муқобилида тажовуз қилинг! Ва Оллоҳдан қўрқингиз! Билингларки, Оллоҳ Ўзидан қўрқувчилар билан биргадир. 195. Оллоҳ Йўлидаги** *(кураш учун молларингизни)* **сарфланглар! Ва** *(бахиллик қилиш билан)* **ўзингизни ҳалокатга ташламанг! Яхшилик қилинг! Албатта Оллоҳ яхшилик қилгувчиларни севади. 196. Ҳаж ва умрани Оллоҳ учун комил суратда адо қилинг! Агар** *(касаллик ёки йўлтўсарлар сабабли)* **йўлингиз тўсилиб қолса, муяссар бўлган бирор ҳадя юборинг ва токи ҳадянгиз ўз жойига етиб бормагунча бошларингизни** *(сочларингизни)* **қирманг!**

И з о ҳ: Ҳаж ёки умра ибодатини адо этишни ният қилган киши аввало иҳром (махсус кийим) кияди. Шундан кейин то ҳаж маросимларини тўла адо қилгунича унинг учун соч-соқолга тиғ теккизиш, тирноқ олиш, жуфти билан яқинлашиш, бировга - ҳатто энг майда ҳашаротга ҳам озор бериш каби феъллар ҳаром бўлади. Ҳаж амалларини адо қилиб бўлгач, сочни қириш ёки қисқартириш билан иҳромдан чиқилади. Энди бирор ҳожининг йўли тўсилиб, қандайдир сабаб билан ҳаж амалларини охирига етказа олмаса бир туя, мол ёки қўйни ўз тарафидан Оллоҳ Йўлида ҳадя қилиб жўнатиши лозим. Бу ҳадя жойига - Маккага етиб боргач, йўлда қолган ҳожи сочни қириши - яъни, иҳромдан чиқиши мумкин бўлади.

Энди агар сизлардан *(ҳожилардан)* **кимдир касал ёки бошида бирон дарди бўлса** *(шу узр билан иҳромда турган ҳолида сочини қирдирса)*, **у ҳолда** *(уч кун)* **рўза тутиш ёки** *(олти мискинга)* **садақа бериш ёхуд** *(бир қўй)* **сўйиш билан эваз тўласин! Қачонки** *(йўлтўсарлардан ёки бошқа ҳар қандай монеъдан)* **хотиржам бўлсангиз,** *(ораларингиздан)* **ким ҳаж** *(йўлида)* **умрадан фойдаланган бўлса** *(яъни, ҳаж мавсумида аввал умра амалларини бажариб, иҳромдан чиқиб, сўнгра ҳажга иҳром боғлаган бўлса)*, **муяссар бўлган бирон ҳадяни юборсин! Ким** *(ҳадя қиладиган нарса)* **топа олмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганларингиздан кейин рўза тутсин! Бу тўла ўн кундир. Ушбу ҳукм аҳли-оиласи Масжид-ал-Ҳаромда бўлмаган кишилар учундир.** *(У ернинг аҳолиси учун бундай ҳуқуқ ва бурчлар йўқ).* **Оллоҳдан қўрқингиз! Ва билингки, Оллоҳ - азоби қаттиқ Зотдир. 197. Ҳаж** *(мавсуми)* **маълум ойлардир.** *(Яъни, Шаввол, Зул-қаъда ва Зул-ҳижжа ойининг ўн куни ҳаж учун сафар қилинадиган ойлардир, лекин ҳажнинг фарзлари иҳром боғлаш, Зул-ҳижжа ойининг 9-куни Арафот тоғида туриш ва Қурбон ҳайити кунлари Байтуллоҳни тавоф қилиш билан адо топади).* **Бас, ким шу ойларда** *(ўзига)* **ҳажни фарз қилса** *(ҳаж қилишни ният қилса)*, **ҳаж давомида** *(жуфтига)* **яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди. Қандай яхши амал қилсангиз, албатта Оллоҳ билади. Ва** *(ҳаж қилиш учун йўлга тушишдан аввал зарур озуқа билан)* **таъминланиб олинг! Албатта энг яхши озуқа** *(яъни, ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса)* **Оллоҳдан қўрқишдир. Мендан қўрқингиз, эй аҳли донишлар! 198.** *(Ҳаж сафарида тижорат қилиш билан)* **Парвардигорингиздан фазлу карам исташингизда сизлар учун ҳеч қандай гуноҳ йўқдир. Энди Арафотдан** *(Макка яқинидаги тоғ)* **тушганингиздан кейин Машъар-ул-Ҳаромда Оллоҳни зикр қилинг! У Зот сизларни - гарчи**

илгари адашганлардан бўлган эсангиз-да - Ҳақ Йўлга ҳидоят қилгани янглиг сизлар ҳам У Зотни эсланг - зикр қилинг!"

И з о ҳ: Ҳожилар Зул-ҳижжа ойининг тўққизинчи кунидаги иккинчи ярмида Арафот тогида тўпланиб, Парвардигорга дуо ва тавбалар қилиб турганларидан кейин тушиб Муздалифа тогининг этагида Машъар-ул-Ҳаром деган жойда тун бўйи дуо-такбир, тавба-тазарруълар билан Оллоҳ таолога муножотлар қиладилар, Ҳақ Йўлга ҳидоят қилгани учун шукроналар айтадилар.

199. Сўнгра одамлар тушган томондан тушинглар ва Оллоҳдан *(гуноҳларингизни)* магфират қилишини сўранглар! Албатта Оллоҳ Магфират қилгувчи, Раҳмлидир. 200. Энди маросимларингизни адо қилиб бўлгач, Оллоҳни аждодларингизни эслагандек, балки ундан-да каттиқроқ эсланг! Зотан, одамлар орасида шундай кимсалар борки, "Эй Парвардигор, бизга мана шу дунёда бергин", дейди. Ҳолбуки, унинг учун Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ. 201. Ва уларнинг орасида шундай зотлар ҳам борки, "Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгин, Охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин", дейдилар. 202. Ана ўша зотлар учун қилган ибодатлари *(ҳаж, дуолари)* шарофатидан насиба бор. Оллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи Зотдир. 203. Саноқли кунларда Оллоҳни зикр қилингиз!

И з о ҳ: Зул-ҳижжа ойининг 11, 12, 13-кунлари назарда тутилади. Бу кунларда ҳожилар Мино деган жойда туриб, Оллоҳни зикр қилиб дуо-ю салавотлар айтадилар ва шайтонга лаънат тошини отадилар.

Ким икки кунда шошилиб *(зикрни тўхтатиб Минодан тушса)* унга гуноҳ йўқ, ким кейинда *(учинчи куни ҳам)* қолса, унгада гуноҳ йўқдир. *(Мазкур ҳукмлар)* тақводор кишилар учундир. Оллоҳдан қўрқингиз ва билингизким, сизлар шубҳасиз, Унинг ҳузурида тўпланажаксиз. 204. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* одамлар орасида шундай кимсалар борки, унинг ҳаёти дунё ҳақида гапирган гапи Сизга қизиқ туюлади. Ва ўзи *(Исломга)* ашаддий хусуматчи бўлган ҳолда дилидаги "иймонига" Оллоҳни гувоҳ келтиради. 205. *(Олдингиздан)* кетганида эса ерда бузгунчилик, экин ва наслларни ҳалок қилиш учун югуриб-елиб юради. Оллоҳ эса бузгунчилик-фасодни севмайди. 206. Қачон унга: "Оллоҳдан қўрққин", дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга тортади-етаклайди. Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а!

И з о ҳ: Юқоридаги уч оят - Ахнас ибн Шарийқ исмли бир мунофиқ ҳақида нозил бўлгандир. У Пайгамбар алайҳис-саломнинг

ҳузурларига келиб, ўзининг ҳақиқий мўмин эканлиги ҳақида ёлғон қасамлар ичиш билан Пайғамбар алайҳис-саломнинг кўнгилларини ўзига хайрихоҳ қилишга уринганида мазкур оятлар билан Оллоҳ таоло Ўз Пайғамбарини огоҳлантиради ва у мунофиқнинг мўминларга етказаётган зиёнларини элга ошкор қилади.

207. Одамлар орасида Оллоҳ ризолигини истаб ўз жонини сотадиган *(яъни, Оллоҳ учун жонини фидо қиладиган)* зотлар ҳам бор. Оллоҳ бандаларига Ғамхўр - Меҳрибондир. 208. Эй мўминлар, тўла ҳолдаги Исломга кирингиз! *(Яъни, Исломнинг баъзи ҳукмларига итоат қилиб, баъзиларига итоат қилмайдиган кимсалардан бўлмангиз)!* Ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир. 209. Агар сизларга очиқ ҳужжатлар келганидан кейин ҳам тойилсангиз, билингизки, албатта Оллоҳ Қудратли, Ҳикматли Зотдир. 210. Улар *(Ҳақ Йўлни инкор этувчилар Қиемат Кунида)* боқмайдилар, магар уларга булутдан бўлган соябон остида Оллоҳ ва фаришталар *(ҳисоб-китоб учун)* келади-да, иш тамом бўлади *(яъни, улар куфрлари сабабли дўзахга ҳукм қилинурлар)*. Ва барча ишлар Ёлғиз Оллоҳга қайтарилажак. 211. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, бани Исроилдан сўранг, уларга қанчалаб очиқ мўъжизалар бердик экан! Ким Оллоҳнинг неъмати келганидан сўнг, уни ўзгартирар экан, бас, албатта Оллоҳ жазоси қаттиқ Зотдир. 212. Куфр йўлини тутган кимсалар учун бу ҳаёти дунё зийнатлаб қўйилди. Улар иймон эгаларининг устларидан куладилар. Ҳолбуки, Қиёмат Кунида тақводор зотлар улардан баланддир. Оллоҳ Ўзи истаган кишиларга ҳисобсиз ризқ беради. 213. Одамлар бир миллат *(бир дин устида иттифоқ яшар)* эдилар. Сўнг *(ораларида келишмовчиликлар пайдо бўлгач)*, Оллоҳ *(мўминларга)* хушхабар элтгувчи ва *(кофирларни жаҳаннам азобидан)* қўрқитувчи пайғамбарларини юборди. Ва у *(пайғамбарлар)* билан одамлар орасида чиққан тортишувларга ҳакам бўлсин, деб Ҳақ Китобни *(Таврот, Инжилни)* нозил қилди. Энди очиқ оятлар келганидан кейин, фақат шу Китоб берилган кимсалар ҳаддаридан ошиб, *(Муҳаммад алайҳис-салом хусусида ва у зотга нозил бўлгин Китоб ҳақида)* талашиб-тортишдилар Сўнгра Оллоҳ Ўз изни билан мўминларни улар *(Китоб берилган кимсалар)* ихтилоф қилган *(лекин ета олмаган)* Ҳақ Йўлга йўллади. Оллоҳ Ўзи истаган кишиларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилади. 214. Ёки *(эй мўминлар)*, сизлардан илгари ўтган зотлар мисоли - ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва

мусибатлар *(устма-уст)* келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто Пайғамбар ва иймонли кишилар: "Ахир қачон Оллоҳнинг ёрдами келади?" дейишган эди. *(Шунда уларга бундай жавоб бўлган эди:)* "Огоҳ бўлингизким, Оллоҳнинг ёрдами яқиндир". 215. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиздан нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: "Қандай яхшилик қилсангиз, ота-онага, қариндош-уруғга, етим-мискинларга ва йўловчи-мусофирларга қилингиз. Қандай яхшилик қилсангиз, шубҳасиз, Оллоҳ уни Билгувчидир". 216. *(Эй мўминлар, гарчи)* сизларга ёқмаса-да, *(кофирларга қарши)* жанг қилишингиз фарз қилинди. *(Зотан,)* сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сизлар учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Оллоҳ билур, сизлар билмассиз. 217. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиздан "шаҳри ҳаром" - уруш ҳаром бўлган ойда жанг қилиш ҳақида сўрайдилар. Айтинг: "У *(ойда)* жанг қилиш катта гуноҳдир. Оллоҳнинг Йўлидан тўсиш, Унга ишонмаслик ва Масжид-ал-Ҳаромдан *(яъни, Маккадан)* тўсиш ва ундан аҳлларини қувиб чиқариш Оллоҳ наздида янада каттароқ гуноҳдир. Фитна *(алдаш)* ўлдиришдан-да каттароқ гуноҳдир. Улар *(кофирлар)* қўлларидан келса то динингиздан қайтаргунларича сизлар билан уришаверадилар. Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, динсиз ҳолда ўлса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари дунё-ю Охиратда беҳуда кетур. Улар дўзах эгаларидир ва унда абадий қолажаклар. 218. Албатта иймон келтирган, *(ватанларидан)* ҳижрат қилган, Оллоҳ Йўлида курашган зотлар - ана ўшалар Оллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. Оллоҳ Мағфиратли, Раҳмлидир. 219-220. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиздан ароқ *(ичкилик)* ва қимор ҳақида сўрайдилар. Айтинг: "Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор. Буларнинг гуноҳи фойдасидан каттароқдир".

Изоҳ: Ислом келган даврда ичкилик ичиш, қимор ўйнаш каби иллатлар жамиятнинг ҳаётига сингиб кетган оддий ишлар эди Шунинг учун Қуръон буларни дафъатан ҳаром қилмади - зотан, бундай иллатларни фақат юқорининг буйруғи билан йўқотиш имконсиздир - балки аввало бу ишлардан келадиган фойда-зарарларни кўрсатиш ва одамларнинг буларга бўлган муносабатларини ўзгартириш йўлини тутди. Яъни, бу ҳаром нарсаларни мусулмонларнинг қўлларидан тортиб олишдан илгари кўнгилларидан тортиб олди. Шу боисдан кейинроқ келган "Ароқ, қимор шайтон амалидан бўлган ҳаром нарсалардир" деган оят нозил бўлиши билан мусулмонлар бу иллатлардан бирйўла қутулдилар.

Яна Сиздан нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар. "*(Ўзингиздан)* ортганини", деб жавоб қилинг! Шундай қилиб, дунё ва Охират ҳақида тафаккур қилишингиз учун Оллоҳ сизларга Ўз оятларини баён этади. Яна Сиздан етимларнинг *(моллари)* ҳақида сўрайдилар. Айтинг: "Уларни ислоҳ қилиш яхшидир. Агар *(молларингизни)* уларнинг *(моллари)* билан қўшиб юборсангиз *(зарари йўқ)*. Зеро, улар биродарларингиздир. Оллоҳ ким бузғунчи, ким ўнгловчи - ислоҳ қилувчи эканини билади. Агар истаса, сизларни машаққатта солган бўлур эди. Албатта Оллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгасидир.

И з о ҳ: Ислом дини етим-есирларни оталиққа олишни буюради. Бу оят уларнинг ота-оналаридан мерос бўлиб қолган молларига қандай муносабатда бўлиш лозимлиги ҳақидадир. Мусулмонлар ўз оталиқларидаги етимлар молларини қандай сарф қилаётганларига кўз-қулоқ бўлиб туришларини Қуръон "ислоҳ" деб атаб, шундай қилишга буюради ва уларнинг молларини ўз молларига қўшиб ишлатишларига ҳам рухсат беради. Фақат бу иш билан етимларнинг манфаатини кўзлаганларни ҳам, ўз фойдаларини ўйлаганларни ҳам, Оллоҳ, албатта билиши таъкидланади. Шунингдек, Оллоҳ истаса мусулмонларни бундай қулайликлардан маҳрум қилган бўлиши мумкин эканлиги уқтирилади.

221. *(Эй мўминлар)*, то иймонга келмагунларича мушрика аёлларга уйланмангиз! Шубҳасиз, озод мушрика аёлдан - гарчи у сизга ёқса-да,- иймонли чўри яхшироқдир. То иймонга келмагунларича мушрик эрларни *(қизларингизга)* уйламангиз! Шубҳасиз, озод мушрикдан - гарчи у сизга ёқса-да, - иймонли қул яхшироқдир. Улар *(мушриклар)* дўзахга чақирадилар. Оллоҳ Ўз изни-иродаси билан жаннат ва мағфиратта даъват қилади. Ва одамлар эслатма олишлари учун Ўз оятларини баён қилади. 222. Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: "У кўнгилсиз-нопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида хотинларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз! Пок бўлганларидан кейин уларга Оллоҳ буюрган тарафдан келингиз! Албатта Оллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади". 223. Хотинларингиз сизлар учун экинзордир.

И з о ҳ. Бу сўзлар билан Қуръон эр-хотиннинг яқинлашувидан биринчи муддао - фарзанд талаб қилиш эканига ишора қилмоқда.

Бас, экинзорингизга хоҳлаган ҳолатингизда яқинлашаверинг ва ўзингиз учун *(яхши амаллар)* тақдим қилинг!

Оллоҳдан қўрқингиз ва билингизким, сизлар Унга рўбарў бўлгувчисиз. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **иймонли кишиларга** *(жаннат)* **хушхабарини етказинг! 224. Яхшилик қилиш, тақводор бўлиш ва одамлар орасини ислоҳ қилиш** *(каби амаллардан тўсадиган)* **қасамларингиз учун Оллоҳни баҳона қилмангиз! Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир.**

И з о ҳ: Баъзи кишиларга бирор яхши амални қилиш ҳақида гапирилса. "Бажони дил қилардим-у, шу ишни қилмаслик тўғрисида Оллоҳ номига қасам ичган эдим-да", деб баҳона кўрсатишади Юқоридаги ва қуйидаги оятлар шундай кишиларга жавобдир.

225. Оллоҳ сизларни тилларингиздаги беҳуда қасамларингиз сабабли жазоламайди. Балки дилларингиз билан қилган нарсангиз *(қасамингиз)* **билан жазолайди. Оллоҳ Мағфиратли, Ҳалим Зотдир. 226. Хотинларидан қасам билан юз ўгирган кишилар учун тўрт ой кутиш муҳлати бор. Агар** *(шу муддат ичида хотинларига)* **қайтсалар** *(жоиздир).* **Зеро, Оллоҳ шубҳасиз, Мағфиратли, Раҳмлидир. 227. Ва агар талоқ қилишни қасд қилган бўлсалар, бас, албатта Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир.**

И з о ҳ: Хотинларига яқинлашмасликка қасам ичган кишилар тўрт ой ичида уларга яқинлашишлари мумкин. Бу ҳолда никоҳ боқий ҳисобланиб, қасамларини бузганлари учун муайян каффорат (эваз, жарима) тўлайдилар. Агар шу муддат ичида хотинларига яқинлашмасалар, муддат тугагач никоҳ ўз-ўзидан бузилиб, талоқ тушади.

228. Талоқ қилинган аёллар уч ҳайз муддатида ўзларини кузатадилар. Агар Оллоҳга ва Охират Кунига ишонсалар, улар учун Оллоҳ бачадонларида яратган нарсани *(ҳомилани ёки ҳайзни)* **яширишлари ҳалол бўлмайди. Агар эрлари ислоҳни** *(оилани тиклашни)* **истасалар, шу муддат ичида уларни қайтариб** *(никоҳларига)* **олишга ҳақлидирлар. Ва яхши амалларда улар** *(аёллар)* **учун зиммаларидаги** *(эрлари олдидаги)* **бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор. Ва эркаклар учун** *(аёллар)* **устида бир даража** *(имтиёз)* **бор. Оллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгасидир.**

И з о ҳ. Ислом талоқ қилинган аёлга насл-насаблар аралашиб кетмаслиги учун уч ҳайз мобайнида ўзини кузатиб бошқа турмуш қурмай туришни буюради. Шу муддат ўтгач ҳомила йўқлиги равшан бўлади ва у аёл эрга тегиши жоиздир Агар ҳомиладор эканлиги маълум бўлса, бола туғилиб, нифос муддати ўтгандан кейин бошқа турмуш қуриши мумкин. Мана шу кутиш вақтини

"идда" деб аталади. Шу идда асносида эр қилган ишидан пушаймон бўлиб, ярашишни истаса, бунга унинг ҳаққи бор. Энди эр-хотиннинг оилавий ҳаётдаги бурчи ва ҳуқуқлари тенг бўлиб, фақат эрнинг имтиёзи унинг оила бошлиги эканлигидадир.

229. *(Эр хотинини қайта никоҳига олиши мумкин бўлган)* **талоқ икки мартадир. Сўнгра** *(оилани)* **яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажрашиш** *(лозим)*. **Ва сизлар учун уларга** *(хотинларингизга)* **берган нарсаларингиздан** *(уларнинг маҳрларидан)* **бирон нарсани қайтариб олишингиз дуруст бўлмайди. Фақат эр-хотин Оллоҳ буюрган** *(оилавий турмуш борасидаги)* **қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан қўрқсаларгина** *(дурустдир)*. **Бас, агар уларнинг** *(эр-хотиннинг)* **Оллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан қўрқсангизлар, у ҳолда хотин** *(эридан ажрашиш учун)* **эваз қилиб берган нарсада** *(яъни, хотиннинг эваз беришида, эрнинг шу эвазни олишида)* **улар учун гуноҳ йўқдир. Бу Оллоҳнинг қонун-чегараларидир. Бас, улардан тажовуз қилиб ўтмангиз! Ким Оллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, ана ўшалар золимлардир.**

И з о ҳ: Шариат ҳукмига кўра оила никоҳ қилиш билан тузилиб, агар эр-хотиндан биронтасининг вафот қилишидан бошқа қандайдир сабаб билан ажралишга тўғри келса, талоқ қилиш билан бузилади. Лекин Исломда талоқни - оилани бузишни Оллоҳ таоло суймаслиги таъкидланади. Ва бу талоқ қилиш ҳуқуқи эркакка берилган, чунки табиатан эркаклар аёлларга нисбатан оғир-босиқ, ҳар бир ишнинг оқибатини ўйлаб қиладиган ва оилани оғир-енгил кунларда сабр-тоқат билан бошқариб борадиган кишилардир. Бундан ташқари икки мартагача қайта ярашишга рухсат берилган, чунки гоҳо аччиқ устида ўйланмасдан қилинган талоқдан кейин эр ҳам, хотин ҳам надомат қилиб қолишлари мумкинки, мазкур рухсат шундай пушаймон ҳолатида ёрдамга келади. Лекин ажрашиш аниқ бўлган ҳолда ҳам Ислом "чиройли суратда ажрашиш"га, яъни, эр-хотин бир-бирини беҳурмат қилмай, хусусан аёл кишини бошқалар назарида қора қилмай (унга кейин бошқа эр харидор бўлиши мумкинлигини назардан қочирмаслик лозим) ва унга никоҳ сабабли берилган маҳр - ўзини эрига бағишлагани учун берилган эваздан бирон нарса олиб қолмай ажрашишга буюради. Юқоридаги оятда Шариатдаги яна бир ҳукм - агар хотин эри билан яшай олишига кўзи етмасдан ундан талоқ қилишини сўраса ва бу талоқ учун муайян миқдорда эваз тўлашини айтса, эр бу эвазни қабул қилиши жоиз экани ҳам баён қилинади.

230. **Энди агар уни** *(учинчи марта)* **талоқ қилганидан кейин эса, то у аёл бошқа эр билан турмуш қурмагунича** *(аввалги эрига)* **ҳалол бўлмайди. Сўнг агар** *(кейинги эр ҳам)* **талоқ қилса, бу ҳолда Оллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қилишларига ишонсалар,** *(у хотин аввалги эри билан)* **бир-бирларига қайтишларининг,** *(яъни, қайта турмуш қуришларининг)* **гуноҳи йўқдир. Булар Оллоҳнинг чегараларидирки, буларни биладиган қавм учун баён қилади. 231. Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас, уларни яхшилик билан олиб қолинг ёки яхшилик билан кузатинг! Уларга зулм қилиш билан зарар етказиш учун ушлаб турмангиз! Ким шундай қилса ўзига зулм қилибди.**

И з о ҳ: Маълумки, талоқ қилинган аёл иддаси битиши билан бошқа эрга тегишга ҳаққи бор. Шунинг учун хотинларини талоқ қилган эркаклар уларнинг иддалари битмай туриб яна қайтадан никоҳларига олишлари мумкин. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Айрим кишилар хотинлари билан бирга яшаш учун қайта никоҳларига олсалар, баъзи бир кимсалар уларни бошқа турмуш қуришидан тўсиш учун никоҳларига оладилар ва шу йўл билан хотинларини талоқ олиш учун эваз тўлашга мажбур қиладилар. Мазкур оят бундай кимсаларни ўзларига зулм қилувчилар, деб атайди.

Оллоҳнинг оятларини ҳазил деб билманглар! Оллоҳнинг сизларга берган неъматини ва сизларга ваъз-насиҳат этиб нозил қилган Китоб ва *(у Китобдаги)* **ҳикматдан иборат нарсани ёдингизда тутингиз! Оллоҳдан қўрқингиз ва билингизким, албатта Оллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир. 232. Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас,** *(эй ота-оналар)* **уларни ўзаро яхшилик билан келишишган бўлсалар, эрларига қайта никоҳланишдан тўсманг! Бу ҳукмлардан сизларнинг ораларингиздаги Оллоҳга ва Охират Кунига ишонадиган зотлар ваъз-насиҳат оладилар. Бу ҳукм** *(яъни, эр-хотинни ярашиб олишларидан тўсмаслик)* **сизлар учун энг тоза ва покловчи ҳукмдир. Оллоҳ билур, сизлар билмассиз. 233. Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар.** *(Бу ҳукм)* **эмизишни бенуқсон қилмоқчи бўлган кишилар учундир. Уларни** *(яъни, оналарни)* **яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ташқари нарса таклиф қилинмайди. Болалари сабабли ота ҳам, она ҳам зарар тортмасин.**

И з о ҳ: Шариат ҳукмига кўра она агар ўзи истамаса, боласини эмизишга мажбур қилинмайди. Балки эр бирор эмизувчи энагага

ҳақ тўлаб эмиздириши лозим бўлади. Юқоридаги боласи сабабли она зарар тортмасин, деган гапнинг маъноси - онани, ўзи хоҳламаса, эмизишга мажбур қилинмайди, деганидир. Энди бола сабабли ота зарар кўрмасин дегани - унга хотин томонидан тоқатдан ташқари талаблар қўйилмасин, деганидир.

Меросхўр - ворис зиммасида ҳам худди шундай *(бурч)* бор.

Изоҳ: Боланинг отаси ўлса, меросхўр бўлган шахс зиммасида вафот қилган отанинг зиммасида бўлган боланинг онасини едириб-кийдириш, болани эмизувчи энагага ҳақ тўлаш каби вазифалар қолади.

Агар *(ота-она)* ўзаро келишиб, маслаҳат билан *(болани сутдан)* ажратмоқчи бўлсалар, гуноҳкор бўлмайдилар. Агар болаларингизни *(эмизувчи энагага)* эмиздирмоқчи бўлсангиз, берадиган ҳақни яхшилик билан тўла-тўкис тўлаб турсангиз, гуноҳкор бўлмайсиз. Оллоҳдан қўрқингиз ва билингизки, албатта Оллоҳ қилаётган амалларингизни Кўргувчидир. 234. Сизлардан *(мусулмонлардан)* вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб *(идда сақлаб)* турадилар. Энди қачон *(идда)* муддатдари битса улар ўз хусусларида яхшилик билан қилган *(бошқа турмуш қуриш хусусидаги)* ишларида сизлар *(яъни, ўлган эринииг уруғлари)* учун гуноҳ йўқдир. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир. 235. У аёлларга *(яъни, эрлари ўлиб, идда сақлаб турган аёлларга)* совчиликни ишора қилишингизда ёки ичларингизда *(совчилик ҳақида)* ўйлашингизда сизлар учун гуноҳ йўқ. Оллоҳ сизлар у аёлларга *(совчилик ҳақида)* зикр қилишингизни билди. Лекин улар билан хуфёна ваъдалашмангиз! Фақат яхши гаплар гапиришингиз *(жоиздир)*. То буюрилган идда муддати битмагунча никоҳ боғлашга қасд қилманг! Ва билингизки, албатта Оллоҳ ичларингиздаги нарсани билади. Бас, Унинг *(азобидан)* эҳтиёт бўлинг! Ва билингизки, албатта Оллоҳ Мағфиратли, Ҳалимдир. 236. Агар хотинларингизни уларга қўл теккизмай туриб ёки улар учун маҳр белгиламай туриб талоқ қилсангиз *(ҳам)* сизлар учун гуноҳ йўқдир. Ва *(бу ҳолда)* уларни бой борича, йўқ ҳолича яхшилик қилиш билан фойдалантиринг! *(Бу ҳукм)* яхшилик қилгувчилар зиммасига бурч бўлди. 237. Агар уларни маҳрни белгилаб қўйган ҳолингизда қўл теккизишдан илгари талоқ қилсангизлар, белгиланган маҳрнинг ярми *(зиммангиздадир)*. Магар улар *(ярим маҳрни олишдан)* кечиб юборса ёки никоҳ битими қўлида бўлган зот *(яъни, эр ўзига қайтган ярим маҳрдан)*

кечса, *(яъни, бутун маҳрни тўласа жоиздир).* Кечиб юборишингиз тақвога яқинроқ ишдир. Ўзаро бир-бирларингизга фазлу карам қилишни унутмангиз! Албатта Оллоҳ қилаётган амалларингизни Кўргувчидир. 238. Барча намозларни ва хусусан ўрта намозни *(аср намозини)* сақланглар - ўз вақтларида адо қилинглар! Ва Оллоҳ учун бўйинсунган ҳолда туринглар! 239. Энди агар *(душман ҳужумидан)* хавфда қолсангиз, пиёда ёки отлиқ ҳолингизда *(ибодат қилаверингиз!)* Қачон хотиржам бўлганингизда, билмаган вақтингизда Оллоҳ сизларга қандай ўргатган бўлса, шундай ҳолда *(яъни, намознинг барча арконларини ўрнига қўйиб)* Оллоҳни зикр қилингиз! 240. Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар *(ўлимларидан олдин),* хотинларига бир йилгача *(эрнинг уйидан)* чиқарилмай фойдаланадиган миқдордаги нарсани васият қилсинлар. Агар улар *(хотинлар)* ўзлари чиқиб кетсалар, сизлар *(эрнинг урутлари)* учун у хотинлар ўз хусусларида қилган яхши амаллари сабабли гуноҳ йўқдир. Оллоҳ Қудратли, Ҳикматли Зотдир. 241. Талоқ қилинган аёлларни *(идда муддатида)* яхшилик билан фойдалантириш тақводор эрларнинг зиммасидаги бурчдир. 242. Шундай қилиб, ақл юргизишингиз учун Оллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади. 243. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз ўлимдан *(яъни, вабога йўлиқишдан)* қочиб, ўз диёрларидан чиққан минглarча кишининг ҳоли-хабарини билмадингизми? Бас, Оллоҳ уларга: "Ўлинглар!", деди. *(Ва улар ўлдилар. Яъни, ўлимнинг сабаби касаллик эмас, балки Оллоҳнинг амридир).* Сўнгра уларга ҳаёт ато қилди. Албатта Оллоҳ одамларга фазлу карам қилгувчидир. Лекин жуда кўп одамлар шукр қилмайдилар. 244. Оллоҳ Йўлида жанг қилингиз ва билингизки, албатта Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир. 245. Оллоҳга қарзи ҳасана *(савобга эришиш ниятида ихтиёрий қарз)* берадиган киши борми, *(агар бўлса, албатта Оллоҳ)* унга бир неча баробар қилиб қайтарур. Зотан, *(ризқингизни)* тор ва кенг қиладиган Оллоҳдир. Ва Ёлгиз Унга қайтарилажаксиз. 246. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз бани Исроилдан бўлган, Мусодан кейинги бир жамоатнинг ҳоли хабарини билмадингизми? Қайсики, улар ўзларининг *(Шамъун исмли)* пайғамбарларига: "Биз учун бир подшоҳ тайинлагин, биз *(у билан бирга)* Оллоҳ Йўлида жанг қилайлик", дейишди. "Агар сизларга уруш фарз қилинса, эҳтимол урушмассиз?", деди *(Пайғамбар).* Улар айтдилар: "Диёримиздан ҳайдалиб, болаларимиздан *(ажралиб)* турибмиз-ку, нега Оллоҳ Йўлида

урушмас эканмиз?" Энди қачонки уларга уруш фарз қилинганда, озгина кишидан ташқари ҳаммалари бош тортдилар. Оллоҳ *(ўз аҳду паймонларидан қайтиш билан ўзларига)* зулм қилгувчиларни Билгувчидир. 247. Пайғамбарлари уларга айтди: "Албатта Оллоҳ сизларга Толутни подшоҳ қилиб тайинлади". "У қаёқдан бизга подшоҳлик қилсин, ахир биз подшоҳликка ундан ҳақлироқмиз-ку, *(қолаверса)*, унга кенг-катта мол-давлат ато қилинмаган бўлса", дейишди. Пайғамбар айтди: "Албатта Оллоҳ уни сизларнинг устингизга сайлади ва унга илмда ва жисмда қувватни зиёда қилди. Оллоҳ мулкини Ўзи истаган кишига беради". Оллоҳ *(фазлу карами)* Кенг, Билгувчидир. 248. Пайғамбарлари уларга айтди: "Унинг подшоҳ бўлиб сайланганлигининг аломати - сизларга бир сандиқ келишидирки, унда Парвардигорингиз томонидан хотиржамлик ва Мусо ва Ҳорун оилаларидан қолган мерос жо қилинган бўлиб, уни фаришталар кўтариб турадилар. Аґар чиндан иймон эгалари бўлсангиз, шубҳасиз, бу *(воқеада)* сизлар учун оят-аломат бордир. 249. Қачонки Толут аскарлари билан *(шаҳардан)* чиққач, айтди: "Албатта Оллоҳ сизларни бир дарё билан имтиҳон қилади. Бас, ким ундан сув ичса, менинг *(аскарим)*дан эмас ва ким ундан ичмаса, у megandир. Магар ким қўли билан фақат бир ҳовуч олса *(жоиздир)*". Бас, у дарёдан озгиналаридан бошқа ҳаммалари ичдилар. Энди қачонки у иймон келтирган кишилар билан бирга дарёдан ўтгач, *(аскарлар)* айтдилар: "Энди бу кун Жолут ва унинг лашкарларига кучимиз етмайди". *(Шунда)* Оллоҳга рўбарў бўлишларига ишонадиган зотлар: "Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир", дедилар. 250. Қачонки Жолут ва унинг лашкарига кўринганларида, айтдилар: "Парвардигоро, устимиздан сабру тоқат ёғдиргил, қадамларимизни собит қил ва Ўзинг бизни бу кофир қавм устига ғолиб қил!" 251. Бас, Оллоҳнинг изни билан уларни енгдилар. Ва *(Толутнинг аскарларидан бўлган)* Довуд Жолутни ўлдирди. Ва Оллоҳ унга *(Довудга)* подшоҳлик, пайғамбарлик ато қилди ва Ўзи хоҳлаган нарсаларидан таълим берди. Агар Оллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан дафъ қилиб турмас экан, шубҳасиз, Ер фасодга дучор бўлади. Лекин Оллоҳ барча оламлар устида фазлу карам Соҳибидир. 252. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, булар Оллоҳнинг оятларидир. Уларни Сизга ҳаққирост тиловат қилмоқдамиз. Ва Сиз шак-шубҳасиз, пайғамбарлардандирсиз.

253. Биз ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Уларнинг ораларида Оллоҳ *(бевосита)* сўзлаган зотлар бор. Ва *(уларнинг)* айримларини *(Оллоҳ)* юксак даражаларга кўтарди. Ийсо бинни Марямга ҳужжатлар бердик ва уни Руҳул-Қудус *(Жаброил)* билан қувватлантирдик. Агар Оллоҳ хоҳлаганда у пайғамбарлардан кейин ўтган одамлар ўзларига очиқ ҳужжатлар келганидан кейин уришишмаган бўлардилар. Аммо улар ихтилоф қилдилар. Бас, уларнинг орасида мўминлар ҳам бор, кофирлар ҳам. Агар Оллоҳ хоҳлаганда уришишмаган бўлардилар, лекин Оллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қилади. 254. Эй мўминлар, на олди-сотди, на ошна-оғайнигарчилик ва на шафоат - қўллов бўлмайдиган Кун келишидан илгари сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ-эҳсон қилинглар! Кофир бўлган кимсаларгина зулм қилгувчилардир. 255. Оллоҳ - ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У Тирик ва Абадий Тургувчидир. Уни на мудроқ, на уйқу олмайди. Самовот ва Ердаги бор нарсалар Унингдир. Унинг ҳузурида ҳеч ким *(бировни)* Унинг изнисиз қўллай олмайди. У уларнинг *(барча одамларнинг)* олдиларидаги ва ортларидаги бор нарсани билади. Ва улар У Зотнинг илмидан фақат Унинг Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар. Унинг Курсиси осмонлар ва Ердан кенгдир. Ва Уни осмонлар ва Ерни ҳифзу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг Юксак ва Буюкдир.

И з о ҳ: Ушбу ояти карима Қуръони Каримдаги энг буюк оятдир. Унинг шаъни улуғлиги ва мазмун-моҳиятининг теранлиги ҳақида Расулуллоҳ алайҳис-саломдан жуда кўплаб ҳадислар ривоят қилинган. Убай бин Каъб тарафидан ривоят қилинган бир ҳадисда: "Пайғамбар алайҳис-салом ундан (Убай бин Каъбдан): "Оллоҳнинг Китоби - Қуръондаги энг буюк оят қайси", деб сўрадилар. У: "Оятул-Курсий - Оллоҳу ла илаҳа илла Ҳувал-Ҳаййул-Қоййум", деб жавоб берди. Шунда Пайғамбар алайҳис-салом: "Эй Мунзирнинг отаси (Убай, тўғри айтдинг) -илминг зиёда бўлсин- албатта бу оятнинг тили ва лаблари бўлиб, Арш пойида Подшоҳ (Оллоҳ)ни поклаб - улуғлаб туради", дедилар

Яна бошқа бир ҳадисда Пайғамбар алайҳис-салом "Кимки ҳар бир намоздан сўнг Оятул-Курсийни ўқиса, уни жаннатга киришдан фақат ўлим тўсиб туради", деб марҳамат қилганлар.

256. Динга зўрлаб *(киритиш)* йўқдир. *(Зеро),* Ҳақ Йўл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Оллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир. 257. Оллоҳ мўминларнинг Дўстидир. Уларни қоронғу - зулматлардан ёруғлик - нурга чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар *(кофирларни)* ёруғлик-нурдан қоронғу-зулматларга чиқарадилар. Ана ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар. 258. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз Оллоҳ подшоҳлик берганидан ҳовлиқиб Иброҳим билан Парвардигори ҳақида талашган кимсанинг *(Намруднинг)* ҳоли-хабарини билмадингизми? Ўшанда Иброҳим: "Парвардигорим тирилтириб, ўлдирадиган Зотдир", деганида, у: "Мен *(ҳам)* тирилтираман ва ўлдираман", деди. Иброҳим айтди: "Албатта Оллоҳ қуёшни Машриқдан чиқаради. Сен уни Мағрибдан чиқаргин-чи?" Шунда бу кофир довдираб қолди. Оллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди.

Изоҳ: Подшоҳ Намруд Иброҳим алайҳис-саломга: "Сен бизларни даъват қилаётган Парвардигоринг қандай Зот?", деганида, Иброҳим пайғамбар айтдилар: "Парвардигорим Ўз бандаларига жон бериб, жон олгувчидир". Шунда Намруд: "Бу менинг ҳам қўлимдан келади", деб икки кишини келтирди-да, бирини ўлдириб, яна бирини қўйиб юборди. Иброҳим алайҳис-салом унинг аҳмоқлигини кўргач, дедилар: "Менинг Парвардигорим қуёшни Шарқдан чиқаради. Агар сен чиндан ҳам қудрат эгаси бўлсанг, уни Ғарбдан чиқаргинчи?!" Ана шундагина Намруд жавоб тополмай лол бўлиб қолди.

259. Ёки бир зот *(Узайр пайғамбар)* ҳақидаги масални *(билмадингизмики),* у зот томлари йиқилиб-ҳувиллаб қолган бир қишлоқдан ўтаркан: "Оллоҳ бу хароб бўлган *(қишлоқни)* қандай тирилтирар экан-а?", деди. Шунда Оллоҳ уни юз йил муддатга ўлдирди. Сўнгра тирилтириб деди: "Қанча муддат *(ўлик ҳолда)* турдинг?" "Бир кун ё ярим кун", деди у. Оллоҳ деди: "Йўқ, юз йил турдинг. Таом ва ичимлигингга қара - бузилган эмас. Энди эшагингни *(чириб, суяклари ажраб кетганини)* кўргин. *(Бу ҳодисани Оллоҳнинг қудратини кўрсатиш)* ва сени одамлар учун оят - ибрат қилиш учун *(келтирдик).* Бу суякларни қандай тиклаб, сўнг уларни гўшт билан қоплашимизни кўргин". Қачонки унга бу нарсалар аниқ кўрингач: "Албатта Оллоҳ ҳамма нарсага Қодир эканини биламан", деди. 260. Эсланг, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Иброҳим: "Парвардигорим, менга ўликларни қандай қилиб

тирилтиришингни кўрсатгин", деганида, Оллоҳ: "Ишонмаганмидинг?", деди. Иброҳим айтди: "Йўқ, *(ишонаман-ку)*, лекин дилим *(яна ҳам)* таскин топиши учун". Оллоҳ айтди: "Тўртта қушни олиб, уларни ўз олдингта тўплагин *(ва уларни бош, оёқ, қанот ва патларини тортиб, узиб, сўнгра бир-бирларига аралаштириб)*, кейин *(атрофдаги тоглардан)* ҳар бир тоғнинг устига уларни бўлак-бўлак қилиб қўйгин ва шундан сўнг уларни чақиргин, сенинг олдингта чопиб келадилар! Билгилки, Оллоҳ шубҳасиз, Қудратли ва Ҳикматлидир". *(Демак, ўликларни қайта тирилтириш Оллоҳ таоло қудрати олдида жуда осон ишдир)*. 261. Оллоҳ Йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди. *(Қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда.)* Оллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради. Оллоҳ *(фазлу карами)* Кенг, Билгувчидир. 262. Молларини Оллоҳ Йўлида сарфлаб, сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргаштирмайдиган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида улуг ажр бордир. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар. 263. Яхши гап ва кечириш - кетидан озор келадиган садақадан яхшироқ. Оллоҳ Беҳожат ва Ҳалимдир. 264. Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Оллоҳга ва Охират Кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! Зеро, унинг *(риёкорнинг)* мисоли худди бир устини чанг-тупроқ қоплаб олган силлиқ тошга ўхшайдики, унга шаррос қуйган ёмгир теккан-да уни *(устидаги чанг-тупроқни ювиб тушириб)* қаттиқ-силлиқ тошлигича қолдирган. *(Ундай риекор)* мунофиқлар яхши амаллар қилдик, деб ҳисоблайдилар, аммо Қиёмат Кунида топган *(ва сарфлаган)* дунёларидан ҳеч нарсага эга бўлмайдилар. Оллоҳ кофирларни ҳидоят қилмайди. 265. Молларини Оллоҳнинг ризолигини истаб ва дилларида мустаҳкам ишонч билан сарф қиладиган зотларнинг мисоли худди адирликдаги шаррос қуйган ёмгир теккач, ҳосилини икки баробар қилган боққа ўхшайди. Энди агар унга шаррос қуйган ёмгир тегмаган бўлса, майдалаб ёққан ёмгир *(ҳам кифоя қилади)* Оллоҳ қилаётган амалингизни Кўргувчидир. 266. Сизлардан биронтангиз тагларидан дарёлар оқиб тургувчи, хурмо-ю узумлари бор, ҳар турли меваларга тўла боги бўлишини, кексайиб нимжон болалари билан қолган пайтида эса ўша богини ўтли бўрон уриб, ёниб битишини истайдими? Шундай қилиб,

тафаккур қилишингиз учун Оллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади.

И з о ҳ: Ушбу оятда Оллоҳ таоло эҳсон қилиб, орқасидан миннат қиладиган ёки хўжакўрсинга эҳсон қиладиган кимсаларнинг Охиратдаги аҳволи ҳақида хабар бериб, гарчи улар "қилган эҳсонларимиз сабабли жаннатларга эришамиз", деб хомтама бўлсаларда, уларнинг қилган "эҳсонлари" ни миннат ва риё бўрони учириб-ёндириб кетиши аниқ эканини уқтиради.

267. Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз! Эҳсон қилиш учун улардан ўзингиз фақат кўз юмиб туриб оладиган - паст-нопокларини танламангиз! Ва билингизки, албатта Оллоҳ Беҳожат ва ҳамду сано Эгаси бўлган Зотдир. 268. Шайтон сизларни *(агар инфоқ-эҳсон қилсангиз)* **камбағал бўлиб қолишингиздан қўрқитади ва фаҳш ишларга буюради. Оллоҳ сизларга Ўз тарафидан мағфират ва фазлу карам** *(бойлик)* **ваъда қилади. Оллоҳ** *(фазлу карами)* **Кенг ва Билгувчидир. 269. У Ўзи истаган кишиларга ҳикмат** *(фойдали билим)* **беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳаққаққи, унга кўп яхшилик берилибди. Ваъз-эслатмаларни фақат аҳли донишларгина оладилар. 270. Инфоқ-эҳсон қилган ҳар бир нафақангизни ва назр қилган ҳар бир назрингизни шубҳасиз, Оллоҳ билади. Ва** *(Оллоҳ таоло буюрган садақотларни бермайдиган)* **золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир. 271. Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз, жуда яхши. Ва агар махфий қилиб, фақир-камбағалларга берсангиз - бу ўзингиз учун янада яхшироқдир. Ва қилган гуноҳларингизга каффорат бўлади. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир. 272.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **уларни ҳидоят қилиш Сизнинг зиммангизда эмас. Балки Оллоҳ Ўзи истаган кишиларни ҳидоят қилади. Қандай яхшилик** *(мол)* **инфоқ-эҳсон қилсангизлар, бас, ўзингиз учундир. Фақат Оллоҳ Юзини истаб яхшилик инфоқ-эҳсон қилингиз! Қилган ҳар бир яхшилигингиз сизларга зулм қилинмаган ҳолида ўзингизга тўла-тўкис қайтарилади. 273.** *(Садақот-эҳсонлар)* **Оллоҳнинг Йўлида тўсилган** *(яъни, ўзларини ушлаган),* **бирор ерга сафар қилишга қодир бўлмайдиган, қаноатлари сабабли, билмаган одамга бой-бадавлат бўлиб кўринадиган фақир-камбағаллар учундир. Уларнинг** *(фақирликларини)* **сиймоларидан билиб оласиз. Улар одамлардан тиланиб туриб олмайдилар, қандай яхшилик қилсангиз, бас, албатта Оллоҳ уни Билгувчидир.**

274. Мол-дунёларини кеча-ю кундуз, яширин ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар учун Парвардигорларининг ҳузурида улуғ ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар. 275. Судхўр бўлган кимсалар *(Қиемат Кунида қабрларидан)* турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб, уларнинг: "Байъ *(олди-сотди)* ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?", деганларидир. Ҳолбуки, Оллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Бас, кимга Парвардигоридан мавъиза - насиҳат етгач *(судхўрликдан)* тўхтаса, у ҳолда аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Оллоҳга *(топширилади)*. *(Яъни, Ўзи хоҳласа афв қилар)*. Ва ким *(судхўрликка)* қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар. 276. Оллоҳ судхўрликнинг *(фойдасини)* йўқ қилади ва садақаларнинг *(фойдасини)* зиёда қилади. Оллоҳ ҳар қандай *(судхўрликни ҳалол деб биладиган)* кўрнамакни ва *(судхўрлик қиладиган)* жиноятчини севмайди. 277. Албатта иймон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозни тўкис адо қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар. 278. Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз! *(Яъни, одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз.)* 279. Энди агар *(фармонимизни)* қилмасангиз, у ҳолда Оллоҳ ва Пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга - золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз. 280. Агар *(қарздор)* ночор бўлса, бойигунча кутинг! Агар билсангизлар *(берган қарзингизни)* садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир. 281. Ва *(барчангиз)* Оллоҳга қайтариладиган Кундан қўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди. 282. Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар! Ораларингизда бир котиб адолат билан ёзсин! Ҳеч бир котиб Оллоҳ унга билдирганидек ёзишдан бош тортмасин, албатта ёзсин! Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсин - Парвардигори бўлмиш Оллоҳдан қўрқсин ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин! Агар зиммасида қарзи бўлган киши ақлсиз ё ожиз *(ёш бола ё жуда кекса)* бўлса, ёки *(кар соқовлиги ё тил билмаслиги сабабли айтиб туриб)* ёздиришга қодир бўлмаса, унинг ҳомий - вакили адолат билан ёздирсин! Ва сизлар рози бўладиган *(адолатли)* гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак

топилмаса, бир эркак ва икки аёлни - бири унутиб адашса, яна бири унга эслатади- гувоҳ қилинглар! Гувоҳлар *(гувоҳлик учун)* чақирилганда бош тортмасинлар! Хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, муддати келгунича ёзиб қўйишдан эринманглар. Мана шу Оллоҳ наздида адолатлироқ, гувоҳлик учун тўғрироқ ва сизлар шак-шубҳа қилмаслигингизга яқинроқ бўлган *(ҳукмдир)*. Лекин агар *(ўртадаги муомалангиз)* ораларингизда юргизиб турган нақд савдо бўлса, уни ёзмасангиз-да, сизлар учун гуноҳ йўқдир. Ва бир-бирингиз билан савдо қилганда гувоҳ келтиринг! Ва на котиб, на гувоҳга зарар етмасин. Агар шундай қилсангиз *(яъни, улардан биронтасига зарар етказсангиз)*, бу Оллоҳга итоатсизлигингиздир. Оллоҳдан қўрқингиз! Оллоҳ сизларга *(Ҳақ-Ҳидоят Йўлини)* билдиради. Оллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир. 283. Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз *(берилган нарса эвазига)* қўл билан тутгудек гаров олинг! Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатини адо қилсин ва Парвардигори - Оллоҳдан қўрқсин! Гувоҳликни яширмангиз! Ким *(гувоҳликдан бош тортиш билан)* уни яширса, бас, албатта унинг қалби осий - гуноҳкордир. Оллоҳ қилаётган амалингизни Билгувчидир. 284. Самовот ва Ердаги бор нарса Оллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Оллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади ва Ўзи истаган кишини мағфират қилиб, Ўзи истаган кишини азоблайди. Оллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир. 285. Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар *(ҳам иймон келтирдилар)*. Оллоҳга, фаришта得ларига, Китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши *(айтди)*: "Биз Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз". Ва "Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажакмиз", дедилар. 286. Оллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. *(ҳар кимнинг)* қилган *(яхши)* амали ўзи учундир ва *(ёмон)* амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зурлама! Бизларни афв эт, *(гуноҳларимизни)* мағфират қил, *(ҳолимизга)* раҳм айла! Ўзинг Хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!

Изоҳ: Мусулмонлар Бадр жангида ўзларидан бир неча марта кўп бўлган Қурайш кофирларининг устидан ғалаба қозонишгач, Мадинага қайтганларидан кейин Пайғамбар алайҳис-салом яҳудийларни тўплаб: "Эй яҳудийлар, сизлар менинг ҳақ Пайғамбар эканимни Тавротдан ўқиб билгансизлар. Бас, шундай бўлгач, бошингизга қурайшликларнинг куни тушмасдан аввал менга қарши туришни бас қилинглар!", дедилар. Шунда улар: "Сен уруш илмидан бехабар бўлган бир гуруҳ жоҳил қурайшликни енгганинг билан ғурурланма! Бизнинг зўрлигимизни биз билан урушганда биласан", деб жавоб қилишганда юқоридаги оятлар нозил бўлди.

14. **Одамларга аёллар, болалар, туганмас олтин-кумуш бойликлар,** *(қиммат)* **баҳоли отлар, чорва ва экин-тикинлар каби истак-хоҳишларга кўнгил қўйиш чиройли қилинди.** *(Ҳолбуки),* **бу нарсалар ҳаёти дунёнинг** *(ўткинчи)* **нарсаларидир. Оллоҳнинг ҳузурида эса энг гўзал қайтадиган жой - жаннат бордир.** *(Яъни, ўткинчи нарсаларга кўнгил бермай, ҳақиқий гўзалликни севмоқ, унга интилмоқ лозим).* 15. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **айтинг: "Сизларга булардан яхшироқ нарса ҳақида хабар берайми? Тақводор кишилар учун Парвардигорлари ҳузурида улар абадий қоладиган, тагларидан дарёлар оқиб тургувчи жаннатлар, покиза жуфтлар ва Оллоҳнинг Ризолиги бор. Оллоҳ бандаларини Кўриб тургувчидир. 16. Улар: "Парвардигоро, бизлар Сенга иймон келтирганмиз, энди Ўзинг гуноҳларимизни мағфират айла ва бизни дўзах азобидан асра", дейдилар. 17. Улар сабр-қаноатли, иймонларида содиқ, ибодат-итоатли, инфоқ-эҳсонли бўлган ва саҳарларда Оллоҳдан мағфират тилайдиган кишилардир. 18. Оллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари - Ёлгиз Оллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. У адолат билан тургувчи - Ҳукм қилгувчидир. Ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи бор. У Қудратли, ҳикмат Эгасидир. 19. Албатта Оллоҳ наздидаги** *(мақбул бўладиган)* **дин Ислом динидир. Аҳли Китоблар** *(яҳудий ва насронийлар)* **уларга** *(Ислом ва Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбарлиги ҳақида)* **аниқ билим-ҳужжат келганидан кейин фақат ўзаро ҳасад-адоват қилганлари сабаблигина талашиб-тортишдилар. Ким Оллоҳнинг оятларига кофир бўлса, бас, албатта Оллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи Зотдир.** 20. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **агар Сиз билан** *(Дин ҳақида)* **тортишсалар: "Мен ва менга тобеъ бўлган кишилар ўзимизни Оллоҳга топширдик - Унга бўйинсундик", деб айтинг! Сўнг аҳли Китоблар ва** *(Китоб берилмаган)* **омий-бутпарастлардан: "Исломга**

кирдингизми?", деб сўранг! Агар Исломга кирсалар, муҳаққақ, Ҳақ Йўлни топибдилар. Энди агар юз ўгирсалар, у ҳолда Сизнинг зиммангиздаги нарса фақатгина етказишдир. Оллоҳ бандаларини Кўриб тургувчидир. 21. Оллоҳнинг оятларига куфр келтирадиган, пайғамбарларни ноҳақ ўлдирадиган ва одамлар орасидаги адолатга буюрадиган зотларни ўлдирадиган кимсаларга албатта аламли азоб "хушхабар"ини етказинг! 22. Уларнинг қилган амаллари дунё-ю Охиратда беҳуда кетмиш ва улар учун бирор ёрдамчи йўқдир. 23. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Китобдан *(Тавротдан)* насибадор бўлган кимсалар ораларида ҳакамлик қилсин учун Оллоҳнинг Китобига чақирилаётганларини, сўнгра улардан бир гуруҳи юз ўгирган ҳолларида бурилиб кетаётганларини кўрмадингизми?

И з о ҳ: Ривоят қилишларича, яҳудийлар ўзларидан бўлган икки зинокорни Пайғамбар алайҳис-саломнинг ҳузурларига келтириб, ҳукм қилишларини сўрашганда, у зот тошбўрон қилишга буюрганлар. Улар эса: "Бизнинг динимизда зинокорни юзига қора чаплаб, кўча айлантирилади", деб туриб оладилар. Шунда Таврот Китобини келтириб кўришса, унда ҳам тошбўрон қилиш буюрилган бўлиб чиқади ва жиноятчилар қилмишларига яраша жазо оладилар. Бу ҳукмдан норози бўлган яҳудийлар юз ўгириб чиқиб кетганларида юқоридаги оят нозил бўлди.

24. Бунга *(яъни, адолатли ҳукмдан юз ўгиришларига)* сабаб, уларнинг: "Бизга фақат саноқли кунлардагина дўзах ўти тегади", деганларидир. Ўзлари тўқиган бу ёлғонлари уларни динларидан адаштириб қўйди.

И з о ҳ: Яҳудийлар: "Биз фақат аждодларимиз бузоққа сиғинган қирқ кун муддатдагина дўзахда бўламиз, кейин эса албатта жаннатга кирамиз", деб даъво қиладилар.

25. Энди уларни ҳеч шак-шубҳасиз, келадиган Кунга тўплаганимизда ва ҳар бир жонга мазлум бўлмаган ҳолда қилган амаллари учун тўла жазо-мукофот берилганда қандай бўларкин?! 26. Айтинг: "Эй мулку давлат Эгаси бўлган Оллоҳим, Сен Ўзинг истаган кишинга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик Ёлғиз Сенинг Қўлингдадир. Албатта Сен барча нарсага Қодирсан. 27. Кечани кундузга киритурсан ва кундузни кечага киритурсан, ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда истаган кишингга беҳисоб ризқ берурсан".

И з о ҳ. Бу оятда кеча-кундузнинг узайиб-қисқариб туриши ва ўлик данак, тухум, нутфа (маний - шаҳват суви) каби нарсалардан дарахт, парранда, инсон каби жонли мавжудотнинг пайдо бўлиши ёки аксинча, тирик жонзотдан тухум, нутфа каби жонсиз нарсалар чиқиши - буларнинг барчаси Ёлғиз Оллоҳнинг амри билан бўлиши ифодаланган.

28. *(Модомики, барча иш - бутун мулк Ёлғиз Оллоҳнинг қўлида экан, демак)*, **мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, бас, Оллоҳ томонидан томонидан ҳеч нарсада эмас** *(яъни, Оллоҳга бегонадир)*. **Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз** *(юзаки муомала қилсангиз жоиздир)*, **Оллоҳ сизларни Ўзининг** *(азобидан)* **огоҳ қилур. Ва фақат Оллоҳга қайтажаксиз. 29.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **айтинг: "Дилларингиздаги нарсани хоҳ яширинг, хоҳ ошкор қилинг, Оллоҳ уни билур. Ва** *(шунингдек)*, **У Зот осмонлар ва Ердаги бор нарсани билур. Оллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир". 30. Ҳар бир жон ўз қилган яхши амалларини ҳозиру нозир ҳолда кўрадиган, ёмон амалларининг эса олис-олисларда қолиб кетишини истайдиган Кунни** *(эсланглар)!* **Оллоҳ сизларни Ўзининг** *(азобидан)* **огоҳ қилур. Оллоҳ бандаларига Ғамхўр - Меҳрибондир. 31.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **айтинг: "Агар сизлар Оллоҳни севсангиз, менга эргашинглар.** *(Шунда)* **Оллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Оллоҳ** *(гуноҳларни)* **Мағфират қилгувчи, Меҳрибондир". 32. Айтинг: "Оллоҳ ва Пайғамбарга итоат қилингиз!" Агар юз ўгирсалар, бас, албатта Оллоҳ кофирларни севмас. 33. Албатта Оллоҳ Одам ва Нуҳни ҳамда Иброҳим хонадонини ва Имрон хонадонини бутун оламлар устида** *(пайғамбарлик учун)* **танлаб олди. 34. Уларнинг бировлари бировларига зурриёт** *(эдилар)*. **Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир. 35.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Имроннинг хотини: "Парвардигорим, мен қорнимдаги нарсани** *(ҳомилани дунё ишларидан)* **озод этиб, Сенга назр қилдим. Бас,** *(бу назримни ўз даргоҳингда)* **қабул айла! Албатта Сен Эшитгувчи, Билгувчисан", деганини эсланг! 36. Кўзи ёригач эса бундай деди: "Парвардигор, мен қиз туғдим". - Ҳолбуки, Оллоҳ унинг нима туққанини Билгувчироқдир ва** *(ҳар қандай)* **ўғил бу қиз каби** *(яъни, бу қизнинг ўрнини босгувчи)* **эмасдир. - "Ва мен унга Марям деб исм қўйдим. Мен бу қизга ва унинг зурриётига даргоҳингдан қувилган шайтоннинг** *(ёмонлигидан)* **паноҳ беришингни Сендан илтижо қиламан". 37. Бас, Парвардигори уни** *(Марямни)* **хуш қабул айлаб,**

чиройли парвариш этди ва унга Закариёни кафил қилди. Ҳар қачон Закариё *(Марямнинг)* **олдига - ҳужрага кирганида унинг ҳузурида бир ризқ-насиба кўрди. У: "Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?", деб сўраганида** *(Марям)* **жавоб қилди: "Булар Оллоҳ ҳузуридандир. Албатта Оллоҳ Ўзи истаган кишиларга беҳисоб ризқ берур".**

И з о ҳ: Марямнинг онаси ибодатхонага олиб бориб бергач, уни тарбиялаш иша ибодатхона роҳибларидан бири бўлган Закариё пайғамбарнинг чекига тушади У қачон Марямнинг хонасига кирса, у ерда қишда ёз мева-чевалари, ёзда қишда бўладиган ноз-неъматларни кўради. Шунда уларнинг ўртасида юқоридаги оятда зикр қилинган савол-жавоблар бўлиб ўтади.

38. Ўшанда Закариё Парвардигорига дуо қилиб деди: "Парвардигорим, менга ҳам Ўз ҳузурингдан бир покиза зурриёт - фарзанд ҳадя этгин! Албатта Сен дуо-илтижоларимни Эшитгувчисан". 39. Сўнг меҳробда намоз ўқиб турган вақтида унга фаришталар нидо қилдилар: "(*Эй Закариё*)**, Оллоҳ сенга Оллоҳнинг Сўзини тасдиқ этадиган,** *(ўз қавмига)* **хожа бўладиган,** *(шаҳватлардан ўзини)* **тиядиган ва солиҳ пайғамбарлардан бўладиган Яҳё исмли фарзанд хушхабарини берур". 40. "Парвардигорим, менга кексалик етган, хотиним туғмас бўлса, мендан қандай фарзанд бўлсин?", деди** *(Закариё)*. *(Оллоҳ)* **айтди: "Шундай, Оллоҳ истаган ишини қилур". 41. Парвардигорим, мен учун** *(кампирим ҳомилали бўлганига)* **бирон белги - аломат қилсанг", деди у.** *(Оллоҳ)* **айтди: "Сенга белги шуки, уч кун одамларга фақат имо-ишора билангина гапира оласан. Парвардигорингни мудом ёд қил ва туну кун У Зотни поклаб** *(ибодат қил)***!"**

И з о ҳ: Дарҳақиқат, уч кунгача Закариёнинг тили Оллоҳнинг зикридан ўзга сўзга айланмай қолди. Одамларга эса фақат имо-ишора билан муомала қилди. Мазкур оятларда кексайиб, фарзанд кўришдан умидлари узилган кишиларга Оллоҳ таоло Ўз изни-иродаси билан фарзанд ато этгани баён қилинган бўлса, қуйидаги оятларда янада ажиброқ қисса Ийсонинг отасиз дунёга келиши ҳақида ҳикоя қилинади Бу қиссадан ҳисса шуки, Ийсо ҳеч қандай худо эмас, балки Оллоҳнинг амри билан биби Марямдан туғилган одам фарзандидир.

42 43. Фаришталар Марямга: "Ё Марям, албатта Оллоҳ сени *(аёллар орасидан)* **танлаб олди ва** *(барча гуноҳлардан)* **поклади ҳамда сени бутун оламларнинг аёлларидан афзал қилди. Ё Марям, Парвардигорингга итоат қил ва рукуъ** *(Оллоҳга ибодат)* **қилгувчилар билан бирга сажда ва рукуъ** *(яъни, ибодат қил!")*.

деганларини эсланг! 44. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* бу ғайб хабарларидандирки, бу хабарни Сизга Биз ваҳий қилмоқдамиз. Ҳолбуки, Сиз улардан қайсилари Марямга кафил бўлиши*(ни билишлик)* учун қаламларини *(қуръа қилиб)* ташлаганларида уларнинг олдида эмасдингиз ва талашиб-тортишганларида ҳам уларнинг олдида эмасдингиз. 45. Эсланг, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* фаришталар дедилар: "Ё Марям, албатта Оллоҳ сенга Ўз томонидан бир Сўз ҳақида хушхабар берадики, унинг исми ал-Масиҳ Ийсо бинни Марям бўлиб, у дунё-ю Охиратда обрўли ва *(Оллоҳнинг)* яқинларидандир 46. У одамларга гўдаклик пайтида ҳам вояга етган чоғидагидек гапирур. *(У)* солиҳ *(банда)*лардандир". 47. Марям: "Парвардигорим, менга одамзод тегмаган бўлса, қаёқдан менда фарзанд бўлсин?", деди. Оллоҳ айтди: "Шундай, Оллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсасини *(Ўзи хоҳлаган суратда)* яратади. Қачон бирон ишни ирода қилса, унга: "Бўл!", дейди. Бас, у иш бўлади".

Изоҳ: Оллоҳнинг Сўзи - Ийсо бинни Марямдир. Чунки у зот Қуръоннинг хабарига кўра Оллоҳ таолонинг: "Бўл!", деган Сўзи - фармони билан Марямдан отасиз таваллуд топганлар.

48. Ва унга *(Ийсога)* ёзиш ва ҳикмат - илмни, Таврот ва Инжилни таълим беради. 49. *(Уни)* бани Исроил қавмига пайғамбар қилади. *(Ийсо бани Исроилга дейди):* "Мен сизларга Парвардигорингиздан *(ўзимнинг ҳақ пайғамбар эканлигимни тасдиқловчи)* оят-далил келтирдим: Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясайман, сўнг унга пуфласам, у Оллоҳнинг изни-иродаси билан ҳақиқий қуш бўлади. Ва яна кўр, пес касалларини тузата оламан ва Оллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман ҳамда сизларга ейдиган ва уйларингизда сақлайдиган нарсаларингизни айтиб бера оламан. Агар мўмин бўлсангизлар, албатта бу ишларда сизлар учун аниқ оят-далиллар бордир".

Изоҳ Пайғамбарлар тарихидан шу нарса маълум бўладики, ҳар бир пайғамбар ўзининг замонида ривожланиб, тараққий қилган соҳада замондошларидан устун ва пешқадам бўлади. Масалан, Муҳаммад алайҳис-салом замонларида араб оламида адабиет ниҳоят даражада ривожланган бўлиб, адиблар орасида тез тез мусобақалар ўтказилиб турар ва ғолибларнинг асарларини Каъба деворларига осиб қўйишар эди Кунлардан бир куни саҳобалардан бири Қуръондаги энг кичик сура бўлган "Кавсар" сураси езилган варақни ғолиб асарлар енига илиб қўяди. Шунда бу сурани ўқиган ва ундаги Илоҳий балоғат фасоҳатдан лол қолган шоирлар бир овоздан: "Бу башарнинг сўзи эмас!", деб гувоҳлик берадилар.

Ийсо алайҳис-саломнинг даврида эса табобат илми шундай тараққий қилган эдики, дунёда биронта давосиз дард йўқ, деб ҳисобланар эди. Шунда Ийсо алайҳис-салом келдилару ҳеч бир табибнинг қўлидан келмайдиган ишни қилдилар - ўликни тирилтирдилар! Шунинг учун ҳам Қуръонда у зотнинг номларига ал-Масиҳ - силовчи лақаби қўшилди. Яъни, у кишининг қўллари теккан - силаган ўликка жон кирар эди. Бундай мўъжизалар, табиийки, одамлар ўз пайғамбарларига иймон келтиришларига сабаб бўлар эди.

50. "*(Мен сизларга)* **ўзимдан олдинги Тавротнинг** *(ҳақ эканлигини)* **тасдиқловчи бўлган ҳолда ва сизлар учун ҳаром қилинган** *(еғ, туя гўшти, балиқ каби)* **айрим нарсаларни ҳалол қилиш учун** *(келдим)*. **Ва сизларга Парвардигорингиздан оят-далил келтирдим. Бас, Оллоҳдан қўрқингиз ва менга итоат қилингиз! 51. Албатта Оллоҳ Парвардигорим ва Парвардигорингиздир. Бас, Унга бандалик қилингиз! Мана шу Тўғри Йўлдир!" 52. Энди қачонки Ийсо улар** *(яҳудийлар)* **томондан куфрни кўргач: "Оллоҳнинг** *(Динига даъват қилишимда)* **ким менга ёрдамчи бўлур?", деди. Ҳаворийлар айтдилар: "Биз Оллоҳнинг** *(Динига)* **ёрдам бергувчилармиз. Оллоҳга иймон келтирдик.** *(Эй Ийсо)*, **гувоҳ бўлгинки, биз Оллоҳга бўйинсунгувчилармиз. 53. Парвардигоро, нозил қилган Нарсангга ишондик, пайғамбарингга эргашдик. Бас, бизни** *(Ўзингнинг Бирлигингга, пайғамбарингнинг ҳақлигига)* **гувоҳлик берувчилар қаторига ёзгин!" 54.** *(Яҳудийлар)* **макр қилдилар. Оллоҳ ҳам "макр" қилди. Оллоҳ "Маккорроқдир".**

Изоҳ: Улар Ийсо алайҳис-саломни ўлдирмоқчи бўлдилар. Оллоҳ эса унга бирор зарар етказмай Ўз ҳузурига - самога кўтарди. Оллоҳнинг "макри" - тадбири устунроқ бўлиб чиқди.

55. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Оллоҳ айтган бу сўзларни эсланг: "Ё Ийсо, албатта Мен сени ердан бус-бутун** *(яъни, ҳеч қандай зарар етказмасдан)* **олувчи ва Ўз ҳузуримга кўтаргувчиман. Ва сени кофирлардан халос қилгувчиман ҳамда то Қиёмат Кунигача сенга эргашган зотларни кофирлардан юқори қўйгувчиман. Сўнгра Менга қайтажаксиз. Бас, Ўзим сизлар талашиб-тортишган нарсалар ҳақида ораларингизда ҳакамлик қилурман. 56. Бас, кофир бўлган кимсаларга дунё ва Охиратда қаттиқ азоб-ла азоб берурман. Ва улар учун ҳеч қандай ёрдамчи бўлмас. 57. Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга эса** *(Оллоҳ)* **ажрларини комил суратда берур. Оллоҳ зулм**

қилгувчиларни севмайди. *(Бинобарин Ўзи ҳам ҳеч кимга зулм қилмай, ҳар кимга қилган ишига лойиқ жазо беради)"*. **58.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сизга тиловат қилаётганимиз бу** *(қисса Оллоҳнинг)* **оятлари ва ҳикматли эслатмаларидандир. 59. Албатта Ийсонинг** *(отасиз туғилишининг)* **мисоли Оллоҳ наздида худди Одамнинг мисоли кабидирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра "Бўл", деди. Бас, у** *(жонли одам)* **бўлди.**

Изоҳ: Ривоят қилинадики, бир гуруҳ насронийлар Пайғамбар алайҳис-салом ҳузурларига келиб: "Нега сен бизнинг пайғамбаримиз Ийсони: "У ҳам бир инсон, Оллоҳнинг бандаси", деб ҳақорат қиласан! Агар у худо бўлмаганида отасиз туғилармиди?", дейишди. Шунда Одамнинг на ота, на онасиз дунёга келиши уни бандалик қилишдан тўсмагани янглиғ, Ийсонинг отасиз туғилиши ҳам унинг банда бўлишига монеъ бўлмайди, деган мазмунда юқоридаги оят нозил бўлди.

60. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, бу)* **Парвардигорингиз томонидан бўлган Ҳақ** *(Сўздир)*. **Бас, шубҳа қилгувчилардан бўлманг! 61. Энди Сизга келган** *(мана шу ҳақ)* **маълумотдан кейин** *(насронийлардан)* **кимда-ким Сиз билан талашиб-тортишмоқчи бўлса,** *(ундай кимсаларга)* **айтинг: "Келинглар, ўғилларимизни ва ўғилларингизни, аёлларимиз ва аёлларингизни, ўзларимизни ва ўзларингизни чорлаб-йиғайлик, сўнгра Оллоҳга тазарруъ билан илтижо қилайлик-да, ёлғончиларни Оллоҳ лаънат қилишини сўрайлик".**

Изоҳ: Мазкур оятда Муҳаммад Пайғамбарга Ийсони худо деб билувчи кимсалар агар Қуръон оятларига ишонмасалар, ёлғончиларга Оллоҳнинг лаънатини сўраб, қасам ичишликка таклиф қилиш буюрилди. Ровийларнинг айтишларича, биронта насроний келиб, қасам ичишга журъат этмаган экан.

62 Албатта бу ҳақ-рост қиссадир. *(Яъни, Ийсо ҳеч қандай худо эмас, балки Оллоҳнинг бошқа ҳамма пайғамбарлари каби оддий одам зотидандир)* **Ва ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Оллоҳнинг Ўзи бор. Ва албатта Оллоҳнинг Ўзигина қудрат ва ҳикмат Эгасидир. 63. Энди ҳам** *(ҳақиқатдан)* **юз ўгирсалар бас, албатта Оллоҳ бузғунчиларни Билгувчидир. 64.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **айтинг: "Эй аҳли Китоб"** *(яъни, яҳудий ва насронийлар),* **бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз - Ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Оллоҳни қўйиб, бир-бировларимизни худо қилиб олмайлик".**

Изоҳ: Бутун оламни яратган Оллоҳ таоло барча инсонлар бахтли яшасинлар деб Ўз томонидан ҳаёт учун дастурул-амал бўлган қонун-қоидалар, яъни, Динни юборган. Кимда-ким бу қонун-қоидаларни тан олмасдан ўз-ўзича янги қонун чиқармоқчи бўлса, яъни, Оллоҳ ҳалол қилган нарсаларни ҳаром, Оллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалол, деса у худоликни даъво қилган ҳисобланади ва унинг сызини тасдиқлаб, изидан эргашганлар эса уни худо деб билган бўладилар. Ҳазрати Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам насронийлар ҳақида нозил бўлган: "Улар Оллоҳни қўйиб, ўзларининг олимларини, роҳибларини худо қилиб олдилар", деган мазмундаги оятни ўқиганларида, буни эшитган Адий ибн Ҳотим номли аввал насроний бўлган бир саҳоба: "Биз уларга ибодат қилмас эдик, ё Расулуллоҳ", деди. Шунда Пайғамбар алайҳис-салом: "Улар ўзларича сизларга айрим нарсаларни ҳалол, айрим нарсаларни ҳаром, деб фатво берар эдилар, сизлар эса уларнинг сўзларига эргашар эдинглар, мана шу сизлар уларни худо қилиб олганларингиздир", дедилар.

Одамлар Ёлгиз Оллоҳ таолони қўйиб, бир-бирларини худо қилиб олишлари бизнинг замонимизда, хусусан мусулмонлар орасида ҳам минг афсуски, учраб туради. Кейинги даврларда Динимиз душманлари тарафидан Қуръон ва Ҳадис маъноларидан бехабар, нодон мусулмонларни йўлдан оздириш учун Ислом ниқоби остида иш юритадиган турли ҳизблар ташкил қилинди. Уларнинг мақсадлари, эндигина Оллоҳнинг марҳамати билан диний таълимот олиш имкониятига эга бўлган мусулмонларни ҳақиқий Исломий тарбиядан чалғитиш, мусулмонлар бирлигини бўлиб-ёриш, ўша ҳизбларнинг тузоқларига тушиб қолган нодон ёшларни ҳукумат қўли билан қамоқхоналарга тиқиб йўқотиш, жаҳон афкори оммаси назарида Муқаддас Ислом динига нисбатан нафрат уйғотиш ва энг даҳшатлиси одамларни Ёлгиз Оллоҳга ибодат-қуллик қилишдан буриб, ўша ҳизб ва унинг раҳбарларига сигинишга мажбурлашдан иборатдир Масалан, яқинда ана ўша ҳизблардан бири: "Мусулмонлар учун уч кундан ортиқ халифасиз яшаш ҳаром", деган даъво билан чиқди. Маълумки, бирон нарса ёки ишни ҳаром деб ҳукм чиқариш Ёлгиз Оллоҳ ва У Зотнинг Пайғамбарининг ҳаққидир. На Қуръони Каримда ва на ҳадиси шарифда уч куннинг ичида халифалик қуриш фарзлиги, акс ҳолда ҳаром ишга йўл қўйилган бўлиши хусусида бирон сўз йўқ эканлиги ҳам аён бир ҳақиқатдир. Демак, юқоридаги о[illegible]ни карима ва ҳадиси шарифнинг далолати бўйича, ўша адашган ҳизбнинг йўлбошчилари Оллоҳ таоло ҳаром

қилмаган бир ишни ҳаром деб ҳукм чиқаришлари билан ўзларини Оллоҳга шерик деб даъво қилаётганлари маълум бўлганидек, қасамёд қилиш билан ўша ҳизбга кириб, унинг ботил кўрсатмалари билан мусулмонларни заҳарлаб юрган ҳизбчилар ўзларининг йўлбошчиларини худо қилиб олганлари ҳам маълум бўлади. Оллоҳ таоло ҳазрати Муҳаммад алайҳис-салом умматларини мана бундай йўлдан озишдан Ўз паноҳида асрасин.

Агар улар *(яъни, аҳли Китоблар ушбу даъватдан)* **юз ўгирсалар, у ҳолда сизлар** *(эй мўминлар)*: **"Гувоҳ бўлинглар, биз мусулмонлар - Ягона Оллоҳга итоат қилгувчилармиз", деб айтингиз! 65. Эй аҳли Китоб, нима учун Иброҳим хусусида** *(у бизнинг динимизда бўлган, деб)* **талашасизлар! Ахир Таврот ҳам, Инжил ҳам ундан кейин нозил бўлгани аниқ-ку?! Ақл юргизмайсизлларми?! 66. Ҳой** *(яҳудий ва насронийлар)* **сизлар биладиган нарсаларингиз** *(Мусо ва Ийсо пайғамбарлар)* **ҳақида-ку талашдингиз. Энди нима учун билмайдиган нарсангиз** *(Иброҳимнинг қайси динда бўлганлиги)* **хусусида талашмоқдасиз? Оллоҳ билур, сизлар билмассиз. 67. Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам эмас, балки Ҳақ Йўлдан тоймаган ҳолида** *(Оллоҳга)* **итоат қилгувчи киши бўлган. У мушриклардан ҳам бўлмаган. 68. Одамларнинг Иброҳимга яқинроғи у***(нинг йўли)***га эргашган зотлар, мана бу Пайғамбар** *(Муҳаммад алайҳис-салом)* **ва иймон келтирган кишилардир. Оллоҳ мўминларнинг Дўстидир. 69. Аҳли Китобдан бир тоифаси сизларни** *(Ҳақ Динингиздан)* **адаштирмоқни хоҳлади. Лекин улар ўзлари сезмаган ҳолларида фақат ўзларинигина адаштирадилар, холос. 70. Эй аҳли Китоб, нима учун ўзларингиз гувоҳ бўлиб туриб, Оллоҳнинг** *(Тавротдаги Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбар эканлиги ҳақидаги)* **оятларини инкор қиласиз?! 71. Эй аҳли Китоб, нима учун ўзингиз билган ҳолингизда Ҳақни ботилга аралаштирасиз ва Ҳақни беркитасиз?! 72. Аҳли Китобдан бир тоифаси** *(бир-бирларига шундай)* **дейишди: "Мўминларга нозил қилинган нарсага** *(Қуръонга)* **куннинг бошида иймон келтириб, куннинг охирида уни инкор қилинглар. Шояд улар ҳам** *(иймонларидан)* **қайтсалар. 73-74. Токи бирорта одамга сизларга берилган билим берилмаслиги ёки Парвардигорингиз ҳузурида сизлар билан ҳужжатлашмаслиги учун фақат ўз динингизга бўйинсунган кишиларнинг** *(гапларинигина тасдиқ этиб)* **ишонинглар!"** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **айтинг: "Албатта Ҳақ Йўл Оллоҳнинг Йўлидир". Айтинг: "Албатта фазлу карам Оллоҳнинг Қўлида, уни**

Ўзи истаган кишиларга берур. Оллоҳ *(фазли)* Кенг, Билгувчи Зотдирки, Ўз раҳматини *(яъни, пайғамбарликни)* Ўзи истаган кишига хос қилиб беради. Оллоҳ улуғ фазлу марҳамат Соҳибидир". 75. Аҳли Китоб орасида шундай кишилар борки, унга беҳисоб молни омонат қўйсангиз, *(хиёнат қилмай)* сизга қайтаради. Уларнинг орасида яна шундайлари ҳам борки, унга бир динорни ишониб берсангиз, то устида туриб олмагунингизча сизга қайтиб бермайди. Бунинг боиси уларнинг "Омий-Китобсиз кимсалар учун бизнинг устимизга ҳеч қандай йўл йўқ", дейишларидир. *(Яъни, айрим яҳудийлар ўзларидан бошқаларни паст табақа ҳисоблаб: "Биз Оллоҳнинг суйган бандаларимиз, демак, бошқа миллатларнинг моллари биз учун ҳалол", дер эдилар.)* Улар билиб туриб Оллоҳ ҳақида ёлғон сўзларни сўзлайдилар. 76. Йўқ! *(Уларнинг даъволари ботилдир.)* Балки ким аҳдига вафо қилса ва тақводор бўлса, *(ана ўша киши, Оллоҳнинг суйган бандасидир).* Зеро, Оллоҳ тақво қилгувчи кишиларни севади. 77. Оллоҳга берган аҳд-паймон ва қасамларини озгина қийматга сотиб юборадиган кимсалар учун Охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир. Қиёмат Кунида Оллоҳ уларга сўз қотмайди, уларга *(раҳмат назари билан)* боқмайди ва уларни *(гуноҳларидан)* покламайди. Улар учун аламли азоб бордир. 78. Улардан *(яҳудийлардан)* яна бир гуруҳи борки, сизлар Китобдан *(Тавротдан)* бўлмаган нарсани Китобдан деб ўйлашингиз учун *(Таврот)* Китобини тилларини бураб *(бузиб-ўзгартириб)* ўқийдилар ва Оллоҳнинг ҳузуридан келмаган *(ўзларининг сўзларини)* "Оллоҳнинг ҳузуридан келган", дейдилар. Улар билиб туриб Оллоҳ ҳақида ёлғон сўзлайдилар. 79. Бирор одам учун Оллоҳ унга Китоб, ҳикмат ва пайғамбарлик берганидан сўнг, одамларга: "Оллоҳга эмас, менга ибодат қилинглар", дейиши жоиз эмас, балки уларга: "*(Оллоҳнинг)* Китобини *(одамларга)* таълим бериб ва ўзингиз ўқиб-ўрганиб, Ёлғиз Парвардигорга ибодат қиладиган кишилар бўлинглар", *(демоғи лозимдир).*

И з о ҳ: Бу оят баъзи бир насронийларнинг: "Ийсо алайҳиссалом бизни ўзига сажда қилишга буюрган", деган ботил даъволарига раддия тарзида нозил бўлган

80. У *(пайғамбар)* сизларни фаришталар ва *(бошқа)* пайғамбарларни худо қилиб олишингизга буюриши ҳам жоиз эмас. Ахир у сизларни мусулмон - Оллоҳга бўйинсунгувчи бўлганингиздан кейин куфр динсизликка қайтишга буюрадими?! 81. Эсланг, *(эй аҳли Китоб)*. Оллоҳ барча пайғамбарлардан: "Мен сизларга қандай Китоб ва ҳикмат бермайин, кейин сизларнинг

пайғамбарлигингизни тасдиқ этувчи бир Пайғамбар *(яъни, Муҳаммад алайҳис-салом)* келгач, албатта унга иймон келтирурсиз ва ёрдам берурсиз", деб аҳд-паймон олгач, уларга: "Мана шу аҳд-паймонимни иқрор бўлиб қабул қилдингизларми?", деди. У *(пайғамбарлар)*: "Иқрормиз", деб жавоб қилишгач, Оллоҳ айтди: "Гувоҳ бўлингиз! Мен ҳам сизлар билан гувоҳ бўлгувчилардавман". 82. Бас, ким шундан кейин ҳам *(аҳд-паймондан)* юз ўгирса, ана ўшандай кимсалар фосиқ - бузуқилардир. 83. Оллоҳнинг Динидан ўзга дин истайдиларми?! Ахир осмонлару Ердаги барча жонзот истаса-истамаса Унга бўйинсуниб турибди-ку! Ўшалар *(яъни, Оллоҳнинг Динига итоат қилишни хоҳламаётганлар)* ҳам фақат Унинг Ўзига қайтариладилар-ку! 84. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, "Оллоҳга, бизга нозил қилинган нарсага *(Қуръонга)* ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва ўша урут-авлодга нозил қилинган нарсаларга ва Мусо, Ийсо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигорлари томонидан берилган нарсаларга иймон келтирдик. У пайғамбарлардан бирортасини ажратиб қўймаймиз. Ва биз Унинг Ўзигагина бўйинсунгувчилармиз", деб айтинг. 85. Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас *(унинг "дини" Оллоҳ ҳузурида)* ҳаргиз қабул қилинмайди ва у Охиратда зиён кўргувчилардандир. 86. Иймон келтириб, *(Пайғамбарнинг)* ҳақ Пайғамбар эканлигига гувоҳ бўлишганидан кейин ва ўзларига *(Муҳаммад алайҳис-салом ҳақ Пайғамбар эканликлари хусусида)* далил-оятлар келганидан кейин кофир бўлган қавмни Оллоҳ қандай ҳидоят қилсин?! Оллоҳ зулм қилгувчи қавмни ҳидоят қилмайди. 87-88. Уларнинг жазоси - устларига тушажак Оллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънатидир. Улар азоблари енгиллатилмаган ҳолда дўзахда абадий қолгувчилардир ва уларга *(бу азоб бирон лаҳза)* кечиктирилмайди. 89. Магар шундан *(яъни, куфрларидан)* кейин тавба қилиб, ўзларини ўнглаган зотларни *(Оллоҳ гуноҳларини мағфират қилур)*. Чунки Оллоҳ Мағфират қилгувчи, Меҳрибондир. 90. Албатта иймон келтирганларидан кейин кофир бўлган, сўнгра куфрлари янада зиёда бўлган кимсаларнинг қилган тавбалари ҳаргиз қабул қилинмайди Ана ўшалар адашганлардир. 91. Албатта кофир бўлган ва кофир ҳолда ўлган кимсалар, агар улардан биронтаси Ер юзи тўла олтинни тўлов қилиб берса ҳам ҳаргиз қабул қилинмас. Ундай кимсалар учун аламли азоб бордир. Ва улар учун ҳеч қандай ёрдамчи бўлмас.

ТЎРТИНЧИ ЖУЗЪ

92. *(Эй Мўминлар),* то сизлар суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка *(жаннатга)* етмагайсиз. Ҳар қандай нарсани инфоқ қилсангиз, албатта Оллоҳ уни билур. 93. Таврот туширилишидан илгари Исроил *(Яъқуб)* ўзига ҳаром қилган нарса *(туянинг гўшти билан сути)*дан бошқа барча таомлар бани Исроил қавмига ҳалол эди. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* "Агар ростгўй бўлсангизлар, Тавротни келтириб ўқиб кўринглар", деб айтинг.

И з о ҳ: Маълумки, яҳудийлар зулм ва тажовузкорлик йўлини тутганларидан кейин Оллоҳ таоло уларга бир неча хил noз-неъматларни ҳаром қилди. Лекин улар буни тан олмай, "Мазкур нарсалар асли Иброҳим замонида ҳам ҳаром эди", дер эдилар. Шунинг учун мусулмонларга: "Ўзинглар Иброҳимнинг Динидамиз дейсизлар-у, у ҳаром қилган туя гўштини истеъмол қиласизлар", деб таъна қилишганда, юқоридаги оят нозил бўлди. Шундан кейин бирорта яҳудий Тавротни олиб келиб, ундан Иброҳим пайғамбарга туя гўшти ҳаром қилингани ҳақидаги оятни топиб бера олмаган.

94. Бас, ким мана шундан кейин ҳам Оллоҳга бўҳтон қилса, ана ўшалар зулм қилгувчилардир. 95. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* "Оллоҳнинг Сўзи ростдир. Бас, Ҳақ Йўлдан тоймаган ва мушриклардан бўлмаган Иброҳимнинг Динига эргашинглар!", деб айтинг! 96. Албатта одамлар *(Ёлғиз Оллоҳ таолога ибодат қилишлари)* учун қурилган биринчи уй Маккадаги муборак ва бутун оламлар учун Ҳидоят *(маёғи)* бўлган Каъбадир. 97. Унда мақоми Иброҳим *(яъни, Каъбани қуришда Иброҳим алайҳис-салом оёқлари остида бўлган харсанг тош, у тошдан ҳанузгача Иброҳим пайғамбарнинг оёқ излари кетмаган. Бу Уйни Иброҳим алайҳис-салом қурганига)* очиқ оят-аломатлар бордир. Шунингдек, унга кирган одам *(ҳар қандай хавф-хатардан)* омон бўлур. Ва йўлга қодир бўлган инсонлар зиммасида Оллоҳ учун мана шу Уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир. Кимда-ким кофир бўлса *(яъни, Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор қилса),* бас, албатта Оллоҳ бутун оламлардан Беҳожат бўлган Зотдир. 98. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Эй аҳли Китоб, нима учун сизлар Оллоҳнинг оятларига куфр келтирмоқдасиз?! Ахир Оллоҳ қилаётган амалларингизга гувоҳ-ку!" 99. Айтинг: "Эй аҳли Китоб,

нима учун сизлар иймон келтирган *(Ислом динига кирмоқчи бўлган)* **кишиларни Оллоҳнинг Йўлидан тўсасизлар ва ўзингиз** *(Ислом Ҳақ Дин эканлигига)* **гувоҳ бўлган ҳолингизда ундан** *(яъни, Оллоҳнинг Йўлидан)* **қийиқ ахтарасизлар? Ахир Оллоҳ қилаётган амалларингиздан ғофил эмас-ку!" 100. Эй мўминлар, агар сизлар Китоб берилган кимсалардан бирон бир гуруҳга бўйинсунсангиз, улар сизларни мўмин бўлганингиздан кейин яна кофирликка қайтарадилар. 101. Сизларга Оллоҳнинг оятлари тиловат қилинаётган, Унинг Пайғамбари орангизда бўлган бир пайтда қандай қилиб Диндан қайтасизлар?! Ким Оллоҳга боғланса** *(яъни, Унинг Динини маҳкам ушласа)*, **бас, муҳаққаққи, Тўғри Йўлга ҳидоят қилинибди. 102. Эй мўминлар, Оллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингизда** *(ҳаёт кечириб, мусулмон бўлган ҳолларингизда)* **дунёдан ўтинглар! 103. Ва барчаларингиз Оллоҳнинг Арқонига** *(Қуръонга)* **боғланингиз ва** *(фирқа-фирқа бўлиб)* **бўлинмангиз! Ҳамда Оллоҳнинг сизларга берган неъматини эслангиз: сизлар** *(бир-бирингизга)* **душман бўлган пайтларингизда У Зот дилларингизни ошно қилиб қўйди-ю, сизлар Унинг неъмати сабаб биродарларга айландингиз. Ва дўзах чоҳининг ёқасида турган** *(пайт)***ларингизда, У Зот сизларни ундан халос қилди. Ҳақ Йўлни топишингиз учун Оллоҳ сизларга Ўз оятларини мана шундай баён қилади.**

Изоҳ: Мана бу ояти каримада Яратган Эгамиз Динимиздаги кўпчилигимиз эшитган бўлсак ҳам бепарво бўлиб юрган бир зарур ишни - иттифоқ бўлишни таъкидлайди, яъни, Оллоҳ таолонинг Арқонига барчаларингиз боғланингиз, бўлинмангиз, деб буюради. У қандай арқон, деб берилган саволга Пайғамбаримиз алайҳис-салом қуйидаги ҳадиси муборакларида шундай жавоб берганлар: "Мен сизларга Оллоҳнинг Китобини - Қуръонни қўйиб кетяпман бу Қуръон Оллоҳнинг Арқонидир кимда-ким ўша Арқонни ушласа, Тўғри Йўлда бўлади, кимда-ким у Арқонни - Қуръонни тарк қилар экан, бу одам албатта адашади", дедилар.

Расулуллоҳ алайҳис-салом яна бошқа бир ҳадисда: "Бу Арқоннинг бир учи Оллоҳнинг Қўлида турибди, бир учини эса инсониятга туширди Адашмайман, дўзах чоҳига қуламайман деган ниятда ўша Арқонни маҳкам тутган инсонларни Оллоҳ таоло Ўзи бу дуне ҳалокатларидан асраб, Охират диёрида Ўзининг ҳузурига - жаннатга муваффақ қилади", деб марҳамат қилдилар.

104. Сизлардан Яхшиликка *(Исломга)* даъват қиладиган, маъруфга *(Оллоҳ ва Пайғамбари буюрган яхши амалларга)* буюрадиган ва мункардан *(исён-гуноҳдан)* қайтарадиган бир уммат *(барпо)* бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир. 105. Сизлар яна аниқ ҳужжатлар келганидан кейин фирқа-фирқа бўлиб бўлиниб кетган ва бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, талашиб-тортишган кимсалар каби бўлмангиз! Ана ундайлар учун улуғ азоб бордир.

И з о ҳ: Ушбу оятларда Оллоҳ таоло бизларга: "Сизлардан бир уммат бўлсин", деб буюрди. Уммат дегани шундай бир жамоатки, у жамоатнинг бир раҳбари бўлади. Ана шу бошлиғига итоат қиладиган жамоатни уммат дейилади. Имом деган сўз айни ўша уммат сўзидан келиб чиққандир. Имомга намозда иқтидо қилиб эргашадиган кишилар жамоат бўладилар. Агар бутун ҳаётимиз бўйи бировга эргашсак, биз ўша одамга уммат бўламиз. Биз мусулмонлар ибодатимизда ҳам, ҳаётимизда ҳам, бутун муомалотимизда ҳам жаноб Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашганимиз учун, бизни Муҳаммаднинг умматлари дейилади. Демак, уммат Расулуллоҳ алайҳис-саломнинг жамоатларидир.

106. *(Қиёмат)* Кунида *(мўминларнинг)* юзлари оқ бўлур, *(кофирларнинг)* юзлари қора бўлур. Сўнг юзлари қора бўлган кимсаларга *(айтилур)*: "Иймон келтиргандан кейин яна кофир бўлдингларми?! Бас, кофир бўлганингиз касофатига мана бу азобни тотиб кўрингиз"! 107. Юзлари оқ бўлган зотлар эса Оллоҳнинг раҳмати *(жаннати)*да бўлиб, ўша жойда абадий қолажаклар. 108. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, булар Оллоҳнинг оятларидир. Сизга уларни ҳақ-рост тиловат қилмоқдамиз. Оллоҳ барча оламларга *(яъни, ҳеч кимга)* бирон зулм қилишни истамас. 109. Осмонлардаги бор нарсалар ва Ердаги бор нарсалар Оллоҳникидир. Ва *(барча)* ишлар Ёлғиз Оллоҳга қайтарилажак. 110. *(Эй уммати Муҳаммад)*, сизлар одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро, сизлар яхши амалга буюрасиз, исён - гуноҳдан қайтарасиз ва Оллоҳга иймон келтирасиз. Агар аҳли Китоб ҳам иймон келтирганда эди, ўзлари учун яхши бўларди. Улардан *(Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбар эканликларига иймон келтирган)* мўминлари ҳам бор ва *(лекин)* уларнинг кўплари итоатсиз кимсалардир 111. Улар сизларга озор беришдан бошқа ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар. Агар сизлар билан урушсалар, кетларига қараб

қочадилар. Сўнгра уларга *(ҳеч ким томонидан)* ёрдам берилмайди. 112. Агар Оллоҳнинг ва одамларнинг *(яъни, мусулмонларнинг)* аҳди паноҳида бўлмасалар, албатта уларга қаерда бўлмасинлар, хорзорлик битиб қўйилди. *(Яъни, яҳудийлар доимо аҳли иймонлардан қўрқиб, ҳатто ўз сояларидан чўчиб кун кечирадилар.)* Улар Оллоҳнинг ғазаби билан кетдилар ва уларга бечораҳоллик ёзиб қўйилди. Бунга сабаб уларнинг Оллоҳ оятларига кофир бўлганликлари ва пайғамбарларни ноҳақ ўлдирганликларидир. Бунга сабаб уларнинг қилган исёнлари ва тажовузкор бўлганларидир. 113. *(Аҳли Китобнинг ҳаммаси ҳам)* баробар эмас. Аҳли Китоб орасида сажда қилган ҳолларида тунлари Оллоҳнинг оятларини тиловат қиладиган Тўғри *(Йўлдаги)* жамоат ҳам бор. 114. *(Ўша зотлар)* Оллоҳга ва Охират Кунига иймон келтирадилар, яхши амалга буюриб, исён - гуноҳдан қайтарадилар ва яхшиликлар қилишга шошиладилар. Ана ўшалар солиҳ бандалардандирлар. 115. Улар қилган бирон яхшилик беркитилмайди *(яъни, зое бўлмайди)*. Оллоҳ тақводорларни Билгувчидир. 116. Куфр йўлини тутган кимсаларни на моллари ва на болалари Оллоҳ томонидан бўладиган *(азобдан)* қутқара олмайди. Ана ўшалар жаҳаннам эгалари бўлиб, ўша жойда абадий қолажаклар. 117. Улар бу ҳаёти дунёда *(хўжакўрсинга)* қилган инфоқ-эҳсонларининг мисоли худди *(динсизлик билан)* ўзларига зулм қилган қавмнинг экинига тегиб, уни ҳалок қилган совуқ шамолга ўхшайди. Уларга Оллоҳ зулм қилмади. Балки улар ўзларига зулм қилдилар.

Изоҳ: Яъни, худди эгалари кофир бўлганлари касофати билан турли бало-офатларга гирифтор бўлиб, ҳатто экинларни совуқ уриб кетганидек, риёкорлик билан хўжакўрсинга қилинган яхшиликдан ҳам ҳеч қандай фойда йўқдир. Ҳар қандай яхшилик Оллоҳ Йўлида, холис ният билан қилинсагина, ундан ажр, савоб кутиш мумкин

118. Эй мўминлар, ўзларингдан бошқаларни *(яъни, ғайридинларни)* сирдош - дўст тутманглар! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва сизларни қийинчилик-машаққатларга дуч келишингизни орзу қиладилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари ўз оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги *(адоватлари)* эса янада каттароқдир. Агар ақл юргизсангизлар сизлар учун оят-аломатларни аниқ-равшан қилиб бердик. 119. Ҳой *(мўминлар)*, сизлар уларни яхши

кўрасизлар-у, улар сизларни суймайдилар. Сизлар *(ҳамма)* Китобга иймон келтирасизлар-у *(улар сизларнинг Китобингизга иймон келтирмайдилар)*. Сизларга йўлиққанларида: "Иймон келтирдик", дейишади. Ўзлари холи қолишганда эса сизларни қаттиқ ёмон кўрганлари сабабли бармоқларини тишлайдилар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)*. "Шу адоватларинг билан ўлиб кетинглар!", деб айтинг! Албатта Оллоҳ дилларни эгаллаган сирларни Билгувчидир. 120. Агар сизларга бирон яхшилик тегса, бу уларни хафа қилади. Агар сизларга бирон ёмонлик етса, улар бундан хурсанд бўладилар. Агар сабр-тоқат қилсангизлар ва Оллоҳдан қўрқсангизлар, уларнинг найранглари сизларга ҳеч қандай зарар қила олмайди. Албатта Оллоҳ уларнинг қилаётган амалларини Иҳота қилгувчидир. 121. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, аҳли оилангиз ҳузуридан чиқиб, мўминларни урушадиган жойларига тахт қилиб қўйган пайтингизни эсланг! Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир.

Изоҳ: Мана шу оятдан бошлаб ғазотлар ҳақида сўз кетади. Юқоридаги оятларда кофир, мунофиқлар билан сўз майдонида жангу жадал борган бўлса, энди бу жангу жадал жанг майдонига кўчади. Бу оятларда Уҳуд уруши ҳақида батафсил сўз юритилиб, баъзи ўринларда Оллоҳнинг мўминларга қилган марҳаматини едга солиш учун Бадр жанги ҳам эслаб ўтилади. Юқоридаги оят Уҳуд уруши ҳақидаги қиссанинг бошланишидир.

122. Ўша пайт сизларнинг орангиздан икки гуруҳ умидсизликка туша бошлади. Ҳолбуки, Оллоҳ уларга ёр эди. Бас, мўминлар Ёлғиз Оллоҳгагина суянсинлар!

Изоҳ: Пайғамбар алайҳис-салом Уҳуд жангига минг кишилик лашкар билан чиқдилар. Душман қароргоҳига яқинлашганларида (уларнинг саноғи уч мингта эди) мусулмонлар орасига кириб олган Абдуллоҳ ибн Убай отли мунофиқ уч юз нафар аскар билан жанг майдонидан қочиб кета бошлади. Буни кўрган бану Салама ва бану Ҳориса қабиласидан бўлган мусулмонлар ҳам қайтмоқчи бўлдилар, лекин Оллоҳнинг инояти билан бу қасдларидан воз кечдилар.

123. Ахир Оллоҳ Бадр *(жанги)*да кучсиз бўлсангиз-да, сизларни ғолиб қилди-ку. Бас, Оллоҳдан қўрқингиз! Шунда шояд *(Унинг неъматларига)* шукр қилгайсиз. 124. Эсланг, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом, Бадрда)* мўминларга айтгандингиз "Парвардигорингиз *(бу жанггоҳда)* сизларга уч минг кўкдан туширилган фаришта билан мадад бериши кифоя қилмайдими?"

125. Йўқ, *(кифоя қилур)*. Агар сабр қилсангизлар ва Оллоҳдан қўрқсангизлар ва улар *(кофирлар)* шу онда сизларга ҳужум қилсалар, Парвардигорингиз сизларга беш минг белгили фаришта билан мадад берур. 126. Бу *(мададни)* Оллоҳ фақат сизларга хушхабар бўлсин, деб ва дилларингиз таскин топишлиги учун қилди. Аслида ғалаба фақат қудрат ва ҳикмат Эгаси бўлган Оллоҳ ҳузуридан келур. 127. Кофирларнинг бир қисмини ҳалок қилиш ёки мағлуб қилиб, ноумид ҳолда қайтариш учун *(Оллоҳ сизларни ғолиб қилди)*.

И з о ҳ: Бадр жангида номдор паҳлавонлардан етмиш киши ўлдирилиб, етмиштаси асир олинди ва мусулмонлар ғалаба билан қайтдилар.

128. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз учун бу ишда *(яъни, бандаларга нажот бериш ёки уларни ҳалок қилиш ишида)* ҳеч бир нарса *(яъни, инон-ихтиёр)* йўқдир. *(Оллоҳнинг Ўзи)* ё уларнинг тавбаларини қабул қилар ёки золимликлари сабабли азоблар.

И з о ҳ: Бу оят Уҳуд жангида Пайғамбар алайҳис-саломнинг тишлари синиб, юзлари ёрилганида у зот, "Ўз пайғамбарларининг юзини қонга бўяган қавм қандай нажот топсин?", дея умидсизликка тушганларида нозил бўлган.

129. Осмонлардаги бор нарса ва Ердаги бор нарса Оллоҳникидир. У Зот Ўзи истаган кишининг гуноҳларини мағфират қилур ва Ўзи истаган кимсани азоблар. Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 130. Эй мўминлар, *(берган қарзларингизни)* бир неча баробар қилиб *(олиш билан)* судхўрлик қилмангиз! Оллоҳдан қўрқингиз! *(Шунда)* шояд нажот топгайсиз. 131. Ва кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқингиз! 132. Оллоҳ ва Пайғамбарга итоат қилингиз. Шояд Оллоҳнинг раҳматига мушарраф бўлгайсиз. 133. Ва Парвардигорингиз томонидан бўлгуси мағфиратга ҳамда эни осмонлар ва Ер баробарида бўлган жаннатга шошилингиз! У *(жаннат)* тақводор зотлар учун тайёрлаб қўйилгандир. 134. *(У тақводор зотлар)* яхши-ёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг *(хато-камчиликларини)* афв этадиган кишилардир. Оллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади. 135. *(У тақводор зотлар)* қачон бирон-бир фаҳш-гуноҳ қилиб қўйсалар ёки *(қандайдир нолойиқ иш қилиш билан)* ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Оллоҳни эслаб, гуноҳлари учун мағфират - кечирим сўрайдиган, - ҳар қандай гуноҳни Ёлгиз Оллоҳгина мағфират

қилур, - билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир 136. Уларнинг мукофотлари Парвардигорлари томонидан мағфират ва тагларидан дарёлар оқиб тургувчи жаннатлар бўлиб, улар ўша жойда абадий қолажаклар. Яхши амал қилгувчиларнинг ажрлари нақадар яхши ажр! 137. *(Эй мўминлар),* сизлардан илгари ҳам кўп суннатлар - ибратлар ўтгандир. *(Яъни, сизлар Уҳуд жангида мағлуб бўлган бўлсангиз, илгари ҳам бундай воқеалар - Оллоҳга иймон келтирган қавмларнинг кофирлар томонидан вақтинча мағлуб бўлган ҳолатлари ўтган. Лекин охир-оқибатда ўша кофирлар Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлиб - йўқ бўлиб кетганлар).* Бас, Ерда айланиб юриб, *(Оллоҳнинг Динини)* ёлғон деганларнинг оқибатлари қандай бўлганини бир кўринглар! 138. Бу *(Қуръон)* одамлар учун *(Тўғри Йўлни)* баён қилгувчи ва тақво эгалари учун ҳидоят ва панд-насиҳатдир. 139. *(Эй мўминлар),* куфрга қарши курашда *(сустлашмангиз)* ва *(Уҳуд жангидаги мағлубият сабабли)* ғамгин бўлмангиз! Агар *(ҳақиқий)* иймон эгалари бўлсангизлар, сизлар устун бўлгувчидирсизлар. 140. Агар *(бугун - Уҳудда)* сизларга жароҳат етган бўлса, *(Бадр жангида)* у қавмга ҳам худди шундай жароҳат етган. *(Токи ибрат бўлсин деб)* ва Оллоҳ ҳақиқий иймон келтирган кишиларни билиши ҳамда ораларингдан шаҳидларни саралаб олиши учун бу кунларни *(яъни, ғалаба ва мағлубият кунларини)* одамлар орасида айлантириб турамиз. Оллоҳ золим кимсаларни севмайди. 141. Ва токи Оллоҳ иймон келтирган зотларни *(гуноҳларидан)* поклаш ва кофирларни ҳалок қилиш учун *(бу кунларни одамлар орасида айлантириб туради).* 142. *(Эй мўминлар),* ёки Оллоҳ сизларнинг ичингиздан ким *(Ҳақ Йўлда)* курашган-у, ким сабр-тоқат қилганини мутлақо билмай туриб жаннатга кирамиз, деб ўйлайдингизми?! 143. Ўлимга рўбарў бўлишингиздан илгари уни орзу қилар эдингизлар. Мана энди *(яъни, Уҳудда)* уни кўзингиз билан кўриб турибсиз. 144. Муҳаммад фақат бир Пайғамбардир, холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтгандир. Бас, агар у *(яъни, Муҳаммад алайҳис-салом)* вафот қилса ёки ўлдирилса, кетингизга *(куфрга)* қайтиб кетасизларми?! Кимда-ким кетига қайтиб кетса, Оллоҳга бирон зиён етказа олмас, *(балки фақат ўзига зарар қилади, холос).* Оллоҳ эса *(йўлларидан қайтмай)* шукр қилгувчи бандаларини муносиб мукофотлайди. 145. Ҳар бир жон фақат Оллоҳнинг изни билан, аниқ белгилаб-ёзиб қўйилган муддатда ўлади.

Изоҳ: Ушбу сўзни шундай тушунмоқ лозим: қўрқоқлик умрни узайтирмайди, шижоат эса уни қисқартирмайди. Ҳар қандай тадбир-эҳтиёткорлик Оллоҳнинг қазо ва қадарини ўзгартирмайди. Бас, нима сабабдан Ҳақ Йўлидаги курашдан қочмоқчи бўласиз?!

Ким дунё савобини истаса, *(яъни, фақат ўлжа истаб жангга кирса)* унга ўша истаган нарсасини берурмиз. Ким Охират савобини истаса, унга-да истаган нарсасини берурмиз. Ва шукр қилгувчиларни муносиб мукофотлаймиз. 146. Қанчадан-қанча пайғамбарлар ўтганки, улар билан биргаликда кўпдан-кўп художўйлар *(кофирларга қарши)* жанг қилганлар. Ҳамда Оллоҳ Йўлида ўзларига етган машаққатлар сабабли сусткашлик - заифлик қилмаганлар ва *(кофирларга)* бўйин эгмаганлар. Оллоҳ мана шундай сабр қилгувчиларни севади. 147. Уларнинг айтган гаплари фақат шундан иборат эди: "Парвардигоро, Ўзинг бизнинг гуноҳларимизни ва ишларимизда ҳаддан ошиб қилган хатоларимизни мағфират айла, *(жанг майдонида)* қадамларимизни собит қил ва бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!". 148. Бас, Оллоҳ уларга ҳам бу дунё савобини *(ғалаба ва мол-давлатни)* ва ҳам Охиратдаги гўзал ажрни *(жаннатни)* ато қилди. Оллоҳ чиройли амал қилгувчиларни севади. 149. Эй мўминлар, агар кофирларга итоат қилсангиз, улар сизларни кетингизга *(куфрга)* қайтарадилар. Бас, зиён кўргувчиларга айланиб қоласизлар. 150. Йўқ, *(улар сизларнинг дўстингиз эмас, балки Ёлғиз)* Оллоҳ Хожангиздир. Ва У Зот энг яхши ёрдамчидир. 151. *(Тангри эканлигига)* ҳеч қандай ҳужжат-далил келмаган нарсани *(яъни, жонсиз бутларни)* Оллоҳга шерик қилганлари сабабли кофирларнинг дилларига қўрқув солажакмиз. Уларнинг борар жойлари жаҳаннамдир, зулм қилгувчиларнинг жойлари нақадар ёмон жой! 152. Оллоҳ сизларга берган ваъдасининг устидан чиқди - сизлар Унинг изни билан кофирларни қира бошладингиз. То сусткашлик қилиб, *(Пайғамбар алайҳис-саломнинг)* амру фармонлари борасида талашиб-тортишган пайтингизгача ва Оллоҳ сизлар яхши кўрган нарсани *(яъни, ғалабани)* кўзингизга кўрсатиб қўйганидан кейин Пайғамбарнинг амридан бош тортган пайтингизгача *(бу устунликларингиз давом этди)*. Орангизда дунё истаган кишилар ҳам, Охират истаган кишилар ҳам бор эди. Сўнгра сизларни имтиҳон қилиш учун уларнинг устидан *(ғалаба қилиш ўрнига мағлубият томонига)* буриб юборди. Энди гуноҳларингизни афв қилди. Оллоҳ иймон эгаларига фазлу марҳамат Соҳиби бўлган Зотдир.

Изоҳ: Уҳуд жанги бошланишидан олдин Пайғамбар алайҳис-салом элликта мерганни тоғ устига қўйиб уларга ўринларидан жилмай мусулмонларни мудофаа қилиб туришни тайинладилар. Уруш бошланиши биланоқ мусулмонларнинг қўли баланд кела бошлаб, ғалаба кўзларига кўриниб қолди. Шунда у мерганлардан айримлари ўлжасиз қолиб кетмаслик учун, айримлари ғолиб бўлдик, деб ўйлаб Пайғамбар буюрган ўринларидан - тоғдан тушиб кетишлари билан шу тоғнинг орқасидаги пистирмада турган душман аскарлари орқа тарафдан тўсатдан ҳужум қилдилар ва кутилмаган ҳужумдан таҳликага тушиб қолган мусулмонлар устидан ғалаба қилдилар. Мусулмонларнинг Пайғамбар фармонларини бажармаганлари уларни аниқ бўлиб қолган ғалабадан маҳрум қилди. Оятнинг сўнгида Оллоҳ уларнинг бу гуноҳини афв этганини баён қилди ва уларни Ҳақ таолонинг фазлу марҳаматидан ноумид бўлмасликка буюрди.

153. *(Эй мўминлар),* **ҳеч кимга боқмай** *(жанг майдонидан)* **чиқиб кетган пайтингизни эсланг! Ҳолбуки, Пайғамбар ортингизда сизларни чорламоқда эди. Бас,** *(ғалаба, ўлжалар янглиғ)* **сизлардан кетган нарсаларга ва** *(мағлубият, қурбонлар каби)* **сизларга етган нарсаларга хафа ғамгин бўлмасликларингиз учун Оллоҳ сизларга ғам устига ғам берди. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир. 154. Сўнгра бу ғамнинг кетидан сизларга бир ором уйқусини туширдики, у сизлардан бўлган бир тоифа кишиларни** *(яъни, ҳақиқий мўминларни)* **қамраб олди. Бошқа бир тоифа** *(яъни, мунофиқлар)* **эса Оллоҳ ҳақида нотўғри, динсизларча бадгумон қилиб, ўз жонларининг ғамига тушиб қолдилар. Улар: "Энди биз учун ҳеч қандай ғалаба бўлмайди", дейишади.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **айтинг: "Бутун иш Оллоҳнинг** *(Қўлида)!"* **Улар сизга ошкор қилмайдиган нарсани** *(мунофиқликларини)* **яширадилар. Айтадиларки: "Агар ихтиёримиз ўзимизда бўлганида эди, бу ерларда ўлиб-қирилиб кетмаган бўлар эдик".** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **айтинг: "Агар уйларингизнинг ичига беркиниб олганингизда ҳам ўлдирилиши ёзиб қўйилган -** *(Оллоҳ томонидан ҳукм қилинган)* **кишилар шубҳасиз, ўз ҳалокат жойларига келган бўлар эдилар".** *(Оллоҳ бу мағлубиятни)* **кўнгилларингиздаги нарсани** *(иймон ёки нифоқни)* **имтиҳон қилиш ва дилларингиздаги нарса** *(иймон)***ни поклаш учун қилди. Оллоҳ дилларни эгаллаган сирларни Билгувчидир. 155. Икки жамоат тўқнашган куни сизларнинг ораларингиздаги** *(уруш майдонидан)*

қочган кишиларни фақат шайтоннинг ўзи улар қилган айрим гуноҳлари сабабли йўлдан оздирди. Энди Оллоҳ уларнинг гуноҳларини афв этди. Албатта Оллоҳ Мағфиратли, Ҳалим Зотдир. 156. Эй мўминлар, куфр йўлини тутган ва *(бошқа)* ерларга сафар қилиб ёки газотга чиқиб кетган дўстлари ҳақида: "Агар биз билан бирга қолганларида ўлмаган ва ўлдирилмаган бўлар эдилар", дейдиган кимсаларга ўхшамангиз! *(Бу гапларини)* Оллоҳ уларнинг дилларидаги ҳасрат қилиб қўяди. Ахир тирилтирадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам Оллоҳ-ку?! Оллоҳ қилаётган амалларингизни Кўргувчидир. 157. Қасамки, агар Оллоҳ Йўлида ўлдирилсангизлар ёки ўлсангизлар, албатта Оллоҳ томонидан бўлгуси мағфират ва раҳмат улар *(яъни, мунофиқ, кофирлар)* тўплайдиган дунёдан яхшироқдир. 158. Қасамки, агар ўлсангизлар ҳам, ўлдирилсангизлар ҳам, албатта Оллоҳ ҳузурига тўпланажаксиз. 159. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Оллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли уларга *(саҳобаларингизга)* юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар қўпол, қаттиқ дил бўлганингизда эди, албатта улар атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар. Бас, уларни афв этинг, улар учун Оллоҳдан мағфират сўранг ва ишларингизда уларга маслаҳат солинг! Энди *(маслаҳат қилгач, бирон ишни)* қасд қилсангиз, Оллоҳга таваккал қилинг - суянинг! Албатта Оллоҳ Ўзига таваккал қилгувчиларни севади. 160. *(Эй мўминлар)*, агар сизларга Оллоҳ ёр бўлса, ҳеч ким сизлардан голиб бўлмас. Ва агар У Зот сизларни ёрдамсиз қўйса, Ундан сўнг ҳеч бир зот сизларга ёрдамчи бўлмас. Мўминлар Ёлгиз Оллоҳнинг Ўзигагина таваккал қилсинлар - суянсинлар! 161. Бирон пайғамбар учун *(урушдан тушган ўлжаларга)* хиёнат қилиш жоиз эмас. Ким хиёнат қилса, Қиёмат Кунида *(Оллоҳнинг ҳузурига)* қилган хиёнати билан бирга келур. Сўнгра ҳар бир жон мазлум бўлмаган ҳолида қилган амалига комил жазо олгай. 162. Оллоҳнинг ризолигини истаган киши, Оллоҳнинг газабига дучор бўлган, борар жойи жаҳаннам бўлган кимса каби бўладими?! Нақадар ёмон оқибат бу! 163. Улар Оллоҳнинг ҳузурида ҳар ҳил даража - манзилатларда бўлурлар. Оллоҳ улар қилаётган амалларни Кўргувчидир. 164. Албатта Оллоҳ мўминларга буюк инъом қилди - уларга ўзларидан бўлган *(яъни, одам жинсидан бўлган)*, уларга Оллоҳнинг оятларини тиловат қиладиган, *(гуноҳларидан)* поклайдиган ҳамда уларга Китоб ва ҳикматни ўргатадиган Пайғамбарни юборди Зеро, улар *(Муҳаммад алайҳис-саломга пайғамбарлик келишидан)* илгари очиқ

хато - залолатда эдилар. 165. *(Эй мўминлар),* агар сизларга *(Уҳудда душман томонидан)* бир мусибат етса, - ҳолбуки, сизлар *(кофирларга Бадр жангида)* унга икки баробар мусибат етказган эдингиз - "Бу бало қайдан келди?", дейсизларми?! *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* уларга: "Бу *(мусибат - мағлубият)* ўз қилмишларингиздан", деб айтинг! Албатта Оллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир. 166-167. Икки жамоат тўқнашган куни сизларга етган мусибат Оллоҳнинг изни-иродаси билан ва ҳақиқий мўминларни билиш учун ҳамда мунофиқлик қилган кимсаларни аниқлаш учун бўлди. Уларга: "Келинглар, Оллоҳ Йўлида жанг қилинглар ёки *(ҳеч бўлмаса бизнинг саноғимизни кўпайтириш билан душманни)* даф қилинглар", дейилса, улар: "Агар жанг бўлишини аниқ билганимизда-ку сизларнинг ортингиздан борган бўлар эдик", дейишади. Ўша куни улар иймондан кўра куфрга яқинроқ эдилар. Улар оғизларида кўнгилларида бўлмаган нарсаларни гапирмоқдалар. Оллоҳ эса уларнинг яширган сирларини жуда яхши Билгувчидир. 168. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* ўша ўзлари *(жангдан қочиб)* ўтириб олиб *(жангда шаҳид бўлган)* дўстлари ҳақида: "Агар бизнинг гапимизга кириб *(жанг қилишдан бош тортганларида),* ўлдирилмаган бўлар эдилар", дейдиган кимсаларга: "Агар айтган гапларингиз рост бўлса, ўзларингдан ўлимни даф қилингларчи", деб айтинг! 169-170. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Оллоҳ Йўлидаги жангда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўликлар деб ўйламанг! Йўқ, улар тириклардир! У зотлар Оллоҳ Ўз фазлу карами билан уларга берган неъматлардан хушнуд ҳолларида баҳраманд бўлмоқдалар ва ҳали ортларидан етиб келмаган биродарларига ҳеч қандай хавфу хатар йўқлиги ва ғамгин бўлмасликлари ҳақида хушхабар бермоқдалар. 171-172. Улар Оллоҳ томонидан бўлган неъмат ва фазлу карам ҳақида ҳамда ўзларига жароҳат - мусибат етганидан кейин ҳам Оллоҳ ва Пайғамбарга бўйинсунган мўминларнинг ажри - мукофотини Оллоҳ зое қилмаслиги ҳақида хушхабар берадилар. Уларнинг орасидаги чиройли итоат қилган ва Оллоҳдан қўрққан зотлар учун улуғ ажр - мукофот бордир. 173. Ундай зотларга айрим кимсалар: "*(Қурайш)* одамлари сизларга қарши *(саноқсиз лашкар)* тўплаган; бас, улардан қўрқингиз!", деганларида, *(бу гап)* уларнинг иймонларини зиёда қилди ва: "Бизга Ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи кифоя. У Зот энг яхши ишончли Вакилдир!", дедилар. 174. Бас, *(у юришдан)* бирон нохушлик етмай Оллоҳнинг неъмат ва фазли билан

қайтдилар. Улар Оллоҳнинг ризолигини истадилар. Оллоҳ эса улуғ фазлу марҳамат Соҳибидир.

Изоҳ: Юқоридаги оятларда мусулмонларнинг Уҳуд жангидан кейинги аҳволи баён қилинди. Мушриклар Уҳудда мусулмонлар устидан ғалаба қилиб, уйларига қайтгач, йўлда: "Нега уларни бутунлай қириб ташламадик?", деб надомат қилдилар. Бу гап Расулуллоҳ алайҳис-саломга етиб келганида, у зот мушрикларнинг дилига қўрқув солиш ва уларга ўзларини ҳали куч-қувватга эга эканликларини кўрсатиб қўйиш учун мусулмонларни уларнинг ортидан юришга чақирадилар. Мусулмонлар Уҳуд жангида кўп талофот ва жароҳатлар олганларига қарамай, Пайғамбарнинг даъватларига "Лаббай!", деб жавоб бердилар ва баъзи бир "шайтон"ларнинг "Қурайшлик мушрикларнинг сон-саноқсиз лашкари бор", деган васвасалари ҳам уларни қўрқита олмади, балки иймонларини зиёда қилди, холос. Улар Пайғамбар алайҳис-салом билан бирга мушрикларнинг ортидан бориб Ҳамро ал-Асад деган жойда уларга етиб олдилар. Шунда Оллоҳ таоло мушрикларнинг дилларига бир қўрқув солди ва улар мусулмонларга қарши жанг қилишга журъат қила олмадилар ва мусулмонлар эсон-омон Мадинага қайтиб келдилар

175. Албатта ўша *(сизларни васвасага солмоқчи бўлган)* **шайтоннинг ўзидир. У сизларни ўзининг дўстларидан** *(кофирлардан)* **қўрқитмоқчи бўлади. Бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз! 176.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **куфр - динсизликка шошаётган кимсалар Сизни ғамгин қилмасин! Албатта улар Оллоҳга ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар.** *(Фақат)* **Оллоҳ улар учун Охиратда бирон насиба бўлмаслигини истайди. Улар учун улуғ азоб бор** *(холос).* **177. Албатта куфрни иймонга алмаштириб олган кимсалар Оллоҳга ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар. Улар учун аламли азоб бордир. 178. Куфр йўлини тутган кимсалар уларга берган муҳлатимизни зиноҳор ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар! Балки Биз уларга фақат гуноҳларини зиёда қилишлари учунгина муҳлат берамиз. Улар учун хор қилгувчи азоб бордир. 179. Оллоҳ мўминларни сизлар бўлган мана шу ҳолатда** *(яъни ким мўмин-у, ким мунофиқлиги маълум бўлмаган ҳолатда)* **ташлаб қўювчи эмас. Ҳали У** *(Уҳудда мунофиқларни мўминлардан ажратиб қўйгани каби)* **нопокни покдан ажратади. Оллоҳ сизларни ғайб илмидан хабардор қилмади. Лекин Оллоҳ**

пайғамбарларидан Ўзи истаган зотларни сайлаб олур *(ва уни ғойибдан хабардор, огоҳ қилур)*. Бас, Оллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирингиз! Агар иймон келтириб, Оллоҳдан қўрқсангиз, сизлар учун улуғ ажр - мукофот бордир. 180. Оллоҳ фазлу карами билан ато қилган нарсаларнинг *(закотини)* беришга бахиллик қилган кимсалар ҳаргиз бу қилмишларини ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар! Йўқ, бу қилмишлари ўзлари учун ёмонликдир. Бахиллик қилиб бермаган нарсалари Қиёмат Кунида бўйинларига ўралажак! *(Барча жонли-жонсиз нарсалар кетар ва)* осмонлару Ер мерос бўлиб Оллоҳнинг ўзига қолур. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир. 181. Албатта Оллоҳ: "Оллоҳ камбағал, бизлар боймиз", деган *(яҳудий)* кимсаларнинг сўзини эшитди. Уларнинг айтган гапларини ва пайғамбарларни ноҳақ ўлдирганларини ёзиб қўюрмиз ва *(Қиемат Куни)* уларга: "Куйдургувчи - дўзахнинг азобини тотиб кўрингиз!", деб айтурмиз. 182. Бу *(азоб)* ўзларингиз қилган гуноҳларингиз сабаблидир. Албатта Оллоҳ *(Ўз)* қулларига зулм қилгувчи эмасдир. 183. У кимсалар: "Албатта Оллоҳ бизга бирон пайғамбар то бир қурбонлик атаб, уни *(осмондан тушган)* олов еб *(яъни, ендириб)* кетмагунча унга иймон келтирмаслигимизни буюрган", дедилар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Муҳаққаққи, мендан илгари сизларга кўп пайғамбарлар очиқ ҳужжатларни ва сизлар айтган нарсани *(яъни, қурбонликларни)* келтирганлар. Энди агар шу айтган гапларингиз рост бўлса, нима учун уларни ўлдирган эдингизлар?!". 184. *(Эй Муҳамамад алайҳис-салом)*, агар Сизни ёлғончи қилишган бўлса, *(асло ғамгин бўлманг, чунки)* Сиздан илгари ҳам очиқ ҳужжатларни, битиклар ва нурли Китоб келтирган кўп пайғамбарлар ёлғончи қилинганлар. 185. Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир. Ва Қиёмат Кунида ҳеч шак-шубҳасиз, ажр-савобларингизни комил суратда олурсиз. Бас, ким дўзахдан четлатилиб, жаннатга киритилса, муҳаққақ *(бахт-саодатга)* эришгай. Бу ҳаёти дунё эса алдагувчи матодир. 186. *(Эй мўминлар)*, албатта молу жонларингизда имтиҳон қилинурсизлар *(яъни, Оллоҳ таоло мол ва жонларингизга хилма-хил офату балолар юбориб, сизларнинг иймонингизни текшириб кўрар)* ва албатта сизлардан илгари Китоб берилган кимсалар томонидан ва мушриклар томонидан кўп азият-маломатлар эшитажаксизлар. Агар *(озорларига)* сабр-тоқат қилсангизлар ва Оллоҳдан қўрқсангизлар *(нажот топурсиз)*. Чунки бу иш *(яъни,*

сабр-тоқатли булиб, Оллоҳдан қўрқиш) ишларнинг мақсадга мувофиғидир. 187. Эсланг, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Оллоҳ Китоб берилган кимсалардан "Албатта у *(Китобни)* одамларга очиқ баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!", деб аҳд-паймон олган эди. Сўнг улар бу аҳд-паймонни ортларига ташладилар ва уни озгина қийматга сотдилар. Уларнинг бу олди-сотдилари нақадар ёмон иш бўлди! 188. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз ҳаргиз қилган ишлари *(яъни, одамларни Ҳақ Йўлдан адаштиришлари)* билан хурсанд бўладиган ва қилмаган ишлари билан мақтовлар эшитишни яхши кўрадиган кимсалар азобдан йироқ маконлалар, деб ўйламанг! Улар учун аламли азоб бордир. 189. Осмонлар ва Ердаги бор мулк Оллоҳникидир. Ва Оллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир. 190. Албатта осмонлар ва Ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашиниб туришида ақл эгалари учун *(бир Яратгувчи ва Бошқариб тургувчи Зот мавжуд эканлигига)* оят-аломатлар бордир. 191. Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Оллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва Ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб *(дейдилар)*: "Парвардигоро, бу *(борлиқ)*ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен *(беҳуда бирон иш қилиш айбидан)* Поксан! Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асрагил! 192. Парвардигоро, албатта Сен кимни жаҳаннамга киритсанг, муҳаққақ, уни расво қилибсан. Ва бундай золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир. 193. Парвардигоро, албатта биз: "Парвардигорингизга иймон келтирингиз!", деб иймонга чорлаётган жарчи *(Муҳаммад алайҳис-саломнинг нидоларини)* эшитдигу иймон келтирдик. Парвардигоро, бизнинг гуноҳларимизни мағфират қилгил, қилган ёмонликларимизни *(саҳифаии аъмолимиздан)* ўчиргил ва бизларни яхшилар билан бирга ўлдир! 194 Парвардигоро, бизларга пайғамбарларинг орқали ваъда қилган нарсаларингни *(жаннат, мағфират, висолингдан баҳраманд этиш каби неъматларингни)* ато қил ва бизларни Қиёмат Кунида расво қилмагил! Албатта Сен ваъдангга хилоф қилмагайсан. 195. Бас, Парвардигорлари уларнинг дуоларини ижобат қилиб *(деди)* "Албатта Мен сизлардан бирон амал қилгувчи эркак ё аёлнинг амалини зое қилмагайман. Зеро, бировингиз бировингиздандирсиз. *(Яъни, эркак аёлдан, аёл эркакдан дунёга келган).* Бас, *(ватанларидан)* ҳижрат қилган, диёрларидан қувилган, Менинг Йўлимда азиятлар чеккан ва *(Менинг Йўлимда)* жанг қилиб, қатл этилган зотларнинг қилган

гуноҳларини ўчиргайман ва уларни тагларидан дарёлар оқиб турадиган боғларга киритурман. Бу Оллоҳ ҳузуридан бўлган савоб - мукофот бўлади. Зеро, энг гўзал савоб - мукофот Оллоҳнинг ҳузуридадир". 196. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сизни кофирларнинг шаҳарларда кезишлари *(яъни, уларнинг ҳар жойда керилиб юришлари)* алдаб қўймасин! 197. *(Бу елиб-югуриш, голибона кезишлар)* озгина матодир. Сўнгра жойлари жаҳаннам бўлгай! Нақадар ёмон жой у! 198. Аммо Парвардигорларидан қўрққан зотлар учун Оллоҳ ҳузуридан зиёфат бўлмиш - тагларидан дарёлар оқиб тургувчи боғлар бордирки, улар бу боғларда абадий қолажаклар. Яхшилар учун Оллоҳ ҳузуридаги нарса *(яъни, савоб-ажр кофирларнинг муваққат кайф-сафоларидан)* афзалроқдир. 199. Албатта аҳли Китоб ичида Оллоҳга ҳамда сизларга нозил қилинган Нарсага - *(Қуръонга)* ҳам, ўзларига нозил қилинган Нарсага *(Тавротга, Инжилга)* ҳам иймон келтирадиган, Оллоҳга итоат қилиб бош эгувчи, Оллоҳнинг оятларини озгина қийматга сотиб юбормайдиган зотлар ҳам бор эканлиги аниқ-равшандир. Ана ўшалар учун Парвардигорлари ҳузурида ажру савоб бордир. Албатта Оллоҳ тезда ҳисоб-китоб қилгувчи Зотдир. 200. Эй мўминлар, сабр қилингиз ва сабру тоқат қилишда *(кофирлардан)* устун бўлингиз ҳамда доимо *(кураш - жиҳод учун)* белингиз боғлиқ *(ҳолда ҳозир)* бўлиб турингиз! Ва Оллоҳдан қўрқингизким, *(шунда)* шояд нажот топгайсизлар!

НИСО сураси (4)

Бу сура ҳам Мадинада нозил бўлган узун суралардан бўлиб, бир юз етмиш олти оятдан ташкил топган. У мусулмонларнинг ички ва ташқи иш фаолиятларига доир Шариат аҳкомлари билан тўла бир сурадир. Унда аёл, уй, оила, давлат, жамиятга алоқадор бўлган муҳим масалаларга жавоб берилади ҳамда бировларнинг қарамоғидаги етим-есирлар ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисида сўз боради. Бу сурада шунингдек, мерос ҳукмлари ҳам батафсил баен қилинади.

Булардан ташқари, эр-хотин ўртасидаги алоқалар - уларнинг бир-бирлари олдидаги ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда эр оилада бошлиқ экани ва бу ҳуқуқдан у қандай фойдаланиши лозимлиги ҳақида йўл-йўриқлар берилади. Сўнгра оила доирасидан жамият миқёсига чиқиб, жамият мустаҳкам бўлиши учун кишилар ўртасида бирдамлик ва меҳр-шафқат, холислик ва бағри кенглик барқарор бўлиши зарурлиги ўзига хос услубда уқтирилади. Бу сурада бошқалардагига нисбатан аёлларга оид Шариат ҳукмлари кўп ва батафсил баён этилганлиги сабабли унга "Нисо" - "Аёллар" номи берилган

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Эй инсонлар, сизларни бир жондан *(Одамдан)* яратган ва ундан жуфтини *(Ҳаввони)* вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Оллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз *(билан ажралиб кетишдан сақланингиз)*! Албатта Оллоҳ устингизда Кузатувчи бўлган Зотдир. 2. *(Вояга етганларидан кейин қўл остингиздаги)* етимларга молларини берингиз ва *(етимларнинг сизлар учун)* нопок бўлган *(молларини ўзингизнинг ҳаққингиз бўлган)* пок нарсага алмаштириб олмангиз! Ва уларнинг молларини ўзингизнинг молингизга қўшиб емангиз! Зеро, бу катта гуноҳ бўлган ишдир. 3. Агар етим қизларга адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, сизлар учун *(никоҳи)* ҳалол бўлган аёлларга иккита,

учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар *(улар орасида)* **адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга** *(уйланинг)* **ёки қўл остингиздаги чўри билан** *(кифояланинг)*. **Мана шу жабру зулмга ўтиб кетмаслигингизга яқинроқ ишдир.**

Изоҳ: Уламолар мазкур оятни қуйидагича тафсир қиладилар: Шариат ҳукмича, ота-онадан ажраб, етим бўлиб қолган қизни ўз қарамогига олган одам у қизга уйланишга ҳаққи бор. Лекин одатда бундай ҳолларда кўпинча қизнинг ҳаққи-маҳрини тўла-тўкис қилиб бермай, арзон-гаров уйланиб олиш пайига тушилади Шунинг учун Қуръон: "Етим қизларнинг ҳаққини адо қила олмасликдан қўрқсангиз, сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинг", деб рухсат беради ва дарҳол у хотинлар ўртасида адолат қилиш шарт эканини таъкидлайди. Қолаверса, Исломдаги бу қонун Қуръон нозил бўлган даврда кенг тарқалган кўпхотинлиликни тартибга солиш учун жорий қилингандир. Чунки Ислом келишидан илгари бир эркак қўл остида ўнлаб аёллар ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқ, адолат ва ҳурмат-эътибордан маҳрум бўлган ҳолда кун кўрар эдилар. Ислом келгач, бу саноқ энг кўпи билан тўртта бўлиши мумкинлиги ва албатта ўртада адолат барқарор бўлиши шарт эканлиги қонун қилинди. Лекин барибир ҳақли суратда шундай савол туғилади: модомики адолат мурод экан, нима сабабдан бир эркакка фақат биргина аёл билан турмуш қилиш амр этилмади? Ислом уламолари бу саволга шундай жавоб қиладилар: маълумки, Ислом - воқеий Диндир. Яъни, у инсонларни покиза ҳаёт кечиришга даъват қилишда ғайривоқеий йўлларни тутмайди. Бинобарин, бу қонунда ҳам воқеий инсоний ҳаёт назарда тутилган. Биринчидан, асрлар давомидаги тажрибалар кўрсатишича, ўғил боладан кўра қиз бола кўпроқ туғилади. Иккинчидан, аёл киши эркак кишидан кўра узунроқ умр кўриши ҳам воқеий ҳақиқатдир. Учинчидан, турли фожиалар, хусусан, уруш ва тўқнашувларда асосан эркаклар ҳалок бўладилар. Мана шу ва яна бошқа кўп сабаблар натижасида инсоният оламида мудом аёлларнинг саноғи эркакларникидан ортиқ бўлади. Демак, бир эркак фақат бир аёлга уйланиши мумкин дейилса, эркаклар саноғидан ортиб қолган аёлларга адолат қилинмаган, балки уларга зулм қилинган бўлур эди. Яъни, бу аёллар ўзларининг турмуш қуриш ва она бўлиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлиб қолар эдилар. Натижада жамиятда нопоклик ва маиший бузуқликлар юзага келади. Шунинг учун Ислом моддий имкониятлари бўлган кишиларга агар адолат қила олишнинг уддасидан чиқсалар бирдан ортиқ аёл билан турмуш қуришга

рухсат беради ва шу билан бирга аёллар ўртасида адолат қилмай, фақат шаҳвоний нафсини қондириш учунгина кўп хотин олишга ружуъ қўйган кимсалар учун Охиратда ашаддий азоб борлиги ҳақида огоҳлантиради

4. Хотинларингизга маҳрларини ҳадя каби *(яъни, чин кўнгилдан, мамнунлик билан)* берингиз! Агар ўзлари сизлар учун у маҳрдан бирон нарсани ихтиёрий равишда кечсалар, сизлар уни пок ва муборак билиб еяверинглар. 5. *(Қўл остингиздаги)* ақлсиз кимсаларга *(яъни, ёш, нодон етимларга)* Оллоҳ сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни *(яъни, қўлларингиздаги уларнинг молларини)* бериб қўймангиз, балки уларни ўша моллардан едириб-кийдиринг ва уларга яхши сўзлар билан муомала қилинг! 6. Етимларни то балоғат ешига етгунларича имтиҳон қилиб *(текшириб)* туринглар. Агар уларнинг эс-ҳушлари жойида эканини кўрсангиз, молларини ўзларига топширинглар. У молларни исроф қилиб ва *(эгалари)* катта бўлиб қолмасин, деб шошилиб еб қўйманглар. *(Етимни оталиққа олган)* киши агар бой бўлса, *(етимнинг молидан)* парҳез қилсин, камбағал бўлса, яхшилик билан *(яъни, қилган хизматига яраша)* олиб есин. Мол-мулкларини ўзларига қайтарганингизда эса гувоҳ келтиринглар. Оллоҳнинг Ўзи етарли ҳисоб-китоб қилгувчидир. 7. Эркаклар учун ота-оналар ва қариндош-уруғлари қолдириб кетган нарсадан - меросдан улуш бордир. Аёллар учун ҳам ота-оналари ва қариндош-уруғлари қолдириб кетган нарсадан - меросдан улуш бордир. Бу улушлар озми-кўплигидан *(қатъий назар)* фарз қилинган ҳақлардандир. 8. *(Мерос)* тақсимида *(узоқ)* қариндошлар, етим ва мискинлар ҳам ҳозир бўлсалар, уларни ҳам шу *(меросдан)* баҳраманд қилиб, уларга яхши сўзлар айтинглар. 9. *(Бировнинг ўлимига ҳозир бўлган)* кишиларнинг ўзлари ожиз-нотавон фарзандларини қолдириб вафот қилиб кетсалар, улардан хавотир олганлари каби *(ўзгаларнинг етимлари ҳаққидан ҳам)* қўрқсинлар. Бас, Оллоҳдан қўрқиб *(ўлим олдидаги кишига)* ҳақ сўзни айтсинлар!

И з о ҳ. Бу оят ўлим соатлари яқинлашиб қолган пайтида топган мол-мулкини фарзандларига қолдирмасдан бегоналарга хаир-эҳсон қилиб юборишни еки Шаръан мерос олиш ҳуқуқи бўлмаган кимсаларга васият қилиб кетишни мўлжаллаган кишиларнинг бундай номаъқул ниятларидан хабардор бўлиб қолган одамлар ҳақида нозил қилинган бўлиб, уларга етимларнинг ҳақларидан қўрқиш ва ўлим олдидаги кишига тўғри сўзларни айтиб, уни бу адолатсиз ишдан қайтариш буюрилади[1]

10. Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз, қоринларига оловни еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражаклар! 11. Оллоҳ фарзандаларингизга *(тегишли мерос)* ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур. Агар *(меросхўрлар)* иккидан ортиқ қиз бўлса, уларга *(ота-она)* қолдирган нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз бўлса, унга *(меросниг)* ярми тегур. Агар *(марҳумнинг)* фарзанди *(ва ота-онаси қолган)* бўлса, қолдирган меросидан ота-онасининг ҳар бирига олтидан бири тегур *(қолгани фарзандига қолур)*. Энди агар фарзанди бўлмай, фақат ота-онаси унга меросхўр бўлса, у ҳолда онасига учдан бир тегур *(қолгани отасига қолади)*. Агар унинг ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир тегур. *(Қолган қисми отасига тегади, зеро, марҳумнинг ака-укаларини едириб-кийдириш ва уйлаб-жойлаш отанинг зиммасидадир. Бу тақсимотлар хотинларингиз)* қилган васият ва қарзлари адо этилганидан кейин бўлур. Ота-оналарингиз ва фарзандларингизнинг қайси бирлари сизлар учун фойдаси тегувчироқ эканини билмайсизлар. *(Бинобарин ўзингизга қолса, мерос тақсимотини ҳам адолат билан ҳал қила олмайсиз. Шу боисдан кимга қанча мерос тегиши)* Оллоҳ томонидан қатъий фарз қилиб қўйилди. Албатта Оллоҳ билим ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 12. Сизларга хотинларингиз қолдирган меросдан - агар улардан фарзанд қолмаган бўлса - ярми тегур. Энди агар уларнинг фарзандлари қолган бўлса, сизларга уларнинг меросидан тўртдан бири тегур. *(Бу тақсимотлар хотинларингиз)* қилган васият ва қарзлари адо этилгандан кейин бўлур. Уларга *(хотинларингизга)* сизлар қолдирган меросдан - агар сизлардан фарзанд қолмаган бўлса - тўртдан бири тегур. Энди агар сизларнинг фарзандингиз қолган бўлса, уларга сизнинг меросингиздан саккиздан бири тегур. *(Бу тақсимотлар)* сизлар қилган васият ва қарзларингиз адо қилингандан кейин бўлур. Агар мероси қолаётган сўққабош эркак ёки аёлнинг на ота-онаси ва на боласи бўлмай, *(она томонидан)* бир ака ёки укаси ёхуд бир она ёки синглиси қолган бўлса, уларнинг икковидан ҳар бирига олтидан бир тегур. Энди агар улар бирдан ортиқ бўлсалар, улар меросининг учдан бир ҳиссасига тенг шерик бўлурлар. *(Бу тақсимотлар меросхўрларга)* зарар етказмайдиган ҳолда қилинган васият ва қарзлар адо қилингандан кейин бўлур. *(Бу ҳукмлар)* Оллоҳ томонидан бўлган амр-фармондир. Оллоҳ Билгувчи ва Ҳалимдир. 13. Мана шу Оллоҳнинг *(белгилаб қўйган)* ҳадларидир. Ким Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоат этса, *(Оллоҳ)* уни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритиб,

ўша жойда абадий *(ҳаёт бахш этар)*. Ва бу буюк саодатдир. 14. Ким Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоатсизлик қилиб Оллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларидан тажовуз қилса, уни абадий қоладиган жойи бўлмиш дўзахга киритур. Ва унинг учун хор қилгувчи азоб бордир. 15. Хотинларингиздан қайси бир аёл фоҳишалик қилса, ундай аёлларнинг устида ўзларингиздан бўлган тўрт кишини гувоҳ қилинг. Агар улар гувоҳлик берсалар, то бу аёлларга ўлим келгунча ёки Оллоҳ бирор йўлга солгунча, уларни уйларида *(ҳибсда)* сақлангиз!

И з о ҳ: Бу ва қуйидаги оятдаги ҳукмлар зинокор аёллар ва баччавоз эркаклар учун буюрилган муваққат жазо эди. Кейинроқ нозил бўлган "Нур" сурасида бу мавзуга кенг ўрин берилган ва зино қилувчи эркак ва аёлни агар оиласиз бўлса, юз дарра уриш, оилали бўлса, тошбўрон қилиш ҳукми қатъий, доимий қилиб белгилаб қўйилган.

16. Сизлардан икки эркак шундай қилса *(яъни, баччавозлик ёки фоҳишабозлик қилса)*, уларни *(уриб-сўкиш билан)* таъзирларини берингиз. Агар улар тавба қилиб, ўзларини тузатсалар, уларни тинч қўйинглар. Албатта Оллоҳ тавбаларни Қабул қилгувчи ва Меҳрибон бўлган Зотдир. 17. Албатта Оллоҳнинг тавбаларни қабул қилиши фақат бировта гуноҳни нодонлик билан қилиб қўйиб, сўнгра дарҳол тавба қилган кишилар учундир. Оллоҳ ана шундай кишиларнинг тавбасини қабул қилур. Оллоҳ билим ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 18. На гуноҳ ишларни мудом қилиб юриб, қачонки бировларига ўлим келганида: "Энди тавба қилдим", дейдиган ва на кофир ҳолда ўлиб кетадиган кимсаларнинг тавбалари қабул қилинмас. Улар учун аламли азобни тайёрлаб қўйганмиз. 19. Эй мўминлар, сизлар учун хотинларни мажбурий ҳолда мерос қилиб олиш дуруст эмасдир.

И з о ҳ. Ислом келишидан илгари бирон аёлнинг эри ўлса марҳум эгаларидан бири у аёлни мажбурий ҳолда хотин қилиб олиши лозим эди. Ислом бу номақбул одатни манъ қилди.

Ва *(агар бирга яшаш ниятингиз бўлмаса)*, берган маҳрларингизнинг бир қисмини қайтариб олиш учун хотинларингизни *(бошқа эрга тегишдан)* тўсиб туриб олманглар! Магар улар очиқ бузуқлик қилсалар *(у ҳолда берган маҳрингизни қайтариб олишингиз мумкин)* Улар билан хушмуомала бўлиб, тинч-тотув яшанглар. Агар уларни ёмон кўрсангизлар ҳам *(сабр қилиб иноқ ҳолда яшайверинглар)*. Зеро, сизлар ёмон кўрган нарсада Оллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин.

Изоҳ Исломдан илгари бирон аёлнинг эри ёмон кўриб, кўнгилсиз бўлиб қолса, у аелга турли тазйиқлар ўтказиб, жонидан тўйгизар, лекин талоғини бермас эди. Қачонки у эридан олган маҳрини ё ҳаммасини ёки бир қисмини қайтариб берсагина талоқ қилар эди Шариати Исломийя бу қабих одатга ҳам барҳам берди. Шунингдек, Қуръон эрларга агар аёлларини яхши кўрмасалар ҳам улар билан хушмуоамалада ҳаёт кечиришларини буюради ва бундан Ислом динининг аелларга нақадар ҳурмат кўрсатиши маълум бўлади. Бу хусусда биз мусулмонларга Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам гўзал намунадирлар У Зоти бобаракот шундай марҳамат қилганлар· "Сизларнинг энг яхшингиз ўз оиласига яхши муомала қилувчиларингиздир. Мен эса сизларнинг орангиздаги ўз оиласига энг яхши муомала қилгувчи кишиман".

20. Агар бир хотинни қўйиб, бошқа хотинга уйланмоқчи бўлсангизлар, аввалгисига саноқсиз молу дунёни *(маҳр қилиб)* **берган бўлсангиз-да, ундан бирон нарсани қайтариб олмангизлар! Уни олиш бўҳтон ва очиқ гуноҳ бўлган ҳолида оласизлармиӣ 21. Ахир бир-бирингиз билан қўшилиб, улар** *(яъни, хотинларингиз)* **сизлардан** *(яхшилик билан ҳаёт кечириш еки чиройли суратда ажрашиш ҳақида)* **қатъий аҳд-паймон олганларидан сўнг қандай қилиб уни** *(яъни маҳрни)* **қайтариб оласиз?! 22. Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг! Магар илгари ўтган бўлса,** *(Ислом динига киришдан аввал уйланган бўлсангиз, Оллоҳ афв этар)* **Албатта бу хунук ва жирканч бўлган ёмон қилиқдир. 23. Оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмишган опа-сингилларингиз, қайноналарингиз, жинсий алоқада бўлган хотинларингизнинг тарбиянгизда бўлган қизлари** *(мана шу юқорида санаб ўтилган аелларга уйланиш)* **сизлар учун ҳаром қилинди · агар хотинларингиз билан жинсий алоқада бўлмаган бўлсангиз** *(уларни талоқ қилгандан кейин аввалги эрларидан туғилган қизларига уйлансангиз)* **сизлар учун гуноҳ йўқдир. Яна ўз пушти камарингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинларига** *(уйланишингиз)* **ҳамда опа-сингилни жамлашларингиз** *(яъни, бирини талоқ қилмай туриб, бошқасига уйланишларингиз ҳам сизлар учун ҳаром қилинди).* **Магар илгари** *(Исломга киришингиздан аввал)* **ўтган бўлса** *(Оллоҳ афв этар).* **Албатта Оллоҳ Мағфиратли ва Меҳрибон бўлган Зотдир.**

24. Яна эрлик аёллар *(ҳам ҳаром қилинди)*. **Магар сизлар** *(уруш-жангларда)* **эга бўлган чўриларингиз ҳалолдир.**

Изоҳ: Ўша даврнинг одатига кўра урушда асир тушган эркаклар қулга, аёллар эса чўрига айлантирилар эди. Бу оятда гарчи асира бўлган аёлнинг ўз ватанида эри қолган бўлса-да, маълум муддат идда сақлагач, хожаси учун ҳолол бўлиб қолиши уқтирилмоқда.

(Юқоридаги оятларда санаб ўтилган аёлларга уйланиш сизлар учун ҳаром қилингани хусусидаги бу ҳукмларни) **Оллоҳ зиммангизга фарз қилиб қўйди. Мана шулардан бошқа аёлларга ўзларингизни** *(ҳаромдан)* **сақлаган, зино қилувчи бўлмаган ҳолингизда молларингизни** *(маҳр қилиб бериш)* **билан уйланишга ҳаракат қилиш сизлар учун ҳалол қилинди. Улардан никоҳ орқали фойдаланишларингиз билан уларга белгиланган маҳрларини берингиз! Маҳр белгиланганидан кейин ўзаро келишиб олган нарсаларингизда** *(яъни, маҳрларнинг миқдорини ўзгартиришларингизда ёки хотинларингиз ўз ихтиёрлари билан ҳаққи-маҳрларидан кечиб юборишларида)* **сизлар учун гуноҳ йўқдир. Албатта Оллоҳ билим ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 25. Сизлардан кимда-ким** *(белгиланган маҳрни бериб)* **ўзларини** *(ҳаромдан)* **сақлаган озод мўмина аёлларга уйланиш имкониятига эга бўлмаса, қўлларингиздаги мўмина чўрилардан бирига уйланаверсин. Оллоҳ иймонларингизни жуда яхши Билгувчидир. Бировингиз бировингиздандирсиз** *(яъни, ҳаммангизнинг аслингиз биттадир)*. **Бас, улардан ўзларини сақлаган, фоҳишалик қилмаган ва махфий ўйнашлар тутмаганларига хожаларининг изни билан уйланаверинглар ва маҳрларини тўкис қилиб беринглар! Энди эрга теккач, агар бузуқлик қилсалар, уларга озод аёлларга бериладиган азобнинг ярми** *(яъни, эллик дарра)* **берилур. Бу** *(яъни, чўриларга уйланиш рухсати)* **орангиздаги бузилиб кетишдан қўрққан кишилар учундир. Сабр қилиб** *(чўриларга уйланмай туришларингиз)* **ўзингиз учун яхшироқдир. Оллоҳ Магфиратли ва Меҳрибондир. 26. Оллоҳ сизларга** *(Шариат ҳукмларини)* **баён қилишни, сизларни илгари ўтган** *(Ҳақ Йўлдаги)* **зотларнинг йўлларига ҳидоят қилишни ва тавбаларингизни қабул қилишни истайди. Оллоҳ билим ва ҳикмат Эгасидир. 27. Оллоҳ тавбаларингизни қабул қилишни истайди, ҳою ҳавасга берилган**

кимсалар эса *(Ҳақ Йўлдан)* бутунлай огиб кетишингизни истайдилар. 28. Оллоҳ *(буюрган Шариат қонунлари билан)* сизлардан *(юкингизни)* енгиллатишни истайди. *(Зотан),* инсон ожиз қилиб яратилгандир. 29. Эй мўминлар, молларингизни ўрталарингизда *(ўғрилик, кароқчилик, судхўрлик, порахўрлик, қимор каби)* ноҳақ йўллар билан емангиз! Балки ўзаро ризолик билан бўлган савдо-сотиқ орқали *(мол-дунё касб қилингиз).* Бир-бирларингизни *(яъни, мўмин мўминни)* ўлдирмангиз! Албатта Оллоҳ сизларга Меҳрибон бўлган Зотдир. 30. Ким ҳаддан ошиб, зўравонлик билан шундай ишларни қилса, Биз уни дўзахга киритажакмиз. Бу Оллоҳ учун осон бўлган ишдир. 31. Агар сизлар ман этилган гуноҳларнинг *(Оллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, бировни ноҳақ ўлдириш каби)* катталаридан сақлансангизлар, қилган *(кичик)* гуноҳларингизни ўчирурмиз ва сизларни улуғ манзил - жаннатга киритурмиз. 32. Оллоҳ бирон неъмат билан бирингизни бирингиздан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни *(ҳасад-адоват билан)* орзу қилманг! Эркаклар учун ҳам қилган меҳнатларидан насиба бордир, аёллар учун ҳам қилган меҳнатларидан насиба бордир. Сизлар *(бировларга берилган неъматларга кўз олайтириш ўрнига)* Оллоҳнинг фазлу марҳаматидан *(файзу-баракот, ризқу рўз)* сўранглар. Албатта Оллоҳ ҳамма нарсани Билгувчи бўлган Зотдир. 33. Биз ҳар бир *(инсон)* учун ота-она ва қариндошлар қолдириб кетган меросдан *(баҳраманд бўлгувчи)* меросхўрлар қилиб қўйдик. Кимлар билан *(бир-бирларингизга меросхўр бўлиш ҳақида)* аҳд-паймон қилган бўлсангиз, бас, уларга ўз ҳиссаларини берингиз! Албатта Оллоҳ ҳамма нарсага гувоҳ бўлган Зотдир.

И з о ҳ: Исломдан олдин ўрталарида қариндош-уруғчилик бўлмаган одамлар ҳам ўзаро аҳд-паймон қилишиб дўст бўлишгач, бир-бирларидан мерос олар эдилар. Исломнинг аввалги даврларида бу одат бекор қилинмаган эди. Сўнг бошқа бир оят билан у манъ этилган.

34. Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар. Бунга сабаб Оллоҳ уларнинг бировларини бировларидан *(яъни, эркакларни аёллардан)* ортиқ қилгани ва эркаклар *(хотинлари ва оилалари учун)* ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилганларидир. Бас, ибодат-итоатли ва *(эрлари)* йўқлигида Оллоҳнинг ҳифзу ҳимояти билан *(эрларининг мол-мулкларини ва ўз иффатларини)* сақловчи хотинлар - яхши хотинлардир. Хотинларингизнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга панд-насиҳат

қилинглар, сўнг *(яъни, насиҳатларинг кор қилмаса)*, **уларни ётоқларда тарк қилингиз** *(улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг)*, **сўнгра** *(яъни, шунда ҳам сизларга бўйинсунмасалар)*, **урингларl Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглар. Албатта Оллоҳ энг Юксак ва Буюк бўлган Зотдир.**

И з о ҳ: Ушбу оятда оиладаги эр билан хотиннинг ўрни белгилаб берилган. Шариат ҳукмича, эр аввало оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар бўлган, уни четдан бўладиган ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шулар эвазига ва эркак киши учун фазилат ҳисобланмиш оғирбосиқлик, оила тебратишдаги тадбиркорлик каби сифатлар сабабли у оиланинг бошлиги саналади. Яхши хотин эса диенатли, эрнинг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садоқатли бўлган аёлдир. Агар хотин томонидан оиланинг ё эр-хотиннинг тинч-тотувлигига раҳна соладиган бирон феъл содир бўлса, эрнинг вазифаси аввало унга яхшилик билан тушунтириш, тушунмаса меҳру муҳаббатини дариғ тутиш билан ўз норозилигини билдиришдир. Бу ишлар фойда бермаган тақдирдагина хотинга (уни уриб роҳатланиш учун эмас, балки тўғри йўлга солиш мақсадида) қўл кўтаришга рухсат берилади. Лекин табиийки, эрга итоат қилишни ўзи учун бурч деб билган аёл ва ўзидан Қудратлироқ бўлган Зот - Оллоҳ кўриб турганига иймони комил бўлган эр бу охирги чорагача етиб келмайдилар.

35. Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангизлар, эрнинг урут-аймоғидан бир ҳакам, хотиннинг урут-аймоғидан бир ҳакам чақирингиз. Агар улар ислоҳ қилишни истасалар, Оллоҳ эр-хотин орасига иттифоқликни солур. Албатта Оллоҳ Билгувчи ва Хабардор бўлган Зотдир. 36-37. Оллоҳга бандалик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-онангизга ҳамда қариндош-урут, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз! Албатта Оллоҳ ўзлари бахиллик қиладиган ва ўзга одамларни ҳам бахилликка чақирадиган ҳамда Оллоҳ фазлу карамидан берган неъматларни яширадиган мутакаббир ва мақтанчоқ бўлган кимсаларни севмайди. Биз бундай кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз. 38. Яна молларини одамлар кўрсин, деб эҳсон қиладиган, ўзлари эса на Оллоҳга ва на Охират Кунига иймон келтирмайдиган кимсаларни ҳам *(Оллоҳ севмайди)* **Кимга**

шайтон дўст бўлса, у энг ёмон дўст булур. 39. Агар Оллоҳ ва Охират Кунига иймон келтирсалар ва Оллоҳ ризқ қилиб берган нарсаларидан эҳсон қилсалар, уларга қандай зарар бўлар эди?! Оллоҳ уларнинг *(қилган амалларини)* Билгувчи бўлган Зотдир. 40. Шубҳасиз, Оллоҳ бировга бир зарра вазнича зулм қилмас. Агар *(заррача)* яхшилик бўлса, уни бир неча баробар қилур яна Ўз ҳузуридан улуғ ажр ато қилур. 41. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Биз ҳар бир умматдан *(ўша умматнинг пайғамбарини)* гувоҳ келтирганимизда ва Сизни ана ўшаларнинг *(барчалари)* устида гувоҳ қилганимизда *(инсонларнинг ҳоли)* қандоқ бўлур?! 42. У Кунда кофир бўлган ва Пайғамбарга итоатсизлик қилган кимсалар ер билан яксон бўлиб кетишни орзу қилиб қоладилар ва *(лекин)* Оллоҳдан бирон гапни яшира олмайдилар. 43. Эй мўминлар, то гапираётган гапларингизни билмагунингизча маст ҳолингизда намозга яқин келманглар. Ва яна сафарда бўлмасангиз то чўмилмагунингизча жунуб ҳолингизда *(намозга яқин келманглар)*. Агар бетоб ё сафарда бўлсангизлар, ёки сизлардан бирон киши ҳожатхонадан чиққан бўлса, ёхуд хотинларингиз билан яқинлашган бўлсангиз ва *(мазкур ҳолатларда)* сув топа олмасангиз покиза тупроқ билан таяммум қилиб, юз ва қўлларингизга суртинглар. Албатта Оллоҳ Афв этувчи ва Мағфиратли бўлган Зотдир.

И з о ҳ: Бу ичкилик хусусида нозил бўлган иккинчи оятдир. Агар биринчи оятда (Бақара сураси, 219-оят) ичкиликда кўп фойда ва зарарлар бор, аммо унинг зарари фойдасидан кўпроқ, дейилган бўлса, бу ерда мусулмонлар учун энг улуғ мақом бўлган намоз ўқиш пайтида ("Намоз мўминнинг меърожидир" - ҳадиси шарифдан) маст ҳолда бўлмасликка буюриш билан Қуръон унинг ҳаром нарса эканлигига ишора қилиб, унга нисбатан мўминларда нафрат уйғотмоқда. Навбатдаги ичкилик тўғрисида келадиган оятда уни ҳаром, деб эълон қилинади. Шариатнинг барча ҳукмлари ана ўша сўнгги оятга асосланади.

Жунуб - эркак ва аёлнинг яқинлашуви ёки ҳар қандай суратда эркак е аелдан шаҳват суви чиқиши натижасида ўша эркак е аел жунуб (нопок) бўлади.

Таяммум - сув топа олмаган еки топса ҳам қандайдир сабаб билан уни ишлатишга қодир бўлмаган кишининг пок тупроққа қул уриб, юз ва қўлларига суртиш билан пок бўлишидир. Бу амални қилишда таҳоратни ёки ғусл (чўмилиш)ни ҳам ният қилинади. Ҳар иккисини қўшиб ният қилиш ҳам мумкин.

44. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Китобдан** *(яъни, Тавротдан)* **насибадор бўлган кимсаларнинг** *(Тўғри Йўл ўрнига)* **адашишни - гумроҳликни сотиб олаётганларини ва сизлар ҳам йўлдан тойишингизни истаётганларини кўрмадингизми? 45. Оллоҳ эса душманларингизни жуда яхши Билгувчидир, Оллоҳнинг Ўзи етарли Дўст, Оллоҳнинг ўзи етарли Ёрдамчидир. 46. Яҳудий бўлганлар орасида шундайлари борки, улар** *(Таврот Китобида бўлган Муҳаммад алайҳис-салом ҳақидаги Оллоҳнинг)* **Сўзини ўз ўрнидан ўзгартирадилар ва тилларини буриб, динга жароҳат етказиш ғаразида: "Тингладик ва бош тортдик. Қулоқ сол, эшитмай қолгур!** *(роино)* **Бизга боқ!", дейдилар. Агар улар "Тингладик ва бўйинсундик. Бизни ҳам тинглаб,** *(унзурно)* **бизга ҳам назар қилиб тур!", деганларида ўзлари учун яхшироқ ва тўғрироқ бўлур эди. Лекин улар куфрлари сабабли Оллоҳнинг лаънатига дучор бўлганлар. Бас, уларнинг камдан-камлари иймон келтирадилар.**

И з о ҳ: Бу оятдаги "роино" ва "унзурно" сўзларининг маъно ва шарҳлари Бақара сурасининг 104-оятида мазкурдир.

47. Эй Китоб берилган кимсалар, Биз юзларни бузиб тескарисига айлантириб юборишимиздан илгари ёки уларни *(яъни, сизларни эй яҳудийлар),* **"Шанба эгаларини" лаънатлаганимиздек лаънатлашимиздан** *(яъни, маймун ва тўнғизларга айлантириб қўйишимиздан)* **илгари сизлардаги нарса** *(Таврот)***ни тасдиқлаган ҳолда нозил қилган Китобимиз** *(Қуръон)***га иймон келтирингиз. Оллоҳнинг амр-фармони шубҳасиз, адо қилингусидир. 48. Албатта Оллоҳ Ўзига** *(бирон нарсанинг)* **шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган кишилар учун кечирур. Ким Оллоҳга** *(бирор кимса ёки нарсани)* **шерик келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди. 49.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **ўзларини пок қилиб кўрсатаётган кимсаларни кўрмадингизми? Йўқ, фақат Оллоҳ Ўзи хоҳлаган зотларни поклагувсидир. Ва уларга қилчалик зулм қилинмас. 50. Уларнинг** *("Биз Оллоҳнинг суюкли болаларимиз", деб)* **Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиётганларини кўринг. Мана шунинг ўзи етарли очиқ гуноҳдир. 51. Китобдан насибадор бўлган кимсаларнинг бут ва санамларга ишониб - сиғинаётганларини ҳамда кофир кимсалар ҳақида: "Ўшалар иймон эгалари бўлган** *(мусулмон)***лардан кўра тўғрироқ йўлдалар", деяётганларини кўрмадингизми? 52. Улар Оллоҳ лаънатлаган кимсалардир. Кимники Оллоҳ лаънатлар экан, бас, ҳеч қачон унинг учун бирон**

ёрдамчини топа олмайсиз. 53. Ёки уларнинг мол-мулклари борми? Шундай бўлган тақдирда ҳам улар одамларга зигирчалик мурувват қилмаган бўлур эдилар! 54. Ёки улар одамларга *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломга)* Оллоҳ ўз фазлу карамидан берган нарсага *(яъни, пайғамбарликка)* ҳасад қиляптиларми? Ахир Биз илгари ҳам Иброҳим сулоласига *(яъни, Мусо, Довуд, Сулаймон каби зотларга)* Китоб ва ҳикмат *(пайғамбарлик)* бериб, уларни улуғ мулку давлатга эга қилган эдик-ку?! 55. Бас, уларнинг ичида унга *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломга)* иймон келтирганлар ҳам бор, ундан юз ўгирганлар ҳам бор. *(Уларга)* жаҳаннам ўти бас келур. 56. Бизнинг оятларимизни инкор қилган кимсаларни албатта дўзахга киритажакмиз. Қачонки терилари куйиб битиши билан ҳақиқий азобни тотиб кўришлари учун ўрнига бошқа териларни алмаштирамиз. Албатта Оллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 57. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни эса улар абадий яшайдиган, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга дохил қилажакмиз. Улар учун у жойларда пок жуфтлар бордир. Уларни қуюқ соялик жойларга киритурмиз. 58. Албатта Оллоҳ сизларни омонатларни ўз эгаларига топширишга ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради. Албатта Оллоҳ сизларга энг яхши панд-насиҳатлар қилур. Албатта Оллоҳ Эшитгувчи, Кўргувчи бўлган Зотдир. 59. Эй мўминлар, Оллоҳга итоат қилингиз ва Пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган *(мусулмон)* ҳокимларга бўйинсунингиз! Борди-ю бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз,- агар ҳақиқатан, Оллоҳга ва Охират Кунига ишонсангиз - у нарсани Оллоҳга ва Пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир. 60. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сизга нозил қилинган Нарсага *(Қуръонга)* ва Сиздан илгари нозил қилинган Нарсаларга иймон келтирганмиз, деб даъво қиладиган *(айрим)* кимсаларнинг *(Қуръонни қўйиб)* шайтонга ҳукм сўраб боришни истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. *(Чунки)* шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришни истайди. 61. Қачон уларга: "Оллоҳ нозил қилган Нарсага *(Қуръонга)* ва Пайғамбар *(ўгитлари)*га келинглар", дейилса, у мунофиқларнинг Сиздан қаттиқ юз ўгирганларини кўрасиз. 62. Энди ўзларининг қилмишлари сабабли уларга бирон мусибат етса, шундан кейин Сизнинг ҳузурингизга келишиб: "Биз фақат яхшиликни ва орани ўнглашни истаган эдик, холос", деб қасам ичишлари қандоқ бўлди?! 63. Ундай кимсаларнинг

дилларидаги нарсани Оллоҳ яхши билур. Бас, Сиз уларнинг *(кирдикорларига)* боқманг ва уларга панд-насиҳат қилиб, ўзлари ҳақида етук сўзларни айтинг! 64. Биз қай бир пайғамбарни юборган бўлсак, фақат Оллоҳнинг изни-иродаси билан унга итоат қилинсин, деб юборганмиз. Агар улар *(шайтондан ҳукм сўраб боришлари билан)* жонларига жабр қилган пайтларида дарҳол сизнинг олдингизга келиб, Оллоҳдан мағфират сўраганларида ва Пайғамбар ҳам улар учун мағфират сўраганида эди, Оллоҳнинг тавбаларни Қабул қилгувчи, Меҳрибон эканлигини топган бўлур эдилар. 65. Йўқ, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда Сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин Сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай тангликтопмай, тўла таслим бўлмагунларича - бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар. 66. Агар Биз уларга *(бани Исроилга буюрганимиз каби)*: "Бир-бирингизни ўлдиринг ва ўз диёрларингиздан чиқинг", деб буюрганимизда эди, улардан жуда оз қисми бу *(буйруқни)* бажарган бўлур эди. Агар улар ўзларига қилинган панд-насиҳатларга амал қилганларида, ўзлари учун яхшироқ ва *(иймонларини)* мустаҳкам қилгувчироқ иш бўлур эди. 67. Ва у ҳолда Биз ҳам уларга Ўз ҳузуримиздан улуғ мукофот ато қилган бўлардик. 68. Ҳамда уларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилган бўлардик. 69. Кимда-ким Оллоҳ ва Пайғамбарга итоат этса, ана ўшалар Оллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар - пайғамбарлар, сиддиқлар *(ҳақ-рост иймон эгалари)*, шаҳидлар ва солиҳлар *(фақат яхши амаллар билан ўтган кишилар)* билан бирга бўлурлар. Ана ўшалар энг яхши ҳамроҳлардир. 70. Бу Оллоҳ томонидан бўлган фазлу-марҳаматдир. Оллоҳнинг Ўзи етарли Билгувчидир. 71. Эй мўминлар, эҳтиёткорлик *(йўлини)* тутинглар - *(жангга)* гуруҳларга бўлиниб ёки ҳаммангиз тўпланиб чиқинглар. 72. Шубҳасиз, ораларингизда *(жангга чиқишдан)* кетда қоладиган, агар сизларга бирон мусибат етса, "Менга Оллоҳнинг инъоми бўлди - улар билан бирга *(жангга)* ҳозир бўлмадим, *(акс ҳолда ҳалок бўлур эдим)*", дейдиган кимсалар ҳам бор. 73. Борди-ю сизларга Оллоҳдан фазлу марҳамат етса *(яъни, ғалабага эришсангиз)*, у гўё *(илгари)* сизлар билан ўзининг орасида ҳеч қандай таниšлик бўлмагандек "Кошкийди, мен ҳам ўшалар билан бирга бўлиб, улуғ зафар *(ва ўлжалар)*га эришсам эди", дейиши аниқдир. 74. Оллоҳ Йўлида бу ҳаёти дунё эвазига Охиратни сотиб оладиган зотлар жанг қилсинлар. Ким Оллоҳ Йўлида жанг қилиб ўлдирилса

ёки ғалаба қилса, Биз унга улуғ мукофот ато этажакмиз. 75. *(Эй мўминлар),* сизларга нима бўлдики, Оллоҳ Йўлида ва "Парвардигоро, бизни эгалари золим бўлган бу шаҳардан озод қил ва бизга Ўз ҳузурингдан бир дўст бергин, бизга Ўз ҳузурингдан бир ёрдамчи қилгин", деяётган эркаклар, аёллар ҳамда болалардан иборат бўлган бечоралар*(ни озод қилиш)* йўлида жанг қилмаяпсизлар?! 76. Мўминлар Оллоҳ Йўлида жанг қиладилар, кофир кимсалар эса шайтон йўлида жанг қиладилар. Бас, *(эй мўминлар)* шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилингиз! Шубҳасиз, шайтоннинг макри заиф бўлгувчидир.

Изоҳ: Ушбу оятларда Исломий ғазот ҳақида сўз юритилди. Исломий ғазот мустамлакачилик ёки мол-дунё тўплаш учун, яъни, шайтон йўлида эмас, балки Оллоҳ Йўлида, куфр-зулм истибдоди остида эзилаётган бечораларни (улар қайси динга мансуб бўлишларидан қатъий назар) ўша зулм чангалидан озод қилиш учун бўлиши лозим экан.

77. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* мана бу кимсаларни кўрмадингизмики, уларга *(илгари Маккада турган пайтларида кофирларга қарши жанг қилишга талабгор бўлганларида):* "Ўзингизни босинг ва намозингизни ўқиб, закотингизни адо этиб туринглар!", дейилган эди. Энди қачонки уларга жанг фарз қилинганида эса баногоҳ улардан бир тўпи одамлардан Оллоҳдан қўрққандек, балки ундан-да қаттиқроқ қўрқмоқдалар. Ва *(ҳатто):* "Парвардигор, нега бизга жангни фарз қилдинг? Бизларга бу ажални бир оз кейинроқ юборганингда эди", дедилар. Уларга айтинг: "Дунё матоси озгинадир. Оллоҳдан қўрққан кишига Охират яхшироқдир. Сизларга хурмо данагининг пўстича ҳам зулм қилинмас". 78. Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топиб олур. Агар уларга *(мунофиқларга)* бирон яхшилик етса, "Бу Оллоҳнинг ҳузуридан", дейдилар. Агар уларга бирон ёмонлик етиб қолса, "Бунга сен сабабсан", дейдилар. Айтинг: "Ҳамма нарса Оллоҳдандир". Нега бу қавм кишилари ҳеч гап англамайдилар-а?! 79. *(Эй инсон),* сенга етган ҳар қандай яхшилик фақат Оллоҳдандир. Сенга етган ҳар қандай ёмонлик эса ўзингдандир. *(Яъни, ўзингнинг қилмишинг сабабли Оллоҳ сени ўша балога гирифтор қилган)* *(Эй Муҳаммадалайҳис-салом),* Сизни Биз барча одамларга Пайғамбар қилиб юбордик. Бунга Оллоҳнинг ўзи етарли гувоҳдир. 80. Кимки Пайғамбарга итоат этса, демак, Оллоҳга итоат этибди. Кимки юз ўгирса, *(бунинг Сизга зарари йўқдир эй Муҳаммад алайҳис-салом*

Зеро), Биз Сизни уларнинг устига қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ. 81. Улар "Итоат этамиз", дейдилару ҳузурингиздан чиққанларидан кейин эса улардан бир тоифаси Сиз айтган гапларнинг аксига хуфёна тил бириктирадилар. Оллоҳ эса уларнинг хуфёна келишувларини ёзиб қўюр. Бас, Сиз улардан юз ўгириб, Оллоҳга таваккул қилинг. Оллоҳнинг Ўзи етарли Вакилдир. 82. Ахир улар Қуръон ҳақида фикр юритмайдиларми?! Агар у Оллоҳдан бошқа биров томонидан бўлса эди, унда кўп қарама-қаршиликларни топган бўлар эдилар-ку?! 83. Қачон уларга *(жангга кетган мусулмон аскарлар ҳақида)* тинчлик ёки хавф-хатар *(яъни, ғалаба ёки мағлубият)* хабари келса, уни ёйиб юборадилар. Агар *(улар ўзларига келган хабарни ҳар кимга ёйиб юрмасдан)* Пайғамбарга ва ўзларидан бўлган бошлиқларгагина етказганларида эди, уни *(яъни, мана шу хабарнинг ҳақиқатини)* билмоқчи бўлган кишилар ўшалардан билган бўлар эдилар. Агар сизларга Оллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаса эди, *(яъни, Оллоҳ Ўз марҳамати билан сизларни иймонда устивор қилмаса эди)* айрим кишилардан ташқари ҳаммангиз шайтонга эргашиб кетар эдингиз. 84. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Оллоҳ Йўлида жанг қилинг. Зотан, Сиз фақат ўзингиз учун жавобгарсиз. *(Демак, ёлғиз қолсангиз ҳам жанг қилинг)* ва мўминларни ҳам тарғиб қилинг! Шояд Оллоҳ кофир бўлган кимсаларнинг шиддатини даф қилса, Оллоҳ қуввати ортиқ, азоби қаттиқ Зотдир. 85. Ким *(одамлар орасида)* чиройли - ҳақ тараф олиш билан тараф олса, ўзига ҳам унинг савобидан бир улуш тегур. Ким ноҳақ тараф олиш билан тараф олса, ўзи учун унинг гуноҳидан бир улуш тегур. Оллоҳ ҳамма нарсага Қодир бўлган Зотдир.

И з о ҳ: Яъни, бир киши гарчанд ўзи яхшилик қила олмаса-да яхшилик қилгувчилар тарафида турса унга ўшаларнинг яхшилигидан ҳосил бўладиган савобдан бир улуш тегади. Ёмонлик-гуноҳ тарафида турган кимсага эса гарчи ўзи ўша гуноҳни қилмаса-да, унинг ёмонлигидан бир ҳисса тегади.

86. Қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки *(ҳеч бўлмаса)* ўша иборани қайтаринглар. Албатта Оллоҳ ҳамма нарсани Ҳисобга олгувчи бўлган Зотдир. 87. Оллоҳ - ҳеч қандай тангри йўқ, Ёлғиз Унинг Ўзи бордир. У сизларни ҳеч шак-шубҳасиз, бўлган Қиёмат Кунида тўплайди. Оллоҳдан кўра ростгўйроқ ким бор?! 88. *(Эй мўминлар),* нега сизлар мунофиқлар тўғрисида икки гуруҳга *(бўлиниб олдингиз?)* Ахир, Оллоҳ уларни ўз қилмишлари сабабли

(куфр ва нифоққа) қайтарди-ку!! Ёки сизлар Оллоҳ адаштирган кимсаларни Тўғри Йўлга солмоқчимисизлар? Кимники Оллоҳ адаштириб қўйган бўлса, унинг учун бирон йўлни топа олмайсиз!

Изоҳ: Ушбу оят саҳобалар билан бирга Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб, сўнгра Пайғамбар алайҳис-саломга турли узр-баҳоналар кўрсатиб, яна орқаларига - Маккага қайтиб кетган бир қавм ҳақида нозил бўлган. Мўминларнинг айримлари уларни мунофиқ дейишса, айримлари уларнинг ёнини оладилар. Шунда Оллоҳ таоло уларни ҳақиқий мунофиқ эканликларини мўминларга ушбу оят орқали маълум қилади.

89. Улар ўзлари кофир бўлганлари каби сизлар ҳам кофир бўлиб, *(улар билан)* баробар бўлиб қолишларингизни истайдилар. Бас, сизлар то Оллоҳ Йўлида ҳижрат қилмагунларича улардан *(бирортасини)* дўст тутманглар! Агар юз ўгирсалар, уларни топган жойингизда тутиб ўлдирингиз ва улардан на бир дўст ва на бир ёрдамчи олмангиз! 90. Аммо *(у мунофиқлардан)* ораларингизда аҳду паймон бўлган қавмга келиб қўшилган ёки сизлар билан урушиш ҳам, ўзларининг қавми билан урушиш ҳам жонига тегиб олдингизга келган кимсаларга *(тегмангиз!)* Агар Оллоҳ истаса эди, уларни сизлардан устун қилиб қўйган бўлар эди ва улар сизларга қарши жанг қилар эдилар. Бас, агар улар сизлардан четланиб, сизларга қарши жанг қилмай сулҳ тузишни таклиф қилиб келсалар, Оллоҳ сизлар учун уларнинг устига ҳеч қандай йўл бермайди. 91. *(У мунофиқлардан)* бошқа бир тоифасининг эса сизлардан ҳам, ўз қавмларидан ҳам тинч-хотиржам бўлишни кўзлаётганларини кўрасизлар.

Изоҳ: Яъни, улар Мадинага келганларида ўзларини мўмин қилиб кўрсатадилар, ўз қавмларига қайтгач эса яна кофирликка қайтиб, сизлар билан қилган аҳд-паймонларини бузадилар.

Ҳар қачон фитнага *(яъни, куфрга)* қайтишга тўғри келса, улар ўзларини унга ташлайдилар. Бас, агар улар сизлардан четланмас, сизларга сулҳ таклиф қилмас ва қўлларини тиймас эканлар, уларни топган жойингизда тутиб ўлдирингиз. Мана, Биз бундай кимсаларга қарши *(ҳужум қилишингиз учун)* сизларга очиқ ҳужжат бериб қўйдик. 92. Мўмин мўминни фақат билмаган ҳолдагина ўлдириб қўйиши мумкин. Ким бир мўминни билмай ўлдириб қўйса, у бир мўмин қулни озод қилиши ва марҳумнинг эгаларига - агар кечиб юбормасалар - хун тўлаши вожибдир. Агар марҳум ўзи мўмин бўлиб, сизларга душман қавмдан бўлса, фақат бир мўмин қулни озод қилиши вожиб. Агар у сизлар билан сулҳ

тузган қавмдан бўлса, унинг эгаларига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш лозим. Бас, ким *(озод қилиш учун бир қул)* топишга қодир бўлмаса, Оллоҳга тавба қилиб муттасил икки ой рўза тутмоғи лозим. Оллоҳ билим ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 93. Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Оллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Оллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир. 94. Эй мўминлар, қачон Оллоҳ Йўлида жиҳод учун сафарга чиқсангиз, *(душманларингизни)* аниқ таниб олинглар ва бу ҳаёти дунёнинг нарсасини истаб сизларга салом берган кишига: "Сен мўмин эмассан!", деманглар! Зеро, Оллоҳнинг ҳузурида беҳисоб ўлжалар бордир.

Изоҳ: Ривоят қилишларича, бир неча саҳоба ғазотдан қайтаётганларида олдиларидан қўй боқиб юрган бир киши чиқиб, уларга салом берибди. Шунда улар ўзларича. "Бу кофир биздан қутулиш учун ўзини мусулмон қилиб кўрсатиб салом беряпти", дейдилар ва ҳалиги одамга ҳужум қилиб ўлдириб, қўйларини ўлжа қилиб Пайғамбар алайҳис-саломнинг олдиларига ҳайдаб келадилар. Шунда ушбу оят нозил бўлди.

Илгари сизлар ҳам шундай эдингиз *(яъни, кофирлар қўл остида мусулмонлигингизни яшириб юришга мажбур эдингиз)*. Энди Оллоҳ сизларни *(Ислом давлатида яшаш неъмати билан)* мамнун қилди. Бас, *(душманларингизни)* аниқ таниб олинглар. Албатта Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардор бўлган Зотдир. 95-96. Мўминлардан ўзлари бешикаст бўлиб туриб *(жиҳодга чиқмай)* ўтириб олган кишилар билан Оллоҳ Йўлида мол ва жонлари ила курашган зотлар баробар бўлмайди. Оллоҳ молу жонлари билан курашган зотларни *(бирон узр сабабли жиҳодга чиқмай)* ўтириб олган кишилардан ҳам бир даража афзал қилди ва барчаларига гўзал оқибатни *(яъни, жаннатни)* ваъда қилди. Ҳамда Оллоҳ жиҳод қилгувчиларни ўтириб олувчилардан улуғ мукофот - Ўз томонидан бўлажак юксак даражалар, мағфират ва фазлу марҳамат билан афзал қилди. Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон бўлган Зотдир. 97. Албатта *(мусулмонлар билан бирга ҳижрат қилмасдан кофирлар қўл остида яшашга рози бўлиш билан)* ўз жонларига жабр қилган кимсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар уларга: "Қандай ҳолда яшадингиз?", деганларида: "Биз бу ерда чорасиз бечоралар эдик", дедилар. *(Шунда фаришталар)* "Ҳижрат қилсанглар Оллоҳнинг Ери кенг эди-ку?! *(Нега дину иймонларингиз Йўлида бу юртдан ҳижрат*

қилмадингилар?)" дейишди. Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдир. Қандай ёмон жойдир у! 98-99. Фақат бирон чора топишга қодир бўлмай, *(ҳижрат)* йўлини истаб топа олмай чорасиз қолган *(кекса ёки ногирон)* кишилар, аёллар ва болалар борки, бундайларни шояд Оллоҳ афв этса. Зотан, Оллоҳ Афв этгувчи, Мағфират қилгувчи бўлган Зотдир. 100. Ким Оллоҳ Йўлида ҳижрат қилса, Ер юзида кўп паноҳ бўлгудек жойларни ва кенгчиликни топгай. Ким уйидан Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари сари муҳожир бўлиб чиқиб, сўнг *(шу йўлда)* унга ўлим етса, муҳаққаққи, унинг ажри - мукофоти Оллоҳнинг зиммасига тушар. Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон бўлган Зотдир. 101. *(Эй мўминлар)*, сафар қилиб бошқа ерларга борганингизда агар кофирлар фитнасидан қўрқсангизлар, намозингизни қаср *(қисқа)* қилиб ўқишларингизнинг гуноҳи йўқдир. Чунки кофирлар сизларга очиқ душман бўлган кимсалардир.

Изоҳ: "Қаср" намоз деб тўрт ракаатли фарз намозларни икки ракаат қилиб қисқартириб ўқишни айтилади Қаср намоз ўқиш учун пиёда юрилса камида уч кеча-ю уч кундузда босиб ўтиш мумкин бўлган масофани ният қилиб сафарга чиққан бўлиш керак. Бу масофани уламолар 80-100 чақирим деб белгилаганлар.

102. *(Эй Муҳаммад алаиҳис-салом)*, қачон Сиз *(жанг майдонида)* мўминлар орасида бўлиб, уларга имом бўлган ҳолда намоз ўқимоқчи бўлсангиз, улардан бир тоифаси қуролланган ҳолларида Сиз билан намозга турсинлар. Бас, қачон сажда қилишгач, *(яъни, намозининг бир ракаатини ўқиб бўлишгач)*, орқаларингга бориб, *(сизларни қўриқлаб)* турсинлар ва ҳали намоз ўқимаган бошқа тоифа келиб Сиз билан бирга намоз ўқисинлар! Улар ҳам эҳтиёт чораларини кўриб, қуролланиб олсинлар. Кофирлар сизлар қурол-яроғ ва асбоб-анжомларингиздан ғафлатда бўлган пайтингизда устингизга бирданига ҳамла қилишни истайдилар. Агар ёғингарчиликдан азият чексангизлар ёки бемор бўлсангизлар, қуролларингизни ечиб қўйишингиз гуноҳ эмас. Аммо эҳтиёткорлик *(йўлини)* тутинглар. Албатта Оллоҳ кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйгандир. 103. Намозни адо қилиб бўлганингиздан кейин ҳам турган, ўтирган ва ёнбошлаган пайтларингизда доим Оллоҳни ёд этингиз! Бас, қачон *(бирон жойга муқим ўрнашиб)* хотиржам бўлгач, намозни тўкис адо этингиз! Албатта намоз мўминларга *(вақти)* тайинланган фарз бўлди 104. Бу *(кофир)* қавмни қувишда сусткашлик қилмангиз! Агар қийналаётган бўлсангизлар, улар

ҳам сизлар қийналганингиздек қийналмоқдалар. *(Шу билан бирга)* сизлар Оллоҳ томонидан улар умид қилмаган нарсани *(яъни, савобни, шаҳидлик неъматига муяссар бўлишни, қолаверса, ғалаба қозонишни)* умид қилмоқдасизлар-ку?! Оллоҳ билим ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 105. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* албатта Биз Сизга ушбу Ҳақ Китобни *(Қуръонни)* одамлар орасида Оллоҳ Сизга кўрсатган *(ҳукм)* билан ҳукм этишингиз учун нозил қилдик. Сиз хоинларни ҳимоя қилгувчи бўлманг! 106. Оллоҳдан мағфират қилишни сўранг! Албатта Оллоҳ Мағфират қилгувчи ва Меҳрибон бўлган Зотдир. 107. Сиз ўзларига хиёнат қиладиган *(жиноятkор)* кимсаларнинг ёнини олманг! Албатта Оллоҳ хоин ва жиноятчи бўлган кимсаларни севмайди.

И з о ҳ: Бу оят мадиналик Тўъма бинни Убайриқ шаънига нозил бўлган. У қўшнисининг совутини ўғирлаб, ўғрилиги ошкор бўлиш хавфи туғилганда у совутни бошқа бир одамнинг уйига олиб бориб беркитади. Шундан кейин Тўъманинг қабиладошлари Пайғамбар алайҳис-саломнинг олдиларига келишиб, уни оқлаб гапирадилар. Уларга ишониб Пайғамбар алайҳис-салом Тўъмани одамлар олдида ҳимоя қиладилар ва уни ўғри деганларга қарши гапирадилар.

108. Улар *(ўзларининг жиноятларини)* одамлардан яшира оладилар, аммо Оллоҳдан яшира олмайдилар. Улар *(Оллоҳ)* рози бўлмайдиган гапларнинг режасини хуфёна тузаётган пайтларида ҳам У Зот улар билан бирга бўлур. Оллоҳ уларнинг қилаётган амалларини Иҳота қилгувчи - Ўраб олгувчи бўлган Зотдир. 109. Ҳой сизлар, бу ҳаёти дунёда-ку, уларни ҳимоя қилиб ёнини олдингиз. Энди Қиёмат Кунида ким уларни Оллоҳдан ҳимоя қилиб ёнларини олур ёки ким уларнинг устида вакил бўлиб турар?! 110. Ким бирон бир ёмон иш қилса ёки *(Оллоҳнинг буйруқларига итоат этмасдан)* ўз жонига жабр қилса, сўнгра Оллоҳдан мағфират сўраса, Оллоҳни Мағфират қилгувчи ва Меҳрибон эканини топар - кўрар. 111. Кимки бирон гуноҳ қилса, фақат ўзига зарар қилган бўлади. Оллоҳ билим ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 112. Кимки бирон хато ёки гуноҳни қилиб қўйиб, сўнг уни бир пок одамга *(туҳмат қилиб)* отса, муҳаққаққи, у бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз зиммасига олибди. 113. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* агар Сизга Оллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаганда эди, улардан бир тоифаси Сизни йўлдан оздиришга уриниб қолган эди. Лекин улар фақат ўзларини адаштирадилар, холос. Сизга эса бирон зиён етказа олмайдилар. *(Зеро)* Оллоҳ Сизга Китоб ва ҳикматни нозил

қилди ва билмаган нарсаларингизни билдирди. Оллоҳнинг Сизга қилган фазлу марҳамати улуғ бўлди. 114. Уларнинг кўп махфий суҳбатларидан - агар садақа беришга ё бирон яхшилик қилишга ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлмасалар - ҳеч қандай фойда йўқдир. Ким Оллоҳ ризосини истаб бу ишларни қилса, унга улуғ мукофот беражакмиз. 115. Ким ўзи учун Ҳақ Йўл аниқ бўлганидан кейин Пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлларидан бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга дохил қиламиз. Нақадар ёмон жойдир у! 116. Албатта Оллоҳ ўзига *(бирон нарса ё кимсанинг)* шерик қилинишини кечирмайди. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечиради. Кимки Оллоҳга ширк келтирса, демак, жуда қаттиқ йўлдан озибди. 117. Улар *(яъни, Оллоҳга ширк келтирган кимсалар)* Оллоҳни қўйиб, фақат *(Лот, Уззо, Манот каби)* санамларга сиғинадилар ва фақат итоатсиз шайтонга сиғинадилар. 118. Оллоҳ уни *(шайтонни)* лаънатлади. *(Шунда)* у деди: "Қасамки, бандаларнинг орасидан ўзимга тегишли насибани албатта оламан. 119. Ва уларни йўлдан оздираман, хомхаёлларга мубтало қиламан, буюрсам улар чорваларининг қулоқларини кесадилар, буюрсам Оллоҳ яратган нарсаларни ўзгартириб-бузадилар". Кимки Оллоҳни қўйиб, шайтонни дўст тутса, бас, у очиқдан-очиқ зиён қилибди.

Изоҳ: Исломдан илгари араблар туяларининг бешинчи боласи эркак туғилса, қулоғини кесиб ёки тешиб, ўзлари сиғинадиган бутларига қурбонлик қилиб бўш қўйиб юборар эканлар. "Оллоҳнинг яратган нарсаларини ўзгартириш"ларидан мурод - қулларни бичиш, аёлларнинг зийнат учун қош тиришлари, соч улашлари каби нарсаларни ўз аслий ҳолатидан сохта-сунъий ҳолатга ўзгартириш назарда тутилади. Қуръон бундай ярамас ишлар шайтонга бўйсуниш, деб уқтиради.

120. *(Шайтон)* уларга ваъдалар берур, хомхаёлларга мубтало қилур. Охир-оқибатда шайтон берган ваъдалар фақат ёлғон-сароб бўлиб чиқар. 121. Ундай кимсаларнинг жойлари жаҳаннам бўлиб, ундан қочиб қутуладиган бирон жой топа олмаслар. 122. Иймон келтириб, яхши амалларни қилган зотларни эса остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритажакмиз - улар у ерда абадий яшарлар. Бу Оллоҳнинг ҳақ ваъдасидир. Оллоҳдан кўра ростгўйроқ ким бор?! 123. *(Эй мусулмонлар, биз Оллоҳнинг энг улуғ Дини - Исломга кирдик, энди нима қилсак бўлаверади, деб ўйлаб юрган бўлсангизлар, у ҳолда)*

сизларнинг хомхаёлларингиз ҳам, *("Биз Оллоҳнинг суюкли болаларимиз, шунинг учун нима қилсак ҳаққимиз бор", деб хомтама бўлаётган)* аҳли Китобнинг хомхаёллари ҳам *(ҳақ)* эмас - кимки ёмон амал қилса, жазосини олур ва ўзи учун Оллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир мададкор топмас. 124. Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин - кимда-ким мўмин бўлган ҳолида яхши амаллардан қилса, ана ўша кишилар жаннатга кирурлар ва уларга қилчалик зулм қилинмас. 125. Чиройли амал қилгувчи бўлган ҳолида ўзини Оллоҳга топширган ва Ҳақ Йўлдан оғмаган Иброҳимнинг Динига эргашган кишининг *(яъни, чин мусулмоннинг)* Динидан ҳам гўзалроқ дин борми?! *(Ахир)* Иброҳимни Оллоҳ Ўзига дўст тутган. 126. Осмонлардаги бор нарса ва Ердаги бор нарса Оллоҳникидир. Оллоҳ ҳамма нарсани Иҳота қилгувчи - Ўраб олгувчи бўлган Зотдир. 127. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиздан аёллар ҳақида фатво сўрайдилар. Айтинг: "Улар тўғрисида сизларга Оллоҳ ва Китобда *(Қуръонда)* тиловат қилинаётган оятлар фатво берур: *(Қарамоғингиздаги)* етим аёлларни *(агар гўзал бўлсалар)* улар учун фарз қилинган маҳрларини бермасдан *(никоҳингизга олишингизни)* ва *(агар хунук бўлсалар)* ўзларингизнинг никоҳингизга олишдан ҳам юз ўгириб *(улардан қоладиган меросга тама қилиб то ўлгунларича бошқа бировга ҳам турмушга чиқармай сақлашларингизни сизларга ҳаром қилади)*. Яна ночор - норасида болалар ҳақида *(фатво бериб)*, бундай етимлар хусусида адолат билан туришингизни амр қилур. Сизлар нима яхшилик қилсангиз, албатта Оллоҳ уни Билиб тургувчи бўлган Зотдир. 128. Агар бирон аёл эри томонидан кўнгилсизлик ёки юз ўгириб кетиш содир бўлишидан қўрқса, у ҳолда иккови ўзаро бир сулҳга келишиб олишса, *(яъни, аёл эрининг ҳоли ва хоҳишига қараб ўзи учун эрга малол келадиган даражада нафақа ва эътибор талаб қилмаса, шу билан баробар эр ҳам хотинини ташламасликка, унга зулм қилмасликка рози бўлса)*, зарарсиздир. Сулҳ *(ажралиб кетишдан)* яхшироқдир. Нафслар қизғанишга ҳозиру нозир бўлиб турадилар. Агар *(аёлларингизга)* чиройли муомала қилсангизлар ва Оллоҳдан қўрқсангизлар *(ўзингизга яхшидир)* Зеро, Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардор бўлган Зотдир. 129. Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга *(уларнинг барчаларига баробар меҳр кўрсатишга)* қодир бўлмайсизлар. Бас, бутунлай *(суйган хотинларингиз томонга)* оғиб кетиб *(кўнгилсиз бўлиб қолган)* хотинингизни муаллақа каби ташлаб қўйманг!

Изоҳ: Муаллақа аёл - эри бирон-бир сабаб билан бедарак кетган аёлдир. У эрим бор, деса - эри йўқ, беваман, дейин, деса - эри талоқ бермай кетган.

Агар *(ўзларингизни)* **ўнглаб Оллоҳдан қўрқсангизлар, албатта Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон бўлган Зотдир. 130. Агар эр-хотин ажралиб кетсалар, Оллоҳ иккаласини ҳам Ўзининг кенг карами билан беҳожат қилиб қўйгай.** *(Яъни, ҳар иккисига ҳам аввалги турмушидан яхшироқ эр ёки хотин насиб этиши мумкин).* **Оллоҳ фазлу карами кенг ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 131. Осмонлардаги бор нарса ва Ердаги бор нарса Оллоҳникидир.** *(Эй мўминлар),* **аниқки, Биз сизлардан илгари Китоб берилган зотларга ҳам, сизларга ҳам Оллоҳдан қўрқинглар, деб амр қилдик. Агар кофир бўлиб кетсангизлар** *(Оллоҳга ҳеч бир зарар етказа олмайсизлар).* **Зеро, Осмонлардаги бор нарса ва Ердаги бор нарса Оллоҳникидир. Ва Оллоҳ Беҳожат ва Мақтовга Сазовор бўлган Зотдир. 132. Осмонлардаги бор нарса ва Ердаги бор нарса Оллоҳникидир. Оллоҳнинг Ўзи етарли Вакилдир.** *(Яъни, ер ва осмонлардаги барча ишларни Кузатиб, Сақлаб турғувчи Зотдир).* **133. Агар У Зот хоҳласа, эй одамлар, сизларни кетказиб, бошқаларни келтирур. Оллоҳ бунга Қодир бўлган Зотдир. 134. Ким бу дунёнинг савобини** *(яъни, дунёдаги мол-давлат ва баланд мартабаларни)* **истаса, билсинки, Оллоҳнинг ҳузурида ҳам бу дунёнинг, ҳам Охиратнинг савоби бордир.** *(Демак, у агар ҳақиқий доно одам бўлса Оллоҳнинг ризолигини истасин).* **Оллоҳ Эшитгувчи, Кўргувчи бўлган Зотдир. 135. Эй мўминлар, адолат билан тургувчи,** *(шунингдек)* **ўзларингизнинг ёки ота-она ва қариндош-уруғларнинг зарарига бўлса-да, Оллоҳ учун** *(тўғри)* **гувоҳлик бергувчи бўлинглар! У** *(яъни, гувоҳлик берилувчи)* **бой бўладими, камбағал бўладими, ҳар иккисига ҳам Оллоҳнинг Ўзи** *(сизлардан кўра)* **яқинроқдир. Бас, адолат қилмасдан нафси-ҳавога эргашиб кетманглар. Агар тилларингизни буриб** *(нотўғри гувоҳлик берсанглар)* **ёки** *(гувоҳлик беришдан)* **бош тортсанглар, албатта Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардор бўлган Зотдир. 136. Эй мўминлар, Оллоҳга, Унинг Пайғамбарига ва Ўз Пайғамбарига нозил қилган Китобга** *(Қуръонга)* **ҳамда У Зот илгари нозил қилган** *(барча)* **Китобга иймонингиз комил бўлсин. Кимки Оллоҳга, фаришталарга, Китобларига, пайғамбарларига ва Охират Кунига кофир бўлса, демак, у жуда қаттиқ адашибди. 137. Албатта иймон келтириб, сўнг куфрга қайтган, кейин яна**

иймонга келиб, сўнгра яна кофир бўлган, кейин эса куфрлари янада зиёда бўлган кимсаларни Оллоҳ ҳаргиз мағфират қилмайди ва уларни зинҳор Ҳақ Йўлга ҳидоят қилмайди. 138. Бундай мунофиқларга улар учун аламли азоб борлигидан "хушхабар" бериб қўйинг! 139. Улар мўминларни қўйиб кофирларни дўст тутадилар. Улар ўша кофирлар олдидан куч-қудрат излайдиларми?! *(Овора бўладилар!)* Зеро, бор куч-қудрат Оллоҳникидир. 140. Ахир *(Оллоҳ)* сизларга Китобда: "Қачонки Оллоҳнинг оятлари инкор қилинаётганини ва масхара қилинаётганини эшитсангизлар, то бошқа гапга ўтмагунларича ундай кимсалар билан бирга ўтирманглар", деган сўзларни нозил қилган эди-ку?! *(Модомики, улар билан ўтирган эkансизлар)*, демак, сизлар ҳам шак-шубҳасиз, уларнинг ўзисиз. Албатта Оллоҳ барча мунофиқ ва кофирларни жаҳаннамга жамлагувчидир. 141. Улар *(яъни, мунофиқлар)* сизларга кўз тикиб турадилар. Агар сизларга Оллоҳ томонидан фатҳу зафар бўлса, *(ғазотдан ғалаба ва ўлжалар билан қайтсангизлар)*: "Биз ҳам сизлар билан бирга эмасмидик", дейдилар. Агар *(ғалаба)* кофирларга насиб бўлса: "Биз сизларнинг устингизда туриб сизларни мўминлардан ҳимоя қилган эмасмидик?", дейишади. Энди Қиёмат Кунида Оллоҳ ўрталарингизда ҳакамлик қилур. Ва Оллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай. 142. Албатта мунофиқлар Оллоҳни алдамоқчи бўладилар.- Ҳолбуки, Оллоҳ уларни "алдаб" қўйгувчидир. Ва улар қачон намозга турсалар дангасалик билан, одамлар кўрсин, деб турадилар ва Оллоҳни камдан-кам ёдга оладилар. 143. Улар на уёқлик, на буёқлик бўлмай икки орада саргон ҳолда қолганлар. Кимники Оллоҳ йўлдан оздирса, Сиз унга бирон йўл топиб бера олмайсиз. 144. Эй мўминлар, мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутманглар! Оллоҳ учун ўз зарарларингизга очиқ ҳужжат қилиб беришни истайсизларми? 145. Албатта мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар. Ва улар учун бирон мададкор топа олмайсиз! 146. Магар тавба қилиб ўзларини ўнглаган ва Оллоҳга боғланиб, динларини Оллоҳ учун холис қилган зотлар - ана ўшаларгина мўминлар билан бирга бўлурлар. Яқинда *(Қиёмат Кунида)* Оллоҳ мўминларга улуғ ажр ато этажак! 147. Агар шукр қилсангизлар ва иймонли бўлсангизлар, Оллоҳ сизларни нега азобласин?! Ахир Оллоҳ *(бандаларининг тоат-ибодатларига савоб ато этиш билан)* Шукр қилгувчи ва Билгувчи бўлган Зот-ку?!

ОЛТИНЧИ ЖУЗЪ

148. Оллоҳ ёмон сўзларнинг *(яъни, дуоибаднинг)* ошкора айтилишини суймайди. Магар мазлум томонидан бўлса *(золимнинг зулмини ошкор қилиш учун айтилса жоиздир)*. Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчи бўлган Зотдир. 149. *(Эй мўминлар)*, хоҳ ошкора, хоҳ яширинча бирон яхшилик қилсангиз ёки бирон ёмонликни афв қилиб юборсангиз *(Оллоҳ суйган бандалардан бўлурсиз)*. Зеро, Оллоҳ қудрат Эгаси бўлгани ҳолда Афв қилгувчи бўлган Зотдир. 150-151. Албатта Оллоҳ ва Унинг пайғамбарларига ишонмайдиган, Оллоҳ билан пайғамбарларининг ораларини ажратишни истайдиган *(яъни, Оллоҳга ишониб, пайғамбарларини инкор қиладиган)* ва *("Мусога ишонамиз, Ийсо ва Муҳаммадга ишонмаймиз", дейдиган яҳудийлар каби, ёки "Мусо ва Ийсога ишонамиз, аммо Муҳаммадга ишонмаймиз", дейдиган насронийлар каби)* "Айрим пайғамбарларга ишонамиз, айримларига ишонмаймиз", дейдиган ҳамда *(иймон билан куфр ўртасидаги)* ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар - ана ўшалар ҳақиқий кофирдирлар. Бундай кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз. 152. Оллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирган ҳамда улардан биронтасини ажратиб қўймаган зотларга эса яқинда *(Оллоҳ муносиб)* мукофотларини ато этажак. Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон бўлган Зотдир. 153. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, аҳли Китоб Сиздан кўкдан бир Китоб туширишингизни сўрайди. Мусодан бундан ҳам каттароқ нарсани сўраган эдилар: "Бизга Оллоҳни очиқ кўрсат!", дейишган эди. Шунда золимликлари сабабли уларни чақмоқ урган эди. Сўнгра уларга аниқ-равшан ҳужжатлар келганидан кейин эса бузоқни худо қилиб олишди. Буни ҳам афв этдик ва Мусога очиқ ҳужжат ато этдик. 154. Аҳдларини *(бузганлари)* сабабли устларига Тур тоғини кўтардик ва уларга: "Бу дарвозадан сажда қилган ҳолингизда киринггиз!", дедик. Яна уларга: "Шанба кунлари *(балиқ овлаш билан)* ҳаддингиздан ошманг", дедик ҳамда улардан қаттиқ аҳд-паймон олдик. 155. Сўнг аҳду паймонларини бузганликлари, Оллоҳнинг оятларини инкор қилганликлари, пайғамбарларни ноҳақ ўлдирганликлари ва: "Дилларимиз қулф", деганликлари сабабли *(Биз уларни лаънатладик)* Йўқ, *(уларнинг диллари шунчаки қулфланган эмас)*, балки куфрлари сабабли Оллоҳ уларнинг

диларини муҳрлаб қўйгандир. Бас, камдан-камлари иймон келтирадилар. 156-157. Яна кофирликлари ва Марям хусусида улуғ бўҳтон қилганликлари сабабли ҳамда Оллоҳнинг пайғамбари бўлган ал-Масиҳ Ийсо бинни Марямни "Бизлар ўлдирганмиз", деган сўзлари сабабли *(Биз уларни лаънатладик)*. Ҳолбуки, улар *(Ийсони)* ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат улар учун *(бошқа биров Ийсога)* ўхшатиб қўйилди, холос. Албатта *(Ийсо)* ҳақида талашиб-тортишган кимсалар унинг *(ўлдирилган-ўлдирилмагани)* ҳақида шубҳада қолганлар. У ҳақда ҳеч қандай билимлари йўқ, фақат гумонларга бериладилар, холос. Уни ўлдирмаганлари аниқдир. 158. Балки уни Оллоҳ Ўз ҳузурига кўтаргандир. Оллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 159. Ҳар бир аҳли Китоб *(охир замонда, Ийсо алайҳис-салом кўкдан ерга қайтиб тушганларида)* ўлими олдидан унга *(яъни, Ийсога)* албатта иймон келтирур. Қиёмат Кунида эса *(яҳудийлар уни ёлгончи қилганлари учун, насронийлар эса уни Худонинг ўғли, деб адашганлари учун)* у буларнинг зарарига гувоҳ бўлур. 160-161. Яҳудий бўлган кимсаларнинг золимликлари ва кўп кишиларни Оллоҳ Йўлидан тўсганлари сабабли, яна манъ этилган бўлсаларда, судхўрлик қилганлари ва одамларнинг молларини ноҳақ еганлари сабабли Биз уларга олдин ҳалол қилинган нарсаларни ҳаром қилиб қўйдик. Ва уларнинг орасидаги кофир бўлган кимсалар учун аламли азобни тайёрлаб қўйдик.

Изоҳ: Яҳудийлар учун илгари Исроил, яъни, Яъқуб пайғамбар ўзига ҳаром қилиб олган туя гўшти ва сутидан бошқа ҳамма таомлар ҳалол эди. Кейин ўз пайғамбарларига итоат қилмай зулмтажовузкорлик йўлларига ўтишгач, улар учун Тавротда кўп нарсалар, жумладан, қўй-молларнинг ёғлари ҳам ҳаром қилинди. Бу ҳақда бошқа сураларадаги оятларда яна тафсилотлар келади.

162. Лекин уларнинг орасидан илмда мустаҳкам бўлган зотлар ҳамда Сизга нозил қилинган Нарсага ва Сиздан илгари нозил қилинган Нарсаларга иймон келтирадиган мўминлар, хусусан намозни барпо қилувчилар, закотни адо қилгувчилар ва Оллоҳ ва Охират Кунига иймон келтирувчилар ана ўшаларга улуғ мукофот ато этажакмиз. 163. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, албатта Биз Нуҳга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби Сизга ҳам ваҳий юбордик, яна Иброҳим Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва ўша уруғ-авлод, Ийсо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймон пайғамбарларга ҳам ваҳий юборганмиз.

Довудга Забурни ато этдик. 164. Айрим пайғамбарлар ҳақида Сизга илгари ҳикоя қилдик, айрим пайғамбарларни эса Сизга ҳикоя қилганимиз йўқ. Мусо билан Оллоҳнинг Ўзи *(бевосита)* гаплашди. 165. Токи бу пайғамбарлар *(ўтганларидан)* кейин одамлар учун Оллоҳга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун пайғамбарларни *(мўминларга жаннат ҳақида)* хушхабар элтувчи ва *(кофирларни дўзах азобидан)* қўрқитувчи қилиб юбордик. Оллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 166. Лекин Оллоҳ Сизга Ўз билими билан нозил қилган Нарсага гувоҳлик берур. Фаришталар ҳам гувоҳлик берурлар. Оллоҳнинг Ўзи етарли Гувоҳдир. 167. Албатта кофир бўлган ва Оллоҳнинг Йўлидан тўсган кимсалар қаттиқ адашгандирлар. 168. Албатта куфр йўлига кириб, жабру зулм қилган кимсаларни Оллоҳ ҳаргиз кечирмайди ва зинҳор Ҳақ Йўлга ҳидоят қилмайди. 169. Магар уларни жаҳаннам йўлига равона қилур ва улар у жойда абадий қолажаклар. Бу Оллоҳга осондир. 170. Эй инсонлар, бу Пайғамбар сизларга Парвардигорингиздан Ҳақ *(Дин)*ни келтирди. Бас, иймон келтирингиз, ўзингиз учун яхши бўлур. Агар инкор қилсанглар *(ўзингизга зарар қиласиз, холос)*. Зеро, Осмонлардаги бор нарса ва Ердаги бор нарса Оллоҳникидир. Оллоҳ билим ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 171. Эй аҳли Китоб, *(Ийсони худо дейиш билан)* динингизда ҳаддингиздан ошмангиз! Оллоҳ шаънига эса фақат ҳақ гапни айтингиз! Албатта ал-Масиҳ Ийсо бинни Марям фақат Оллоҳнинг пайғамбари ва Унинг Марямга ташлаган Сўзи ҳамда Унинг томонидан бўлган руҳ *(соҳибидир)*, холос. Бас, Оллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирингиз! "*(Тангри)* учта *(яъни, Оллоҳ, Марям ва Ийсо учалалари ҳам тангрилардир)*", демангиз! *(Бундай ботил эътиқоддан)* тўхтангиз, шунда ўзингиз учун яхши бўлур. Ҳеч шак-шубҳасиз, Оллоҳ Якка-Ягонадир. У фарзандлик бўлиш *(айбидан)* пок бўлган Зотдир. Осмонлардаги бор нарса ва Ердаги бор нарса Уникидир. Оллоҳнинг Ўзи етарли Вакилдир. 172. Масиҳ ҳам, Оллоҳга яқин қилинган фаришталар ҳам Оллоҳга банда бўлишдан зинҳор ор қилмайдилар. Кимки Унга бандалик қилишдан ор қилса ва кибру ҳаво қилса, бас, уларнинг барчасини Ўз ҳузурига жам қилажак. 173. Сўнг иймон келтириб, яхши амаллар қилган кишиларнинг мукофотларини комил қилиб берур, яна Ўз фазлу карамидан зиёда ҳам қилур. Аммо ор қилган, кибру ҳаво қилган кимсаларни эса аламли азоб билан азоблайди ва улар ўзлари учун Оллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир мададкор

тополмаслар. 174. Эй одамлар, сизларга Парвардигорингиздан ҳужжат келди. *(Яъни, ҳазрати Муҳаммад алайҳис-салом Пайғамбар қилиб юборилдилар).* **Ва Биз сизларга равшан Нурни** *(яъни, Қуръонни)* **нозил қилдик. 175. Оллоҳга иймон келтириб, Унга боғланган зотларни** *(Оллоҳ)* **Ўз томонидан бўлган раҳмат ва фазлу марҳаматга** *(яъни, жаннатга)* **дохил қилур. Ва уларни Ўзининг Тўғри Йўлига йўллагай. 176.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиздан фатво сўрайдилар. Айтинг: "Оллоҳ сизларга на ота ва на боласи бўлмаган сўққабош одам тўғрисида ушбу фатвони берур: агар фарзандсиз бўлган ёлғиз бир эркак ўлса,** *(агар)* **унинг синглиси бўлса, унга** *(акаси)* **қўйиб кетган мероснинг ярми тегур. Агар синглисининг фарзанди бўлмаса,** *(ва ўша сингил ўлса-ю акаси қоладиган бўлса)* **ака унга меросхўр бўлур. Агар сингиллар иккита бўлса, улар учун ака қолдирган нарсадан учдан иккиси тегур. Агар меросхўрлар ака-сингиллар бўлса, бир эркак учун икки аёл ҳиссаси берилур.** *(Эй мўминлар),* **адашиб кетмасликларингиз учун Оллоҳ сизларга** *(Ўз ҳукмларини)* **баён қилур Оллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир".**

МОИДА сураси (5)

Қуръондаги ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга пайғамбарликларининг энг сўнгги йилларида тушган суралардан саналувчи бу сура Мадинада нозил қилинган бўлиб, бир юз йигирма оятдан иборатдир. Унда Шариат аҳкомлари батафсил баён этилиши билан биргаликда эътиқод мавзуи ва аҳли Китоб ҳақида ҳам сўз юритилади. Ушбу сурада кишилар ўртасидаги битим, келишув муомалалари; гўшти ҳалол бўлган ҳайвонларни сўйиш масалалари; ов ҳақидаги ҳукмлар; ҳаж ва умра каби ибодатлар учун шарт бўлган иҳром баёни; аҳли Китоблардан бўлган аёлларга уйланиш жоизлиги хусусидаги ҳукмлар; таҳорат қоидалари; ўғрилик, зўравонлик ва бузғунчилик жиноятларининг жазолари; ичкилик ва қимор тўғрисидаги сўнгги-қатъий ҳукм ва Шариати Исломийянинг яна бошқа кўпдан-кўп ҳукм ва қонунлари ҳақида муфассал маълумот берилади.

Бундан ташқари "Моида"да бизларга панд-насиҳат ва ибрат бўладиган қиссалар ҳикоя қилинади. Шундай қиссалардан бири бани Исроилнинг ўз пайғамбарлари Мусо алайҳис-салом билан бўлган можаролари бўлиб, унда яҳудийлар иймонсизликлари ва қўрқоқликлари сабабли пайғамбар сўзига кирмай, оқибатда қирқ йиллаб чўлу саҳроларда сарсон-саргардон бўлиб юрганлари айтилади.

Яна бир қиссада эса Одамнинг икки фарзанди - Қобил ва Ҳобил ўртасида бўлиб ўтган мужодала - Қобил ўз биродари Ҳобилни ноҳақ ўлдиргани тўғрисида хабар берилиб, бу қисса орқали яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги доимий кураш тасвирланади. Бу фожиа Ер юзидаги ноҳақ қон тўкилиш фожиаларининг биринчиси эди.

Яна Ийсо пайғамбарга берилган мўъжизалардан бири - осмондан моида (дастурхон) тушгани воқеаси ҳам борки, суранинг "Моида" деб аталишининг боиси шудир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Эй мўминлар, битимларга *(Оллоҳ таоло билан ўрталарингиздаги битимларга - У Зотга бандалик қилиш ҳақида берган аҳд-паймонларингизга ҳам, ўзаро бир-бирларингиз билан келишиб олган битимларингизга ҳам)* **вафо қилингиз! Сизлар учун -** *(қуйидаги оятларда ҳаромлиги)* **тиловат қилинадиган нарсалардан бошқа чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди. Лекин иҳромда бўлган ҳолларингизда ов овлашни ҳалол қилиб олмангиз. Албатта Оллоҳ Ўзи истагандек ҳукм қилур.**

И з о ҳ: Мўминлар учун шу сbooранинг учинчи оятида тиловат қилинадиган ҳаром ўлган ҳайвон, қон, тўнгиз гўшти ва бошқа нарсалардан ташқари туя, мол, қўй каби чорва ҳайвонларини сўйиб истеъмол этиш ҳалол этилгандир. Лекин ҳаж ибодатини адо қилиш ниятида иҳром боғлаган - яъни, махсус либос кийган киши учун ҳар қандай жониворни овлаш ҳаромдир.

2. Эй мўминлар, Оллоҳ буюрган удумларни *(бузишни ўзларингизга)* **ҳалол қилиб олманглар! Шунингдек, уруш ҳаром қилинган ойда** *(-улар Зул-қаъда, Зул-ҳижжа, Муҳаррам ва Ражаб ойларидир- жанг қилишни, Оллоҳ Йўлида)* **ҳадя этилган ҳайвонларни** *(ўлдиришни)* **ва** *(уларга осиб қўйилган)* **ҳадялик белгиларини** *(узиб ташлашни)* **ҳамда Парвардигорларидан фазлу марҳамат ва ризолик тилаб Байтул-Ҳаромни** *(Каъбани)* **мақсад қилиб кетаётган кишиларга** *(қарши жанг қилишни ҳалол қилиб олмангиз!)* **Қачон** *(иҳромдан чиқиб)* **ҳалол бўлгач, ов қилаверингиз. Сизларни** *(яъни, Расулуллоҳ алайҳис-салом ва саҳобаларини Ҳудайбийя йилида Макка мушриклари умра қилишдан тўсганлари каби)* **Масжидул-Ҳаромдан** *(Каъбадан)* **тўсганлари сабабли бирон қавмни ёмон кўришингиз ҳаргиз сизларни ҳаддингиздан ошишингизга - адолатсизликка тортмасин - сабаб бўлмасин!** *(Эй мўминлар),* **сизлар яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз! Оллоҳдан қўрқингиз! Шубҳасиз, Оллоҳнинг азоби қаттиқдир. 3. Сизларга ўлакса, қон, тўнғиз гўшти, Оллоҳдан бошқа бировнинг йўлида сўйилган нарса, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган,** *(баланд жойдан)* **қулаб ўлган,** *(бошқа бирон ҳайвон билан)* **сузишиб ўлган ва йиртқич ҳайвон тишлаб ўлдирган жониворлар ҳаром қилинди. Магар** *(бу жониворларни жони чиқмасдан туриб)* **сўйиб юборишга улгуриб қолган бўлсангиз,** *(ҳалолдир)* **Яна** *(сиғиниш учун)* **тиклаб қўйилган**

бутларга атаб сўйилган ҳайвонлар *(гўштини истеъмол қилиш)* ва *(фол)* чўплардан қисматингизни сўрашингиз *(ҳам сизларга ҳаром қилинди)*. Зотан, бу ишларингиз итоатсизликдир.

И з о ҳ: Ислом келишидан илгари араблар ҳар турли фол очишларга жуда берилган эдилар. Шулардан бири - уларнинг доимо ёнларида учта бир хил чўпни олиб юришлари эди. У чўпларнинг бирига: "Қилгин", яна бирига "Қилмагин", деб белги қўйилган, учинчисига эса ҳеч нарса ёзилмаган бўларди. Қачон бирон ишни адо этмоқчи бўлсалар, ўша чўплардан фол сўрардилар. Ислом бундай хурофотларни манъ қилди.

Бугун энди кофир бўлган кимсаларнинг сизларни динингиздан *(чиқаришдан)* умидлари узилди. Бас, сизлар улардан қўрқмангиз. Мендан қўрқингиз! Бугун Мен сизлар учун динингизни комил қилдим, *(сизларни динсизлик зулматларидан иймон нурига чиқариш билан)* Мен сизларга неъматимни тўкис қилиб бердим ва сизлар учун Исломни дин қилиб танладим *(яъни, Исломдан бошқа динлар Оллоҳ ҳузурида мақбул эмас)*. Энди кимки очарчиликда, гуноҳ томонга огмаган ҳолида *(мазкур ҳаром қилинган нарсаларни ейишга)* мажбур бўлса *(Оллоҳ кечирар)*. Зеро, Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 4. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мўминлар)* Сиздан ўзлари учун нималар ҳалол қилинганини сўрайдилар. Айтинг: "Сизлар учун *(барча)* покиза нарсалар ва яна сизларнинг таълимингизни олган жониворларнинг - Оллоҳ сизларга билдирган нарсалардан билдириб қўлга ўргатганингиз жониворларнинг *(тутиб келтирган овлари)* ҳалол қилинди. Бас, улар сизлар учун ушлаб келтирган нарсаларни еяверинглар ва *(уларни овга қўйиб юбораётганларингда)* Оллоҳнинг номини зикр қилинглар! Оллоҳдан қўрқинглар! Албатта Оллоҳ жуда тез ҳисоб-китоб қилгувчи Зотдир. 5. Бугун сизлар учун *(барча)* покиза нарсалар ҳалол қилинди. Китоб берилган кимсаларнинг таомлари сизлар учун ҳалолдир ва сизларнинг таомларингиз улар учун ҳалолдир. Қачонки зино қилмай ва яширин ўйнаш тутмай маҳрларини бериб уйлансангиз, сизлар учун мўминалар орасидан ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ва сизлардан илгари Китоб берилган кимсалардан бўлган ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ҳам ҳалолдир. Аниқки, ким иймонидан қайтса, унинг қилган амали беҳуда кетур ва у Охиратда зиён кўргувчилар тоифасидандир. 6. Эй мўминлар, қачон намозга турганингизда юзларингизни ҳамда қўлларингизни тирсакларгача ювингиз,

бошларингизга масҳ тортингиз *(яъни, нам қўлларингиз билан силангиз)* ва оёқларингизни ошиқларигача *(ювингиз!)* Агар жунуб бўлсаларингиз, покланингиз - чўмилингиз! Агар бемор ё мусофир бўлсангизлар ёки сизлардан биров ҳожатхонадан чиққан бўлса ёхуд хотинларингизга қўшилган бўлсаларингиз ва *(мазкур ҳолатларда)* сув топа олмасангиз, покиза тупроқни таяммум қилингиз - юзингиз ва қўлларингизни *(покиза тупроқ)* билан силангиз. Оллоҳ сизларни бирон танглик машаққатга солмоқни истамайди, балки сизларни поклашни ва сизларга Ўз неъматини комил қилиб беришни истайди. Шоядки шукр қилсаларингиз. 7. Оллоҳнинг сизларга берган неъматини ва: "Эшитдик ва итоат қилдик", деган пайтингизда сизлар билан боғлаган аҳд-паймонини эслангиз! Оллоҳдан қўрқингиз! Албатта Оллоҳ дилларни эгаллаган *(сирларни)* Билгувчидир. 8. Эй мўминлар, Оллоҳнинг Ўзи учун Ҳақ Йўлни тутгувчи, адолат билан шаҳодат - гувоҳлик бергувчи бўлингиз! Бирон қавмни ёмон кўришингиз сизларни адолат қилмасликка тортмасин! Адолат қилингиз! Шу тақвога яқинроқдир. Оллоҳдан қўрқингиз! Албатта Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир. 9. Оллоҳ иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун мағфират ва улуғ ажр бўлишини ваъда қилди. 10. Кофир бўлган ва Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсалар эса жаҳаннам эгаларидир. 11. Эй мўминлар, Оллоҳнинг сизларга берган неъматини - бир қавм сизларга қўл кўтаришни *(яъни, ҳалок қилишни)* қасд қилган пайтида уларнинг қўлларини сизлардан қайтарганини эслангиз! Оллоҳдан қўрқингиз! Иймонли кишилар Ёлғиз Оллоҳга суянсинлар.

Изоҳ: Ушбу оят нозил бўлишининг сабаби хусусида бир неча ривоятлар мавжуд. Шулардан бири "Саҳиҳул-Бухорий"да келтирилган ҳадисдир: Пайғамбар алайҳис-салом саҳобалар билан кетаетиб бир дарахтзор манзилга қўндилар Дам олиш учун ҳар ким ҳар тарафга тарқалиб кетди. Расулуллоҳ алайҳис-салом ёлғиз ўзлари бир дарахт соясида ёнбошлаб, энди кўзлари илинганда бир шарпадан уйғониб кетдилар. Қарасалар, тепаларида бир аъробий (тоғлик динсиз араблардан) Пайғамбаримиз дарахтга илиб қўйган қиличларини олиб, яланғочлаб чопмоқчи бўлиб турибди. Расулуллоҳ алайҳис-салом уйғониб кетганларини кўргач, у. "Энди сени мендан ким сақлай олади?!", деди. Пайғамбар алайҳис-салом эса хотиржамлик билан: "Оллоҳ", деб жавоб қилдилар. Шунда аъробий

бирдан бўшашди ва қилични ташлаб, Пайғамбар алайҳис-салом ёнларига ўтирди. Шовқинни эшитиб етиб келган айрим саҳобалар эса бу ҳолдан лолу ҳайрон бўлиб қолдилар. Мазкур оят Оллоҳнинг ўзига суянган кишиларни Оллоҳ сақлайди, деб уқтиради.

12. Оллоҳ бани Исроилнинг аҳд-паймонини олди ва ўзларидан ўн икки бошлиқни *(Мусо билан бирга, Шом заминини маскан тутган кофирларга қарши жанг қилиш учун)* **жўнатиб, Оллоҳ айтди: "Албатта Мен сизлар билан биргаман. Қасамки, агар намозни тўкис адо қилсангизлар, закотни** *(ҳақдорларга)* **ато қилсангизлар, пайғамбарларимга иймон келтириб, уларга ёрдам берсангизлар ва** *(бева-бечораларга яхшилик - эҳсон қилиш билан)* **Оллоҳга қарзи ҳасана берсангизлар** *(яхшилик билан қарздор қилсангиз)*, **албатта Мен ёмонликларингизни** *(яъни, қилган гуноҳларингизни)* **ўчирурман ва албатта сизларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга дохил қилурман. Мана шу аҳд-паймондан кейин сизлардан кимки кофир бўлса, унинг Тўғри Йўлдан озгани аниқдир". 13. Сўнг аҳд-паймонларини бузганлари сабабли Биз уларни лаънатладик ва қалбларини қаттиқ қилиб қўйдик. Улар** *(Тавротдаги Муҳаммад алайҳис-саломнинг Пайғамбар бўлишлари ҳақидаги)* **сўзларини ўз ўринларидан ўзгартирадилар, ўзларига эслатма қилиб берилган нарсалардан эса** *(кўп)* **ҳиссасини унутиб юборганлар.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Сиз мудом улар тарафидан қилинган бирон хиёнат устидан чиқасиз. Магар улардан** *(Исломни қабул қилган)* **озчилик кишиларгина** *(хиёнат қилмайдилар, холос)*. **Бас, уларни афв этиб, кечириб юборaверинг. Албатта Оллоҳ яхшилик қилгувчиларни севади. 14. "Бизлар насронийлармиз", деган кимсалардан ҳам аҳд-паймонларини олдик. Сўнг ўзларига эслатма қилиб берилган нарсалардан** *(кўп)* **ҳиссасини унутдилар. Бас, уларнинг ўрталарида то Қиёмат Кунигача бузу адоватни авж олдирдик. Яқинда Оллоҳ уларга қилиб ўтган "ҳунар"ларининг хабарини беражак. 15-16. Эй аҳли Китоб, мана, элчимиз** *(Муҳаммад алайҳис-салом)* **сизлар Китобингиз** *(Таврот, Инжил)* **орасидан яшириб келган** *(у зотнинг Пайғамбар бўлишлари ва яна бошқа зарур масалалар хусусидаги)* **кўп нарсаларни сизларга баён этган ҳолда,** *(фақат сизларнинг сирларингизни очиб, шарманда қилиш учунгина ишлайдиган)* **кўп нарсаларни эса** *(баён қилмасдан)* **тарк этган ҳолда келди. Сизларга Оллоҳ тарафидан Нур ва Очиқ Китоб келдики, Оллоҳ у сабабли Ўзининг ризолигига эргашган зотларни нажот - омонлик**

йўлларига ҳидоят қилур ва Ўз изну иродаси билан уларни зулматлардан нурга чиқарур ва уларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилур. 17. "Оллоҳ - Масиҳ бинни Марямнинг ўзидир", деган кимсаларнинг кофир бўлганликлари аниқдир. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Агар Оллоҳ Масиҳ бинни Марямни, унинг онасини ва Ердаги барча кишиларни ҳалок этишни истаса, ким Оллоҳ тарафидан бўлган нарсани *(балони)* қайтаришга эга бўла оладиг!" Осмонлар, Ер ва уларнинг орасидаги бор нарсалар Оллоҳнинг мулкидир. У Ўзи истаган нарсасини *(Ўзи истаган суратда)* яратур. Оллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир. 18. Яҳудий ва насронийлар: "Биз Оллоҳнинг болаларимиз, суйганларимиз", дедилар. Айтинг: "У ҳолда нега сизларни гуноҳларингиз сабабли азоблайди?! Йўқ! Сизлар ҳам У яратган барча одамлар каби одамсизлар. У Зот Ўзи истаган кишисини мағфират қилур, истаган кишисига азоб берур". Осмонлар, Ер ва уларнинг орасидаги бор нарсалар Оллоҳнинг мулкидир. Фақат унинг Ўзига қайтилур. 19. Эй аҳли Китоб, мана, элчимиз *(Муҳаммад алайҳис-салом)* аввалги пайғамбарлардан анча замон ўтиб: "Бизга на бирон *(жаннат ҳақида)* хушхабар бергувчи ва на бирон *(дўзах азобидан)* қўрқитгувчи келмаган", демасликларингиз учун сизларга *(Дин ҳукмларини)* баён қилган ҳолда келди. Мана сизларга хушхабар бергувчи ва *(дўзахдан)* қўрқитгувчи бўлган зот келди. Оллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир! 20. Эсланг, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Мусо қавмига: "Эй қавмим, Оллоҳнинг сизларга берган неъматини - орангиздан пайғамбарлар чиқарганини, яна сизларни мулку давлат эгалари қилиб, барча оламъардан бирон кишига бермаган инъомларини сизларга ато этганини эсланглар! 21-22. Эй қавмим, Оллоҳ сизлар учун ёзиб - тақдир қилиб қўйимиш бу муқаддас ерга *(шаҳарга)* дохил бўлингиз! Ортларингизга қайтиб кетмангиз, акс ҳолда зиён кургувчиларга айланиб қолурсиз", деганида улар: "Ё Мусо, у ерда зўравон одамлар бор. То улар чиқмагунларича биз у ерга зинҳор кира олмагаймиз. Агар улар чиқиб кетсаларгина биз дохил бўлурмиз", дедилар. 23. *(Шунда ўн икки бошлиқ орасидан)* Оллоҳдан қўрқадиган ва унинг инъом-марҳаматига муяссар бўлган икки киши: "Уларнинг устига дарвозадан тўсатдан кирингиз, агар унга кириб олсангизлар, бас, шубҳасиз, ғолиб бўлурсиз. Агар мўмин бўлсангизлар, Ёлгиз Оллоҳгагина суянинглар!", дедилар. 24. *(Қавм)* айтди: "Ё Мусо, модомики, улар шу жойда экан, биз ҳеч қачон кира олмагаймиз. Бас, боргин, сен

ўзинг ва Парвардигоринг улар билан уришаверинглар. Биз эса мана шу ерда ўтириб *(кутурмиз")*. 25. *(Мусо)* айтди: "Парвардигорим, мен фақат ўзимга ва биродарим *(Ҳорунга)* эгаман, холос. Бас, Ўзинг биз билан бу итоатсиз қавмнинг орасини ажраттин". 26. *(Оллоҳ)* деди: "Энди қирқ йил мобайнида бу ер улар учун ҳаромдир. Улар Ерда *(саҳроларда)* адашиб-улоқиб юрурлар. Сен бу итоатсиз қавм *(қилмиши)*дан маҳзун бўлмагин". 27. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, уларга Одамнинг икки ўғли ҳақидаги хабарни ҳаққирост тиловат қилинг. Ўшанда у иккови қурбонлик қилганларида *(қурбонликлари)* бировларидан қабул қилинган, иккинчиларидан қабул қилинмаган эди. Шунда у "Қасамки, сени ўлдирурман", деганида, биродари айтди: "Оллоҳ фақат тақводорлардангина *(қурбонликларини)* қабул қилур".

Изоҳ: Муфассирлар (Қуръонни тафсир, шарҳ қилувчилар) ёзишларича, воқеа бундай бўлган: Одамнинг икки ўғли Қобил ва Ҳобил бир қизни талашиб қоладилар. Шунда Одам уларга Оллоҳ Йўлида қурбонлик қилишни буюради ва кимнинг қурбонлиги Ҳақ таоло даргоҳида қабул бўлса, қизни ўшанга никоҳлаб беришини айтади. (Унинг қабул бўлганининг аломати - осмондан ўт - чақмоқ тушиб ендириб кетиши эди). Улар бу шартни қабул қилдилар ва Қобил ўзининг касби деҳқончиликдан энг сифатсиз - бемазасини топиб, қурбонлик қилади. Ҳобил эса қўйлари орасидан (у чорвадор эди) энг яхши бир қўчқорни танлаб қурбонлик қилади. Шунда Ҳобилнинг қурбонлиги қабул қилингани маълум бўлади. Бундан ғазабга келган Қобил ўз инисини ўлдирмоқчи бўлади.

28. Қасамки, агар сен мени ўлдириш учун қўл чўзсанг, мен сени ўлдириш учун қўл чўзгувчи эмасман. Чунки мен бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Оллоҳдан қўрқаман. 29. Мен сени менинг гуноҳим ҳамда ўзингнинг гуноҳинг билан қайтиб, дўзах эгаларидан бўлиб қолишингни истайман. Золимларнинг жазоси шудир. 30. Бас, нафси унга ўз биродарини ўлдиришни чиройли қилиб кўрсатиб *(Қобил)* уни ўлдирди ва зиён кўргувчилардан бўлиб қолди. 31. Сўнгра Оллоҳ унга биродарининг мурдасини қандай кўмишни кўрсатиш учун ер титадиган бир қарға юборди. У *(қарғанинг қилаётган ишини кўриб)*: "Менга ўлим бўлсин, мана шу қарғачалик бўла олмадимми - биродаримнинг мурдасини ўзим кўма олмадимми?!", деб надомат қилгувчилардан бўлиб қолди. 32. Ана ўша *(қотиллик)* сабабли Биз бани Исроил зиммасига *(шундай фармонни)* битдик: кимки бирон жонни *(ўлдирмаган)* ва ерда

бузғунчилик қилиб юрмаган бир одамни ўлдирса, демак, у гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса *(яъни, ўлдиришдан бош тортса, ёки ўлимдан қутқарса)*, **демак, у гўё барча одамларга ҳаёт берибди. Дарҳақиқат, Бизнинг пайғамбарларимиз уларга** *(бани Исроилга)* **мана шундай ҳужжатлар келтирдилар. Шундан кейин ҳам улардан кўплари Ер юзида** *(қон тўкиш билан)* **ҳаддан ошиб юргувчидирлар.**

Изоҳ. Мазкур оятда Исломнинг инсонпарварлиги кўзга ташланади. Яъни, бир кишини ноҳақ ўлдириш бутун жамиятни ўлдириш, бир кишини ҳалокатдан сақлаб қолиш эса бутун жамиятни асраб қолишдир, деб таъкидланади.

33. Албатта Оллоҳ ва Пайғамбарига қарши урушадиган ва Ерда бузғунчилик қилиш ҳаракатида юрадиган кимсаларнинг жазоси - ўлдирилиш ё дорга осилиш ёки оёқ-қўллари тескарисига *(яъни, ўнг қўл ва чап оёқ ёки чап қўл билан ўнг оёқ)* **кесилиши, ёхуд ўз ерларидан сургун қилинишларидир. Бу жазо улар учун бу дунёда расволик - шармандалик бўлур. Охиратда эса улар учун улуғ азоб бордир. 34. Магар сизлар уларнинг устига қодир - ғолиб бўлишингиздан** *(қўлга тушишларидан)* **илгари тавба қилган кишилар бўлса, билингизки, Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир. 35. Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва Унга яқин бўлиш йўлини изланГиз ҳамда Унинг Йўлида жиҳод қилингиз, шунда шояд нажот топурсиз! 36. Кофир бўлган кимсалар эса Ердаги бор нарса ва яна шунча нарса - бойлик уларнинг мулкига айланиб, ўшани Қиёмат Кунидаги азобдан** *(нажот топиш учун)* **сарф қилмоқчи бўлсалар, улардан қабул қилинмас. Улар учун аламли азоб бордир. 37. Улар дўзахдан чиқмоқчи бўладилар-у, ҳеч ундан чиқувчи бўла олмайдилар - улар учун доимий азоб бордир. 38. Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қўлларини кесинглар!** *(Токи бу)* **уларнинг қилмишларига яраша жазо бўлсин, Оллоҳ томонидан берилган азоб бўлсин. Оллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгасидир. 39. Аммо ким бундай** *(ўғрилик билан қилган)* **жабру зулмидан кейин тавба қилиб, ўзини тузатса, албатта Оллоҳ унинг тавбасини қабул қилар. Албатта Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 40.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **ахир Сиз Осмонлар ва Ер Оллоҳнинг мулки эканини, У Зот Ўзи истаган кишисини азоблаб, истаган кишисини мағфират қилишини билмадингизми? Оллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир. 41. Эй Пайғамбар** *(алайҳис-салом)*, **оғизларида: "Иймон келтирдик", деган, аммо диллари иймон келтирмаган**

(мунофиқлардан) ва яҳудийлардан бўлган, куфр томонга қараб чопаётган кимсалар сизни маҳзун қилмасин. Улар ёлгонга қулоқ бергувчи ва сизнинг олдингизга келмаган, сўзларни ўз ўринларига қўйилгандан кейин ўзгартирадиган бошқа қавмга *(яъни, яҳудийларга)* қулоқ бергувчи кимсалардир. *(Яҳудийлар)*: "Агар *(Муҳаммад тарафидан)* сизларга мана шу ҳукм берилса, олинглар, бўлмаса, *(яъни, бошқа бир ҳукм айтилса)*, эҳтиёт бўлинглар - олманглар, дейишади. Кимники Оллоҳ Ўзи адаштиришни истаса, бас, сиз унинг учун Оллоҳ томонидан ҳеч нарса қила олмассиз. Улар Оллоҳ кўнгилларини поклашни истамаган кимсалардир. Улар учун дунёда расволик, Охиратда эса улуг азоб бордир.

Изоҳ: Мазкур оятнинг нозил бўлишига қуйидаги воқеани нисбат қиладилар. Тавротда зинокорни тошбўрон қилиш буюрилишига қарамасдан яҳудийлар зино қилувчини дарралаб, юзига қора чаплашни одат қилиб олган эдилар Мадинада Ислом давлати барпо бўлганидан кейин улар мана шу сохта ҳукмни Муҳаммад алайҳис-саломдан ҳам тасдиқлатиб олмоқчи бўлишиб, мадиналик айрим мунофиқ кимсаларни, бир зинокор яҳудийни қўшиб, у зотнинг ҳузурига юборадилар ва уларга: "Агар Муҳаммад бизнинг одатимизни тасдиқласа - қабул қилинглар, аммо тошбўрон қилишни буюрса - қабул қилмайсизлар", деб тайинлайдилар. Улар келиб, бу масалани сўраганларида Пайғамбар алайҳис-салом: "Бу ҳақда Тавротда нима дейилган?", деб сўрайдилар. Улар: "Тавротда ҳам дарралаш буюрилган", деб нотўгри жавоб қиладилар. Шунда Расулуллоҳ алайҳис-салом яҳудий уламоларидан бирини топтириб, ундан: 'Оллоҳ номини ўртага қўйиб сўрайман, Тавротда зинокорга қандай жазо буюрилган?", деб сўраганларида у: "Модомики, Оллоҳ номи билан сўрар экансиз, ростини айтишга мажбурман - тошбўрон қилишга буюрилган", деб жавоб беради. Бу жавобни эшитгач, Расулуллоҳ алайҳис-салом зинокор яҳудийни тошбўрон қилишга буюрадилар. Аммо ўзлари уларнинг Тавротдаги Оллоҳ ҳукмини ўзгартириб юборганларига қаттиқ хафа бўладилар. Шунда Оллоҳ Пайғамбарига тасалли бериш учун мазкур оятларни нозил қилди.

42. Улар ёлгонга қулоқ берувчи ҳаромхўр кимсалардир. Бас, агар Сизга келсалар *(хоҳласангиз)*, ўрталарида ҳакамлик қилинг, *(хоҳласангиз)* улардан юз ўгиринг! Агар улардан юз ўгирсангиз, зинҳор Сизга бирон зарар етказа олмаслар. Агар ҳукм қилсангиз, ўрталарида адолат билан ҳукм қилинг! Албатта Оллоҳ адолат қилгувчиларни севади. 43. Олдиларида Таврот, унда Оллоҳнинг

ҳукми бўлгани ҳолда Сиздан ҳукм сўраб, сўнгра *(яъни, ҳукм қилганингиздан кейин)* қандай юз ўтириб кетадилар-а? Улар ҳеч мўмин эмаслар! 44. Албатта Биз Тавротни ҳидоят ва нурни ўз ичига олган ҳолда нозил қилганмиз. *(Оллоҳга)* бўйинсунувчи бўлган пайғамбарлар, Илоҳий билим эгалари ва донишмандлар ўзларига Оллоҳнинг Китоби омонат қўйилгани сабабли яҳудийларга у *(яъни, Таврот ҳукмлари)* билан ҳукм қиладилар. Улар бу Китоб устида гувоҳдирлар. Бас, *(эй яҳудий уламолар)*, одамлардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз ва Менинг оятларимни қиймати оз нарсаларга алмаштирмангиз! Кимда-ким Оллоҳ нозил қилган Дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир. 45. Унда *(яъни, Тавротда)* яҳудийларга жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, қулоққа қулоқ, тишга тиш ва *(яна бошқа барча)* жароҳатларга ҳам қасос олинади, деб ёзиб қўйдик. Энди ким уни *(яъни, қасосни)* кечиб юборса, ўзи учун каффорат *(яъни, гуноҳларни ўчириб юборувчи)* бўлур. Кимда-ким Оллоҳ нозил қилган Дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар золимлардир. 46-47. Уларнинг изларидан ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи бўлган Ийсо бинни Марямни эргаштирдик ва унга ҳидоят ва нурни ўз ичига олган, ўзидан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва тақводорлар учун ҳидоят, панд-насиҳат бўлган Инжилни бердик. Ҳамда *(буюрдик)* Инжил аҳли унда Оллоҳ нозил қилган нарсалар билан ҳукм қилсинлар! Кимда-ким Оллоҳ нозил эттан Дин билан ҳукм этмас экан, улар фосиқлар - итоатсиз кимсалардир. 48. Сизга эса *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Биз ўзидан олдинги Китоб*(ларни)* тасдиқлагувчи ва у *(Китоблар)* устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик. Бас, одамлар ўртасида Оллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг ва Сизга келган Ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг! Сизлардан ҳар бир миллат *(яъни, дин)* учун *(алоҳида)* шариат ва йўл қилиб қўйдик. Агар Оллоҳ хоҳласа эди, ҳаммангизни бир миллат қилиб қўйган бўлур эди. Лекин У Зот Ўзи ато эттан нарсаларда сизларни имтиҳон қилиш учун *(ҳар бир миллатга алоҳида шариат, йўл қилиб қўйди)*. Бас, яхши амалларга шошилингиз! Барчангиз Оллоҳга қайтишингиз бор. Сўнг У Зот сизларга ихтилоф қилгувчи бўлган нарсаларингизнинг хабарини берур. 49. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, улар ўртасида Оллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Оллоҳ Сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт

бўлинг! Агар *(Сизнинг ҳукмингиздан)* юз ўгирсалар, билингки, Оллоҳ уларга айрим гуноҳлари сабабли мусибат етказишни истамоқда. Шубҳасиз, одамлардан кўплари фосиқ - итоатсиздирлар. 50. Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми?! Иймонлари комил бўлган қавм учун Оллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?! 51. Эй мўминлар, яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта Оллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас. 52. Бас, Сиз дилларида мараз бўлган кимсалар: "Бизга бирон бало етишидан қўрқамиз", деган ҳолларида *(кофирлар)* томонга шошаётганларини кўрасиз. Шояд Оллоҳ *(мусулмонларга)* ғалаба берса ёки Ўз ҳузуридан *(бу мунофиқ кимсаларни шарманда қиладиган)* бирон ишни келтириб, улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолсалар. 53. *(Шунда)* мўминлар *(бир-бирларига)*: "Жон-жаҳдлари билан сизлар билан биргамиз", деб Оллоҳ номига қасам ичганлар шуларми?", дейдилар. У мунофиқларнинг қилган амаллари беҳуда кетди ва ўзлари зиён кўргувчиларга айланиб қолишди. 54. Эй мўминлар, сизларнинг ичингиздан кимда-ким ўз динидан қайтса, Оллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Оллоҳ уларни яхши кўрур, улар Оллоҳни яхши кўрурлар. Улар мўминларга ҳокисор, кофирларга эса қаттиққўл, бирон маломатгўйнинг маломатидан қўрқмай Ёлгиз Оллоҳ Йўлида курашадиган кишилардир. Бу Оллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Оллоҳ *(фазлу карами)* Кенг, Билгувчидир. 55. Сизларнинг дўстингиз фақат Оллоҳ, Унинг Пайғамбари ва таъзим-тавозеъ қилган ҳолларида намозни тўкис адо этадиган, закотни *(ҳақдорларга)* ато этадиган мўминлардир. 56. Кимки Оллоҳни, Унинг Пайғамбарини ва мўминларни дўст тутса *(нажот топгай)*, зеро, фақат Оллоҳнинг гуруҳигина ғолиб бўлгувчидир. 57. Эй мўминлар, сизлардан илгари Китоб берилганлар ичидан динингизни ҳазил-масхара қилиб олган кимсаларни ва кофирларни дўст қилиб олмангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, Оллоҳдан қўрқингиз! 58. Сизлар қачон *(мусулмонларни)* намозга чорласангиз *(азон айтсангиз)*, улар ўша *(намозни)* масхара ва ўйин қилиб оладилар. Бунга сабаб, уларнинг ақлсиз - жоҳил қавм эканликларидир. 59. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Эй аҳли Китоб, сизлар биз томонимиздан ёмон кўрадиган нарсангиз фақатгина бизнинг Оллоҳга, ўзимизга нозил қилинган Китоб

*(Қуръон)*га ва илгари нозил қилинган Китобларга иймон келтирганимиз, сизларнинг кўпчилигингиз эса фосиқ - итоатсиз эканликларингиздир". 60. Айтинг: "Сизларга Оллоҳнинг ҳузурида *(яъни, Қиёмат Кунида)* бундан кўра ёмонроқ "савоб" *(жазо оладиган кимсалар)* ҳақида хабар берайми? Улар Оллоҳнинг лаънатига дучор бўлган, газабига гирифтор бўлган ва маймун, тўнгизларга айлантириб қўйилганлар ҳамда шайтонга қул бўлган кимсалардир. Ана ўшалар энг ёмон мартабада бўлган ва бутунлай Тўгри Йўлдан озган кимсалардир. 61. *(Эй мўминлар)*, улар сизларнинг олдингизга келганларида: "Иймон келтирдик", дейдилар. Ҳолбуки, улар *(эй Муҳаммад алайҳис-салом, Сизнинг ҳузурингизга)* кофир ҳолда кириб, кофир ҳолда чиқурлар. Оллоҳ улар яширувчи бўлган нарсани, *(яъни, дилларидаги куфрни)* жуда яхши Билгувчидир. 62. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, уларнинг кўпларини гуноҳ, зулм томонга ва ҳаромхўрликка чопаётганларини кўрасиз. Қилаётган ишлари нақадар ёмон иш! 63. Олим ва донишмандлари уларни гуноҳ сўзлардан, ҳаромхўрликдан қайтармайдиларми?! Қилаётган ҳунарлари нақадар ёмон ҳунар. 64. Яҳудийлар: "Оллоҳнинг қўли боглиқ *(яъни, бахил)*", дедилар.- Ўзларининг қўллари богланиб қолгай ва айтган гаплари билан лаънатга учрагайлар.- Йўқ! У Зотнинг ҳар икки қўли очиқдир ва Ўзи истагандек инфоқ-эҳсон қилур. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарса *(Қуръон)* улардан кўпларига тугён ва куфрни зиёда қилиши шубҳасиздир. Биз уларнинг ораларига то Қиёмат Кунигача *(давом этадиган)* бугзу адоватни ташлаб қўйганмиз. Улар қачон *(мусулмонларга қарши)* уруш оловини ёқсалар, Оллоҳ уни ўчирур. Улар ерда бузгунчилик қилиб юрурлар. Оллоҳ эса бузгунчи кимсаларни севмас. 65. Агар аҳли Китоб иймон келтириб, Оллоҳдан қўрқсалар эди, Биз албатта уларнинг ёмонликларини ўчирган ва жаннат неъматларига дохил қилган бўлар эдик. 66. Агар улар Тавротга, Инжилга ва Парвардигорлари томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилганларида эди, устларидан *(осмондан)* ҳам, остларидан *(Ердан)* ҳам ризқланган бўлур эдилар. Уларнинг ораларида адолат эгалари бўлган жамоат ҳам бор. Аммо уларнинг кўплари нақадар ёмон амалларни қиладилар. 67. Эй Пайгамбар *(алайҳис-салом)*, Сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг! Агар *(бу фармонга амал)* қилмасангиз, Унинг элчилигини *(бандаларига)* етказмаган

бўлурсиз, Оллоҳ Сизни одамлардан *(уларнинг зараридан)* сақлагай. Албатта Оллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмас. 68. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Эй аҳли Китоб, то Тавротга, Инжилга ва сизларга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилмагунингизча, ҳеч қандай нарсада - динда эмассизлар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарса улардан кўпларига туғён ва куфрни зиёда қилиши шубҳасиздир. Бас, Сиз бу кофир қавм *(қилмишидан)* маҳзун бўлманг! 69. Албатта иймон келтирган зотлар, яҳудий бўлганлар, *(Оллоҳга ишонадиган, аммо бирон шариатга амал қилмайдиган тоифа бўлган)* собиийлар ва насронийлар - *(улардан)* қайсилари *(иймонга келиб)* Оллоҳга, Охират Кунига ишонса ва яхши амаллар қилса, ўшалар учун ҳеч қандай хавфу хатар, ғам-андуҳ йўқдир. 70. Биз бани Исроилнинг аҳд-паймонини олдик ва уларга пайғамбарлар юбордик. Қачон уларга бир пайғамбар нафслари хоҳламаган бирон ҳукмни келтирса, бировларини ёлғончи қиладилар, бировларини эса ўлдирадилар. 71. Улар *(бу қилмишлари натижасида)* ҳеч қандай фитна - азоб бўлмайди, деб ўйлаб "кўру кар" бўлиб олдилар. Сўнг *(тавба қилганларида)* Оллоҳ тавбаларини қабул қилди. Кейин улардан кўплари яна "кўр" ва "кар" бўлиб олдилар. Оллоҳ уларнинг қилаётган амалларини Кўргувчидир. 72. "Оллоҳ - Масиҳ бинни Марямдир", деган кимсалар аниқ кофир бўлдилар. Ҳолбуки, Масиҳ: "Эй бани Исроил, Парвардигорим ва Парвардигорингиз бўлмиш Оллоҳга бандалик қилингиз!", демишдир. Албатта кимда-ким Оллоҳга ширк келтирса, Оллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур, унинг борар жойи дўзахдир. Зулм қилгувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас. 73. "Оллоҳ - Учтанинг *(яъни, Оллоҳ, Марям, Ийсонинг)* биридир, деган кимсалар ҳам аниқ кофир бўлдилар. Чунки Ягона Илоҳдан *(Оллоҳдан)* бошқа бирон илоҳ йўқдир. Агар улар айтаётган гапларидан тўхтамасалар, албатта улардан кофир бўлган кимсаларни аламли азоб ушлайди. 74. Ахир, улар Оллоҳга тавба қилиб, У Зотдан мағфират қилишини сўрамайдиларми?! Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон-ку! 75. Масиҳ бинни Марям фақат бир пайғамбар бўлиб, ундан илгари ҳам кўп пайғамбарлар ўтгандир. Унинг онаси эса сиддиқа - Оллоҳга ҳаққирост иймон келтирган аёлдир. Иккалалари ҳам таом ер эдилар. *(Яъни, агар улар худо бўлганларида таом ейишга муҳтож бўлармидилар?! Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* оят-ҳужжатларни уларга қандай баён

қилишимизни кўринг, сўнг уларни қандай бўҳтон томонга огаётганларини кўринг! 76. Айтинг: "Оллоҳни қўйиб, сизларга зарар ҳам, фойда ҳам беришга эга бўлмаган нарсаларга ибодат қиласизларми? Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир". 77. Айтинг: "Эй аҳли Китоб, динингизда ноҳақ тажовуз қилманглар ва *(Ислом келишидан)* **илгари йўлдан озган ва кўпларни йўлдан оздирган ҳамда Тўгри Йўлдан адашган қавмнинг нафси ҳаволарига эргашманглар"!**

Изоҳ: Яҳудийлар Ийсони отасиз тугилгани учун "валади зино", яъни, "ҳаромдан бўлган бола", деб ҳақорат, туҳмат қилар эдилар. Насронийлар эса "Ийсо - Худонинг ўгли" дейишар эди. Шунинг учун бу оятда ҳар икки тоифага "Динингизда ноҳақ тажовуз қилманглар", деб хитоб этилади.

78. Бани Исроил орасидан кофир бўлган кимсалар Довуд ва Ийсо бинни Марям тилида лаънатлангандирлар. Бунга сабаб, уларнинг қилган исёнлари ва тажовузкор бўлганларидир. 79. Улар бир-бирларини қилган нолойиқ ишларидан қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон иш! 80. *(Эй Муҳаммад алайҳи-салом),* **Сиз улардан кўпларининг кофир бўлган кимсаларни дўст тутганларини кўрасиз. Уларга нафси ҳаволари нақадар ёмон нарсани - Оллоҳнинг газабини келтирди. Энди улар абадий азобда қолгувчидирлар. 81. Агар улар Оллоҳга, Пайгамбарга** *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломга)* **ва унга нозил қилинган Китобга** *(Қуръонга)* **иймон келтирганларида эди, уларни - кофирларни дўст тутмаган бўлур эдилар. Лекин улардан кўплари итоатсиз кимсалардир.**

ЕТТИНЧИ ЖУЗЪ

82. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз мўминларга энг қаттиқ адоват қилгувчи одамлар яҳудийлар ва мушрик бўлган кимсалар эканини кўрасиз. Мўминларга дўст бўлишга яқинроқ кишилар эса: "Биз насронийлармиз", деган кишилар эканини кўрасиз. Бунга сабаб, уларнинг орасида олимлар ва роҳиблар бор эканлиги ва уларнинг кибр-ҳаво қилмасликларидир. 83. Улар Пайғамбарга нозил қилинган нарсани** *(Қуръонни)* **эшитган пайтларида унинг ҳақ эканини билганлари сабабли кўзларидан ёш қуйилаётганини кўрасиз. Улар дейдилар: "Парвардигоро, иймон келтирдик. Бас, бизни гувоҳлик бергувчилар қаторига ёзгин.**

Изоҳ. Ушбу оятлар Ҳабаш давлатидаги насронийлар ҳақида нозил бўлган. Исломнинг илк даврларида Макка мушриклари Пайғамбар алайҳис-саломга иймон келтирган саҳобаларга турли тазйиқлар ўтказиб, мусулмонлар учун Маккада яшаш ниҳоят даражада қийинлашиб кетганида Расулуллоҳ алайҳис-салом бир қанча саҳобага Ҳабаш юртига ҳижрат қилишни буюрдилар. У ерда насронийлар яшар эдилар. Мусулмонлар борганларида Ҳабашистон подшоҳи Нажоший улардан ким эканликларини ва қайси динга ишонишларини сўраб-суриштиради. Булар ўзларининг араб юртидан келганликларини, динлари Ислом, пайғамбарлари Муҳаммад алайҳис-салом эканини айтадилар. Нажоший: "Бу қандай дин ва қайси Китобга амал қилади, у қандай пайғамбар?", деб сўраганида, мусулмонлар Пайғамбар алайҳис-салом ҳақларида маълумот бериб, Исломнинг моҳиятини сўзлаб берадилар ва Қуръон оятларидан тиловат қиладилар. Шунда Нажоший ва бошқа насроний уламо-ва роҳиблар Ислом Ҳақ Дин эканига, Қуръоннинг эса Илоҳий Китоб эканига тан берадилар ва бу Китоб оятларининг таъсиридан кўз ёшларини тўхтата олмай қоладилар. Нажоший эса: "Бу Китоб билан бизнинг Инжилимизнинг асли - манбаи биттага ўхшайди", дейди ва мусулмонларга бу юртда бемалол яшашлари учун қулайликлар ҳозирлаб беришни буюради. Бу воқеалардан хабар топган ўша ерлик яҳудийлар: "Насронийлар ўз динларидан чиқиб, мусулмон бўлиб кетдилар", деб маломат қилганларида, насроний уламо ва роҳиблари уларга жавобан бундай дейдилар:

84. Бизга нима бўлдики, ўзимиз Оллоҳга ва бизга келган Ҳақ Динга ишонмаймиз-у, яна Парвардигоримиз бизни ҳам бу солиҳ қавм билан бирга *(жаннатга)* **дохил қилишини тамаъ қиламиз?!" 85. Бас, шу гаплари сабабли Оллоҳ уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий яшайдиган жаннатлар билан**

мукофотлади. Бу чиройли амал қилгувчиларнинг мукофотидир. 86. Кофир бўлган ва Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсалар эса жаҳаннам эгаларидир. 87. Эй мўминлар, Оллоҳ Сизлар учун ҳалол қилиб қўйган покиза нарсаларни ҳаром деманглар ва *(Оллоҳ белгилаган чегарадан)* тажовуз қилманглар! Албатта Оллоҳ тажовузкор кимсаларни севмас. 88. Оллоҳ сизларга ризқ қилиб берган ҳалол, пок нарсалардан енглар ва ўзларингиз иймон келтирган Оллоҳдан қўрқинглар! 89. Оллоҳ сизларни тилларингиздаги беҳуда қасамларингиз сабабли жазоламайди. Балки *(дилларингиздаги)* маҳкам туккан қасамлар сабабли *(агар шундай қасамни бузсангиз)* жазолайди. Бас, унинг каффорати ўз оилангизни боқадиган ўртача таомлардан ўнта мискинга таом бериш ёки уларнинг сарпосини қилиш, ёхуд бир қулни озод қилишдир. Ким *(бу нарсаларни)* топа олмаса, уч кун рўза тутсин! Мана шу - қасам ичган *(ва уни бузган)* пайтингиздаги қасамларингиз каффоратидир. Қасамларингизни *(бузишдан)* сақланингиз. Шукр қилишингиз учун Оллоҳ сизларга Ўз оятларини мана шундай очиқ-ойдин баён қилур. 90. Эй мўминлар, ароқ *(маст қиладиган ичкилик ичиш)*, қимор *(ўйнаш)*, тиклаб қўйилган бутлар *(яъни, уларга сиғиниш)* ва чўплар *(яъни, чўплар билан фолбинлик қилиш)* шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз, шояд нажот топсангиз! 91. Ароқ, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга бугзу адоват солишни ҳамда сизларни Оллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!

И з о ҳ: Бу ҳукм Қуръондаги ароқ, қимор... ҳақидаги охирги ҳукмдир, мусулмонлар мана шу ҳукмга амал қилишлари фарздир. Қуръон одатдагидек бу нарсаларни қуруқдан-қуруқ ҳаром дейиш билан кифояланмай, нима сабабдан ҳаром қилинганини ҳам баён қилади.

92. Оллоҳга итоат қилингиз, Пайғамбарга бўйинсунингиз ва *(ҳаромдан)* ҳазар қилингиз! Агар *(итоатдан)* бош тортсангиз, билингизки, Бизнинг Пайғамбаримиз *(Муҳаммад алайҳис-салом)* зиммасида фақат *(Бизнинг ҳукмларимизни)* очиқ-равшан қилиб етказиш бор, холос. 93. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун - агар *(ҳаром нарсалардан)* сақланиб, иймон ва яхши амалларида собит бўлсалар, сўнгра ўзларини сақлаб *(у нарсаларнинг ҳаромлигига)* иймон келтирсалар, сўнгра *(Оллоҳдан)* қўрқиб, чиройли амаллар қилсалар - *(илгари)* еб-ичган нарсаларида гуноҳ йўқдир. Оллоҳ чиройли амал қилгувчиларни севади. 94. Эй мўминлар, албатта Оллоҳ ким ғойибда *(кўрмай)* туриб Ўзидан қўрқишини билиш учун сизларни *(ҳаж сафарида бўлган чоғингизда)*

қўл ва найзаларингиз етгудек овлар билан имтиҳон қилур. Мана шу *(огоҳлантиришдан)* кейин ким ҳаддидан ошса, *(иҳромда бўлган ҳолда ов овласа)*, унинг учун аламли азоб бордир. 95. Эй мўминлар, иҳромда бўлган чогингизда бирон овни ўлдирманг! Сизларнинг орангиздан ким қасддан бирон овни ўлдирса, *(унинг зиммасида)* чорва молларидан ўлдирган ови баробарида жазо бордирки, у Каъбага етиб боргувчи ҳадя бўлиб, унга ўзларингдан икки адолат эгаси ҳакамлик қилур. Ёки *(унинг зиммасида)* каффорат - *(ўша овнинг қиймати баробарида)* мискинларга таом бериш ё ўз ишининг зиёнини тотиб кўриши учун шунинг *(яъни, ўша қийматнинг)* баробарида рўза тутиш бордир. Илгари ўтган нарсаларни *(яъни, иҳромда бўлган ҳолда қилинган овларни)* Оллоҳ афв этди. Ким яна қайтиб *(иҳромда туриб ов)* қилса, ундан Оллоҳ интиқом олур. Оллоҳ қудрат ва интиқом Соҳибидир. 96. Сизларга *(иҳромда бўлган пайтингизда ҳам)* ўзингиз ва бошқа мусофирлар фойдаланиши учун денгиз *(сув)* ови ва унинг емишлари *(яъни, сизлар овламай ўзи соҳилга чиқиб қолган нарсалар)* ҳалол қилинди. Ва модомики, иҳромда экансизлар, сизларга қуруқлик ови ҳаром қилинди. *(Қиёмат Куни)* сизлар даргоҳида тўпланадиган Оллоҳдан қўрқингиз! 97. Оллоҳ Каъба - Байтул-Ҳаромни, уруш ҳаром этилган ойни, ҳадя *(қурбонлик)* ва ҳадя белгиларини *(ҳадя учун аталган жониворларга осиб қўйиладиган ҳадялик аломатларини)* одамлар учун тўғрилик асоси қилиб қўйди.

И з о ҳ: Одамлар Каъбани муқаддас деб билганлари учун у ерда урушмас эдилар. Агар Каъбага бирон-бир қотил кириб қолса, то чиқмагунича унга тегмайдилар. Уруш ҳаром қилинган ойларда (Зул-қаъда, Зул-ҳижжа, Муҳаррам ва Ражаб ойларида) эса одамлар учун ҳеч қандай уруш хавфи йўқдир. Ёлгиз Оллоҳ Йўлига ҳадя (қурбонлик) қилинган ёки ҳадялик белгиси осиб қўйилган жониворларга ҳам ҳеч ким тегмас, агар очликдан силлалари қуриб қолса ҳам у жониворларни сўйиб еийишни гуноҳ деб билардилар. Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар кишиларда тўғрилик-ростлик хислатларини тарбиялашга қаратилган.

Бу *(нарса)* токи сизлар Оллоҳ осмонлар ва Ердаги бор нарсани билишини - Оллоҳ ҳамма нарсани Билгувчи эканини билишинглар учундир. 98. Албатта Оллоҳ азоби қаттиқ Зот эканини ва албатта Оллоҳ Магфиратли, Меҳрибон эканини билингиз! 99. Пайгамбар зиммасида фақат етказиш бор, холос. Оллоҳ ошкор қиладиган нарсангизни ҳам, яширадиган нарсангизни ҳам билур. 100. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Гарчи нопок нарсанинг кўплиги сизни қизиқтирса ҳам, нопок нарса пок нарсага баробар бўлмас. Бас, эй аҳли доniш, Оллоҳдан

қўрқингиз, шояд нажот топсаларингиз! 101. Эй мўминлар, *(Оллоҳ сизлардан кечиб юборган),* **очилганда сизларни хафа қиладиган нарсалар ҳақида сўраманглар! Қуръон нозил бўлаётганда у нарсалар ҳақида сўрасангиз, сизларга очиб берилади** *(яъни, зиммангизга юкланади).* **Ҳолбуки, Оллоҳ у нарсаларни кечиб юборган эди. Оллоҳ Мағфиратли, Ҳалимдир. 102. У нарсалар ҳақида сизлардан олдинги қавм сўраган эди. Сўнгра эса у нарсаларни инкор қилувчиларга айландилар.**

Изоҳ: Бани Исроил қавми ўз пайғамбарларидан Оллоҳ уларга буюрмаган нарсаларни сўрар эдилар. Кейин пайғамбар уларга ўша нарсаларни қилишга амр қилганида эса бош тортдилар. Шунинг учун Қуръон мусулмонларга Оллоҳ буюрмаган ишларни сўраб-суриштиравермай, ўзларига буюрилган ибодатларни сидқидилдан адо этаверишни уқтиради.

103. Оллоҳ на "баҳийра", на "соиба", на "васийла" ва на "ҳомий" қилишга *(буюргани)* **йўқ. Лекин кофир кимсалар Оллоҳ шаънига ёлғон тўқимоқдалар. Уларнинг кўплари ақлсиздирлар.**

Изоҳ: Ислом келишидан илгари арабларда шундай одат бор эди: бешта туққан туянинг қулоғини кесиб, бутларга ҳадя этардилар. Шундан кейин уни соғиш ҳаром деб ҳисобланар эди. Бундай туяни "баҳийра" деб аташарди. Бирон киши бетоб бўлиб қолса: "Соғайиб кетсам, туямни тангри йўлида ҳайдаб юбораман", деб қасам ичарди. Сўнг соғайгач, туясини кўчага ҳайдаб чиқарар ва ундан ҳеч ким фойдаланмас эди ва уни "соиба" деб аташар эди. Араблар кетма-кет иккита урғочи бўталоқ туққан она туяни ҳам "васийла" деб атаб, бутларга қурбонлик қилар эдилар. "Ҳомий" эса пуштидан ўн бўталоқ бўлган эркак туядир. Арабларнинг одатича, бундай туя ҳам ўз ишини қилиб бўлган деб ҳисобланиб, бўш қўйиб юборилар эди. Мазкур оят бу ишларнинг биронтаси Оллоҳнинг фармони эмаслигини ва хурофот эканлигини уқтиради.

104. Қачон уларга: "Оллоҳ нозил қилган нарсага ва Пайғамбарга келинглар", дейилса, улар: "Биз учун ота-боболаримизни нимaнинг *(яъни, қайси диннинг)* **устида топган бўлсак, ўша етарли", дейишади. Агар ота-боболари ҳеч нарсани билмайдиган ва Ҳақ Йўлни топа олмайдиган бўлсалар ҳам-а?! 105. Эй мўминлар, ўзингизни билингиз!** *(Яъни, гуноҳлардан сақланингиз!)* **Модомики, Ҳақ Йўлни тутган экансиз, адашган кимсалар сизларга зарар етказа олмас. Барчангиз ҳам Оллоҳга қайтишингиз бордир. Ана ўшанда Оллоҳ сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур.**

Изоҳ: Бу оятни Пайғамбар алайҳис-салом шундай шарҳлаган эканлар: "Яхшиликка юрингиз, ёмонликдан қайтингиз! Қачон

одамларнинг бахилликка, нафсу ҳавога ва молу дунёга берилиб кетганларини кўрсангиз, ўзингизни бу иллатлардан сақлангиз, шунда уларнинг қилган ишларининг сизга зарари бўлмайди."

106. Эй мўминлар, бировингизга ўлим келганда - васият қилар вақтида ўзингиздан *(яъни, мусулмонлардан)* бўлган икки адолат эгаси ёки агар бирор ерга сафар қилиб, ўша ерда сизга ўлим етган бўлса, *(қиладиган васиятларингизга)* ўзгалардан бўлган икки киши ўрталарингизда гувоҳ бўлсин! У гувоҳларни намоз ўқиб чиққанларидан кейин тутасизлар. Агар *(уларнинг адолат қилишига)* шубҳа қилсангиз, улар Оллоҳ номига *(бундай)* қасам ичадилар: "Гарчи гувоҳлик берилувчи, *(яъни, меросхўр)* қариндошимиз бўлса-да, бу қасамимизни озгина қийматга алмаштирмаймиз ва Оллоҳ учун берган гувоҳлигимизни яширмаймиз. Зотан, у ҳолда биз ҳеч шак-шубҳасиз, гуноҳкорлардан бўлиб қоламиз". 107. Агар уларнинг гуноҳкор бўлганлари *(яъни, ёлгон гувоҳлик берганлари)* маълум бўлиб қолса, у ҳолда уларнинг ўринларига турадиган, меросга ҳақдор кишилардан бўлган бошқа икки киши *(гувоҳлик бериш учун)* энг лойиқ кишилардир. Бас, бу иккови ҳам: "Бизнинг берган гувоҳлигимиз уларнинг гувоҳлигидан тўғрироқ, биз *(бу гувоҳлик беришда ҳақдан)* тажовуз қилганимиз йўқ. Чунки у ҳолда биз ҳеч шак-шубҳасиз, золимлардан бўлиб қолурмиз", деб Оллоҳ номига қасам ичадилар. 108. Мана шу рост гувоҳлик беришларига ёки қасамларидан кейин яна қайта қасамлар ичилишидан *(яъни, шарманда бўлишларидан)* қўрқишларига яқинроқ *(ҳукмдир)*. *(Эй мўминлар)*, Оллоҳдан қўрқингиз ва *(Унга)* қулоқ тутингиз! Зотан, Оллоҳ итоатсиз қавмни Ҳақ Йўлга ҳидоят қилмас. 109. Оллоҳ пайғамбарларини тўплаб: "Сизларга *(яъни, қилган даъватингизга умматларингиз томонидан)* қандай жавоб бўлди?", деб сўрайдиган Кунда, улар: "Биз билмаймиз. Фақат Сенинг Ўзинггина гайб илмларининг Билгувчисисан", дейдилар. 110. Эсланг, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Оллоҳ айтган эди: "Эй Ийсо бинни Марям, сенга ва волидангга берган неъматимни - сени Руҳул-Қудус *(Жаброил)* билан қувватлантирганимда одамларга бешикда *(гўдаклигингда)* ҳам балоғатга етган ҳолингдаги каби сўзлаганингни, сенга китоб - хат ва ҳикмат - илмни, Таврот ва Инжилни билдирганимни ва Менинг изним-ихтиёрим билан лойдан қуш тимсолини ясаганингни, сўнгра унга пуфлаганингда Менинг изним-ихтиёрим билан ростакам қушга айланганини, Менинг изним-ихтиёрим билан кўр ва песларни тузатганингни ва Менинг изним-ихтиёрим билан ўликларни *(тирилтириб қабрларидан)* чиқарганингни эслагин! Яна бани Исроилга бу мўъжизаларни келтирганингда уларни сени *(ҳалок қилишдан)* тўсганимни эслагин!

Ўшанда уларнинг ораларидаги кофир бўлган кимсалар: "Бу очиқдан-очиқ сеҳрдан ўзга нарса эмас", дейишган эди. 111. Яна ҳаворийларга *(сен орқали)*: "Менга ва пайғамбаримга иймон келтиринглар", деб ваҳий юборганимда, улар: "Иймон келтирдик. *(Эй Парвардигор)*, бизнинг бўйинсунгувчилар эканимизга Ўзинг шоҳид бўл", деганларини эслагин! 112. Ҳаворийлар: "Эй Ийсо бинни Марям, Парвардигоринг бизга осмондан бир дастурхон нозил қилишга қодирми?", деган пайтларида *(Ийсо уларга)*· "Агар мўмин бўлсангизлар, Оллоҳдан қўрқинглар", деб жавоб қилди. 113. Улар дедилар: "Биз *(фақатгина)* у дастурхондан ейишни ва кўнгилларимиз таскин топишини ҳамда сенинг рост сўзлаганингни аниқ билиб, *(у дастурхонга)* гувоҳ бўлгувчилардан бўлишни истаймиз". 114-115. *(Шунда)* Ийсо бинни Марям: "Оллоҳим, Парвардигоро, бизга осмондан бир дастурхон нозил қилгинки, у аввалу охиримиз учун байрам ва Сенинг оят-мўъжизанг бўлиб қолгай. Бизни *(шу неъматдан)* баҳраманд қилгил. Ўзинг энг яхши ризқ бергувчисан", деганида, Оллоҳ айтди: "Мен уни сизларга туширгувчиман. Аммо *(шундан)* кейин сизлардан кимда-ким кофир бўлса, уни шундай азобга гирифтор қиламанки, бутун оламлардан бирон одамни ундай азобламагайман". 116. Эсланг, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Оллоҳ: "Эй Ийсо бинни Марям, сен одамларга: "Оллоҳни қўйиб, мени ва онамни худо қилиб олинглар", деб айтдингми?", деганида, *(Ийсо)* айтди: "Эй Пок Парвардигор, ҳаққим бўлмаган нарсани айтиш мен учун дуруст эмас-ку. Агар айтган бўлганимда Сен албатта билар эдинг. Зотан, Сен дилимдаги бор нарсани билурсан. Аммо мен Сенинг ҳузурингдаги ҳеч нарсани билмасман. Фақат Сен Ўзинг ғайб илмларининг Билгувчисисан. 117. Мен уларга фақат Ўзинг менга амр қилган гапнигина айтдим: "Парвардигорим ва Парвардигорингиз бўлмиш Оллоҳга ибодат қилингиз!" Ва ораларида бўлган муддатимда уларнинг устида гувоҳ бўлиб турдим. Мени Ўз ҳузурингга чорлаганингдан кейин эса Сен Ўзинг уларнинг устида Кузатгувчи бўлдинг. Сен Ўзинг ҳамма нарсага Гувоҳдирсан. 118. Агар уларни азобласанг, улар Сенинг *(ожиз)* бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг қудрат, ҳикмат Эгасидирсан". 119. Оллоҳ айтди: "Бу Кун *(яъни Қиемат Куни)* ҳаққи-рост иймон келтирганларга рост сўзлари фойда берадиган Кундир". Улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Улар унда абадий қолажаклар. Улардан Оллоҳ рози бўлди, улар ҳам Оллоҳдан рози бўлдилар. Бу эса буюк саодатдир. 120. Осмонлар ва Ер ҳамда улардаги бор нарса Оллоҳнинг мулкидир. У ҳамма нарсага Қодирдир.

АНЪОМ сураси (6)

Маккада нозил қилинган, бир юз олтмиш беш оятдан иборат бу сурада сўз эътиқод ва иймон моҳияти устида боради. У мавзу эътибори билан Мадинада нозил бўлган Бақара, Оли-Имрон, Нисо ва Моида суралардан кескин фарқ қилади. Бу сурада Исломий жамиятнинг ўзига хос белгилари - рўза, ҳаж, оилавий масалалар ёки жиҳод ҳукмлари, ёхуд аҳли Китоблар ва бошқалар хусусида сўзланмайди. Балки унда эътиқод ва иймонга алоқадор марказий масалалар - Оллоҳнинг Зоти ва сифатлари, ваҳий ва пайғамбарлик моҳияти ҳамда қайта тирилиш ва Қиёмат Кунида бўладиган ҳисоб-китоб борасида фикр юритилади.

"Анъом"даги оятлар Оллоҳ яратувчиликда ҳам, ҳукмронликда ҳам, маъбудликда ҳам Ягона, деб уқтиради. Яна у пайғамбарлар отаси - Иброҳим алайҳис-салом ва унинг зурриётидан бўлган бир қанча пайғамбарлар ҳақида ҳикоя қилади. Булардан ташқари, яшаб турган дунёмиз инсон учун синов-имтиҳон олами эканлиги айтилиб, инсон бу дунёда Оллоҳнинг халифасидир, деб таъкидланади. Бинобарин, бу дунёни обод-осойишта қилиш ҳам, хароб-вайронага айлантириш ҳам инсоннинг ўз қўлида эканлиги яна бир бора эслатиб ўтилади. Бошқа суралар бўлиниб-бўлиниб, ҳар хил муддатларда нозил қилингани ҳолда, бу сура Маккада бир кечада дафъатан тўла нозил бўлган.

Бу сурада яна чорва ҳайвонлари ва улар ҳақидаги ҳукмлар ҳам баён этилгани учун у "Анъом" - "Чорвалар" деб аталади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Ҳамду сано осмонлар ва Ерни яратган, зулматлар ва нурни таратган Оллоҳ учундир. Сўнгра *(яъни, Ягона Оллоҳ таолонинг Ўзигин Маъбуди барҳақ эканлиги ҳақидаги ҳужжатларни кўра туриб)* **кофир бўлган кимсалар Парвардигорларига** *(ўзгаларни)* **тенглаштирадилар. 2. У сизларни** *(Отангиз Одам Атони)* **лойдан**

яратиб, сўнгра ажални *(яъни, тириклик муддатини)* белгилаб қўйган Зотдир. Унинг ҳузурида яна бир белгиланган ажал *(яъни, тирилиш муддати)* бордир. Шундан кейин ҳам сизлар *(эй кофирлар)*, шак-шубҳа қилмоқдасиз. 3. У осмонлару Ердаги Якка-ю Ягона Оллоҳдир. У сизларнинг яширган сирингизни ҳам ошкор қилган нарсангизни ҳам, қилган касбу корингизни ҳам билур. 4. Уларга *(яъни, кофирларга)* Парвардигорларининг оятларидан қандай оят келмасин, албатта ундан юз ўгирувчи бўлдилар. 5. Уларга Ҳақ *(Қуръон)* келганда уни ҳам ёлғон дедилар. Энди яқинда уларга ўзлари масхара қилувчи бўлган нарсанинг хабарлари келажак *(яъни, Қуръонда айтилган хабарлар ҳақ эканлигини билиб оладилар)*. 6. Улардан илгари неча асрларни *(замонларни)* ҳалок қилганимизни кўрмадиларми?! Биз уларга *(яъни, ўша асрларда яшаган одамларга)* Ерда сизларга бермаган жойларни - имкониятларни берган, устларидан самони *(яъни, емгирни)* сероб қилиб юборган, остларидан дарёларни оқизиб қўйган эдик. Бас, гуноҳлари сабабли ўшаларни ҳам ҳалок қилдик ва улардан сўнг яна бошқа асрларни пайдо қилдик. 7. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, агар Сизга қоғозга *(ёзилган)* бир мактуб туширсак ва уни қўллари билан ушлаб кўрсалар ҳам кофир бўлган кимсалар: "Бу очиқ сеҳрдан ўзга нарса эмас", деган бўлур эдилар. 8. Улар: "Унга *(яъни, Муҳаммадга пайғамбарлигини тасдиқ этадиган)* бирон фаришта тушса эди", дедилар. Агар фаришта туширсак, иш тугатилган бўлур эди. Сўнгра уларга қараб турилмас - муҳлат берилмас.

И з о ҳ: Бу оятни шундай тушунмоқ лозим: агар осмондан улар талаб этган фаришта тушса-ю, шундан кейин ҳам иймон келтирмай куфрларида оёқ тираб туриб олсалар, "иш тугатилган", яъни, ҳеч қандай муҳлат берилмай, улар дарҳол ҳалок қилинган бўлур эдилар. Айрим ишонмайдиган кимсалар: "Ахир Пайғамбар бизга ўхшаган одам экан, фаришта бўлганида унга иймон келтирардик", деганларида, уларга жавобан қуйидаги оят нозил бўлди.

9. Агар унинг *(Пайғамбарнинг)* ўзини фаришта қилсак ҳам, уни эр киши *(яъни, инсон суратида)* қилган ва уларга ноаниқ ҳолда турган нарсани яна хиралаштирган бўлур эдик.

И з о ҳ: Чунки фаришталар нурдан яратилган бўлганлари учун агар инсон суратига киритилмаса, кишилар уларни кўра олмайдилар. Инсон суратида кўрганларида эса фаришта эканлигига ишонмайдилар.

10. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиздан аввал ўтган пайғамбарларнинг устидан ҳам масхара қилиб кулинган. Сўнг уларни масхара қилган кимсаларни ўша масхара - кулгилари ўраб, *(домига тортиб)* кетган *(яъни, ҳалок қилган).* 11. Айтинг: "Ерни айланиб сайру саёҳат қилинглар, сўнгра *(пайғамбарларни)* ёлғончи қилгувчиларнинг оқибати қандоқ бўлганини кўринглар". 12. Айтинг *(сўранг):* "Осмонлар ва Ердаги нарсалар кимники?" Айтинг: "Оллоҳники". У Ўз устига *(осмону Ердаги бор мавжудотга)* раҳмат-марҳамат қилишни ёзиб қўйгандир. У албатта сизларни ҳеч шак-шубҳасиз, бўлган Қиёмат Кунига тўплайди. Фақат ўзларига зиён қилган кимсаларгина иймон келтирмайдилар. 13. Кеча ва кундузга жо бўлган бор нарса Унингдир. У Эшитгувчи, Билгувчидир. 14. Айтинг: "Ўзи ризқланмай - таомланмай *(барчани)* таомлантирадиган, осмонлар ва Ернинг Яратгувчиси бўлган Оллоҳдан ўзгани дўст тутайми?!" Айтинг: "Албатта мен Оллоҳга бўйинсунгувчи кишиларнинг аввалгиси бўлишга маъмурман *(амр қилинганман)*". Ҳаргиз мушриклардан бўлманг! 15. Айтинг: "Албатта мен агар Парвардигоримга итоатсизлик қилсам, Улуғ Кунда *(Қиёматда Оллоҳ томонидан)* бўладиган азобдан қўрқаман". 16. Ўша Кунда кимдан *(азоб)* четлатилса, бас, унга *(Оллоҳ)* раҳм қилибди. Мана шу очиқ нажотдир! 17. *(Эй инсон),* агар Оллоҳ сени *(камбағаллик, хасталик каби)* бирон зиён билан ушласа, бас, уни фақат Ўзигина аритгувчидир. Агар сени бирон яхшилик билан ушласа, бас, *(билгинки),* У ҳамма нарсага Қодирдир. 18. Унинг Ўзи бандалари устида Ғолибдир. Унинг Ўзи ҳикмат Соҳиби, *(ҳар нарсадан)* Огоҳдир. 19. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг *(сўранг):* "Қай нарса *(менинг ҳақ Пайғамбар эканимга)* энг улуғ гувоҳ бўлур?" Айтинг: "Оллоҳ мен билан сизларнинг ўртамизда Гувоҳдир. Сизларни ва Қуръон етиб борган *(барча)* кишиларни *(Охират азобидан)* огоҳлантиришим учун менга - мана шу Қуръон ваҳий қилинди. Сизлар ҳақиқатан ҳам Оллоҳ билан бирга бошқа худолар ҳам бор эканлигига гувоҳлик бера оласизми?" Айтинг: "Мен бундай гувоҳлик бермайман!" Айтинг: "Ҳеч шак-шубҳасиз, Оллоҳ Якка-ю Ягонадир. Албатта мен сизларнинг ширкингиздан покман". 20. Биз Китоб ато қилган кимсалар *(яъни, яҳудий ва насронийлар Таврот ва Инжил Китобларида келган хабарлар сабабли)* уни *(Муҳаммад Пайғамбарни)* ўз болаларини таниган каби танийдилар. *(Лекин)* улар ўзларига зиён қилган кимсалардир, бас, улар иймон келтирмайдилар. 21. Оллоҳ шаънига ёлғон туқиган ёки Унинг

оятларини ёлғон деган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Албатта бундай золимлар нажот топмаслар. 22. Биз уларнинг барчаларини тўплаб, сўнгра мушрик бўлган кимсаларга: "Сизлар *(Оллоҳнинг шериклари деб)* гумон қилган бутларингиз қани?!", деб сўрайдиган Кунимизни *(эсланг)!* 23. Кейин уларнинг алдов-ёлғонлари фақат шу бўлур: "Парвардигоримиз Оллоҳга қасамки, бизлар мушрик эмас эдик". 24. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, улар *(барча сирларни Билгувчи бўлган Оллоҳ таоло ҳузурида ёлғон сўзлаш билан)* ўзларини қандай алдаганликларини кўринг! Улар ўзларича тўқиб олган "худолари" ҳам *(уларга бирон ёрдам қилолмади -)* йўқ бўлиб қолди! 25. Улардан Сизга қулоқ тутадиганлари ҳам бор, *(лекин)* Биз улар уни *(Қуръонни)* англамасликлари учун дилларини пардалаб, қулоқларини эса оғир қилиб қўйдик. Улар бор оятларни *(мўъжизаларни)* кўрсалар ҳам, у *(оят)*ларга иймон келтирмайдилар. Ҳаттоки Сиз билан жанжаллашгани олдингизга келган пайтларида ҳам кофир бўлган кимсалар: "Бу *(Қуръон)* фақат аввалгилардан қолган афсоналар, холос", дейдилар. 26. Улар *(ўзгаларни)* ундан *(Қуръондан)* қайтарадилар ва ўзлари ҳам ундан четланадилар. Улар ўзлари сезмаган ҳолларида фақат ўзларини ҳалок қиладилар, холос. 27. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, уларни дўзах устида турғазиб қўйилган пайтларида: "Қани энди бизлар *(дунёга)* қайтарилсак ва Парвардигоримизнинг оятларини ёлғон демай, мўминлардан бўлсак", деганларини кўрсангиз эди. 28. Йўқ, *(улар иймонга келмайдилар. Фақат ҳозир - Қиёмат Кунида)* уларга илгари яшириб юрган нарсалари ошкор бўлиб қолди, холос. Агар *(дунёга)* қайтарилсалар, шубҳасиз, улар яна ўзлари, манъ қилинган ишларга қайтадилар. Албатта улар ёлғончидирлар. 29. Улар: "Ҳаёт фақат дунёдаги ҳаётимиздир. Биз ҳеч қайта тирилгувчи эмасмиз", деб айтадилар. 30. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз уларни Парвардигорлари ҳузурида турғазиб қўйилган пайтларида, *(Оллоҳ)*: "Мана шу *(қайта тирилиш)* ҳақ эмас эканми?!", деганида, улар: "Парвардигоримизга қасамки, *(ҳақ экан)*", деганларини, *(Оллоҳ)* эса: "Мана энди кофир бўлиб ўтганингиз сабабли азобни тотиб кўрингиз!", деб жавоб қилганини кўрсангиз эди. 31. Оллоҳга рўбарў бўлишни ёлғон деб юрган кимсалар то тўсатдан Қиёмат келиб қолганда устларига гуноҳларини орқалаб олган ҳолларида: "У *(дунё)*да қилган сусткашлигимизга ҳасрат-надоматлар бўлгай", деб қоладиган пайтларигача ўзларига зиён қилаверадилар. Ў, нақадар ёмон нарсани орқалаб юрадилар-а! 32. Бу ҳаёти дунё фақат *(бир*

нафсалик) ўйин-кулгидир, холос. Албатта Оллоҳдан қўрқадиган кишилар учун Охират диёри яхшироқдир. Ахир ақл юргизмайсизларми?! 33. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* албатта Биз уларнинг гаплари Сизни маҳзун қилишини билурмиз. Зотан, улар Сизни ёлғончи қилмайдилар, балки бу золимлар Оллоҳнинг оятларини инкор қиладилар. 34. Маълумки, Сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилинганлар. Сўнг, то уларга Бизнинг ёрдамимиз келгунича ёлғончи қилинганларига ва чеккан азийятларига сабр қилганлар. Оллоҳнинг *("Пайғамбарларимни Ўзим қўллагайман", деган)* Сўзларини ўзгартира олгувчи бирон кимса йўқдир. Ахир Сизга *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* ўтган пайғамбарларнинг хабарларидан ҳам келган-ку! 35. Агар Сизга уларнинг *(иймондан)* юз ўгиришлари оғир ботиб *(сабр қила олмасангиз),* у ҳолда Сиз Ерга *(кириб кетадиган)* бирон тешик ёки осмонга *(чиқиб кетадиган)* бирон нарвон истаб - топиб, уларга *(Биз Сизга туширган Қуръондан бошқа бирон)* оят-мўъжиза келтиришга қодир бўлсангиз *(шундай қилаверинг).* Агар Оллоҳ хоҳлаганда албатта уларни ҳидоят устида жамлаган бўлур эди-ку! Бас, ҳаргиз жоҳиллардан бўлманг! 36. Албатта эшита оладиган зотларгина *(Сизнинг даъватингизни)* қабул қилурлар. Ўликларни *(кофирларни)* эса *(Қиёмат Куниди)* Оллоҳ тирилтирур. Сўнгра Ўзига қайтарилурлар. 37. *(Мушриклар):* "Унга *(яъни, Муҳаммадга)* Парвардигоридан бирон оят-мўъжиза туширилса эди", дедилар. Айтинг: "Албатта Оллоҳ *(улар истаган)* оятни туширишга Қодирдир. Лекин уларнинг кўплари *(ўша мўъжиза тушганидан кейин ҳам инкор қилсалар, қандай бало келишини)* билмайдилар". 38. Ерда судралиб юрган ҳар бир жонивор, осмонда қанот қоқаётган ҳар бир қуш худди сизлар каби *(Бизнинг қўл остимиздаги)* жамоалардир. Биз Китобда *(яъни, тақдири азал Китоби бўлмиш Лавҳул-Маҳфузда)* бирон нарсани қўймай *(ёзганмиз).* Кейин *(ҳаммалари)* Парвардигорлари даргоҳига тўпланурлар. 39. Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсалар зулматларда қолган кар-соқовдирлар. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини адаштирур, Ўзи хоҳлаган кишини Тўғри Йўлда *(барқарор)* қилур. 40. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Агар сизлар *("Оллоҳдан ўзга илоҳлар бор", деган сўзингизда)* ростгўй бўлсангизлар, хабар берингиз-чи, агар сизларга Оллоҳнинг азоби келса ёки сизларга Соат келса *(яъни, Қиёмат қойим бўлса),* Оллоҳдан ўзгага дуо-илтижо қиласизларми?! 41. Йўқ, Унинг Ўзигагина дуо-илтижо қиласизлар, бас, агар хоҳласа, У Зот сизлар

дуо-илтижо қилган нарсани *(бало-мусибатни)* аритур. Сизлар *(У Кунда)* Оллоҳга шерик деб биладиган бутларингизни унутиб юборурсизлар". 42. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* маълумки, Сиздан аввалги миллатларга ҳам элчилар юборганмиз. *(Элчиларимизни улар ёлғончи қилишгач),* шояд тавба-тазарруъ қилсалар, деб уларни бало ва зиёнлар билан ушлаганмиз. 43. Бизнинг балойимиз етганда ҳам тазарру қилмадиларми?! *(Албатта тавба-тазарру қилишлари лозим эди),* лекин уларнинг диллари қотиб қолган ва шайтон уларга ўзлари қилиб юрган ишларини чиройли кўрсатиб қўйгандир. 44. Энди - қачонки улар ўзлари учун эслатма қилиб берилган нарсани унутишгач, Биз уларга ҳамма нарсанинг эшикларини очиб қўйдик. Қачонки ўзларига берилган нарсалар билан шод турганларида, Биз уларни тўсатдан *(азоб билан)* ушладик. Бас, бутунлай номурод бўлдилар. 45. Бас, бутун оламларнинг Парвардигори - Оллоҳга ҳамд бўлсинки, золим қавмнинг думлари қирқилди *(ҳалок қилиндилар).* 46. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Хабар берингиз-чи, агар Оллоҳ қулоқ ва кўзларингизни тортиб олса ва дилларингизни муҳрлаб қўйса, Оллоҳдан ўзга қайси бир илоҳ у аъзоларни сизларга келтириб берур?" Қаранг, Биз оятларни қандай баён қилмоқдамиз, сўнгра улар юз ўгирмоқдалар. 47. Айтинг: "Хабар берингиз-чи, агар сизларга Оллоҳнинг азоби тўсатдан ёки очиқдан-очиқ *(яъни, кечаси ёки кундузи)* келса, золим қавмдан ўзга биров ҳалок қилинурми?! *(Йўқ, фақат золим қавм, яъни, сизлар ҳалок қилинурсизлар).* 48. Биз пайғамбарларни фақат *(жаннат ҳақида)* хушхабар элтгувчи ва *(дўзах азобидан)* огоҳлантиргувчи бўлган ҳолларидагина юборамиз. Бас, кимлар иймон келтириб, *(ўзларини)* тузатсалар, уларга хавфу хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмаслар. 49. Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсалар эса итоатсиз бўлганлари сабабли азобга гирифтор бўлурлар. 50. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Мен сизларга: "Ҳузуримда Оллоҳнинг хазиналари мавжуд", демайман ва ғайбни ҳам билмайман. Яна сизларга: "Мен фариштаман", ҳам демайман. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинадиган нарсаларгагина эргашурман". Айтинг: "Кўр билан кўргувчи *(яъни, йўлсиз билан Оллоҳнинг Йўлида юргувчи)* киши баробар бўлурми?! Ахир тафаккур қилмайсизларми?!" 51. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* бу *(Қуръон)* билан ўзлари учун Оллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир қўлловчи бўлмаган ҳолда Парвардигорлари даргоҳида тўпланишдан қўрқадиган зотларни огоҳлантиринг! Шояд улар *(Оллоҳдан)*

қўрқсалар. 52. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз эрта-ю кеч Парвардигорларининг Юзини истаб Унга илтижо қиладиган зотларни *(ҳузурингиздан)* ҳайдаманг! Сизнинг зиммангизда уларнинг ҳисоб-китобларидан ҳеч нарса йўқдир ва сизнинг ҳисоб-китобингиздан уларнинг зиммаларида ҳеч нарса йўқдир. Бас, уларни ҳайдаб золимлардан бўлиб қолманг! 53. "Бизларнинг орамиздан ана ўшаларга Оллоҳ инъом қилган эмишми?", дейишлари учун уларнинг баъзиларини баъзилари билан ана шундай имтиҳон қилдик. Ахир шукр қилгувчиларни Оллоҳ яхшироқ Билгувчи эмасми?!

Изоҳ: Юқоридаги икки оятнинг нозил бўлишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган. Маълумки, Пайғамбар алайҳис-саломга иймон келтириб, итоат этган кишиларнинг кўпчилиги камбағал-бечоралар эди. Улар кеча-ю кундуз сидқидилдан Оллоҳга ибодат қилар эдилар. Буни кўрган Макка зодагонлари Пайғамбар алайҳис-саломга: "Агар мана шу яланғоеқларни ҳузурингдан ҳайдаганингда бизлар сенга эргашар эдик", дейишади. Шунда Пайғамбарнинг кўнгиллари бўлинмаслиги учун юқоридаги: "Бас, уларни ҳайдаб золимлардан бўлиб қолманг!", деган калималар билан туғалланган оят нозил бўлади. Кейин эса мушриклар: "Агар Муҳаммаднинг йўли ҳақ бўлганида ўша йўлга бизлар юрган бўлур эдик. Чунки тангри ҳеч қачон биздек зодагонларни қўйиб, у яланғоёқларга Тўғри Йўлни инъом этмайди", деб даъво қиладилар. Қуръон бу ҳолни бойларни камбағаллар билан имтиҳон қилиш, деб атаб: "Ахир шукр қилгувчиларни Оллоҳ яхшироқ Билгувчи эмасми?", дейди.

54. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* қачон Сизнинг олдингизга Бизнинг оятларимизга иймон келтирадиган зотлар келсалар Сиз уларга: "Салом алайкум - сизларга тинчлик бўлсин, Парвардигорингиз Ўз зиммасига раҳмат - марҳамат қилишни ёзгандир. Сизлардан ким билмасдан бирон ёмонлик *(гуноҳ)* қилса, сўнгра ўша ёмонликнинг кетидан тавба қилиб, *(ўзини)* тузатса, бас, *(гуноҳи кечирилади),* албатта *(Оллоҳ)* Мағфиратли, Меҳрибондир", деб айтинг. 55. *(Ҳақиқий мўминлар кимлар экани маълум бўлиши)* ва жиноятчи кимсаларнинг йўли ошкор бўлиши учун оятларимизни мана шундай муфассал қилурмиз. 56. Айтинг: "Мен Оллоҳни қўйиб - сизлар илтижо қилаётган бутларга бандалик қилишдан қайтарилганман". Айтинг: "Мен сизларнинг ҳавойи-нафсларингизга эргашмайман. Зеро, у ҳолда йўлдан озурман ва ҳидоят топгувчилардан бўлмай қолурман". 57. Айтинг: "Мен Парвардигорим тарафидан *(Унинг Ёлғиз Маъбуд эканлиги*

хусусида) аниқ ҳужжатга эгаман. Сизлар эса уни *(яъни, Оллоҳ Ягона Тангри эканини)* ёлғон дедингиз. Сизлар шоштираётган нарса *(яъни, Оллоҳнинг азоби)* менинг илгимда эмас, ҳукм қилиш фақат Оллоҳнинг Ўзига хосдир. У Зот фақат ҳақни сўйлар. У *(Ҳақ билан ноҳақни)* ажраттувчиларнинг энг яхшисидир. 58. Айтинг: "Агар сизлар шоштираётган нарса менинг илгимда бўлганида эди, албатта сизлар билан ўртамиздаги иш тугаган бўлур эди *(яъни, мен сизларни дарҳол азоблаган бўлур эдим)*. Оллоҳ золимларни жуда яхши Билгувчидир". 59. Ғайб очқичлари Унинг ҳузуридадирким, уларни Ёлгиз Ўзигина билур. У қуруқлик ва денгиздаги бор нарсаларни билур. Бирон барг *(шохидан узилиб)* тушмас, магар У билур. Ер тубларидаги ҳар бир дон, бор ҳўлу қуруқ нарса, албатта Очиқ Китобда *(яъни, Лавҳул-Маҳфузда)* мавжуддир. 60. У кечаси "жонларингизни оладиган" *(яъни, уйқу берадиган)*, кундузи қилган ишингизни Биладиган Зотдир. Сўнгра айтилган ажал *(яшаш учун берилган муҳлат)* адо қилиниши учун унда *(яъни, кундузи)* сизларни "тирилтирур". Кейин Ўзига қайтишингиз бордир. Сўнгра сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур. 61. У бандалари устида Ғолиб бўлган Зотдир. У Зот сизларнинг устингизга *(қилган амалларингизни)* ёдлаб олгувчи фаришталарни элчи қилиб юборур. Қачонки бировингизга ўлим келса, элчиларимиз сусткашлик қилмаган ҳолларида унинг жонини олурлар. 62. Сўнгра *(бандалар)* ҳақиқий Хожалари - Оллоҳга қайтарилурлар. Огоҳ бўлингизким, ҳукм қилиш Унинг Ўзигагина хосдир ва У жуда тез ҳисоб-китоб қилгувчидир. 63. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Сизлар *(бошларингизга турли кулфат-балолар тушганда)*: "Қасамки, агар бизга мана шу *(балолардан)* нажот берса, албатта шукр этгувчилардан бўлурмиз, деб *(ошкора ва)* хуфёна тавба-тазарру қилган ҳолда, илтижолар қиладиган пайтларингизда сизларга қуруқлик ва денгиз зулмат - балоларидан ким нажот берур?" 64. Айтинг: "Сизларга у *(бало)*лардан ҳам, барча ғамлардан ҳам Оллоҳнинг Ўзи нажот берур. Сўнгра сизлар яна ширк келтирурсиз!". 65. Айтинг: "*(Оллоҳ)* сизларга устингиздан ё оёқларингиз остидан азоб юборишга ёки сизларни гуруҳ-гуруҳ қилиб аралаштириб - қориштириб *(яъни, бири бирига душман тўдаларга айлантириб)* юбориб айримларингизга айримларингизнинг зарарини тотдириб қўйишга Қодир бўлган Зотдир". Қаранг, англаб етармиканлар, деб оятларимизни қандай баён қилмоқдамиз.

И з о ҳ: Дарвоқеъ, англаб етмоғимиз зарурки, мусулмонлар учун энг улкан бало, уларнинг бир-бирларига душман тўдаларга айланиб олишларидир. Ҳазрати Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бу хусусда шундай деганлар: "Мен Оллоҳ таолодан умматимга устиларидан ёки оёқларининг остидан бало - азоб юбормаслигини сўраган эдим. У Зот сўраганимни берди, аммо улар бир-бирларига ёвлашмасликларини сўраганимда У Зот сўраганимни бермади. Жаброилнинг хабар беришича, менинг умматим бир-бирларига қарши кўтарган қиличлари сабабли йўқ бўлар экан". (Тафсири Насафийдан).

66-67. Қавмингиз уни *(яъни, Қуръонни)* **ёлғон деди. Ҳолбуки, у ҳақдир. Уларга айтинг: "Мен устингизда вакил - қўриқчи эмасман. Ҳар бир хабарнинг ўз ўрни бор. Яқинда билажаксиз". 68. Қачон Бизнинг оятларимизни** *(масхара қилишга)* **киришаётган кимсаларни кўрсангиз, то улар бошқа гапга киришгунларича Сиз улардан юз ўгиринг! Энди агар шайтон ёдингиздан чиқарса, эслаганингиздан сўнг бу золим қавм билан бирга ўтирманг! 69. Тақво қилгувчи зотлар зиммасида у** *(қавм)***нинг ҳисоб-китобидан ҳеч нарса йўқ, лекин улар** *(яъни, ўша жоҳил кимсалар Бизнинг оятларимизни масхара қилишдан)* **сақланишлари учун** *(тақводор зотлар уларга)* **эслатиб қўймоқлари** *(лозимдир)*. **70.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз динларини ўйин-ҳазил қилиб олган, ҳаёти дунёга алданиб қолган кимсаларни тарк қилинг! Ва уни** *(яъни, Қуръонни, одамларга)* **эслатиб қўйинг! Токи бирон жон** *(Қиёмат Кунида)* **ўзи учун Оллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир қўлловчи бўлмаган, агар бор нарсани берса ҳам - ундан қабул қилинмайдиган ҳолда, касб қилган** *(гуноҳлари)* **сабабли ҳалокатга** *(дўзахга)* **ташланмасин. Ана ўша кимсалар қилган амаллари сабабли** *(Оллоҳнинг азобига)* **ташланурлар. Улар учун кофир бўлганлари сабабли қайноқ сувдан иборат ичимлик ва аламли азоб бордир. 71. Айтинг: "Оллоҳдан ўзга, бизга фойда ҳам, зиён ҳам келтирмайдиган нарсага дуо-илтижо қиламизми ва Оллоҳ бизни ҳидоят қилганидан сўнг яна ортимизга** *(динсизликка)* **қайтариламизми? Худди жинлар чалиб лол-ҳайрон ҳолда** *(номаълум)* **ерга олиб кетган ва дўстлари: "Кел", деб ҳидоятга чорлаётган** *(аммо дўстларининг бу даъватларига қулоқ солмаётган)* **кимсага ўхшаб-а?" Айтинг: "Оллоҳнинг Йўлигина Тўғри Йўлдир. Биз барча оламлар Парвардигорига бўйинсунишга маъмурмиз** *(амр этилганмиз)*. **72.** *(Бизларга)* **"Намозни тўкис адо қилингиз ва** *(Оллоҳдан)* **қўрқингиз",** *(деб буюрилгандир)*. **У** *(ҳаммангиз Қиёмат Кунида)* **ҳузурига тўпланадиган Зотдир. 73. У осмонлар ва Ерни**

ҳаққи рост яратган Зотдир. У: "Бўл", деган куни *(барча нарса пайдо)* бўлур. Унинг Сўзи Ҳақдир. Сур чалинадиган *(яъни, Қиёмат қойим бўладиган)* Кунда подшоҳлик Ёлгиз Уникидир. У гайб ва шаҳодатни *(яъни, яширин ва ошкора нарсаларни)* Билгувчидир. У ҳикмат Соҳиби ва *(барча нарсадан)* Хабардор бўлган Зотдир". 74. Эсланг, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Иброҳим отаси Озарга: "Сен бутларни худо қилиб оляпсанми? Мен сени ва қавмингни очиқ залолатда деб биламан", деган эди. 75. Шундай қилиб Биз Иброҳимга *(ўзи учун ҳужжат қилиб олиши)* ва аниқ ишонувчилардан бўлиб қолиши учун осмонлар ва Ер мамлакатларини кўрсатурмиз. 76. Бас, қачонки уни тун ўраб олганида юлдузни кўриб: "Мана шу Парвардигорим", деди.

Изоҳ: Иброҳим алайҳис-салом бу сўзларни эътиқод қилиб эмас, балки юлдуз, ой ва қуешни илоҳ деб сигинаетган мушрикларга танбеҳ бўлсин, деб айтгандирлар.

У ботиб кетгач: "Ботиб кетгувчиларни суймайман", деди. 77. Сўнг қачонки чиқаётган ойни кўргач: "Мана шу Парвардигорим", деди. У ҳам ботиб кетгач: "Қасамки, агар Парвардигоримнинг Ўзи мени ҳидоят қилмаса, йўлдан озган қавмдан бўлиб қолурман", деди. 78. Сўнг қачонки чиқаётган қуёшни кўргач: "Мана шу Парвардигорим. Мана шу каттароқ-ку!", деди. У ҳам ботиб кетгач: "Эй қавмим, мен сизларнинг ширкингиздан покман. 79. Мен Ҳақ Йўлга мойил бўлган ҳолимда юзимни осмонлар ва Ерни яратган Зотга қаратдим ва мен мушриклардан эмасман", деди. 80. Қавми у билан тортишган эди: "Мен билан Оллоҳ хусусида тортишасизми?! Ахир Унинг Ўзи мени ҳидоят қилди-ку?! Мен сизлар Оллоҳга шерик қилган *(бутларингиздан)* қўрқмайман. *(Чунки у бутлар ҳеч қандай зиен етказа олмас)*, магар Парвардигорим хоҳлаган нарсагина *(бўлур)*. Парвардигорим барча нарсани Ўз илми билан қамраб олгандир. Эслатма - ибрат олмайсизлармиҳ?!", деди. 81. "Сизларга *(Оллоҳ)* бирон ҳужжат туширмаган ҳолда *(мана бу бутларни)* Оллоҳга шерик қилишдан қўрқмайсиз-у, мен сизлар Оллоҳга шерик қилиб олган бутларингиздан қандай қўрқай?! Агар билсангизлар *(айтинглар-чи)*, қайси гуруҳ *(қўрқмай)* хотиржам бўлишга ҳақлироқ?" 82. Иймон келтирган ва ўз иймонларини зулм *(ширк)* билан аралаштирмаган зотлар - ана ўшалар учун хотиржамлик бордир ва ўшалар ҳидоят топгувчидирлар. 83. Мана шулар Бизнинг Иброҳимга қавми устида берган ҳужжатларимиздир. Биз Ўзимиз хоҳлаган кишиларни *(мана шундай баланд)* даражаларга кўтарурмиз. Албатта

Парвардигорингиз ҳикмат Эгаси ва Билгувчидир. 84. Биз унга *(Иброҳимга фарзандлари)* Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик. Буларнинг барчаларини Биз ҳидоят қилдик. Илгари Нуҳни ҳам Биз ҳидоят қилган эдик. Унинг *(Нуҳнинг)* зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни *(ҳам Биз ҳидоят қилдик)*. Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз. 85. Закариё, Яҳё, Ийсо ва Илёсни *(ҳам Биз ҳидоят қилдик)*. Барчалари солиҳ бандалардандир. 86. Исмоил, ал-Ясаъ *(Ювшаъ пайғамбар)*, Юнус ва Лутни *(ҳам Биз ҳидоят қилдик)* ва барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик. 87. Уларнинг ота-боболаридан, зурриётларидан ва биродарларидан ҳам *(Ўзимиз хоҳлаган кишиларни Ҳақ Йўлга ҳидоят қилдик)*. Биз уларни сайлаб, Тўғри Йўлга ҳидоят қилдик. 88. Бу Оллоҳнинг ҳидояти бўлиб, у билан бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Агар улар мушрик бўлганларида қилган амаллари беҳуда кетган бўлур эди. 89. Ана ўша зотларга Биз Китоб, ҳикмат ва пайғамбарлик берганмиз. Бас, агар бу оятларни ана улар *(яъни, Макка мушриклари)* инкор этсалар, Биз бу *(оятларни)* инкор қилмайдиган қавм *(яъни, мўмин-мусулмонлар)* учун тайёрлаб қўйганмиз. 90. Ана ўша *(юқорида мазкур бўлган зотлар)* Оллоҳ ҳидоят қилган кишилардир. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз ўшаларнинг йўлларигагина эргашинг! *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Мен сизлардан бунинг учун *(яъни, Қуръон учун)* ҳақ сўрамайман. Бу *(Китоб)* бутун оламлар учун эслатма - ҳужжатдир, холос". 91. *(Яҳудийлар)*: "Оллоҳ башарга ҳеч нарса нозил қилган эмас", деган пайтларида, Оллоҳни тўғри таний олмадилар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз *(уларга)*: "Одамлар учун нур ва ҳидоят бўлган ҳолида Мусо келтирган, сизлар дафтар қилиб олиб *(айрим оятларни)* кўрсатиб, *(Муҳаммад Пайғамбар ҳақидаги)* кўп *(оят)*ларини эса яшириб юрадиган Китобни *(Тавротни)* ким нозил қилган эди?! *(Ахир ўша Китобда)* сизларга ўзларингиз ҳам, ота-боболарингиз ҳам билмаган нарсалар таълим берилган эди-ку?!", деб айтинг. Сиз ўзингиз "Оллоҳ", деб *(жавоб қилинг)*. Сўнгра уларни ўзлари шўнғиган *(нотўғри йўлларида адашган)* ҳолларида тарк этинг! 92. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, бу *(Қуръон)* Биз нозил қилган бир муборак Китобдир, ўзидан олдинги *(Китоб)*ларни тасдиқлагувчидир. *(Биз уни)* токи Сиз барча қишлоқ-шаҳарларнинг онаси - маркази бўлмиш *(Макка аҳли)*ни ҳамда унинг атрофидаги кишиларни *(Охират азобидан)* огоҳлантиришингиз учун нозил қилдик. Охиратга иймон келтирадиган кишилар унга *(яъни, Қуръоннинг Каломуллоҳ эканига)*

иймон келтирадилар ва улар намозларини ўз вақтида адо қиладилар. 93. Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки ўзига ҳеч нарса ваҳий қилинмаган ҳолда: "Менга ваҳий келди", деган кимсадан ҳамда: "Оллоҳ нозил қилган нарсанинг мислини *(ўхшашини)* мен ҳам нозил қила оламан", деган кимсадан ҳам золимроқ ким бор? *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* бу золимларни ўлим гирдобида қолган, ўлим фаришталари қўлларини чўзиб: "Жонларингизни берингиз! Бу Кун сизлар - Оллоҳ шаънига ноҳақ гапларни айтганларингиз ва Унинг оятларидан юз ўгириб кибру ҳаво қилганларингиз сабабли хорлик азоби билан жазоланасизлар", деб турган пайтда бир кўрсангиз эди. 94. Мана, Бизнинг ҳузуримизга сизларни аввал-бошда қандай яратган бўлсак, шундай ёлғиз ҳолда келдингиз. Биз сизларга берган нарсаларимизни *(яъни, мақтанадиган мол-дунёларингизни)* ортингизда қолдирибсиз. Сизлар билан бирга ўзингизча Оллоҳга шерик деб гумон қилган - қўлловчиларингизни ҳам кўрмаяпмиз. Ўрталарингиз узилиб қолибди. Ишониб юрган нарсаларингиз - бутларингиз сизлардан йўқ бўлибди! 95. Албатта Оллоҳ дон ва уруғларни ёриб-ундиргувчидир. У Зот ўликдан тирикни чиқарур, яна У Зот ўликни тирикдан Чиқаргувчидир. Ана ўша Зот Оллоҳдир. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар?!

И з о ҳ: Бу оят қайта тирилиш - Охират борлигига ибратли бир далилдир. Уламолар: "Жонсиз нутфа ёки тухумдан инсон ёки паррандаларни чиқарган, инсон, паррандалардан эса ўша жонсиз нарсаларни чиқарадиган Оллоҳ таоло шубҳасиз, тупроққа айланган жасадларни ҳам қайта тирилтиришга Қодирдир", дейдилар

96. *(У зулматни ёриб)* тонгни Чиқаргувчидир. У кечани сукунат-ором қилиб қўйди, қуёш ва ойни эса ҳисоб ўлчови қилди. Бу Қудратли ва Билгувчи Зотнинг ўлчовидир. 97. У қуруқлик ва денгиз зулматларида йўл топишингиз учун сизларга юлдузларни яратиб қўйган Зотдир. Биладиган қавм учун оятларни батафсил баён қилдик. 98. У сизларни бир жондан *(Одам алайҳис-саломдан)* пайдо қилган Зотдир. Бас, *(сизлар учун она қорни)* қароргоҳ ва *(ота пушти)* омонат турадиган жойдир. Англайдиган қавм учун оятларни батафсил баён қилдик. 99. У осмондан сув туширган Зотдир. Бас, у сув ёрдамида ҳар турли набототни чиқардик. Ундан эса гиёҳларни чиқардик. Ундан *(гиёҳдан)* устма-уст бўлган донларни *(яъни, бошоқларни)* чиқарурмиз. Хурмо новдаларидан *(йиғиб-териб олгувчилар учун)* яқин бошлар-ғужумлар *(бўлур)*. Яна узумзор боғларни ҳамда *(барглари)* бир-бирига ўхшаган, *(мевалари эса)*

ўхшамайдиган зайтун ва анорларни *(чиқарурмиз. Эй инсонлар),* уларнинг ҳар бирини мева туккан пайтидаги мевасига ва кейин пишган ҳолига боқинг! Албатта бунда иймон келтирадиган қавм учун оят-мўъжизалар мавжуддир. 100. *(Мушриклар)* Оллоҳга жинларни шерик қилдилар *(яъни, жинларни ҳам худо деб билдилар).* Ҳолбуки, уларни *(Оллоҳнинг)* Ўзи яратган эди. Яна Унинг учун билмаган ҳолларида ўғил-қизлар "ясаб" олдилар. У Зот булар сифатлаётган нарсалардан *(шериклар ва болалардан)* Пок ва Юксакдир. 101. *(У Зот)* осмонлар ва Ерни пайдо қилгувчидир. Унинг жуфти йўқ-ку, қаёқдан боласи бўлсин! У ҳамма нарсани ятратди ва У ҳамма нарсани Билгувчидир. 102. Мана шу Оллоҳ Парвардигорингиздир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзи бордир. У ҳамма нарсани Яратгувчидир. Бас, Унга бандалик қилингиз! У ҳамма нарсанинг устидаги Вакил - Муҳофаза қилгувчидир. 103. Кўзлар унга ета олмас, У кўзларга етар! У Меҳрибон ва *(ҳар нарсадан)* Огоҳ Зотдир. 104. Сизларга Парвардигорингиздан ҳужжатлар келмишдир. Ким *(уларни)* кўрса, ўзи учун кўрур. Ким кўр бўлиб олса, ўзига зиёндир. Мен сизларнинг устингизда қўриқчи эмасман. 105. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Сизга кофирлар: "Аввалги Китоблардан)* ўрганиб олгансан", дейишлари учун ва биладиган қавмга равшан қилиб бериш учун - оятларимизни мана шундай баён қилурмиз. 106. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Парвардигорингиздан сизга ваҳий қилинган нарсаларга эргашинг! Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзи бордир. Мушриклардан юз ўгиринг! 107. Агар Оллоҳ хоҳлаганида улар мушрик бўлмаган бўлур эдилар. Биз Сизни уларнинг устида қўриқчи қилиб қўйганимиз йўқ. Сиз уларнинг устида вакил ҳам эмассиз! 108. *(Эй мўминлар),* сизлар Оллоҳдан ўзгага сиғинадиган кимсаларни*(нг бутларини)* сўкмангиз! У ҳолда улар ҳаддларидан ошиб, жоҳиллик билан Оллоҳни сўкурлар. Биз ҳар бир миллатга ўзлари қилган амални мана шундай чиройли кўрсатиб қўйганмиз. Сўнгра Парвардигорларига қайтмоқлари бор. Бас, У Зот уларга қилиб ўтган амалларининг хабарини берур. 109. Улар агар бирон оят - мўъжиза келса, албатта унга иймон келтиришлари ҳақида жон-жаҳдлари билан Оллоҳ номига қасам ичдилар. Айтинг: "Оятлар фақат Оллоҳнинг ҳузуридадир". Қаердан билурсизлар *(эҳтимол)* оят келган вақтда ҳам иймон келтирмаслар. 110. Ва Биз худди аввал-бошда унга *(яъни, Оллоҳнинг оятларига)* иймон келтирмаганлари каби уларнинг дил ва кўзларини айлантириб қўюрмиз ва ўз тутёнларида адашиб-улоқиб юрган ҳолларида тарк қилурмиз.

111. Агар Биз *(Макка мушрикларига улар талаб қилаётган)* фаришталарни туширганимизда ва ўликлар *(қабрларидан тирилиб келиб)* уларга гапирганларида ҳамда барча нарсани *(халойиқни)* уларнинг олдида очиқ-аён тўплаганимизда ҳам улар иймон келтирувчи бўлмайдилар, магар Оллоҳ хоҳласагина *(иймон келтирурлар)*. Лекин уларнинг кўплари *(буни)* билмайдилар. **112.** Шунингдек, Биз ҳар бир пайғамбар учун инсу жин*(дан бўлган)* шайтонларни душман қилиб қўйдик. Улар *(ўзларига қулоқ солгувчиларни)* алдаш учун гўзал *(ялтироқ)* сўзлар билан васваса қиладилар. Агар Парвардигорингиз хоҳласа, ундай қилмаган бўлур эдилар. Бас, Сиз уларни туҳмат, бўҳтонлари билан бирга тарк қилинг! **113.** Ундай *(сўзларга)* Охиратга ишонмайдиган кимсаларнинг диллари мойил бўлиши учун ва ўша сўзларга рози бўлишиб, ўзлари қилмоқчи бўлган *(гуноҳларини)* қилишлари учун *(инсонлардан ва жинлардан бўлган шайтонлар уларни васваса қиладилар)*.

И з о ҳ: Макка мушриклари Пайғамбар алайҳис-саломга ўзларининг Пайғамбарликларини исботлаш учун яҳудий, насронийлардан ҳакам тайинлашни таклиф қилганларида қуйидаги оят нозил бўлган экан.

114. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушрикларга айтинг)*: "Мен Оллоҳдан ўзгани ҳакам қилиб олайми?! Ахир Унинг Ўзи сизларга бу Китоб *(Қуръонни)* муфассал *(яъни, сизлар талашиб-тортишаётган барча масъалаларга тўла-тўкис жавоб берадиган)* ҳолда нозил қилган Зот-ку?" Биз Китоб берган кимсалар *(яҳудий ва насронийлар)* унинг *(Қуръоннинг)* Парвардигорингиздан ҳаққи рост нозил қилинганини билурлар. Бас, Сиз ҳаргиз *(Биз Сизга нозил қилган нарсалардан)* шак-шубҳа қилгувчилардан бўлманг! **115.** Парвардигорингизнинг Сўзлари сидқу адолатда комил бўлди. Унинг Сўзларини бирон ўзгартиргувчи йўқдир. У Эшитгувчи, Билгувчидир. **116.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, агар Сиз Ер юзидаги кимсаларнинг жуда кўпларига итоат қиладиган бўлсангиз, улар Сизни Оллоҳнинг Йўлидан оздирурлар. *(Зотан)* улар фақат *(ўзларича ҳақ деб ўйлаган)* гумонларигагина эргашурлар ва улар фақат *(ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам)* алдайдилар, холос. **117.** Албатта Парвардигорингиз Унинг Йўлидан адашган кимсаларни жуда яхши Билгувчидир ва У Ҳақ Йўлда юргувчиларни ҳам жуда яхши Билгувчидир. **118.** Бас, *(эй*

мўминлар), агар сизлар Оллоҳнинг оятларига иймон келтиргувчи бўлсангизлар, Оллоҳнинг номи зикр қилинган нарсалардан *(яъни, Оллоҳнинг номи айтилиб сўйилган ҳайвонларнинг гўштидан)* еяверинглар. 119. Оллоҳнинг номи зикр қилинган нарсалардан нима учун емас экансизлар?! Ахир У сизларга ҳаром қилинган нарсаларни муфассал баён қилган-ку, магар музтар - ночор бўлиб қолган ҳолларингиздагина *(у ҳаром қилинган нарсалардан ҳам ейишларингиз мумкин).* Шубҳасиз, кўп *(кишилар)* билмаган ҳолларида ўз ҳою ҳавaслари билан *(ўзларини)* йўлдан оздирурлар. Албатта Парвардигорингиз бундай тажовузкор кимсаларни жуда яхши Билгувчидир. 120. Гуноҳнинг очиғини ҳам, махфийсини ҳам тарк қилингиз! Албатта гуноҳ қилгувчи кимсалар ўзлари қилиб ўтган гуноҳларига жазо олажаклар. 121. Оллоҳнинг номи зикр қилинмаган нарсалардан емангиз! Зотан, бу *(иш)* итоатсизликдир. Албатта шайтонлар ўз дўстларини *(яъни, мушрикларни)* сизлар билан жанжаллашишлари учун васвасага солурлар. Агар уларга бўйинсунсангизлар, ҳеч шак-шубҳасиз, мушриклардан бўлиб қолурсизлар. 122. Ахир аввал ўлик *(кофир)* бўлган, сўнгра Биз уни *(Ҳақ Йўлга ҳидоят қилиш билан)* тирилтириб, унга одамлар орасида ўзи билан бирга олиб юрадиган нурни *(иймонни)* бериб қўйганимиз бир киши - зулматларда қолиб кетган ва ундан ҳеч чиқувчи бўлмаган кимсага ўхшайдими?! *(Мўминларга иймонлари қандай чиройли кўринса)* кофирларга ҳам қилаётган амаллари ана шундай чиройли қилиб кўрсатиб қўйилди. 123. *(Худди Макка зодагонларини Ҳақ Диндан тўсадиган фосиқ-итоатсиз кимсалар қилганимиз каби)* ҳар бир қишлоқ катталарини ўша жойдаги *(одамларни Ҳақ Йўлдан тўсиш учун)* ҳийла-найранглар қиладиган жиноятчилар қилиб қўйдик. Улар фақат ўзларинигина алдайдилар, холос, лекин ўзлари сезмайдилар. 124. Қачон уларга *(Муҳаммад алайҳис-саломнинг Пайғамбар эканлиги ҳақида)* бирон оят келса: "То бизга ҳам Оллоҳнинг пайғамбарларига берилган оятларга ўхшаш *(оятлар)* берилмагунча *(яъни, бизга ҳам ваҳий келмагунча)* ҳаргиз иймон келтирмаймиз", дейдилар. Оллоҳ пайғамбарлик вазифасини қаерга қўйишни яхшироқ Билгувчидир. Яқинда Оллоҳ ҳузурида бундай жиноятчиларга ўзлари қилиб ўтган ҳийла-найранглари сабабли хорлик ва қаттиқ азоб етажакдир. 125. Оллоҳ кимни ҳидоят қилишни истаса, унинг кўнглини Ислом учун кенг қилиб қўяр. Кимни адаштиришни истаса, унинг кўнглини худди осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва танг қилиб қўяр. Шунингдек, Оллоҳ Ўз азобини иймонсиз кимсаларга *(жазо)* қилур.

Изоҳ: Ушбу ояти каримани қуйидаги ҳадис орқали яхшироқ англаб олишимиз мумкин: Пайғамбар алайҳис-салом: "Қачон қалбга иймон нури кирса у кенгайиб-очилиб кетади", дедилар. Шунда сўралдики, бунинг аломати недир? У зот айтдилар: "Қалбга иймон жо бўлганининг аломати у қалбнинг мангулик диёрига мойил бўлиши, ғурур - алдов диёридан четланиб ўлим тушишидан илгари ўлимга тайёрланиб қолишидир". Адашган кимсалар эса иймон-Ислом сўзини эшитсалар худди сийрак ҳаволи осмонга кўтарилиб кетаётгандек дуне уларга торлик қилиб, гўё нафас ололмай қоладилар.

126. Мана шу Парвардигорингизнинг Тўғри Йўлидир. Биз эслатма-ибрат олгувчи қавм учун оятларни батафсил баён қилдик. 127. Улар учун Парвардигорлари ҳузурида дорус-салом *(-тинчлик диёри яъни, жаннат)* **бордир. Ва қилиб ўтган яхши амаллари сабабли** *(Оллоҳ)* **уларнинг Дўстидир. 128.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, эслаиг, Оллоҳ)* **уларнинг барчаларини тўплайдиган Кунда: "Эй жинлар жамоаси, инсонлардан жуда кўпини** *(адаштирдингиз",* *дер).* *(Шунда)* **у жинларнинг инсонлардан бўлган дўстлари: "Парвардигоро, бизлар бир биримиздан фойдаландик ва Ўзинг биз учун белгилаб қўйган ажалимизга етиб келдик", деганларида,** *(Оллоҳ)* **айтур: "Жойингиз дўзахдир! Унда абадий қолурсиз, магар Оллоҳнинг хоҳиши билангина** *(чиқишингиз мумкин)".* **Албатта Парвардигорингиз ҳикмат ва билим Соҳибидир. 129. Шунингдек, қилиб юрган гуноҳлари сабабли золим кимсаларни бир-бирларига дўст қилиб қўюрмиз. 130. Эй жин ва инс жамоаси, сизларга ўзларингиздан бўлган пайғамбарлар Менинг оятларимни сўзлаган ва сизларни мана шу** *(яъни, Қиёмат)* **Кунингиздаги учрашувдан қўрқитган ҳолларида келмадиларми? Улар: "Ўзимизнинг зиёнимизга гувоҳмиз** *(яъни, ўша пайғамбарлар келган эди)",* **дедилар. Уларни ҳаёти дунё алдаб қўйди ва кофир эканликлари ҳақида ўзларига қарши гувоҳлик бердилар. 131. Бунга** *(яъни, аввал пайғамбарлар юбориб огоҳлантиришига)* **сабаб, Парвардигорингизнинг аҳолиси ғофил бўлган қишлоқ-шаҳарларни зулм билан ҳалок қилгувчи эмаслигидир. 132. Ҳар ким учун қилган амалларидан даражот-савоблар бор. Парвардигорингиз уларнинг қилаётган амалларидан ғофил эмасдир. 133. Парвардигорингиз Беҳожат ва Меҳрибондир.** *(Эй золимлар),* **агар У Зот хоҳласа худди сизларни бошқа қавмнинг зурриётидан пайдо қилгани каби сизларни кетказиб, ортингиздан Ўзи истаган халқни халифа - ўринбосар қилур. 134. Албатта сизларга ваъда қилинаётган нарса** *(қайта тирилиш, Охират, Қиёмат Куни)* **ҳеч шак-шубҳасиз, келгувчидир. Сизлар** *(Оллоҳдан*

ҳеч қаёққа) қочиб қутула олгувчи эмассиз. 135. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Эй қавмим, жойингиздан жилмай *(яъни, куфрингиздан қайтмай)* амалингизни қилаверинг. Мен ҳам *(Парвардигорим буюрган)* амални қилгувчиман. Бас, яқинда Охират диёридаги оқибат кимнинг фойдасига бўлишини билажаксиз". Шубҳасиз, золим кимсалар нажот топмаслар. 136. *(Мушриклар)* Оллоҳ учун Унинг Ўзи яратган экин ва чорвалардан бир улуш ажратиб, ўзларича: "Бу Оллоҳ учун, бу *(қолгани)* эса шерикларимиз - бутларимиз учун", дедилар. Энди бутлари учун бўлган улуш Оллоҳ *(улушига)* қўшилмайди. Оллоҳ учун бўлган улуш эса бутларига қўшилаверади. Нақадар ёмон ҳукм чиқарадилар-а! 137. Шунингдек, шериклари - бутлари мушрикларни ҳалок этиш ва динларини чалкаштириб юбориш учун улардан кўпларига ўз болаларини ўлдиришни *(яъни, ўз бутлари учун қурбон қилишни)* чиройли кўрсатиб қўйди. Агар Оллоҳ хоҳлаганида бу ишни қилмаган бўлур эдилар. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз уларни туҳмат-бўҳтонлари билан тарк қилинг! 138.Улар ўзларича: "Мана бу ҳайвон ва экинлар ҳаром, уларни фақат биз хоҳлаган кишиларгина *(яъни, бутхона хизматчилари ва эр кишиларгина)* ейдилар. Бу ҳайвонларни эса миниш ҳаром қилинган, дедилар. Улар ҳайвонларни *(сўйишда)* Оллоҳнинг номини зикр қилмайдилар, *(балки бутларининг номини айтадилар ва мана шу қилмишларини Оллоҳ амри деб)* У зотга туҳмат қиладилар. Яқинда бу туҳматлари сабабли уларга Ўзи жазо беражак. 139. Улар: "Мана бу ҳайвонларнинг қоринларидаги нарсалар фақат эркакларимиз учундир, хотинларимизга эса ҳаромдир", дедилар. Агар у нарса *(яъни, ҳомила)* ўлик бўлса, у ҳолда ҳаммалари шерикдирлар *(яъни, эркак-хотин ҳаммалари ейишаверади).* Яқинда бундай *(ўзларича ҳалол-ҳаром деб)* сифатлаганлари учун уларга Ўзи жазо беражак. Албатта У ҳикмат ва билим Соҳибидир. 140. Ўз болаларини ақлсизлик, билимсизлик билан ўлдирган ва Оллоҳга туҳмат қилиб Оллоҳ берган *(ҳалол)* ризқни ҳаром қилиб олган кимсалар муҳаққақки, *(ўзларига)* зиён қилдилар, Улар аниқ адашдилар ва Тўғри Йўлга юргувчи бўлмадилар. 141. *(Оллоҳ сўритокларга)* кўтарилувчи ва кўтарилмайдиган боғларни, хурмозорлар ва мевалари хилма-хил бўлган экинларни, *(барглари)* бир-бирига ўхшаган ва *(мевалари эса)* ўхшамаган зайтун ва анорларни яратган Зотдир. *(Эй инсонлар),* сизлар *(боғ-роғларингиз)* мевалаганда мевасидан енглар, ўрим-терим кунида *(бечора-мискинларга)* ҳаққини беринглар ва исроф қилманглар! Албатта У исроф қилувчиларни севмас. 142. *(У Зот)*

ҳайвонлардан юк ташувчиларни ва *(сўйиш учун)* етқизиладиган ҳайвонларни *(яратди)*. Оллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан енглар ва *(ўзингизча ҳалол, ҳаром деб)* шайтоннинг изидан эргашманглар! Албатта *(шайтон)* сизларга очиқ душмандир. 143. *(Оллоҳ)* саккизта жуфтни *(яратди)* Қўйдан иккини *(яъни, эркак ва урғочини)*, эчкидан иккини *(яратди)*. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, ўзларича ҳаром қилиб олувчи мушрикларга)* айтинг: "*(Оллоҳ бу ҳайвонлардан)* иккала эркагини ҳаром қилганми ё иккала урғочисиними, ёки иккала урғочининг бачадонларида бўлган ҳомиланими?! Агар ростгўй бўлсангизлар, бирон ҳужжат билан менга хабар берингларчи?!" 144. *(У Зот)* туядан иккини, қора молдан иккини *(яратди)*. Айтинг: "Иккала эркагини ҳаром қилганми ё иккала урғочисиними ёки иккала урғочининг қоринларида бўлган ҳомиланими?! Ёки Оллоҳ сизларни шунга *(яъни, ҳаром қилишга)* буюрганига гувоҳ бўлганмидингизлар?! Билмаган ҳолда одамларни йўлдан оздириш учун Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Албатта Оллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас. 145. Айтинг: "Менга ваҳий қилинган Қуръонда ейдиган киши учун ҳаром қилинган нарсани кўрмаяпман. Магар ўлакса ё тўкилган қон ёки тўнғиз гўшти бўлса, бас, у албатта ҳаромдир - ёхуд Оллоҳдан ўзга учун *(яъни, бутларга)* аталган фосиқлик бўлса *(ҳаромдир)*. Бас, ким золим ва тажовузкор бўлмаган ҳолда музтар - ночор бўлиб қолса *(масалан, очликдан ўлмаслик учун, ночор ҳолда у нарсалардан ейиш билан гуноҳкор бўлмас)*, зеро, Парвардигорингиз Мағфиратли, Меҳрибондир. 146. Биз яҳудийларга *(туя, туяқуш, хўроз, ўрдак каби)* барча тирноқлиларни ҳаром қилдик. Мол-қўйдан уларга ёғларини ҳаром қилдик. Магар *(мол-қўйларнинг)* биқинларидаги ё ичларидаги, ёки суякка аралашган ёғларгина *(ҳаром эмасдир)*. Золимликлари сабабли Биз уларни шундай жазоладик. Албатта Биз рост Сўзлагувчимиз. 147. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, агар улар Сизни ёлғончи қилсалар, айтинг: "Парвардигорингиз чексиз Меҳрибондир, аммо Унинг азоби бирон жиноятчи қавмдан қайтарилмас". 148. Ҳали мушрик бўлган кимсалар: "Агар Оллоҳ хоҳлаганида на биз, на ота-боболаримиз мушрик бўлмаган ва бирон нарсани ҳаром қилиб олмаган бўлур эдик", дедилар. Улардан аввалгилари ҳам то азобимизни тотгунларича *(ўз пайғамбарларини)* мана шундай ёлғончи қилганлар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Олдиларингда бизга кўрсатадиган *(айтаётган сўзларингизни тасдиқловчи)* бирон ҳужжатингиз борми? Сизлар фақат гумонга эргашмоқдасиз, сизлар фақат ёлғон

сўзламоқдасиз!" 149. Айтинг: "Оллоҳнинг эса Етук Ҳужжати бордир. Бас, агар У Зот хоҳлаганида барчангизни ҳидоят қилган бўлур эди". 150. Айтинг: "Оллоҳ мана шу *(мазкур нарсаларни)* ҳаром қилганига гувоҳлик берадиган гувоҳларингизни келтирингиз!" Энди агар улар *(ёлғон)* гувоҳлик берсалар, Сиз улар билан гувоҳлик берманг *(яъни, уларнинг берган гувоҳликларига ишонманг)!* Ва Бизнинг оятларимизни ёлғон дейдиган, Охиратга иймон келтирмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг! Улар Парвардигорларига *(ўзгаларни)* тенглаштирурлар. 151. Айтинг: "Келинглар, Парвардигорингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб берай: У Зотга бирон нарсани шерик қилмангиз; ота-онага яхшилик қилингиз; болаларингизни камбағалликдан *(қўрқиб)* ўлдирмангиз - сизларни ҳам, уларни ҳам Биз ризқлантирурмиз - бузуқ ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашмангиз; Оллоҳ *(ўлдиришни)* ҳаром қилган бирон жонни ўлдирмангиз, магар ҳақ билан *(яъни, қасос олиш учун ё муртад бўлгани ёки зино қилгани учун Шариат ҳукми билан ўлдиришингиз мумкин)*. Шояд ақл юргизарсизлар, деб *(Оллоҳ)* сизларни мана шу нарсаларга буюрди. 152. Етимнинг молига то у вояга етгунича фақат энг чиройли йўл билангина яқинлашингиз! Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тортингиз! Биз ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмаймиз. Сўзлаганингизда *(гувоҳлик берганингизда)* гарчи қариндошингиз*(га қарши)* бўлса ҳам адолат қилингиз! Оллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз! Шояд эслатма *(насиҳат)* олурсизлар, деб *(Оллоҳ)* сизларни мана шу нарсага буюрди. 153. Албатта мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, Унга эргашинглар! *(Бошқа)* йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг Йўлидан узиб қўяр. Шояд тақво қилсангизлар, деб *(Оллоҳ)* сизларни мана шу нарсаларга буюрди. 154. Яна *(билингизки)*, чиройли амал қилган зотларга *(неъматимизни)* комил қилиб бериш ва барча нарсани аниқ баён қилиш учун ҳамда ҳидоят ва раҳмат бўлсин, деб Биз Мусога Китоб *(Таврот)* ато этдик. Шояд *(бани Исроил)* Парвардигорларига рўбарў бўлишларига иймон келтирсалар. 155. Мана бу эса Биз нозил қилган Муборак Китоб - Қуръондир! Бас, унга эргашингиз ва *(Оллоҳдан)* қўрқингиз! Шояд раҳматга эришсангизлар. 156-157. Сизлар "Биздан аввалги икки тоифага *(яъни, яҳудий ва насронийларга)* Китоб нозил бўлган, биз эса уларнинг дарсларини ўрганишдан ғофилмиз", демасларингиз учун ёки: "Агар бизга китоб нозил қилинганида улардан тўғрироқ йўлда бўлур эдик", демасларингиз учун *(сизларга бу Қуръонни нозил қилдик)*. Мана

сизларга Парвардигорингиздан ҳужжат, ҳидоят ва раҳмат келди. Бас, Оллоҳнинг оятларини ёлғон деган ва улардан юз ўгирган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Яқинда оятларимиздан юз ўгирган кимсаларни юз ўгирувчи бўлганлари сабабли ёмон азоб билан жазолагаймиз. 158. Улар фақат *(жонларини олиш учун ўлим)* фаришталари келишини ё *(Қиёмат Кунида бандалари ўртасида ҳукм қилиш учун)* Парвардигорингизнинг келишини, ёки Парвардигорингизнинг оятларидан - Қиёмат аломатларидан айримлари келишини кутмоқдалар, холос. Парвардигорингизнинг айрим оятлари келадиган кунда эса илгари иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бирон жонга *(энди келтирган)* иймони фойда бермас. Айтинг: "Кутаверинглар! Биз ҳам кутгувчилармиз!" 159. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз динларини бўлиб, ўзлари ҳам турли тўдаларга - ҳизбларга бўлиниб олган кимсалар тўғрисидан бирон нарсада *(масъул)* эмассиз. *(Яъни, улар Сизга уммат эмаслар)*. Уларнинг ишлари фақат Оллоҳнинг ўзига ҳавола. Кейин *(Қиёмат Кунида)* У Зот уларга қилиб ўтган ишларининг хабарини берур. 160. Ким бирон чиройли амал қилса, унга ўн баробар қилиб *(қайтарилур)*. Ким бирон ёмон иш қилса, фақат ўшанинг баробарида жазоланур ва уларга зулм қилинмас. 161. Айтинг: "Мени Парвардигорим Тўғри Йўлга, Рост Динга - Ҳақ Йўлга мойил бўлган Иброҳимнинг миллатига ҳидоят қилди. У мушриклардан бўлмаган эди". 162-163. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Албатта намозим, ибодатларим, *(яъни, қиладиган қурбонликларим)*, ҳаётu мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Оллоҳ учундир. У Зотнинг биронта шериги йўқдир. Мен мана шунга *(яъни, Ягона Оллоҳга ихлос-ибодат қилишга)* буюрилганман. Ва мен бўйинсунгувчиларнинг аввали - пешқадамиман". 164. Айтинг: "Оллоҳдан ўзгани Парвардигорим дейинми?! Ахир У барча нарсанинг Парвардигори-ку?! Ҳар бир жоннинг қилган гуноҳи фақат ўз зиёнига бўлур. Ҳеч бир кўтаргувчи *(яъни, гуноҳкор жон)* ўзга *(жон)*нинг юкини *(яъни, гуноҳини)* кўтармас. Кейин Парвардигорингизга қайтишларингиз бордир. Бас, У сизларга ихтилоф қилиб ўтган нарсаларингизнинг *(яъни, Қиёматнинг)* хабарини берур". 165. У сизларни Ерда *(ўтиб кетган ота-боболарингиздан кейин)* халифа -ўринбосарлар қилиб қўйган ва Ўзи ато этган неъматлар билан сизларни имтиҳон қилиш учун айримларингизни айримларингиздан *(ризқу рўз ва куч-қувватда)* юқорироқ даражаларга кўтариб қўйган Зотдир. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, албатта Парвардигорингиз тезда жазолагувчидир ва албатта У Мағфиратли, Меҳрибондир.

АЪРОФ сураси (7)

Маккада нозил бўлган бу сура икки юз олти оятдан ташкил топган.

У пайғамбарлар ҳақида батафсил ҳикоя қилган биринчи сурадир. Унда Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Лут, Шуайб ва Мусо пайғамбарларнииг қиссалари сўзланади. Аввало шайхул-анбиё - пайғамбарлар оқсоқоли Нуҳ қиссаси ҳикоя қилиниб, у зотга ўз қавмлари тарафидан бўлган қайсарлик ва исёнлар натижасида уларнинг тўфон балосига гирифтор этилганликлари эслатиб ўтилади.

Бу сурада пайғамбарлардан, хусусан, Мусо алайҳис-саломнинг қиссалари батафсил зикр қилиниб, у зот билан золим Фиръавн ўртасида бўлиб ўтган можароларга тўхтаб ўтилади ва бани Исроилга берилган ноз-неъматлар, Оллоҳнинг амр-фармонларидан бош тортганларидан кейин эса бошларига тушган бало-мусибатлар ҳикоя қилинади.

Бу сурада ҳам бошқа Макка сураларида бўлгани каби сўз Исломнинг асос-моҳияти бўлмиш Оллоҳнинг бирлиги, тирилиш ва жазо ҳақ экани ҳамда ваҳий ва пайғамбарлик ҳақиқати устида боради. Суранинг аввалида Муҳаммад алайҳис-саломга тушган буюк мўъжиза - Қуръон ҳақида сўзланиб, у бутун инсоният учун буюк Илоҳий неъмат эканлиги, бинобарин, дунё ва Охират саодатига эришиш учун унинг йўл-йўриқ ва панд-насиҳатларига амал қилиб бориш лозимлиги уқтирилади.

Яна бу сурада Оллоҳ берган илмни мол-дунё топиш учун, бировларга зиён етказиш йўлида суистеъмол қилган олимлар қаттиқ қораланиб, улар тиллари осилиб, ҳансираб турадиган итларга ўхшатилади. Ва ниҳоят, бу сурада Қиёмат Кунидаги ҳолат тасвирланади. У Куни кишилар уч тоифага бўлинадилар: ҳаётларини иймон ва яхши амаллар билан ўтказган кишилар аҳли жаннат; кофирлик ва ўзларига ҳам, ўзгаларга ҳам ёмонлик қилиш билан ўтган кимсалар дўзах эгалари бўладилар; қилган яхшиликлари билан ёмонликлари баробар кимсалар эса "Аъроф" эгалари бўладилар. Аъроф - жаннат билан дўзах ўртасини ажратиб турадиган девор бўлиб, учинчи тоифага мансуб одамлар унинг устида Оллоҳ ўзларини жаннатгами ёки дўзахгами ҳукм қилишини кутиб турадилар. Бу сурада мана шу ҳолатнинг тасвири ўз ифодасини топгани учун "Аъроф" деб аталган.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Алиф, Лом, Мим, Сод. 2. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, бу Қуръон)* Сизга унинг ёрдамида кофирларни *(Оллоҳнинг азобидан)* огоҳлантиришингиз учун ва мўминлар учун бир Эслатма бўлиб нозил қилинган Китобдир - бас, кўнглингизда у сабабли танглик *(шубҳаланиш)* бўлмасин! 3. *(Эй инсонлар)*, сизларга Парвардигорингиздан нозил қилинган нарсага *(Китобга)* эргашингиз, *(Оллоҳни қўйиб ўзга)* "дўстларга" эргашмангиз! Камдан-кам панд-насиҳат олурсизлар. 4. *(Бизнинг амримизга итоат қилмаган)* қанчадан-қанча қишлоқни ҳалок қилдик - бас, уларга азобимиз тун уйқусида ёки туш уйқусида *(яъни, кундузи)* келди. 5. Бизнинг азобимиз келган вақтида улар бирон даъво қила олмадилар, магар "Бизлар *(ўзимизга)* зулм қилдик", дея олдилар, холос. 6. Энди албатта Биз ўзларига пайғамбар юборилган кишилар билан ҳам, *(уларга)* юборилган пайғамбарлар билан ҳам савол-жавоб қилурмиз. 7. Энди албатта уларга, билган ҳолимизда, *(қилиб ўтган ишлари ҳақида)* сўйлаб берурмиз. *(Зотан)*, Биз ғойиб - йўқ эмас эдик, *(балки барча нарсага Гувоҳ бўлиб турган эдик)*. 8. *(Амалларни)* тўғри тортишлик ўша Куни бўлур. Бас, кимнинг тортилган *(яхши амаллари)* оғир келса, ана ўшалар нажот топгувчилардир. 9. Кимнинг тортилган *(яхши амаллари)* енгил бўлса, бас, улар Бизнинг оятларимизга *(кофир бўлиш билан)* зулм қилиб ўтганлари сабабли ўзларига зиён қилган кимсалардир. 10. *(Эй инсонлар)*, аниқки, Биз сизларга Ерда имкониятлар бериб, сизлар учун унда тирикчилик воситаларини пайдо қилдик. Сизлар эса камдан-кам шукр қилурсизлар. 11. Аниқки, Биз сизларни яратдик, сўнг сизларга сурат бердик, сўнгра фаришталарга: "Одамга сажда қилинглар", дедик, бас, улар сажда қилдилар. Магар иблис сажда қилгувчилардан бўлмади. 12. *(Оллоҳ)* деди: "Мен сенга буюрган пайтимда сени сажда қилишдан нима тўсди?". "Мен ундан *(Одамдан)* яхшироқман. Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан яратдинг", деди у. 13. *(Оллоҳ)* деди: "У ҳолда ундан *(жаннатдан)* тушгин! Сен учун унда кибру ҳаво қилиб юриш жоиз эмас. Бас, чиқ! Албатта сен хор бўлгувчилардандирсан!" 14. "Менга улар тириладиган Кунгача *(Қиёматгача яшаш учун)* муҳлат бер", деди у. 15. *(Оллоҳ)* деди: "Сен муҳлат берилганлардансан". 16. У айтди: "Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг Тўғри Йўлинг устида уларни *(Одам болаларини)* кутиб ўтирурман. 17. Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ўнгу сўлларидан

келиб *(Тўғри Йўлдан оздирурман)* **ва** *(оқибатда)* **уларнинг кўпларини** *(берган неъматларинга)* **шукр қилган ҳолларида топмайсан".**

И з о ҳ: Юқоридаги оятларда нима сабабдан иблис жаннатдан маҳрум бўлгани зикр қилинди. У мутакаббирлиги сабабли улуғ даргоҳдан қувилди. Лекин унга то Қиёматгача ўлмасдан яшаш имкони берилди ва у доимо Оллоҳнинг бандаларини тўрт тарафдан келиб адаштиришга қасам ичди. Демак, инсон бу ҳаёти дунёда Тўғри Йўлдан озмасдан яшаши учун тўрт томондан келган турли йўлларга - оқимларга эргашмасдан фақат Осмондан - Оллоҳ таоло ҳузуридан тушган Қуръон Йўлига юргандагина шайтоннинг васвасаларидан халос бўлади ва нажот топади.

18. *(Оллоҳ)* **айтди: "Ундан** *(жаннатдан)* **жирканч ва мағлуб ҳолда чиқ! Қасамки, улардан кимда-ким сенга эргашса, албатта жаҳаннамни сизларнинг барчаларингиз** *(сен ва сенга эргашганлар)* **билан тўлдирурман. 19. Эй Одам, сен эса жуфтинг** *(Ҳавво)* **билан жаннатни маскан тутиб, хоҳлаган жойингиздан таомланинг. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қолурсиз. 20. Сўнг шайтон уларга ўзларидан ҳам беркитилган авратларини очиб юбориш учун васвасага солди ва: "Парвардигорингиз фақат фаришталарга айланмаслигингиз ёки** *(жаннатда)* **абадий яшаб қолмаслигингиз учунгина сизларни бу дарахтдан қайтарди", деди. 21. Ва уларга: Албатта мен сизларга холислардан́ман", деб қасам ичди. 22. Бас,** *(шайтон)* **алдов билан уларни** *(тубан ҳолатга)* **тушириб қўйди. Ўша дарахтдан тотиб кўришган эди,** *(устларидаги либослари тушиб кетиб),* **авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар.** *(Шунда)* **уларга Парвардигорлари нидо қилди: "Мен сизларни бу дарахтдан қайтармаганмидим ва албатта шайтон сизларнинг очиқ душманингиз, демаганмидим?!"**

И з о ҳ: Ушбу оятда авратларни очиб юриш Одам ота замонларидан бошлабоқ жирканч иш эканига ва бундай беҳаёлик жаннатдан маҳрум бўлишга сабабчи эканига очиқ далолат ва ақл эгалари учун ибрат бор.

23. Улар: "Парвардигоро, бизлар ўз жонимизга жабр қилдик. Агар Ўзинг бизларни мағфират қилмасанг ва бизларга раҳм-шафқат кўрсатмасанг шубҳасиз, зиён кўргувчилардан бўлиб қолурмиз", дедилар. 24. *(Оллоҳ)* **айтди: "Бир-бирингизга** *(яъни, шайтон инсонга, инсон шайтонга)* **душман бўлган ҳолингизда** *(жаннатдан)* **тушингиз! Энди сизлар учун маълум бир вақтгача** *(яъни, ажалингиз етгунча)* **Ерда қарор топиб ўрнашиш ва**

фойдаланиш бор". 25. *(Оллоҳ)* айтди: "Сизлар унда яшайсизлар ва унда ўлурсизлар ва ундан *(қайта тирилиш Кунида ҳисоб-китоб учун)* чиқарилурсизлар". 26. Эй Одам болалари, Биз сизларга авратларингизни беркитадиган либосни ҳам, ясан-тусан *(либосини)* ҳам туширдик. *(Ҳаммасидан)* яхшироқ либос тақво либосидир. Бу - Оллоҳнинг *(фазлу марҳаматига далолат қилгувчи)* оятларидандир. Шояд эслатма *(панд-насиҳат)* олсалар. 27. Эй Одам болалари, шайтон Оталарингизнинг авратларини ўзларига кўрсатиш *(яъни, уятли аҳволга солиб қўйиш)* учун уларнинг либосларини ечиб, жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб қўймасин! Чунки у ва унинг малайлари сизларни ўзингиз билмайдиган тарафдан кўриб турадилар *(яъни, улар сизларни қандай алдашганини сезмай қолишларингиз мумкин)*. Албатта Биз шайтонни иймонсиз кимсаларга дўст қилиб қўйганмиз. 28. Улар қачон бирон бузуқ иш қилсалар *(масалан, улар Каъбани яланғоч ҳолларида тавоф қилар эдилар)*: "Ота-боболаримизни шундай ҳолда топганмиз. Буни бизга Оллоҳ буюрган", дейдилар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Оллоҳ ҳеч қачон бундай бузуқ ишларга буюрмайди. Оллоҳ шаънига *(ўзингиз)* билмайдиган нарсаларни айтаверасизларми?!" 29. Айтинг: "Парвардигорим адолатга буюргандир. Ҳар сажда чоғида ўзларингизни тикиб қўйингиз *(яъни, бор вужудингиз билан сидқидилдан сажда қилингиз)* ва У Зотга динингизни холис қилган ҳолда дуо-илтижо этингиз. Сизларни бошлаб яратган ҳолига қайтурсиз. *(Яъни, аввал сизларни йўқдан бор қилгани каби Қиёмат Кунида яна ҳисоб-китоб учун қабрларингиздан чиқарур.)* 30. У Зот бир гуруҳни ҳидоят қилди, бошқа бир гуруҳга эса йўлдан озиш ҳақ бўлди. Чунки улар Оллоҳни қўйиб, шайтонларга дўст тутиниб олганлар-да, яна ўзларини ҳидоят топгувчилар, деб ҳисоблайдилар. 31. Эй Одам болалари, ҳар бир сажда чоғида зийнатланингиз *(яъни, тоза либосда бўлингиз)* ҳамда *(хоҳлаганингизча)* еб-ичаверинглар, фақат исроф қилманглар. Зотан, У исроф қилгувчи кимсаларни севмас. 32. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Оллоҳ бандалари учун чиқарган безак *(либосларни)* ва ҳалол-пок ризқни ким ҳаром қилди?!" Айтинг: "Улар *(яъни, безак ва ҳалол ризқлар)* ҳаёти дунёда иймон эгалари учун *(бўлиб, кофирлар ҳам уларга шерик бўлур)*, Қиёмат Кунида эса фақат *(мўминларнинг)* ўзларига хосдир". Биз биладиган қавм учун оятларни мана шундай муфассал қилурмиз. 33. Айтинг: "Парвардигорим фақатгина ошкор ва яширин бузуқликларни, *(барча)* гуноҳ ишларни, ноҳақ зулм қилишни ва

Оллоҳга *(шерик эканлигига)* ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарсаларни шерик қилиб олишингизни ҳамда Оллоҳ шаънига билмайдиган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилган, холос". 34. Ҳар бир жамоат - қавм учун ажал бордир. Бас, қачон уларга ажаллари келса, уни бирон соатга кетга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар. 35. Эй Одам болалари, ҳар қачон сизларга ўзларингиздан бўлган пайғамбарлар Менинг оятларимни сўзлаган ҳолларида келганларида кимда-ким *(ширкдан)* сақланиб, *(ўзини)* ўнглаб олса, бас, уларга ҳеч қандай хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар. 36. Бизнинг оятларимизни ёлғон деган ва улардан кибру ҳаво билан *(юз ўгирган)* кимсалар эса дўзах эгаларидир. Улар у жойда *(дўзахда)* абадий қолгувчидирлар. 37. Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғон деган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Уларга Китобдан *(Лавҳул-Маҳфуздан)* бўлган ризқ-рўзлари етиб-битгач, жонларини олгувчи элчиларимиз - ўлим фаришталари келиб: "Оллоҳни қўйиб, илтижо қилиб ўтган бутларингиз қани *(келиб сизларни ўлимдан қутқармайдиларми?)*", деганларида, улар: "Улар биздан ғойиб бўлиб қолдилар", дейишади ва ўзларининг зиёнларига - кофир бўлганликларига ўзлари гувоҳлик беришади. 38. *(Оллоҳ)* айтур: "Сизлардан илгари ўтган жин ва инсдан иборат *(кофир)* миллатлар билан бирга дўзахга кирингиз!" Қачон бир жамоат *(ўша дўзахга)* кирганида шеригини *(яъни, ўзини йўлдан урганларни)* лаънатлайди. Қачонки унда *(дўзахда)* ҳаммалари топишишгач, кейингилари *(эргашганлар)* аввалгилари *(бошлиқлари)* ҳақида: "Парвардигоро, ана ўшалар бизларни йўлдан оздирганлар, бас, уларга дўзах азобини икки баробар қилгин", дейдилар. *(Оллоҳ)* айтур: "Ҳар бирингиз учун икки баробар азоб бўлур, лекин сизлар билмайсизлар". 39. Аввалгилари эса кейингиларига: "Сизларнинг биздан бирон афзаллик томонингиз йўқдир, бас, қилиб ўтган *(гуноҳларингизга)* яраша азобингизни тотаверинглар", дейдилар. 40. Албатта Бизнинг оятларимизни ёлғон деган ва улардан кибр-ҳаво билан *(юз ўгирган)* кимсалар учун ҳаргиз само эшиклари очилмас ва токи туя игна тешигидан ўтмас экан, улар ҳам жаннатга кира олмаслар *(яъни, ҳеч қачон жаннатга кира олмаслар)*. Биз Жинояткор - осийларни мана шундай жазолагаймиз. 41. Улар учун жаҳаннамдан тўшак, устларидан эса *(оловдан бўлган)* чойшаблар бўлур. Биз золимларни мана шундай жазолагаймиз. 42. Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар - Биз ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмаймиз - улар

жаннат эгалари бўлиб, унда абадий қолажаклар. 43. Уларнинг остларидан дарёлар оқиб турар экан, кўнгилларидан *(бир-бирларига нисбатан бўлган)* гиллу ғашликларни тортиб олурмиз ва улар: "Бизларни бу *(неъматларга)* йўллаган Зот - Оллоҳга ҳамду сано бўлгай. Агар бизни Оллоҳ ҳидоят қилмаганида ҳаргиз йўл топа олмас эдик. Ҳақиқатан, Парвардигоримизнинг пайғамбарлари Ҳақ Динни келтирган эканлар", дейдилар ва уларга: "Қилиб ўтган *(яхши)* амалларингиз сабабли сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир", деб нидо қилинур. 44-45. *(Шунда)* жаннат эгалари дўзах эгаларига қараб: "Бизлар Парвардигоримиз берган ваъданинг *(яъни, жаннат ва ундаги неъматларнинг)* ҳақ эканини кўрдик. Сизлар ҳам Парвардигорингиз ваъда қилган нарсанинг *(яъни, дўзах ва ундаги азоб-уқубатларнинг)* ҳақ эканини кўрдингизми?!" деганларида, улар: "Ҳа", дейдилар. Бас, уларнинг ўрталарида бир жарчи: "Оллоҳнинг Йўлидан тўсадиган ва уни бузишни истайдиган, ўзлари Охиратга ишонмайдиган кимсалар бўлган золимларга Оллоҳнинг лаънати бўлгай", деб жар солур. 46. Уларнинг *(жаннат эгалари билан дўзах эгаларининг)* ўрталарида тўсиқ бўлиб, у деворлар устида ҳаммани *(яъни, жаннатиларни ҳам, дўзахиларни ҳам)* сиймоларидан таниб оладиган кишилар бўлур. Улар жаннат эгаларига: "Сизларга тинчлик-омонлик бўлгай, дейдилар. Ўзлари эса тамаъ қилган - истаган ҳолларида, унга *(жаннатга)* кира олмайдилар. 47. Қачон кўзлари дўзах эгалари тарафга бурилиб қолса: "Парвардигоро, бизларни бу золим қавм билан бирга қилиб қўймагайсан", дейдилар. 48-49. Аъроф эгалари *(яъни, қилган яхши амаллари билан ёмон амаллари баробар келиб, жаннати ҳам, дўзахи ҳам бўлмай ўртада аъроф - деворлар устида турган кишилар)* сиймоларидан таниб олган кишиларига *(яъни, дўзахиларга)* нидо қилиб дедилар: "Тўплаган молу дунёйингиз ва қилган кибру ҳавойингиз сизларга асқотмабди-ку. Сизлар: "Оллоҳ уларга бирон раҳмат-марҳамат етказмайди, деб қасам ичган кишилар ана у *(ҳаёти дунёдан камбағал бечоралик билан ўтган мўмин-мусулмон)*ларми" *(Ахир уларга)*: "Жаннатга киринглар сизлар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва сизлар ҳеч ғамгин бўлмайсизлар" *(дейилди-ку)*?! 50-51. Дўзах эгалари жаннат эгаларига: "Бизларга ҳам сувдан ё Оллоҳ сизларни баҳраманд қилган нарсалардан тўкинглар", деб нидо қилганларида, улар: "Оллоҳ бу неъматларини динларини ҳазил-мазах қилиб олган ва ҳаёти дунёга алданиб қолган кофирларга ҳаром қилгандир", дедилар.

Бас, бу Кун улар бугунги учрашувни унутиб қўйганлари ва Бизнинг оятларимизни инкор қилувчи бўлганлари каби Биз ҳам уларни "унутиб қўярмиз". 52. Ҳақиқатан, Биз уларга *(Макка аҳолисига)* Ўз билимимиз билан муфассал баён қилган бир Китоб *(Қуръон)*ни келтирдикки, у *(Қуръон)* иймон келтирувчи қавм учун ҳидоят ва раҳматдир. 53. Улар эса *(бу Китобнинг)* таъвийл-оқибатини *(яъни, ундаги оятлар ҳақ эканлиги исботланишини)* кутадилар, холос. Унинг таъвийли келадиган Кунда илгари уни унутган *(яъни, ундан юз ўгирган)* кимсалар: "Парвардигоримизнинг пайғамбарлари Ҳақ Динни келтирган эканлар, энди бизни қўллайдиган қўлловчилар бормикан ёки қилиб ўтган *(ёмон)* ишларимиздан бошқа *(эзгу)* амалларни қилиш учун *(яна дунёга)* қайтарилармиканмиз", деб қоладилар. Улар ҳақиқатан, ўзларига зиён қилдилар ва ўзлари тўқиб олган бутлари улардан ғойиб бўлди. 54. *(Эй инсонлар)*, албатта Парвардигорингиз - Оллоҳ шундай Зотдирки, осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра Ўз Аршига ўрнашди. У кечани *(қоронғуликни)* кундузга ўрар *(ва кеча кундузни)* шошилган ҳолда қувиб юрар. У қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган ҳолда *(яратди)*. Огоҳ бўлингизким, яратиш ҳам, буюриш ҳам Ёлгиз Уникидир. Барча оламлар Парвардигори - Оллоҳ Баракотли - Буюкдир. 55. *(Эй мўминлар)*, сизлар Парвардигорингизга тазарру билан ичингизда *(махфий)* дуо-илтижо қилингиз! Зотан, у ҳаддан ошувчи кимсаларни *(яъни, эл кўзига кўрсатиш учун риёкорлик қилувчиларни)* севмас. 56. Ва *(Оллоҳнинг Дини билан)* ўнглаб қўйилганидан кейин, Ерда *(куфр йўлини тутиб)* бузғунчилик қилмангиз! Сизлар У Зотга *(азобидан)* қўрқиб, *(раҳматидан)* умидвор бўлган ҳолингизда дуо-илтижо қилингиз! Зеро, Оллоҳнинг раҳмати чиройли амал қилувчиларга яқиндир. 57. У шундай Зотки, Ўз раҳматининг *(яъни, ёмғирнинг)* олдидан хушхабар қилиб шамолларни юборур. Қачонки улар вазмин булутларни кўтариб келгач, Биз уни *(булутни, чанқоқ)* ўлик шаҳарга ҳайдаймиз. Бас, унга сув-ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида ҳар турли мевалар чиқарурмиз. Биз ўликларни ҳам *(ўз жойларидан)* мана шундай чиқарурмиз. Шояд эслатма-ибрат олсангизлар. 58. Пок шаҳар - ернинг гиёҳи Парвардигорининг изни-иродаси билан *(осон)* униб чиқур. Нопок *(яъни, шўр, тошлоқ)* ерники эса фақат қийинчилик - машаққат билангина чиқур. Биз шукр қиладиган қавм учун оят-аломатларимизни мана шундай баён қилиб берурмиз.

Изоҳ: Мазкур оят панд-насиҳатни олиб, унга амал қилгувчи иймонли киши билан насиҳатни олмайдиган ва эшитган гапидан таъсирланмайдиган диёнатсиз кимса ҳақидаги ибратли мисолдир

59. Қасамки, Биз Нуҳни ўз қавмига пайғамбар қилдик. Бас, у: "Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилинглар! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Албатта мен сизларнинг буюк Кун *(Қиёмат Кунининг)* **азоби***(га гирифтор бўлишингиз)***дан қўрқаман", деди. 60.** *(Шунда)* **унинг қавмидан** *(зодагон)* **одамлар: "Биз сенинг очиқ залолатда эканлигингни кўрмоқдамиз", дейишди. 61. У айтди: "Эй қавмим, мен мутлақо залолатда эмасман, балки мен барча оламларнинг Парвардигори тарафидан юборилган пайғамбарман! 62. Мен сизларга Парвардигоримнинг** *(менга буюрган)* **вазифаларини етказурман ва сизларга насиҳат қилурман ҳамда мен Оллоҳ тарафидан сизлар билмайдиган нарсаларни билурман. 63. Сизларни** *(Охират азобидан)* **огоҳлантириш учун ва тақводор бўлишингиз ҳамда** *(Оллоҳнинг)* **раҳматига эришишингиз учун Сизларга Парвардигорингиздан бўлган эслатма** *(огоҳлантириш)* **ўзингиздан бўлган бир киши зиммасида** *(яъни, менинг зиммамда)* **келганидан ажабландингизми?" 64. Бас, уни ёлғончи қилдилар. Шунда Биз уни ва у билан бирга бўлган** *(унга иймон келтирган)* **зотларни кемада қутқардик ва Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларни ғарқ қилиб юбордик. Чунки улар** *(кўнгиллари)* **кўр бўлган қавм эдилар. 65. Од қавмига ўз биродарлари Ҳудни** *(пайғамбар қилдик)*. **У айтди: "Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Ахир** *(Унинг азобидан)* **қўрқмайсизларми?!" 66.** *(Шунда)* **унинг қавмидан кофир бўлган одамлар: "Биз сенинг нодон эканингни кўриб турибмиз ва албатта биз сени ёлғончилардан, деб ўйламоқдамиз, дейишди. 67. У айтди: "Эй қавмим, мен нодон эмасман, балки мен барча оламлар Парвардигори тарафидан** *(юборилган)* **пайғамбарман. 68. Мен сизларга Парвардигоримнинг вазифаларини** *(буюрганларини)* **етказурман ва мен сизлар учун ишончли насиҳат қилгувчиман". 69. Сизларга Парвардигорингиздан бўлган эслатма** *(сизларни Охират азобидан)* **огоҳлантириши учун ўзингиздан бўлган бир киши зиммасида келганидан ажабландингизми?** *(Оллоҳ)* **сизларни Нуҳ қавмидан кейин халифа** *(ўринбосар)* **қилиб қўйганини ва куч-қувватингизни зиёда қилиб яратганини эсланги! Бас, Оллоҳнинг неъматларини эслангиз, шояд нажот топурсиз. 70. Улар: "Сен бизга, Ёлгиз Оллоҳга ибодат қилишимиз ва ота-боболаримиз**

сиғиниб ўтган бутларни тарк қилишимиз учун келдингми? У ҳолда, агар ростгўй кишилардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни *(яъни, Оллоҳнинг азобини)* келтиргин-чи?" дедилар. 71. У айтди: "Энди устингизга Парвардигорингиз томонидан азоб ва ғазаб тушиши аниқ бўлди. Мен билан ўзингиз ва ота-боболарингиз қўйиб олган *(бутларингизнинг)* номлари ҳақида баҳслашмоқчимисизлар? Ахир Оллоҳ *(уларга ибодат қилиш жоиз экани ҳақида)* бирон ҳужжат туширмаган-ку?! Энди *(Оллоҳнинг азобига)* кўз тутаверинглар, мен ҳам сизлар билан бирга кутувчилардапман". 72. Бас, унга *(Ҳудга)* ва у билан бирга бўлган *(мўмин)* зотларга Ўз раҳмат-марҳаматимиз билан нажот бердик ва Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларнинг думларини қирқдик *(ҳалок қилдик)*. Улар мўмин эмас эдилар. 73. Самуд *(қавмига)* ўз биродарлари Солиҳни *(пайғамбар қилдик)*. У айтди: "Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Сизларга Парвардигорингиз томонидан ҳужжат - мана бу Оллоҳ *(юборган)* туя сизлар учун оят - мўъжиза бўлиб келди. Бас, уни Оллоҳнинг Ерида еб-ичиб юрган ҳолида қўйиб юборинглар ва унга бирон ёмонлик етказмангларки, у ҳолда сизларни аламли азоб ушлайди *(азобга йўлиқасизлар)*".

Изоҳ: Ривоят қилишларича, Солиҳ пайғамбарнинг қавми ундан ҳақ пайғамбар эканлигини тасдиқловчи бирон мўъжиза кўрсатишни талаб қилганларида пайғамбар уларнинг кўз ўнгларида бир харсанг тошни тирик туяга айлантирадилар ва уни сўймай-ўлдирмай ўз ҳолига ташлаб қўйишларини буюрадилар. Акс ҳолда, бошларига бало келиши ҳақида уларни огоҳлантирадилар.

74. "Сизларни Од *(қавми)*дан кейин халифа қилиб қўйганини ва сизларга Ернинг текисликларида *(ёзлик)* қасрлар қуриб олишингиз, тоғлик жойларида *(қишлик)* бошпаналар йўниб *(тиклаб)* олишингиз учун маскан берганини эслангиз! Бас, Оллоҳнинг неъматларини эслангиз ва Ерда бузғунчилик қилиб санқиб юрмангиз!" 75. *(Шунда)* унинг қавмидан бўлган мутакаббир кимсалар бечораларга - уларнинг ораларидаги мўмин бўлган зотларга: "Сизлар Солиҳни Парвардигори тарафидан юборилган пайғамбар деб билурмисизлар?", дейишди. Улар айтдилар: "Албатта биз унинг воситасида юборилган нарсага *(динга)* иймон келтиргувчимиз". 76-77. Мутакаббир кимсалар эса: "Биз сизлар иймон келтирган динга кофирмиз", дейишди-да, туяни сўйиб юборишди ва Парвардигорларининг амридан юз ўгиришди ҳамда: "Эй Солиҳ,

агар сен ростдан ҳам пайғамбарлардан бўлсанг, бизга ваъда қилган нарсангни *(яъни, Оллоҳнинг азобини)* келтир-чи?" дейишди. 78. Бас, уларни даҳшатли зилзила тутиб, турган жойларида тўкилдилар *(ҳалок бўлдилар).* 79. Кейин *(Солиҳ)* улардан юз ўгириб *(ўзича)* деди: "Эй қавмим, мана, мен сизларга Парвардигоримнинг вазифасини - динини етказдим ва сизларга насиҳатлар қилдим. Лекин сизлар холис насиҳат қилгувчиларни севмайсиз". 80-81. *(Эй Муҳаммад алайҳиссалом),* эсланг, Лут *(пайғамбар)* ўз қавмига: "Шундай бузуқлик қиласизларми? Ахир сизлардан илгари бутун оламлардан бирон кимса бундай қилмаган эди-ку?! *(Наҳотки)* сизлар хотинларингизни қўйиб, шаҳват билан *(нафсингизни қондириш учун)* эркакларга борсангиз?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсиз", деган эди 82. Қавмнинг жавоби эса фақат мана бундай дейишлари бўлди: "Уларни *(яъни, Лут ва тобеъларини)* қишлоғингиздан чиқариб юборингиз! Чунки улар ҳаддан ортиқ покиза одамлар экан". 83. Бас, Биз унга ва аҳлига *(яъни, Лут ва унга тобеъ бўлган зотларга)* нажот бердик. Магар унинг хотини *(нажот топмади, чунки у Оллоҳнинг азобида)* қолиб ҳалок бўлгувчилардан эди. 84. Биз уларнинг устига даҳшатли ёмғир - тош ёғдирдик. Ана энди жиноятчи - осий қавмнинг оқибати *(қисмати)* қандай бўлганини кўринг. 85. Мадян қавмига ўз биродарлари Шуайбни *(пайғамбар қилдик).* У айтди: "Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Сизларга Парвардигорингиз тарафидан очиқ ҳужжат *(яъни, дин)* келди. Бас, ўлчов ва тарозини тўла тортингиз ва одамларнинг нарсаларидан уриб қолмангиз ҳамда Ер *(пайғамбарлар юбориш билан)* ўнглаб қўйилганидан кейин, унда *(кофирлик билан)* бузғунчилик қилиб юрманглар! Агар мўмин бўлсангизлар, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир. 86. Ҳар кўчада *(кишиларни)* қўрқитиб ва Оллоҳга иймон келтирган зотларни Унинг Йўлидан тўсиб ҳамда у Йўлни бузишга ҳаракат қилиб ўтирмангиз! Озчилик *(яъни, куч-қувватсиз, ночор)* бўлган пайтингизда сизларни кўпайтирганини *(яъни, куч-қудратли, азиз қилганини)* эслангиз ва бузғунчи кимсаларнинг оқибати *(қисмати)* қандай бўлганини кўрингиз. 87. Агар сизлардан бир тоифа менга юборилган динга иймон келтириб, бошқа бир тоифа эса иймон келтирмаса, у ҳолда то Оллоҳ ўртамизда Ўз ҳукмини чиқаргунича *(яъни, ким ҳақ, ким ноҳақ эканлиги маълум бўлгунича)* сабр қилингиз! У ҳукм қилгувчиларнинг Яхшироғидир".

88-89. *(Шунда)* унинг қавмидан бўлган мутакаббир кимсалар: "Эй Шуайб, ё сени ва сен билан бирга иймон келтирган кишиларни қишлоғимиздан ҳайдаб чиқарамиз ёки сизлар бизнинг динимизга қайтасизлар", дейишди. У айтди: "Агар *(динингизни)* ёмон кўрсак ҳам-а? Агар Оллоҳ бизга ўша динингиздан нажот берганидан кейин яна унга қайтсак, Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиган бўламиз-ку? *(Яъни, аслида бўлмаган нарсаларни Оллоҳга шерик қилган бўламиз-ку?)* Биз учун у динга қайтиш жоиз эмас, магар Парвардигоримиз - Оллоҳ *(бизни йўлдан оздиришни)* хоҳласагина *(қайтишимиз мумкин)*. Парвардигоримизнинг илми ҳамма нарсани қамраб олгандир. Биз Оллоҳнинг Ўзига таваккул қилдик *(суяндик)*. Парвардигоро, биз билан қавмимиз ўртасида ҳақ ҳукм қилгайсан. Ўзинг ҳукм қилгувчиларнинг Яхшироғидирсан". 90. *(Шунда)* унинг қавмидан кофир бўлган кимсалар: "Қасамки, агар Шуайбга эргашсанглар, албатта зиён кўргувчи бўлурсизлар", дейишди. 91. Бас, уларни даҳшатли зилзила тутиб, турган жойларида тўкилдилар *(ҳалок бўлдилар)*. 92. Шуайбни ёлғончи қилган кимсалар гўё у ерда яшамагандек бўлиб қолдилар. Шуайбни ёлғончи қилган кимсаларнинг ўзлари зиён кўргувчи бўлдилар. 93. Кейин *(Шуайб)* улардан юз ўгириб, *(ўзича)* деди: "Эй қавмим, мана, мен Парвардигоримнинг вазифасини - Динини сизларга етказдим ва насиҳатлар қилдим. Энди *(шунча ваъз-насиҳатлардан кейин ҳам)* кофир *(бўлган)* қавмга қандай қайғурай?! 94. Биз бирон қишлоққа *(жойга)* пайғамбар юборсак *(ва у ердаги одамлар Биз юборган пайғамбарга иймон келтиришмаса)*, албатта унинг аҳлини тавба-тазарруъ қилишлари *(ва Ҳақ Йўлга юришлари)* учун қашшоқлик ва мусибатлар билан ушлаганмиз. 95. Сўнгра шукр қилармиканлар, деб, ўша ёмонлик ўрнига яхшиликни *(бой-бадавлатлик ва хотиржамликни)* алмаштириб қўйдик. Кейин улар кўпайишиб кетишгач ва: "Бундай қийинчилик ва кенгчиликлар ота-боболаримизга ҳам етган *(яъни, бизнинг динсизлигимизнинг бу ишларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, балки дунёнинг тартиби ўзи шунақа - бир танглик келса, бир мўл-кўлчилик бўлади)*", дейишгач, уларни ўзлари сезмаган ҳолларида тўсатдан *(бирон бало-ҳалокат билан)* ушладик. 96. Агар у қишлоқларнинг *(жойнинг)* аҳли иймон келтириб, тақводор бўлганларида эди, албатта Биз уларга осмону Ердан баракот *(дарвозаларини)* очиб қўйган бўлур эдик. Лекин

улар *(пайғамбарларимизни)* ёлғончи қилдилар, бас, уларни ўзлари қилган гуноҳлари сабабли ушладик. 97. У қишлоқларнинг аҳли бало-қазойимиз тунда, ухлаётган ҳолларида келиб қолишидан хотиржаммилар? *(Қутмаганмидилар?)* 98. Ёки у қишлоқларнинг аҳли бало-қазойимиз чошгоҳ пайтида, улар ўйин-кулги қилаётган ҳолларида келиб қолишидан хотиржаммилар? 99. Улар Оллоҳнинг "макри"дан хотиржам бўлиб қолдилармиʼ? Бас, Оллоҳнинг "макри"дан фақат зиён кўргувчи қавмгина хотиржам бўлур. 100. Бу Ерга *(илгариги)* эгаларидан кейин меросхўр бўлаётган кимсаларга, агар Биз хоҳласак, уларнинг гуноҳлари сабабли мусибат етказиб қўйишимиз маълум эмасми? Биз уларнинг дилларини *(ана шундай)* муҳрлаб қўюрмиз. Сўнг улар *(ҳеч қандай панд-насиҳатга)* қулоқ солмай қўядилар. 101. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Биз Сизга ўша қишлоқлар - уларнинг хабарларидан сўйлаётирмиз. Албатта уларга пайғамбарлари ҳужжат мўъжизалар келтирганлар, аммо улар илгари *(яъни, мўъжизалар келмай туриб, пайғамбарларини)* ёлғончи қилганлари сабабли *(мўъжизалар келгандан кейин ҳам)* иймон келтирувчи бўлмадилар. Оллоҳ кофирларнинг кўнгилларини ана шундай муҳрлаб қўюр. 102 Уларнинг кўпларида бирон аҳдни *(яъни, аҳдга вафодорликни)* топмадик ва мудом уларнинг кўпларини итоатсиз ҳолда топдик. 103. Сўнгра - улардан кейин Биз Мусони Ўз оятларимиз билан Фиръавн ва унинг одамларига юборган эдик, улар *(у оятларга)* золим-кофир бўлдилар. Ана энди бузғунчиларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринг. 104. *(Мусо)* деди: "Эй Фиръавн, албатта мен барча оламларнинг Парвардигоридан элчиман. 105. Менинг зиммамда Оллоҳ шаънига фақат ҳақни айтиш бордир. Мана, сизларга Парвардигорингиздан очиқ ҳужжат келтирдим. Бас, энди бани Исроилни мен билан бирга *(ўз юртларига)* жўнатгин".

Изоҳ: Муфассирларнинг ёзишларича, асли авлодлари Муқаддас Замин (Шом)дан бўлган бани Исроил қавмининг Мисрга ўрнашиб қолишларига сабаб - Юсуф алайҳис-саломнинг замонларида Яъқуб алайҳис-саломнинг уруғ-авлодлари Мисрга келишиб, шу ерда уй-жой, бола-чақа қилиб қолиб кетадилар. Қачонки давлат устига Фиръавн келгач, уларни қул қилиб, энг оғир ишларда ишлата бошлади. Шунда Мусо пайғамбар бани Исроилни бу асирликдан қутқариб, ота-боболарининг ватани Муқаддас Замин (Шом)га олиб кетмоқчи бўлади. Энди қуйидаги оятларда Мусо келтирган мўъжизалар баён қилинади.

106. *(Фиръавн):* "Агар ростгўй кишилардан бўлиб, бирон оят-мўъжиза билан келган бўлсанг, қани, уни келтир!", деди. 107. Шунда *(Мусо тутиб турган)* асосини ташлаган эди, баногоҳ у асо очиқ - ростакам аждарга айланди. 108. Кейин қўлини *(чўнтагидан)* чиқарган эди, баногоҳ у қараб турганларга *(кундан ҳам)* оқ бўлиб кўринди *(ҳолбуки, Мусо қорамағиз одам эди).* 109. Фиръавн қавмидан *(яъни, қибтийлардан)* бўлган кимсалар *(Мусо алайҳиссаломнинг бу мўъжизаларини кўргач):* "Шубҳасиз, бу *(Мусо ўткир сеҳргардир)*", дедилар. 110. *(Фиръавн айтди):* "У сизларни ўз ерларингиздан чиқармоқчи, нима дейсизлар?" 111-112. Улар дедилар: "Уни ва акаси *(Ҳорун)*ни қўйиб тургин-да, ҳамма шаҳарларга *(сеҳргарларни)* йиғиб келадиган кишиларни юборгин, улар сенга жами ўткир сеҳргарларни келтирсинлар". 113. *(Шундан кейин)* сеҳргарлар Фиръавн олдига келишиб: "Агар биз ғолиб бўлсак, албатта *(катта)* мукофот *(берурсан)*", дейишди. 114. У: "Ҳа, *(агар ғолиб бўлсангизлар),* албатта сизлар менинг яқинларимдан бўлурсизлар", деди. 115. Улар айтдилар: "Эй Мусо, ё сен *(қўлингдаги асони)* ташла, ёки биз *(ўзимизнинг қўлимиздаги нарсаларимизни)* ташлаймиз". 116. *(Мусо):* "Сизлар ташлангглар", деди. Бас, улар ташлаган эдилар, одамларни кўзларини бўяб даҳшатга солиб қўйдилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар.

Изоҳ: Ҳикоя қилишларича, шаҳар четидаги бир водийга тўпланган халойиқ олдида минглаб сеҳргарлар қўлларидаги таёқча ва ипларини ташлаганларида бутун водий устма-уст мингашиб-қалашиб ётган илонларга тўлиб кетган экан. Одамлар бу ҳолдан даҳшатга тушиб қоладилар, ҳатто Мусо пайғамбарни ҳам хавотир эгаллаб олади, шунда...

117. Биз Мусога: "Асойингни ташлагин", деб ваҳий юбордик. Баногоҳ у *(аждарга айланган ҳасса)* уларнинг "уйдирма"ларини юта бошлади. 118. Бас, ҳақиқат *(жойига)* тушди, уларнинг қилган, ҳаракатлари эса ботил бўлди. 119. Бас, у ерда *(Фиръавн ва унинг тарафдорлари)* мағлуб бўлишиб, беобрў бўлган ҳолларида *(шаҳарга)* қайтдилар. 120-121-122. *(Шу пайт)* у сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида Ерга ташланиб: "Бизлар барча оламларнинг Парвардигорига - Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига иймон келтирдик", дедилар. 123-124. Фиръавн айтди: "Мен сизларга изн бермай туриб унга иймон келтирдингизми?! Шубҳасиз, бу қилган найрангларингиз ушбу шаҳардан унинг аҳолисини чиқариш учун қилган макрингиздир. Энди яқинда билурсиз - албатта мен оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига *(ўнг қўл, чап оёғингизни)*

кесурман, сўнгра сизларнинг барчангизни дорга осурман". 125. Улар дедилар: "Албатта бизлар Парвардигоримизга қайтгувчимиз *(бас, сен бизни ўлим билан қўрқита олмайсан)*. 126. Сен биздан фақаттина Парвардигоримизнинг оятлари келганда уларга иймон келтирганимиз учунгина ўч олмоқдасан. Парвардигоро, устимиздан сабру тоқатни ёғдиргайсан ва бизларни фақат мусулмон бўлган ҳолимизда ўлдиргайсан!"

И з о ҳ: Ислом таълимотига кўра, Одам Атодан тортиб то Муҳаммад алайҳис-саломгача барча пайғамбарлар мусулмонликка, яъни, Ягона Оллоҳнинг Ўзига бандалик қилиб бўйинсунишга даъват қилганлар. Улар гўё бир занжир бўлиб, у занжирнинг биринчи ҳалқаси Одам алайҳис-салом бўлсалар, охирги ҳалқаси Муҳаммад алайҳис-саломдир. Шунинг учун Мусо пайғамбарга иймон келтирган кишилар ҳам Оллоҳ таолодан фақат Унинг Ўзига бўйинсунувчи, яъни, мусулмон бўлган ҳолларида жонларини олишни илтижо қилдилар.

127. *(Шунда)* Фиръавн қавмидан бўлган одамлар: "*(Эй Фиръавн)*, Мусо ва қавмининг Ерда бузғунчилик қилиб юришига ҳамда сени ва худоларингни тарк этишига қўйиб берасанми?" дейишганида, у деди: "Уларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдиражакмиз. Албатта биз уларнинг устида ғолибдирмиз". 128. *(Фиръавннинг сўзларидан даҳшатга тушиб кетганларида)* Мусо қавмига деди: "Оллоҳдан мадад тилаб, сабр-тоқат қилингиз! Бу Ер шак-шубҳасиз, Оллоҳникидир. Уни Ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат-натижа эса тақводорларники *(Оллоҳдан қўрққанларники)* бўлур". 129. Улар айтдилар: "Сен бизга *(пайғамбар бўлиб)* келишингдан илгари ҳам *(яъни, ўшанда ҳам Фиръавн ўғилларимизни ўлдириб, аёлларимизни тирик қолдириб, зулм қилган эди)*, сен келганингдан кейин ҳам озор кўрдик". У *(Мусо)* деди: "Шояд Парвардигорингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни бу Ерга халифа қилса ва қандай амаллар қилишингизни кўрса". 130-131. Дарҳақиқат, Биз Фиръавн одамларини панд-насиҳат олишлари учун *(қаҳатчилик)* йиллари билан ва мева-чеваларнинг ҳосилини камайтириш билан ушладик. Шундан кейин ҳам қачон уларга яхшилик *(осойишта ҳаёт, упумдорлик)* келса, улар: "Бунга ўзимиз ҳақдормиз", дейишди. Агар уларга бирон ёмонлик етиб қолса эса, Мусо ва у билан бирга бўлган *(унга иймон келтирган)* кишилардан бадгумон бўлдилар. Огоҳ бўлсинларки, албатта уларнинг кўргуликлари *(яъни, улар кўрадиган яхшиликлар ҳам, ёмонликлар ҳам)* фақат Оллоҳнинг ҳузуридадир. Лекин уларнинг кўплари

(буни) **билмайдилар. 132. Улар** *(Мусога)*: **"Сен бизларни сеҳрлаш учун қандай оят-мўъжиза келтирсанг ҳам биз сенга ҳаргиз иймон келтиргувчи эмасмиз", дедилар. Бас, Биз уларнинг устларига тўфон** *(сел)*, **чигиртка, бит, бақа ва қон** *(балоларини Бизнинг қудратимизга далолат қиладиган)* **очиқ оят-мўъжизалар қилиб юбордик.** *(Лекин)* **улар кибр-ҳаво қилдилар ва жиноятчи - осий қавм бўлдилар.**

Изоҳ: Дарҳақиқат, Фиръавн қавми ўзларининг кофирликларида оёқ тираб туриб олишгач, Оллоҳ таоло уларга мисли кўрилмаган даҳшатли балоларни юборди: Уларнинг барча экинзор - боғларини сел босиб ҳалок қилди. Чигирткалар уларнинг экин ва мева ҳосилларидан тортиб уй-жой, кийим-бошларигача еб битиришди, уларнинг егулик ва жониворларини битлар босиб кетди; бақалар эса уларниг таом ва қудуқларидан тортиб ётоқхоналаригача тўлдириб юборишди; уларнинг ариқ ва булоқларидан сув ўрнига қон оқди, бир ютум тоза сув топа олмай қолдилар. Аммо шунча бало-мусибатларни кўриб ҳам улар яна алдов йўлини тутдилар.

134. Қачонки уларнинг устига бу азоб тушгач, улар: "Эй Мусо, Парвардигорингга сенга берган ваъдаси ҳаққи-ҳурмати, дуо қил! Қасамки, агар сен биздардан шу азобни кўтарсанг, албатта сенга *(пайғамбарлигингга)* **иймон келтирурмиз ва бани Исроилни сен билан бирга** *(ўз ватанларига)* **жўнатурмиз", дедилар. 135. Энди Биз улардан бу азобимизни** *(улар)* **ўзлари етиб боргувчи бўлган муддаттача** *(яъни, барча. ишлар ҳисоб-китоб қилинадиган Қиёмат Кунигача)* **кўтарганимизда эса, баногоҳ** *(ичган қасамларини)* **бузиб турибдилар. 136. Бас, Биз улардан интиқом олдик - оятларимизни ёлгон деганлари ва у** *(оят-мўъжизалардан)* **гофил бўлиб олганликлари сабабли Биз уларни денгизга ғарқ қилдик. 137.** *(Миср ва Шомдаги)* **Ўзимиз баракотли қилган ернинг Машриқ ва Мағрибларига бу бечора қавмни** *(яъни, бани Исроилни)* **ворис қилиб қўйдик.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Сабр-тоқат қилганлари сабабли бани Исроилга Парвардигорингизнинг** *("Бу ердаги бечора бўлган зотларга инъом қилишни ва уларни одамларга етакчи қилиб қўйишни истаймиз", деган)* **гўзал сўзлари тўла-тўкис бўлди. Фиръавн ва қавми ясаб - қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб кўтарган қасрларни эса вайрон қилдик. 138-139. Ва Биз бани Исроилни** *(Эсон-омон)* **денгиздан ўтказдик.**

Изоҳ: Ривоят қилинишича, Фиръавн денгизга ғарқ қилиниб, Мусо алайҳис-салом бани Исроил қавми билан эсон-омон денгиздан

ўтиб олган кун Муҳаррам ойининг ўнинчиси - ошуро куни эди. Шунинг учун улар ўша куни шукрона рўза тутишни одат қилганлар.

Шунда улар бутларига сигиниб турган бир қавм олдидан ўтдилар ва: "Эй Мусо, бизларга ҳам уларнинг илоҳлари каби худо қилиб *(ясаб)* бер", дедилар. У айтди: "Албатта сизлар билмайдиган қавмдирсизлар. Ахир уларнинг *(ибодат қилиб)* турган нарсалари йўқ бўлгувчи, қилиб турган амаллари эса ботил-ку?" 140. *(Яна)* айтди: "Мен, сизларни бутун оламлардан афзал қилиб қўйган Оллоҳдан ўзгани *(яъни, жонсиз бутни)* сизларга худо қилиб берамнми?!" 141. *(Эй бани Исроил)*, сизларни ёмон азоб билан қийнаётган, ўғилларингизни ўлдириб, аёлларингизни тирик қолдираётган Фиръавн одамларидан қутқарганимизни эслангиз! Бу ишларда *(яъни, бу азоб ва нажотда)* Парвардигорингиз тарафидан улуғ имтиҳон бордир. 142. Биз Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашган эдик. Сўнгра уни яна ўн *(кеча)* билан тўлдирдик. Бас, Парвардигорининг *(унинг учун белгилаган)* вақти комил қирқ кеча бўлди. *(Яъни, Оллоҳ Тур тоғида Мусога шунча муддат танҳо ибодат қилишни буюрди Оллоҳ таологa муножот қилиш учун кетар экан)*, Мусо акаси Ҳорунга деди: "Қавмим устида менинг ўринбосарим бўлгин ва *(агар улар ёмон амал қилсалар)*, тузаттин. Бузғунчи кимсаларнинг йўлига эргашмагин". 143. Қачонки Мусо ваъдалашган вақтимизда *(Тур тоғига)* келиб, Парвардигори унга *(бевосита)* сўзлагач, у: "Парвардигорим, менга *(жамолингни)* кўрсатгин. Сенга бир қарай", деди. *(Оллоҳ)* айтди: "Сен Мени *(бу дунёда)* ҳаргиз кўролмайсан. Аммо мана бу тоққа боқ. *(Мен унга кўринурман)* Бас, агар у *(Мен кўринганимда)* ўрнашган жойида тура олса, сен ҳам Мени кўражаксан". Қачонки, Парвардигори у тоққа кўринган эди, уни майда-майда қилиб ташлади ва *(бу ҳолни кўрган)* Мусо ҳушсиз ҳолда йиқилди. Ўзига келганидан кейин эса деди: "Пок Парвардигор *(ноўрин савол сўрашдан)*, Ўзингга тавба қилдим. Энди мен *(Сенинг нақадар Буюк Зот эканингга)* иймон келтирувчиларнинг аввали - пешқадамиман". 144. *(Оллоҳ)* айтди: "Эй Мусо, ҳақиқатан, Мен сени одамлар устида пайғамбарим бўлишга ва *(бевосита)* Каломимни эшитишга танлаб олдим. Бас, сенга ато этган нарсамни *(яъни, пайғамбарликни)* олгин ва шукр қилгувчилардан бўлгин!" 145. Унинг учун лавҳларга *(яъни, Таврот варақларига)* ҳамма нарсани - панд-насиҳат ва барча нарсаларнинг тафсилотини ёзиб қўйдик ва: "Уларни маҳкам ушлагин ҳамда қавмингни у панд-насиҳатларнинг энг гўзалларини олишларига буюргин" *(дедик)*. Энди Мен сизларга итоатсиз кимсаларнинг

диёрини *(яъни, улар Охират диёрида топадиган оқибатларини)* кўрсатурман. 146. Мен Ерда ноҳақ кибру ҳаво қилиб юрадиган, агар барча оят-мўъжизаларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмайдиган, Тўғри Йўлни кўрсалар уни *(ўзлари учун)* йўл қилиб олмайдиган, агар залолат - нотўғри йўлни кўрсалар, уни йўл қилиб оладиган кимсаларни Ўз оят-мўъжизаларимдан буриб юборурман *(яъни, англаб етмайдиган қилиб қўюрман)*. Бунга сабаб, улар Бизнинг оятларимизни ёлғон деганлари ва у оятлардан ғофил бўлиб олганларидир. 147. Бизнинг оятларимизни ва Охиратдаги мулоқот *(Қиёмат)*ни ёлғон деган кимсаларнинг қилган амаллари беҳуда кетар. Улар фақат ўзларининг амаллари *(яъни, куфру исёнлари)* сабабли жазоланурлар. 148. Мусонинг қавми ундан кейин *(яъни, у Тур тоғига Оллоҳга муножот қилиш учун кетганидан кейин)* ўзларининг безак буюмларидан овоз чиқарадиган бир бузоқ - шаклини *(ясаб)* олдилар *(ва унга ибодат қила бошладилар)* - ахир улар ўша *(бузоқ)* ўзларига сўзлай олмаслигини ва ҳидоят ҳам қила олмаслигини билмадилармиʼ?! - улар ўшани *(ибодат қилиш учун)* ушлаб, *(ўзларига)* зулм қилгувчи бўлдилар. 149. Қачонки қўлга тушишгач, *(яъни, бузоқ худо эмаслигини билишиб ҳафсалалари совугач)* ва ўзларининг йўлдан озганликларини билишгач, айтдилар: "Қасамки, агар Парвардигоримиз бизга раҳм этмаса ва *(бу гуноҳимизни)* мағфират қилмаса, албатта зиён кўргувчилардан бўлиб қолурмиз". 150. Қачонки Мусо қавмига *(Уларнинг бузоққа сиғинганликларидан)* ғазабланган ва хафа ҳолда қайтгач: "Менинг ортимдан нақадар ёмон *(ишлар қилиб)* қолувчи *(халифа)* бўлдингизлар. Парвардигорингизнинг амр-фармони *(етиб келгунича сабр қилмай)* шошиб кетдингизми?", деб, *(ғазабланганидан қўлидаги)* лавҳларни ташлаб юборди ва акасининг бошидан *(сочидан)* ушлаб ўзига торта бошлади. *(Ҳорун)* деди: "Эй онамнинг боласи - биродарим", бу қавм мени хўрлаб, ўлдиришларига оз қолди, энди сен ҳам бу душманларни менинг устимдан кулдирмагин ва мени бу золим қавм билан бирга деб билмагин. 151. *(Мусо)* деди: "Парвардигорим, мени ва биродаримни Ўзинг мағфират қилгайсан ва бизни Ўз раҳматингга дохил қилгайсан, Ўзинг раҳм қилгувчиларнинг Раҳмлироғисан". 152. Шубҳасиз, бузоқни *("худо" қилиб)* ушлаб олган кимсаларга Парвардигорлари тарафидан ғазаб ва ҳаёти дунёда хор-зорлик етар. *(Оллоҳ шаънига)* ёлғон тўқувчи кимсаларни мана шундай жазолаймиз. 153. Гуноҳ ишларни қилиб, кейин уларнинг ортидан тавба қилган ва иймон келтирган кишилар учун эса албатта

Парвардигорингиз ўшандан кейин ҳам Мағфират қилгувчи, Меҳрибондир. 154. Қачонки Мусонинг ғазаби босилгач, ҳалиги лавҳларни *(ердан)* **олди - унда: Парвардигоридан қўрқадиган кишилар учун ҳидоят ва раҳмат бўлур, деб битилган эди. 155. Мусо Бизнинг белгилаган вақтимиз***(га - ҳузуримизга олиб келиш)* **учун ўз қавмидан** *(бузоққа сиғинмаган)* **етмиш кишини танлаб олди. Шу пайт уларни даҳшатли зилзила тутган эди, айтди: "Парвардигорим, агар хоҳласанг уларни ҳам, мени ҳам илгари** *(яъни, улар бузоққа сиғинаётган пайтларида)* **ҳалок қилсанг бўлур эди. Орамиздаги ақлсиз кимсаларнинг қилмишлари сабабли** *(энди)* **бизларни ҳалок қиласанми? Ахир бу** *(яъни, уларнинг бузоққа сиғинишлари)* **фақатгина Ўзинг хоҳлаган кишиларни у сабабли адаштирадиган, хоҳлаган кишингни ҳидоят қиладиган бир имтиҳонинг эди-ку! Ўзинг Хожамизсан, бас, бизни мағфират қил, бизларга раҳм айла. Ўзинг мағфират қилгувчиларнинг энг Яхшисидирсан. 156-157. Бизлар учун бу дунёда ҳам, Охиратда ҳам яхшилик ёзгин. Ўзингга тавба қилдик".** *(Оллоҳ)* **айтди: "Азобимни Ўзим хоҳлаган кимсага етказурман. Раҳматим - меҳрибонлигим эса ҳамма нарсадан кенгдир. Мен уни** *(раҳматимни)* **тақво қиладиган, закотни берадиган зотларга ва Бизнинг оятларимизга иймон келтиргувчи бўлган кишиларга ёзурман. Улар шундай кишилардирки, уммий** *(саводсиз)* **Пайғамбарга - номини ўз олдиларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолда топишадиган - элчимизга** *(ҳазрати Муҳаммад алайҳис-саломга)* **эргашадилар. У** *(Пайғамбар)* **уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни улар учун ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади ҳамда улардан юкларини ва устларидаги кишанларини олиб ташлайди** *(яъни, Ислом динидан аввалги динларда бўлган оғир, машаққатли ибодатларни олиб ташлаб, уларнинг ўрнига осон ва енгилларини келтиради)*. **Бас, унга иймон келтирган, уни улуғлаб, унга ёрдам қилган ҳамда унинг** *(келиши)* **билан нозил қилинган нурга** *(яъни, Қуръонга)* **эргашган зотлар - ана ўшаларгина нажот топгувчилардир. 158.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **айтинг: "Эй инсонлар, албатта мен сизларнинг барчангизга** *(юборилган)* **Оллоҳнинг элчисиман. У шундай Зотки, самовот ва Ер Унинг мулкидир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. Ҳаёт ва ўлим берадиган ҳам Унинг Ўзидир. Бас, Оллоҳга ва Унинг элчисига - Оллоҳга ва Унинг Сўзларига ишонадиган уммий Пайғамбарга иймон келтирингиз ва унга эргашингиз - шояд ҳидоят топурсиз". 159. Мусонинг қавми орасида**

шундай жамоат ҳам борки, улар ҳақ *(сўз)* **билан** *(одамларни)* **Тўғри**
Йўлга бошларлар ва ҳақ *(ҳукмлар)* **билан адолат қилурлар. 160.**
Уларни *(яъни, Мусо қавмини)* **жамоа-жамоа қилиб ўн икки уруғ -**
авлодга бўлиб юбордик ва қавми Мусодан сув сўраган пайтида
унга: "Асойинг билан тошни ургин!", деб ваҳий юбордик. Бас,
(тошдан) **ўн икки чашма отилиб чиқди - ҳамма одамлар ўз**
сувларини билдилар. Уларга *(саҳрода)* **булутни соябон қилдик ва**
устларидан ширинлик ва беданалар ёғдириб: "Сизларни
баҳраманд қилган пок нарсаларимиздан енглар", *(дедик).* **Улар**
(берган неъматларимизга ношукр бўлишлари билан) **Бизга жабр**
қилмадилар, балки ўзларига жабр қилгувчи бўлдилар. 161. Уларга:
"Мана шу қишлоқни *(Байтул-Муқаддасни)* **маскан тутингиз ва**
ундан хоҳлаган жойингизда таомланингиз ҳамда "Кечиргин" деб
шаҳарга дарвозадан сажда қилган ҳолингизда кирингиз! *(Шунда)*
гуноҳларингизни мағфират қилурмиз, чиройли амал
қилгувчиларга эса *(марҳаматимизни)* **зиёда қилурмиз", деган**
пайтимизни эсланг! 162. Ўшанда, улардан золим бўлган кимсалар
ўзларига айтилган *("Кечиргин")* **сўзини бутунлай бошқа бир сўзга**
алмаштирдилар. *(Шундан кейин)* **Биз уларга золим бўлганлари**
сабабли осмондан азоб юбордик. 163. *(Эй Муҳаммад алайҳис-*
салом), **улардан** *(яҳудийлардан)* **денгиз олдидаги қишлоқ ҳақида -**
шанба куни ҳаддан ошганлари ҳақида *(яъни, манъ қилинганига*
қарамасдан шанба куни балиқ овлаганлари ҳақида) **сўранг! Ўшанда,**
шанбалик қилган *(яъни, балиқ овламаган)* **кунларида балиқлар** *(сув*
юзида) **очиқ келар эди, шанбалик қилмаган кунларида** *(яъни,*
шанбадан бошқа кунларда) **эса келмас эди. Уларни итоатсиз**
бўлганлари сабабли мана шундай имтиҳон қилурмиз.

Изоҳ: Муфассирлардан Қуртубийнинг ёзишларича, бу воқеа Довуд алайҳис-салом замонларида бўлган экан Ўшанда шанба кунлари балиқлар сон-саноқсиз бўлиб сув юзида оқиб келар, эртасига эса дарёда биронта балиқ қолмас экан. Бу фурсатдан фойдаланган иблис яҳудийларни васвасага солиб, улар дарё четларида саёз ҳовузлар кавлашиб, шанба кунлари балиқларни қамаб олишадиган, эртасига эса ўша ҳовузлардан тутиб кетадиган бўлган эдилар. Бу қилмишлари оқибатида улар Оллоҳ таолонинг имтиҳонидан ўта олмаган эканлар. Юқоридаги оятда фосиқ - итоатсиз кимсаларни Оллоҳ ўтиб бўлмайдиган бало-имтиҳонларга гирифтор қилишига ҳам ишора бордир Ўшанда яҳудийлар уч тоифага бўлиниб қолган эканлар. Бир тоифа юқорида айтилган шанба кунлари балиқ овлаиверадиган итоатсизлар, иккинчи тоифа ўзларини бу

жиноятдан сақлаб, ўзгаларни ҳам ундан қайтарадиганлар, учинчи тоифа эса ўзлари у кунда балиқ тутмай, ўзгаларни ҳам ундан қайтармайдиганлар эди. Қуйидаги оятда мана шу учинчи ва иккинчи тоифа ўртасида бўлиб ўтган савол-жавоб зикр этилади.

164. Ўшанда улардан бир жамоат: "Не сабабдан Оллоҳнинг Ўзи *(бу дунёда)* ҳалок этадиган ёки *(Охиратда)* қаттиқ азоблайдиган қавмга панд-насиҳат қилурсизлар?", деганларида, улар *(яъни, иккинчи тоифадаги одамлар)* айтдилар: "Парвардигорингизга *(Қиёмат Кунида)* узримизни айтиш учун ва шояд *(улар Оллоҳдан)* қўрқсалар, деб *(насиҳат қилмоқдамиз)*". 165. Бас, қачон улар *(яъни, итоатсиз кишилар)* ўзларига эслатма қилиб берилган нарсани унутишгач, Биз бу гуноҳ ишдан қайтарган зотларга нажот бердик ва золим кимсаларни итоатсиз бўлганлари сабабли қаттиқ азоб билан ушладик. 166. Энди қачонки ўзлари қайтарилган ишдан *(қайтмасдан)* кибру ҳаво қилганларидан кейин уларга: "Бадбахт маймунларга айланингиз", дедик. 167. Ўшанда Парвардигорингиз албатта уларнинг устига Қиёмат Кунигача ёмон азоб билан азоблайдиган зотларни юборишини билдирган эди. Шубҳасиз, Парвардигорингиз *(кофирлар учун)* азоби қаттиқ, *(мўминларни эса)* Мағфират қилгувчи, Меҳрибондир. 168. Биз уларни *(яҳудийларни)* бутун Ер юзига жамоа-жамоа қилиб бўлиб юбордик. Уларнинг ораларида яхшилари *(иймонга келганлари)* ҳам, ундай эмаслари *(иймонсизлари)* ҳам бордир. Уларни *(куфр ва исёндан)* қайтишлари учун кўп яхшилик *(неъматлар)* ва ёмонликлар *(балолар)* билан синаб кўрдик. 169. Улардан сўнг Китобга *(Тавротга)* меросхўр бўлган бир авлод келдики, улар бу тубан *(дунё)* нарсаларини *(ҳалол, ҳаромлигига қарамай)* оладилар ва "Албатта бизлар мағфират қилинурмиз", дейдилар. Ҳолбуки, агар яна ўшанга ўхшаган нарса келиб қолса, уни ҳам олаверадилар. Ахир улардан Китобда *(Тавротда)* Оллоҳ шаънига фақат ҳақни айтишлари борасида аҳд-паймон олинмаганмиди?! Ундаги оятларни ўқиб ўрганган эдилар-ку! Оллоҳдан қўрқадиган зотлар учун *(бу дунё матоларидан)* Охират диёри яхшироқ-ку! Ақл юргизмайсизлармi?! 170. *(Уларнинг ораларида)* Китобни маҳкам ушлаган ва намозни тўкис адо қилган зотлар ҳам борки, албатта Биз ўзларини тузатгувчи кишиларнинг ажр-мукофотини зое қилмаганмиз. 171. *(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, Тур)* тоғини кучириб олиб, уларнинг устларида гўё бир соябондек *(кўтариб турдик)*, улар уни устларига қулаб тушади, деб гумон қилган ҳолларида: "Биз сизларга ато этган нарсани

(Тавротни) маҳкам ушлангиз ва ундаги оятларни ёдда тутингиз шояд тақводор бўлсаларингиз!", деган пайтимизни эсланг! 172. Парвардигорингиз Одам болаларининг белларидан *(яъни, пушти камарларидан то Қиёмат Кунигача дунёга келадиган барча)* зурриётларини олиб: "Мен Парвардигорингиз эмасманми?", деб, ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: "Ҳақиқатан, Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз", деганларини эсланг! *(Сизлардан бундай гувоҳлик - аҳд-паймон олишимиз)* Қиёмат Кунида: "Бизлар бундан бехабар эдик", демасликларингиз учундир. 173. Ёки: "Ахир илгари ота-боболаримиз мушрик бўлган эсалар, бизлар улардан кейин келган *(ва уларнинг ўргатган йўлларига эргашган)* авлод бўлсак, ўша ноҳақ йўлда ўтган кимсаларнинг қилмишлари сабабли бизларни ҳалок қилурмисан", демасликларингиз учундир.

И з о ҳ: Халқ орасида машҳур бўлган "алмисоқ, алмисоқдан қолган", деган ибораларнинг асл мазмуни юқоридаги икки оятда мазкур бўлди. Қуръон бизга уқтиришича, Оллоҳ таоло Ўз қудрати билан Одам алайҳис-саломнинг белидан ундан тарқайдиган барча зурриётларини чиқариб, уларга Ўзининг мўъжизаларини кўрсатгач: "Айтинглар-чи, Мен Сизларнинг Раббингиз эмасманми", деганида, улар: "Парвардигоро, Ўзинг барчамизнинг Раббимизсан, бизлар бунга гувоҳ бўлдик", деб Оллоҳга аҳду паймон, яъни, мисоқ берган эканлар. Шунинг учун Ислом уламолари: "Кимда-ким кофир бўлса ёки динидан қайтса, ўзининг Оллоҳ таолога берган мисоқидан қайтган бўлади", дейдилар. Муҳаммад алайҳис-саломнинг: "Ҳар бир туғилган бола тоза ҳолда - Исломда туғилади, Кейин ота-онаси уни ё яҳудий, ё насроний, ё мажусий қилиб бузуқ тарбия беришади", деган ҳадисларининг мазмуни ҳам юқоридаги оятлар маъносига ҳамоҳангдир.

174. Шояд улар *(куфрларидан)* қайтсалар, деб Биз оятларни мана шундай муфассал баён қилурмиз. 175. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, уларга *(яҳудийларга)* бир кимсанинг хабарини тиловат қилинг - у кимсага оятларимизни билдирган эдик. Бас, у ўша оятларимиздан четлангач *(яъни, уларга амал қилмагач)*, уни шайтон эргаштириб кетиб, йўлдан озгувчилардан бўлиб қолди. 176. Агар биз хоҳласак уни ўша оятлар сабабли *(юқори даражаларга)* кўтарган бўлур эдик. Лекин у Ерга *(яъни, молу дунёга)* берилди ва ҳавойи-нафсига эргашди. Бас, унинг мисоли худди бир итга ўхшайдики, уни ҳайдасанг ҳам тилини осилтириб тураверади ёки *(ўз ҳолига)* қўйсанг ҳам тилини осилтириб тураверади. Бу Бизнинг

оятларимизни ёлғон деган кимсаларнинг мисолидир. Улар тафаккур қилсинлар учун Сиз бу қиссаларни сўйланг.

Изоҳ: Ушбу икки оят гарчи Мусо пайғамбар давридаги молдунёга берилган бир яҳудий "олим" ҳақида нозил бўлган эса-да, бу оятларнинг ҳукми билган илмига амал қилмай динфурушлик билан кун ўтказадиган "уламолар"нинг барчасига тааллуқлидир. Зотан, илм кишининг диёнат ва эътиқодини зиёда қилиш ўрнига аҳли давлат, аҳли дунёларга қул қилиб қўйса, у илм эмас, балки жаҳолат - илмсизликдир. Оллоҳ таоло бундай "олим"ларни доим тамагирлик билан тилини осилтириб, думини ликиллатиб турадиган итга тенглаштиради. Яратган барча мусулмонларга мана шундай "итларнинг" ёмонлигидан паноҳ берсин.

177. Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларнинг мисоли *(топган оқибати)* **нақадар ёмон бўлди ва улар фақат ўзларига зулм қилгувчи бўлдилар. 178. Оллоҳ кимни ҳидоят қилса, ана ўша ҳидоят топгувчидир. У Зот кимни йўлдан оздирса, ана ўшалар зиён кўргувчидирлар. 179. Аниқки, Биз жин ва инсдан кўпларини жаҳаннам учун яратганмиз. Уларнинг диллари бору англай олмайдилар, кўзлари бору кўра олмайдилар, қулоқлари бору эшитмайдилар. Улар чорвалар кабидирлар, йўқ, улар** *(беақл, бефаҳмликда чорвалардан ҳам)* **адашганроқдирлар. Ана ўшалар ғафлатда қолган кимсалардир. 180. Оллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар** *(ёд этинглар)*. **Унинг исмларида ҳақдан оғиб** *(ноўрин жойларда уларни қўллайдиган мушрик)* **кимсаларни тарк қилинглар. Улар яқинда қилиб ўтган амалларига яраша жазоланурлар. 181. Биз яратган зотлар орасида шундай жамоат ҳам борки, улар ҳақ** *(сўз)* **билан** *(одамларни)* **Тўғри Йўлга бошларлар ва ҳақ** *(ҳукмлар)* **билан адолат қилурлар. 182. Оятларимизни ёлғон деган кимсаларни эса Биз ўзлари билмай қоладиган тарафдан секин-аста** *(ҳалокатга)* **олиб борурмиз. 183.** *(Ҳозирча)* **уларга муҳлат бериб қўюрман. Албатта Менинг "макрим" қаттиқдир. 184. Улар ҳамроҳларида** *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломда)* **ҳеч қандай жунун йўқлигини ўйламайдиларми?! У фақат** *(Оллоҳнинг азобидан)* **ошкора огоҳлантиргувчи зотдир. 185. Ахир улар самовот ва Ер мамлакатлари ҳақида, Оллоҳ яратган нарсалар тўғрисида ва ажаллари яқинлашиб қолган бўлиши мумкинлиги хусусида ўйламайдиларми?! Ундан** *(Қуръондан)* **сўнг** *(яъни, унга ишонмаганларидан кейин)* **яна қандай гапга ишонадилар-а?! 186. Кимни Оллоҳ адаштириб қўйса, унинг учун бирон ҳидоят**

қилгувчи бўлмас. *(Оллоҳ)* ундайларни ўз тутёнларида адашиб-улоқиб юрган ҳолларида тарк қилур. 187. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиздан Соат *(яъни, Қиёмат)* қачон воқеъ бўлади, деб сўрайдилар. Айтинг: "Унинг билими фақаттина Парвардигорим даргоҳидадир. Вақти-соати келганида ҳам фақат Ўзи ошкор қилур. У *(яъни, Қиёмат)* самовот ва Ер учун жуда оғир *(даҳшатли бир ишдир).* У сизларга фақат тўсатдан - кутилмаганда келур". Гўё Сиз у ҳақда яхши биладигандек сўрайдилар. Айтинг: "*(Қиёмат Соати қачон қоим бўлиши ҳақидаги)* билим фақатгина Оллоҳ даргоҳидадир. Лекин жуда кўп одамлар *(буни)* билмайдилар". 188. Айтинг: "Мен ўзимга ҳам бирон фойда ёки зиён етказишга эга эмасман. Магар Оллоҳ хоҳлаган ишгина бўлур. Агар ғайбни билганимда эди, яхши амалларни кўпайтирган бўлур эдим ва менга бирон ёмонлик - зиён етмаган бўлур эди. Мен фақат иймон келтирадиган қавм учун *(дўзах азобидан)* огоҳлантиргувчи ва *(жаннат неъматлари ҳақида)* хушхабар бергувчиман, холос". 189. *(Оллоҳ)* шундай Зотдирки, сизларни бир жондан *(Одамдан)* яратди ва у ором-осойиш топсин, деб унинг ўзидан жуфтини вужудга келтирди. *(Одам)* Унга қўшилганидан кейин у *(Ҳавво)* енгил юк *(ҳомила)* билан юклик бўлиб, ўша *(юк)* билан юрди. Бас, қачонки оғирлашганида, *(улар)* Парвардигорлари - Оллоҳга дуо қилдилар: "Қасамки, агар бизга солиҳ фарзанд ато қилсанг, албатта шукр қилгувчилардан бўлурмиз". 190. Энди *(Оллоҳ)* уларга солиҳ *(фарзанд)* ато этганидан кейин, Унга *(Унинг)* Ўзи ато этган нарсада *(яъни, болага ном қўйишда),* ширк келтира бошладилар. Бас, Оллоҳ уларнинг ширк келтирган нарсаларидан Юксакдир.

Изоҳ: Ривоят қилишларича, Ҳавво фарзанд кўрганида иблис келиб уни йўлдан оздириб, боласига Абдулҳарс, яъни, Ҳарс - Ернинг бандаси, деб ном қўйди. Оллоҳдан ўзгага бандалик қилиш жоиз бўлмагани учун Қуръон Ҳаввонинг бу қилмишини ширк, деб атайди.

191. Ҳеч нарсани ярата олмайдиган, балки ўзи яратилувчи бўлган нарсаларни *(Оллоҳга)* шерик қиладиларми?! 192. Улар учун бирон ёрдам қилишга қодир бўлмайдиган, ҳатто ўзига ўзи ёрдам қила олмайдиган *(нарсаларни Оллоҳга шерик қиладиларми?!)* 193. *(Эй мушриклар),* агар сизлар уларни *(яъни, бутларни)* ҳидоятга чақирсангизлар, сизларга эргашмайдилар *(яъни, улар жонсиздирлар).* Сизлар учун уларни чақиришингиз ёки сукут қилиб туришингиз баробардир *(яъни, барибир улар жавоб бера олмайдилар).* 194. Шубҳасиз, Оллоҳдан ўзга сизлар илтижо қилаётган нарсалар худди *(сизларнинг)* ўзларингиз каби

бандадирлар. Бас, агар ростгўй бўлсангизлар, сизлар уларни чақиринглар, улар сизларга жавоб қилсинлар-чи?! 195. Уларнинг оёқлари бормики, юрсалар, ё қўллари бормики тутсалар, ёки кўзлари бормики кўрсалар, ёхуд қулоқлари бормики эшитсалар?! *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Сизлар *(Оллоҳга)* шерик деб билган ўша бутларингизни чақиринглар-да, сўнгра менга *(бир лаҳза)* муҳлат бермай бор ҳийла-найрангингизни қилаверинглар". *(Қандай ҳунар кўрсатманглар, натижаси ҳечдир).* 196. Зотан, менинг *(Ёрдам берувчи ва Сақловчи)* Эгам шу Китобни нозил қилган Оллоҳдир. У солиҳ бандаларга ёр бўлур. 197. Ундан ўзга сизлар илтижо қилаётган нарсалар сизларга ёрдам қилишга қодир эмаслар ва улар ўзларига ҳам ёрдам қила олмаслар. 198. Агар сизлар уларни ҳидоятга чорласангиз, эшитмайдилар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* улар ўзлари кўрмаган ҳолларида сизга "боқиб" турганларини кўрурсиз. 199. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* афв - марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг! 200. Агар Сизни шайтон томонидан бўлган васваса йўлдан урмоқчи бўлса, Оллоҳдан паноҳ сўранг! Албатта У Эшитгувчи, Билгувчидир. 201. Тақво қилгувчи зотларни қачон шайтон томонидан бирон васваса ушласа, *(Оллоҳни)* эслайдилар-да, бас, *(Тўғри Йўлни)* кўра бошлайдилар. 202. *(Шайтонларнинг)* дўстлари эса йўлдан оздиришда уларга *(шайтонларга)* ёрдам берадилар, сўнг *(бу иғволарини)* тўхтатмайдилар. 203. Уларга бирон оят келтирмаган вақтингизда улар: "Ўзинг тўқий қолмайсанми?", дейишади. Айтинг: "Мен фақат Парвардигоримдан келган ваҳийгагина эргашурман. Бу *(Қуръон)* иймон келтирадиган қавм учун Парвардигорингиз тарафидан Кўрсатма, Ҳидоят ва Раҳматдир. 204. Қачонки Қуръон қироат қилинса, унга қулоқ тутингиз ва жим турингиз - шояд *(Оллоҳ тарафидан)* раҳматга сазовор бўлсангизлар. 205. Парвардигорингизни ичингизда ёлвориб, қўрқиб, ошкор бўлмаган сўзлар билан *(яъни, дилдан)* эрта-ю кеч ёд қилинг ва гофил кимсалардан бўлманг! 206. Албатта Парвардигорингизнинг ҳузуридаги зотлар *(яъни, фаришталар)* Унга ибодат қилишдан ор қилмайдилар. Уни поклайдилар ва Унгагина сажда қиладилар".

Изоҳ: Қуръонда бир неча сураларда сажда оятлари мавжуд бўлиб, мазкур суранинг сўнгги ояти ўша сажда оятларининг аввалгисидир. Бундай оят ўқилганда ўқувчига ҳам, тингловчига ҳам бир марта Оллоҳга сажда қилиш вожиб бўлади

АНФОЛ сураси (8)

Бу сура Мадинада нозил қилинган бўлиб, етмиш беш оятдан иборатдир. Унда сўз, асосан, ғазот - жанг ҳақида бориб, ҳарбий қонун-қоидалар, уруш ва тинчлик ҳолатлари ҳамда Шариати Исломийядаги асир ва ўлжа олиш хусусидаги ҳукмлар баен қилинади. Бу сеуранинг "Анфол" - "Ўлжалар" деб номланишининг сабаби ҳам шудир.

У Ислом тарихидаги илк жанг - Бадр жангидаги воқеаларни батафсил ҳикоя қилгани учун айрим саҳобалар уни "Бадр" сураси, деб ҳам атаганлар. Исломий ғазотлар солномасидан Бадр жанги ҳижрий иккинчи йилининг Рамазон ойида Мадинанинг Жанубий Ғарбида жойлашган Бадр қишлоғида бўлиб ўтгани маълум. Бу жангда мусулмонлар ададлари оз бўлишига қарамасдан, аскарлар сонида ҳам, ҳарбий қурол-анжомларда ҳам ўзларидан бир неча баробар ортиқ бўлган мушриклар устидан ғалаба қозониб, душманнинг етмиш аскарини ҳалок қиладилар ва етмиш кишини асир оладилар, катта ўлжаларга эга бўладилар. Жанг тугаганидан сўнг ўлжалар тақсимотида айрим мусулмонлар ўртасида ихтилоф чиққанда уларга, панд-насиҳат қилиш ва Тўғри Йўл кўрсатиш билан сура бошланади. Сура ниҳоясида эса мўминлар ватан ва миллатлари бир-биридан қанчалар йироқ ва хилма-хил бўлишидан қатъий назар бир уммат эканликлари, бинобарин, кофирларнинг фитналарига алданмай, ўзаро дўст-биродар бўлиб яшаб ўтишлари лозимлиги уқтирилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиздан ўлжалар ҳақида сўрайдилар. Айтинг: "Ўлжалар Оллоҳ ва Пайғамбарникидир. Бас, Оллоҳдан қўрқингиз ва ўз ораларингизни ўнглангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига бўйинсунингиз!**

Изоҳ: Бадр жангидан сўнг қўлга киритилган ўлжаларни тақсимлашда ёш аскарлар билан кексалари ўртасида

келишмовчилик пайдо бўлади. Ёшлар: "Ғалаба бизнинг кучимиз билан бўлди, бинобарин, ўлжалар ҳам ўзимизники бўлиши керак", дейишса, кексалар: "Биз сизларга жанг йўл-йўриқларини кўрсатиб турганмиз, демак, бу ўлжаларда бизнинг ҳам улушимиз бор", дейишди. Шунда юқоридаги оят нозил бўлди ва Пайғамбар алайҳис-салом тушган ўлжани ёшу қарига баб-баробар қилиб улашиб бердилар.

2. Ҳақиқий мўминлар фақат Оллоҳ *(номи)* **зикр қилинган вақтида қалбларига қўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганда иймонлари зиёда бўладиган ва Ёлғиз Парвардигорларигагина суянадиган кишилардир. 3. Улар намозни тўкис адо этадилар ва Биз уларни баҳраманд қилган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладилар. 4. Ана ўшалар ҳақиқий муминлар бўлиб, улар учун Парвардигорлари ҳузурида** *(яъни, жаннатда, юксак)* **даражалар, мағфират ва улуғ ризқ бордир 5.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, бу ўлжа тақсимотида чиққан можаро)* **худди мўминлардан бир гуруҳи** *(урушни)* **аниқ ёмон кўриб турган ҳолларида, Парвардигорингиз ҳақ ҳукм билан Сизни уйингиздан** *(жангоҳга)* **чиқарганига ўхшайди. 6.** *(Ўшанда)* **улар гўё кўриб турган ҳолларида ўлимга ҳайдаб кетилаётгандек, Сиз билан аниқ-равшан бўлган ҳақиқат** *(яъни, урушга чиқиш)* **тўғрисида баҳслашган эдилар.**

И з о ҳ: Мадинада Ислом давлати барпо булгач, мусулмонлар билан Макка мушриклари ўртасидаги низо янада авж олди. Мушриклар Маккадаги уй-жойларини ташлаб, муҳожир бўлиб кетган мусулмонларнинг ўз диёрларида қолган мол-мулкларини талон-торож қилишар, мусулмонлар эса ўз навбатида Маккадан тижорат учун чиққан карвонларга ҳужум қилишар эди. Кунларнинг бирида Пайғамбар алайҳис-саломга Макка мушриклари катта карвон билан Шомдан қайтаётганлари маълум бўлади ва ўзлари билан бир гуруҳ саҳобаларини олиб, карвонни қўлга киритиш учун йўл оладилар. Бундан хабар топган маккаликлар катта лашкар билан мусулмонларга қарши жанг қилиш учун Мадина тарафга қўшин тортиб кела бошлайдилар. Шунда Оллоҳ таоло томонидан Пайғамбар алайҳис-саломга карвонни қўйиб, мушриклар лашкари билан жанг қилиш амр қилинади. Бу хабарни эшитган айрим мусулмонлар: "Тайёр карвон ўлжа бўлиб турганида бундай катта қўшинга қарши урушамизми, ўзимиз озчилик бўлсак, бунинг устига тайёргарлигимиз ҳам йўқ-ку!", дейишиб, Пайғамбар алайҳис-салом билан баҳслаша бошлайдилар. Лекин кўпчилик саҳобалар Оллоҳнинг амрига бўйинсунишиб, кофирларга қарши жанг қилишга тайёр

эканликларини билдирадилар. Мазкур оятлар ўша тарихий ибратли воқеа ҳақида ҳикоя қилади. Қуйидаги оятларда ҳам бу ҳикоя давом этади.

7. Ўшанда *(эй мўминлар)*, Оллоҳ икки тоифадан *(яъни, карвон ва қўшиндан)* бирини сизлар учун *(ўлжа)* қилишга ваъда берган эди. Сизлар қурол-яроғсиз тоифа *(яъни, карвон)* ўзингиз учун бўлишини истаган эдингиз. Оллоҳ эса Ўз Сўзлари билан ҳақиқатни барқарор этишни ва кофирларнинг думини қирқишни *(йўқ қилишни)* ирода қилган эди. 8. *(Оллоҳ)*, гарчи жиноятчи - осийлар ёмон кўрсалар-да, ҳақни ҳақ, ботилни ботил қилиш учун *(шундай ирода қилган эди)*. 9. Ўшанда сизлар Парвардигорингиздан мадад тилаганингизда, У сизларга ижобат қилиб: "Мен сизларга кетма-кет келадиган минг фаришта билан мадад берурман", деди. 10. Оллоҳ фақат хушхабар бўлсин, деб ва кунгилларингиз хотиржам бўлиши учун шундай қилди. Ғалаба *(аслида фаришталар сабабли ё саноқларингизнинг кўплиги ёки қурол-аслаҳаларингизнинг қуввати билан эмас, балки)* фақат Оллоҳнинг даргоҳидан бўлур. Ҳақиқатан, Оллоҳ Ғолиб ва Ҳикматлидир. 11. *(Эй мўминлар)*, ўшанда хотиржам бўлишингиз учун сизларни Ўз тарафидан уйқуга чўмдирган ва сизларни поклаш, сизлардан шайтон васвасасини кетказиш учун, сизларни якдил ва собитқадам қилиш учун устингизга самодан сув - ёмғир ёғдирган эди. 12. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, ўшанда Парвардигорингиз фаришталарга: "Албатта Мен сизлар билан биргаман, бас, сизлар иймон келтирган зотларнинг *(ғалаба қозонишларига бўлган ишончларини)* маҳкамланглар! Мен кофир бўлган кимсаларнинг дилларига қўрқув солажакман. Бас, сизлар уларнинг бўйинларини узинглар, барча бармоқларини чопинглар", деб ваҳий қилган эди. 13. Бунга сабаб, *(кофирларнинг)* Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига қарши турганларидир. Кимки, Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига қарши турса, бас, албатта Оллоҳнинг жазоси қаттиқдир. 14. *(Эй кофирлар)*, мана шу *(сизларнинг ҳаёти дунёдаги жазоингиздир)*, бас, тотаверинглар. Кофирлар учун яна дўзах азоби ҳам бордир. 15. Эй мўминлар, кофирларнинг лашкарига дуч келганингизда *(саноқлари кўплигини кўриб)* уларга орқа ўгирманглар *(яъни, қўрқиб қочманглар)*. 16. Кимки ўша *(уруш)* кунида жанг нўсинини ўзгартириш ёки бошқа бир гуруҳ *(мусулмонларга)* қўшилишдан ташқари ҳолатда, уларга *(кофирларга)* орқа ўгириб қочса, бас, у Оллоҳ тарафидан ғазаб билан кетибди ва унинг жойи

жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибат-а! 17. Бас, *(эй мусулмонлар),* **уларни сизлар ўлдирмадингиз, балки Оллоҳ ўлдирди.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларнинг юзига қўлингиздаги бир сиқим тупроқни)* **отган пайтингизда, Сиз отмадингиз, балки Оллоҳ отди. Ва** *(бу ғалабани Оллоҳ)* **Ўз томонидан мўминларга чиройли инъом бўлсин, деб қилди. Албатта Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир.**

И з о ҳ: Ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳис-салом Бадр жангида қўлларига бир сиқим тупроқ олиб: "Юзлари қаро бўлгай!", деб душман тарафга отганларида, кўзига ғубор кирмаган бирор мушрик қолмаган экан.

18. *(Эй мўминлар),* **мана шу** *(сизларнинг мукофотингиздир).* **Албатта Оллоҳ кофирларнинг ҳийласини заиф қилгувчи Зотдир. 19.** *(Эй аҳли Макка),* **агар ғалабани истаган бўлсангизлар, мана сизларнинг** *(зиёнингизга)* **ғалаба келди. Агар** *(Пайғамбарга қарши урушишдан)* **тўхтасангизлар, бас, бу ўзингиз учун яхшидир. Агар** *(яна урушга)* **қайтсангизлар, Биз ҳам қайтамиз ва гуруҳингиз қанча кўп бўлмасин, сизларни ҳеч нарсадан беҳожат қила олмайди. Албатта Оллоҳ мўминлар билан биргадир. 20. Эй мўминлар, Оллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат қилингиз ва** *(Қуръонни)* **эшитиб туриб, ундан юз ўгириб кетмангиз! 21. Ва ўзлари эшитмаган** *(яъни, англаб, иймон келтирмаган)* **ҳолларида, "Эшитдик", деган кимсалар каби бўлмангиз! 22. Албатта Оллоҳнинг наздида энг ёмон ҳайвонлар кар ва соқов бўлиб олган ақлсиз кимсалардир. 23. Агар Оллоҳ уларда бирон яхшиликни билганида эди, албатта уларнинг қулоқларини очиб қўйган бўлур эди ва агар** *(Оллоҳ уларнинг)* **қулоқларини очиб қўйганида ҳам улар юз ўгирган ҳолларида кетган бўлур эдилар. 24. Эй мўминлар, Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага** *(яъни, Ҳақ Динга)* **даъват қилар экан, уни қабул қилинглар ва билинглар ки, шубҳасиз, Оллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, сизлар Унинг ҳузурига тўплануресизлар. 25. Ҳамда бир фитнадан - балодан сақланинглар ки, у сизларнинг орангиздаги золим кимсаларнинг ўзигагина етмас,** *(балки ўша фитнага қарши курашмай қараб турган барчага етар.)* **Ва билингизки, албатта Оллоҳнинг азоби қаттиқдир. 26. Ва сизлар Ерда** *(яъни, Маккада)* **озчилик ва заиф-бечора бўлган ҳолларингизда, одамлар** *(яъни, Макка мушриклари)* **сизларни талаб кетишларидан қўрқиб турган пайтингизда** *(Оллоҳ)* **сизларга жой бериб** *(яъни, Мадинага кўчириб)* **Ўз ёрдами билан**

қўллаб-қувватлаганини ва шукр қилишингиз учун покиза ризқлар билан баҳраманд қилганини эсланг! 27. Эй мўминлар, Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига хиёнат қилмангиз ва билган ҳолларингизда сизларга ишониб берилган нарсаларга *(яъни, Динга ва бошқа ҳар қандай омонатларга)* хиёнат қилмангиз! 28. Билингизки, албатта мол-дунёларингиз ва бола-чақангиз фақат *(сизлар шукр қиласизларми ёки йўқми эканини имтиҳон қилиш учун берилган)* бир фитна-алдовдир, холос. Ёлгиз Оллоҳнинг ҳузуридагина *(яъни, унинг амру фармонига итоат этишдагина)* улуғ ажр-савоб бордир. 29. Эй мўминлар, агар Оллоҳдан қўрқсангизлар, У Зот сизлар учун *(ҳақ билан ноҳақни)* ажратадиган нарсани *(яъни, Ҳақ Йўлга ҳидоятни ато)* қилур ва ёмонлик-гуноҳларингизни ўчириб, сизларни мағфират қилур. Оллоҳ улуғ фазлу марҳамат Соҳибидир. 30. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, кофирлар сизни ҳибс қилиш ё ўлдириш ёки *(Маккадан)* чиқариб юбориш учун сизга макр қилган пайтларини эсланг! Улар макр қилурлар, Оллоҳ ҳам "макр" қилур. Оллоҳ "маккор"роқдир. 31. Қачон уларга *(кофирларга)* Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса: "Эшитганмиз, агар хоҳласак, бунга ўхшаган гапни ўзимиз айтган бўлур эдик. Бу фақат аввалгилардан қолган афсоналар, холос", дейдилар. 32. Яна уларнинг: "Эй Худо, агар мана шу *(Қуръон)* Сенинг даргоҳингдан келган ҳақиқат бўлса, устимизга самодан тош ёгдиргин ёки бизларга аламли азоб келтиргин", деганларини эсланг!

И з о ҳ: Яъни: "Агар мана шу Қуръон ҳақиқатан Сенинг ҳузурингдан келган бўлса, бизларни ҳам унинг йўлига ҳидоят қилгин", демасдан: "Шу ҳақ бўладиган бўлса, устимиздан тош ёгдиргин", дейишларидан уларнинг ким эканликлари маълумдир.

33. Модомики, Сиз уларнинг ораларида экансиз, Оллоҳ уларни ҳаргиз азобламас ва улар мағфират сўраб турган ҳолларида ҳам Оллоҳ уларни азоблагувчи эмасдир! 34. *(Лекин агар)* улар *(иймонга келмасдан кишиларни)* Масжидал-Ҳаромдан тўсар эканлар, Оллоҳ уларни нега азобламасин?! *(Яъни, Сиз ва мўминлар Маккадан чиқиб кетганингиздан сўнг уларни албатта азобга гирифтор қилур)*. Улар унинг *(Масжид-ал-Ҳаромнинг)* эгалари эмаслар. Унинг эгалари фақат Оллоҳдан қўрқувчи зотлардир. Лекин уларнинг кўплари билмайдилар. 35. Уларнинг Байтуллоҳ олдида қилган "ибодат"лари фақат ҳуштак ва чапак чалиш бўлди. Бас, *(эй мушриклар, бугун - Бадрда)* кофир бўлганинглар сабабли азобимизни тотиб кўринглар

Изоҳ: Макка мушриклари Байтуллоҳни яланғоч ҳолларида чапак чалиб, ҳуштак чалиб тавоф қилар эдилар. Мусулмонлар намоз ўқиётган пайтларда ҳам ҳуштак, чапак чалиб уларни адаштирмоқчи бўлар эдилар.

36-37. Албатта кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Оллоҳнинг Йўлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша *(моллари)* **ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар. Кофир бўлган кимсалар Оллоҳ нопокни покдан** *(кофирни мўминдан)* **ажратиши ва нопок кимсаларнинг ҳаммаларини устма-уст тахлаб, жаҳаннамга солиши учун тўпланурлар. Ана ўшалар зиён кўргувчилардир. 38.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **кофир бўлган кимсаларга айтингки, агар** *(кофирликларидан)* **тўхтасалар, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур. Агар яна** *(кофирликка)* **қайтсалар, у ҳолда аввалгиларнинг суннатлари** *(яъни, кўргуликлари)* **ўтган-ку,** *(яъни, уларнинг ҳам бошларига аввалги кофирларнинг куни тушар).* **39.** *(Эй мўминлар),* **сизлар то** *(дунёда)* **бирон фитна-алдов қолмай, бутун дин фақат Оллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинглар! Энди агар** *(кофирликдан)* **тўхтасалар, бас, албатта Оллоҳ қилаётган амалларини Кўргувчидир. 40. Агар** *(кофирлар иймондан)* **юз ўгирсалар, бас,** *(эй мўминлар),* **билингизки, шубҳасиз, Оллоҳ Хожангиздир. У Зот нақадар яхши Хожа ва нақадар яхши Ёрдамчилар.**

ЎНИНЧИ ЖУЗЪ

41. *(Эй Мўминлар),* **агар сизлар Оллоҳга ва** *(ҳақ билан ноҳақнинг)* **ажралиш кунида - икки жамоа тўқнашган кунда,** *(яъни Бадр жангида)* **бандамиз** *(Муҳаммад алайҳис-салом)***га нозил қилганимиз** *(оятлар ва фариштолардан иборат)* **нарсага иймон келтиргувчи бўлсангизлар, билингизки, ўлжа қилиб олган нарсангизнинг бешдан бири Оллоҳ учун, Пайғамбар учун ва у зотнинг қариндош-уруғи, етимлар, мискинлар ва мусофирлар учундир. Оллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир.**

И з о ҳ: Шариат ҳукмига кўра, урушда қўлга киритилган ўлжанинг бешдан тўрт қисми жангчининг ҳаққи бўлиб, бешдан бири юқоридаги оятда мазкур бўлган жиҳатларга сарфланади.

42. Ўшанда сизлар *(Мадинага)* **яқинроқ тарафда, улар** *(яъни, мушрикларнинг қўшинлари)* **йироқроқ тарафда, отлиқлар** *(яъни, сизлар ўлжа қилиб олмоқчи бўлган карвон)* **эса сизлардан қуйироқда** *(денгиз соҳили бўйлаб кетмоқда)* **эдилар. Агар мушриклар билан жанг қилиш учун** *(аввалдан)* **ваъдалашганларингизда, бирон муайян вақтга келиша олмаган бўлур эдингиз. Лекин Оллоҳ ҳалок бўлгувчилар** *(яъни, кофирлик йўлини тутгувчилар)* **очиқ ҳужжат билан** *(яъни, Оллоҳнинг мўъжизасига гувоҳ бўлган ҳолларида)* **ҳалок бўлсинлар, тирик қолгувчилар** *(яъни, иймонга келувчилар)* **ҳам очиқ ҳужжат билан тирик қолсинлар, деб қилинувчи бўлган ишни** *(яъни, мусулмонларнинг ғалаба қозонишлари, кофирларнинг мағлуб бўлишларини)* **амалга ошириш учун** *(сизларни тасодифан тўқнаштириб қўйди).* **Шак-шубҳасиз, Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир. 43.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сизга тушингизда Оллоҳ уларни оз кўрсатганини эсланг! Агар Сизга уларни кўп кўрсатганда эди, албатта сизлар сустлашиб, бу иш** *(яъни, кофирларга қарши жангга чиқиш)* **хусусида тортишиб қолган бўлур эдингизлар. Лекин Оллоҳнинг Ўзи** *(сизларни бундан)* **сақлади. Албатта У диллардаги эгаллаб олган сирларни Билгувчидир. 44.** *(Эй мўминлар),* **Оллоҳ қилинадиган ишни амалга ошириш учун тўқнашган пайтингизда сизларнинг кўзингизга уларни кам қилиб кўрсатганини, уларнинг кўзларига эса сизларни оз қилиб қўйганини эслангиз! Барча ишлар Оллоҳга қайтарилур. 45. Эй мўминлар,** *(сизлар билан жанг қилаётган кофир)* **жамоатга рўбарў бўлганингизда саботли бўлингиз ва доимо Оллоҳни ёд этингиз,**

шояд нажот топурсизлар. 46. Ва Оллоҳ ҳамда Унинг Пайғамбарига итоат қилингиз ва *(ўзаро)* талашиб-тортишмангизки, у ҳолда сустлашиб, куч-қувватингиз кетур. Сабр-тоқат қилингиз! Албатта Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир. 47. Ўз диёрларидан *(яъни, Маккадан)* кибру ҳаво билан ўзларини одамларга кўз-кўзлаб чиққан ва Оллоҳнинг Йўлидан тўсадиган кимсалар каби бўлмангизлар! Оллоҳ уларнинг қилаётган ишларини Иҳота қилгувчидир *(Ўраб олгувчидир)*.

И з о ҳ: Мушриклар Маккадан дабдаба-ю, асъаса билан: "Ўша Бадрда ғалаба бизни ва шаробхўрлик қилмагунимизча қайтмаймиз", деб қасам ичишиб чиққан эдилар.

48. Ўшанда шайтон уларга қилаётган ишларини чиройли кўрсатиб: "Бу кун сизлардан ғолиб бўладиган бирон одам йўқ, ўзим сизларнинг ҳомийингизман", деди. Энди қачонки икки жамоат учрашганида эса кетига қайтиб кетди ва: "Албатта мен сизлардан безорман. Мен *(мусулмонлар орасида)* сизлар кўрмаётган нарсани *(яъни, фаришталар борлигини)* кўрмоқдаман. Мен Оллоҳдан қўрқаман. Оллоҳнинг азоби қаттиқдир", деди. 49. Ўшанда мунофиқлар ва дилларида мараз бўлган кимсалар: "Уларни *(яъни, мусулмонларни)* динлари мағрур қилиб юборди *(яъни, озгина одам билан шундай катта қўшинга қарши жанг қилмоқчи бўляптилар")*, дейишар эди. *(Мунофиқларнинг бу сўзлари нотўғридир, зеро)*, ким Оллоҳга суянса, *(албатта Оллоҳ уни Қўллагувчидир)*, зотан, албатта Оллоҳ Ғолиб ва Ҳикматлидир. 50-51. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, агар Сиз фаришталар кофир кимсаларнинг юз ва кетларига уриб жонларини олаётган ва: "Дўзах азобини тотингиз! Бунга сабаб ўзларингиз қилган амалларингиздир, зеро, Оллоҳ ҳаргиз бандаларига зулм қилгувчи эмасдир", *(деяётган)* пайтини кўрсангиз эди. 52. *(Уларнинг қилмишлари)* худди Фиръавн одамларининг ва улардан олдинги кимсаларнинг қилмишларига ўхшайди: улар Оллоҳ оятларига кофир бўлишгач, Оллоҳ уларни гуноҳлари сабабли *(азоб билан)* ушлаган эди. Албатта Оллоҳ қувват Эгаси ва азоби қаттиқдир. 53. Бунга *(яъни, уларнинг азобга гирифтор бўлишларига)* сабаб шудир - Оллоҳ бир қавмга инъом қилган неъматини то улар ўзларини ўзгартирмагунларича ўзгартирувчи эмасдир ва Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир.

И з о ҳ: Бу оятда Макка мушриклари ўзларига инъом қилинган неъмат - Пайғамбар алайҳис-саломнинг қадрига етмасдан, у зотга

қаршилик қилганлари сабабли, шундай азобга гирифтор бўлдилар, дейилмоқчи.

54. *(Уларнинг қилмишлари)* худди Фиръавн одамлари ва улардан олдинги кимсаларнинг қилмишларига ўхшайди. Улар Парвардигорларининг оятларини ёлғон дейишгач, Биз уларни ўзларининг гуноҳлари сабабли ҳалок қилдик ва Фиръавн одамларини *(денгизга)* ғарқ этдик. *(Чунки)* ҳаммалари золим кимсалар эдилар. 55. Кофир бўлган кимсалар Оллоҳнинг наздида энг ёмон ҳайвонлардир. Бас, улар иймон келтирмаслар. 56. Уларнинг орасида Сиз билан аҳдлашиб, сўнгра *(Оллоҳдан)* қўрқмасдан ҳар сафар ўз аҳд-паймонларини бузаверадиган кимсалар бордир. 57. Бас, агар Сиз ўшаларни жангда топсангиз, улар*(ни ҳалок қилиш)* билан ортларидаги кимсаларни қўрқитиб қўйинг! Шояд эслатма олсалар. 58. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, агар Сиз *(ўрталарингизда аҳд-паймон бўлган)* қавм тарафидан хиёнатни сезсангиз, уларга *(қилган аҳд-паймонларини)* баб-баробар қилиб ташланг *(яъни, ўрталарингиздаги аҳд-паймон тугаганини ҳар икки тараф ҳам билсин)*. Албатта Оллоҳ хиёнаткор кимсаларни севмас. 59. Кофир бўлган кимсалар ҳаргиз қочиб-қутулдик, деб ўйламасинлар. Улар ҳеч қачон Оллоҳни ожиз қила олмайдилар. *(Албатта улар Оллоҳдан қилмишларига яраша жазо олурлар)*. 60. *(Эй мўминлар)*, улар*(га қарши жанг қилиш)* учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан сизлар Оллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган - Оллоҳ биладиган бошқа бировларни ҳам қўрқувга солурсизлар. Оллоҳ Йўлида нимани сарф қилсангиз, сизларга зулм қилинмаган ҳолда комил қилиб қайтарилур. 61. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, агар улар сулҳга майл қилсалар, Сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Оллоҳга таваккул қилинг! Албатта Унинг Ўзи Эшитгувчи, Билгувчидир. 62-63. Агар улар Сизни алдамоқчи бўлсалар, бас, албатта Сизга Оллоҳнинг Ўзи кифоядир. У Сизни Ўз ёрдами ва мўминлар билан қувватлантирган ва уларнинг *(мўминларнинг)* дилларини бирлаштирган Зотдир. Агар *(Сиз)* Ердаги бор нарсани сарфласангиз ҳам уларнинг дилларини бирлаштира олмаган бўлур эдингиз. Лекин Оллоҳ уларни бирлаштирди. Албатта У Қудратли, Ҳикматлидир. 64. Эй Пайғамбар, Сизга ва Сизга эргашган мўминларга Оллоҳнинг Ўзи Кифоядир. 65. Эй Пайғамбар, мўминларни жангга чорланг! Агар сизлардан

йигирмата сабр-тоқатли киши бўлса, икки юзта *(душманни)* енгар! Агар сизлардан юз киши бўлса, кофирлардан мингтини енгар! Бунга сабаб, уларнинг онгсиз қавм эканлигидир. 66. Энди Оллоҳ сизларнинг *(юкингизни)* енгил қилди, сизларда ожизлик борлигини билди. Бас, сизлардан юзта сабр-тоқатли киши бўлса, икки юзта *(кофирни)* енгар. Агар сизлардан минг киши бўлса, Оллоҳнинг изни билан икки минг *(кофир)*ни енгар. Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир. 67. Ҳеч бир пайғамбар учун то Ерда ғолиб бўлмагунича, асир олиш жоиз эмас эди. *(Эй мўминлар)*, сизлар дунё нарсаларини истамоқдасиз. Оллоҳ эса Охират *(неъматлари сизларники бўлиши)*ни истайди. Оллоҳ Қудратли, Ҳикматлидир.

И з о ҳ: Бу оят Пайғамбар алайҳис-салом ва саҳобаларга берилган танбеҳдир. Улар мушрикларнинг етмиш аскарини асир олиб, сўнг маълум товон-тўлов эвазига бўшатиб юборганларида мана шу оят нозил бўлди.

68. Агар Оллоҳ томонидан *(билмасдан қилган хатони кечиришлиги)* ёзиб қўйилмаганида эди, албатта сизларга *(товон)* олганингглар сабабли улуғ азоб етган бўлур эди. 69. Энди ўлжа қилиб олган нарсаларингизни ҳалол-пок ҳолда еяверинглар ва Оллоҳдан қўрқинглар! Албатта Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 70. Эй Пайғамбар, сизларнинг қўлингизда асир бўлган кишиларга айтинг: "Агар Оллоҳ дилларингизда яхшилик *(яъни, иймон, ихлос)* борлигини билса, сизларга ўзингиздан олинган нарсадан *(яъни, тўлаган товонингиздан)* яхшироқ нарса берур ва сизларни мағфират қилур. Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир". 71. Агар улар Сизга хиёнат қилмоқчи бўлсалар - бас, *(билингизки)*, улар илгари Оллоҳга ҳам хиёнат қилган эдилар. Шунда Оллоҳ *(Сизни)* уларга ғолиб қилди. Оллоҳ билим, ҳикмат Соҳибидир. 72. Албатта иймон келтирган, ҳижрат қилган ва молу жонлари билан Оллоҳ Йўлида курашган зотлар ва *(Маккадан ҳижрат қилиб келган муҳожирларга)* уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар - ана ўшалар, бир-бирларига дўстдирлар. *(Яъни, тириклари бир-бирига ҳамкор, ўрталарида ўлим бўлса, бир-бирларига меросхўрдирлар)*. Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаган *(яъни, ҳали-ҳануз Маккада яшаб турган)* кишилар эса то ҳижрат қилмагунларича сизлар уларга дўстлик қила олмайсизлар *(яъни, бир-бирларингизга ҳамкор, меросхўр бўла олмайсизлар)*. Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам қилиш зиммангиздадир. Магар уларга,

ўрталарингизда *(урушмаслик ҳақида)* аҳд-паймон бўлган қавмга *(зарар етказиш билан ёрдам қилмайсизлар)*. Оллоҳ қилаётган амалларингизни Кўргувчидир. 73. Кофир бўлган кимсалар бир-бирларига дўстдирлар. *(Бас, эй мўминлар, сизлар уларни ўзларингизга душман тутингиз)*. Агар шундай қилмасангизлар *(яъни, мўминга дўст, кофирга душман бўлмасангизлар)*, Ерда фитна ва катта фасод бўлур. 74. Иймон келтирган, ҳижрат қилган ва Оллоҳ Йўлида курашган зотлар ва *(муҳожирларга)* уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар - ана ўшалар ҳақиқий мўминлар бўлиб, улар учун мағфират ва улуғ ризқ бордир. 75. *(Сизлар Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларингиздан)* кейин иймон келтириб ҳижрат қилган ва сизлар билан бирга курашган зотлар ҳам сизлардандир. Оллоҳнинг Китобида қон-қариндошлар бир-бирларига *(меросхўр бўлишга Оллоҳ Йўлида дўстлашиб, бир-бирларига меросхўр бўлган кишилардан)* ҳақдорроқдирлар. Албатта Оллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир.

ТАВБА сураси (9)

Мадинада нозил қилинган бу сура бир юз йигирма тўққиз оятдан иборатдир. У Пайғамбар алайҳис-салом саҳобалар билан "Табук" жангидан қайтаётганларида нозил бўла бошлаган. (Табук - Мадина билан Дамашқ орасидаги ҳаж йўли устида жойлашган воҳадир. Ҳижрий тўққизинчи йилда у ерда мусулмонлар билан мушриклар ўртасида жанг бўлган эди). Бу сурада Шариати Исломийянинг кўпгина қонун-қоидаларини баён қилиш билан бирга, асосан, икки мақсад кўзда тутилади: улардан биринчиси Исломнинг мушриклар ва аҳли Китоблар билан қандай муносабатда бўлиш лозимлиги хусусидаги қатъий ҳукмини билдириш бўлса, иккинчиси Пайғамбар алайҳис-салом ғазотга чиқишга чақирган пайтларида кишилар руҳиятидаги ҳолатларни кўрсатишдир.

Бу суранинг айрича хусусиятларидан бири шуки, Қуръондаги мавжуд бир юз ўн тўрт суранинг ичида ёлғиз мана шу сура аввалида "Бисмиллоҳ" айтилмасдан бошланади. Бу ҳолни айрим саҳобалар "Тавба". мазмун-моҳияти жиҳатидан ўзидан аввалги "Анфол" сурасининг давоми бўлгани учун иккисининг ўртасини ажратиш зарурати бўлмаган, деб шарҳласалар, бошқа бир гуруҳ саҳобалар: "Бисмиллоҳ - Оллоҳнинг раҳматидир. Бу сурада эса, асосан, жангу жадаллар ва Оллоҳнинг лаънатига гирифтор бўлган мунофиқларнинг хилма-хил тоифалари ҳақида сўз юритилади. Шу боисдан, унинг аввалида Бисмиллоҳ айтилмаслиги лозим бўлган", деганлар. Бу суранинг бир неча номи бўлиб, улардан энг машҳури "Тавба"дир. Сура ниҳоясида Оллоҳ мўминларнинг тавбаларини қабул этиши эълон қилингани учун ҳам бу сура "Тавба" номи билан аталгандир.

1. *(Эй мўминлар, ушбу эълон)* Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари томонидан сизлар *(ўзаро урушмаслик ҳақида)* аҳд-паймон қилган мушрик кимсаларга ора очиқлик *(эълондир)*. 2. *(Эй мушриклар, уруш ҳаром қилинган)* тўрт ой ичида Ерда сайру саёҳат қилиб

юраверинглар ва билингларки, сизлар Оллоҳни ожиз қилувчи эмассизлар - албатта Оллоҳ кофирларни расво қилгувчидир.

Изоҳ: Юқоридаги оятларда Пайғамбар алайҳис-салом ва саҳобаларнинг мушриклар билан тузган ҳар қандай шартномалари ўша мушрикларнинг хиёнаткорлиги сабабли бекор қилингани эълон этилди ва бу қарор орадан тўрт ой ўтгач, кучга кириши билдирилди.

3. Ва *(ушбу эълон)* Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари томонидан одамларга катта ҳаж кунида *(яъни, Қурбон ҳайити кунида)* Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари мушриклардан безор эканлигини билдиришдир. Бас, *(эй мушриклар)*, агар тавба қилсангизлар, бу ўзингиз учун яхшироқдир. Агар юз ўгирсангизлар, у ҳолда билингизки, сизлар Оллоҳни ожиз қилувчи эмассиз. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, кофир бўлган кимсаларга аламли азоб "хушхабар"ини етказинг! 4. Магар *(Эй мўминлар)*; сизлар аҳд-паймон қилган мушрик кимсалар кейин *(аҳдларидан)* бирон нарсани бузмасалар ва сизларнинг зиёнингизга биров билан ҳамкорлик қилмасалар, у ҳолда уларнинг аҳдларини белгиланган муддатгача тўла-тўкис етказинглар! Албатта Оллоҳ тақво қилгувчи зотларни севар. 5. Бас, қачон уруш ҳаром қилинган ойлар чиқса, мушрикларни топган жойингизда ўлдирингиз, уларни *(асир)* олингиз, қамал қилингиз ва барча йўлларда уларни кузатиб турингиз! Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўкис адо қилишиб, закотни берсалар, уларнинг йўлларини бўш қўйингиз! *(Яъни, улар билан урушишни бас қилингиз)*. Албатта Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 6. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, агар мушриклардан биронтаси Сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ўз ҳимоянгизга олинг, токи у Оллоҳнинг Каломини эшитсин. Сўнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг. Бу *(ҳукм)* уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари учундир. 7. Оллоҳ наздида ва Унинг Пайғамбари наздида мушриклар учун қандай аҳд-паймон бўлсин?! *(Яъни, ҳеч қандай аҳд бўлиши мумкин эмас, чунки улар Оллоҳга ҳам, Унинг Пайғамбарига ҳам иймон келтирмайдилар, демак, берган ваъдаларини бузаверадилар)*, магар сизлар Масжид-ал-Ҳаром олдида *(яъни, Маккада)* аҳдлашган кимсалар борки, улар модомики сизларга берган *(аҳдларида)* барқарор турар эканлар, сизлар ҳам уларга берган *(аҳдларингизда)* турингиз! Албатта Оллоҳ тақво қилгувчи зотларни севар. 8. *(Улар учун)* қандай *(аҳд-паймон)* бўлсин. Ҳолбуки, улар агар сизларнинг устингизда ғолиб бўлсалар, сизларнинг хусусингизда на аҳдга ва на бурчга боқмайдилар.

Онгизларида сизларни рози қилишади-ю, кўнгиллари *(аҳдга вафо қилишга)* ибо - ор қилади. Уларнинг кўплари итоатсиздир. 9. Улар Оллоҳнинг оятларини озгина қийматга алмаштириб, *(инсонларни)* Унинг Йўлидан *(яъни, Динидан)* тусдилар. Дарҳақиқат, улар энг ёмон ишни қилгувчи бўлдилар. 10. Улар бирон мўмин хусусида на аҳдга ва на бурчга боқадилар. Улар тажовузкор кимсалардир. 11. Энди агар улар тавба қилсалар ва намозни тўкис адо этишиб, закотни *(ҳақдорларга)* ато қилсалар, у ҳолда диний биродарингиздирлар. Биз оятларимизни биладиган қавм учун муфассал баён қилурмиз. 12. Агар аҳдлашганларидан кейин қасамларини бузсалар ва сизларнинг динингизга тош отсалар, у ҳолда *(бу кирдикорларидан)* тўхташлари учун куфр етакчиларига қарши жанг қилингиз! Зеро, улар учун ҳеч қандай қасам йўқдир. *(Яъни, улар мудом ўзлари ичган қасамларни бузаверадилар).* 13. *(Эй мўминлар)*, қасамларини бузган ва Пайғамбарни *(Маккадан)* чиқариб юборишга қасд қилган ҳамда ўзлари аввал-бошда сизларга қарши *(жанг қилишни)* бошлаган кимсалар билан жанг қилмайсизларми?! Улардан қўрқасизларми?! Агар *(ҳақиқий)* мўмин бўлсангизлар, қўрқишингизга лойиқроқ зот Оллоҳ-ку, ахир?! 14-15. Улар билан жанг қилинглар, *(шунда)* Оллоҳ уларни сизларнинг қўлингиз билан азоблайди, уларни расво қилади ва сизларни уларнинг устига ғолиб қилади ҳамда мўмин қавм дилларига шифо - ором бериб, кўнгилларидаги ғам-андуҳни кетказади. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг тавбаларини қабул қилур. Оллоҳ билим ва ҳикмат Соҳибидир. 16. *(Эй мўминлар)*, балки сизлар орангиздаги *(Ҳақ Йўлда)* курашган ва Оллоҳдан, Унинг Пайғамбаридан ва мўминлардан ўзга бирон кимсани дўст тутмаган зотларни Оллоҳ билмасдан *(ҳар кимингиз ўз ҳолингизга)* ташлаб қўйилишни ўйлагандирсизлар?! Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир. 17. Мушриклар ўзларининг кофир эканликларига гувоҳ бўлган ҳолларида Оллоҳнинг масжидларини обод қилишлари жоиз эмас. Уларнинг қилган амаллари беҳуда кетар, ўзлари эса дўзахда абадий қолгувчидирлар.

Изоҳ: Мушриклар Каъба атрофига хилма-хил бутларини қўйиб олишиб, ҳар сафар Каъбани тавоф этишларидан кейин ҳалиги бутларга сажда қилар эдилар. Юқоридаги оят, мушриклар модомики ўзлари ясаб олган бутларни Ягона Оллоҳга шерик деб билар эканлар, уларнинг қилган ибодат тавофлари беҳуда, деб таъкидлайди.

18. Оллоҳнинг масжидларини фақат Оллоҳга ва Охират Кунига иймон келтирган, намозни тўкис адо этган, закотни *(ҳақдорларга)* ато қилган ва Ёлғиз Оллоҳдангина қўрқадиган зотларгина обод қилурлар. Ана ўшалар ҳидоят топгувчи зотлар бўлсалар, ажабмас. 19. *(Эй мушриклар),* сизлар ҳожиларга сув беришни ва Масжидал-Ҳаромни обод қилишни - Оллоҳга ва Охират Кунига иймон келтирган ҳамда Оллоҳ Йўлида курашган зотлар*(нинг амаллари)*га тенг, деб билдингизми?! Улар *(яъни, мўминлар билан мушриклар)* Оллоҳ наздида тенг эмаслар, Оллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас.

И з о ҳ: Мушриклар мусулмонларга қараб: "Сизлар Оллоҳга мусулмончилик билан бандалик қилаётган бўлсангизлар, биз ҳам ҳожга келганларнинг хизматларини бажариб ва Каъбани обод қилиб, Оллоҳга бандалик этмоқдамиз", деб даъво қилганларида мазкур оят нозил бўлди.

20. Иймон келтирган, ҳижрат қилган ва Оллоҳ Йўлида молу жонлари билан курашган зотларнинг Оллоҳ наздидаги даражалари жуда улуғдир ва ўшалар *(бахт-саодатга)* эришувчидирлар. 21. Парвардигорлари уларга Ўз тарафидан раҳмат ва ризолик ҳамда улар учун бўладиган жаннатлар хушхабарини берурки, у жаннатларда доимий неъматлар бордир. 22. Улар ўша жойларда абадий қолурлар. Дарҳақиқат, фақат Оллоҳнинг ҳузуридагина улуғ ажр бордир. 23. Эй мўминлар, агар ота-оналарингиз ва ака-укаларингиз иймондан куфрни афзал билсалар *(яъни, очиқ кофир бўлсалар)*, сизлар уларни дўст тутмангиз! Сизларнинг ичингизда кимда-ким уларни дўст тутса, *(яъни, уларни деб иймондан куфрга қайтса)* бас, улар золимлардир. 24. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)* айтинг: "Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, жуфтларингиз, қариндош-уруғларингиз ва касб қилиб топган мол-дунёларингиз, касод бўлиб қолишидан қўрқадиган тижоратларингиз ҳамда яхши кўрадиган уй-жойларингиз сизларга Оллоҳдан, Унинг Пайғамбаридан ва Унинг Йўлида жиҳод қилишдан суюклироқ бўлса, у ҳолда то Оллоҳ Ўз амрини *(яъни, азобини)* келтиргунича кутиб тураверинглар. *(Зеро),* Оллоҳ бундай итоатсиз қавмни ҳидоят қилмас. 25. Оллоҳ сизларни кўп ўринларда ғолиб қилди. Ҳунайн *(Макка билан Тоиф ўртасидаги бир водий)* кунини *(эсланглар)*! Ўшанда сизларни кўп эканлигингиз мағрур қилиб қўйган эди, аммо у *(яъни, саноғингизнинг кўплиги)* сизларни ҳеч нарсадан беҳожат қила олмади *(қутқариб қола олмади)* ва сизларга

кенг Ер торлик қилиб қолди, сўнг юз ўгирган ҳолингизда чекиндингиз! 26. Кейин Оллоҳ Пайғамбарига ва мўминларга Ўз томонидан хотиржамлик нозил қилди ҳамда сизлар кўрмаган бир лашкарни *(яъни, фаришталарни)* **туширди ва кофир бўлган кимсаларни азобга дучор қилди. Кофирларнинг жазоси шудир.**

И з о ҳ: Бу оятларда Қуръон жангда ғалабага эришишнинг сабаби лашкар саноғининг кўплиги эмас, балки Оллоҳнинг мадади эканлигини таъкидлайди. Ўша Ҳунайн жангида (ҳижрий саккизинчи йил) мусулмонларнинг лашкари Ўн икки минг бўлиб, кофирлар фақат тўрт минг киши эдилар. Шунинг учун айрим мусулмонлар: "Шу бир ҳовуч одамдан енгиламизми?", деб ғурурландилар ва ғалаба Оллоҳ томонидан бўлишини унутиб қўйдилар Натижада кофирлар улардан устун келиб, улар чекина бошладилар. Фақат Пайғамбар алайҳис-салом Оллоҳ таолога илтижо қилиб дуо қилганларидан кейин мўминларнинг дилларига бир хотиржамлик иниб, жангга қайтдилар ва Оллоҳнинг мадади билан кофирлардан ғолиб келдилар.

27. Кейин - ўша *(жангдан)* **сўнг Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг тавбаларини қабул қилур. Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир.**

И з о ҳ Дарҳақиқат, Ҳунайнда мусулмонларга қарши жанг қилган Ҳавозин қабиласидан жуда кўп кишилар ўша жангдан кейин Оллоҳга тавба-тазарру қилиб, Исломга кирдилар.

28. Эй мўминлар, ҳеч шак-шубҳасиз, мушриклар нажас - нопокдирлар, бас, улар бу йилдан сўнг Масжид-ал-Ҳаромга яқин келмасинлар! Агар сизлар *(мушриклар ҳаж мавсумида Маккага келтирадиган озиқ-овқатлар ва бошқа нарсалар тўхтаб қолиши сабабли)* **камбағалликдан қўрқсангизлар,** *(билингизки)*, **яқинда Оллоҳ хоҳласа, Ўз фазлу карами билан сизларни бой-бадавлат қилажак. Албатта Оллоҳ билим ва ҳикмат Соҳибидир. 29 Оллоҳга ва Охират Кунига ишонмайдиган, Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ** *(яъни, Ислом)* **динига эътиқод қилмайдиган аҳли Китоблардан иборат бўлган кимсаларга қарши то улар хорланган** *(мағлуб)* **ҳолларида ўз қўллари билан** *(зиммаларидаги)* **солиқни тўламагунларича, жанг қилингиз! 30. Яҳудийлар: "Узайр Оллоҳнинг ўғли", дедилар. Насронийлар: "***(Ийсо)* **Масиҳ Оллоҳнинг ўғли", дедилар. Бу уларнинг оғизларидаги** *(ҳужжат-далилсиз)* **гапларидир. Уларнинг бу гаплари худди аввалги кофир бўлган кимсаларнинг гапига ўхшайди Уларни Оллоҳ лаънатлагай! Қандай адашмоқдалар-а! 31 Улар Оллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва**

роҳибларини ҳамда Масиҳ бинни Марямни Парвардигор деб билдилар. Ҳолбуки, улар фақат Ягона Оллоҳга бандалик қилишга маъмур *(буюрилган)* эдилар. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У Зот уларнинг ширкларидан Покдир. 32. Улар Оллоҳнинг Нурини *(яъни, Исломни)* оғизлари *(яъни, ҳеч қандай ҳужжатсиз беҳуда гаплари)* билан ўчирмоқчи бўладилар. Оллоҳ эса - гарчи *(кофирлар)* емон кўрсалар-да, - Ўз Нурини комил қилишни *(яъни, ҳар тарафга ёйишни)* истайди. 33. У *(Оллоҳ)* Ўз Пайғамбарини ҳидоят ва Ҳақ Дин билан - гарчи мушриклар хоҳламасалар-да - барча динларга голиб қилиш учун юборган Зотдир. 34. Эй мўминлар, ўша донишмандлар, роҳиблардан кўпчилиги одамларнинг молларини ноҳақ *(йўл)* билан ейдилар ва Оллоҳнинг Йўлидан тўсадилар. Олтин-кумушни босиб, уни Оллоҳ Йўлида инфоқ-эҳсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб "хушхабарини" етказинг!

Изоҳ: Бу оятларда одамларнинг пул молларини талон-торож қиладиган яҳудий донишмандлари ва насроний роҳиблари билан бир қаторда мусулмонларнинг орасидаги айрим бойликка муккасидан кетган ва тўплаган мол-дунёларининг закотини бермайдиган кимсалар ҳам ашаддий азобга дучор бўлишлари баён қилингандир.

35. У Кунда *(Қиёматда)* ўша *(олтин-кумушни)* жаҳаннам ўтида қизитилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, енбошлари ва кетларига тамға босилиб "Мана бу ўзларингиз учун тўплаб-босган нарсаларингиздир. Энди тўплаб-босган нарсаларингизнинг мазасини тотиб кўринглар!", *(дейилур)*. 36. Албатта ойларнинг саноғи Оллоҳнинг наздида, Оллоҳ осмонлар ва Ерни яратган кунида ёзиб - белгилаб қўйганидек, ўн икки ойдир. Улардан тўрти *(уруш)* ҳаром қилинган *(ойлар)*дир. Мана шу Тўғри Диндир *(яъни, ҳақ ҳукмдир)*. Бас, у ойларда *(урушни ҳалол деб жангга кириб)* ўзларингизга зулм қилмангиз! Барча мушриклар *(бу ҳукмга қарамай биринчи бўлиб жанг бошласалар)*, улар сизларга қарши жанг қилгани каби сизлар ҳам барчангиз уларга қарши жанг қилингиз! Ва билингизки, Оллоҳ тақводорлар билан биргадир.

Изоҳ: Уруш ҳаром қилинган ойлар: Зул-қаъда, Зул-ҳижжа, Муҳаррам ва Ражаб ойларидир. Улардан аввалги учтаси кетма-кет келса Ражаб ойи орадан беш ой ўтгандан кейин чиқади. Бу иртиб ҳазрати Иброҳим пайғамбар замонларидан бери амал қилиб келинаётган ҳақ ҳукм эди. Лекин кейинчалик айрим араблар бу

қонунни бузиб, ўзлари жанг қилиб турган пайтларида мазкур ойлар келиб қолса, уларда уруш қилишни ҳалол қилиб олишар ва кейин ўзлари учун қулай бўлган бошқа ойларни ҳаром ой деб эълон қилар эдилар. Навбатдаги оятда мана шу одат ҳақида сўз юритилиб, унинг диёнатсизлик экани таъкидланади.

37. Шак-шубҳасиз, *(ҳаром ойларни)* кетга суриш ортиқ даражадаги кофирликдирки, у сабабли кофирлар бутунлай йўлдан тойилурлар. Улар Оллоҳ ҳаром қилган ойларнинг саногини *(тўрт ойга)* тўғрилаб, Оллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилиб олиш учун уни *(яъни, уруш ҳаром қилинган ойларни)* бир йил ҳалол десалар, яна бир йил ҳаром дейдилар. Уларга бу хунук ишлари чиройли кўрсатиб қўйилди. *(Чунки)* Оллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмас. 38. Эй мўминлар, сизларга нима бўлдики, Оллоҳ Йўлида *(жиҳодга)* чиқинглар, дейилса, ерингизга *(яъни, юртингизга)* ёпишиб олдингиз?! Охират*(нинг боқий неъматлари)*дан юз ўгириб, ҳаёти дунё*(нинг фоний лаззатлари)*га рози бўлурмисиз?! Охират олдида бу дунё матоси жуда оз нарса-ку?! 39. Агар *(жиҳодга)* чиқмасангизлар, *(Оллоҳ)* сизларни аламли азоб билан азоблар ва ўрнингизга бошқа бир қавмни келтирур. Сизлар эса У Зотга бирон зиён етказа олмайсиз. Оллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир. 40. Агар сизлар унга *(яъни, Пайғамбарга)* ёрдам қилмасангиз *(Оллоҳнинг Ўзи унга ёрдам қилур).* Уни кофирлар икки кишининг бири бўлган ҳолида *(яъни, бир ҳамроҳи билан Маккадан)* ҳайдаб чиқарганларида, унга Оллоҳ ёрдам берди-ку. Ўшанда икковлон горда бўлган пайтларида ҳамроҳига: "Ғамгин бўлма, албатта Оллоҳ биз билан биргадир", дейиши билан Оллоҳ Ўз томонидан унинг устига - қалбига бир хотиржамлик туширди ва уни сизлар кўрмаган лашкарлар *(яъни, фаришталар)* билан қўллаб-қувватлади ҳамда кофир бўлган кимсаларнинг сўзларини тубан қилиб қўйди. Оллоҳнинг Сўзигина энг юксак Сўздир. Оллоҳ Қудратли, Ҳикматлидир.

И з о ҳ: Ушбу оят Пайғамбар алайҳис-саломнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилишлари ҳақидадир. Макка мушриклари мусулмонларга нисбатан қилган зулму зўравонликлари билан уларни Исломдан қайтаришга кўзлари етмай қолгач Пайғамбарнинг жонларига суиқасд қилиш пайига тушадилар. Шунда у зотга Оллоҳ таоло тарафидан Мадинага ҳижрат қилиш - кўчиш амр этилади ва бир қоронғу кечада Оллоҳнинг ёрдами билан у зотни ўлдирмоқчи бўлиб тайёргарлик кўриб турган кофирларнинг ёнларидан соғ-саломат чиқиб кетиб, ҳамроҳлари Абу Бакр Сиддиқ билан бирга

Макка яқинидаги бир ғор ичига яширинадилар. Эрталаб "овлари" қўлдан кетганини англаган мушриклар бир изқувар билан уларнинг ортидан тушишади. Лекин ҳалиги ғорга етиб келишгач, из йўқолади ва улар... ғорнинг оғзи ўргимчак тўрлари билан тўсилганини кўрадилар ва ҳафсалалари пир бўлиб қайтиб кетадилар.

Шундай қилиб ғорда улар уч кун беркиниб ётишгач, бир йўл бошловчи етагида Мадинага етиб оладилар. Гарчи бу оят Пайғамбар алайҳис-салом ва у зотнинг ҳамроҳлари хусусида бўлса-да, қиссадан ҳисса шуки, кимда-ким Оллоҳ Йўлида, Унинг Ўзидан мадад тилаб эзгуликка қадам қўйса, Оллоҳнинг Ўзи уни ҳар қандай таъқибчи ва айғоқчилардан асраб, кўзлаган мақсадига етказади.

41. *(Эй мўминлар),* **хоҳ енгил, хоҳ оғир ҳолингизда** *(яъни, хоҳ ёш, хоҳ кекса ҳолларингизда, истасангиз, истамасангиз жиҳодга)* **чиқингиз ва молу жонларингиз билан Оллоҳ Йўлида курашингиз! Агар билсангизлар, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир. 42.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **агар** *(Сиз даъват қилаётган жиҳод)* **осон фойда ва яқин сафар бўлганида, улар** *(яъни, мунофиқлар)* **албатта Сизга эргашган бўлур эдилар. Лекин уларга масофа узоқ бўлиб кўринди** *(шунинг учун чиқмадилар).* **Ҳали улар** *(ёлғон қасам билан)* **ўзларини ҳалок қилиб: "Агар қодир бўлганимизда сизлар билан бирга чиққан бўлур эдик", деб Оллоҳ номи билан қасам ҳам ичадилар. Оллоҳ эса уларнинг ҳеч шак-шубҳасиз, ёлғончи эканликларини билур. 43.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Оллоҳ Сизни афв қилди.** *(Лекин)* **нима учун то Сизга ростгўй кишилар аниқ бўлиб, ёлғончиларни ҳам аниқ билгунингизча,** *(сабр қилиб турмай, ёлғон қасамларига ишониб)* **уларга** *(жиҳодга чиқмаслик учун)* **изн бердингиз?! 44. Оллоҳга ва Охират Кунига ишонган зотлар Сиздан молу жонлари билан жиҳод қилишдан** *(қолиш учун)* **изн сўрамайдилар. Оллоҳ тақводорларни Билгувчидир. 45. Балки фақат Оллоҳга ва Охират Кунига ишонмайдиган ва кўнгилларида** *(Сиз келтирган Ҳақ Дин хусусида)* **шак-шубҳа бўлган кимсаларгина Сиздан** *(қолиш учун)* **изн сўрайдилар. Бас, улар ўз шак-шубҳаларида иккиланиб юрадилар. 46. Агар улар** *(жиҳодга)* **чиқишни истаганларида унинг учун тайёргарлик кўриб қўйган бўлур эдилар. Лекин Оллоҳ чиқишларини истамай уларни дангаса қилиб қўйди ва уларга** *(улардан бўлган кимсалар тарафидан):* **"Қолганлар** *(яъни, аёллар, ёш болалар ва ожиз-нотавон кишилар)* **билан бирга ўтираверинглар", дейилди. 47. Агар улар** *(яъни, ўша мунофиқлар)* **сизларнинг орангизда** *(жиҳодга)* **чиққанларида ҳам сизларга фақат ортиқча зиён бўлган ва ўрталарингизда сизларни**

фитнага солиш учун югуриб-елиб юрган бўлур эдилар ҳамда ораларингизда улар учун қулоқ солувчилар *(яъни, сизларнинг махфий сўзларингизни эшитиб олиб, мунофиқларга етказадиган айғоқчилар)* ҳам *(топилган)* бўлур эди. Оллоҳ золим кимсаларни Билгувчидир. 48. Улар *(Табук жангидан)* илгари ҳали - ҳануз Ҳақ рўёбга чиқиб, Оллоҳнинг амри - Дини голиб бўлмай туриб ҳам ёмон кўрган ҳолларида фитна қилмоқчи бўлган ва Сизнинг ишларингизни ортга кеткизмоқчи бўлган эдилар-ку. 49. Уларнинг орасида: "Менга *(жангдан қолиш учун)* изн бергин, мени фитнага - балога солмагин", дейдиган кимсалар ҳам бордир. Огоҳ бўлингизким, улар *(жангдан қолишлари сабабли)* фитнанинг ўзига тушдилар. Шак-шубҳасиз, жаҳаннам *(бундай)* кофирларни ўраб олгувчидир. 50. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, агар Сизга бирон яхшилик *(ғалаба ёки ўлжа)* етса, бу уларни хафа қилур. Агар Сизга *(Уҳуд жангида бўлганидек)* бирон мусибат етса: "Ишнинг *(олдини)* олибмиз", дейишиб, хурсанд бўлган ҳолларида юз ўгириб кетурлар. 51. Айтинг: "Бизга фақат Оллоҳ биз учун ёзиб қўйган нарсагина етур. У бизнинг Хожамиздир. Бас, мўминлар Ёлгиз Оллоҳгагина суянсинлар!" 52. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Сизлар биз учун фақат икки яхшилик *(яъни, ё шаҳид бўлишимиз ёки ғалаба қилишимиз)*дан бирини кутмоқдасиз. Биз эса сизлар учун Оллоҳ сизларга Ўз даргоҳидан ёки бизнинг қўлимиз билан бир азоб етказишини кутмоқдамиз. Бас, сизлар ҳам кутаверинглар, биз ҳам сизлар билан бирга кутгувчимиз". 53. Айтинг: "*(Эй мунофиқлар)*. хоҳ ўз хоҳишингиз билан, хоҳ мажбуран инфоқ-эҳсон қилинглар, сизлардан ҳаргиз қабул қилинмас. Чунки сизлар итоатсиз қавм бўлдингиз". 54. Қилган инфоқ-эҳсонлари *(Оллоҳ даргоҳида)* қабул қилинишидан тўсган нарса фақат уларнинг Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига иймон келтирмаганлари, намозга фақат эринган ҳолларидагина келишлари ва ўзлари истамаган ҳолларидагина инфоқ-эҳсон қилганликларидир. 55. Бас, Сизни уларнинг молу дунёлари ва бола-чақалари қизиқтирмасин! *(Чунки)* Оллоҳ ўша нарсалар сабабли ҳаёти дунёда уларни азоб-уқубатга солишни ва кофир бўлган ҳолларида, жонлари чиқишини истайди, холос. 56. Улар ўзларининг сизлар билан бирга эканликларига Оллоҳ номи билан қасам ичадилар. Ҳолбуки, улар сизлардан эмасдирлар. Лекин улар қўрқоқ қавмдирлар *(яъни, мунофиқликлари маълум бўлиб қолса, бошларига бошқа кофирларнинг куни тушиб қолишидан қўрқадилар, шунинг учун: "Биз ҳам мусулмонмиз", деб қасам*

ичавярадилар). **57.** Агар улар бирон бошпанами, горми ёки кирадиган бирон тешикми топсалар эди, чопганларича ўшанга қараб жўнаб қолган бўлур эдилар. **58.** Уларнинг орасида Сизни садақотлар тўғрисида айблайдиган *(яъни, тушган садақотларни адолат билан тақсим қилмади, деб таъна қиладиган)* кимсалар ҳам бордир. Агар ўша садақалардан уларга ҳам берилса, рози бўладилар, агар берилмаса, бирдан норози бўлиб қоладилар. **59.** Агар улар Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари уларга берган нарсага рози бўлишиб: "Оллоҳ биз учун кифоя қилур. Яқинда Оллоҳ Ўз фазлу карамидан ато қилур ва Унинг Пайғамбари бизга *(мол-дунё ҳам, бахт-саодат ҳам берур)*, биз Оллоҳнинг Ўзига интилгувчи кишилармиз", десалар эди *(ўзлари учун яхши бўлур эди)*. **60.** Албатта садақалар *(яъни, закотлар)* Оллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари *(Исломга)* ошна қилинувчи кишиларга, бўйинларини *(қулларни)* озод қилишга, қарздор кишиларга ва Оллоҳ Йўлида *(яъни, жиҳодга ёки ҳажга кетаётганларга)* ҳамда йўловчи мусофирларга берилур. Оллоҳ билим ва ҳикмат Соҳибидир.

Изоҳ: Закот Ислом динидаги фарз амаллардан биридир. Маълум миқдорда бойликка эга бўлган киши шу пулдан қирқдан бирини закот қилиб бериши фарздир. Юқоридаги оятда мана шу закотни кимларга бериш лозимлиги аниқ белгилаб берилган. Демак, мазкур кишилардан бошқа бировга берилган закот Ислом назарида мақбул эмас.

61. Уларнинг орасида Пайғамбарга озор берадиган ва: "У *(яъни, Пайғамбар)* қулоқ тутгувчи *(яъни, эшитган нарсасига ишонаверадиган киши)*", дейдиган кимсалар бордир. Айтинг: "*(Ҳа, у)* сизлар учун яхшилик бўлган нарсага *(эзгуликка)* қулоқ тутгувчи, Оллоҳга иймон келтирувчи, мўминларга ишонадиган ва сизларнинг орангиздаги иймон келтирган зотлар учун раҳмат-марҳаматли бўлган зотдир. Оллоҳнинг Пайғамбарига озор берувчи кимсалар учун эса аламли азоб бордир". **62.** *(Эй мўминлар)*, улар сизларни рози қилиш учун *(биз Пайғамбарга озор бермадик, унга таъна қилмадик, деб)* Оллоҳ номига қасам ичадилар. Ҳолбуки, агар мўмин бўлганларида, Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарини рози қилмоқлари лойиқроқ иш эди. **63.** Улар кимдакимки Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари чизган чизиқдан чиқса, унинг учун ўзи абадий қоладиган жаҳаннам оташи бўлишини ва бу улуг-катта расволик эканини билмадиларми?! **64.** Бу мунофиқлар уларга қарши, уларнинг дилларидаги нарсадан *(яъни,*

мунофиқликларидан) огоҳлантирадиган бирон сура нозил бўлиб қолишидан қўрқадилару *(яна Пайғамбар ва мўминларни масхара қилиб куладилар)*. Айтинг: "Кулаверинглар, Оллоҳ сизлар *(фош бўлиб қолишидан)* қўрқаётган нарсани албатта *(юзага)* чиқаргувчидир". 65. Қасамки, агар улардан *(нега Сизнинг устингиздан кулганлари ҳақида)* сўрасангиз, албатта улар: "Биз фақат бахслашиб, ҳазиллашиб келяпмиз, холос", дейдилар. Айтинг: "Оллоҳдан, Унинг оятларидан, Унинг Пайғамбаридан кулувчи бўлдингизми?"

И з о ҳ: Пайғамбар алайҳис-салом саҳобалар билан "Табук" жангига кетиб бораётганларида аскарлар орасидаги бир гуруҳ мунофиқлар бир-бирларига: "Мана бу одамни кўринглар. Ўзича Шом қасрларини ва қалъаларини фатҳ қилмоқчи бўлиб юрибди-я", деб масхара қилардилар. Оллоҳ Пайғамбарини уларнинг сўзларидан хабардор қилгач, Пайғамбар улардан: "Нега куляпсизлар?", деб сўраганида, улар: "Эй Оллоҳнинг Пайғамбари, биз фақат йўлни қисқартириш учун ҳазил-ҳузул қилиб келмоқдамиз, холос", деб алдамоқчи бўлган эдилар.

66. Узр айтманглар! Сизлар иймон келтирганингиздан сўнг яна куфрга қайтдингиз. Агар сизлардан бир тоифани *(чин ихлос билан тавба қилганлари учун)* афв қилсак, бошқа бир тоифани жиноятчи бўлганликлари сабабли азоблаймиз. 67. Мунофиқ эркаклар ва мунофиқ аёллар бир-бирларидандирлар *(яъни, кофирликда бир-бирларига ўхшайдилар)*. Улар ёмонликка буюрадилар, яхшиликдан қайтарадилар ва *(Оллоҳ Йўлида инфоқ-эҳсон қилишдан)* қўлларини *(ўзларини)* тиядилар. Улар Оллоҳни унутишгач, Оллоҳ ҳам уларни унутди. Албатта мунофиқлар ҳақиқий фосиқ-итоатсиздирлар. 68. Оллоҳ мунофиқ ва мунофиқаларга ҳамда кофирларга улар абадий қоладиган жаҳаннам оташини ваъда қилдики, ўша улар учун етарлидир. Оллоҳ уларни лаънатлади. Улар учун доимий азоб бордир. 69. *(Эй мунофиқлар)*, сизлар ҳам худди сизлардан илгари ўтган *(мунофиқлар)*га ўхшайсизлар. Бас, улар сизлардан кўра қувватлироқ ва мол-мулк, бола-чақалари ҳам кўпроқ эди. Бас, улар *(бу дунёдаги)* ўз насибаларини кўрдилар. Сизлар ҳам, илгари ўтганлар насибаларини кўрганларидек, ўз насибангизни кўрдингиз ва улар шўнғиган нарсага *(яъни, ноҳақ йўлга)* шўнғидингиз. Уларнинг *(яъни, барча мунофиқларнинг)* қилган амаллари дунё-ю Охиратда беҳуда кетди. Ана ўшалар ҳақиқий зиён кўргувчилардир. 70. Уларга ўзларидан илгари ўтган кишилар

бўлмиш Нуҳ, Од, Самуд қавмларининг ва Иброҳим қавмининг, Мадян аҳолисининг *(яъни, Шуайб қавмининг)* ҳамда зеру забар бўлган қишлоқларнинг *(яъни, Лут қавми қишлоқларининг)* ҳоли-хабари келмадими?! Уларга пайғамбарлари очиқ далил-ҳужжатлар келтирган эдилар *(шунда улар пайғамбарларини ёлғончи қилишгач, бу қавмлар устига Оллоҳнинг балолари ёғилган эди)*. Бас, Оллоҳ уларга зулм қилгувчи бўлмади, балки улар ўзларига зулм қилган эдилар. 71. Мўмин ва мўъминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар, намозни тўкис адо этадилар, закотни *(ҳақдорларга)* ато этадилар, Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоат қиладилар. Ана ўшаларга Оллоҳ раҳм қилур. Шак-шубҳасиз, Оллоҳ Қудратли, Ҳикматлидир. 72. Оллоҳ мўмин, мўъминаларга остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатлар ва мангу жаннатлардаги покиза масканларни ваъда қилди. Оллоҳнинг розилиги эса ҳамма нарсадан улуғроқдир. Мана шу буюк саодатдир. 73. Эй Пайғамбар, кофир ва мунофиқларга қарши курашинг ва уларга қаттиққўл бўлинг! Уларнинг жойлари жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибат бу! 74. Улар *(яъни, мунофиқлар Сизга етиб келган ҳақорат сўзларини)* айтмаганликларига қасам ичадилар. Ҳолбуки, куфр сўзини аниқ айтган эдилар ва Исломга кирганларидан сўнг яна куфрга қайтган эдилар ҳамда ўзлари етолмаган нарса *(яъни, Пайғамбар жонига суиқасд қилишга)* қасд қилган эдилар. Улар *(мунофиқлар)* фақат Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари уларни Ўз фазлу карамидан бой-бадавлат қилиб қўйгани учунгина *(Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарини)* ёмон кўрдилар, холос. Бас, агар тавба қилсалар, ўзлари учун яхши бўлур. Агар юз ўгирсалар, Оллоҳ уларни дунё-ю Охиратда аламли азоб билан азоблар ва улар учун Ер юзида бирон дўст ва ёрдамчи бўлмас! 75. Уларнинг орасида: "Қасамки, агар *(Оллоҳ)* бизга Ўз фазлу карамидан *(мол-давлат)* ато қилса, албатта биз *(камбағалларга)* садақотлар қилурмиз ва солиҳ бандалардан бўлурмиз", деб Оллоҳга аҳд-паймон берадиган кимсалар ҳам бордир. 76. Энди қачонки *(Оллоҳ)* уларга Ўз фазлу карамидан *(мол-давлат)* ато қилса, унга бахиллик қилурлар ва юз ўгирган ҳолларида кетурлар. 77. Бас, *(садақотлар берурмиз, деб)* Оллоҳга берган ваъдаларига хилоф қилганлари ва *(иймон келтирганмиз)*, деб ёлғон гапирувчи бўлганлари оқибатида *(Оллоҳ)* то улар Унинг Ўзига рўбару бўладиган Кунгача уларнинг дилларида нифоқ бўлишини қисмат қилиб қўйди. 78. Улар Оллоҳ уларнинг яширган сирларини

ҳам, ўзаро шивир-шивирларини ҳам билишини ва Оллоҳ ғайбни - кўринмас нарсаларни ҳам аниқ Билгувчи эканини билмадиларми?! 79. Мўминлар орасидан ўз хоҳиши билан садақотлар қилувчи кишиларни ва *(инфоқ-эҳсон қилиш учун)* кучлари етган нарсани топиб келган кишиларни айблаб, масхара қиладиган кимсалар *(мунофиқлар)* борки, уларни Оллоҳ масхара қилур ва улар учун аламли азоб бордир. 80. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* хоҳ Сиз у *(мунофиқлар)* учун мағфират сўранг, хоҳ мағфират сўраманг - агар етмиш марталаб улар учун мағфират сўрасангиз ҳам, Оллоҳ уларни асло мағфират қилмас. Бунга сабаб уларнинг Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига кофир бўлганларидир. Оллоҳ эса *(бундай)* итоатсиз қавмни ҳидоят қилмас. 81. *(Жиҳодга чиқишдан)* қолган *(қочган мунофиқлар)* Оллоҳнинг Пайғамбарига хилоф қилиб қолганларидан хурсанд бўлдилар ва молу жонлари билан Оллоҳ Йўлида жиҳод қилишни ёмон кўрдилар ҳамда *(бир-бирларига):* "Бу иссиқда урушга чиқманглар", дедилар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Агар улар англай олсалар жаҳаннам оташи янада иссиқроқдир". 82. Бас, ўзларининг касб қилган нарсалари *(яъни, кофирликни танлаганлари)* жазосига улар *(бу дунёда)* озгина кулсинлар, *(сўнгра Охиратда)* кўп - абадий йиғласинлар! 83. Энди агар Оллоҳ Сизни *("Табук" жангидан сўнг)* улардан бирон тоифага қайтариб, *(рўбарў қилса)* бас, улар Сиздан *(бундан буён бўладиган газотларга)* чиқиш учун изн сўрасалар, айтингки: "Мен билан ҳаргиз чиқмайсизлар ва мен билан бирга бирон душманга қарши жанг ҳам қилмайсизлар. Чунки сизлар аввал-бошда чиқмай ўтиришга рози бўлдингиз, бас, яна қолгувчи кимсалар билан бирга ўтиравер инглар". 84. Улардан биронтаси ўлса, зинҳор унинг *(жаноза)* намозини ўқиманг ва қабри устига ҳам бориб турманг! Чунки улар Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига кофир бўлдилар ва итоатсиз ҳолларида ўлдилар. 85. Сизни уларнинг молу дунёлари ва бола-чақалари қизиқтирмасин! Чунки Оллоҳ ўша нарсалар сабабли бу дунёда уларни азоб-уқубатга солишни ва кофир бўлган ҳолларида, жонлари чиқишини истайди, холос. 86. Қачон: "Оллоҳга иймон келтирингиз ва Унинг Пайғамбари билан бирга жиҳод қилингиз", деган бирон сура нозил қилинса, улардан бой-бадавлат бўлган кимсалар Сиздан *(жангдан қолиш учун)* изн сўрайдилар ва "Бизни қўйгин, анави қолгувчи *(узрли кишилар)* билан бирга бўлайлик", дейдилар. 87. Улар хотин-халаж билан қолишга рози бўлдилар. Диллари муҳрлаб қўйилди. Бас, энди улар *(жиҳодга чиқишда бўладиган*

яхшиликни) англамайдилар. 88. Лекин Пайғамбар ва у билан бирга бўлган, иймон келтирган зотлар молу жонлари билан курашдилар. *(Барча)* яхшиликлар ана ўшалар учундир. Нажот топгувчилар ҳам уларнинг ўзидир. 89. Оллоҳ улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйгандир. Мана шу буюк саодатдир. 90. Аъробийлардан *(яъни, тоғлик динсиз араблардан)* ҳам ўзлари учун изн берилишини сўраб узр айтгувчилар келди ва *(иймон келтирдик, деб)* Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарини алдаган кимсалар урушдан қолдилар. Албатта уларнинг орасидаги кофир кимсаларга аламли азоб етажак! 91. Ожиз-нотавонларга, хасталарга ва *(жиҳод учун)* бергани ҳеч нарса топа олмаётган кишиларга - агар улар Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари учун холис бўлсалар, бирон ҳараж - гуноҳ йўқдир. Чиройли амал қилувчи - муҳсинларни айблашга ҳеч қандай йўл йўқ. Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 92. Яна Сизга *(жангга миниб бориш учун)* от-улов сўраб келган вақтларида, уларга: "Сизларни миндириб юборадиган улов йўқ-ку", деганингизда *(жиҳод учун)* ишлатиладиган бирон нарса топа олмаганлари учун ғамгин бўлишиб, кўзларидан ёш тўкиб қайтиб кетган кишиларни ҳам айблашга ҳеч қандай йўл йўқдир.

Изоҳ: Дарҳақиқат, ансорийлардан (яъни, мадиналик саҳобалардан) олти-етти киши келиб Пайғамбар алайҳис-саломдан жиҳодга бориш учун от-улов сўрашганида, у киши уларга берадиган от-улов йўқлигини айтиб узр сўрагандлар. Шунда улар жиҳодга чиқишга ожизлик қилганларига хафа бўлишиб, йиғлаб қайтиб кетганлар. Юқоридаги оят уларнинг узрли кишилар экани, бинобарин, жиҳодга чиқа олмаганлари учун гуноҳкор бўлмасликларини баён қилади.

93. Фақат ўзлари бой-бадавлат бўлган ҳолларида Сиздан изн сўрайдиган кимсаларнигина айблашга йўл бордир. Улар хотин-халаж билан қолишга рози бўлдилар. Оллоҳ уларнинг дилларини муҳрлаб қўйди. Бас, энди *(улар жиҳодга чиқишда бўладиган яхшиликни)* билмайдилар.

94. *(Эй мўминлар),* сизлар уларнинг олдига қайтган вақтингизда улар *(ғазотга бора олмаганликлари учун)* сизлардан узр сўрайдилар. Айтинг: "Узр сўраманглар, сизларга ҳаргиз ишонмаймиз. Оллоҳ бизни сизларнинг ҳоли-хабарингиздан огоҳ қилди. Шубҳасиз, амалларингизни Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари кўриб туради. Сўнгра ғайбу шаҳодатни *(яъни, яширин ва ошкор ишларнинг ҳаммасини)* Билгувчи Зотга қайтарилурсизлар. Бас, У сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур". 95. Уларнинг олдига қайтиб борган вақтларингизда улардан юз ўгиришларингиз *(яъни, айбламасликларингиз учун сизларга ўзларининг ростдан ҳам узрли эканликларига)* Оллоҳ номи билан қасам ичадилар. Бас, улардан юз ўгиринглар! Чунки улар нопокдирлар ва қилиб ўтган нарсаларини *(яъни, мунофиқликлари)* жазосига жойлари жаҳаннамдир. 96. Улардан рози бўлишларингиз учун сизларга қасам ичадилар. Агар сизлар улардан рози бўлсангизлар ҳам, Оллоҳ бу итоатсиз қавмдан ҳеч рози бўлмайди. 97. Аъробийлар куфру нифоқда қаттиқроқ ва Оллоҳ Ўз Пайғамбарига нозил қилган нарсаларнинг чегараларини билмасликка лойиқроқдирлар. Оллоҳ билим ва ҳикмат Соҳибидир. 98. Аъробийлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, қилган садақасини *(ўзи учун)* зиён деб билади ва сизларга *(мўминларга)* балолар келишига кўз тутиб туради. *(Барча)* ёмон бало*(лар)* ўзларига бўлсин! Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир. 99. Аъробийлар орасида Оллоҳга ва Охират Кунига иймон келтирадиган ва қиладиган инфоқ-эҳсонини Оллоҳ даргоҳида қурбат *(яқинлик)* ҳосил қилиш ва Пайғамбар дуосига *(мушарраф бўлиш)* деб биладиган зотлар ҳам бор. Огоҳ бўлсинларким, ўша инфоқ-эҳсонлари ўзлари учун қурбатдир. Оллоҳ уларни Ўз раҳматига дохил қилажак. Албатта Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 100. Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар - Оллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна *(Оллоҳ)* улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк саодатдир. 101. Сизларнинг атрофингиздаги аъробийлар орасида мунофиқлар бор. Мадина аҳолиси орасида ҳам *(мунофиқлар бордир).* Улар доимий нифоқдадирлар, *(лекин)* Сиз уларни

билмайсиз. Биз билурмиз. Уларни қайта-қайта *(яъни, ҳаётлик пайтларида қатл қилиш, асир олиш билан, ўлганларидан кейин эса қабр азоби билан)* азоблаймиз. Сўнгра *(Қиёмат Кунида)* улуғ азобга қайтарилурлар. 102. Яна бошқа бир кишилар борки, гуноҳларини эътироф қилурлар. Улар яхши амални бошқа - ёмонига аралаштириб юборганлар. Оллоҳ уларнинг тавбаларини қабул қилса ажабмас. Албатта, Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 103. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз уларнинг *(тавба қилгувчиларнинг)* молларидан бир қисмини ўзларини поклаб тозалайдиган садақа сифатида олинг ва уларнинг ҳақларига дуо қилинг! Албатта Сизнинг дуоингиз улар учун ором-осойишталик бўлур. Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир. 104. Улар *(гуноҳкорлар)* Оллоҳнинг Ўзи бандалари томонидан бўлган тавбани қабул этишини, садақаларни ҳам *(Ўз даргоҳида)* қабул қилишини ва ҳақиқий тавбаларни Қабул этгувчи ва Меҳрибон Зот Оллоҳнинг Ўзи эканини билмадиларми?! 105. Айтинг: "*(Хоҳлаган)* амални қилинглар. Бас, Оллоҳ, Унинг Пайғамбари ва мўминлар қилган амалларингизни кўриб турар ва яқинда ғайбу шаҳодатни *(яъни, яширин ва ошкор нарсаларнинг барчасини)* Билгувчи Зотга қайтарилурсизлар. Бас,. У Зот сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур". 106. Яна бошқа *(бир гуруҳ газотга чиқмаган)*лар борки, Улар Оллоҳнинг амрига қолдирилурлар - У Зот Ўзи уларни ё азобга гирифтор қилар ёки тавбаларини қабул қилур. Оллоҳ билим ва ҳикмат Соҳибидир.

И з о ҳ: Улар уч нафар киши бўлиб, мунофиқ бўлганликлари учун эмас, балки дангасаликлари, танпарварликлари сабабли газотга чиқмаганлар ва бошқа мунофиқлар каби ёлгон узрлар ҳам айтмаганлар. Шундан кейин уларнинг тавбаларини қабул бўлиши ё қабул бўлмаслиги Оллоҳнинг амрига мавқуф бўлиб қолган ва бошқа мусулмонлар маълум муддатгача улар билан алоқаларини узганларки, бу ҳақда кейин келадиган оятларда яна зикр қилинади.

107. Яна шундай кимсалар ҳам борки, улар *(мўминларга)* зиён етказиш, куфрни *(кучайтириш)* ва мўминлар ўртасига тафриқа солиш ҳамда илгари Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига қарши урушган *(бир)* кимсага кўз тутиш учун *(фитна юзасидан)* масжид қуриб олдилар. Яна: "Биз фақат яхшиликнигина истаган эдик", деб қасам ҳам ичадилар. Оллоҳ гувоҳлик берурки, улар шак-шубҳасиз, ёлгончидирлар.

И з о ҳ: Мунофиқлардан ўн икки киши Абу Омир деган бир кофир кимсанинг буйруғи билан мўминлар орасини бузиш ниятида

масжид қурадилар ва мусулмонларга қарши урушиш учун бошқа давлатлардан лашкар олиб келишга кетган Абу Омирнинг йўлига кўз тутадилар. Уларнинг бу мақсадлари мусулмонларга маълум бўлиб қолганидан кейин эса ўз қилмишларидан тониб, қасам ичадилар. Қуйидаги оятда Оллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига бундай амр қилади.

108. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **ҳеч қачон у масжидда** *(намозга)* **турманг! Биринчи кундан тақво асосига қурилган масжид борки, Сиз ўшанда туришингиз лойиқроқ. Унда покликни севадиган кишилар бордир. Оллоҳ эса ўзларини мудом пок туттувчи зотларни севар. 109. Бас,** *(масжид)* **биноларини Оллоҳдан қўрқиш ва Унинг ризолиги асосига қурган киши яхшироқми ёки биноларига емирилаётган жар ёқасини асос қилиб олиб, шу сабабли ўзи ҳам жаҳаннам ўтига қулаган кимсами?! Оллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас. 110. Қурган биноларининг** *(бузиб ташланиши)* **уларнинг кўнгилларида шак-шубҳа бўлиб қолур. Магар юраклари ёрилиб - жонлари чиқиб кетсагина** *(шак-шубҳа ҳам йўқ бўлур)*. **Оллоҳ билим ва ҳикмат Соҳибидир.**

И з о ҳ: Пайғамбар алайҳис-саломнинг фармонлари билан улар қурган масжид бузиб ташланади. Шундан кейин уни қурган мунофиқлар то ўлгунларича мусулмонларга нисбатан ғараз билан ўтадилар.

111. Албатта Оллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди - улар Оллоҳ Йўлида жанг қилишиб *(кофирларни)* **ўлдирадилар ва** *(ўзлари ҳам Оллоҳ учун шаҳид бўлиб)* **ўлдириладилар.** *(Бундай мўминларга жаннат берилишига)* **Оллоҳ Таврот, Инжил ва Қуръонда Ўзининг ҳақ ваъдасини бергандир. Оллоҳдан ҳам аҳдига вафодорроқ ким бор? Бас,** *(эй мўминлар)*, **қилган бу савдоларингиздан шод бўлингиз! Мана шу ҳақиқатан, буюк саодатдир. 112.** *(Улар)* **- тавба қилгувчилар,** *(Оллоҳнинг Ўзигагина)* **ибодат қилгувчилар, шукр қилгувчилар, рўза тутгувчилар, рукуъ-сажда қилгувчилар, яхшиликка буюргувчилар, ёмонликдан тўхтатгувчилар ва Оллоҳ белгилаб қўйган қонун-қоидаларга доимий риоя қилгувчи** *(мўмин)***лардир.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **бу мўминларга жаннат хушхабарини етказинг! 113. На Пайғамбар ва на мўминлар,- агар мушриклар қариндошлари бўлса ҳам - уларнинг дўзах эгалари эканликлари аниқ маълум бўлганидан кейин, у мушриклар учун мағфират сўрашлари жоиз эмасдир. 114. Иброҳимнинг ўз отаси учун мағфират сўраши фақат унга берган ваъдаси сабабли эди. Энди қачонки унга** *(отаси)* **Оллоҳнинг**

душмани эканлиги аниқ маълум бўлгач, ундан бутунлай тонди. Албатта Иброҳим кўнгилчан ва ҳалимдир. 115. Оллоҳ бирон қавмни ҳидоят қилганидан кейин то уларга сақланишлари лозим бўлган нарсаларни аниқ баён қилиб бермагунича, уларни йўлдан оздиргувчи бўлмади *(яъни, ҳамма нарсани билиб туриб ўзларини сақламаган кимсаларнигина йўлдан оздирди)*. Албатта Оллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир. 116. Албатта осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги Оллоҳнинг Ўзи учундир. У ҳаёт ва ўлим берур. Сизлар учун Оллоҳдан ўзга бирон дўст ҳам, бирон ёрдамчи ҳам йўқдир. 117. Ҳақиқатан, Оллоҳ Пайғамбарнинг, муҳожирлар ва ансорларнинг тавбаларини қабул қилди. Улардан бир гуруҳнинг диллари *(ғазотдаги машаққат ва ташналик сабабли)* тойилаёзганидан кейин оғир соатда унга *(яъни, Пайғамбарга)* эргашган эдилар. Сўнг уларнинг тавбаларини *(Оллоҳ)* қабул қилди. Албатта У Зот мўминларга Марҳаматли, Меҳрибондир. 118. Яна ўша уч кишининг *(тавбаларини ҳам қабул қилдики)*, то уларга кенг Ер торлик қилиб қолгунча ва диллари сиқилиб, Оллоҳ*(нинг ғазаби)*дан фақат Унинг Ўзига тавба қилиш билангина қутулиш мумкин эканини билгунларича *(тавбалари)* қолдирилган эди *(яъни, тавба қилишга муваффақ бўлмаган эдилар)*. Сўнгра *(Оллоҳ)* тавба қилишлари учун уларга тавба йўлини очди. Албатта Оллоҳ тавбаларни Қабул қилгувчи, Меҳрибондир. 119. Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва *(иймонларида)* ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз! 120. Мадина аҳолиси ва уларнинг атрофларидаги аъробийлар учун *(жиҳодга чиқмай)* Оллоҳнинг Пайғамбаридан қолишлари ва Ундан юз ўгириб ўзлари билан овора бўлишлари жоиз эмас эди. Зеро, Оллоҳ Йўлида уларга бирон ташналик, машаққат, очлик етса ва кофирларни ғазаблантирадиган бирон қадам боссалар, душманга бирон зиён етказсалар, албатта улар учун бу ишлари сабабли, яхши амал ёзилур. Зотан, Оллоҳ яхшилик қилгувчиларнинг амалларини зое қилмас. 121. Улар кичикми, каттами бирон инфоқ-эҳсон қилсалар ва *(ғазот йўлида)* бирон водийдан ўтсалар, албатта қилган энг чиройли амалларига яраша Оллоҳ мукофотлаши учун - *(буларнинг ҳаммаси)* улар фойдасига ёзилур. 122. Барча мўминлар *(жангга)* чиқишлари лойиқ эмас. Ахир улардан ҳар бир гуруҳдан бир тоифа одамлар *(жанг учун)* чиқмайдиларми?! *(Қолганлари эса Мадинада)* Динни ўрганиб, *(жангга кетган)* қавмлари олдиларига қайтган вақтларида, уларни огоҳлантирганни *(қолмайдиларми)*?! Шояд у қавмлар Оллоҳнинг азобидан сақлансалар.

Изоҳ: Бу оят Пайғамбар алайҳис-салом ва саҳобалар "Табук" жангидан қайтганларидан сўнг Пайғамбаримиз бир гуруҳ аскарларни душман томонига юбормоқчи бўлиб чорлаганларида, урушдан қолувчи кимсалар азобланиши ҳақидаги юқоридаги оятлардан қўрқиб қолган барча саҳобалар жангга чиқамиз, деб келганларида нозил бўлгандир. Бу оятда бундай кичик юришларга ҳамма мусулмонлар кетиб қолиши тўғри эмаслиги, балки улардан бир гуруҳининг бориши кифоя қилиши, қолганлари эса Пайғамбар алайҳис-салом ҳузурларида қолишиб, у кишидан диний таълимотларни ўрганиб, жангга кетганлар қайтишгач, уларга ўзлари ўрганган нарсаларини таълим беришлари лозим эканлиги ифодаланади.

123. Эй мўминлар, ён-атрофларингиздаги кофирларга қарши жанг қилинглар ва улар сизлардаги куч-қувватни кўрсинлар! Билингларки, албатта Оллоҳ тақводорлар билан биргадир. 124. Қачон бирон сура нозил қилинса, улардан *(яъни, мунофиқлардан)* **бўлган кимсалар** *(масхара қилишиб)*: **"Қани, бу сура қайси бирларингизнинг иймонларингизни зиёда қилди?", дейишади. Бас, у** *(сура)* **иймон келтирган зотларнинг иймонларини албатта зиёда қилди ва улар шод-хуррам бўлурлар. 125. Аммо дилларида мараз бўлган кимсаларни эса динсизликларига яна динсизлик қўшди ва улар кофир ҳолларида ўлдилар. 126.** *(Мунофиқлар)* **кўрмайдиларми, улар ҳар йили бир-икки марта** *(очарчилик, қахатчилик каби)* **балога - фитналарга йўлиқмоқдалар. Шундан кейин ҳам на тавба қиладилар ва на панд-насиҳат оладилар. 127. Қачонки бирон сура нозил қилинса,** *(у мунофиқлар: "Муҳаммаднинг олдидан билдирмасдан чиқиб қочсаларингиз)*, **сизларни биронта** *(мусулмон)* **кўриб қолармикан?", деб бир-бирларига қараб оладилар-да, сўнгра** *(агар ҳеч ким кўрмаетган бўлса уйларига)* **жўнаб қоладилар. Улар** *(ҳақни)* **англамайдиган қавм бўлганлари сабабли, Оллоҳ дилларини** *(Қуръонни фаҳмлашдан)* **буриб қўйгандир. 128.** *(Эй инсонлар)*, **ахир сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг кулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи, сизларнинг** *(Тўғри Йўл - Ҳақ Динга келишингизга)* **ҳарис - ташна бўлган ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир Пайғамбар келди-ку! 129. Ана энди ҳам юз ўгирсалар, у ҳолда** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **айтинг: "Менга Оллоҳнинг Ўзи етарлидир! Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир!** *(Мен Унинг)* **Ўзига суяндим. У Зот улуғ Арш Соҳибидир".**

ЮНУС сураси (10)

Маккада нозил бўлган бу сура бир юз тўққиз оятдан иборат. Унда Исломий ақиданинг асл моҳияти: Оллоҳга иймон келтириш, Унинг Китобларига, пайғамбарларига, қайта тирилишга ва Қиёмат Кунидаги жазо - мукофотга ишониш ҳақида сўз боради. У Илоҳий Китобларга, хусусан Қуръони Каримга иймон келтиришга қизғин даъват қилиши билан бошқа суралардан ажралиб туради.

Бу сура бошлаб пайғамбарлик ва пайғамбарлар ҳақида сўзлаб, Оллоҳ аввалу охир ҳамма бандаларига Ўз пайғамбарларини юборганини, бинобарин, охирги Пайғамбар Муҳаммад алайҳис-саломнинг келишларидан ажабланишга ўрин йўқлигини уқтиради. Кейин Оллоҳ таоло ва бандaнинг ҳақиқати баён қилиниб, Яратган билан яралган ўртасидаги алоқа қандай бўлиши лозимлиги айтилади ва одамларга Ҳақиқий Парвардигорлари қандай Зот эканлиги танитилиб, фақат Унгагина ибодат қилишлари дуруст ва зарур эканлиги таъкидланади. Яна бу сурада мушрикларнинг Қуръонга бўлган муносабатлари ҳақида ҳикоя қилиниб, бу Китоб ҳақиқий Илоҳий мўъжиза экани айтилади. Ва уни Муҳаммад ўзи тўқиб ёзган, деб ўйлайдиган кимсалар унга ўхшаш биргина сура ёзиб берсинлар, деб уларнинг даъволари асоссиз эканлиги ошкор этилади.

Сурада Нуҳ, Мусо, Юнус каби пайғамбарларнинг қиссалари зикр қилинадики, суранинг номи ҳам улардан бири - Юнус пайғамбар исмлари билан аталгандир. Сура ниҳоясида эса Пайғамбар алайҳис-саломга фақат Оллоҳнинг кўрсатма-ваҳийларига амал қилиш ва Оллоҳ Йўлида чекиладиган озор-машаққатларга сабру тоқат қилиш амр этилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Алиф, Лом, Ро. Булар ҳикматли Китоб оятларидир. 2. Бу одамлар учун ўзларидан бўлган бир кишига *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломга, кофир)* **кимсаларни** *(Оллоҳнинг азобидан)*

огоҳлантиринг, иймон келтирган зотларга эса албатта улар учун Парвардигорлари ҳузурида азалий рост мартаба борлиги ҳақида хушхабар етказинг, деб ваҳий юборганимиз қизиқ туюлдими?! Кофирлар: "Дарҳақиқат, бу *(яъни, Муҳаммад)* зўр сеҳргардир", дедилар. 3. *(Эй инсонлар),* албатта Парвардигорингиз осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра Ўз Аршига ўрнашган Оллоҳдир. У *(ҳар бир)* ишнинг тадбирини қилур. *(Қиёмат Кунида)* бирон қўлловчи бўлмас, магар Унинг изни-иродасидан сўнггина *(қўллай олур).* Ана ўша Оллоҳ Парвардигорингиздир, бас, Унга ибодат қилингиз! Ахир эслатма-ибрат олмайсизлармиз?! 4. *(Қиемат Кунида)* барчангиз Унга қайтишингиз бордир. *(Бу)* Оллоҳнинг ҳаққирост ваъдасидир. Албатта аввал-бошда барча нарсани Унинг Ўзи яратур. Сўнгра иймон келтириб, яхши амаллар қилиб ўтган зотларни адолат билан мукофотлаш учун *(Қиёмат Куни)* яна қайта яратур. Куфр йўлини тутган кимсалар учун эса қайноқ сувдан иборат ичимлик ва кофир бўлганлари сабабли аламли азоб бўлур. 5. У *(Оллоҳ)* қуёшни *(кундузлари)* зиё сочгувчи, ойни эса *(кечалари)* нур - ёруғлик қилган ва сизлар йилларнинг саноғини ҳамда *(вақтларнинг)* ҳисобини билишларингиз учун уни *(яъни, ойни бир қанча)* манзил-буржларга бўлиб қўйган Зотдир. Ҳеч шак-шубҳасиз, Оллоҳ буни *(яъни, қуёш ва ойнинг ҳар бирини)* ҳақ *(қонун ва ҳикмат)* билан яратди. У Зот биладиган қавм учун Ўз оятларини муфассал баён қилур. 6. Албатта кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ҳамда Оллоҳ осмонлар ва Ерда яратиб қўйган нарсаларда Оллоҳдан қўрқадиган қавм учун оят-аломатлар бордир. 7-8. Албатта Бизга рўбарў бўлишни умид қилмайдиган, ҳаёти дунёнинг ўзигагина рози бўлиб, ўша билан хотирлари жам бўлган кимсалар ҳамда, Бизнинг оятларимиздан ғофил қолган кимсалар - ана ўшаларнинг жойлари, касб қилиб ўтган гуноҳлари сабабли дўзахдир. 9. Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларни эса иймон-эътиқодлари сабабли Парвардигорлари *(жаннат йўлларига)* ҳидоят қилур - ноз-неъмат боғларида остларидан дарёлар оқиб турур. 10. Уларнинг *(жаннатларда қиладиган)* дуолари: "Оллоҳим, Ўзингни поклаймиз", дейиш, у жойдаги ўзаро саломлари *(бир-бирларига)* тинчлик тилашдир. Охирги тилаклари эса барча оламлар Парвардигори - Оллоҳга ҳамду сано айтишдир. 11. Агар Оллоҳ бу одамларга *(яъни, мушрикларга)* яхшиликни тез келтиргани каби ёмонликни ҳам нақд қилса эди, албатта уларнинг ажаллари етган бўлур эди. Бас, *(Биз уларга*

ёмонликни нақд қилмаймиз, балки) Бизга рўбарў бўлишни умид қилмайдиган кимсаларни, ўз тугёнларида адашиб-улоқиб юрган ҳолларида ташлаб қўюрмиз.

Изоҳ: Ушбу оят Маккалик мушриклар Пайғамбар алайҳис-саломнинг даъватларига қулоқ солмай: "Ё Оллоҳ, агар Муҳаммаднинг дини ҳақ дин бўлса, бошимизга осмондан тош ёғдиргин", деб ўзлари учун ёмонлик тилаб дуои бад қилганларида нозил бўлган. Бу оятдан икки маънони уқиш мумкин: биринчиси, мушрик кимсаларнинг нақадар нодон эканликлари. Чунки улар доно ва тадбиркор бўлганларида: "Агар шу дин ҳақ дин бўлса, бизларни ҳам шу динга, йўллагин", деб илтижо қилган бўлур эдилар. Иккинчи маъно, айрим золим ва тажовузкор кимсаларнинг бемалол ҳаром-ҳариш йўлларда айш-ишрат қилиб юришлари уларнинг тутган йўллари тўғри эканлигини билдирмайди, билъакс, Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлганлари учун Ҳақ Йўлни топа олмай туғён ва исёнларида адашиб-улоқиб юрганларини билдиради.

12. Қачон инсон зотига бирон зиён-мусибат етса, ётган ҳолида ҳам, ўтириб ҳам, туриб ҳам Бизга дуо-илтижо қилур. Энди қачонки Биз ундан зиён-мусибатини кеткизсак, гўё *(ҳеч қачон)* ўзига етган бало-мусибатдан Бизга дуо-илтижо қилмагандек *(юз ўгириб)* кетур. Ҳаддан ошувчи кимсаларга ўз қилмишлари мана шундай чиройли қилиб қўйилди. 13. Аниқки, Биз сизлардан аввалги асрлардаги миллатларни ўзларига зулм қилганлари ва пайғамбарлари очиқ-равшан ҳужжат-мўъжизалар келтирган пайтларида, иймон келтирмаганлари учун ҳалок қилганмиз. Биз жиноятчи қавмни мана шундай жазолаймиз. 14. Сўнгра қандай амаллар қилишингизни кўрайлик, деб Биз сизларни уларнинг ортидан Ерга халифа *(ўринбосар)* қилиб қўйдик. 15. Қачон уларга *(мушрикларга)* Бизнинг очиқ-равшан оятларимиз тиловат қилинса, Бизга рўбарў бўлишни умид қилмайдиган кимсалар: "Бу Қуръондан бошқа бир Қуръон келтиргин ёки буни ўзгартиргин", дедилар. Айтинг: "Мен учун уни ўз томонимдан ўзгартириш дуруст эмасдир. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган оятларгагина эргашурман. Чунки мен агар Парвардигоримга исён қилсам, улуғ Куннинг *(Қиёматнинг)* азобидан қўрқурман". 16. Айтинг: "Агар Оллоҳ хоҳлаганида, мен уни *(Қуръонни)* тиловат қилмаган бўлур эдим ва *(мен орқали Оллоҳ)* уни сизларга билдирмаган бўлур эди. Ахир ундан *(Қуръон нозил бўлишидан)* илгари ҳам бир умр сизларнинг орангизда яшаб турдим-ку! Ахир ақл юргизмайсизларми?

Изоҳ: Дарҳақиқат, Муҳаммад алайҳис-саломнинг Пайғамбар бўлишларидан аввалги қирқ йиллик умрлари Маккалик араблар кўз ўнгида ўтган бўлиб, бу давр мобайнида, у зот на бир устоз кўрган эдилар ва на бир китоб мутолаа қилган эдилар. Бу ҳол у кишини таниган-билган ҳамма замондош ва ватандошларига аён эди. Шунинг учун ҳам қирқ ёшга тўлганларидан кейин Илоҳий оятларни тиловат қилиб, одамларни Ислом динига даъват эта бошлаганларида, бу оятларнинг тенгсиз гўзал назми, тубсиз теран мағзидан лол бўлган кўп кишилар бу башарнинг сўзи эмаслигига иймон келтирдилар. Лекин Макка мушрикларидан айрим кимсалар бу Илоҳий мўъжизанинг қадру қимматини билмайдилар ва ҳатто Пайғамбар алайҳис-саломнинг устларидан истеҳзо қилиб кулишга ҳам бориб етдиларки, мазкур ва қуйидаги оятлар ана шундай кимсалар ҳақида нозил бўлгандир.

17. Ахир Оллоҳ шаънига бўҳтон қилган ёки Унинг оятларини ёлғон деган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Албатта *(бундай)* **жиноятчи кимсалар нажот топмаслар. 18. Улар Оллоҳни қўйиб, ўзларига зиён ҳам, фойда ҳам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат қиладилар ва: "Ана шу** *(бизлар сиғинаётган)* **нарсалар Оллоҳ ҳузурида бизларнинг қўлловчиларимиз бўлади", дейдилар. Айтинг: "Оллоҳга осмонлар ва Ердаги У Зот билмайдиган нарсаларни** *(шерикларни)* **билдириб қўймоқчимисизлар?!** *(Оллоҳ)* **уларнинг** *(мушрикларнинг)* **ширкларидан Пок ва Юксак бўлган Зотдир. 19.** *(Аввалда)* **одамлар фақат бир миллат** *(яъни, бир динда)* **бўлган эдилар. Сўнгра бўлиниб кетдилар. Агар Парвардигорингиз томонидан** *(яхши-ёмон амалларнинг мукофот-жазолари фақат Қиёматда бўлиши хусусида)* **Сўз ўтмаганида эди, талашиб-тортишаётган нарсалари ҳақида уларнинг ўрталарида ҳукм қилинган бўлур эди** *(яъни, диндан чиққан кимсалар шу дунёдаёқ жазоланган бўлур эдилар)*. **20. Улар: "Унга** *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломга)* **Парвардигори томонидан бирон оят-мўъжиза тушса эди", дейдилар. Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **айтинг: "Ғайб** *(яъни, келажак ва инсон идрокидан махфий бўлган барча нарсалар билими)* **фақат Оллоҳникидир. Бас, кутаверинглар! Мен ҳам сизлар билан бирга кўз тутгувчилардандман". 21. Қачон Биз бу одамларга уларга етган бало** *(қаҳатчилик)***дан кейин раҳмат** *(тўкинлик)***ни тотдирсак, баногоҳ улар Бизнинг оятларимиз ҳақида макр** *(ишлатиб, масхара)* **қилурлар. Айтинг: "Оллоҳнинг "макри"** *(азоби)* **жуда тездир". Албатта Бизнинг элчиларимиз** *(малоикаларимиз)* **қилаётган макрларингизни ёзиб қўюрлар. 22. У** *(Оллоҳ)* **шундай Зотки,**

сизларни қуруқлик ва денгизда юргизур. То сизлар кемаларда бўлган вақтларингизда ва у *(кемалар)* хуш ел билан уларни *(яъни, сизларни)* олиб кетаётганида ва улар бу билан шод-хуррам бўлганларида, бир қаттиқ шамол келур ҳамда уларнинг устига ҳар тарафдан тўлқин келиб, ўзларининг гирдобда қолганларини билганларида: "Қасамки, агар мана шу *(бало)*дан бизга нажот берсанг, албатта шукр қилгувчилардан бўлурмиз", деб чин ихлос билан Оллоҳга илтижо қилурлар. 23. Энди қачонки *(Оллоҳ)* уларга нажот бергач, баногоҳ улар Ер юзида ноҳақ зулму тажовузкорлик қилурлар. Эй одамлар, бу тажовузингиз фақат ўзингизнинг зиёнингизгадир. *(Сизлар бу арзимас ва қисқа)* ҳаёти дунё матоси*(дан фойдаланмоқдасиз)*. Сўнгра Бизга қайтишингиз бордир. Бас, Биз сизларга қилиб ўтган амалларингизни билдирурмиз. 24. Дарҳақиқат, бу ҳаёти дунёнинг мисоли худди Биз осмондан ёғдирган бир сувга ўхшайди, бас, одамзот ва чорва ҳайвонлари ейдиган нарсалардан иборат бўлган Ер набототи у билан аралашиб, ҳатто Ер чирой олиб, ясан-тусан қилганида ва Ернинг аҳли унга *(яъни, Ерни қоплаган экин-тикинларни ўриб-янчиб олишга)* қодирмиз, деб ўйлай бошлаганида, Ерга кечаси ё кундузи Бизнинг фармонимиз келиб, Биз уни гўё куни-кеча обод бўлмагандек, "ўриб" *(вайронага айлантириб)* қўюрмиз. Тафаккур қила оладиган қавм учун оятларни мана шундай муфассал баён қилурмиз. 25. Оллоҳ тинчлик диёри - жаннатга даъват қилур ва Ўзи хоҳлаган зотларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилур. 26. Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда *(неъматлар)* бордир. Уларнинг юзларини қаролик ҳам на хорлик ҳам қоплай олмас. Ана ўшалар жаннат эгалари бўлиб, у жойда абадий қолурлар. 27. Ёмон амаллар қилган кимсалар учун эса ўша ёмонликлари баробарида ёмон жазо бўлур ва уларни хорлик ўраб олур - улар учун Оллоҳ тарафидан бирон-бир *(жазодан)* сақловчи бўлмас. Уларнинг юзларини гўё қоронғу кечадан бир бўлаги қоплаб олгандек. Ана ўшалар дўзах эгалари бўлиб, у жойда абадий қолурлар. 28-29. У Кунда *(Қиёматда)* Биз уларнинг *(яъни, инсонларнинг)* ҳаммаларини тўплаймиз, сўнгра мушрик бўлган кимсаларга: "Сизлар ҳам, Оллоҳга шерик қилиб олган бутларингиз ҳам ўз жойингиздан жилмангиз!", деб уларнинг ўрталарини ажратурмиз *(яъни, мушриклар дунёда доим бирга бўлиб, сиғиниб юрган бутларидан ажралиб қолурлар)* ва бутлари *(уларга)*: "Сизлар бизга ибодат қилганингиз йўқ *(яъни, биз, бутлар жонсиз нарсалар бўлганимиз учун бизга сиғинганларингизни*

билганимиз йўқ). Бас, Оллоҳнинг Ўзи биз билан сизнинг ўртамизда етарли Гувоҳдир. Албатта биз сизларнинг ибодатингиздан бехабармиз", дейдилар. 30. Ўша ерда ҳар бир жон қилиб ўтган ишидан хабардор бўлур ва *(ҳаммалари)* ҳақиқий Хожалари - Оллоҳга қайтарилурлар ҳамда ўзлари ўйлаб, тўқиб чиқарган бутлари улардан ғойиб бўлур. 31. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Ким сизларга осмон ва заминдан ризқ берур ёки ким қулоқ-кўзларингизга эгалик қилур?! Ким ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқарур ҳамда ким барча ишларни тадбир қилиб турур?!" Улар албатта: "Оллоҳ", дейдилар. Бас, Сиз айтинг: "Ахир *(Ўша Зотдан)* қўрқмайсизларми?!" 32. Бас, мана шу Оллоҳ - Ҳақиқий Павардигорингиздир. Ҳақиқатдан кейин эса фақатгина йўлдан озиш бор, холос *(яъни, ҳақиқий Парвардигорингиз бўлмиш Оллоҳдан ўзгага сиғинар экансиз, албатта йўлдан озган бўлурсиз).* Бас, қай тарафга бурилиб кетмоқдасизлар?! 33. Мана шундай қилиб, иймон келтирмаганлари сабабли итоатсиз бўлган кимсалар устига Парвардигорингизнинг *("Албатта жаҳаннамни кофирлар билан тўлдирурман", деган)* Сўзи ҳақ бўлди. 34. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг *(сўранг):* "Бутларингиз орасида аввал-бошда ўзи яратиб, сўнгра яна қайта ярата оладиган биров борми?!" Айтинг: "Оллоҳ аввал-бошда Ўзи яратиб, сўнгра Ўзи яна қайта яратур. Бас, қай тарафга бурилиб кетмоқдасизлар?!" 35. Айтинг *(сўранг):* "Бутларингиз орасида Ҳақ Йўлга ҳидоят қила оладиган биров борми?!" Айтинг: "Оллоҳ Ҳақ Йўлга ҳидоят қилур. Энди Ҳақ Йўлга ҳидоят қиладиган Зот итоат этилишга ҳақлироқми ёки *(ҳеч кимни)* ҳидоят қила олмайдиган, балки ўзи ҳидоятга муҳтож бўлган кимсами?! *(Эй мушриклар),* сизларга не бўлди - қандай ҳукм чиқармоқдасиз?!" 36. Уларнинг кўплари *(жонли-жонсиз бутларга сиғинишларида)* фақат гумонга эргашадилар, холос. Гумон эса бирон нарсада ҳақиқатнинг ўрнини босолмайди. Албатта Оллоҳ уларнинг қилаётган ишларини Билгувчидир. 37. Ушбу Қуръон Оллоҳдан ўзга биров томонидан тўқилган бўлиши мумкин эмас. Балки, У бутун оламлар Парвардигори томонидан келган ва *(ҳақ эканлигига)* шак-шубҳа бўлмаган Ўзидан аввалги *(Таврот, Инжил каби)* Нарсаларни тасдиқловчи ва *(Шариат ҳукмларидан иборат)* муфассал Китобдир. 38. Ёки: "Уни *(Муҳаммад)* тўқиб чиқарган", дейдиларми?! *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "У ҳолда агар ростгўй бўлсангизлар, Оллоҳни қўйиб кучларингиз етган барча бутларни *(ёрдамга)* чорлаб шу *(Қуръон)*га ўхшаш биргина сура

келтирингизлар!" 39. Йўқ, улар Қуръон илмини эгалламасдан ва уларга унинг таъвил - моҳияти аён бўлмасдан туриб "ёлғон", дедилар. Улардан аввалгилар ҳам *(ўз пайғамбарларининг сўзларини)* мана шундай "ёлғон", деган эдилар. Мана энди ундай золим кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг! 40. Уларнинг *(яъни, мушрикларнинг)* орасида унга *(Қуръонга)* ишонадиганлари ҳам бор. Уларнинг орасида унга ишонмайдиганлари ҳам бордир. Парвардигорингиз бузғунчи кимсаларни жуда яхши Билгувчидир. 41. *(Эй Муҳаммад алайҳиссалом)*, агар улар Сизни ёлғончи қилсалар, у ҳолда айтинг: "Менинг қилган амалим ўзим учун, сизларнинг амалингиз ўзингиз учундир. Сизлар менинг амалимдан поксизлар, мен эса сизлар қилаётган амалларингиздан покдирман". 42. Уларнинг орасида Сизга қулоқ тутадиганлари ҳам бор *(аммо гаранг одамдек, Сиз тиловат қилаётган Қуръон маъноларини англамайдилар)*. Ахир Сиз, агар ўзлари ақл юргизмасалар, кар кимсаларга эшиттира олурмисиз?! 43. Уларнинг орасида Сизга қараб турадиганлари ҳам бор *(аммо кўр одамдек, Сиздаги Пайғамбарлик белгиларини кўрмайдилар)*. Ахир Сиз, агар ўзлари кўрмасалар, кўр кимсаларни ҳидоят қила олурмисиз?! 44. Албатта Оллоҳ инсонларга бирон зулм-адолатсизлик қилмас. Балки, инсонлар *(Яратганга иймон келтирмасликлари билан)* ўзларига ўзлари зулм қилурлар. 45. *(Оллоҳ)* уларни *(яъни, мушрикларни ҳисоб-китоб учун)* тўплайдиган Кунда улар *(бу дунёда)* гўёки кундуз куни бир соатгина тургандек *(яшагандек)* бир-бирларини танирлар. Оллоҳга рўбарў бўлишни ёлғон, деган кимсалар муҳаққақ зиён қилдилар ва Ҳақ Йўлга юргувчи бўлмадилар. 46. Агар Биз уларга ваъда қилаётганимиз азобнинг баъзисини Сизга кўрсатсак ҳам *(яъни, ҳаёт пайтингизда уларнинг кофир бўлганлари оқибатида тортадиган азобларидан бир қисмини кўрсангиз ҳам)*, ёки *(уларни азобга дучор қилишимиздан илгарироқ)* Сизни вафот қилдирсак ҳам, ҳар ҳолда Ўзимизга қайтишлари бордир. Сўнгра Оллоҳ улар қилаётган барча ишларга гувоҳдир. 47. Ҳар бир миллат учун пайғамбар бўлур. Бас, қачон пайғамбарлари келганида, ўша *(миллат)*ларга зулм қилинмаган ҳолда, уларнинг ўрталарида адолат билан ҳукм қилинур.

И з о ҳ: Ислом таълимотига кўра, бу олам имтиҳон олами бўлиб, ҳар бир киши мана шу имтиҳондан ўта олган-олмаганига қараб Охиратда мукофот ёки жазога мустаҳиқ бўлади. Бандалар ўзларининг зиммаларидаги бурчларини ва ҳақ-ҳуқуқларини таниб, Ҳақ Йўлни топиб, имтиҳондан муваффақият билан ўтишлари учун

уларга Оллоҳ таоло пайғамбарлари орқали Ўз кўрсатмаларини юборади. Бу пайғамбарларнинг аввалгиси Одам алайҳис-салом бўлса, сўнггиси Муҳаммад алайҳис-саломдирлар. Бу иккаласининг ўртасида юз минглаб пайғамбарлар ўтганлар. Бинобарин, дунёда бирон-бир миллат йўқки, у миллатга Оллоҳ пайғамбарларининг даъвати етмаган бўлса. Юқоридаги оятда уқтирилишича, Оллоҳ таоло Ўзи яратган ҳар бир миллатга пайғамбар юбориб, Ўз Динига даъват қилади. Қачонки, у миллат ўша пайғамбарни ёлғончи қилиб, у келтирган диндан юз ўгирса, Қиёмат Кунида у миллатга ўша пайғамбар гувоҳлигида адолат билан жазо беради. Бу оят: "То пайғамбар юбормагунча ҳеч кимни жазолагувчи эмасмиз", деган мазмундаги Исро сурасининг 14-оятига ҳамоҳангдир.

48. Улар: "Агар ростгўй бўлсангизлар *(айтинглар-чи)*, **мана шу ваъда** *(қилинган азоб)* **қачон бўлади?!", дейдилар. 49.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **айтинг: "Мен агар Оллоҳ хоҳламаса** *(ўзгалар уёқда турсин)*, **ўзимга ҳам бирон зиён ё фойда етказишга қодир эмасман.** *(Бинобарин, келажак, ғайб илмларидан ҳам хабардор эмасман, лекин)* **ҳар бир миллат - авлод учун ажал бордир. Қачон ажаллари етса, уни бирон соат кетга ҳам сура олмайдилар, илгари ҳам қила олмайдилар. 50. Айтинг: "Хабар берингиз-чи, агар У Зотнинг азоби сизларга кечаси ё кундузи келса** *(бундан сизларга не фойда?)* **Бу жиноятчи кимсалар** *(яъни, мушриклар)* **у азобнинг нимасини шоштирмоқдалар-а?! 51. Сўнгра** *(Оллоҳнинг азоби бошингизга)* **тушганида,** *(сизларга)*: **"Унга иймон келтирдингизлар? Энди-я?! Ахир** *(азоб тушишига ишонмай)* **уни шоштираётган эдингизлар-ку?!"** *(дейилур)*. **52. Сўнгра ўзларига зулм қилган бу кимсаларга айтилур: "Мангулик азобни тотингиз! Сизлар фақат ўзларингиз касб қилган гуноҳларингиз сабабли жазоланмоқдасиз". 53.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Сиздан: "У** *(ваъда қилинган азоб)* **ҳақми?", деб сўрайдилар. Айтинг: "Ҳа, Парвардигоримга қасамки, албатта у ҳақдир. Сизлар** *(ундан)* **қочиб қутулгувчи эмассизлар". 54. Улар азобни кўрган вақтларида агар ўзларига жабр қилган** *(яъни, ҳаёти дунедан кофир ҳолда ўтган)* **ҳар бир жон учун Ердаги бор нарса бўлса, у** *(ўша азобдан қутулиш учун)* **албатта уни** *(бор нарсасини)* **фидо қилган ва** *(иймон келтирмагани учун)* **афсус-надоматлар чеккан бўлур эди.** *(У Кунда)* **уларга зулм қилинмаган ҳолда ўрталарида адолат билан ҳукм қилинур.** *(Яъни, бу дунёдаги қилмишларига яраша жазоланурлар)*. **55. Огоҳ бўлингизким, осмонлар ва Ердаги нарсалар, шубҳасиз, Оллоҳникидир. Огоҳ бўлингизким, албатта Оллоҳнинг ваъдаси**

ҳаққи-рост ваъдадир. Лекин уларнинг кўплари билмайдилар. 56. У тирилтирур ва ўлдирур. Ва Унгагина қайтарилурсизлар. 57. Эй инсонлар, сизларга Парвардигорингиз томонидан панд-насиҳат, дилларингиздаги *(бузуқ эътиқодлардан иборат)* нарсаларга шифо ва мўминларга ҳидоят ва раҳмат *(яъни, Қуръон)* келди. 58. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Оллоҳнинг фазлу марҳамати *(яъни, Ислом)* ва У Зотнинг раҳмат-меҳрибонлиги *(яъни, Қуръон)* билан - мана шу *(неъмат)* билан шод-хуррам бўлсинлар. *(Зеро),* бу улар тўплайдиган мол-дунёларидан яхшироқдир". 59. Айтинг: "Ҳабар берингиз-чи *(эй мушриклар),* Оллоҳ сизлар учун нозил қилган ризқу рўздан *(айримларини)* ҳаром, *(айримларини)* ҳалол қилиб олдингиз". Айтинг: "*(Хабар берингиз-чи, бундай қилиш учун)* сизларға Оллоҳ изн бердими ёки Оллоҳ шаънига бўҳтон қилмоқдамисизлар?!" 60. Оллоҳ шаънига ёлғон тўқийдиган кимсалар Қиёмат Куни ҳақида қандай ўйда эканлар-а? Ҳеч шак-шубҳасиз, Оллоҳ инсонларга фазлу марҳамат Соҳибидир. Лекин уларнинг кўплари шукр қилмайдилар. 61. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз қандай иш *(билан)* машғул бўлманг ва у *(иш)* ҳақида Қуръондан бирон оят ўқиманг, *(эй инсонлар),* сизлар қандай амални қилманглар, ўша ишларга киришган пайтингизда, албатта Биз сизларнинг устингизда гувоҳ бўлурмиз. Еру осмондаги бир зарра мисоличалик, ундан ҳам кичикроқ *(ёки)* каттароқ бирон нарса Парвардигорингиздан махфий бўлмас - албатта очиқ Китобда *(яъни, Лавҳул-Маҳфузда)* мавжуд бўлур. 62. Огоҳ бўлингизким, албатта Оллоҳнинг дўстларига *(Охиратда)* бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар. 63-64. Иймон келтирган ва *(Оллоҳдан)* қўрқувчи бўлган зотлар учун ҳаёти дунёда ҳам, Охиратда ҳам хушхабар бордир. Оллоҳнинг Сўзлари *(оятлари)* ўзгартирилмас. Мана шу *(мазкур неъматларга эришиш)* буюк саодатдир. 65. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Уларнинг *(кофирларнинг "Сен Пайғамбар эмассан", деган)* сўзлари Сизни ғамгин қилмасин. Бутун куч-қудрат Оллоҳникидир. У Эшитгувчи, Билгувчидир. 66. Огоҳ бўлингизким, албатта осмонлардаги ва Ердаги барча жонзот ва махлуқот Оллоҳникидир. Оллоҳни қўйиб, бутларга илтижо қиладиган кимсалар фақат гумонга эргашадилар, холос. Улар фақат тахмин қиладилар, холос.

И з о ҳ: Яъни, кўпдан-кўп одамлар тангри деб сиғинадиган осмонлардаги ва заминдаги нарсаларнинг Яратувчиси ҳам, Эгаси ҳам Ягона Оллоҳдир. Улар фақат ўз гумон ва тахминларича, у махлуқотларни тангри деб илтижо қиладилар.

67. *(Оллоҳ)* сизлар ором олишингиз учун кечани ва *(касбу кор, сайру саёҳат қилишингиз учун)* очиқ-ёруғ бўлган кундузни яратиб қўйган Зотдир. Албатта бунда қулоқ тутиб англовчи қавм учун оят-аломатлар бордир. 68. "Оллоҳнинг боласи бор", дедилар. У Зот *(буларнинг бадгумонидан)* мутлақо Покдир. У *(барча оламлардан)* Беҳожатдир. Осмонлардаги бор нарсалар ва Ердаги бор нарсалар Уникидир. Сизларнинг ҳузурингизда бу тўғрида *(яъни, Оллоҳнинг боласи бор, деган)* ҳеч қандай ҳужжат йўқ-ку! Оллоҳ шаънига ўзларингиз билмайдиган нарсаларни айтаверасизларми? 69. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Шубҳасиз, Оллоҳ шаънига ёлғон тўқийдиган кимсалар нажот топмаслар". 70. *(Ундай кимсалар учун)* бу дунёда озгина фойдаланиш бор. Сўнгра Бизга қайтишади. Ана ундан кейин кофир бўлиб ўтганлари учун уларга қаттиқ азоб тоттирурмиз. 71. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, уларга Нуҳ ҳақидаги хабарни тиловат қилинг - у қавмига *(бундай)* деган эди: "Эй қавмим, агар сизларга *(орангизда узоқ йиллар яшаб)* турганлигим ва Оллоҳ оятларини эслатишим оғирлик қилган бўлса, бас, мен Оллоҳнинг Ўзига суяндим - таваккул қилдим. Энди бутларингиз билан бирга билган ишларингизни қилаверинглар. Кейин қилаётган ишларингиз ўзларингизга махфий бўлиб қолмасин *(яъни, бемалол, ошкор иш тутаверинглар, мен парво қилмайман)*. Сўнгра менга нисбатан *(хоҳлаган)* ҳукмингизни ижро этаверинглар ва менга муҳлат ҳам берманглар. 72. Бас, агар *(менинг қилган панд-насиҳатимдан)* юз ўгирар эканизлар, мен сизлардан *(унинг учун)* бирор ажр - ҳақ сўраганим йўқ *(яъни, менга ҳақ беришни истамаганликдан эмас, балки бадбахтликларинг туфайли юз ўгирмоқдасизлар)*. Менинг ажр-савобим фақат Оллоҳга ҳавола. Ва мен Унга бўйинсунувчи - мусулмонлардан бўлишга маъмурман *(амр этилганман)*". 73. Сўнгра *(қавми)* уни *(Нуҳни)* ёлғончи қилишгач, Биз унга ва у билан кемада бирга бўлган кишиларга нажот бердик ва уларни *(ғарқ бўлиб кетганларнинг ўрнига Ерда)* халифа қилдик. Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларни эса ғарқ қилдик. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, мана *(кофирликлари учун дўзах азоби билан)* қўрқитилган кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг! 74. Сўнгра *(Нуҳдан)* кейин ҳам *(кўп)* пайғамбарларни ўз қавмларига юбордик. Бас, у *(пайғамбарлар)* уларга очиқ ҳужжат-мўъжизалар келтирганларида, улар илгари ёлғон деган нарсаларига *(пайғамбарларнинг мўъжизаларини кўрганларидан кейин ҳам)* иймон келтирувчи бўлмадилар. Тажовузкор

кимсаларнинг дилларини Биз мана шундай муҳрлаб қўюрмиз. 75. Сўнгра уларнинг ортидан Мусо билан Ҳорунни Ўз оят-мўъжизаларимиз билан Фиръавн ва унинг одамларига юборган эдик, улар кибру ҳаво қилдилар ва жиноятчи-гуноҳкор қавм бўлдилар. 76. Бас, қачонки уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақиқат келганида, улар: "Бу очиқ сеҳр", дедилар. 77. Мусо деди: "Сизларга ҳақиқат келган вақтида (*"Бу сеҳр"*), дейсизларми? Сеҳрми шу? Ахир сеҳргарлар нажот топмайдилар-ку?!" 78. Улар дедилар: "Сен бизларни ота-боболаримизни (*амал қилган ҳолда*) топган (*динимиздан*) буриш учун ва (*аканг Ҳорун билан*) икковингиз еримизга эга бўлиб олиш учун келдингми?! Биз сизларга иймон келтиргувчи эмасмиз!" 79. Фиръавн ўз одамларига: "Барча билимдон сеҳргарларни келтирингиз!", деди. 80. Бас, қачонки сеҳргарлар келганларида, Мусо уларга: "Ташламоқчи бўлган нарсаларингизни (*яъни, асо ва арқонларингизни*) ташланглар", деди. 81. Қачонки улар (*қўлларидаги нарсаларини*) ташлаганларида (*ва у арқон, асолар илонларга айланиб қолганида*) Мусо деди: "(*Мана шу*) сизлар қилган иш сеҳрдир. Албатта Оллоҳ уни ботил қилур. Зеро, Оллоҳ бузғунчи кимсаларнинг ишини ўнгламайди. 82. Ва гарчи жиноятчи кимсалар истамасалар-да, Оллоҳ Ўз Сўзлари (*яъни, амру фармонлари*) билан ҳақиқатни рўёбга чиқарур". 83. Шунда Мусога унинг қавмидан фақат бир тоифа одам Фиръавн ва унинг одамларининг фитна-фасодларидан қўрққан ҳолда иймон келтирдилар, холос. Чунки Фиръавн у ерда ғолиб (*эди*) ва у, шубҳасиз, ҳаддан ошувчи кимсалардандир. 84. Мусо у (*иймон келтирган кишиларга*) деди: "Эй қавмим, агар Оллоҳга иймон келтирар эккансизлар, демак, мусулмон бўлсангизлар, Унинг Ўзигагина суянинглар - таваккул қилинглар!" 85. Бас, улар айтдилар: "Оллоҳнинг Ўзига таваккул қилдик. Парвардигоро, бизларни бу золим қавмга мафтун - алданувчи қилиб қўйма! 86. Ва Ўзинг раҳм айлаб бизларни бу кофир қавмдан қутқар"! 87. Биз Мусо ва унинг биродарига: "Қавмларингиз учун Мисрда уйлар тайёрланглар ва бу уйларингизни қибла-намозгоҳ қилиб (*у уйларда*) намозни тўкис адо қилинглар. (*Эй Мусо*), иймон келтирган зотларга (*тез орада ғалаба қилишлари ҳақида*) хушхабар беринг", деб ваҳий юбордик.

И з о ҳ: Фиръавн ва унинг одамлари бани Исроил қавмини қўрқитиб, уларнинг ибодатхоналарини вайрон қилиб юборганида, Оллоҳ таоло Ўз пайғамбарлари Мусо ва Ҳорунга юқорида мазкур бўлган фармонни ваҳий қилиб юборган ва уларга яқин орада

Фиръавн зулмидан халос бўлиб, ғалаба қозонишлари ҳақида хушхабар берган.

88. Мусо деди: "Парвардигоро, дарҳақиқат, Сен Фиръавн ва унинг одамларига ҳаёти дунёда зеб-зийнат ва мол-дунё ато этдинг. Парвардигоро, улар *(мана шу мол-давлатлари билан одамларни)* Сенинг Йўлингдан оздиришлари учун *(шундай қилдинг)*. Парвардигоро, уларнинг мол-дунёларини йўқ қилгин, кўнгилларини қаттиқ қилгин, токи улар аламли азобни кўрмагунларича, иймон келтирмасинлар. 89. *(Оллоҳ)* деди: "Икковингизнинг дуоларингиз ижобат бўлди. Энди Тўғри Йўлда собит бўлинглар ва ҳаргиз билмайдиган кимсаларнинг йўлига эргашманглар!" 90. Биз бани Исроилни денгиздан ўтказганимиздан кейин уларга зулму зўравонлик қилиш учун Фиръавн ва унинг лашкари қувиб етди. Энди унга *(Фиръавнга денгизда)* ғарқ бўлиш *(пайти)* етганида эса, у деди: "Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар бани Исроил иймон келтирган Зот - Оллоҳгина борлигига иймон келтирдим. Мен мусулмонлардандирман - Оллоҳга бўйинсунувчилардандирман".

И з о ҳ: Мусо пайғамбар бани Исроил қавми билан бирга Фиръавннинг зулмидан қутулиш учун Мисрдан чиқиб кетаётганларида, йўлларини тўсиб турган денгиз Оллоҳнинг қудрати билан иккига бўлиниб, ундан ҳаммалари сог-омон ўтиб оладилар. Уларнинг ортидан қувиб келаётган Фиръавн ва унинг лашкари эса, денгизнинг ўртасига етганларида иккига бўлинган денгиз бирлашиб, барчалари ғарқ бўлиб кетадилар. Шунда бостириб келаётган денгиз тўлқинларини кўриб, ўлими кўзига кўриниб қолган Фиръавн ўзининг ҳеч қандай худо эмас (ҳолбуки, шу пайтгача у ўзини худо деб даъво қилиб келарди), балки ҳамма сингари оддий одам эканлигини бўйнига олиб, Ягона Оллоҳдан ўзга бирон илоҳ йўқлигига иймон келтиради ва "мен мусулмонлардан, яъни, Оллоҳга сўзсиз итоат қилгувчиларданман", дейди. Лекин қуйидаги оятлардан маълум бўлишича, Оллоҳ унинг иймонини қабул қилмайди, балки бошқа одамлар кўриб, ибрат олсинлар, деб унинг жасади денгиз соҳилига чиқариб ташланади. Бу ояти карималар Ислом таълимотидаги "бутун ҳаётини кофирлик-даҳрийлик билан ўтказиб, ниҳоят жони чиқар пайтида Оллоҳга иймон келтирган кимсаларнинг иймони мақбул эмас", деган ақиданинг асосидир.

91. Энди-я! Ахир сен илгари *(яъни, шу пайтгача)* итоатсизлик қилган ва бузғунчи кимсалардан бўлган эдинг-ку! 92. Мана бугун ўзингдан кейинги кишиларга оят - ибрат бўлишинг учун Биз сенинг жасадингни қутқарурмиз. Дарҳақиқат, кўп одамлар

Бизнинг оятларимиздан ғофилдирлар *(яъни, улардан ибрат олмайдилар).* **93. Шубҳасиз, Биз бани Исроилни гўзал манзилга жойлаштирдик ва уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик. Сўнг улар то билим** *(яъни, Таврот)* **келгунича ихтилоф қилмадилар. Албатта Парвардигорингиз Қиёмат Кунида талашиб-тортишган нарсалари ҳақида уларнинг ўртасида Ўзи ҳакамлик қилур.**

Изоҳ: Бани Исроил қавми Мусо алайҳис-саломга иймон келтирган аввалги даврларида ҳаммалари иттифоқ бўлиб яшадилар. Қачонки, Мусога Таврот нозил бўлгач, уларнинг ораларида ихтилоф пайдо бўлди. Юқоридаги оятда уларнинг ишларини Парвардигорнинг Ўзига топшириш буюрилади.

94. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **агар Биз Сизга нозил этган нарсадан** *(яъни, илгари ўтган қавмлар ҳақида нозил қилган оятларимиздан)* **шубҳада бўлсангиз, у ҳолда ўзингиздан аввалги Китоб** *(яъни, Таврот ёки Инжилни)* **ўқийдиган кишилардан сўранг! Аниқки, Сизга Парвардигорингиз томонидан Ҳақ - Қуръон келди. Бас, ҳаргиз шубҳа қилгувчилардан бўлманг! 95. Ва ҳаргиз Оллоҳнинг оятларини ёлғон дейдиганлардан бўлмангки, у ҳолда зиёнкорлардан бўлиб қолурсиз. 96-97. Албатта зиммаларига Парвардигорингизнинг Сўзи** *(яъни, азоби)* **вожиб бўлган кимсалар, гарчи уларга барча оят-мўъжизалар келса-да, то аламли азобни кўрмагунларича иймон келтирмайдилар. 98. Қани энди** *(биз ҳалок қилган қишлоқлар ичида)* **бирон қишлоқ** *(аҳли ўз пайғамбарлари айтган азобни сезган вақтларида)* **иймон келтирсалар эди, албатта иймонлари фойда қилган** *(яъни, ҳалок бўлмаган)* **бўлар эди. Фақат Юнус қавмигина** *(шундай қилди).* **Иймон келтиришгач, улардан ҳаёти дунёдаги расволик азобини кетказдик ва уларни маълум бир вақтгача** *(яъни, ўз ажаллари билан вафот этгунларича)* **фойдалантирдик.**

Изоҳ: Юнус пайғамбар ўз қавмини иймон келтириб, Оллоҳнинг Динига киришга даъват қилганларида иймон келтиришмагач, уларни бошларига тушажак азоб билан қўрқитиб, ўзлари улар орасидан чиқиб кетадилар. Пайғамбарлари кетганидан кейин Оллоҳнинг азоби яқинлашиб қолганини сезган қавм тавба-тазарру қила бошлайди. Шунда Оллоҳ таоло сидқидилдан қилган тавбаларини қабул қилиб, уларни азобдан халос этади.

99. Агар Парвардигорингиз хоҳласа эди, бутун Ер юзидаги барча кишилар иймон келтирган бўлур эдилар. Ахир Сиз одамларни мўмин бўлишга мажбур қилурмисиз? *(Яъни, бундай*

қилиш дуруст эмасдир. Чунки киши ўз ихтиёри билан келтирган иймонгина ҳақиқий мақбул иймондир). **100. Ҳеч бир жон мўмин бўла олмас, магар Оллоҳнинг изни-иродаси билангина** *(мўмин бўлур).* **У** *(Оллоҳ)* **ақл юргизмайдиган кимсаларни азобга дучор қилур. 101.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Макка мушрикларига)* **айтинг: "Осмонлар ва Ердаги нарсаларни** *(яъни, ҳамма нарсанинг Ягона Яратувчиси бор эканлигига далолат қилувчи белгиларни)* **кузатинглар".** *(Лекин)* **иймон келтирмайдиган қавм учун** *(ҳеч қандай)* **оят-мўъжизалар ва қўрқитувлар фойда бермас. 102. Улар фақат ўзларидан илгари ўтган** *(кофир)* **кимсаларнинг кунига ўхшаш** *(бир Кунни, яъни, Қиёматни, Оллоҳнинг азоби)***ни кутмоқдалар, холос.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* **айтинг: "Кутаверинглар. Мен ҳам сизлар билан бирга кутгувчиларданман". 103. Сўнгра** *(яъни, Қиёмат келиб, азоб нозил бўлгач),* **Биз пайғамбарларимиз ва иймон келтирган зотларга нажот берурмиз. Шундай қилиб, иймон келтирган зотларга нажот бериш Бизнинг зиммамиздаги бурч бўлди. 104. Айтинг: "Эй инсонлар, агар сизлар менинг динимдан шак-шубҳада бўлсангиз, бас** *(билингизки),* **мен сизлар Оллоҳни қўйиб сиғинадиган бутларингизга ибодат қилмайман, балки сизларнинг жонингизни оладиган Зот - Оллоҳга ибодат қилурман. Ва мен мўминлардан бўлишга маъмурман** *(амр этилганман).* **105-106. Ва** *(менга буюрилганки),* **ўзингизни доимо тўғри бўлган Динда** *(Исломда)* **тутинг, ҳаргиз мушриклардан бўлманг ва Оллоҳни қўйиб, Сизга фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсага дуо-илтижо қилманг! Бас, агар шундай қилсангиз, у ҳолда албатта золимлардандирсиз!" 107. Агар Оллоҳ Сизга бирон зиён етказса, уни фақат Ўзигина кетказа олур. Агар Сизга бирон яхшилик** *(етказишни)* **ирода қилса, Унинг фазлу марҳаматини қайтара олгувчи йўқдир. У Ўзи хоҳлаган бандаларига яхшилик етказур. У Мағфиратли, Меҳрибондир. 108. Айтинг: "Эй инсонлар, сизларга Парвардигорингиздан Ҳақ - Қуръон келди. Бас, ким Тўғри Йўлга юрса, фақат ўз фойдасига юрган бўлур. Ким** *(у Тўғри Йўлдан)* **озса, фақат ўзининг зиёнига адашган бўлур. Мен сизларнинг устингизда қўриқчи эмасман". 109.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **ўзингизга ваҳий қилиб юборилаётган нарсага** *(яъни, амру фармонларга)* **эргашинг ва то Оллоҳ Ўз ҳукмини қилгунича,** *(даъват йўлидаги машаққатларга ва кофирлар томонидан етадиган озорларга)* **сабр қилинг. У Зот ҳукм қилгувчиларнинг энг Яхшисидир.**

•

ҲУД сураси (11)

Бир юз йигирма уч оятдан ташкил топган бу сура Маккада нозил бўлган. Бу сурада ҳам Ёлғиз Оллоҳга, У Зот юборган пайғамбарларга ва улар келтирган динларнинг ҳақ эканига иймон келтириш, Қиёмат Кунида қайта тирилиб, бу дунёда қилиб ўтган барча яхши-ёмон амалларга яраша мукофот-жазо олишга ишониш Исломий ақиданинг моҳият-ҳақиқати экани борасида сўзланади. Бу сурада Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Лут, Шуайб, Мусо ва бошқа пайғамбарларнинг қиссалари анча муфассал ҳикоя қилинадики, бундан мурод - биринчидан, барча мўминларга илгари ўтган пайғамбарлар ва уларни ёлғончи қилишлари сабабли ҳалокатга учраган қавмлар ҳақида маълумот бериш бўлса, иккинчидан, яқинда икки азиз кишисидан - амакиси Абу Толиб ҳамда жуфти ҳалоли Хадичадан ажралиб қолган ва мудом Макка мушриклари томонидан озор-азиятларга рўбарў бўлаётган Муҳаммад алайҳис-саломга ўтмишдошларининг ҳаётлари ва уларнинг Ҳаққа даъват қилиш йўлида чеккан машаққатларини баён қилиш билан таскин-тасалли беришдир.

Бу сура Қуръони Каримнинг айбу нуқсонлардан пок ва назму мағзига ҳеч қачон, ҳеч ким томонидан халал етмайдиган Илоҳий Китоб эканини таърифлаш билан бошланиб, Оллоҳ таолонинг бандаларига пайғамбарлар юборишдан кўзлаган ҳикматини баён этиш билан тугалланади. Бу сура Оллоҳ таоло томонидан Од қавмига юборилган Ҳуд пайғамбар номи билан аталгандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. Алиф, Лом, Ро. *(Ушбу Қуръон)* **сизлар фақат Оллоҳгагина ибодат қилишингиз учун, ҳикмат Соҳиби ва** *(ҳамма нарсадан)* **Хабардор Зот - Оллоҳ томонидан оятлари бузилмайдиган мустаҳкам ва муфассал қилиб** *(нозил бўлган)* **бир Китобдир.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, айтинг):* **"Албатта мен сизларга У Зот тарафидан** *(юборилган, кофирларни дўзах азобидан)*

огоҳлантиргувчи ва *(мўминларга жаннат ҳақида)* хушхабар элтгувчидирман". 3. *(Оллоҳ сизларга амр қилурки),* Парвардигорингиздан мағфират сўранглар, сўнгра Унинг Ўзига тавба қилинглар, шунда *(У)* сизларни маълум муддатгача *(ажалларингиз етгунича)* чиройли мато - фойдаланиш билан фойдалантирур ва ҳар бир яхшилик соҳибига яхшилик *(яъни, ажр - мукофот)* берур. Агар юз ўгирсангизлар, у ҳолда Мен сизларга Улуғ Кун *(яъни, Қиёмат Куни)* азоби етишидан қўрқаман. 4. Оллоҳнинг Ўзига қайтишларингиз бор. У эса ҳамма нарсага Қодирдир. 5. Огоҳ бўлингизким, албатта улар *(кофирлар)* Ундан сир тутиш учун дилларидаги *(адоватлари)*ни яширадилар. Огоҳ бўлсинларким, улар кийимларига ўраниб олган чоғларида ҳам *(Оллоҳ)* уларнинг яширган ва ошкор қилган нарсаларини билур. Дарҳақиқат, У Зот дилларни эгаллаган сирларни Билгувчидир.

УН ИККИНЧИ ЖУЗЪ

6. Ерда ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Оллоҳнинг зиммасидадир. У Зот уларнинг турар жойларини ҳам, борар жойларини ҳам билур. Ҳамма нарса очиқ-равшан Китобда бордир.

И з о ҳ: Бу оятдаги очиқ-равшан Китобдан мурод Лавҳул-Маҳфуздир. Лавҳул-Маҳфуз коинотдаги ўтган, ҳозир мавжуд ва келажакда бўладиган барча воқеа, ҳодиса ва нарсалар битилган ўчмас Лавҳдир.

7. У *(Оллоҳ)* **сизларнинг қайсиларингиз яхшироқ иш - амал қилиб яшашингизни синаш учун олти кунда осмонлар ва Ерни яратган Зотдир. Илгари У Зотнинг Арши сув устида** *(яъни, у Арш остида сувдан бўлак ҳеч нарса яратилмаган)* **эди.**

И з о ҳ: Ушбу ояти каримадан маълум бўлишича, Оллоҳ таоло, осмону заминни якшанбадан жумагача - олти кунда яратгандир. Истаган нарсасини биргина: "Бўл", деган фармони билан йўқдан Бор қилгувчи Зотнинг Еру кўкни яратишда бу қадар шошмаганининг боиси коинотдаги энг кичик заррадан тортиб, энг катта мавжудотгача ҳамма нарса шунчалар чеварлик билан яратилиб ўз ўрнига қўйилганки, бу тартиб-интизомга четдан бирон куч сунъий йўл билан дахл қилса - аралашса, бутун олам мувозанатига футур етади. Бу ояти карима билан Оллоҳ таоло бизларни ҳар қандай муҳим ишларни қилишда, хусусан ўзгаларнинг ҳаёт-мамотларига алоқадор ишларни амалга оширишда шошмасдан, мулоҳазакорлик билан қадам қўйишга даъват этади

(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **қасамки, агар Сиз: "Шак-шубҳасиз, ўлганингиздан кейин қайта тирилурсизлар", десангиз, албатта кофир бўлган кимсалар: "Бу очиқ сеҳр-жодудан ўзга нарса эмас", дейдилар. 8. Қасамки, агар Биз уларни азоблашни саноқли авлодгача** *(яъни, маълум муддатгача)* **кечиктирсак, албатта улар: "Уни** *(азобни)* **нима тўсмоқда?", деб истеҳзо қиладилар. Огоҳ бўлсинларким, у** *(азоб)* **келар Кунида улардан қайтиб кетувчи бўлмас ва кулиб-истеҳзо қилиб юрган нарсалари уларни ўраб олур. 9. Қасамки, агар Биз инсон зотига Ўз томонимиздан раҳмат-марҳаматимизни тотдириб, сўнгра Ўзимиз уни тортиб олсак, у албатта ноумид ва ношукрлик қилиши шубҳасиздир. 10. Қасамки, агар унга бирон зиён-заҳмат етганидан кейин Биз ноз-неъматларни тотдириб қўйсак, албатта**

у: "Барча ёмонликлар мендан нари кетди", *(энди ҳеч қачон қайтиб келмайди)* дейди. Дарҳақиқат, у мағрур ва мақтанчоқдир. 11. Магар *(балоли кунларда)* сабр қилиб, *(сафоли кунларда шукроналик билан)* яхши амаллар қиладиган зотлар борки, ана ўшалар учун мағфират ва катта ажр-мукофот бўлур. 12. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, эҳтимол, Сиз *(мушриклар)*: "Унга осмондан хазина -бойлик туширилса ёки у билан бирга *(унинг пайғамбар эканлигини тасдиқлайдиган)* бирон фаришта келса бўлмасмиди?", деганлари сабабли ўзингизга ваҳий қилинаётган оятларнинг айримларини *(уларга етказишни)* тарк қиларсиз ва шу сабабли дилингиз сиқилар? *(Йўқ, Сиз ўзингизга нозил қилинган оятларни тўла-тўкис ҳолида кишиларга етказаверинг, чунки)* Сиз фақатгина *(кофирларни дўзах азобидан)* огоҳлантиргувчисиз, холос. Оллоҳ ҳамма нарсанинг устида *(Кузатиб, Билиб тургувчи)* Вакилдир. 13. Ёки: "Уни *(яъни, Қуръонни Муҳаммад)* тўқиб чиқарган", дейдиларми? Айтинг: "У ҳолда, агар ростгўй бўлсангизлар, Оллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларингизни *(ёрдамга)* чорлаб сизлар ҳам шунга ўхшаш ўнтагина "тўқилган" сура келтирингиз!" 14. Бас, агар улар *(яъни, Оллоҳни қўйиб, сиғинадиган бутларингиз)* сизларга жавоб қилмасалар, у ҳолда, билингизки, албатта *(бу Қуръон)* Оллоҳнинг илми азалийси билан нозил қилингандир ва Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Энди мусулмон бўларсизлар?! *(яъни, Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига бўйинсунарсизлар?!)* 15. Ким *(фақат)* шу ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлса, уларга қилган амалларини*(нг ажр-мукофотини)* шу дунёда комил қилиб берурмиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар. 16. Ундай кимсалар учун Охиратда дўзах ўтидан ўзга ҳеч қандай насиба йўқдир. Уларнинг бу *(дунёда)* қилган барча яхшиликлари беҳуда кетур ва қилиб ўтган амаллари бефойдадир. 17. Ана энди Парвардигори томонидан аниқ ҳужжатта *(яъни, Қуръонга)* эга бўлган киши *(фақат ҳаёти дунё манфаатларини кўзловчи кимсалар билан баробарми?!)* Ҳолбуки, *(Оллоҳ)* томонидан бўлган шоҳид *(яъни, Жаброил фаришта)* унинг *(Муҳаммад алайҳис-саломнинг)* ҳамроҳидир ва ундан *(яъни, аниқ ҳужжат бўлган Қуръондан)* илгари Мусонинг Китоби *(Таврот)* бордирки, у *(бани Исроил учун келган)* пешво ва *(Оллоҳнинг)* марҳамати эди. Ана ўша зотлар *(яъни, аниқ ҳужжат эгалари)* унга *(Қуръонга)* иймон келтирурлар. *(Пайғамбар алайҳис-саломга қарши турган)* гуруҳлардан ким у Қуръонга кофир бўлса, унга ваъда қилинган

жой - дўзахдир. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз у *(Қуръон)* ҳақида шак-шубҳага тушманг! Албатта у Парвардигорингиз томонидан келган Ҳақиқатдир. Лекин одамларнинг кўплари иймон келтирмайдилар. 18. Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Ундай кимсалар *(Қиёмат Кунида)* Парвардигорларига рўбарў қилинурлар ва барча гувоҳлар: "Мана шулар Парвардигор шаънига ёлғон сўзларни сўзлаганлар", дейдилар. Огоҳ бўлингизким, бундай золимларга Оллоҳнинг лаънати бўлур. 19. У *(золим)* кимсалар *(Одамларни)* Оллоҳнинг Йўлидан тўсиб, уни *(Оллоҳнинг Йўлини)* бузмоқчи бўладилар. Улар Охиратга кофирдирлар. 20. Ундай кимсалар Ер юзида *(ҳеч қаерга)* қочиб қутулолмас ва улар учун Оллоҳдан ўзга дўстлар-ёрдамчилар ҳам бўлмас. Уларга азоб бир неча баробар қилинур. Улар *(гарчи уларга ҳақни эшитиб, кўришлари учун қулоқ, кўз берилган бўлсада),* эшитишга кучлари етмади, улар кўргувчи ҳам бўлмадилар. 21. Улар ўзларига зиён қилган кимсалардир. Ўзлари тўқиб олган бутлари эса *(бирон фойда бермай)* улардан ғойиб бўлди. 22. Шак-шубҳа йўқки, улар Охиратда янада каттароқ зиён кўргувчилардир. 23. Албатта иймон келтириб, яхши амаллар қилган ва Парвардигорларига ором - итоат билан бўйинсунган зотлар - ана ўшалар, жаннат эгалари бўлиб, ўша жойда абадий қолурлар. 24. Бу икки гуруҳнинг *(яъни, кофирлар билан мўминлар гуруҳининг)* мисоли, худди кўр ва кар билан кўргувчи ва эшитгувчининг мисолидир. Шу иккаласи бир-бирига баробар - ўхшаш бўлурми?! Эслатма - ибрат олмайсизларми?! 25. Дарҳақиқат, Биз Нуҳни ўз қавмига *(пайғамбар қилиб)* юбордик. *(У деди):* "Албатта мен сизларга *(келган)* очиқ огоҳлантиргувчиман.- 26. -Сизлар Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилинглар. *(Агар Ёлғиз Оллоҳдан ўзга бировга сиғинсангизлар),* сизларнинг устингизга аламли азоб Куни *(тушиши)*дан қўрқаман". 27. Шунда унинг қавми орасидаги кофир бўлган кимсалар: "Бизлар сени худди ўзимизга ўхшаган одам, деб биламиз ва сенга фақат ичимиздаги пасткаш *(ялангоёқ)* кимсалар ўйламасдан эргашганини кўрмоқдамиз. Бизнингча, сизларнинг биздан бирон ортиқчалик жойингиз йўқ, балки биз сизларни ёлғончи, деб ўйламоқдамиз", дедилар. 28. У деди: "Эй қавмим, хабар берингизчи, агар мен Парвардигорим томонидан аниқ ҳужжатга эга бўлсам ва У Зот менга Ўз даргоҳидан раҳмат - пайғамбарликни ато этган бўлса-ю, аммо бу сизларга махфий бўлса, биз сизларни ўзингиз истамаган ҳолда *(иймон келтиришга)*

мажбур қиламизми?! *(Йўқ, ундай қилмаймиз, чунки фақат ўз ихтиёрларингиз билан келтирган иймонларингизгина мақбулдир).* 29. Эй қавмим, мен сизлардан бу *(даъватим)* учун мол-дунё сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат Оллоҳнинг зиммасидадир. Ва мен *(сизларнинг сўзингизга кириб)* иймон келтирган кишиларни *(ҳузуримдан)* қувмайман ҳам. Чунки улар Парвардигорга рўбару бўлгувчидирлар *(бас, агар камбағал бўлганлари учун уларни ҳузуримдан ҳайдасам, албатта Қиёмат Кунида Парвардигорга устимдан шикоят қилурлар).* Лекин мен сизларнинг нодон қавм эканлигингизни кўрмоқдаман".

Изоҳ: Нуҳ пайғамбар қавми орасидаги боён-зодагонлар унга: "Агар атрофингдаги ялангоёқларни ҳайдасанг, биз сенга иймон келтирган бўлардик", деганларида, пайғамбар уларга жавобан: "Мен уларни ҳайдамайман, лекин сизлар бу талабингиз билан кишининг улуғ ёки пасткашлигини, унинг бой еки камбағаллиги билан ўлчайдиган нодон қавм эканлигингизни билдирдингиз", дейди.

30. "Эй қавмим, агар мен уларни ҳайдасам, ким менга Оллоҳдан *(яъни, Оллоҳнинг азобидан)* ёрдам-нажот берур? Ўйлаб кўрмайсизларми?! 31. Мен сизларга: "Ҳузуримда Оллоҳнинг хазиналари бор", демайман. Ғайбни *(кўздан пинҳон нарса ва ҳодисаларни)* ҳам билмайман. "Мен фариштаман", ҳам демайман. Шунингдек, сизлар ўзингизча ҳақорат қилаётган кишилар ҳақида: "Оллоҳ уларга ҳеч қандай яхшилик бермайди", деб айтмайман. Уларнинг дилларидаги нарсани *(ихлос-иймонни)* Оллоҳ жуда яхши билур. Акс ҳолда *(яъни, агар улар тўғрисида юқоридаги сўзларни айтадиган бўлсам),* мен албатта золимлардан бўлиб қолурман". 32. Улар *(кофирлар)* дедилар: "Эй Нуҳ, мана сен биз билан жанжаллашдинг, кўп баҳсу мужодала қилдинг. Энди агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни *(яъни, азобни)* келтирчи". 33. *(Нуҳ)* деди: "Уни сизларга Ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи хоҳлаган пайтида келтирур ва сизлар *(ўшанда)* ҳеч қаёққа қочиб қутула олмассиз. 34. Агар Оллоҳ сизларни йўлдан оздиришни истаса, мен насиҳат қилишни истаганим билан насиҳатим сизларга фойда бермайди. Парвардигорингиз Унинг Ўзидир ва фақат Унинг Ўзига қайтарилурсизлар". 35. Ёки улар *(яъни, Қурайш кофирлари):* "Уни *(яъни, Қуръонни Муҳаммаднинг)* ўзи тўқиб олган", дейдиларми? *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Агар уни мен тўқиб чиқарган бўлсам, гуноҳим ўз бўйнимда. Аммо мен сизларнинг қилаётган жиноятингиз - кофирлигингиздан покман".

Изоҳ: Ушбу оятнинг Нуҳ пайғамбар ҳақидаги қисса ўртасида келишига сабаб - Қурайш кофирлари билан Нуҳ қавмидаги кофирларнинг бир тоифа эканлигидан огоҳлантиришдир.

36-37. Нуҳга ваҳий қилиндики: "Қавмингдан фақат аввалда иймон келтирган кишилардан бошқа ҳеч ким иймон келтирмайди. Бас, сен уларнинг *(яъни, ҳануз иймон келтирмаган кимсаларнинг)* қилмишларидан қайғурмагин ва Бизнинг кўз ўнгимизда *(яъни, ҳифзи-ҳимоямизда)* ва Бизнинг ваҳий таълимимиз билан бир кема ясагин ҳамда золим кимсалар ҳақида *(яъни, уларга нажот беришимни сўраб)* Менга хитоб-илтижо қилмагин. Улар шак-шубҳасиз, ғарқ қилингувчидирлар". 38. У кемани ясар экан, қачон олдидан ўз қавмидан бўлган *(кофир)* кимсалар ўтсалар, уни масхара қилиб кулдилар. У деди: "Агар *(бугун)* сизлар биздан кулсангизлар, бас, яқинда худди сизлар кулганингиз каби биз ҳам сизлар*(нинг устингиз)*дан кулурмиз. 39. Бас, яқинда кимга шарманда қилгувчи азоб келишини ва *(кимнинг)* устига мангу азоб тушишини билиб олажаксиз". 40. Энди қачон *(кофирларни ҳалок қилиш ҳақида)* Бизнинг фармонимиз келиб, Ердан фавворалар отилган вақтда, *(Нуҳга)* дедик: "У кемага ҳар *(жониворлан)* бир жуфтдан ва аҳли оилангни чиқаргин. Лекин қайси кимсалар хусусида Бизнинг Сўзимиз *(яъни, ғарқ бўлиш ҳақидаги ҳукмимиз)* ўтган бўлса, *(уларни тарк қилгин. Булар барча кофирлар ва Нуҳ пайғамбарнинг хотини Воила билан ўғли Канъон эди).* Яна иймон келтирган кишиларнинг барчасини *(кемага чиқаргин)!"* *(Нуҳ)* билан бирга *(Ёлгиз Оллоҳга)* иймон келтирган кишилар эса жуда оз эдилар. 41. У деди: "*(Оллоҳнинг номи билан)* кемага мининглар! *(Чунки)* унинг юриши ҳам, туриши ҳам Оллоҳ номи билан бўлур. Албатта Парвардигорим Мағфиратли, Меҳрибондир". 42. *(Кема)* уларни тоглардек тўлқинлар орасида олиб кетар экан, Нуҳ бир четда қолган ўғлига нидо қилди: "Эй ўғилчам, биз билан бирга *(кемага)* мингин, кофирлар билан бирга қолмагин!" 43. У *(ўғли)* деди: "Мен ўзимни сувдан сақлайдиган бирон тоғнинг устига чиқиб кетажакман". *(Нуҳ)* айтди: "Бугун Оллоҳнинг *(кофирларни ҳалок қилиш ҳақидаги)* амридан бирон сақлагувчи йўқдир, магар Ўзи раҳм қилган кишиларнигина *(сақлар)"*. *(Шу пайт)* ўрталарини тўлқин тўсиб қўйди-да, *(ўғил)* ғарқ қилинувчилардан бўлиб қолди. 44. *(Сўнгра)*: "Эй Ер, сувингни ютгил; эй само, ўзингни тутгил *(яъни, ёғишни бас қил")*, дейилди. Сув қуриди, фармон бажарилди ва *(кема)* Жудий тоғи узра тўхтади ҳамда: "Золим қавмга ҳалокат бўлгай", дейилди. 45. Нуҳ Парвардигорига нидо қилиб, деди:

"Парвардигорим, албатта ўғлим менинг аҳли оиламдандир ва шубҳасиз, Сенинг *(аҳли оиламга нажот бериш хусусидаги)* ваъданг ҳақ ваъдадир. Сен энг Адолатли Ҳукм қилгувчисан". 46. *(Оллоҳ)* айтди: "Эй Нуҳ, у сенинг аҳлингдан эмас! Албатта у*(нинг қилган амали - куфр йўлини тутгани)* ёмон амалдир. Бас, ўзинг яхши билмаган нарса ҳақида асло Мендан сўрамагин! Албатта Мен сенга жоҳил-нодонлардан бўлмасликни буюраман". 47. *(Нуҳ)* деди: "Парвардигорим, мен Сендан ўзим билмаган нарсани сўрашдан паноҳ тилайман! Энди агар мени мағфират қилиб, Ўз раҳматингга олмасанг, зиён кўргувчилардан бўлиб қолурман". 48. *(Шунда)* айтилди: "Эй Нуҳ, Биз томонимиздан бўлган омонлик билан ва ўзингга ҳамда сен билан бирга бўлган умматларнинг зурриётларига бўладиган баракотлар билан *(кемадан Ерга)* тушгин. *(Яъни, сен ва сенга иймон келтирган кишиларга Биз томондан тинчлик-омонлик ва файзу баракотлар етар.)* Яна бошқа *(яъни, кофир)* жамоалар ҳам *(келурки)*, Биз уларни ҳам озгина фойдалантирурмиз, сўнгра эса уларни Биз томондан бўлган аламли азоб тутар". 49. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, булар Биз Сизга ваҳий қилаётган ғайб хабарларидандир. Илгари буларни на Сиз ва на қавмингиз билар эдингиз. Бас, *(Ҳақ Динга даъват қилишда кофирларнинг етказаётган озорларига)* сабр қилинг. Албатта оқибат - натижа Оллоҳдан қўрқувчи кишиларникидир. 50. Од *(қабиласига)* ўз биродарлари Ҳудни *(пайғамбар қилдик)*. У айтди: "Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Сизлар *(хилма-хил бутларни)* фақат ўзларингиз тўқиб олурсизлар, холос *(улар ҳеч қандай илоҳ эмасдирлар)*. 51. Эй қавмим, мен сизлардан бу *(даъватим)* учун ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат мени яратган Зот зиммасидадир. Ахир ақл юргизмайсизларми?! 52. Эй қавмим, Парвардигорингиздан мағфират сўрангиз, сўнг Унга тавба-тазарруъ қилингиз, шунда У Зот устингизга осмондан ёмғир қуйдирар ва куч-қувватларингизга яна куч-қувват қўшар. Жинояткор-гуноҳкор бўлган ҳолингизда *(менинг даъватимдан)* юз ўгириб кетмангиз!"

Изоҳ: Ривоят қилинадики, Од қавми ерларига уч йил ёмғир ёғмай қурғоқчилик бўлиб, уларнинг қирилиб кетишларига оз қолган эди. Фақат жисмонан кучли қавм бўлганлари сабаблигина зўр-базўр кун кечирар эканлар. Бунинг устига, улар бепуштлик дардига дучор бўлган эдилар. Юқоридаги оят уларга: "Агар Парвардигорга тавба-тазарру қилсангизлар, осмондан тўхтаб қолган ёмғирни қуйдириб,

ерларингизни серсув, унумдор қилур ҳамда куч-қувватларингизни янада зиёда этиб, авлодларингизга янги-янги авлодлар қўшур", деб уқтиради.

53. Улар дедилар: "Эй Ҳуд, сен бизга *(ўзингнинг пайғамбар эканлигингни тасдиқлайдиган)* бирон ҳужжат келтирмадинг. Бизлар сенинг *(қуруқ)* гапинг билан ўз худоларимизни тарк қилгувчи эмасмиз. Бизлар сенга иймон келтиргувчилар эмасмиз. 54-55. Бизлар фақат: "Сени худоларимиздан бири, бир бало *(яъни, мажнун)* қилиб қўйган", деймиз, холос". У *(Ҳуд)* айтди: "Албатта мен Оллоҳни гувоҳ келтираман, яна ўзларингиз ҳам гувоҳ бўлингларки, мен сизларнинг Оллоҳни қўйиб, *(Унга сохта-ёлғон худоларни)* шерик қилишингиздан безорман. Ана энди барчангиз бир бўлиб, менга қарши билган ҳийлангизни қилаверинглар. Кейин менга муҳлат ҳам бермай қўя қолинглар. *(Яъни, қўлингиздан келган ҳийла-найрангларингизни дарҳол, кечиктирмай қилаверинглар).* 56. Мен фақат менинг ҳам Парвардигорим бўлган, сизларнинг ҳам Парвардигорингиз бўлган Оллоҳга суяндим. Ўрмалаган нарса борки, У Зот унинг пешонасидан олгувчидир *(яъни, барчаси У Зотнинг қўл остидадир).* Парвардигорим, шак-шубҳасиз, Тўғри Йўлдадир. 57. Энди агар *(менинг даъватимдан)* юз ўгирсангизлар, бас, мен сизларга элчи қилиб юборилган Динни етказдим. Парвардигорим *(сизларни ҳалок қилиб),* ўрнингизга бошқа қавмни келтирур ва сизлар *(ўз куфрингиз билан)* У Зотга бирон зиён етказа олмассиз. Албатта Парвардигорим ҳамма нарсани Кузатиб тургувчидир". 58. Қачонки Бизнинг фармонимиз *(яъни, азобимиз)* келганида Ҳуд ва у билан бирга иймон келтирган кишиларни Ўз раҳмат-марҳаматимиз билан қутқардик ва уларга қаттиқ азобдан нажот бердик. 59. Парвардигорларининг оятларини инкор қилган, Унинг пайғамбарларига исён қилган ва барча қайсар, золимлар амру-фармонига бўйинсунган Од *(қабиласи)* ана ўшалардир. 60. Уларга бу дунёда ҳам, Қиёмат Кунида ҳам лаънат айтилур. Огоҳ бўлингизким, албатта Од қабиласи - Парвардигорларига кофир бўлган эдилар. Огоҳ бўлингизким, Ҳуднинг қавми бўлган Од ҳалокатга учради. 61. Самуд *(қабиласига)* ўз биродарлари Солиҳни *(пайғамбар қилдик).* У айтди: "Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. У сизларни Ердан пайдо қилиб, сизларга унда умр берди. Бас, Ундан мағфират сўранглар сўнгра Унга тавба-тазарру қилинглар. Албатта Парвардигорим Яқин ва *(дуоларни)* Ижобат қилгувчидир". 62. Улар дедилар: "Эй Солиҳ, сен илгари

бизнинг орамиздаги умидли киши эдинг-ку. Энди бизларни ота-боболаримиз ибодат қилиб келаётган бутларга ибодат қилишимиздан қайтарурмисан?! Албатта бизлар сенинг даъват қилаётган динингдан шак-шубҳадамиз". 63. У айтди: "Эй қавмим, хабар берингизчи, агар мен Парвардигорим томонидан аниқ ҳужжатга эга бўлсам ва У Зот менга Ўзининг раҳмати - пайғамбарликни ато этган бўлса-ю, *(шундан кейин)* мен У Зотга исён қилсам, у ҳолда Оллоҳдан *(яъни, Унинг азобидан)* мени ким қутқарур?! Бас, сизлар *(мени исёнга чорлашингиз билан)* менга зиёндан ўзга нарса келтирмайсизлар! 64. Эй қавмим, мана бу Оллоҳнинг *(юборган)* туяси сизлар учун оят-мўъжиза бўлиб келди. Бас, уни Оллоҳнинг Ерида еб-ичиб юрган ҳолида қўйиб юборинглар ва унга бирон ёмонлик етказманглар, акс ҳолда сизларни яқин азоб ушлар".

Изоҳ: Солиҳ пайғамбарнинг қавмлари у зотдан ҳақ пайғамбар эканликларини тасдиқлайдиган бирон мўъжиза кўрсатишни талаб қилганларида пайғамбар уларнинг кўз ўнгларида бир харсанг тошни тирик туяга айлантириб қўядилар ва уни суймай-ўлдирмай ўз ҳолига ташлаб қўйишларини буюрадилар. Акс ҳолда, бошларига бало келиши ҳақида огоҳлантирадилар.

65. Улар эса *(туяни)* сўйиб юбордилар. Шунда *(Солиҳ)* айтди: "Уй-жойларингизда уч кун *(тириклик неъматидан)* фойдаланиб қолинглар. Мана шу ёлгон бўлмаган *(яъни, чин)* ваъдадир". 66. Энди қачонки Бизнинг фармонимиз *(яъни, биз юборган бало)* келганида, Солиҳ ва у билан бирга иймон келтирган кишиларга Ўз раҳматимиз билан *(у азобдан)* ва ўша кундаги шармандаликдан нажот бердик. Албатта Парвардигорингиз ҳақиқий куч-қудрат Эгасидир. 67-68. Золим кимсаларни эса даҳшатли қичқириқ тутиб, гўё у ерда ҳеч қачон яшамагандек, турган жойларида тўкилдилар. Огоҳ бўлингизким, албатта Самуд *(қабиласи)* Парвардигорларига кофир бўлган эдилар. Огоҳ бўлингизким, Самуд *(қабиласи)* ҳалокатга учради. 69. Дарҳақиқат, Бизнинг элчиларимиз - фаришталар Иброҳимга *(Исҳоқ исмли фарзанд кўриши ҳақида)* хушхабар билан келиб, салом бердилар. У ҳам: "Салом", деди-да, қараб турмай қовурилган бир бузоқни келтирди. 70. Энди қачонки у *(меҳмонларнинг)* қўллари овқатга бормаётганини кўргач, уларни танимай қолди *(яъни, улардан шубҳаланди)* ва улардан хавфсирай бошлади. *(Шунда)* улар: "Қўрқмагин. Бизлар *(фаришталармиз - таом емаймиз)*, Лут қавмига *(уларни ҳалок қилиш учун)*

юборилганмиз", дедилар. 71. *(Парда ортида Иброҳимнинг)* хотини турган эди. У *(фаришталарнинг Лутнинг кофир қавмини ҳалок қилиш учун келганликларини эшитиб)* кулди - хурсанд бўлди. Шунда Биз *(фаришталаримиз воситасида)* у аёлга Исҳоқ *(исмли ўғил кўриши)* ҳақида ва Исҳоқдан кейин Яъқуб *(исмли набира кўриши)* ҳақида хушхабар бердик. 72. У деди: "Вой ўлмасам, ўзим кампир, мана бу эрим эса қари чол бўлса ҳам тугавераманми? Бу жуда қизиқ иш-ку!" 73. Улар айтдилар: "Оллоҳнинг амридан ажабланяпсанми? Эй хонадон эгалари, сизларга Оллоҳнинг раҳмати ва барокоти бўлгай. Албатта У ҳамду сано Эгаси ва Буюкдир". 74-75. Энди қачонки Иброҳимдан қўрқув кетиб, унга хушхабар етгач, Биз *(яъни, фаришталаримиз)* билан Лут қавми *(уларни ҳалок қилишга шошмаслик)* ҳақида баҳслаша бошлади. Зотан, Иброҳим ҳалим, кўнгилчан ва ибодатли кишидир.

Изоҳ: Муфассирларнинг ёзишича, Иброҳим алайҳис-салом фаришталардан Лут қавмининг ҳалок қилиниши ҳақида эшитганида, уларга: "Агар у жойда кофирлар орасида элликта мусулмон ҳам бўлса барибир ҳалок қилаверасизларми?", деган экан. Улар: "Йўқ", деб жавоб қилишгач, "Агар қирқта мусулмон бўлса-чи?", деб сўрайди. Улар: "Йўқ, ҳалок қилмаймиз", дейишади. Ниҳоят, Иброҳим: "Агар у жойда битта мусулмон бўлса-чи?", деганида, улар яна: "Йўқ, у кофирлар орасида битта мусулмон бўлса ҳам уларни ҳалок этмаймиз", деб жавоб беришгач, Иброҳим: "Ахир у ерда Лут бор-ку?", дейди. Шунда фаришталар Лут ва унга иймон келтирган кишиларга Оллоҳ таоло нажот беришини айтадилар.

76. *(Фаришталар айтдилар):* "Эй Иброҳим, бу *(баҳс)*ни қўй! Чунки Парвардигорингнинг фармони келиб бўлган. Албатта уларга қайтариб бўлмас азоб келгувчидир". 77. Қачонки элчиларимиз Лутнинг олдига келганларида, у бундан ёмон ҳолга тушди ва уларнинг келишларидан юраги сиқилиб, деди: "Бу кун оғир кундир".

Изоҳ: Фаришталар келишидан Лутнинг сиқилишига сабаб, улар ёш ва хушрўй йигитлар суратида келишган эди. Лут қавмидаги кофир кимсалар эса баччабозлик дардига мубтало эдилар. Шунинг учун Лут пайғамбар улар бу йигитларнинг келганини пайқаб қолишиб, бемаънилик қилишларидан хавотирланиб, юқоридаги сўзларни айтди.

78. *(Дарҳақиқат, Лут пайғамбарнинг ҳузурига йигитлар келганини эшитишгач),* қавми унинг олдига чопиб келишди. Улар илгаридан ёмон ишлар - баччабозлик қилар эдилар. У айтди: "Эй

қавмим, анави қизларим *(яъни, шаҳримиздаги қизлар)* сизлар учун покроқ-ку *(яъни, ўшаларга уйланаверсангизлар бўлмайдими)?!* Бас, Оллоҳдан қўрқинглар ва меҳмонларим олдида мени шарманда қилманглар. Орангизда бирон Тўғри Йўлга юргувчи киши йўқми?!" 79. Улар дедилар: "Сен қизларингга муҳтож эмаслигимизни аниқ биласан. Шунингдек, биз нимани исташимизни ҳам жуда яхши биласан". 80. *(Лут)* деди: "Қани эди, сизларга кучим етса ёки кучли бир таянчим бўлса эди". 81. *(Шунда фаришталар)* айтдилар: "Эй Лут, биз Парвардигорингнинг элчиларимиз. Улар сенга ҳаргиз тега олмаслар. Бас, сен кечанинг *(қолган)* қисмида аҳли оилангни олиб чиқиб кетгин ва сизларнинг ичингиздан ҳеч ким атрофга алангламасин! Фақат хотининг... Зотан, унга *(хотинингга)* ҳам уларга етган бало етгувчидир. Уларга ваъда қилинган вақт субҳдир. Субҳ яқин эмасми?!"

Изоҳ: Лут ва ҳамроҳларига чиқиб кетаётганларида атрофга алангламаслик буюрилишининг сабаби улар қолганларнинг бошига келган бало-офатни кўриб қийналмасликлари учундир. Лутнинг хотини эса ўша кофирлар гуруҳидан эди. Шу боисдан, эри билан қишлоқдан чиқиб кетар экан, атрофга аланглаб, қолаётган дўстларининг бошларига тушаётган балони кўргач, "Эй қавмим-а!", дейиши билан бир тош келиб тегиб, кетаётган жойида тил тортмай ўлади.

Лут алайҳис-салом ўз қавмининг куфридан шу қадар ғазабланган эдики, уларнинг дарҳол ҳалок бўлишларини истаган ва субҳгача ҳаёт бўлишларини ҳам узоқ деб билган эди. Шу сабабдан фаришталар унга: "Субҳ яқин эмасми?", деб хитоб қиладилар.

82-83. Энди қачонки Бизнинг фармонимиз *(яъни, азобимиз)* келганида, у жойларни остин-устун қилиб юбордик ва уларнинг *(кофирларнинг)* устига Парвардигорингиз даргоҳида белгилаб қўйилган сопол тошларни пайдар-пай ёғдирдик. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* у жойлар бу золимлардан *(яъни, Макка мушрикларидан)* йироқ эмасдир. *(яъни, ўша кофирларнинг оқибати нима бўлганини кўриб ибрат олсалар бўлмайдими?!)*

Изоҳ: "Парвардигорингиз даргоҳида белгилаб қўйилган сопол тошлар"нинг маъноси шуки, ҳар бир тошга у кимга бориб тегиши ёзиб қўйилган эди.

84. Мадян қавмига ўз биродарлари Шуайбни *(пайғамбар қилдик).* У айтди: "Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Ва ўлчов ва тарозидан уриб қолманглар! Мен сизларнинг яхшиликда *(яъни, тўкин-сочинликда)*

эканлигингизни кўриб турибман. Ва мен *(агар иймон келтирмасангизлар)*, сизларнинг устингизга ўраб олувчи Кун - Қиёматнинг азоби тушишидан қўрқаман. 85. Эй қавмим, ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тортингиз! Одамларнинг нарсаларини уриб қолмангиз ва Ерда бузғунчилик билан санқиб юрмангиз! 86. Агар мўмин бўлсангизлар *(ҳаром-ҳариш йўллар билан бой-бадавлат бўлгандан кўра)* Оллоҳ қолдирган *(ҳалол)* нарса сизлар учун яхшироқдир. Мен сизларнинг устингизда қўриқчи эмасман". 87. Улар *(масхара қилиб)* дедилар: "Эй Шуайб, бизлар ота-боболаримиз ибодат қилиб келаётган бутларни тарк қилишимиз кераклигини ёки ўз мол-мулкимизни ўзимиз хоҳлагандек тасарруф қилмаслигимиз кераклигини сенга ўқиётган намозинг буюрмоқдами? Ҳақиқатан, сен жуда кўнгилчан - ҳалим ва рашид *(Тўғри Йўлни топиб олган)* кишисан-да!" 88. У айтди: "Эй қавмим, хабар берингизчи, агар мен Парвардигорим томонидан аниқ ҳужжатга эга бўлсам ва У Зот мени Ўз томонидан гўзал ризқ билан ризқлантирган бўлса *(шу ҳалол ризқни ҳаромга аралаштиришим керакми?!)* Мен сизларга хилоф қилиб, сизларни қайтараётган нарсани *(яъни, ҳалолни ҳаромга аралаштиришни)* ўзим қилишни истамайман. Мен фақат имконим боричаислоҳ қилишни истайман, холос. Ва *(бунга)* Ёлғиз Оллоҳнинг ёрдами билангина муваффақ бўлурман. Ўзига суяндим ва Ўзига илтижо қилурман. 89. Эй қавмим, тагин менга бўйинсунмаслигингиз сизларга ҳам Нуҳ қавмига ё Ҳуд қавмига ёки Солиҳ қавмига етган балолар етишига сабаб бўлмасин. Лут қавми ҳам сизлардан йироқ эмасдир. 90. Парвардигорингиздан мағфират сўрангиз, сўнг Унга тавба-тазарру қилингиз! Албатта Парвардигорим *(тавба қилгувчиларга)* Марҳамат қилгувчи ва *(уларни)* Дўст тутгувчидир". 91. Улар дедилар: "Эй Шуайб, сен айтаётган нарсаларнинг кўпини англаб етмаётирмиз ва сени орамизда ожиз бир кимса эканингни кўриб турибмиз. Агар қавму қариндошларинг бўлмаганида албатта сени тошбўрон қилган бўлур эдик. Сен бизлар учун азиз - мўътабар киши эмассан". 92. У айтди: "Эй қавмим, менинг қавму қариндошларим сизлар учун Оллоҳдан ҳам азизроқмики, У Зотга орқа ўгириб олдингиз? *(Яъни, сизлар менинг қавму қариндошимни эмас, балки Оллоҳни ҳурмат қилишингиз лозим эмасми?)* Шубҳасиз, Парвардигорим қилаётган амалларингизни билиб - Иҳота қилиб тургувчидир. 93. Эй қавмим, ўзингиз билган ишни қилаверинг, мен ҳам *(ўз ишимни)* қилгувчиман. Яқинда кимга шарманда қиладиган азоб келишини ва ким ёлғончи эканини билиб олурсиз. Кўз

тутаверинглар, мен ҳам сизлар билан бирга кўз туттувчиман". 94-95. Қачонки Бизнинг фармонимиз *(яъни, азобимиз)* келганида, Шуайбга ва у билан бирга иймон келтирган кишиларга Ўз раҳматимиз билан нажот бердик. Золим кимсаларни эса даҳшатли қичқириқ тутиб, гўё ҳеч қачон *(дунёда)* яшамагандек, ўз диёрларида тўкилиб қолдилар. Огоҳ бўлингизким, худди Самуд *(қабиласи)* ҳалокатга учрагани каби Мадян қавми ҳам ҳалокатга учради. 96-97. Дарҳақиқат, Биз Мусони Ўз оят-мўъжизаларимиз ва очиқ ҳужжат билан Фиръавн ва унинг одамларига *(пайғамбар қилиб)* юборганимизда, улар Фиръавннинг амрига бўйинсундилар. Ҳолбуки, Фиръавннинг амри тўғри эмасдир. 98. У *(Фиръавн)* Қиёмат Кунида ўз қавмини бошлаб бориб дўзахга туширур. У тушиладиган энг ёмон жойдир! 99. Уларга бу *(дунёда)* ҳам, Қиёмат Кунида ҳам лаънат айтилур. У *(жазо)* бериладиган энг ёмон "ёрдам"дир. 100. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, мана шу Биз Сизга сўйлаб бераётган шаҳарларнинг хабарларидандир. Улардан *(ҳали-ҳануз обод-соғ)* турганлари ҳам бор, ўрилиб битганлари *(ҳалок бўлиб йўқолиб кетганлари)* ҳам бордир. 101. Уларга Биз зулм қилмадик, балки ўзларига ўзлари зулм қилдилар, бас, қачонки, Парвардигорингизнинг фармони *(яъни, азоби)* келганида, улар Оллоҳни қўйиб, илтижо қиладиган бутлари уларни ҳеч нарсадан беҳожат қилмади ва уларга зиёндан ўзга бирон нарса келтирмади. 102. Парвардигорингиз *(аҳли-эгалари)* золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши - азоби аламли ва қаттиқдир. 103. Албатта бу *(қиссаларда)* Охират азобидан қўрққан кишилар учун оят-ибратлар бордир. У Кун барча одамлар тўпланадиган Кундир, ҳозир бўлинадиган Кундир. 104. Биз уни фақат саноқли муддатгача таъхир қилиб - кечиктириб турамиз, холос. 105. У Кун келганида, бирон жон гапирмас, магар *(Оллоҳнинг)* изни билангина гапирур. Бас, у *(Кунга ҳозир бўлган)*лар орасида бахтсизи ҳам бўлур, бахтлиси ҳам. 106. Сўнг бадбахт кимсалар дўзахда бўлиб, у жойда оҳу фарёд қилурлар. 107. Улар унда осмонлар ва Ер тургунча қолурлар, магар Парвардигорингиз хоҳласа *(яна Ўзи хоҳлаган ҳукмини қилур)*. Зотан, Парвардигорингиз фақат Ўзи истаган ишни қилгувчи Зотдир!

Изоҳ: Исломий ақидага кўра, Оллоҳ таоло икки олам Подшоҳи бўлгани учун бу дунёда ҳам, Охиратда ҳам барча ишлар фақат Унинг истак-хоҳишига мавқуфдир. Шунобарин, мўминлар: "Биз жаннатимиз", деб ўзларидан кетмасликлари, гуноҳкорлар эса:

"Бизнинг дўзахга тушишимиз аниқ", деб ноумидликка берилмай, ўзларини ўнглаб, Ҳақ Йўлга интилишлари лозимдир.

108. Бахтиёр зотлар эса жаннатда бўлиб, у жойда осмонлар ва Ер тургунча турурлар, магар Парвардигорингиз хоҳласа *(яна Ўзи хоҳлаган ҳукмини қилур).* **Бу** *(яъни, жаннатга тушиш бахтига эришиш Парвардигорингизнинг)* **туганмас инъомидир. 109. Бас, Сиз** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **ана улар** *(яъни, мушриклар)* **ибодат қилаётган нарсадан шак-шубҳада бўлманг!** *(Яъни, уларнинг ноҳақ йўлда эканликлари аниқдир).* **Улар ҳам худди аввалги ота-боболари каби ибодат қилмоқдалар** *(бутга сиғинмоқдалар),* **холос.** *(Демак, уларни ҳам ота-боболарини ҳалок қилганимиз каби ҳалок қилурмиз).* **Албатта Биз уларнинг насибаларини** *(яъни, жазоларини)* **тўла-тўкис қилиб берурмиз. 110. Дарҳақиқат, Биз Мусога Китоб** *(яъни, Тавротни)* **берганимизда, у ҳақда ихтилоф қилинган эди** *(яъни, айрим кишилар унга иймон келтирган бўлсалар, айримлар уни инкор қилдилар).* **Агар Парвардигорингиз томонидан** *(барча ҳисоб-китоб Қиёмат Кунида бўлади, деган)* **Сўз ўтмаганида, уларнинг ўртасида** *(шу дунёдаёқ ким ҳақ, ким ноҳақ эканлиги ҳақида)* **ҳукм чиқарилган бўлур эди. Албатта, улар** *(яъни, Макка мушриклари)* **у ҳақда** *(яъни, Қуръон хусусида)* **шак-шубҳа остидадирлар. 111. Қасамки, албатта барча** *(халойиққа)* **қилган амалларининг** *(жазосини)* **Парвардигорингиз комил қилиб берур. Албатта У Зот уларнинг қилаётган амалларидан Хабардор - Огоҳдир. 112. Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз ва Сиз билан бирга тавба қилган зотлар ўзингизга буюрилгани янглиг Тўгри Йўлда бўлингиз! Тугёнга тушмангиз! Албатта У Зот қилаётган амалларингизни Кўриб тургувчидир.**

Изоҳ: Ривоят қилинишича, Қуръон оятларидан бирон оят Муҳаммад алайҳис-саломга юқоридаги оятчалик қийин - оғир кўринмаган экан. Зеро, у киши Пайғамбар бўлганлари учун ҳам Тўгри Йўлда Оллоҳ буюрганича яшаб ўтиш нақадар қийин эканлигини ҳаммадан яхшироқ англар эдилар. Шунинг учун ҳам у зот мана шу оят нозил бўлганида "Шайябатний Ҳуд" яъни, "Ҳуд мени қаритди", деган эканлар.

113. Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманглар *(эргашманглар)!* **Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Оллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин** *(яъни, золимларга эргашсангиз),* **сизларга ёрдам берилмас. 114. Кундузнинг ҳар икки тарафида ва кечадан бир бўлагида намозни тўкис адо қилинг! Албатта яхши амаллар ёмонлик-гуноҳларни кетказур Бу эслатма**

олгувчилар учун бир эслатмадир. 115. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, машаққат ва озорларга)* сабр қилинг! Зотан, Оллоҳ чиройли амал қилгувчиларнинг ажр-мукофотларини зое этмас. 116. Бас, сизлардан аввалги асрларда ўтганлар орасида ҳам Ерда бузғунчиликдан қайтарадиган боқий *(дин)* эгалари бўлганларида эди. Уларнинг ичларида фақат Биз нажот берган камдан-кам кишиларгина *(шундай зотлар эдилар)*. Золим кимсалар эса ўз маишатларига берилиб кетдилар ва жиноятчи бўлиб қолдилар. 117. Парвардигорингиз у шаҳарларнинг ўзларини тузатиб *(Ҳақ Йўлга юрган)* аҳолисини зулм билан ҳалок қилган эмасдир. *(Балки улар бузғунчи, золим бўлганлари сабибли ҳалок қилингандирлар)*. 118-119. Агар Парвардигорингиз хоҳлаганида, барча одамларни бир миллат *(яъни, бир динга эргашувчи)* қилган бўлур эди. *(Лекин У Зот бундай бўлишини истамади. Шунинг учун)* улар *(одамлар)* мудом ихтилоф қилурлар, магар Парвардигорингиз раҳм қилган кишиларгина *(Ҳақ Йўлда иттифоқ бўлиб яшарлар)* Уларни шунинг учун *(яъни, бировлари Ҳақ Йўлда ҳидоят топишлари, бошқалари ноҳақ йўлларда талашиб-тортишиб юришлари учун)* яраттандир. Парвардигорингизнинг Мен жаҳаннамни барча *(кофир)* жин ва *(кофир)* одамлар билан тўлдирурман", деган Сўзи тўла - ҳақ бўлди. 120. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Биз Сизга пайғамбарларнинг хабарларидан дилингизни мустаҳкам қиладиган барча қиссаларни сўйлаб берурмиз ва бу қиссаларда Сизга ҳақиқат ҳамда барча мўминлар учун панд-насиҳат ва эслатмалар келди. 121-122. Иймон келтирмайдиган кимсаларга айтинг: "Ўзларингиз билган амалларингизни қилаверингиз, биз ҳам ўз амалимизни қилгувчимиз, ҳамда *(қилаётган ишларингизнинг оқибатини)* кутаверингиз, биз ҳам кутгувчилармиз". 123. Осмонлар ва Ернинг сирлари Ёлгиз Оллоҳникидир ва барча ишлар Унинг Ўзига қайтарилур. Бас, Унга ибодат қилинг ва Ўзига суянинг! Парвардигорингиз сизлар қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир.

ЮСУФ сураси (12)

Бир юз ўн бир оятдан иборат бу сура Маккада нозил бўлган ва пайғамбарлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи суралардан биридир. Унда асосан Оллоҳнинг пайғамбарларидан Юсуф алайҳис-салом ибн Яъқубнинг ҳаёти зикр қилиниб, у зотнинг бошига тушган балолар, оға-инилари ва бегоналардан кўрган кулфатлари - чоҳга ташланганлари; туҳматга йўлиққанлари; зиндонбанд бўлганлари... ҳақида ва бундай оғир кўргиликларга сабр-тоқат қилишлари натижасида охир-оқибат зиндон азобидан халос қилиниб, бутун Миср заминининг мулку хазинасига эга бўлганлари хусусида сўз боради.

Бу сура Ҳуд сурасидан кейин - Муҳаммад алайҳис-салом ҳаётларининг энг қора кунларида - яқинлари Ҳадича ва Абу Толибдан ажраган, мушриклар томонидан озор-азиятлар чекиб қийналиб юрган кезларида нозил бўлгандир. Гўё Оллоҳ таоло Ўзининг суюкли пайғамбарига ва қолаверса, у зотнинг барча умматларига агар бошларига тушган бало-ю кулфатларга ва диёнатсиз кимсаларнинг зулму зўравонликларига сабр-қаноат қилиб ўзларининг Ҳақ Йўлидаги курашларидан толмай, Оллоҳнинг Динидан қолмай собитқадам бўлсалар, Парвардигори олам уларни зулматлардан ва тору тангликдан халос қилиб, нурли, бахт-саодатли кунларга етказажагини уқтираётгандек. Бу суранинг назму услубида ўзгача латофат, айрича жозиба мавжудки, Ислом оламидаги энг буюк қалам аҳллари ундан мутаассир бўлиб, шеъру достонлар битганлар, уламолар эса, бу сура хусусида жилд-жилд китоблар тасниф этганлар. Шундай асарлардан бирида: "Юсуф сураси жаннат аҳллари жаннатда ҳам роҳат билан тиловат қилиб юриладиган сурлардандир", дейилган бўлса, яна бирида: "Ҳар қандай ғам-ташвишга ботган маҳзун киши Юсуф сурасини эшитиши билан ором-осойиш топур", дейилади

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Алиф, Лом, Ро. Ушбу *(оятлар)* **очиқ-равшан Китоб оятларидир. 2. Дарҳақиқат, Биз уни** *(бу Китобни)* **сизлар ақлларингизни юргизишингиз** *(маъноларини англашингиз)* **учун арабий Қуръон ҳолида нозил қилдик. 3.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Биз Сизга ушбу Қуръон** *(сураси)***ни ваҳий қилиш билан қиссаларнинг энг гўзалини сўйлаб берурмиз. Ҳолбуки, у** *(Қуръон нозил бўлиши)***дан илгари, Сиз** *(бу қиссадан)* **бехабар кишилардан** *(бири)* **эдингиз! 4. Эсланг, Юсуф отасита деган эди: "Эй отажон, мен тушимда ўн бир юлдузни, яна қуёш ва ойни кўрибман. Ҳаммалари менга сажда қилишаётган эмиш".**

Изоҳ: Бу тушни кўрганда Юсуф алайҳис-салом ўн икки ёшда эди. Тушдаги қуёш билан ой унинг ота-онаси, ўн бир юлдуз эса оға-инилари эди. Дарвоқеъ, унинг ота бир, она бошқа ўн оғаси ва ота ҳам, она ҳам бир Биниямин исмли бир оғаси бўлган. Юсуф алайҳис-саломнинг бу кўрган туши ўнгга айланишига ҳали қирқ сана бор эди.

5. У *(отаси)* **деди: "Эй ўғилчам, бу тушингни оға-иниларингга ҳаргиз айта кўрма, токи улар сенга қарши бирон ҳийла қилмасинлар. Чунки шайтон инсон учун очиқ душмандир. 6. Шунингдек,** *(яъни, сенга шундай улуғ туш кўришни насиб этган каби)* **Парвардигоринг сени** *(пайғамбарлик учун)* **танлар ва сенга барча тушларнинг таъбирини билдирур ҳамда худди илгари аждодларинг Иброҳим ва Исҳоққа комил қилиб бергани каби, сенга ва Яъқубнинг** *(бошқа)* **фарзандларига ҳам, Ўзининг** *(пайғамбарлик)* **неъматини комил қилиб берур. Албатта Парвардигоринг илм ва ҳикмат Соҳибидир". 7. Дарҳақиқат, Юсуф ва унинг оға-инилари** *(ҳақидаги қисса)***да сўрагувчилар учун оят-ибратлар бордир. 8. Ўшанда улар** *(Юсуф алайҳис-саломнинг ўгай оғалари)* **айтган эдилар: "Гарчи биз бутун бир жамоат** *(яъни, кўпчилик)* **бўлсак-да, шак-шубҳасиз, Юсуф ва унинг** *(туғишган)* **биродари** *(Биниямин)* **отамизга биздан кўра суюклироқдир. Дарҳақиқат, отамиз очиқ залолатдадир". 9.** *(Яна дедилар:)* **"Юсуфни ё ўлдиринглар ёки бирон ерга олиб бориб ташланглар,** *(шундагина)* **оталарингиз фақат сизларга боқар. Кейин эса** *(тавба-тазарруъ қилиб)* **яхши қавм бўлиб олурсизлар". 10.** *(Шунда)* **улардан бир сўзлагувчи деди: "Юсуфни ўлдирманглар, балки агар** *(ундан қутулиш учун)* **бирон иш қилмоқчи бўлсангизлар, уни қудуқ қаърига ташлаб юборинглар, йўловчи карвонлар олиб кетсин".**

11. *(Улар шундай қарорга келганларидан сўнг, Яъқуб алайҳис-саломнинг олдига келиб)* **дедилар: "Эй ота, не сабабдан Юсуфни бизга ишонмайсан? Ахир биз уни, шак-шубҳасиз, холис** *(яхши кўрувчи)***лармиз-ку. 12. Уни эртага биз билан** *(айланишга)* **юборгин, ўйнаб-ёзилиб келсин. Албатта биз уни қўриқлаб-муҳофаза қилгувчилардирмиз". 13.** *(Яъқуб)* **деди: "Уни олиб кетишларингиз мени маҳзун қилур. Мен, сизлар ғафлатда қолиб, уни бўри еб кетишидан қўрқурман".**

И з о ҳ: Нақл қилишларича, Яъқуб пайғамбар Юсуф алайҳис-саломга шу қадар меҳр қўйган эдиларки, ундан бирон лаҳза бўлсин, ажралишга тоқат қила олмас эдилар. Юқоридаги оятда мазкур бўлган сўзлари билан у зот, бир томондан, ўғилларига узр айтган бўлсалар, иккинчи томондан ўзлари сезмаган ҳолда, уларнинг шум ниятларига баҳона топиб бердиларки, бу ҳақда кейинги оятларда зикр қилинади.

14. Улар дедилар: "Қасамки, агар биз бутун бир жамоат бўлган ҳолимизда *(ғафлатда қолиб)* **уни бўри еб кетса, демак, биз, шак-шубҳасиз, зиён кўргувчи - ҳалок бўлгувчилардирмиз". 15. Бас, қачонки уни олиб кетишиб, сўнгра қудуқ қаърига ташлашга қасд қилган вақтларида, Биз унга** *(Юсуф алайҳис-саломга)*: **"Сен албатта** *(вақти келиб оға-иниларингга)* **бу қилмишлари ҳақида хабар берурсан. Улар ўшанда,** *(сен Юсуф эканингни)* **сезмайдилар ҳам", деб ваҳий қилдик. 16-17. Улар кечқурун оталари олдига йиғлаган ҳолларида келишиб: "Эй ота, бизлар Юсуфни нарсаларимиз олдида қолдириб қувлашиб кетган эдик, уни бўри еб кетибди. Энди рост гапирсак ҳам сен бизларга асло ишонмайсан", дедилар. 18. Ва унинг** *(Юсуфнинг)* **кўйлагини ёлғон қонга** *(яъни, бир қўйни сўйишиб ўшанинг қонига)* **бўяб келтирдилар.** *(Шунда Яъқуб)* **айтди: "Йўқ, сизларга ҳавойи-нафсларинг бирон** *(ёмон)* **ишни чиройли қилиб кўрсатган. Энди** *(менинг ишим)* **чиройли сабр қилмоқдир. Сизлар сўзлаётган бу нарса** *(айрилиқ-мусибат)* **устида мадад сўраладиган Зот Ёлғиз Оллоҳдир".**

И з о ҳ: Юқоридаги оятда иймоннинг муҳим асосларидан бири бўлмиш "чиройли сабр қилмоқ" ибораси мазкур бўлди. Одамзот шундай яратилганки, бошига келган бало-мусибатдан йиғлаб-сиқтаб бесабрлик қилади. Лекин ҳар қандай одам ҳам аста-секин келган кўргуликка кўникиб, энди сабр қилиш лозимлигини англаб етади. Оллоҳга ва барча яхши-ёмон ишлар Ёлғиз Унинг амри билан бўлишига сидқидилдан иймон келтирган кишилар эса мусибат тушган биринчи лаҳзаданоқ дод-войсиз "чиройли сабр" қила олар эканлар.

Бу хусусда ўзининг Еру кўкка ишонмайдиган фарзанд-дилбандидан ажралиб қолгани ҳақидаги хабарни эшитган заҳоти "чиройли сабр" қилишга рози бўлган Яъқуб алайҳис-салом то Қиёмат иймон-эътиқод эгалари учун ибратдир. Сабр нима эканлиги ҳақида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом шундай марҳамат қилганлар: "Балонинг биринчи зарбаси пайтидаги сабргина чин сабрдир".

19. *(Юсуф алайҳис-салом қудуққа ташланганининг учинчи куни, у очликдан азобланиб ётганида)* **бир карвон келиб, ўзларининг сув изловчиларини** *(сув келтиргани)* **юборганларида, у челакни** *(қудуққа)* **ташлаган эди,** *(сувнинг ўрнига челакка осилиб Юсуф чиқди. Шунда у):* **"Суюнчи беринглар, бу бола-ку!", деб юборди. Сўнг уни сотиладиган нарсалари қатори яшириб қўйдилар. Оллоҳ уларнинг қилаётган амалларини Билиб тургувчидир. 20.** *(Кейин, карвон Мисрга етиб келгач),* **уни арзон баҳода - бир неча тангага сотиб юбордилар.** *(Чунки)* **улар** *(Юсуфга)* **қизиқмаган эдилар.**

И з о ҳ: Карвоннинг Юсуф алайҳис-саломни арзон баҳода сотиб юборганига яна бир сабаб, унинг эгаси чиқиб қолишидан қўрқишгани эди. Аммо Юсуф алайҳис-салом бир балодан - чоҳдан қутулиб, иккинчи балога - тутқунлик, қулликка тушди.

21. Уни Мисрдан сотиб олган *(Миср шаҳрининг ҳокими - Қитфийр исмли)* **киши хотини** *(Зулайхо)***га: "Уни яхшилаб жойлаштиргин. Шояд бизга бирон фойдаси тегиб қолса ёки ўзимизга бола қилиб олармиз", деди. Мана шундай қилиб** *(яъни, ўлимдан, чоҳдан қутқариб ва Миср ҳокимининг кўнглини мойил қилиш билан)* **Биз Юсуфни - унга барча тушларнинг таъбирини билдириш учун,- ўша ерга** *(Миср ҳокимининг уйига)* **жойлаштириб қўйдик. Оллоҳ Ўз ишида Ғолибдир** *(яъни, Уни Ўзи хоҳлаган ишни қилишдан ҳеч ким манъ қила олмайди)* **лекин одамларнинг кўплари** *(буни)* **билмайдилар. 22. Қачонки** *(Юсуф алайҳис-салом)* **вояга етгач, унга ҳикмат ва билим бердик. Биз чиройли амал қилгувчи зотларни мана шундай мукофотлаймиз. 23. У** *(Юсуф алайҳис-салом)* **уйида бўлган аёл** *(яъни, Зулайхо, унинг ҳусну малоҳатига ошиқи беқарор бўлиб)* **уни йўлдан урмоқчи бўлди. Эшикларни маҳкам беркитиб "келақолгин", деганида,** *(Юсуф алайҳис-салом)* **айтди: "Оллоҳ сақласин. Ахир у** *(яъни, эринг)* **менга яхши жойлар берган хожам-ку! Албатта золим кимсалар** *(яъни, зинокорлар)* **асло нажот топмаслар". 24. Ҳақиқатан,** *(Зулайхо)* **унга** *(яъни, Юсуфнинг висолига)* **интилди. Агар Парвардигорининг очиқ ҳужжат-**

аломатини кўрмаганида, *(Юсуф)* ҳам унга *(Зулайхога)* интилган бўлар эди. Ундан *(Юсуф алайҳис-саломдан)* ёмонлик ва бузуқликни четлатиш учун мана шундай қилдик *(яъни, уни Ўз ҳифзу ҳимоятимизда асрадик)*. Зеро, у покиза бандаларимиздандир. 25. Иккаласи ҳам эшик томонга чопишди ва *(Зулайхо Юсуфга етиб олиб)* унинг кўйлагини орқа томондан йиртиб юборди. Эшик олдида эса *(Зулайхонинг)* хожаси - эрига йўлиқиб қолишди. *(Шунда Зулайхо эрига қараб)*: "Сенинг оилангга ёмонлик қилмоқчи бўлган кимсанинг жазоси ё зиндон ёки аламли азобдир", деди. 26. *(Юсуф алайҳис-салом)* айтди: "Унинг ўзи мени йўлдан урмоқчи бўлди". *(Шу пайт Зулайхонинг)* уруғларидан бири гувоҳлик бериб *(деди)*: "Агар унинг кўйлаги олд томондан йиртилган бўлса, у ҳолда *(Зулайхонинг)* гапи ростдир ва *(Юсуф)* ёлғончилардандир. 27. Агар кўйлаги орқа томондан йиртилган бўлса, у ҳолда *(Зулайхо)*нинг гапи ёлғондир ва *(Юсуф)* ростгўйлардан бўлур.

Изоҳ: Ривоят қилишларича, мазкур гувоҳлик берувчи Зулайхонинг амакиваччаси бўлиб, бешикдаги чақалоқ эди. Не тонгки, Оллоҳ таоло Ўзининг маъсум пайғамбари Юсуф алайҳис-саломни маъсум бир гўдак тили билан оқлайди.

28. Энди қачонки *(Зулайхонинг эри Юсуфнинг)* кўйлаги орқа томонидан йиртилганини кўргач: "*(Эй аёллар-а)*, албатта бу *(иш)* сизларнинг макр-ҳийлаларингиздандир. Дарҳақиқат, сизларнинг макрларингиз жуда зўрдир. 29. Юсуф, сен бу *(ишни)* унутгин, сен эса *(эй Зулайхо)*, қилган гуноҳингга истиғфор айт - тавба қил. Чунки сен адашган кимсалардан бўлдинг", деди.

Изоҳ: Юқоридаги оятда кофир жамиятдаги ҳоким табақанинг қанчалик нопок, усти ялтироқ, мағзу-моҳияти эса чирик бўлиши икки оғиз сўзда Илоҳий қалам билан чизиб берилган: "Юсуф, сен бу ишни унутгин". Эр оиласидаги бевафолик, нопокликдан хабардор бўлгач, уни фақат бир нарса ташвишга солиб: "Одамлар билмасин, сен буни унут, ҳеч кимга айта кўрма", деди. Маънавият инқирозини бундан яққолроқ ифодалаб бўлмас. Лекин одамлар бу можародан хабардор бўладилар ва...

30. Шаҳардаги аёллар: "Ҳокимнинг хотини ўз хизматкорини йўлдан урмоқчи бўлибди. Роса юрагидан урибди-да! Албатта бизлар уни очиқ залолатда деб биламиз", дедилар. 31. Энди қачонки *(Зулайхо)* уларнинг иғволарини эшитгач, уларга одам юборди ва *(келганларидан кейин)* суяниб ўтирадиган жой тайёрлади ҳамда *(анвойи мева-чевалар билан дастурхонни тўлдириб)* улардан ҳар бирига биттадан пичоқ бериб қўйди. Кейин

(Юсуфга) уларнинг олдига чиққин, деди. Бас, қачонки уни кўришгач *(улар беихтиёр уни)* олқишладилар ва *(ўзлари сезмаган ҳолларида, қўлларидаги пичоқлари билан)* ўз қўлларини кеса бошладилар. Ҳамда: "Эй Пок Оллоҳ, бу башар *(фарзанди)* эмас, бу асил фариштанинг ўзи-ку", деб юбордилар. 32. *(Шунда Зулайхо)*: деди: "Мана шу йигит ҳақида сизлар мени маломат қилган эдингиз. Дарҳақиқат, уни йўлдан урмоқчи бўлганимда, у покдомонлик қилди - бўйинсунмади. Қасамки, агар менинг амримни бажармас экан, албатта зиндонга ташланур ва хор-зор қилинур". 33. *(Юсуф алайҳис-салом)* деди: "Парвардигорим, мен учун булар мени чорлаётган нарсадан кўра зиндон яхшироқдир Агар Ўзинг мендан уларнинг макрларини нари қилмасанг, уларга кўнгил бериб нодон кимсалардан бўлиб қолурман". 34. Бас, Парвардигори *(Юсуфнинг дуосини)* ижобат қилиб, уларнинг макрларини ундан нари қилди. У Зот, шак-шубҳасиз, Эшитгувчи, Билгувчидир. 35. Сўнгра уларга *(яъни, Миср ҳокими ва унинг одамларига Юсуф алайҳис-салом пок эканлиги ҳақидаги)* оят-аломатларни кўрганларидан кейин, уни бир вақтгача *(яъни, гап-сўзлар тингунча)* зиндонбанд қилиб туриш маъқул кўринди. 36. Зиндонга у билан бирга яна икки йигит тушган эди. Улардан бири *(яъни, илгари ҳокимнинг соқийси бўлган йигит)*: "Мен тушимда шароб тайёрлаётган эмишман", деди. Бошқаси эса *(яъни, илгари ҳокимнинг новвойи бўлган йигит)*: "Мен бошим устида нон кўтариб турганмишман, қушлар ундан еяётган эмишлар. Сен бизга шунинг таъбирини айтиб берсанг. Биз сенинг чиройли амаллар қилгувчи киши эканлигингни кўриб турибмиз", деди. 37. *(Юсуф алайҳис-салом)* айтди: "Мен сизларга ризқ бўладиган *(ҳар қандай)* таом олдингизга келишидан илгари унинг *(қандай таом эканини)* таъвилини айтиб бера оламан. Бу Парвардигорим менга билдирган нарсалардандир. Чунки мен Оллоҳга иймон келтирмайдиган ва Охиратни мутлақо инкор қилувчи қавмнинг миллати - динини тарк этган кишиман. 38. Ва мен ота-боболарим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларнинг миллати - динига эргашганман. Биз *(яъни, пайғамбарлар)* учун Оллоҳга бирон нарсани шерик қилиш жоиз эмасдир. Бу *(яъни, Ёлғиз Оллоҳгагина бандалик қилиш неъмати)* Оллоҳнинг биз - пайғамбарларга ва барча одамларга қилган фазл-марҳаматларидандир. Лекин одамларнинг кўплари шукр қилмайдилар. 39. Эй ҳамзиндон дўстларим, тарқоқ - турли-туман "худолар" яхшироқми ёки Ягона ва Ғолиб Оллоҳми? 40. Сизлар эса, У Зотни қўйиб, ўзларингиз ва ота-боболарингиз атаб

олган номлар - бутларгагина ибодат қиласизлар. Ахир Оллоҳ уларга *(ибодат қилиш ҳақида)* бирон ҳужжат туширмаган-ку? Ҳукм-ҳокимлик фақат Оллоҳникидир. У Зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг Тўғри Дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўплари буни билмайдилар. 41. Эй ҳамзиндон дўстларим, энди сизларнинг бирингизни айтсак, бас, у *(бу зиндондан халос бўлиб)* яна хожасига соқийлик қилур. Аммо иккинчингиз эса дорга осилиб, *(ўлаксахўр)* қушлар унинг бошидан чўқирлар. Сизлар таъбир сўраётган иш битди *(яъни, энди бу таъбирим ҳеч қачон ўзгармайди)*". 42. *(Юсуф алайҳис-салом)* у икковининг ичидан қутулиб кетадя, деб ўйлаган кишига *(яъни, соқийга)*: "Хожангнинг олдида мен ҳақимда зикр қилгин *(зора, у мени бу зулмдан озод қилса)*", деди. *(Лекин)* шайтон хожасига зикр қилишни унинг ёдидан чиқариб, *(Юсуф алайҳис-салом)* бир неча йил зиндонда қолиб кетди. 43. *(Кунларнинг бирида Миср мамлакатининг)* шоҳи *(Райён бинни-л-Валид)*: "Мен тушимда еттита ориқ сигир еттита семиз сигирни еяётганини ва еттита яшил бошоқ билан бирга бошқа қуриган *(етти бошоқ)*ни кўрдим. *(Аъёнларим)*, агар тушларнинг таъбирини айта олувчи бўлсангизлар, бу тушимнинг таъбирини *(менга)* айтинглар-чи", деди. 44. Улар дедилар: "Бу алоқ-чалоқ тушлар экан. Биз бундай тушларнинг таъбирини билгувчи эмасмиз". 45. *(Шунда)* ҳалиги икки *(маҳбус)*нинг зиндондан қутулиб чиққани, шунча муддат ўтгач, энди *(Юсуфнинг сўзлари)* ёдига тушиб, деди: "Унинг таъбирини сизларга мен айтиб берурман, фақат мени *(зиндонда ётган Юсуфнинг олдига)* юборинглар". 46. *(Унга рухсат берилгач, зиндонга Юсуфнинг олдига кириб айтди)*: "Юсуф, эй ростгўй зот, сен бизга еттита ориқ сигир еттита семиз сигирни еяётгани ҳамда еттита яшил бошоқ билан бирга турган бошқа қуриган *(етти бошоқ)* ҳақидаги *(туш)* таъбирини айтиб бергин. Шояд мен одамлар олдига қайтиб боргач *(буни уларга айтиб берсам)*, улар ҳам билиб олишса". 47. *(Юсуф алайҳис-салом)* деди: "Сизлар пайдар-пай етти йил *(дон)* экасизлар. Кейин ўриб олган ҳосилингизни *(бузилмасин учун)* ўз бошоғида қолдиринглар, магар ейдиган озгина озуқаларингизнигина *(янчиб оласизлар)*. 48. Сўнгра ўша *(серҳосил етти йил)*дан кейин етти йил қаҳатчилик бўлиб, ўша *(йиллар)* учун тайёрлаб-асраб қўйган бор ҳосилингизни еб кетар. Магар озгина *(уруғлик учун)* асраб қўйган донларингизгина қолур. 49. Сўнгра ўша *(қаҳатчилик йиллари)*дан кейин бир йил келурки, унда одамлар ёғингарчилик остида қолурлар ва *(турли*

мевалардан) **шароблар тайёрлаб олурлар". 50.** *(Соқий подшоҳнинг ҳузурига қайтиб, унинг кўрган тушини Юсуф қандай таъбир қилганини айтгач),* **подшоҳ деди: ."Уни менинг олдимга келтирингиз!" Қачонки** *(Юсуфнинг олдига),* **шоҳ элчиси келгач, у: "Хожангнинг ёнига қайтиб бориб** *(аввал)* **ундан ўз қўлларини кесган аёллар нима бўлганини сўра! Албатта Парвардигорим уларнинг макрларини Билгувчидир", деди.**

И з о ҳ: Бу оятлар замирида Юсуф алайҳис-саломнинг нақадар покиза қалбли инсон эканлигини кўрсатиб турган уч нукта бордир. Биринчидан, подшоҳ тушининг таъбири ҳақида сўралганда: "Агар мени бу зиндондан озод қилса, айтаман", демай, батафсил таъбир қилиб бериши; иккинчидан подшоҳ уни озод қилишга амр қилганида ҳам, у зиндонни дарҳол тарк этмасдан, ўзининг бегуноҳлигини исботлаб беришларини талаб қилиши; учинчидан, ўзининг бегуноҳлигини исботлашда ҳам ўзи туз ичган ернинг ҳурматини сақлаб, "Бориб мени шундай азобга дучор қилган Зулайхо нима бўлганини билиб келгин", демай, "қўлларини кесган аёллар нима бўлганини сўраб кел", дейиши. Бу нукталарда ақл эгалари учун ибрат бордир.

51. *(Шунда подшоҳ у аёлларни тўплаб)* **деди: "Юсуфни йўлдан урмоқчи бўлган вақтингизда нима бўлган эди** *(яъни, у ҳам сизларга майл кўрсатганмиди)?"* *(Аёллар)* **айтдилар: "Оллоҳ сақласин! Бизлар ундан бирон ёмонликни сезмаганмиз".** *(Миср шаҳри)* **ҳокимининг хотини** *(Зулайхо)* **деди: "Мана энди ҳақиқат тантана қилди. Уни мен йўлдан урмоқчи бўлган эдим. У, шак-шубҳасиз, ростгўй зотлардандир". 52.** *(Элчи қайтиб келиб, Юсуфга бўлиб ўтган гапларни айтиб бергач, у деди):* **"Буни** (*яъни, ўзимнинг бегуноҳлигимни исботлаш талабини)* **мен** *(шаҳар ҳокими)* **йўқлигида унга хиёнат қилмаганимни ва Оллоҳ ҳеч қачон хоинларнинг ишини ўнгламаслигини** *(мамлакат шоҳи)* **билиши учун** *(қилдим)".*

ЎН УЧИНЧИ ЖУЗЪ

53. "Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс - агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса - албатта ёмонликка буюргувчидир. Дарҳақиқат, Парвардигорим Мағфиратли, Меҳрибондир". 54. Подшоҳ айтди: "Уни ҳузуримга келтирингиз, ўзимнинг хос кишиларимдан қилиб олай". Бас, қачонки *(Юсуф алайҳис-салом)* у билан сўзлашгач, "Сен бу кун бизнинг даргоҳимизда мартабали, ишончли кишидирсан", деди. 55. *(Юсуф алайҳис-салом)* деди: "Мени шу ернинг хазиналари устига қўйгин. Чунки мен *(уларни)* тўла-тўкис сақлагувчи ва *(тўғри тасарруф қилишни)* билгувчи кишиман". 56. Шундай қилиб, Биз Юсуфни *(Миср)* заминидан ўзи хоҳлаган жойда манзил-маскан тутиб яшайдиган мақомга эриштирдик. Биз фазлу марҳаматимизни Ўзимиз хоҳлаган кишиларга етказурмиз ва чиройли амал қилгувчи зотларнинг ажр-мукофотини зое қилмасмиз. 57. Албатта иймон келтирган ва тақво эгалари бўлган зотлар учун Охиратда ажр-мукофот янада яхшироқ бўлур.

И з о ҳ: Мамлакат шоҳи Райён бинни-Валид Юсуф алайҳис-саломнинг ақлу заковати, унинг ҳалол, билимдон эканлигини кўриб, Миср шаҳрининг ҳокими Қитфийрнинг ўрнига ҳоким қилиб тайинлади ва Қитфийр вафот қилганидан кейин, Юсуфни унинг беваси Зулайхога уйлантириб қўйди. Шундай қилиб Юсуф алайҳис-салом Миср заминининг ҳукмдорига айланиб қолди. Никоҳ кечасида Юсуф Зулайхонинг ёнига кирар экан: "Сен бир вақтлар истаган ҳаром хоҳишдан мана бу ҳалол Шаръий никоҳ яхшироқ эмасми?", деди. Маълум бўлишича, Зулайхо ҳали-ҳануз бокира экан. Оллоҳ таоло уларга икки фарзанд ато этди.

Шундан кейин Юсуф алайҳис-салом Миср тахтида адолат билан ҳукм юргиза бошлади Илгари ўзи шоҳга башорат қилган мўл-кўлчилик йилларида жуда кўп дон ҳосили йиғиб-үриб олиниб, омборларга ғамлаб қўйилди Кейинги етти йил эса худди Юсуф алайҳис-салом таъбир қилганидек, қаҳатчилик йиллари бўлди. Бу йилларда бутун атроф-жавонибдаги юртларда қаттиқ очарчилик бўлиб, кўп жойлардан Мисрга озиқ-овқат излаб одамлар кела бошладилар. Миср мамлакатида озиқ-овқат сероб эканлиги ҳақидаги хабарлар Канъон заминига ҳам етиб боргач, Яъқуб алайҳис-салом ўғилларини ўша тарафга юборди. Қуйидаги оятда сўз шу ҳақда боради.

58. Юсуфнинг оға-инилари *(Мисрга)* **келишиб, унинг ҳузурига кирганларида, уларни таниди. Улар эса** *(Юсуф алайҳис-салом)***ни танимаган эдилар.**

И з о ҳ: Оға-инилари кириб келганларида Юсуф алайҳис-салом ўзининг таниганини уларга билдирмай: "Сизлар кимсизлар, қаердан келдингиз?", деб сўраган экан. Шунда улар: "Бизлар Шом мамлакатининг Канъон деган юртиданмиз. Ўзимиз чорвадорларданмиз. Озиқ-овқат ахтариб келдик", деб жавоб қиладилар. Юсуф алайҳис-салом: "Эҳтимол, бизнинг юртимизга жосуслик учун келгандирсизлар", дейди. Улар айтадилар: "Оллоҳ сақласин! Бизлар ўзининг энг суюкли боласидан айрилиб ғам-андуҳда қолган бир пайғамбарнинг ўғилларимиз. Бизлар ҳаммамиз ўн икки ўғилмиз. Бу ерга келган ўнтамиз бир ота-онаданмиз. Йўқолган инимиз билан унинг биродари эса бизнинг ота бир, она бошқа иниларимиз бўлади. Ўша инимиз биз билан ўйнаб саҳрога чиққанида йўқолиб қолган эди, шу сабабдан унинг биродарини отамиз бизларга ишонмай ўзи билан олиб қолди". Бу сўзларни эшитгач, Юсуф алайҳис-салом аъёнларига уларнинг барча эҳтиёжларини қондиришни амр этади.

59. Қачонки уларнинг ҳожатларини равон қилгач, *(Юсуф алайҳис-салом)* **деди: "Ўша ота бир бўлган иниларингизни менинг ҳузуримга келтирингиз! Ахир мен сизларга энг яхши мезбон бўлиб,** *(дон-дуғларни)* **тўла қилиб ўлчаб бераётганимни кўрмаяпсизларми? 60. Энди агар уни менинг ҳузуримга олиб келмасангизлар** *(яъни, мени алдасангизлар)*, **у ҳолда менинг даргоҳимда - сизлар учун бир қадоқ ҳам нарса йўқдир - менинг олдимга яқин келмай қўя қолинглар". 61. Улар: "Отасидан у**(*ни биз билан қўшиб юбориши*) **ҳақида ўтиниб сўраймиз. Албатта бизлар** *(шундай)* **қилгувчимиз", дедилар. 62.** *(Юсуф алайҳис-салом ўзининг тарозибон)* **йигитларига буюрди: "Уларнинг** *(донга алмаштириш учун келтирган)* **нарсаларини юкларининг ичига** *(қайтариб)* **солиб қўйинглар. Шояд уйларига қайтган вақтларида, у нарсаларини таниб қолиб яна қайтиб келсалар, ажаб эмас". 63. Энди қачонки улар оталарининг олдига қайтиб келишгач, дедилар: "Эй ота,** *(бундан кейин)* **бизларга бир қадоқ ҳам** *(озиқ-овқат)* **берилмайдиган бўлди. Фақат биз билан бирга инимизни ҳам юборсангтина озиқ-овқат ола биламиз. Бизлар албатта уни муҳофаза қилгувчимиз". 64.** *(Яъқуб)* **деди: "Мен уни сизларга ишонмайман. Магар илгари унинг биродарини ишонганимдек ишонаман** *(яъни, ўшанда ҳам менга берган ваъдаларингизга хиёнат қилган эдингиз. Демак, мен сизларга унинг инисини ҳам ишониб топширолмайман. Лекин мен Ёлғиз Оллоҳнинг сақлашига ишонаман, холос)*. **Зотан, Оллоҳ энг яхши Сақлагувчидир**

ва У Зот меҳрибонларнинг Меҳрибонроғидир". 65. Қачонки улар *(олиб келган)* юкларини очиб кўришгач, *(озиқ-овқатга алмаштириб келиш учун олиб борган)* нарсаларини ўзларига қайтарилганини кўриб, дедилар: "Эй ота, мана, нарсаларимиз ўзимизга қайтарилибди. Яна нимани истаймиз? *(Энди сен бизларга инимизни ҳам қўшиб юборсанг)*, яна оиламизга озиқ-овқат келтирурмиз, инимизни муҳофаза қилиб *(бориб келурмиз)* ва *(инимиз учун ҳам)* бир туя юкни ортиқроқ олурмиз. Бу *(мисрлик сахий ҳоким наздида)* озгина нарсадир". 66. *(Яъқуб)* айтди: "Агар *(қароқчилар ё бошқа тўсиқларга дуч келиб)* мағлуб бўлиб, ҳалокатга учрамасангизлар, албатта уни *(Биняминни)* менинг олдимга келтиришингиз ҳақида Оллоҳдан васиқа келтирмасангизлар, *(яъни, Оллоҳ номига қасам ичмасангизлар)* уни ҳаргиз сизлар билан бирга юбормасман". Энди қачонки унга ўз аҳд-паймонларини беришгач, *(Яъқуб)*: "Бу айтаётган гапларимизга Оллоҳ Вакил-Гувоҳдир", деди. 67. *(Сўнг уларни сафарга кузатар экан)*, айтди: "Эй ўғилларим, *(Мисрга)* бир дарвозадан кирманглар, балки бошқа-бошқа дарвозалардан киринглар! Мен сизлардан Оллоҳнинг бирон ҳукмини қайтара олмайман. Ҳукм ёлғиз Оллоҳнинг измидадир. Мен фақат У Зотнинг Ўзига таваккул қилганман - суянганман. Барча таваккул қилгувчилар Унинг Ўзигагина таваккул қилсинлар - суянсинлар!". 68. Улар оталари буюрган тарафлардан *(Мисрга)* киришлари улардан Оллоҳнинг бирон ҳукмини қайтаргувчи эмасдир. *(Бу)* фақат Яъқубнинг дилидаги *(фарзандларига нисбатан меҳр-шафқатдан пайдо бўлган)* бир эҳтиёж эдики, у ўзининг *(шу эҳтиёжини)* қондирган эди, холос. Зотан, у Биз *(ваҳий орқали)* берган таълимимиз сабабли чуқур билим эгасидир. Лекин одамларнинг кўпи *(буни)* билмайдилар. 69. Қачонки улар Юсуфнинг ҳузурига кирганларида, у инисини ўзига тортиб: "Мен сенинг оғангман. Энди улар *(яъни, оға-иниларимиз)* қилгувчи бўлган нарса *(яъни, уларнинг ҳасад-адоватлари)*дан ташвиш қилмагин", деди. 70. Бас, қачонки уларнинг ҳожатларини равон қилгач, инисининг юки орасига *(билдирмай)* бир қадаҳни солиб қўйди. Сўнгра эса жарчи: "Эй карвон эгалари, сизлар ўғридирсизлар", деб жар солди. 71. Улар *(жарчилар карвондагиларнинг)* олдига келишгач: "Нима йўқотдингизлар?", дедилар. 72. *(Жарчилардан бири)* айтди: "Подшоҳнинг қадаҳини йўқотдик. Уни топиб келтирган кишига бир туя юк *(мукофотдир)*. Мен шунга вакилман". 73. Улар дедилар: "Оллоҳга қасамки, *(бизлар ўғри эмасмиз)*. Ахир бизлар бу ерга бузғунчилик қилиш учун келмаганимизни биласизлар-ку! Бизлар ўғри эмасмиз". 74. "Агар ёлғон айтган бўлсангизлар, *(ўғрининг)*

жазоси нима бўлур?", сўрашди *(жарчилар)*. 75. Улар дедилар: "Унинг жазоси, кимнинг юки орасидан топилса, ўша кимса жазоланур - қул қилинур. Бизлар *(ўғрилик қилиш билан ўзгаларга)* зулм қилган кимсаларни мана шундай жазолаймиз". 76. Бас, *(Юсуф алайҳис-саломнинг хизматкори ахтаришни)* унинг биродари *(Биняминнинг)* идишидан илгари уларнинг *(яъни, бошқа оға-иниларининг)* идишларидан бошлади. Сўнгра уни *(Юсуфнинг)* биродари идишидан "топиб" олди. Биз Юсуфга мана шундай ҳийла-тадбирни билдирдик. *(Чунки Миср)* подшоҳининг динида у биродарини *(ўғрилик қилгани учун қул қилиб)* олиб қола олмас эди. Магар Оллоҳнинг хоҳиши билан *(мазкур ҳийла-тадбир воситасидагина олиб қолди)*. Биз ўзимиз хоҳлаган кишиларни юксак даражаларга кўтарурмиз. Ҳар бир илм соҳибининг устида *(ундан устунроқ)* билимдон бордир. 77. Улар: "Агар бу *(Бинямин)* ўғрилик қилган бўлса *(эҳтимол, чунки)* илгари унинг биродари *(Юсуф)* ҳам ўғрилик қилган эди", дедилар. Бас, Юсуф бу гапни ичига солиб, уларга билдирмади. Ва: *(ўзича)* "Сизлар энг ёмон-тубан мартабададирсизлар *(яъни, бир вақтлар ўғилни отадан ўғирлаб кетгансизлар)*. Оллоҳ сизларнинг тўқиб чиқараётган гапларингизни жуда яхши Билгувчидир", деди. 78. Сўнг улар дедилар: "Эй улуғ зот, унинг бир кекса отаси бор. Сен унинг *(Биняминнинг)* ўрнига бизлардан биримизни олиб қолгин. Зотан, бизлар сенинг чиройли амалларни қилгувчи зотлардан эканлигингни кўрмоқдамиз". 79. *(Юсуф алайҳис-салом)* айтди: "Нарсамизни идишидан топиб олган кимсадан ўзгани олиб қолишдан Оллоҳ сақласин. Акс ҳолда шак-шубҳасиз, золим кимсалардан бўлиб қолурмиз". 80. Энди қачонки ундан умидлари узилгач, *(оға-инилар)* бир четга чиқиб хуфёна маслаҳатлашдилар. Уларнинг катталари айтди: "Оталарингиз сизларнинг устингизда Оллоҳдан васиқа *(яъни, аҳд-паймонингизни)* олиб қолганини унутдингизми?! Илгари Юсуф тўғрисида ҳам шундай сусткашлик қилган эдинглар. Бас, то отам менга изн бермагунича ёки Оллоҳ менинг фойдамга ҳукм қилмагунича *(яъни, инимиз озод бўлмагунича)* мана шу ердан ҳаргиз жилмайман. У Зот ҳукм қилгувчиларнинг Яхшироғидир. 81. Сизлар оталарингиз олдига қайтиб, айтинглар: "Эй ота, дарҳақиқат, ўғлинг ўғрилик қилди. Бизлар фақат кўрган-билган нарсамизга гувоҳлик бермоқдамиз. *(Олдин сенга уни асрашни ваъда қилганимизда)* ғайбни *(яъни, келажакда нима ишлар бўлишини)* билмаган эдик. 82. Биз бўлиб қайтган шаҳардан ва биз бирга келган карвондан сўраб-суриштиргин. Албатта бизлар рост сўзлагувчилармиз". 83. *(Улар*

Яъқуб алайҳис-саломнинг олдиларига келиб шу сўзларни айтишгач), у деди: "Йўқ, сизларга ҳавойи-нафсингиз бирон *(ёмон)* ишни чиройли қилиб кўрсатган. Энди *(менинг ишим)* чиройли сабр қилмоқдир. Шоядки, Оллоҳ уларнинг *(яъни, Юсуф, Бинямин ва катта ўғлимнинг)* барчаларини бағримга қайтарса. Албатта У Зот билим ва ҳикмат Соҳибидир". 84. Кейин улардан юз ўгириб, деди: "Эй бечора Юсуф-а!" ғам-алам ютавериб у зотнинг кўзлари оқарди *(ожиз бўлиб қолди).* 85. *(Шунда ўғиллари):* "Оллоҳ номига қасамки, сен то рамақижон бўлиб қолгунингча ё бир йўла ҳалок бўлгунингча Юсуфни эслайверадиган бўлдинг", дедилар. 86. У айтди: "Мен ғаму ташвишларимдан Ёлгиз Оллоҳгагина шикоят қилиб *(йиғламоқдаман)* ва мен Оллоҳнинг *(Меҳрибон, Раҳмли эканлиги ҳақида)* сизлар билмайдиган нарсаларни билурман. 87. Эй ўғилларим, боринглар, Юсуф ва унинг биродарини изланглар ва Оллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Оллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмгина ноумид бўлур". 88. *(Улар оталаридан бу сўзларни эшитгач, озиқ-овқатга алмаштириш учун бор бисотларини олишиб, яна Миср томонга равона бўлишди).* Энди қачонки *(Мисрга етиб келиб Юсуф алайҳис-саломнинг)* ҳузурига киришгач, дедилар: "Эй улуғ зот, бизни ва аҳли оиламизни очарчилик ушлади. Бизлар *(бу сафар ҳузурингга)* ўтмас матоларни олиб келдик. Бизларга етарли ўлчовда *(озиқ-овқат)* бергин ва бизларга хайр-садақа қилгин! Оллоҳ, шак-шубҳасиз, *(сендек)* садақа бергувчи зотларга мукофотлар ато этур". 89. *(Юсуф алайҳис-салом оға-иниларини бундай забун ҳолатда кўргач, тоқат қила олмасдан)* деди: "Ёш-нодон бўлган пайтингизда Юсуф ва унинг биродарига нима ишлар қилганларингизни эслайсизлармй?" 90. Улар: "Сен Юсуфмисан?", деб сўрадилар. "Ҳа, мен Юсуфман, бу эса биродаримдир. Оллоҳ бизга марҳамат кўргузди *(яъни, шунча йиллик айрилиқ азобидан кейин бизни яна бирлаштирди).* Дарҳақиқат, кимда-ким Оллоҳдан қўрқиб, сабру қаноат қилса, албатта Оллоҳ бундай чиройли амалларни қилгувчи кишиларнинг ажру мукофотини зое қилмас", деди у. 91. Улар дедилар: "Оллоҳга қасамки, Оллоҳ сени бизлардан афзал қилмишдир. Бизлар эса, шак-шубҳасиз, адашгувчилардан бўлдик". 92. У деди: "Бу кун сизлар айбланмайсиз. Оллоҳ сизларни мағфират қилгай. У Зот раҳм қилгувчиларнинг Раҳмлироғидир. 93. Сизлар мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташласангиз, унинг кўзлари очилур. Сўнг барча аҳли оилаларингиз билан бирга менинг олдимга келинглар"! 94. Карвон *(Мисрдан)* чиқиши биланоқ оталари *(Яъқуб алайҳис-салом ўз уйларида туриб, ҳузуридаги кишиларга):* "Мен

Юсуфнинг бўйини туймоқдаман. Агар мени ақлдан озган демасангизлар *(Юсуф тирик, деган бўлур эдим)*", **деди. 95.** *(Улар)* **айтдилар: "Оллоҳга қасамки, сен** *(ҳали ҳам)* **ўша эски хатойингда турибсан". 96. Энди қачонки хушхабарчи келиб, уни** *(яъни, Юсуфнинг кўйлагини Яъқубнинг)* **юзига ташлагач, унинг кўзлари очилди. "Сизларга мен Оллоҳнинг** *(Меҳрибон, Раҳмли эканлиги ҳақида)* **сизлар билмайдиган нарсаларни билурман, демаганмидим", деди у. 97. Улар дедилар: "Эй ота,** *(Оллоҳдан)* **бизларнинг гуноҳларимизни мағфират қилишини сўрагин! Албатта бизлар хато қилгувчилардан бўлдик". 98. У айтди: "Албатта Парвардигоримдан сизларни мағфират қилмогини сўрайман. Зотан, Ёлгиз У Зотгина Мағфират қилгувчи, Меҳрибондир".**

И з о ҳ: Яъқуб алайҳис-салом Юсуф алайҳис-саломнинг ҳаётлиги ҳақидаги хушхабардан беҳад шод бўлиб ва Оллоҳ таолога беадад шукрлар айтиб, дарҳол ўзининг барча аҳли оила, қариндош-уруғлари билан Миср томон йўл олдилар. Юсуф алайҳис-салом ҳам Миср шаҳрининг четига чодирлар тикиб ота-онасининг йўлларига интизор бўлиб турди.

99. Энди қачонки *(манзилга етиб келишиб)* **Юсуфнинг ҳузурига** *(чодирига)* **кирганларида, у ўзини ота-онасининг қучогига отди ва "Иншооллоҳ, Мисрга тинч-омон кирингглар", деди. 100.** *(Кейин, Мисрга кириб Юсуф алайҳис-саломнинг саройига келганларидан сўнг)* **у ота-онасини ўзининг тахтига чиқарди ва улар** *(яъни, ота-она ва ога-инилари Юсуф алайҳис-саломга)* **сажда - таъзим қилган ҳолларида йиқилдилар. У деди: "Эй отажон, мана шу** *(қирқ йил)* **илгари кўрган тушимнинг таъбиридир. Парвардигорим уни рост қилди. Дарҳақиқат, У Зот менга** *(буюк)* **инъом қилди - мени зиндондан чиқарди, шайтон мен билан ога-иниларим орасини бузиб игво қилганидан кейин, мана, сизларни чўлу саҳродан** *(Мисрга эсон-омон ҳолингизда)* **келтирди. Албатта Парвардигорим Ўзи хоҳлаган нарсани сездирмай амалга оширгувчи Зотдир. Албатта Унинг Ўзигина билим ва ҳикмат Соҳибидир. 101. Парвардигорим, менга подшоҳликни ато этдинг, яна** *(барча)* **тушларнинг таъвил-таъбирларидан таълим бердинг. Эй осмонлар ва Ерни яратган Зот, дунё-ю Охиратда Ўзинг Хожамдирсан.** *(Умрим битиб, сен Ўзинг белгилаб қўйган ажалим етганида)* **мусулмон ҳолимда жонимни олгин ва мени ҳам солиҳ бандаларинг қаторига қўшгин". 102.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **бу Биз Сизга ваҳий қилаётган ғайб хабарларидандир.** *(Чунки Сиз Юсуфнинг ога-инилари)* **макр-ҳийла билан ўзларининг режаларини тузиб иттифоқ қилишаётган пайтларида уларнинг**

ёнларида ҳозир эмасдингиз. 103. Гарчи Сиз *(барча одамларнинг иймон келтиришларини)* жуда истасангиз-да, одамларнинг кўплари мўмин бўлмайдилар. 104. Сиз улардан бу *(даъватингиз)* учун бирон ажр-ҳақ сўрамайсиз. Бу *(Қуръон)* фақаттина барча оламлар учун бир Эслатмадир, холос. 105. Осмонлар ва Ерда *(Оллоҳнинг борлиги ва бирлигига далолат қилгувчи)* қанчадан-қанча оят-аломатлар бордир. *(Лекин)* улар бу оятлардан юз ўгирган ҳолларида ўтиб кетаверадилар. 106. Уларнинг кўплари Оллоҳга фақат мушрик бўлган ҳолларидагина иймон келтирадилар.

Изоҳ: Дарҳақиқат, баъзилар ўзлари Оллоҳга иймон келтирсалар-да, ҳаётларида ўша Ягона Оллоҳ яратган қуёш, ой, олов каби нарсаларга сиғиниб ёки ўзларини "худо" фаҳмлайдиган золим ҳокимларга бўйинсуниб, уларнинг инсониятни ҳалокатга олиб борувчи "ойдин йўллари"га эргашиб яшаб ўтадилар. Бу оятларда бундай кимсаларнинг мушрик эканликлари уқтирилади ва уларга ногаҳоний бало келишидан ёки Қиёмат қойим бўлишидан илгари ўзларини ўнглаб Ягона Оллоҳга қайтишлари тавсия этилади.

107. Ёки улар Оллоҳнинг азобидан бирон бало-офат келиб қолишидан ё тўсатдан улар сезмаган ҳолларида Қиёмат қойим бўлишидан хотиржаммилар?! 108. Айтинг: "Менинг Йўлим шудир. Мен Оллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга - ишончга эгамиз. *(Ҳар қандай шерикдан)* Оллоҳни поклайман. *(Зеро)*, мен мушриклардан эмасман". 109. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Биз Сиздан илгари ҳам *(фаришталарни эмас)* фақат шаҳар аҳлларидан бўлган кишиларни *(яъни, инсонларни)* пайғамбар қилиб, уларга ваҳий юборганмиз. Ахир *(одамлар)* Ер юзида сайру саёҳат этишиб, ўзларидан аввалги *(иймонсиз)* кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўрсалар бўлмайдими? *(Оллоҳдан)* қўрққан зотлар учун, шак-шубҳасиз, Охират диёри *(бу фоний дунёдан)* яхшироқдир. Ақл юргизмайсизлармиѕ?! 110. Ҳар қачон ўша пайғамбарларимиз ноумид бўлиб: "Бизлар ёлғончи қилиндик - пайғамбар эканлигимизга ишонмадилар", деб ўйлай бошлаганларида, уларга Бизнинг мададимиз - ғалабамиз келиб, Биз хоҳлаган кишиларга нажот берилар эди. *(Аммо)* жиноятчи бўлган қавмдан бизнинг азобимиз қайтарилмас! 111. Дарҳақиқат, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бордир. *(Ушбу Қуръон)* тўқиб чиқариладиган сўз эмас, балки у ўзидан аввалги нарсаларни *(яъни, самовий Китобларни)* тасдиқ этувчи, *(унга)* иймон келтирадиган қавм учун барча нарсаларни муфассал баён қилиб берувчи Ҳидоят ва Раҳмат *(бўлган бир Китобдир)*.

РАЪД сураси (13)

Бу сура қирқ уч оятдан иборат бўлиб, Мадинада нозил бўлган. Бу сура бошлаб, Оллоҳ таолонинг борлиги ва бирлигига иймон келтириш масаласини ўртага ташлаб, сўнг қайта тирилиш ва ҳаёти дунёда қилиб ўтилган ҳар бир ёмон-яхши амал учун Қиёмат Кунида жазо-мукофот бўлиши ҳақида хабар қиладиган оятлар билан давом этади. Унда ҳақиқат билан ботил тўғрисида икки ибратли масал келтирилади. Уларнинг биринчисида жилғаларни тўлдириб оқиб келаётган ёмғир суви ҳақиқатта, сув устидаги кўпик эса ботилга ташбеҳ қилинса, иккинчисида ҳар қандай ерости маъданлари ҳам эритилганида улардан соф қимматбаҳо маъдан билан бирга уларга аралашиб қолган оддий тошлар ҳам чиқиши айтилиб, соф маъдан ҳақиқатта, чиқиндилар эса ботилга ўхшатилади. Мана шунга ўхшаш ибратли мисолларни ўзига жо қилган бу сурада момақалдироқ ҳақида ҳам зикр қилиниб, ҳатто у ҳам Оллоҳ таологa тасбеҳ айтиб, У Зотни поклаб туриши баён қилинадики, бу суранинг "Раъд - Момақалдироқ" деб номланишининг сабаби шудир.

Бизнинг назаримизда, бу улуғ сура тўласича ҳам бир даҳшатли момақалдироққа ўхшайди. У момақалдироқ мўминларни ёмғирга - Оллоҳнинг раҳматига умидвор қилса, кофирларни чақмоқ уришидан - Оллоҳнинг азобига дучор бўлишдан қўрқувга солади

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Алиф, Лом, Мим, Ро. Ушбу *(оятлар)* **Китоб** *(Қуръон)* **оятларидир.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган бу Нарса** *(яъни, Қуръон айни)* **Ҳақиқатдир, лекин одамларнинг кўплари иймон келтирмайдилар. 2. Оллоҳ осмонларни сизлар кўргудек устунларсиз кўтариб қўйган, сўнгра Ўз Аршига ўрнашган Зотдир. У Зот қуёш ва ойни** *(Ўз амрига)* **бўйсундирди. Уларнинг ҳар бири муайян муддатгача** *(яъни, Қиёмат қойим бўлгунича)* **сайр қилаверар.** *(Оллоҳ)* **барча ишнинг тадбирини қилур ва сизлар**

(Қиёмат Кунида) Парвардигорингизга рўбарў бўлишга иймон келтиришингиз учун Ўз оятларини муфассал баён қилур. 3. У Ерни ёйиқ қилиб яратиб, унда ўрнашган тоғлар ва дарёлар пайдо қилган Зотдир. У Ердаги ҳар мевани иккитадан - жуфт-жуфт *(яъни, эркак-урғочи)* қилиб яратди. У кечани кундуз устига ўрар *(яъни, кеча-кундуз ҳам бир-бирларининг жуфтларидир)*. Албатта бу *(мисоллар)*да тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир.

И з о ҳ: Дарҳақиқат, тафаккур қилиб кўрилса, бу оламда ҳамма нарса жуфт-жуфт қилиб яратилгани маълум бўлади: қуёшнинг жуфти ой, Ернинг жуфти осмон, куннинг жуфти тун, дунёнинг жуфти Охират... Агар мана шу мантиқ ҳақ бўлса, Охират борлиги ҳам барҳақдир. Ёлғизлик фақат Оллоҳ таолога ярашур.

4. Бу Ерда бир-бирига қўшни бўлган бўлак-бўлак *(яъни, бири унумдор бўлса, бири шўр ерлар)*, узумзор боғлар, экинзорлар ва шохлаб кетган-шохламаган хурмолар бўлиб, *(уларнинг ҳаммаси ҳам)* бир сув билан суғорилур. *(Лекин)* Биз уларнинг айримларидан айримларини таъмлироқ-ейишлироқ қилиб қўюрмиз. Албатта бунда ҳам ақл юргизадиган қавм учун *(Оллоҳнинг қудратига далолат қиладиган очиқ)* оят-ибратлар бордир.

И з о ҳ: Дарвоқеъ, оёғимиз остидаги Ерга ибрат назари билан боқайлик, ақл юритайлик. Нега бир ердан, бир хил сув ичиб чиқаётган экинлар, меваларнинг суратлари - кўринишлари бу қадар хилма-хил, таъмлари - мазалари мутлақо бир-бирларига ўхшамайди - бири тотли, бири аччиқ, бири ширин, бири нордон... Демак, гап Ер билан сувда эмас, балки Еру сувни ҳам, тоғ ва дарёларни ҳам, қуёш ва ойни ҳам Эгаси бўлган Оллоҳ таолонинг қудрат ва хоҳишида. Еру осмондаги барча нарсани инсон зотига хизматкор қилиб қўйган Илоҳий Меҳрида, Марҳаматида экан.

5. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, агар *(бирон нарсадан)* ажаблансангиз, у ҳолда уларнинг *(кофирларнинг)*: "Тупроқ бўлиб кетгач, бизлар яна янгитдан яратилар эканмизми?", деган гаплари ажабланарлидир. Улар *(ўзларини яратган)* Парвардигорларига кофир бўлган кимсалардир. *(Қиёмат Кунида)* уларнинг бўйинларида кишанлар бўлур. Улар дўзах эгалари бўлиб, ўша жойда абадий қолурлар. 6. Улар Сиздан яхшилик - Оллоҳнинг раҳматидан аввал ёмонлик - Оллоҳнинг азоби келишини талаб қиладилар. Улардан илгари ҳам бундай мисоллар *(кофирликлари сабабли Оллоҳнинг азобига дучор бўлганлар)* ўтгандир. Албатта Парвардигорингиз одамлар ўзларига зулм қилгувчи бўлган ҳолларида ҳам мағфират Эгасидир. Албатта Парвардигорингиз азоби қаттиқ Зотдир.

баробар бўлурми?" Ё улар *(Оллоҳ)* яратгани каби ярата оладиган бутларни Оллоҳга шерик қилишиб олиб, сўнгра уларга ратилган нарсалар*(ни Оллоҳ яратганми ёки сиғинаётган бутлари яратганми)* номаълум бўлиб қолдими? Айтинг: "Оллоҳ барча нарсани Яратгувчидир ва У Танҳо Ғолибдир". 17. *(Оллоҳ)* осмондан сув *(ёмғир)* ёғдирганида жилғалар тўлиб-тошиб оқиб, бу сел ўз устида кўпикларни ҳам кўтариб келур. *(Одамлар)* зеб-зийнат ёки асбоб-ускуна ясаш учун ўтда эритадиган нарса-маъданлардан ҳам шунга ўхшаш кўпик *(чиқинди пайдо)* бўлур. - Оллоҳ Ҳақ билан ботилни мана шундай *(мисол билан)* баён қилур. - Энди у кўпик-чиқинди ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга фойдали бўлган нарса эса Ер юзида қолур. Оллоҳ мисолларини мана шундай баён қилур. 18. Парвардигорларига итоат этган зотлар учун гўзал мукофот - жаннат бордир. У Зотга итоат қилмаган кимсалар эса агар Ердаги бор молу давлат *(яна)* икки баробар *(кўпайиб)* уларнинг ўзлариники бўлса, албатта уни *(Қиёмат Кунида Оллоҳнинг азобидан қутулиш учун)* фидо қилган бўлур эдилар. Улар учун энг ёмон ҳисоб-китоб бўлур. Уларнинг жойлари жаҳаннамдир. Нақадар ёмон жой у! 19-20. *(Эй Муҳаммад алайҳиссалом)*, ахир Сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарса аниқ ҳақиқат эканини биладиган - иймон келтирадиган киши *(кўнгил кўзи)* кўр кимсага ўхшайдими? *(Бу оятлардан)* фақат Оллоҳга берган аҳдларига вафо қиладиган ва мийсоқ - ваъдаларини бузмайдиган ақл эгаларигина эслатма олурлар. 21. Улар Оллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни *(яъни, қариндош-уруғлар билан алоқани)* боғлайдилар. Парвардигорларидан қўрқадилар ва оғир ҳисоб-китобга дучор бўлишдан қўрқиб, *(доим чиройли амаллар қилишга интиладилар)*. 22-23. Парвардигорларининг Юзини кўзлаб *(меҳнат-машаққатларга)* сабр-тоқат қилган, намозларини тўкис адо этган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ-эҳсон қилган ҳамда ёмонликни яхшилик билан қайтарадиган зотлар - ана ўшалар учун Охират диёри бордирки, *(у диёр)* абадий туриладиган жаннатлар бўлиб, улар у жойларга, ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан иборат бўлган солиҳ кишилар билан бирга кирурлар. Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб *(дерлар)*: 24. "*(Оллоҳ Йўлида меҳнат-машаққатларга)* сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли *(энди бу жаннатларда)* сизларга тинчлик-осойишталик бўлгай. Охират диёри нақадар яхши!" 25. Оллоҳга берган аҳд-паймонларини мустаҳкам бўлганидан кейин бузадиган, Оллоҳ боғланишига

буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун *(Оллоҳнинг)* лаънати бўлур ва улар учун энг ёмон диёр - жаҳаннам бордир. 26. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва *(Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини)*, танг қилур. *(Мушриклар)* мана шу ҳаёти дунё билан шод-хуррам бўлдилар, ҳолбуки, бу ҳаёти дунё Охират олдида фақат бир арзимас матодир. 27. Куфр йўлини тутган кимсалар: "Унга *(Муҳаммад алайҳис-саломга)* Парвардигори томонидан бирон оят-мўъжиза нозил қилинса эди", дедилар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* айтинг: "Албатта Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур ва *(Оллоҳга)* ижобат-тавба қилган кишиларни Ўз *(Динига)* ҳидоят қилур". 28. Улар иймон келтирган ва қалблари Оллоҳни зикр қилиш - эслаш билан ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлингизким, Оллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур. 29. Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар учун хушнудлик ва гўзал оқибат - жаннат бордир. 30. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, шундай қилиб, Биз Сизни *(кўпдан-кўп)* авлодлардан кейин келган бир авлодга Биз Сизга ваҳий қилган нарсаларни тиловат қилиб беришингиз учун Пайғамбар қилиб юбордик. Улар эса Меҳрибон *(Оллоҳга)* кофир бўлмоқдалар! Айтинг: "У *(Меҳрибон Оллоҳ)* менинг Парвардигоримдир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. Унинг Ўзига таваккул қилдим - суяндим ва Унинг Ўзига тавба-тазарруъ қилурман". 31. Агар бир Қуръон бўлиб, унинг ёрдами билан тоғлар жойидан жилдирилса ё унинг ёрдами билан Ер ёрилиб *(дарёлар пайдо қилинса)* ёки унинг ёрдами билан ўликлар тилга киритилса ҳам *(кофир бўлган кимсалар иймон келтирмайдилар)*. Йўқ, барча иш Ёлгиз Оллоҳнинг *(илкидадир. Яъни, Оллоҳ хоҳласа иймон келтирадилар, агар У Зот хоҳламас экан, барча талаблари бажо қилинганида ҳам улар иймон келтирмайдилар)*.

И з о ҳ: Ушбу оят мушриклар Пайғамбар алайҳис-саломга: "Агар ҳақиқий пайғамбар бўлсанг, тоғларни жойидан жилдириб, уларнинг ўрнида дарё ва чашмалар пайдо қилгин; ўлган ота-боболаримизни тирилтиргин; улар тилга кириб, сенинг пайғамбарлигингга гувоҳлик берсинлар, шунда бизлар ҳам сенга иймон келтирамиз", деганларида нозил бўлгандир. Оят давомида келадиган қуйидаги жумлаларда: "Бирон мўъжиза кўрсатилса мана шу мушриклар ҳам иймон келтирармиканлар", деб умидвор бўлган айрим саҳобаларга танбеҳ бериб айтилади.

Иймон келтирган кишилар агар Оллоҳ хоҳласа, шак-шубҳасиз, *(бирон мўъжиза нозил қилмасданоқ)* барча одамларни

ҳидоят қилишини *(бу иш Оллоҳ учун осон эканини)* **билмадиларми?!** *(Лекин Оллоҳнинг Ўзигина биладиган ҳикмат сабабли У Зот Ҳидоят Йўлига юриш ё юрмасликни бандаларининг ихтиерига ташлаб қўйгандир).* **То Оллоҳнинг ваъдаси келгунича** *(яъни, Макка мусулмонлар тарафидан фатҳ қилингунча ҳам)* **куфр йўлини тутган кимсаларга ўзларининг қилган қилиқлари сабабли мудом турли офат-балолар етиб турар ёки уларнинг диёрларига яқин жойларга** *(кулфат)* **тушиб** *(уларни безовта, беҳаловат қилиб турар).* **Албатта Оллоҳ ваъдасига хилоф қилмас. 32.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиздан аввалги пайғамбарларнинг устидан ҳам кулиб-масхара қилинганида, Мен ўша** *(пайғамбарларини ёлғончи қилиб)* **куфр йўлини тутган кимсаларга** *(бир оз)* **муҳлат бериб сўнгра уларни** *(Ўзимнинг азобим билан)* **ушлаганман. Сўнг уларни қандай жазолаганимни** *(билурсиз).* **33. Ҳар бир жоннинг қилган амали устида** *(Кузатиб)* **тургувчи Зот** *(ҳеч нарсани кўрмайдиган эшитмайдиган жонсиз бутларга ўхшайдими?!")* **Улар** *(турли махлуқларни)* **Оллоҳга шерик қилиб олдилар.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* **айтинг: "У бутларингизнинг номларини** *(ва уларнинг қўлларидан келадиган ишларини)* **айтинглар-чи? Балки** *(Оллоҳга)* **Ер юзидаги У Зот билмайдиган бирон нарсасининг хабарини берарсизлар?! Ёки фақат юзаки гап билан** *(яъни, ҳеч қандай иш-амал қўлидан келмайдиган жонсиз нарсаларни қуруқ сўзларга ишониб худо деб сиғиниб юрибсизларми?")* **Йўқ, куфр йўлини тутган кимсаларга ўзларининг макр-алдовлари чиройли кўрасатилди ва улар** *(Ҳақ)* **Йўлдан тўсилдилар. Кимни Оллоҳ йўлдан оздирса, унинг учун бирон ҳидоят қилгувчи бўлмас. 34. Улар учун ҳаёти дунёда ҳам азоб бўлур. Аммо Охират азоби оғирроқ-қаттиқроқдир. Уларни Оллоҳ** *(азоби)***дан сақловчи йўқдир. 35. Тақво эгалари учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли** *(будир):* **унинг остидан дарёлар оқур, мевалари ва соялари боқийдир. Бу тақво-парҳез билан ўтган зотларнинг оқибати - келажагидир. Кофирларнинг оқибати эса дўзахдир. 36.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Биз Китоб** *(Таврот, Инжил)* **ато этган кишилар Сизга нозил қилинган Нарса** *(Қуръон)* **сабабли шодланадилар.**

Изоҳ: Ривоят қилишларича, яҳудий ва насронийлардан бўлган Абдуллоҳ ибн Салом, Нажоший каби айрим кишилар ҳазрати Муҳаммад алайҳис-саломга Қуръон нозил бўлганидан хабар топишгач, ўзларининг Китоблари - Таврот ва Инжилдаги Оллоҳ таоло Ўзининг охирги Пайғамбарини юбориш ҳақида берган ваъдаси амалга ошганидан шодланишиб, Пайғамбар алайҳис-саломга иймон келтирган эканлар.

(Яҳудий ва насронийлардан Сизга қарши бўлган) тўдалар орасида унинг *(Қуръоннинг)* бир қисмини инкор қиладиган кимсалар ҳам бордир. *(Уларга)* айтинг: "Абатта, мен Ёлгиз Оллоҳга ибодат қилишга ва Унга *(бировни)* шерик қилмасликка маъмурман *(амр этилганман)*. Мен фақат Ўша Зотга *(ибодат қилишга)* даъват қилурман ва Ёлгиз Унинг Ўзига қайтишим бордир". 37. Шунингдек, *(яъни, илгари ўтган пайғамбарларимизга ўз тилларида ваҳий юборганимиз каби)* Биз уни *(Қуръонни)* арабий ҳукм ҳолида нозил қилдик. Қасамки, агар Сиз *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, ўзингизга келган бу билимдан сўнг уларнинг ҳою ҳавасларига эргашсангиз, Сиз учун Оллоҳ томонидан бирон дўст ҳам, сақловчи ҳам бўлмас. 38. Дарҳақиқат, Сиздан илгари ҳам *(кўп)* пайғамбарлар юборганмиз ва уларга жуфтлар ва зурриётлар берганмиз. Бирон пайғамбар учун бирон оят-мўъжиза келтириш имкони бўлмаган, магар Оллоҳнинг изни-иродаси билангина *(келтирганлар)*. Ҳар бир вақт учун *(муносиб)* китоб-ҳукм бордир. 39. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани *(яъни, ҳукмни)* ўчирур ва *(Ўзи хоҳлаган ҳукмни)* устивор қилур. Асл Китоб *(яъни, Лавҳул-Маҳфуз)* Унинг даргоҳидадир. 40. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, агар Биз Сизга *(кофирларга)* ваъда қилган айрим нарсаларни *(яъни, азобларимизни)* кўрсатсак ҳам ёки Сизни *(уларни азоблашдан илгари)* вафот қилдирсак ҳам, албатта Сизнинг зиммангизда *(барибир Ҳақ Динни одамларга тўла)* етказиш, Бизнинг зиммамизда эса ҳисоб-китоб қилиш бордир. 41. *(Макка мушриклари)* Биз уларнинг ерларига келиб уни атрофидан камайтираётганимизни *(яъни, мусулмонлар қадам-бақадам фатҳ қилиб келаётганларини)* кўрмадиларми? Оллоҳ ҳукм қилур - Унинг ҳукмини текширувчи бўлмас. У тез ҳисоб-китоб қилгувчидир. 42. Улардан илгари ўтган кимсалар ҳам *(ўзларининг пайғамбарларига қарши турли)* макр-ҳийлалар қилганлар. Аммо барча макр-ҳийлалар Оллоҳнинг *(илкидадир. Демак, Ўша Зотдан амр бўлмаса, бирон макр фойда-зарар етказа олмайди)*. У Зот ҳар бир жоннинг қилаётган ишини билур. Яқинда кофирлар Охират диёри кимники эканини билиб олажаклар. 43. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Сизга)* кофир бўлган кимсалар: "Пайғамбар эмассан", дейдилар. Айтинг: "Мен билан сизларнинг орамизда Оллоҳ етарли гувоҳдир ва Китоб - Қуръон илмидан хабардор бўлган *(яъни, Оллоҳнинг Каломини бандаларнинг сўзларидан ажрата оладиган)* ҳар бир киши *(етарли гувоҳдир)*.

ИБРОҲИМ сураси (14)

Маккада нозил қилинган бу сура эллик икки оятдир. Бу сурада ҳам Макка сураларининг аксарисида бўлгани каби эътиқод, ваҳий, тавҳид - Оллоҳнинг бирлигига иймон келтириш, қайта тирилиш ва хусусан Қиёмат Кунида бўладиган ҳисоб-китоб ва жазо-мукофот тўғриларида батафсил сўз юритилади.

Сура пайғамбарлар зиммасига юклатилган вазифа инсониятни зулматлардан нурга олиб чиқиш эканини баён этувчи оят билан бошланади. Бу билан биринчидан, ҳаётда зулматлар - эгри-нотўғри йўллар кўп, Нур - Ҳақиқат Йўли эса танҳо бўлиши баён қилинса, иккинчидан, ўша ягона нурга фақат пайғамбарлар - Оллоҳнинг элчиларига нозил бўлган ваҳий воситасидагина етиш мумкинлиги уқтирилади. Яна бу сурадан Мусо пайғамбарнинг ўз қавми билан бўлган мулоқотларидан бири ҳақидаги оятлар ҳам жой олгандир.

Суранинг "Иброҳим" деб аталишига сабаб, унда пайғамбарлар отаси Иброҳим алайҳис-саломнинг Маккага келишлари ва у ерда Оллоҳ таолога қилган дуо-илтижолари хусусида муфассал ҳикоя қилинганидир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Алиф, Лом, Ро. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, бу Қуръон)* **Сиз одамларни Парвардигорларининг изни-иродаси билан зулматлардан нурга - қудрат ва ҳамду сано Эгаси бўлган Зотнинг Йўлига - олиб чиқишингиз учун Биз Сизга нозил қилган Китобдир. 2. Оллоҳ - осмонлардаги бор нарса ва Ердаги бор нарса Ўзиники бўлган Зотдир. Кофирлар учун қаттиқ азоб - ҳалокат бўлгай. 3. Улар ҳаёти дунёни Охиратдан афзал биладиган,** *(одамларни)* **Оллоҳнинг Йўлидан тўсадиган ва уни эгишни-бузишни истайдиган кимсалардир. Улар узоқ - қаттиқ адашишдадирлар. 4. Биз ҳар бир пайғамбарни** *(Бизнинг ҳукмларимизни)* **баён қилиб бериши учун ўз қавмининг тили билан** *(сўзлайдиган қилиб)* **юборганмиз. Сўнгра Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсани йўлдан оздирур ва Ўзи хоҳлаган кишини ҳидоят қилур. У Қудратли, Ҳикматли Зотдир.**

Изоҳ: Пайғамбарларнинг вазифаси даъватдир. Бирон кишини йўлдан оздириш ёки Ҳақ Йўлга ҳидоят қилиш эса ҳеч қайси пайғамбарнинг қўлидан келмайди - бу Ёлгиз Оллоҳ таолонинг хоҳишига боғлиқ ишдир.

5. Дарҳақиқат, Биз Мусони *(бани Исроил қавмига)* Ўз оятларимиз билан юбориб *(унга дедик)*: "Қавмингни *(куфр)* зулматларидан *(иймон)* нурига олиб чиққин ва уларга Оллоҳнинг кунларини *(яъни, Оллоҳнинг неъматларини)* эслатгин! Албатта бу *(неъматлар)*да ҳар бир сабр-қаноатли, шукр қилгувчи киши учун оят-ибратлар бордир". 6. Ўшанда Мусо қавмига айтди: "Оллоҳнинг сизларга берган неъматини - сизларни оғир азоблар билан қийнаётган, ўғилларингизни сўйиб, хотинларингизни тирик қолдираётган Фиръавн одамларидан қутқарганини эслангиз. Ана ўша ишларда Парвардигорингиз томонидан буюк синов бордир. 7. Яна Парвардигорингиз билдирган *(бу сўзларни)* эслангиз: "Қасамки, агар сизлар *(Менинг берган неъматларимга)* шукр қилсангизлар, албатта *(уларни янада)* зиёда қилурман. Энди агар куфрони *(неъмат)* қилсангизлар, албатта азобим ҳам жуда қаттиқдир". 8. Мусо яна деди: "Агар сизлар ўзингиз ва Ер юзидаги барча кишилар кофир бўлсангизлар ҳам *(Оллоҳга бирон зиён етказа олмайсизлар)*. Зеро, Оллоҳ *(сизларнинг шукр қилишингиздан)* Беҳожат, ҳамду сано Эгасидир". 9. Сизларга илгари ўтган кишиларнинг - Нуҳ қавмининг, Од, Самуд *(қабилаларининг)* ва улардан кейин ўтган, *(сону саноқларини)* фақат Оллоҳгина биладиган қавмларнинг хабари келмадими? Уларга пайғамбарлари *(ўзларининг ҳақ пайғамбар эканликларини билдирувчи)* ҳужжатлар келтирганларида, улар қўллари билан *(пайғамбарларнинг)* оғизларини тўсиб, дедилар: "Биз сизлар элчи қилиб юборилган нарсага - динга кофир бўлдик. Чунки биз сизлар бизни даъват қилаётган динингиздан шак-шубҳададирмиз". 10. Пайғамбарлари айтдилар: "Осмонлар ва Ернинг Яратувчиси бўлмиш Оллоҳ*(нинг борлиги ва бирлиги)* хусусида шак-шубҳа бўлиши мумкинми?! У Зот сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилиш ва ўзларингизни маълум муддатгача *(ҳалок қилмай)* қолдириш учун *(иймонга)* даъват қилмоқда-ку!" Улар дедилар: "Сизлар ҳам худди ўзимизга ўхшаган одамларсиз, фақат бизни ота-боболаримиз ибодат қилиб ўтган нарсадан *(санамларга сиғинишдан)* тўсмоқчисизлар, холос. Бас, *(агар чин пайғамбар бўлсангизлар)* бизга аниқ бир ҳужжат далил келтиринглар-чи?!" 11. Пайғамбарлари уларга айтдилар: "*(Ҳа)*, биз ҳам худди сизларга

ўхшаган одамлармиз, лекин Оллоҳ Ўзи хоҳлаган бандаларига *(пайғамбарлик)* инъом қилур. Биз сизларга бирон ҳужжат келтира олмаймиз, магар Оллоҳнинг изни-иродаси билангина *(келтиришимиз мумкин)*. Мўминлар Ёлғиз Оллоҳгагина таваккул қилсинлар. 12. *(Ахир)* бизни *(Тўғри)* Йўлимизга ҳидоят қилган Оллоҳга нечун таваккул қилмаймиз. Албатта биз сизлар етказган озорларга сабр қилурмиз. Таваккул қилгувчилар Ёлғиз Оллоҳга таваккул қилсинлар".

И з о ҳ: Ибн ал-Жавзий айтишларича, Муҳаммад алайҳис-саломга ўтган пайғамбарларнинг қиссалари бу тарзда сўйлаб берилишига сабаб, биринчидан, у зотга ўзидан аввалги салафларининг ҳоли-хабарларини етказиш бўлса, иккинчи томондан, ўзларининг бошларига ҳам у пайғамбарлар ўз умматлари тарафидан кўрган кўргуликлар тушиши мумкинлиги ва бундай ҳолатда улар каби сабр-тоқат қилиш лозимлигини уқтиришдир. Таваккул - уламолардан Абу Туробнинг таърифлашича,- ўзни мудом ибодатга чоғлаш, дилни Ёлғиз Парвардигорга боғлаш, сафоли кунларда шукр қилиш, балоли кунларда сабр қилишдир.

13-14. Куфр йўлини тутган кимсалар ўзларига келган пайғамбарларга: "Албатта биз сизларни еримиздан ҳайдаб чиқарурмиз ёки сизлар бизнинг динимизга қайтурсизлар", дедилар. Шунда Парвардигорлари уларга *(яъни пайғамбарларга)*: "Албатта Биз бу золимларни ҳалок қилурмиз ва улардан сўнг шу ерни сизлар учун маскан қилурмиз. Бу *(ваъда Қиёмат Кунида)* Менинг ҳузуримда *(сўроқ-савол бериб)* туришдан қўрқувчи ва Менинг *(кофирларни дўзахга гирифтор қилиш хусусидаги)* ваъдамдан хавф қилгувчи кишилар учундир", деб ваҳий юборди. 15. *(Сўнгра пайғамбарлар Оллоҳдан)* мадад тиладилар *(Оллоҳ уларнинг дуо-илтижоларини мустажоб қилди)* ва барча жабркор-саркаш кимсалар бахтсизликка дучор бўлдилар. 16-17. Унинг *(яъни, ҳар бир кофир бўлган кимсанинг)* олдида жаҳаннам бордир. *(Жаҳаннамда)* унга йирингли сувдан берилганида, уни ютмоқчи бўлади-ю, *(томоғидан)* ўтказолмайди, унга ҳар томондан ўлим келади-ю, у ўлолмайди. Унинг ортида *(бундан-да)* оғир азоб бордир. 18. Парвардигорларига кофир бўлган кимсалар қилган амалларининг мисоли худди бўронли кунда қаттиқ шамол учириб кетган кулга ўхшайди - улар қилган амалларидан бирон фойдага эга бўлаолмайдилар. Бу узоқ - қаттиқ йўлдан озишдир. 19 *(Эй инсон)*, Оллоҳ осмонлар ва Ерни Ҳақ *(қонун)* билан яратиб қўйганини кўрмадингми?! Агар У Зот хоҳласа сизларни кетказиб,

(ўрнингизга ўзгаларни) янгитдан яратур. 20. Бу *(иш)* Оллоҳ учун қийин эмасдир. 21. *(Қиёмат Кунида)* барча *(халойиқ)* Оллоҳга рўбарў бўлиб, бечора *(эргашувчи)*лар мутакаббир кимсаларга *(яъни, ўзларининг собиқ йўлбошчиларига)*: "Бизлар сизларга эргашган эдик, энди сизлар бизларни Оллоҳнинг бирон азобидан қутқара олурмисизлар?!", деганларида, улар айтдилар: "Агар Оллоҳ бизни *(Ҳақ Йўлга)* ҳидоят қилганида биз ҳам сизларни ҳидоят қилган бўлур эдик. *(Энди эса)* дод-вой қиламизми, сабр-қаноат қиламизми, биз учун баробардир - ҳеч қандай нажот йўқдир". 22. Қачонки, иш тугагач *(яъни, жаннат аҳли жаннатга сазовор бўлиб, дўзахилар дўзахга ҳукм қилингач)*, шайтон деди: "Албатта Оллоҳ сизларга ҳақ ваъда қилган эди. Мен эса *(ёлғон)* ваъдалар бериб, сизларни алдаган эдим. *(Лекин)* мен учун сизларнинг устингизда ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди, илло мен сизларни *(куфр йўлига)* чақиришим биланоқ ўзингиз менга итоат этдингиз. Энди мени маломат қилмай, ўзларингизни маломат қилингиз. Мен сизларга ёрдам бера олмайман, сизлар ҳам менга ёрдам бергувчи эмассиз. Албатта мен сизлар илгари *(Оллоҳга)* мени шерик қилганингизни инкор қилурман. Албатта золимлар *(яъни, кофирлар)* учун аламли азоб бордир". 23. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритилиб, Парвардигорларининг изни-иродаси билан у жойда мангу қолдилар. Уларнинг *(жаннатдаги)* салом-аликлари бир-бирларига тинчлик-омонлик тилашдир.

И з о ҳ: Муҳтарам ўқувчи эътибор берган бўлса, юқоридаги оятларда Қиёмат Куни бўладиган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаси ўтган замон феъли билан ифодаланди. Муфассирларнинг таъкидлашларича, бу Қиёмат қойим бўлиши аён ҳақиқат эканлигига бир ишорадир. Зеро, бўлиши ё келиши аниқ бўлган иш-воқеалар ҳақида ўтган замон тилида гапириш ҳамма халқларда ҳам бор бўлган услубдир. Масалан, ўлим жазосига мустаҳиқ бўладиган жиноятни қилган кимсага, "Энди ўлдинг", дейилади ва ҳоказо.

24-25. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Оллоҳ яхши Сўзга *(яъни, иймон калимасига)* қандай мисол келтирганини кўринг: у Сўз худди бир асил дарахтга ўхшайдики, унинг илдизи *(Ер остига)* маҳкам ўрнашган, шохлари эса осмонда бўлиб, Парвардигорининг изни-иродаси билан мудом мева берур. Оллоҳ одамлар эслатма-ибрат олишлари учун мана шундай мисоллар келтирур. 26. Ёмон сўзнинг *(яъни, куфр сўзининг)* мисоли эса худди *(илдизи йўқлиги сабабли)* Ернинг устидан узиб олинган, бир жойда *(ўрнашиб)* қўним

топмайдиган нопок дарахтга ўхшар. 27. Оллоҳ иймон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, Охиратда ҳам устивор Сўз *(иймон калимаси)* билан собитқадам қилур. Золимларни эса Оллоҳ *(Ҳақ)* Йўлдан оздирур. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилур. 28-29. *(Эй инсон),* Оллоҳнинг неъматини *(яъни, иймонни)* куфрга алмаштириб юборган ва қавмларини *(яъни, ўзининг ортидан эргашганларни)* ҳалокат чоҳига - ўзлари кирадиган жаҳаннамга қулатган кимсаларни кўрмадингми?! Нақадар ёмон жой у! 30. Улар *(одамларни)* Оллоҳ Йўлидан оздириш учун У Зотга "тенг"ларни *(ўйлаб)* топдилар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Фойдаланиб қолинглар! Ҳеч шубҳа йўқки, оқибат борадиган жойларингиз дўзахдир". 31. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* иймон келтирган бандаларимга айтинг, олди-сотди ва ошна-оғайнигарчилик бўлмайдиган Кун *(Қиёмат)* келиб қолишидан илгари намозни тўкис адо қилсинлар ҳамда Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ-эҳсон қилсинлар. 32. Оллоҳ осмонлар ва Ерни яратган ва осмондан сув *(ёмғир-қор)* ёғдириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ бўладиган меваларни чиқарган Зотдир. У Ўз амри билан денгизда сузиб юриши учун кемаларни сизларга бўйинсундирди. Яна дарёларни ҳам сизларга бўйинсундирди. 33. У доимо айланиб турувчи қуёш ва ойни ҳам сизлар учун бўйинсундирди *(яъни, сизлар яхши яшашингиз учун тартиб-интизомга солиб қўйди).* Яна У Зот кеча ва кундузни сизлар учун бўйинсундирди. 34. Шунингдек, сизларга барча сўраган нарсаларингиздан ато этди. Агар сизлар Оллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига етолмайсизлар. Ҳақиқатан, инсон зоти ўта золим ва жуда ношукрдир. 35. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* эсланг, Иброҳим айтган эди: "Парвардигорим, бу шаҳарни *(яъни, Маккани)* тинч шаҳар қилгин, мени ва болаларимни бутларга бандалик қилишдан йироқ қилгин. 36. Парвардигорим, у бутлар кўпдан-кўп одамларни йўлдан оздирдилар. Бас, ким менга эргашса, ана ўша мендандир *(яъни менинг динимдадир).* Ким менга исён қилса, яна Ўзинг Мағфиратли, Меҳрибонсан *(яъни, ундай кимсаларни ҳам Ҳақ Йўлга ҳидоят қилишга Қодирсан).* 37. Парвардигоро, албатта мен зурриётимдан *(бир қисмини - ўғлим Исмоил ва унинг онаси Ҳожарни)* Сенинг Ҳурматли Байтинг ҳузуридаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирдим.

Изоҳ. Ривоят қилинишича Иброҳим алайҳис саломнинг Ҳожар исмли хотинлари Исмоил алайҳис-саломни туққанларида

Сора (Иброҳим пайғамбарнинг бошқа хотинлари) бундан ғашланиб, Ҳожарга рашк қила бошлаган экан. Шунда Иброҳим алайҳис-салом Оллоҳ таоло амри билан ўғиллари Исмоил ва унинг онаси Ҳожарни олиб Шомдан Маккага бориб, уларни ўша жойга жойлаштириб қайтаётиб, Оллоҳ таолога илтижо қилиб мана шу оятларда мазкур бўлаётган дуоларни ўқиган эканлар. Ҳадиси шарифда зикр қилинишича, Оллоҳ таоло Ўз пайғамбари Иброҳим алайҳис-саломнинг дуоларини ижобат қилиб, ўша саҳродан "Зам-зам" чашмасини чиқариб, у ерда қолганларга оби ҳаёт ато этган экан.

Парвардигоро, *(улар)* намозни тўкис адо қилсинлар, деб, *(шундай қилдим)*. Бас, Сен Ўзинг одамларнинг дилларини уларга мойил қилиб қўйгил ва уларни *(барча)* мевалардан баҳраманд этгил. Шояд шукр қилсалар. 38. Парвардигоро, албатта Сен бизлар яширадиган нарсани ҳам, ошкор қиладиган нарсани ҳам билурсан. Оллоҳ учун Еру осмондаги бирон нарса махфий эмасдир. 39. Менга кексалик пайтимда Исмоил ва Исҳоқни ҳадя қилган Зот - Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Албатта Парвардигорим *(барча)* дуоларни Эшитгувчидир. 40. Парвардигорим, мени ва зурриётимдан *(бўлган болаларимни)* намозни тўкис адо этгувчи қилгил. Парвардигоро, дуоимни қабул айла. 41. Парвардигоро, ҳисоб-китоб қилинадиган *(Қиёмат)* Куни мени, ота-онамни ва *(барча)* мўминларни мағфират қилгил. 42. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз ҳаргиз: "Оллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан ғофил", деб ўйламанг! Фақат Оллоҳ уларни*(нг жазоларини)* кўзлар *(даҳшатдан)* қотиб қоладиган *(қўрқинчли Қиёмат)* Кунига қолдирмоқда, холос. 43. *(У Куни)* улар бошларини *(осмонга)* кўтарган ҳолларида *(чорланган томонга ҳисоб-китоб учун)* чопурлар. Кўзлари ўзларига қайтмайди *(яъни, қўрқувдан қотиб қолиб, ўзларининг қандай ҳолда эканликларини ҳам кўрмайдилар)*. Диллари *(даҳшатдан)* бўм-бўш бўлиб қолур. 44. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, одамларни огоҳлантириб қўйингки, уларга азоб келар Кунда *(Қиёматда)* золим кимсалар: "Парвардигоро, бизларга озгина муҳлат бергин, *(яъни, бизларни дунёга қайтариб, озгина ҳаёт бергин, албатта)* Сенинг даъватингни қабул қилурмиз ва пайғамбарларингга эргашурмиз", дейдилар. *(Шунда уларга жавоб қилинур)*: "Илгари *(ҳаёт пайтларингизда)* ҳеч қачон заволга юз тутмаслигингиз *(яъни, ҳеч қачон ўлмаслигингиз ва Охират жазосига дучор бўлмаслигингиз)* ҳақида қасам ичмаган эдингизлармиз! 45. Ҳолбуки, сизлар ўзларига зулм қилган кимсаларнинг масканларига *(улар заволга*

юз тутганларидан кейин) жойлашган эдингизлар. Уларни қандай *(ҳалок)* қилганимиз ҳам сизларга аниқ маълум эди. Биз сизлар учун *(қанчадан-қанча)* мисоллар келтирган эдик *(лекин сизлар бу кўрган-билганларингиздан ибрат олмадингизлар, Ҳақ Йўлга юрмадингизлар)*". 46. Дарҳақиқат, улар *(яъни, Макка мушриклари)* ўзларининг макр-ҳийлаларини қилдилар. *(Лекин)* агар уларнинг макрлари сабабли тоғлар емирилиб кетадиган бўлса-да, уларнинг *(бу)* макр-ҳийлалари Оллоҳ ҳузурида *(маълумдир)*.

И з о ҳ: Бу оятда мушрикларнинг Муҳаммад алайҳис-саломга қарши қилган ҳийла-найрангларига ва Оллоҳ таоло уларнинг барча уринишларини беҳуда кетказганига ишора қилинмоқда.

47-48. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз ҳаргиз Оллоҳни Ўз пайғамбарларига берган *("Биз албатта пайғамбарларимизни ғолиб қилурмиз", деган)* ваъдасига хилоф қилувчи, деб ўйламанг! Албатта Оллоҳ Ер бошқа Ерга, осмонлар *(ўзга осмонларга)* айланиб қоладиган ҳамда *(барча одамлар)* Ёлғиз ва Қудратли Оллоҳга рўбарў бўладиган Кунда *(Қиёматда)* Ғолиб ва Интиқом олгувчидир. 49. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, у Кунда жиноятчи кимсаларни кишанлар билан боғланган ҳолларида кўрурсиз. 50. Уларнинг кийимлари қора мойдан бўлиб, юзларини олов ўраб олур. 51. Оллоҳ ҳар бир жонга қилган ишига яраша жазо бериш учун *(мана шундай қайта тирилтирур)*. Албатта Оллоҳ жуда тез ҳисоб-китоб қилгувчидир. 52. Бу *(Қуръон)* одамлар огоҳлантирилишлари ва *(Оллоҳ)* Ягона Илоҳ эканини билишлари ҳамда ақл эгалари эслатма-ибрат олишлари учун *(Оллоҳ тарафидан нозил қилинган)* бир Баёнот - Хабардир.

ҲИЖР сураси (15)

Бу сура Макка сураларидан бўлиб, тўқсон тўққиз оятдан ташкил топгандир.

Бу суранинг меҳвари - ўқи турли асрлардаги пайғамбарларни ёлғончи қилиб, уларга қарши чиққан осийларнинг ҳаммаси ҳалокатга учраганлари атрофида айланади. Шу боисдан сура бундай кимсаларга иймонсизликларининг оқибати хатарли эканлиги ҳақида танбеҳ бериш билан бошланади.

Бу сурада буржларга бўлинган осмон, ҳаёт кечириш учун мослаб яратилган замин, маъдан-хазиналарни ўз бағрига олиб ўрнашган тоғлар, ёмғирли булутларга "ҳомиладор" бўлган шамоллар зикр қилиниб, буларнинг барчаси Ҳақ таоло тарафидан инсонга хизмат қилиш учун яратилгани уқтирилади. Сўнгра Яратганнинг амри билан асли зуваласи "қора лой"дан қорилган инсонга бутун мавжудот сажда қилганида фақат иблисгина бу фармонга бўйинсунмай кибр-ҳаво қилганини баён қилиш билан шайтоннинг инсониятга нисбатан бўлган адовати то Қиёматгача давом этишига ишора қилинади. Яна бу сурада Оллоҳнинг пайғамбарлари - Иброҳим, Лут, Шуайб ва Солиҳ алайҳис-саломларнинг қиссалари сўйланади. Булардан Солиҳ пайғамбарнинг қавмлари - Самуд қабиласи Ҳижр (Мадина ва Шом ўртасидаги водий)дан эканлиги зикр қилинади. Суранинг "Ҳижр" деб номланишининг боиси шудир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Алиф, Лом, Ро. Ушбу *(оятлар)* Китобнинг - Очиқ Қуръоннинг оятларидир. 2. Ҳали *(Қиёмат Куни)* кофир бўлган кимсалар мусулмон бўлишни истаб қолурлар. 3. *(Эй Муҳаммад алайҳис салом)*, уларни қўяверинг, еб-ичиб, фойдаланиб қолсинлар, орзу-ҳавасларига машғул бўлаверсинлар. Бас, яқинда

(бу қилмишларининг оқибати нима бўлишини) билиб олурлар. 4 Биз бирон шаҳарни *(яъни, унинг аҳолисини)* ҳалок қилган эмасмиз, магар унинг учун ёзилган маълум муддат бўлгандир *(яъни, ўша муддати-ажали битгандан сўнггина ҳалок қилганмиз)*. 5. Бирор авлод ўз ажалидан илгари кета олмайди. Шунингдек, *(ундан)*, ортда ҳам қола олмайди. 6-7. Улар *(яъни, Макка кофирлари Муҳаммад алайҳис-саломни масхара қилишиб)*: "Эй *(ўзига)* Эслатма - Қуръон нозил қилинган, *(деб даъво қилаётган)* киши, дарҳақиқат, сен, мажнунсан. Агар *("Мен Оллоҳнинг пайғамбариман", деган даъвойингда)* ростгўйлардан бўлсанг, бизга *(сўзларингни тасдиқлайдиган)* фаришталарни келтиргинчи", дедилар. 8. Биз фаришталарни фақатгина *(кофирлар зиммасига)* ҳақ *(бўлган азоб)* билан туширурмиз ва бу ҳолда уларга *(кофирларга)* қараб турилмас *(яъни, улар дарҳол ҳалок қилинурлар)*. 9. Албатта бу Эслатмани *(яъни, Қуръонни)* Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз.

И з о ҳ: Ушбу ояти карима асрлар оша Қуръоннинг Илоҳий Китоб эканини қайта-қайта исботлаб келмоқда. Узоқ ўтмишни қўйиб турайлик, мана шу бизнинг асримизнинг ўзида бу азиз Китобни йўқ қилиш учун қанчадан-қанча хуружлар бўлмади. Уни ўтга ёқдилар, дарёларга оқиздилар, қабрларга кўмдилар. Бугина эмас! Яна Қуръонни ёд олган ёки ҳаётини шу Илоҳий Китобга амал қилиб ўтказмоқчи истаган миллионлаб улуғ зотларни қириб, отиб юбордилар. Кейинчи? Кейин бошқа миллионлар қўлларида, тилларида ва дилларида бирор ҳарфи ҳам заҳаланмаган шу азиз Китоб билан пайдо бўлдилар! "Шубҳасиз Ўзимиз уни сақлагувчимиз", деган Илоҳий Сўзлар ўз тасдиқини топди. Ислом таълимотига кўра Қуръон Илоҳий Китобларнинг сўнггисидир. Бинобарин, мана шу оятда уни то Қиёмат йўқотмай, бузмай сақлашни Оллоҳ таоло Ўз зиммасига олгандир. Шу боис, бошқа - илгариги умматларга нозил қилинган Илоҳий Китобларга ўзгаришлар киритилиб, бузилгани ҳолда (масалан, Инжилнинг етмишдан ортиқ таржималари бор, лекин асл нусхаси ҳеч қаерда мавжуд эмас). Қуръон мана, ўн тўрт асрдан буён Пайғамбар алайҳис-саломга қандай нозил қилинган бўлса, (йўқ қилишга уринишлар, бало-офатлардан асралиб) худди ўшандай сақланиб келмоқда.

10. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, аниқки, Биз Сиздан илгари ўтган, аввалги *(турли-туман)* тоифаларга ҳам *(пайғамбарлар)* юборганмиз. 11. Улар ҳам ўзларига келган ҳар бир пайғамбарни масхара қилиб кулган эдилар. 12. Шунингдек, уни *(яъни,*

пайгамбарлар устидан кулиш иллатини) барча жиноятчи - осийларнинг дилларига солиб қўюрмиз. 13. Улар унга *(Қуръонга)* иймон келтирмайдилар. Ҳолбуки, аввалгиларнинг суннатлари - ибратлари ўтгандир *(яъни, аввалги кофирлик билан ўтган кимсаларнинг оқибатлари нима бўлгани маълумдир).* 14-15. Агар Биз уларга осмондан бир дарвоза очиб қўйсаг-у, ундан *(осмонга)* кўтарила бошласалар ҳам, албатта улар: "Шак-шубҳасиз, бизларнинг кўзларимиз боғланиб қолди, балки бизлар сеҳрланиб қолган кишилардирмиз", деган бўлур эдилар.

Изоҳ: Бу оятларда уқтирилишича, кўнгил кўзи кўр кимсалар уларга самонинг сиру синоатларини, ундаги малоикаларни кўриш насиб этганида ҳам барибир Яратганга иймон келтириш ўрнига: "Бизларнинг кўзимизни боғлаб қўйишди, ўзимизни сеҳрлаб қўйишди", дейишдан нарига ўтмас эканлар.

16. Маълумки, Биз осмонда буржлар яратдик ва кузатувчилар учун уни *(юлдузлар билан)* безаб қўйдик. 17. Ва уни *(осмонни)* барча малъун-шайтон, *(жинлар)*дан муҳофаза қилдик. 18. Магар *(у жинлардан)* биронтаси *(осмондаги малоикаларнинг бирон сўзини)* ўғринча эшитиб олса, бас, уни очиқ *(учар)* юлдуз қувиб етар *(яъни, ҳалок этар).*

Изоҳ: Замин инсонларнинг макони, осмон эса малоикаларнинг ошёнидир. Бу фаришталар "Оллоҳнинг аскарлари" саналиб, Оллоҳ таоло Ўзининг Ердаги бандалари хусусидаги барча ҳукм-фармонларини адо қилишни ана ўша фаришталар зиммасига юклагандир. Энди оламда учинчи бир тоифа - жинлар тоифаси ҳам борки, улардан айримлари осмондаги фаришталарнинг ўзаро гап-сўзларини ўғринча эшитиб олишиб, Ердаги фолбинларга етказмоқчи бўладилар. Мазкур оятларда уқтирилишича, осмондаги учар юлдузлар ана ўшандай шайтон-жинларга отилган ўқлардир.

19. Ерни эса ёйиқ - кенг қилдик ва унда тоғларни ўрнатиб қўйдик ҳамда унда *(ҳар ернинг ўзига)* мосланган турли-туман нарсаларни *(ўсимлик, меваларни)* ундириб-ўстирдик. 20. Ва унда *(яъни, Ерда)* сизлар учун ҳам, сизлар ризқлантира олмайдиган *(балки фақат Биз ризқ берадиган сизларнинг қўл остингиздаги)* кишилар учун ҳам тирикчилик - ризқу насибаларни яратиб қўйдик. 21. *(Сизларнинг ризқу рўзингиз бўлмиш)* ҳар бир нарсанинг хазиналари - манбалари Бизнинг даргоҳимиздадир. Биз у нарсаларни аниқ ўлчов билан бўлиб-бўлиб *(сизларга)* туширурмиз. 22. Биз шамолларни *(булутларга)* ҳомиладор бўлган ҳолларида юбордик, осмондан сув *(ёмғир)* ёғдириб, сизларни у билан

суғордик. Уни сизлар тўплаб олгувчи эмассиз *(балки дарё ва кўллар ясатиб, у сувни Биз сизлар учун тўплаб берурмиз)*. 23. Албатта Биз Ўзимиз *(барча жонзотга)* ҳаёт берурмиз ва ўлим берурмиз. Биз ворисдирмиз *(яъни, барча ўтгандан кейин Ёлғиз Ўзимиз қолурмиз)*. 24. Аниқки, Биз сизлардан илгари ўтган *(барча)* зотларни билдик. Аниқки, Биз кейин келгувчи зотларни ҳам билдик. 25. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, албатта Парвардигорингизнинг Ўзи *(Қиёмат Куни)* уларни *(яъни, аввалу охир ўтган инсонларни)* тўплар. Албатта У ҳикмат ва билим Соҳибидир. 26. Маълумки, Биз инсонни - *(Одамнинг асли)* қора ботқоқдан *(бўлиб одам сурати берилгач)*, қуритилган лойдан яратганмиз.

Изоҳ: Дарвоқеъ, ҳозирги илм-фан инсон баданида Ер таркибида бўлган барча жисмлар мавжуд эканини исботлаган.

27. Жинни *(яъни, иблисни)* эса *(Одамдан)* илгари оташоловдан яратган эдик. 28-29. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, эсланг, Парвардигорингиз фаришталарга: "Албатта Мен *(асли)* қора ботқоқдан *(бўлиб одам сурати берилгач)*, қуритилган лойдан инсон Яратгувчиман. Бас, қачон уни тиклаб, ичига Ўз *(даргоҳимдаги)* жондан киритганимда, сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз!", деганида; 30. Барча-барча фаришталар унга *(яъни, Одамга)* сажда қилдилар. 31. Магар иблис сажда қилувчилар билан бирга бўлишдан бош тортди. 32. *(Шунда Оллоҳ)* деди: "Эй иблис, нечун сен сажда қилгувчилар билан бирга эмассан?" 33. У айтди: "Мен *(асли)* қора ботқоқдан *(бўлиб одам сурати берилгач)* қуритилган лойдан Сен яратган Одамга сажда қилгувчи эмасман". 34. *(Оллоҳ)* деди: "Бас, ундан *(яъни, жаннатдан)* чиқ! Энди сен, шак-шубҳасиз *(Менинг даргоҳимдан)* қувилган - малъунсан. 35. Ва албатта то жазо *(Қиёмат)* Кунигача сенга *(барчанинг)* лаънати бўлур". 36. *(Иблис илтижо қилиб)* деди: "Парвардигорим, у ҳолда менга улар қайта тириладиган Кунгача *(ўлмасдан яшаш учун)* муҳлат бергин". 37-38. *(Оллоҳ)* деди: "Бас, сен маълум вақтда *(етиб келадиган)* Кунгача *(Қиёматгача)* муҳлат берилганлардансан". 39. *(Иблис)* айтди: "Парвардигорим, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли албатта мен уларга *(Одам болаларига)* Ердаги *(барча гуноҳ ишларни)* чиройли кўрсатиб қўюрман ва албатта уларнинг ҳаммаларини йўлдан оздирурман. 40. Магар уларнинг орасидаги покиза бандаларинггина *(Ҳақ Йўлдан озмай қолурлар)*". 41-42. *(Оллоҳ)* деди: "Менинг зиммамдаги Тўғри Йўл будир: аниқки, Менинг бандаларим устида сен учун ҳеч қандай салтанат - ҳукмронлик йўқдир, магар сенга эргашган адашган

кимсаларнигина *(бу Тўғри Йўлдан оздира олурсан)*". 43. У кимсаларнинг барчалари учун ваъда қилинган жой, шак-шубҳасиз жаҳаннамдир. 44. Унинг етти дарвозаси бўлиб, ҳар бир дарвозага уларнинг бир тўдаси бўлинур. 45. Тақводор - парҳезкор зотлар эса албатта боғлар ва чашмалар устидадирлар. 46. *(У зотларга:* "*Жаннатлар)*га тинчлик билан соғ-омон киринглар", *(дейилур)*. 47. Биз *(жаннатлардаги)* сўриларда дўст-биродар бўлиб, бир-бирларига рўбарў ўтирган зотларнинг дилларидаги ҳар қандай гина-кудуратларни чиқариб ташладик. 48. У жойда уларга бирон чарчоқ етмас ва улар у жойдан чиқарилгувчи ҳам эмаслар! 49-50. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, бандаларимга Ёлгиз Менинг Ўзимгина Мағфиратли, Меҳрибон эканлигимни ва Менинг азобим энг аламли азоб эканлигини хабар қилинг! 51. Яна уларга Иброҳимнинг меҳмонлари ҳақида хабар беринг! 52. Ўшанда улар *(Иброҳимнинг)* ҳузурига кириб: "Салом", деганларида, *(Иброҳим алик олиб, уларга бир семиз бузоқни пишириб келтирди. Лекин меҳмонлар таомга қўл чўзишмагач)*, у: "Биз сизлардан қўрқмоқдамиз *(Кимсизлар ўзи)?*", деди. 53. Улар дедилар: "Қўрқмагин *(биз Оллоҳ юборган элчи - фариштalармиз)*. Биз сенга бир билимдон ўғил *(яъни, Исҳоқ)* хушхабарини етказурмиз". 54. У деди: "Менга кексалик етган пайтида *(фарзанд кўришим ҳақида)* хушхабар келтирдингизми? Энди менга *(бу ёшимда)* ниманинг ҳам хушхабарини етказар эдингизлар?" 55. Улар айтдилар: "Биз сенга ростдан ҳам *(фарзанд кўришинг)* хушхабарини келтирдик. Бас, сен ноумид кимсалардан бўлмагин!" 56. У деди: "Парвардигорининг фазлу раҳматидан фақат адашган кимсаларгина ноумид бўлурлар". 57. *(Сўнгра уларга қараб яна)* деди: "Эй элчилар, нима юмуш билан келдингиз?" 58. Улар дедилар: "Бизлар бир жиноятчи қавмга *(яъни, Лут қавмига уларни ҳалок қилиш учун)* юборилганмиз. 59. Лекин биз Лутнинг оиласини тўла-тўкис қутқаргувчидирмиз. 60. Фақат унинг хотинига *(нажот йўқдир. Чунки)* Биз *(яъни, Оллоҳ)* унинг *(азоб-уқубатда)* қолгувчилардан бўлишини тақдир қилиб қўйганмиз". 61-62. Энди қачонки Лут хонадонига элчиларимиз келгач, у *(Лут)* деди: "Аниқки, сизлар нотаниш қавмсиз". 63. Улар дедилар: "Йўқ, *(биз Оллоҳнинг элчи-фариштаlаримиз)*. Биз сенга улар *(яъни, қавминг)* шак-шубҳа қилаётган нарсани *(яъни, Оллоҳнинг азобини)* келтирдик. 64. Биз сенга ҳақ *(азоб)*ни келтирдик. Биз, шак-шубҳасиз ростгўйдирмиз. 65. Энди сен кечанинг бир қисми *(ўтгач)*, аҳли оиланг билан йўлга туш ва ўзинг уларнинг ортида кетгин. Сизлардан бирон киши атрофга

алангламасин ва сизларга буюрилган тарафга қараб кетаверинглар". 66. Биз унга *(яъни, Лутга)* тонг пайтида ана у *(кофир қавм)*нинг думи қирқилиши - ҳалок бўлиши ҳақидаги мана шу фармонни ваҳий қилдик. 67. *(Лутнинг уйига чиройли йигитлар келгани ҳақидаги хабарни эшитиб)* шаҳар аҳолиси шод-хуррам бўлган ҳолларида келдилар. *(Чунки улар баччабозлик иллатига мубтало бўлган эдилар).* 68. *(Шунда Лут)* деди: "Ахир бу *(йигитлар)* менинг меҳмонларим-ку. Мени шарманда қилманглар. 69. Оллоҳдан қўрқинглар! Мени уятга қўйманглар!" 70. Улар айтдилар: "Биз сени барча олам *(одамларини ҳимоя қилиш)*дан қайтармаганмидик?!"

И з о ҳ: Ривоят қилишларича, Лут алайҳис-салом доимо қишлоқларига келган мусофирларни уларга зўрлик қилмоқчи бўлган кофирларнинг ахлоқсиз хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилар эканлар. Шунда у кофирлар Лутга: "Агар яна бегоналарни биздан ҳимоя қилсанг, сени қишлогимиздан қувиб чиқарамиз", деб дўқ урган эканлар.

71. У *(Лут)* деди: "Агар *(шу ишни)* қилгувчи бўлсангизлар, ана *(қишлогимиздаги)* қизларим *(турибди, ўша қизларни никоҳларингизга олаверинглар)*". 72-73. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* ҳаётингизга қасамки, улар ўз мастликларида тентираб юрган ҳолларида, *(тўсатдан)* тонг пайтида уларни даҳшатли қичқириқ тутди.

И з о ҳ: Маълумки, Шариати Исломийяга биноан қасам фақат Оллоҳ номи билан ичилади. Лекин Яратган Эгамиз Ўзи хоҳлаган кимса ёки нарса номи билан қасамёд қилиши мумкин. Шу сабабдан ҳам юқоридаги оятда Оллоҳ таоло Ўзининг энг суюкли бандаси, сўнгги Пайгамбари ҳазрати Муҳаммад алайҳис-саломни шарафлаб, у кишининг ҳаётларига қасамёд қилди.

74. Бас, Биз у шаҳарни остин-устун қилиб юбордик ва уларнинг устига сополдан бўлган тош ёгдирдик. 75. Албатта бу *(ҳодиса)*да фаросатли кишилар учун оят-ибратлар бордир. 76. Дарвоқеъ, у *(шаҳар)* доимий йўл устидадир *(яъни, доим ўша вайрон бўлган шаҳар ёнидан ўтадилар-ку, нега унинг нима сабабдан Оллоҳнинг газабига дучор бўлиб вайрон қилингани ҳақида тафаккур қилмайдилар?!)* 77. Албатта бунда мўминлар учун оят-ибрат бордир. 78. Шубҳасиз, дарахтзор эгалари *(яъни, Шуайб пайгамбарнинг қавми)* золим *(кофир)* бўлганлари аниқдир. 79. Шу сабабдан, Биз улардан интиқом олдик. Дарвоқеъ, уларнинг *(яъни, Лут қавмининг шаҳри ва Шуайб қавмининг шаҳри)* иккиси ҳам

очик йўл устидадир. *(Яъни, уларни кўриб ибрат олмайсизларми?)* **80. Аниқки, Ҳижр** *(водий)* **эгалари** *(Самуд қабиласи)* **ҳам пайғамбарларни** *(яъни, Солиҳ алайҳис-саломни)* **ёлғончи қилгандирлар. 81. Биз уларга Ўз оят-мўъжизаларимизни ато этган эдик,** *(масалан, Бизнинг амримиз билан пайғамбар Солиҳ алайҳис-салом харсанг тошни тирик туяга айлантириб қўйган эди)* **улар бу оятлардан юз ўгирувчи бўлдилар. 82-83.** *(Шундан сўнг)* **улар тинч-омонликда** *(гўё ҳеч қачон ўлмайдигандек)* **тоғлардан уйлар йўниб юрганларида, уларни тонг чоғида даҳшатли қичқириқ тутди. 84. Сўнгра уларга қилган нарсалари** *(яъни, тош қалъалари)* **бирон фойда бермади. 85. Биз осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат Ҳақ** *(қонун-қоида)* **билан ятардик. Соат - Қиёмат ҳам, шак-шубҳасиз келгувчидир. Бас,** *(шундай экан, эй Муҳаммад алайҳис-салом, Сиз жоҳил - кимсаларнинг етказаётган озор-азиятларига сабр-тоқат қилинг ва улардан)* **чиройли юз ўгириш билан юз ўгиринг!**

Изоҳ: Бу оятни шундай тушунмоқ лозимдир. Бу оламдаги бирон нарса тасодифий эмас, балки Еру осмондаги ҳар бир зарра етук ҳикмат ва аниқ ўлчов билан яратилгандир ва ҳамма мавжудот бир-бири билан узвий боғлиқдир. Қилинадиган яхши-ёмон амаллар ҳам аниқ қонун қоида асосида ўз мукофот ва жазосини олур.

Бу дунё ҳаёти аввалидан охиригача биргина соатдир. Шу соат битгач, Қиёмат бошланур ва ўша соатнинг ҳар бир дақиқа, сониясида қилинган иш - амаллар ҳисоб-китоб қилинур. Бас, шундай бўлгач, жоҳиллардан юз ўгириб, бу қисқа умрнинг ҳар бир сониясини дунёда ҳам, Охиратда ҳам фойда берадиган амалларни қилишга сарфламоқ лозимдир.

86. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **албатта Парвардигорингизнинг Ўзигина Яратгувчи, Билгувчидир. 87. Дарҳақиқат, Биз Сизга етти такрорланувчини** *(яъни, етти оятдан иборат бўлган, ҳар бир ракаат намозда такрорланадиган "Фотиҳа" сурасини)* **ва Улуғ Қуръонни ато этдик. 88. Сиз кўзларингизни Биз У** *(кофирлардан айрим)* **тоифаларни баҳраманд қилган нарсаларга** *(яъни, уларнинг молу давлат, шаъну шавкатларига)* **тикманг! Уларнинг** *(иймонсизликлари)* **устида ғамгин ҳам бўлманг! Мўминлар учун қанотингизни паст тутинг** *(яъни, мудом камтар-тавозуъли бўлинг!)* **89. Ва** *(иймонсиз кимсаларга айтинг:)* **"Албатта мен** *(сизларга Оллоҳнинг азоби тушишидан)* **очиқ-ошкор огоҳлантиргувчиман". 90-91. Худди Қуръонни бўлак-бўлак қилиб олган кимсаларга** *(яъни, Қуръоннинг айрим оятларига ўзларининг*

истак-хохишларига тўғри келиб қолса, иймон келтириб, айрим оятларини эса ҳавойи хоҳишларига тўғри келмагани учун инкор этадиган яҳудий ва насронийларга илгари Таврот ва Инжил Китобларини) нозил қилганимиз каби *(Сизга ҳам ушбу Қуръонни нозил қилдик)*. 92-93. Парвардигорингиз номига қасамки, албатта уларнинг барчасидан қилиб ўтган иш - амаллари ҳақида сўраймиз. 94. Бас, Сиз ўзингизга буюрилган ишни *(яъни, Ҳақ Динга даъват қилишни)* юзага чиқаринг ва мушриклардан юз ўгиринг! 95. Албатта Биз Ўзимиз Сизни масхара қилгувчиларга *(яъни, уларни ҳалок этиш учун)* кифоя қилурмиз. 96. Улар Оллоҳга яна бошқа "илоҳ"ларни *(шерик)* қилурлар. Бас, яқинда *(Қиемат Кунида бу қилмишларининг оқибатини)* билиб олурлар. 97. Шак-шубҳасиз, Биз улар *(Сизни масхара қилиб)* айтаётган сўзлардан дилингиз сиқилишини билурмиз. 98. Бас, Сиз Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан *(У Зотни "шерик"лардан)* покланг ва сажда қилгувчилардан бўлинг *(шунда Оллоҳ дилингиздаги ғам-аламни кетказур!)* 99. *(Шунингдек)*, то Сизга аниқ-нарса *(яъни, ўлим соати)* келгунича Парвардигорингизга ибодат қилинг!

НАҲЛ сураси (16)

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, бир юз йигирма саккиз оятдир. У Қиёмат Соати яқинлашиб қолгани ҳақида хабар бериш билан бошланади. Сўнгра Оллоҳ таоло Ўзиниит Якка-Ёлгиз экани, Ердаги жонли-жонсиз бутлар Унга шерик бўлолмасликлари хусусида огоҳлантиради ва Еру осмонлар, денгизлар, тоглар, водий ва воҳалар, осмондан тушиб Ерни кўкартираётган ёмғир, Ердан униб чиқиб, осмонга интилаётган наботот, денгизларда сузиб бораётган кемалар, кечаларда йўловчи мусофирлар учун маёқ бўлган юлдузлар ва хусусан бир томчи сувдан яралиб бутун борлиқдан азиз ва мукаррам бўлган инсон - буларнинг барчаси бир Доно ва Билимдон Яратгувчи Зот борлигига далолат қилиб туриши тўғрисида уқтирилади. Сўнгра Оллоҳ таоло ато этган беҳисоб неъматларнинг шукрини адо қилиш лозимлиги, куфрони неъмат қилган кўрнамак кимсаларнинг оқибати ҳалокат эканлигини баён қилувчи оятлар келтирилади. Сура ниҳоясида Пайғамбар алайҳис-салом ва у кишининг умматларига Оллоҳнинг Динига илму ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат қилиш билан даъват этиш ҳамда бу даъват йўлида чекиладиган жабру жафоларга сабр-тоқат қилиш амр этилади. Бу сурада Ҳақ таолонинг ожиз ва мўъжиз махлуқи бўлмиш асалари хусусида, унинг ибратли ҳаёт тарзи ҳақида ҳикоя қиладиган оятлар ҳам ўрин олгани учун у "Наҳл" - "Асалари" сураси деб аталгандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Оллоҳнинг фармони *(яъни, Қиёмат)* **келиб қолди. Бас, сизлар** *(эй мушриклар),* **уни шоштирмай кўя қолинглар.** *(Оллоҳ)* **уларнинг ширкларидан Пок ва Юксакдир.**

Изоҳ: Мазкур оят Макка мушриклари Пайғамбар алайҳис-саломни масхара қилишиб: "Эй Муҳаммад, сен бизларни қўрқитаётган Қиёмат рост бўлса, келсинчи, кўрайлик", деганларида нозил бўлган.

2. *(Оллоҳ)* Ўз амри-иродаси билан Ўзи хоҳлаган бандаларига фаришталарни *(шундай)* ваҳий билан туширур: *("Эй пайғамбарларим, инсонларни)* огоҳлантирингларки, ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Мен Ўзимгина бордирман. Бас, *(барчаларингиз)* Мендангина қўрқингиз!" 3. У осмонлар ва Ерни ҳақ *(қонун)* билан яратди. У *(мушрикларнинг)* ширкларидан Юксакдир. 4. У инсонни нутфадан - бир томчи сувдан яратган эди. Баногоҳ *(инсон)* очиқдан-очиқ рақибга айланиб қолди.

Изоҳ: Бу оятда қайта тирилиш ҳақ эканлиги очиқ мантиқ билан исботланмоқда - яъни, бир томчи сувдан шундай гўзал хилқатли инсонни яратишга Қодир бўлган Оллоҳ таоло унинг жонсиз жасадига қайтадан жон ато этишга қодир эмасми?! Инсон эса ўзининг нимадан яратилганини унутиб Яратганга қарши хусумат қилиб юрибди.

5. У Зот яна сизлар учун иссиқ кийим ва *(турли)* манфаатлар бўлсин, деб чорва молларини ҳам яратдики, сизларнинг таом-озуқаларингиз улардан бўлур. 6. Яна сизлар учун уларни кечқурун ўтлоқдан қайтараётган ва тонгда ўтлоққа ҳайдаётган пайтингизда бир чирой - файз бордир. 7. Шунингдек, улар сизлар жонларингизни қийнаб, зўр-базўр *(машаққат билан)* етадиган юртларга юкларингизни элтиб берур. Албатта Парвардигорингиз Меҳрибон ва Раҳмлидир. 8. У Зот яна сизлар минишингиз учун зийнат қилиб отлар, хачирлар ва эшакларни *(яратди)*. Яна сизлар *(ҳали)* билмайдиган нарсаларни ҳам яратур.

Изоҳ: Бизга замондош муфассирлар ушбу оятдаги: "...сизлар билмайдиган нарсаларни ҳам яратур" жумласини Қуръон нозил бўлган даврда мавжуд бўлмай, кейин илм-фан тараққий этиши билан кашф қилинган сайёра - машина, қитор - поезд, тайёра - самолёт ва бошқа бизлар ҳам билмайдиган, бундан кейин кашф қилинадиган нақлиёт - транспорт воситалари, деб тафсир қиладилар.

9. Тўғри Йўлга *(ҳидоят қилиш)* Ёлғиз Оллоҳ измидадир, *(Зотан, йўллар)* орасида эгриси ҳам бордир. Агар *(Оллоҳ)* хоҳлаганида сизларнинг барчангизни *(Тўғри Йўлга)* ҳидоят қилган бўлур эди. *(Лекин У Зот сизларга қайси йўл тўғри ва қайси йўллар эгри эканини кўрсатиб, қай бир йўлни танлаш ихтиёрини ўзларингизга қўйиб берди ва ақл-идрок билан Тўғри Йўлни танлаб олган бахтли бандаларини Ўз хоҳиш-иродаси билан Ўша Ҳақ Йўлга ҳидоят этишни ваъда қилди, эгри йўлларни танлаган кимсалар эса ҳар икки дунёда бахтсиз бўлиб, ўзларига зиён қилишлари тўғрисида хабар берди).* 10. У осмондан сизлар учун ичимлик бўлган сувни

ёғдирган Зотдир. Сизлар *(ҳайвонларингизни)* боқадиган дов-дарахтлар *(ўт-ўланлар)* ҳам ўша *(сувдан ичар)*. 11. У Зот сизлар учун ўша *(сув)* ёрдамида *(турли)* экинларни, зайтун, хурмо, узум ва барча меваларни ундириб-ўстирур. Албатта бу нарсада *(яъни, бир хил сув ёрдамида рангу рўйи, таъму лаззати бошқа-бошқа бўлган мева-чеваларнинг униб-ўсишида)* тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибрат бордир. 12. У Зот сизлар *(бекаму кўст ҳаёт кечиришингиз учун)* кеча ва кундузни, қуёш ва ойни *(бир тартибга солиб)* бўйсундириб қўйди. *(Барча)* юлдуз - сайёралар ҳам Унинг амрига бўйинсундирилгандир. Албатта бу нарсада ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 13. Яна У Зот сизлар учун Ерда яратиб қўйган ранго-ранг нарсаларни *(яъни, ҳайвонот ва наботот оламини, Ер ости ва Ер усти бойликларини ҳам сизларга бўйинсундирди)*. Албатта бу нарсада ибрат-эслатма оладиган қавм учун оят-ибрат бордир. 14. У сизлар янги гўшт *(яъни, балиқ гўшти)* ейишларингиз ва тақадиган тақинчоқлар чиқариб олишларингиз учун *(сизларга)* денгизни ҳам бўйинсундириб қўйган Зотдир. Сиз унда *(сувни)* ёриб кетаётган кемаларни кўрурсиз. У Зотнинг фазлу марҳаматидан *(ризқу рўз)* исташларингиз ва *(берган неъматларига)* шукр қилишингиз учун *(сизларга денгизларни бўйинсундириб қўйди)*. 15. У Зот Ер сизларни тебратмаслиги учун унда тоғларни барпо қилди, *(ўзларингиз учун ичимлик бўлиши ҳамда экин-тикинларингизни суғоришингиз учун)* дарёларни *(оқизиб қўйди)* ва *(кўзлаган манзилларингизга боришда адашмасдан)* йўл топишларингиз учун йўлларни *(пайдо қилди)*. 16. Ва *(у йўлларга)* белгилар *(қилиб қўйди. Кечаларда эса кишилар)* юлдузлар билан йўл топурлар. 17. *(Эй мушриклар)*, ахир *(барча мавжудотни)* Яратгувчи Зот - Оллоҳ билан *(ҳеч нарса)* ярата олмайдиган *(бутларингиз)* баробарми?! Ўйламайсизларми?! 18. Агар сизлар Оллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига ета олмайсизлар. Албатта Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 19. Оллоҳ яширадиган нарсаларингизни ҳам, ошкор қиладиган нарсаларингизни ҳам билур. 20. *(Мушрикларнинг)* Оллоҳни қўйиб, илтижо қилаётган бутлари бирон нарсани яратгувчи эмасдир, балки ўзлари яралгувчидирлар. 21. *(Улар)* жонсиз ўликлардир. Ва улар *(ўзларига сиғинаётган мушрикларнинг)* қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмайдилар. 22. Тангрингиз Ягона Тангридир. Бас, Охиратга иймон келтирмайдиган кимсаларнинг кўнгиллари *(Оллоҳнинг Якка-Ягона эканлигини)* инкор қилур, *(уларнинг)* ўзлари мутакаббир кимсалардир. 23. Шак-шубҳа йўқки, Оллоҳ уларнинг яширадиган нарсаларини ҳам, ошкор

қиладиган нарсаларини ҳам билур. Албатта У Зот мутакаббир кимсаларни севмас. 24. Қачон уларга: "Парвардигорингиз *(Муҳаммад алайҳис-саломга)* қандай нарса нозил қилди?", дейилса, улар *(масхара қилишиб)*: "Аввал ўтганларнинг афсоналарини", дейдилар. 25. Улар *(бу ёлғон сўзларни, бошқа одамларни йўлдан оздириш учун ва оқибатда)* Қиёмат Кунида, ўзларининг барча гуноҳларига ҳамда ўзлари жаҳолат билан йўлдан оздирган кимсаларнинг гуноҳларидан ҳам *(бир қисмига)* жавобгар бўлиш учун *(айтгандирлар)*. Огоҳ бўлингиз, улар жуда ёмон юкни *(яъни, гуноҳларни)* орқалаб юрибдилар. 26. Улардан аввалги *(кофир)* кимсалар ҳам *(ўз пайғамбарларига мана шунга ўхшаш)* макр-ҳийлалар қилган эдилар. Шунда Оллоҳ, улар *(қурган макр-ҳийла)* биноларини таг-туги билан емириб ташлади, бас, улар *(тўқиб олган ёлғон бино - тузумлари)*нинг томи ўзларининг устига қулади ва уларга ўзлари сезмаган - кутмаган тарафдан азоб-ҳалокат келди. 27. Кейин - Қиёмат Кунида *(Оллоҳ)* уларни яна расво қилур ва айтур: "Менинг "шерик"ларим қаерда қолишди?! *(Ахир)* сизлар *(Менинг пайғамбарларим билан)* ўшалар тўғрисида талашиб-тортишар эдинглар-ку?!" *(Шунда)* илм берилган зотлар *(яъни, пайғамбарлар ва уламолар)* дерлар: "Дарҳақиқат, бугун бутун расволик ва азоб-уқубат кофирлар устига *(тушар)*". 28. Улар *(куфр йўлини танлашлари сабабли)* ўз жонларига жабр қилган ҳолларида *(ўлим)* фаришталари уларнинг жонларини олурлар. Шунда улар *(тақдирга)* тан беришиб - *(бўйинларини қисишиб)*: "Бизлар бирон ёмонлик - гуноҳ қилган эмасмиз" *(дерлар)*. Йўқ, шак-шубҳасиз, Оллоҳ қилган амалларингизни Билгувчидир. 29. Энди ўзларингиз мангу қоладиган жаҳаннам дарвозаларидан кирингиз! Мутакаббир кимсаларнинг борар жойлари нақадар ёмон! 30. Тақводор зотларга: "Парвардигорингиз *(Ўз Пайғамбарига)* қандай нарсани нозил қилди?", дейилганида, улар: "Яхшиликни", дерлар. Чиройли амал қилган зотлар учун бу дунёда ҳам чиройли мукофотлар бўлур. Лекин шак-шубҳа йўқки, Охират диёри янада яхшироқдир. Тақводор зотларнинг турар жойлари нақадар яхши! 31. Улар остидан дарёлар оқиб турадиган мангу жаннатларга кирурлар. Улар учун у жойда хоҳлаган нарсалари бўлур. Оллоҳ тақводор зотларни мана шундай мукофотлар. 32. Улар *(ширк ва исёндан)* пок бўлган ҳолларида, фаришталар уларнинг жонларини олар эканлар: "Сизларга тинчлик-омонлик бўлгай. *(Энди)* қилиб ўтган амалларингиз сабабли жаннатга кирингиз", дерлар. 33. *(Кофирлар эса)* фақат ўзларига *(ўлим)* фаришталари келишини ёки Парвардигорингизнинг амри - азоби келишини кутарлар. Улардан

аввал ўтган *(кофир)* кимсалар ҳам мана шундай қилган эдилар *(яъни, ўзларига келган пайғамбарларни ёлғончи қилишиб, ҳалокатга дучор бўлган эдилар)*. Уларга Оллоҳ жабр қилгани йўқ, балки улар *(ўзлари)* ўз жонларига жабр қилгувчи бўлдилар. 34. Бас, қилган ёмонликлари *(уларнинг)* ўзларига етди ва кулиб-масхара қилган нарсалари ўзларини тутди. 35. Мушрик бўлган кимсалар: "Агар Оллоҳ хоҳлаганида, биз *(ҳам)*, ота-боболаримиз *(ҳам)* ундан ўзга бирон нарсага ибодат қилмаган, ва У*(нинг ҳукми)*сиз бирон нарсани ҳаром қилмаган бўлур эдик", дедилар. Улардан аввал ўтган *(кофир)* кимсалар ҳам мана шундай қилган эдилар *(яъни, ўз ихтиёрлари билан куфр йўлини танлаб, сўнгра: "Бизнинг кофирлигимизга Оллоҳнинг Ўзи сабаб", деб Оллоҳ таоло шаънига туҳмат қилган эдилар)*. Пайғамбарлар зиммасида *(одамларни мажбуран динга киргизиш эмас, балки)* фақат *(Оллоҳ нозил қилган ваҳийни)* очиқ-ойдин етказиш бордир. 36. Аниқки, Биз ҳар бир умматга: "Оллоҳга ибодат қилинглар ва шайтондан йироқ бўлинглар", *(деган ваҳий билан)* бир пайғамбар юборганмиз. Шунда улар *(ўша умматлар)* орасида Оллоҳ ҳидоят қилган зотлар ҳам шунингдек, чекларига йўлдан озишлик тушган кимсалар ҳам бўлган. Бас, Ер юзида сайру саёҳат қилиб, *(ўз пайғамбарларини)* ёлғончи қилган кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринглар. 37. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, агар Сиз у *(мушрик)*ларнинг ҳидоят топишларига ташна бўлсангиз-да билингки, Оллоҳ Ўзи йўлдан оздирадиган кимсаларни ҳаргиз ҳидоят қилмас ва улар учун бирон ёрдамчи ҳам бўлмас. 38. Улар: "Оллоҳ ўлган кишиларни қайта тирилтирмайди", деб Оллоҳ номига жон-жаҳдлари билан қасам ичдилар. Йўқ, *(албатта тирилтирур!)* Бу - У Зотнинг ҳақ ваъдасидир. Лекин одамларнинг кўплари *(бу олам имтиҳон олами эканини, асл-абадий ҳаёт қайта тирилгандан кейин бўлишини)* билмайдилар. 39. Уларга ўзлари ихтилоф қилаётган нарсаларини баён қилиб *(кўрсатиб)* бериш учун ҳамда кофир бўлган кимсалар ўзларининг ёлғончи эканликларини билишлари учун ҳам *(албатта Оллоҳ барча халойиқни қайта тирилтирур)*. 40. Биз бирон нарсани ирода қилсак, унга айтадиган сўзимиз "Бўл", демоқликдир. Бас, ўша нарса бўлур. 41. Зулму қийноқларга дучор бўлганларидан сўнг, Оллоҳ Йўлида ҳижрат қилган зотларни албатта бу дунёда ҳам гўзал *(гўшаларга)* жойлаштирурмиз. Энди Охират ажри - мукофоти янада каттароқ эканини *(одамлар)* билсалар эди! 42. Улар *(мушриклар етказган озор-азиятларга)* сабр-тоқат қилган ва Ёлғиз Парвардигорларигагина суянган зотлардир. 43. *(Эй Муҳаммад*

алайҳис-салом), **Биз Сиздан** *(яъни, Сизни Пайғамбар қилиб юборишимиздан)* **илгари ҳам** *(фаришталарни эмас, балки)* **фақат** *(Сиз каби)* **кишиларни - инсонларнигина Ўзимиз туширган ваҳий билан** *(Пайғамбар қилиб)* **юборганмиз.** *(Эй мушриклар),* **агар** *(бу ҳақда)* **билмайдиган бўлсангизлар, аҳли илмлардан** *(яъни, Таврот ва Инжилни биладиган кишилардан)* **сўранглар!**

И з о ҳ: Бу оят Макка мушриклари Муҳаммад алайҳис-саломнинг Пайғамбар эканликларини инкор қилишиб: "Оллоҳ одамзотни Ўзининг элчиси қилиб юбормайди. Агар фаришта келиб, мен Оллоҳнинг элчисиман, деганида, иймон келтирган бўлур эдик", деганларида нозил бўлган.

44. *(Биз аввалги пайғамбарларни)* **очиқ ҳужжатлар ва Китоблар билан** *(юборганмиз).* **Сизга эса одамларга нозил қилинган нарсаларни** *(яъни, Шариат аҳкомларини)* **баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу Эслатмани - Қуръонни нозил қилдик. 45.** *(Муҳаммад алайҳис-саломни қатл этиш учун)* **энг ёмон макру ҳийлаларни қилган кимсалар Оллоҳ ўзларини Ерга ютдиришидан ёки** *(уларга)* **сезмаган-кутмаган тарафларидан** *(Оллоҳнинг)* **азоби келиб қолишидан хотиржам бўлдиларми?! 46. Ёки сафар-саёҳатларда айланиб юрган чогларида уларни** *(бало-офатлар)* **ушлаб, ҳеч қаёққа қочиб қутулолмай қолишларидан** *(қўрқмадиларми)?* **47. Ёки** *(қилган макр-ҳийлаларининг оқибатидан ўзлари)* **қўрқиб-пусиб юрган пайтларида, уларни** *(Оллоҳнинг балоси)* **ушлаб қолишидан** *(қўрқмадиларми)?!* *(Эй инсонлар),* **дарҳақиқат, Парвардигорингиз Меҳрибон ва Раҳмлидир. 48. Ахир улар Оллоҳ яратган барча нарсаларнинг соялари ўнгу сўлларига, Оллоҳга сажда қилган ҳолда эгилаётганини - улар** *(барчаси Оллоҳга)* **бўйинсунувчи эканликларини кўрмадиларми?! 49. Осмонлар ва Ердаги барча жониворлар ва фаришталар ҳам кибр-ҳаво қилмаган ҳолларида Ёлгиз Оллоҳга сажда қилурлар. 50. Улар устиларидаги** *(уларни кузатиб турган)* **Парвардигорларидан қўрқурлар ва фақат ўзларига амр этилган ишларнигина қилурлар.**

И з о ҳ: Юқоридаги икки оят сажда оятларидир. Уларда барча нарса Ёлгиз Оллоҳга сажда қилиши таъкидланар экан, бир гўзал мисол келтирилади: тоғ-тош ва дов-дарахт каби эгила олмайдиган нарсалар ҳам Яратганга сажда қилмасдан тура олмайдилар - улардан соялари ажралиб ўнгу-сўлга эгилиб сажда қиладилар - Ҳақ Таолога арзи бандалик қиладилар! Ўзларига ўхшаган бандаларга эгилиб-букилиб юрган, лекин Яратганга сажда қилишдан ор қиладиган кимсалар ўша тоғлардан ибрат олсалар эди! Бу

Қуръондаги сажда оятларининг Аъроф сурасидаги 205-оят ва Раъд сурасидаги 15-оятларидан кейинги учинчисидир.

51. Оллоҳ: "Икки худога бандалик қилманглар! Фақат Биргина Илоҳ *(яъни, Ёлгиз Оллоҳ таологина)* **бордир, холос. Бас, Мендангина қўрқингиз!" деди. 52. Осмонлардаги ва Ердаги барча нарсалар Унинг мулкидир. Тоат-ибодат мудом Ёлгиз Унга** *(бўлмоги лозимдир)*. **Оллоҳдан ўзгалардан** *(яъни, жонсиз бутлардан ёки ўзларингизга ўхшаган одамлардан)* **қўрқурмисизлар?! 53. Сизларга берилган барча ноз-неъматлар Ёлгиз Оллоҳдандир. Шунингдек, қачон сизларга** *(бирон)* **бало-мусибат етса ҳам фақат Унгагина илтижо қилурсизлар. 54-55. Сўнг, У Зот сизлардан балони ариттанида эса, баногоҳ сизларнинг орангиздан бир тўда чиқиб, Биз уларга ато этган нарсаларга куфрони неъмат қилишиб, Парвардигорларига ширк келтирурлар. Бас,** *(эй мушриклар, тўрт кунлик дунёда Биз берган неъматлардан)* **фойдаланиб қолинглар. Яқинда,** *(яъни, Қиёмат Кунида бу ширкларингизнинг оқибатини)* **билурсизлар. 56. Улар Биз ризқ қилиб берган нарсалардан ўзлари билмайдиган** *(яъни, жоҳилликлари, билимсизликлари сабабли худо деб ўйлаган)* **бутлари учун насиба ажратурлар.** *(Эй мушриклар)*, **Оллоҳ номига қасамки, албатта сизлар Ўзларингиз тўқиб-бичиб олган бутларингиз тўгрисида** *(Қиёмат Кунида)* **масъул бўлурсизлар. 57. Улар:** *("Фаришталар Оллоҳнинг қизлари", дейишиб)*, **у "қизлар"ни Оллоҳники қилишади - У Зот** *(бу бўҳтондан)* **Покдир - ўзларининг кўнгиллари тусаган нарсани** *(яъни, ўгилларни)* **эса ўзлариники** *(қилиб олишди)*. **58. Қачон бировларига қиз** *(кўргани ҳақида)* **хушхабар берилса, газабга тўлиб, юзлари қорайиб кетар. 59. Ва у** *(қизни)* **хўрлаган ҳолида олиб қолиш ёки** *(тириклай)* **тупроққа кўриш** *(тўгрисида ўй суриб)*, **ўзига хушхабар берилган нарсанинг** *(яъни, қиз кўришнинг)* **"ёмон"лигидан** *(номус қилиб)* **одамлардан яшириниб олур. Огоҳ бўлингизким, улар** *(бу қилмишлари билан)* **энг ёмон** *(яъни, ноҳақ)* **ҳукм чиқарурлар.**

Изоҳ: Ислом дини келишидан илгари арабларда ваҳший бир одат бор эди, улар қиз фарзанд кўришни ўзлари учун ор деб билишар ва кўплари қизларини тириклай ерга кўмиб юборар эдилар. Бунга сабаб, динсиз, иймонсиз кимсаларнинг жаҳолат ва кибр-ҳаволари бўлиб, айрим тарихчи уламолар бу разолатни бир воқеага боглайдилар: узоқ ўтмишда бутун араб жазираси Нўъмон исмли подшоҳ қўл остида бўлиб, барча қавм-қабилалар унга бож тўлар эканлар. Бир йили қабилалардан бири зиммаларидаги солиқни тўлашдан бош тортишганида, подшоҳ аскарлари бостириб

келишиб, у қабиланинг ҳамма хотин-халаж, ўғил-қизларини асир қилиб олиб кетишган ва уларни ўз қабилаларига қайтариш учун бож тўланишини шарт қилишган экан. Бу талаб бажарилгунча орадан ўтган фурсат ичида қабила бошлигининг қизи билан подшоҳнинг ўғли бир-бирларига кўнгил қўйиб қолишган экан. Шунинг учун қиз бошқалар сафида ўз юртига қайтиб кетишдан бош тортади. Ҳеч қандай дўқ-пўписа ва ялиниб-ёлворишлар кор қилмагач, қизнинг отаси - қабила бошлиги, душманига кўнгил қўйиб, ўзини шарманда қилган қизидан ниҳоят даражада газабланиб, бундан кейин қиз кўрса, албатта тириклай Ерга кўмишга қасам ичади. Шундай қилиб, бу қабиҳ одат авлоддан-авлодга ўтиб, тарқаб келаверади ва қачонки Ислом дини келгач, Қуръон бу ярамас одатни манъ этади.

60. Охиратга иймон келтирмайдиган кимсалар энг ёмон сифат эгаларидир. Оллоҳ эса энг юксак хислатлар Соҳибидир. У қудрат ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 61. Агар Оллоҳ одамларни *(улар қилган ҳар қандай)* **зулм-зўравонликлари билан ушлаганида** *(азоблаганида),* **Ер юзида бирон жониворни қўймаган бўлур эди. Лекин У Зот уларни маълум муддатгача қўйиб қўяр. Бас, қачон уларнинг ажаллари етиб келганида эса уни бирон соат кетга ҳам сура олмайдилар, илгари ҳам қила олмайдилар. 62. Улар ўзлари ёмон кўрадиган нарсаларни** *(яъни, қиз болаларни)* **Оллоҳники дейишиб, яна** *(уларнинг)* **тиллари ўзлари учун чиройли мукофот - жаннат бўлиши ҳақида ёлгон сўзларни сўзлайди. Шак-шубҳа йўқки, улар дўзах эгаларидир ва албатта улар** *(дўзахга)* **биринчилар** *(қаторида ташланурлар).* **63.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Оллоҳ номига қасамки, дарҳақиқат, Биз Сиздан илгари ўтган умматларга ҳам пайгамбарлар юборганимизда, шайтон уларга ҳам ўзларининг** *(қабиҳ)* **амалларини чиройли қилиб кўрсатган эди. Чунки у бугун** *(бу дунёда)* **уларнинг "дўсти"дир.** *(Охиратда эса)* **улар учун аламли азоб бордир. 64. Биз Сизга иймон келтирган қавм учун Ҳидоят ва Раҳмат бўлган бу Китобни - Қуръонни фақат уларга ўзлари ихтилоф этаётган нарсаларни баён қилиб беришингиз учунгина нозил қилдик. 65. Оллоҳ осмондан сув** *(ёмгир)* **ёгдириб, унинг ёрдамида ўлик Ерни тирилтирди. Албатта бу ишда** *(ваъз насиҳатга)* **қулоқ тутадиган қавм учун оят-ибрат бордир. 66. Дарвоқеъ, сизлар учун чорва ҳайвонларида ҳам бир ибрат бордир. Биз сизларни уларнинг қоринларидаги нажосат ва қон ораларидан ичувчилар учун ўтимли - таъмли бўлиб чиққан нарса - тоза сут билан сугорурмиз. 67. Сизлар маст қилгувчи** *(ароқни)* **ҳам, гўзал - ҳалол ризқ***(нинг*

ўзини) ҳам хурмо ва узумларнинг меваларидан олурсизлар. Албатта бунда ҳам ақл юритадиган қавм учун оят-ибрат бордир.

И з о ҳ: Ушбу сура нозил қилинган пайтда ҳали ароқ ҳаром қилинмаган эди. Чунки ароқ Мадинада нозил бўлган "Моида" сурасининг 90-оятида ҳаром қилинган, бу сура эса ҳижратдан илгари Маккада нозил бўлган эди

68. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Парвардигорингиз асаларига ваҳий - амр қилди: "Тоғларга, дарахтларга ва *(одамлар)* қурадиган инларга уя солгин. 69. Сўнгра турли мевалардан еб, Парвардигоринг *(сен учун)* осон-қулай қилиб қўйган йўллардан юргин!" Унинг қорнидан алвон рангли ичимлик-асал чиқур. Унда одамлар учун шифо бордир. Албатта бу ишда *(яъни, шу митти жониворнинг ҳам одамлар учун хизматкор қилиб қўйилишида)* тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибрат бордир. 70. Сизларни Оллоҳ яраттандир. Сўнгра *(ажалларингиз битгач),* Унинг Ўзи сизларни вафот қилдирур. Сизларнинг орангизда *(ешликдаги гўзал-тотли ҳаетдан кексалик пайтидаги)* энг тубан кун кўришга *(яъни, ўзини бошқара олмайдиган ҳолатга)* қайтарилиб, илгари билган нарсаларининг барчасини унутиб юборадиган *(яъни, ўта кексайиб вафот қиладиган)* кишилар ҳам бордир. Албатта Оллоҳ Билгувчи ва Қудратлидир. 71. Оллоҳ айримларингиздан айримларингизни ризқда устун қилиб қўйди. Бас, бу *(ризқда)* устун қилинган кишилар ўзларининг ризқларини қўл остидаги қулларига қайтариб *(бой-камбағалликда)* барчалари баробар бўлиб олмайдилар-ку! *(Шундай бўлгач, қандоқ қилиб барчага ризқу рўз ато этгувчи Оллоҳ таолога қўлидан ҳеч иш келмайдиган бутларни баробар қиладилар?!)* Оллоҳнинг неъматини инкор қилурларми?! *(Яъни, Яратганнинг Ўзи ато этган ризқу рўзни инкор қилишиб, бу неъматларни ўша жонсиз бутлар берган, деб ўйлайдиларми?!)* 72. Оллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун болалар, набиралар пайдо қилди ва сизларни ҳалол-пок ризқлардан баҳраманд этди. Бас, улар ботил *(бутлар)*га иймон келтириб, Оллоҳнинг неъматига кофир бўлурлармиⁱ?! 73. Ва Оллоҳни қўйиб, улар учун осмонлар ва Ердан бирон нарсани ризқ қилиб бера олмайдиган, ҳеч нарсага қодир бўлмайдиган бутларга ибодат қилурларми?! 74. Бас, Оллоҳнинг ўхшашини қидирманглар! *(У Зотнинг мисли - ўхшаши йўқдир.)* Албатта Оллоҳ *(барча нарсани)* билур, сизлар *(ҳеч нарсани)* билмассиз. 75. Оллоҳ бундоқ бир мисол келтирур: ҳеч нарсага кучи етмайдиган эгалик *(бировга қарам)* қул билан Биз Ўз тарафимиздан чиройли - мўл ризқ бериб, ўша ризқдан яширин ё

ошкора инфоқ-эҳсон қилаётган *(эркин)* **бир киши баробар бўлурми?** *(Бас, нега мушриклар қулга ўхшаган жонсиз бутларни бутун коинотнинг Эгаси бўлган ва уни Ўзи хоҳлаганидек тасарруф қиладиган Оллоҳ таолога тенг-шерик деб биладилар?!)* **Ҳамду сано Оллоҳникидир** *(яъни, Ўша Зотгина ҳамду санога ва маъбудликка Лойиқдир).* **Лекин уларнинг кўплари** *(буни)* **билмайдилар. 76. Оллоҳ яна икки киши ҳақида мисол келтирур: улардан бири ҳеч нарсага кучи етмайдиган гунг-соқовдир. У эгасига ортиқча юк бўлиб** *(эгаси)* **қаерга жўнатса, бирон яхшилик-фойда келтирмайди. Ўша кимса билан ўзи Тўғри Йўлда бўлган ҳолда,** *(ўзгаларни ҳам)* **адолат-ҳақиқатга буюрадиган киши баробар бўлурми?!** *(Ҳеч қачон баробар бўлмас. У ҳолда нега мушриклар гунг-соқов бутларни бутун оламни Тўғри Йўлга юришга буюрадиган Оллоҳ таолога тенг - шерик деб биладилар?!)* **77. Осмонлар ва Ердаги ғайб - сирларни** *(билиш)* **Оллоҳга хосдир. Соат - Қиёмат амри** *(яъни, Қиёматнинг қойим бўлиши)* **кўз очиб юмгунча ё ундан-да тездир. Дарҳақиқат, Оллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир. 78. Оллоҳ сизларни оналарингиз қорнидан бирон нарса билмаган ҳолингизда чиқарди ва шукр қилишингиз учун сизларга қулоқ, кўзлар ва дилларни берди. 79. Осмони фалакда** *(учиш учун)* **бўйинсундирилган қушларга боқмайдиларми?! Уларни Ёлғиз Оллоҳ ушлаб турибди-ку! Албатта бу ишда иймон келтирадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 80. Оллоҳ сизлар учун уйларингизни оромгоҳ қилди ва сизлар учун чорва ҳайвонларининг териларидан кўчадиган кунларингизда ва қўнадиган кунларингизда енгил кўтариб кета оладиган уй-ўтовлар** *(бунёд)* **этди ҳамда** *(қўйларнинг)* **жунларидан,** *(туяларнинг)* **юнгларидан ва** *(эчкиларнинг)* **тивитларидан маълум бир вақтга қадар фойдаланиладиган жиҳоз ва матолар** *(яратди).* **81. Оллоҳ сизлар учун Ўзи яратган нарсалардан соя-салқин жойлар** *(бунёд)* **этди ва сизлар учун тоғлардан ғор-бошпаналар қилди ҳамда сизлар учун иссиқ** *(совуқ)***дан асрайдиган кийимлар ва сизларни** *(душманнинг)* **зиён етказишидан сақлайдиган совутлар** *(яратди)* **У Зот шояд мусулмон бўларсизлар, деб сизларга Ўз неъматини мана шундай комил қилиб берур. 82.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **агар энди ҳам улар** *(Сиздан)* **юз ўгирсалар, у ҳолда Сизнинг зиммангизда фақат** *(ҳақиқатни мана шундай)* **очиқ-ойдин қилиб етказиш бор, холос. 83. Улар Оллоҳнинг неъматини танирлар ва кейин уни инкор қилурлар. Уларнинг кўплари кофирлардир** *(яъни, ҳеч қачон Оллоҳга иймон келтирмайдилар).* **84.** *(Қиёмат)* **Куни ҳар бир умматдан бир гувоҳни** *(яъни, ўша умматнинг пайғамбарини)*

келтириб қўюрмиз. Сўнгра кофир бўлган кимсаларга *(тавба-тазарруъ қилиш учун)* изн берилмас ҳамда улардан *(Оллоҳ рози бўладиган амалларга)* қайтиш ҳам талаб қилинмас. 85. Золим *(кофир)* бўлган кимсалар азобни кўрган вақтларида *(яъни, Қиёмат Кунида)* улардан *(у азоб)* енгиллатилмас ва уларга муҳлат ҳам берилмас *(яъни, яхши амалларни ҳаёт вақтларида ўз ихтиёрлари билан қилган кишиларгина савоб олурлар)*. 86. *(У Кунда)* мушрик бўлган кимсалар ўзларининг бутларини кўрган вақтларида: "Парвардигоро, бизлар Сени қўйиб, анави бутларимизга илтижо қилар эдик", деганларида, у *(бутлар бунга жавобан)*: "Сизлар, шак-шубҳасиз ёлғончидирсизлар", деб гап қотарлар. 87. Улар у Кунда Ёлғиз Оллоҳга бўйинсунурлар, ўзлари тўқиб олган "худо"лари эса улардан ғойиб бўлур. 88. Кофир бўлган ва *(одамларни)* Оллоҳ Йўлидан тўсган кимсаларга бузғунчилик қилганликлари сабабли азоб устига азобни зиёда қилурмиз. 89. *(Қиёмат Куни)* ҳар бир уммат орасидан ўзларидан бўлган бир гувоҳни *(яъни, пайғамбарни)* келтирурмиз. Сизни эса *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, ана у *(ўз умматингизга)* гувоҳ қилиб келтирдик ва Сизга - ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, Ҳидоят, Раҳмат ва мусулмонлар учун Хушхабар бўлган Китобни - Қуръонни нозил қилдик. 90. Албатта Оллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюрур ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтарур. У Зот шояд ибрат-эслатма оларсизлар, деб сизларга панд-насиҳат қилур. 91. Аҳд-паймон берган вақтларингизда, Оллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз! Оллоҳни кафил қилиб ичган қасамларингизни *(Оллоҳ номини зикр этиш билан)* мустаҳкам қилганингиздан кейин бузмангиз! Албатта Оллоҳ қилаётган ишларингизни билур. 92. Ва сизлар бир жамоат бошқа бир жамоатдан *(сон ё бойлик жиҳатидан)* ортиқроқ бўлгани учун қасамларингизни *(ўзларингиз аҳдлашган кишиларга нисбатан)* алдов воситаси қилишингиз билан *(яъни, бошқа бойроқ ва кучлироқ қавмни топсангиз, аввалги қавм билан қилган аҳд-паймонларингиздан кечиб кетаверишингиз билан)* худди ўзи тўқиган нарсасини пишиқ-пухта бўлганидан сўнг парча-парча қилиб бузиб-чуватиб ташлаган хотинга ўхшаб қолмангиз! Албатта Оллоҳ бу *(аҳдга вафо қилишга буюриш)* билан сизларни имтиҳон қилур ва албатта Қиёмат Кунида сизларга ихтилоф қилиб ўтган нарсаларингизни баён қилиб берур.

И з о ҳ: Маккада бир телба хотин бор бўлиб, у кун бўйи турли нарсаларни тўқир, кечга бориб эса тўқиган нарсаларини бузиб-чуваб ташлар экан. Мазкур оятда биров билан аҳдлашиб,

сўнгра аҳдларини бузиб қасамхўрлик қиладиган кимсаларни ўша телбага ташбеҳ қилинмоқда.

93. Агар Оллоҳ хоҳлаганида, албатта сизларни бир уммат қилган бўлур эди. Лекин У Зот Ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур, Ўзи хоҳлаган кишиларни *(Тўғри Йўлга)* ҳидоят қилур. Ва албатта сизлар қилиб ўтган амалларингизга масъул бўлурсизлар. 94. Қасамларингизни алдов воситаси қилиб олмангиз! У ҳолда *(Ислом Йўлида)* маҳкам ўрнашган оёқ тойиб кетур ва Оллоҳ Йўлидан тўсганларингиз сабабли *(чунки сизларнинг қасамхўрлик қилганингизни кўриб, айрим кишилар Исломга интилиш ўрнига ундан йироқлашиб кетурлар ва бунга сизларнинг қилмишингиз сабаб бўлур)* ёмонлик *(бало ва мусибатлар)*ни тотиб қолурсизлар ҳамда *(Охиратда)* сизлар учун улуғ азоб бўлур. 95. Оллоҳга берилган аҳд-паймонни озгина қийматга алмаштириб юбормангиз! Агар билсангизлар, албатта Оллоҳ даргоҳидаги нарса *(яъни, ажр-савоб)* сизлар учун *(дунё матоларидан)* яхшироқдир. 96. Сизларнинг ҳузурларингиздаги нарсалар йўқ бўлур. Оллоҳ даргоҳидаги нарсалар эса боқийдир. Биз албатта *(мушрикларнинг азиятларига ва Дин Йўлидаги машаққатларга)* сабр-қаноат этган зотларни ўзлари қилиб ўтган энг чиройли амаллари сабабли бериладиган ажр-савоблар билан мукофотлаймиз. 97. Эркакми ё аёлми - кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган энг чиройли амаллари сабабли бериладиган ажр-савоблар билан мукофотлаймиз. 98. *(Эй мўмин бандам)*, ҳар қачон Қуръон қироат қилсанг, албатта қувилган - малъун шайтон *(васвасаси)*дан Оллоҳ паноҳ беришини сўрагин! 99. Албатта иймон келтирган ва Ёлғиз Парвардигорларига таваккул қиладиган зотлар устида *(шайтон)* учун ҳеч қандай салтанат - ҳукмронлик йўқдир. 100. Унинг *(шайтоннинг)* ҳукмронлиги фақат *(уни)* дўст тутиб, *(Оллоҳ)*га шерик қилиб оладиган кимсалар устидадир. 101. Қачон Биз бир оят ўрнига бошқа бир оятни алмаштирсак - ҳолбуки, Оллоҳ Ўзи нозил қиладиган оятларни яхшироқ Билгувчидир - улар *(Пайғамбар алайҳис-саломга)*: "Шак-шубҳасиз, сен ўзинг тўқиб олурсан", дейдилар! Йўқ, уларнинг кўплари билмайдилар! 102. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* уни *(яъни, Қуръонни)* Руҳул-Қудус *(яъни, Жаброил)* Парвардигорингиз тарафидан иймон келтирган зотларни собитқадам қилиш учун, мусулмонларга Ҳидоят ва Хушхабар қилиб ҳаққи-рост нозил қилганини айтинг. 103. Аниқки, Биз уларнинг *"(Қуръонни Муҳаммадга)* бирон одам ўргатмоқда", деяётганларини билурмиз. *(Лекин уларнинг бу даъволари пучдир,*

чунки) улар ишора қилаётган кимсанинг тили ажамий *(яъни, арабий эмас)*, бу *(Қуръон)* эса очиқ-равшан арабийдир.

Изоҳ: Саҳобалардан Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадилар: Маккада Қурайш қабиласига мансуб кишилардан бирининг ажам қули бор эди. Пайғамбар алайҳис-салом баъзан у билан гаплашиб, унга Ислом аҳкомларидан таълим берар эдилар. Буни кўрган айрим қурайшликлар: "Муҳаммадга Қуръонни мана шу қул ўргатса керак", деб гап тарқатганларида юқоридаги оят нозил бўлди.

104. Албатта Оллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларни Оллоҳ ҳидоят қилмас. Улар учун аламли азоб бордир. 105. Ёлғон сўзларни ҳам фақат Оллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларгина тўқурлар. Ана ўшалар ёлғончидирлар. 106. Ким Оллоҳга иймон келтирганидан кейин *(яна қайтиб)* **кофир бўлса,** *(Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлур)*. **Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда** *(куфр калимасини айтишга)* **мажбур қилинса,** *(унинг иймонига зиён етмас)*. **Аммо кимнинг кўнгли куфр билан** *(яъни, Диндан чиқиб, кофир бўлиш билан)* **ёзиладиган бўлса, бас, ундай кимсаларга Оллоҳ томонидан ғазаб ва улар учун улуғ азоб бордир.**

Изоҳ: Муфассирлар айтишларича, бу оят Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу ҳақида нозил бўлган. Мушриклар у зотни ҳибс қилишиб, Ислом динидан чиқишни талаб этадилар ва даҳшатли азоблар билан қийнайдилар. Ночор-ношлож қолгач, мажбур ҳолда уларнинг бутларидан бирини тилга олганларидан кейингина у кишини қўйиб юборадилар Одамлар орасида эса "Аммор диндан чиқди", деган гап тарқаб кетади. У зот Пайғамбар алайҳис-салом ҳузурларига йиғлаб, айтган сўзларидан изтиробга тушиб келганларида, Пайғамбар алайҳис-салом: "Қалбинг нима дейди?", деб сўрайдилар. У: "Қалбим фақат иймон билан ором олади", деб жавоб беради. Шунда Пайғамбар алайҳис-салом: "Сенга неча марта мажбурлаб куфр калимасини айтдирсалар ҳам ҳаргиз иймондан ажраб қолмайсан", дедилар. Демак, Шариати Исломиянинг ҳукмига кўра фақат ўз ихтиёри билан куфр йўлини танлаб олган кимсаларгина кофир бўлурлар ва улар учун Охиратда энг қаттиқ азоб-уқубатлар бўлур.

107. Бунга *(яъни, бундай азоб-уқубатларга дучор бўлишларига)* **сабаб шуки, улар ҳаёти дунёни Охиратдан афзал билдилар. Оллоҳ эса кофир қавмни ҳидоят қилмас.** *(Бас, улар кофир бўлганлари сабабли Ҳақ Йўлни топа олмай ўлиб кетурлар)*. **108. Оллоҳ ундай кимсаларнинг дилларини, қулоқларини ва кўзларини муҳрлаб қўйгандир. Улар ғофил кимсалардир. 109. Шак-шубҳа йўқки, улар**

Охиратда зиён кўргувчилардир. 110. Сўнгра *(эй Муҳаммад алайҳис-салом, билингки)*, албатта Парвардигорингиз, *(Макка мушриклари томонидан азобланиш, куфрга мажбур қилиниш билан)* фитналарга дучор этилганларидан кейин *(Маккайи мукаррамадан Мадинаи мунавварага)* ҳижрат қилган, сўнг *(Оллоҳ Йўлида)* жиҳод этиб, *(бу жиҳод машаққатларига)* сабр-тоқат қилган зотлар учун *(Мададкор, Ёрдамчидир)*. Албатта Парвардигорингиз у *(меҳнат-машаққатларни кўтарганларидан)* кейин *(улар учун)* Мағфират қилгувчи, Меҳрибондир. 111. Ҳар бир жон фақат ўзини ўйлаб - ҳимоя қилиб қоладиган ва ҳар бир жон қилган амалининг *(мукофотини)* тўла оладиган, уларга зулм қилинмайдиган Кунни *(яъни, Қиёматни эсланг)*! 112. Оллоҳ бир шаҳарни *(яъни, Маккани)* мисол келтирур: у тинч, сокин *(шаҳар)* эди, ҳар томондан ризқу рўзи бекаму кўст келиб турар эди. Бас, *(қачонки)* у *(яъни, унинг аҳолиси)* Оллоҳнинг неъматига ношукрлик қилгач, Оллоҳ у *(шаҳар аҳолисига)* бу "ҳунарлари" *(куфру исёнлари)* сабабли очарчилик ва нотинчлик балосини тотдириб қўйди. 113. Дарҳақиқат, уларга ўзларидан бўлган бир Пайғамбар *(яъни, ҳазрати Муҳаммад алайҳис-салом)* келганида уни ёлғончи қилишгач, уларни золим бўлган ҳолларида *(Оллоҳнинг)* азоби ушлади. 114. Бас, *(эй мўминлар)*, Оллоҳ сизларга ризқ қилиб берган ҳалол-пок нарсалардан енглар ва агар Оллоҳга ибодат этгувчи бўлсангизлар, У Зотнинг неъматларига шукр қилинглар! 115. У *(Оллоҳ)* сизларга фақатгина ўлаксани, қонни, тўнгиз гўштини ва Оллоҳдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди. Энди кимки золим ва ҳаддан ошувчи бўлмаган ҳолида ночор вазиятда қолса *(ва шу ҳолда мазкур нарсалардан ўлмагудек миқдорда еса, гуноҳкор бўлмайди)*. Бас, албатта Оллоҳ Мағфират қилгувчи, Раҳмлидир. 116. Сизлар Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиш учун *(яъни, Оллоҳ буюрмаган ҳукмларни Оллоҳники дейиш учун)* тилларингизга келган ёлғонни гапириб: "Бу ҳалол, бу ҳаром", деяверманглар! Чунки Оллоҳ шаънига ёлғон тўқийдиган кимсалар ҳеч нажот топмаслар. 117. *(Ундай кимсалар учун бу ҳаёти дунёда)* озгина фойда бўлур. *(Охиратда эса)* улар учун аламли азоб бордир. 118. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, яҳудий бўлган кимсаларга илгари *(Анъом сурасининг 146-оятида)* Сизга сўзлаб берган нарсаларни ҳаром қилдик. Биз уларга жабр қилмадик, балки улар ўз жонларига жабр қилгувчи бўлдилар. 119. Сўнгра *(билингки)*, албатта Парвардигорингиз, билмаган ҳолда ёмонлик - гуноҳ қилиб қўйиб, кейин тавба қилган ва ўзларини тузатган кишилар учун, шак-шубҳасиз ўша *(тавба-тазарруъларидан)* сўнг Парвардигорингиз

(уларни) Мағфират қилгувчи, Меҳрибондир. 120. Албатта Иброҳим Оллоҳга итоат қилгувчи, Ҳақ Йўлдан тойилмаган бир пешво-имом эди. У мушриклардан эмас эди. 121. У *(Оллоҳнинг)* неъматларига шукр қилгувчи эди. *(Шу сабабдан Оллоҳ)* уни *(пайғамбарликка)* танлаб, Тўғри Йўлга ҳидоят қилди. 122. Биз унга бу дунёда чиройли *(обрў-эътибор)* ато этдик *(зеро, барча динларнинг аҳллари Иброҳим алайҳис-саломнинг номларини ҳурмат билан тилга оладилар).* Албатта у Охиратда ҳам солиҳ - яқинларимиздандир. 123. Сўнгра *(Биз, эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сизга Ҳақ Йўлдан тойилмаган Иброҳимнинг Динига эргашинг, у мушриклардан эмас эди, деб ваҳий юбордик. 124. "Шанба" *(у кунни улуғлаш)* фақатгина у кун ҳақида ихтилоф қилган кимсаларнинг *(яъни, яҳудийларнинг)* устига *(фарз)* қилингандир. Албатта Парвардигорингиз Қиёмат Кунида уларнинг ўртасида ўзлари ихтилоф қилиб ўтган нарсалар тўғрисида ҳукм қилур.

Изоҳ: Яҳудийлар: "Муҳаммад Иброҳимнинг Динига қарши чиқди. Иброҳим шанба кунини улуғлар эди, Муҳаммад эса жума кунини улуғ кун дейди", дедилар. Шунда шанба кунини улуғлаш Иброҳим алайҳис-саломнинг Динларида бўлмаганини таъкидлаб, ушбу оят нозил бўлди.

125. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Парвардигорингизнинг Йўлига - Динига донолик - ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинг! Улар *(Сиз билан талашиб-тортишадиган кимсалар)* билан энг гўзал йўлда мужодала - мунозара қилинг! Албатта Парвардигорингизнинг Ўзи Унинг Йўлидан озган кимсаларни жуда яхши билур ва У Зот ҳидоят топгувчи кишиларни ҳам жуда яхши билур. 126. *(Эй мўминлар),* агар сизлар *(ўзингизга етган бирон зиён-заҳмат учун)* интиқом олмоқчи бўлсангизлар, у ҳолда фақат сизларга етказилган зиён баробарида интиқом олингиз! *(Аммо)* агар *(интиқом олмай)* сабр-тоқат қилсангизлар, албатта сабр қилгувчи кишилар учун бу *(интиқом олмоқдан)* яхшироқдир. 127. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, бу даъват Йўлида Сизга етган озор-азиятларга)* сабр-тоқат қилинг! Ёлғиз Оллоҳ *(ёрдами)* билангина сабр қила олурсиз. Уларнинг *(яъни, мушрикларнинг Динга кирмаганликлари)* устида маҳзун бўлманг! Уларнинг макру ҳийлаларидан сиқилманг ҳам! 128. Зотан, Оллоҳ тақводор бўлган ва чиройли амаллар қилгувчи зотлар билан биргадир.

АЛ-ИСРО сураси (17)

Бир юз ўн бир оятдан иборат бўлган бу сура Маккада нозил қилинган. Бу сурада ҳам бошқа Макка сураларида бўлгани каби эътиқод, Оллоҳ таолонинг Якка-Ёлгизлиги, қайта тирилиш аниқ маълумлиги борасида сўз кетса-да, ундаги энг асосий жиҳат Пайғамбар Муҳаммад алайҳис-саломнинг шахсиятлари ва у зотга Оллоҳ томонидан ато этилган мўъжизалар таъриф-тавсифидир. Бу сура Оллоҳ таоло Ўзининг сўнгги Пайғамбарига кўрсатган "сайр" мўъжизаси ҳақида хабар бериш билан бошланади. Шу боисдан, суранинг номи "Ал-исро" - "Тунги сайр" деб аталгандир.

Бу сурада бани Исроил қавми хусусида ҳам сўз юритилиб, уларнинг тугён ва исёнлари ҳамда Охират-оқибат топажак мусибатлари ҳақида хабар берилади. Шунинг учун айрим уламолар уни бани Исроил сураси деб атайдилар.

Бу сура мўминларга Ёлгиз Оллоҳ таологагина ибодат қилишдан кейинги энг зарур амал ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг ҳузурида таъзим-тавозуъ билан туриш, буюрган ишларини қулоқ қоқмай бажариш эканини уқтиради. Яна бу сурада борлиқдаги жонли-жонсиз барча мавжудот ўз вужудлари, ўзаро боғланишлари ва бир тартиб-интизомга сўзсиз бўйинсунишлари билан уларни яратган ҳам, бошқариб турган ҳам Ёлгиз Оллоҳ таоло эканлигига далолат қилиб туриши таъкидланади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Оллоҳ)* **бир кеча, Ўз бандаси** *(Муҳаммад алайҳис-салом)***ни - унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун** *(Маккадаги)* **Масжид-ал-Ҳаромдан** *(Қуддусдаги)* **Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид-ал-Ақсога сайр қилдирган** *(барча айбу нуқсондан)* **Пок Зотдир. Дарҳақиқат, У Эшитгувчи, Кўргувчи Зотдир.**

И з о ҳ: Бу - меърож, яъни, Оллоҳ Таоло ҳузурига кўтарилиш қиссаси бўлиб, у Пайғамбар алайҳис-салом Мадинага ҳижрат қилишларидан бир йил илгари воқе бўлгандир. Расулуллоҳ алайҳис-салом айтадилар: "Бир кеча Масжид-ал-Ҳаромда эканман, баногоҳ ҳузуримга Жаброил Буроқ исмли отни етаклаб келди ва мени ўша отга миндириб самога олиб чиқиб кетди. Бир зумда Қуддус шаҳрига етиб келдик. Бу ердаги Масжид-ал-Ақсода икки ракаат нафл намозини ўқигач, яна Буроққа миниб Жаброил билан осмонга йўл олдик... Еттинчи осмонга етгач, Оллоҳ таоло менга ва менинг умматимга кунда беш вақт намоз ўқишни фарз қилиб, деди: "Бу бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намознинг ҳар бирига ўн намоз савобини ато этурман! Демак, беш вақт намоз ўқиган кишига эллик вақт намоз савоби езилур. Шунингдек, бандаларимдан ким бир яхшилик қилишга азм этиб, уни адо эта олмаса бир савоб, адо эта олса, ўн савоб ато қилурман. Энди кимки, бирон ёмон ишни - гуноҳни қасд қилса-ю, уни амалга оширмаса, у кишига гуноҳ ёзилмас, агар ўша ёмон ниятини амалга оширса, бир гуноҳ ёзилур", Парвардигоримдан ушбу вазифаларни олиб, Заминга тушдим ва бир нафасда ўзимни Маккада кўрдим".

Ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳис-салом меърожга чиқиб кетаётиб ҳужраларининг эшигини ёпганларида қимирлаб қолган эшик ҳалқаси осмондан қайтиб тушганларида ҳам силкиниб турган экан.

2. Биз Мусога Китоб *(Таврот)* ато этдик ва у *(Китоб)*ни бани Исроил *(қавми)* учун ҳидоят қилиб *(дедик)*: "Сизлар Мендан ўзгани вакил *(яъни, барча ишлар ишониб топшириладиган зот)* **қилиб олманглар! 3.** *(Эй)* **Биз** *(ғарқ бўлишдан қутқариб)* **Нуҳ билан бирга** *(кемада)* **кўтариб** *(нажот берган)* **кишиларнинг зурриётлари,** *(сизлар ҳам Нуҳнинг йўлини тутинглар)*, **зеро, у доимо шукр қилгувчи банда эди". 4. Шунингдек, Биз бани Исроилга у Китобда: "Сизлар албатта** *(Шом)* **заминида икки марта бузгунчилик қилурсизлар ва катта тугёнга тушурсизлар", деб хабар бердик. 5. Бас, қачон у** *(бузғунчилик)***лардан аввалгисининг вақти келганида, Биз сизларнинг устингизга** *(қилмишларингиз баробарида жазолаш учун)* **куч-қувват эгалари бўлган бандаларимизни юбордик. Улар** *(сизларни ҳалок қилиш, асир олиш учун)* **ховли-жойлар оралаб кездилар.** *(Бу ваъда)* **адо қилингувчи ваъда бўлди.**

И з о ҳ: Муфассирлар айтишларича, бани Исроил қавми ҳаромни ҳалол деб, ноҳақ қон тўкиб бузгунчилик йўлига кирганларида, Оллоҳ таоло уларнинг устига Бобил ҳукмдорини ғолиб қилиб қўяди. У ўз лашкари билан келиб, бани Исроилдан етмиш

минг нафарини қиличдан ўтказади. Уй-жойларини вайронага айлантиради. Бу Оллоҳ таоло ваъда қилган жазо эди.

6. Сўнгра *(тавба-тазарруъ қилиб ўзларингизни ўнглаганингиздан кейин)* Биз сизларни қайтадан уларнинг *(Бобил ҳукмдорининг)* устига голиб қилдик ва сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад бериб, сон-саноқларингизни кўпайтирдик. 7. Агар *(шундан кейин)* чиройли амаллар қилсангизлар - ўзларингизга яхшилик қилган бўлурсизлар. Агар ёмон - гуноҳ амаллар қилсангизлар ҳам ўзларингиз учундир. Бас, қачон кейинги *(бузгунчиликнинг)* вақти-соати келганида, *(улар яна)* юзларингизни қаро қилишлари, аввалги сафар кирганлари каби Масжид *(ал-Ақсо)*га кириб, *(уни топташлари)* учун ҳамда ўзлари эгаллаб олган *(барча)* ерларни вайрон этишлари учун *(яна душманларингизни сизларнинг устингизга юборурмиз).*

И з о ҳ: Дарҳақиқат, бани Исроил қавми яна йўлдан озиб, ўзларига юборилган пайғамбарларни қатл этишгач, Оллоҳ таоло уларнинг устига Форс мажусийларини голиб қилиб, улар бани Исроил қавмининг бошига бало егдирган, юртларини вайронага айлантирган экан.

8. *(Агар тавба-тазарруъ қилиб ўзларингизни ўнгласангизлар),* шояд Парвардигорларингиз сизларга раҳм қилса. Агар *(яна бузгунчиликка)* қайтсангизлар, Биз ҳам *(сизларни ҳалок этишга)* қайтурмиз. Биз кофирлар учун жаҳаннамни зиндон қилиб қўйганмиз. 9. Албатта бу Қуръон энг Тўгри Йўлга ҳидоят қилур ва яхши амалларни қиладиган мўминларга катта ажр-мукофот борлигини*(нг)* хушхабар*(ини)* берур. 10. Шунингдек, Охиратга ишонмайдиган кимсалар учун аламли азоб тайёрлаб қўйганимизни*(нг)* ҳам *("хушхабар"ини берур).* 11. Инсон *(Оллоҳ таолодан)* яхшилик сўраб дуои хайр қилгани каби *(гоҳо сиқилган пайтларида)* ёмонлик тилаб дуоибад ҳам қилур. Инсон *(мана шундай)* шошқалоқдир. 12. Биз кеча ва кундузни *(Ўзимизнинг қудрати илоҳиямизни кўрсатиб турадиган)* икки оят - аломат қилиб қўйдик. Сўнг *(сизлар тунда ором олишларингиз учун)* кечанинг аломати *(бўлмиш ой)*ни "ўчириб" қўйдик *(яъни, ой юзини доғ билан қоплаб атрофга нур соча олмайдиган қилиб қўйдик),* кундуз аломати *(бўлмиш қуёш)*ни эса сизлар Парвардигорингиздан фазлу марҳамат *(яъни, ризқу рўз)* исташларингиз учун ёруглик-нур сочувчи қилиб қўйдик. Токи сизлар йилларнинг саногини ва ҳисоб-китобни билишларингиз учун *(кеча ва кундузни пайдар-пай келадиган қилиб қўйдик).* Ва Биз барча нарсани *(рўзи азалдаёқ)* батафсил баён қилиб қўйдик. *(Яъни,*

дунёдаги содир бўладиган бирон иш ёки воқеа-ҳодиса тасодифий бўлмай, балки ҳар бирининг воқеъ бўлиш жойи, вақти ва сабаблари батафсил баён қилиб қўйилгандир).

Изоҳ: Табарийнинг "Жомиъул-Баён" тафсирида айтилишича, Бир киши ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳудан: "Ойнинг юзидаги доғи нима?", деб сўраганда, у зот: "Қуръондаги: "Кечанинг аломати (бўлмиш ой)ни ўчириб қўйдик", деган оятни ўқимаганмисан?", деб жавоб қилган экан.

13. Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига илиб қўйгандирмиз *(яъни, унинг қилган ҳар бир амали икки дунеда унга ажралмас ҳамроҳ бўлур).* **Ва Биз Қиёмат Куни унга очиқ ҳолда рўбарў бўладиган бир Китобни** *(яъни, Номаи аъмолини)* **чиқариб** *(кўрсатурмиз).* **14.** *(Ва унга дейилур):* **"Китобингни** *(яъни, номаи аъмолингни)* **ўқи!** *(Ва қанча савобинг, қанча гуноҳинг бор эканининг ҳисобини қил)!* **Бугун ўз нафсинг ўзингга қарши етарли ҳисоб-китоб қилгувчидир". 15. Ким Ҳидоят Йўлига юрса, бас, ўзи учун юрар. Ким** *(Ҳидоят)* **Йўлидан озса, у ҳам ўз зиёнига озур. Ҳеч бир кўтаргувчи** *(яъни, гуноҳкор жон)* **ўзга жоннинг юкини** *(яъни, гуноҳини)* **кўтармас. Биз то бирон пайғамбар юбормагунча** *(у орқали Ўзимизнинг амру фармонларимизни юбориб, унга итоат қилишдан бош тортмагунларича, бирон кимсани)* **азоблагувчи эмасмиз. 16. Биз қачон бирон шаҳарни ҳалок қилишни истасақ, унинг боёнларини** *(Ўзимиз юборган пайғамбарларга итоат этишга)* **буюриб, улар итоатсизлик қилишгач, у шаҳар** *(аҳолиси)* **устига Сўз** *(азоб тушиши)* **вожиб - муқаррар бўлур. Бас, биз уни вайронага айлантирурмиз. 17. Биз Нуҳ** *(қавмидан)* **кейин ҳам қанча асрларни** *(авлодларни)* **ҳалок қилдик.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Парвардигорингизнинг Ўзи бандаларининг гуноҳларидан етарли Огоҳ, Кўриб тургувчидир. 18. Ким нақд** *(дунё)***ни кўзловчи бўлса, Биз** *(шу дунёда улардан)* **Ўзимиз истаган кимсалар учун Ўзимиз хоҳлаган нарсани нақд қилиб берурмиз. Сўнгра** *(яъни, Охиратда)* **у мазаммат-маломатга ва қувғинга дучор бўлган ҳолда кирадиган жаҳаннамни унинг учун жой қилиб берурмиз. 19. Ким Охиратни истаса ва мўмин бўлган ҳолида** *(Охиратга лойиқ)* **саъй-ҳаракат қилса, бас, ундай зотларнинг саъйлари** *(Оллоҳ наздида)* **мақбул бўлур. 20.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, бу дунёда одамларнинг)* **барчаларига - мана бу** *(мўмин)***ларга ҳам, анави** *(кофир)***ларга ҳам Парвардигорингизнинг неъматидан ато этурмиз. Парвардигорингизнинг неъмати** *(ҳеч кимдан)* **манъ қилинмас. 21.** *(Бу дунёда)* **уларнинг бировларидан бировларини** *(ризқу мартабада)* **қандай устун қилганимизни кўринг! Шак-шубҳа**

йўқки, Охират даражалари неча баробар улуғ ва афзалроқдир. 22. Сиз яна Оллоҳ билан бирга ўзга бирон илоҳ ҳам бор, деб мазамматлангувчи ва маҳрум бўлиб ўтирманг! 23. *(Эй инсон),* **Парвардигоринг, сизларга Ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар у икковидан бири ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб "уф" тортма ва уларнинг** *(сўзларини)* **қайтарма! Уларга** *(доимо)* **яхши сўз айт! 24. Улар учун, меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут - хокисор бўл ва: "Парвардигорим, мени** *(улар)* **гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин", деб** *(ҳақларига дуо қил)!*

И з о ҳ: Ушбу икки оятда ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабат хусусида сўз боради. Аввало, Ислом барча мўмин-мусулмон фарзандлар учун ота-онага яхшиликни Ёлғиз Оллоҳ таолога ибодатдан кейинги иккинчи вазифа қилиб қўяди. Бу таълимотга биноан, ота-она мўминми, кофирми, яхшими-ёмонми, барибир фарзанд уларга нисбатан ҳурмат сақлаши, сўзларини қайтармаслиги ва ҳақларига яхши дуолар қилиши вожибдир. Лекин мана шу ояти каримада зикр қилинган дуода жуда ҳам зарур бир нуқта борки, биз ундан ғофил бўлмаслигимиз лозим. Ота-оналик ҳуқуқини ва ҳурматини қозониш учун бола туғишнинг ўзи кифоя қилмай, балки уларга таълим-тарбия бериш ҳам муҳим шартлардан экан. Шунинг учун фарзанд ота-она ҳаққига дуо қилганида: "Ота-онам мени туққани учун уларга раҳм-шафқат қилгин", деб эмас, балки: "Улар мени чин инсон - мусулмон қилиб тарбиялаганлари учун уларга раҳм-шафқат қилгин", деб дуо қилиши буюрилди.

25. *(Эй инсонлар),* **Парвардигорингиз дилларингиздаги сирларингизни жуда яхши Билгувчидир. Агар сизлар яхши бўлсангизлар** *(яъни, ота-оналарингизнинг ҳуқуқларини таниб, уларга меҳрибон бўлсангизлар, албатта Оллоҳ билмасдан қилган гуноҳларингизни мағфират қилур).* **Зеро, у тавба қилгувчиларни Мағфират этувчи бўлган Зотдир. 26.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **қавми-қариндошга, мискин ва йўловчига** *(хайру эҳсон қилиш билан)* **уларнинг ҳақларини ато этинг ва исрофгарчиликка йўл қўйманг! 27. Чунки исроф қилгувчилар шайтонларнинг дўстлари бўлган кимсалардир. Шайтон эса Парвардигорига бутунлай кофир бўлгандир. 28. Агар Сиз Парвардигорингиз томонидан бўладиган марҳаматдан умидвор ҳолингизда** *(ҳозир қўлингизда бўлмагани сабабли хайр-эҳсон қилиш имконини топмай),* **улардан** *(яъни, қавм-қариндош, мискин ва йўловчиларга хайр-эҳсон қилишдан*

ҳозирча) юз ўгирадиган бўлсангиз, у ҳолда уларга юмшоқ сўз айтинг! 29. *(Бахиллик билан)* қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг! *(Исрофгарчилик қилиш билан)* уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва хасратда қолурсиз. 30. Шубҳасиз, Парвардигорингиз Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва *(Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини)* танг қилур. Албатта у бандаларидан Огоҳ ва *(уларни)* Кўриб тургувчи бўлган Зотдир. 31 *(Эй инсонлар),* болаларингизни йўқчиликдан қўрқиб ўлдирмангизлар - уларга ҳам, сизларга ҳам Биз Ўзимиз ризқ берурмиз. Уларни ўлдирмоқ, шак-шубҳасиз катта хатодир. 32. Зинога яқинлаша кўрманглар!

И з о ҳ. Муҳтарам ўқувчи эътибор берган бўлса, Оллоҳ таоло бу ўринда мўмин-мусулмонларни бузуқликдан қайтарар экан, уларга: "Зино қилмангла р", деб эмас, балки: "Зинога яқинлаша кўрманглар!" деб буюрди. Демак, Оллоҳдан қўрқадиган инсон зинога - фаҳшга олиб борадиган ҳар қандай ишлардан қаттиқ хазар қилиш лозим экан.

Чунки бу бузуқликдир - энг ёмон йўлдир. 33. Оллоҳ *(ўлдиришни)* ҳаром қилган жонни *(яъни, қатл этилишга мустаҳиқ бўлмаган жонни ноҳақ)* ўлдирмангиз, магар ҳақ *(Шаръий қонун)* билангина ўлдиришларингиз мумкиндир. Кимки мазлум бўлган ҳолида *(яъни, ноҳақ)* ўлдирилса, биз унинг эгаси - вориси учун *(қасос олишга)* салтанат-ҳуқуқ бергандирмиз. Бас, у *(қотилни)* ўлдиришда ҳаддан ошмасин *(яъни, қотилнинг ўрнига бошқа бировни ўлдирмасин ё бир кишининг муқобилига икки кишини ўлдирмасин ёки қотилни ўлдиришда унинг қулоқ-бурнини кесмасин)!* Зеро, у *(Оллоҳ томонидан қотилнинг устига)* ғолиб қилинган зотдир. 34. Етимнинг молига то у балоғат ёшига етгунича яқинлашманглар, магар энг чиройли йўсинда *(унга бирон зиён етказмасдан яқинлашинглар - тасарруф қилинглар)!* Аҳдга вафо қилинглар! Зеро, аҳд-паймон *(Қиёмат Куни)* масъул бўлинадиган ишдир. 35. *(Ўрталарингиздаги олди-берди,- савдо-сотиқдан бирон нарсани)* ўлчаган вақтларингизда ўлчовни тўла-тўкис қилинглар ва тўғри тарози билан тортинглар! Мана шу энг яхши ва чиройли ечим - ҳукмдир. 36. *(Эй инсон),* ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил - буларнинг барчаси тўғрисида *(ҳар бир инсон)* масъул бўлур *(яъни, эшитган, кўрган ва ишонган ҳар бир нарсаси учун киши Қиёмат Кунида жавоб беради).* 37. Ер юзида кибр-ҳаво билан юрмагин! Чунки сен *(оёқларинг билан)* ҳаргиз Ерни тешиб *(унинг тубига)* кетолмайсан ва бўйи бастда тоғларга етолмайсан. *(Бас, бу қадар ожиз экансан, нечун кибру ҳаво*

қилурсан?!) **38.** Буларнинг *(яъни, юқоридаги оятларда манъ этилган нарсаларнинг)* барчаси Парвардигорингиз наздида макруҳ бўлган гуноҳлардир. 39. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* бу *(оятлар)* Парвардигорингиз Сизга ваҳий қилган ҳикматлардан *(айримларидир).* Сиз яна Оллоҳ билан бирга бошқа илоҳ ҳам бор, деб маломатланган ва *(Оллоҳ раҳматидан)* қувилган ҳолда жаҳаннамга ташланманг! 40. *(Эй мушриклар),* Парвардигорингиз сизларга ўғилларни танлаб бериб, Ўзига фаришталарни қиз қилиб олдими?! Дарҳақиқат, сизлар оғир сўзни - катта гуноҳни сўзламоқдасиз!

Изоҳ: Ушбу оят мушрик арабларнинг: "Фаришталар Тангрининг қизларидир", деган сўзларини инкор қилиб нозил бўлгандир.

41. Албатта Биз бу Қуръонда улар эслатма *(ибрат)* олишлари учун *(турли масал ва ҳикматларни)* баён қилдик. *(Лекин бу эслатмалар золим кимсаларни)* янада *(Ҳақдан)* қочирур - йироқлаштирур. 42. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Агар улар айтганларидек Оллоҳ билан бирга *(бошқа)* илоҳлар ҳам бўлса эди, у ҳолда ўша *(илоҳлар)* Арш Соҳибига *(яъни, Оллоҳга)* қарши йўл излаган бўлур эдилар". 43. *(Оллоҳ)* улар айтган нарсадан Пок ва ниҳоят даражада Юксакдир. 44. Етти осмон, Ер ва улардаги бор жонзот *(Оллоҳни)* поклар. Мавжуд бўлган барча нарса *(Оллоҳга)* ҳамду сано айтиш билан У Зотни поклар. Лекин сизлар *(эй инсонлар),* уларнинг тасбеҳ айтишларини - поклашларини англамассизлар. Дарҳақиқат, У Ҳалим ва Мағфиратли бўлган Зотдир. 45. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* қачон Сиз Қуръон қироат қилганингизда, Биз Сиз билан Охиратга ишонмайдиган кимсалар ўртасида кўринмас парда тортиб қўюрмиз *(бас, улар Қуръон маъноларини англай олмаслар).* 46. Шунингдек, *(Қуръонни)* англай олмасинлар учун уларнинг дилларида тўсиқлар ва қулоқларида оғирлик - карлик пайдо қилурмиз. Қачон Сиз Қуръонда Ёлғиз Парвардигорингизни зикр қилсангиз, *(мушриклар)* орқаларига бурилиб қочурлар. 47. Биз уларнинг Сизга *(яъни, Сизнинг қироатингизга)* қулоқ тутаётган пайтларида нима сабабдан қулоқ тутаётганларини ва бу золим кимсалар ўзаро пичирлашиб *(мўминларга)*: "Аниқки, сизлар сеҳрланган - ақлдан озган кишига эргашмоқдасизлар", деяётганларини жуда яхши билурмиз. 48. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* улар Сиз ҳақингизда *(сеҳрланган, мажнун, шоир деб)* қандай мисоллар келтирганларини, бас, йўлдан озиб *(Ҳақ)* Йўлни топа олмаётганларини кўринг! 49. Улар: "Суяк ва *(чирик)*

мурдаларга айланиб кетгач, яна янгитдан яралиб қайта тирилурмизми?!", дедилар. 50-51. Айтинг: "Сизлар хох тош ё темир бўлинглар ёки кўнгилларингизда *(ҳаётлигини тасаввур қилиши)* жуда қийин бўлган бошқа бирон махлуқ бўлинглар, *(ҳар ҳолда Оллоҳ сизларни тирилтирур)"*. Ҳали улар: "Бизларни ким қайта тирилтира олур?", дейдилар. "Сизларни илк бор яратган Зот", деб айтинг! Ҳали улар Сизга бошларини ликиллатиб: "У *(кун)* қачон бўлур?", деб *(сўрайдилар)*. "Шоядки яқин бўлса", деб айтинг! 52. "У Зот сизларни чорлайдиган Кунда Унга ҳамду сано билан жавоб берурсизлар ва ўзларингизнинг *(дунёда)* жуда оз *(муддат)* турганларингизни ўйлаб қолурсизлар". 53. Бандаларимга айтингки, улар *(ўзаро сўзлашганларида)* энг гўзал сўзларни сўзласинлар. Зеро, шайтон уларнинг ўрталарида бузгунчилик қилур. Дарҳақиқат, шайтон инсонга очиқ душмандир. 54. *(Эй инсонлар)*, Парвардигорингиз сизларни жуда яхши билур. Хоҳласа сизларга раҳм-шафқат қилур, хоҳласа сизларга азоб берур. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Биз Сизни *(одамлар)* устига қўриқчи қилиб юборган эмасмиз *(яъни, Сизнинг вазифангиз фақат Бизнинг амру фармонларимизни уларга етказмоқдир)*. 55. Парвардигорингиз осмонлар ва Ердаги бор жонзотни жуда яхши билур. Ҳақиқатан, Биз айрим пайғамбарларни айримларидан устун қилдик. Биз Довудга Забурни ато этдик.

Изоҳ: Бу оят баъзи мушриклар Муҳаммад алайҳис-саломнинг Пайғамбар эканликларига иймон келтирмай, "Орамизда қанчадан-қанча олийнасаб зодагонлар турганида мана шу етим, яланғоёқ Муҳаммад пайғамбар бўладими?", дейишганида нозил қилишгандир. Оллоҳ таоло унда нафақат Маккаликларни, балки Ер ва осмонлардаги барча жониворларни ҳам жуда яхши билишини, бинобарин кимни пайғамбар қилиб сайлаш ҳам Ўз ихтиёрида эканлигини баён қилади ва Ўзи юборган пайғамбарларига турли мўъжизалар бериш билан айримларини айримларидан афзал қилиб қўйгани ҳақида хабар беради.

56. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушрикларга)* айтинг: "*(Оллоҳдан)* ўзга *(илоҳ)*, деб гумон қилган кимсаларингизни чорланглар! Улар сизлардан бирон зиённи арита олмаслар ва *(уни сизлардан бошқаларга)* буриб ҳам юбора олмаслар. 57. Улар *(илоҳ деб)* илтижо қиладиган ўша кимсаларнинг ўзлари ҳам Парвардигорга қай бирлари яқинроқ бўлиш учун йўл излайлар. У Зотнинг раҳмат-марҳаматидан умидвор бўлурлар, азобидан қўрқурлар. Дарҳақиқат, Парвардигорингизнинг азоби қўрқинчлидир.

И з о ҳ: Баъзи бир тоифалар фаришталарни, насронийлар Ийсо пайғамбарни, яҳудийлар эса Узайр пайғамбарни илоҳ деййишиб, у зотларга сиғинадилар. Ушбу икки оят ўшалар хусусида бўлиб, уларга ўзлари сиғинаётган зотлар Оллоҳнинг ожиз бандалари экани баён қилингандир.

58. *(Ер юзидаги)* **бор қишлоқ-шаҳарнинг** *(барчасини)* **Биз Қиёмат Куни** *(келиши)***дан илгари ҳалок қилгувчидирмиз ёки қаттиқ азоб билан азоблагувчидирмиз. Ушбу ҳукм Китобда -** *(Лавҳул-Маҳфузда)* **битилгандир. 59.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушриклар Сиздан талаб қилган)* **оят-мўъжизаларни юборишдан Бизни қайтарган нарса фақат аввалги умматлар у** *(мўъжизаларни кўргач, иймон келтириш ўрнига уларни)* **ёлғон деганларидир. Самуд қабиласига очиқ** *(мўъжиза бўлган)* **туяни ато этганимизда унга зулм этдилар** *(ва оқибатда қирилиб кетдилар).* **Биз мўъжизаларни фақат** *(бандаларимизни ҳалокатдан)* **қўрқитиш учунгина юборурмиз. 60. Эсланг,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Биз Сизга Парвардигорингиз** *(барча)* **одамларни ўраб-иҳота қилиб олгандир, деган эдик. Биз Сизга** *(меърож кечасида кўрсатган)* **"Туш"ни ва Қуръонда лаънатланган** *(Заққум)* **дарахтини - у одамлар учун бир фитна-имтиҳон қилдик, холос. Биз** *(мушрикларни турли мўъжизалар билан)* **қўрқитурмиз, аммо бу уларни баттар туғёнга солур.**

И з о ҳ: Пайғамбар алайҳис-салом меърождан қайтганларидан сўнг, эрталаб бу кеча ўзларининг Оллоҳ таоло ҳузурига чиққанлари ва жаннатни ҳам, дўзахни ҳам ўз кўзлари билан кўрганларини айтиб, ўша дўзахнинг қоқ ўртасида Оллоҳнинг лаънатига учраб жаҳаннамга тушган кимсалар учун "овқат" бўладиган "Заққум" дарахти борлиги ҳақида хабар берганларида, Қурайш кофирлари "Сен жуда ажойиб туш кўрибсанку, ахир ўт-олов у дарахтни куйдириб юбормайдими?", деб у зотни масхара қилиб кулишди. Шунда юқоридаги оят нозил бўлиб, унда Оллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига Ўзининг барча бандалари аҳволидан Огоҳ Зот эканини яна бир бор эслатиб, меърож ва унда кўрилган нарсалар, хусусан "Заққум" дарахти кишиларнинг ҳақиқий мўмин ёки кофир эканлигини синаш учун бўлган бир имтиҳон-синов эканлигини таъкидлайди ва бундай қўрқитув - синовлар мўминларнинг иймонини зиёда қилса, кофирларни баттар туғёнга солиши ҳақида хабар беради.

61. Эсланг, Биз фаришталарга: "Одамга сажда қилинг", дейишимиз билан улар саждага эгилдилар. Фақат иблис *(кибру ҳаво билан)*: **"Сен лойдан яратган кимсага сажда қилурманми?", деди. 62. У** *(яна шундай)* **деди: "Менга хабар бергинчи, мана шу**

кимсани мендан улуғ-устун қилдингми? Қасамки, агар Сен мени Қиёмат Кунигача *(тирик)* қолдирсанг, албатта мен унинг зурриётини қириб юборурман, *(яъни, Ҳақ Йўлдан оздириб, ҳалокат йўлларига буриб юборурман)*, магар озгиналаригина *(Ҳақ Йўлда қолурлар".)* 63. *(Оллоҳ)* айтди: "Бор, *(сенга Қиёматгача умр бердим)*. Бас, улардан ким сенга эргашса, у ҳолда, шак-шубҳасиз жаҳаннам сизларга етарли жазо бўлур' 64. Улардан кучинг етган кимсани овозинг билан қўзғат, уларнинг устига отлиқ ва пиёда *(лашкарингни)* торт, топган мол-давлат ва бола-чақаларида уларга шерик бўл *(яъни, уларни ҳаромдан мол-дунё ва бола-чақа орттиришга ундa)*, уларга *(ёлғон)* ваъдалар қил. -Дарҳақиқат, шайтон уларга фақат алдов-ёлғон нарсаларнигина ваъда қилур.- 65. Менинг *(иймон-эътиқодли)* бандаларим устида эса сен учун ҳеч қандай салтанат-ҳукмронлик бўлмас. Парвардигорингнинг Ўзи етарли Вакил - Сақловчидир". 66. *(Эй инсонлар)*, Парвардигорингиз Унинг фазлу марҳаматидан *(ризқу рўз)* изланглар, деб сизлар учун денгизда кемаларни юргизиб қўйган Зотдир. Дарҳақиқат, У сизларга Меҳрибондир. 67. Денгизда сизларга бирон мусибат етганида, сизлар илтижо қиладиган бутлар ғойиб бўлур, фақат Унинг Ўзигина қолур. *(яъни, бало-мусибатлардан сизларни Ёлғиз Оллоҳ қутқарур)*. Энди қачонки, У Зот сизларга нажот бериб қуруқликка *(чиқариб қўйгач)*, сизлар Ундан юз ўгирурсиз. Дарҳақиқат, инсон куфрони неъмат қилгўвчидир. 68. Еки *(Оллоҳ)* сизларни қуруқлик томонида ҳам *(Ерга)* юттириб юборишидан, ёхуд устингиздан тош ёғдиришидан, сўнгра ўзларингиз учун бирон вакил - сақловчи тополмай қолиш *(ғами)*дан хотиржаммисизлар?! 69 Ёки У Зот сизларни яна қайтадан *(денгизга)* қайтариб, устингизга қаттиқ бўрон юборишидан, бас, кофир бўлганларингиз сабабли сизларни ғарқ қилишидан, сўнгра ўзларингиз учун Биздан ўч олиб бергувчи бировни топа олмай қолиш *(ғами)*дан хотиржаммисизлар?! 70. Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни барру-баҳрда - қуруқлик ва денгизда *(от-улов ва кемаларга)* чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик. 71. Биз ҳар бир одамни ўз номаи аъмоли билан чорлайдиган *(Қиёмат)* Кунини *(эслангиз!)* Бас, кимгаки ўз китоби - номаи аъмоли ўнг қўлидан берилса, ана ўша кишилар ўзларига қилчалик зулм қилинмаган ҳолида, номаи аъмолларини ўқурлар *(яъни, унда бу дунёда қилиб ўтган барча яхши амалларининг савоби битилган бўлур)*. 72. Кимки бу дунёда

кўр-гумроҳ экан, бас, у Охиратда ҳам кўр ва бутунлай йўлдан озгувчидир. 73. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушриклар)* **Сизни Бизнинг шаънимизга** *(ваҳийдан)* **ўзга нарсаларни тўқиб чиқарсин деб Биз Сизга ваҳий қилган оятлардан алдаб-буриб юборишларига оз қолди. У ҳолда,** *(яъни, уларнинг йўриқларига юрсангиз),* **Сизни дўст қилиб олган бўлур эдилар. 74. Агар Биз Сизни** *(Ҳақ Йўлда)* **собитқадам қилмаганимизда, Сиз уларга бир қадар мойил бўлишингизга оз қолди. 75. У ҳолда албатта Биз Сизга дунё** *(азобини)* **ҳам, Охират** *(азобини)* **ҳам икки ҳисса қилиб тотдирган бўлур эдик, сўнгра ўзингиз учун Бизга қарши бирон мададкор топа олмаган бўлур эдингиз.**

Изоҳ: Мушриклар Пайғамбар алайҳис-саломга эргашишлари учун у киши ҳам ўзларининг баъзи шартларини қабул этишларини талаб қиладилар. Шунда Оллоҳ таоло Ўз Пайғамбарини мушриклар фитнасидан огоҳ этиб юқоридаги оятларни нозил қилади. Улуғ саҳобалардан Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтишларича, бу оятларда гарчи Пайғамбар алайҳис-саломга хитоб қилинган бўлса-да, булар у кишининг умматлари учун ҳам танбеҳ бўлиб, Оллоҳ таоло уларни кофирлар кўрсатган йўлларга эргашмасликка буюради, акс ҳолда дунё-ю Охиратда бахтсиз бўлиб қолишлари тўғрисида огоҳлантиради.

76. Улар Сизни бу Ердан *(Маккадан)* **чиқариб юбориш учун** *(турли макр-ҳийлалар билан)* **қўзғотиб юборишларига оз қолди. У ҳолда, уларнинг ўзлари ҳам Сиздан кейин озгина** *(муддат)* **тура оладилар, холос** *(сўнгра албатта ҳалок қилинурлар).* **77.** *(Ўз пайғамбарларини қувиб чиқарган қавмнинг ҳалок қилиниши)* **Сиздан илгари юборган пайғамбарларимиздан қолган йўл-қонундир. Сиз ҳаргиз Бизнинг қонунимиз ўзгарганини кўрмайсиз. 78. Қуёш оғишидан то тун қоронғусигача намозни тўкис адо қилинг ва тонгги ўқишни** *(бомдод намозини)* **ҳам** *(тўкис адо қилинг)!* **Зеро, тонгги ўқиш** *(кеча ва кундуз фаришталари)* **ҳозир бўладиган намоздир.**

Изоҳ: Барча муфассирлар ушбу оятни ҳар куни беш вақт намоз фарз эканлигига ҳужжат деб қабул қилганлар. Чунки қуёш оғиши билан "пешин" намози ўқилади. Кишининг сояси ўзига икки баробар бўлгач эса "аср" вақти киради. Кун ботиши билан "шом" бўлса, кеча қоронғуси тушиши билан "хуфтон" вақти кирган бўлади. Тун тугаб, тонг бошлангач, (ҳали қуёш чиқмасдан туриб) "тонгги ўқиш" - "бомдод" ўқиш фарз бўлади.

79. Кечанинг *(бир қисмида)* **уйғониб ўзингиз учун нафл** *(ибодат)* **бўлган намозни ўқинг! Шоядки, Парвардигорингиз**

Сизни (Қиёмат Кунида) мақтовли *(яъни, гуноҳкор умматларингизни шафоат қилиб оқлайдиган)* мақомда тирилтирур. 80. Ва айтинг: "Парвардигорим, мени *(қабримга)* ҳаққи-рост *(яъни, гуноҳлардан пок бўлган ҳолимда)* дохил қилгин ва *(Қиёмат Куни тирилтирганингда ҳам)* ҳаққи-рост *(ўнг томоним билан)* чиқаргин ҳамда мен учун Ўз даргоҳингдан бир мададкор қувват ато қилгин". 81. Яна айтинг: "Ҳақиқат *(яъни, Ислом)* келди ва ботил *(яъни, куфр)* ўчиб-йўқолди. Чунки ботил йўқолгувчи нарсадир". 82. Биз мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Қуръон оятларини нозил қилурмиз. *(Лекин бу оятлар)* золим-кофир кимсаларга фақат зиённи зиёда қилур. 83. Қачон Биз инсонга *(тинчлик, саломатлик, тўкинликни)* инъом этсак, у *(шукр қилишдан)* юз ўгириб, четга бурилиб кетур. Қачон унга *(хасталик, камбағаллик каби)* бирор ёмонлик етса, ноумид бўлур. 84. Айтинг: "Ҳар ким ўз ҳолича амал қилур. Парвардигорингиз Тўғри Йўлдаги зотларни жуда яхши билур *(ва ҳар кимга қилган иш-амалига мувофиқ жазо-мукофот берур)*. 85. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: "Руҳ Ёлгиз Парвардигорим биладиган ишлардандир". Сизларга жуда оз илм берилгандир.

Изоҳ: Ушбу оятда Оллоҳ таолонинг ҳатто Ўз пайғамбарларига ҳам маълум қилмаган ишлари борлиги баён этилиб, барча инсоният билиши мумкин бўлган билим-маърифат жуда оз нарса экани таъкидланади.

86. Қасамки, агар хоҳласак, Биз сўзсиз, Сизга ваҳий қилган Нарса - Қуръонни *(Сиздан)* кетказурмиз, сўнгра ўзингиз учун *(яъни, Биздан Қуръонни қайтариб олиш учун)* Бизга қарши бирон вакил-ҳомий топа олмассиз. 87. Илло, Парвардигорингизнинг марҳамати билангина *(Қуръон неъмати қўлингизда, дилингизда боқийдир)*. Дарҳақиқат, У Зотнинг Сизга бўлган фазлу марҳамати каттадир. 88. Айтинг: "Қасамки, агар бор инсу жин мана шу Қуръонни ўхшашини келтириш йўлида бирлашиб, агар бир-бирларига бу ишда ёрдамчи бўлсалар-да, унинг ўхшашини келтира олмаслар". 89. Аниқки, Биз бу Қуръонда одамлар учун барча мисол-ибратлардан баён қилдик. Лекин одамларнинг кўплари фақат куфрнигина ихтиёр этдилар. 90. Ва дедилар: "Токи бизлар учун мана шу Ерни ёриб, бир чашма *(чиқариб бермасанг)* биз сенга ҳаргиз иймон келтирмаймиз. 91. Ё сенинг хурмозор, узумзор боғинг бўлиб, унинг ўртасидан ёриб дарёлар *(пайдо қилмасанг)*; 92. Ёки ўзинг даъво қилганингдек, осмонни устимизга парча-парча қилиб туширмагунингча ёки Оллоҳ ва

фаришталарини олдимизга келтирмагунингча; 93. Ёки сенинг олтиндан бир уйинг бўлмагунича, ёхуд ўзинг *(кўз олдимизда)* осмонга кўтарилмагунингча *(ҳаргиз сенга иймон келтирмаймиз)*. Токи, бизларга ўқийдиган бирон китоб туширмас экансан, бу *(осмонга)* кўтарилишингга ҳам ҳаргиз ишонмаймиз". Айтинг: "Эй Пок Парвардигорим, мен фақат элчи-пайғамбар бўлган бир одам эдим-ку!" 94. Одамларга Ҳидоят келган пайтида, фақат: "Оллоҳ *(фаришталарни эмас, балки)* одамзотни пайғамбар қилиб юборибдими?!", деган сўзларигина уларни иймон келтиришларидан тўсди. 95. Айтинг: "Агар бу - Ерда *(одамлар эмас, балки)* фаришталар маскан тутиб юрганларида эди, албатта Биз, *(яъни, Оллоҳ)* уларга осмондан фаришта пайғамбарни туширган бўлур эдик". 96. Айтинг: "Мен билан сизларнинг ўртамизда Оллоҳнинг Ўзи етарли Гувоҳдир. Албатта У бандаларидан Огоҳ ва *(уларни)* Кўриб тургувчи бўлган Зотдир". 97. Оллоҳ кимни ҳидоят қилса, бас, ўша ҳидоят топгучидир. У Зот кимни йўлдан оздирса, бас, Сиз улар учун Ундан ўзга дўст мададкорларни топа олмассиз, Биз уларни Қиёмат Кунида юзтубан ҳолларида кўр, соқов, кар қилиб тирилтирурмиз. Уларнинг борар жойлари жаҳаннамдир. Ҳар қачон *(жаҳаннам ўти)* сусайса, Биз уларга оловни ловуллатиб юборурмиз. 98. Бу - Бизнинг оятларимизга кофир бўлганлари ҳамда: "Суяк ва *(чирик)* мурдаларга айланган вақтимизда янгитдан яралиб қайта тирилурмизми?!", деганлари сабабли, уларга берилган жазодир. 99. Ахир улар *(кофирлар)* осмонлар ва Ерни яратган Зот - Оллоҳ уларнинг *(яъни, инсонларнинг)* ўхшашини ҳам қайта яратишга Қодир эканини билмадиларми?! *(Оллоҳ)* улар учун *(яъни, ўлишлари ва қайта тирилишлари учун)* аниқ бир муддатни белгилаб қўйгандир. Лекин золим кимсалар фақат куфргагина рози бўлурлар. 100. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, у мушрикларга)* айтинг: "Агар сизлар Парвардигоримнинг раҳмат-ризқ хазиналарига эга бўлсангизлар, ўшанда ҳам *(уни)* ишлатишдан *(тугатиб қўйишдан)* қўрқиб, мумсиклик - бахиллик қилган бўлур эдингизлар". *(Чунки)* инсон зоти хасис бўлур. 101. Аниқки, Биз Мусога тўққиз очиқ оят-мўъжиза ато этдик. Сўнг у *(Фиръавн ва унинг одамларининг олдига)* келган пайтида, *(унга)*: "Бани Исроилни *(ўз юртлари - Шомга қўйиб юборилишини, Фиръавндан)* сўрагин", *(деб амр этдик)*. Шунда Фиръавн унга: "Эй Мусо, ҳеч шубҳа йўқки, мен сени сеҳр-жодуга чалинган, деб ўйламоқдаман", деди. 102. *(Мусо)* деди: "*(Эй Фиръавн)*, сен анави очиқ-равшан *(мўъжизаларни)* фақат осмонлар ва Ернинг

Парвардигоригина ҳужжат қилиб нозил қилганини аниқ билурсан. Ҳеч шубҳа йўқки, эй Фиръавн, мен сени ҳалок қилингувчи, деб ўйламоқдаман". 103. Шунда, *(Фиръавн Мусо ва унинг қавмини Миср)* еридан қувиб чиқармоқчи бўлганида, Биз уни *(Фиръавнни)* ва у билан бирга бўлган кимсаларнинг барчаларини *(денгизга)* гарқ қилдик. 104. *(Фиръавндан)* сўнг бани Исроилга: "Мана шу ерни *(Мисрни)* маскан тутинглар! Энди қачон ваъда қилинган . Охират келганида сизларнинг барчангизни *(қайта тирилтириб)* келтирурмиз", дедик. 105. Биз *(Қуръонни)* ҳаққи-рост нозил қилдик ва у Ҳақ *(ҳукм-фармонларимиз)* билан нозил бўлди. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*. Биз Сизни фақат *(мўминларга)* хушхабар элтгувчи ва *(кофирларни дўзах азобидан)* огоҳлантиргувчи қилиб юбордик. 106. Сиз Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришингиз учун Биз уни бўлакларга бўлдик ва бўлиб-бўлиб нозил қилдик. 107. Айтинг: "*(Эй мушриклар)*, сизлар *(хоҳласангиз)*, унга ишонинглар, *(хоҳласангиз)* ишонманглар. Зотан, *(Қуръон нозил бўлишидан)* илгари илм *(яъни, Таврот)* берилган кишилар уларга *(Қуръон)* тиловат қилинган вақтида сажда қилган ҳолларида юзлари билан йиқилурлар". 108. Ва улар: "Эй Пок Парвардигор! Албатта Парвардигоримизнинг *("Мен сўнгги Пайгамбаримни юборурман ва унга Қуръон нозил қилурман", деган)* ваъдаси адо қилингувчи ваъдадир", дейдилар. 109. Улар, йиғлаган ҳолларида, юзлари билан йиқилурлар ва *(Қуръон)* уларнинг хокисорликларини зиёда қилур.

И з о ҳ: Ушбу оятлар сажда оятлари бўлиб, уларни ўқиган ёки эшитган киши Оллоҳ учун бир марта сажда қилиши вожиб бўлади.

110. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Оллоҳ, деб чорлангиз ёки Раҳмон - Меҳрибон, деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар-да *(жоиздир)*. Зеро, У Зотнинг гўзал исмлари бордир". *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз намозингизни жуда жаҳрий *(баланд овозда, ошкора)* ҳам қилиб юборманг *(токи, мушриклар эшитиб, Қуръонни ҳақорат қилмасинлар)* ва уни ўта махфий ҳам қилиб юборманг *(токи, саҳобаларингиз тинглаб-фойдалансинлар)!* Шуларнинг *(яъни, жаҳрийлик билан махфийлик)* ўртасидаги йўлни тутинг! 111. Ҳамду сано бола-чақа қилмаган, подшоҳлик-илоҳликда шериги йўқ, хор-зорликдан *(қутқаргувчи)* дўсти-ёрдамчиси бўлмаган *(яъни, ҳеч кимга хор-муҳтож бўлмайдиган)* Зот Оллоҳ учундир", деб айтинг ва У Зотни мудом улуғланг!

КАҲФ сураси (18)

Бу сура ҳам Макка сураларидан бўлиб, бир юз ўн оятдан иборатдир. Сурада Оллоҳ таолога бўлган иймон-эътиқодни янада мустаҳкамлаш учун энг гўзал, ибратли қиссалардан учтаси сўйлаб берилади.

Улардан биринчиси "Асҳобул-Каҳф" қиссаси бўлиб, унда золим ҳоким истибдодидан дину иймонларини сақлаб қолиш учун ўз жонларини фидо қилган йигитларнинг бир каҳфга - ғорга паноҳ тортиб киришиб, у жойда уч юз йил қолиб кетишгани ҳақида ҳикоя қилинади. Суранинг "Каҳф" - "Ғор" деб номланишига сабаб ҳам шудир.

Иккинчи қисса Мусо ва Хизир пайғамбарлар қиссаларидирки, унда Мусо алайҳис-саломнинг илм йўлидаги хокисорликлари, Хизир алайҳис-саломнинг бошқа пайғамбарларга берилмаган неъмат - ғойибдан огоҳлик неъматига муяссар бўлганликлари тўғрисидаги лавҳалар Илоҳий қалам билан баён этилади. Учинчи қиссада Оллоҳ таоло марҳамати билан бутун дунёни ўз ҳукмида тутиш шарафига ноил бўлган адолат ва тақвода беназир буюк шоҳ Зул-қарнайн, у кишининг фатҳ-юришлари хусусида сўз юритилади.

Яна бу сурадан молу давлат ғурурланишга арзимайдиган нарсалар экани, умуман бу ҳаёти дунё ўткинчи - бебақолиги ҳақида айтилган бир қанча ибратли мисоллар ҳам жой олгандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. *(Барча)* **ҳамду сано Оллоҳ учундир. У Зот Ўз бандаси** *(ҳазрати Муҳаммад алайҳис-салом)***га Китобни** *(Қуръонни)* **нозил қилди ва уни бирон эгриликсиз - расо** *(Китоб)* **қилди. Токи** *(кофирларни)* **Ўз ҳузуридан келадиган қаттиқ азобдан қўрқитиш ва яхши амаллар қиладиган мўминларга гўзал мукофот - жаннат хушхабарини бериш учун** *(У Зот Қуръонни нозил қилди).* 3. *(Мўминлар ўзлари учун мукофот бўлмиш жаннатда)* **мангу**

қолгувчидирлар. 4-5. Шунингдек, У Зот ўзларининг ҳам, ота-боболарининг ҳам бирон билим-маърифати бўлмагани ҳолда, "Оллоҳнинг боласи бор", деган кимсаларни *(қаттиқ азобдан)* **огоҳлантириш учун** *(ушбу Китобни)* **нозил қилгандир. Уларнинг оғизларидан чиққан сўз огир сўздир. Улар фақат ёлгон сўзлайдилар. 6.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **агар улар ушбу сўзга - Қуръонга иймон келтирмасалар, эҳтимол Сиз уларнинг ортидан, афсус-надомат билан ўзингизни ҳалок қиларсиз** *(бундоқ қилмоқ сизга нораводир).* **7. Албатта Биз** *(бандаларимиздан)* **қайсилари чиройлироқ амалларни қилишларини синамоқ учун Ер устидаги бор нарсани унга зийнат - безак қилиб қўйдик** *(яъни, ўша безакларга алданиб, магрурланиб қолмаган кишиларгина Бизнинг синовимиздан ўтурлар).* **8. Ҳеч шак-шубҳасиз унинг** *(Ернинг)* **устидаги** *(безаклар)***ни сип-силлиқ, қуп-қуруқ қилиб** *(йўқ қилиб)* **қўйгувчи ҳам Биздирмиз. 9. Балки Сиз Каҳф** *(гор)* **ва Битик** *(уларнинг қиссалари битилган тош)* **эгалари** *(ҳақидаги ривоятдан воқиф бўлгач, бу)* **Бизнинг** *(Охират, Қиёмат ҳаққи-рост эканлиги тўгрисидаги)* **оятларимизнинг энг ажойиби, деб ўйлагандирсиз?**

И з о ҳ: Муфассирлар ёзишларича, "Асҳобул-Каҳф - Fор эгалари"нинг қиссаси бундоқ бўлган экан: Ийсо алайҳис-салом замонларидан кейин Рум давлатларидан бирида Дақёнус номли золим шоҳ чиқиб, одамларни бутларга ибодат қилишга мажбур қилар, амрига бўйинсунмаган кишиларни эса ўлдирар экан. Кунлардан бирида, унга фуқароларидан бир неча йигит унинг фармонидан бош тортишиб, бутларга сигинишмаётганини етказибдилар. Подшоҳ уларни ўз саройига чақириб, бу хабарнинг рост-ёлгонлигини сўраганида, улар: "Бизлар Ёлгиз Оллоҳдан ўзга бирон кимса ёки нарсага сигинмаймиз", деб жавоб қиладилар. Шунда шоҳ уларга: "Сенлар ёш, чиройли, бақувват йигитлар эконсанлар, ўз жонларингга жабр қилманглар. Мен сенларни ўлдириб юборишга кўзим қиймаяпти. Яхшиси, эрталабгача ўйлаб кўриб, эртага менга жавобини айтинглар", деб уларга рухсат беради. Йигитлар ўзаро маслаҳатлашиб, "Оллоҳдан ўзгага бўйинсунгандан кўра шу бадбахт диёрни тарк қилганимиз афзал", дейишиб, тун қоронгусида шаҳарни тарк қилишади. Йўлда яйловдан ўтиб бораётганларида уларга ўша ерлик бир чўпоннинг ити ҳам эргашади. Тонгга яқин бир тоққа етиб боришиб катта горга кириб яширинадилар. Эрталаб бу воқеадан хабардор бўлган шоҳ ўз аскарлари билан уларнинг ортидан тушиб, ўша гор огзига яқинлашгач, аскарлар унга киргани қўрқадилар. Шунда Дақёнус уларга гордаги йигитлар очлик

ва ташналикдан қирилиб кетишлари учун ғор оғзини беркитиб ташлашни буюради. Лекин Оллоҳ таоло Ўзининг садоқатли бандаларини ҳалок бўлишдан сақлайди - уларни узоқ уйқуга чўмдиради. Уйғонганларида орадан.. уч юз йил ўтган эди. Бундан бехабар йигитлар бир ё ярим кун ухладик, деб ўйлайдилар ва ораларидан битталарини яширинча шаҳарга егулик харид қилиб келиш учун жўнатадилар. У йигит бозорга келиб таом сотиб олиб, ёнидаги тангани узатганида, сотувчи ҳайрон бўлиб: "Бу Дақёнусдан қолган тангаку, бирон ердан хазина топиб олдингми?", деб сўрайди. Йигит ҳам ҳайрон бўлиб: "Ҳеч қандай хазина топганим йўқ, бу менинг қавмим ишлатадиган оддий танга", деб жавоб қилиб, Дақёнусга нима бўлганини сўрайди. Бу орада тўпланиб кепган одамлар унинг аллақачон ўлиб кетганини айтишиб, йигитни подшоҳ олдига олиб борадилар. Бу шоҳ мўмин, солиҳ киши эди. Йигитдан ўзи ва ўртоқларининг бошидан кечган воқеаларни эшитгач, аскарлари ва шаҳар аҳли билан ўша ғор оғзига борадилар. Ичкаридаги йигитлар Дақёнус олиб кетгани келди, деб ўйлашиб, ўлим олдидан сўнгги бор ибодат қилиб олишга тутинадилар. Подшоҳ ва унинг одамлари ғорга киришиб, уларни ибодат устида кўрадилар ва намозларини тугатганларидан сўнг подшоҳ йигитларнинг ҳар бири билан қучоқлашиб кўришиб, уларнинг бошларидан кечган саргузашт Оллоҳ таоло бандаларини Қиёмат Кунида ҳисоб-китоб қилиш учун қайта тирилтириши ҳақ эканига бир оят - аломат эканлигини айтади. Юқорида мазкур бўлган ва қуйида келадиган оятларда мана шу "Асҳобул-Каҳф" хусусида сўз кетади.

10. Эсланг, ўшанда у *(мўмин)* **йигитлар ғорга паноҳ истаб боришиб: "Парвардигоро, бизларга Ўз ҳузурингдан раҳмат - марҳамат ато этгин ва бизларнинг ишимизни Ўзинг ўнглагин", дедилар. 11. Бас, Биз ўша ғорда бир неча йил уларнинг қулоқларига уриб** *(яъни, уларни ухлатиб)* **қўйдик. 12. Сўнгра** *(уларнинг ичидаги қанча ухлаганлари ҳақида тортишадиган)* **икки гуруҳдан қайси бири турган муддатларини** *(тўғри)* **ҳисоблаганини билиш учун уларни уйғотдик. 13.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Биз Сизга уларнинг ҳол-хабарларини рўй-рост сўйламоқдамиз. Дарҳақиқат, улар Парвардигорларига иймон келтирган ва Биз иймонларини зиёда қилган йигитлардир. 14. Биз уларнинг дилларини** *(иймон билан)* **қувватлантирдик - ўшанда улар** *(золим шоҳ қаршисида)* **туриб дедилар: "Бизнинг Парвардигоримиз осмонлар ва Ернинг Парвардигоридир. Бизлар Ундан ўзга бирон "илоҳ"га ҳаргиз дуо-илтижо** *(яъни, ибодат)*

қилмаймиз. Акс ҳолда, ноҳақ *(сўзни)* айтган бўлурмиз. 15. Ана у қавмимиз эса Ундан ўзга "илоҳларни" *(худо)* қилиб олдилар. Улар ўзлари учун *(ўша бутларнинг илоҳ экани ҳақида)* аниқ бир ҳужжат келтирсалар эди. *(Ҳеч қачон келтира олмайдилар).* Бас, *(ҳеч қандай ҳужжатсиз, шериги бор, -деб)* Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! 16. *(Йигитлар!)* Модомики, сизлар улардан *(мушриклардан)* ва Оллоҳдан ўзга - улар сиғинаётган нарсалардан четланган - юз ўгирган экансизлар, энди *(Ёлғиз Парвардигорингиз - Оллоҳнинг Ўзига ибодат қилиш учун)* ғорга паноҳ топиб борингиз. Парвардигорингиз сизларга Ўз раҳмат-марҳаматини кенг - сероб қилур ва сизларнинг ишларингизни ўнглар". 17. Қуёш - чиқишда уларнинг горларидан ўнг тарафдан ўтиб кетганини, ботишда эса улардан сўл томонга йироқлашиб кетганини *(чиқишда ҳам, ботишда ҳам уларни қиздириб, уйқу-оромларини бузмаганини),* улар эса *(ғор)*нинг тўрида эканликларини кўрурсан. Бу ҳам Оллоҳнинг оят-мўъжизаларидан *(биридир).* Кимни Оллоҳ ҳидоят қилса, бас, ўшагина ҳидоят топгувчидир. Кимни йўлдан оздирса, бас, унинг учун бирон Тўғри Йўлга йўллагувчи дўст топа олмассан. 18. Уйқуда эканлар, *(кўзлари очиқ бўлгани учун)* сен уларни уйғоқ, деб ўйларсан. Биз уларни *(баданларидан Ерга тегиб турган томони чириб кетмаслиги учун)* ўнг томон, сўл томонга айлантириб турурмиз. Уларнинг итлари эса олди оёқларини остонага ёзиб ётур. Агар уларнинг устидан чиқиб қолсанг *(ва кўзлари очиқ ҳолда у ёндан-бу ёнга ағдарилиб ётганларини кўрсанг),* уларнинг *(аҳволидан)* даҳшатга тушиб юз ўгириб қочган бўлур эдинг. 19. Ўзаро савол-жавоб қилишлари учун Биз уларни *(йигитларни, қандай ухлатиб қўйган бўлсак)* ана шундай уйғотдик. Улардан бири деди: "Қанча *(муддат ухлаган ҳолда)* турдинглар?" Улар*(нинг айримлари)*: "Бир кун ё ярим кун турдик", дедилар. *(Қолганлари эса)*: "Қанча *(ухлаб)* турганларингизни Ёлғиз Парвардигорингиз билур. Энди бир кишини мана шу пулингиз билан шаҳарга жўнатинглар, у энг сара, покиза таомларни танлаб, сизларга ундан ризқ - насиба олиб келсин. У эҳтиёт бўлсин ва сизларни биронтага сездириб қўймасин. 20. Чунки улар *(яъни, шаҳар аҳли)* сизлардан огоҳ бўлиб қолсалар, сизларни тошбўрон қилурлар ёки яна ўзларининг динларига қайтарурлар ва у ҳолда, ҳеч қачон қутула олмассизлар", дейишди. 21. Шундай қилиб, Оллоҳнинг *(қайта тирилтириш ҳақидаги)* ваъдаси ҳақ эканини ва *(Қиёмат)* Соатининг *(келиши)* шак-шубҳасиз эканини

билишлари учун *(одамларни ғордаги йигитларнинг аҳволидан)* **огоҳ қилдик. Ўшанда** *(яъни, ғордаги йигитлар уйқуларидан уйғониб, одамлар бу мўъжизанинг гувоҳи бўлганларидан кейин, улар ажаллари етиб вафот қилишгач),* **ўзаро уларнинг ишлари ҳақида талашиб-тортиша бошладилар. Бас,** *(айрим кишилар):* **"Уларнинг устига уйлар бино қилинглар. Парвардигорлари уларнинг** *(қайси жойда, қандай ҳолда ётганларини)* **жуда яхши Билгувчидир", дедилар. Уларнинг устида ҳукмрон бўлган** *(подшоҳ ва сарой аъёнлари эса):* **"Албатта биз улар** *(яъни, Асҳобул-Каҳф қабрининг)* **устида бир масжид қуриб олурмиз", дейишди. 22. Ҳали улар** *(яъни, Пайғамбар алайҳис-саломга замондош бўлган яҳудий ва насронийларнинг айримлари ўша Асҳобул-Каҳфни).* **"Учтадир, тўртинчилари итларидир", десалар, айримлари: "Улар бешта бўлиб, олтинчилари итларидир", деб ғайбга тош отурлар** *(аниқ билмаган нарсалари ҳақида гап сотурлар)* **Яна: "Улар еттитадирлар, саккизинчилари итларидир", ҳам дейдилар.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз "Уларнинг саноқларини энг яхши биладиган Зот Парвардигоримдир. Уларни жуда оз киши билур", денг! Бас, улар** *(яъни, замондош аҳли Китоблар билан Асҳобул-Каҳф)* **хусусида фақат** *(ўзингизга нозил бўлган ваҳий воситасида)* **очиқ мужодала мунозара қилинг ва** *(Асҳобул-Каҳф)* **ҳақида уларнинг бирортасидан фатво - савол сўраманг! 23-24. Ва бирон нарса ҳақида: "Мен албатта бу ишни эртага қилгувчиман", дея кўрманг, магар "Иншооллоҳ - Оллоҳ хоҳласа",** *(денг! Бу сўзни айтишни)* **унутиб қолдирган вақтингизда** *(ёдингизга тушиши билан)* **Парвардигорингизни зикр қилинг** *(яъни, "иншооллоҳ" денг)* **ва: "Шояд Парвардигорим мени бундан ҳам** *(яъни, Асҳобул-Каҳф воқеаси ҳақида хабар беришдан ҳам)* **яқинроқ** *(менинг ҳақ Пайғамбар эканлигимга яхшироқ далолат қиладиган)* **Тўғри Йўлга ҳидоят қилса", денг!**

Изоҳ: Муфассирлар ривоят қилишларича, бу икки оят нозил қилинишига қуйидаги воқеа сабаб бўлгандир: яҳудийлар қурайшлик арабларга: "Бориб Муҳаммаддан сўранглар-чи, агар ҳақиқатан ҳам пайғамбар бўлса, сизларга руҳ - жон ҳақида, Асҳобул-Каҳф ва Зул-қарнайн тўғрисида хабар берсин", деган эканлар. Улар келиб Пайғамбар алайҳис-саломдан шу ҳақда сўраганларида, у зот: "Эртага келинглар, албатта сизларга жавоб қилурман", дедилар-у, "Иншооллоҳ" сўзини қўшмабдилар. Шунда бир қанча вақт ваҳий келиши тўхтаб, сўнгра Пайғамбар алайҳис-саломга бир танбеҳ бўлиб юқоридаги оятлар нозил бўлгандир

25. Улар каҳф - ғорларида уч юз йил турдилар ва яна тўққиз йилни зиёда ҳам қилдилар.

Изоҳ: Ушбу оят Асҳобул-Каҳфни ўз ғорларида шамсий ҳисоб билан уч юз йил турганлари ҳақида хабар бермоқда. Кейинги тўққиз йил қўшилиши эса қамарий ҳисобдан келиб чиққан. Шамсий ҳисобдаги юз йил қамарий ҳисобда бир юз уч йилга тўғри келади.

26. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Уларнинг қанча турганларини Оллоҳ яхшироқ Билгувчидир. Осмонлар ва Ернинг сирлари Ёлғиз Уникидир. У Зот нақадар Кўргувчи, Эшитгувчидир! *(Одамлар)* учун Ундан ўзга бирон дўст-мададкор йўқдир. У Ўз ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмас". 27. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз фақат ўзингизга ваҳий қилинган Парвардигорингизнинг Китоби - Қуръоннигина тиловат қилинг! Унинг *(Оллоҳнинг)* Сўзларини ўзгартиргувчи йўқдир. Ҳаргиз Ундан ўзга бирон паноҳ топа олмассиз.

Изоҳ: Бу оят қурайш кофирлари Пайғамбар алайҳис-саломга: "Бундан бошқа Қуръон келтирсанг ёки унинг оятларини ўзгартирсанг, бизлар ҳам сенга иймон келтирар эдик", деганларида нозил бўлгандир.

28. Сиз ўзингизни эрта-ю кеч Парвардигорларининг Юзини - розилигини истаб, У Зотга дуо-илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг! Кўзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб *(ўзга аҳли дунёларга боқмасин)*! Ва Биз қалбини Бизни зикр этишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи-нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!

Изоҳ: Макка зодагонлари Пайғамбар алайҳис-саломга: "Ёнингдан Билол, Суҳайб, Аммор, Салмон каби қулларни қувсанг, бизлар ҳам сенга эргашар эдик", деганларида, у кофир кимсаларга итоат қилмасликни буюриб, Оллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига юқоридаги оятни туширди.

29. Айтинг: "*(Бу Қуръон)* Парвардигорингиз томонидан *(келган)* Ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши иймон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин". Аниқки, Биз золим - кофирлар учун алангалари *(дўзахиларни)* ўраб-чирмаб оладиган дўзахни тайёрлаб қўйгандирмиз. Агар улар *(ташналик шиддатига чидамай)* сув сўрасалар, уларга эритилган *(доғланган)* ёғ каби юзларни куйдиргувчи сув берилур. Нақадар ёмон ичимлик у, нақадар ёмон жой у! 30. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар эса, шак-шубҳасиз, Биз *(улар каби)* чиройли амаллар қилган кишиларнинг ажр-мукофотини зое қилмасмиз. 31. Улар учун

остларидан дарёлар оқиб турадиган абадий жаннатлар бор бўлиб, улар у жойда олтиндан бўлган билакузуклар билан безанурлар ва ипак-шойилардан бўлган, яшнаб турувчи либослар кийиб, сўриларда ястаниб ўтирурлар. Нақадар яхши мукофот у, нақадар гўзал жой у! 32. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, кофирларга)* икки киши *(ҳақидаги)* масални келтиринг! Улардан бири учун Биз икки узумзор боғ қилиб, иккисини ҳам хурмозор билан ўраган ва ўрталарини экинзор қилган эдик. 33. Ҳар икки боғ ҳосилларини бекаму кўст берар, Биз уларнинг ўртасидан бир анҳор ҳам ўтказган эдик. 34. Яна унинг *(ўша кишининг)* мол-давлати ҳам бор эди. Бас, у биродарига мақтаниб: "Менинг мол-дунёим сеникидан кўпроқ ва одамларим кучлироқ, қувватлироқ", деди. 35. Ва *(кофирлик билан)* ўзига зулм қилган ҳолда, боғига кирар экан, айтди: "Бу *(боғ - менинг молу давлатим)* ҳеч қачон йўқ бўлмайди, деб ўйлайман. 36. Ва *(ҳеч қачон)* Қиёмат қойим бўлмайди, деб ўйлайман. Қасамки, агар Парвардигоримга қайтарилсам ҳам, *(яъни, Қиёмат қойим бўлиб, қайта тирилсам ҳам)* албатта бундан-да яхшироқ оқибат - бахтни топурман". 37. Биродари унга хитоб қилиб, деди: "Сен ўзингни *(асли-наслинг бўлмиш Одамни)* тупроқдан, сўнг нутфа - бир томчи сувдан яратиб, сўнгра *(уни)* инсон қилиб ростлаган Зот - Оллоҳга кофир бўлдингми?! 38. Мен эса: "У - Оллоҳ Парвардигоримдир", *(дейман)* ва Парвардигоримга ҳеч кимни шерик қилмайман. 39. Сен боғингга кирган пайтингда: "Оллоҳ хоҳлаган нарсагина *(бўлур)*, бор куч-қувват Ёлғиз Оллоҳ биландир", десанг эди! Агар сен мени мол-давлат ва бола-чақа жиҳатидан ўзингдан камроқ деб билсанг; 40. Шоядки, Парвардигорим менга сенинг боғингдан яхшироқ *(бир боғ)* ато этар, *(сенинг боғингга эса)* осмондан чақмоқлар юборур, бас, у сип-силлиқ ерга айланиб қолур. 41. Ёки унинг суви *(ер остига)* сингиб кетиб, сен уни истаб ҳам топа олмай қолурсан". 42. *(Дарҳақиқат)*, унинг мева-боғи ҳалок қилинди. Ўзи эса ҳувиллаб қолган ишкомларини *(кўриб)* ва уларга сарфлаган нарсаларини *(ўйлаб)*, чапак чалганича *(афсус-надомат чекканича)*: "Қани эди, мен ҳам Парвардигоримга ҳеч кимни шерик қилмаганимда!", деб қолаверди. 43. Шунингдек, унинг учун Оллоҳдан ўзга на бир ёрдам берадиган жамоат бўлди ва на унинг ўзи *(ўзига)* ёрдам бера олгувчи бўлди. 44. У жойда *(Қиёмат Кунида ҳам)* салтанат Ҳақ Оллоҳникидир. У энг яхши савоб - мукофот Ато этгувчи ва энг хайрли оқибатни Бергувчи Зотдир. 45. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, одамларга)* ҳаёти дунё мисолини келтиринг! *(У)* худди бир

сув кабидирки, Биз осмондан ёғдиргач, *(аввал - киши ҳаётининг баҳорида)* у сабабли замин набототи *(бир-бирига)* аралашиб-чирмашиб кетур, сўнгра *(ҳаёт кузи келгач)*, шамоллар учириб кетадиган хас-хашакка айланиб қолур. Оллоҳ ҳамма нарсага Қодир бўлган Зотдир. 46. Мол-мулк, бола-чақа шу ҳаёти дунё зийнатидир. Парвардигорингиз наздида эса *(абадий)* қолгувчи яхши амаллар савоблироқ ва орзулироқ *(орзу қилишга арзирлироқдир)*. 47. Биз тоғларни *(булутлар янглиғ)* юргизадиган ва сиз *(барчангиз)* Ерни очиқ-яланғоч *(тоғ-тошларсиз, боғ-роғларсиз)* кўрадиган Кунни *(яъни, Қиёматни эслангиз! У Кунда)* Биз улардан биронтасини қўймай йиғдик. 48. Улар саф тортган ҳолларида Парвардигорингизга рўбарў қилиндилар *(ва Биз уларга айтдик)*: "Мана, сизларни аввал-бошда қандай яратган бўлсак, шундай ҳолда *(яъни, мол-дунё, бола-чақаларингизни тарк қилиб, яланғоч ҳолингизда)* ҳузуримизга келдингиз. Балки Бизни, сизларга ваъда қилинган Кунни *(яъни, Қиёматни қойим)* қила олмас, деб ўйлагандирсизлар?!" 49. *(Сўнг ҳар бир кишининг)* китоби - номаи аъмоли *(ўртага)* қўйилур. Бас, гуноҳкорларнинг ундаги *(битилган)* нарсалардан даҳшатга тушиб: "Бизларга ҳалокат бўлгай, бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта *(гуноҳни)* қолдирмай, барчасини ҳисоблаб-битиб қўйибди", дейишларини кўрурсиз. Улар қилиб ўтган барча амалларини ҳозиру нозир ҳолда топурлар. Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилмас. 50. Эсланг, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, фаришталарга: "Одамга таъзим қилинг", дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат иблис *(сажда қилмади)*. У жинлардан эди. Бас, Парвардигорининг амрига бўйинсунишдан бош тортди. Энди сизлар *(эй Одам болалари)*, Мени қўйиб, уни *(яъни, иблисни)* ва зурриётларини дўст тутурмисиз?! Улар сизларга душман-ку! У *(иблис)* золим кимсалар учун *(Оллоҳнинг ўрнига ибодат қилинадиган)* нақадар ёмон "бадал - ўринбосардир". 51. Мен уларни *(иблис ва унинг зурриётини)* на осмонлар ва Ерни яратишга ва на ўзларини яратишга гувоҳ қилган эмасман *(яъни, улар Еру осмонлар қандай яралганини ҳам, ўзлари қандай яралганликларини ҳам мутлақо билмайдилар, буларнинг барчасини Ёлғиз Ўзим яратганман)*, шунингдек, Мен бу йўлдан оздиргувчиларни *(Ўзимга)* ёрдамчи ҳам қилиб олганим йўқ *(бас, сизлар нечун уларга ибодат қилурсизлар)?!* 52. У Кунда *(Қиёмат қойим бўлганида, Оллоҳ)*: "Сизлар Менинг шерикларим деб ўйлаган *(бутларингизни)* чақирингиз", дер. Бас, *(мушриклар)* уларни чорлаганларида, *(улар)* жавоб қила олмайдилар. *(Чунки)* Биз

уларнинг ўрталарида ҳалокат чоҳини *(дўзахни)* пайдо қилиб қўйгандирмиз. 53. Гуноҳкор кимсалар дўзахни кўриб, ўзларининг унга тушувчи эканликларини ўйладилар, аммо ундан қочарга жой топмадилар. 54. Биз бу Қуръонда одамларга *(панд-насиҳат олишлари учун)* турли масаллар баён қилдик. Дарҳақиқат, инсон жуда кўп жанжал-баҳс қилгувчидир. 55. Одамларга Ҳидоят келган пайтида, улар иймон келтиришларидан ва Парвардигорларидан мағфират сўрашларидан фақат уларга ўтганларнинг суннати - ҳалокатлари келиши ёки очиқ азоб келишини *(кутишларигина)* тўсди *(яъни, улар аввалги кофир кимсаларга тушган ҳалокатга ё азобга лойиқ эканликларигина уларни мўмин бўлишдан манъ қилди).* 56. Биз пайғамбарларни фақат *(мўминларга жаннат)* хушхабарини элтгувчи ва *(кофирларни дўзах азобидан)* огоҳлантиргувчи бўлган ҳолларидагина юборурмиз. Кофир бўлган кимсалар эса ботил *(ҳужжатлар)* билан талашиб-тортишиб, унинг ёрдамида ҳақни енгмоқчи бўлурлар ҳамда Менинг оятларимни ва ўзлари огоҳлантирилган нарсани *(яъни, Охират азобини)* масхара қилиб кулурлар. 57. Парвардигорининг оятлари билан панд-насиҳат қилингач, улардан юз ўгирган, ўзи қилиб ўтган гуноҳларини унутиб қўйган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Дарҳақиқат, Биз *(Қуръонни)* англамасликлари учун уларнинг дилларини пардалаб, қулоқларини оғир қилиб қўйдик. Демак, агар Сиз уларни Ҳидоят - Ҳақ Йўлга чақирсангиз ҳам ҳаргиз ҳидоят топмаслар. 58. Парвардигорингиз Мағфиратли, меҳр-шафқат Соҳибидир. Агар У Зот уларни *(кофирларни)* қилган гуноҳлари билан ушлаганида, уларга азобни нақд қилган бўлур эди. Йўқ, улар учун ваъда қилинган бир вақт *(Қиёмат)* борки, *(у вақтда Оллоҳдан)* ўзга бирон пуштипаноҳ топа олмаслар. 59. Ана у шаҳарларни *(уларнинг аҳолисини)*, улар зулм қилишгач, ҳалокат вақтларини аниқ белгилаб *(яъни, пайғамбарларингизга итоат қилмасангизлар, ҳалок бўлурсизлар, деб огоҳлантирганимиздан кейингина)* ҳалок қилдик. 60. Мусо *(ўзининг хизматкор)* йигитига: "То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ замонлар кезмагунча юришдан тўхтамайман", деган пайтини эслангиз.

И з о ҳ: Мана шу оят билан Мусо ва Хизир пайғамбарлар ҳақидаги қисса бошланади. Ривоят қилишларича Мусо алайҳис-салом Оллоҳ таолога муножот қилиб: "Бандаларинг орасида мендан илми зиёдароқ бўлган киши борми?", деб сўраганида, Оллоҳ таоло: "Ҳа, Хизир сендан олимроқ", деб жавоб қилган экан. Шунда Мусо: "У зотни қандоқ излаб топурман?", деганида, "Денгиз соҳилидаги қоя

олдидан топурсан", деган жавоб бўлибди. "У ерга қандай борилур?", деб сўраганида, Оллоҳ таоло айтган экан: "Бир балиқни саватга солиб, йўлга чиқарсан. Қаерда уни йўқотиб қўйсанг, Хизирни ўша ердан топурсан!" Шундан кейин Мусо хизматкор йигитига балиқ солинган саватни бериб: "Бу балиқни йўқотган жойингда менга айтарсан", деб тайинлаб йўлга тушибдилар.

61. Энди қачонки, у иккиси *(икки денгиз)* қўшиладиган ерга етишгач, балиқларини унутдилар. Бас, у *(балиққа жон кириб)*, денгизга қараб йўл олди. 62. Бас, қачонки *(у ердан)* ўтишгач, *(Мусо)* йигитига: "Нонуштамизни *(яъни, саватдаги балиқни)* келтир, ҳақиқатан, бу сафаримиздан жуда чарчадик", деган эди; 63. У *(хизматкор)*: "Буни кўринг, биз *(денгиз соҳилидаги)* қояга бориб *(ором олган)* пайтимизда, мен балиқни *(унга жон кириб саватдан тушиб кетганини)* унутибман. *(Бу воқеани сизга)* айтишни фақат шайтон ёдимдан чиқариб, у *(балиқ)* денгизга *(сездирмаган йўсинда)* йўл олибди-я, ажабо," деди. 64. *(Мусо)* деди: "Мана шу биз истаган нарсадир". Сўнг уни *(Хизирни)* излаб ортларига қайтдилар. 65. Бас, бандаларимиздан бир бандани топдиларки, Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат *(яъни, пайғамбарлик)* ато этган ва Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик. 66. Мусо унга: "Сенга билдирилган билимдан, менга ҳам Тўғри Йўлни таълим беришинг учун сенга эргашсам майлими?", деди. 67. У *(Хизир)* айтди: "Аниқки, сен мен билан бирга *(илм машаққатларига)* сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас. 68. *(Зотан)*, ўзинг эгаллаб олмаган - хабардор бўлмаган нарсага қандай сабр қилурсан?! 69. *(Мусо)* деди: "Иншооллоҳ, сен менинг сабр-тоқатли эканимни кўрурсан. Мен бирон ишда сенга осийлик - итоатсизлик қилмасман". 70. У *(Хизир)* айтди: "Бас, агар менга эргашсанг, то ўзим сенга айтмагунимча бирон нарса ҳақида мендан сўрамагин!" 71. Бас, икков йўлга тушдилар. То бориб бир кемага минишлари билан *(Хизир кемани)* тешиб қўйди. *(Мусо)* айтди: "Уни *(бизга кемаларидан жой берган)* одамларни ғарқ қилиш учун тешдингми? Жуда даҳшатли иш қилдингку?!" 72. У *(Хизир)* деди: "Сен мен билан бирга сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас, демаганмидим?!" 73. *(Мусо)* айтди: "Унутганим сабабли мени айбламагин ва бу ишим учун мени машаққатга дучор қилмагин". 74. Сўнг яна йўлга тушдилар. То бориб бир болага рўбарў бўлганларида, *(Хизир)* уни ўлдирди. *(Буни кўрган Мусо)* деди: "Бировни *(ўлдирмаган)* бир бегуноҳ жонни ноҳақ ўлдирдинг-а?! Дарҳақиқат, *(сен)* бузуқ иш қилдинг!"

75. У *(Хизир)* деди: "Мен сенга, сен мен билан бирга сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас, демаганмидим?!" 76. *(Мусо)* деди: "Агар бундан буён сендан бирон нарса ҳақида сўрасам, мени ўзингга ҳамроҳ қилмагин. Чунки *(у ҳолда)* мен томонимдан узрга етган бўлурсан *(яъни, у ҳолда мени ташлаб кетганинг учун сени айблай олмасман)*". 77. Сўнг *(улар)* яна йўлга тушдилар. То бир шаҳар аҳлининг олдига келиб унинг аҳлидан таом сўраган эдилар, улар меҳмон қилишдан бош тортишди. Сўнг ўша жойда йиқилай деб турган бир деворни кўришгач, *(Хизир)* уни тиклаб қўйди. *(Мусо)* деди: "Агар хоҳласанг, бу ишинг учун ҳақ олишинг мумкин эди". 78. У *(Хизир)* айтди: "Мана шу сен билан менинг ажралишимиздир. Энди мен сени сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвили *(шарҳи)*дан огоҳ қилурман. 79. Кема хусусига келсак, у денгизда ишлайдиган *(юрадиган)* мискин-бечораларники эди. Бас, мен уни айбли қилиб қўймоқчи бўлдим. *(Чунки)* уларнинг *(кемадагиларнинг)* ортида *(кўзлаб кетаетган манзилларида)* барча *(бутун)* кемаларни талон-тарож қилиб, тортиб олгувчи бир подшоҳ бор эди. 80. Ҳалиги боланинг эса ота-оналари мўмин кишилар эдилар. Бас, биз у *(бола)* тугён ва куфр билан уларни қийнаб қўйишидан *(яъни, уларнинг ўз болаларини яхши кўрганлари сабабли диндан чиқиб кетишларидан)* қўрқдик. 81. Шу сабабдан, уларга Парвардигорлари *(бу бола)*дан кўра покизароқ, ундан кўра меҳрибонроқ *(бошқа бир болани)* бадал-эваз қилиб беришини истадик. 82. Энди девор эса шу шаҳардаги икки етим боланики бўлиб, унинг остида улар учун бир хазина бор эди. Уларнинг оталари жуда яхши киши эди. Бас, Парвардигоринг улар вояга етиб, Парвардигорингнинг раҳмат-марҳамати бўлмиш хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди. Мен бу *(ишларнинг бирортасини)* ўз-ўзимча қилганим йўқ. Мана шу сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидир".

И з о ҳ. Мазкур Илоҳий қиссадан олинадиган ибрат Оллоҳ таоло томонидан бандаларга берилган илмнинг нақадар чекланган эканлигини билишдир. Пайғамбарлар тарихидан маълумки, Мусо алайҳис-салом "Калимуллоҳ - Оллоҳ таоло билан бевосита сўзлашгувчи" деган номга сазовор бўлган зотдирлар. Демак, у киши,

Яратган билан савол-жавоб қилганларида, ўртада ҳатто фаришта ҳам воситачилик қилмаган - бор ҳақиқатни Ҳақ таолонинг Ўзидан олганлар. Бинобарин, ўзларича дунёда мендан ҳам илмлироқ, одам бормикан, деган фикр кўнгилларидан кечган бўлса керакки, юқоридаги оятларда зикр қилинган қиссада Оллоҳ таоло Ўз пайғамбарини огоҳлантириб, гўё шундай дейди: "Агар сенга бўлиб ўтган барча нарсалар тўғрисида билим берган бўлсам, бандаларим орасида шундай бир киши ҳам мавжудки, унга энди бўладиган нарсаларнинг билимини ҳам ато этгандирман - яъни, сен ўз илм-маърифатинг билан бутун дунёга устоз бўлишинг мумкин, аммо у бандамга шогирд бўлишга ҳам ожизлик қилурсан". Бу ҳикоя билан Оллоҳ Ўзининг: "Ҳар бир билим соҳиби устида ундан-да билимдонроқ биров бордир", деган ояти каримасининг ҳақ эканини яна бир карра исбот этади.

Энди қуйидаги оятларда Зул-қарнайн ҳақида ҳикоя қилинади. Қадимда яшаб ўтган бу буюк шоҳнинг нима сабабдан Зул-қарнайн - икки шох эгаси деб аталиши хусусида хилма-хил ривоятлар бордир. Баъзилар унинг бошида иккита шохи бўлган, десалар, бошқа ривоятларда у икки кокилли эди, дейилади. Яна бир мўътабар манбаъда эса, Ернинг Шарқу Ғарбига ҳукмронлик қилгани учун ҳам икки шох эгаси деган ном олган, дейилади. Қуйида Оллоҳ таолонинг ана ўша иймон ва тақво эгаси бўлган бандасининг Ер юзида ҳақни қарор топдириш учун қилган саъй-ҳаракатлари ҳақида сўйланади.

83. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **яна Сиздан Зул-қарнайн ҳақида сўрайдилар. Айтинг: "Энди мен сизларга у ҳақдаги хабарни тиловат қилурман". 84. Дарҳақиқат, Биз унга** *(Зул-қарнайнга)* **бу Ерда салтанат - ҳукмронлик бердик ва** *(кўзлаган)* **барча нарсасига йўл-имконият ато этдик. 85. Бас, у** *(аввал Ғарбга қараб)* **йўл олди. 86. То** *(кетаётиб)* **кун ботадиган жойга етгач, у** *(қуёшнинг)* **бир лойқа булоққа ботаётганини кўрди ва у** *(булоқ)* **олдида бир қавмни учратди. Биз: "Эй Зул-қарнайн, сен ё** *(уларни)* **азобга дучор қилурсан ёки уларга яхши муомалада бўлурсан", дедик. 87. У айтди: "Золим бўлган кимсани, албатта азоблагаймиз. Сўнгра Парвардигорига қайтарилгач, У Зот уни яна даҳшатли азоб билан азоблар. 88. Энди иймон келтириб яхши амаллар қилган зотга келсак, унинг учун гўзал оқибат - жаннат мукофот бўлур. Биз ҳам унга ишимиздан осон-енгилларини буюрурмиз". 89. Сўнгра у** *(Шарққа қараб)* **йўл олди. 90. То** *(кетаётиб)* **кун чиқишга етиб боргач, унинг** *(қуёшнинг)* **бир қавм устига чиқаётганини**

(кўтарилаётганини) кўрдики, Биз у *(қавм)* учун қуёшдан *(сақланадиган уй, либос каби)* бирон парда қилмаган эдик. 91. Худди илгаригидек бўлди *(яъни, Зул-қарнайн бу қавмга ҳам кун ботишдаги қавмга қилган муомалани қилди)*. Аниқки, Биз унинг барча ишларидан Хабардормиз - *(уни)* Иҳота қилиб олгандирмиз. 92. Сўнгра у яна йўл олди. 93. То *(кетаётиб)* икки тоғ ўртасига етиб келгач, у *(тоғлар ортида)* бирон гапни англай олмайдиган қавмни учратди. 94. Улар: "Эй Зул-қарнайн, шак-шубҳасиз *(шу тоғлар ортидаги)* Яъжуж ва Маъжуж *(номли қавмлар)* Ер юзида бузғунчилик қилгувчилардир. Бизлар сенга бир *(миқдор)* ҳаражат - тўлов тўласак, биз билан уларнинг ўртасига бир сад чекиб *(бир тўғон қуриб)* берурмисан?", дедилар. 95. У *(Зул-қарнайн)* айтди: "Парвардигорим менга ато этган *(салтанат сизлар берадиган мол-дунёдан)* яхшироқдир. Бас, сизлар менга *(мол-дунё билан эмас, балки)* куч-қувват билан ёрдам берингглар, мен сизлар билан уларнинг ўртасига бир девор бино қилай. 96. Сизлар менга темир парчаларини келтиринглар. То *(темир парчалари)* иккала тоғ билан баробар бўлгач, *(Зул-қарнайн: "Босқонлар билан)* дам уринглар", деди. Бас, қачон у *(темир-терсакларни қиздириб)* ўт қилгач *(эритгач)*, деди: "Менга эритилган мис *(ҳам)* келтиринглар, у *(темир парчаларининг)* устидан қуюрман. 97. Энди улар у *(тўсиқ)* устига чиқишга ҳам қодир эмаслар, уни тешиб ўтишга ҳам қодир эмаслар. 98. Бу Парвардигорим томонидан бўлган бир марҳаматдир. Энди қачон Парвардигорим *(Яъжуж ва Маъжуж чиқади, деб)* ваъда қилган вақт келганида *(яъни, Қиёмат қойим бўлишига яқин қолганида)*, Ўзи у *(тўсиқни)* теп-текис қилиб қўюр. Парвардигоримнинг ваъдаси ҳақдир", деди у. 99. У Кунда *(Қиёматда, одамларни)* бир-бирларига аралаш-қуралаш қилиб ташладик. Сур чалингач, уларнинг барчаларини тўпладик. 100. У Кунда жаҳаннамни кофирларга кўндаланг қилиб қўйдик. 101. Уларнинг кўзлари *(дунёда)* Менинг эслатмаларимдан тўсилган эди. Улар *(Менинг панд-насиҳатларимни)* эшитишга ҳам қодир эмас эдилар. 102. Ёки кофир бўлган кимсалар, Мени қўйиб, бандаларимни дўст тутишни *(Ўзим яратган фаришталар ёки Ийсо каби пайғамбарни илоҳ деб сиғинишни)* ўйладиларми?! Шак-шубҳасиз, Биз жаҳаннамни кофирлар тушадиган жой қилиб тайёрлаб қўйгандирмиз. 103. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Сизларга қилган иш-амалларидан энг кўп зиён кўргувчи кимсаларнинг хабарини берайликми?! 104. Улар *(кофир бўлганлари*

сабабли) қилган саъй-ҳаракатлари ҳаёти дунёдаёқ йўқ бўлиб кеттану, аммо *(нодонликлари сабабли)* ўзларини чиройли - яхши амал қилаётган кишилар, деб ҳисоблайдиган кимсалардир!" 105. Улар Парвардигорларининг оятларини ва *(Қиёмат Кунида)* У Зотга рўбару бўлишни инкор қилишиб, бутун иш-амаллари беҳуда кеттан кимсалардир. Бас, Биз Қиёмат Кунида улар *(қилиб ўтган амаллар)* учун ҳеч қандай қадр-қиймат бермасмиз! 106. Кофир бўлганлари ҳамда Менинг оятларимни ва пайғамбарларимни масхара қилганлари сабабли, уларнинг жазолари ўша жаҳаннамдир! 107. Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун Фирдавс боғлари манзил бўлур. 108. Улар, у жойларда мангу қолар эканлар, *(бошқа бирон жойга)* кўчишни истамаслар. 109. Айтинг: "Агар барча денгиз Парвардигоримнинг Сўзлари *(яъни, илму ҳикматларини битиш)* учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигоримнинг сўзлари битишидан илгари, у денгизлар тугаб битар!" 110. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* айтинг: "Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга Тангрингиз Ёлгиз Оллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас, ким Парвардигорига рўбару бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда *(риёкорлик билан)* бирон кимсани *(Унга)* шерик қилмасин! *(Яъни, қиладиган барча амалларини Ёлгиз Оллоҳ учун қилсин)"*.

МАРЯМ сураси (19)

Тўқсон саккиз оятдан иборат бўлган бу сура Маккада нозил қилингандир. Бу сурада ҳам бир қанча пайғамбарлар қиссалари зикр қилинади. Бошлаб Закариё ва унинг кексалик чоғида кўрган фарзанди Яҳё ҳақида сўзланиб, сўнгра энг ажиб ва ғариб қисса - Марям ва унинг беота дунёга келган ва бешикда ётган чоғидаёқ тилга кириб ўзининг кимлигини айтган фарзанди - Ийсонинг қиссаси ҳикоя қилинади ва Яратган наздида бу осон иш эканлиги таъкидланади. Суранинг "Марям" деб номланишига ҳам сабаб шудир.

Яна бу сурада Оллоҳ таолонинг пайғамбарларидан Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб, Мусо, Ҳорун, Исмоил, Идрис ва Нуҳларнинг номлари ҳам зикр қилиниб, уларнинг барчалари бир занжирнинг ҳалқалари эканликлари, яъни, Ягона Оллоҳнинг Динига даъват этганликлари яна бир бор эслатиб ўтилади.

Шунингдек, бу сурада Қиёматнинг айрим манзаралари, у Куннинг даҳшатлари - жаҳаннамга ташланишларини кутиб тиз чўкиб турган кофирларнинг аҳволи Илоҳий қалам билан чизиб берилади. Лекин У Зотнинг Ёлғиз Оллоҳга бандалик қиладиган кишиларга бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам раҳм-шафқатли эканлиги таъкидланиб, суранинг бир неча ўринларида Оллоҳ калимасининг ўрнига Раҳмон - Меҳрибон сўзи қўлланади.

Сура ниҳоясида Оллоҳ таолонинг фарзанд ва шерикдан Пок - тенги йўқ Зот экани яна бир карра уқтириб ўтилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Коф, Ҳо, Ё, Айн, Сод.

Изоҳ: Бу сура ҳам юқорида ўтган ва қуйида келадиган айрим суралар каби "ҳуруфи муқаттаот", яъни, маънодан узилган ёлғиз-ёлғиз ҳарфлар билан бошланди.

2. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, ушбу қисса)* **Парвардигорингиз Ўз бандаси Закариёга қилган марҳаматининг**

зикри-қиссасидир. 3-4. Эсланг, у Парвардигорига хуфёна дуо-илтижо қилиб, деган эди: "Парвардигорим, дарҳақиқат, менинг суякларим мўртлашди, кексаликдан бошим - сочим оқарди. Парвардигорим, мен Сенга дуо қилиб *(ҳеч қачон)* ноумид бўлган эмасман. 5-6. Мен ортимда қоладиган қариндош-уруғларим *(менинг динимни зое қилиб юборишлари)*дан хавфдаман. Хотиним туғмас бўлиб қолган. Энди Сен Ўз даргоҳингдан менга ва *(бобом)* Яъқуб хонадонига меросхўр *(пайғамбар)* бўладиган бир дўст *(яъни, фарзанд)* ҳадя эттин ва уни *(Ўз наздингда)* рози бўлинадиган *(солиҳ)* кишилардан қилгин". 7. *(Оллоҳ айтди)*: "Эй Закариё, Биз сенга бир фарзанд хушхабарини берурмизки, унинг исми Яҳё бўлиб, Биз илгари унга бирон *(кимсани)* отдош қилган эмасмиз". 8. *(Закариё)* деди: "Парвардигорим, хотиним туғмас бўлиб қолган, ўзим эса кексаликнинг *(умримнинг)* ниҳоясига етиб қолган бўлсам, мендан қандай фарзанд *(бунёд)* бўлсин?" 9. *(Оллоҳ)* айтди: "Шундай. Парвардигоринг айтурки, бу *(иш)* Менга осондир. *(Ахир)* Мен илгари ҳеч нарса бўлмаган пайтингда сени *(ҳам)* яратган эдим-ку *(яъни, йўқдан бор қилган эдим-ку)*!" 10. "Парвардигорим, мен учун *(кампирим ҳомилали бўлганига)* бирон белги-аломат қилсанг", деди *(Закариё)*. *(Оллоҳ)* айтди: "Сенга белги шуки, соппа-соғ бўлган ҳолингда уч кунгача одамларга гапира олмайсан". 11. Бас, *(Закариё)* меҳробдан - ибодатхоҳидан ўз қавмининг олдига чиқиб, уларга эрта-ю кеч *(Оллоҳни)* поклаб - ибодат этишни ишора қилди.

И з о ҳ: Дарҳақиқат, Закариё алайҳис-салом уч кунгача тасбеҳ ўгириш ва Таврот тиловат қилишдан бошқа нарсага тиллари айланмай қолади ва ибодатхонага келган кишиларга ҳам фақат имо-ишора билан панд-насиҳат қиладилар. Сўнг вақти-соати етиб Яҳё алайҳис-салом дунёга келгач, Оллоҳ таоло унга гўдаклик чоғидаёқ ваҳий юборади. Қуйидаги оятларда шу ҳақда ҳикоя қилинади.

12. *(Биз унга)*: "Эй Яҳё, Китобни *(яъни, Тавротни)* маҳкам ушлагин", *(дедик)* ва унга гўдаклик чоғидаёқ ҳикмат-маърифат ато этдик. 13. Яна *(унга)* Ўз даргоҳимиздан меҳр ва *(гуноҳлардан)* поклик *(ато этдик)*. У тақволи бўлди. 14. У ота-онасига итоатли - меҳрибон бўлиб, жабру ситам қилувчи, қулоқсиз эмас эди. 15. Унга туғилган кунида ҳам, вафот этадиган кунида ҳам, қайта тириладиган *(Қиёмат)* Кунида ҳам тинчлик-омонлик бўлур *(яъни, у туғилиш машаққатидан, ўлим азобидан ва Қиёмат Кунида дўзахга тушиш хавфидан омондир)*. 16-17. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, ушбу Китобда *(яъни, Қуръонда)* Марям *(қиссаси)*ни зикр қилинг: У ўз аҳли-оиласидан четга - кун чиқар томонга бориб, улардан

парда ортига беркиниб олган пайтида Биз унга Ўз Руҳимиз - *(яъни, Жаброил)*ни юбордик. Бас, у *(Марямга)* бус-бутун *(рўй-рост)* одам бўлиб кўринди. 18. *(Марям унга):* "Мен Раҳмонга *(яъни, Оллоҳга)* сиғиниб сендан паноҳ беришини илтижо қилурман. Агар *(Оллоҳдан)* қўрқувчи бўлсанг, *(менга зиён етказмагин),*" деди. 19. *(Жаброил)* айтди: "*(Қўрқмагин)*, мен фақат сенга бир покиза ўғил ҳадя қилиш учун *(келган)* Парвардигорингнинг элчисидирман, холос". 20. *(Марям)* деди: "Менга одамзод тегмаган бўлса, бузуқ аёл бўлмасам менда қаёқдан фарзанд бўлсин?!" 21. *(Жаброил)* айтди: "Шундай. Парвардигоринг айтурки: "Бу *(иш)* Менга осондир. Биз у *(болани)* одамлар учун оят-мўъжиза ва Ўз томонимиздан бўлган раҳмат-марҳамат қилурмиз. Бу битган ишдир". 22. Бас, *(Марям)* унга ҳомиладор бўлиб, у билан бирга йироқ бир жойга кетди. 23. Бас, тўлғоқ азоби уни бир хурмо дарахтининг шохига олиб борди *(ва у шохга осилган ҳолда кўзи ёригач)*, деди: "Қани, мана шу *(кундан)* илгари ўлиб кетсаму бутунлай унутилиб кетсам эди".

И з о ҳ: Биби Марям ўша фурсат очиққан, чанқаган ва ниҳоятда қийналган эдилар. Сув йўқ, емиш йўқ, руҳлари тушкун эди.

24. Шунда *(хурмо дарахтининг)* ортидан *(Жаброил)* нидо қилди: "Ғамгин бўлма, Парвардигоринг *(оёқ)* остингдан бир ариқ оқизиб қўйди. 25. *(Мана шу қуриб қолган)* хурмо шохини силкитгин, у сенга янги хурмо меваларини ташлар. 26. Энди сен еб-ичгин, шод-хуррам бўлгин. Бас, агар одамзоддан биронтасини кўриб қолсанг *(ва у сендан бу боланинг отаси ҳақида сўраса)* у ҳолда: "Мен Раҳмон Йўлида рўза тутмоқни назр *(аҳд)* қилганман, бас, бугун бирон инсонга сўзламайман", дегин. 27. Сўнг *(Марям боласини)* кўтарган ҳолда ўз қавмига келганида улар: "Эй Марям, сен *(ҳеч ким қилмаган)* ажиб ишни қилдинг-ку! 28. Эй Ҳоруннинг синглиси, сенинг отанг ёмон одам эмас эди-ку, онанг ҳам фоҳиша эмас эди-ку!", дедилар. 29. Шунда *(Марям оғиз очмасдан боласига)* ишора қилди *(яъни, унинг ўзидан сўранглар, деди)*. Улар айтдилар: "Бешикдаги гўдак билан қандай сўзлашурмиз?!" 30. *(Шу пайт чақалоқ, яъни, Ийсо тилга кириб)* деди: "Мен Оллоҳнинг бандасидирман. У Зот менга Китоб - Инжил ато этди ва мени пайғамбар қилди. 31. Яна мени қаерда бўлсам хайру баракотли қилди ва модомики, ҳаёт эканман намозни *(адо этишни)* ва закотни *(ато этишни)* амр қилди. 32. Шунингдек, *(Оллоҳ)* мени онамга итоатли - меҳрибон қилди ва мени ситамкор бадбахт

қилмади. 33. Менга туғилган кунимда ҳам, вафот бўладиган кунимда ҳам, қайта тириладиган Кунимда ҳам тинчлик-омонлик бўлур". 34. Улар *(яъни, яҳудий ва насронийлар)* **шак-шубҳа қилаётган Ийсо бинни Марям** *(яъни, унинг ҳақидаги Оллоҳнинг)* **Ҳақ Сўзи мана шудир.**

Изоҳ: Юқорида мазкур бўлган ва қуйида зикр қилинадиган оятларда Ийсо бинни Марям Оллоҳ таолонинг "Бўл", деган амри билан отасиз дунёга келган бир банда ва пайғамбар эканликлари тўғрисидаги Ҳақ таолонинг Сўзи баён қилинади ва Ийсо ҳақидаги "У валади зино" яъни, отасиз, беникоҳ туғилган бола, дейдиган яҳудийларнинг сўзи ҳам, "У худонинг ўғли", дейдиган насронийларнинг сўзи ҳам ботил - ноҳақ сўзлар экани таъкидланади.

35. Оллоҳ учун ҳеч қандай бола тутиш жоиз эмас - У Зот *(бундай нуқсондан)* **Покдир. У бирон ишни қилмоқни истаса фақат унга "Бўл", дер. Бас,** *(ўша иш)* **бўлур. 36.** *(Ийсо айтди):* **"Албатта Оллоҳ Парвардигорим ва Парвардигорингиздир. Бас, Унга бандалик қилингиз! Мана шу Тўғри Йўлдир". 37. Сўнг** *(яҳудий ва насроний)* **ҳизблар - тўдалар** *(Ийсо хусусида)* **ўзаро ихтилоф қилдилар. Бас, кофир бўлган кимсаларга улуғ Кун - Қиёматта гувоҳ-ҳозир бўлганларида ҳалокат бўлгай. 38. Улар Бизга келадиган Кунда жуда ҳам** *(аниқ)* **кўрадиган ва эшитадиган бўлиб қолурлар. Лекин у золимлар бугун очиқ залолатдадирлар. 39.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз уларни** *(яъни, Макка мушрикларини)* **барча иш битирилиб** *(яъни, жаннат аҳли жаннатга, дўзахилар дўзахга ҳукм қилиниб),* **улар ҳасрат-надомат қилиб қоладиган Кундан - Қиёматдан қўрқитинг!** *(Бугун)* **улар ғафлатдадирлар,** *(шу сабабдан)* **улар иймон келтирмайдилар. 40. Шак-шубҳасиз, Биз Ўзимиз бу Ерга ва ундаги бор жонзотга меросхўр бўлурмиз** *(яъни, барча жонзот ўтар, Ёлғиз Бизгина қолурмиз).* **Ва фақат Бизгагина қайтурлар. 41.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **ушбу Китобда Иброҳим** *(қиссаси)***ни зикр қилинг! Дарҳақиқат, у жуда ростгўй пайғамбар эди. 42. Эсланг, у отасига: "Эй ота, нега сен эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирон нарсада асқотмайдиган бутга ибодат қилурсан? 43. Эй ота, дарҳақиқат, менга сенга келмаган илм-маърифат келди. Бас, сен менга эргашгин, сени Ҳақ Йўлга ҳидоят қилурман. 44. Эй ота, сен шайтонга ибодат-қуллик қилмагин! Чунки шайтон Раҳмонга осий бўлгандир. 45. Эй ота, ҳақиқатан, мен** *(кофир ҳолда яшаб ўтганинг сабабли Охират диёрида)* **сенга Раҳмон томонидан азоб етиб,** *(дўзахда)* **шайтонга дўст-яқин бўлиб қолишингдан қўрқурман".**

деганида; 46. *(Отаси)* айтди: "Сен менинг худоларимдан юз ўгирувчимисан, эй Иброҳим?! Қасамки, агар сен *(менинг худоларимни сўкишдан)* тўхтамасанг, албатта сени тошбўрон қилурман ва *(ёки)* мени узоқ вақтга *(яъни, бутунлай)* тарк эт!" 47. *(Иброҳим)* деди: "Сенга омонлик бўлсин. Энди мен Парвардигоримдан сени мағфират қилишини сўрарман. Шак-шубҳасиз, У менга Меҳрибон бўлган Зотдир. 48. Мен сизлардан ҳам, сизлар Оллоҳни қўйиб илтижо қилаётган *(бутларингиздан)* ҳам четланурман ва *(Ёлгиз)* Парвардигоримга илтижо қилурман. Шояд Парвардигоримга илтижо қилганим шарофатидан *(сизлар каби)* бадбахт бўлиб қолмасман, деб умид қилурман". 49. Бас, қачонки *(Иброҳим)* улардан ва улар Оллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларидан четлангач, Биз унга *(ўғли)* Исҳоқ ва *(набираси)* Яъқубни ҳадя этдик ва барчаларини пайғамбар қилдик. 50. Шунингдек, уларга Ўз фазлу марҳаматимиздан инъом этдик ва улар учун рост, юксак мақтовларни *(барқарор)* қилдик. 51. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, ушбу Китобда Мусо *(қиссаси)*ни зикр қилинг! Дарҳақиқат, у танлаб олинган элчи-пайғамбар эди. 52. Биз унга Тур *(тоғининг)* ўнг томонидан нидо қилдик ва уни муножот қилган ҳолида *(Ўзимизга)* яқин этдик.

И з о ҳ: Ривоят қилишларича, Мусо алайҳис-салом Мадян шаҳридан Мисрга қараб йўлга тушиб Оллоҳ таолога муножот қилиб кетаётганида ўнг томонларидаги Тур тоғидаги бир дарахтдан овоз келади ва ўша жойда Мусо алайҳис-салом Оллоҳ таоло билан бевосита сўзлашади.

53. Биз *(Мусога)* Ўз фазлу марҳаматимиз билан *(унга ёрдамчи бўлсин, деб)* пайғамбар бўлмиш огаси Ҳорунни ҳадя этдик. 54. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, ушбу Китобда Исмоил *(қиссаси)*ни зикр қилинг! Дарҳақиқат, у ваъдаси рост бўлган элчи-пайғамбар эди. 55. У ўз аҳли-умматини намоз ва рўзага буюрар эди. У Парвардигори наздида рози бўлинган киши эди. 56. Яна ушбу Китобда Идрис *(қиссаси)*ни зикр қилинг! Дарҳақиқат, у жуда ростгўй пайғамбар эди. 57. Ва Биз уни юксак мартабага кўтардик. 58. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, ана ўшалар *(яъни, Биз Сизга қиссаларини сўйлаб берган кишилар)* Одам зурриётидан бўлган *(Идрис каби)*, Биз Нуҳ билан бирга *(кемада)* кўтариб *(тўфон балосидан нажот берган)* кишилардан бўлган *(Иброҳим каби)*, Иброҳим зурриётидан бўлган *(Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб каби)*, Исроил-Яъқуб *(зурриётидан бўлган Мусо, Ҳорун, Закариё, Яҳё ва Ийсо каби)* пайғамбарлардан ва Биз ҳидоят қилган ва танлаб олган киши-

лардан иборат Оллоҳнинг инъомига сазовор бўлган зотлардир. Қачон уларга Раҳмон оятлари тиловат қилинса сажда қилган ва йиғлаган ҳолларида йиқилурлар.

Изоҳ: Мазкур оят ҳам сажда ояти бўлиб, уни тиловат қилувчига ҳам, тинглагувчига ҳам бир марта сажда қилиш вожибдир.

59. Сўнг, уларнинг ортидан намозни зое қиладиган ва шаҳватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлдилар. Энди у *(ўринбосарлар)* албатта ёмонликка *(яъни, ёмон жазога)* йўлиқурлар. 60. Магар тавба қилиб, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларгина *(азобга дучор қилинмаслар)*. Бас, улар жаннатга кирурлар ва уларга бирон зулм қилинмас. 61. Улар Раҳмон ғойибда *(яъни, бандалар кўзига кўринмай)* турган ҳолида Ўз бандаларигаваъда қилган мангу жаннатларга *(кирурлар)*. Албатта У Зотнинг ваъдаси амалга ошгусидир. 62. У жойда улар бирон беҳуда сўз эшитмаслар, магар *(аҳли жаннат томонидан)* саломни *(эшитурлар, холос)*. У жойда улар учун эрта-ю кеч ризқлари ҳозирдир. 63. Ушбу жаннат - Биз бандаларимиздан тақводор бўлган кишиларга мерос қилиб берадиган жаннатдир. 64. "*(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, биз Ёлгиз Парвардигорингизнинг амри фармони билангина нозил бўлурмиз. Олдимиздаги *(Охират)* ҳам, ортимиздаги *(дунё)* ҳам, *(дунё ва Охират)* ўртасидаги барча иш-амаллар ҳам Ёлгиз Унингдир. Парвардигорингиз унутгувчи эмасдир. 65. У осмонлар, Ер ва уларнинг орасидаги бор нарсаларнинг Хожасидир. Бас, Сиз Унга ибодат қилинг ва Унинг ибодатида сабр-тоқатли бўлинг! Унинг учун бирон "тенг"ни билурмисиз?! *(Йўқ, билмассиз!)*"

Изоҳ: Ушбу икки оят Оллоҳ таолонинг муқарраб фаришталаридан бўлмиш Жаброил алайҳис-саломнинг сўзларидир. Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга бир муддат ваҳий келиши тўхтаб қолганидан сўнг Жаброил келганида у зот: "Нега келмай қолдинг?", деб сўраганларида у Оллоҳнинг амри билан юқоридаги сўзларни айтган экан.

66. *(Кофир)* инсон: "Ўлганимдан сўнг яна тирик ҳолда *(қабримдан)* чиқарилурманми?!", дер. 67. Ахир ўша инсон Биз уни илгари ўзи ҳеч нарса бўлмаган пайтида яратганимизни *(яъни, йўқдан бор қилганимизни)* эсламасми?! 68. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Парвардигорингизга қасамки, албатта Биз уларни *(йўлдан оздирган)* шайтонлари билан бирга тўплармиз, сўнгра *(барчаларини)* жаҳаннам атрофида тиз чўккан ҳолларида ҳозир қилурмиз. 69. Кейин ҳар бир гуруҳдан қайси кимса Раҳмонга

қаттиқроқ осий бўлган бўлса, *(ўшани)* суғуриб олурмиз *(ва жаҳаннамга отурмиз).*

Изоҳ: Уламолар уқтиришларича, "Раҳмонга қаттиқроқ осий бўлган" кимсалар халқни Ҳақ Йўлидан оздириб боши берк кўчаларга бошлаган доҳийлардир.

70. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, Биз Ўзимиз унга *(жаҳаннамга)* киришга лойиқроқ бўлган кимсаларни жуда яхши Билгувчидирмиз. 71. Сизлардан ҳар бирингиз унга тушгувчидирсиз. *(Бу)* Парвардигорингизга *(яъни, У Зотнинг амрига биноан)* вожиб бўлган ҳукмдир. 72. Сўнг Биз тақводор бўлган зотларни *(ундан)* қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида *(жаҳаннамда)* қолдирурмиз. 73. Қачон уларга *(яъни, инсонларга)* очиқ-равшан бўлган оятларимиз тиловат қилинса, кофир бўлган кимсалар иймон келтирган зотларга: "Қайси гуруҳ яхшироқ мартаба ва гўзалроқ мажлисда?", дейдилар. *(Яъни, бой-бадавлат мушриклар фақир ва' мискин мўминларнинг устидан куладилар).* 74. Ҳолбуки, Биз улардан илгари қанча матоъ ва суратлари чиройли бўлган авлодларни ҳалок қилгандирмиз! 75. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Ким залолатда бўлса, бас, Раҳмон унга муддат - умр берсин. То қачон ўзларига *(яъни, йўлдан озганларга)* ваъда қилинган *(дунё)* азобини ёки Қиёмат қойим бўлишини кўрган вақтларида албатта кимнинг мартабаси ёмонроқ ва лашкари ожизроқ эканини билурлар. 76. Оллоҳ Ҳақ Йўлдаги кишиларга яна ҳидоятни зиёда қилур. Парвардигорингиз наздида абадий қолгувчи яхши амаллар савоб жиҳатидан ҳам, оқибат жиҳатидан ҳам ортиқроқдир". 77. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Бизнинг оятларимизга кофир бўлган ва: "Қасамки, албатта *(Охиратда ҳам)* менга мол-мулк ва бола-чақа ато этилур", деган кимсани кўрдингизми? 78. У ғойибдан хабардор бўлдимикин ёки Раҳмон даргоҳидан аҳду паймон олдимикин?! 79. Йўқ, албатта Биз унинг айтаётган сўзини ёзиб қўюрмиз ҳамда унинг учун азобни зиёда қилурмиз. 80. У айтаётган *(унинг бола-чақа ва мол-дунёсига)* Биз меросхўр бўлурмиз ва у ҳузуримизга ёлғиз ҳолда келур. 81. Улар *(яъни, Макка мушриклари)* Оллоҳни қўйиб, ўзларига куч-қудрат бўлиши учун "худолар" тутдилар - бутларга сиғиндилар. 82. Йўқ, *(Қиёмат Кунида бутлари уларни қўллай олмайди, балки бутлар)* уларнинг қилган ибодатларини инкор қилурлар ва уларга зид-душман бўлурлар. 83. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Биз кофирларга уларни *(гуноҳ-маъсиятларга)* қўзғатадиган шайтонларни юборганимизни

кўрмадингизми? 84. Бас, Сиз улар устида шошқалоқлик қилманг *(яъни, нега азобга гирифтор бўла қолмаяптилар, деб ҳайрон бўлманг)!* **Ҳеч шак-шубҳасиз, Биз уларнинг** *(қолган ой, кунларини ҳам, қилаётган гуноҳларини ҳам)* **аниқ ҳисоб-китоб қилиб турурмиз. 85. Биз тақводор зотларни отлиқ ҳолларида Раҳмон даргоҳига тўплайдиган; 86. Ва жиноятчи-кофирларни жаҳаннамга тушишлари учун ҳайдайдиган Кунни** *(эсланг)! 87. (У Кунда)* **фақат Раҳмон наздида аҳду-паймон олган,** *(Оллоҳни бир билиб зиммаларидаги фарзларни адо этган)* **кишиларгина шафоат қилишга эга бўлурлар. 88.** *(Мушриклар)*: **"Раҳмоннинг боласи бор", дедилар. 89.** *(Эй мушриклар)*, **сизлар шундай оғир гап айтдингизки, 90-91. Унинг оғирлигидан - Раҳмоннинг боласи бор, деган** *(гапнинг оғирлиги)***дан осмонлар ёрилиб, Ер бўлиниб, тоғлар парчаланиб қулаб кетишга яқин бўлур.**

И з о ҳ: Ушбу оятларни диққат ва инсоф билан ўқиган киши дарҳақиқат, уларни осмону заминни ҳам, тоғу тошларни ҳам яратган Эгаси нозил қилганига иймон келтиради. Чунки Ерлик одамнинг хаёлига Ер ёрилишидан ўзга нарса келиши амри маҳол.

92. Раҳмон учун бола тутиш лойиқ эмасдир *(яъни, У Зот болага муҳтож эмас)*. **93. Осмонлар ва Ердаги бор жонзот** *(Қиёмат Кунида)* **Раҳмон** *(ҳузурига)* **бўйинсунган ҳолда келгувчидир. 94. У Зот уларни санаб-аниқлаб қўйгандир. 95. Уларнинг барчаси Қиёмат Кунида ёлгиз ҳолда У Зотнинг ҳузурига келгувчидир. 96. Албатта иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар учун Раҳмон дўстликни** *(барқарор)* **қилур. 97.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **албатта Биз** *(Қуръон)* **билан тақво эгаларига хушхабар беришингиз учун ва саркаш қавмни қўрқитишингиз учун уни Сизнинг тилингизга осон-енгил қилиб қўйдик. 98. Биз улардан** *(яъни, Макка мушрикларидан)* **илгари ҳам қанча** *(ўз пайғамбарларига итоат этмаган)* **авлодларни ҳалок қилгандирмиз. Сиз улардан бирортасини кўрурмисиз ёки овозларини эшитурмисиз?!** *(Бас, Сизга иймон келтирмайдиган бу қайсар қавм ҳам ҳалок бўлиб битар, аммо Биз Сизга нозил қилган Дин эса Қиёматгача қолур).*

ТОҲА сураси (20)

Маккада нозил бўлган бу сура бир юз ўттиз беш оятдир. Бу сура Муҳаммад алайҳис-саломга хитоб қилиш билан бошланиб, у зотга бор мавжудотнинг Хожаси томонидан инган Қуръони Каримнинг Оллоҳдан қўрқадиган кишилар учун бир панд-насиҳат экани ва Яратганнинг энг махфий нарсалардан ҳам Огоҳ бўлган Зот эканлиги баён қилинади. Бу сурада Оллоҳ таоло Ўзининг сўнгги Пайғамбарига ундан аввал ўтган салафлари учун ҳам Ҳақ Йўлига даъват қилиш осон бўлмаганини эслатиб, суранинг асосини ташкил этадиган Мусо ва Ҳорун пайғамбарларнинг қиссасини батафсил баён қилади. Унда Мусо алайҳис-саломнинг қай ҳолатда пайғамбар бўлганлари ва у зотга Оллоҳ таоло томонидан қандай мўъжизалар ато этилгани; Мусо билан золим Фиръавн ўртасидаги мужодала; Мусо билан сеҳргарлар ўртасида бўлиб ўтган мубораза-мусобақа, ниҳоят Фиръавн ва унинг лашкарлари қандай ҳалок бўлганлари ва бошқа воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилинади Яна бу сурада барча жонзот ҳисоб-китоб учун жамланадиган Қиёмат Кунида овозлар ҳам Раҳмонга таъзим қилишлари ва фақат пичирлашларгина қулоққа чалиниши каби Қиёмат манзаралари ҳам тасвирлаб ўтилади ҳамда Ҳақ Йўлидан тоймаган кишилар ўзларига ваъда қилинган жаннатларга киритилишлари, кофирлар эса жаҳаннамга ташланишлари ҳақида хабар берилади. Сура Пайғамбар алайҳис-саломга айрим Илоҳий йўл-йўриқлар кўрсатиш билан ниҳояланади.

Бу сура ўзининг илк ояти - Тоҳа номи билан маъруфдир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. То, Ҳа. 2-3. ***(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),*** **Биз Сизга бу Қуръонни қийналиб жафо чекишингиз учун эмас, балки** ***(Оллоҳдан)*** **қўрқадиган кишиларга панд-насиҳат бўлсин учун нозил қилдик. 4.** ***(У)*** **Ерни ва юксак осмонларни яратган Зот томонидан нозил қилингандир. 5.** ***(У Зот)*** **Ўз Аршига ўрнашган**

Раҳмондир. 6. Осмонлардаги, Ердаги ва уларнинг орасидаги ҳамда тупроқ остидаги бор нарса Унингдир. 7. Агар Сиз ошкора гапирсангиз ҳам *(ва ёки хуфёна гапирсангиз ҳам У Зотга баробардир).* Зеро, У сирни ҳам, энг махфий нарсаларни ҳам билур. 8. Оллоҳ - ҳеч қандай тангри йўқ, Ёлгиз Унинг Ўзи бордир. Унинг учун энг гўзал исмлар бордир. 9. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сизга Мусо ҳақида хабар келдими? 10. Эсланг, у *(қоронги кечада узоқдан)* бир оловни кўриб аҳли-оиласига: "*(Сизлар шу ерда)* туринглар, мен бир олов кўриб қолдим, шоядки сизларга ундан бирон чўғ олиб келсам ёки шу ўт олдидан бирон йўл *(кўрсатувчи)* топсам", деди. 11. Бас, қачонки у *(оловнинг яқинига)* келгач: "Эй Мусо", деган нидо эшитилди.

Изоҳ: Ривоят қилишларича, Мусо алайҳис-салом ўз оиласи билан Мадян шаҳридан Мисрга қайтиб келаётганида бир қоронгу-қорли кечада йўлдан адашиб қолади. Ўт ёқай деса чақмоқ тоши ёнмайди. Шу пайт унинг кўзига узоқдан бир олов кўриниб, чўғ олиш ва у ердагилардан йўл сўраб келиш учун ўша тарафга борганида у кўринган ёругли олов эмас, Оллоҳнинг нури эканлиги маълум бўлади.

12. "*(Эй Мусо),* Мен сенинг Парвардигоринтдирман. Энди кавушларингни ечгин. Чунки сен муқаддас Туво водийсидасан. 13. Мен сени *(пайғамбарликка)* танладим. Бас, *(сенга Мен томондан)* юбориладиган ваҳийга қулоқ тут! 14. Дарҳақиқат, Мен Оллоҳдирман. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Мен бордирман. Бас, сен Менгагина ибодат қил ва Мени зикр қилиш учун намозни тўкис адо қил! 15. Токи ҳар бир жон қиладиган саъй-ҳаракати сабабли жазоланиши учун *(Қиёмат)* Соати албатта келгувчидир. *(Лекин)* Мен уни *(яъни, Қиёмат қачон қойим бўлишини)* яширишни истайман. 16. Бас, сени *(Қиёматга)* ишонмайдиган ва ҳавойи нафсига эргашган кимсалар ундан *(яъни, Қиёмат бор эканига иймон келтиришдан)* тўсмасинларки, у ҳолда ҳалок бўлурсан. 17. Ана у - қўлингдаги нимадир, эй Мусо?!" 18. *(Мусо)* деди: "У асойим, унга таянурман ва у билан қўйларимга *(барг)* қоқиб берурман. Яна унда бошқа ишларим ҳам бор". 19. *(Оллоҳ)* айтди: "Уни *(Ерга)* ташлагин, эй Мусо!" 20. Бас, *(Мусо)* уни ташлаган эди, баногоҳ *(мўжиза юз бериб),* у юрадиган - жонли илон бўлиб қолди. 21. *(Оллоҳ)* деди: "Уни ушла! Қўрқмагин, Биз уни аввалги ҳолига қайтарурмиз. 22. Қўлингни қанотингга - қўлтигингга тиққин, у ҳеч қандай зиён-заҳматсиз оппоқ-нурли бўлиб чиқур. *(Бу)* иккинчи мўъжиза *(бўлур).* 23. Биз сенга *(Ўзимизнинг нақадар Қудратли эканимизга ва сенинг ҳақ пайғамбар эканингга далолат қиладиган)* буюк мўъжизаларимизни кўрсатиш учун *(шундай қилдик).* 24. *(Энди)* сен Фиръавннинг олдига боргин! Чунки у ҳаддидан ошди

(яъни, одамларга зулм қилиб ҳатто "худоман", деб даъво қилди)". 25. *(Мусо)* деди: "Парвардигорим, Ўзинг қалбимни кенг қилгин; 26. Ишимни осон қилгин; 27. Тилимдан тугунни-дудуқликни ечиб юборгин; 28. *(Токи қавмим)* сўзимни англасинлар. 29-30. Менга ўз аҳлим-уруғимдан бўлган Ҳорун оғамни вазир қилгин. 31. У билан белимни бақувват қилгин. 32. Ва уни ишимда *(яъни, пайғамбарлик вазифамни адо этишда)* шерик қилгин. 33. Токи биз Сени кўпроқ поклаб-ибодат қилайлик; 34. Ва Сени кўпроқ зикр қилайлик - эслайлик. 35. Албатта Сен бизни Кўрувчи бўлган Зотсан". 36. *(Оллоҳ)* айтди: "Сўраган нарсаларинг сенга ато этилди, эй Мусо! 37. Биз сенга *(гўдаклик чоғингда ҳам)* яна бир карра инъом-марҳамат қилган эдик. 38. Ўшанда сенинг онангта *(шундай)* ваҳий-илҳом юборгандик; 39. "Уни *(яъни, Мусони)* сандиққа солиб, дарёга ташлагин. Бас, уни дарё *(тўлқини)* соҳилга отсин. *(Шунда)* уни Менинг ҳам, унинг ҳам душмани *(бўлган Фиръавн)* ушлаб олур". *(Эй Мусо, барчага суюкли бўлишинг)* ва Менинг ҳифзу ҳимоямда униб-ўсишинг учун Мен сенинг устингга Ўз томонимдан бир муҳаббат ташладим *(яъни, сени кўрган киши суюб қоладиган ёқимтой бола қилдим)*. 40. Ўшанда опанг *(сени дарёдан ушлаб олган кишилар ортидан)* юриб: "Сизларга бу *(бола)*га кафил бўлиб *(эмизадиган аёлни)* кўрсатиб қўяйми", деганларини *(эслагин)*! Сўнг Биз сени кўзлари қувонсин, ғамгин бўлмасин, деб онангнинг олдига қайтарган эдик. *(Кейинроқ йигитлик чоғингда)* бир жонни ўлдириб қўйганингда Биз сени бу ғамдан ҳам қутқарган эдик. *(Кейин)* Биз сени кўп синовлар билан имтиҳон қилиб кўрдик. Сен Мадян аҳли орасида ҳам *(неча)* йиллар турдинг; сўнгра *(пайғамбар бўлишинг учун аниқ белгилаб қўйилган)* тақдир бўлиб *(бу ерга)* келдинг, эй Мусо! 41. Ва Мен сени Ўзимга *(пайғамбарлик учун)* танладим.

Изоҳ: Юқоридаги (37-40) оятларнинг тафсирида муфассирлар шундай ривоятни келтирадилар. Мунажжимлар Фиръавнга: "Сенинг мулку давлатинг бани Исроил қавмидан туғиладиган бир бола қўлида хароб бўлади", дейишгач, у ўша қавмдан дунёга келган ҳар бир ўғил болани қатл қилишга буйруқ беради. Мусо алайҳис-салом ана ўша бани Исроил учун ҳалокатли бўлган қора йилларда таваллуд топадилар. Шунда чақалоғининг ҳалок бўлишидан ғамга ботиб қолган онага ғойибдан фармон келиб боласини бир сандиққа авайлаб соладида, уни Нил дарёсига қўйиб юборади. Иттифоқо ўша пайтда дарё соҳилида ўтирган Фиръавн оқиб келаётган сандиқни кўриб қолади ва ходимларига уни олиб чиқишни буюради. Хизматкорлар сандиқни олиб келишгач, очиб қарасалар, унинг ичида ойдек бир чақалоқ ухлаб ётибди. Шунда

Фиръавн хотинининг меҳри тушиб қолиб, ундан болани ўғил қилиб олишга изн сўрайди. У рухсат бергач, болани саройга олиб бориб, шаҳардан бола эмизадиган аёлларни суриштириб топадилар. Лекин Мусо бирон аёлни эммайди. Шу пайт бир қиз келиб Фиръавннинг хотинига: "Мен сизларга шу болани эмизадиган бир аёлни олиб келаман", дейди. У Мусонинг опаси бўлиб, уни боласи дарёда оқиб кетганидан сўнг ғам-андуҳга ботган она Мусо ҳақида бирон дарак топиб келиш учун шаҳарга юборган эди. У қиз саройда Мусони кўриб танигач, ўзининг ким эканлигини яшириб юқоридаги сўзларни айтади ва бориб дарҳол онасини етаклаб келади. Бу аёл тутган кўкракни чақалоқ дарҳол эма бошлаганини кўрган Фиръавннинг хотини бениҳоя хурсанд бўлиб, у аёлдан саройда қолишни илтимос қилади. Лекин у уйи ва бола-чақасини ташлаб кела олмаслигини айтиб, агар рози бўлсалар бу болани ўз уйида эмизиб катта қилиб беришга ваъда бергач, ноилож қолган малика бу таклифга рози бўлади ва онага кўп хайру саховат кўрсатиб, болани унга қўшиб бериб юборади. Шундай қилиб Оллоҳ таолонинг марҳамати билан бола туққан онасига қайтарилади. Агар эътибор берилса, бу қиссада яна бир ибратли жиҳат бордир. Фиръавн ўзини ҳалок қиладиган болани - Мусо алайҳис-саломни ўз қўли билан сувга ғарқ бўлишидан қутқариб қолади ва боқиб тарбиялайди. Шу маънода арабларда бир нақл ёйилгандир: "Ликулли Фиръавн Мусо - Ҳар Фиръавнга Мусо бор", яъни, ҳар қандай золим ҳокимнинг пешонасига Оллоҳ таоло уни йўқ қиладиган бир адолатпарвар - Ҳақсевар кишини ёзиб қўйгандир".

42. *(Эй Мусо),* сен ўзинг ва оғанг *(Ҳорун)* Менинг мўъжизаларимни *(одамларга)* олиб боринглар ва Мени зикр қилиб - ёдингизда тутишда сусткашлик қилманглар! 43. Сизлар Фиръавннинг олдига боринглар, чунки у *("Мен худоман", деб)* ҳаддидан ошди. 44. Бас, унга юмшоқ сўз сўзланглар! Шояд панд-насиҳат олса ёки *(Менинг қаҳримдан)* қўрқса. 45. Улар дедилар: "Парвардигоро, дарҳақиқат, биз *(агар уни Сенга иймон келтиришга даъват этсак),* у пошқалоқлик *(билан бизни азобга гирифтор)* қилишидан ёки бадтар туғёнга тушишидан хавфдамиз. 46. *(Оллоҳ)* айтди: "Қўрқманглар. Шак-шубҳасиз, Мен сизлар билан биргаман - эшитиб, кўриб турурман. 47. Бас, сизлар унинг олдига бориб айтинглар: "Биз Парвардигорингнинг элчиларидирмиз. Сен бани Исроил *(қавмини)* биз билан бирга қўйиб юборгин, уларни азобламагин. Биз сенга Парвардигоринг томонидан оят-мўъжиза келтирдик. Ҳидоятга эргашган кишиларга тинчлик-омонлик бўлур. 48. Бизга ваҳий қилиндики, *(Оллоҳнинг пайғамбарларини)* ёлғончи қилган ва *(уларга иймон*

келтиришдан) юз ўгирган кимсаларга азоб бўлур". 49. *(Улар Фиръавн олдига келиб юқоридаги сўзларни айтишгач)* у деди: "Сизларнинг Парвардигорингиз ким, эй Мусо?" 50. *(Мусо)* айтди: "Парвардигоримиз барча нарсага ўз хилқатини - шаклини ато этиб, сўнгра *(уни)* Тўғри Йўлга солиб қўйган Зотдир". 51. *(Фиръавн)* деди: "У ҳолда аввалги авлодларнинг ҳоли недир? *(Яъни, Парвардигоринг уларни ҳам азоблагинми?)*" 52. *(Мусо)* айтди: "Улар ҳақидаги билим Парвардигорим ҳузуридаги Китобда - Лавҳул-Маҳфуздадир. Парвардигорим адашмас ва унутмас". 53. У Зот Ерни сизлар учун бешик - қароргоҳ қилиб қўйди ва унда йўллар пайдо қилди ҳамда осмондан сув *(ёмғир - қор)* ёғдирди. Бас, Биз у *(сув)* ёрдамида турли наботот навларини ундириб чиқардик. 54. Сизлар *(улардан)* енглар, чорваларингизни боқинглар. Албатта бунда ақл эгалари учун оят-ибратлар бордир. 55. Биз сизларни *(Ердан)* яратдик, яна унга қайтарурмиз ва *(Қиёмат Кунида)* сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз. 56. Дарҳақиқат, Биз унга *(яъни, Фиръавнга)* бор оят-мўъжизаларимизни кўрсатдик. Бас, у *(уларни)* ёлғон деб, юз ўгирди. 57. У деди: "Сен ўз сеҳринг билан бизларни еримиздан чиқариш учун келдингми, эй Мусо! 58. У ҳолда бизлар ҳам сенга худди ўшандай сеҳр келтирурмиз. Бас, сен ўзинг билан бизларнинг ўртамизда бир ваъдагоҳ танлагинки, у бизлар ҳам, сен ҳам қаршилик қилмайдиган ўрта бир жой бўлсин". 59. *(Мусо)* айтди: "Ваъда байрам куни *(тўпланадиган жой)*дир. Одамлар чошгоҳда тўпланурлар". 60. Бас, Фиръавн бориб, ўзининг макр-найрангини *(яъни, сеҳргарларини)* йиғди. Сўнгра *(ваъда қилинган жойга)* келди. 61. Мусо уларга *(яъни, сеҳргарларга)* деди: "Ҳолингларга вой! Сизлар Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиманглар *(яъни, очиқ мўъжизани сеҳр деманглар)*, у ҳолда *(Оллоҳ)* сизларни азоб билан ҳалок қилур! Ёлғон тўқиган кимсалар ноумид бўлишлари аниқдир". 62. Бас, улар *(қиладиган)* ишларини ўзаро талашиб-тортишиб аста шивирлаша бошладилар. 63. *(Сўнг бир-бирларига)* айтдилар: "Албатта бу иккови *(яъни, Мусо ва Ҳорун)* ўз сеҳрлари билан сизларни ерингиздан чиқармоқни ва юксак йўлингизни *(яъни, динингизни)* йўқотмоқни истайдиган сеҳргарлардир. 64. Бас, макр-ҳийлангизни йиғингиз, сўнг бир саф бўлиб келингиз. Бугун устун бўлган кишилар нажот топурлар". 65. *(Маслаҳатлари битгач)*, дедилар: "Эй Мусо, сен *(қўлингдаги асойингни аввал)* ташлайсанми ёки бизлар биринчи ташловчи бўлайликми?" 66. *(Мусо)* айтди: "Йўқ, сизлар ташланглар". *(Улар қўлларидаги асо ва ипларини ташлаган эдилар)* баногоҳ иплари ва асолари сеҳр қилганлари сабабли *(Мусога)* юриб кетаётгандек туюлди. 67. Бас, Мусо ичида бир қўрқувни ҳис қилган эди; 68. Биз

айтдик: "Қўрқмагин! Албатта сен ўзинг голиб бўлгувчисан. 69. Қўлингдаги нарсани *(яъни, асойингни)* ташлагин, улар ясаган нарсаларни ютиб юборур. Уларнинг ясаган нарсалари фақат бир сеҳргарнинг макри-ҳийласи, холос. Сеҳргар эса қаерда бўлмасин зафар топмас". 70. *(Мусо асосини ташлагач, сеҳргарларнинг бор ясаган нарсаларини ютиб юборди).* Бас, сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида *(Ерга)* ташланиб: "Биз Ҳорун ва Мусонинг Парвардигорига иймон келтирдик", дедилар. 71. *(Фиръавн)* айтди: "Унга мен сизларга изн бермай туриб иймон келтирдингизми? Шак-шубҳасиз, у сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир. Бас, энди мен албатта оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига *(яъни, ўнг қўл, чап оёгингизни ёки аксинча)* кесурман ва сизларни хурмо шохларига осурман, *(ана ўшанда)* қайсимизнинг *(яъни, менинг ёки Мусонинг худосининг)* азоби қаттиқроқ ва давомлироқ эканини билиб олурсизлар". 72. Улар дедилар: "Бизлар ҳаргиз ўзимизга келган очиқ ҳужжат-мўъжизаларни ва бизларни яратган Зотни қўйиб, сени танламаймиз. Бас, қиладиган ҳукмингни қилавер. Сен фақат мана шу ҳаёти дунёдагина ҳукм қилурсан. 73. Бизлар эса хатоларимизни ва сен бизларни мажбур қилган сеҳргарликдан иборат *(гуноҳимизни)* магфират қилиши учун Парвардигоримизга иймон келтирдик. Оллоҳ*(нинг савоби)* яхшироқ ва *(азоби)* давомлироқдир". 74 Ҳеч шубҳа йўқки, кимда ким Парвардигори*(нинг ҳузури)*га жиноятчи-кофир бўлган ҳолда келса, у ҳолда албатта унинг учун жаҳаннам бордирки, *(кофир)* у жойда на ўла олур ва на яшай олур. 75. Ким У Зотга яхши амаллар қилган мўмин ҳолида келса, бас, ана ўша *(кишилар)* учун юксак даражалар - 76. - Остидан дарёлар оқадиган, улар абадий қоладиган мангу жаннатлар бўлур. Бу *(ширку-куфрдан)* пок бўлган кишиларнинг мукофотидир! 77. Дарҳақиқат, Биз Мусога: "Сен бандаларимни *(яъни, бани Исроилни)* тунда олиб кетиб, улар учун *(суви)* қуриган денгизни йўл қил - *(ортларингдан Фиръавн)* етиб олишидан хавф қилма ва *(денгизга гарқ бўлишдан ҳам)* қўрқма", деб ваҳий юбордик. 78. Бас, Фиръавн уларнинг ортидан ўз лашкарлари билан қувган эди, уларни денгиз ўраганча-ўраб олди *(яъни, барчалари унга гарқ бўлдилар).* 79. Фиръавн қавмини Тўгри Йўлга бошламади, *(балки Тўгри Йўлдан)* оздирди. 80-81. Эй бани Исроил, Биз сизларга душманингиздан нажот бердик ва сизларга *(яъни, Мусога Таврот нозил қилиш учун)* Тур *(тогининг)* ўнг томонини ваъдалашдик ва сизларга ширинлик, беданалар ёгдириб, *(дедик):* Биз сизларни баҳраманд қилган пок ризқларимиздан енглар ва уларга *(шукр қилмаслик билан)* ҳаддан ошмангларки, у ҳолда устингизга Менинг газабим тушар. Менинг

ғазабим кимнинг устига тушар экан, у муҳаққақ ҳалок бўлур. 82. Ва Мен тавба қилган, ҳамда иймон келтириб яхши амаллар қилган, сўнгра Тўғри Йўлга юрган кишиларни Мағфират қилгувчидирман. 83. *(Бани Исроил қавмидан етмиш нафарини ўзи билан бирга олиб, Тур тоғи томонга кетаётган Мусо йўлда улардан илгарилаб кетади. Шунда Оллоҳ деди):* "Қавмингдан мунчалар илгарилаб кетдинг, эй Мусо!" 84. У айтди: "Улар ана - изимдан келурлар Мен эса Сен рози бўлишинг учун Сенинг олдингга шошдим, Парвардигорим!" 85. *(Оллоҳ)* деди: "Ҳақиқатан, Биз сенинг ортингдан қавмингни фитнага солдик - имтиҳон қилдик ва Сомирий уларни йўлдан оздирди". 86. Бас, Мусо қавмига ғазабланган ва ғамга ботган ҳолда қайтиб келиб, деди: "Эй қавмим, Парвардигорингиз сизларга *(Таврот нозил этиш ҳақида)* чиройли ваъда қилмаганмиди?! Сизларга *(ўтган)* вақт узун *(кўриниб)* кетдими ёки устингизга Парвардигорингиз томонидан ғазаб тушишини истаб менга берган ваъдани буздингларми?!

Изоҳ: Мусо Тур тоғига кетаркан бани Исроил қавми унга Оллоҳдан ўзга ҳеч кимга сиғинмасликка сўз берган эдилар Кейин эса Сомирий ясаган бузоққа сиғиниш билан ваъдаларини бузадилар.

87. Улар айтдилар: "Бизлар сенга берган ваъдани ўз ихтиёримиз билан бузганимиз йўқ. Лекин бизлар *(Мисрдан чиқиб келаётганимизда Фиръавн)* қавмининг зеб-зийнатларидан иборат нарсаларни кўтариб чиққан эдик, бас, *(Сомирийнинг амри билан)* уларни *(оловга)* ташладик. Сўнг Сомирий ҳам *(ўзи кўтариб чиққан нарсаларни оловга)* ташлади. 88. Сўнг уларга *(Сомирий ўша зеб-зийнатларни оловда эритиб худди тирик бузоқ каби)* овози бор ҳайкал-бузоқ *(ясаб)* чиқариб берди, сўнг *(Сомирий ва унинг шериклари)* дедилар : "Сизларнинг ҳам, Мусонинг ҳам илоҳи шу эди, *(Мусо)* унутиб, *(уни бошқа ердан излагани кетибди)*". 89. Ахир *(ўша бузоққа сиғинаётганлар)* унинг ўзларига бирон сўз қайтара олмаётганини ва бирон зиён ҳам, фойда ҳам етказишга қодир эмаслигини кўрмайдиларми?! 90. Ҳолбуки, *(бузоққа сиғинишларидан)* илгари Ҳорун уларга: "Эй қавмим, сизлар бу билан фақат имтиҳон қилиндинглар, холос, *(бас, у бузоққа сиғинманглар)!* Шак-шубҳа йўқки, сизларнинг Парвардигорингиз Ёлғиз Раҳмон - Марҳаматли Оллоҳдир. Бас, менга эргашинглар ва амримга итоат қилинглар!", деганида; 91. Улар: "То бизларга Мусо қайтмагунича, унга *(шу бузоққа)* ибодат қилиб - сиғинишдан ҳаргиз ажралмаймиз", деган эдилар. 92-93. *(Мусо қайтиб келгач),* деди: "Эй Ҳорун, сен уларнинг йўлдан озганларини кўрган пайтингда менинг ортимдан боришингдан *(ва менга бу ҳақда хабар беришингдан)* сени нима тўсди?! Менинг амримга

итоатсизлик қилдингми?!" 94. "Эй онамнинг ўғли, сен менинг соч-соқолимдан тортмагин. Мен *(агар бузоққа сиғинаётганларни қўйиб, йўлдан озмаган кишилар билан сенинг ортингдан борсам)* "Менинг сўзимни кутмай, бани Исроилни бўлиб юборибсан", дейишингдан қўрқдим". 95. *(Сўнгра Мусо Сомирийга қараб):* "Бу нима қилганинг, эй Сомирий?", деди. 96. У айтди: "Мен улар *(яъни, бани Исроил)* кўрмаган нарсани кўрдим. *(Яъни, Жаброил сенинг олдингга келганида ҳаёт отига миниб келган эди. Унинг туёғи теккан тупроқ қандай жонсиз нарсага тегса дарҳол унга жон кирарди, мен шуни кўриб қолган эдим),* бас, элчи - Жаброилнинг босган изидан бир сиқим олиб, уни *(бузоқнинг ҳайкалига)* сочган эдим *(ундан тирик бузоқ каби овоз чиқди. Буни кўрган бани Исроил қавмидан бўлган одамлар у бузоққа сиғина бошладилар).* Менга нафсим ана шундай қилишни чиройли кўрсатди". 97. *(Мусо)* деди: "Бас, йўқол! Энди сен учун ҳаётда "*(Менга)* тегинманглар", дейишгина бордир *(яъни, умрингнинг охиригача якка мохов бўлиб қолурсан. Охиратда эса)* сен учун ҳаргиз хилоф қилинмайдиган бир ваъда-азоб бордир. Сен устидан жилмай ибодат қилган "илоҳингнинг" *(ҳолини)* кўриб қўй. Биз албатта уни ёндириб, сўнгра *(кулини)* денгизга сочиб юборурмиз". 98. *(Эй инсонлар),* илоҳинглар Ёлғиз Оллоҳдир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, Ёлғиз Унинг Ўзи бордир. У барча нарсани Ўз илми билан қамраб олгандир. 99. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Биз Сизга ўтиб кетган *(авлодларнинг)* хабарларини мана шундай сўйлаб берурмиз. Дарҳақиқат, Биз Сизга Ўз даргоҳимиздан Эслатмани - Қуръонни ато этдик. 100. Ким ундан юз ўгирса, бас, албатта у Қиёмат Кунида *(гуноҳнинг энг оғир)* юкини кўтариб турар. 101. Улар у *(юк)* остида абадий қолурлар. У *(юк)* Қиёмат Кунида улар учун жуда оғир юк бўлур. 102. У сур чалинадиган Кундир. У Кунда Биз жиноятчи-кофир кимсаларни кўзлари кўк *(яъни, нурсиз, юзлари қаро)* бўлган ҳолларида йиғурмиз. 103. Улар ўзаро шивирлашиб: "*(Дунёда)* ўн кунгина турдинглар", *(дейдилар).* 104. Биз уларнинг айтадиган сўзларини жуда яхши билурмиз. Ўшанда уларнинг энг намунали йўлни тутган - донолари: "Бир кунгина турдинглар", дейди*(лар).* 105. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* улар Сиздан тоғлар *(Қиёмат Кунида қандай ҳолда бўлиши)* ҳақида сўрайдилар. Бас, айтинг: "Парвардигорим уларни *(қум каби)* сочиб юборур". 106. Сўнг У Зот *(Ерни)* теп-текис қилиб қўюрки, 107. Унда на чуқурни ва на дўнгликни кўрурсиз. 108. У Кунда *(одамлар маҳшаргоҳга)* чорловчи *(фариштага)* эгилмай-бурилмай эргашурлар - итоат қилурлар. Овозлар ҳам Раҳмонга таъзим қилур, бас, фақат пичирлашнигина эшитурсиз. 109. У

Кунда ҳеч қандай шафоат - қўллов фойда бермас, магар Раҳмон
изн берган ва У Зот сўзидан рози бўлган кишигагина *(фойда
берур).* 110. У Зот уларнинг олдиларидаги *(яъни, Охиратдаги)* ва
ортларидаги *(яъни, дунёдаги)* бор нарсани билур. Улар эса У Зотни
била олмаслар. 111. Юзлар ҳам Тирик ва абадий Тургувчи *(У)*
Зотга таъзим қилур. Ким зулмни *(ширкни)* кўтариб келган бўлса
ноумид бўлиши аниқдир. 112. Ким мўмин бўлган ҳолда яхши
амаллар қилса, бас, у зулмдан ҳам *(яъни, унга зулм қилиниб, ўзи
қилмаган гуноҳларга масъул бўлишдан ҳам),* камайишдан ҳам *(яъни,
қилган яхши амалларининг савоб-мукофоти тўла берилмай
қолишидан ҳам)* хавф қилмас. 113. Шундай қилиб Биз уни *(яъни,
Қуръони Каримни)* арабий Қуръон қилиб туширдик ва унда
қўрқинчли ваъдаларни *(такрор-такрор)* баён қилдик. Шояд улар
(ширк ва куфрдан) сақлансалар ё *(бу ваъдалар)* улар учун эслатма-
ибратлар пайдо қилса! 114. Ҳақ Подшоҳ - Оллоҳ Юксакдир. *(Эй
Муҳаммад алайҳис-салом),* Сизга *(Қуръон)* ваҳийси битишидан
илгари қироат қилишга шошманг *(балки фаришта Жаброил Оллоҳ
томонидан келтирган оятни тўла ўқиб бўлганидан кейингина
қироат қилинг)* ва айтинг: "Парвардигорим, илмимни янада зиёда
қилгин". 115. Дарҳақиқат, Биз илгари Одамга *(Жаннатдаги бир
дарахтга яқинлашмаслиги ҳақида)* буюрган эдик у *(буйруқни)*
унутди ва Биз унинг учун қасд-собитқадамликни кўрмадик. 116.
Эсланг, Биз фаришталарга: "Одамга сажда қилинглар",
дейишимиз билан улар саждага эгилдилар, фақат иблис бош
тортди. 117. Бас, Биз айтдик: "Эй Одам, албатта бу *(иблис)* сенга
ҳам, хотинингга ҳам душмандир. Бас, у икковингизни жаннатдан
чиқариб, бахтсиз бўлиб қолмагин. 118. Шубҳасиз, сен у жойда
(яъни, жаннатда) оч-яланғоч қолмайсан. 119. Ва у жойда ташна
ҳам бўлмайсан, иссиқда ҳам қолмайсан". 120. Сўнг шайтон унга
васваса қилиб: "Эй Одам, мен сенга абадият дарахтини ва йўқ
бўлмас мулку давлатни кўрсатайми?", деди. 121. Бас, *(Одам билан
Ҳавво иблиснинг игвосига алданиб ўша дарахтдан)* едилар-у, ўша
онда уларнинг авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат
япроқлари билан тўса бошладилар. Одам Парвардигорига осий
бўлиб, йўлдан озди. 122. Сўнгра Парвардигори уни сайлаб - Ўзига
яқин қилиб, тавбасини қабул этди ва Тўғри Йўлга ҳидоят қилди.
123. *(Оллоҳ)* айтди: "Ундан *(яъни, жаннатдан)* ҳар иккингиз
тушингиз. Айрим *(зурриётларингиз)* айримларига душмандир.
Бас, сизларга Мен тарафдан Тўғри Йўл келганида ким Менинг
Тўғри Йўлимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас. 124.
Ким Менинг Эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун
танг - бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни Қиёмат Кунида кўр ҳолда

тирилтирурмиз". 125. У: "Парвардигорим, нега мени кўр қилиб тирилтирдинг, ахир мен кўрар эдим-ку", деган эди, 126. *(Оллоҳ)* айтди: "Шундай. Сенга Бизнинг оят-мўъжизаларимиз келганида уларни *("кўрмадинг")* - унутдинг. Бугун сен ҳам ана шундай "унутилурсан". 127. Ҳаддан ошган ва Парвардигорининг оятларига иймон келтирмаган кимсаларни мана шундай жазолармиз. Охират азоби шак-шубҳасиз, қаттиқроқ ва давомлироқдир. 128. Биз улардан илгари ҳам уларнинг масканларида *(яшаб),* юрган қанча авлодларни *(куфрлари сабабли)* ҳалок қилганимиз уларга маълум эмасми?! Албатта бунда ақл эгалари учун оят-ибратлар бордир. 129. Агар Парвардигорингиз томонидан *(барча яхши-ёмон амалларнинг мукофот-жазолари Қиёматда бўлиши хусусида)* Сўз ва белгиланган муддат бўлмаганида эди, албатта *(улар дарҳол азобга гирифтор бўлишлари)* лозим эди. 130. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз улар айтаётган сўзларга сабр-тоқат қилинг ва қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Парвардигорингизга ҳамду сано айтиш билан *(У Зотни)* покланг - намоз ўқинг! Кеча*(нинг аввалги ва охирги)* вақтларида ҳамда кундуз*(нинг аввалги ва охирги)* тарафларида ҳам тасбеҳ айтинг - намоз ўқинг, шояд шунда *(Парвардигорингиз Охират диёрида берадиган ажр-мукофотлардан)* рози бўлурсиз. 131. Ва кўзларингизни Биз *(кофирлардан айрим)* тоифаларни фитнага солиш учун баҳраманд қилган ҳаёти дунё гўзалликларидан иборат нарсаларга тикманг! Парвардигорингизнинг ризқи яхшироқ ва давомлироқдир. 132. Аҳли-умматингизни намоз ўқишга буюринг ва ўзингиз ҳам *(намоз ўқишда)* чидамли бўлинг! Биз Сиздан ризқ сўрамаймиз, *(билъакс)* Ўзимиз Сизга ризқ берурмиз. Чиройли оқибат-жаннат - *(аҳли)* тақвоникидир. 133. *(Мушриклар: "Муҳаммад)* Парвардигори томонидан бизларга бирон оят-мўъжиза келтирса эди", дедилар. Ахир уларга илгариги Саҳифалардаги *(яъни, аввалги Илоҳий Китоблардаги)* нарсаларнинг Баёни *(яъни, Қуръон)* келмадими?! 134. Агар Биз уларни *(Муҳаммад алайҳис-салом келишидан ва Қуръон нозил бўлишидан)* илгари бирон азоб билан ҳалок қилганимизда, улар албатта: "Парвардигоро, бизларга бирон пайғамбар юборганингда эди бизлар хор-зор ва шарманда бўлмай Сенинг оятларингга эргашар - итоат этар эдик", деган бўлур эдилар. 135. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Барча*(миз)* кутгувчидир*(миз). (Яъни, сизлар ҳам, бизлар ҳам охир-оқибатда ким ҳақ, ким ноҳақ бўлиб чиқишини кутмоқдамиз).* Бас, кутаверинглар! Яқинда кимлар Тўғри Йўл эгалари ва кимлар ҳидоят топган кишилар эканини билурсизлар".

АНБИЁ сураси (21)

Бу сура Маккада нозил бўлган У бир юз ўн икки оятдир.

Сура Қиёмат Соати яқинлашиб қолгани, одамлар эса у Кундаги ҳисоб-китобга ҳозирланиб, яхши амаллар қилиш ўрнига ғафлат уйқусига ғарқ эканликлари ҳақида хабар бериш билан бошланади. Сўнг ўқувчи эътибори коинотдаги ҳар бир мавжудотнинг ўта нозик ва аниқ ўлчов билан яратилиб, Якка-ю Ёлгиз Яратган томонидан бошқариб турилишига қаратилади ва Еру осмонда Оллоҳдан ўзга яна бирон илоҳ бўлса, у ўлчов ва тартибга футур етиб, борлиқ бузилиб кетиши аниқ эканлиги таъкидланади.

Бу сурада Иброҳим пайғамбар ва у зот билан бутпарастлар ўртасида бўлиб ўтган можаролар хусусида батафсил ҳикоя қилиниб, ўзини ўзи ҳимоя қилишга ожиз бўлган жонсиз бут-санамлар ўзгага ёрдам қилиши ёки зиён етказиши амримаҳол эканлиги уқтирилади.

Яна бу сурада Оллоҳ таолонинг пайғамбарларидан Исҳоқ, Яъқуб, Лут, Нуҳ, Довуд, Сулаймон, Айюб, Исмоил, Идрис, Зул-кифл, Зуннун, Закариё ва Ийсо алайҳис-саломлар тўғрисида ҳам хабарлар ворид бўлганки, суранинг "Анбиё - Пайғамбарлар".деб номланишига ҳам боис шудир.

Суранинг ниҳоясида Оллоҳ таолонинг сўнгги Пайғамбари ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча оламга Оллоҳнинг раҳмат-марҳамати бўлиб келганлари зикр қилинади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Одамларга ҳисоб-китоблари *(яъни, Қиёмат Соати)* **яқинлашиб қолди. Улар эса ғафлатда,** *(иймон келтириб, яхши амаллар қилишдан)* **юз ўгиргувчидирлар. 2-3. Уларга Парвардигорлари томонидан бирон янги эслатма - оят келар экан, албатта уни масхара қилиб, диллари ғофил бўлган ҳолларида**

тингладилар ва золим-кофир кимсалар: "Бу *(яъни, Муҳаммад алайҳис-салом)* ўзларингизга ўхшаган бир одам холос-ку! Кўриб турган ҳолингизда сеҳр-жодуга *(алданиш учун)* келаверасизлармиҳ!", *(деб)* ўзаро шивирлашдилар. 4. *(Шунда Муҳаммад алайҳис-салом)* айтди: "Парвардигорим осмону заминдаги ҳар бир сўзни билур. У Эшитгувчи, Билгувчидир". 5. "Балки - дедилар улар - *(Муҳаммад ваҳий деб даъво қилаетган сўзлар)* - алоқ-чалоқ тушлардир, балки *(бу сўзларни)* у ўзи тўқиб олгандир, балки у бир шоирдир. Бас, у ҳам илгари юборилган пайғамбарлар *(келтирганлари)* каби бирон оят-мўъжиза келтирсин!" 6. Улардан олдин, Биз ҳалок қилган бирон қишлоқ-шаҳар *(аҳолиси)* иймон келтирган эмас, бас, улар иймон келтирармидилар?! 7. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Биз Сиздан илгари ҳам *(фаришталарни эмас, балки)* фақат кишиларни *(яъни, инсонларни)* Ўзимиз уларга ваҳий юборган ҳолда пайғамбар қилгандирмиз. Бас, *(эй Макка аҳли),* агар ўзларингиз билмайдиган бўлсангизлар *(Таврот, Инжилни биладиган)* аҳли илмлардан сўранглар! 8. Биз у *(пайғамбар)*ларни таом емайдиган бир жасад қилган эмасмиз ва улар мангу ҳаёт кечиргувчи ҳам эмас эдилар. 9. Сўнгра Биз *(берган)* ваъдамизга вафо қилиб, у *(пайғамбар)*ларга Ўзимиз хоҳлаган *(иймонли)* кишилар билан бирга нажот берганмиз, ҳаддан ошувчи кимсаларни - кофирларни эса ҳалок қилганмиз. 10. Дарҳақиқат, Биз сизларга бир Китоб - Қуръон нозил қилдикки, унда сизлар учун зикр *(яъни, шаъну шараф)* бордир. *(Чунки у сизларнинг тилингизда нозил қилинди).* Ақл юргизмайсизлармиҳ! 11. Қанча золим-кофир бўлган қишлоқ-шаҳарларнинг *(аҳлини)* ҳалок қилдик ва уларнинг ортидан *(бутунлай)* бошқа қавм-авлодни вужудга келтирдик. 12. Бас, қачонки улар *(яъни, ҳалок қилинган кимсалар ҳалокатлари олдида)* Бизнинг азобимиз *(тушишини)* сезиб қолишгач, баногоҳ у жойдан қочиб қолурлар. 13. *(Шу пайт фаришталар):* "Қочманглар, маишатга ботган жойларингизга, ўз масканларингизга қайтинглар, эҳтимол *(қилмишларингиз тўғрисида)* сўроққа тутиларсизлар?!", *(деганларида);* 14. *(Улар бир-бирларига):* "Эй ҳолимизга вой! Дарҳақиқат, бизлар *(ўзимизга)* золим бўлдик", дедилар. 15. Бас, то Биз уларни *(ўт-ўлан каби)* ўрилган, *(ўтин каби)* ўчган ҳолга солгунимизча уларнинг ана ўша дод-войлари давом этди. 16. Биз осмон ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларни ўйнаб-беҳуда яратганимиз йўқ. *(Балки Ўз қудратимизни намойиш қилиш учун ва бандаларимиз фойдаланишлари учун яратдик.)* 17.

Агар Биз вақтичоғлик қилишни *(яъни, хотин, бола-чақа орттиришни)* **истасак, агар** *(шундай)* **қилгувчи бўлган чоғимизда ҳам уни** *(яъни, хотин, бола-чақани)* **Ўз даргоҳимиздан** *(яъни, малоикалардан ёки жаннат ҳурларидан)* **қилган бўлур эдик. 18. Йўқ,** *(Биз ундай айбу нуқсондан Покдирмиз),* **Биз Ҳақ-Қуръонни ботил-жаҳолатнинг устига отурмиз, бас,** *(ҳақиқат ботилни)* **эзиб-янчиб, баногоҳ** *(ботил)* **йўқ бўлур. Сизлар учун эса** *(эй мушриклар, Оллоҳни "Хотини, боласи бор", деб нолойиқ сифатлар билан)* **сифатлаганларингиз сабабли ҳалокат бўлур. 19. Осмонлар ва Ердаги бор жонзот Уникидир. Унинг ҳузуридаги зотлар** *(яъни, фаришталар)* **Унга ибодат қилишдан орланиб-зорланмайдилар. 20. Улар туну кун сусткашлик қилмасдан** *(Оллоҳни)* **поклайдилар. 21. Ёки улар** *(яъни, мушриклар)* **Ернинг ўзидан** *(яъни, тош, ёғочлардан, ўликларни)* **тирилтира оладиган "худолар"ни топиб олдиларми?! 22. Агар** *(осмону заминда)* **Оллоҳдан ўзга худолар бўлганида** *(у худоларнинг ҳар бири ўз хоҳиш-иродасини амалга оширмоқчи бўлар ва бунинг натижасида Еру осмоннинг)* **ҳар иккиси бузилиб кетар эди. Бас, Арш Эгаси бўлмиш Оллоҳ улар сифатлаётган** *(шериклардан)* **Покдир. 23. У Ўзи қиладиган бирон нарса ҳақида масъул бўлмас, улар** *(яъни, бандалар эса қиладиган ҳар бир иш-амаллари хусусида)* **масъул бўлурлар. 24. Ёки Уни қўйиб** *(бошқа)* **"худолар"ни топиб олдиларми?!** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **айтинг:** *("Эй мушриклар, мана шу ширкларингиз ҳақ эканлигига)* **ҳужжат-далилларингизни кўрсатингиз! Мана мен билан бирга бўлган** *(мўминларнинг)* **Эслатмаси** *(яъни, Қуръон)* **ва мендан аввалгиларнинг Эслатмалари** *(яъни, Таврот, Инжил. Мана шу Китобларнинг қайси бирида Оллоҳдан ўзга ҳам худолар мавжуд эканлигига ҳужжат-далил бор?!)*" **Йўқ, уларнинг аксариси ҳақиқатни билмай туриб,** *(Ундан)* **юз ўгирувчилардир. 25.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Биз Сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: Ҳеч қандай илоҳ йўқ, Ёлғиз Менгина бордирман, бас, Менгагина ибодат қилинглар", деб ваҳий юборгандирмиз. 26. Улар** *(яъни, мушриклар):* **"Раҳмоннинг** *(фаришталардан)* **боласи бор", дедилар. У Зот** *(мушрикларнинг бадгумонларидан)* **мутлақо Покдир. Йўқ,** *(фаришталар асло Оллоҳнинг болалари эмас, балки)* **улуғ бандалардир. 27.** *(Фаришталар)* **У Зотдан илгари бирон сўз айтмайдилар** *(яъни, Оллоҳ буюрмаган бирон ишни қилмайдилар).* **Улар** *(Оллоҳнинг)* **амри фармони билангина амал қилурлар. 28. У Зот уларнинг олдиларидаги** *(қиладиган)* **ва орқаларидаги** *(қилиб ўтган)* **барча иш-амалларини билур. Улар** *(Қиёмат қойим бўлган*

Кунда) фақат *(Оллоҳ)* рози бўлган кишиларнигина шафоат қилурлар - қўллай олурлар. Уларнинг ўзлари *(Оллоҳдан)* қўрқиб хавфу хатарда турурлар. 29. *(Фариштолардан)* бирон кимса: "Мен ҳам *(Оллоҳдан)* ўзга бир илоҳман", деса, бас, Биз ўшани жаҳаннам билан жазолармиз. Биз барча золим-мушрикларни ана шундай жазолаймиз. 30. Кофир бўлган кимсалар осмонлар ҳам, Ер ҳам *(аввалда)* тўсиқ *(яъни, осмонлардан ёгин ёгмас, Ердан эса бирон гиёҳ унмас)* бўлганини, бас, Биз уларни очиб юборганимизни *(яъни, осмондан ёгин ёгдириб, Ердан гиёҳ ундирганимизни)* ва сувдан барча жонли мавжудотни *(пайдо)* қилганимизни кўрмадиларми?! Энди ҳам *(яъни, Яратгувчи ва Бошқариб тургувчи Ягона Оллоҳ борлигига очиқ далолат қилиб турган мана шундай далиллардан кейин ҳам)* иймон келтирмайдиларми?! 31. Биз Ер *(одамларни)* тебратмасин учун унда тогларни *(пайдо)* қилдик ва Тўгри Йўлни топишлари учун унда кенг дара-йўллар қилдик. 32. Биз осмонни сақланган - қулаб тушмайдиган том қилиб қўйдик. Улар *(мушриклар)* эса *(осмоннинг ой, қуёш, юлдуз каби Оллоҳнинг қудратини кўрсатиб турган)* аломатларидан юз ўгирувчидирлар. 33. Кеча ва кундузни, қуёш ва ойни яратган Зот ҳам *(Ёлгиз Оллоҳдир). (Буларнинг)* барчаси ўз фалак-фазосида сузиб юрурлар. 34. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Биз Сиздан аввал ҳам бирон одамзодга абадий ҳаёт берган эмасмиз. Бас, агар Сиз ўлсангиз улар абадий қолурлармиʼ?! *(Йўқ, улар ҳам мангу қолмаслар).* 35. Ҳар бир жон ўлимни тотиб кўргувчидир. Биз сизларни *(сабр-тоқатларингизни синаш учун)* ёмонлик билан ҳам, *(шукр қилишингизни билиш учун)* яхшилик билан ҳам "алдаб" имтиҳон қилурмиз. *(Кейин барчаларингиз)* фақат Бизгагина қайтарилурсизлар. 36. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* қачон кофир бўлган кимсалар Сизни кўрсалар *(бир-бирларига кўрсатишиб):* "Сизларнинг илоҳларингизни айблайдиган кимса мана шуми?", *(дейишиб)* масхара қиладилар, холос. Ҳолбуки, уларнинг ўзлари Парвардигорнинг Эслатмаси - Қуръондан юз ўгирувчилардир. 37. *(Ҳақиқатан),* инсон шошқалоқ ҳолда яралгандир. *(Шунинг учун кофир бўлган кимсалар Оллоҳнинг азобини шоштирмоқдалар).* Яқинда Мен сизларга Ўз оят-аломатларимни кўргазурман *(яъни, Менга осий бўлган кимсаларни қандай азоблашимни кўрурсизлар).* Бас, Мени шоштирмангиз. 38. Улар *(яъни, динсиз кимсалар):* "Агар ростгўй бўлсангиз *(айтинглар-чи)* мана шу ваъда қачон бўлади?", дерлар. 39. Агар кофир бўлган кимсалар на олдиларидан ва на ортларидан *(дўзах)* ўтини тўса олмай қоладиган, уларга ёрдам

берилмайдиган вақтни *(Қиёмат Кунидаги даҳшатларни)* билсалар эди, *(бу сўзларни айтмаган бўлур эдилар)*. 40. Йўқ, *(Қиёмат)* тўсатдан келиб, уларни ҳайрону хаста қилиб қўюр, бас, уни қайтаришга ҳам кучлари етмас, уларга *(тавба-тазарруъ учун)* муҳлат ҳам берилмас. 41. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, аниқки, Сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам масхара қилинган. Бас, уларнинг устидан кулган кимсаларга ўзлари *(ишонмай)* масхара қилган нарсалари *(Оллоҳнинг азоби)* тушгандир. 42. Айтинг: "Кечаси-ю кундузи сизларни Раҳмон *(азобидан)* ким сақлай олур?!" Йўқ, улар Парвардигорни эслашдан юз ўгиргувчилардир. 43. Ёки уларни ҳимоя қиладиган Биздан ўзга "худолари" бормикан?! У *("худолар")* ўзларига ёрдам қилишга ҳам қодир эмаслар ва улар Бизнинг томонимиздан ҳимоя ҳам қилинмаслар. 44. Йўқ, Биз уларни *(кофирларни)* ва ота-боболарини *(дунё матоларидан шундай)* фойдалантирдикки, ҳатто уларга умр-ҳаёт узун-абадий кўринди *(ва улар бир кун келиб бу ҳаёт тугашига ишонмай қўйдилар ва Оллоҳнинг азобини ҳам инкор қилдилар)*. Ахир улар *(Макка кофирлари)* Биз Ерни атрофидан камайтириб келаётганимизни *(тобора кўпроқ кишилар Исломга кириб, куфр дунёси қисқариб бораётганини)* кўрмайдиларми?! Ана ўшалар ғолиб бўлурлармиʼ?! *(Йўқ, улар мағлубдирлар, Оллоҳнинг Динига иймон келтирган зотлар ғолибдирлар)*. 45. Айтинг: "Мен сизларни фақат ваҳий билан қўрқитиб-огоҳлантирурман. *(Лекин)* гунглар *(яъни, динсизлар ўзлари учун Охиратда азоб борлиги ҳақидаги ваҳий билан)* қўрқитилаётган вақтларида даъватни эшитмайдилар. 46. Қасамки, агар уларга Парвардигорингизнинг азобидан андак етса албатта улар: "Ҳолимизга вой! Дарҳақиқат, бизлар *(ўз жонимизга)* жабр қилгувчилар бўлдик", деб қолурлар. 47. Биз Қиёмат Куни учун адолатли мезон-тарозилар қўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинмас. Агар хардал *(ўсимлигининг)* уруғидек *(яъни, заррачалик яхши ёки ёмон амал қилинган)* бўлса, ўшани-да келтирурмиз! Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилгувчидирмиз. 48. Дарҳақиқат, Биз Мусо ва Ҳорунга тақводор кишилар учун *(Ҳақ билан ботилни)* ажратгувчи, зиё ва эслатма бўлган *(Тавротни)* ато этдик. 49. У *(тақводор)*лар Парвардигорларидан кўрмай туриб, қўрқурлар. Улар *(Қиёмат қойим бўладиган)* Соатдан хавфда тургувчилардир. 50. Бу *(Қуръон)* ҳам Биз нозил қилган бир муборак Эслатмадир. Ҳали сизлар уни инкор қилгувчимисизлар?!

Изоҳ: Ушбу оятдаги хитоб Макка арабларига қаратилган бўлиб, уни шундай тушунмоқ лозим: бошқа тил, бошқа миллат

эгалари Қуръон тилини билмаганлари боис унинг қадри-қимматини тўла англай олмасликлари мумкин. Аммо сизлар ўз тилингизда нозил қилинган, теран маъно-моҳиятидан ташқари балоғат ва фасоҳатга тўлиқ бўлган назмининг ўзидан Илоҳий мўъжиза экани кўриниб турган Китобни қандай инкор қила оласизлар?!

51. Дарҳақиқат, Биз *(Мусодан)* **илгари Иброҳимга Ҳақ Йўлини ато этдик. Биз унинг** *(Ҳақ Йўлга лойиқ эканини)* **билган эдик. 52. Ўшанда** *(Иброҳим)* **отаси ва қавмига: "Сизлар доимо чўқинадиган бу ҳайкаллар нимадир** *(яъни, нега жонсиз ҳайкалларга сиғиняпсизлар?!)*", **деганида; 53. Улар айтдилар: "Бизлар ота-боболаримизни ҳам уларга сиғинган ҳолда топганмиз". 54. У деди: "Дарҳақиқат, сизлар ҳам, ота-боболарингиз ҳам очиқ залолатда экансизлар". 55. Улар айтдилар: "Келтирган - айтган** *(бу сўзларинг)* **ростми ёки сен ҳазил қилгувчиларданмисан?" 56. У деди: "Йўқ, сизларнинг Парвардигорингиз** *(мана бу ҳеч кимга фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган бутлар эмас, балки)* **осмонлар ва Ернинг Парвардигоридирки, У Зот уларни Ўзи яратгандир. Мен бунга гувоҳлик бергувчилардандирман. 57. Оллоҳ номига қасамки, сизлар** *(ҳайитгоҳларингизга)* **кетганларингиздан кейин бутларингизни бир бало қилурман".**

И з о ҳ: Оллоҳ таолонинг Ҳидояти билан гўдаклик чоғидаёқ жонсиз ҳайкал-бутларга сиғинишдан бош тортган Иброҳим алайҳис-саломни отаси: "Зора худоларимиз ҳақидаги хато фикрлари ўзгарса", деб ўзларининг йилда бир бўладиган диний байрамларига олиб бормоқчи бўлади. Лекин у оёғи оғриётганини баҳона қилиб байрамга бормайди ва ичида, улар кетгач бутхонадаги ҳайкалларни синдиришга қасам ичади.

58. Бас, у *(бутларни)* **парча-парча қилди. Фақат, "Шояд** *(мушриклар у бутларнинг)* **каттасига қайтсалар** *(ва бу айбни тўнкасалар", деб)* **ўшанигина** *(қолдирди ва унинг бўйнига бир болтани илиб қўйди)*. **59. Улар** *(қайтиб келганларидан сўнг)*: **"Бизнинг худоларимизни ким бундай қилди? Шубҳасиз, у золим кимсалардандир", дедилар. 60. Улар**(*нинг айримлари)* **айтишди: "***(Худоларимизни)* **айблаб юрадиган Иброҳим деган бир йигитни эшитгандик". 61.** *(Шунда уларнинг катталари)*: **"Уни одамлар қошига келтирингиз! Улар гувоҳ бўлсинлар", дейишди. 62.** *(Уни келтиришгач)*: **"Худоларимизни сен шу** *(ҳолга)* **солдингми, эй Иброҳим?", деб** *(сўрашди)*. **63.** *(Иброҳим)* **айтди: "Йўқ, бу ишни уларнинг каттаси - мана бу** *(ҳайкал)* **қилди. Бас,** *(бутларингиздан)*

сўранглар, агар гапира оладиган бўлсалар *(айтиб берсинлар)*". **64. Бас,** *(мушриклар)* **ўзларига келиб,** *(бир-бирларига)*: **"Сизлар ўзингиз золимларсиз", дедилар. 65. Сўнгра эса яна бошлари айланиб: "Сен уларнинг гапирмасликларини яхши билардинг-ку?!", дейишди. 66.** *(Иброҳим)* **айтди: "Ахир Оллоҳни қўйиб, сизларга бирон фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган** *(ҳатто гапира олмайдиган)* **нарсаларга сиғанасизлармиЃ! 67. Сизларга ҳам, Оллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингизга ҳам суф! Ахир ақл юргизмайсизлармиЃ!" 68.** *(Иброҳимнинг ҳақ таъна ва дашномларига бирон жавоб топа олмай қолган подшоҳ Намруд бошчилигидаги мушриклар)* **дедилар: "Уни ёқиб юборинглар! Агар уддалай олсанглар** *(мана шу иш билан)* **ўз худоларингизга ёрдам қилинглар".**

Изоҳ: Шундан кейин мушриклар улкан ўтин ғарами ҳозирлашиб, унинг ҳамма томонига ўт қўйдилар ва Иброҳимни қўл-оёғини боғлаб бир манжаниққа (қадимий тош отиш қуроли) солишиб оловга отдилар. Шунда...

69. Биз айтдик: "Эй олов, сен Иброҳим учун салқин ва омонлик бўл!"

Изоҳ: Муфассирлар айтишларича, Иброҳим алайҳис-салом манжаниқдан отилган лаҳзада унинг ёнига фаришта Жаброил келиб: "Менга бирон ҳожат-тилагинг борми?", деб сўраган эканлар, Иброҳим: "Сенга (яъни, Ёлғиз Оллоҳдан ўзга бирон кимсага) эҳтиёжим йўқ", деб жавоб берибдилар. "Парвардигорга-чи?" - сўрабди Жаброил. "Парвардигорим ўзи аҳволимдан Огоҳдир", дебдилар Иброҳим. Шунда Оллоҳ таоло оловга юқорида зикр қилинган оятдаги фармонини юборган заҳоти оловнинг ёруғи қолиб, иссиғи йўқолибди. Иброҳим алайҳис-саломнинг эса боғланган арқони ёниб битибди-ю, у кишининг ўзига озор етмабди.

Қиссадан ҳисса шуки, кимда ким Иброҳим пайғамбар каби Ёлғиз Оллоҳ таолога бандалик қилиб, У Зотдан ўзга бирон кимсадан мадад-ёрдам тиламаса Оллоҳ уни ўтда куйдирмас, сувда чўктирмас экан.

70. Улар *(Иброҳимга)* **макр қилмоқчи бўлдилар** *(яъни, уни ёндириб юбормоқчи бўлдилар)*. **Биз эса уларнинг ўзларини кўпроқ зиён кўргувчи қилиб қўйдик. 71. Ва Биз унга ҳамда Лутга нажот бериб,** *(уларни)* **Ўзимиз барча оламлар учун муборак қилган** *(Шом)* **заминига** *(юбордик)*. **72. Биз** *(Иброҳимга Биздан бир фарзанд сўраганида)*, **Исҳоқни ҳадя этдик ва Яъқубни ҳам зиёда қилдик ҳамда** *(уларнинг)* **барчаларини солиҳ кишилар қилдик. 73. Яна уларни Бизнинг амримиз билан** *(кишиларни Ҳақ Йўлга)* **ҳидоят**

этадиган пешволар қилдик ва уларга яхши амаллар қилишни, намозни тўкис адо этишни ва закотни *(мустаҳиқ кишиларга)* **ато этишни ваҳий қилдик. Улар Ёлғиз Бизгагина ибодат қилгувчи бўлдилар. 74. Яна Биз Лутга ҳикмат ва илм ато этдик ва унга нопокликлар қилувчи бўлган қишлоқ** *(аҳли)***дан нажот бердик. Дарҳақиқат, улар ёмон бузуқ қавм эдилар. 75. Ва Биз уни** *(Лутни)* **Ўз раҳмат - жаннатимизга дохил қилдик. Шак-шубҳасиз, у солиҳлардандир. 76. Нуҳни** *(эсланг)*: **Ўшанда у -** *(мазкур пайғамбарларнинг давридан)* **илгари нидо қилганида Биз унинг** *(нидосини)* **мустажоб қилиб, ўзини ва аҳли-тобеъларини улуғ ғамдан қутқардик. 77. Ва унга Бизнинг оятларимизни ёлғон деган қавмдан мадад-нажот бердик. Дарҳақиқат, улар ёмон қавм эдилар. Бас, Биз уларнинг барчасини ғарқ қилиб юбордик. 78. Довуд ва Сулаймоннинг экинзор хусусида ҳукм қилаётган пайтларини** *(эсланг)*! **Ўшанда унга қавмнинг қўйлари бўшалиб кириб** *(уни пайҳон қилиб юборган)* **эди. Биз улар** *(чиқарган)* **ҳукмга шоҳид эдик. 79. Бас, Биз уни Сулаймонга англатдик.**

И з о ҳ: Ривоят қилишларича, Довуд ва Сулаймон пайғамбарларнинг олдиларига икки киши бир можаро хусусида ҳукм сўраб келади. Улардан бирининг қўйлари иккинчисининг экинзорига кириб кетиб бирон нарсани соғ қолдирмай пайҳон қилиб чиқиб кетган эди. Довуд алайҳис-салом қўйлар экинзор эгасига берилсин, деб ҳукм чиқарадилар. Буни эшитган ўғиллари Сулаймон алайҳис-салом эса "Ерни қўйларнинг эгасига, қўйларни эса экинзор соҳибига берилсаю, қўйларнинг эгаси ерни ўнглаб, экин экиб аввалги ҳолига қайтаргач, қўйларини қайтиб олса. Шу муддат ичида экинзор соҳиби у қўйларнинг юнги, сутидан фойдаланиб, шу даврда туғилган қўзиларини ҳам ўзига олиб қолса", дейдилар. Шунда Довуд Сулаймонга қараб: "Ўғилчам, сенинг ҳукминг тўғрироқдир", деб ўзи чиқарган ҳукмларини бекор қилади...

Биз *(Довуд ва Сулаймоннинг)* **ҳар иккисига ҳукм - пайғамбарлик ва илм ато этдик. Тоғлар ва қушларни Довуд билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйсундириб қўйдик. Биз шундай қила олгувчидирмиз.**

И з о ҳ: Айтишларича, Довуд алайҳис-салом беназир хуш овоз соҳиби бўлиб, Забурни тиловат қилганларида самода учиб кетаётган қуш муаллақ қотиб, атрофдаги тоғлар ҳам бирга қироат қилар экан.

80. Яна *(Довудга)* **сизларга зиён етишидан сақлайдиган совут ясашни таълим бердик. Бас, сизлар, шукр қилурмисиз?! 81.**

Сулаймонга эса бўронли шамолни *(бўйсундириб)* **унинг амри билан Биз муборак қилган заминга** *(Шомга)* **эсадиган** *(қилиб қўйдик)*. **Биз барча нарсани Билгувчидирмиз. 82. Яна шайтон-жинлардан** *(Сулаймон)* **учун ғаввослик қиладиган ва бундан бошқа ишларни ҳам адо этадиган кимсаларни** *(яратдик)*. **Ва Биз уларни** *(Сулаймоннинг амридан чиқиб кетмасликлари учун)* **қўриқлаб тургувчи бўлдик. 83. Айюбнинг Парвардигорига нидо қилиб: "***(Парвардигорим)*, **мени бало ушлади. Ўзинг раҳм-шафқат қилгувчиларнинг Раҳмлирогидирсан", деб илтижо қилган пайтини** *(эсланг)*! **84. Бас, Биз унинг** *(дуосини)* **мустажоб қилиб, ундаги зиён-заҳматни кетказдик ҳамда Ўз ҳузуримиздан меҳрибонлик кўрсатиб ва барча ибодат қилгувчиларга эслатма-ибрат бўлсин, деб** *(Айюбга)* **аҳли-оиласини ва улар билан қўшиб яна ўшаларнинг мисличa** *(бола-чақа)* **ато этдик.**

Изоҳ: Айюб пайғамбар асли Рум мамлакатидан бўлиб, серфарзанд ва бой-бадавлат киши эдилар. Сўнгра бошларига оғир кунлар тушиб мол-дунёларидан ажрадилар, лекин қаноат қилдилар; болалари бирин-кетин ҳалок бўлишиб, улардан ҳам жудо бўлдилар, сабр қилдилар; саломатликларидан ажраб, энг оғир хасталикларга дучор бўлдилар, шикоят қилмадилар. Қачонки айрим кимсалар: "Бу энг ёмон гуноҳ-жиноятларни қилганки, Худо унга шундай балоларни юборган", деганларини эшитгандан кейингина сабр косаси тўлиб Оллоҳ таолога илтижо қилиб, ўз ҳолидан шикоят қилган ва Ҳақ таоло у зотнинг дуоларини ижобат қилиб, саломатликларини ҳам, мол-давлатларини ҳам қайтариб берган. Ҳалок бўлган етти ўғил, етти қизларига ҳаёт ато этиб, яна етти ўғил ва етти қиз кўрганлар.

Мазкур оятдаги "барча ибодат қилгувчиларга эслатма-ибрат бўлсин, деб", деган сўзларнинг маъноси шуки, бошларига бирон бало тушган кишилар Айюб алайҳис-салом каби сабр-қаноат қилсалар албатта Оллоҳ таоло уларнинг балоларини кетказиб, аввалгидан ҳам зиёда неъматлар ато этур.

85. Исмоилни, Идрисни ва Зул-кифлни *(эсланг)*! **Барчалари сабр қилгувчи зотлардандирлар. 86. Биз уларни Ўз раҳмат-жаннатимизга дохил қилдик. Дарҳақиқат, улар солиҳлардандирлар. 87. Зуннун - Юнуснинг** *(қавмидан)* **ғазабланган ҳолда** *(ўз қишлоғидан чиқиб)* **кетиб, Бизни унинг зиёнига ҳукм қилмайди, деб ўйлаган пайтини, сўнг** *(Биз уни балиқ қорнига ташлаганимиздан кейин)* **қоронғу зулматларда туриб: "Ҳеч илоҳ йўқ, магар Ўзинг бордирсан, эй Пок Парвардигор,**

дарҳақиқат, мен *(ўз жонимга)* **жабр қилгувчилардан бўлиб қолдим", деб нидо қилган** *(пайтини эсланг)!*

И з о ҳ: Зуннун, яъни, балиқ соҳиби деб ном олган Юнус алайҳис-салом Оллоҳнинг амри билан ўз қавмини Ҳақ Йўлига даъват қилганида улар иймон келтирмадилар. Оллоҳнинг азоби тушиши ҳақида огоҳлантирганида ҳам у қавм тавба қилмади. Шунда Юнус пайғамбар Яратганнинг: "Сабр қил", деган буйруғини унутиб, ўз қавмининг иймонсизлигидан ғазабланган ҳолда ўз қишлоғидан чиқиб кетади ва ўзича "Бу ишим учун Оллоҳ мени жазоламас", деб ўйлайди. Лекин Оллоҳ таоло Ўз пайғамбарининг бу итоатсизлигининг жазосига ўзининг кенг қишлоғига сиғмаган Юнусни балиқнинг тор қорнига ҳибс қилиб қўяди. Шунда Юнус алайҳис-салом балиқ қорнида туриб юқоридаги оятда зикр қилинган каби нидо қилади.

88. Бас, Биз унинг *(дуосини)* **мустажоб қилдик ва уни ғам-гуссадан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берурмиз. 89. Закариёнинг: "Парвардигорим, мени ёлғиз ҳолда ташлаб қўйма** *(яъни, менга Ўз даргоҳингдан бир меросхўр фарзанд ато эт),* **Ўзинг ворисларнинг Яхширогидирсан** *(яъни, ҳамманинг ортида қолгувчидирсан)*", **деб нидо қилган пайтини** *(эсланг)!* **90. Бас, Биз унинг** *(дуосини)* **мустажоб қилдик ва унга Яҳёни ҳадя этдик ҳамда унинг учун жуфтини ўнглаб** *(туғмайдиган кампирни бола кўришга қодир қилиб)* **қўйдик. Дарҳақиқат, улар** *(яъни, мазкур пайғамбарлар)* **яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо-илтижо қилар эдилар. Улар Бизга таъзим-итоат қилгувчи эдилар. 91. Яна ўз номусини сақлаган аёлни** *(яъни, Марямни эсланг)!* **Бас, Биз Ўз тарафимиздан бўлган руҳни унга пуфладик** *(ва у Исога ҳомиладор бўлди)* **ва уни ҳамда ўғлини барча оламлар учун оят-ибрат қилдик. 92.** *(Эй инсонлар),* **сизларнинг миллатингиз - Динингиз ҳақиқатда бир Диндир** *(яъни, Исломдир).* **Мен эса** *(барчаларингизнинг)* **Парвардигорингиздирман. Бас, Менгагина ибодат қилинглар! 93.** *(Лекин одамлар)* **ишларини** *(яъни, динларини)* **ўзаро парчалаб-бўлиб олдилар. Барчалари Бизга қайтгувчидирлар. 94. Бас, ким мўмин бўлган ҳолида яхши амаллардан қилса, унинг саъй-ҳаракати зое бўлмас - Биз уни ёзиб қўйгувчидирмиз. 95-96-97. Биз ҳалок қилган бирон қишлоқ-шаҳар** *(аҳли қайта дунёга келиши)* **ҳаромдир. То Яъжуж ва Маъжуж** *(тўғони)* **очилиб, улар ҳар бир тепаликдан оқиб келадиган ва ҳақ ваъда** *(яъни, Қиёмат)* **яқин бўладиган вақтгача улар** *(яъни, Биз ҳалок қилган кимсалар)* **қайтмайдилар. Ана у** *(Қиёмат қойим бўлган)* **вақтда эса кофир бўлган кимсаларнинг кўзлари қотиб: "Эй,**

ҳолимизга вой, бизлар бундай *(оқибатдан)* ғафлатда эдик. Йўқ, бизлар *(ўз жонларимизга)* жабр қилгувчи бўлдик", *(дейдилар)*. 98. *(Эй мушриклар)*, сизлар ҳам, Оллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидир. Сизлар у *(жаҳаннамга)* тушгувчидирсизлар. 99. Агар ўшалар *(яъни, сизлар сиғинадиган бутларингиз)* худолар бўлганида *(жаҳаннамга)* тушмаган бўлур эдилар. *(Бу бутлар ва уларга сиғинадиганларнинг)* барчалари у жойда абадий қолгувчидирлар. 100. Улар учун у жойда *(фақат)* дод-фарёд қилишгина бордир. Улар у жойда *(бирон нарсани)* эшитмаслар. 101. Албатта Бизнинг томонимиздан гўзал *(манзилат-мартаба)* берилган зотлар - ана ўшалар *(жаҳаннамдан)* узоқ қилинурлар. 102. Улар унинг шарпасини ҳам эшитмаслар. Улар ўзлари истаган неъматларда абадий қолгувчидирлар. 103. Уларни Буюк даҳшат *(яъни, Қиёмат)* маҳзун қилмас. Фаришталар уларни: "Мана шу сизларга ваъда қилинган Кундир", *(деб)* кутиб олурлар. 104. У Кунда Биз осмонни ҳам худди мактуб ёзилган саҳифани ўраган янглиғ ўраб, биринчи марта қандай яратган бўлсак, *(ўша ҳолга)* қайтарурмиз. *(Бу)* Бизнинг зиммамиздаги ваъдадир. Албатта Биз *(шундай)* қилгувчидирмиз. 105. Дарҳақиқат, Биз *(Лавҳул-Маҳфузда)* зикр қилгандан сўнг Забурда: "Албатта *(жаннатнинг)* ерига Менинг солиҳ бандаларим ворис бўлурлар", деб ёзиб қўйгандирмиз. 106. Албатта мана шу *(Қуръонда)* ибодат қилгувчи қавм учун етарли *(панд-насиҳат)* бордир. 107. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, дарҳақиқат, Биз Сизни барча оламларга фақат раҳмат *(яъни, Оллоҳнинг раҳмати-жаннатига етаклагувчи)* қилиб юбордик. 108. Айтинг: "Менга фақат сизларнинг илоҳингиз Якка-ю Ягона Илоҳ экани ваҳий қилинур. Бас, сизлар *(ваҳийга)* бўйинсунувчимисизлар?" 109. Энди агар юз ўгирсалар, у ҳолда айтинг: "Мен сизларнинг *(барчангизга)* баробар *(ҳеч кимни айирмай ўзимга нозил бўлган ваҳийни)* эшиттирдим. Сизларга ваъда қилинаётган *(Қиёмат Кунидаги азобни)* яқин ё йироқлигини эса билмасман. 110. Албатта У Зот сўзнинг ошкорасини ҳам билур, сизлар беркитадиган сўзларни ҳам билур. 111. Билмайман, эҳтимол бу *(яъни, азоб соатининг таъхирга ташланиши)* сизлар учун бир алдов-синов ва бир оз вақтгача *(ажалларингиз етиб ўлгунингизгача)* фойдаланишдир". 112. *(Муҳаммад алайҳис-салом)* айтди: "Парвардигорим, Ўзинг Ҳақ ҳукмингни қилгин. Бизнинг Парвардигоримиз - сизларнинг *("Оллоҳ ёлғиз эмас", деб У Зотни бўҳтон сифат билан)* сифатлашларингизга қарши мадад сўраладиган Раҳмондир".

ҲАЖ сураси (22)

Бу сура Мадинада нозил қилинган бўлиб, етмиш саккиз оятдир.

Сура диллар даҳшатга тушиб, ақллар адашадиган; она эмизаётган гўдагини унутиб, ҳомиладор аёл ҳомиласини ташлаб юборадиган Қиёмат олди даҳшатларини тасвирлаш билан бошланади ва ўз ҳаётларини Оллоҳ таоло буюрган дини Ислом аҳкомларига амал қилиш билан ўтказган кишилар учун ўша Кунда ҳам ҳеч қандай хавф-хатар бўлмаслиги, дину иймонсиз тирикчилик қилиб ўтган кимсалар эса У Кунда хору расво бўлишлари таъкидланади.

Маълумки, агар Маккада нозил қилинган сураларда сўз асосан иймон, эътиқод ҳақида кетса, Мадинада инган сураларда голибан Шариати Исломийядаги қонун-қоидалар зикр қилинади. Инчунун ушбу сура ҳам бундан мустасно эмас. Бу сурада Ислом динининг беш асосий рукнидан бири бўлмиш Ҳаж ибодати ва Одам алайҳис-саломдан қолган "Эски Уй - Байтуллоҳ" хусусида анча батафсил баён қилинадики, сuranинг "Ҳаж" деб номланишига ҳам сабаб шудир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Эй инсонлар, Парвардигорингиздан қўрқингиз! Зеро, *(Қиёмат)* Соати *(олдидаги)* зилзила улуғ-даҳшатли нарсадир. 2. Уни кўрар кунингизда эмизаётган *(оналар)* эмизиб турган *(боласини)* унутар ва барча ҳомиладор *(аёллар)* ўз ҳомиласини ташлаб юборар; одамларни маст-аласт ҳолда кўрурсиз, ҳолбуки, улар ўзлари маст эмаслар, лекин Оллоҳнинг азоби қаттиқдир. 3. Одамлар орасида ўзи билмаган ҳолида Оллоҳ хусусида мужодала қиладиган ва ҳар бир итоатсиз шайтонга эргашиб кетаверадиган кимсалар ҳам бордир. 4. У *(шайтонга эса)* ўзини дўст тутган кимсани албатта йўлдан оздириш ва дўзах азобига йўллаш ёзиб қўйилгандир - ҳукм қилингандир. 5. Эй инсонлар, агар сизлар қайта тирилишдан шубҳада бўлсангизлар, у ҳолда *(қаранглар)*, Биз сизларга *(Оллоҳнинг қудратини)* баён қилиш учун сизларни *(яъни, отангиз Одамни)* тупроқдан, сўнгра *(барча*

жонзотни аввало) нутфа-манийдан, сўнгра лахта қондан, сўнгра яралиб битган-битмаган *(яъни, инсон суратида шаклланиб битган ёки битмаган)* тишлам гўштдан яратдик. Биз *(сизларни)* Ўзимиз хоҳлаганимизча - муайян муддатгача *(оналарингиз)* қорнида қолдириб, сўнгра чақалоқ ҳолингизда *(ёруг оламга)* чиқарурмиз, сўнгра вояга етгунларингизгача *(ҳам Ўзимиз тарбия қилурмиз).* Сизлардан *(гўдаклик, ёшлик йилларидаёқ)* вафот топадиган кишилар ҳам бўлур, яна сизлардан *(кўп нарса-билимларни ўрганиб)* билганидан сўнг ҳеч нарсани билмай қолиши учун энг тубан умрга *(яъни, қариб мункиллаб қолишга)* қайтариладиган кишилар ҳам бўлур. *(Қайта тирилиш ҳақ эканлигининг яна бир далили ушбудир)* - сиз*(лар)* бу Ерни қуруқ-ўлик ҳолида кўрурсиз. Энди қачонки Биз унинг устидан сув-ёмгир ёгдирсак у ҳаракатга келиб кўпчир ва турли-туман гўзал *(наботот)* жуфтларини ундирур. 6. Бунга сабаб, Оллоҳ Ҳақ экани ва Унинг Ўзи ўликларга ҳаёт бериши ҳамда У ҳамма нарсага Қодир эканлигидир. 7. Яна аниқки, *(Қиёмат)* Соати шак-шубҳасиз, келгувчидир ва албатта Оллоҳ қабрлардаги бор жонзотни тирилтирур. 8-9. Одамлар орасида ўзи билмаган ва *(Ҳақ Йўлига)* ҳидоят топмаган ҳолида, бирон нурли Китобсиз *(яъни, аниқ ҳужжатсиз, Тўгри Йўлдан)* бўйин буриб, *(ўзгаларни ҳам)* Оллоҳ Йўлидан оздириш учун Оллоҳ хусусида мужодала қиладиган кимсалар ҳам бордир. У *(кимсалар)* учун бу дунёда расволик-шармандалик бўлур, Қиёмат Кунида эса унга ўт азобини тотдирурмиз. 10. *(Ва унга дермиз):* "Бу *(азоб)* ўз қўлларинг *(билан)* қилган гуноҳинг сабаблидир. Зеро, Оллоҳ ҳаргиз бандаларига зулм қилгувчи эмасдир". 11. Одамлар орасида Оллоҳга бир четда *(яъни, сидқидилдан эмас, балки тил учида)* ибодат қиладиган кимсалар ҳам бордир. Бас, агар унга *(диндор бўлгани шарофатидан)* яхшилик етса ўша сабабли хотиржам бўлур, агар бирон фитна-бахтсизлик етса *(диндан)* юз ўгириб кетур. У дунёю Охиратда зиён кўрур. Бу эса очиқ-аниқ зиёндир. 12. У Оллоҳни қўйиб ўзига зиён ҳам, фойда ҳам бера олмайдиган бутларга илтижо қилур. Бу - йўлдан қаттиқ озишнинг ўзидир. 13. У шак-шубҳасиз, зиёни фойдасидан яқинроқ бўлган бутларга илтижо қилур. *(Лекин у бутлар)* нақадар ёмон "хожа"дир ва нақадар ёмон "ошно"дир! 14. Албатта Оллоҳ иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга дохил қилур. Албатта Оллоҳ Ёлгиз Ўзи хоҳлаган

ишни қилур. 15. *(Албатта Оллоҳ Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳис-саломга ёрдам берур, энди)* **кимда-ким: "Оллоҳ на дунёда ва на Охиратда ҳаргиз унга ёрдам қилмас", деб гумон қилгувчи бўлса, у ҳолда бир арқон билан осмонга-шифтга осилиб,** *(ўзини Ердан)* **узсин** *(яъни, ўзи учун дор ясаб, унга осилсин),* **сўнг қарасин - бу найранги ғазабини кетказармикан.**

И з о ҳ: Бу оятни шундай тушунмоқ лозим: Оллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳис-саломга ва Ислом динига ёрдам-ғалаба бермайди, деб ўйлаб юрадиган кимсалар яхшиси бир дор ясаб ўзларини осганлари маъқул. Акс ҳолда Оллоҳ таолонинг мусулмонларга берадиган ғалабасини кўриб у кимсаларнинг бошлари хафачиликдан чиқмай қолур. Демак, уларни ғазаб-хафачиликдан халос қиладиган бирдан-бир Тўғри Йўл ўз ихтиёрлари билан Исломни қабул қилиш, ҳазрати Муҳаммад алайҳис-саломга эргашишдир. Чунки Оллоҳ таоло албатта бу дунёда ҳам, Охират диёрида ҳам Ўзининг суюкли Пайғамбарига ёрдам ва ғалаба ато этади.

16. Биз *(Қуръонни)* **мана шундай аниқ-равшан оятлар***(дан иборат)* **ҳолида нозил қилдик. Албатта Оллоҳ Ўзи истаган кишиларни ҳидоят қилур. 17. Дарҳақиқат,** *(Оллоҳга ва Муҳаммад алайҳис-саломга)* **иймон келтирган зотлар, яҳудий бўлган кимсалар,** *(Оллоҳга ишонадиган, аммо бирон шариатга амал қилмайдиган тоифа бўлган)* **собиийлар, насронийлар, мажусийлар** *(оташпарастлар)* **ва мушрик бўлган кимсалар - аниқки, Оллоҳ Қиёмат Кунида уларнинг ўртасини ажрим қилур** *(яъни, мўминларни жаннатга дохил қилур, кофирларни дўзахга гирифтор қилур).* **Албатта Оллоҳ барча нарсага Гувоҳдир. 18.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салаом),* **Сиз осмонлардаги ва Ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дов-дарахтлар ва** *(барча)* **жониворлар ҳамда кўпдан-кўп инсонлар** *(Ёлғиз)* **Оллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми? Кўп** *(одамларга эса кофир бўлганлари сабабли)* **азоб ҳақ бўлгандир. Кимни Оллоҳ хор қилиб қўйса, бас, уни** *(ҳеч ким)* **азиз қилгувчи бўлмас. Албатта Оллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани қилур.**

И з о ҳ: Ушбу оят навбатдаги сажда оятидир.

19. Мана шу икки ғаним *(яъни, мўминлар билан кофирлар)* **Парвардигорлари***(нинг Ҳақ Дини)* **хусусида талашдилар** *(яъни, мўминлар Оллоҳнинг Ҳақ Дини бўлмиш Исломнинг ғолиб бўлишини истадилар, кофирлар эса бу Динни йўқ қилмоқчи бўлдилар).* **Бас, кофир бўлган кимсалар учун ўтдан бўлган кийимлар бичилди,**

(энди) уларнинг бошларидан қайноқ сув қуйилиб; 20. У *(сув)* билан уларнинг ичларидаги нарсалар ҳам, терилари ҳам эритиб юборилур. 21. Улар учун темир гурзилар бордир. 22. Ҳар қачон улар *(дўзах)* ғам-азобидан *(қочиб)* чиқмоқчи бўлсалар *(гурзилар билан)* яна унга қайтарилурлар ва *(уларга):* "Ўт азобини тотиб кўрингиз", *(дейилур).* 23. Албатта Оллоҳ иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга дохил қилур. Улар у жойда олтиндан бўлган билакузуклар ва марварид-маржонлар билан безанурлар, либослари эса ҳарир-ипак бўлур; 24. Улар *(бу дунёда)* Ҳуш - Ҳақ Сўзга *(яъни, "Оллоҳ Якка-Ягонадир", деган сўзга)* ҳидоят қилинурлар ва ҳамду сано Эгаси - Оллоҳнинг Йўлига ҳидоят қилинурлар. 25. Албатта ўзлари кофир бўлган ва *(ўзгаларни)* Оллоҳ Йўлидан тўсадиган, ҳамда Биз *(Маккада)* тургувчи учун ҳам, *(бошқа юртлардан)* келгувчи учун ҳам баробар қилиб қўйган Масжид ал-Ҳаромдан *(тўсадиган)* кимсалар ва кимки у жойда зулм-зўравонлик билан йўлдан чиқмоқчи бўлса, *(буларнинг ҳар бирига)* аламли азобдан тотдириб қўюрмиз. 26. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салаом),* эсланг, Биз Иброҳимга Байтуллоҳнинг ўрнини *(ўша Уйга қараб ибодат қилиши ва уни обод қилиши учун)* белгилаб бериб, *(унга шундай деган эдик):* "Сен Менга бирон нарсани шерик қилмагин ва Менинг Байтим - Уйимни тавоф қилгувчилар қиём *(яъни, намозда тик - гоз туриш),* рукуъ, сажда қилгувчилар *(яъни, ўша жойда намоз ўқигувчилар)* учун пок тутгин!

Изоҳ: Ушбу оятдаги "Байтуллоҳнинг ўрнини" шундай тушунмоқ лозим: Одам алайҳис-салом жаннатдан Ерга тушганларида Оллоҳ таолонинг амри билан биринчи бино қилган уйлари Байтуллоҳ бўлган экан (шунинг учун ҳам қуйидаги оятларда уни "Эски Уй", деб ҳам аталади). Лекин Нуҳ пайғамбар замонларида бўлган тўфон балосида Оллоҳ таолонинг фармони билан фаришталар у Уйни еттинчи осмонга олиб чиқиб кетган экан. Ҳадиси шарифда айтилишича, ўша даврдан буён самодаги Байтуллоҳни ҳар куни етмиш минг фаришта тавоф қилар, аммо Оллоҳнинг лашкари бўлмиш фаришталарнинг саноғи шу қадар беадад эканки, ҳанузгача бир фаришта икки марта тавоф қилишга улгурмаган экан. Ана ўша самога олиб чиқиб кетилган Байтуллоҳнинг ўрнини Ҳақ таоло Иброҳим алайҳис-саломга билдириб, ўша жойга барча мусулмонлар учун қибла бўлган Байтуллоҳ бино қилишни буюрган.

27. Ва одамлар орасида *(юриб уларни)* ҳажга чақиргин, улар сенга *(яъни, сенинг даъватингга жавобан)* яёв ҳолларида ва барча йироқ йўллардан келадиган ориқ-ҳолдан тойган туялар устида келурлар. 28. Улар ўзлари учун бўлган *(диний ва дунёвий)* манфаатларга шоҳид бўлиш учун ва маълум кунларда *(яъни, Қурбон ҳайити кунларида Оллоҳ)* уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонлари*(ни қурбонлик учун сўйиш)* устида Оллоҳ номини зикр қилиш учун *(келурлар)*. Бас, ундан ўзларингиз ҳам еяверинглар, бечора камбағалларга ҳам единринглар. 29. Сўнгра *(қурбонлик қилганларидан кейин)* улар кирларини кетказсинлар *(яъни, эҳромдан чиқиб, сочларини олдириб, тоза либосларини кийсинлар)*, назрларини *(яъни, зиммаларидаги ҳаж мажбуриятларини)* тўла адо қилсинлар ва "Эски Уй"ни тавоф қилсинлар! 30-31. *(Иш)* шудир. Ким Оллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳурмат *(риоя)* қилса, бас, бу Парвардигори наздида ўзи учун яхшидир. Сизлар учун *(ҳаром эканлиги)* тиловат қилинадиган нарсалардан бошқа *(барча)* чорва моллари ҳалол қилинди. Бас, сизлар Оллоҳ учун Ҳақ Йўлдан оғмаган *(мусулмон)* бўлган ҳолларингизда ва У Зотга ширк келтиргувчи бўлмаган ҳолларингизда бутлардан иборат нажосатдан йироқ бўлингиз ва ёлғон сўздан йироқ бўлингиз! Ким Оллоҳга ширк келтирса, бас, у гўё осмондан қулагану уни *(бирон ваҳший)* қуш *(ўлжа қилиб)* олиб кетган ёки *(қаттиқ)* шамол йироқ жойларга учириб кетган *(кимса)* кабидир. 32. *(Иш)* шудир. Ким Оллоҳ қонунларини ҳурмат қилса, бас, албатта *(бу ҳурмат)* диллардинг тақводорлиги сабабли бўлур. 33. Сизлар учун уларда *(яъни, Байтуллоҳда қурбон қилиш учун олиб кетаётган қўй, мол, туяларингизда)* маълум муддатгача фойда-манфаатлар бордир *(яъни, йўлда уларни қўзилатиб, соғиб, миниб фойдаланиб кетишларингиз жоиздир)*. Сўнгра Эски Уйга *(етгач)* уларни сўйиш *(вожибдир)*. 34. Биз *(сизлардан аввал ўтган мўмин миллатлардан)* барча миллатга ҳам - *(Оллоҳ)* уларни ризқлантирган чорва ҳайвонларини *(сўйиш - қурбон қилиш)* устида Оллоҳнинг номини зикр қилишлари учун - қурбонлик қилишни буюрганмиз. Бас, *(барчаларингизнинг)* илоҳингиз бир Илоҳдир. Бас, Унгагина бўйинсунингиз! *(Эй Муҳаммад алайҳис-салаом)*, ором ва тавозу билан итоат қилгувчи зотларга хушхабар беринг! 35. Улар Оллоҳ зикр қилинганида қалблари қўрқувга тушадиган, ўзларига етган балоларга сабр-тоқат қиладиган, намозни тўкис адо этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладиган зотлардир. 36. *(Ҳаж мавсумида)* туя-молларни *(сўйиб қурбон қилишни)* Биз сизлар

учун Оллоҳ қонунларидан қилдик. Сизлар учун улар*(ни қурбон қилиш)*да яхшилик бордир. Бас, улар *(сўйиш учун)* тизиб қўйилган ҳолларида Оллоҳ номини зикр қилингиз. Энди қачон ёнбошлари билан тушганларида *(яъни, жон таслим қилганларида)* улардан *(ўзларингиз ҳам)* еяверинглар, *(бировдан бир нарса сўрамайдиган)* қаноатли кишига ва *(муҳтож)* тиланчига ҳам едиринглар. Шукр қилишларингиз учун Биз уларни *(яъни, туя-молларни)* сизларга бўйсундирдик. 37. Оллоҳга *(қилган қурбонликларингизнинг)* гўштлари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин У Зотга сизларнинг тақво-ихлосингиз етар. Оллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли У Зотни улуғлашларингиз учун *(яъни, қурбонликларингизни сўяётган пайтингизда Оллоҳнинг исмини зикр қилишингиз учун)* уларни сизларга бўйсундириб қўйди. Яхшилик қилгувчиларга хушхабар беринг. 38. Албатта Оллоҳ иймон келтирган зотларни мудофаа - ҳимоя қилур. Албатта Оллоҳ барча хоин ва куфрони неъмат қилгувчиларни суймас. 39. Ҳужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли *(жанг қилиш)* изни берилди. Албатта Оллоҳ уларни ғолиб қилишга Қодирдир.

И з о ҳ: Муфассирлар айтишларича, ушбу оят мусулмонларга жиҳод қилиш учун берилган биринчи рухсатдир. Пайғамбар алайҳиссалом Маккада турган пайтларида ҳам саҳобалар у кишининг ҳузурларига кўп марта мушрикларнинг қилаётган ҳужумларидан шикоят қилиб келар эдилар. Лекин у зот: "Сабр қилинглар, менга ҳали Парвардигорим томонидан жанг қилишга рухсат берилгани йўқ", деб қайтарардилар. Дарҳақиқат, Қуръони Каримдаги етмишдан ортиқ оятда мусулмонлар кофирларга қарши жиҳоддан қайтарилгандир. Мадинага ҳижрат қилинганидан кейин Ислом давлати барпо бўлгач, мазлум мусулмонларга золим кофирларга қарши жиҳод қилиш изни берилди ва бу жангда албатта Оллоҳ Йўлида курашган зотлар ғолиб бўлиши башорат қилинди.

40. Улар ўз диёрларидан ноҳақ, фақатгина "Бизнинг Парвардигоримиз *(Ягона)* Оллоҳдир", деганлари учун қувилган зотлардир. Агар Оллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан дафъ қилиб турмас экан, шубҳасиз, Оллоҳ номи кўп зикр қилинадиган *(роҳибларнинг)* узлатгоҳлари, *(насронийларнинг)* бутхоналари, *(яҳудийларнинг)* ибодатхоналари ва *(мусулмонларнинг)* масжидлари вайрон қилинган бўлур эди. Албатта Оллоҳ Ўзига *(яъни, Динига)* ёрдам берадиган зотларни ғолиб қилур. Шубҳасиз, Оллоҳ Кучли, Қудратлидир.

И з о ҳ: Бу оятдаги бир нукта айрича эътиборга лойиқдир. Мусулмонларнинг муқаддас Китоби бўлмиш Қуръонда масжидлар ўзга диндаги кишиларнинг ибодатхоналаридан кейин - тўртинчи ўринда зикр қилинди. Бундан маълум бўладики, Ислом давлатида ўзга дин аҳллари ҳам мусулмонлар билан баб-баробар ҳуқуққа эга бўлар эканлар.

41. Уларни *(яъни, мусулмонларни)* агар Биз Ер юзига ғолиб қилсак улар намозни тўкис адо этадилар, закотни *(ҳақдорларга)* ато этадилар, яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар. *(Барча)* ишларнинг оқибати Оллоҳнинг *(измидадир)*. 42. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салаом)*, агар улар *(яъни, Макка мушриклари)* Сизни ёлғончи қилсалар, *(билингки)*, улардан илгари Нуҳ қавми, Од, Самуд *(қабилалари)* ҳам *(ўзларига юборилган пайғамбарларни)* ёлғончи қилгандирлар. 43-44. Иброҳимнинг қавми *(Иброҳимни)*, Лут қавми *(Лутни)*, Мадян *(шаҳрининг)* аҳолиси *(Шуайбни ёлғончи қилгандирлар)*. Мусо ҳам ёлғончи қилинди. Мен эса кофир бўлган кимсаларга муҳлат бериб қўйиб, сўнгра уларни *(Ўз азобим билан)* ушладим. Бас, Менинг *(ўз пайғамбарларини ёлғончи қилган кофирларга қарши)* инкорим қандай бўлди?! 45. Зотан, қанчадан-қанча золим-кофир бўлган ҳолларида Биз ҳалок қилган, бас, томлари *(йиқилиб)* ҳувиллаб қолган қишлоқ-шаҳарлар, *(қанча)* ташландиқ қудуқлар ва юксак *(лекин кимсасиз)* қасрлар бордир. 46. Ахир улар *(яъни, Макка мушриклари)* Ер юзида сайр қилиб-айланмайдиларми, *(ана ўшанда)* улар учун доно диллар, тинглайдиган қулоқлар бўлур эди. Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкракларидаги кўнгиллар кўр бўлур. 47. Улар Сиздан *(истеҳзо билан Оллоҳ ваъда этган)* азобни тезлатишингизни талаб қиладилар. Ҳолбуки, Оллоҳ Ўз ваъдасига ҳаргиз хилоф қилмас. Дарвоқеъ, Парвардигорингиз наздидаги бир кун*(лик азоб)* сизларнинг ҳисоб-китобингиздаги минг йил каби бўлур. 48. Қанчадан-қанча золим-кофир қишлоқ-шаҳарлар бўлгандирки, Мен уларга *(ҳалок қилмай)* муҳлат бериб қўйиб, сўнгра *(азобим билан)* ушлаганман. Ёлгиз Менгагина қайтиш*(ингиз)* бордир. 49. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Эй инсонлар, мен сизлар учун фақат бир очиқ огоҳлантиргувчиман, холос". 50. Бас, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун мағфират ва улуғ ризқ бўлур. 51. Бизнинг оятларимизга қарши ҳаракат қилиб олишишга уринган кимсалар - ана ўшалар дўзах эгаларидир. 52. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салаом)*, Биз Сиздан илгари юборган ҳар

бир элчи ва пайғамбар борки, қачон *(улардан биронтаси ўзига нозил бўлган оятларни)* қироат қилса шайтон унинг қироатига *(асли оятдан бўлмаган нарсаларни)* ташлагандир. Бас, Оллоҳ шайтон ташлайдиган нарсани бекор қилур, сўнгра Оллоҳ Ўз оятларини мустаҳкам қилур. Оллоҳ Билгувчи ва ҳикмат Эгасидир. 53. *(Оллоҳ)* шайтон ташлайдиган нарсани дилларида мараз бўлган *(мунофиқлар)* ва тошдил кимсалар *(яъни, кофирлар)* учун фитнасинов қилиш учун *(пайдо қилур)*. - Дарҳақиқат, золим-кофирлар мангу ихтилофдадирлар. - 54. Ва илм ато этилган кишилар у *(Қуръон)* Парвардигорингиз томонидан келган Ҳақиқат эканини билиб, унга иймон келтиришлари, бас, диллари у сабабли таскин топиши учун *(Оллоҳ шундай қилур)*. Дарҳақиқат, Оллоҳ иймон келтирган зотларни Тўғри Йўлга Ҳидоят қилгувчидир.

И з о ҳ: Ривоят қилинишича, юқоридаги уч оятнинг нозил бўлишига ушбу воқеа сабаб бўлган экан: Бир куни Пайғамбар алайҳис-салом Қуръон сураларидан "Ван-нажми"ни қироат қилаётганларида шайтон васвасаси билан адашиб, Қуръонда бўлмаган сўзларни ҳам қўшиб юборадилар. Бундан шу ерда ҳозир бўлган мунофиқ ва кофирлар шодланиб хурсанд бўлишади. Лекин Оллоҳ таоло дарҳол Ўз пайғамбарини бу хатодан огоҳ қилади ва мазкур оятларни нозил қилиб, бу иш беҳуда бўлмаганини, балки мунофиқ ва кофирларни яна бир бор синаш ҳамда мўминларнинг иймонларини янада зиёда қилиш учун бўлганини уқтиради.

55. Кофир бўлган кимсалар то уларга тўсатдан *(Қиёмат)* Соати келгунича ёки тугмас *(яъни, эртаси бўлмаган)* Куннинг азоби келгунича *(Қуръон)*дан шак-шубҳададирлар. 56. У Кунда подшоҳлик *(Ёлғиз)* Оллоҳникидир. У Зотнинг Ўзи улар ўртасида ҳукм қилур. Бас, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар ноз-неъматларга *(тўла)* жаннатлардадирлар. 57. Кофир бўлган ва Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсалар - улар учун хор қилгувчи азоб бордир. 58. Оллоҳ Йўлида ҳижрат қилган, сўнгра қатл қилинган ёки вафот топган зотларни албатта Оллоҳ гўзал ризқ *(яъни, мангу жаннат)* билан ризқлантирур. Дарҳақиқат, Оллоҳнинг Ўзигина энг яхши Ризқ бергувчидир. 59. Албатта *(Оллоҳ)* уларни ўзлари рози бўладиган жойга - жаннатга дохил қилур. Дарҳақиқат, Оллоҳ Билгувчи ва Ҳалимдир. 60. *(Иш)* шудир. Ким ўзига берилган азоб-уқубат баробарида ўч олса, сўнгра яна унга зулм-зўравонлик қилинса, албатта Оллоҳ у *(мазлумга)* ёрдам қилур. Дарҳақиқат, Оллоҳ Афв қилгувчи, Кечиргувчидир. 61.

Бунга *(яъни, Оллоҳ мазлумга ердам қила олишига ва ҳар бир ишда адолатли ҳукм қилишига)* сабаб, Оллоҳ кечани кундузга киритиши *(яъни, кечани қисқартириб, кундузни узайтириши)* ва *(аксинча)* кундузни эса кечага киритиши *(яъни, У Зот Ўзи хоҳлаган нарсага Қодир экани)* ва шак-шубҳасиз, Оллоҳ Эшитгувчи, Кўргувчи эканлигидир. 62. Бунга сабаб, Оллоҳнинг Ўзигина Ҳақ экани ва Уни қўйиб *(мушриклар)* дуо-илтижо қилаётган *(бутлар)* эса ботилнинг ўзи экани ҳамда шак-шубҳасиз, Оллоҳнинг Ўзигина энг Юксак ва Буюк Зот эканлигидир. 63. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Оллоҳ осмондан сув-ёмғир ёғдириб, *(бутун)* Ер кўм-кўк бўлишини кўрмадингизми?! Дарҳақиқат, Оллоҳ Меҳрибон ва Огоҳ Зотдир. 64. Осмонлардаги ва Ердаги бор нарса Уникидир. Дарҳақиқат, Оллоҳнинг Ўзигина Беҳожат ва ҳамду сано Соҳибидир. 65. Оллоҳ сизларга Ердаги нарсаларни ва денгизда Унинг амри билан сузиб кетаётган кемаларни бўйсундириб қўйганини ҳамда Ўзи осмонни Ерга қулаб тушишдан тутиб туришини, магар *(осмон)* Унинг изни-иродаси билангина *(қулаши мумкинлигини)* кўрмадингизми?! Дарҳақиқат, Оллоҳ одамларга Меҳрибон ва Раҳмлидир. 66. У сизларга ҳаёт берган, сўнгра *(ажалларингиз етганида)* ўлим берадиган, сўнгра *(Қиёмат қойим бўлганида яна)* ҳаёт берадиган Зотдир. Дарҳақиқат, инсон куфрони неъмат қилгувчидир. 67. Биз барча миллатга қурбонлик қилиш *(қонунини)* буюрганмиз - улар ўша *(қонунга)* амал қилиб қурбонлик қилурлар. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, улар Сиз билан *(қурбонлик)* иши хусусида ҳаргиз талашмасинлар! Сиз *(одамларни)* Парвардигорингизга даъват қилинг! Албатта Сиз Тўғри Йўл устидадирсиз. 68. Агар улар Сиз билан мужодала қилсалар, у ҳолда айтинг: "Оллоҳ сизлар қилаётган *(ёмон)* ишларни жуда яхши Билгувчидир". 69. Оллоҳ Қиёмат Кунида сизлар ихтилоф қилиб ўтган нарсалар ҳақида ўртангизда ҳукм қилур. 70. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салаом)*, Сиз Оллоҳ осмон ва Ердаги бор нарсани билишини билмадингизми?! Албатта бу Китобда *(яъни, Лавҳул-Маҳфузда ёзиб қўйилгандир)*. Албатта бу Оллоҳга осондир. 71. Улар *(яъни, Курайш кофирлари)* Оллоҳни қўйиб У Зот *(илоҳ эканига)* бирон ҳужжат туширмаган ва ўзлари ҳам билмаган нарсаларга ибодат қиларлар. Бу золимлар учун бирон ёрдамчи йўқдир. 72. Қачонки уларга Бизнинг очиқ-равшан бўлган оятларимиз тиловат қилинса, кофир бўлган кимсаларнинг юзларида инкор *(аломатини)* сезурсиз. Улар, ўзларига Бизнинг оятларимизни тиловат қилаётган зотларга чанг

солишга яқин бўлурлар. *(Сиз уларга)* айтинг: "Энди мен сизларга бундан ҳам ёмонроқ нарсанинг хабарини берайми? *(У)* Оллоҳ кофир бўлган кимсаларга ваъда қилган дўзахдир. Нақадар ёмон оқибат у!" 73. Эй инсонлар, бир масал айтилгандир, бас, унга қулоқ тутингиз! - Аниқки, сизлар Оллоҳни қўйиб илтижо қилаётган бутлар агар барчалари бирлашганларида ҳам ҳатто бир дона чивинни ярата олмаслар, агар биронта чивин улардан бирон нарсани тортиб олса, уни *(ўша чивиндан)* қутқариб ҳам ола билмаслар. *(Демак, ўша бутлардан ҳожатини раво қилишни)* сўрагувчи *(мушрик)* ҳам, сўралгувчи *(бутлар)* ҳам ночор-нотавондир. 74. Улар Оллоҳнинг ҳақиқий қадри - улуғлигини билмадилар. Дарҳақиқат, Оллоҳ Кучли, Қудратлидир. 75. Оллоҳ фариштлардан ҳам элчилар танлар, инсонлардан ҳам. Дарҳақиқат, Оллоҳ Эшитгувчи, Кўргувчидир. 76. У Зот уларнинг олдиларидаги ва ортларидаги нарсаларни билур. Ва *(барча)* ишлар Ёлгиз Оллоҳга қайтарилур. 77. Эй мўминлар, рукуъ қилингиз, сажда қилингиз ва Парвардигорингизга ибодат қилиб, яхшилик қилингиз - шоядки нажот топгайсизлар. 78. Ва Оллоҳ *(Йўлида)* ҳақ жиҳод-ла жиҳод қилингиз! Унинг Ўзи сизларни *(шу муқаддас Дин учун)* сайлади ва бу Динда сизларга бирон ҳараж-танглик қилмади. Оталарингиз Иброҳимнинг Динини *(яъни, Исломни ушлангиз)!* Токи *(Қиёмат Кунида)* Пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун, сизлар эса *(барча динлардаги)* одамлар устида гувоҳ бўлишингиз учун *(Оллоҳнинг)* Ўзи сизларни илгари*(ги муқаддас Китобларида)* ҳам, мана шу *(Қуръонда)* ҳам мусулмонлар *(яъни, Ўзининг Динига бўйинсунувчилар)* деб атади. Бас, сизлар намозни тўкис адо этингиз, закотни *(ҳақдорларга)* ато этингиз ва Оллоҳга боғланингиз! У сизларнинг Хожангиздир. Бас, У Зот нақадар яхши Хожа ва нақадар яхши Мададкордир.

"МЎМИНУН" сураси (23)

Бир юз ўн саккиз оятдан иборат бу сура Маккада нозил қилингандир.

Сура Оллоҳ таолонинг борлиги ва бирлигига ҳамда Муҳаммад алайҳис-салом У Зотнинг сўнгги Пайғамбари эканлигига иймон келтирган мўминлар Фирдавс боғларига меросхўр бўлиш учун қайси амалларни қилиб, қайси амаллардан тийилишлари лозим эканлигини баён қилиш билан бошланади. Шу боисдан у "Мўминун - Мўминлар" деб аталгандир.

Бу сурада ҳам ўтмишдаги айрим пайғамбарлар ва уларга мушриклар томонидан етган озорлар зикр қилиниши билан Пайғамбар алайҳис-саломга Макка кофирларининг етказаётган азиятларидан тасалли берилади. Сураннинг меҳвари (ўқи) асосан бу дунёдаги ҳаёт инсоннинг узун умр йўлидаги биринчи - нисбатан жуда қисқа босқич эканини, бу босқич ўтилгандан кейин Охиратдаги абадий ҳаёт учун қайта тирилиш ҳақ экани атрофида айланади. Яна бу сурада ҳаётларини куфр билан ўтказган кимсаларнинг "сакаротул-мавт - ўлим талвасаси" чоғида тортадиган азоблари, ажаллари етиб - орзу-хаёллари пучга чиққан пайтида чекадиган афсус-надоматлари ҳам баён қилинади.

Сура одамлар икки тоифага - бахтли ва бадбахтларга бўлинадиган, ҳар қандай насл-насаб, қариндош-уруғчиликдан тониладиган, фақат иймон ва қилинган яхши амалгина фойда берадиган Қиёмат Куни ҳақида хабар бериш билан ниҳоя топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Дарҳақиқат, мўминлар нажот топдилар. 2. Улар намозларида *(қўрқув ва умид билан)* **бўйин эгувчи кишилардир. 3. Улар беҳуда - фойдасиз** *(сўз ва амаллардан)* **юз ўгиргувчи**

кишилардир. 4. Улар закотни *(адо)* қилгувчи кишилардир. 5. Улар авратларини *(ҳаромдан-зинодан)* сақлагувчи кишилардир. 6. Магар ўз жуфти ҳалолларидан ва қўлларидаги чўриларидангина *(сақланмайдилар)*. Бас, улар маломат қилинмаслар. 7. Энди ким шундан ўзгани *(яъни, зино ва шу каби Шариати Исломийяда ҳаром қилинган бошқа нарсаларни)* истаса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошгувчилардир. 8. Улар *(яъни, мўминлар)* ўзларига *(ишонилган)* омонатларга ва *(ўзгаларга)* берган аҳду паймонларига риоя қилгувчи кишилардир. 9. Улар *(барча)* намозларини *(вақтида адо этиб, қазо бўлишдан)* сақлагувчи кишилардир. 10-11. Ана ўшалар Фирдавс *(жаннатига)* меросхўр бўлгувчи ворислардир. Улар ўша жойда мангу қолурлар.

Изоҳ: Юқоридаги оятлардан маълум бўлишича мўминлар нажот топиб, бахт-саодатга эришишлари учун, Фирдавс жаннатига меросхўр бўлишлари учун мазкур фазилатларга эга бўлишлари лозим экан.

12. *(Қасамки)*, Биз инсонни *(яъни, Одам алайҳис-саломни)* лойнинг магзидан яратдик.

Изоҳ: "Лойнинг магзи"дан муроd - лой-ер жинсидаги барча моддалардир. Дарвоқеъ, замонавий тиббиёт ҳам инсон вужудида Ер жинсининг барча моддалари мавжуд эканини исботлайди.

13. Сўнгра уни *(яъни, барча инсонларни аввало)* мустаҳкам қароргоҳдаги *(яъни, бачадондаги)* нутфа-маний қилдик. 14. Сўнгра бу нутфадан лахта қонни яратиб, лахта қондан бир тишлам гўштни яратиб, бир тишлам гўштдан суякларни яратиб, бу суякларга гўштни "кийдирдик", сўнгра *(унга жон киргизиб, аввал бошдаги бир томчи сув - нутфадан бутунлай)* бошқа бир жонзот ҳолида пайдо қилдик. Бас, энг Гўзал Яратгувчи *(яъни, йўқдан Бор қилгувчи бўлмиш)* Оллоҳ Баракотли - Буюкдир.

Изоҳ: Ушбу оятда инсоннинг она қорнидаги бир томчи сувдан то тирик, комил инсонга айлангунигача кечган жараён Яратганнинг Ўз Илоҳий қалами билан аниқ-равшан қилиб чизиб берилди. Дарвоқеъ, Буюк Яратгувчи - Оллоҳдан ўзга ҳеч ким мазкур жараённи бу қадар ойдин ва муфассал баён қилишга қодир эмас.

15. Сўнгра шак-шубҳасиз, сизлар *(эй инсонлар)*, мана шундан *(яъни, яралиб, ҳаётга келганингиздан)* кейин *(ажалларингиз битгач)* албатта вафот топгувчидирсизлар. 16. Сўнгра шак-шубҳасиз, сизлар Қиёмат Кунида қайта тирилурсизлар. 17. *(Қасамки)* Биз сизларнинг устингизда етти йўлни *(яъни, етти қават осмонни)* яратдик. Биз Ўз халқимиздан гофил бўлмадик.

И з о ҳ: Муфассирлар айтишича, бу оятда етти қават осмонниг етти йўл деб аталишини шундай тушунмоқ мумкин: Оллоҳ таоло инсонни ва барча махлуқотни яратганидан сўнг уларнинг ҳолидан гофил бўлиб қолгани йўқ, балки уларга ризқу рўз ёгилиб туриши учун устларида етти йўл - етти осмонни пайдо қилди.

18. Ва Биз осмондан *(аниқ)* ўлчов билан сув *(ёмгир-қор)* ёгдириб, уни Ерга жойлаб қўйдик. Шак-шубҳасиз, Биз уни кетказишга ҳам Қодирдирмиз. 19. Сўнг Биз сизлар учун у *(сув)* ёрдамида хурмо ва узум богларини пайдо қилдик. Сизлар учун у *(богларда)* яна кўп мевалар бўлур, сизлар улардан ейсизлар. 20. Яна *(Биз сизлар учун)* Тури Сайно *(тоги)*дан чиқадиган ёгли ва егувчилар учун *(нон)* хуруш бўлган ҳолда ўсадиган бир дарахтни *(яъни, зайтунни яратдик)*. 21. Албатта сизлар учун чорва молларида ҳам ибрат бордир - Биз сизларни уларнинг қорнидаги сут билан сугорурмиз, яна сизлар учун уларда *(юнгларидан кийимлар тўқиш, миниш каби)* кўп фойдалар бордир, шунингдек улар*(нинг гўшт-ёглари)*дан ейсизлар. 22. Яна уларнинг устида ва *(дарё-денгизларда эса)* кемаларда юк ташийсизлар. 23. Дарҳақиқат, Биз Нуҳни ўз қавмига пайгамбар қилдик. Бас, у: "Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилинглар! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Ахир қўрқмайсизларми", деди. 24. *(Шунда)* унинг қавмидан кофир бўлган кимсалар: "Бу ҳам худди сизларга ўхшаган одам. *(Фақат)* сизлардан устун бўлиб олмоқчи. Агар Оллоҳ *(пайгамбар юборишни)* хоҳласа, эди фаришталарни туширган бўлур эди. Бизлар бу *(Нуҳ айтаётган "Оллоҳ Якка-Ягонадир", деган сўз)*ни аввалги ота-боболаримиздан эшитган эмасмиз. 25. У *(яъни, Нуҳ)* фақат бир жинни бўлган одамдир. Бас, унга бир *(оз)* вақтгача кўз тутинглар, *(агар шу сўзидан қайтмас экан ўлдириб юборурсизлар)*", дедилар. 26. *(Нуҳ)* айтди: "Парвардигорим, улар мени ёлгончи қилганлари сабабли Ўзинг менга ёрдам қилгин *(ва уларни ҳалок қилгин)*". 27. Бас, Биз унга ваҳий қилдик - Бизнинг кўз ўнгимизда *(яъни, ҳифзу-ҳимоямизда)* ва Бизнинг ваҳий-таълимимиз билан бир кема ясагин! Бас, қачон Бизнинг фармонимиз келиб, таннурдан *(олов ўрнига)* фавворалар отилган вақтида у кемага ҳар *(жонивордан)* бир жуфтдан ва аҳли-оилангни солгин. Лекин *(кофирлардан)* қайси кимсалар устида Бизнинг Сўзимиз *(яъни, сувга гарқ бўлиши ҳақидаги ҳукмимиз)* ўтган бўлса *(уларни тарк қилгин)* ҳамда у золим кимсалар ҳақида *(яъни, уларга нажот беришимни сўраб)* Менга хитоб-илтижо қилмагин. Улар шак-шубҳасиз, гарқ қилингувчидирлар.

И з о ҳ: Айрим саҳобалар "таннур"дан муроқ барча Ер юзи, деган фаразни ҳам айтганлар. Шунинг учун биз Ҳуд сурасининг 40-оятида таннурни Ер деб ҳам таржима қилганмиз.

28. Энди қачон ўзинг ва сен билан бирга бўлган кишилар кема устида жойлашиб олгач, айтгин: "Бизларни золим қавмдан қутқарган Оллоҳга ҳамду сано бўлсин". 29. Яна айт: "Парвардигорим, мени бир муборак манзилга туширгин. Сен Ўзинг энг яхши *(манзилларга)* Туширгувчисан". 30. Албатта бунда *(яъни, Нуҳ ва унинг қавми можаросида)* оят-ибратлар бордир. Биз имтиҳон қилгувчидирмиз. 31. Сўнгра Биз улардан кейин бошқа асрларни *(яъни, авлодларни - Од қабиласини)* пайдо қилдик. 32. Бас, уларга ўзларидан бўлган бир пайғамбарни *(яъни, Ҳудни)* юбордик. *(У айтди)*: "Оллоҳга ибодат қилинглар! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Ахир қўрқмайсизларми?!" 33. Унинг қавмидан кофир бўлган, Охиратдаги мулоқотни ёлғон деган ва Биз ҳаёти дунёда бой-бадавлат қилиб қўйган кимсалар дедилар: "Бу ҳам худди сизларга ўхшаган одам. У ҳам сизлар ейдиган нарсадан ейди, сизлар ичадиган нарсадан ичади. 34. Қасамки, агар сизлар ўзингизга ўхшаган одамга итоат қилиб *(ўз бутларингиздан кечсангизлар)* у ҳолда албатта зиён кўргувчидирсизлар. 35. У сизларга ўлиб тупроқ ва суякларга айланганингиздан кейин албатта *(қабрларингиздан)* чиқарилгувчидирсизлар, деб ваъда бермоқдами? 36. Сизларга ваъда қилинаётган нарса жуда-жуда узоқдир. 37. Ҳаёт фақат *(шу)* дунёдаги ҳаётимиздир *(Айримларимиз)* ўлсак, *(бошқаларимиз)* ҳаётга келаверамиз. Биз ҳеч қайта тирилгувчи эмасмиз. 38. У *(яъни, Ҳуд)* фақат Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиган бир кимсадир. Бизлар унга ҳеч иймон келтиргувчи эмасмиз. 39. *(Шунда Ҳуд)* айтди: "Парвардигорим, мени ёлғончи қилганлари сабабли Ўзинг менга ёрдам қилгин *(ва уларни ҳалок қилгин)*". 40. *(Оллоҳ)* деди: "Озгинадан кейин улар албатта надомат қилгувчиларга айланиб қолурлар". 41. Бас, ҳақли равишда уларни *(даҳшатли)* қичқириқ тутиб, Биз уларни хас-хашакка айлантирдик. У золим қавмга ҳалокат бўлгай. 42. Сўнгра улардан кейин бошқа асрларни *(авлодларни)* пайдо қилдик. 43. Бирон миллат-авлод ўз ажалидан ўзиб ҳам кета олмас, *(уни)* кетга ҳам сура билмас. 44. Сўнгра Биз пайдар-пай пайғамбарлар юбордик. Ҳар қачон бирон миллатга ўз пайғамбарлари келса, уни ёлғончи қилдилар. Бас, Биз уларни *(яъни, у иймонсиз миллатларни)* бирин-кетин *(ҳалок қилдик)* ва уларни *(кишилар ўртасида кўчиб юрадиган)* гапга айлантириб қўйдик. Бас, иймон келтирмайдиган

қавмга ҳалокат бўлгай. 45-46. Сўнгра Биз Мусо ва унинг биродари Ҳорунни Ўз оят-мўъжизаларимиз ва очиқ ҳужжат билан Фиръавн ва унинг одамларига пайғамбар қилиб юборган эдик, улар кибр ҳаво қилдилар. Улар мутакаббир қавм эдилар. 47. Улар айтдилар: "Ўзимизга ўхшаган икки кишига иймон келтирурмизми?! Ҳолбуки, уларнинг қавми *(яъни, бани Исроил)* бизларнинг қулларимиз-ку". 48. Бас, улар *(Мусо ва Ҳорунни)* иккисини ҳам ёлғончи қилишиб, ҳалок қилингувчилардан бўлдилар. 49. Дарҳақиқат, Биз Мусога *(бани Исроил қавми)* ҳидоят топиши учун Китоб - Тавротни ато этдик. 50. *(Кейин)* Биз Марямнинг ўғли *(Ийсони отасиз дунёга келтириш билан)* ва унинг онаси *(Марямни эрсиз фарзандли қилиш билан Бизнинг қудратимизга далолат қиладиган)* оят-аломат қилдик ва иккисини бир оқар сувли баланд-кўркам қароргоҳга жойладик. 51. *(Юборган барча пайғамбарларимизга шундай дедик)*: "Эй пайғамбарлар, ҳалол-пок таомлардан енглар ва яхши амаллар қилинглар! Албатта Мен қилаётган амалларингизни Билгувчидирман. 52. Шак-шубҳасиз, *(барчангизнинг)* миллатингиз *(яъни, динингиз)* бир миллат *(яъни, Исломдир)*. Мен эса сизларнинг Парвардигорингиздирман, бас, Мендангина қўрқингиз!". 53. Сўнг *(одамлар)* ишларини *(яъни, динларини)* бўлакларга бўлиб юбордилар. Ҳар бир ҳизб - гуруҳ ўз олдиларидаги нарса *(дин)* билан хурсанддирлар *(яъни, ҳар бир ҳизб ўзини ҳақ, бошқаларни эса ноҳақ деб даъво қилади)*. 54. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз *(маълум)* вақтгача уларни ўз ғафлатларида қолдиринг! 55-56. Улар Биз уларга бераётган мол-давлат ва болаларни ўзлари учун яхшиликларни тезлатишимиз деб ўйлайдиларми?! Йўқ, улар *(буни ғафлатлари янада зиёда бўлиши учун қилинаётганини)* сезмайдилар. 57. Албатта Парвардигорларидан қўрқиб хавфда тургувчи кишилар; 58. Парвардигорларининг оятларига иймон келтирадиган кишилар; 59. Парвардигорларига ширк келтирмайдиган кишилар; 60. *(Қиёмат Кунида ҳисоб-китоб учун)* Парвардигорларига қайтгувчи эканликларидан диллари қўрқиб турган ҳолда *(камбағал-бечораларга)* садақалар берадиган кишилар; 61. Ана ўшаларгина *(барчадан)* ўзгувчи бўлган ҳолларида яхшиликлар қилишга шошурлар. 62. Биз ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмасмиз. Бизнинг даргоҳимизда фақат ҳақни сўзлайдиган китоб *(яъни, ҳар бир банданинг номайи аъмоли)* бордир. Уларга *(Қиёмат Кунида яхшиликларини яшириш ё ёмонликларини ошириш билан)* зулм қилинмас. 63. Йўқ,

(кофирларнинг) диллари бундан *(яъни, юқорида мазкур бўлган мўминларнинг фазилатларидан)* ғафлатдадир. Улар учун бундан бошқа *(динсизлик, риёкорлик, ширк ва дилозорлик каби)* ўзлари қилувчи бўлган амаллари бордир. 64. То қачон Биз уларнинг боёнларини азобга гирифтор қилганимизда *(яъни, мол-давлатларини кетказиб, оч-ялангоч қилиб қўйганимизда)* баногоҳ улар фарёд қилиб қолурлар. 65. *(Шунда Биз дермиз)* "Бугун энди фарёд қилмангиз! Аниқки, сизларга Биз томонимиздан *(ҳеч қандай)* ёрдам бўлмас. 66. *(Чунки)* сизларга Менинг оятларим тиловат қилинганида сизлар кетингизга тисланган эдингиз. 67. *("Байтуллоҳ бизларники", деб)*, у билан мутакаббирлик қилган ҳолларингизда тунги суҳбатларингизда *(Қуръон хусусида)* беҳуда сўзлар айтар эдингизлар". 68. Ахир улар бу Сўзни - Қуръонни тадаббур - тафаккур қилиб кўрмадиларми ёки уларга аввал ўтган ота-боболарига келмаган нарса келдими *(яъни, уларнинг ота-боболарига ҳам Оллоҳ тарафидан пайғамбарлар Китоблар билан келган эди-ку)*?! 69. Ёки ўз пайғамбарларини *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломнинг ишончли, ростгўй ва хушхулқ инсон эканини)* танимай, шу сабабли уни инкор қилгувчи бўлдиларми?! 70. Ёхуд: "Унда *(Муҳаммадда)* жиннилик бор", дедиларми?! Йўқ, *(Муҳаммад алайҳис-салом)* уларга Ҳақ *(Дин)*ни келтирди. Уларнинг кўплари эса Ҳақни ёмон кўргувчилардир. 71. Агар Ҳақ - Қуръон уларнинг ҳавойи нафсларига эргашса эди *(яъни, унда "Оллоҳнинг шериклари бор", деган гап келса эди)* албатта осмонлар, Ер ва улардаги бор жонзот бузилиб-ҳалок бўлган бўлур эди. Йўқ, Биз улар учун Эслатма келтирдик, улар эса ўзларига *(келган)* Эслатмадан юз ўгиргувчидирлар. 72. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, ёки Сиз улардан харж *(яъни, Қуръон оятларини келтирганингиз эвазига ҳақ)* сўрамоқдамисиз? *(Йўқ, Сиз ҳаргиз улардан харж сўрамассиз, чунки)* Парвардигорингизнинг харжи - берадиган ажри яхшироқдир. У энг яхши Ризқ бергувчидир. 73. Шак-шубҳасиз, Сиз уларни фақат Тўғри Йўлга даъват қилурсиз. 74. Албатта Охиратга иймон келтирмайдиган кимсалар ушбу Йўлдан озгувчидирлар. 75. Агар Биз уларга раҳм-шафқат қилсак ва улар билан бўлган нарсани *(қаҳатчиликни)* аритсак шак-шубҳасиз, улар яна ўз туғёнларида адашиб-улоқиб юришга қайтурлар. 76. Мана Биз уларни азоб-очарчилик билан ушладик. Улар эса на Парвардигорга бўйин эгдилар ва на тавба-тазарруъ қилдилар. 77. То қачон Биз уларга қаттиқ азоб-қаҳатчилик дарвозасини очиб қўйганимизда эса баногоҳ улар ноумид бўлгувчидирлар.

Изоҳ: Ривоят қилинишича, Макка мушриклари Пайғамбар алайҳис-саломнинг қарғишларига учраб очарчиликка гирифтор бўлишиб ҳам иймон келтирмаганларидан кейин уларга "азоб дарвозаси очилиб", бу қаҳатчилик етти йилга чўзилган экан. Шунда Қурайш катталари бутунлай умидсизликка тушиб, Пайғамбар алайҳис-саломнинг ҳузурларига келишганида Оллоҳ таоло у зотга агар бу кофирларга яна мўл-кўлчилик берилса, улар яна ўзларининг кибру туғёнларига қайтишлари ҳақида хабар беради. Юқорида мазкур бўлган уч ояти карима шу ҳақдадир.

78. *(Оллоҳ)* **сизлар учун қулоқ***(лар)***ни, кўзларни ва дилларни пайдо қилган Зотдир. Сизлар эса камдан-кам шукр қилурсизлар. 79. У сизларни Ер юзида яратиб -** *(таратган)* **Зотдир. Ва Сизлар** *(Қиёмат Кунида)* **Унинг ҳузурига тўпланурсизлар. 80. У ҳаёт ва ўлим берадиган Зотдир. Кеча ва кундузнинг ўзгариб туриши ҳам Унинг** *(измидадир)*. **Ахир ақл юргизмайсизларми?! 81. Йўқ, улар ҳам худди аввалгилар айтган сўзларни айтдилар - 82.- Улар дедилар: "Бизлар ўлиб тупроқ ва суякларга айланган вақтимизда яна қайта тирилгувчимизми?! 83. Дарвоқеъ, бизларга ҳам, илгари ота-боболаримизга ҳам мана шу ваъда қилинган. Бу фақат аввалгиларнинг афсоналаридир". 84.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* **айтинг: "Агар билгувчи бўлсанглар** *(айтинглар-чи)*, **бу Ер ва ундаги бор жонзот кимники?" 85. Улар: "Оллоҳникидир", дерлар. Айтинг: "Бас,** *(шундан)* **ибрат-эслатма олмайсизларми?! 86. Айтинг: "Етти осмоннинг Хожаси ва улуғ Аршнинг Соҳиби кимдир?" 87. Улар: "***(Буларнинг барчаси)* **Оллоҳникидир", дерлар. Айтинг: "Ахир қўрқмайсизларми?!" 88. Айтинг: "Агар билсанглар** *(айтинглар-чи)*, **барча нарсанинг подшоҳлиги Қўлида бўлган, Ўзи** *(барчага)* **Ҳомийлик қиладиган, Унга қарши биров ҳомийлик қила олмайдиган Зот кимдир?" 89. Улар: "***(Бундай подшоҳлик ва ҳомийлик Ёлғиз)* **Оллоҳникидир," дерлар. Айтинг: "Қандай алданмоқдадирсизлар-а?!". 90. Йўқ, Биз уларга** *(қайта тирилишлари ҳақидаги)* **Ҳақиқатни келтирдик. Улар эса шак-шубҳасиз, ёлғончидирлар. 91. Оллоҳнинг боласи йўқдир ва У Зот билан бирга бирон илоҳ йўқдир. Акс ҳолда албатта ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарса билан кетиб, бир-бирларидан устун бўлиб олур эдилар** *(яъни, ҳар бир "илоҳ" ўз ҳукмини ўтказмоқни истаб, натижада Еру осмон бузилиб кетган бўлур эди)*. **Оллоҳ улар айтаётган шериклардан Покдир. 92. У ғайбу-шаҳодатни** *(яъни, йўғу-борни)* **Билгувчидир. Бас, У** *(мушрикларнинг)* **ширкларидан Юксакдир. 93. Айтинг: "Парвардигорим, агар Сен менга**

(кофирларга) ваъда қилинаётган *(азоб)*ни *(уларнинг устига тушганини)* кургузадиган бўлсанг; 94. Парвардигорим, *(ўша соатда)* мени у золим қавм билан бирга қилмагин". 95. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, албатта Биз Сизга уларга ваъда қилаётган *(азобимизни)* кўргизишга Қодирдирмиз. 96. Сиз *(улар қилаётган)* ёмонликни энг гўзал сўзлар билан дафъ қилинг! Биз улар *(Сизни масхаралаб)* айтаётган гапларни жуда яхши Билгувчидирмиз. 97. Ва айтинг: "Парвардигорим, мен Сендан шайтонларнинг васвасаларидан паноҳ беришингни сўрайман. 98. Яна мен Сендан *(ё)* Парвардигорим, улар менинг ёнимга *(яқин)* келишларидан паноҳ беришингни сўрайман". 99. То қачон улардан *(яъни, мушриклардан)* бирига ўлим келганида: "Парвардигор, мени *(яна ҳаётга)* қайтаринглар. 100. Шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсам", деб қолур. Йўқ, *(у асло ҳаётга қайтарилмас)*. Дарҳақиқат, бу *(ҳар бир жон бераётган кофир)* айтадиган сўздир. Уларнинг ортида то қайта тириладиган Кунларигача *(дунёга қайтишларидан тўсиб турадиган)* бир тўсиқ бўлур.

И з о ҳ: Нақл қилишларича, умрини куфру-туғён билан совурган кимсага ўлим соати келганида шу қадар надомат ва азобга дучор қилинадики, бу азоб олдида дунёдаги барча уқубатлар роҳат бўлиб қолади. Энди у жаҳаннамда шундай азобларга гирифтор бўладики, бунинг олдида ўлаётган соатида кўрган азоби роҳатга айланиб қолади.

101. Бас, қачон сур чалинганида *(яъни, Қиёмат қойим бўлганида)* ана у Кунда уларнинг ўрталарида ҳеч қандай насл-насаб қолмас ва улар бир-бирлари билан савол-жавоб ҳам қила олмаслар. 102. Энди кимнинг *(яхшилик)* мезонлари *(ёмонлик-гуноҳларидан)* оғир келса бас, ана ўшалар нажот топгувчидирлар. 103. Кимнинг мезонлари енгил бўлса *(яъни, ёмонликлари яхши амалларини босиб кетса)* бас, ана ўшалар ўзларига зиён қилибдилар. Улар жаҳаннамда мангу қолгувчидирлар. 104. Уларнинг юзларини ўт куйдириб, бадбашара бўлиб қолгувчидирлар. 105. *(Уларга)*: "Сизларга Менинг оятларим тиловат қилинган эмасмиди, сизлар уларни ёлғон деган эмасмидингизлар?!" *(дейилганида)*, 106. Улар дедилар: "Парвардигоро, бадбахтлигимиз бизлардан голиб келиб, адашган қавм бўлиб қолган эканмиз. 107. Парвардигоро, бизларни *(жаҳаннамдан ҳаёти дунёга)* чиқаргин. Бас, агар яна *(куфр ва туғёнга)* қайтсак, у ҳолда шак-шубҳасиз, *(ўз жонимизга)* жабр

қилгувчидирмиз *(яъни, жаҳаннам азобига лойиқдирмиз)*". 108. *(Оллоҳ)* айтди: "*(Жаҳаннамда)* хор бўлингиз ва Менга сўз қотмангиз! 109. Аниқки, Менинг бандаларимдан бир гуруҳ бор эди. Улар: "Парвардигоро, *(Ўзингга)* иймон келтирдик. Бас, Сен бизларни мағфират қилгин ва бизларга раҳм айла: Сен Ўзинг раҳм қилгувчиларнинг Яхшироғидирсан", дер эдилар. 110. Сизлар эса уларни масхара қилдингиз, ҳатто улар*(нинг устидан кулиш)* сизларга Мени эслашни унутдирди. Сизлар улардан кулган эдингиз. 111. Мен бугун уларни *(сизларнинг озор-азиятларингизга)* сабр-тоқат қилганлари сабабли мукофотладим - улар ҳақиқий *(бахт-саодатга)* эришгувчидирлар". 112. "Ерда қанча йил турдинглар?", деди *(Оллоҳ)*. 113. Улар айтдилар: "Бир кун ё ярим кун. Санаб тургувчи *(фариштадардан)* сўрагин". 114. *(Оллоҳ)* деди: "Агар сизлар биладиган бўлсангизлар *(дунёда)* жуда оз турдингизлар *(яъни, сизлар абадий деб ўйлаган дунё аслида жуда оз муддатдир)*. 115. Ёки сизларнинг гумонингизча Биз сизларни беҳуда *(яъни, дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, Охиратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда)* яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизлармиѓ?" *(Ундоқ эмас)*! 116. Зотан, Ҳақ Подшоҳ - Оллоҳ *(бирон ишни беҳуда қилишдан)* Юксакдир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар У - улуғ Арш Соҳиби бордир. 117. Ким ўзи учун ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган ҳолда Оллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга дуо-илтижо қилса, бас, унинг ҳисоб-китоби Парвардигорининг ҳузурида бўлур. Албатта кофир бўлган кимсалар нажот топмаслар. 118. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Парвардигорим, Ўзинг *(гуноҳларимизни)* мағфират қилгин ва *(ҳолимизга)* раҳм айла. Сен Ўзинг раҳм қилгувчиларнинг Яхширогидирсан".

НУР сураси (24)

Бу сура Мадинада нозил бўлган. У олтмиш тўрт оятдир. Суранинг асосий мавзуси Исломий жамиятдаги ахлоқ-одоб қонун-қоидаларидир. Унда мусулмонларнинг бир-бирлари билан ўрнатишлари лозим бўлган муносабатларидан тортиб, Исломий оилаларнинг ичида барпо қилиниши зарур бўлган тоза иқлим ва покиза муҳит йўл-йўриқларигача батафсил баён қилинади.

Яна бу сурада жамиятни фисқу-фасоддан тоза тутиш, насл-насабларни аралашиб кетишидан сақлаш ва инсонларни ахлоқий тубанликдан асраш учун Оллоҳ таоло фарз қилиб қўйган айрим жазо чоралари, жумладан зинокорликка қарши, туҳматчиликка қарши Исломий жазо чоралари ҳам зикр қилинади. Ва бу билан Ислом назарида киши учун бировнинг молини ноҳақ олиш қандай ҳаром саналса, бировнинг ор-номусига тегиш ёки ноҳақ обрўсини тўкиш ҳам шундай ҳаром эканлиги уқтирилади.

Суранинг "Нур" деб номланишининг сабаби биринчидан ундан Оллоҳ Еру осмонларнинг нури - асл ижодкори эканлиги хусусидаги гўзал ояти карималар ўрин олгани бўлса, иккинчидан бу сурада инсонлар бахтли, саодатли ҳаёт кечиришлари учун нур каби зарур бўлган Илоҳий аҳкомлар мавжудлигидир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Ушбу сура)* **Биз нозил қилган ва** *(ундаги ҳукмларни мусулмонлар зиммасига)* **фарз қилган бир сурадир. Сизлар эслатма-ибрат олишингиз учун Биз унда очиқ-равшан оятларни нозил қилдик. 2. Зинокор аёл ва зинокор эркак - улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар. Агар сизлар Оллоҳга ва Охират Кунига иймон келтиргувчи бўлсангизлар Оллоҳнинг** *(бу)* **ҳукмида** *(яъни, зинокорларни дарралашда)* **сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат** *(туйғулари)* **тутмасин! Уларнинг азобланишига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар!**

И з о ҳ: Бу ҳукм бўйдоқ яъни, оиласиз зинокорларнинг жазосидир. Агар оилали эркак ва хотинлар зинокорлик қилсалар, уларнинг жазолари тошбўрон қилиб ўлдирилмоқдир.

3. Зинокор эркак фақат зинокор аёлга ёки мушрикага уйланур. Зинокор аёлга фақат зинокор эркак ёки мушрик уйланур. Ва бу *(яъни, зинокор аёлларга уйланиш)* **мўминларга ҳаром қилингандир. 4. Покиза аёлларни** *(зинокор)* **деб бадном қилиб, сўнгра** *(бу даъволарига)* **тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар***(ни)* **- уларни саксон дарра уринглар ва ҳеч қачон улар томонидан бирон гувоҳликни қабул қилманглар! Улар фосиқ-итоатсиз кимсалардир.**

И з о ҳ: Маълумки, жамият интизомини издан чиқарадиган нарсалардан бири турли миш-мишлар тарқатишдир. Шунинг учун Ислом динида бировлар ортидан миш-миш тарқатиш, бировни бузуқликда айблаб тош отиш фосиқлик деб аталиб, қаттиқ қораланади ва бундай кимсаларга мазкур оятдаги жазо берилади ҳамда уларни гувоҳликлари ўтмайдиган ёлғончилар деб эълон қилинади. Шу ўринда бир савол туғилиши табиий: Бир одам ёлғиз ўзи ёки тўртта эмас, масалан учта гувоҳ билан бирга бировнинг зино қилаётгани устидан чиқиб қолса ва бу воқеа - жиноятдан ўзгаларни огоҳ қилиб қўйса бунинг нимаси ёмон, нега у жазоланиши керак? Муфассирлар бу саволга шундай жавоб берадилар: Биринчидан, у ўзи гувоҳ бўлган нопок манзарани кўтариб келиб бир тоза мажлисни ҳам ифлос қилмаслиги яхшироқдир. Иккинчидан, агар ўша зинокор эркак ё аёл жиноятлари очилмай қолгани сабабли бандалар берадиган жазодан қутулиб қолсалар ҳам, ҳеч шак-шубҳа йўқки, улар ҳар ерда Ҳозиру Нозир - Оллоҳ таоло берадиган жазодан ҳеч қаёққа қочиб қутула олмайдилар.

5. Магар шу *(қилмишларидан)* **сўнг тавба қилиб,** *(ўзларини)* **тузатган кишиларгина** *(фосиқ эмасдирлар)*. **Зеро, Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 6. Ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаган ҳолида ўз хотинларини** *(бузуқ деб)* **бадном қиладиган кимсалар - уларнинг ҳар бири ўзини шак-шубҳасиз, ростгўйлардан, деб Оллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик бериши** *(вожибдир)*. **7.** *(У эрнинг)* **бешинчи** *(гувоҳлиги эса)* **агар ёлғончилардан бўлса устига Оллоҳнинг лаънати** *(тушишини сўрамоқлигидир)*.

И з о ҳ: Бировнта гувоҳсиз ўз хотинини бузуққа чиқарган эр бу даъвосининг рост эканлигига Оллоҳ номига тўрт марта қасам ичиши гўё унинг учун тўртта гувоҳнинг ўрнига ўтади ва бешинчисида агар хотинига туҳмат қилган бўлса, Оллоҳнинг

лаънатига дучор бўлишини айтади. Мана шу қасамлари билан у саксон даррадан қутулади ва навбат бадном қилинган хотинга келади. Энди у зинокорлик жинояти учун белгиланган жазога дучор бўлмаслиги учун қуйидаги икки оятда зикр қилинган қасамни ичиши лозим, акс ҳолда зинокор деб топилиб жазоланади.

8. Ундан *(яъни, аёлдан)* **азоб-жазони: "У** *(яъни, эри)* **шак-шубҳасиз, ёлғончилардан", деб Оллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик бериши дафъ қилур. 9.** *(У аёлнинг)* **бешинчи** *(гувоҳлиги эса)* **агар** *(эри)* **ростгўйлардан бўлса, ўзининг устига Оллоҳнинг ғазаби** *(тушишини сўрамоқлигидир).* **10. Агар сизларга Оллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаса ва Оллоҳ тавбаларни Қабул қилгувчи, ҳикмат Соҳиби бўлмаса эди** *(албатта ё эр, ё хотин шарманда қилинган бўлур эди).* **11. Шак-шубҳасиз, бу бўҳтонни** *(вужудга)* **келтирган кимсалар ўзларингиздан бўлган бир тўдадир. Уни сизлар ўзларингиз учун ёмонлик деб ўйламанглар, балки у сизлар учун яхшиликдир. Улардан** *(яъни, бўҳтончилардан)* **ҳар бир киши учун ўзи касб қилган гуноҳ***(га яраша жазо)* **бордир. Уларнинг орасидаги** *(гуноҳнинг)* **каттасини кўтарган кимса учун улуғ азоб бордир.**

И з о ҳ: Ушбу оятда мазкур бўлган "бўҳтон"нинг тарихи бундайдир: Пайғамбар алайҳис-салом саҳобалари билан бирга бир ғазотдан қайтар эканлар, Мадинага яқинлашиб қолганларида қоронғу кечада аскарларга бир оз ором олиш учун рухсат берадилар. Шунда Пайғамбар алайҳис-салом билан бирга ғазотга чиққан жуфти ҳалоллари Оиша - (Оллоҳ ундан рози бўлсин) ҳожат учун чиқиб аскарлардан анча узоққа кетиб қолади ва қайтиб келганида карвон жилиб кетганини кўради. Шу пайт одатда карвон ортидан қолган нарсаларни йиғиб юриш учун тайинланган бир саҳоба келиб қолиб Оишани кўриб танийди ва уни туяга миндириб ўзи яёв ҳолда карвоннинг ортидан етказиб боради. Буни кўрган айрим мунофиқ кимсалар Оишани бадном қилишиб турли миш-мишлар тарқатадилар. Бу миш-мишларни эшитган Пайғамбар алайҳис-салом ҳам, Оиша ҳам, Абу Бакр Сиддиқ ҳам ва бошқа мусулмонлар ҳам ниҳоятда изтиробда қоладилар. Орадан тўла бир ой вақт ўтгандан сўнггина Пайғамбар алайҳис-саломга юқорида мазкур бўлган ва қуйида зикр қилинадиган оятлар нозил бўлиб, Оишанинг поклиги аниқланади ва бу миш-миш бўҳтон эканлиги ошкор бўлади ҳамда бўҳтончиларнинг ҳар бири учун қилган гуноҳига яраша жазо берилиши, уларнинг каттаси бўлган мунофиқ учун эса Охиратда улуғ азоб борлиги ҳақида хабар берилади. Оллоҳ таоло бу можарони мўминлар учун ёмонлик эмас, балки яхшилик - Оишанинг Каломуллоҳ гувоҳлигида оқланиши деб атайди.

12. *(Эй мўминлар),* сизлар *(бу бўҳтонни)* эшитган пайтингизда мўмин ва мўминалар бир-бирлари ҳақида яхшиликни ўйлаб: "Бу очиқ бўҳтон-ку!", десалар бўлмасмиди?! 13. Улар *(яъни, Оишани бадном қилмоқчи бўлганлар ўз даъволарига)* тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?! Бас, агар гувоҳ келтира олмасалар, у ҳолда Оллоҳ наздида улар ёлғончидирлар. 14. Агар сизларга дунё ва Охиратда Оллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаса эди, албатта сизларни тинмай сўзлаган нарса - бўҳтонларингиз сабабли улуғ азоб ушлаган бўлур эди. 15. Ўшанда сизлар уни тилдан тилга олиб, оғизларингиз билан ўзларингиз аниқ билмаган нарсани сўйлар ва буни енгил иш деб ўйлар эдингизлар. Ҳолбуки, у Оллоҳ наздида улуғ *(гуноҳдир).* 16. Уни эшитган пайтингизда: "Бу *(миш-мишни)* сўзлаш биз учун жоиз эмасдир. Эй Пок Парвардигор, бу улуғ бўҳтон-ку!", десангизлар бўлмасмиди?! 17. Агар мўмин бўлсангизлар ҳаргиз унга ўхшаган нарсаларга қайтмасликларингизни Оллоҳ сизларга панд-насиҳат қилур. 18. Ва Оллоҳ сизларга Ўз оятларини баён қилур. Оллоҳ илм ва ҳикмат Соҳибидир. 19. Албатта иймон келтирган кишилар ўртасида бузуқликлар ёйилишини истайдиган кимсалар учун дунёда ҳам, Охиратда ҳам аламли азоб бордир. Оллоҳ билур, сизлар билмассиз. 20. Агар сизларга Оллоҳнинг фазлу марҳамати ва Оллоҳнинг Меҳрибон ва Раҳмли экани бўлмаса эди *(албатта У Зот сизларга бу қилмишларингиз учун азобни нақд қилган бўлур эди).* 21. Эй мўминлар, шайтоннинг изидан эргашманглар! Ким шайтоннинг изидан эргашса бас, албатта *(шайтон)* бузуқлик ва ёмонликка буюрур. Агар сизларга Оллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаса эди, ҳеч қачон сизлардан бирон киши *(бирон гуноҳдан)* пок бўлмас эди. Лекин Оллоҳ *(фазлу марҳамати билан)* Ўзи хоҳлаган кишини поклар. Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир. 22. Сизлардан фазл ва кенг-катта *(мол-давлат)* эгалари қариндошларга, мискинларга ва муҳожирларга Оллоҳ Йўлида инфоқ-эҳсон қилмасликка қасам ичмасин, балки *(уларни)* афв қилиб, кечирсинлар! Оллоҳ сизларни мағфират қилишини истамайсизларми?! Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир.

Изоҳ: Бу оят Абу Бакр Сиддиқ (Оллоҳ ундан рози бўлсин) ҳақидадир. У киши қизи Оиша ҳақида миш-миш тарқатганлар орасида бўлгани учун ўзининг қариндошларидан бирига ёрдам бермасликка қасам ичган эди. Юқоридаги оят нозил бўлганидан сўнг дарҳол қасамини бузиб унга инфоқ-эҳсон қилган экан ҳамда қасамни бузганлик каффорат-тўловини ҳам тўлаган экан.

23. Албатта покиза, *(бузуқ ниятлардан)* бехабар, мўмина аёлларни бадном қиладиган кимсалар дунёда ҳам, Охиратда ҳам лаънатга дучор бўлдилар. Улар учун улуғ азоб бордир. 24. У Кунда - Қиёматда қилиб ўтган *(бўҳтонлари)* сабабли уларнинг тиллари ҳам, қўл ва оёқлари ҳам ўзларининг зиёнларига гувоҳлик берур. 25. Ўша Кунда Оллоҳ уларнинг ҳақиқий жазоларини комил қилиб берур ва улар Оллоҳнинг очиқ-равшан Ҳақиқат эканини билурлар. 26. Нопок аёллар нопок эрлар учундир *(яъни, лойиқдир)*, нопок эрлар нопок аёллар учундир. Покиза аёллар покиза эрлар учундир, покиза эрлар покиза аёллар учундир. Ана ўша *(покиза эрлар ва покиза аёллар)* уларнинг *(яъни, нопок эрлар ва нопок аёлларнинг)* айтаётган бўҳтонларидан покдирлар. Улар учун мағфират ва улуғ ризқ *(яъни, жаннат неъматлари)* бордир. 27. Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизгача кирмангиз. Мана шу сизлар учун яхшироқдир. Шояд эслатма-ибрат олсангизлар. 28. Энди агар у *(уй)*ларда ҳеч кимни топмасангизлар, у ҳолда то сизларга изн берилмагунча уларга кирмангиз! Агар сизларга "қайтинглар", дейилса *(яъни, киришга изн берилмаса)* қайтиб кетинглар! Шу сизлар учун энг тоза *(йўлдир)*. Оллоҳ қилаётган амалларингизни Билгувчидир. 29. *(Биров учун)* маскан бўлмаган *(меҳмонхона, карвонсарой каби)* сизлар фойдаланадиган уйларга *(изн сўрамасдан)* киришларингизда сизларга гуноҳ йўқдир. Оллоҳ ошкор қилаётган нарсангизни ҳам, яшираётган нарсангизни ҳам билур. 30. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, мўминларга айтинг, кўзларини *(номаҳрам аёлларга тикишдан)* тўссинлар ва авратларини *(ҳаромдан)* сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза *(йўлдир)*. Албатта Оллоҳ улар қилаётган ҳунарлардан Хабардордир. 31. Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини *(номаҳрам эркакларга тикишдан)* тўссинлар ва авратларини *(ҳаромдан)* сақласинлар! Ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини *(яъни, устларидаги либосларидан бошқа зеб-зийнатларини номаҳрамларга)* кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар! Улар зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига ё оталарига ё эрларининг оталарига ё ўғилларига ё эрларининг ўғилларига ё ўзларининг оға-иниларига ё оға-иниларининг ўғилларига ё опа-сингилларининг ўғилларига ё ўзлари *(каби)* аёлларга ё қўл остиларидаги чўриларга ё *(аёллардан)* беҳожат бўлган *(яъни, жуда кексайиб қолган ёки ақлсиз-девона)* эркак хизматкор-қулларга ё аёлларнинг авратларидан хабардор бўлмаган гўдакларгагина *(ўз*

зеб-зийнатларини кўрсатишлари жоиздир). Яна яширган зеб-зийнатлари билинсин учун оёқларини *(Ерга)* урмасинлар! Барчаларингиз Оллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шоядки *(шунда)* нажот топсангизлар. 32. Ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўриларингизнинг яхшиларини уйлаб қўйинглар. Агар улар камбағал бўлсалар, Оллоҳ уларни Ўз фазлу-карами билан бой-беҳожат қилур. Оллоҳ *(фазлу-карами)* Кенг, Билгувчидир. 33. Никоҳ *(учун лозим бўлган мол-давлатни)* топа олмаган кишилар то Оллоҳ уларни Ўз фазлу-карами билан бой-бадавлат қилгунича ўзларини *(ҳаромдан, зинокорликдан)* пок тутсинлар!! *(Эй мўминлар),* қўл остингиздаги қуллардан битим тузишни истайдиган кишилар бўлса, у ҳолда агар сизлар уларда яхшиликни *(яъни, диёнат, иймонни)* билсангизлар, улар билан битим тузинглар ва уларга Оллоҳнинг сизларга ато этган молидан ато этинглар!

Изоҳ: Маълумки, Ислом дини келган вақтида қулдорлик даври эди. Бинобарин мусулмонлар орасида ҳам хожалар ва қул-чўрилар бўлиши табиий ҳол эди. Лекин Ислом мусулмонларга қулларни озод қилишнинг бир қанча йўл-йўриқларини кўрсатган. Шулардан бири мукотаба - битим тузишдир. Унда озод бўлишни истаган қул ўз хожаси билан муайян миқдордаги пулни топиб бериб озод бўлиш ҳақида битим тузади. Мана шу битим тузилган соатидан бошлаб у қулнинг бўйни қулликда бўлса-да, қўли озод бўлади, яъни, келишилган миқдордаги пулни топиш учун хожасининг уйидан ташқарига чиқиб ишлаб юравериши жоиз бўлади. Қолаверса, юқорида зикр қилинганидек, Оллоҳ таоло хожаларга Ўзи уларга ато этган мол-дунёдан бериб, битим тузган қулларининг озод бўлишларига ёрдам қилишни буюради...

Покликни истаган чўриларингизни ҳаёти дунё нарсаларини истаб зинокорлик қилишга мажбурламанглар. Энди ким уларни мажбур этса, бас, албатта Оллоҳ мажбурлаганларидан сўнг *(у чўриларни)* Мағфират қилгувчи ва *(уларга)* Раҳм-Шафқат қилгувчидир.

Изоҳ: Бу оятнинг иккинчи қисми Абдуллоҳ ибн Салул деган мунофиқ ҳақида нозил бўлгандир. У пул-мол топиш учун ўзининг икки чўрисини зинокорлик қилишга мажбурлайди. Улар Пайғамбар алайҳис-салом ҳузурларига у мунофиқнинг устидан шикоят қилиб келганларида Оллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига юқоридаги сўзларни нозил қилади.

34. *(Эй мўминлар),* дарҳақиқат, Биз сизларга очиқ-равшан оятларни, сизлардан илгари ўтган зотлар тўғрисидаги мисолларни

ва тақводор кишилар учун панд-насиҳатни нозил қилдик. 35. Оллоҳ осмонлар ва Ернинг Нуридир *(яъни, уларнинг барчасини ёритиб, кўзга кўрсатиб - йўқдан бор қилиб тургувчидир).* У Зот нурининг *(мўмин банда қалбидаги)* мисоли худди бир токча, унинг устида бир чироқ, бу чироқ бир шиша ичида, у шиша гўё бир дур юлдузга ўхшайди. У *(чироқ)* на Шарқий ва на Ғарбий бўлмаган *(балки заминнинг қоқ марказидаги)* муборак зайтун дарахтининг *(мойидан)* ёқилур. Унинг мойи *(тиниқ, мусаффолигидан)* гарчи унга олов тегмаса-да *(атрофни)* ёритиб юборгудек. *(Олов теккач эса)* нур устига нур *(бўлур).* Оллоҳ Ўзининг *(бу)* Нурига Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Оллоҳ одамлар *(ибрат олишлари)* учун *(мана шундай)* мисоллар келтирур. Оллоҳ барча нарсани Билгувчидир. 36-37. *(У чироқ)* бир уйларда *(яъни, масжидларда ёқилурки),* Оллоҳ уларни баланд кўтариб *(бино)* қилинишига ва уларда Ўзининг номи зикр қилинишига изн берган *(яъни, амр қилган)* эди. У *(масжидларда)* эрта-ю кеч У Зотни поклайдиган кишилар бордирки, уларни на тижорат ва на олди-сотди Оллоҳни зикр қилишдан, намозни тўкис адо этишдан ва закотни *(ҳақдорларга)* ато этишдан машғул қила олмас. Улар диллар ва кўзлар *(нажот топишга умидворлик ва ҳалокатдан қўрқув ўртасида)* изтиробга тушиб қоладиган *(Қиёмат)* Кунидан қўрқурлар. 38. Улар Оллоҳ ўзларини қилган амалларининг энг гўзаллари сабабли мукофотлаши ва яна уларга Ўз фазлу-карами билан зиёда *(савоблар ато)* қилиши учун *(эрта-ю кеч Оллоҳни поклаб ибодат қилурлар).* Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур. 39. Кофир бўлган кимсаларнинг қилган амаллари эса саҳродаги саробга ўхшайди. Ташна одам уни сув деб ўйлар, то қачон унинг олдига келгач, ҳеч нарса эмаслигини кўрур ва Оллоҳни унинг *(яъни, қилган амалининг)* олдида топур. Бас, У Зот унинг ҳисоб-китобини комил қилур. Оллоҳ жуда тез ҳисоб-китоб қилгувчидир. 40. Ёки *(кофирларнинг қилган амаллари)* тўлқин устига тўлқин, яна унинг устидан *(қора)* булут қоплаб олган денгиздаги зулматларга ўхшайди. *(Улар)* устма-уст зулматлардир. У ўз қўлини чиқариб *(қараса, қоронғуликнинг қуюқлигидан)* уни кўришга яқин бўлмас. Кимга Оллоҳ нур *(иймон)* бермаса, бас, унинг учун *(ҳеч қандай)* нур бўлмас. 41. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Оллоҳга осмонлар ва Ердаги бор жонзот ҳам, *(самода)* саф тортган қушлар ҳам тасбеҳ айтиб - поклашини кўрмадингизми? Аниқки, *(Оллоҳ)* барчанинг дуо-ю тасбеҳини билиб турур. Оллоҳ уларнинг қилаётган *(барча)* ишларини Билгувчидир. 42. Осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги Оллоҳникидир. Ёлғиз Оллоҳга қайтиш

бордир. 43. Оллоҳ булутларни ҳайдашини, сўнгра уларни бирлаштиришини, сўнгра уларни устма-уст қилишини кўрмадингизми? Сўнг *(булут)* орасидан ёмғир чиқаётганини кўрурсиз. *(Оллоҳ)* осмондан - ундаги *(булутлар)* тоғидан дўл ёғдириб унинг *(зиёнини)* Ўзи хоҳлаган кишиларга етказур ва Ўзи хоҳлаган кишилардан нари кетказур. Унинг чақмоғининг ёруғлиги *(қараган)* кўзларни кетказгудек бўлур. 44. Оллоҳ кеча ва кундузни айлантириб турур. Албатта бунда дил эгалари учун ибрат бордир. 45. Оллоҳ барча жониворни сувдан яратди. Улардан қорни билан *(судралиб)* юрадиганлари ҳам бор, икки оёқда юрадиганлари ҳам бор, тўрт *(оёқда)* юрадиганлари ҳам бордир. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани ратур. Албатта Оллоҳ барча нарсага Қодирдир. 46. Дарҳақиқат, Биз очиқ-равшан оятларни нозил қилдик. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилур. 47. Улар *(яъни, мунофиқлар)*: "Оллоҳга ва Пайғамбарга иймон келтирдик ва бўйинсундик", дейдилар-у, шундан кейин улардан бўлган бир гуруҳ юз ўгириб кетур. Улар мўмин эмасдирлар. 48. Қачон улар Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорлансалар баногоҳ улардан бир гуруҳи *(Пайғамбар алайҳис-салом ҳузурига келишдан)* юз ўгиргувчидир. 49. Агар ҳақиқат улар *(тараф)*да бўлса *(Пайғамбар алайҳис-салом олдиларига)* бўйин эгиб келурлар. 50. Уларнинг дилларида мараз борми ёки *(Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбар эканлигидан)* шубҳаландиларми ёхуд Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари ўзларига зулм қилишидан қўрқарлармиʔ! Йўқ, уларнинг ўзлари золимлардир. 51. Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида мўминларнинг сўзи "эшитдик ва бўйинсундик", демоқдир. Ана ўшаларгина нажот топгувчилардир. 52. Ким Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига бўйинсунса ва Оллоҳдан қўрқиб, тақво қилса, бас, ана ўшаларгина *(бахт-саодатга)* эришгувчилардир. 53. *(Мунофиқлар)* агар Сиз амр этсангиз албатта *(жиҳодга)* чиқишлари ҳақида жон-жаҳдлари билан Оллоҳга қасам ичдилар. Айтинг: "Қасам ичманглар! *(Жиҳод)*" маълум ибодатдир *(яъни, бу ҳақда қасам ичишга ҳожат йўқдир)*. Албатта Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир. 54. Айтинг: "Оллоҳга бўйинсунингиз ва Пайғамбарга бўйинсунингиз! Энди агар юз ўгирсангизлар бас, *(Пайғамбар алайҳис-салом)* зиммасида ўзига юкланган нарса *(яъни, одамларга Оллоҳнинг Динини етказиш)* бордир, сизларнинг зиммангизда эса ўзларингизга юкланган нарса *(Пайғамбар алайҳис-саломга бўйинсуниш)* бордир. Агар унга

бўйинсунсангиз ҳидоят топурсизлар. Пайғамбар зиммасида *(сизларни зўрлаб динга киргизиш эмас, балки)* **фақат** *(сизларга Ҳақ Динни)* **очиқ-равшан етказиш бордир. 55. Оллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган** *(иймон-эътиқодли)* **зотларни** *(Ер юзига)* **халифа-ҳукмрон қилганидек уларни ҳам Ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган** *(Ислом)* **Динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг** *(аҳволини Маккада кўрган)* **хавфу-хатарларидан сўнг** *(Мадинада)* **тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу** *(ваъда)***дан кейин куфрони** *(неъмат)* **қилса, бас, улар итоатсиз кимсалардир.**

Изоҳ: Бу оятда биз икки нуқтага эътибор қилишимиз лозим, биринчиси, Оллоҳ таоло сизларни Ер юзига Мен халифа қиламан, сизлар ўзингиз халифалик қура олмайсизлар, деб, Ер юзига халифа - ҳукмрон қилиш Ёлгиз Ўзининг Қўлида эканлиги ҳақида огоҳлантиради. Иккинчидан, сизлар иймон келтирсангиз ва яхши амаллар қилсангизгина Мен сизларни Ерда халифа - ҳукмрон қиламан, деб ваъда беради.

56. *(Эй мўминлар)*, **намозни тўкис адо этинглар, закотни ато этинглар ва Пайғамбарга бўйинсунинглар. Шояд раҳматга эришсангизлар. 57.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Сиз ҳаргиз кофир бўлган кимсаларни Ер юзида** *(бирон жойга)* **қочиб қутулгувчи деб ўйламанг! Уларнинг борар жойлари дўзахдир. Нақадар ёмон оқибатдир у! 58. Эй мўминлар, қўл остингиздаги** *(қул ва чўриларингиз)* **ҳамда ўзларингизнинг балоғатга етмаган** *(болаларингиз)* **уч вақтда** *(ҳузурингизга кириш учун)* **сизлардан изн сўрасинлар - бомдод намозидан илгари, пешин вақтида** *(иссиқдан)* **кийимларингизни ташлаган пайтингизда ва хуфтон намозидан кейин.** *(Бу)* **уч вақт сизларнинг авратларингиз** *(очиқ бўлиши мумкин бўлган вақтлардир)*. **Улар ўша** *(вақтлардан)* **сўнг** *(изн сўрамай киришларида)* **сизларга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқдир.** *(Чунки)* **улар сизларга, бирингиз бирингизга келиб-кетиб тургувчидирсизлар. Оллоҳ оятларни сизларга мана шундай баён қилур. Оллоҳ билим ва ҳикмат Соҳибидир. 59. Қачон гўдакларингиз балоғатга етсалар, бас, улар ҳам** *(сизларнинг олдингизга кирмоқчи бўлишган ҳар қандай вақтда)* **худди улардан илгари** *(балоғатга етганлар)* **каби изн сўрасинлар! Оллоҳ Ўз оятларини сизларга мана шундай баён қилур. Оллоҳ билим ва ҳикмат Соҳибидир. 60. Хотинлардан ўтириб - кексайиб қолган, эрга тегишни ўйламайдиганлари бирон зеб-зийнат билан**

ясанмаган ҳолларида кийимларини *(яъни, рўмол, ёпинчиқларини)* олиб қўйишларида уларга гуноҳ йўқдир. Ўзларини пок *(яъни, рўмол, ёпинчиқ)* тутишлари ўзлари учун яхшироқдир. Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир. 61. *(Жиҳодга чиқмай қолишларида)* кўзи ожиз кишига ҳараж-танглик йўқдир, чўлоққа ҳараж йўқдир, хастага ҳараж йўқдир *(яъни, улар жиҳодга чиқмаганлари учун айбланмаслар)*. *(Эй мўминлар)*, сизлар ўз уйларингиздан ё оталарингизнинг уйларидан ё оналарингизнинг уйларидан ё оға-иниларингизнинг уйларидан ё опа-сингилларингизнинг уйларидан ё амакиларингизнинг уйларидан ё аммаларингизнинг уйларидан ё тоғаларингизнинг уйларидан ё холаларингизнинг уйларидан ё сизлар калитларига эга бўлган уйлардан ё дўстингизнинг уйидан *(изн сўрамасдан)* таомланишингизда сизларга *(гуноҳ йўқдир)*. Тўпланган ё бўлинган ҳолларингизда таомланишингизда сизларга гуноҳ йўқир. Бас, қачон уйларга кирсангизлар бир-бирларингизга Оллоҳ ҳузуридан бўлган муборак покиза саломни айтинглар *(яъни, "Ассалому алайкум", денглар)*. Сизлар ақл юргизишларингиз учун Оллоҳ Ўз оятларини сизларга мана шундай баён қилур. 62. Албатта мўминлар Оллоҳга ва Унинг Пайғамбарига иймон келтирган зотлардир. Улар *(Пайғамбар алайҳис-салом)* билан бирон муҳим иш устида бўлган вақтларида то ундан изн сўрамагунларича кетмаслар. Сиздан изн сўрайдиган зотлар - ана ўшалар Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига иймон келтирадиган зотлардир. Энди қачон улар Сиздан баъзи бир ишлари учун изн сўрасалар, бас, улардан ўзингиз хоҳлаган кишиларга изн беринг ва Оллоҳдан уларни мағфират қилишини сўранг. Албатта Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 63. *(Эй мўминлар)*, Пайғамбарни чақиришни ўрталарингизда бир-бирларингизни чақириш каби қилмангизлар *(яъни, у зотни ҳурмат-эҳтиром билан "эй Оллоҳнинг Пайғамбари", деб чақиринглар)*. Сизлардан беркинган ҳолларида *(Пайғамбар ҳузуридан)* суғурилиб чиқиб кетадиган кимсаларни Оллоҳ яхши билур. *(Пайғамбарнинг)* амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна-кулфат етиб қолишдан ёки аламли азоб етиб қолишидан ҳазир бўлсинлар! 64. Огоҳ бўлингизким, осмонлар ва Ердаги бор нарсалар шак-шубҳасиз, Оллоҳникидир. У Зот сизлар устида турган нарсани *(яъни, мўмин ё мунофиқлигингизни)* ҳам, *(барча бандалар)* Ўзига қайтариладиган *(Қиёмат)* Кунини ҳам яхши билур, бас, уларга *(ўша Кунда)* қилиб ўтган амалларининг хабарини берур. Оллоҳ барча нарсани Билгувчидир.

ФУРҚОН сураси (25)

Маккада нозил қилинган бу сура етмиш етти оятдан иборатдир.

Сура ушбу Фурқонни - Ҳақ билан ботилни ажратиб бергувчи Китобни Муҳаммад алайҳис-саломга Буюк Оллоҳ таоло нозил қилганини таъкидлаш билан бошланади.

Сўнгра: "Нега пайғамбар фаришта эмас, балки оддий одамларга ўхшаб таом еб, бозорларда юрадиган инсондан бўлар экан", дейдиган саркаш мушрикларнинг даъволари қатъий ҳужжатлар билан рад этилади.

Яна бу сурада доҳий "дўст"ларнинг васвасаларига учиб ўз иймон-эътиқод ва дину-диёнатларидан воз кечган кимсалар Охиратда бу қилмишларидан афсус-надомат чекиб бармоқларини тишлаб қолишлари ҳақида огоҳантириб ўтилади.

Сура ниҳоясида эса Раҳмон бандалари - ҳақиқий мўмин-мусулмонларнинг сифатлари ва уларни жаннат неъматларига эришишларига сабаб бўладиган хулқ-атворлари тасвирланади.

Қуръони Каримда, Оллоҳ таоло томонидан нозил қилинган барча Илоҳий Китоблар Фурқон - Ҳақ билан ноҳақни ажратиб бергувчи Китоб, деб аталаверади. Бу сурага ном бўлган Фурқондан мурод эса Қуръондир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Барча оламлар учун *(Охират азобидан)* **қўрқитгувчи бўлсин деб Ўз бандаси** *(Муҳаммад алайҳис-салом)***га Фурқон - Қуръон нозил қилган Зот - Оллоҳ Баракотли - Буюкдир. 2. У - осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган, бола-чақа қилмаган, подшоҳликда бирон шериги бўлмаган ва барча нарсани яратиб** *(аниқ)* **ўлчов билан ўлчаб қўйган Зотдир. 3.** *(Мушриклар)* **эса У Зотни қўйиб, бирон нарса ярата олмайдиган,** *(балки)* **ўзлари яралгувчи бўлган,** *(ўзгалар у ёқда турсин, ҳатто)* **ўзларига ҳам бирон зиён ё фойда беришга эга бўлмайдиган ва на** *(бировларга)*

ўлим беришга, на ҳаёт беришга ва на қайта тирилтиришга эга бўлмайдиган "худолар"ни ушладилар *(яъни, ўшаларга сиғиндилар)*. 4. Кофир бўлган кимсалар: "*(Бу Қуръон)* фақат *(Муҳаммад)* ўзи тўқиб олган бир ёлғондир. Унга бу *(ёлғонни тўқишда)* бошқа бир қавм *(айрим аҳли Китоблар)* ёрдам қилган", деб куфр келтирдилар ва бўҳтон қилдилар 5. Яна улар: "*(Бу)* аввалгиларнинг афсоналаридир, *(Муҳаммад)* уларни кўчириб олган. Бас, *(бу афсоналар бировлар томонидан)* унга эрта-ю кеч ўқиб берилур", дедилар. 6. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Сиз уларга)* айтинг: "Уни осмонлар ва Ердаги барча сир-асрорни биладиган Зот нозил қилгандир. Албатта У Мағфиратли Меҳрибон бўлган Зотдир". 7-8. Яна улар *(масхара қилишиб)*: "Нега бу Пайғамбар *(оддий одамлардек)* таом ер ва бозорларда юрар?! Унга *(пайғамбарлигини тасдиқлайдиган)* бирон фаришта туширилиб, у билан бирга қўрқитгувчи бўлса эди. Ёки унга *(осмондан)* хазина ташланса *(ва у бозорларда савдо-сотиқ билан тирикчилик ўтказмай ўша хазинадан сарф қилиб юрса)* эди, ёхуд унинг учун бир боғу-бўстон бўлиб, у *(фақат ўша боғдан)* еб-ичса эди", дедилар. Бу золим кимсалар *(мўминларга)*: "Сизлар фақат бир сеҳрланган - ақлдан озган кишига эргашмоқдасиз", дедилар. 9. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, қаранг, улар Сиз учун қандай мисоллар келтирдилар-а?! Бас, улар *(Ҳақ Йўлдан)* оздилар. Энди улар йўл топишга қодир эмаслар. 10. Агар хоҳласа Сиз учун *(шу дунёдаёқ)* ўшандан *(яъни, улар айтган боғу-хазинадан)* яхшироқ нарсани - остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларни қилиб бера оладиган ва Сиз учун қаср-саройларни қилиб бера оладиган Зот - Оллоҳ Баракотли - Буюкдир. 11. Йўқ, улар *(Қуръон оятларига боқмайдилар, чунки улар Қиёмат)* Соатини ёлғон деганлар. Биз эса у Соатни ёлғон деган кимсалар учун дўзах ўтини тайёрлаб қўйгандирмиз. 12. *(Дўзах)* уларни узоқ жойдан кўрган вақтидаёқ унинг хайқириқ ва бўкиригини эшитурлар. 13. Қачон улар кишанланган ҳолларида *(дўзахдан)* тор бир жойга ташланганларида ўша жойда *(ўзларига)* ўлим тилаб қолурлар. 14. *(Шунда уларга)*: "Сизлар бугун бир ўлимни эмас, кўп ўлимларни тиланглар *(чунки сизлар бутун умрларингизни куфру исёнда ўтказганларингиз учун кўпдан-кўп ўлим-ҳалокатларга дучор бўлурсиз", дейилур)*. 15. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* айтинг: "Шу *(дўзах)* яхшироқми ёки тақводор зотларга ваъда қилинган мангу жаннатми?!" У *(яъни, жаннат тақводорлар)* учун мукофот ва оқибат - борар жой бўлди.

16. Улар учун ўша жойда мангу қолгувчи бўлган ҳолларида барча хоҳлаган нарсалари *(муҳайё)* бўлур. Бу Парвардигорингиз зиммасидаги сўралгувчи ваъда бўлди. 17. *(Оллоҳ)* уларни *(яъни, мушрикларни)* ҳам, улар Оллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларини ҳам тўплаб *(у бутларга)*. "Менинг анави бандаларимни сизлар йўлдан оздирдингизларми ёки уларнинг ўзлари *(Тўғри)* Йўлдан оздиларми?", дейдиган Кунда; 18. Улар дерлар: "Эй Пок Парвардигор бизлар учун Сендан ўзга бирон дўст тутиш жоиз бўлган эмасдир *(бас, қандай қилиб ўзгаларни бизга бандалик қилиб сиғинишга мажбурлаб йўлдан оздирайлик)*?! Лекин Сен уларни ва ота-боболарини *(узоқ умр ва мўл-кўл ризқу рўз билан шундай)* фойдалантирдингки, ҳатто улар *(Сенинг Ўзингни)* эслашни ҳам унутдилар ва ҳалок бўлгувчи қавм бўлиб қолдилар. 19. *(Эй мушриклар)*, мана, *(сизлар "Худо"лар деб сиғинган бутлар)* сизларни айтаётган сўзларингизда аниқ ёлғончи қилдилар. Энди *(азобдан)* қутулишга ҳам, *(ўзларингга)* бирон ёрдам қилишга ҳам қодир эмассизлар. Сизлардан ким золим - мушрик бўлса, Биз унга катта азобни тотдирурмиз. 20. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Биз Сиздан илгари юборган барча пайғамбарлар ҳам, шак-шубҳасиз, таом ер ва бозорларда юрар эдилар. Биз сизларнинг баъзиларингизни баъзиларингиз учун фитна - синов қилиб қўйдик *(яъни, Сизнинг оддий одамлар каби фақирона кун кечиришингиз бошқалар учун бир синовдир. Чунки агар Биз Сизни бой-бадавлат қилиб қўйганимизда, улар Сизга мол-дунёнгиз учун итоат қилган бўлур эдилар)*. Сизлар *(Бизнинг бу синовимизга)* сабр қила олурмисизлар? Парвардигорингиз Кўриб тургувчи бўлган Зотдир.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЖУЗЪ

21. Бизга рўбарў бўлишни умид қилмайдиган кимсалар: "Бизларга *(пайғамбарлик учун одам эмас, балки)* **фаришталар туширилса эди ёки бизлар Парвардигоримизни** *(ўз кўзимиз билан)* **кўрсак** *(ва У бизларга Муҳаммаднинг ҳақиқий Пайғамбар эканлигини билдирса)* **эди", дедилар. Дарҳақиқат, улар ўзларига бино қўйдилар ва жуда катта кетдилар. 22. Улар фаришталарни кўрадиган Кунни** *(яъни, Қиёмат Кунини эсланг)!* **У Кунда жиноятчи кимсалар учун бирон хушхабар бўлмас. Ва** *(фаришталар уларга)* **дерлар: "***(Ҳар қандай хушхабар сизлар учун)* **бутунлай ҳаромдир". 23.** *(Зотан),* **Биз улар қилган ҳар бир** *(яхши)* **амалга келиб, уни сочилган тўзон** *(каби)* **қилиб қўйгандирмиз.**

Изоҳ: Исломий ақидага кўра Ёлгиз Оллоҳга иймон келтирмасдан туриб қилинган ёки Ягона Оллоҳни кўзламасдан хўжакўрсинга қилинган ҳар қандай яхши амал ҳам худди ҳавода учиб юрган чанг-тўзон каби фойдасиздир. Шу боисдан бут-санамлар йўлида қилинган ёки яхши ном чиқариш учун риёкорлик билан қилинган "савоб иш"ларнинг эгалари учун Қиёмат Кунида бирон ажру-мукофот бўлмас.

24. Жаннат эгалари эса у Кунда энг яхши қароргоҳлар ва энг гўзал истироҳатгоҳларда бўлурлар. 25. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **осмон булут билан ёрилиб,** *(барча)* **фаришталар** *(ўша булутларда қўлларида бандаларнинг номайи аъмоллари билан Ер юзига)* **туширилган** *(Қиёмат)* **Кунини** *(эсланг)!* **26. Ўша Кунда** *(барча подшоҳлар йўқ бўлиб),* **ҳақ - собит подшоҳлик** *(Ёлгиз)* **Раҳмон учун бўлур.** *(Чунки бошқа барча муваққат подшоҳликлар йўқ бўлиб битур).* **У** *(Кун)* **кофирларга кўп қийин Кун бўлур. 27. У Кунда бу золим қўлларини** *(бармоқларини)* **тишлаб** *(надоматлар қилиб)* **дер: "Э, қани эди мен ҳам Пайғамбар билан бир йўлни тутганимда эди; 28. Ўлим бўлсин менга, қани эди мен фалончини дўст тутмаганимда эди; 29. Аниқки, менга Эслатма - Қуръон келганидан сўнг, ўша** *(фалончи)* **мени йўлдан оздирди".** *(У Кунда)* **шайтон** *(ҳаёти дунёда ўзига эргашган барча)* **инсонни ёрдамсиз қўйгувчидир".**

Изоҳ: Бу оятлардаги "золим" Уқба ибн аби Муайт, фалончи эса Убай ибн Халафдир. Уқба Пайғамбар алайҳис-саломнинг даъватларини қабул қилиб Исломга кирганидан сўнг ўша дўсти Убай уни йўлдан оздириб, васвасага солиши оқибатида муртад бўлиб,

диндан чиқади. Мазкур оятларда Оллоҳ таоло ана шундай шайтонларнинг васвасаларига учиб ўз динларидан воз кечадиган золимларнинг Қиёмат Кунидаги аҳволини тасвирлайди ва у шайтонлар Охиратда бирон ёрдам бермаслигини таъкидлайди.

30. Пайғамбар айтди: "Ё Парвардигорим, дарҳақиқат, менинг қавмим *(Қурайш қабиласи)* **ушбу Қуръонни тарк қилиб** *(ундан юз ўгирдилар).*" **31.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Биз** *(Сиздан илгари ўтган)* **ҳар бир пайғамбар учун** *(ҳам)* **жиноятчи кимсалардан мана шундай душман***(лар)* **қилганмиз. Парвардигорингизнинг Ўзи етарли Етакчи ва Ёрдамчидир. 32. Кофир бўлган кимсалар:** "*(Нега)* **бу Қуръон унга** *(Пайғамбар алайҳис-саломга)* **битта тўплам бўлган ҳолида нозил қилинмади?", дедилар.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Биз у - Қуръон билан Сизнинг дилингизни устивор қилиш учун мана шундай** *(парча-парча ҳолда нозил қилдик)* **ва уни дона-дона қилиб баён этдик. 33. Улар Сизга** *(Қуръонни айблаш учун юқоридаги каби)* **бирон мисол келтирсалар албатта Биз Сизга ҳақ** *(жавобни)* **ва энг гўзал шарҳни келтириб қўйдик. 34. Юзтубан ҳолларида жаҳаннам томонга судраладиган кимсалар - ана ўшалар энг аҳволи ёмон ва бутунлай йўлдан озган кимсалардир. 35-36. Қасамки, Биз Мусога Китоб - Таврот ато этдик ва биродари Ҳорунни у билан бирга бўлгувчи вазири қилиб, дедик: "Бизнинг оятларимизни ёлғон деган қавм** *(Фиръавн ва унинг қавми)* **олдига боринглар!" Бас,** *(икковлари бориб Оллоҳнинг Динига даъват қилган вақтларида улар ўз куфрларидан қайтишмагач),* **Биз уларни** *(денгизга гарқ қилиш билан)* **қириб ташладик. 37. Нуҳ қавмини** *(эсланг)!* **Қачонки, улар пайғамбарларини ёлғончи қилишгач, Биз уларни гарқ қилдик ва уларни одамлар учун оят-ибрат қилиб қўйдик. Яна Биз золим-кофир кимсалар учун** *(Охиратда ҳам)* **аламли азоб тайёрлаб қўйгандирмиз. 38. Од, Самуд** *(қабилаларини)* **ва қудуқ эгаларини** *(яъни, Шуайб пайғамбарни ёлғончи қилганлари сабабли қудуққа қулаб ҳалок бўлган кимсаларни)* **ҳамда шу орадаги кўпдан-кўп асрларни ҳам** *(эсланг)!* **39. Барчаларига Биз мисоллар - далиллар келтирдик ва** *(Бизнинг панд-насиҳатларимиз кор қилмагач),* **барчаларини бутунлай йўқ қилиб юбордик. 40. Аниқки, улар** *(яъни, Макка мушриклари ўзларининг сафар-саёҳатларида)* **энг ёмон ёмгир** *(яъни, тош)* **ёғдирилган шаҳардан ўтгандирлар. Ахир улар уни кўр***(иб ибрат ол)***мадиларми?! Йўқ, улар қайта тирилишдан умидсиз бўлган кимсалардир. 41-42.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **қачон улар Сизни кўрсалар: "Оллоҳ мана шуни пайғамбар қилиб**

юбордими?! Агар сабр қилиб *(маҳкам турмаганимизда)* ҳақиқатан, у бизларни худоларимиздан оздираёзди-я", деб Сизни масхара қилурлар. Яқинда азобни кўрган вақтларида ким йўлдан озганроқ эканини билиб олурлар. 43. Хабар беринг-чи, ким ҳавойи нафсини илоҳ қилиб олган *(яъни, нафс бандаси бўлиб қолган)* бўлса Сиз унинг устида вакил-қўриқчи бўлурмисиз?! *(Йўқ, Сизнинг вазифангиз ҳавойи нафсига қуллик қиладиган кимсаларни бу қилмишларидан сақлаш - қўриқлаш эмас, балки фақат Биз Сизга юборган ваҳийни бандаларимизга етказмоқдир).* 44. Ёки Сиз уларнинг кўпларини *(ҳақ сўзни)* тинглай оладилар ё англай оладилар деб ўйлайсизми?! *(Ундоқ эмас, зеро),* улар *(Ҳақни англамасликларида)* ҳеч нарса эмаслар, магар чорва ҳайвонлари кабидирлар. Йўқ, улар янада йўлдан озганроқ кимсалардир! 45. Парвардигорингизнинг *(қудратини)* - сояни қандай ёйиб қўйганини кўрмадингизми?! Агар хоҳласа уни сокин - жилмас қилиб қўйган бўлур эди. Сўнгра қуёшни унга *(яъни, соянинг борлигига)* далил қилдик. 46. Сўнгра уни аста-секин Ўзимизга тортиб олдик.

Изоҳ: Юқоридиги икки оятни муфассирлар қуйидагича тафсир қиладилар. Субҳи содиқдан то қуёш чиққунича уфқда ёйилган қоронғулик билан ёруғлик ўртасидаги ҳолат - Оллоҳ Ер юзи узра ёйиб қўйган бир соядир. У Зот агар хоҳласа уни кетмайдиган қилиб қўяр эди, лекин Оллоҳ таоло чиқаётган қуёшни соя борлигига далил қилди - зеро, нур бўлмаса соянинг борлиги билинмас - ва У Зотнинг Ўзи қуёш кўтарилган сари у соя - пардани Ер юзидан аста тортиб олди.

47. *(Оллоҳ)* сизлар учун кечани *(ўраб олгувчи)* бир либос, уйқуни эса *(баданларингиз учун)* бир ором қилиб қўйган, кундузни эса *(сизлар учун)* қайта тирилиш қилган Зотдир. 48-49. У Ўз раҳматининг *(яъни, ёмғирнинг)* олдидан хушхабар қилиб шамолларни юборган Зотдир. Биз ўлик шаҳар-масканларни тирилтириш ва Ўзимиз яратган кўплаб чорва ҳайвонлари ҳамда инсонларни суғориш учун осмондан пок сув ёғдирдик. 50. Ва у *(сувни)* эслатма олишлари учун *(одамлар)* орасида тақсимлаб қўйдик, *(аммо)* одамларнинг кўплари фақат куфрони неъмат қилишнигина истадилар. 51. Агар Биз хоҳласак ҳар қишлоқ-шаҳарга бир *(Охират азобидан)* қўрқитгувчи - пайғамбар юборган бўлур эдик. *(Лекин Биз барча қишлоқ-шаҳарларни Охират азобидан огоҳ қилиш бурчини Сизнинг зиммангизга юкладик, эй Муҳаммад алайҳис-салом)!* 52. Бас, Сиз кофир кимсаларга

бўйинсунманг ва *(Қуръон)* ёрдамида уларга қарши қаттиқ курашинг! 53. *(Оллоҳ)* икки денгиз - дарёни буниси чучук - ширин, униси шўр - аччиқ қилиб оқизиб қўйган ва уларнинг ўртасида *(бир-бирларига аралашиб кетишдан тўсиб турадиган)* тўсиқ-тўгон ва кўринмас парда қилиб қўйган Зотдир. 54. У Зот сувдан - нутфадан инсонни яратиб, сўнг уни насл-насаб *(эгаси)* ва қуда-анда қилиб қўйган Зотдир. Дарҳақиқат, Парвардигорингиз *(ҳар ишга)* Қодирдир. 55. *(Кофирлар эса мана шундай ҳар ишга Қодир)* Оллоҳни қўйиб, ўзларига фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат қиладилар. Кофир ўз Парвардигорига қарши *(шайтонга)* ёрдамчи бўлган кимсадир. 56. *(Эй Муҳаммад алайҳиссалом)*, Биз Сизни фақат *(мўминларга жаннат)* хушхабарини етказгувчи, *(кофирларни эса Охират азобидан)* қўрқитгувчи қилиб юбордик. 57. Айтинг: "Мен Сизлардан бунинг учун ҳеч қандай ҳақ сўрамайман, фақат Парвардигор томонга йўл тутишни хоҳлаган кишилар *(ўша йўлни тутишларини сўрайман")*. 58. Ва ўлмайдиган Тирик Зотга таваккул қилинг ҳамда У Зотга ҳамду сано айтиш билан покланг! У Ўз бандаларининг гуноҳларидан етарли Огоҳ Зотдир. 59. У осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги барча нарсаларни олти кунда яратиб, сўнгра Ўз Аршига ўрнашган Зотдир. *(У)* Раҳмондир. Бас, У Зот ҳақида Огоҳ-Билимдон *(Зотдан, яъни, Оллоҳ таолонинг Ўзи)*дан сўранг! 60. Қачон *(мушрикларга)*: "Раҳмонга сажда қилинглар", дейилса, улар: "Нима у Раҳмон? Сен буюрган нарсага сажда қилаверамизми?!", дейишар ва *(бу сўз)* уларни янада *(иймондан)* йироқлаштирар.

Изоҳ: Ушбу оят навбатдаги сажда оятидир.

61. Осмонда буржларни барпо қилган ва унда чироқ - қуёшни ва нурли ойни пайдо қилган Зот Баракотли - Буюкдир. 62. У эслатма-ибрат олмоқчи бўлган ёки шукр қилмоқчи бўлган кишилар учун кеча ва кундузни *(бир-бирининг)* ўрнини босувчи қилиб қўйган Зотдир. 63. Раҳмоннинг *(суюкли)* бандалари Ерда тавозуъ билан юрадиган, жоҳил кимсалар уларга *(бемаъни)* хитоблар қилган вақтида ҳам "Омон бўлинглар", деб жавоб қиладиган кишилардир. 64. Улар кечаларни Парвардигорга сажда қилиб ва *(жойнамоз устида)* тик туриб - бедор ўтказадиган кишилардир. 65-66. Улар: "Парвардигоро, Ўзинг бизлардан жаҳаннам азобини дафъ қилгин. Дарҳақиқат, унинг азоби кетмас - мангу *(азобдир)*. Дарҳақиқат, у энг ёмон қароргоҳ ва энг ёмон жойдир", дейдиган кишилардир. 67. Улар инфоқ-эҳсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, *(балки эҳсонлари)*

ана ўша *(хасислик билан исрофнинг)* ўртасида - мўътадил бўлур. 68. Улар Оллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга дуо-илтижо қилмаслар ва Оллоҳ *(ўлдиришни ҳаром қилган)* бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу *(гуноҳлардан бирортасини)* қилса уқубатга дучор бўлур. 69. Қиёмат Кунида унинг учун азоб бир неча баробар қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур. 70. Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб яхши амаллар қилса, бас, Оллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик-гуноҳларини яхшилик-савобларга айлантириб қўюр. Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон бўлган Зотдир. 71. Ким тавба қилиб яхши *(амаллар)* қилса, бас, албатта у Оллоҳнинг *(ризо-мағфиратига)* қайтган бўлур. 72. Улар *(яъни, Раҳмоннинг суюкли бандалари)* ёлғон гувоҳлик бермайдиган ва лағв *(беҳуда сўз ё амал)* олдидан ўтган вақтларида олийжаноблик билан *(яъни, ундан юз ўгирган ҳолларида)* ўтадиган кишилардир. 73. Уларга Парвардигорларининг оятлари эслатилган вақтида у *(оятларга)* гунг ва кўр ҳолларида ташланмайдиган, *(балки уларни англаб-билиб амал қиладиган)* кишилардир. 74. Улар: "Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шодхуррамлик ҳадя этгин ва бизларни тақводорларга пешво қилгин", дейдиган кишилардир. 75. Ана ўшалар сабр-қаноат қилганлари сабабли *(жаннатдаги)* юксак манзиллар билан мукофотланурлар ва у жойда *(фаришталар томонидан)* салом ва омонлик билан қарши олинурлар. 76. Улар ўша жойда мангу қолурлар. У энг гўзал қароргоҳ, *(энг гўзал)* манзилдир. 77. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушрикларга)* айтинг: Агар дуо-илтижо қилмас эккансизлар, Парвардигорим сизларга парво қилмас. Бас, сизлар *(У Зот юборган Пайғамбарни)* ёлғончи қилдингиз. Энди албатта *(азоб-уқубат)* сизларга лозим бўлур".

ШУАРО сураси (26)

Икки юз йигирма етти оятдан иборат бўлган "Шуаро" сураси ҳам Макка сураларидандир.

У Қуръоннинг Оллоҳ томонидан нозил қилинган (очиқ оятлардан) иборат Эслатма эканини таъкидлаш билан бошланиб, Пайғамбар алайҳис-саломга мушрикларнинг иймонсизликларидан қайғурмаслик кераклигини уқтиради ва улар яқинда - Қиёмат Кунида Оллоҳнинг азобига дучор бўлишлари ҳақида хабар беради.

Бу сурада ҳам аввал ўтган айрим пайғамбарлар ҳақида ҳикоя қилиниб, уларнинг барчалари бир нарсага - Якка-ю Ягона Оллоҳга иймон келтириб, У Зотнинг Ўзигагина итоат этишга даъват қилганлари айтилади ва уларни ёлғончи қилган кимсаларнинг топган оқибат-ҳалокатлари тасвирланади.

Сура ниҳоясида сўз яна Қуръонга қайтиб, унинг жинлар келтирган чўпчак ё шоирлар битган шеър эмас, балки Оллоҳ томонидан Жаброил фаришта воситасида очиқ араб тилида нозил қилинган Илоҳий Китоб эканлиги таъкидланади.

Бу сурадан Оллоҳ таолонинг шоирлар ҳақидаги сўзлари ҳам ўрин олгани сабабли у "Шуаро" сураси деб аталгандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. То, Син, Мим. 2. Ушбу *(оятлар)* **очиқ-равшан Китоб оятларидир. 3.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **эҳтимол Сиз** *(Макка мушриклари)* **мўмин бўлмаганлари учун ўзингизни ҳалок қилгувчидирсиз.** *(Ундоқ қилманг, чунки)*; **4. Агар Биз** *(уларнинг мўмин бўлишларини)* **хоҳласак уларга осмондан оят-мўъжиза нозил қилиб шу билан бўйинлари эгилиб қоларди.** *(Лекин Биз буни истамаймиз, зеро, иймон-ишонч ночор-ноилożликдан эмас, балки қалб қаноати билан ихтиёрий бўлиши лозимдир).* **5. Уларга Раҳмон томонидан бирон бир янги Эслатма келса, албатта улар ундан юз ўгирувчи бўлдилар. 6. Мана улар** *(Пайғамбар алайҳис-саломни)* **ёлғончи қилдилар. Энди яқинда уларга ўзлари масхара қилган нарсанинг хабарлари** *(яъни, оқибати)* **келур. 7. Ахир улар Ерни - Биз унда барча турли фойдали** *(ўсимлик)* **навларидан қанчасини**

ундириб қўйганимизни кўрмадиларми?! 8. Албатта бунда оят - ибрат бордир. *(Лекин Макка мушрикларининг)* кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 9. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи *(кофирлар устидан)* Ғолиб, *(мўминларга)* Меҳрибондир. 10-11. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* эсланг, Парвардигорингиз Мусога нидо қилиб: "У золим қавмга - Фиръавн қавмига боргин, улар *(Мендан)* қўрқмайдиларми?!", *(деган эди);* 12. Мусо айтди: "Парвардигорим, *(албатта амрингга итоат этурман - у золим қавм олдига борурман, фақат)* улар мени ёлгончи қилишларидан қўрқурман; 13. Ва *(улар мени ёлгончи қилишларидан)* дилим сиқилур, тилим бурро эмасдир, бас, *(Мисрда - Фиръавн зулми остида яшаб турган биродарим)* Ҳорунга *(ҳам)* пайғамбарлик юборсанг, *(у менга ёрдамчи бўлса).* 14. Яна уларнинг наздида мен гуноҳкорман *(яъни, улар мени бир мисрлик-Қибтий йигитни қасддан ўлдиришда айблайдилар),* бас, мени *(Сенинг фармонингни уларга етказмасимдан)* ўлдириб қўйишларидан қўрқурман". 15. *(Оллоҳ)* деди: "Йўқ, *(улар сени ўлдира олмаслар).* Бас, *(биродаринг Ҳорун билан бирга)* Бизнинг оят-мўъжизаларимиз билан борингларl Албатта Биз сизлар билан бирга *(савол-жавобларингизни)* Эшитиб тургувчидирмиз. 16. Энди Фиръавнга бориб айтинглар: "Ҳақиқатан, биз барча оламлар Парвардигорининг элчиларидирмиз. 17. *(Қўл остингдаги)* бани Исроил *(қавми)*ни бизга қўшиб *(ўз юртлари - Фаластинга)* жўнаттин". 18. *(Улар келиб Фиръавнга шу сўзларни айтишгач, у Мусога қараб)* деди: "Биз сени болалик чоғингда ўз ичимизда *(яъни, саройимизда)* тарбияламаганмидик, умрингнинг бир неча йилида орамизда турган эдинг-ку! 19. Кейин нонкўрлардан бўлиб қилган қилмишингни - қилган эдинг-ку *(яъни, бир Қибтийни ўлдириб қўйиб қочиб кетган эдинг-ку)!*" 20. *(Мусо)* айтди: "Ўшанда мен у ишни билмаган ҳолда қилган эдим. 21. Сўнг сизлардан қўрқиб қочиб кетдим. Кейин Парвардигорим, менга ҳикмат - илм ҳадя этди ва мени пайғамбарлардан қилди. 22. Ўша сен менга миннат қилаётган неъмат *(аслида)* сен бани Исроилни қул қилиб олишингдир".

Изоҳ: Бу оятни шундай тушунмоқ лозим: "Эй Фиръавн, сен мени болалигимдан тарбиялаб ўстирганингни менга миннат қилмоқдасан. Аслида нима сабабдан мен сенинг саройингга келиб қолдим? Сен бани Исроил қавмини қул қилиб, уларнинг барча ўғил болаларини ўлдираётганинг учун онам мени аниқ ўлимдан қутулиб қолармикан, деб сандиққа солиб дарёга оқизганида сенинг хотининг

мени дарёдан тутиб олган эди-ку! Агар сен бани Исроил қавмига бундай зулму ситамлар қилмаганингда мени ҳам ўз ота-онам тарбиялаган бўлар эди-ку! Ана ўша қилмишингни неъмат деб аташга уялмайсанми?!" Бу оят ўзга юртларни босиб, ўзига қарам қилиб олган, сўнгра "Биз сенларни тарбиялаб одам қилганмиз", деб даъво қиладиган барча мустамлакачиларга берилган жавобдир.

23. Фиръавн деди: "Барча оламларнинг Парвардигори *(деганинг)* нимаси яна?" 24. *(Мусо)* айтди: "Агар ишонадиган бўлсанглар, *(Оллоҳ)* осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг орасидаги барча нарсаларнинг Парвардигори - Хожасидир". 25. *(Фиръавн)* атрофидаги *(аъёнлар)*ига: "Қулоқ солмайсизлармн", деб *(масхара қилди)*. 26. *(Мусо)* айтди: "*(Оллоҳ)* сизларнинг ҳам, ўтган ота-боболарингизнинг ҳам Парвардигоридир". 27. *(Фиръавн)* деди: "Сизларга элчи қилиб юборилган бу пайғамбарингиз шак-шубҳасиз, жиннидир". 28. *(Мусо)* айтди: "Агар ақл юргизувчи бўлсангизлар, *(Оллоҳ)* Машриқ ва Мағрибни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг Парвардигоридир". 29. *(Фиръавн)* деди: "Қасамки, агар сен мендан ўзгани илоҳ қилиб оладиган бўлсанг албатта мен сени зиндонбанд кимсалардан қилиб қўюрман!" 30. *(Мусо)* айтди: "Агар мен сенга *(ўзимнинг ҳақ Пайғамбар эканлигимга далолат қиладиган)* очиқ нарса - мўъжиза келтирсам ҳам-а?" 31. *(Фиръавн)* деди: "Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг ўша *(мўъжизангни)* келтир-чи?!" 32. Шунда *(Мусо)* асосини ташлаган эди, баногоҳ у ростакам аждарга айланди. 33. Кейин қўлини *(чўнтагидан)* чиқарган эди, баногоҳ у қараб турганларга *(кундан ҳам)* оқ бўлиб кўринди, *(ҳолбуки, Мусо ўзи қорамағиз одам эди)*. 34. *(Фиръавн)* атрофидаги одамларга: "Шубҳасиз, бу *(Мусо)* ўткир сеҳргардир. 35. У ўз сеҳри билан сизларни ўз Ерларингиздан чиқармоқчи, нима дейсизлар", деди. 36-37. Улар айтишди: "Уни ва акаси *(Ҳорун)*ни қўйиб тургин-да, ҳамма шаҳарларга *(билимдон, сеҳргарларни)* йиғиб келадиган кишиларни жўнатгин, улар сенга жами ўткир сеҳргарларни келтирсинлар". 38. Бас, сеҳргарлар маълум кунда белгиланган жойга тўпландилар. 39-40. Ва одамларга: "Сизлар ҳам тўпланиб бўлдингларми? Агар сеҳргарлар ғолиб бўлиб чиқсалар, эҳтимол бизлар ўшаларга эргашурмиз", дейилди. 41. Энди қачонки, сеҳргарлар келишгач, Фиръавнга: "Агар биз ғолиб бўлсак, бизлар учун аниқ мукофот бўлурми?", дейишди. 42. У: "Ҳа, у ҳолда албатта сизлар *(менинг)* яқинларимдан бўлурсизлар", деди. 43. Мусо уларга: "Ташлайдиган нарсаларингизни ташланглар", деди. 44. Бас, улар арқон ва

асоларини *(Ерга)* ташладилар ва: "Фиръавннинг қудратига қасамки, албатта бизларгина голиб бўлгувчидирмиз", дедилар. 45. Сўнг Мусо асосини ташлаган эди, баногоҳ у *(асо)* уларнинг "уйдирма"ларини юта бошлади. 46-47-48. Шунда у сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида Ерга ташланиб: "Барча оламларнинг Парвардигорига - Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига иймон келтирдик", дедилар. 49. *(Фиръавн)* айтди: "Мен сизларга изн бермай туриб унга иймон келтирдингизми?! Албатта у *(Мусо)* сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир. Энди яқинда билурсизлар - албатта мен оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига *(ўнг қўл, чап оёғингизни ёки аксинча)* кесурман ва сизларнинг барчангизни *(дорга)* осурман". 50. Улар дедилар: "Зарари йўқ. Зеро, бизлар Парвардигоримизга қайтгувчидирмиз. 51. Албатта бизлар *(Мусога)* биринчи иймон келтирган кишилар бўлганимиз сабабли Парвардигоримиз бизларнинг хато-гуноҳларимизни магфират этишини умид қилурмиз". 52. Биз Мусога: "Бандаларим *(яъни, бани Исроил қавми)* билан тунда йўлга чиққин! Албатта сизларнинг изингизга тушилур *(яъни, Фиръавн ва унинг қўшини ортингиздан қувиб етур")*, деб ваҳий юбордик. 53. Бас, *(Мусо ва унинг қавми йўлга тушганларидан хабар топгач)*, Фиръавн барча шаҳарларга *(аскар)* йиғувчиларни жўнатди *(ва деди)*: 54. "Аниқки, улар бир ҳовуч яланғоёқлардир. 55. Дарҳақиқат, улар *(қўл остимиздан чиқиб кетишлари билан)* бизларни ғазаблантирдилар. 56. Шубҳасиз, бизлар барчамиз эҳтиёт чораларини кўриб тургувчи қавмдирмиз". 57-58-59. Бас, мана шундай қилиб Биз уларни *(яъни, Фиръавн ва унга эргашганларни)* боғлар ва булоқлардан, хазиналар ва улуғ-гўзал маскандан айирдик ва мана шундай қилиб, Биз улар*(нинг барчаси)*га бани Исроилни ворис қилдик. 60. Бас, *(Фиръавн ва унинг лашкари)* тонг пайтида уларни қувиб етдилар. 61. Энди қачонки икки жамоат бир-бирларини кўришгач, Мусонинг ҳамроҳлари: "Бизлар аниқ тутилдик, *(чунки олдимизда ҳеч қандай йўл йўқ, фақат денгиз бор)*", дедилар. 62. *(Мусо)* айтди: "Йўқ, аниқки, мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта У мени *(нажот)* йўлига бошлар". 63. Бас, Биз Мусога: "Асойинг билан денгизни ургин", деб ваҳий юбордик. Бас, *(у асосини текизган эди, денгиз ўртасидан)* бўлиниб ҳар бир бўлак *(сув)* баланд тоғ каби бўлди. *(Сўнг Мусо ва унинг қавми денгиз ўртасидан очилган йўлга тушдилар.)* 64. Ва кейингиларни *(яъни, Фиръавн ва унинг қўшинини ҳам)* ўша *(йўлга)* яқин қилдик. 65. Ва Мусо ҳамда у билан бирга бўлган кишиларнинг барчаларига нажот бердик. 66. Сўнгра

кейингиларни *(денгизга)* гарқ қилиб юбордик. 67. Албатта бунда *(Фиръавн ва унинг қавми ҳалокатида)* оят-ибрат бордир. *(Лекин одамларнинг)* кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 68. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи *(кофирлар устидан)* Ғолиб, *(мўминларга)* Меҳрибондир. 69. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, уларга Иброҳим хабарини тиловат қилинг! 70. Ўшанда у отаси ва қавмига: "Нимага ибодат қилмоқдасизлар?", деганида; 71. Улар: "Бут-санамларга ибодат қилмоқдамиз. Бас, уларга содиқлигимизча қолурмиз", дедилар. 72-73. *(Иброҳим)* айтди: "Дуо-илтижо қилган пайтларингизда *(бутларингиз)* сизларни*(нг дуо-илтижоларингизни)* эшитадиларми ёки сизларга фойда ё зиён етказа оладиларми?!" 74. Улар дедилар: "Йўқ, бизлар ота-боболаримизнинг мана шундай *(бутларга ибодат)* қилишларини кўрганмиз *(шунинг учун бизлар ҳам бутларга ибодат қиламиз)*. 75-76. *(Иброҳим)* айтди: "Сизлар ўзингиз ҳам, қадим-қадим ота-боболарингиз ҳам ибодат қилгувчи бўлган бутларингиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми? 77. Шак-шубҳасиз, улар мен учун душмандир *(бас, мен уларга ибодат қилмайман)*, магар барча оламлар Парвардигоригагина *(ибодат қилурман)*. 78. У мени яратгандир, бас, Ўзи мени ҳидоят қилур. 79. Унинг Ўзигина мени тўйдирур ва қондирур. 80. Касал бўлган вақтимда Унинг Ўзи менга шифо берур. 81. У мени ўлдирур, сўнгра *(Қиёмат Кунида қайта)* тирилтирур. 82. Жазо *(Қиёмат)* Кунида менинг хато-гуноҳларимни Унинг Ўзи мағфират этишини умид қилурман. 83. Парвардигорим, менга ҳикмат - илм ҳадя этгин ва мени солиҳ *(бандаларинг)* қаторига қўшгин. 84. Яна мен учун кейин келгувчи кишилар ўртасида рост мақтовлар қилгин. 85. Яна мени ноз-неъматлар боғининг ворисларидан қилгин. 86. Отамни ҳам мағфират қилгин. У шубҳасиз, адашганлардан бўлди. 87. Ва *(барча жонзот)* қайта тириладиган Кунда мени шарманда қилмагин". 88. У Кунда на молу давлат ва на бола-чақа фойда бермас; 89. Магар Оллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина *(фойда берур)*. 90. *(У Кунда)* жаннат тақводор бўлган зотларга яқин қилинди. 91. Дўзах йўлдан озган кимсаларга кўрсатиб қўйилди. 92-93. Ва уларга: "Сизлар Оллоҳни қўйиб ибодат қилиб ўтган бутларингиз қани?! Улар сизларга ёрдам бера олурми ёки ўзлари ёрдам ола билурми?!", дейилди. 94-95. Бас, у *(бутлар)* ва йўлдан озган кимсалар ҳамда иблис лашкарлари *(яъни, кишиларни Ҳақ Йўлидан оздирган доҳийлар)* барчалари *(дўзахга)* улоқтирилди. 96. Улар *(дўзахда)* талашиб-тортишар эканлар, дедилар: 97-98. "Оллоҳ

номига қасамки, албатта бизлар сизларни *(эй бут ва санамлар)*, барча оламларнинг Парвардигорига тенглаштирган пайтимизда очиқ залолатда бўлган эканмиз. 99. Бизларни фақат жиноятчи (*"доҳий"*)лар йўлдан оздирдилар. 100-101. Энди бизлар учун на қўлловчилар ва на бирон қадрдон дўст бордир. 102. Қани энди биз учун яна бир марта *(яшашнинг иложи)* бўлса-ю, бизлар ҳам мўминлардан бўлсак" 103. Албатта бунда *(яъни, Иброҳим ва унинг қавми ҳақидаги қиссада)* оят-ибрат бордир. *(Лекин одамларнинг)* кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 104. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи *(кофирлар устидан)* Ғолиб, *(мўминларга)* Меҳрибондир. 105. Нуҳ қавми пайғамбарларини ёлғончи қилди *(яъни, Нуҳни ҳам, бошқа пайғамбарларни ҳам инкор қилдилар)*. 106. Ўшанда уларга биродарлари Нуҳ айтган эди: "*(Оллоҳдан)* қўрқмайсизларми?! 107. Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. 108. Бас, Оллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар! 109. Мен сизлардан бу *(даъватим)* учун ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори Оллоҳнинг зиммасидадир. 110. Бас, Оллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар!" 111. Улар дедилар: "Сенга пасткаш *(ялангоёқ)* кимсалар эргашган бўлса, бизлар сенга иймон келтирурмизми?" 112. *(Нуҳ)* айтди: "Мен уларнинг нима иш-амал қилгувчи эканликларини билмасман. 113. Агар пайқай олсангизлар уларнинг ҳисоб-китоби Ёлғиз Парвардигоримнинг зиммасидадир. 114. Ва мен *(сизнинг сўзингизга кириб)* мўмин бўлган кишиларни *(ҳузуримдан)* қувмайман ҳам. 115. Мен фақат очиқ огоҳлантиргувчидирман". 116. Улар дедилар: "Қасамки, агар *(бу даъватингдан)* тўхтамасанг, эй Нуҳ, албатта тошбўрон қилингувчилардан бўлурсан!" 117. *(Шунда Нуҳ)* айтди: "Парвардигорим, қавмим мени ёлғончи қилдилар. 118. Энди Сен Ўзинг мен билан Уларнинг орасини очиб қўйгин ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўмин кишиларга нажот бергин". 119. Бас, Биз унга ва у билан бирга бўлган кишиларга *(одамлар, ҳайвонлар ва паррандалар билан)* лиқ тўла бўлган кемада нажот бердик. 120. Сўнгра *(уларга нажот берганимиздан)* кейин қолганларни ғарқ қилдик. 121. Албатта бунда *(яъни, Нуҳ ва унинг қавми ҳақидаги қиссада)* оят-ибрат бордир. *(Лекин одамларнинг)* кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 122. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи *(кофирлар устидан)* Ғолиб, *(мўминларга)* Меҳрибондир. 123. Од *(қабиласи)* пайғамбарларини ёлғончи қилди. 124. Ўшанда уларга биродарлари Ҳуд айтган эди:

(Оллоҳдан) **қўрқмайсизлармиʔ! 125. Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. 126. Бас, Оллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар! 127. Мен бу** *(даъватим)* **учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. 128. Сизлар ҳар бир тепаликка ўйин-кулги учун бир белги - баланд бино қураверасизлармиʔ!**

И з о ҳ: Нақл қилишларича, Од қабиласи ҳою-ҳавасга жуда берилган бўлиб, ўз шаҳарларидан ташқаридаги йўл ёқаларига ҳам ўйин-кулги қиладиган баланд-қимматбаҳо иморатлар қуришар ва ўзлари яшайдиган уй-жойларни ҳам гўё ҳеч қачон ўлмайдигандек ҳаддан ортиқ мустаҳкам ва нақшу нигорли қилиб қуриб бутун умрларини мана шундай беҳуда ишларга сарфлашар ва бу билан фахрланиб, мақтаниб юрар эдилар.

Муҳтарам ўқувчи! Эътибор беринг, замонамиз боёнларининг кўплари Охиратни унутиб, дуне ҳою ҳавасларига берилишда худди ўша Од қабиласига ўхшаб кетмайдимиʔ!

Юқоридаги ва қуйидаги оятларда Ҳуд алайҳис-салом уларни бундай беҳуда ишлар билан машғул бўлишдан қайтариб, дунё ва Охират учун фойдали юмушлар билан банд бўлишга даъват қилганлари ҳақида хабар берилади.

129. Ва гўё мангу яшаб қоладигандек қаср-саройлар соласизларʔ! 130. Қачон *(бирон кишини жазолаш учун)* **ушласангизлар бераҳмларча ушлайсизларʔ! 131. Бас, Оллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар! 132. Ва сизларни ўзларингиз биладиган** *(неъматлар)* **билан қўллаган-сийлаган Зотдан** *(Оллоҳдан)* **қўрқингиз! 133-134. У сизларни чорва ҳайвонлари ва ўғиллар билан, боғлар ва булоқлар билан қўллади-ку! 135. Албатта мен сизларнинг устингизга улуғ Куннинг - Қиёматнинг азоби** *(тушиши)***дан қўрқурман". 136. Улар дедилар: "Сенинг ваъз-насиҳат қилишинг ёки ваъз қилгувчилардан бўлмаслигинг бизлар учун баробардир** *(яъни, бизларга панд-насиҳат қилиб овора бўлма).* **137. Албатта бу** *(айшу ишратга берилиб умр ўтказиш)* **аввалгилардан қолган одатдир. 138. Бизлар азоблангувчи эмасмиз". 139. Бас, улар** *(Ҳудни)* **ёлғончи қилишгач, Биз уларни ҳалок этдик. Албатта бунда** *(яъни, Ҳуд ва унинг қавми бўлмиш Од қабиласи ҳақидаги қиссада)* **оят-ибрат бордир.** *(Лекин одамларнинг)* **кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 140. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи** *(кофирлар устидан)* **Ғолиб,** *(мўминларга)* **Меҳрибондир. 141. Самуд** *(қабиласи)*

пайғамбарларини ёлғончи қилди. 142. Ўшанда уларга биродарлари Солиҳ айтган эди: *(Оллоҳдан)* қўрқмайсизларми?! 143. Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. 144. Бас, Оллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар! 145. Мен бу *(даъватим)* учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. 146-147-148. Сизлар бу Ердаги нарсаларда - боғлару булоқларда, экинлар ва мевалари ғарқ пишган хурмо дарахтлари ичида қўйиб қўйилурмисиз *(яъни, шундай нозу неъматлардан фойдаланиб мангу яшайверамиз, деб ўйлайсизларми)*?! 149. Яна моҳирлик билан тоғлардан уйлар ҳам йўнмоқдасизлар *(ясамоқдасизлар)*?! 150. Бас, Оллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар! 151-152. Ва Ер юзида бузғунчилик қиладиган ва *(ҳеч нарсани)* ўнглай олмайдиган ҳаддан ошувчи кимсаларнинг амрига итоат этманглар!" 153. Улар дедилар: "Ҳеч шак-шубҳасиз, сен сеҳрланган - ақлдан озган кимсалардандирсан. 154. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамдирсан. Бас, агар *(пайғамбарман деган даъвойингда)* ростгўйлардан бўлсанг бирон оят-мўъжиза келтир!" 155. У айтди: "*(Менинг мўъжизам)* мана шу туядир. *(Маълум бир кун сув)* ичиш навбати уникидир. Маълум бир кун эса сизларнинг ичиш навбатингиздир. 156. Яна унга бирон ёмонлик етказмангларки, у ҳолда сизларни улуғ Куннинг - Қиёматнинг азоби ушлар". 157. Бас, улар *(туяни)* сўйдилару, надомат қилгувчиларга айландилар. 158. Уларни азоб ушлади. Албатта бунда *(яъни, Солиҳ ва унинг қавми ҳақидаги қиссада)* оят-ибрат бордир. *(Лекин одамларнинг)* кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 159. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи *(кофирлар устидан)* Ғолиб, *(мўминларга)* Меҳрибондир. 160. Лут қавми пайғамбарларини ёлғончи қилди. 161. Ўшанда уларга биродарлари Лут айтган эди: "*(Оллоҳдан)* қўрқмайсизларми?! 162. Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. 163. Бас, Оллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар! 164. Мен бу *(даъватим)* учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. 165. Сизлар бутун оламлардан *(ажраб - ҳеч бир жонзот қилмаган ишни қилиб, аёлларга уйланиш ўрнига)* эркакларга яқинлашурмисизлар?! 166. Ва Парвардигорингиз сизлар учун яратган жуфти ҳалолларингизни тарк қилурмисиз?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсизлар". 167. Улар дедилар: "Қасамки, агар тўхтамасанг эй Лут, албатта сургун қилингувчилардан

бўлурсан". 168. У айтди: "Албатта мен сизларнинг *(бу)* ишларингизни ёмон кўргувчилардандман. 169. Парвардигорим, менга ва аҳлимга *(яъни, менга иймон келтирган кишиларга)* улар *(кофирлар)*нинг қилаётган амаллари *(оқибати)*дан нажот бергин". 170. Бас, Биз унга ва унинг барча аҳли тобеъларига нажот бердик. - 171. Магар *(азоб остида)* қолгувчилардан бўлган бир кампирга *(яъни, Лутнинг иймонсиз бўлган хотинига нажот бермадик)*. - 172. Сўнгра бошқаларни ҳам ҳалок қилдик. 173. Ва уларнинг устига *(тош)* ёмғир ёғдирдик. Бас, *(азоб ҳақида)* огоҳлантирилган *(лекин ўзларининг ярамас қилмишларидан қайтмаган)* кимсаларнинг ёмғири нақадар ёмон бўлди. 174. Албатта бунда *(Лут ва унинг қавми ҳақидаги қиссада)* оят-ибрат бордир. *(Лекин одамларнинг)* кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 175. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи *(кофирлар устидан)* Ғолиб, *(мўминларга)* Меҳрибондир. 176. Дарахтзор эгалари *(яъни, Шуайб пайғамбар қавми)* пайғамбарларини ёлғончи қилдилар. 177. Ўшанда уларга Шуайб айтган эди: "Оллоҳдан" қўрқмайсизларми?! 178. Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. 179. Бас, Оллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар! 180. Мен бу *(даъватим)* учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. 181. Ўлчовни тўла ўлчанглар ва камайтириб *(тортгувчилардан)* бўлманглар! 182. Ва тўғри тарози билан тортинглар! 183. Одамларга нарсаларини камайтириб берманглар ва Ер юзида бузғунчилик қилиб санқиб юрманглар! 184. Ҳамда сизларни ҳам *(сизлардан)* аввал яралган умматларни ҳам яратган Зот - Оллоҳдан қўрқинглар!" 185. Улар дедилар: "Ҳеч шак-шубҳасиз, сен сеҳрланган - ақлдан озган кимсалардандирсан. 186. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамдирсан. Албатта бизлар сени ёлғончи кимсалардан, деб гумон қилурмиз. 187. Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг, устимизга осмондан бир бўлагини ташлаб юбор!" 188. У айтди: "Парвардигорим Ўзи сизларнинг қилаётган амалларингизни жуда яхши Билгувчидир *(яъни, сизлар қандай азобга мустаҳиқ бўлсангиз Оллоҳ Ўзи билиб жазоингизни бергувчидир)*". 189. Бас, улар *(Шуайбни)* ёлғончи қилишгач, уларни "соябон" кунининг азоби ушлади. Дарҳақиқат, у улуғ-даҳшатли Куннинг азоби эди.

Изоҳ: Уламолар айтишларича, Оллоҳ таоло Шуайб алайҳиссаломнинг қавмини Шуайбга иймон келтиришдан бош тортишгач, аввало қаттиқ иссиқ билан ушлаган экан. Шунда улар нафаслари

қайтиб уйларидан ташқарига - очиқ саҳрога чиққанларида Оллоҳ таоло уларнинг устига соябон қилиб бир булут юборган ва улар ўша "соябон" остида тўпланиб турганларида осмондан олов ёғилиб барчалари тириклай ёниб кетган эканлар.

190. Албатта бунда *(яъни, Шуайб ва унинг қавми ҳақидаги қиссада)* **оят-ибрат бордир.** *(Лекин одамларнинг)* **кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 191. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи** *(кофирлар устидан)* **Ғолиб,** *(мўминларга)* **Меҳрибондир.**

Изоҳ: Ушбу сурада ўтган пайғамбарлар ва уларнинг қавмлари ҳақидаги етти қисса мазкур бўлди. Оллоҳ таоло Ўзининг сўнгги Пайғамбари Муҳаммад алайҳис-саломга Макка мушрикларининг иймонсизликларидан беҳад озор чекиб турган пайтларида аввалги пайғамбарларнинг қиссаларини сўйлаш билан у кишига таскин-тасалли бериб, бундай иймонсиз кимсалар илгари ҳам бўлганини ва бундан кейин ҳам албатта бўлишини билдиради. "Албатта бунда оят-ибрат бордир".

192. Албатта *(бу Қуръон)* **барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилингандир. 193-194-195.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз** *(Охират азобидан)* **огоҳлантиргувчилардан бўлишингиз учун қалбингизга уни** *(яъни, Қуръонни)* **Руҳул-Амин - Жаброил очиқ-равшан арабий тил билан нозил қилди. 196. Албатта** *(Қуръон ҳақидаги хабарлар)* **ўтганларнинг Китобларида ҳам бордир. 197. Ахир** *(Қуръон ҳақида)* **бани Исроил олимлари ҳам билишлари** *(Макка мушриклари)* **учун** *(Қуръон ҳақиқатан, Оллоҳ томонидан нозил бўлганига)* **оят-далил эмасми?! 198-199. Агар Биз** *(Қуръонни)* **ажамлардан** *(яъни, араб бўлмаган кишилардан)* **бирига нозил қилсак, бас, у** *(Қуръонни)* **уларга ўқиб берса, унга ҳам иймон келтиргувчи бўлмас эдилар. 200.** *(Пайғамбарларни ёлғончи қилишни)* **жиноятчи кимсаларнинг дилларига мана шундай йўллаб-киритиб қўйганмиз. 201. Улар то аламли азобни кўрмагунларича** *(Қуръонга)* **иймон келтирмайдилар. 202. Бас, у** *(азоб)* **уларга ўзлари сезмаган ҳолларида тўсатдан келур. 203. Сўнг улар: "Бизларга** *(бир оз)* **муҳлат берилармикан,** *(албатта иймон келтирган бўлур эдик)*", **деб қолурлар. 204. Бас, улар Бизнинг азобимизни шошилтирурлармии?! 205-206-207.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **хабар берингчи, агар Биз уларни** *(узоқ)* **йиллар** *(сиҳат-саломатлик, мол-давлат билан)* **фойдалантирсак-да, сўнгра уларга ваъда қилинган нарсалари** *(яъни, азоб)* **келса,** *(ўша пайт)* **уларга** *(ҳаёти дунёда)* **фойдаланган нарсалари асқотурми?! 208-209. Биз бирон қишлоқ-**

шаҳарни ҳалок қилмадик, магар унинг учун *(азоб-ҳалокатдан)* **огоҳлантиргувчи** *(пайғамбарлар)* **бўлган ҳолида** *(у қишлоқ аҳли ўз пайғамбарларини ёлғончи қилганларидан кейингина келажак авлод учун)* **эслатма-ибрат бўлсин, деб** *(ҳалок қилдик).* **Ва Биз золим бўлмадик. 210.** *(Қуръонни осмондан)* **жинлар олиб тушганлари йўқ. 211. Улар учун бунинг имкони йўқ ва улар бунга қодир ҳам эмаслар. 212. Чунки улар** *(ваҳийни ўғринча)* **эшитиб олишдан четлатилганлари аниқдир.**

И з о ҳ: Макка мушриклари аввал "Қуръонни Муҳаммаднинг ўзи ёзиб олган", деб кўрдилар, лекин бу игволари фойда бермади, чунки Пайғамбар алайҳис-саломнинг Қуръондек беназир Китобни ёзиш эмас, балки уни ўқиб беришга ҳам қодир бўлмаган саводсиз киши эканликлари Маккаликларга маълум эди. Шундан кейин, улар "Муҳаммаднинг ҳам бошқа коҳин-фолбинларга ўхшаб ўз жинлари бор, Қуръонни унга ўшалар ўргатадилар", деган янги ёлғонни ўйлаб топдилар. Мазкур оятларда Оллоҳ таоло бу иш жинларнинг қўлидан келмаслигини, улар осмон хабарларини эшитишдан четлатилганларини айтиб, (бу ҳақда Ҳижр сурасининг 17-18-оятларида ҳам зикр қилинган эди) Қуръони Карим У Зотнинг Ўзи нозил қилган Китоб эканини таъкидлайди. Суранинг 221-223-оятларида яна шу мавзуга қайтилиб, жинлар кимларнинг олдига тушиши аниқ айтилади.

213. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз Оллоҳ билан бирга бошқа бирон "илоҳ"га илтижо қилманг! Акс ҳолда азоблангувчи кимсалардан бўлиб қолурсиз. 214. Ва яқин қариндош-уруғларингизни** *(Оллоҳнинг азобидан)* **огоҳлантиринг!**

И з о ҳ: Ушбу икки оятда Оллоҳ таоло Ўз пайғамбарига Ёлғиз Оллоҳдан ўзга бирон кимса ё нарсага сиғинмасликни ва бошлаб бу Ҳақ Динга ўз қариндош-уруғларини чорлашни буюрди. Шу оятлар нозил бўлиши билан Пайғамбар алайҳис-салом қариндошларини йиғиб, уларни Охират азобидан фақат ўз иймон-амаллари билангина халос бўлишлари мумкин эканлиги ҳақида огоҳлантирадилар ва жумладан ўз қизларига қараб шундай дейдилар: "Эй Фотима, қанча сўраб-ёлвормагин, Охират Кунида мен сенга асқотмайман (яъни, Охират азобидан Пайғамбар қизи бўлганинг учун эмас, балки ўз амалинг билангина қутула олурсан)", дейдилар. Бу Муҳаммад алайҳис-саломнинг барча умматларига сабоқдир.

215. Ўзингизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паст тутинг *(яъни, уларга хуш хулқ билан камтарона муомалада бўлинг)!* **216. Бас, агар улар итоатсизлик қилсалар, у ҳолда айтинг: "Албатта**

мен сизларнинг амалингиздан покдирман". 217. Ғолиб ва Меҳрибон *(Оллоҳ)***га таваккул қилинг! 218-219. У Сизни ўзингиз** *(намоз учун)* **тураётган вақтингизда ҳам, сажда қилгувчилар** *(намоз ўқувчилар)* **орасида** *(имом бўлган ҳолингизда намоз рукнларининг биридан иккинчисига)* **кўчаётган** *(вақтингизда ҳам)* **кўриб турар. 220. Шак-шубҳасиз, У Эшитгувчи, Билгувчи Зотдир. 221.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, айтинг)*: **"Мен сизларга жинлар кимларга тушиши ҳақида хабар берайми? 222. Улар барча гуноҳга ботган товламачиларга тушиб; 223. Эшитиб олганларини уларга ташлarлар. Уларнинг** *(жинларнинг)* **кўплари ёлғончилардир". 224. Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. 225-226. Уларнинг** *(сўз водийларидан)* **ҳар водийда дайдишларини** *(яъни, ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ё нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёқтирмаганларини тупроққа қоришларини)* **ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни айтишларини кўрмадингизми?!**

Изоҳ: Бу оятлар барча замонлардаги Оллоҳдан қўрқмайдиган, устларидаги ҳокимият - сиёсат ўзгариши билан ёзаётган мавзулари, қаҳрамонлари ҳам ўзгариб кетаверадиган, ўзгаларга тўғрилик, эзгулик ҳақида лоф уриб, ўзлари нопок йўллардан юрадиган маддоҳ қаламкашлар ва ўзларининг бор илҳом-истеъдодларини маъшуқаларининг таъриф-тавсифларига сарф қиладиган назмбозлар ҳақидадир. Лекин иймонли, эзгу амаллар қиладиган ва доим Оллоҳни ёдда тутадиган шоирлар бундан мустасно эканлиги тўғрисида қуйидаги ояти каримада айтиб ўтилади. Яна бу хусусда Пайғамбар алайҳис-саломдан ҳам кўп ҳадислар ривоят қилинган. Шулардан бири мана бу ҳадисдир: Саҳобалардан бўлган бир шоир келиб Пайғамбар алайҳис-саломга, Оллоҳ таоло шоирлар ҳақида айтган бу сўзлардан кейин бизларнинг ҳолимиз не кечади, деганларида Ҳазрат шундай жавоб берганлар: "Мўмин киши ҳам тиғи билан, ҳам тили (яъни, қалами) билан Оллоҳ йўлида жиҳод қилур. Яратган Эгамнинг номига қасамки, сизлар отадиган ўқнинг тиғи ўткирроқдир".

227. Магар иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доим Оллоҳни ёдда тутган ва *(илгари)* **мазлум бўлганларидан кейин** *(Ислом зафар топгач)*, **ғолиб бўлган кишилар** *(яъни, шоирлар йўлдан оздиргувчи эмаслар)*. **Золим кимсалар эса яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб қолурлар.**

НАМЛ сураси (27)

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, тўқсон уч оятдан иборатдир. Унда пайғамбарлардан Мусо, Солиҳ, Лут алайҳис-саломларнинг қиссалари зикр қилинади ва хусусан Довуд ва Сулаймон пайғамбарлар ҳақида бир қадар батафсил тўхталиб, Сулаймон алайҳис-салом Оллоҳ таолонинг пайғамбари бўлиш билан бирга яна жамийки инсу-жин ва паррандаю-дарранда оламига подшоҳ ҳам қилингани тўғрисида ҳикоя қилинади ҳамда у зот билан Сабаъ мамлакатининг маликаси Билқийс ўртасида бўлиб ўтган воқеалар ҳам тасвирланади.

Яна бу сурада Қуръондаги панд-насиҳат, ибрат-эслатмалардан фақат кўзи очиқ кишиларгина фойдаланишлари мумкинлиги айрича таъкидлаб ўтилади.

Шунингдек, Қиёмат қойим бўлиши олдидан Ер юзига чиқадиган жонивор ҳақидаги хабар ҳамда мўмин ва кофирларнинг Қиёмат Кунидаги аҳволи хусусидаги ибратли оятлар ҳам шу сурадан жой олгандир.

Сурада Оллоҳ таолонинг энг заиф ва заҳматкаш махлуқларидан бири бўлган чумоли ҳақида ҳам зикр қилингани сабабли уни "Намл - Чумоли" сураси деб аталгандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. То, Син. Ушбу *(оятлар)* **Қуръоннинг - очиқ Китобнинг оятларидир. 2-3.** *(Бу оятлар)* **намозни тўкис адо этадиган, закотни** *(ҳақдорларга)* **ато этадиган ва Охиратга аниқ ишонувчи бўлган кишилар - мўминлар учун Ҳидоят ва Хушхабардир. 4. Албатта Охиратга иймон келтирмайдиган кимсалар учун Биз** *(қилаётган)* **амалларини чиройли кўрсатиб қўйгандирмиз. Бас, улар адашиб-улоқиб юраверадилар. 5. Ана ўша кимсалар учун** *(дунёда ҳам)* **энг ёмон азоб бордир ва улар Охиратда энг кўп зиён кўргувчи кимсалардир. 6.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **шак-шубҳасиз, Сизга бу Қуръон Доно ва Билгувчи Зот даргоҳидан ташланаётир - туширилаётир. 7. Мусо аҳли-оиласига: "Мен олов кўриб қолдим.**

Сизларга ундан бирон хабар келтирурман ёки сизларга исиниб олишингиз учун бир ўт-чўт келтирурман", деганини эсланг! 8. Энди қачонки у *(оловнинг олдига)* келгач, унга нидо қилинди: "Олов олдидаги кишига *(яъни, Мусога)* ва унинг атрофидаги зотларга *(фаришталарга)* хайру-баракот бўлсин. Барча оламларнинг Парвардигори - Оллоҳ *(айбу-нуқсондан)* Покдир. 9. Эй Мусо, шак-шубҳасиз, Мен Ғолиб ва ҳикмат Соҳиби - Оллоҳдирман. 10. Асойингни ташлагин!" Бас, қачонки *(Мусо)* унинг илондек қимирлаётганини кўргач, ортига қарамай қочди. *(Шунда Биз дедик):* Эй Мусо, қўрқмагин! Зеро, Менинг ҳузуримда пайғамбарларим қўрқмаслар. 11. Лекин ким зулм қилса-ю, сўнгра - ёмонликдан кейин, уни чиройли *(амалга)* алмаштирса, бас, албатта Мен Мағфиратли, Меҳрибондирман. 12. Қўлингни чўнтагингга солгин, у ҳеч қандай дардсиз оппоқ бўлиб чиқур. *(Бу мўъжизалар сен)* Фиръавн ва унинг қавмига *(олиб борадиган)* тўққиз оят-мўъжиза ичида *(бордир)*. Дарҳақиқат, улар итоатсиз қавм бўлдилар. 13. Бас, қачонки уларга Бизнинг оят-мўъжизаларимиз равшан ҳолда етиб келгач, улар: "Бу очиқ сеҳрдир", дедилар. 14. Ва ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, у *(мўъжизаларни)* инкор этдилар. Энди *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, у бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг. 15. Дарҳақиқат, Биз Довуд ва Сулаймонга *(етук)* билим ато этдик ва улар: "Бизларни кўп мўмин бандаларидан афзал қилиб қўйган Зот - Оллоҳга ҳамду сано бўлсин", дедилар. 16. Сулаймон *(пайғамбарлик ва илмда)* Довудга ворис бўлди ва айтди: "Эй одамлар, бизга қушларнинг *(ва барча жониворларнинг)* тили билдирилди ҳамда *(пайғамбар ва подшоҳларга бериладиган)* барча нарсалардан берилди. Албатта бу очиқ фазлу марҳаматнинг ўзидир. 17. Сулаймоннинг *(амри билан)* унинг жин, инс ва қушлардан бўлган лашкарлари тўпланиб, тизилган ҳолларида турдилар. 18. То улар чумолилар водийсига етган вақтларида, бир чумоли: "Эй чумолилар, уяларингизга кирринглар, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари сезмаган ҳолларида сизларни босиб-янчиб кетмасинлар", деган эди; 19. *(Сулаймон)* унинг сўзидан кулиб-табассум қилди ва деди: "Парвардигорим, мени Сен менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларнигина қилишга муваффақ этгин ва мени ҳам Ўз фазлу раҳматинг билан солиҳ бандаларинг қаторига киритгин". 20-21. У қушларни кўздан кечириб *(уларнинг*

орасида ҳудҳудга кўзи тушмагач): "Нега мен ҳудҳудни кўрмаяпман, балки у *(мендан беизн)* гойиб бўлгувчилардандир?! Албатта мен уни қаттиқ азоб билан азобларман ё сўйиб юборурман ёки у менга *(ўз узрини баён қилиб)* очиқ ҳужжат келтирур", деди. 22. Сўнг узоққа қолмай *(ҳудҳуд келиб)* деди: "Мен сен огоҳ бўлмаган нарсадан огоҳ бўлдим ва сенга *(Яман мамлакатидаги)* Сабаъ *(шаҳри)*дан аниқ бир хабар келтирдим. 23. Дарҳақиқат, мен бир аёлни кўрдим. У *(Сабаъ шаҳри аҳолисининг)* маликаси экан. Унга барча нарсадан ато этилган бўлиб, унинг катта тахти ҳам бордир.

Изоҳ: Сулаймон алайҳис-салом замонларида (милоддан илгари - тахминан ўнинчи асрда) Яман мамлакатининг Сабаъ шаҳрида Билқийс исмли аёл ҳукмронлик қилган.

24-25. Мен у ва унинг қавми Оллоҳни қўйиб, куёшга сажда-ибодат қилаётганларини кўрдим". Шайтон уларга *(қилаётган)* амалларини чиройли кўрсатиб, уларни *(Ҳақ)* Йўлдан тўсиб қўйгандир. Бас, улар *(то)* Оллоҳга сажда қилмагунларича *(Ҳақ Йўлга)* ҳидоят топмаслар. *(Оллоҳ)* осмонлар ва Ердаги барча сирларни ошкор қиладиган ҳамда сизлар яширадиган ва ошкор қиладиган барча нарсаларни ҳам Биладиган Зотдир.

Изоҳ: Ушбу оят сажда ояти бўлиб, уни ўқувчига ҳам, эшитгувчига ҳам бир марта сажда қилиш вожибдир.

26. "Оллоҳ - ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. *(У Зот)* улуғ Арш Эгасидир". 27. *(Сулаймон)* деди: "Сен рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми, кўрурмиз. 28. Мана бу мактубимни олиб бориб уларга ташлагин, сўнгра улардан четланиб кузатгин-чи, нима *(жавоб)* қайтарар эканлар". 29. *(Қачонки ҳудҳуд Сулаймоннинг мактубини олиб келиб малика Билқийснинг олдига ташлагач),* у деди: "Эй одамлар, ҳақиқатан, менга улуғ бир мактуб ташланди. 30-31. Албатта у Сулаймондандир ва у *(мактубда шундай битилгандир):* "Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан. Сизлар менга кибр-ҳаво қилмай, ҳузуримга бўйинсунган ҳолингизда келингиз!" 32. *(Малика)* айтди: "Эй одамлар, менга бу ишимда фатво-маслаҳат беринглар. Мен то сизлар гувоҳ бўлмагунингизча бирон иш ҳақида ҳукм қилгувчи эмасман". 33. Улар дедилар: "Бизлар куч-қувват ва журъат-матонат эгаларидирмиз. *(Қандай ишга)* буюриш сенинг ўзингга ҳавола. Бас, нимага буюришни ўйлаб кўравер, *(бизлар эса сенга итоат этурмиз)*". 34. У айтди: "Аниққи, подшоҳлар қачон бирон қишлоққа *(бостириб)* кирсалар уни вайрон этурлар, аҳолисининг

обрў-эътиборлиларини эса хор-зор қилурлар. Уларнинг қилмиш-одатлари шудир. 35. Мен уларга бир ҳадя юбориб, кўрай-чи, элчиларим нима *(хабар)* билан қайтар эканлар".

И з о ҳ: Билқийс доно малика эди. У ҳадя юбориш билан Сулаймон алайҳис-саломнинг ҳақиқий пайғамбарми ёки оддий босқинчи подшоҳми эканлигини имтиҳон қилади. Маликанинг фикри шундай эди: "У агар оддий подшоҳ бўлса, ҳадяни дарҳол қабул қилади, демак, унга қарши ҳужум уюштириш ҳам мумкин бўлади. Энди агар у Оллоҳ таолонинг пайғамбари бўлса ҳадя қабул қилмайди, у ҳолда унга бўйсуниш лозим бўлади".

36. Бас, қачонки *(Билқийснинг элчилари унинг юборган ҳадясини олиб)* Сулаймон *(ҳузурига)* келгач, у деди: "Сизлар менга мол-дунё билан мадад бермоқчимисиз?! У ҳолда *(билингизки),* Оллоҳ менга ато этган *(пайғамбарлик ва мулку-давлат)* У Зот сизларга берган *(мол-дунёдан)* яхшироқдир. Балки сизлар ҳадяларингиз билан хурсанд бўларсизлар, *(лекин менинг унга эҳтиёжим йўқдир).* 37. Сен *(қавмингга)* қайтиб бориб *(айтгинки, агар ҳузуримга бўйинсунган ҳолларида келмасалар),* албатта биз уларга шундай қўшин билан борурмизки, улар унга асло бас кела олмаслар ва албатта биз уларни *(қишлоқларидан)* мағлуб ҳолларида хор қилиб қувиб чиқарурмиз".

И з о ҳ: Билқийснинг элчиси унинг олдига ҳадя билан қайтиб бориб Сулаймон алайҳис-саломнинг жавобларини етказгач, у: "Бу оддий подшоҳ эмаслигини билган эдим", деди ва Сулаймон пайғамбарга: "Мен сенинг кимлигингни ва даъват қилаётган дининг қандай дин эканлигини билиш учун ўз аъёнларим билан ҳузурингга бормоқдаман", деган хабар билан чопар юбориб, ўзи ўн икки минг одам билан йўлга тушди. Қачонки улар Сулаймон алайҳис-саломнинг қароргоҳларига етиб келишларига бир фарсах (олти чақирим атрофида) қолганида, у зот бундан хабар топиб, уларга ўзининг ҳақ пайғамбар эканлигини исботлайдиган бир мўъжиза кўрсатиш ва малика Билқийснинг фаҳму-фаросатини синаш мақсадида қўл остидаги халойиққа қараб:

38. "Эй одамлар, улар менинг ҳузуримга бўйсунган ҳолларида келишларидан илгари қайси бирларингиз менга унинг *(яъни, Билқийснинг ўз шаҳрида қолган)* тахтини келтира олур", деди. 39. *(Шунда)* жинлардан бир паҳлавони айтди: "Мен уни сен ўрнингдан туришингдан илгари сенга келтирурман. Албатта мен бунга қодир ва ишончлидирман". 40. Китоб - *(Лавҳул-маҳфуз)*дан

огоҳлиги бор бўлган бир зот *(яъни, тафсирун-Насафийда айтилишича, Жаброил фаришта)* эса: "Мен уни кўзинг ўзингга қайтгунича *(яъни, кўз очиб юмгунча)* сенга келтирурман", деди. Энди қачонки *(Сулаймон тахтнинг)* ўз ҳузурида турганини кўргач, деди: "Бу Парвардигоримнинг мен шукр қиламанми ёки куфрони неъмат қиламанми, имтиҳон этиш учун берган фазлу марҳаматидандир. Ким шукр қилса, бас, албатта у фақат ўз *(фойдаси)* учун шукр қилур. Ким куфрони неъмат қилса, бас, албатта Парвардигорим *(унинг шукр қилишидан)* Беҳожат ва фазлу карам Эгасидир". 41. *(Қачонки маликанинг келиши яқинлашиб қолгач, Сулаймон унинг фаҳму-фаросатини синаш учун)* деди: "Унинг тахтини танимайдиган қилиб - ўзгартириб қўйинглар! У *(ўз тахтини танишга)* йўл топурми ёки йўл топа олмайдиган кимсалардан бўлурми, кўрурмиз". 42. Энди қачонки у келгач: "Сенинг тахтинг шундаймиди?", дейилди. У *(ҳайратга тушиб)*: "Худди ўшанинг ўзи-ку", деди. *(Яъни, Оллоҳнинг қудратини тан олди ва Сулаймоннинг ҳақ пайғамбар эканига иймон келтирди. Шунда Сулаймон айтди: "Алҳамдулиллоҳки)*, бизларга ундан илгари илм-маърифат берилиб, мусулмон бўлганмиз. 43. Уни эса ўзи Оллоҳни қўйиб ибодат қилган нарсаси *(Оллоҳга иймон келтириб, мусулмон бўлишдан)* тўсгандир. Чунки у кофир қавмдан эди". 44. *(Маликага)*: "Саройга киргин", дейилди. Энди қачонки у *(саройни)* кўргач, уни сув *(тўлқин)* деб ўйлаб оёқларини очган эди, *(Сулаймон)*: "Бу ойнадан ясалган баланд қасрдир", деди. *(Шунда малика)* айтди: "Парвардигорим, дарҳақиқат, мен *(қуёшга сиғиниш билан)* жонимга жабр қилибман, *(энди)* Сулаймон билан бирга барча оламлар Парвардигори - Оллоҳга бўйинсундим". 45. Қасамки, Биз Самуд *(қабиласи)*га биродарлари Солиҳни пайғамбар қилдик. *(У)*: "Оллоҳга ибодат қилингиз", *(деди)*. Бас, баногоҳ улар*(нинг бир қисми мўмин, бир қисми кофирга айланиб)*, талашиб-тортишадиган икки гуруҳ бўлиб олдилар. 46. *(Самуд қабиласидаги кофир бўлган гуруҳ Солиҳга: "Агар чин пайғамбар бўлсанг, бизларни қўрқитаётган азобингни келтирчи", деганларида)* у айтди: "Эй қавмим, нега сизлар яхшилик - раҳматдан илгари ёмонлик-азобни шоштирмоқдасиз?! Сизларга раҳм-шафқат қилиниши учун Оллоҳдан мағфират сўрасангизлар бўлмасми?!" 47. Улар дедилар: "Бизлар *(бошимизга тушган очарчилик-қаҳатчилик)* сенинг ва сен билан бирга бўлган *(мўминларнинг)* шумқадамлигидан деб билдик". У айтди: "Сизларнинг *(бошингизга тушган)* бахтсизлик

Оллоҳ ҳузуридандир. Балки сизлар имтиҳон қилинаётган қавмдирсиз". 48. У шаҳарда *(ўзларини)* ўнгламай Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган тўққиз нафар кимса бор эди. 49. Ўшалар Оллоҳ номига қасам ичишиб *(бир-бирларига)* айтдилар: "Албатта *(Солиҳни)* ва унинг аҳли-тобеъларини тунда ҳалок қилурмиз, сўнгра унинг валий-ҳомийсига: "Бизлар *(на Солиҳнинг ва на)* унинг аҳли-тобеъларининг ҳалокатига гувоҳ бўлган эмасмиз. Албатта бизлар ростгўй кишилардирмиз", деймиз". 50. Улар *(Солиҳ ва унинг тобеъларига қарши ўз)* макрларини қилдилар. Биз ҳам улар сезмаган ҳолларида *(уларни ҳалок қилиш билан)* бир "макр" қилдик. 51. Энди уларнинг қилган макрлари оқибати қандай бўлганини кўринг - Биз уларни ва барча қавмларини қириб юбордик. 52. Мана, улар золим бўлганликлари сабабли уйлари ҳувиллаб қолди! Албатта бунда биладиган қавм учун оят-ибрат бордир. 53. Иймон келтирган ва тақводор бўлган зотларга эса нажот бердик. 54. Лутни *(эсланг)*! Ўшанда у қавмига айтган эди: "Сизлар кўриб-билиб турган ҳолингизда бузуқлик қилурмисизлар?! 55. Сизлар хотинларингизни қўйиб шаҳват билан эркакларга яқинлашурмисизлар?! Йўқ, сизлар жоҳил қавмдирсиз!"

56. *(Лут)* қавмининг жавоби эса фақат "Лутнинг аҳли-тобеъларини қишлоғингиздан *(қувиб)* чиқарингиз! Дарҳақиқат, улар жуда "покиза" кишилардир", дейишлари бўлди. 57. Бас, Биз *(Лутга)* ва унинг аҳли-тобеъларига нажот бердик. Магар унинг хотини *(нажот топмади, чунки)* Биз уни қолиб ҳалок бўлгувчилардан бўлишини тақдир қилиб - белгилаб қўйдик. 58. Ва уларнинг устига бир ёмғир *(яъни, тош)* ёғдирдик! Бас, *(азобдан)* огоҳлантирилгувчилар ёмғири нақадар ёмон бўлди! 59. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Оллоҳга ҳамду сано бўлсин ва Унинг Ўзи *(пайғамбарлик учун)* танлаган бандаларига дуо-ю салом бўлсин". Оллоҳ яхшироқми ёки улар *(Макка мушриклари Оллоҳга)* шерик қилаётган бутларими?! 60. Ёки осмонлар ва Ерни яратган ҳамда сизлар учун осмондан сув-ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида гўзал боғларни ўстирган Зотми?! Сизлар учун у *(боғларнинг)* дов-дарахтини ўстириш имкони йўқ эди. Оллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Йўқ, улар *(Оллоҳга ўзгаларни)* тенг биладиган қавмдирлар! 61. Ёки Ерни *(барча жонзотлар учун)* қароргоҳ қилиб, унинг ўртасида дарёлар пайдо қилган ва унинг учун тутқи-тоғлар барпо қилган ҳамда икки *(яъни, шўр-чучук)* денгиз-дарё ўртасида тўсиқ-тўғон иншо қилган Зотми?! Оллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Йўқ, уларнинг кўплари билмайдилар! 62. Ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида *(дуосини)* ижобат қиладиган ва *(унинг)* мушкулини осон қиладиган ҳамда сизларни Ернинг халифа-эгалари қиладиган Зотми?! Оллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Камдан-кам эслатма-ибрат олурсизлар! 63. Ёки сизларга қуруқлик ва денгиз зулматларида Тўғри Йўлни кўрсатадиган ва Ўз раҳмати-ёмғири олдидан шамолларни хушхабар қилиб жўнатадиган Зотми?! Оллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Оллоҳ уларнинг ширк келтирган нарсаларидан Юксакдир! 64. Ёки бошлаб Ўзи яратиб, сўнгра *(Охиратда)* қайта яратадиган Зотми?! Ким сизларга осмон ва заминдан ризқу рўз берур? Оллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, у кофирларга)* айтинг: "Агар Оллоҳнинг шериги бор, деган сўзларингизда ростгўй бўлсангизлар ҳужжатларингизни келтирингиз!" 65. Айтинг: "Осмонлар ва Ердаги бирон кимса ғайбни билмас, магар

Оллоҳгина *(билур)*". Улар қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмаслар. 66. Йўқ, уларнинг Охират ҳақидаги билимлари пишиб етилгандир *(ва шу сабабдан Охират ҳақида сўраётгандирлар)?!* Йўқ, улар *(Охиратдан)* шак-шубҳададирлар! Йўқ, улар ундан кўрдирлар! 67. Кофир бўлган кимсалар дедилар: "Ўзимиз ҳам, ота-боболаримиз ҳам тупроққа айланиб кетган вақтимизда *(қайта тирилиб, қабрларимиздан)* чиқарилгувчидирмизми?! 68. Дарҳақиқат, бизларнинг ўзимизга ҳам, илгари ота-боболаримизга ҳам мана шу ваъда қилингандир. *(Лекин ҳеч ким ўлганларнинг қайта тирилганини кўргани йўқ. Демак)*, бу фақат ўтганларнинг афсоналаридир". 69. Айтинг: "Ерни айланиб, жиноятчи кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринглар!" 70. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз уларнинг *(иймон келтирмаганлари)* устида ғам чекманг ва улар қилаётган макрлардан сиқилманг ҳам! 71. Улар: "Агар ростгўй бўлсангизлар *(айтинглар-чи)*, мана шу ваъда *(қилинган азоб)* қачон бўлади?", дейдилар. 72. Айтинг: "Эҳтимол сизлар шоштираётган *(азобнинг)* баъзиси сизларга яқин келиб қолгандир". 73. Албатта Парвардигорингиз одамларга фазлу марҳамат Соҳибидир. Лекин уларнинг кўплари шукр қилмайдилар. 74. Албатта Парвардигорингиз уларнинг диллари яширадиган нарсани ҳам, улар ошкор қиладиган нарсани ҳам билур. 75. Осмон ва ердаги ҳар бир сир очиқ Китобда *(яъни, Лавҳул Маҳфузда)* мавжуддир. 76. Албатта ушбу Қуръон бани Исроилга улар ихтилоф қилаётган нарсаларнинг кўпини сўйлаб-баён қилиб берур. 77. Албатта у иймон келтирадиган кишилар учун Ҳидоят ва Раҳматдир.

Изоҳ: Бани Исроил қавми, яъни, яҳудийлар ўзаро ихтилоф қилиб юрадиган Ийсо пайғамбар ҳақида ва бошқа жуда кўп муаммолар тўғрисида Қуръони Каримда аниқ тафсилотлар баён қилингандир. Ушбу икки оятда Қуръоннинг унга иймон келтирадиган кишилар учун Оллоҳнинг раҳматига ҳидоят қилгувчи раҳбар-йўлбошчи эканлиги уқтирилади.

78. Албатта Парвардигорингиз *(одамлар)* ўртасида Ўз ҳукми *(яъни, Ўзининг Илоҳий адолати)* билан ҳукм қилур. У Ғолиб ва Билгувчидир. 79. Бас, Сиз Оллоҳга таваккул қилинг! Албатта Сиз равшан Ҳақиқат устидадирсиз. 80. Аниқки, Сиз *(ўз даъватингизни)* "ўлик"ларга уқтира олмассиз ва юз ўгириб кетаётган "кар"ларга ҳам бу даъватни уқтира олмассиз. 81. Яна Сиз "кўр"ларни ҳам залолатларидан *(чиқариб, Ҳақ Йўлга)* ҳидоят қила олгувчи

эмасдирсиз. Сиз фақат Бизнинг оятларимизга иймон келтириб, мусулмон бўладиган кишиларгагина уқтира олурсиз. 82. Қачон *(кофирларнинг)* устига сўз - азоб тушганида, *(яъни, Қиёмат яқинлашиб қолганида)* Биз улар учун Ердан бир жонивор чиқарурмиз. У уларга одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлиб қолганлари ҳақида сўзлар.

И з о ҳ: Ҳадиси шарифда айтилишича охир замон бўлганда Ер остидан мисли кўрилмаган бир ҳайвон чиқиб Оллоҳ таолонинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларни лаънатлар ва шу ҳодисадан кейин Қиёмат қойим бўлиши аниқ экан.

83. Биз ҳар бир миллатдан бир гуруҳ - Бизнинг оятларимизни ёлғон дейдиган кимсаларни тўплаб, улар тизилиб турадиган Кунни *(эсланг).* 84. То қачон улар *(ҳисоб-китоб қилинадиган жойга)* келишгач, *(Оллоҳ)* айтди: "Сизлар аниқ - пухта билмаган ҳолингизда Менинг оятларимни ёлғон дедингизми?! Бўлмаса нима қилгувчи бўлдингизлар?!" 85. Золим-кофир бўлганлари сабабли уларнинг устига сўз - азоб тушди. Бас, улар *(бирон сўз)* сўзлай олмаслар. 86. Биз улар ором олишлари учун *(қоронғу)* кечани пайдо қилганимизни, кундузни эса ёруғ қилиб қўйганимизни кўрмадиларми?! Албатта бунда иймон келтирадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 87. Сур чалиниб, Оллоҳ Ўзи хоҳлаган зотлардан бошқа осмонлардаги ва Ердаги *(барча)* кимсалар даҳшатга тушиб қолган ва барча У Зот *(ҳузурига)* бўйин эгган ҳолда келган Кунни *(эсланг)!* 88. Сиз тоғларни кўриб тек қотиб турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар. *(Бу)* барча нарсани пухта қилган Зот - Оллоҳнинг ҳунаридир. Албатта У Зот сизлар қилаётган *(барча)* ишлардан Огоҳдир.

И з о ҳ: Ушбу оят Ернинг тинмасдан ўз ўқи атрофида айланиб туришига Оллоҳ таоло томонидан нозил қилинган далилдир. "Албатта бунда ақл эгалари учун оят-ибрат бордир".

89. Ким яхшилик билан келса, бас, унинг учун ўша *(яхшилигидан)* яхшироқ *(мукофот)* бўлур. Ва улар ўша Куннинг даҳшатидан омондадирлар. 90. Ким ёмонлик билан келса, бас, юзтубан ҳолларида дўзахга ташланурлар. *(Ва уларга айтилур):* "Сизларга фақат қилиб ўтган амалларингизнинг жазоси берилур". 91-92. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга айтинг):* "Мен фақат мана шу шаҳарнинг *(яъни, Маккайи мукарраманинг)* Парвардигоригагина ибодат қилишга буюрилгандирман. У *(бу*

шаҳарни) **ҳаром қилган Зотдир** *(яъни, бу шаҳарда қон тўкилиши, бирон кишига зулм қилиниши, ов овланиши ва ҳатто ўт юлиниши ҳам ҳаром қилингандир).* **Барча нарса Уникидир. Мен мусулмонлардан бўлишга ва Қуръон тиловат қилишга буюрилгандирман". Бас, ким Ҳақ Йўлга юрса фақат ўз** *(фойдаси)* **ўчун юрар. Ким йўлдан озса, у ҳолда айтингки: "Мен фақат** *(йўлдан озган кимсаларни Оллоҳнинг азобидан)* **огоҳлантиргувчилардандирман". 93. Айтинг: "Ҳамду сано Оллоҳ учундир. Яқинда У сизларга Ўз оят-мўъжизаларини кўрсатур. Бас, сизлар у** *(мўъжизаларни)* **тан олурсизлар** *(лекин у Кунда тан олишингиз сизларга фойда бермас)". (Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Парвардигорингиз сизларнинг қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир.**

. ҚАСАС сураси (28)

Қуръони Карим матнида йигирма саккизинчи тартибда келган бу сура Макка сураларидан бўлиб, саксон саккиз оятни ташкил этади.

Сура ўз маъно-моҳияти эътибори билан "Шуаро" ва "Намл" сураларининг давомидир.

Бу сурада инсонлар ибрат олишлари учун икки золим кимсанинг қилган кирдикорлари ва топган оқибат-ҳалокатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Улардан бири қўл остидаги ҳукму-салтанат сабабли ўзидан кетиб, ҳатто ўзини худо деб аташгача бориб етган золим ва мустабид подшоҳ Фиръавн бўлса, иккинчиси топган молу-давлатига маст бўлиб, дину-диёнатни унутган Қорундир, Қуръон улардан бирини сув, иккинчисини эса Ер ютгани ҳақида хабар беради.

Бу сурада Оллоҳ таолонинг суюкли пайғамбаридан Мусо алайҳис-саломнинг туғилишларидан тортиб, қандай пайғамбар бўлганлари ва кўрган-кечирган ибратли саргузаштлари бошқа сураларга нисбатан муфассал ва мукаммал сўйлангани сабабли уни "Қасас - Қисса" деб аталгандир. Сура икки дунё саодати бўлмиш иймон-эътиқодга даъват қилиш билан хотималанади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. То, Син, Мим. 2. Ушбу *(оятлар)* очиқ-равшан Китоб оятларидир. 3. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, иймон келтирадиган қавм *(ўқиб, ибрат олишлари)* учун Сизга Мусо ва Фиръавн хабаридан ҳаққи-рост тиловат қилиб *(сўйлаб)* берурмиз. 4. Дарҳақиқат, Фиръавн *(Миср)* ерида туғёнга тушиб, унинг аҳолисини бўлак-бўлак қилди. У улардан бир тоифани *(яъни, бани Исроил қавмини)* хорлаб, ўғилларини сўяр, аёлларини тирик қолдирар. Албатта у бузғунчи кимсалардан бўлди. 5. Биз эса у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни *(хор-бечораликдан чиқариб, барчага)* пешво зотларга айлантиришни ва

уларни *(Фиръавн мулкининг)* ворислари қилишни истаймиз. 6. Яна Биз уларни ўша ерда барқарор қилиб, Фиръавн ва *(унинг вазири)* Ҳомонга ҳамда икковининг лашкарларига *(бани Исроил)* томонидан ўзлари қўрқувчи бўлган нарсани *(яъни, мулку-давлатлари қўлларидан кетиб, ҳукму салтанат бани Исроил қавмининг қўлига ўтишини)* кўрсатиб қўйишни *(истаймиз)*. 7. Биз Мусонинг онасига *(Мусони туғиб, уни ҳам Фиръавн одамлари келиб ўлдиришларидан қўрқиб турган пайтида)* ваҳий қилдикки: "Уни эмизавергин. Бас, қачон *(Фиръавн одамлари ўғил кўрганингни билишиб қолиб, уни ўлдириб кетишларидан)* қўрқсанг, уни дарёга ташлагин ва қўрқмагин ҳам, қайғурмагин ҳам. Зеро, Биз уни сенга *(яна тирик ҳолида)* қайтаргувчидирмиз ва уни пайғамбарлардан қилгувчидирмиз". 8. Бас, уни Фиръавн хонадони *(ўсиб-улғайгач)*, ўзларига душман ва ғам-ташвиш бўлиши учун тутиб олдилар. Албатта Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг лашкарлари хато қилгувчи бўлдилар. 9. Фиръавнинг хотини *(унга)*: "*(Бу бола)* мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, унинг бизларга нафи тегса ёки уни бола қилиб олсак", деди. Улар *(ўзларининг ҳалокатлари шу гўдак қўлида эканини)* сезмаган ҳолларида *(уни бола қилиб олдилар)*. 10. Мусо *(дарёда оқиб кетгач)*, онасининг қалби бўм-бўш бўлиб қолди.- Агар Биз *("Мусони ўзингга қайтарурмиз", деган ваъдамизга)* иймон келтиргувилардан бўлиши учун унинг кўнглини хотиржам қилмаганимизда, албатта у *(Мусо ўзининг ўғли эканини)* очиб қўйган бўлур эди- 11. Ва *(Мусонинг онаси)* унинг опасига: "Унинг *(ортидан)* тушгин", деди. Бас, у *(Фиръавн хонадонидагилар)* сезмаган ҳолларида *(Мусони)* узоқдан кузатиб турди. 12. Биз аввал *(Мусога барча)* эмизгувчи аёлларни ҳаром қилдик *(бас, у бирон аёлни эммади)*, шунда *(унинг опаси келиб)*: "Мен сизларга унга кафил бўлиб *(эмизадиган)* ва унга холис *(тарбия берадиган)* бир оилани кўрсатайми?", деди. 13. Шундай қилиб, Биз *(Мусонинг онасининг)* кўзлари шодланиши ва ғам чекмаслиги учун ҳамда Оллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билиши учун уни онасига қайтардик. Лекин кўп *(одамлар Оллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини)* билмайдилар. 14. Қачонки у вояга етиб, *(ақли)* тўлгач, Биз унга ҳикмат ва билим ато этдик. Биз чиройли амал қилгувчи кишиларни мана шундай мукофотлармиз. 15. *(Кунлардан бирида Мусо)* шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатда бўлган *(пешин)* пайтида кирган эди, унда икки киши урушаётганини кўрди. *(Улардан)* бири ўзининг жамоатидан *(яъни, бани Исроил қавмидан)*

ва бири душманидан *(яъни, қибтийлардан)* **эди.** *(Бас, Мусонинг)* **жамоатидан бўлган киши душман томондан бўлган кимсага қарши ундан ёрдам сўради. Шунда Мусо бир мушт уриб уни ўлдириб қўйди.** *(Сўнг қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлиб),* **деди: "Бу шайтоннинг ишидандир. Албатта у йўлдан ургувчи очиқ душмандир". 16.** *(Кейин Оллоҳга илтижо қилиб),* **деди: "Парвардигорим, дарҳақиқат, мен ўз жонимга жабр қилиб қўйдим. Энди Ўзинг мени мағфират қилгин". Бас,** *(Оллоҳ)* **уни мағфират қилди. Албатта Унинг Ўзигина Мағфират қилгувчи, Меҳрибондир. 17. У** *(яна)* **деди: "Парвардигорим, Сен менга қилган инъоминг ҳаққи-ҳурмати энди ҳаргиз жиноятчи кимсаларга ёрдам қилгувчи бўлмасман". 18. Бас, у эрта тонгда шаҳарда қўрқувга тушиб,** *(бирон кори ҳолга)* **кўз тутган ҳолда кетаётган эди, баногоҳ кеча ундан ёрдам сўраган** *(бани Исроил қавмидан бўлган)* **кимса яна** *(бир қибтий билан урушаётганини ва яна)* **уни ёрдамга чақираётганини** *(кўрди).* **Мусо унга деди: "Дарҳақиқат, сен аниқ гумроҳдирсан". 19. Энди у ўзларига душман бўлган кимсани** *(яъни, қибтийни)* **ушламоқчи бўлган эди,** *(Мусо энди мени урмоқчи шекилли, деб гумон қилган бани Исроилдан бўлган кимса):* **"Эй Мусо, кеча бир жонни ўлдирганинг каби** *(бугун)* **мени ҳам ўлдирмоқчимисан?! Сен фақат Ер юзида жабру зулм қилгувчи бўлмоқчисан. Сен ислоҳ қилгувчилардан бўлишни истамайсан", деди.**

И з о ҳ: Нақл қилинишича, Мусо алайҳис-салом ўртага тушиб қибтий билан исроилийни ажратиб қўйгач, бир кун илгари ўлдирилган қабиладошининг қотили Мусо эканидан хабар топган қибтий бориб Фиръавн ва унинг одамларига бу ҳақда сўзлаб беради. Шунда Фиръавн Мусо алайҳис-саломни қатл қилишга амр қилиб, уни топиб келиш учун одамларни юборади. Лекин қибтийлар орасидаги бир диёнатли киши келиб, Мусони бу ҳақда огоҳлантириб қўяди. Қуйидаги оятда шу тўғрисида ҳикоя қилинади.

20. Шаҳарнинг нариги тарафидан бир киши шошганча келиб: "Эй Мусо, *(Фиръавн)* **одамлари сени ўлдириш учун тил бириктирмоқдалар. Бас, сен** *(бу шаҳардан)* **чиқиб кетгин. Албатта мен сенга холис бўлган кишилардандирман", деди. 21. Бас, у қўрқувга тушиб,** *(ортидан етиб келиб қолишларига)* **кўз тутган ҳолда у ердан чиқиб, деди: "Парвардигорим, Ўзинг менга бу золим қавмдан нажот бергин". 22. Ва қачонки Мадян** *(шаҳри)* **томонга юзлангач, деди: "Шояд Парвардигорим мени Тўғри Йўлга ҳидоят**

қилса". 23. Қачонки у Мадяннинг суви - қудуғига етиб келгач, у жойда бир тўп одамлар *(чорваларини)* суғораётганларини кўрди ва улардан қуйироқда икки аёл *(ўз қўйларини сувдан)* тўсиб турганларини кўриб: "Сизларга не бўлди *(яъни, нега қўйларингизни суғормай турибсизлар)?"*, деди. Улар: "Биз то подачилар *(молларини)* қайтармагунча суғора олмаймиз. Отамиз эса қари чол *(яъни, қўйларимизни суғоргани кела олмас)"*, дедилар. 24. Шунда *(Мусо)* уларга *(қўйларини)* суғориб берди. Сўнгра *(бир четдаги дарахт)* соясига бориб *(ўтириб)*, деди: "Парвардигорим, мен Ўзинг *(ҳузурингдан)* мен учун нима яхшилик *(яъни, ризқ)* туширсанг, ўшанга муҳтождирман".

Изоҳ: Муфассирлар ёзишларича ҳазрати Мусо алайҳис-салом Фиръавн қавмидан ёлғиз, бечора, оч ва даҳшатга тушган ҳолда қочиб чиққанларида айтдиларки: "Парвардигор, ёлғизман, хастаман, бечораман!" Шунда у кишига жавоб бўлди: "Эй Мусо, Мендек дўсти бўлмаган киши ёлғиздир, Мендек табиби бўлмаган одам хастадир. Мен билан алоқасини узган кимса бечорадир!" Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло Ўз дўстларини ёлғизлатиб қўймаслиги ҳақида қуйидаги оятларда ҳикоя қилинади. Мусо алайҳис-салом қўйларини суғориб берган икки қиз Шуайб пайғамбарнинг қизлари эди. Кексайиб қолган Шуайб алайҳис-салом қизларининг ҳар кунги одатларидан эртароқ қайтиб келганларидан ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини сўраганларида улар бир нотаниш йигит қўйларини суғориб берганини айтдилар. Шунда у зот қизларидан бирини Мусони чақириб келиш учун юбордилар.

25. Бас, улардан бири ҳаё билан юриб келиб: "Отам сени бизларга *(қўйларимизни)* суғориб берганинг ҳақини бериш учун чақирмоқда", деди. Бас, қачонки *(Мусо Шуайбнинг ҳузурига)* келиб, унга ўз қиссасини сўйлаб бергач, у: "Қўрқмагин. Сен у золим қавмдан нажот топдинг", деди. 26. *(Қизлардан)* бири: "Эй ота, уни *(чорваларингни боқишга ишга)* ёллагин. Зеро, сен ёллаган энг яхши киши кучли, ишончли кишидир", деди. 27. *(Шуайб)* айтди: *"(Эй Мусо, агар рози бўлсанг)*, менга саккиз йил ишлаб беришинг бадалига мен сенга мана шу икки қизимдан бирини никоҳлаб бермоқчиман. Энди агар ўн йилни тўлатсанг *(яъни, тўла ўн йил ишлаб берсанг)* сен томонингдан *(бизга марҳамат бўлур)*. Мен сени қийнашни истамайман. Иншооллоҳ, сен менинг солиҳ кишилардан эканлигимни кўрурсан". 28. *(Мусо)* деди: "Мана шу сен билан менинг ўртамиздаги *(битимдир)*. Икки муддатдан қай

бирини адо қилсам бас, менга зўрлик қилинмас. Оллоҳ айтаётган сўзимизга Вакил - Гувоҳдир". 29. Энди қачонки Мусо *(келишилган ўн йил)* муддатни ўтаб, аҳли-оиласи билан *(Миср томон)* йўлга тушгач, Тур *(тоғи)* тарафдан бир оловни кўриб қолди. У аҳли-оиласига: "Сизлар кутиб туринглар. Аниқки, мен бир оловни кўриб қолдим. Шояд сизларга ундан бирон хабар ёки исиниб олишларингиз учун у оловдан чўт олиб келсам", деди. 30. Энди қачонки унинг олдига етиб келгач, у муборак жойдаги водийнинг ўнг тарафидан - дарахтдан унга нидо қилинди: "Эй Мусо, албатта Мен барча оламларнинг Парвардигори Оллоҳдирман. 31. Асойингни *(ерга)* ташлагин!" Бас, қачонки *(Мусо асосини ерга ташлагач)*, уни илондек қимирлаганини кўргач, ортига қарамай қочди. "Эй Мусо, кел, қўрқмагин. Зеро, сен *(хавфу-хатардан)* омонда бўлгувчи кишилардандирсан. 32. Қўлингни чўнтагингга солгин, бирон зиён-дардсиз оппоқ бўлиб чиқур ва қанотингни *(яъни, қўлингни)* қўрқувдан *(яъни, агар бу мўъжизалардан қўрқиб кетсанг қўлтиғингга)* қисиб олгин *(у яна ўз ҳолига қайтур)*. Бас, шу иккиси *(яъни, асойингни илонга айланиши ва қўлингни оппоқ бўлиб нур сочиши)* Парвардигоринг томонидан Фиръавн ва унинг одамларига икки ҳужжатдир. Дарҳақиқат, улар фосиқ қавм бўлдилар". 33. *(Мусо)* деди: "Парвардигорим, мен улардан бир жонни ўлдириб қўйганман. Бас, улар мени ўлдиришларидан қўрқурман. 34. Оғам Ҳорун мендан кўра тили гўёроқдир. Бас, уни ҳам мен билан бирга мени тасдиқлайдиган ёрдамчи қилиб юборгин. Чунки улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқурман". 35. *(Оллоҳ)* айтди: "Биз сени оғанг билан қувватлантирурмиз ва иккингиз учун салтанат *(яъни, ғалаба ато)* қилурмиз. Бас, улар сизларга *(бирон зиён)* етказа олмаслар. Бизнинг оят-мўъжизаларимиз билан сизлар ҳам, сизларга эргашган кишилар ҳам ғолиб бўлгувчидирлар". 36. Энди қачонки Мусо уларга Бизнинг аниқ-равшан оят-мўъжизаларимизни келтиргач, улар: "Бу ҳеч нарса эмас, магар уйдирма-сеҳрдир. Бизлар бу нарсани ўтган ота-боболаримиз *(замони)*да *(бўлганини)* ҳам эшитган эмасмиз", дедилар. 37. Мусо айтди: "Парвардигорим ким Ўзининг ҳузуридан ҳидоят келтирганини ҳам, *(Охират)* диёридаги оқибат кимнинг фойдасига бўлишини ҳам жуда яхши Билгувчидир. Албатта золим кимсалар нажот топмас". 38. Фиръавн: "Эй одамлар, мен сизлар учун ўзимдан бошқа бирон илоҳ борлигини билган эмасман. Бас, сен эй Ҳомон, лойни пишириб, *(ғишт қуйиб)*

мен учун бир *(баланд)* қаср бино қил, шоядки мен *(унинг устига чиқиб)* Мусонинг худосини кўрсам. Албатта мен уни ёлғончи кимсалардан деб ўйламоқдадирман", деди. 39. У *(Фиръавн)* ҳам, унинг лашкарлари ҳам *(Мусо даъват қилган Ҳақ Динга иймон келтирмасдан)* Ер юзида ноҳақ кибру-ҳаво қилдилар ва ўзларини Бизга қайтарилмайдилар, деб гумон қилдилар. 40. Бас, Биз уни ва лашкарларини ушладик-да, денгизга ташладик - ғарқ қилиб юбордик. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, энди Сиз у золим кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг. 41. Ва уларни, *(ўзларига эргашган динсиз кимсаларни)* дўзахга чорлаб турадиган пешволар қилиб қўйдик. Қиёмат Кунида ҳам уларга ёрдам берилмас. 42. Биз бу дунёда ҳам уларга лаънатни эргаштирдик. Қиёмат Кунида ҳам улар *(Бизнинг раҳматимиздан)* йироқ қилингувчи кимсалардандирлар. 43. Аниқки, Биз аввалги аср-авлодларни *(кофирликлари сабабли)* ҳалок қилганимиздан кейин Мусога одамлар учун нур, ҳидоят ва раҳмат бўлган Китоб ато этдик. Шояд улар эслатма-ибрат олсалар. 44. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Биз Мусога ишни *(яъни, пайғамбарликни)* ҳукм қилган пайтда Сиз *(Тур тоғининг)* Ғарб томонида *(Биз Мусо билан ваъдалашган жойда турган)* эмас эдингиз ва гувоҳлардан ҳам бўлган эмас эдингиз. 45. Лекин Биз *(Мусо замонидан сўнг, кўп)* асрларни пайдо қилдик, бас, уларга умр-замон чўзилиб кетди *(ва улар Мусога юборилган ҳукмларни унутиб юбордилар. Шунда Биз ҳукму фармонларимизни одамларга ҳаққи-рост етказишингиз учун Сизни Пайғамбар қилиб юбордик)*. Сиз Мадян аҳли орасида тургувчи ҳам, уларга Бизнинг оятларимизни тиловат қилгувчи ҳам бўлган эмасдингиз. Лекин Биз *(Сизни)* Пайғамбар қилиб юборгувчи бўлдик *(бас, Сиз Бизнинг ваҳийларимиз воситасида Мусо тўғрисида ҳам, Мадян шаҳрининг аҳли ҳақида ҳам хабардор бўлдингиз)*. 46. Биз *(Мусога)* нидо қилган пайтда Сиз Турнинг ёнида бўлган эмас эдингиз. Лекин *(Сиз)* Парвардигорингиз томонидан раҳмат бўлиб Сиздан илгари бирон огоҳлантиргувчи келмаган бир қавмни огоҳлантириш учун *(Пайғамбар қилиндингиз)*. Шояд улар эслатма-ибрат олсалар. 47. Агар уларга ўз қилмишлари сабабли бирон мусибат - бало етганида: "Парвардигоро, бизларга пайғамбар юборганингда эди, Сенинг оятларингга эргашар ва иймон келтиргувчилардан бўлур эдик", дейишмаса эди *(Биз Сизни уларга Пайғамбар қилиб юбормас эдик)*. 48. Энди қачонки уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ *(пайғамбар)* келгач эса, улар: "Унга

(яъни, Муҳаммадга) ҳам Мусога берилган мўъжизалар берилганида эди *(бизлар унга эргашган бўлардик)"*, дедилар.- Ахир улар илгари Мусога берилган мўъжизаларга ҳам кофир бўлмаганмидилар?! - Улар: "*(Таврот ва Қуръон)* бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган икки сеҳрдир", дедилар, ва: "Бизлар *(бу икки Китобдан)* ҳар бирига кофирдирмиз", дедилар. 49. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* айтинг: "У ҳолда агар ростгўй бўлсанглар сизлар Оллоҳ ҳузуридан у икки *(Китобдан)* кўра тўғрироқ бўлган бирон китоб келтиринглар, мен унга эргашурман". 50. Энди агар улар Сизга жавоб бера олмасалар, бас, билингки, улар фақат ҳавойи нафсларигагина эргашурлар. Оллоҳ томонидан ҳидоятланмаган ҳолда ўз ҳавойи нафсига эргашган кимсадан ҳам йўлдан озганроқ ким бор?! Албатта Оллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас. 51. Аниқки, Биз эслатма-ибрат олишлари учун уларга Сўзни - Қуръонни улаб *(яъни, пайдар-пай нозил қилдик)*. 52. Биз *(Қуръондан)* илгари Китоб *(яъни, Таврот, Инжил)* ато этган зотлар *(яъни, яҳудий ва насронийлар орасидаги мўминлар)* унга *(яъни, Қуръонга)* иймон келтирурлар. 53. Қачонки уларга *(Қуръон)* тиловат қилинса улар: "Бизлар унга иймон келтирдик. Албатта у Парвардигоримиз томонидан бўлган Ҳақиқатдир. Шак-шубҳасиз, бизлар *(Қуръон нозил бўлишидан)* илгари ҳам мусулмонлар *(яъни, Оллоҳни Ягона билиб бўйинсунувчилар)* эдик", дерлар. 54. Ана ўша зотларга *(дину-иймон йўлида)* сабр-тоқат қилганлари сабабли ажр-мукофотлари қайта-қайта ато этилур. Улар яхшилик *(яъни, сабр-тоқат)* билан ёмонликни *(яъни, кофирларнинг озорларини)* дафъ қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилурлар. 55. Қачонки беҳуда *(сўз ё ишни)* эшитсалар, ундан юз ўгирурлар ва: "Бизларнинг амалларимиз ўзимиз учун, сизларнинг амалларингиз ҳам ўзларингиз учундир. Омон бўлинглар. Бизлар нодон кимсалар *(билан ҳамсуҳбат бўлиш)*ни истамаймиз", дерлар. 56. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, аниқки, Сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмассиз, лекин Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. У ҳидоят топгувчи зотларни яхшироқ Билгувчидир.

Изоҳ: Ушбу оят Пайғамбар алайҳис-саломнинг амакилари Абу Толиб ҳақида нозил бўлгандир. Маълумки, Абу Толиб Муҳаммад алайҳис-саломни болалик чоғларидан бошлаб ўз оталигига олиб, то умрининг охиригача ҳам у зотга ҳомийлик қилган бўлса-да, ўзи

Исломга кирмаган эди. Абу Толиб Пайғамбаримизни ўз ўғлидек яхши кўрар ва у зотни мудом бошқа мушрикларнинг хуружларидан ҳимоя қилиб келар эди. Шунинг учун ҳам Абу Толибга ўлим соати яқинлашганида Пайғамбар алайҳис-салом уни кофир ҳолда ўлиб кетишини истамай: "Эй амаки, "Ла илоҳа иллаллоҳ" денг, мен Қиёмат Кунида сизни мўмин ҳолда вафот қилган деб гувоҳлик берай", деганларида, у: "Мен сенинг йўлинг ҳақ эканлигини биламан, аммо одамлар: "Абу Толиб ўлимдан қўрқиб иймон келтирди", дейишларини хоҳламайман", деб жавоб берган экан. Шунда, ўзининг суюкли амакиси дунёдан беиймон кўз юмаётганидан беҳад ғам-ғуссага тўлган Пайғамбарига Ҳақ таоло юқоридаги оятни нозил қилган.

57. Улар *(яъни, Қурайш кофирлари: "Эй Муҳаммад),* **агар бизлар сен билан бирга Тўғри Йўлга эргашсак, ўз еримиздан ажралурмиз** *(яъни, бошқа араблар бизларга душман бўлиб қолиб, ўз юртимиздан қувиб чиқарурлар)",* **дедилар. Ахир Биз уларга тинч-осойишта Ҳарамни макон қилиб бермадикми?! Барча нарсанинг мева-ҳосиллари Бизнинг даргоҳимиздан ризқу рўз бўлган ҳолда ўша жойга йиғилади-ку! Лекин уларнинг кўплари** *(буни)* **билмаслар. 58. Биз қанча маишати ҳаддан ошган қишлоқ-шаҳарни ҳалок қилдик. Мана ўшаларнинг масканлари улардан кейин камдан-кам маскан қилинди.** *(Уларнинг барчалари ҳалок бўлдилар)* **ва** *(уларни мулку-диёрларига)* **Биз Ўзимиз ворис бўлиб қолдик. 59. Парвардигорингиз то барча қишлоқ-шаҳарларнинг маркази** *(Маккаи мукаррама)***да Бизнинг оятларимизни уларга тиловат қиладиган бир пайғамбарни юбормагунича у** *(қишлоқ-шаҳарларни)* **ҳалок қилгувчи бўлмади. Биз қишлоқ-шаҳарларни фақат уларнинг аҳолиси золим - кофир бўлган ҳолдагина ҳалок қилгувчи бўлдик. 60. Сизларга берилган нарсалар фақат** *(ўткинчи)* **ҳаёти дунёнинг мато ва зийнатларидир. Оллоҳ ҳузуридаги** *(ажру-мукофот)* **эса яхшироқ ва боқийроқдир. Ахир ақл юргизмайсизларми?! 61. Ахир Биз гўзал ваъда** *(жаннат)* **ваъда қилган, бас, унга эришган киши, Биз** *(ўткинчи)* **ҳаёти дунё матосидан** *(озгина)* **фойдалантириб, сўнгра Қиёмат Кунида** *(мангу азобга)* **дучор қилингувчилардан бўлган кимса каби бўлурми?! 62-63.** *(Эсланг, Оллоҳ Қиёмат)* **Кунида уларга нидо қилиб: "Сизлар** *(бор деб)* **гумон қилгувчи бўлган "шерикларим" қаерда қолишди?!", деганида, устларига Сўз - азоб тушиши ҳақ-муқаррар бўлган кимсалар** *(яъни, одамларни Хақ Йўлдан оздирган доҳийлар):*

"Парвардигоро, ана у бизлар йўлдан оздирган кимсаларни ҳам худди ўзимиз йўлдан озган каби йўлдан оздиргандирмиз *(яъни, бизлар ҳам, барчамиз ўз ихтиёримиз билан озгандирмиз).* Бизлар Сенга оқдирмиз *(яъни, уларнинг йўлдан озишларига айбдор эмасмиз).* Улар бизларга ибодат қилгувчи бўлмаганлар, *(балки ўз ҳавойи нафсларига ибодат қилганлар)",* дерлар. 64. Уларга: "Бутларингизга дуо-илтижо қилинглар, *(мана энди сизларга ёрдам берсинлар)",* дейилиб, уларга дуо-илтижо қилганларида *(бутлар)* жавоб қилмаслар ва улар азобни кўрурлар. Агар улар ҳидоят топсалар эди *(бундай азобни кўрмаган бўлур эдилар).* 65. *(Оллоҳ)* уларга нидо қилиб: "Пайғамбарларимга нима жавоб қилган эдинглар?", дейдиган Кунда - 66. Ўша Кунда уларга хабарлар *(яъни, ўзларини оқлайдиган баҳонаю сабаблар)* кўринмай қолур, бас, *(даҳшат ва қўрқувга тушиб)* бир-бирларидан ҳам сўраша олмаслар. 67. Энди ким тавба қилиб, иймон келтириб, яхши амал қилиб ўтган бўлса, шоядки, ана ўша *(киши)* нажот топгувчилардан бўлур. 68. Парвардигорингиз Ўзи хоҳлаган нарсани яратур ва *(Ўзи хоҳлаган ишни)* ихтиёр қилур. Улар учун ихтиёр йўқдир. Оллоҳ уларнинг ширкларидан Пок ва Юксакдир. 69. Парвардигорингиз уларнинг диллари яширган нарсаларини - сирларини ҳам, ошкор қилган нарсаларини - сўзларини ҳам билур. 70. У *(Ёлғиз)* Оллоҳдир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. Аввалу-охирда *(яъни, дунё-ю-Охиратда)* ҳамду сано *(Ёлғиз)* Унинг учундир. Ҳукм Унинг *(ҳукмидир).* Ва *(барчаларингиз)* Ёлғиз Унга қайтарилурсизлар. 71. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Хабар берингизчи, агар Оллоҳ кечани Қиёмат Кунигача устингизда мангу қилиб қўйса, Оллоҳдан ўзга қайси бир илоҳ сизларга бирон ёруғлик келтира олур?! Ахир англамайсизлармиз?!" 72. Айтинг: "Хабар берингиз-чи, агар Оллоҳ кундузни Қиёмат Кунигача устингизда мангу қилиб қўйса, Оллоҳдан ўзга қайси бир илоҳ сизларга ором оладиган кечани келтира олур?! Ахир кўрмайсизлармиз?! 73. *(Оллоҳ)* сизлар учун кеча ва кундузни - унда *(яъни, кечада)* ором олишларингиз, *(кундузи эса)* Унинг фазл-ризқидан исташларингиз ва шукр қилишларингиз учун пайдо қилиб қўйгани Унинг раҳмат - марҳаматидандир. 74. *(Эсланг, Оллоҳ Қиёмат)* Кунида уларга нидо қилиб: "Сизлар *(бор деб)* гумон қилгувчи бўлган "шерикларим" қаерда қолишди?", дер. 75. Биз *(у Кунда)* ҳар бир умматдан бир гувоҳни *(яъни, пайғамбарни)* чиқариб, *(уларга "Оллоҳ ёлғиз эмас", деб келтирган ширкларингиз*

ҳақ бўлса, қани) ҳужжат-далилларингизни келтиринглар-чи", дедик. Бас, улар *(худолик)* ҳаққи-ҳуқуқи *(Ёлғиз)* Оллоҳники эканини билдилар ва ўзлари тўқиб олган "худолари" эса улардан ғойиб бўлди. 76-77. Албатта Қорун ўзи Мусо қавмидан эди. Бас, у *(қавмдошларига)* кибру ҳаво қилди. Биз унга хазина-дафиналардан калитлари*(ни кўтариб юришнинг ўзи)* куч-қувват эгалари бўлган бир жамоатга ҳам оғирлик қиладиган нарсаларни ато этган эдик. Ўшанда қавмдошлари унга: "Ҳовлиқмагин. Чунки Оллоҳ ҳовлиқма кимсаларни суймас. Ва Оллоҳ сенга ато этган мол-давлат билан *(аввало)* Охират диёрини *(ободлигини)* истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Оллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам *(Оллоҳнинг бандаларига)* инфоқ-эҳсон қил. Ерда *(зулму зўравонлик билан)* бузғунчилик қилишга уринма. Чунки Оллоҳ бузғунчи кимсаларни суймас", деганларида; 78. У: "Менга *(бор молу давлатим)* фақат ўзимдаги билим сабаблигина ато этилгандир, *(бас, ҳеч ким уни мендан тортиб ололмас")*, деди. Ахир у ўзидан аввалги асрлар-авлодлардан, ундан кўра қувватлироқ ва жамғармаси ҳам кўпроқ *(қанчадан-қанча)* кимсаларни Оллоҳ ҳалок қилганини билмасми?! У жиноятчи кимсалардан гуноҳлари ҳақида сўралмас ҳам, *(балки улар ҳеч қандай сўроқ-саволсиз дўзахга ташланурлар)!* 79. Сўнг, *(Қорун)* қавми олдига ясан-тусан қилиб чиққан эди, ҳаёти дунёни истайдиган кимсалар: "Эҳ, қани эди бизлар учун ҳам Қорунга ато этилган молу-давлат бўлса эди?! Дарҳақиқат, у улуғ насиба эгасидир", дедилар. 80. Илм - маърифат ато этилган кишилар эса: "Ўлим бўлсин сизларга! Иймон келтирган ва яхши амал қилган киши учун Оллоҳ берадиган ажр-савоб яхшироқ-ку! У *(савобга)* фақат сабр-қаноатли кишиларгина эришурлар", дедилар. 81. Бас, Биз *(Қорунни)* ҳам, унинг ҳовли-жойини ҳам Ерга ютдирдик. Сўнг унинг учун Оллоҳдан ўзга ёрдам берадиган бирон жамоат бўлмади ва унинг ўзи ҳам ғолиблардан бўлмади. 82. Ва куни кеча унинг мартабасини орзу қилган кимсалар: "Воажаб, Оллоҳ бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилиб *(Ўзи хоҳлаган бандаларининг ризқини)* танг қилиб берар экан-да?! Агар Оллоҳ бизларга марҳамат қилмаганида, бизларни ҳам *(Ерга)* ютдирган бўлур эди. Воажаб, кофир бўлган кимсалар нажот топмас экан-да", деб қолдилар. 83. Биз ўша Охират диёрини Ер юзида зулму зўравонлик ва бузғунчилик қилишни истамайдиган кишилар учун қилурмиз. Оқибат тақво қилгувчи

кишиларникидир. 84. Ким яхшилик билан келса, бас, унинг учун *(қилган яхшилигидан)* **яхшироқ** *(мукофот бўлур).* **Ким ёмонлик билан келса, бас, ёмонликлар қилган кимсалар фақат ўзлари қилган ёмонликлари билангина жазоланадилар. 85.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **албатта Сизга** *(ушбу)* **Қуръонни** *(яъни, уни тиловат қилишни, унга амал қилишни ва уни умматларингизга етказишни)* **фарз қилган Зот, шак-шубҳасиз, Сизни бир қайтадиган жойга** *(Маккага)* **қайтаргувчидир.** *(Мушрикларга)* **айтинг: "Парвардигорим Тўғри Йўл** *(Ҳақ Дин)* **билан келган кишини ҳам, очиқ-равшан залолатдаги кимсани ҳам жуда яхши Билгувчидир".**

И з о ҳ: Муфассирлар ёзишларича, ушбу оят Пайғамбар алайҳис-салом Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб кетаётганларида, йўлда Жуҳфа деган жойга қўниб, ўзлари ташлаб чиқиб кетаётган ватанлари - Маккани қўмсаган вақтларида нозил бўлган экан.

86. Сиз ўзингизга Китоб - Қуръон туширилишидан умидвор ҳам бўлган эмасдингиз. Фақат Парвардигорингиз томонидан раҳмат-марҳамат бўлиб *(Сизга Қуръон нозил қилинди).* **Бас, Сиз ҳаргиз кофир кимсаларга ёрдамчи бўлманг! 87. Ва Сизга Оллоҳнинг оятлари нозил қилинганидан сўнг ҳаргиз улар Сизни** *(у оятларга амал қилишингиздан)* **тўсмасинлар! Сиз** *(одамларни ҳам Ёлгиз)* **Парвардигорингизга** *(ибодат қилишга)* **чорланг ва ҳаргиз мушрик кимсалардан бўлманг! 88. Оллоҳ билан бирга бошқа бирон "илоҳ"га илтижо қилманг! Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. Барча нарса ҳалок бўлгувчидир, магар Унинг Юзи - Ўзигина** *(мангудир).* **Ҳукм Унинг** *(ҳукмидир).* **Ва** *(барчаларингиз)* **Ёлгиз Унга қайтарилурсизлар.**

АНКАБУТ сураси (29)

Олтмиш тўққиз оятдан иборат бўлган бу сура ҳам Маккада нозил қилингандир. Сура иймон эгалари сидқидилдан мўмин бўлганмилар ёки тил учида иймон келтирганмилар - синаш учун турли имтиҳонларга рўбарў қилинишлари аниқ эканлиги ҳақида хабар бериш билан бошланиб, яралганларнинг фитналарига алданиб иймон-эътиқодидан кечган кимсалар албатта Яратганнинг азобига гирифтор бўлишларини уқтиради.

Шунингдек, бу сурада дину иймонга даъват қилгувчи кишилар зиммасида жуда шарафли ва айни пайтда ўта мушкул вазифа борлиги айтилиб, бир неча пайғамбарлар фаолияти мисолида Ҳақ Йўлидаги даъватнинг мўъжизаси тасвирлаб берилади. Яна бу сурада Оллоҳ таоло Ўзининг мўъжизаси бўлмиш Қуръони Каримни бандаларига етказиш учун ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайдиган Муҳаммад алайҳис-саломни пайғамбарликка танлагани тўғрисида хабар бериб, акс ҳолда бузғунчи кимсалар: "Қуръонни Муҳаммаднинг ўзи ёзган", деб одамларни шубҳага солишлари аниқ эканлигини уқтиради. Сура сабр-тоқат билан Ҳақ Йўлида курашган зотларга Оллоҳнинг Ўзи ёр бўлиши ҳақидаги оят билан туғалланади.

Бу сурадан ўзлари қўллари билан ясаб олган бутларига сиғиниб, улардан нажот кутадиган мушриклар худди ўзи тўқиган тўридан паноҳ истайдиган ўргимчакка ўхшашлиги тўғрисидаги оят ҳам ўрин олгани учун уни "Анкабут - Ўргимчак" сураси деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Алиф, Лом, Мим. 2. Одамлар: "Иймон келтирдик", дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?! 3. Ҳолбуки, Биз улардан аввалги *(иймон келтирган барча)* **кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку!! Бас,** *(шу имтиҳон воситасида)* **албатта Оллоҳ** *("Иймон келтирдик", деб)*

рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур. 4. Ёки ёмон амаллар қиладиган кимсалар Биздан *(яъни, жазойимиздан)* қочиб қутулишни ўйладиларми?! Нақадар ёмон ҳукм чиқарадилар-а?! 5. Ким Оллоҳга рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, бас, албатта Оллоҳ *(белгилаган мукофот ва'жазо)* фурсати шак-шубҳасиз, келгувчидир. У Эшитгувчи, Билгувчидир. 6. Ким жиҳод қилса, фақат ўз *(фойдаси)* учун жиҳод қилур *(яъни, ким Оллоҳ Йўлида саъй-ҳаракат қилса, бундан Оллоҳ эмас, балки ўша кишининг ўзи учун манфаат бўлур)*. Зеро, Оллоҳ барча оламлардан Беҳожатдир. 7. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларнинг ёмонликларини *(яъни, аввал қилган гуноҳларини)* шак-шубҳасиз, ўчирурмиз ва албатта уларни қилиб ўтган энг чиройли амаллари билан мукофотлармиз. 8. Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. *(Яъни, ота-она хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ мусулмон, хоҳ кофир бўлсин уларга яхшилик қилиш фарзанднинг бурчидир, аммо)* агар улар сен ўзинг билмаган нарсаларни *(яъни, сохта "худо"ларни)* Менга шерик қилишинг учун зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этмагин! *(Барчангиз)* Менга қайтурсиз, бас, *(ана ўша Кунда)* Мен сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман. 9. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни шак-шубҳасиз, солиҳ бандалар қаторига *(яъни, жаннатга)* дохил қилурмиз *(киритурмиз)*. 10. Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, ўзлари: "Оллоҳга иймон келтирдик", дейди-да, сўнг Оллоҳ Йўлида *(кофирлар томонидан бирон азият билан)* озорланса, одамларнинг *(бу)* фитна-озорларини Оллоҳнинг азоби каби қилиб олур *(яъни, ўткинчи ҳокимларнинг фитна-фасодларидан Оллоҳнинг азобидан қўрққандек қўрқиб ўз иймон-эътиқодидан кечур. Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, қасамки, агар Парвардигорингиз томонидан *(сиз - мўминларга)* ғалаба келса шак-шубҳасиз, улар: "Албатта бизлар сизлар билан бирга эдик", дерлар. Ахир Оллоҳ барча оламларнинг - яралганларнинг дилларидаги нарсаларни жуда яхши Билгувчи эмасми?! 11. Албатта Оллоҳ иймон келтирган зотларни ҳам, мунофиқ кимсаларни ҳам аниқ билур. 12. Кофир бўлган кимсалар иймон келтирган зотларга: "Сизлар бизларнинг йўлимизга эргашинглар, гуноҳларингизни бизлар кўтарурмиз", дедилар. Ҳолбуки, улар *(мўминларнинг)* гуноҳларидан бирон нарсани кўтара олгувчи эмасдирлар. Албатта улар ёлғончидирлар,

И з о ҳ: Ушбу оят Қурайш катталари иймон келтирган кишиларга: "Қайта тирилиш, Қиёматдаги ҳисоб-китоб деган нарсалар йўқ нарсалардир. Киши дунёга бир марта келади, бундан бошқа дунё йўқдир. Сизлар бизнинг йўлимизга юраверинглар, агар

у дунё ҳақидаги гаплар рост чиқиб, Қиёмат қойим бўлса, барча гуноҳларингизни биз бўйнимизга олурмиз ва сизлар азобга дучор бўлмассизлар", дейишганида нозил қилинган бўлиб, улар мўминларнинг бирон гуноҳини бўйинларига олишга қодир эмасликлари ҳақида огоҳлантиради. Қуйидаги оятда одамларни Ҳақ Йўлдан оздирган бундай кимсалар ўзларининг гуноҳларига қўшиб тобеъларининг гуноҳларига ҳам жавобгар бўлишлари ҳақида хабар берилади. Саҳиҳул-Бухорийда ривоят қилинган бир ҳадиси шариф ҳам бу ояти каримага ҳаммазмундир: "Ким одамларни залолатга даъват қилса, унинг зиммасида ўзига эргашган кимсаларнинг гуноҳлари ҳам бўлур, аммо уларнинг ўз устларидаги гуноҳлари ҳам заррача камаймас".

13. Албатта улар ўзларининг юк-гуноҳларини ҳам, у юклари билан бирга *(бошқа)* юкларни ҳам кўтарурлар ва албатта Қиёмат Кунида ўзлари тўқиб олган *(ёлгонлари)* тўғрисида сўралурлар. 14. Аниқки, Биз Нуҳни ўз қавмига пайғамбар қилдик. Бас, у уларнинг орасида эллик йили кам минг йил турди *(аммо улар иймон келтирмадилар)*, бас, уларни золим-кофир бўлган ҳолларида тўфон *(балоси)* тутди. 15. Сўнг Биз *(Нуҳ)*га ва кема*(даги)* ҳамроҳларига нажот бердик ва у *(тўфон балоси)*ни барча оламларга оят-ибрат қилиб қўйдик. 16. Иброҳимни *(эсланг)*, - у ўз қавмига деган эди: "Оллоҳга ибодат қилинглар ва Ундан қўрқинглар! Агар билгувчи бўлсангизлар, мана шу сизлар учун яхшироқдир. 17. Сизлар Оллоҳни қўйиб фақат бутларга ибодат қилмоқдасизлар ва *(уларни "худолар" деб)* ёлгон тўқимоқдасизлар. Аниқки, сизлар Оллоҳни қўйиб ибодат қилаётган нарсалар сизларга ризқу рўз беришга қодир эмаслар. Бас, *(шундай экан)* сизлар ризқу рўзни *(Ёлгиз)* Оллоҳ даргоҳидан истанглар ва Унгагина ибодат қилинглар, Унгагина шукр қилинглар, *(зотан)*, сизлар Унгагина қайтарилурсизлар. 18. Агар сизлар *(мени)* ёлгончи қилсангизлар, бас, сизлардан аввалги умматлар ҳам *(ўз пайғамбарларини)* ёлгончи қилгандирлар. Пайғамбар зиммасида эса фақат *(Оллоҳ фармонини бандаларга)* очиқ-равшан етказишгина бордир". 19. Ахир улар даставвал Оллоҳ қандай қилиб *(йўқдан)* яратишини кўрмадиларми?! Сўнгра *(Қиёмат Кунида эса)* У ўша *(аввал йўқдан бор қилган нарсаси)*ни қайтарур. Албатта бу Оллоҳга осондир. 20. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Ерда айланиб *(Оллоҳ)* даставвал қандай қилиб яратганини *(ва сўнг Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни яна йўқ қилганини)* кўринглар. Сўнгра Оллоҳ *(уларни)* иккинчи *(марта)* пайдо қилур. Албатта Оллоҳ барча нарсага Қодирдир. 21. У Ўзи хоҳлаган кимсаларни азоблар ва Ўзи хоҳлаган кишиларга раҳм

қилур. *(Ёлғиз)* Унгагина қайтарилурсизлар. 22. Сизлар *(Оллоҳнинг жазосидан)* на Ерга ва на осмонга қочиб қутулгувчи эмасдирсизлар. Ва сизлар учун Оллоҳдан ўзга бирон дўст ва ёрдамчи йўқдир. 23. Оллоҳнинг оятларини ва Унга рўбарў бўлишни инкор қилган кимсалар - улар Менинг раҳматимдан ноумид *(маҳрум)* бўлган кимсалардир ва улар учун аламли азоб бордир. 24. Бас, *(Иброҳимнинг даъватига)* қавмининг жавоби фақат: "Уни ўлдиринглар ёки ёқиб юборинглар", дейишлари бўлди. Сўнг Оллоҳ унга оловдан нажот берди. Албатта бунда иймон келтирадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 25. *(Иброҳим)* айтди: "Сизлар фақат ҳаёти дунёдаги ўзаро ошна-оғайнигарчилигингизни кўзлаганларингиз учун *(яъни, мушрик оғайнилардан кеча олмаганларингиз учун)*, Оллоҳни қўйиб, бутларни ушладинглар. Ҳали Қиёмат Кунида айримларингиз *(яъни, пешволарингиз)* айримларингиздан *(эргашувчилардан)* тонур, айримларингиз айримларингизни лаънатлар. Сизларнинг борар жойингиз дўзахдир. *(У жойда)* сизлар учун ёрдамчилар йўқдир". 26. Бас, Лут унга иймон келтирди.

Изоҳ: Лут ўзи Иброҳимнинг огасининг ўғли бўлиб, Иброҳим кофирлар томонидан оловга ташланганида ёнмаганини кўргач, унинг ҳақ пайғамбар эканини билиб, биринчи бўлиб иймон келтиради...

(Иброҳим) айтди: "Албатта мен Парвардигорим *(буюрган томон)*га ҳижрат қилгувчидирман. Албатта Унинг Ўзигина қудрат ва ҳикмат Эгасидир". 27. Биз *(Иброҳимга ўғли)* Исҳоқ ва *(набираси)* Яъқубни ҳадя этдик ҳамда пайғамбарликни ҳам *(барча самовий)* Китобларни ҳам унинг зурриётига *(хос)* қилдик ва унга шу дунёда ҳам ажри-мукофотини бердик, албатта у Охиратда ҳам солиҳ зотлардандир. 28-29. Лут ўз қавмига: "Албатта сизлар шундай бузуқлик қилмоқдасизларки, сизлардан илгари бутун оламлардан бирон кимса бундай қилмаган эди. Ҳақиқатан, ҳам сизлар *(хотинларингизни қўйиб)* эркакларга борурмисизлар; йўлтўсарлик - қароқчилик қилурмисизлар; мажлисларингизда ёмон ишлар қилурмисизлар?", деганини эсланг"! Бас, *(Лут)* қавмининг жавоби фақат "Агар сен ростгўй кишилардан бўлсанг бизларга Оллоҳнинг азобини келтир-чи", дейишлари бўлди. 30. *(Шунда)* у айтди: "Парвардигорим, бу бузғунчи қавм устига Ўзинг мени ғолиб қил". 31. Қачонки Бизнинг элчиларимиз *(яъни, фариштала р)* Иброҳимга *(фарзанд кўриши ҳақидаги)* хушхабарни келтиришгач, айтдилар: "Албатта бизлар мана шу қишлоқ аҳлини ҳалок қилгувчидирмиз. Чунки унинг аҳли золим - кофир бўлдилар". 32. *(Иброҳим):* "Ахир у жойда Лут бор-ку?", деди. Улар айтдилар: "Бизлар у жойда ким

борлигини яхшироқ билгувчидирмиз. Албатта бизлар *(Лутни)* ва унинг аҳли-оиласини қутқарурмиз. Магар унинг хотини *(нажот топмас, чунки у)* қолиб, ҳалок бўлгувчилардан эди. 33. Қачонки элчиларимиз Лутнинг олдига келганларида, у бундан ёмон ҳолга тушди ва уларнинг келишларидан юраги сиқилди. Улар дедилар: "Қўрқма ва ғамгин бўлма. Албатта бизлар сенга ва аҳли-оилангга нажот бергувчилардирмиз. Магар хотинининг *(нажот топмас, чунки у)* қолиб, ҳалок бўлгувчилардан эди". 34. Шак-шубҳасиз, Биз фосиқ - итоатсиз бўлганлари учун бу қишлоқ аҳли устига осмондан азоб - тош ёғдиргувчидирмиз. 35. Аниқки, Биз ақл юргизадиган қавм учун *(ибрат бўлсин, деб)* у *(қишлоқ)*дан оят-нишона қолдиргандирмиз. 36. Мадян *(қавми)*га ўз биродарлари Шуайбни *(пайғамбар қилдик)*. Бас, у айтди: "Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилингиз ва Охират Кунидан умидвор бўлингиз ҳамда Ер *(юзи)*да бузғунчилик қилиб санқиб юрмангиз!" 37. Улар *(Шуайбни)* ёлғончи қилишгач, уларни даҳшатли зилзила тутиб, турган жойларида *(тумдек)* тўкилдилар. 38. Од ва Самуд *(қабилаларини ҳам ҳалок қилдик)*. *(Бу)* сизларга уларнинг масканларидан *(яъни, у масканлардан қолган харобалардан)* кўриниб турибди. Шайтон уларга *(қилаётган)* амалларини чиройли кўрсатиб, уларни *(Ҳақ)* Йўлдан тўсди. Ҳолбуки, улар ақлу ҳушли кишилар эди. 39. Қорун, Фиръавн ва Ҳомонни ҳам *(ҳалок қилдик)*. Дарҳақиқат, Мусо уларга *(ўзининг пайғамбар эканлигига далолат қиладиган)* аниқ ҳужжатлар келтирганида улар Ер *(юзи)*да кибр-ҳаво қилдилар ва *(Бизнинг азобимиздан)* қочиб қутулгувчи бўлмадилар. 40. Биз *(улардан)* ҳар бирини ўз гуноҳи билан ушладик. Бас, уларнинг орасида Биз устига тош ёғдирган кимсалар ҳам бордир, улар орасида даҳшатли қичқириқ тутиб *(ҳалок бўлган)* кимсалар ҳам бордир, улар орасида Биз Ерга ютдирган кимсалар ҳам бордир ва улар орасида Биз *(сувга)* ғарқ қилган кимсалар ҳам бордир. Оллоҳ уларга зулм қилгувчи бўлмади, лекин улар ўз жонларига жабр қилгувчи бўлдилар. 41. Оллоҳдан ўзга "дўстлар"ни ушлаган кимсаларнинг мисоли худди *(ўзи учун)* уй қуриб олиб, *(ўша уйидан паноҳ истаган)* ўргимчакка ўхшайди. Албатта уйларнинг энг нимжони ўргимчак уясидир. Агар улар билсалар эди, *(ўргимчак уяси каби ожиз бутлардан паноҳ истамаган бўлур эдилар)*. 42. Шак-шубҳасиз, Оллоҳ улар Ўзини қўйиб, илтижо қилишаётган бутларини билур. У қудрат ва ҳикмат Эгасидир. 43. Ушбу масалларни Биз одамлар *(ибрат олсинлар)* учун айтурмиз. *(Лекин)* уларни фақат илм эгаларигина англай олурлар. 44. Оллоҳ осмонлар ва Ерни Ҳақ *(қонун)* билан яратгандир. Албатта бунда иймон келтирган кишилар учун оят-ибрат бордир.

45. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз ўзингизга ваҳий қилинган Китоб - Қуръондан бўлган *(оятлар)*ни тиловат қилинг ва намозни тўкис адо қилинг! Албатта намоз бузуқлик ва ёмонликдан тўсур. Аниққи, Оллоҳни зикр қилмоқ *(барча нарсадан)* улуғроқдир. Оллоҳ қилаётган ишларингизни билиб турур. 46. *(Эй мўминлар),* сизлар аҳли Китоб билан фақат энг чиройли йўсинда мужодала-мунозара қилинглар, магар уларнинг орасидаги зулму-зўравонлик қилган кимсалар билангина *(кескин муомала қилишингиз мумкиндир).* Ва айтинглар: "Бизлар ўзимизга нозил қилинган *(Қуръон)*га ҳам, сизларга нозил қилинган *(Таврот ва Инжил)*га ҳам иймон келтирганмиз. Бизларнинг илоҳимиз ҳам, сизларнинг илоҳингиз ҳам Бир *(Оллоҳ)*дир ва бизлар Унгагина бўйинсунгувчимиз". 47. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Биз Сиздан аввалги пайғамбарларга Китоблар нозил қилганмиз).* Шунингдек, Сизга ҳам Китоб - Қуръон нозил қилдик. Бас, Биз Китоб *(яъни, Таврот ва Инжил)* ато этган зотлар унга *(яъни, Қуръонга)* иймон келтирурлар. Ана у *(Макка аҳли орасида ҳам)* унга иймон келтирадиган кишилар бордир. Бизнинг оятларимизни фақат кофирларгина инкор қилур. 48. Сиз *(ўзингизга Қуръон нозил қилинишидан)* илгари бирон китобни тиловат қилгувчи бўлган эмас эдингиз ва ўз қўлингиз билан хат ҳам ёзган эмас эдингиз. Акс ҳолда, бузғунчи кимсалар албатта шубҳага тушган бўлур эдилар. 49. Йўқ, у *(яъни, Қуръон)* илм ато этилган зотларнинг кўнгилларида *(ед бўлгувчи)* аниқ-равшан оятлардир. Бизнинг оятларимизни фақат золимларгина инкор қилур. 50. Улар *(кофирлар):* "Унга *(яъни, Муҳаммадга)* ҳам Парвардигори томонидан оят-мўъжизалар тушганида эди", дедилар. Айтинг: "Оят-мўъжизалар ёлгиз Оллоҳнинг ҳузуридадир. Мен эса фақат *(осийларни Оллоҳнинг азобидан)* очиқ огоҳлантиргувчиман, холос". 51. Ахир уларга тиловат қилинаётган шу Китобни Биз Сизга нозил қилганимиз улар учун етарли эмасми?! Албатта бу *(Китоб)*да иймон келтирадиган қавм учун раҳмат ва эслатма бордир. 52. Айтинг: "Оллоҳ мен билан сизларнинг ўртангизда етарли Гувоҳдир. У Зот осмонлар ва Ердаги бор нарсани билур. Ботил нарсага *(яъни, бутларга)* иймон келтириб, Оллоҳга кофир бўлган кимсалар - ана ўшалар зиён кўргувчиларнинг ўзидирлар". 53.

Улар Сиздан азобни тезлатишни талаб қилурлар. Агар белгиланган муддат *(яъни, Қиёмат Куни)* **бўлмаса эди, албатта уларга** *(дарҳол)* **азоб келган бўлур эди. Шак-шубҳасиз,** *(азоб)* **уларга ўзлари сезмаган ҳолларида тўсатдан келур. 54. Улар Сиздан азобни тезлатишни талаб қилурлар. Албатта жаҳаннам кофирларни ўраб олгувчидир. 55. У Кунда азоб уларнинг устиларидан ҳам, оёқларининг остидан ҳам ўраб олур ва** *(Оллоҳ)* **айтур: "Қилиб ўтган амалларингизни***(нг жазосини)* **тотинглар!" 56. Эй иймон келтирган бандаларим, шак-шубҳа йўқки, Менинг Ерим кенг, каттадир. Бас, сизлар Менгагина ибодат қилингиз!**

Изоҳ: Ушбу ояти карима Маккадаги мушрикларнинг зулму фитналари сабабли тоат-ибодатларини бемалол қила олмай қолган мусулмонлар ҳақида нозил қилингандир. Оллоҳ таоло бу оят орқали уларга Ўзининг замини кенг эканлиги, бинобарин, агар бу ерда уларнинг иймон-эътиқодларига дахл қилинса, ўзга ерларга ҳижрат қилиб ўша жойларда Ёлгиз Ўзига ибодат қилишлари лозимлигини уқтиради. Худди шу хусусдаги Пайғамбар алайҳис-саломнинг бир ҳадиси муборакլари ҳам барча мўмин-мусулмонлар учун ибратли эслатмадир: "Ким ўз Динини (сақлаб қолиш учун) бир ердан бошқа ерга кетар экан, албатта у жаннатга ҳақдор бўлибди".

57. Ҳар бир жон ўлим *(шарбати)***ни тотгувчидир. Сўнгра Ўзимизга қайтарилурсизлар. 58. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни албатта жаннатда остидан дарёлар оқиб турадиган хоналар - манзилларга жойлаштирурмиз. Улар ўша жойларда мангу қолурлар.** *(Яхши)* **амалларни қилгувчи зотларнинг ажри-мукофоти нақадар яхшидир! 59. Улар** *(кофирлар томонидан бўладиган зулму кулфатларга)* **сабр-тоқат қилган ва Ёлгиз Парвардигорларигагина таваккул қиладиган - суянадиган зотлардир. 60. Ўз ризқу рўзини кўтара** *(яъни, топа)* **олмайдиган қанчадан-қанча жонзотлар бордир. Оллоҳ уларга ҳам, сизларга ҳам ризқу рўз берур. У Эшитгувчи, Билгувчидир. 61.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)***, қасамки, агар Сиз улардан: "Осмонлар ва Ерни яратган, қуёш ва ойни** *(Ўз измига)* **қаратган Зот ким?", деб сўрасангиз, улар албатта: "Оллоҳ", деб** *(жавоб қилурлар)***. Бас,** *(шундоқ экан, ўша Оллоҳга ибодат қилишнинг ўрнига)* **қаёққа бурилиб кетмоқдалар-а?! 62. Оллоҳ бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва** *(Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини)* **танг қилур. Албатта Оллоҳ барча нарсани Билгувчидир. 63. Қасамки, агар Сиз улардан: "Осмондан сув-ёмғир ёғдириб,**

Ерни "ўлганидан" сўнг ўша *(сув)* сабабли "тирилтирган" Зот ким?", деб сўрасангиз, улар албатта: "Оллоҳ", деб *(жавоб қилурлар)*. Сиз *(уларга)*: "*(Эътироф этганларингиз учун)* Оллоҳга ҳамду сано бўлсин", деб айтинг. Йўқ, уларнинг кўплари ақл юргизмайдилар. 64. Бу ҳаёти дунё фақат *(бир нафаслик)* ўйин-кулгидир. Агар улар билсалар Охират диёригина *(мангу)* ҳаёт *(диёридир)*. 65. Қачон улар кемага минсалар, *(ғарқ бўлишдан қўрқиб)* Оллоҳга, У Зот учун динни холис қилган ҳолларида *(яъни, чин ихлос билан)* дуо-илтижо қилурлар. Энди қачонки *(Оллоҳ)* уларга нажот бериб қуруқликка *(чиқаргач)*, баногоҳ улар *(Оллоҳга)* ширк келтирурлар! 66. Биз уларга ато этган неъматларга кофир бўлаверсинлар ва *(шу бир нафаслик ҳаётларида)* "фойдаланиб" қолсинлар. Ҳали яқинда *(бу қилмишларининг оқибатини)* билиб қолажаклар! 67. Улар ўзларининг атрофларидан одамлар талон-торожга дучор бўлаётгани ҳолда Биз Ҳарамни *(яъни, Маккани)* тинч-осойишта қилиб қўйганимизни кўрмадиларми?! Наҳотки улар ботил-бутларга иймон келтириб, Оллоҳнинг неъмати *(Ислом)*га кофир бўлсалар?! 68. Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки Ҳақ - Қуръон келган чоғида уни ёлғон деган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Жаҳаннамда кофир кимсалар учун жой *(топилмасми)*?! 69. Бизнинг *(Йўлимиз)*да жиҳод қилган - курашган зотларни албатта Ўз Йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Аниқки, Оллоҳ чиройли амал қилгувчи зотлар билан биргадир.

РУМ сураси (30)

Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган бўлиб, олтмиш оятдан иборатдир.

Сура икки катта давлат - Рум ва Форс давлатлари ўртасида бўлган урушда форсларнинг қўли устун келгани ҳақида хабар бериш билан бошланиб, яқин йиллар ичида румликлар ғалаба қилиши тўғрисида башорат қилади. Орадан етти йил ўтгач, бу Илоҳий башорат ҳақ эканлиги маълум бўлади - Рум давлати форслар устидан ғалаба қозонади. Суранинг "Рум" деб аталишининг боиси шудир.

Бу сурада ҳам бошқа Макка сураларидаги каби мўминларни Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилишга чорланади ва узоқ-яқин ўтмишдаги, Оллоҳни инкор этиб, Унинг пайғамбарларини ёлғончи қилган кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлгани ҳақида хабарлар берилади.

Яна бу сурада Оллоҳ таолонинг қудрати Илоҳийясига далолат қиладиган бир қанча ибратли мисоллар санаб ўтилиб, сўнгра сура Пайғамбар алайҳис-саломни ва у зотнинг умматларини ўз иймон-эътиқодларида сабр-тоқат билан устивор бўлишга буюриш билан ниҳояланади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан:

1. Алиф, Лом, Мим. 2-3-4-5. Жуда яқин жойда Рум мағлуб бўлди. *(Лекин)* улар *(яъни, румликлар)* бу мағлубиятларидан сўнг бир неча йил ичида албатта ғалаба қилажаклар. Аввалу охир барча иш Ёлғиз Оллоҳнинг *(измида)*дир. Ўша кунда мўминлар Оллоҳ *(румликларни)* ғолиб қилгани сабабли шодланурлар. *(Оллоҳ)* Ўзи хоҳлаган кишиларни ғолиб қилур. У қудрат ва раҳм-шафқат Эгасидир.

И з о ҳ: Рум мамлакати арабларга яқин бўлиб, румликлар насроний динига мансуб, форслар эса мажусий эдилар. Шунинг учун ҳам форслар ғолиб бўлгани ҳақидаги хабар Маккага етиб келганида, Макка мушриклари қувонишиб мўмин-мусулмонларга: "Сенлар Қуръонга ишонганларинг каби румликлар Инжилга ишонишади, форслар эса худди бизларга ўхшаб ҳеч қандай Илоҳий Китобга

иймон келтиришмаган. Мана бугун форслар румликларни енгишганидек, яқинда бизлар ҳам сенларни енгамиз", дер эдилар. Шунда юқоридаги оятлар нозил бўлиб мўминларга таскини дил бахш этди ва дарҳақиқат, у оятларнинг берган башорати рост бўлиб чиқди. Барча Ислом уламоларининг наздида, ушбу оятлар ғайб-келажак ҳақидаги бу ҳақ хабарни берганлиги Муҳаммад алайҳиссалом Оллоҳнинг ҳақ Пайғамбари эканликларига, Қуръон эса Оллоҳнинг Каломи эканлигига яна бир далилдир.

6. *(Бу)* Оллоҳнинг ваъдасидир. Оллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин кўп одамлар билмаслар. 7. Улар Охиратдан ғофил-бехабар бўлган ҳолларида фақат ҳаёти дунёнинг зоҳиринигина билурлар. 8. Ахир улар ўзларича Оллоҳ осмонлар ва Ерни ҳамда улар орасидаги бор нарсани фақат Ҳақ *(қонун)* ва белгиланган муддат билан яратганини *(демак, ўша муддат битгач, дунё тугаб, Охират бошланишини)* тафаккур қилиб кўрмадиларми?! Дарҳақиқат, бу одамларнинг кўпчилиги қайта тирилиб, Парвардигорларига рўбарў бўлишни инкор қилгувчидирлар. 9. Ахир улар Ер юзида сайру саёҳат этишиб, ўзларидан аввалги *(пайғамбарларни ёлғончи қилганлари сабабли иймонсиз кетган)* кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўрсалар бўлмайдими?! Ўша *(ҳалок бўлган кимса)*лар булардан *(яъни, Макка кофирларидан)* кўра кучли-қувватлироқ бўлган ва *(ўз)* ерларини булар обод қилганидан кўра кўпроқ ҳайдаб *(яъни, экинзорларга айлантириб)*, обод қилган эдилар-ку! Уларга ҳам ўз пайғамбарлари аниқ-равшан ҳужжатлар келтирганларида *(у пайғамбарларни ёлғончи қилишгач, Оллоҳнинг ғазабига учраб ҳалок бўлдилар)*. Бас, Оллоҳ уларга зулм қилгувчи бўлмади, лекин улар *(Ҳақ Йўлга юришдан бош тортишлари билан)* ўзларига зулм қилгувчи бўлдилар. 10. Сўнгра *(Охиратда эса)* Оллоҳнинг оятларини ёлғон дейиш ва уларнинг устидан кулиш билан *(ўзларига)* ёмонлик қилган кимсаларнинг оқибати янада ёмонроқ бўлди. 11. Оллоҳ аввал бошда Ўзи яратиб, сўнгра *(Қиёмат Кунида)* Ўзи яна қайта яратур. Сўнгра *(ҳисоб-китоб қилиниши учун)* Унга қайтарилурсизлар. 12. *(Қиёмат)* Соати қойим бўладиган Кунда жиноятчи кимсалар бутунлай номурод бўлурлар. 13. *(У Кунда)* улар учун ўзларича *(Оллоҳга)* шерик қилиб олган бутлари томонидан шафоат қилгувчилар - қўлловчилар бўлмас *(яъни, улар ҳаёти дунёда Оллоҳга шерик қилиб олишган кимсалар улардан тонар)* ва улар ҳам бутларидан тонгувчи бўлурлар. 14. *(Қиёмат)*

Соати қойим бўладиган Кунда - ана ўша Кунда *(мўминлар билан кофирлар)* бир-бирларидан ажралурлар. - 15. - Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар *(жаннат)* боғида шодланурлар. 16. Аммо куфр йўлини тутган ва Бизнинг оятларимизни ҳамда Охиратда *(Оллоҳга)* рўбарў бўлишни ёлғон деган кимсалар - ана ўшалар *(мангу)* азобга дучор қилйнурлар. 17-18. Бас, сизлар, *(эй мўминлар)*, тунга кириш пайтларингизда ҳам, тонгга кириш пайтларингизда ҳам, оқшомда ҳам, пешин пайтига киришларингизда ҳам Оллоҳни покланглз *(яъни, У Зотга ҳамду сано айтингиз! Зеро)*, осмонлар ва Ердаги бор ҳамду сано Уникидир *(яъни, коинотдаги барча мавжудот Унга ҳамду сано айтур)*. 19. *(Оллоҳ)* ўликдан тирикни чиқарур, тирикдан ўликни чиқарур ва Ерни, ўлганидан кейин *(баҳорда қайта)* тирилтирур. Сизлар ҳам *(Қиёмат Кунида қабрларингиздан)* мана шундай чиқарилурсизлар. 20. *(Оллоҳнинг қудрати Илоҳийясига далолат қиладиган)* оят-аломатларидан *(бири)* - У Зот сизларни *(яъни, отангиз Одамни)* тупроқдан яратгани, сўнгра сизлар башарга айланиб *(Ер юзига)* таралишларингиздир. 21. Унинг оятларидан *(яна бири)* - У Зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 22. Унинг оятларидан *(яна бири)* - У Зот осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни хилма-хил қилиб қўйганидир. Албатта бунда барча билгувчилар учун оят-ибратлар бордир. 23. Унинг оятларидан *(яна бири)* - кечаси ва кундузи ухлашларингиз *(яъни, уйқуда чарчоқларингиз чиқиб, ором олишларингиз)* ҳамда *(кундузлари)* Унинг фазлу марҳаматидан *(ризқу рўз)* исташларингиздир. Албатта бунда тинглайдиган - англайдиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 24. Унинг оятларидан *(яна бири)* - У Зот сизларга *(момақалдироқдан)* қўрққан ва *(ёмғир ёғишидан)* умидвор бўлган ҳолларингизда чақмоқни кўргизур ва осмондан сув-ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида Ерни, ўлганидан сўнг тирилтирур. Албатта бунда ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 25. Унинг оятларидан *(яна бири)* - осмон ва Ер У Зотнинг амри билан *(фазода муаллақ)* туришидир. Сўнгра *(Қиёмат қойим бўлганида)* У сизларни *(ётган)* ерларингиздан бир бор чақириши билан барчангиз бирдан *(ҳисоб-китоб учун)* чиқарсизлар. 26. Осмонлар ва Ердаги бор жонзотлар У Зотга

тегишлидирки, ҳаммаси Унга бўйинсунур. 27. У аввал бошда Ўзи яратиб, сўнгра *(Қиёмат Кунида)* **Ўзи яна қайта яратадиган Зотдир.** *(Қайта яратиш - тирилтириш)* **У Зот учун** *(илк бор йўқдан бор қилишдан кўра)* **осонроқдир. Осмонлар ва Ердаги энг юксак мисол - хислат** *(яъни, Тенгсиз - Ягоналик хислати)* **Уникидир. У қудрат ва ҳикмат Эгасидир. 28.** *(Оллоҳ)* **сизларга ўзларингиздан бир мисол келтирур: Сизлар учун қўлларингиздаги қулларингиздан Биз сизларга ризқ қилиб берган молу-мулкка шерик бўлиб олгувчилар борми, бас, сизлар** *(мол-мулкингизни тасарруф қилишда у қулларингиз билан)* **баробар бўлиб, улардан** *(ўша қулларингиздан)* **ҳам ўзларингиздан қўрққандай қўрқурмисизлар? Биз ақл юргизадиган қавм учун оятларни мана шундай баён қилурмиз.**

И з о ҳ: Бу оятни қуйидагича тушуниш керак: агар қўл остингиздаги қулларингиз сизларнинг молу давлатларингизга шериклик даъво қилсалар ва сизларга итоат қилишдан бош тортишиб молу дунёларингизни сизлар билан баб-баробар тасарруф қила бошласалар, сизлар эса худди ўзларингизга ўхшаган озод одамлардан қўрққандек ўз қулларингиздан қўрқиб турсангиз рози бўлармидингиз? Албатта рози бўлмас эдинглар, бас, шундай экан, нега энди барча оламларнинг Парвардигори бўлмиш Оллоҳ таологa Ўзининг қулларини шерик қилиб олурсизлар?! Йўқ, ҳеч қачон Яратганга яралганлар тенг бўла олмас!

29. Йўқ, золим кимсалар бирон билим - ҳужжатсиз, фақат ўзларининг ҳавойи нафсларига эргашиб *(Оллоҳга ширк келтирдилар).* **Бас, Оллоҳ йўлдан оздирган кимсани ким ҳидоят қила олур?!** *(Ҳеч ким ҳидоят қила олмас)* **ва улар учун** *(Охиратда)* **ёрдам бергувчилар ҳам бўлмас. 30. Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **ўзингизни доимо тўғри бўлган Динда** *(яъни, Исломда)* **тутинг! Оллоҳ инсонларни яратган табиий хилқатни** *(сақланг)*! **Оллоҳнинг яратишни ўзгартирилмас. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин кўп одамлар билмаслар.**

И з о ҳ: Ушбу оятда таъкидланишича, Ислом табиий хилқат динидир. Ҳадиси шарифда айтилишича, "Ҳар бир бола табиий хилқатда - Исломда дунёга келур. Сўнг уни ота-онаси ё яҳудий қилурлар ё насроний қилурлар ва ё мажусий қилурлар". Демак, инсон ҳар икки дунёда ҳам руҳан, ҳам жисмонан бахтли-саодатли бўлиши учун одамлар ўйлаб чиқарган турли оқимларга - сохта динларга кириб кетмасдан ўзининг яралган табиий хилқати - Исломида собитқадам бўлмоғи лозим экан.

31. *(Оллоҳга)* қайтгувчи бўлган ҳолларингизда *(Унинг Динини маҳкам тутинглар)* ва У Зотдан қўрқинглар ҳамда намозни тўкис адо қилинглар! Мушриклардан бўлманглар! 32. Динларини бўлиб, фирқа-фирқа бўлиб олган кимсалардан *(бўлманглар)!* Ҳар бир ҳизб - фирқа фақат ўз олдиларидаги нарса билан хурсанддирлар. 33. Қачон *(динсиз)* одамларга бирон зиён етса, Парвардигорларига қайтиб, Унга дуо-илтижо қилиб қолурлар, сўнгра қачон *(Оллоҳ)* уларга Ўз томонидан бирон марҳамат тотдириб қўйса, баногоҳ улардан бир гуруҳи Парвардигорларига ширк келтира бошлар. 34. Улар Биз ато этган неъматларга ношукурлик қилаверсинлар! Бас, *(эй мушриклар),* фойдаланиб қолинглар! Ҳали яқинда *(бу қилмишларингизнинг оқибатини)* билиб олурсизлар! 35. Ёки Биз уларга *(осмондан)* уларнинг *(Оллоҳга)* ширк келтиришларини *(тўғри деб)* сўзлайдиган бирон ҳужжат нозил қилдикми?! *(Йўқ, улар фақат нодонлик билан ўз ҳавойи нафсларига эргашиб, Оллоҳга турли нарсаларни шерик деб билмоқдалар).* 36. Қачон Биз одамларга бирон марҳамат тотдирсак, улар бундан қувониб кетурлар. Агар уларга ўзлари қилган гуноҳлари сабабли бирон ёмонлик етса, баногоҳ улар ноумидликка тушурлар. 37. Ахир улар Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилишини ва *(Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини)* танг қилишини билмадиларми?! Албатта бунда иймон келтирадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 38. Бас, қариндош-уруғга, мискин ва мусофирга *(хайру-эҳсон қилиш билан)* ҳақларини ато этинг! Оллоҳ Юзини истайдиган кишилар учун мана шу энг яхши *(ишдир).* Ана ўшалар нажот топгувчилардирлар. 39. Сизлар одамларнинг моллари ичида зиёда бўлиб *(қайтиши)* учун судхўрлик қилиб берган пул-молларингиз Оллоҳ наздида зиёда бўлмас. Оллоҳнинг Юзини- розилигини истаб ато этган закотларингиз - ана ўша *(закот бергувчи кишилар ажру-савобларини)* бир неча баробар қилиб олгувчилардир. 40. Оллоҳ сизларни яратган, сўнгра ризқу рўзингизни берган, сўнгра жонингизни оладиган, сўнгра сизларга *(қайта)* ҳаёт берадиган Зотдир. Сизлар *(сиғинаётган)* бутларингиз орасида мана шуларнинг бирортасини қила оладиган кимса борми?! *(Оллоҳ)* уларнинг ширкларидан Пок ва Юксакдир. 41. Одамларнинг қилган қилмишлари сабабли қуруқликда ҳам, денгизда ҳам *(турли)* офат-балолар юз берди. *(Бу бало ва офатлар одамлар қилаётган гуноҳ-маъсиятларидан)* қайтишлари учун, уларга қилган айрим гуноҳларининг *(жазосини)* тотдириб қўйиш учундир.

42. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушрикларга)* айтинг: "Ер юзида сайру саёҳат қилиб, илгари ўтганларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринглар! Уларнинг кўплари мушрик эдилар". 43. Бас, Сиз Оллоҳ томонидан қайтарилмайдиган бир Кун *(яъни, Қиёмат)* келмай туриб ўзингизни доимо рост Динда *(Исломда)* тутинг! Ўша Кунда *(мўминлар билан кофирлар)* бўлинурлар. 44. Кимда-ким кофир бўлса, куфри ўзининг бўйнидадир. Ким яхши амал қилса, бас, улар ўзлари учун *(жаннатдан)* жой тайёрларлар. 45. Зеро, *(Оллоҳ)* иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни Ўз фазлу карами билан мукофотлар. Дарҳақиқат, У Зот кофирларни суймас. 46. *(Оллоҳнинг қудрати Илоҳийясига далолат қиладиган)* оятларидан *(бири - ёмғир ҳақида)* хушхабар элттувчи бўлган шамолларни юборишидир. *(Оллоҳ)* сизларга Ўз раҳмати - ёмғиридан тотдириши учун ва *(денгиздаги)* кемалар Унинг амри билан жорий бўлиши ҳамда сизлар *(у кемаларда)* Унинг фазлу марҳаматидан *(ризқу рўз)* исташларингиз учун ва шукр қилишларингиз учун *(шамолларни юборур)*. 47. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, аниқки, Биз Сиздан илгари ҳам пайғамбарларни ўз қавмларига юборганмиз. Бас, улар *(қавмларига)* аниқ-равшан ҳужжатлар келтирганлар. Сўнг Биз жиноят қилган *(яъни, ўз пайғамбарларини ёлғончи қилган)* кимсалардан интиқом олганмиз ва иймон келтирган зотларни ғолиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган. 48. Оллоҳ шундай Зотдирки, шамолларни юборур, бас, улар булутни ҳайдар, сўнг *(Оллоҳ булутни)* Ўзи хоҳлагандек ёюр ва *(агар хоҳласа)* уни бўлак-бўлак қилур, бас, Сиз уларнинг орасидан ёмғир чиқаётганини кўрурсиз. Энди қачон *(Оллоҳ)* уни Ўзи хоҳлаган бандаларига етказса, баногоҳ улар шод-хуррам бўлурлар. 49. Ҳолбуки, улар устларига *(ёмғир)* ёғдирилишидан олдин мутлақо ноумид эдилар. 50. Бас, Сиз Оллоҳнинг раҳмати - ёмғирнинг изларига қаранг - У қандай қилиб Ерни ўлганидан кейин тирилтирди-я?! Ҳеч шак-шубҳасиз, мана Шу *(Оллоҳ)* ўликларни ҳам Тирилтиргувчидир. У барча нарсага Қодирдир. 51. Қасамки, агар Биз бир шамол юбориб, улар *(экинларини)* сарғайиб-қуриганини кўрсалар, албатта ана ундан кейин куфрони неъмат қилишга турурлар. 52. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, аниқки, Сиз "ўлик"ларга *(сўзингизни)* англата олмассиз, орқа ўгириб кетаётган "кар"ларга ҳам уқтира олмассиз. 53. Яна Сиз "кўр"ларни ўз залолатларидан *(қайтариб)* ҳидоят қилгувчи эмассиз. Сиз фақат Бизнинг оятларимизга иймон келтирадиган кишиларгагина *(ўз*

сўзларингизни) уқтира олурсиз. Ана ўшалар мусулмонлардир. 54. Оллоҳ шундай Зотдирки, сизларни ночор нарсадан *(яъни, бир томчи сувдан)* яратди, сўнгра *(сизлар учун)* ночорликдан кейин куч-қувват *(пайдо)* қилди, сўнгра куч-қувватдан кейин яна ночорлик ва кариликни *(пайдо)* қилди. У Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. У Билимдон ва Қудратлидир. 55. *(Қиёмат)* Соати қойим бўладиган Кунда жиноятчи кимсалар *(дунёда)* бир соатдан ортиқ турмаганларига қасам ичурлар. Улар *(ҳаёти дунёда ҳам)* мана шундай *(ростдан ёлғонга)* бурилгувчи эдилар! 56. *(Шунда)* илм ва иймон ато этилган зотлар айтдилар: "Аниқки, сизлар Оллоҳ Ўз Китобида *(Лавҳул-Маҳфузда)* ёзиб қўйганидек қайта тирилиш Кунигача турдинглар. Бас, мана шу қайта тирилиш Кунидир. Лекин сизлар *(бу Куннинг ҳақ эканини)* билмас эдинглар". 57. Ана ўша Кунда *(кофир бўлиш билан ўз жонларига)* жабр қилган кимсаларга узру баҳоналари фойда бермас ва улардан *(Оллоҳ рози бўладиган амалларга)* қайтиш ҳам талаб қилинмас. 58. Аниқки, Биз ушбу Қуръонда одамлар учун ҳар турли мисолларни баён қилдик. Қасамки, агар Сиз *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, уларга *(ўзлари талаб қилган)* оят-мўъжизани келтирсангиз ҳам, албатта кофир бўлган кимсалар "Сизлар *(эй мусулмонлар)*, ёлғончининг ўзидирсизлар", дерлар. 59. Оллоҳ *(ҳақиқатни)* билмайдиган кимсаларнинг дилларини ана шундай қоплаб-муҳрлаб қўюр. 60. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, сабр-тоқат қилинг! Шак-шубҳасиз, Оллоҳнинг *(Сизни ва умматларингизни кофир қавм устига ғолиб қилиш ҳақидаги)* ваъдаси ҳақдир. *(Охиратга)* ишонмайдиган кимсалар Сизни ҳаргиз бетоқат қилмасинлар.

ЛУҚМОН сураси (31)

Ўттиз тўрт оятдан иборат бу сура Маккада нозил бўлгандир.

Сура Қуръони Каримнинг таърифи билан бошланиб, сўнгра шу буюк борлиқда ҳам Оллоҳ таолонинг борлиги ва бирлигига далолат қиладиган турли оят-аломатлар мавжуд эканлиги ҳақида хабар берилади ва коинотдаги энг кичик заррадан тортиб энг катта сайёраларгача барча мавжудот Ягона Яратган томонидан белгиланган тартиб-интизомга бўйинсуниши уқтирилади.

Бу сурада тўрт кунлик дунё матоъларига алданиб қолган мушриклар ва уларнинг топажак оқибатлари тўғрисида ҳам, Ёлғиз Оллоҳга иймон келтириб ҳаётларини яхши амаллар билан ўтказаётган иймон эгалари ҳақида ҳам мисоллар келтирилади ва сура ниҳоясида барча инсонларни бола-чақа ҳам, мол-дунё ҳам фойда бермайдиган ҳисоб-китоб Куни - Қиёмат ҳақ эканлиги хусусида огоҳлантирилади.

Бу сурадан Луқмони ҳаким тўғрисидаги хабар ва унинг ўз фарзандига қилган ўгитлари ҳам ўрин олгани сабабли у "Луқмон" сураси деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Алиф, Лом, Мим. 2. Ушбу *(оятлар)* ҳикматли Китоб оятларидир. 3-4. У - намозни тўкис адо этадиган, закотни *(ҳақдорларга)* ато этадиган ва Охиратга аниқ ишонадиган чиройли амал қилгувчи зотлар учун Ҳидоят - Тўғри Йўл ва Раҳмат бўлган *(Китоб)*дир. 5. Парвардигорлари тарафидан ҳидоят топганлар ана ўшалардир ва нажот топгувчилар ҳам уларнинг ўзидир. 6. Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар билимсизлик билан *(ўзгаларни)* Оллоҳнинг Йўлидан оздириш учун ва у *(Йўлни)* масхара қилиш учун беҳуда сўз*(лар)*ни сотиб олур. Ана ўшалар учун хор қилгувчи азоб бордир. 7. Қачон унга Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса, гўё уларни эшитмагандек, гўё қулоқларида оғирлик-карлик бордек кибру-ҳаво билан юз ўгириб кетур. Бас, унга аламли азоб ҳақида "хушхабар" бериб қўйинг! 8. Албатта

иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун ноз-неъмат боғлари бордир. 9. Улар у жойда мангу қолурлар. *(Бу)* Оллоҳнинг ҳақ ваъдасидир. У қудрат ва ҳикмат Эгасидир. 10. У осмонларни сизлар кўрадиган устунларсиз яратиб, сизларни тебратмаслиги учун Ерда тоғларни барпо қилди ва унда ҳар турли жондор*(лар)*ни тарқатиб-ёйиб юборди. Яна Биз осмондан сув-ёмғир ёғдириб, *(Ерда)* ҳар турли фойдали *(ўсимликларни)* ўстириб қўйдик. 11. Булар Оллоҳ яратган нарсалардир. Энди *(эй мушриклар)*, сизлар Менга Ундан ўзга "худолар" нималарни яратганини кўрсатинглар-чи! Йўқ, *(улар бирон нарсани кўрсата олмаслар, демак)* у золим кимсалар очиқ залолатдадирлар. 12. Аниққи, Биз Луқмонга ҳикмат ато этдик *(ва унга дедик)*: "Оллоҳга шукр қилгин! Ким шукр қилса, фақат ўз фойдаси учун шукр қилур *(яъни, қилган шукрининг фойдаси ўзига бўлур)*. Ким ношукурлик қилса, бас, албатта Оллоҳ *(унинг ва барча оламларнинг шукр қилишидан)* Беҳожат ва ҳамду саноға Лойиқ Зотдир.

Изоҳ: Нақл қилишларича, Луқмони ҳаким минг йил умр кўрган бўлиб, Оллоҳ таоло у зотга нарса ва воқеа-ҳодисанинг моҳият-ҳақиқатига бехато етиш ва энг тўғри ҳукмини чиқара олиш неъматини - яъни, ҳикматни ато этган экан. Шу боисдан ҳам у кишидан инсон шуурининг қоронғу йўлакларини ёритиб юборадиган минглаб ибратли ҳикматлар асар бўлиб қолгандир.

13. Эсланг, Луқмон ўғлига панд-насиҳат қилар экан, деган эди: "Эй ўғилчам, Оллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк келтириш катта зулмдир". 14. Биз инсонга ота-онасини *(яъни, уларга яхшилик қилишни)* амр этдик. Онаси унга ожизлик устига ожизлик билан ҳомиладор бўлди *(яъни, қорнидаги ҳомила каттарган сари онанинг ҳоли қуриб, заифлаша борур)* уни *(кўкракдан)* ажратиш *(муддати)* икки йилда *(келур)*. *(Биз инсонга буюрдикки)*, "Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Ёлғиз Ўзимга қайтажаксан!" 15. Агар улар *(яъни, ота-онанг)* сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга *(гарчи кофир бўлсалар-да)*, дунёда яхши муомалада бўлгин ва ўзинг менга ижобат-тавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин! Сўнгра *(яъни, Қиёмат Кунида)* Ўзимга қайтурсизлар, бас, мен сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман". 16. *(Луқмон деди)*: "Эй ўғилчам, шак-шубҳа йўққи, агар хардал *(ўсимлигининг)* уруғидек *(бир зарра яхши ёки ёмон амал қилинадиган)* бўлса-ю, ана ўша

(амал) бирон харсанг тош ичида ё осмонларда ёки Ер остида бўлса, ўшани-да Оллоҳ келтирур. Зеро, Оллоҳ Сергак ва Огоҳдир. 17. Эй ўғилчам, намозни тўкис адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган *(балоларга)* сабр қил! Албатта мана шу ишларнинг мақсадга мувофиқидир. 18. Одамлардан *(мутакаббирлик билан)* юзингни ўгирмагин ва Ерда кибру ҳаво билан юрмагин. Чунки Оллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни суймас. 19. Юрганингда ўртача юргин ва овозингни паст қилгин. Чунки овозларнинг энг ёмони эшаклар овозидир". 20. *(Эй инсонлар),* Оллоҳ осмонлар ва Ердаги барча нарсаларни сизларга бўйсундириб қўйганини ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний *(яъни, моддий-маънавий)* неъматларини комил қилиб берганини кўрмадингларми?! Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар ўзлари билмаган, ҳидоят топмаган ва нурли китоб-ҳужжатга эга бўлмаган ҳолларида Оллоҳ хусусида мужодала қилурлар. 21. Қачон уларга: "Оллоҳ нозил қилган нарсага эргашинглар", дейилса, улар: "Йўқ, бизлар ота-боболаримизни нимaнинг устида топган бўлсак, *(ана ўшанга)* эргашурмиз", дейишади. Агар шайтон уларни ўт-дўзах азобига чақириб турган бўлса ҳам-а?! 22. Ким чиройли амал қилгувчи бўлган ҳолида ўзини Оллоҳга топширса, бас, у мустаҳкам халқани ушлабди. Барча ишлар охир-оқибатда Ёлгиз Оллоҳга борур. 23. Ким кофир бўлса, бас, Сизни *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* унинг куфри ғамгин қилмасин. Улар Ўзимизга қайтажаклар, бас, Биз уларга қилган амалларининг хабарини берурмиз. Зеро, Оллоҳ диллардаги сирларни Билгувчидир. 24. Биз уларни *(бу дунёда)* озгина *(муддат)* фойдалантириб, сўнгра қаттиқ азобни *(тотишга)* мажбур қилурмиз! 25. Қасамки, агар улардан "Осмонлар ва Ерни ким яратган?", деб сўрасангиз, албатта "Оллоҳ", дерлар. Сиз: "Оллоҳга ҳамду сано бўлсин", денг! Йўқ, уларнинг кўплари *(ана ўша Оллоҳгагина ибодат қилиш зарур эканини)* билмаслар. 26. Осмонлар ва Ердаги бор нарсалар Оллоҳникидир. Албатта Оллоҳнинг Ўзигина Беҳожат ва ҳамду санога Лойиқ Зотдир. 27. Агар Ер юзидаги бор дов-дарахт қаламлар бўлиб, денгиз *(сиёҳ бўлса ва)* ундан сўнг яна етти денгиз ёрдамга келса, Оллоҳнинг сўзлари тугаб-битмас. Албатта Оллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгасидир. 28. *(Эй инсонлар),* сизларни *(барчангизни аввал бошда)* яратиш ҳам, *(Қиёмат Кунида)* қайта тирилтириш ҳам худди бир жонни *(яратиш ва қайта тирилтиришнинг)* ўзгинасидир *(яъни, шу қадар осондир).*

Зеро, Оллоҳ Эшитгувчи, Кўргувчидир. 29. Оллоҳ кечани кундузга киритишини, кундузни кечага киритишини ҳамда қуёш ва ойнинг ҳар бирини белгиланган муддатгача жорий бўладиган қилиб бўйсундириб қўйганини ва Оллоҳ шак-шубҳасиз, қилаётган амалларингиздан Огоҳ эканини кўрмадингизми?! 30. Бунинг боиси Оллоҳнинг Ўзигина Ҳақ *(Илоҳ)* экани, улар *(яъни, мушриклар Оллоҳни)* қўйиб дуо-илтижо қилаётган бутлари эса ботил нарса экани ва Оллоҳнинг Ўзигина энг Юксак ва Буюк Зот эканлигидир. 31. Кемалар сизларга Оллоҳнинг оят-мўъжизаларидан кўрсатиш учун У Зотнинг неъмати - марҳамати билан денгизда *(сузиб)* юрганини кўрмадингизми?! Албатта бунда барча *(балоларга)* сабр қилгувчи, *(неъматларга)* шукр қилгувчилар учун оят-ибратлар бордир. 32. Қачон *(кофирларни)* тоғлардек тўлқин*(лар)* ўраб олса, улар Оллоҳга Динни холис қилиш билан *(яъни, чин ихлос билан)* дуо-илтижо қилурлар. Энди қачонки, *(Оллоҳ)* уларга нажот бериб, қуруқликка *(чиқарса)*, у ҳолда улардан *(айримларигина)* Тўғри Йўл тутгувчидир. Бизнинг оятларимизни инкор қилмас, магар барча хоин ва ношукур кимсаларгина *(инкор қилурлар)*. 33. Эй инсонлар, Парвардигорингиздан қўрқингиз ва яна бир Кундан *(яъни, Қиёматдан)* қўрқингизким, *(у Кунда)* бирон ота ўз боласи томонидан *(бирон нарса)* ўтай олмас ва бола ҳам отаси томонидан бирон нарса ўтай олгувчи бўлмас. Албатта Оллоҳнинг *(қайта тирилтириб, ҳисоб-китоб қилиш ҳақидаги)* ваъдаси ҳақдир. Бас, ҳаргиз сизларни ҳаёти дунё *(ўзининг ўткинчи неъматлари билан)* алдаб қўймасин ва ҳаргиз сизларни алдагувчи *(яъни, шайтон)* Оллоҳ *(ҳар қандай гуноҳни кечаверади, деган алдов)* билан алдаб қўймасин! 34. Дарҳақиқат, Ёлгиз Оллоҳнинг ҳузуридагина *(Қиёмат)* Соати *(қачон бўлиши тўғрисидаги)* билим бордир. У *(Ўзи хоҳлаган вақтда, Ўзи хоҳлаган жойга)* ёмғир ёғдирур ва *(оналарнинг)* бачадонларидаги ҳомилаларини *(ўғилми-қизми, расоми-нуқсонлими, бахтлими-бахтсизми эканини)* билур. Бирон жон эртага нима иш қилишини била олмас. Бирон жон қай ерда ўлишини ҳам била олмас. Фақат Оллоҳгина Билгувчи ва Огоҳдир.

САЖДА сураси (32)

Бу сура ўттиз оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил қилингандир.

У Қуръони Каримнинг шак-шубҳасиз, Оллоҳ таоло томонидан Муҳаммад алайҳис-саломга туширилган Китоб эканини таъкидлаш билан бошланиб, "Уни Муҳаммаднинг ўзи тўқиб олган", дейдиган мушрикларнинг сўзлари ёлгон эканлиги уқтирилади.

Сўнгра "Мана шу ҳаётдан бошқа ҳаёт йўқ, ҳеч қачон қайта тирилмаймиз", деган кимсаларнинг сўзлари аниқ ҳужжатлар билан рад этилиб, Охират ва Қиёмат ҳақ эканлиги ҳамда ҳаётларини иймон ва эзгу амаллар қилиш билан ўткарган мўминлар учун Оллоҳнинг ажру-мукофотлари борлиги, ҳаёти дунёда Оллоҳни унутган кимсаларни эса у Кунда Оллоҳ ҳам "унутиб" қўйиши ҳақида хабар берилади.

Сура ана ўша ҳисоб-китоб Куни кечадиган аҳволни тасвирлаш билан ниҳояланади.

Бу сурада сажда ояти мавжуд бўлгани сабабли уни "Сажда" сураси деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Алиф, Лом, Мим. 2. Бу Китобнинг *(яъни, Қуръоннинг)* **нозил қилиниши, ҳеч шак-шубҳасиз, барча оламларнинг Парвардигори томонидандир. 3. Балки "Уни** *(Муҳаммаднинг ўзи)* **тўқиб олган", дерлар? Йўқ, у** *(яъни, Қуръон)* **Сиздан илгари бирон огоҳлантиргувчи келмаган қавмни** *(Охират азобидан)* **огоҳлантиришингиз учун Парвардигорингиз томонидан** *(нозил қилинган)* **Ҳақиқатдир. Шояд улар ҳидоят топсалар. 4. Оллоҳ осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсани олти кунда яратиб, сўнгра** *(Ўз)* **Аршига ўрнашган Зотдир. Сизлар учун Ундан ўзга бирон дўст ва қўлловчи йўқдир. Ахир эслатма-ибрат олмайсизларми?! 5. У осмондан Ергача** *(бўлган)* **барча ишни тадбир қилиб - бошқариб турур, сўнгра** *(бу ишларнинг барчаси)* **сизларнинг ҳисобингизда минг йилга тенг бўладиган бир Кунда** *(яъни, Қиёматда)* **Унинг Ўзига кўтарилур.**

Изоҳ: Исломий ақидага кўра, Қиёмат Куни - кофирлар учун ҳисоб-китобнинг оғир кечганлиги сабабли минг йилга, яна бошқа бир оятни каримада хабар берилишича, эллик минг йилга тенгдек туюлар, мўминлар учун эса ҳадиси шарифда келганидек бир вақт намоз ўқигудек муддат каби қисқа ва осон ўтар экан. Ана ўша Кунда ҳаётни дунёда рўй берган барча ишлар Оллоҳ таолонинг даргоҳига кўтарилиб, У Зот Ўзининг ҳақ ҳукмини чиқаради.

6. Мана шу *(Оллоҳ)* **ғойиб ва ҳозирни Билгувчи, Қудратли ва Меҳрибондир. 7. У барча нарсани чиройли қилиб яратган Зотдир.**

Изоҳ: Ушбу оятда Оллоҳ таоло бандалар эътиборини Ўзи яратган махлуқотларнинг ҳар бирини нақадар етук ҳикмат билан яратганига қаратмоқда. Дарҳақиқат, дунёдаги мавжудотнинг қай бирига диққат эътибор билан назар солинса, ундаги мутаносиблик ва пухталик ақл эгалари ёдига Яратганнинг нақадар Доно ва Билгувчи эканини келтиради.

У инсонни *(яъни, Одамни)* **даставвал лойдан яратди. 8. Сўнгра унинг насли авлодини ҳақир бир сувдан** *(иборат бўлган нутфадан пайдо)* **қилди. 9. Сўнгра уни** *(инсон қилиб)* **ростлаб, ичига Ўз** *(даргоҳидаги)* **жондан киритди. У Зот сизлар учун қулоқ, кўзлар ва дилларни пайдо қилди. Сизлар эса камдан-кам шукр қилурсизлар. 10. Улар** *(яъни, кофирлар)*: **"Бизлар Ер** *(ости)***да йўқ бўлиб кетгач, ҳақиқатан ҳам яна янги яралиш билан яралурмизми?", дедилар. Йўқ, улар Парвардигорларига рўбарў бўлишни инкор қилгувчидирлар. 11.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **айтинг. "Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси** *(ажалларингиз битгач)* **жонларингизни олур, сўнгра Парвардигорингизга қайтарилурсизлар". 12. Агар Сиз у жиноятчи кимсаларни** *(Қиёмат Кунида)* **Парвардигорлари ҳузурида бошлари эгик ҳолда туриб: "Парвардигоро,** *(вaъданг рост эканлигини)* **кўрдик ва эшитдик, бас, бизларни** *(ҳаётга)* **қайтаргин, бизлар яхши амал қилайлик. Энди бизлар** *(Қиёмат ҳақ эканлигига)* **шак-шубҳасиз, ишонгувчидирмиз",** *(дейишларини)* **кўрсангиз эди. 13. Агар Биз хоҳласак, албатта ҳар бир жонга ўз ҳидоятини ато этган бўлур эдик, лекин Мен томондан бу сўз ҳақ-собит бўлгандир: "Мен жаҳаннамни** *(кофир)* **жин ва одамларнинг барчаси билан тўлдирурман".**

Изоҳ: Ушбу оятда Оллоҳ таоло ҳеч кимни мажбуран ҳидоятга бошламаслиги, балки инсу жинни ўз ихтиёрларига қўйиб қўйилиб, сўнгра Оллоҳнинг Динига итоат этишдан бўйин товлаган

кимсаларни жаҳаннамга дучор қилинишлари аниқ эканлиги уқтирилади.

14. Бас, *(эй кофирлар),* **ушбу кунингиздаги учрашувни унутиб қўйганларингиз сабабли** *(аламли азобни)* **тотингиз! Дарвоқеъ, Биз ҳам** *(бутун)* **сизларни "унутдик". Қилиб ўтган амалларингиз сабабли мангу азобни тотингиз! 15. Бизнинг оятларимизга фақат қачон у** *(оятлар)* **зикр қилинса,** *(ўша оятлар билан панд-насиҳат қилинганида таъсирланганлари сабабли)* **сажда қилган ҳолларида йиқиладиган ва кибр-ҳаво қилмаган ҳолларида ҳамду сано айтиш билан Парвардигорларини поклайдиган зотларгина иймон келтирурлар.**

Изоҳ: Ушбу оят ҳам сажда оятидир.

16. Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур *(яъни, тунларини ибодат билан ўтказишиб, оз ухлайдилар).* **Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо-илтижо қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилурлар. 17. Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб, улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини** *(яъни, Охират неъматларини)* **бирон жон билмас. 18. Ахир мўмин бўлган киши фосиқ-итоатсиз бўлган кимса каби бўлурми?** *(Йўқ),* **баробар бўлмаслар! 19. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун қилиб ўтган амаллари сабабли жаннат маъволари манзил бўлур. 20. Фосиқ бўлган кимсаларнинг маъволари - борар жойлари эса дўзахдир. Ҳар қачон ундан чиқмоқчи бўлсалар, яна унга қайтарилурлар ва уларга: "Ўзларингиз ёлғон деган дўзах азобини тотингиз", дейилур. 21. Албатта Биз улар шояд ўз** *(куфру исёнларидан)* **қайтсалар, деб уларга** *(Қиёмат Кунидаги)* **улуғ азобдан илгари яқин азобни** *(яъни, дунё азобини - турли кулфат-балоларни, мусибатларни)* **тотдирурмиз. 22.** *(Яратган)* **Парвардигорининг оятлари билан панд-насиҳат қилинганидан сўнг, улардан юз ўгирган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Албатта Биз ундай жиноятчи кимсалардан Интиқом олгувчидирмиз. 23. Аниқки, Биз Мусога Китоб - Таврот ато этдик; Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз унинг** *(增Тавротга)* **рўбарў бўлганидан шубҳа-гумонда бўлманг. Биз** *(Тавротни)* **бани Исроил** *(қавми)* **учун Ҳидоят - Тўғри Йўл қилдик. 24. Улар** *(ўз динлари йўлидаги бало-кулфатларга)* **сабр-тоқат қилишгач, Биз улардан Бизнинг амримиз билан** *(одамларни)* **ҳидоят қиладиган пешволарни чиқардик. Улар Бизнинг оятларимизга аниқ ишонар**

эдилар. 25. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* албатта Қиёмат Кунида *(одамлар)* ўртасида улар ихтилоф қилиб ўтган нарсалар ҳақида Парвардигорингизнинг Ўзи ажрим қилур. 26. Ахир уларга *(яъни, мушрикларга)* Биз улардан илгари қанча аср-авлодларни ҳалок қилганимиз, *(мана бу мушриклар)* ўшаларнинг масканларида юрганлари яхши маълум эмасми?! Албатта бунда оят-ибратлар борку! Ахир англамайдиларми?! 27. Ахир улар Биз қуруқ Ерга сув ҳайдаб, унинг ёрдамида уларнинг чорвалари ҳам, ўзлари ҳам ейдиган экинларни чиқаришимизни кўрмадиларми?! Ахир қарамайдиларми?! 28. Улар *(мусулмонларга):* "Агар ростгўй бўлсангизлар қачон мана шу фатҳ *(яъни, сизлар билан ора очиқ бўладиган ва бизларга сизлар айтаётган азоб тушадиган Кун)* рўй берур", дерлар. 29. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом):* "Фатҳ Кунида кофир бўлган кимсаларга иймон келтиришлари фойда бермай қолур ва уларга *(тавба-тазарруъ қилиш учун)* муҳлат ҳам берилмас", деб айтинг! 30. Сўнг Сиз улардан юз ўгиринг ва *(уларга келадиган азобга)* кўз тутинг! Зеро, улар ҳам *(сиз мусулмонларга ёмонлиқлар келишига)* кўз тутгувчидирлар.

АҲЗОБ сураси (33)

Етмиш уч оятдан иборат бу сура Мадинада нозил қилингандир. Маълумки, одатда Мадина сураларида Маккада нозил бўлган суралардан фарқли ўлароқ, сўз асосан Исломий турмуш тарзи ва диний урф-одатлар ҳақида боради. Яъни, мавзу Исломий ақидани англатишдан Исломий Шариатни баён қилишга кўчади. Ушбу сура ҳам бундан мустасно эмасдир.

У дастлаб Муҳаммад алайҳис-саломга Оллоҳ таолодангина қўрқишда устиворлик тилаб, Ёлғиз Оллоҳгагина суянишга ва фақат Илоҳий ваҳийгагина эргашишга буюриш билан бошланади, сўнгра дини Ислом ҳукмича, боқиб олинган бола туққан фарзанд билан баробар бўлмаслиги баён қилинади ва сура давомида бу мавзуга яна қайтилади.

Яна бу сурада Пайғамбар алайҳис-саломнинг аҳли-аёллари тўғрисида ҳамда уларнинг зиммаларидаги айрича вазифалари ва алоҳида ҳақ-ҳуқуқлари борасида ҳам сўз юритилади, шунингдек, улар барча мўмин-мусулмонлар учун она мақомида эканликлари, binобарин мўминлар уларга зиёда эҳтиром ва ўта эҳтиёткорлик билан муомала қилишлари лозим экани уқтирилади. Сура ниҳоясида инсон ўз зиммасига олган Оллоҳ таолонинг барча амру фармонларига итоат этиш вазифаси, ҳатто осмону замин ва тоғу тошлар ҳам кўтара олмаган оғир ва масъул вазифа эканлиги таъкидланади.

Бу сурадан Мадинада янги барпо бўлган Ислом давлатини йўқ қилиб юбориш ғаразида турли ҳизблар-фирқалар бирлашиб қилган ҳужумлари ва бу жанг воситасида Оллоҳ таоло мўминларнинг иймон-эътиқодларини яна бир бор синовдан ўтказгани ҳақидаги оятлар ҳам ўрин олгани сабабли у "Аҳзоб - Ҳизблар" деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Эй Пайғамбар *(алайҳис-салом)*, Оллоҳдан қўрқинг ҳамда кофир ва мунофиқ кимсаларга бўйинсунманг! Албатта Оллоҳ Билгувчи ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 2. Сиз *(фақат)* ўзингизга

Парвардигорингиз томонидан ваҳий қилинадиган оятларга эргашинг! Албатта Оллоҳ сизлар қилаётган амаллардан Огоҳ бўлган Зотдир. 3. Ва *(Ёлғиз)* **Оллоҳга таваккул қилинг! Оллоҳнинг Ўзи етарли Вакил - Сақлагувчидир. 4. Оллоҳ бирон кишининг ичида икки юрак қилган эмасдир,** *(шунингдек)* **сизлар зиҳор қиладиган хотинларингизни ҳам сизларга она қилган эмас ва асранди болаларингизни ўз болаларингиз қилган эмасдир. Бу** *(яъни, хотинларингизни "она" дейишларингиз, асрандиларингизни "бола" дейишларингиз)* **сизларнинг оғизларингиздаги сўзингиздир. Ёлғиз Оллоҳ ҳақиқатни айтур ва Унинг Ўзи** *(Ҳақ)* **Йўлга ҳидоят қилур.**

Изоҳ: Ушбу оятда икки масала хусусидаги Оллоҳнинг ҳукми баён қилинди: Биринчиси "Зиҳор" масаласи бўлиб, бу ибора арабларнинг истилоҳида киши ўз хотинига "сен менга онамнинг бадани каби ҳаромсан", дейишини англатади. Одатда улар, бу сўзлар айтилган хотин онага айланиб қолади, демак, энди у билан яшаш мумкин эмас, деб ҳисоблар эдилар. Қуръон уларнинг бу гумонлари нотўғри эканлигини уқтиради. Фиқҳшунослик - қонуншунослик китобларида юқоридаги сўзларни айтган кишилар ушбу нолойиқ сўзлари учун маълум тартибда каффорат - жарима тўлаб, никоҳларидаги хотинлари билан яшайверишлари жоиз эканлиги айтилади.

Иккинчи масала, асранди бола Шариати Исломийя ҳукмича ҳар тарафлама пушти камардан бўлган бола каби бўлмаслиги ҳақидадир. Бу оят Пайғамбар алайҳис-салом ўғил қилиб олган Зайд бинни Ҳориса ҳақида нозил қилинган бўлиб, сура давомида бу мавзуга яна қайтилади.

5. Уларни ўз оталари *(исми)* **билан чақиринглар - атанглар. Шу Оллоҳ наздида тўғрироқдир. Энди агар уларнинг оталарини билмасангизлар, у ҳолда** *(улар)* **сизларнинг диний биродарларингиз ва дўстларингиздир** *(яъни, у ҳолда уларни биродарим Фалончи, ёки дўстим Фалончи, деб атанглар, лекин боқиб олган отасининг номи билан чақирманглар)*. **Қилган** *(хатоларингиз)* **сабабли сизлар учун гуноҳ йўқдир, лекин кўнгилларингиз** *(билан)* **қасд қилган** *(хатодагина гуноҳкор бўлурсизлар)*. **Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон бўлган Зотдир. 6. Пайғамбар мўминларга ўзларидан ҳам яқинроқ - ҳақдорроқдир, унинг аёллари эса уларнинг оналаридирлар. Оллоҳнинг Китобида қариндош-уруғлар** *(меросхўрликда)* **бир-бирларига** *(қон-қариндош бўлмаган)* **мўминлардан ва муҳожирлардан кўра ҳақдорроқдирлар. Магар сизлар** *(диний)* **дўстларингизга** *(уларни ўзингиз учун ворис қилишлик*

билан) яхшилик қилмоғингиз *(жоиздир)*. Бу - Китобда *(яъни, Лавҳул-Маҳфузда)* битиб қўйилган *(ҳукмдир)*. 7-8. Эсланг, Биз *(барча)* пайғамбарлардан ва *(хусусан)* Сиздан, Нуҳдан, Иброҳим, Мусо ва Ийсо бинни Марямдан аҳду паймонларини олгандик. Биз ростгўйлардан *(яъни, барча пайғамбарлардан Қиёмат Кунида)* ростгўйликлари *(яъни, зиммаларидаги пайғамбарлик вазифаларини рост - тўла адо этганлари)* ҳақида сўраш учун улардан пухта аҳду паймон олдик. *(Оллоҳ)* кофирлар учун аламли азоб тайёрлаб қўйгандир. 9. Эй мўминлар, Оллоҳнинг сизларга берган неъматини - сизларга *(қарши турли ҳизблардан иборат)* қўшинлар келган пайтида Биз уларнинг устига шамол ва сизлар кўрмаган қўшинларни *(яъни, фаришталарни)* юборганимизни эсланглар! Оллоҳ қилаётган амалларингизни Кўриб тургувчи бўлган Зотдир. 10. Ўшанда улар сизларнинг юқори томонингиздан ҳам, сизлардан қуйироқ томондан ҳам *(бостириб)* келган эдилар. Ўшанда кўзлар тиниб, юраклар бўғизларга тиқилиб қолган ва сизлар Оллоҳ ҳақида *(турли ёмон)* гумонлар қила бошлаган эдинглар. 11. Ана ўша жойда мўминлар *(яна бир бор)* имтиҳон қилиндилар ва *(бу даҳшатдан)* қаттиқ ларзага тушдилар. 12. Ўшанда мунофиқлар ва дилларида мараз бўлган *(яъни, эътиқодлари заиф бўлган)* кимсалар: "Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари бизларга фақат ёлғон ваъда қилган эканлар", дея бошладилар. 13. Ўшанда улардан *(мунофиқлардан)* бир тоифаси деди: "Эй Ясриб *(яъни, Мадина)* аҳли, сизлар учун *(бу қадар кўп сонли ёвга қарши)* туриш *(имкони)* йўқдир, бас, *(ўз уйларингизга)* қайтиб кетинглар". Улардан *(мунофиқлардан)* яна бир гуруҳ эса "Уйларимиз очиқ-сочиқ *(қолган эди)*," деб Пайғамбардан изн сўрардилар. Ҳолбуки, *(уйлари)* очиқ-сочиқ эмас эди. Улар фақат *(жанг майдонидан)* қочишнигина истардилар. 14. Агар уларнинг *(мунофиқларнинг)* устига *(Мадинанинг турли)* томонларидан *(бостириб)* кирилса-да, сўнгра улардан фитна *(яъни, мусулмонларга хиёнат қилиш)* талаб қилинса, шак-шубҳасиз, улар кўп *(иккиланиб)* турмасдан *(хиёнатга розилик)* берган бўлур эдилар. 15. Ҳолбуки, улар илгари ортга чекинмасликлари ҳақида Оллоҳга аҳду паймон берган, Оллоҳга берилган аҳду паймон эса *(Қиёмат Кунида)* сўралгувчи эди. 16. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Агар сизлар ўлимдан ё ўлдирилишдан қочсангизлар бу қочиш сизларга бирон фойда бермас, *(яъни, фақт ажалларингиз битгунича ўлимдан қочишларингиз мумкин)* демак, сизлар жуда оз *(яъни, ажалларингиз етгунча)* фойдаланурсизлар, холос. 17. Айтинг: "Агар Оллоҳ сизларга ёмонликни ирода қилса, қай бир кимса сизларни Ундан

асрай олур ёки У Зот сизларга марҳаматни ирода қилса *(ким Уни тўса олур)*?!" Улар ўзлари учун Оллоҳдан ўзга бирон дўст, бирон ёрдамчи топа олмаслар. 18-19. Оллоҳ сизларнинг орангиздаги *(жиҳодга)* тўсқинлик қиладиган ва ўз дўстларига: "Биз томонга ўтинглар *(Муҳаммадни тарк қилинглар, жиҳодга борманглар)*", дейдиган кимсаларни аниқ билур. Улар жангга камдан-кам, фақат сизларга *(яъни, сизларнинг ғалаба қозониб, ўлжаларга эга бўлишингизга)* бахилликлари келган ҳолдагина келурлар. Бас, қачон *(ёв томонидан)* хавф келса, Сиз уларни ўлим ўраб *(шайтонлаб)* қолган кимса каби кўзлари ола-кула бўлиб Сиз томонга қараётганларини кўрурсиз. Энди қачон хавф кетса, улар яхшилик *(яъни, ўлжалар)* устида очкўзлик қилиб сизларни ўткир тиллар билан ранжитурлар. Улар *(сидқидилдан)* иймон келтирмаганлар, бас, *(шу сабабли)* Оллоҳ уларнинг амалларини беҳуда кетказди. Бу Оллоҳга осон бўлган *(иш)дир)*. 20. Улар *(яъни, мунофиқлар қўрқоқликлари сабабли ҳизблар Мадина атрофидан тарқаб кетганларидан кейин ҳам)* у ҳизбларни кетмаган, деб ўйлайдилар, ва агар у ҳизблар яна қайтиб қолсалар *(мунофиқлар шаҳарда - сизларнинг ичингизда эмас, балки саҳрода)* кўчманчи бадавийлар орасида бўлиб, сизларнинг ҳоли-хабарларингиз ҳақида сўраб-билиб туришни дўст тутадилар. Агар улар сизларнинг орангизда бўлганларида ҳам камдан-кам жанг қилган бўлур эдилар.

И з о ҳ: Юқоридаги (9-20) оятларда ҳижратнинг бешинчи санасида бўлиб ўтган ва Ислом тарихида "Хандақ жанги" деган ном билан қолган бир жанг тафсилоти баён қилинди. Муфассирларнинг ёзишларича воқеа бундай бўлган экан: Макка ва Мадина атрофларидаги ҳар турли ҳизблар мусулмонларни йўқ қилиб юбориш учун тил бириктиришиб ўн икки мингдан ортиқ қўшин тўплайдилар ва Мадинага юриш қиладилар. Бу шум хабардан воқиф бўлган Пайғамбар алайҳис-салом уч минг чоғли аскарлари билан Мадинанинг четига чиқиб, саҳобалардан Салмони Форсийнинг маслаҳатларига кўра зудлик билан шаҳарнинг чор-атрофига хандақ кавлайдилар ва ўзлари ҳимояга ҳозир бўлиб турадилар. Шу орада ҳар тарафдан етиб келган турли ҳизбларнинг йўлини шу пайтгача араб урушларида қўлланилмаган усул - хандақ тўсади ва улар Мадинани тўрт томонидан қуршаб қамал қиладилар, аммо шаҳар ичига кириш чорасини топа олмайдилар. Шаҳар аҳолиси эса қамал қилиб турган ёвнинг ваҳшатидан даҳшатга тушади ва шунда мўмин ким-у, мунофиқ кимлиги ажралиб қолади: Мўминлар Оллоҳ таолонинг нусратига кўз тикиб, Пайғамбар алайҳис-салом

теварагига янада жипслашадилар, мунофиқлар эса бутунлай ноумидликка тушиб, ўзгаларни ҳам васвасага сола бошлайдилар. Мана шу зайлда бир ойга яқин муддат кечганидан сўнг, бир куни тўсатдан ҳаво совуб, қаттиқ бўрон туради ва мусулмонларни қамал қилиб, ҳар тарафдан ўраб олган ҳизбларнинг ёққан ўтоловларини ўчириб, тиккан чодир-ўтовларини учириб кетади ва улар Мадинага киришдан умидлари узилиб, ортларига қайтиб кетишдан ўзга чора топа олмай қоладилар. Шундай қилиб, Оллоҳ таоло ушбу оғир дамларда мўминларнинг иймонларини яна бир бор имтиҳон қилади ва тил учида иймон келтирган, лекин дилларида мараз-нифоқ бўлган мунофиқларнинг кирдикорларини фош этади.

Ушбу воқеа, айтиб ўтганимиздек, бундан ўн тўрт аср илгари рўй берган бўлса-да, ўша ҳизбларнинг думлари бугунги кунда ҳам мавжуд эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Демак, ҳар замон мана шундай ҳизблар турли ялтироқ шиорлар билан мусулмонлар орасига кириб, уларни бўлиб юборишга, бир-бирларига душман қилиб қўйишга уринганларида ҳақиқий иймонли мусулмонлар ўз атрофларига Пайғамбар алайҳис-саломдан мерос бўлиб қолган маънавий хандақ қазиб олишлари, яъни, Қуръони Карим ва ҳадиси шариф маъноларидан яхши хабардор бўлиб, улардаги Илоҳий кўрсатмаларга изчил амал қилишлари натижасида ундай шайтоний ҳизбларни ўзларига яқинлаштирмасликлари лозим бўлади. Шунда у бадкирдор ҳизблар мусулмонларга бирон зиён етказа олмай, йўқ бўлиб кетадилар Аммо Исломдан бехабар билимсиз кимсалар ва мунофиқлар эса қандай қилиб ҳизбнинг ноғорасига ўйнаб юрганларини ўзлари ҳам билмай қоладилар Албатта бунда ақл эгалари учун ибратлар бордир.

21. *(Эй мўминлар)*, **албатта сизлар учун - Оллоҳ ва Охират Кунидан умидвор бўлган ҳамда Оллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун - Оллоҳнинг Пайғамбарида** *(у зотнинг иймон-эътиқоди ва хулқи атвори)***да гўзал намуна бордир. 22. Мўминлар у ҳизбларнинг кўрган вақтларида: "Бу Оллоҳ Пайғамбари бизларга ваъда қилган нарсадир** *(яъни, имтиҳондир)*. **Оллоҳ ва Пайғамбарининг сўзи ростдир", дедилар ва** *(устларига бостириб келаётган ҳизбларнинг сон-саноқсизлиги мўминларни қўрқитмади, аксинча)* **уларнинг** *(Оллоҳга бўлган)* **иймон ва итоатларини янада зиёда қилди, холос. 23. Мўминлар орасида ўзлари Оллоҳга берган** *(У Зотнинг Йўлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлиш ҳақидаги)* **аҳду паймонларига содиқ бўлган кишилар бордир. Бас, улардан** *(айрим)* **кишилар ўз аҳдига вафо қилди,** *(яъни, шаҳид бўлди)*, **улардан** *(айрим)* **кишилар эса** *(шаҳид бўлишга)* **интизордир. Улар**

(мунофиқларга ўхшаб Оллоҳга берган аҳду паймонларини) **ўзгартирганлари йўқ. 24. Оллоҳ** *(ўз аҳду паймонларига)* **содиқ бўлган кишиларни ростгўйликлари сабабли мукофотлаш учун, мунофиқларни эса агар Ўзи хоҳласа** *(мунофиқ ҳолларида ўлдириб)* **азобга гирифтор этиш ёки** *(улар иймон келтириб, тавба қилсалар),* **тавбаларини қабул қилиб** *(гуноҳларини мағфират этиш)* **учун** *(мазкур синовга дучор қилди).* **Албатта Оллоҳ Мағфиратли ва Меҳрибон бўлган Зотдир. 25. Оллоҳ кофирларни** *(яъни, ҳизбларни)* **хафа ҳолларида қайтарди. Улар бирон яхшилик-фойдага эришмадилар. Оллоҳ мўминларга жанг тўғрисида кифоя қилди** *(яъни, осмондан шамол ва фаришталар юбориб, мўминларни жангсиз ғолиб қилди).* **Оллоҳ Кучли, Қудратли бўлган Зотдир. 26. У** *(ҳизб)***ларга ёрдам берган, аҳли Китобдан иборат бўлган кимсаларни** *(Оллоҳ)* **ўз қалъаларидан туширди ва дилларига қўрқинч солди.** *(Энди)* **сизлар** *(улардан)* **бир гуруҳни ўлдирурсизлар, бир гуруҳни асир олурсизлар. 27. Ва Оллоҳ сизларни уларнинг ерларига, ховли-жойларига, молу мулкларига ва** *(ҳали)* **сизларнинг оёқларингиз етмаган ерларга ворис қилди. Оллоҳ ҳар нарсага Қодир бўлган Зотдир.**

И з о ҳ: Бу икки оят бану Қурайза номли яҳудий қабиласи ҳақида нозил қилингандир. Бу қабила илгари Пайғамбар алайҳис-салом билан бир-бирларига қарши урушмаслик ҳақида битим тузган эди. Қачонки ҳизблар мўминларга қарши юриш қилганларида эса улар ўртадаги битимни хиёнаткорона бузиб, ҳизбларга қўшилиб олдилар. Шунинг учун у ҳизбалар мағлуб бўлиб қайтиб кетганларидан кейин мусулмонлар бану Қурайза қабиласини қуршовга оладилар ва улар яшириниб олган қалъаларидан чиқиб таслим бўлишга мажбур бўладилар. Шунда улардан бир қанчаси қатл қилиниб, қолганлари мусулмонлар томонидан асир олинади ва ер-мулклари мусодара қилинади.

28. Эй Пайғамбар *(алайҳис-салом),* **жуфтларингизга айтинг: "Агар сизлар ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлсангизлар, у ҳолда келинглар, мен сизларни** *(ўша нарсалардан)* **баҳраманд қилай ва чиройли кузатиш билан кузатай** *(яъни, ажрашайлик).* **29. Агар сизлар Оллоҳни, Унинг Пайғамбарини ва Охират диёрини истайдиган бўлсангизлар, у ҳолда шак-шубҳасиз, Оллоҳ сизларнинг орангиздаги чиройли амал қилгувчилар учун улуғ мукофот - жаннатни тайёрлаб қўйгандир". 30. Эй Пайғамбар аёллари, сизлардан ким аниқ гуноҳни қилар экан, унинг учун азоб икки баробар қилинур. Бу Оллоҳга осон бўлган ишдир.**

31. *(Эй Пайғамбар аёллари)*, сизлардан ким Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоат этса ва яхши амал қилса, Биз унинг ажру мукофотини ҳам икки ҳисса қилиб берурмиз ва унинг учун улуғ ризқ *(яъни, жаннат)*ни тайёрлаб қўйгандирмиз. 32. Эй Пайғамбар аёллари, сизлар аёллардан биронтаси каби эмасдирсизлар *(яъни бирон аёл фазлу мартабада сизлар каби бўла олмас)*. Бас, сизлар агар тақводор бўлсангизлар *(парда ортидан бирон номаҳрам эркакка жавоб қилган пайтларингизда)* майин-назокатли сўз қилмангларки, у ҳолда кўнглида мараз-нифоқ бўлган кимса тамаъ қилиб қолур. Яхши - тўғри сўзни сўзланглар! 33. Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар *(яъни, бесабаб уйларингиздан ташқарига чиқманглар, магар бирон ҳожат учун чиққанларингизда эса)* илгариги динсизлик *(даври)*даги ясан-тусан каби ясан-тусан қилманглар! Намозни тўкис адо қилинглар, закотни *(ҳақдорларга)* ато этинглар ҳамда *(барча ишларда)* Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоат этинглар! *(Эй Пайғамбар алайҳис-салом)* хонадонининг аҳли, Оллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос. 34. Уйларингизда Оллоҳнинг оятлари ва ҳикмат *(яъни, Пайғамбар ҳадислари)*дан иборат тиловат қилинадиган нарсаларни зикр-тиловат қилингар! Албатта Оллоҳ Меҳрибон ва Огоҳ бўлган Зотдир. 35. Албатта муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатгўй эркаклар ва итоатгўй аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабр-қаноат қилгувчи эркаклар ва сабр-қаноат қилгувчи аёллар, тавозуъли эркаклар ва тавозуъли аёллар, хайру-садақа қилгувчи эркаклар ва хайру-садақа қилгувчи аёллар, рўза тутгувчи эркаклар ва рўза тутгувчи аёллар, авратларини *(ҳаромдан)* сақлагувчи эркаклар ва *(авратларини ҳаромдан)* сақлагувчи аёллар, Оллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва *(Оллоҳни кўп)* зикр қилгувчи аёллар - улар учун Оллоҳ мағфират ва улуғ мукофот *(яъни, жаннат)* тайёрлаб қўйгандир. 36. Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари бир ишни ҳукм қилган - буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун *(Оллоҳнинг ҳукмини қўйиб)* ўзлари хоҳлаган ишларини ихтиёр қилишлари жоиз эмасдир. Ким Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига осий бўлса, бас, у очиқ йўлдан озиш билан йўлдан озибди.

Изоҳ: Ушбу оят Пайғамбар алайҳис-саломнинг аммалари Умайманинг қизи Зайнаб бинти Жаҳш ҳақида нозил бўлгандир.

Пайғамбаримиз Зайнабни ўзларининг асраб олган ўғиллари Зайд бинни Ҳорисага хотинликка сўраб совчи бўлиб борганларида, у унамасдан: "Ё Расулуллоҳ, ахир мен Қурайшнинг энг олий насабли аёлларидан бўлсам, Зайд эса куни кеча озод бўлган қул бўлса, қандай қилиб у менга муносиб бўлсин", дейди. Шунда Пайғамбар алайҳис-саломга юқоридаги оят нозил бўлгач, ноилож қолиб, ўз розилигини беради ва Зайдга никоҳлаб берилади. Лекин Зайд билан Зайнабнинг турмушлари яхши бўлмайди. Чунки Зайнаб эрига нописандлик билан муомалада бўлар ва мудом унга ўзининг олийнасаб эканини пеш қилаверар эди. Охир оқибат Зайд Пайғамбар алайҳис-саломнинг олдиларига Зайнаб ҳақида шикоят қилиб келиб, у билан бирга ортиқ яшай олмаслигини айтади. Дарвоқеъ, бу орада Оллоҳ таоло томонидан Пайғамбар алайҳис-саломга ваҳий келган бўлиб, унда Зайд Зайнаб билан ажрашиб кетишлари ва Пайғамбар алайҳис-салом Зайнабга уйланишлари ҳақида хабар берилган эди. Лекин Пайғамбар алайҳис-салом одамларнинг "Муҳаммад ўзи асраб олган ўғлининг хотинига уйланди", деб таъна қилишларидан чўчиб бу ваҳийни ошкор қилмай келар эдилар. Шунинг учун ҳам Зайд келиб хотини билан ажрашмоқчи эканини билдирганида, унга сабр қилишни маслаҳат берадилар. Қуйидаги оятда Оллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига мана шу иши учун танбеҳ беради.

37. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **эсланг, Сиз Оллоҳ** *(Исломга ҳидоят қилиш билан)* **инъом-марҳамат қилган ва Сиз ҳам** *(қулликдан озод қилиб, ўзингизга ўғил қилиб олиш билан)* **инъом қилган кишига** *(яъни, Зайд бинни Ҳорисага)*: **"Жуфтингни ўз ҳузурингда ушлагин** *(яъни, талоқ қилишга шошмагин)*, **Оллоҳдан қўрққин", деб Оллоҳ ошкор қилгувчи бўлган нарсани ичингизга яширган эдингиз ва Оллоҳдан қўрқишингиз ҳақроқ бўлгани ҳолда, Сиз одамлардан** *(яъни, уларнинг таъна қилишларидан)* **қўрққан эдингиз. Бас, қачонки Зайд ундан** *(яъни, Зайнабдан)* **ҳожатини адо қилгач,** *(яъни, уни талоқ қилгач)*, **Биз Сизни унга уйлантирдик. Токи мўминларга асранди болалари ўз хотинларидан ҳожатларини адо қилишгач,** *(яъни, уларни талоқ қилишгач)*, **уларнинг** *(хотинларига уйланишларида)* **танглик бўлмаслиги учун** *(шундай қилдик)*. **Ва Оллоҳнинг амри иродаси қилингувчи бўлди. 38. Оллоҳ Пайғамбарига фарз қилган** *(яъни, ҳалол қилган)* **нарсада унга бирон танглик бўлмас.** *(Бу)* **илгари ўтган** *(пайғамбарлар)* **ҳақидаги Оллоҳнинг Йўли - қонунидир** *(яъни, улар учун ҳам Оллоҳ ҳалол қилган нарсаларда ҳеч қандай танглик бўлмаган)*. **Оллоҳнинг амри иродаси тақдири азалий бўлди. 39.**

Улар *(яъни, ўтган пайғамбарлар)* Оллоҳнинг амру-фармонларини *(бандаларга)* етказадиган, У Зотдан қўрқадиган ва Оллоҳдан ўзга бировдан қўрқмайдиган зотлардир. Оллоҳнинг Ўзи етарли Ҳисоб қилгувчидир. 40. *(Эй мўминлар)*, Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Оллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг сўнггисидир. Оллоҳ барча нарсани Билгувчи бўлган Зотдир. 41. Эй мўминлар, Оллоҳни кўп зикр қилинглар! 42. Ва эрта-ю кеч У Зотни поклаб - тасбеҳ айтинглар! 43. У сизларни *(куфр)* зулматларидан *(иймон)* нурига чиқариш учун сизларга марҳамат кўрсатадиган Зотдир. Унинг фаришталари ҳам *(ҳақларингизга дуо қилурлар)*. У мўминларга Меҳрибон бўлган Зотдир. 44. *(Мўминлар Оллоҳга)* рўбарў бўладиган Кунда уларга *(Оллоҳ томонидан йўлланадиган)* салом *(уларга дўзах азобидан)* омонлик тилаш бўлур. *(Зеро, Оллоҳ)* улар учун улуғ мукофот *(яъни, жаннат)* тайёрлаб қўйгандир. 45-46. Эй Пайғамбар *(алайҳис-салом)*, дарҳақиқат, Биз Сизни *(Қиёмат Кунида барча умматлар устида)* гувоҳлик бергувчи, *(мўминларга жаннат ҳақида)* хушхабар элтгувчи ва *(кофирларни дўзах азобидан)* огоҳлантиргувчи ҳамда Оллоҳнинг изни-иродаси билан У Зотга *(яъни, Унинг Динига)* даъват қилгувчи қилиб ва *(Ҳақ Йўлни кўрсатгувчи)* нурли чироқ қилиб юборгандирмиз. 47. Мўминларга хушхабар берингки, шак-шубҳасиз, улар учун Оллоҳ томонидан катта фазлу марҳамат *(яъни, жаннат)* бордир. 48. Сиз кофирлар ва мунофиқларга бўйинсунманг ва уларнинг озор-азиятларига парво қилманг ҳамда Оллоҳга таваккул қилинг! Оллоҳнинг Ўзи етарли Вакил - Ҳомийдир. 49. Эй мўминлар, қачон сизлар мўминаларни никоҳларингизга олсангизлар-у, сўнгра уларга қўл теккизишдан - яқинлашишдан илгари уларни талоқ қилсангизлар, у ҳолда сизлар учун уларнинг зиммасида санайдиган идда бўлмас. Бас, *(бундай ҳолатда)* сизлар уларни *(озми-кўпми ҳадя билан)* баҳраманд қилиб, чиройли кузатиш билан кузатинглар!

Изоҳ: Маълумки, Шариати Исломийя қонунига кўра эр-хотин ажралишганида хотин бошқа турмуш қуриш ҳуқуқига фақат уч ҳайз муддатида идда сақлаганидан кейингина эга бўлар эди. Энди агар эр-хотин қовушмасдан туриб ажраладиган бўлсалар, у ҳолда хотиннинг идда сақлашига ҳожат йўқдир, чунки идда хотин кишининг ҳомиладор бўлган-бўлмаганини аниқлаш учун сақланар эди. Яна бундай ҳолатда эр хотиннинг ҳаққи-маҳрини тўлаши ҳам лозим эмас, балки ўзи кўнглидан чиққан бирон совға билан ўша хотинни фойдалантириши кифоя экан.

50. Эй Пайғамбар *(алайҳис-салом)*, **албатта Биз Сиз учун ҳаққи-маҳрларини берган жуфтларингизни, Оллоҳ Сизга** *(жанғу жадалларда)* **ўлжа қилиб берган қўл остингиздаги чўриларингизни, Сиз билан бирга ҳижрат қилган амакингизнинг қизларини ва аммаларингизнинг қизларини, тоғангизнинг қизларини ва холаларингизнинг қизларини яна** *(ҳар қандай)* **мўмина аёлни - агар у ўзини Пайғамбарга ҳадя этса-ю, Пайғамбар уни** *(ҳаққи маҳр бермай)* **ўз никоҳига олишни истаса** *(мазкур аёлларнинг барчасини Биз Сиз учун)* **ҳалол қилдик.** *(Ўзини ҳадя этган аёлга ҳаққи маҳрини бермасдан уйланиш ижозати)* **мўминлар учун эмас, холис Сиз учундир. Биз** *(мўминларга)* **жуфтлари ва қўл остиларидаги чўрилари ҳақида фарз қилган ҳукмларимиз эса аниқ маълумдир. Токи Сизга танглик бўлмаслиги учун** *(Биз Сизга мазкур имтиёзларни бердик).* **Оллоҳ Мағфиратли ва Меҳрибон бўлган Зотдир. 51. Сиз** *(аёлларингиздан)* **ўзингиз хоҳлаган аёлни қолдириб, ўзингиз хоҳлаган аёлни ўзингизга ҳамхона қилурсиз. Ўзингиз четлатган аёлларингиздан бирон аёлни** *(ўзингизга яна ҳамхона қилишни)* **истасангиз Сизга ҳеч қандай гуноҳ бўлмас. Бу** *(яъни, аёлларингизга қиладиган муомалангизда Сизга ихтиёр бериб қўйишимиз)*, **уларнинг кўзлари қувонишига, ғамгин бўлмасликларига ва Сиз уларга ато этган нарсага барчалари рози бўлишларига яқинроқ** *(йўлдир).* **Оллоҳ сизларнинг дилларингиздаги сирларингизни** *(ҳам)* **билур. Оллоҳ Билгувчи ва Ҳалим бўлган Зотдир. 52.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Сиз учун бундан сўнг аёллар** *(яъни, мана шу аёлларингиз устига яна уйланишингиз)* **ҳалол бўлмас ва гарчи** *(бошқа)* **хотинларнинг ҳусни-жамоллари Сизни қизиқтирса ҳам уларни** *(ўз аёлларингизга)* **алмаштириш ҳам** *(яъни, аёлларингизни талоқ қилиб, уларни никоҳингизга олиш ҳам Сиз учун ҳалол бўлмас).* **Магар Сиз эга бўлган чўрилар** *(ҳалолдир).* **Оллоҳ барча нарса устида Кузатиб тургувчи бўлган Зотдир. 53. Эй мўминлар, сизлар Пайғамбарнинг уйларига фақат сизларни бирон таомга чақирилсагина киринглар.** *(Ўшанда ҳам)* **унинг идишига** *(яъни, қозондаги таомни пишишига)* **кўз тутиб тургувчи бўлманглар, балки чақирилган пайтингизда кириб, таомлангач тарқалинглар ва бирон гапга берилган ҳолингизда** *(у ерда қолиб кетманглар)!* **Чунки бу** *(ишларингиз)* **Пайғамбарга озор берур, у эса сизлардан** *(яъни, сизларни чиқариб юборишдан)* **тортинар. Оллоҳ ҳақ**(*ни айтиш*)**дан тортинмас. Қачон сизлар** *(Пайғамбар аёлларидан бирон нарса сўрасангизлар)* **парда ортида туриб сўранглар! Мана шу сизларнинг дилларингизни ҳам,**

уларнинг дилларини ҳам тоза тутгувчироқдир. Сизлар учун Оллоҳнинг Пайғамбарига озор бериш ва унинг ортидан аёлларига уйланишингиз ҳеч қачон дуруст эмасдир. Чунки бу *(ишларингиз)* Оллоҳ наздида улуғ *(гуноҳ)* бўлган ишдир. 54. Агар сизлар бирон нарсани ошкор қилсангизлар ё яширсангизлар, албатта *(Оллоҳ билур).* Зеро, Оллоҳ барча нарсани Билгувчи бўлган Зотдир. 55. *(Пайғамбар аёллари)* ўзларининг оталарига, ўғилларига, ога-иниларига, ога-иниларининг ўғилларига, опа-сингилларининг ўғилларига, *(мўмина)* аёлларга ва қўл остиларидаги хизматкорларига *(очиқ ҳолда кўринишларида)* уларга бирон гуноҳ бўлмас. *(Эй Пайғамбар аёллари),* Оллоҳдан қўрқинглар! Албатта Оллоҳ барча нарса устида Гувоҳ бўлган Зотдир. 56. Албатта Оллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам Пайғамбарга дуо-ю салавот айтурлар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва салом айтинглар! 57. Албатта Оллоҳга ва Унинг Пайғамбарига озор берадиган кимсаларни Оллоҳ дунёда ҳам, Охиратда ҳам лаънатлагандир ва улар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйгандир. 58. Мўмин ва мўминаларга улар бирон гуноҳ қилмасликларидан озор берадиган кимсалар ҳам бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз устларига олибдилар. 59. Эй Пайғамбар *(алайҳис-салом),* жуфтларингизга, қизларингизга ва мўминларнинг аёлларига айтинг, устларига ёпинчиқларини ўрасинлар! Мана шу уларнинг *(чўри эмас, балки озод аёллар эканликлари)* танилиб, озорланмасликлари учун энг яқин *(воситадир).* Оллоҳ Мағфиратли ва Меҳрибон бўлган Зотдир. 60-61. Қасамки, агар мунофиқлар, дилларида мараз бўлган кимсалар ва Мадинада миш-миш тарқатиб юрувчилар *(ўз қилмишларидан)* тўхтамасалар, албатта Биз Сизни уларга қарши оёқлантирурмиз, сўнгра улар *(Мадинада)* Сиз билан бирга тура олмай қолурлар, магар лаънатга дучор бўлган ҳолларида озгина *(вақт тура олурлар, холос). (У пайтда)* улар қаерда топилсалар ушланурлар ва ўлдириб ташланурлар. 62. *(Бу ҳукм)* илгари ўтган *(мунофиқ)* кимсалар ҳақидаги Оллоҳнинг Йўли - қонунидир. Оллоҳнинг Йўлини эса ҳаргиз ўзгартира олмассиз. 63. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* одамлар Сиздан *(Қиёмат)* Соати *(қачон бўлиши)* ҳақида сўрайдилар. "У *(Соатни)* билиш Ёлғиз Оллоҳнинг ҳузуридадир", деб айтинг. Қаердан билурсиз, эҳтимол у Соат яқин келиб қолгандир. 64. Албатта Оллоҳ кофирларни лаънатлади ва улар учун ўтни тайёрлаб қўйди. 65. Улар на бирон дўст ва на бирон ёрдамчи топмаган ҳолларида у жойда мангу қолурлар. 66. Юзлари

оловда айлантириладиган - куйдириладиган Кунда, улар: "Кошки эди, бизлар ҳам Оллоҳга итоат этганимизда, Пайғамбарга итоат этганимизда", дерлар. 67-68. Яна улар "Парвардигоро, дарҳақиқат, бизлар бошлиқларимизга ва катталаримизга бўйинсундик, бас, улар бизларни *(Тўғри)* **Йўлдан оздирдилар. Парвардигоро, Сен уларга азобни икки ҳисса қилиб бергин ва уларни катта лаънат билан лаънатлагин", дедилар. 69. Эй мўминлар, сизлар** *(ўз Пайғамбарларингиз Муҳаммад алайҳис-саломга нисбатан бани Исроил қавмидан бўлган)* **Мусога озор берган кимсалар каби бўлмангизлар! Бас, Оллоҳ** *(Мусони)* **улар айтган айблардан поклади. У Оллоҳ наздида обрўли киши эди.** *(Худди шунингдек Муҳаммад алайҳис-салом ҳам Оллоҳ наздида обрўли кишидир).* **70. Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! 71.** *(Шунда Оллоҳ)* **ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Оллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат этса, бас, у буюк саодатга эришибди. 72. Албатта Биз бу омонатни** *(яъни, Шариати Исломийядаги тоат-ибодатларни)* **осмонларга, Ерга ва тоғу тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у** *(ўзига)* **зулм қилгувчи ва нодон эди** *(яъни, бу омонатнинг нақадар вазмин юк эканлигини бутун коинот билди ва уни кўтаришга қурби етмаслигини сезди, аммо инсон ўзи билмаган ҳолда ўта мушкул вазифани ўз зиммасига олди).* **73. Оллоҳ мунофиқ ва мунофиқаларни, мушрик ва мушрикаларни азоблаш учун ҳамда мўмин ва мўминаларнинг тавба-тазарруъларини қабул қилиб,** *(гуноҳларини мағфират қилиш учун Одам болаларига бу омонатни юклади).* **Оллоҳ Мағфират қилгувчи ва Меҳрибон бўлган Зотдир.**

САБАЪ сураси (34)

Бу сура эллик тўрт оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил қилинган.

Сура осмонлар ва Ерни яратган, дунё ва Охиратнинг Ёлғиз Подшоҳи бўлган Оллоҳ таолога ҳамду сано айтиш билан бошланиб, сўнгра У Зотнинг Еру осмондаги барча сирру-асрордан Огоҳ экани, бинобарин Қиёмат Кунида бу дунёда қилиб ўтилган ҳар бир зарра яхшилик ва ёмонликнинг мукофот - жазосини бериши ҳақида хабар берилади ва бу дунёда одамларни Ҳақ Йўлидан оздириб ботил йўлларга бошлаган кимсалар у дунёдаги даҳшатли азоб олдида уларга эргашган кишиларнинг гуноҳларини бўйинларига олмасликлари таъкидланади. Бу сурада Оллоҳ таоло ато этган неъматларга шукр қилиб, У Зотга сидқидилдан бандалик қилган Довуд ва Сулаймон пайғамбарларнинг қиссалари ҳам яна зикр қилинади. Шунингдек, Оллоҳ ато этганноз-неъматларга ношукурлик қилганлари оқибатида улардан маҳрум бўлган "Сабаъ" қабиласи ҳақида ҳам ҳикоя қилинадики, бу суранинг "Сабаъ" деб аталишининг боиси шудир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Барча)* **ҳамду сано Оллоҳ учундир. У шундай Зотки, осмонлардаги ва Ердаги бор нарса Уникидир. Охиратда ҳам ҳамду сано Ёлғиз Унинг учундир. У ҳикмат Эгаси ва** *(барча нарсадан)* **Хабардордир. 2. У Ерга кирадиган** *(ёмғир-қор суви, хазина-ю дафина ва жасадлар каби)* **нарсаларни ҳам, ундан чиқадиган** *(ўт-ўлан, барча наботот ва булоқ сувлари каби)* **нарсаларни ҳам, самодан тушадиган** *(ризқу рўз, хайру барака каби)* **нарсаларни ҳам, унга кўтариладиган** *(яхши амал ва дуо-илтижо каби)* **нарсаларни ҳам билур. У Меҳрибон ва Мағфиратлидир. 3. Кофир бўлган кимсалар "Бизларга** *(Қиёмат)* **Соати келмас", дедилар.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* **айтинг: "Йўқ, Ғайбни Билгувчи Парвардигоримга қасамки, шак-шубҳасиз, у** *(яъни, Қиёмат)*

сизларга келур. Осмонлар ва Ердаги бир зарра мисоличалик, ундан ҳам кичик *(ёки)* катта бирон нарса *(Оллоҳ)*дан махфий бўлмас - албатта очиқ Китобда *(яъни, Лавҳул-Маҳфузда у)* мавжуд бўлур". 4. Токи *(Оллоҳ)* иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни мукофотлаши учун *(шак-шубҳасиз, Қиёмат Соати келур)*. Ана ўша зотлар учун мағфират ва улуғ ризқ *(яъни, жаннат)* бордир. 5. Бизнинг оятларимизга *(қарши)* курашиш ҳаракатида юрган кимсалар учун эса аламли жазодан иборат азоб бордир. 6. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, илм ато этилган зотлар Сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган *(Қуръоннинг)* Ҳақ *(Китоб)* эканини ва у Қудратли, ҳамду санонинг Эгаси бўлган Зотнинг Йўлига ҳидоят қилишини билурлар. 7-8. Кофир бўлган кимсалар эса: "Сизларга *(қабрларингизда чириб)* титилиб бўлак-бўлак бўлиб кетган вақтингизда шак-шубҳасиз, яна янгитдан яратилурсизлар, деб хабар берадиган бир кишини кўрсатайликми? У Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиб олдими ёки жинни бўлиб қолдими?", дедилар. Йўқ, *(Муҳаммад алайҳис-салом ёлғон тўқиб олгани ҳам, жинни бўлиб қолгани ҳам йўқ, балки)* Охиратга ишонмайдиган кимсаларнинг ўзлари азобда ва *(Ҳақ Йўлдан)* йироқ залолатдадирлар. 9. Ахир улар олдиларидаги ва ортларидаги *(яъни, чор-атрофларидаги)* нарсаларга - осмону заминга боқмайдиларми?! Агар Биз хоҳласак уларни Ерга юттириб юборурмиз ёки осмонни устларига парча-парча қилиб туширурмиз. Албатта бунда ҳар бир *(Оллоҳга)* қайтгувчи банда учун оят-ибрат бордир.

И з о ҳ: Яъни, ҳар бир инсоф-диёнатли банда бундан ибрат олиб, Еру осмондек буюк мавжудотни яратган ва уларни Ўз қудрати Илоҳиййасига бўйинсундирган Оллоҳ таоло албатта қабрлардаги жасадларга ҳам қайта жон ато этишга Қодир эканини билиб олиши мумкиндир.

10. Аниқки, Биз Довудга Ўз томонимиздан *(улуғ)* бир фазл-мартаба *(пайғамбарлик)* ато этдик ва дедик: "Эй тоғлар ва қушлар, *(Довуд)* билан бирга тасбеҳ айтинглар!" Ва Биз унинг учун темирни *(хамирдек)* юмшоқ қилиб қўйдик. 11. *(Ва унга дедик)*: "Совутлар ясагин ва *(уларни)* тўқишда аниқ-пухта иш қилгин! *(Эй Довуд хонадони)*, яхши амал қилинглар! Зеро, Мен қилаётган амалларингизни Кўриб тургувчидирман". 12. Сулаймонга эрталаб бир ойлик, кечки пайт бир ойлик *(масофани босиб ўтадиган)* шамолни *(бўйсундирдик)* ва унинг учун мис булоғини оқизиб

қўйдик. Яна жинлардан ҳам Парвардигорининг изни-иродаси билан унинг қўл остида ишлайдиган кимсаларни *(бўйсундириб қўйгандирмиз)*. Улардан ким Бизнинг амримиздан тойилса, Биз унга ўт-олов азобидан тотдириб қўюрмиз. 13. Улар *(Сулаймонга мисдан)* у хоҳлаган нарсаларни - ибодатхоналарни, ҳайкалларни, ҳовузлар каби *(катта)* лаганларни ва *(ўчоқларга)* ўрнашган *(вазмин)* қозонларни қилиб берурлар. *(Эй)* Довуд хонадони, *(Оллоҳ сизларга ато этган бу неъматларнинг)* шукронаси учун амал-ибодат қилинглар! Бандаларим орасида шукр қилгувчи *(зотлар жуда)* оздир. 14. Энди қачонки Биз *(Сулаймонга)* ўлимни ҳукм қилгач, унинг ўлимига фақат асосини еяётган Ер жонивори *(ёгоч кемирувчи бир қуртгина)* далолат қилди. Бас, қачонки у қулаб тушгач, жинларга аниқ бўлдики, агар улар ғайбни билгувчи бўлганларида бу хор қилгувчи азобда-меҳнатда қолмаган бўлур эдилар.

И з о ҳ: Мазкур оятларда ота-ўғил - Довуд ва Сулаймон пайғамбарларга Оллоҳ таоло ато этган неъматлар санаб ўтилди. Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло Довуд алайҳис-саломга шундай хуш овоз берган эканки, у киши Забурни тиловат қилганларида осмонда учиб кетаетган қушлар тек қотар ва чор атрофдаги тоғу тошлар билан бирга у зотга жўровоз бўлиб тиловат қилишар экан. Ўша замонда темирчилик ҳунари ниҳоят даражада равнақ топган бўлиб, темирчилар ўзларининг асбоб-анжомлари воситасида истаган нарсаларини ясай олар эканлар. Асли касби совутсозлик бўлган Довуд пайғамбар эса шундай фазилатга эга эканларки, қўллари теккан темир хамирдек мулойим бўлиб қолар ва у зот бирон асбоб-анжомсиз уни ўзлари хоҳлаган шаклга киритар эдилар. Бу мўъжизанинг гувоҳи бўлган кишилар Довуднинг ҳақ пайғамбар эканига иймон келтиришар эди.

Энди Сулаймон алайҳис-саломга эса Оллоҳ таоло инсу жин подшоҳлигини ато этган эди. Учар шамоллар ҳам у зотнинг ихтиёрида бўлиб, истаган жойларига бир зумда элтиб қўяр эди. Сулаймон пайғамбарга берилган мўъжизалардан яна бири мис булоги бўлиб, ривоят қилинишича, ундан сув ўрнига муздек мис оқиб ётар, пайғамбар измидаги жинлар эса ўша мисдан у зотнинг хоҳлаган нарсаларини ясаб беришар экан. Ушбу сўнгги оят айрим кишиларнинг жинлар ғайбни - яъни, келажакда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни биладилар, деган гумонларини рад этади. Чунки улар то ўтирган ҳолларида жон таслим қилган Сулаймон алайҳис-

саломнинг суяниб ўтирган асоларини бир йил давомида ёғоч қурти еб, ана ўшандагина ерга қулаб тушмагунларича у зотнинг вафот қилганларини билмаганлар ва тиним билмасдан пайғамбар уларга буюрган оғир меҳнатда - баланд қаср бино қилишда давом этганлар. Ушбу оятларда Оллоҳ таоло ато этган фазлу марҳаматига шукр қилиб ўтган солиҳ пайғамбарлар ҳақида ҳикоя қилинган бўлса, қуйидаги оятларда Яратган берган неъматларга ношукурлик қилганлари оқибатида улардан маҳрум қилиниб, ҳалокатга гирифтор бўлган қавм тўғрисида сўз юритилади.

15. Аниқки, Сабаъ *(қабиласи)* **учун ўз масканларида** *(Оллоҳнинг фазлу марҳаматига далолат қиладиган)* **бир аломат бор эди - ўнг томон ҳам, сўл томон ҳам боғ-роғ бўлиб,** *(Биз уларга):* **"Парвардигорингиз** *(берган)* **ризқу рўзидан баҳраманд бўлинглар ва У Зотга шукр қилинглар!** *(Шаҳрингиз)* **покиза шаҳардир,** *(Парвардигорингиз)* **Мағфират қилгувчи Парвардигордир",** *(деган эдик).* **16. Бас, улар** *(Бизга шукр қилишдан)* **юз ўгиришгач, Биз уларнинг устига тўғон билан** *(тўсиб қўйилган)* **селни** *(очиб)* **юбордик ва уларнинг боғларини аччиқ-тахир мевали, юлғунзор ва яккам-дуккам бутазор "боғлар"га алмаштириб қўйдик. 17. Кофир бўлганлари сабабли уларни мана шу** *(жазо билан)* **жазоладик. Биз фақат кофир бўлган кимсагагина** *(мана шундай)* **жазо берурмиз. 18. Биз улар билан Ўзимиз баракотли қилган** *(Шом)* **қишлоқ-шаҳарларининг орасида кўриниб турадиган** *(яъни, бир-бирига яқин)* **қишлоқларни барпо қилиб** *(қўйган)* **ва улар орасида юриш** *(масофаси)***ни ҳам ўлчаб-белгилаб** *(уларга):* **"Бу** *(қишлоқларда)* **кечалари ҳам, кундузлари ҳам тинч-омон юраверинглар",** *(деган эдик).* **19. Улар эса** *(бу неъматларга ношукурлик қилиб):* **"Парвардигоро, сафарларимиз орасидаги** *(масофани)* **йироқ қилгин", дейишиб, ўзларига зулм қилдилар, бас, Биз уларни** *(одамлар гапириб юрадиган)* **чўпчак-ҳикояларга айлантириб қўйдик ва бўлак-бўлак қилиб** *(ҳар томонга тирқиратиб юбордик).* **Албатта бунда ҳар бир** *(балоларга)* **сабр-қаноат қилгувчи,** *(неъматларга)* **шукр қилгувчи учун оят-ибратлар бордир. 20. Дарҳақиқат, иблис уларнинг устидаги** *("Мен уларни йўлдан оздира олурман", деган)* **гумонини рўёбга чиқарди, бас,** *(Сабаъ қабиласи иблисга)* **эргашдилар, фақат бир гуруҳ мўминларгина** *(унга бўйинсунмадилар).* **21.** *(Иблиснинг)* **улар устидаги ҳукмронлиги - фақат Биз Охиратга иймон келтирадиган кишиларни, ундан** *(яъни, Охиратдан)* **шак-шубҳада турган кимсалардан билиб-ажратиб**

олишимиз учун бўлгандир. *(Яъни, Охират ҳақида шубҳа қилгувчи кимсалар иблиснинг иғвосига учиб, унга эргашурлар ва Оллоҳнинг неъматларига ношукурлик қилурлар. Охиратга иймон келтирган зотларга эса унинг васвасаси кор қилмас)*. Парвардигорингиз барча нарсанинг устида Кузатиб тургувчидир. 22. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушрикларга)* айтинг: "Сизлар Оллоҳдан ўзга *(илоҳлар деб)* гумон қилган бутларингизга дуо-илтижо қилаверинглар-чи, *(улар сизларга ижобат қила олармиканлар)!* Улар на осмонларда ва на Ерда бир зарра вазнича *(нарса)*га эга эмасдирлар ва улар учун *(осмонлар ва Ерда Оллоҳга)* шериклик ҳам йўқдир ҳамда *(Оллоҳ)* учун улардан бирон ёрдамчи ҳам йўқдир *(яъни, Оллоҳ таоло ҳеч қандай шерикка муҳтож бўлмаган Ёлғиз Маъбуди Барҳақдир)*. 23. *(Оллоҳ)* ҳузурида фақат Унинг Ўзи изн берган кишиларгагина шафоат фойда берур *(яъни, ана ўша зотларгина шафоатга - қўллашга эришурлар ё ўзгаларни шафоат қила олурлар)*. То қачон *(Парвардигор улар учун шафоатга изн бериши билан)* дилларидан қўрқув кетказилгач, улар *(бир-бирларига)*: "Парвардигорингиз нима деди *(яъни, шафоатга ҳақиқатан изн бердими)*", деб *(савол қилишар. Шунда фаришталар)* "Ҳақни *(айтди, яъни, ҳақиқатан шафоатга изн берди)*, У Юксак ва Буюк Зотдир", дейишиб *(жавоб қилурлар)*. 24. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушрикларга)* айтинг: "Ким сизларга осмонлардан ва Ердан ризқу рўз берур?" Айтинг: "Оллоҳ *(ризқ берур)*. Шак-шубҳасиз, ё бизлар ёки сизлар *(яъни, икки тоифадан бири)* аниқ ҳидоят устида ёки очиқ залолатдадир". 25. Айтинг: "Сизлар бизлар қилган гуноҳ тўғрисида масъул бўлмассизлар ва бизлар сизлар қилаётган амаллар тўғрисида масъул бўлмасмиз". 26. Айтинг: "Парвардигоримиз *(Қиёмат Кунида)* ўртамизни жамлар, сўнгра ўртамизда ҳақиқат - адолат билан ҳукм қилур. Унинг Ўзигина *(адолат билан)* Ҳукм қилгувчи ва *(ким ҳақ, ким ноҳақ эканини)* Билгувчидир". 27. Айтинг: *("Эй мушриклар)*, сизлар менга *(ўзларингизча Оллоҳга)* қўшиб олган бутларингизни *(ҳақиқатан, У Зотга)* шериклар эканини кўрсатингиз-чи?! Йўқ, *(бу гумонларингиз хатодир)*. Балки *(Ёлғиз)* Оллоҳнинг Ўзигина қудрат ва ҳикмат Эгасидир. 28. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Биз Сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга - *(мўминларга жаннат ҳақида)* хушхабар элтгувчи, *(кофирларни эса дўзах азобидан)* огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда, Пайғамбар қилиб юбордик. Лекин кўп одамлар билмаслар. 29. Улар: "Агар ростгўй бўлсангизлар *(айтинглар-чи)*, мана шу ваъда *(қилинган*

Қиёмат) қачон бўлади?, дерлар. 30. Айтинг: "Сизлар учун шундай бир Куннинг ваъдаси бордирки, сизлар ундан бирон соат кетга ҳам, илгарига ҳам сура олмассизлар". 31. Кофир бўлган кимсалар: "Бизлар бу Қуръонга ҳам, ундан олдинги *(Китобларга)* ҳам ҳаргиз иймон келтирмаймиз", дедилар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* агар Сиз ўша золим кимсаларни *(Қиёмат Кунида)* Парвардигорлари ҳузурида тургизиб қўйилиб, бир-бирларига гап қайтараётганларини кўрсангиз эди. *(Ўшанда)* бечора саналган *(яъни, эргашувчи бўлган)* кимсалар, мутакаббир кимсаларга *(яъни, ўз пешволарига):* "Агар сизлар бўлмаганингизда, бизлар шак-шубҳасиз, мўминлар бўлур эдик", десалар; 32. Мутакаббир кимсалар бечора саналган кимсаларга: "Сизларга ҳидоят келганидан сўнг сизларни *(ундан)* биз тўсдикми? Йўқ, ўзларингиз жиноят қилгувчи бўлдингизлар", дерлар. 33. Бечора саналган кимсалар эса мутакаббир кимсаларга: "Йўқ, кеча-ю кундуз қилган макр-ҳийла*(ларингиз бизларни мўмин бўлишдан тўсган эди)*. Ўшанда сизлар *(ўз макр-ҳийлаларингиз билан)* бизларни Оллоҳга кофир бўлишга ва У Зотга *(ўзгаларни)* тенг-шерик қилишга зўрлар эдингизлар", дедилар. Азобни *(ўз кўзлари билан)* кўрган вақтларида улар *(яъни, пешволар ҳам, эргашганлар ҳам)* ичларида надомат қилдилар ва Биз кофир бўлган кимсаларнинг бўйинларига кишанлар солдик. Уларга фақат ўзлари *(ҳаёти дунёда)* қилиб ўтган қилмишларининг жазоси берилур. 34. Биз қайси бир қишлоқ-шаҳарга бирон огоҳлантиргувчи *(пайғамбар)* юбормайлик албатта у жойнинг боёнлари "Аниқки, биз сизлар элчи қилиб юборилган динга кофирдирмиз", дедилар. 35. Яна улар: "Бизларнинг мол-дунё ва болаларимиз - иймон келтирганлардан кўра кўпроқ, *(бинобарин бизлар Оллоҳ наздида улардан обрўлироқмиз ва)* бизлар азоблангувчи эмасдирмиз", дедилар. 36. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* айтинг: "Албатта Парвардигорим Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва *(Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини)* танг қилур. Лекин кўп одамлар *(буни)* билмаслар". 37. На молу дунёларингиз ва на болаларингиз сизларни Бизнинг даргоҳимизга яқин қилгувчи эмасдир. Фақат иймон келтирган ва яхши амал қилган зотлар - ана ўшалар учунгина қилган амаллари сабабли неча баробар мукофот бўлур ва улар *(жаннатдаги)* юксак манзилларда тинч-омон бўлурлар. 38. Бизнинг оятларимизга *(қарши)* курашиш ҳаракатида юрадиган кимсалар - улар азобга ҳозир

қилингувчидирлар. 39. Айтинг: "Албатта Парвардигорим бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва *(Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини)* танг қилур. Не бир нарсани инфоқ-эҳсон қилсангизлар, бас, *(Оллоҳ)* унинг ўрнини тўлдирур. У энг яхши Ризқ бергувчидир. 40. *(Эсланг, Оллоҳ)* уларнинг *(яъни, мушрикларнинг)* барчаларини тўплаб, сўнгра фаришталарга "Ана у *(мушриклар)* сизларга ибодат қилгувчи бўлганмидилар?", дейдиган Кунда; 41. *(Фаришталар)*: "Пок Парвардигор, Сен Ўзинг бизларнинг дўстимиздирсан, улар эмас. Йўқ, улар жинларга ибодат-итоат қилар эдилар. Уларнинг кўплари *(жинларга)* иймон келтиргувчидирлар", дерлар. 42. Энди Бу Кунда бирингиз бирингизга на фойда ва на зиён етказишга қодир бўлмас ва Биз золим бўлган кимсаларга: "Сизлар ёлғон деган дўзах азобини тотиб кўрингиз", дермиз. 43. Қачон уларга Бизнинг аниқ-равшан бўлган оятларимиз тиловат қилинса, улар: "Бу *(яъни, Муҳаммад алайҳис-салом)* фақат сизларни ота-боболарингиз ибодат қилиб ўтган бутлардан тўсмоқчи бўлган бир кимсадир", дерлар ва "Бу *(яъни, Қуръон)* фақат тўқилган бир бўҳтондир", дерлар. Яна кофир бўлган кимсалар уларга Ҳақиқат - Қуръон келган вақтида у ҳақда "Бу фақат очиқ сеҳрдир", дедилар. 44. Ҳолбуки, *(илгари)* Биз уларга ўқиб-ўрганадиган Китоблар ато этган эмасмиз ва уларга Сиздан аввал бирон огоҳлантиргувчи *(пайғамбар)* ҳам юборган эмасмиз. 45. Улардан илгари *(ўтган)* кимсалар ҳам *(ўз пайғамбарларини)* ёлғончи қилган эдилар - Ҳолбуки, *(Макка мушриклари)* Биз уларга ато этган неъматларнинг ўндан бирига ҳам етганлари йўқ.- Бас, ўшалар Менинг пайғамбарларимни ёлғончи қилишгач, Менинг инкорим қандай бўлган эди?! 46. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушрикларга)* айтинг: "Мен сизларга фақат биргина нарсани - Оллоҳ учун жуфт-жуфт, ёлғиз-ёлғиз ҳолингизда туриб, сўнгра *(Муҳаммад ва у келтирган Китоб ҳақида)* тафаккур қилишингизни тавсия қилурман. Соҳибингизда *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломда)* ҳеч қандай жиннилик йўқдир. У фақат қаттиқ азоб олдидан сизларга *(юборилган)* бир огоҳлантиргувчи *(Пайғамбардир)*, холос". 47. Айтинг: "Мен сизлардан сўраган бор ажру-мукофот ўзларингизга бўлсин *(яъни, мен сизлардан бирон ажр-мукофот сўрамасман)*. Менинг ажр-мукофотим Ёлғиз Оллоҳнинг зиммасидадир. У барча нарсага Гувоҳдир". 48. Айтинг: "Албатта Парвардигорим Ҳақ - Қуръонни *(ботил - жаҳолат устига)* отур. *(У)* ғайбларни аниқ Билгувчидир". 49. Айтинг: "Ҳақ -

Қуръон келди *(ва ботил - динсизлик йўқ бўлди. Энди)* **ботил** *(янги динсизликни)* **бошлай ҳам олмас,** *(эски динсизликни)* **қайтара ҳам олмас". 50. Айтинг: "Агар мен** *(Ҳақ Йўлдан)* **озсам, бас, фақат ўз зиёнимга озурман ва агар** *(У Йўлга)* **ҳидоят топсам, у ҳолда Парвардигорим менга ваҳий қилаётган** *(Қуръон)* **сабаблигина** *(ҳидоят топурман).* **Шак-шубҳасиз, У Эшитгувчидир, Яқиндир". 51.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **агар Сиз** *(мушрик-кофирларни)* **даҳшатга тушиб, қочгани жой топа олмай қолган ва яқин бир макондан** *(дўзахга ташлаш учун)* **тутиб кетилган пайтларида кўрсангиз эди! 52.** *(Ўша Кунда)* **улар:** "*(Муҳаммад алайҳис-саломга)* **иймон келтирдик", дедилар.** *(Улар агар ҳаёти дунёда иймон келтирганларида қабул қилинган бўлур эди, аммо энди)* **йироқ бир макондан** *(Охират диёридан туриб иймон ва тавба-тазарруъга)* **қўллари қандоқ етсин?! 53. Ҳолбуки, улар илгари** *(ҳаёти дунёда)* **унга кофир бўлган эдилар! Ҳолбуки, улар йироқ бир макондан ғайбга** *(Охиратга тош)* **отар эдилар! 54.** *(Мана энди)* **худди улардан илгари** *(ўтган)* **ҳаммаслакларига қилингани каби, улар билан ўзлари истайдиган нарсанинг** *(яъни, иймон келтириб, дўзах азобидан қутулиб қолишнинг)* **ўртаси тўсиб қўйилди. Зеро, улар** *(ҳаёти дунёдалик пайтларида)* **шак-шубҳа остида эдилар.**

ФОТИР сураси (35)

Ушбу сура ҳам Маккада нозил қилинган бўлиб, қирқ беш оятдан иборат.

Сура Оллоҳ таолога ҳамду сано айтиш билан бошланиб, Унинг осмонлар ва Ерни йўқдан бор қилган Зот экани ҳамда инсонларни Ҳақ Йўлга ҳидоят қилиш учун Ўзи билан улар ўртасида фаришталарни элчи-воситачи қилиб қўйгани ҳақида хабар берилади.

Бу сурада ҳаёти дунёдан кейин Охират ҳаёти келиши ҳақ эканлигига осмону заминда, кишилар кўз ўнгида кечадиган воқеа-ҳодисалар ҳам аниқ далолат қилиб туриши ва шу билан бирга коинотдаги ҳар бир махлуқот ўзининг нечоғли мукаммаллиги ва ўта нозик интизоми билан ниҳоят даражада қудрат ва ҳикмат Эгаси бўлган бир Яраттувчи мавжуд эканига очиқ ҳужжат бўла олиши уқтирилади.

Сура мушрикларнинг жонсиз бутларга сиғинишларини кескин қоралаш билан ниҳояланади.

Бу сура Оллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири бўлмиш "Фотир - Илк Яраттувчи" номи билан аталгандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Ҳамду сано осмонлар ва Ерни илк Яраттувчи ҳамда *(Ўзи билан бандалари ўртасида)* **фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар** *(воситачилар)* **қилгувчи Оллоҳ учундир. У Зот** *(яратган)* **махлуқотида Ўзи хоҳлаган нарсани зиёда қилур. Албатта Оллоҳ барча нарсага Қодирдир. 2. Оллоҳ одамлар учун не бир раҳмат-марҳаматни очиб қўйса, бас, уни ушлаб-тўсиб қолгувчи бўлмас ва нени ушлаб қолса, бас, У Зот** *(ушлаб қолгани)***дан сўнг у** *(нарсани бандаларга)* **бирон юборгувчи бўлмас. У қудрат ва ҳикмат Эгасидир. 3. Эй инсонлар, сизларга Оллоҳ ато этган** *(сон-саноқсиз)* **неъматни эслангиз! Сизларга осмону заминдан ризқу рўз берадиган Оллоҳдан ўзга биронта Яраттувчи борми?! Ҳеч бир илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар?! 4.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **агар** *(мушриклар)* **Сизни ёлғончи қилсалар, бас,** *(билингки)*, **Сиздан аввалги**

пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилингандирлар. *(Барча)* ишлар Ёлғиз Оллоҳга қайтарилур. 5. Эй инсонлар, албатта Оллоҳнинг *(қайта тирилтириш ва бу дунёда қилиб ўтилган яхши-ёмон амалларнинг мукофот жазосини бериш тўғрисидаги)* ваъдаси ҳақ *(ваъдадир)*. Бас, ҳаргиз сизларни ҳаёти дунё алдаб қўймасин! Ва ҳаргиз сизларни Оллоҳ *(барча гуноҳларни кечиб юбораверади, деб)* алдагувчи *(шайтон)* алдаб қўймасин! 6. Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас, уни душман тутинглар! Шак-шубҳасиз, у, ўз ҳизбини *(яъни, ўзига эргашган кимсаларни)* дўзах эгаларидан бўлишлари учун даъват қилур. 7. Кофир бўлган кимсалар учун қаттиқ азоб бордир. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун эса мағфират ва улуғ мукофот бордир. 8. Ахир *(қилган)* ёмон амали ўзига чиройли кўриниб, уни гўзал *(амал)* деб ўйлаган кимса *(Оллоҳ Ҳақ Йўлга ҳидоят қилган зот каби бўлурми)?!* Зотан, Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, жонингиз уларнинг *(иймон келтирмаганлари)* устида ҳасрат-надоматлар чекиб кетмасин. Албатта Оллоҳ уларнинг қилаётган ҳунарларини Билгувчидир. 9. Оллоҳнинг Ўзи шамолларни юборди. Бас, улар булутни қўзғатгач, Биз уни ўлик шаҳарга ҳайдаб, унинг ёрдамида ўлган Ерни тирилтирдик. *(Қиёмат қойим бўлган Куни)* қайта тирилиш ҳам шунинг ўзидир. 10. Ким куч-қудратни истайдиган бўлса, бас, барча куч-қудрат Оллоҳникидир. Хуш Сўз Унга юксалур ва яхши амални ҳам *(Оллоҳ Ўз даргоҳига)* кўтарур. Ёмон макр-ҳийлалар қиладиган кимсалар учун эса қаттиқ азоб бордир ва уларнинг макрлари ҳам ҳалок бўлур *(яъни, беҳуда кетур)*.

Изоҳ: Ушбу ояти карима мусулмон инсон ўз ҳаётини ҳақиқий мўмин ҳолда, азиз ва мукаррам бўлиб ўткариши учун кифоя қиладиган етарли дастурул-амалдир. Аввало азизликни истаган инсон бу мартабани Ёлғиз Оллоҳ таоло ҳузуридан топиши мумкин эканлиги баён қилинди. Бунинг учун эса У Зот рози бўладиган амалларга саъй-ҳаракат қилиш лозим. Ана ўша амалларнинг энг яхшиси, ҳеч қандай тўсиқларсиз Оллоҳ таоло ҳузурига етиб борадигани Хуш Сўз - Калимаи Тойййба, яъни, "Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур-расулуллоҳ" калимасидир. Дарвоқеъ, ушбу Калима шу қадар қудратлики, уни оғзига олган кофир мўминга айланади. Бошқа ишлар яхши ёки ёмонлиги, холис ёки хўжакўрсинга қилингани жиҳатидан қанча тўсиқ-текширувлардан ўтгачгина Оллоҳ таоло наздида қабул қилиниш ёки қабул қилинмаслиги маълум бўлгани

ҳолда, ушбу Калима ва Ҳақ таолонинг энг Буюк Зот эканини тасдиқловчи "Оллоҳу Акбар" такбири, шунингдек Оллоҳ таолони ҳар қандай айб-нуқсондан Пок Зот эканини тасдиқловчи "Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи" тасбеҳи мусулмон инсоннинг оғзидан чиқиши билан Оллоҳ таоло ҳузурига юксалур, демак, инсон аввало Яратганнинг борлиги ва бирлигини тан олиб, бутун ҳаёти давомида У Зотни улуғлаб поклаб юрса, унинг холис нийят билан Оллоҳ учун қилган яхши амалларини Ҳақ таоло Ўз даргоҳига кўтаради - қабул қилади ва уни дунёда ҳам, Охиратда ҳам азиз-мукаррам қилади. Хўжакўрсинга амал қилиб Оллоҳни алдамоқчи бўлган найрангбоз риёкорларнинг макр-ҳийлалари эса уларга бирон фойда бермай йўқ бўлиб кетади ва улар учун албатта Охират диёрида қаттиқ азоб бордир.

11. Оллоҳ сизларни*(нг отангиз Одамни)* **тупроқдан, сўнгра** *(барчаларингизни)* **нутфадан яратиб, кейин сизларни жуфт-жуфт** *(яъни, эркак-аёл)* **қилиб қўйди. Ҳар бир аёлнинг ҳомиладор бўлиши ҳам, кўзи ёриши ҳам шак-шубҳасиз, Унинг билиши - Огоҳлиги билан бўлур. Ҳар бир умр кўргувчининг умри узун қилинмас ва** *(ё)* **умридан камайтирилмас, магар** *(буларнинг барчаси)* **Китобда** *(яъни, Лавҳул-Маҳфузда битилган бўлур).* **Албатта бу Оллоҳга осондир. 12. Дарё-денгиз тенг бўлмас - буниси ширин-тотли ва ичилиши осон-ўтимли, буниси эса шўр-тахирдир. Сизлар** *(уларнинг)* **ҳар биридан янги гўшт** *(яъни, балиқ тутиб)* **ейсизлар ва ўзларингиз тақиб юрадиган зеб-зийнатларни чиқариб олурсизлар. Шунингдек, сизлар** *(Оллоҳнинг)* **фазлу марҳаматидан** *(яъни, ризқу рўзидан)* **исташларингиз учун** *(денгиз ва дарёларда сувни)* **ёриб кетаётган кемаларни кўрурсиз. Шояд шукр қилсангизлар. 13.** *(Оллоҳ)* **кечани кундузга киритур ва кундузни кечага киритур, У қуёш ва ойни ҳам** *(сизларнинг манфаатингиз учун)* **бўйинсундириб қўйгандир - ҳар бири муайян муддатгача** *(яъни, Қиёмат Кунигача ўз фазосида)* **жорий бўлур. Ана шу Оллоҳ сизларнинг Парвардигорингиздирки,** *(барча оламларга)* **подшоҳлик Ёлғиз Уникидир.** *(Эй мушриклар),* **сизлар У Зотни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиз эса пўстлоқча нарсага ҳам эга эмасдирлар. 14. Агар сизлар уларни чорласангизлар дуоларингизни эшитмаслар. Агар эшитсалар-да сизларга жавоб қила олмаслар ва Қиёмат Кунида** *(уларни Оллоҳга)* **шерик қилиб олганларингизни инкор қилурлар.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом дунё-ю Охират ҳақида ҳеч ким)* **Сизга Хабардор Зот** *(яъни, Оллоҳ)* **каби хабар бера олмас. 15. Эй инсонлар, сизлар Оллоҳга**

муҳтождирсизлар. Оллоҳнинг Ўзигина *(барча одамлардан)* Беҳожат ва *(барча)* мақтовга Лойиқ Зотдир. 16. Агар У хоҳласа сизларни *(Ер юзидан)* кетказиб, *(ўрнингизга)* янги бир халқни келтирур. 17. Ва бу *(иш)* Оллоҳга қийин эмасдир. 18. *(Қиёмат Кунида)* ҳеч бир кўтаргувчи *(яъни, гуноҳкор жон)* ўзга жоннинг юкини *(яъни, гуноҳини)* кўтармас. Агар оғир *(гуноҳ эгаси бўлган жон бировни)* ўз юки-гуноҳига *(яъни, гуноҳининг бир қисмини кўтаришга)* чорласа, *(гарчи чорлангувчи)* яқин қариндоши бўлса-да, у *(гуноҳдан)* бирон нарса кўтарилмас *(яъни, у Кунда ҳар ким ўз амали билан машғул бўлиб, ота болага, ака укага қарашга имкон топмас. Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз фақат ғайбдаги *(яъни, кўзларга кўринмайдиган)* Парвардигорлари *(бўлмиш Ёлғиз Оллоҳ)*дан қўрқадиган ва намозни тўкис адо этган зотларнигина огоҳлантира олурсиз. Ким покдоман бўлса, у фақат ўз *(фойдаси)* учун покдоман бўлур. Ёлғиз Оллоҳгагина қайтилур. 19-20-21. Кўр *(кофир)* кимса билан - кўргувчи зот *(мўмин)*, зулматлар *(куфр)* билан - нур *(иймон)*, соя *(жаннат)* билан - жазирама *(дўзах)* баробар эмасдир. 22. Тириклар *(мўминлар)* билан - ўликлар *(кофирлар)* ҳам баробар эмасдир. Албатта Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларга *(Ҳақ Даъватни)* эшиттирур. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз қабрлардаги кимсаларга *(яъни, ўлик дилларга)* эшиттира олгувчи эмасдирсиз. 23. Сиз фақат огоҳлантиргувчидирсиз. 24. Албатта Биз Сизни Ҳақ *(Дин)* билан, хушхабар элтгувчи ва огоҳлантиргувчи қилиб юбордик. *(Сизнинг умматингиздан аввалги)* ҳар бир уммат ичида ҳам албатта бир огоҳлантиргувчи - пайғамбар ўтгандир. 25. Агар *(мушриклар)* Сизни ёлғончи қилсалар, бас, *(билингки)*, улардан аввалги кимсалар ҳам *(ўзларига келган пайғамбарларни)* ёлғончи қилгандилар. Ҳолбуки, пайғамбарлари уларга аниқ-равшан мўъжизалар, *(Илоҳий)* саҳифалар ва *(Таврот, Инжил каби)* нурли Китоб келтирган эдилар. 26. Сўнгра Мен кофир бўлган кимсаларни *(куфрлари сабабли)* ушладим-жазоладим. Бас, Менинг инкорим-азобим қандоқ бўлди?! 27. Оллоҳ осмондан сув *(ёмғир-қор)* ёғдириб, унинг ёрдамида ранги рўйлари турли-туман бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми?! Яна тоғлар орасида ҳам оқ, қизил - ранго-ранг йўл*(ли тоғлар)* ҳам, тим қора *(тоғлар)* ҳам бордир. 28. Шунингдек, одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам ранг-баранглари бордир. Албатта Оллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонлар қўрқур. Шак-шубҳасиз, Оллоҳ Қудратли, Мағфиратлидир.

И з о ҳ: Бу икки оятда оламдаги барча мавжудотнинг Яратгувчиси Ёлғиз Оллоҳ таоло эканлиги таъкидланмоқда. Дарҳақиқат, илм-маърифат эгаси бўлган ҳар бир инсон осмондан ёғилган бир хил рангдаги сув сабабли қора Ердан униб чиқадиган ранги рўйи турли-туман бўлган наботот оламига, усти-кўриниши ҳам, остида яширган хазина-дафиналари ҳам ранго-ранг тоғу-тошларга - жамодот оламига ва заминнинг осту-устида тарқалиб, ўзларига юкланган вазифаларини бош тортмасдан бажариб юрган ҳайвонот оламининг ранг-баранглигига ва ниҳоят мана шу барча мавжудотдан фойдаланиб, уларни бошқаришни ўз зиммасига олган инсонларнинг ранги рўйлари ҳам, феъл-атвори ва удум анъаналари ҳам неча турфа эканлигига тафаккур ва ибрат назари билан боқса, Яратганнинг қудрату ҳунармандчилигига тасанно айтмасдан қолмас. Шунинг учун ҳам мазкур оятда Оллоҳдан фақат ҳақиқий илм-маърифат эгалари қўрқишлари уқтириб ўтилди.

29-30. Албатта Оллоҳнинг Китобини *(Қуръонни)* **тиловат қиладиган, намозни тўкис адо этадиган ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ-эҳсон қиладиган зотлар ҳаргиз касод бўлмайдиган олди-сотдидан** *(яъни, улардан яхши амал ва инфоқ-эҳсон, Оллоҳдан ажру-мукофот бўлишидан)* **умидвордирлар, зеро,** *(Оллоҳ)* **уларнинг ажрларини комил қилиб берур ва Ўз фазлу-карамидан уларга яна зиёда** *(мукофотлар)* **ҳам берур. Албатта У Мағфиратли ва ўта Шукр қилгувчидир** *(яъни, озгина яхши амал учун кўп мукофот ато қилгувчидир).* **31.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Биз Сизга ваҳий қилган Китоб - Қуръон ўзидан аввалги Илоҳий Китобларни тасдиқлагувчи бўлган Ҳақ** *(Китобдир).* **Албатта Оллоҳ Ўз бандаларидан Огоҳ ва** *(уларнинг барча ишларини)* **Кўриб тургувчидир. 32. Сўнгра Биз бу Китобга бандаларимиздан Ўзимиз танлаган зотларни** *(яъни, Сизнинг умматингизни)* **ворис қилдик. Бас, уларнинг орасида** *(Қуръонни ўқиса-да, унга амал қилмай, гуноҳлардан четланмай)* **ўз жонига жабр қилгувчи ҳам бор, уларнинг орасида ўртача амал қилгувчи ҳам бор ва уларнинг орасида Оллоҳнинг изну иродаси билан мудом яхшиликларга шошилгувчи ҳам бордир. Ана ўша** *(яъни, Қуръонга ворис бўлиш Оллоҳнинг)* **катта марҳаматидир. 33.** *(Қуръоннинг ворислари)* **олтиндан бўлган билакузуклар ва марварид-маржонлар билан безанган ҳолларида мангу** *(турадиган)* **жаннатларга кирурлар. У жойда уларнинг либослари ҳарир-ипак бўлур. 34. Ва улар** *(жаннатга кирган чоғларида)* **дедилар:**

"Бизлардан ғам-қайғуни кетказган Зот - Оллоҳга ҳамду сано бўлсин. Дарҳақиқат, Парвардигоримиз Мағфиратли ва ўта Шукр қилгувчидир. 35. У Ўз фазлу марҳамати билан бизларни мангу турадиган бир диёрга туширдики, бу жойда бизларга на машаққат етар ва на чарчоқ етар". 36. Кофир бўлган кимсалар учун эса жаҳаннам ўти бордирки, на уларга *(иккинчи бор ўлиш)* ҳукм қилиниб, ўла олурлар ва на улардан *(жаҳаннам)* азоби енгиллатилур. Биз ҳар бир кофирни мана шундай жазолармиз. 37. Улар у жойда: "Парвардигоро, бизларни *(бу азобдан)* чиқаргин, бизлар қилиб ўтган амалларимиздан бошқа яхши *(амалларни)* қилурмиз", деб дод-вой қилурлар. Ахир Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантиргувчи *(пайғамбар)* ҳам келган эди-ку! Бас, энди *(азобларингизни)* тотаверинглар! Энди золим кимсалар учун бирон ёрдамчи бўлмас! 38. Албатта Оллоҳ осмонлар ва Ернинг ғайбини *(сирру асрорини)* Билгувчидир. Албатта У диллардаги сирларни ҳам аниқ Билгувчидир. 39. У сизларни Ер юзида халифа қилиб қўйган Зотдир. Бас, ким кофир бўлса, унинг куфри фақат ўзининг зиёнига бўлур. Кофир бўлган кимсаларга куфрлари Парвардигорлари ҳузурида фақат ғазабнигина зиёда қилур. Кофир бўлган кимсаларга куфрлари фақат зиёнкорликнигина зиёда қилур. 40. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушрикларга)* айтинг: "Хабар берингиз-чи, сизлар Оллоҳни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиз *(ниманинг шарофати билан илтижо-ибодат қилинишга сазовор бўлдилар)*? Сизлар менга кўрсатиб берингиз-чи, улар Ердаги бирон нарсани яратганмилар, ёки уларнинг осмонларни *(яратишда Оллоҳга)* шерикликлари борми, ёхуд Биз уларга бирон китоб ато этдикми-ки, улар ўша *(китобдан ўзларининг Бизга шерик эканликлари ҳақида)* бирон ҳужжат устида бўлсалар?! Йўқ, у золим кимсалар бир-бирларига *("Бутларимиз бизларни шафоат қиладилар", деб)* фақат алдовниваъда қилурлар. 41. Албатта Оллоҳ осмонлар ва Ерни қулаб тушишдан ушлаб-асраб турур. Аниқки, агар улар қуласалар У Зотдан сўнг *(яъни, Оллоҳдан ўзга)* бирон кимса уларни тутиб тура олмас. Дарҳақиқат, У Ҳалим ва Мағфиратли бўлган Зотдир. 42. *(Макка кофирлари)* агар уларга бирон огоҳлантиргувчи *(пайғамбар)* келса, албатта ҳар қандай умматлардан ҳам ҳидоят топгувчироқ бўлишлари ҳақида Оллоҳга жон-жаҳдлари билан қасам ичгандилар. Бас, қачонки уларга огоҳлантиргувчи *(Муҳаммад алайҳис-салом)* келгач, *(бу)*

уларни янада *(Ҳидоятдан)* узоқлаштирди, холос. 43. Улар Ерда мутакаббирлик қилган ва *(пайғамбарга қарши)* ёмон макр-ҳийла қилган ҳолларида *(ҳидоятдан узоқлашдилар)*. Ёмон макр-ҳийла эса фақат ўз эгаларини ўраб ҳалок қилур. Бас, улар фақат аввалгиларнинг суннатларига *(яъни, кўргуликларига)* кўз тутмоқдалар, холос *(яъни, уларнинг ҳам бошларига аввалги динсизларнинг куни тушар)*. Бас, Сиз ҳаргиз Оллоҳ Суннати - қонунининг ўзгарганини кўрмассиз ва ҳаргиз Оллоҳ суннатининг алмашганини *(яъни, азобга мустаҳиқ бўлган кимсалар қолиб, ўзгалар азобланганини)* кўрмассиз. 44. Ахир улар Ер юзида сайр қилиб, ўзларидан аввалги *(динсиз)* кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўрмайдиларми?! Ҳолбуки, *(аввалгилар)* булардан кўра кучли-қувватлироқ эдилар. На осмонлардаги ва на Ердаги бирон нарса Оллоҳдан қочиб қутулгувчи эмасдир. Зотан, У билим ва қудрат Эгаси бўлган Зотдир. 45. Агар Оллоҳ одамларни улар қилган гуноҳлари билан жазоласа эди, *(Ер)* устида бирон жониворни қўймаган бўлур эди. Лекин У Зот уларни *(жазолашни)* белгиланган муддатгача *(яъни, Қиёмат Кунигача)* қолдирур. Бас, қачон ўша муддатлари келгач, *(уларнинг ҳар бирига қилиб ўтган барча яхши-ёмон амалларининг мукофот-жазоларини берур)*. Зеро, Оллоҳ бандаларини Кўриб тургувчи бўлган Зотдир.

ЁСИН сураси (36)

Саксон уч оятдан ташкил топган бу сура ҳам Маккада нозил бўлгандир.

У Қуръони Каримга қасам-ла Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбар эканликларини тасдиқлаш билан бошланиб, сўнгра у Зотни ёлғончи қилган Қурайш кофирлари ва уларнинг топажак оқибатлари ҳақида хабар беради.

Бу сурада Оллоҳ таолонинг Антокия шаҳрига юборган элчилари ва шаҳар аҳли уларни ёлғончи қилганлари сабабли ҳалокатга дучор бўлганлари тўғрисида ҳамда ўша ердаги иймон келтирганлиги шарофатидан Оллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлган Ҳабиб ан-Нажор исмли бир солиҳ банда ҳақида ҳикоя қилинади.

Яна бу сурада ўқувчи эътибори кеча билан кундузнинг алмашиб туришидаги, ой ва қуёшдек буюк сайёраларнинг бирон сония тиним билмасдан ўз фазоларида ўта нозик интизом билан айланиб туришларидаги Яратганнинг қудратига далолат қиладиган жиҳатларга қаратилади. .

Бу сурада иймон ва тақво аҳли учун ҳозирлаб қўйилган жаннат манзаралари ниҳоятда жонли лавҳаларда чизиб берилади ва кофирларнинг тиллар соқов бўлиб, қўллар тилга кирадиган, оёқлар гувоҳлик берадиган Қиёмат Кунидаги аҳволлари бутун даҳшати билан баён қилинади.

Сура ўзининг илк ояти "Ёсин" номи билан аталган бўлиб, унинг Қуръони Каримда тутган ўрни - мартабаси ҳақида Пайғамбар алайҳис-саломдан мана шундай ҳадиси шариф ривоят қилингандир. У зот: "Албатта ҳар бир нарсанинг қалби бордир. Қуръоннинг қалби "Ёсин"дир. Мен бу сурани умматимдан ҳар бир кишининг қалбида бўлишини истар эдим", деган эканлар.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Ё, Син. 2-3-4. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, ушбу)* **ҳикматли Қуръонга қасамки, ҳеч шак-шубҳасиз, Сиз Тўғри Йўл** *(яъни, Ҳақ Дин)* **устидаги пайғамбарлардандирсиз. 5-6.** *(Бу Қуръон)* **ота-**

боболари *(бирон пайғамбар орқали Охират азобидан)* огоҳлантирилмасдан, ғофил бўлиб қолган бир қавмни огоҳлантиришингиз учун Қудратли ва Меҳрибон Зот томонидан нозил қилингандир. 7. Аниқки, уларнинг кўпларига Сўз *(яъни, азоб ҳақидаги ҳукм)* ҳақ бўлгандир. Бас, улар иймон келтирмаслар. 8. Дарҳақиқат, Биз уларнинг бўйинларига то иякларигача *(етадиган)* кишанларни уриб қўйдик, бас, улар ғўдайиб қолдилар *(яъни, улар Ҳаққа эгилмаслар)*. 9. Ва Биз уларнинг олдиларидан бир тўсиқ-парда қилиб, уларни ўраб қўйдик. Бас, улар кўра олмаслар. 10. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз уларни огоҳлантирдингизми ёки огоҳлантирмадингизми уларга баробардир - иймон келтирмаслар. 11. Сиз фақат *(ушбу)* Эслатмага - Қуръонга эргашган ва ғойибда *(яъни, кўрмай)* туриб, Раҳмондан қўрққан кишиларнигина огоҳлантира олурсиз. Бас, ўша *(кишиларга)* мағфират ва улуғ ажр *(жаннат)* хушхабарини беринг! 12. Албатта Биз Ўзимизгина ўликларни *(Қиёмат Куниda қайта)* тирилтирурмиз ва уларнинг қилган ишларини ҳамда *(қолдирган)* изларини ёзиб қўюрмиз. Барча нарсани Биз очиқ Китобда *(яъни, Лавҳул-Маҳфузда)* санаб - белгилаб қўйгандирмиз. 13. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз уларга *(Антокия)* қишлоғининг аҳлини - у жойга элчилар келган пайтини мисол келтиринг!

И з о ҳ: Ушбу ва қуйидаги оятларда сўз Ҳақ Йўлига даъват қилиш учун Ийсо алайҳис-салом томонидан Рум мамлакатидаги Антокия шаҳри аҳолисига юборилган элчилар ва уларни ёлғончи қилганлари оқибатида ҳалокатга дучор бўлган Антокия аҳли ҳақида боради. Бу қисса орқали Қуръон Макка мушрикларини Муҳаммад Пайғамбар алайҳис-саломга иймон келтирмасликнинг мудҳиш оқибатларидан огоҳлантиради.

14. Ўшанда Биз уларга икки *(элчини)* юборганимизда у иккисини ёлғончи қилишгач, Биз *(уларни)* учинчи *(элчи)* билан қувватлантирдик. Бас, *(уччала элчи Антокия аҳлига)*: "Дарҳақиқат, биз сизларга *(юборилган)* элчилармиз", деган эдилар; 15. Улар: "Сизлар ҳам худди ўзимизга ўхшаган одамларсиз. Раҳмон *(яъни, Оллоҳ)* бирон нарса - ваҳий нозил қилгани йўқ. Сизлар фақат ёлғон сўзламоқдасизлар", дедилар. 16. *(Элчилар)* айтдилар: "Парвардигоримиз билурки, бизлар шак-шубҳасиз, сизларга *(юборилган)* элчилардирмиз. 17. Ва бизларнинг зиммамизда фақат *(Оллоҳнинг ваҳийсини сизларга)* очиқ-равшан етказишгина бордир". 18. Улар дедилар: "Ҳақиқатан, бизлар сизлар ҳақингизда бадгумондамиз. Қасамки, агар *(бу сўзларингизни)*

тўхтатмасангизлар, албатта сизларни тошбўрон қилурмиз ва сизларга биз томондан бир аламли азоб етар". 19. *(Элчилар)* **айтдилар: "Бадгумонингиз ўзларингиз биландир** *(яъни, бизлардан эмас, балки ўзларингизнинг куфрларингиздан бадгумон қилингиз)!* **Сизларга ваъз-насиҳат қилинса** *(қабул қилиш ўрнига бадгумонда бўлиб дўқ-пўписа қилурмисиз)?!* **Йўқ, сизлар ҳаддан ошган қавмдирсиз!" 20.** *(Шу пайт)* **бир киши шаҳарнинг бир чеккасидан шошганча келиб, деди: "Эй қавмим, бу элчиларга эргашинглар! 21. Ўзлари ҳидоятда бўлган ва сизлардан бирон ажр-мукофот сўрамайдиган зотларга эргашинглар!"**

И з о ҳ: Ривоят қилинишича, бу киши шаҳар четида истиқомат қилувчи художўй ва саховатли бир одам бўлиб, исми Ҳабиб ан-Нажжор эди. У ҳамшаҳарлари ўзларини Ҳақ Йўлига даъват қилиш учун келган элчиларни ёлғончи қилишиб, ўлдиришмоқчи бўлиб турганларидан хабар топгач, шошганча уларнинг олдига келиб, мазкур оятлардаги сўзларни айтади.

22. *(Бу сўзларни эшитган қавми: "Ҳали сен ҳам шуларнинг динидамисан?!", деганларида, у айтди):* **"Нега мен ўзимни яратган Зотга ибодат қилмайин?! Сизлар ҳам** *(дунёдан ўтгач),* **Ёлғиз Унгагина қайтарилурсизлар. 23. Мен У Зотни қўйиб** *(жонсиз бутларни)* **худолар қилиб олайми?!** *(Ҳаргиз ундай қилмасман, чунки)* **агар Раҳмон менга бирон зиён етказишни истаса, у** *(бут)***ларнинг қўллаб қувватлашлари мени бирон нарсадан беҳожат қила олмас ва улар мени** *(Оллоҳнинг азобидан)* **қутқара олмаслар. 24. У ҳолда мен шак-шубҳасиз, очиқ залолатда бўлурман. 25. Ҳақиқатан, мен** *(жонсиз бутларга эмас, балки барчаларингизни яратган)* **Парвардигорингизга иймон келтирганман. Бас, мени тинглангиз!" 26-27.** *(Лекин жоҳил қавм Ҳабиб ан-Нажжорнинг сўзларига қулоқ солмасдан уни қатл қилишгач, унга)* **"Жаннатга кир", дейилди.** *(Оллоҳнинг амри билан жаннатга киритилиб, у жойдаги ноз-неъмат ва иззат-икромни кўргач),* **у айтди: "Қани эди қавмим ҳам мени Парвардигорим мағфират қилганини ва мени азиз-мукаррам кишилардан қилганини билсалар эди".**

28. Биз *(Ҳабиб ан-Нажжорни ўлдирганларидан)* кейин унинг қавми устига *(уларни ҳалок қилиш учун)* осмондан бирон қўшин *(яъни, азоб фаришталарини)* туширмадик. Биз *(ҳеч нарса)* туширгувчи бўлмадик. *(Зотан, у кофирларни ҳалок қилиб юбориш биз учун осон эди, шунинг учун ҳам -)* 29. - Фақат биргина даҳшатли қичқириқ бўлди-ю, баногоҳ улар "ўчиб" қолдилар. *(яъни, биронталари ҳам қолмай ҳалок бўлдилар).* 30. *(Оллоҳнинг элчиларини ёлгончи қилиб, уларга озор-азият етказадиган барча)* бандаларга ҳасрат-надомат бўлгай! Уларга бирон пайғамбар келмас, магар улар унинг устидан масхара қилиб кулгувчи бўлурлар. 31. Ахир улар ўзларидан илгари ҳам Биз қанча асрларни *(авлодларни)* ҳалок қилганимизни - ўшалар уларнинг олдига *(яъни, бу дунёга)* қайтиб келмасликларини кўрмадиларми?! 32. Ҳеч шак-шубҳасиз, *(уларнинг)* барчалари *(Қиёмат Кунида)* Бизнинг даргоҳимизда ҳозир қилингувчидирлар. 33. Ўлик-қуруқ Ер улар учун *(қайта тирилиш ҳақ эканига)* бир оят-аломатдир - Биз уни *(сув билан)* тирилтирдик ва ундан *(турли)* дон-дунни ундириб чиқардик. Бас, улар ўша *(дон)*дан ерлар. 34. Яна Биз у *(Ер)*да хурмозор ва узумзор боғларни *(пайдо)* қилдик ва унда булоқларни оқизиб қўйдик. 35. Токи *(одамлар ўша боғларнинг)* мевасидан есинлар учун *(шундай қилдик).* Ҳолбуки, у *(мевалар)*ни улар *(қўллари билан)* қилмаган - ясаб олмаган эдилар. Ахир шукр қилмайдиларми?! 36. Ер ундириб-ўстирадиган нарсалардан, *(одамларнинг)* ўзларидан ва яна улар билмайдиган нарсалардан иборат барча жуфтларни яратган *(Оллоҳ ҳар қандай айбу-нуқсондан)* Пок Зотдир.

Изоҳ: Мазкур оятда Оллоҳ таоло коинотдаги барча нарсани жуфт-жуфт қилиб яратгани уқтирилди. Энди қуйидаги оятларда ана ўша жуфтлардан кеча ва кундуз ҳамда қуёш ва ой ҳақида сўз юритилиб, улардан ҳар бири Буюк Илоҳий Қудратга далолат қиладиган оят-аломатлардан экани таъкидланади.

37. Кеча ҳам улар учун *(Бизнинг қудратимизни кўрсатиб турадиган)* бир оятдир: Биз ундан кундузни ечиб олишимиз билан баногоҳ улар зулматда қолурлар. 38. Қуёш *(бирон сония тўхтамай)* ўз қароргоҳи сари жорий бўлур. Бу Қудратли ва Билгувчи Зотнинг тақдири - ўлчовидир.

И з о ҳ: Ердан минг-минг марта катта ҳажмга эга бўлган қуёш то "кун ва ой бирлашиб кетадиган" Қиёмат Куни келгунича бир нафас ҳам тинмасдан фазода айланаверади. Фақат Қудратли ва Доно Зот - Оллоҳ таолонинг Ўзигина уни шундай тартиб-ўлчовга бўйсундириб қўя олур.

39. Биз ойни ҳам токи у эски *(хурмо)* **бутоғи каби бўлиб** *(эгилиб ҳилол ҳолига келиб)* **қолгунича бир неча манзилга белгилаб-тайинлаб қўйгандирмиз.**

И з о ҳ: Дарҳақиқат, ой бир ой давомида йигирма саккиз манзил - жойда турли суратда кўрингани сабабли кўзга йигирма саккизта бўлиб туюлади. Сўнгра бир ёки икки кеча кўринмасдан туради-да, кейин яна ўша тартиб такрорланади. Агар қуёш кундузлари оламни нур ва ҳароратга тўлдирса, ой кечаларга ёруғлик бахш этиши билан бирга барча кишилар учун вақт ўлчови бўлиб ҳам хизмат қилади.

40. На қуёш учун ойга етиш мумкин бўлур ва на кеча кундуздан ўзгувчидир. *(Қуёш, ой ва юлдузларнинг)* **барчалари фалакда сузиб юрур.**

И з о ҳ: Яъни, то Қиёмат қойим бўлгунича қуёш ойга ета олмас ва кеча кундузнинг ўрнини эгаллаб ола билмас. Ушбу ояти каримада яна коинотдаги барча катта-кичик сайёралар фазода муаллақ ҳолда сузиб юришлари баён қилингандир. Илм-фанга йигирманчи асрнинг бошларига келибгина маълум бўлган бу ҳақиқатлар ҳақида Қуръони Карим бундан ўн тўрт аср илгари хабар берган эди. Бунда ақл эгалари учун ибрат бордир.

41. Биз уларнинг авлод-зурриётларини *(Нуҳ пайғамбар билан бирга одамлар ва турли жониворларга)* **тўла кемада кўтарганимиз** *(ва тўфон балосидан нажот берганимиз)* **улар учун** *(Бизнинг қудратимизни кўрсатадиган)* **яна бир оятдир. 42. Яна Биз улар учун худди ўша** *(кемага)* **ўхшаш** *(бошқа)* **минадиган нарсаларини** *(яъни, катта-кичик кемаларни)* **ҳам яратдик. 43. Агар Биз хоҳласак уларни ғарқ қилурмиз-да, сўнг улар учун бирон ёрдамчи бўлмас ва улар** *(ҳалокатдан)* **қутқазилмаслар. 44. Магар Биз томондан бўлган марҳамат сабабли ва** *(маълум)* **бир вақтгача** *(яъни, ажаллари етгунча ҳаёт неъматларидан)* **баҳраманд бўлишлари учун** *(уларга бало-қазолардан нажот берилур).* **45. Қачон** *(мушрикларга: "Сизлар Оллоҳнинг)* **раҳматига эришишларингиз учун олдиларингиздаги** *(дунё фитналаридан)* **ва ортингиздаги** *(Охират азобидан)* **қўрқинглар",** *(яъни, иймонга келинглар)* **дейилса,** *(улар қулоқ*

солмаслар). 46. Уларга Парвардигорларининг оятларидан бирон оят *(Оллоҳ таолонинг қудратига далолат қиладиган бирон белги - аломат)* келмас, магар улар *(ўша оятлардан)* юз ўгиргувчи бўлурлар. 47. Қачон уларга: "Оллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилинглар", дейилса, кофир бўлган кимсалар иймон келтирган зотларга *(истеҳзо билан):* "Агар Оллоҳ хоҳласа Ўзи таомлантириб оладиган кишиларга бизлар таом берурмизми? Сизлар ҳеч шак-шубҳасиз, очиқ залолатдадирсизлар", дерлар. 48. Улар: "Агар ростгўй бўлсангизлар *(айтинглар-чи),* мана шу ваъда *(қилинган азоб)* қачон бўлади?", дерлар. 49. Улар фақат биргина даҳшатли қичқириқни кутмоқдалар, холос. У уларни *(ўлимдан мутлақо бехабар ҳолларида кўча-кўй ва бозорларда бир-бирлари билан)* жанжаллашиб турганларида олиб кетар *(яъни, ҳалок этар).* 50. Бас, улар на бирон васият қилишга ва на уйларига қайтишга қодир бўлурлар. 51. *(Қиёмат Соати келиб фаришта Исрофилнинг)* сури чалиниши билан баногоҳ улар қабрларидан Парвардигорлари *(ҳузурига ҳисоб-китоб учун)* суғурилиб чиқурлар. 52. Улар: "Эй бизларга ўлим бўлсин! Ким бизларни ётган жойимиздан *(қабрларимиздан)* турғазди?", деганларида, *(уларга айтилур):* "Мана шу Раҳмон ваъда қилган ва пайғамбарлар рост сўзлаган нарса - Қиёматдир". 53. Фақатгина бир даҳшатли қичқириқ бўлар-у, баногоҳ уларнинг барчалари Бизнинг даргоҳимизда ҳозир қилингувчидирлар. 54. Мана бу Кунда ҳеч бир жонга бирон зулм қилинмас ва сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган амалларингиз сабабли жазоланурсиз. 55. Шак-шубҳасиз, жаннат эгалари бу Кунда *(ўзлари истаган - орзу қилган)* иш*(лари)* билан шод-хуррам бўлгувчидирлар. 56. Улар ўз жуфтлари билан бирга соя-салқин жойлардаги сўриларда ястаниб ўтирурлар. 57. Улар учун у жойда *(ҳар турли)* мева-чева мавжуддир ва улар учун чорлаган - истаган нарсалари ҳозирдир. 58. *(Уларга)* Меҳрибон Парвардигор томонидан салом айтилур.

Изоҳ: Ҳадиси шарифда ворид бўлишича, "Жаннат эгалари ўзларига ваъда қилинган ноз-неъматлар ичида роҳат-фароғатда эканлар, баногоҳ устларида бир Нур пайдо бўлур. Бошларини кўтариб... "Ассалому алайкум, эй аҳли жаннат", деб турган Парвардигори оламни кўрурлар". Жаннат эгалари етажак саодати абадийя зикр қилингач, энди дўзахиларнинг топажак азоб уқубатлари ҳақида хабар берилади.

59. Эй жиноятчи кимсалар мана бу Кунда *(мўминлардан)* **ажралинглар! 60-61. Мен сизларга: "Эй Одам болалари, шайтонга ибодат қилмангиз, чунки у сизларга очиқ душмандир. Менгагина ибодат қилинглар! Мана шу Тўғри Йўлдир", деб буюрмаганмидим?! 62. Аниқки,** *(шайтон)* **сизларнинг ичингиздан кўп авлодни йўлдан оздирди. Ахир ақл юритгувчи бўлмадингизлармиг?! 63. Сизларга ваъда қилинган жаҳаннам мана шудир! 64. Сизлар** *(ҳаёти дунёда)* **кофир бўлиб ўтганларингиз сабабли мана бу Кунда** *(жаҳаннамга)* **киринглар! 65. Бу Кун Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўюрмиз. Ва Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида уларнинг қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур. 66. Агар Биз хоҳласак уларнинг кўзларини йўқ қилган бўлур эдик. Ана у ҳолда улар йўлларига шошардилар-у,** *(лекин)* **қаёқдан кўра олсинлар. 67. Агар Биз хоҳласак уларни турган жойларида** *(маймун, тўнғиз ё тош каби)* **бошқа нарсаларга айлантириб қўйган бўлур эдик. Сўнг улар** *(олдинга)* **юришга ҳам қодир эмаслар,** *(ортларига ҳам)* **қайта олмаслар.**

И з о ҳ: Ушбу икки оятни шундай тушунмоқ лозим: Оллоҳ таоло ҳаётларини куфру исён билан ўтказган кимсалар ҳақида: "Агар биз истасак уларнинг кўзларини кўр қилиб, йўлларини топа олмайдиган қилиб қўйишимиз ёки уларни инсонликдан чиқариб бутунлай бошқа нарсаларга айлантириб қўйишимиз мумкин эди. Аммо Биз уларни Тўғри Йўлга юрсинлар ва тавба-тазарруъ қилсинлар деб инсонликларида қолдирган эдик. Лекин улар ўз динсизликларидан қайтмадилар ва оқибат-натижада жаҳаннам эгалари бўлиб қолдилар", дейди ва бу билан ҳали-ҳануз ҳаёти дунёда бўлган кишиларни огоҳлантиради.

68. Биз кимга *(узун)* **умр берсак унинг хилқатини** *(жисму-жонини)* **тубан - ночор қилиб қўюрмиз. Ахир ақл юргизмайдиларми** *(яъни, бир кишининг сурат ва сийратида ёш-ялангликги билан қари-қартанглиги ўртасида нақадар катта фарқ борлигини кўриб ибрат олмайдиларми)?!* **69-70. Биз** *(Муҳаммад алайҳис-саломга)* **шеър ўргатмадик ва** *(шоирлик)* **унинг учун дуруст эмасдир.**

И з о ҳ: Зотан, Муҳаммад алайҳис-салом Оллоҳ таоло томонидан юборилган Пайғамбар эканлар, демак, фақат ва фақат рост сўзламоқлари лозим. Шеърият эса ўз кўтаринкилиги, муболағалари билан (яъни, ўз табиати билан тўла маънодаги) ростгўйликни кўтара олмайди. Билъакс, шоирларнинг эътирофларича ҳам шеърнинг энг ширини энг ёлғонидир. Binобарин,

ўз умматларига бир умр амал қилиб ўтишадиган дин арконларини ўргатадиган ва ғайб олами, Охират диёри ҳақида хабар берадиган Пайғамбар шоир бўлиши дуруст эмасдир.

(Муҳаммад алайҳис-салом тиловат қилаётган нарса) **фақат у тирик бўлган кишиларни огоҳлантириши учун ва кофирлар устига Сўз - азоб ҳақ бўлиши учун** *(нозил қилинган)* **бир Эслатма ва очиқ-равшан Қуръондир. 71. Ахир ўша** *(мушриклар)* **Биз улар учун Ўз Қўлимиз билан қилган нарсаларни - чорва ҳайвонларини яратиб қўйганимизни - кўрмадиларми?! Мана улар ўша** *(ҳайвон)***ларга эгадирлар. 72. Биз ўша** *(ҳайвон)***ларни уларга бўйсундириб қўйганмиз. Ана уларнинг минадиган нарсалари ҳам ўша** *(ҳайвон)***лардандир, ейдиган** *(таом)***лари ҳам ўшалардандир. 73. Яна улар учун ўша** *(ҳайвон)***ларда** *(турли)* **фойдалар ва ичимлик** *(сут-қаймоқ)***лар бордир. Ахир шукр қилмасларми?! 74.** *(Йўқ, улар шукр қилмадилар, балки)* **Оллоҳни қўйиб ёрдам олиш умидида** *(ўзга)* **"худо"ларни тутдилар. 75. Уларнинг ўзлари ўша** *("худо"лари)* **учун ҳозирланган қўшин бўлсалар ҳам у** *("худо"лар)* **уларга ёрдам беришга қодир бўлмаслар. 76. Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сизни уларнинг сўзлари ғамгин қилмасин! Зотан, Биз уларнинг яширадиган нарсаларини ҳам, ошкор қиладиган нарсаларини ҳам билурмиз. 77. Инсон Биз уни нутфадан - бир томчи сувдан яратганимизни, энди эса ўша** *(ожиз - нотавон инсон)* **баногоҳ** *(Ўзимизга)* **очиқ қаршилик қилгувчи бўлиб қолганини кўрмадими?! 78. У Бизга "Чириб битган суякларни ким ҳам тирилтира олур?", деб, мисол келтирди-ю,** *(аммо)* **ўзининг** *(бир томчи сувдан)* **яралганини унутиб қўйди! 79.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **айтинг: "У** *(чириган суяк)***ларни дастлаб** *(бир томчи сув)***дан пайдо қилган Зотнинг Ўзи қайта тирилтирур. У** *(Ўзи яратган)* **барча халқни Билгувчидир". 80. У сизлар учун ям-яшил дарахтдан оловни пайдо қилган Зотдир. Бас, сизлар ўшандан ўт ёқурсизлар.** *(яъни, кўм-кўк дарахтнинг ичидан оловни чиқаришга Қодир бўлган Оллоҳ албатта чириб битган суякдан ҳам инсонни қайта яратишга Қодирдир).* **81. Осмонлар ва Ерни яратган Зот** *(у буюк сайёраларга нисбатан минг-минг марта кичик бўлган инсонларнинг)* **ўхшашини яратишга Қодир эмасми?! Йўқ,** *(албатта Қодирдир),* **Унинг Ўзигина Яратгувчи ва Билгувчидир. 82. Бирон нарсани** *(яратишни)* **ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина "Бўл", демоқлигидир. Бас, у** *(нарса)* **бўлур - вужудга келур. 83. Бас, барча нарсанинг эгалиги - подшоҳлиги Ўз Қўлида бўлган** *(Оллоҳ ҳар қандай айбу-нуқсондан)* **Пок Зотдир. Ва** *(албатта)* **сизлар Ёлғиз Унгагина қайтарилурсизлар.**

ВАС-САФФОТ сураси (37)

Маккада нозил бўлган бу сура бир юз саксон икки оятдир.

Иймон-эътиқод ва ундан етадиган фойдалар, куфру-исён ва унинг зиёнлари ҳақида сўзловчи бу сура Оллоҳ таолонинг амру-фармонига мудом мунтазир бўлиб турадиган зотлар ҳақида зикр қилиниши билан бошланади.

Сўнгра жинлар тўғрисида сўз юритилиб, айрим нодон кимсаларнинг "Жинларнинг Оллоҳга яқинлиги бор", деган афсоналари кескин рад этилади.

Бу сурада Охират ҳаёти - жаннат аҳли мушарраф бўлган бахт-саодат, дўзахилар дучор этилган азоб-уқубат ҳақидаги жуда жонли лавҳалар мазкурдир.

Шунингдек, бу сурада ҳам Оллоҳ таолонинг бир неча пайғамбарларининг қиссалари баён қилинади ва уларнинг барчалари "чиройли амал қилгувчи" бандалар бўлганликлари уқтирилади. Хусусан Иброҳим алайҳис-салом Оллоҳ таоло томонидан ўз ўғиллари Исмоилни қурбон қилишга буюрилишлари ва уларнинг ҳар иккиси Яратганнинг амрига қулоқ қоқмай итоат этган чоғларида, Оллоҳ таоло жаннатдан бир қўчқор тушириб, Исмоил алайҳис-саломнинг ўринларига ўшани сўйишга буюргани хусусидаги хабар билан иймон ва имтиҳон ҳақида ибратли мисол келтирилади.

Қуръони Каримдаги бир неча сураларни Оллоҳ Ўзи яратган айрим махлуқоти номига қасам билан бошлайди. Бу сура ҳам Яратганнинг барча буйруқларини дарҳол ижро этиш учун саф тортиб турадиган ҳақиқий иймон-эътиқод эгалари номига қасам ичиш билан бошлангани сабабли у "Вас-саффот - Саф тортиб тургувчиларга қасам", деб аталгандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2-3-4. *(Оллоҳ Йўлида)* **саф тортиб турадиган,** *(Оллоҳнинг бандаларини гуноҳ йўлларидан)* **мудом тўсадиган,** *(Оллоҳнинг)* **Эслатмасини - Қуръонни доимо тиловат қиладиган** *(инсонлар ва*

фаришталардан иборат барча) зотларга қасамки, шак-шубҳасиз, сизларнинг Илоҳингиз Ягонадир. 5. *(У Зот)* осмонлар, Ер ва уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг Парвардигоридир. *(У Зот)* бор кунчиқар жойларнинг *(ва бор кунботар жойларнинг)* Парвардигоридир. 6. Дарҳақиқат, Биз энг яқин осмонни юлдузлар билан зийнатладик. 7. Ва *(уни)* ҳар бир итоатсиз шайтондан - жиндан сақладик. 8-9. У *(жин)*лар энг юксак мавжудотларни *(яъни, фаришталарнинг сўзларини)* ҳаргиз эшита олмаслар ва *(уларни)* ҳайдаш учун уларга ҳар томондан *(юлдузлар)* отилур. Улар учун *(Охиратда)* доимий азоб бордир. 10. Магар бирон марта *(бирон сўзни)* илиб олган кимса *(яъни, жин)* бўлса, уни ҳам учар юлдуз қувиб етар *(ва ҳалок этар)*. 11. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом, Макка кофирларидан)* сўранг-чи, улар*(ни)* яратиш қийинроқмикан ёки Биз яратган зотларнимиЙ! *(яъни, фаришталар ва Еру осмондаги барча мавжудотни яратиш одамзотни яратишдан оғирроқ эмасми?!)* Зотан, Биз *(инсонларнинг асли-аввали бўлмиш Одам алайҳис-саломни)* ёпишқоқ бир лойдан яратгандирмиз. 12. Балки Сиз *(уларнинг қайта тирилишини инкор қилаётганларидан)* таажжубдадирсиз, *(аммо)* улар *(Сизнинг Охират ҳаёти ҳақидаги сўзларингизни)* масхара қилурлар. 13. Уларга *(Қуръон билан)* панд-насиҳат қилинса, панд-насиҳатни олмаслар. 14. *(Сизнинг ҳақ Пайғамбар эканлигингизга далолат қиладиган)* бирон оят-мўъжизани кўрсалар *(дарҳол иймон келтириш ўрнига янада зиёдароқ)* масхара қилурлар. 15. Ва дерлар: "Бу фақат очиқ-равшан сеҳрдир. 16. Бизлар ўлиб тупроқ ва суякларга айланиб кетган чоғимизда ростдан ҳам яна қайта тирилгувчи эканмизми?! 17. Аввал *(ўтиб кетган)* ота-боболаримиз ҳам-а?! 18. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Сиз уларга)* айтинг: "Ҳа! Сизлар хор-зор бўлган ҳолингизда *(албатта қайта тирилурсизлар)*". 19. У *(яъни, қайта тирилиш)* фақатгина *(фаришта Исрофилнинг сури билан чалинган)* бир қичқириқдир холос, бас, баногоҳ улар *(қайта тирилиб, "кунларини")* кўрурлар. 20. Ва "Эй, ўлим бўлсин бизларга! Бу Жазо - Қиёмат Куни-ку!", деб қолурлар. 21. Мана шу сизлар ёлғон деб ўтган *(Ҳақ билан ботил)* ажратиладиган Кундир. 22-23. *(Эй фаришталар, сизлар)* золим-кофир бўлган кимсалар ва уларнинг ҳамтовоқларини ҳамда улар Оллоҳни қўйиб ибодат қилиб ўтган нарсаларини тўплаб, дўзах йўлига бошланглар. 24. *(Аммо то Менинг фармоним бўлмагунча)* уларни тўхтатиб *(дўзахга ташламай)* турингларI Чунки улар *(аввал ҳаёти дунёда қилиб ўтган куфру исёнлари тўғрисида)* сўралгувчидирлар. 25. *(У Кунда кофирларга*

дейилар): "Нега бир-бирларингизга ёрдам бермаяпсизлар?!" 26. Йўқ, улар бу Кунда *(ҳеч нарса қила олмаслар, балки фақат Бизнинг ҳукмимизга)* бўйинсунгувчидирлар. 27. Уларнинг бировлари бировларига қараб савол-жавоб қилурлар. 28. *(Эргашувчилар ўзларини йўлдан урган пешволарига):* "Ҳақиқатан, сизлар бизларга ўнг томондан *(яъни, бизлар ишониб яхшилик кутадиган томондан)* келар эдинглар", деганларида; 29. *(Пешволар)* айтурлар: "Йўқ, сизлар ўзларингиз мўмин бўлмаган эдинглар. 30. *(Ахир)* бизлар учун сизларнинг устингизда бирон салтанат - ҳукмронлик йўқ эди-ку! Йўқ, сизлар ўзларингиз ҳаддан ошгувчи қавм эдинглар. 31. Бас, энди бизларга *(ҳам, сизларга ҳам)* Парвардигоримизнинг Сўзи - азоби ҳақ бўлди. Шак-шубҳасиз, бизлар *(уни)* тотгувчидирмиз. 32. Чунки бизлар ўзимиз йўлдан озгувчи бўлганимиз сабабли сизларни ҳам йўлдан урдик". 33. Бас, албатта улар *(яъни, Оллоҳ Йўлидан озган кимсалар ва уларни йўлдан урган пешволари)* ўша Кунда азобда шерик бўлгувчидирлар. 34. Дарҳақиқат, Биз жиноятчи кимсаларни мана шундай *(азобга дучор)* қилурмиз. 35. Чунки уларга: "Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Ёлгиз Оллоҳгина бордир", дейилган вақтда кибр-ҳаво қилган эдилар. 36. Ва улар "Ҳали бизлар бир мажнун шоирни деб худоларимизни тарк қилар эканмизми?", дер эдилар. 37. Йўқ, *(Муҳаммад алайҳис-салом асло мажнун шоир эмасдир, балки)* у Ҳақ *(Дин)*ни олиб келди ва *(ўзидан аввал ўтган)* барча пайғамбарларни тасдиқ этди. 38. *(Эй жиноятчи кимсалар)*, сизлар шак-шубҳасиз, аламли азобни тотгувчидирсизлар. 39. Сизлар фақат қилиб ўтган жиноятларингиз сабабли жазоланурсизлар. 40. Магар Оллоҳнинг покиза бандалари бордирки; 41. Ана ўшалар учун маълум ризқ. 42-43-44.-*(Ҳар турли)* мевалар бўлур. Ва улар ноз-неъмат боғларида, сўрилар устида, бир-бирларига рўбарў ўтирган ҳолларида иззат-икром кўргувчидирлар. 45-46. Уларга оқар чашмадан ичгувчилар учун лаззат бўлган оппоқ *(шароб)* косалари айлантириб турилурки; 47. У *(шароб)*да маст қилгувчи -ақлдан оздиргувчи нарса бўлмас ва улар ундан маст бўлмаслар. 48-49. Яна уларнинг олдиларида кўзларини *(бегоналарга қарашдан)* тийгувчи, гўё яшириб қўйилган *(оппоқ)* тухумдек *(заҳаланмаган)* оҳу кўзлар бўлур. 50. Бас, улар *(яъни, аҳли жаннат)* бир-бирларига қараб савол-жавоб қилурлар. 51. *(Шундай суҳбатларнинг бирида)* улардан бири деди: "Менинг бир дўстим бор эди. 52-53. У *(менга):* "Ростдан ҳам сен *(ўлганимиздан сўнг яна қайта тирилишимизни)* тасдиқ этгувчиларданмисан? Бизлар ўлиб, тупроқ ва суякларга

айланиб кетган вақтимизда ҳақиқатан ҳам *(қайта тирилтирилиб)* жазолангувчимизми?!", дер эди. 54. *(Сўзлагувчи ҳаёти дунёда Охиратни инкор қилган дўсти ҳақидаги ҳикояни тугатгач, жаннатдаги биродарларига):* Сизлар *(ҳам мен билан бирга ўша дўстимнинг дўзахдаги ҳоли нима бўлганига)* қарагувчимисизлар?", деди. 55. Сўнг ўзи қараб уни дўзахнинг ўртасида кўргач; 56. Деди: "Оллоҳ номига қасамки, дарҳақиқат, сен мени ҳам ҳалок қилаёзган эдинг. 57. Агар Парвардигоримнинг неъмати *(яъни, Ҳидояти)* бўлмаса эди, албатта мен ҳам *(сен билан бирга дўзахга)* ҳозир қилингувчилардан бўлур эдим. 58-59. *(Энди сен менга айтгинчи),* бизлар *(яъни, жаннат аҳли худди ҳаёти дунёда бизга ваъда қилинганидек),* фақат биринчи ўлимимиздан бошқа ўлгувчи эмаслигимиз рост эканми?! Бизлар *(ростдан ҳам)* азоблангувчи эмас эканмизми? 60. Албатта мана шу *(аҳли жаннат етадиган неъматлар)* буюк саодатдир". 61. Бас, амал қилгувчилар мана шундай *(мангу бахт-саодат)* учун амал қилсинлар! 62. Мана шу яхшироқ зиёфатми ёки Заққум дарахтими? 63. Ҳақиқатан, Биз уни *(яъни, Заққум дарахтини)* золим кимсалар учун фитна-алдов қилиб қўйдик.

Изоҳ: Дўзахда Заққум дарахти бўлиши ҳақида сўзланганида кофирлар "Дўзахда қандай қилиб дарахт ўссин, ахир дўзахнинг ўти уни куйдириб юбормайдими?", деганлар. Юқоридаги оятда кофирлар Оллоҳ таолонинг қудратига шак келтирганлари учун у дарахт тўғрисида зикр қилинганида, ақллари бовар қилмай фитна-алдовга дучор бўлишлари уқтирилди.

64. Дарҳақиқат, у дўзах қаърида ўсадиган бир дарахтдир. 65. Унинг бутоқлари*(даги мевалари хунукликда)* худди шайтонларнинг бошларига ўхшар. 66. Бас, улар *(яъни, дўзахилар)* албатта ундан еб, қоринларини тўлдиргувчидирлар. 67. Сўнгра албатта улар учун унинг *(Заққум меваларининг)* устига қайноқ сувдан аралаштирилур *(яъни, уларга мажбуран қайнаётган сув ичирилур).* 68. Сўнгра албатта уларнинг яна қайтадан дўзахга қайтишлари бордир. *(Яъни, қайноқ сув уларнинг бутун ички аъзоларини куйдириб битганидан сўнг энди дўзах ўти уларнинг баданларини куйдирур).* 69. Албатта улар *(яъни, Макка мушриклари)* ўзларининг ота-боболарини йўлдан озган ҳолда топдилар. 70. Энди ўзлари ҳам уларнинг изларидан чопмоқдалар. 71. Аниқки, улардан аввал ўтганларнинг кўплари ҳам йўлдан озган эдилар. 72. Ҳолбуки, Биз уларга *(яъни, аввал ўтганларга)* огоҳлантиргувчи *(пайғамбар)*ларни юборган эдик. 73. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-*

салом), огоҳлантирилган кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринг! 74. Магар Оллоҳнинг покиза бандаларигина *(ҳалокатга дучор бўлмадилар).*

И з о ҳ: Мазкур оятларда Макка мушрикларининг иймон-Исломга келмаганидан бениҳоят ғамгин бўлиб қолган Муҳаммад алайҳис-саломга таскин-тасалли бўлсин учун улардан илгари ҳам ўзларига юборилган пайғамбарларни ёлғончи қилиб ҳалокатга дучор бўлган қавмлар ўтгани ҳақида хабар берилди. Қуйидаги оятларда эса Оллоҳ таоло Ўзининг сўнгги Пайғамбарига аввалги пайғамбарлардан етти кишининг қиссаларини мўъжаз (қисқача) баён қилади.

75. Дарҳақиқат, Нуҳ *(ўз қавми уни ёлғончи қилган вақтда)* Бизга нидо-илтижо қилди. Бас, *(Биз)* нақадар яхши ижобат қилгувчидирмиз;-76.-Биз унга ва унинг аҳли-тобеъларига улуғ ғамдан *(яъни, сувга ғарқ бўлишдан)* нажот бердик. 77. Ва унинг зурриётини *(то Қиёмат)* боқий қолгувчи кишилар қилиб қўйдик. 78. Ва кейинги *(авлод)*лар орасида *(Нуҳ)* ҳақида *(гўзал мақтовлар-олқишлар)* қолдирдик. 79. Барча оламларда Нуҳга салом *(айтилар, яъни, то Қиёмат унинг шаънига фақат мақтов-олқишлар айтилар).* 80. Албатта Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. 81. Дарҳақиқат, у Бизнинг мўмин бандаларимиздандир. 82. Сўнгра бошқаларни *(яъни, Нуҳни ёлғончи қилган кимсаларни)* ғарқ қилиб юбордик. 83. Шак-шубҳасиз, Иброҳим ҳам *(Нуҳ)*нинг гуруҳидандир. 84. Эсланг, у Парвардигорига тоза дил билан келди. 85. Ўшанда у отаси ва қавмига деган эди: "Нимага ибодат қилмоқдасизлар?! 86. Оллоҳни қўйиб, сохта "худолар"*(га сиғиниш)*ни истайсизлармиз?! 87. У ҳолда барча оламларнинг Парвардигори ҳақида *(яъни, У Зот сизларнинг мушриклигингиз учун берадиган жазоси ҳақида)* не гумонингиз бор?!" 88-89. Сўнг у юлдузларга тикилиб туриб: "Аниқки, мен касалман", деди.

И з о ҳ: Нақл қилинишича, ўша даврда кишилар ўртасида юлдузларга қараб фол очиш - мунажжимлик жуда кенг ёйилган экан. Шунинг учун Иброҳим алайҳис-салом мушрикларнинг байрамини нишонлаш учун ҳайитгоҳга чиқиб кетаётган қавмидан ажралиб қолиш мақсадида, гўё юлдузларга қараб билиб олгандек уларга: "Мен вабога йўлиқар эканман", дедилар. Бу сўзни эшитгач, вабо юқишидан қўрққан қавм...

90. Дарҳол ундан юз ўгирган ҳолларида кетдилар. 91-92. Бас, *(Иброҳим)* аста уларнинг бутлари олдига келиб: "*(Олдиларингиздаги*

таомларни) емайсизлармиѓ Сизларга нима бўлди, сўзламаяпсизлар?!", деди. 93. Сўнг уларга яқин келиб ўнг қўли*(даги болта)* билан урди. 94-95-96. Бас, *(қавми бу воқеадан хабар топишгач, ғазабланган ҳолларида)* унинг олдига шоша-пиша келишгач, деди: "Ўзларингиз йўниб-ясаб олган нарсаларга ибодат қилурмисизлар?! Ҳолбуки, сизларни ҳам, ясаб олган бутларингизни ҳам Оллоҳ яратган-ку?!" 97. Улар *(бир-бирларига)* дедилар: Иброҳим учун *(олов ёқиладиган)* бинолар қуриб уни ўша оловга ташланглар". 98. Бас, улар *(Иброҳимга)* макр қилмоқчи бўлган эдилар, Биз уларни тубан-мағлуб қилдик. 99. *(У ўт ичидан эсон-омон чиқди)* ва деди: "Албатта мен Парвардигорим *(буюрган тараф)*га кетгувчидирман. Унинг Ўзи мени *(Тўғри Йўлга)* ҳидоят қилур. 100. Парвардигорим, Ўзинг менга солиҳ *(фарзанд)*лардан ҳадя этгин". 101. Бас, Биз унга бир ҳалим ўғилнинг хушхабарини бердик. 102. Энди қачонки у *(бола катта бўлиб, отаси Иброҳим)* билан бирга юрадиган бўлгач, *(Иброҳим)*: "Эй ўғилчам, мен *(ҳадеб)* тушимда сени *(қурбонлик учун)* сўйётганимни кўрмоқдаман. Энди сен ўзинг нима раъй-фикр қилишингни бир ўйлаб кўргин", деган эди. У айтди: "Эй отажон, сенга *(тушингда Парвардигор томонидан)* буюрилган ишни қилгин. Иншооллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсан".

Изоҳ: Саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтишларича, Оллоҳ таолонинг барча пайғамбарларининг кўрган тушлари ваҳийдир. Шунинг учун ҳам Иброҳим алайҳис-салом тушларида берилган фармоннинг ўзи биланоқ ўғиллари Исмоил алайҳис-саломни қурбон қилишга чоғландилар ва ўғиллари ҳам (ўшанда у киши эндигина ўн уч ёшга қадам қўйган эканлар) тўла розилик билан Оллоҳнинг амрига бўйинсундилар.

103. Бас, қачонки иккиси ҳам *(Оллоҳнинг ваҳийсига)* бўйинсуниб, *(энди Иброҳим ўз ўғли Исмоилни қурбон қилиш учун)* пешонаси билан *(Ерга)* ётқизган эдики; 104-105. Биз унга нидо қилдик: "Эй Иброҳим, дарҳақиқат, сен *(кўрган)* тушингни рост-бажо қилдинг". Албатта Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. 106. Албатта бу *(яъни, Иброҳимнинг ўз ўғлини қурбон қилишга буюрилиши)* очиқ-равшан имтиҳондир, холос. 107. Биз *(Исмоилнинг)* ўрнига *(Иброҳимга)* катта бир *(қўчқор)* сўйишни -қурбонликни эваз қилиб бердик *(яъни, катта бир қўчқорни жаннатдан туширдик)*. 108. Ва кейинги *(авлод)*лар орасида *(Иброҳим)* ҳақида *(гўзал мақтовлар-олқишлар)* қолдирдик. 109. Иброҳимга салом бўлгай! 110. Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. 111. Албатта у

Бизнинг мўмин бандаларимиздандир. 112. Яна Биз унга - пайғамбар *(ва)* яхшилардан *(бўлгуси)* Исҳоқнинг хушхабарини бердик. 113. Ва *(Иброҳимга)* ҳам, Исҳоққа ҳам *(дину дунёларида)* баракот бердик. Уларнинг зурриётидан чиройли амал қилгувчи ҳам, ўз жонига очиқ жабр қилгувчи ҳам бўлур. 114. Дарҳақиқат, Биз Мусо ва Ҳорунга *(пайғамбарлик)* инъом қилдик. 115. Биз иккисига ва уларнинг қавмига улуғ ғамдан нажот бердик. 116. Ва уларни Ўзимиз қўлладик, бас, улар *(Фиръавн ва унинг одамлари устидан)* ғолиб бўлдилар. 117. Биз уларга равшан Китоб -Таврот ато этдик. 118. Ҳамда уларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилдик. 119. Ва кейинги *(авлод)*лар орасида *(Мусо ва Ҳорун)* ҳақида *(гўзал мақтовлар - олқишлар)* қолдирдик. 120. Мусо ва Ҳорунга салом бўлгай! 121. Албатта Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. 122. Албатта уларнинг иккиси ҳам Бизнинг мўмин бандаларимиздандир. 123. Илёс ҳам шак-шубҳасиз, пайғамбарлардандир. 124. Эсланг, у ўз қавмига деган эди: "*(Оллоҳдан)* қўрқмайсизлармиʔ! 125-126. Сизлар Баъл *(номли олтиндан ясалган бут)*га сиғиниб, сизларнинг ҳам, аввалги ота боболарингизнинг ҳам Парвардигорини - энг Гўзал-Афзал Яратгувчи Оллоҳни тарк қилурмисизларʔ!" 127. Бас, *(қавми Илёсни)* ёлғончи қилдилар. Энди албатта улар *(дўзах азобига)* ҳозир қилингувчидирлар. 128. Магар Оллоҳнинг покиза бандаларигина *(азобга дучор бўлмаслар)*. 129. Биз кейинги *(авлод)*лар орасида *(Илёс)* ҳақида *(гўзал мақтовлар-олқишлар)* қолдирдик. 130. Илёсга салом бўлгай! 131. Албатта Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. 132. Дарҳақиқат, у Бизнинг мўмин бандаларимиздандир. 133. Лут ҳам шак-шубҳасиз, пайғамбарлардандир. 134. Эсланг, Биз унга ва унинг барча аҳли-тобеъларига нажот берган эдик. 135. Фақат *(азобда)* қолгувчилардан бўлган бир кампирга *(яъни, Лутнинг хотинига нажот бермадик)*. 136. Сўнгра бошқаларни *(яъни, Лутни ёлғончи қилганларни)* ҳалок қилдик. 137-138. *(Эй Макка аҳли)*, аниқки, сизлар эрта-ю кеч уларнинг устидан ўтиб турурсизлар. Ахир ақл юргизмайсизларми *(яъни, Лутнинг қавми бошига тушган ҳалокат сизларнинг ҳам бошингизга тушиб қолишидан қўрқмайсизлармиʔ!)* 139. Юнус ҳам шак-шубҳасиз, пайғамбарлардандир. 140. Эсланг, У *(ўз қавмидан ғазабланиб Парвардигорининг изнисиз қишлоғидан чиқиб, одамлар билан)* тўла бўлган кемага қараб қочган эди. 141. Бас, у *(кемадагилар билан)* қуръа ташлашиб мағлуб бўлгач, *(уни денгизга улоқтирдилар)*.

И з о ҳ: Ривоят қилинишича, Юнус алайҳис-салом ўзларини ёлғончи қилган қавмларидан ғазабланиб уларнинг устига яқин-орада қаттиқ бало тушиши ҳақида огоҳлантирадилар ва ўзлари Оллоҳ таолонинг изни-фармонисиз ўз қишлоқларидан чиқиб кетиб, бир денгиз соҳилига бориб қоладилар ва ўша вақтда жўнашга шай турган, одамлар билан тўла бир кемага миниб йўлга тушадилар. Аммо у кема денгизнинг ўртасида тўхтаб қолади. Шунда кемадагилар "Орамизда ўз хожасидан қочиб келаётган бир қул бор, агар уни кемадан тушириб юбормасак, ҳаммамиз ғарқ бўлишимиз тайин", дейишиб ўрталарида қуръа ташлаганларида қуръа Юнус алайҳис-саломга чиқади ва кемадагилар уни денгизга улоқтирадилар.

142. Бас, уни *(Парвардигорининг изнисиз ўз қавмини ташлаб чиқиб кетгани сабабли)* **маломатга лойиқ бўлган ҳолида бир наҳанг балиқ ютиб юборди. 143-144. Энди агар у** *(Оллоҳга доимо)* **тасбеҳ айтгувчилардан бўлмаса эди, албатта у** *(балиқ)* **қорнида то қайта тириладиган Кунларигача** *(яъни, Қиёматгача)* **қолиб кетган** *(яъни, ҳалок бўлган)* **бўлур эди. 145. Бас, Биз уни хаста ҳолида қуруқликка отдик. 146. Ва унинг устида** *(соя ташлаб туриши учун)* **қовоқ дарахтини ўстириб қўйдик. 147.** *(Балиқ қорнидан эсон-омон чиққач),* **Биз уни юз минг, балки ундан-да кўпроқ** *(одамга)* **пайғамбар қилдик. 148. Бас, улар** *(Юнусга)* **иймон келтирдилар. Сўнг Биз уларни** *(маълум)* **бир муддатгача** *(яъни, ажаллари битгунча ҳаёт неъматидан)* **баҳраманд этдик. 149. Энди** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом, Макка кофирларидан)* **сўранг-чи, қизлар** *(яъни, уларнинг гумонича, фаришталар Оллоҳнинг қизлари эмиш)* **Парвардигорингизники-ю, ўғиллар уларникимикан?! 150. Ёки Биз фаришталарни улар гувоҳ бўлган ҳолларида қиз қилиб яратдикмикан?! 151-152. Огоҳ бўлингизким, улар ёлғончиликлари туфайли "Оллоҳнинг боласи** *(яъни, қизлари)* **бор", дерлар. Улар шак-шубҳасиз, ёлғончидирлар. 153.** *(Оллоҳ)* **ўғилларни қўйиб, қизларни танлаб олган эмишми?! 154.** *(Эй Макка аҳли),* **сизларга нима бўлди?! Қандай** *(ноҳақ-норово)* **ҳукм чиқармоқдасизлар-а?! 155. Ахир эс-ҳушингизни йиғмайсизларми?! 156. Ёки сизлар учун** *(Оллоҳ бола кўргани ҳақида)* **бирон очиқ-равшан ҳужжат борми?! 157. Бас, агар ростгўй бўлсангизлар** *(мана шу даъволарингизни қувватловчи)* **китобингизни келтиринглар-чи?! 158.** *(Мушриклар, Оллоҳ)* **билан жинлар** *(яъни, фаришталар)* **ўртасида насаб** *(яъни, ота-болалик бор, деб гумон)* **қилдилар. Ҳолбуки, жинлар-**

фаришталар эса, *(мушрикларнинг Қиёмат Кунида Оллоҳ азобига)* ҳозир қилингувчи эканликларини аниқ билдилар. 159. Оллоҳ уларнинг *("Оллоҳнинг боласи бор", деб)* сифатлашларидан Покдир. 160. Магар Оллоҳнинг покиза бандаларигина *(мудом Оллоҳни У Зотга нолойиқ бўлган сифатлардан пок тутарлар)*. 161-162. *(Эй Макка аҳли)*, шак-шубҳа йўққи, сизлар ҳам, сиғинаётган бутларингиз ҳам *(бирон кишини, Оллоҳ)*га қарши фитнага солгувчи -алдай олгувчи эмасдирсизлар. 163. Магар *(Оллоҳнинг тақдири азалийсида)* дўзахга киргувчи бўлган кимсаларнигина *(алдай олурсизлар)*. 164. *(Фаришталар дедилар)*: "Бизларнинг ҳар биримиз учун *(осмонларда)* аниқ маълум бир ўрин бордир*(ки, бизлар ана ўша ўрнимизда Оллоҳнинг амрини адо этурмиз)*. 165. Дарҳақиқат, бизлар *(Оллоҳнинг Йўлида)* саф тортиб тургувчилардирмиз. 166. Дарҳақиқат, бизлар *(Оллоҳни ҳар қандай айбу нуқсондан поклаб)* - тасбеҳ айтгувчилардирмиз". 167-168-169. Дарвоқеъ, *(Макка аҳли Қуръон нозил бўлишидан илгари)*: "Агар бизнинг олдимизда ҳам аввалгилар*(нинг Китоблари)*дан бирон эслатма - китоб бўлса эди, албатта бизлар ҳам Оллоҳнинг покиза бандалари бўлур эдик", дер эдилар. 170. Энди *(Қуръон нозил бўлгач)* эса унга кофир бўлдилар. Бас, яқинда *(бу куфрларининг оқибати нима бўлишини)* билиб олурлар. 171-172-173. Аниққи, Бизнинг пайғамбар бўлган бандаларимиз ҳақида: "Шак-шубҳасиз, улар қўллаб-қувватлангувчилардир ва шак-шубҳасиз, Бизнинг қўшинимиз *(яъни, пайғамбарлар ва уларга иймон келтирган кишилар)* ғолиб бўлгувчидирлар", деган Сўзимиз ўтган -собит бўлгандир. 174. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз улардан *(яъни, Макка кофирларидан маълум)* бир вақтгача юз ўгиринг! 175. Ва уларни *(яқинда мағлуб бўлганларида)* кўринг! Бас, яқинда улар *(куфрларининг оқибатини)* кўражаклар! 176. Ҳали улар Бизнинг азобимизни шоштирмоқдамилар?! 177. Бас, қачон *(Бизнинг азобимиз)* уларнинг ҳовлиларига *(яъни, устларига)* тушганида ўша огоҳлантирилган кимсаларнинг кунлари жуда ёмон бўлур. 178. Сиз улардан *(маълум)* бир вақтгача юз ўгиринг! 179. Ва уларни *(яқинда мағлуб бўлганларида)* кўринг! Бас, яқинда улар *(куфрларининг оқибатини)* кўражаклар! 180. Қудрат Эгаси бўлмиш Парвардигорингиз улар айтаётган сифатлардан *(яъни, ҳар қандай айбу нуқсондан)* Покдир. 181. *(Барча)* пайғамбарларга *(Оллоҳ томонидан)* салом бўлгай! 182. Ҳамду сано барча оламларнинг Парвардигори - Оллоҳ учундир!

"СОД" сураси (38)

Саксон саккиз оятдан ташкил топган бу сура ҳам Маккада нозил бўлган.

Сура аввалида Қуръони Карим шаънига - унинг ҳақ Китоб эканига қасам ичилади.

Сўнгра мушрикларнинг Муҳаммад алайҳис-салом даъватларига нисбатан кўрсатган инод-қайсарликлари тўғрисида хабар берилади ва у зотга таскин-тасалли бўлсин учун ўз салафлари - ўтган айрим пайғамбарларнинг ҳаётларидан ва уларнинг кофирлар томонидан кўрган озор-азиятларидан лавҳалар келтирилади.

Бу сурада ҳам Оллоҳ таоло мўминлар учун ҳозирлаб қўйган гўзал оқибат-жаннат ва ҳаёти дунёдан динсизлик билан ўтадиган кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзах ҳақидаги бир неча оятлар мавжуддир.

Шунингдек, бу сурада аҳли иймонни кибру-ҳаво иллатидан йироқ бўлишга даъват этилиб, иблиснинг жаннатдан қувилишига сабаб бўлган нарса Оллоҳ таолонинг амрига итоат этишдан бош тортиб мутакаббирлик қилгани эканлиги айрича таъкидлаб ўтилади. Сура вақт-замон ўтиши билан Қуръон хабарларининг ҳақиқат эканлиги маълум бўлиб бораверишини уқтириш билан ниҳояланади.

Бу сура ўзи бошланган "Сод" харфи билан номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Сод. Шаъну-шараф соҳиби бўлган Қуръонга қасамки, *(албатта Қуръон Илоҳий мўъжизадир ва албатта Сиз, эй Муҳаммад алайҳис-салом, Оллоҳнинг ҳақ Пайғамбаридирсиз).* **2. Балки кофир бўлган кимсалар** *(бу ҳақиқатни қабул қилишдан)* **кибру-ҳавода ва** *(Оллоҳ ва Пайғамбарга)* **мухолифликда собитдирлар. 3. Биз улардан илгари ҳам қанча аср авлодни** *(иймонсизликлари сабабли)* **ҳалок қилганимизда улар** *(бошларига азоб тушганида ёрдам сўраб)* **нидо-илтижо қилганлар,** *(аммо бу вақт азобдан)* **қочиб қутулиш вақти эмас эди. 4.** *(Макка мушриклари)* **уларга ўзларидан** *(яъни, башар авлодидан)* **бўлган бир огоҳлантиргувчи - Пайғамбар**

келганидан ажабландилар ва у кофирлар дедилар: "Бу бир ёлгончи сеҳргардир. 5. *(Шунча)* **худоларни битта худо қилиб олибдими?! Ҳақиқатан, бу жуда қизиқ нарса!"**

Изоҳ: Макка мушриклари Пайғамбар алайҳис-саломнинг амакилари Абу Толибнинг олдига келиб: "Муҳаммадга айтгин, бизларнинг динимизни айблашни ва худоларимизни ҳақорат қилишни бас қилсин" дейишганида, уларнинг талабларидан хабардор бўлган Ҳазрат: "У ҳолда менинг биргина сўзимни қабул қилингларки, сизлар у сўз шарофатидан арабу ажамга подшоҳ бўлурсизлар", дейдилар. Шунда мушриклар шодланишиб: "У қандай сўз экан-а? Агар айтганларинг рост бўлса, бир эмас ўн сўзингни ҳам қабул қиламиз", дейишганида, Пайғамбар алайҳис-салом айтадилар: "У сўз - Ла илаҳа иллаллоҳдир - яъни, Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Ёлғиз Оллоҳгина бордир". Улар бу сўзни эшитишгач, даҳшатга тушадилар ва юқоридаги ояти каримада мазкур бўлган сўзларни айтадилар ва Пайғамбар алайҳис-саломнинг олдиларидан чиқиб кетишаркан:

6. Улардан катталари *(бир-бирларига шундай дея тарқалиб)* **кетдилар: "Юринглар ва ўз худоларингизга** *(сиғинишда)* **қаноат қилинглар** *(яъни, устивор бўлинглар)*! **Албатта бу** *(яъни, "Ла илаҳа иллаллоҳ" дейиш бизлардан)* **исталадиган** *(талаб қилинадиган жуда катта)* **нарсадир. 7. Бизлар бу ҳақда** *(яъни, Оллоҳнинг Якка-ю Ягона эканлиги ҳақида)* **сўнгги миллат - динда**(*ги одамлардан ҳам, яъни, Исломдан аввалги сўнгги дин бўлмиш Насроний динидаги одамлардан ҳам)* **эшитган эмасмиз. Бу фақат бир уйдирмадир, холос. 8. Бизларнинг орамизда** *(шунча бой-зодагонлар туриб)* **ўша** *(Муҳаммад)***га Эслатма - Қуръон нозил қилинган эмишми?!"** *(Уларнинг бу сўзларни айтишларига сабаб, ўта билимдонликлари эмас)*, **балки улар Менинг Эслатмам - Қуръондан шак-шубҳададирлар, балки улар ҳали Менинг азобимни тотиб кўрганлари йўқ** *(бас, шунинг учун Қуръон ва Пайғамбар шаънига мана шундай нолойиқ сўзларни айтмоқдалар)*. **9. Ёки Қудратли ва Саховатли Парвардигорингизнинг раҳмат хазиналари уларнинг олдиларидамикин-а?! 10. Ёки осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг подшоҳлиги уларникимикин-а?! У ҳолда** *(уларни осмонларга элтадиган)* **нарвонларига чиқаверсинлар** *(ва ўша жойдан ўзлари истаган одамларига ваҳий нозил қилаверсинлар)*. **11.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Макка мушриклари)* **ўша ернинг ўзида енгилиб битгувчи ҳизблардан - фирқалардан бир, тўдадир холос,** *(бас, Сиз улар айтаётган беҳуда сўзларга парво ҳам қилманг!)* **12. Улардан илгари ҳам Нуҳ қавми**

(Нуҳни), **Од** *(Қабиласи Ҳудни)* **ва қозиқлар** *(яъни, Ерга қозиқдек қоқилган баланд эҳромлар ва қасрлар)* **эгаси бўлган Фиръавн** *(ва унинг одамлари Мусони)* **ёлгончи қилгандирлар. 13. Шунингдек, Самуд** *(қабиласи Солиҳни)*, **Лут қавми** *(Лутни)* **ва дарахтзор эгалари** *(Шуайбни ёлгончи қилгандирлар)*. **Ана ўшалар** *(ҳам ўзларига юборилган пайгамбарларга қарши чиққан)* **ҳизблардир. 14. Барчаларига пайгамбарларни ёлгончи қилганлари сабабли Менинг азобим ҳақ бўлгандир.** *(Бас, Макка мушрикларига ҳам Муҳаммад алайҳис-саломни ёлгончи қилганлари учун шак-шубҳасиз, азоб-уқубат бўлур)*. **15. Ана ўшалар**(*нинг барчалари*) **ҳеч тўхтамасдан келадиган биргина даҳшатли қичқириқни кутмоқдалар, холос.** *(Бас, ўша қичқириқ бўлиши билан барча жонзот қайта тирилур ва куфр йўлини тутган кимсалар дўзах азобига дучор бўлурлар)*. **16. Улар** *(яъни, Макка мушриклари масхара қилишиб)*: **"Парвардигоро, бизларга** *(ваъда қилинган азобдан иборат)* **насибамизни ҳисоб-китоб Кунидан илгариёқ** *(яъни, шу ҳаёти дунёдаёқ)* **тезроқ келтира қолгин", дедилар. 17.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Сиз улар айтаётган сўзларга сабр қилинг ва Бизнинг бандамиз** - *(тоат-ибодатда ва сабр-қаноатда)* **қувват соҳиби бўлган Довудни эсланг! Дарҳақиқат, у** *(Оллоҳ рози бўладиган Йўлга)* **қайтгувчидир. 18. Албатта Биз тогларни кечки пайт ва эрталаб** *(яъни, мудом)* **у билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйинсундириб қўйдик. 19. Ва** *(ҳар тарафдан)* **тўплангувчи бўлган қушларни ҳам** *(Довуд билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйинсундириб қўйдик. Тоглар ва қушларнинг)* **барчалари** *(Довудга итоат этишга)* **қайтгувчидир. 20. Яна Биз унинг мулку давлатини кучли-қувватли қилдик ва унга ҳикмат ҳамда аниқ-равшан хитоб** *(яъни, забони гўё)* **ато этдик. 21-22.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Сизга** *(бир-бирлари билан)* **жанжаллашувчи - даъволашгувчи** *(икки жамоат)* **хабари келдими? Ўшанда улар** *(Довуд пайгамбар ибодат қилаётган)* **меҳробга чиқишиб, Довуднинг олдига киришган эди, у улардан қўрқиб кетди. Улар дедилар: "Қўрқмагин.** *(Бизлар)* **биримиз биримизга зулм қилган икки даъволашгувчи** *(жамоат)***дирмиз. Бас, сен бизларнинг ўртамизда ҳақ - адолатли** *(ҳукм)* **билан ҳукм қилгин ва** *(бизлардан бирон тарафга)* **жабр қилмагин ҳамда бизларни текис - Тўгри Йўлга бошлагин". 23.** *(Даъвогарларнинг бири деди)*: **"Дарвоқеъ, мана бу менинг биродарим бўлиб, унинг тўқсон тўққиз совлиқ қўйи бор, менинг эса биргина совлигим бордир. Бас, у** *(шу биргина совлиққа ҳам кўз олайтириб)*: **"Ўшани менга топширгин", деди ва мени бу сўзда - жанжалда енгиб қўйди. 24.** *(Довуд иккинчи даъвогарнинг сўзини*

тинггламасданоқ) деди: "Дарҳақиқат, у сенинг совлиғингни сўраб *(ва)* ўз совлиқларига *(қўшиб олиш)* билан сенга зулм қилибди. Дарвоқеъ, кўп ошна-оғайнилар бир-бирларига зулм қилурлар. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган кишиларгина *(зулм қилмаслар. Аммо)* улар жуда оздирлар". Довуд *(бу ҳодиса воситасида)* Биз уни имтиҳон қилганимизни билди-да, Парвардигоридан *(шошиб ҳукм чиқаргани учун)* мағфират қилишини сўради ва *(саждага)* эгилган ҳолида йиқилиб, тавба-тазарруъ қилди.

И з о ҳ: Ушбу оят сажда оятидир.

25. Бас, Биз унинг ўша *(хатоси)*ни мағфират қилдик. Шак-шубҳасиз, унинг учун Бизнинг ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибат *(яъни, жаннат)* бордир. 26. Эй Довуд, дарҳақиқат, Биз сени Ерда *(ўзингдан аввал ўтган пайғамбарларга ўринбосар -)* халифа қилдик. Бас, сен одамлар орасида ҳақ *(ҳукм)* билан ҳукм қилгин ва *(нафс)* хоҳишига эргашиб кетмагин! Акс ҳолда у сени Оллоҳнинг Йўлидан оздирур. Албатта Оллоҳ Йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб Кунини *(яъни, Қиёматни)* унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир. 27. Биз осмон ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларни беҳуда яратган эмасмиз. Бу *(яъни, улар беҳуда-бемақсад яратилган деган гумон)* кофир бўлган кимсаларнинг гумонидир. Бас, кофир бўлган кимсалар учун дўзах - ҳалокат бўлгай! 28. Биз иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни Ерда бузғунчилик қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўяр эканмизми?! Балки Биз тақводор зотларни фисқу фужур қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўяр эканмизми?! *(Йўқ, асло ундоқ бўлмас!)*

И з о ҳ: Юқоридаги икки оятни шундай тушунмоқ лозим: Оллоҳ таоло осмону замин ва улар ўртасидаги бирон нарсани беҳуда яратган эмасдир. Балки У Зот коинотдаги ҳар бир мавжудотни етук ҳикмат билан яратиб, уларни Ўзининг Ердаги халифаси бўлмиш инсон манфаати учун бўйсундириб қўйди.

Шунингдек, У Зот борлиқдаги ҳар бир нарсага алоҳида сурат ва сийрат ато этиб, то Қиёмат амал қилиб ўтадиган ҳаёт қонунини белгилаб қўйди. Бас, энг кичик заррадан тортиб энг йирик сайёрагача ҳар бир мавжудот Яратган белгилаб қўйган ана ўша қонунга сўзсиз амал қилиши лозим. Акс ҳолда, ҳам Илоҳий қонунни бузувчи ҳалокатга юз тутади, ҳам олам интизомига футур етади. Энди ушбу оламнинг азизу мукаррам бир бўлаги ва Ер юзининг халифаси бўлмиш Инсон учун Оллоҳ таоло томонидан нозил қилинган Илоҳий қонун Шариати Исломийядирки, Оллоҳга иймон

келтирган ва Шариат кўрсатмаларига амал қилган Инсон ҳам ўзи икки дунё саодатига эришади, ҳам унинг атрофидаги олам ундан бирон озор кўрмайди. Аммо Илоҳий қонунни инкор этиб, унга бўйинсунмаган кимсалар эса ўзлари яшаб турган оламга ҳам жабр-зулм қиладилар, ўзлари ҳам мана шу жиноятларига яраша жазоларини оладилар.

Тўгри, кўп ҳолларда ушбу имтиҳон олами бўлмиш ҳаёти дунёда яхши билан ёмон, золим билан мазлум, мўмин билан кофир ёнма-ён - яхши баҳосини, ёмон жазосини олмасдан ҳам ўтавериши мумкин. Аммо имтиҳон ўтиб, ҳаёти дунё ниҳоясига етиб Охират диёрига борилгач, албатта Ер юзидаги халифаликни ўрнига қўйиб иймон ва яхши амаллар билан ўтган тақводор зотлар ўзлари учун тайёрлаб қўйилган мукофотларни, Яратганни унутиб Ерда бузгунчилик қилиб ўтган фосиқлар - кофирлар эса ҳақиқий жазоларини олишлари аниқдир.

29. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, ушбу Қуръон барча одамлар)* **оятларини тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма-ибрат олишлари учун Биз Сизга нозил қилган бир муборак Китобдир. 30. Биз Довудга Сулаймонни ҳадя этдик.** *(Сулаймон)* **нақадар яхши бандадир. Дарҳақиқат, у** *(Оллоҳ рози бўладиган Йўлга)* **қайтгувчидир. 31. Эсланг, унга** *(бир куни)* **кечки пайт гижинглаб тургувчи учқур отлар рўбарў қилинган эди. 32. Бас, у** *(ўша отларга маҳлиё бўлиб, кун ботиш олдида ўқийдиган намози қазо бўлгач),* **деди: "Дарҳақиқат, мен Парвардигоримни эслашдан** *(яъни, ўқийдиган намозимдан қолиб)* **бу суюкли отларни суюб-эркалашга берилиб кетибман! Ҳатто** *(қуёш ҳам)* **парда ортига беркинибди** *(яъни, ботиб кетибди)!* **33. У** *(от)***ларни менга қайтаринглар-чи! Бас, у** *(қилич билан отларнинг)* **оёқ ва бўйинларини "силаш"га киришди** *(ва уларни Оллоҳ Йўлида қурбонлик қилиб юборди)* **34. Дарҳақиқат, Биз Сулаймонни имтиҳон қилдик ва унинг тахти устига бир** *(жонсиз)* **жасадни ташладик. Сўнгра у тавба-тазарруъ қилиб; 35. деди: "Парвардигорим, Ўзинг мени магфират қилгин ва менга ўзимдан кейин биронтаси учун муяссар бўлмайдиган бир мулку давлат ҳадя этгин. Зеро, Ёлгиз Сенинг Ўзинггина** *(барча яхшиликларни)* **Ҳадя этгувчисан".**

И з о ҳ: Ҳадиси шарифда айтилишича, Сулаймон алайҳис-салом ўз куч-қувватларига ишониб бир куни: "Мен бу кеча аёлларимдан етмиштаси билан яқинлик қиламан ва уларнинг ҳар бири менга биттадан Оллоҳ Йўлида курашадиган бола тугиб беради", деб қасам ичиб юбордилар, аммо "Худо хоҳласа", дейишни

унутиб қўйдилар. Шунда Оллоҳнинг хоҳиши билан ўша етмиш аёлдан фақат биргина аёл ҳомиладор бўлди ва ой-куни етмасдан кўзи ёриб, ундан ўлик ҳолда, чала яралган бир бола дунёга келди. Қачонки у аёл ўша чақалоқ мурдасини Сулаймон алайҳис-салом тахтларига келтириб қўйганидан кейингина у зотнинг кўзлари очилиб, ҳар бир иш Ёлғиз Оллоҳ таолонинг хоҳиш-иродаси билан бўлишига яна бир бор иймон келтирдилар ва Яратганга тавба-тазарруълар қилдилар.

36. Бас, Биз *(Сулаймонга)* **унинг амри билан, у истаган томонга майин эсавераднган шамолни бўйинсундирдик. 37. Яна барча** *(баланд қасрларни)* **бино қилгувчи ва** *(денгизларнинг қаъридан дурру гавҳарларни топиб чиқувчи)* **ғаввос шайтонларни** *(яъни, жинларни ҳам Сулаймонга бўйинсундириб қўйдик).* **38. Бошқа** *(бўйинсунмайдиган жин)***ларни эса кишанлар билан боғланган ҳолга солдик. 39.** *(Ва Сулаймонга дедик):* **"Мана шу Бизнинг** *(сенга)* **ато этган нарсамиздир. Бас, сен** *(ушбу неъматлардан ўзинг хоҳлаган кишиларга)* **бергин ёки бермагин** *(сени бу тўғрида)* **ҳисоб-китоб қилинмас". 40. Шак-шубҳасиз,** *(Сулаймон)* **учун Бизнинг ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибат** *(яъни, жаннат)* **бордир. 41.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **бандамиз Айюбнинг Парвардигорига нидо қилиб: "Дарҳақиқат, мени шайтон бало ва азоб билан ушлади", деган пайтини эсланг! 42.** *(Шунда унга айтилди):* **"Оёғинг билан** *(остингдаги Ерни)* **тепгин!"** *(У Оллоҳнинг амрини бажарган эди, ўша ердан бир чашма отилиб чиқди. Сўнг унга айтилди):* **"Мана шу чўмиладиган жой ва муздек ичимлик сувдир".** *(Қачонки Айюб у сувда чўмилиб, сўнг ундан ичгач, унинг барча зоҳирий ва ботиний дардлари дарҳол даво топди).* **43. Ва Биз Ўз томонимиздан меҳрибонлик кўрсатиб ҳамда ақл эгалари учун эслатма-ибрат бўлсин деб,** *(Айюбга)* **аҳли оиласини ва улар билан қўшиб, яна ўшаларнинг мислича** *(бола-чақа)* **ҳадя этдик.**

И з о ҳ: Айюб пайғамбар ва у зотнинг аҳли оилалари ҳақида "Анбиё" сурасининг 84-ояти остида изоҳ берилган эди.

44. *(Яна Биз Айюбга айтдик):* **"Қўлингга бир боғ** *(новдани)* **олиб, у билан** *(хотинингни)* **ургин - қасамингни бузмагин".**

И з о ҳ: Айюб алайҳис-салом касаллик чоғларида боқиб парвариш қилган хотинлари бир куни у кишига бепарволик кўрсатганида Айюб пайғамбар диллари оғриб "Тузалганимда албатта сени юз қамчи ураман", деб қасам ичган эканлар. Шу боисдан шифо топганларидан сўнг Оллоҳ таоло у кишига ичган қасамларининг устидан чиқишлари учун юзта новдани бир боғлам қилиб боғлаб, у билан хотинларини бир марта уришга амр қилди.

Дарҳақиқат, Биз *(Айюбни)* сабр қилгувчи ҳолда топдик. У нақадар яхши бандадир. Ҳақиқатан, у *(Оллоҳ рози бўладиган Йўлга)* қайтгувчидир. 45. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз Бизнинг куч-қувват ва фаҳм-фаросат эгалари бўлган бандаларимиз - Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларни эсланг! 46. Дарҳақиқат, Биз уларни бир тоза *(хислат - мудом Охират)* диёрини эслаш *(хислати)* билан холис қилдик - покладик. 47. Ҳақиқатан, улар Бизнинг ҳузуримизда танланган, яхши кишилардандир. 48. Яна Исмоил, ал-Ясаъ *(Юшаъ пайғамбар)* ва Зул-Кифлни эсланг! Барчалари яхши кишилардандир. 49. Бу *(Биз Сизга сўйлаган қиссалар)* бир эслатмадир. Шак-шубҳасиз, тақводор зотлар учун гўзал оқибат - 50. - улар учун барча дарвозалари ланг очиқ мангу жаннатлар бордир. 51. Улар у жойлардаги *(сўриларда)* ястаниб ўтириб мўл-кўл *(яъни, хоҳлаганларича)* мева-чева ва шароб чақирурлар. 52. Ва уларнинг олдиларида кўзларини *(номаҳрамга боқишдан)* сақлаган *(ёш ва ҳусида)* тенгдош *(қиз)*лар бўлур. 53. Бу *(зикр қилинган нарсалар)* сизларга ҳисоб-китоб *(яъни, Қиёмат)* Куни учун ваъда қилинадиган нарсалардир. 54. Шак-шубҳасиз, бу Бизнинг *(жаннат аҳлига ато этадиган)* ризқу рўзимиздирки, унинг учун тугаб қолиш *(хавфи)* йўқдир. 55. *(Ҳақиқат)* шудир. *(Энди)* ҳеч шак-шубҳасиз, ҳаддан ошгувчи-тугёнга тушгувчи кимсалар учун энг ёмон оқибат - 56. - улар кирадиган жаҳаннам бордир. Бас, нақадар ёмон жой у. 57. Мана бу қайноқ сув ва йирингдир! Бас, улар ўшани тотиб кўрсинлар! 58. Бошқа *(азоб-уқубатлар)* ҳам ўша тур, ўша шаклда бўлур! 59. *(Дўзахга кирган пайтларида кофирларнинг пешволарига ҳаёти дунёда уларга эргашган кимсаларни кўрсатилиб):* "Мана бу *(одамлар)* сизлар билан бирга *(яъни, сизлар сабабли жаҳаннамга)* ташлангувчи жамоатдир", *(дейилганида, пешволар айтдилар):* "Хуш келмадилар! Ҳақиқатан, уларнинг ўзлари дўзахга киргувчи кимсалардир". 60. Улар *(яъни, эргашувчилар пешволарга)* дедилар: "Йўқ, сизлар хуш келмадингиз! *(Чунки)* сизлар ўша *(азоб)*ни бизларга келтирдингиз! Бас, нақадар ёмон жой *(бу дўзах)!"* 61. Улар *(яна)* дедилар: "Парвардигоро, ким бизларга мана шу *(азоб)*ни келтирган бўлса, бас, Ўзинг унга дўзахда азобни бир неча баробар зиёда қилгин". 62. *(Жаҳаннам эгалари бир-бирларига)* айтдилар: "Нега бизлар *(дунёдалик пайтимизда)* ёмонлардан деб ҳисоблаб ўтган кишиларни *(яъни, мўминларни дўзахда)* кўрмаяпмиз-а?! 63. Бизлар ўшаларни масхара қилиб олган эдикми?! Ёки *(улар ҳам бизлар билан мана шу жаҳаннамда бирга-ю, аммо)* кўзларимиз оғиб *(уларни илғамай қолдими)?!"* 64. Албатта дўзах аҳлининг ана шундай талашиб тортишишлари ҳақдир - аниқдир. 65. *(Эй Муҳаммад*

алайҳис-салом, Макка мушрикларига) айтинг: "Мен фақат бир огоҳлантиргувчидирман, холос. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Якка-ю Ёлғиз Ғолиб Оллоҳгина бордир. 66. *(У)* осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсанинг Қудратли ва Мағфиратли Парвардигоридир". 67. Айтинг: "Ўша *(яъни, мен сизларга етказган мана шу сўзлар)* улуғ бир Хабардир. 68. Сизлар эса ундан юз ўгирмоқдасизлар! 69. Мен учун *(Одамнинг Ер юзига халифа қилиниши тўғрисида Оллоҳ таоло билан)* тортишаётган фаришталар ҳақида ҳеч қандай билим йўқ эди. 70. Менга фақат ўзимнинг очиқ-равшан огоҳлантиргувчи эканлигим ваҳий қилинмоқда, холос". 71. Эсланг, Парвардигорингиз фаришталарга деган эди: "Албатта мен лойдан бир одам Яратгувчидирман. 72. Бас, қачон уни тиклаб, унга Ўз руҳимдан пуфлаб киргизганимдан сўнг унга сажда қилган ҳолларингизда йиқилинглар!" 73. Бас, фаришталарнинг барча-барчалари *(Одамга)* сажда қилдилар. 74. Магар иблисгина кибру ҳаво қилиб, кофирлардан бўлди. 75. *(Шунда Оллоҳ)* деди: "Эй иблис, Мен Ўз Қўлларим билан яратган нарсага - Одамга сажда қилишдан нима сени манъ қилди?! Кибру ҳаво қилдингми, ёки сен *(Одамга нисбатан)* юксак мартабали зотлардан эдингми?!" 76. У айтди: "Мен ундан яхшироқдирман. Сен мени оловдан яратгансан, уни эса лойдан яратдинг". 77. *(Оллоҳ)* деди: "Бас, ундан *(яъни, жаннатдан)* чиқ! Энди сен, шак-шубҳасиз, *(Менинг даргоҳимдан)* қувилган - малъунсан. 78. Ва албатта то жазо *(Қиёмат)* Кунигача сенга Менинг лаънатим бўлур". 79. *(Иблис илтижо қилиб)* деди: "Парвардигорим, у ҳолда менга улар тириладиган Кунгача *(ўлмасдан яшаш учун)* муҳлат бергин". 80-81. *(Оллоҳ)* деди: "Бас, сен маълум вақтда етиб келадиган Кунгача *(Қиёматгача)* муҳлат берилганлардансан". 82. *(Иблис)* айтди: "Энди Сенинг қудратингга қасамки, албатта уларнинг ҳаммасини йўлдан оздирурман. 83. Магар уларнинг орасидаги *(айрим)* покиза бандаларинггина *(Ҳақ Йўлдан озмай қолурлар)*". 84-85. *(Оллоҳ)* деди: "Ҳаққа *(қасам)*. Фақат ҳақни айтурманки, албатта Мен жаҳаннамни сен ва *(одамлар)* орасидаги барча сенга эргашган кимсалар билан тўлдирурман!" 86. *(Эй Муҳаммад, алайҳис-салом, уларга)* айтинг: "Мен *(Қуръонни етказганим учун)* сизлардан бирон ажр-ҳақ сўрамайман ва мен сохтакорлардан *(яъни, ёлғондан пайғамбарликни даъво қилгувчи кимсалардан)* ҳам эмасман. 87. *(Ушбу Қуръон)* фақат барча оламлар учун *(Оллоҳ таоло томонидан нозил қилинган)* бир Эслатмадир, холос. 88. Албатта сизлар унинг *(ҳақиқатан ҳам Илоҳий ваҳий эканлиги ҳақидаги)* хабарини *(озгина)* вақтдан сўнг *(Қиёмат Куни)* билиб олурсизлар".

ЗУМАР сураси (39)

Макка сураларидан бўлган бу сура етмиш беш оятдир

Сура Қуръони Каримнинг Оллоҳ таоло томонидан нозил қилинган Китоб эканини таъкидлаш билан бошланиб, сўнгра Пайғамбар алайҳис-саломни ва барча инсонларни Ёлгиз Оллоҳ учун холисанлиллоҳ ибодат қилишга буюрилади.

Бу сурада Еру осмон ва уларнинг ўртасидаги барча мавжудотни йўқдан бор қилган Оллоҳ таоло ҳар бир нарсага ўзига хос сурат ва сийрат ато этгани ҳамда уларнинг ҳар бирига алоҳида вазифа юклаб қўйгани, демак, бу олам корхонасидаги ҳар бир нарса фақат Яратган буюрган ва имкон берган иш-амални қилиб ўтиши аниқ эканлиги уқтириб ўтилади. Сўнгра инсоният учун Оллоҳ таолодан ўзга бирон кимса ё нарсага сигиниш - ибодат қилиш дуруст эмаслиги хусусида сўзланиб, биргина Хожага бўйсуниб, фақат Унингтина буйруқ-фармонини бажаришга ва фақат Унигина рози қилишга ҳаракат қиладиган хизматкор билан бир неча хўжайин ўртасида қолиб, уларнинг қайсиларини кўнглини олишни билмай, балки уларнинг бирорталарини тўла рози қилиш имконини топа олмай аросатда қолган хизматкор баробар эмаслиги ҳақида ибратли мисол келтирилади.

Сура ниҳоясида Маҳшар Кунидаги ҳисоб-китоб тасвирланиб. у Кунда ҳеч кимга зулм қилинмаслиги, билъакс иймон ва яхши амаллар қилиш билан яшаб ўтган мўминлар тўп-тўп бўлган ҳолда жаннатга, куфру исён билан ўтган кофирлар эса тўда-тўда қилиниб жаҳаннамга ҳайдалиши ҳақида хабар берилади. Суранинг "Зумар - Гуруҳлар" деб номланишининг боиси ҳам шудир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Ушбу Қуръон)* **Қудратли ва Ҳикматли Оллоҳ томонидан нозил қилинган Китобдир.2.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **албатта Биз Сизга бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик, бас, Сиз Оллоҳга - У Зот учун Дининигизни холис қилган ҳолда ибодат қилинг! 3.** *(Эй*

шсонлар), огоҳ бўлингизким, холис Дин Ёлғиз Оллоҳникидир *(яъни, Ёлғиз Оллоҳгина чин ихлос билан ибодат қилинишга лойиқ Зотдир).* У Зотдан ўзга "дўстлар"ни *("худо")* қилиб олган кимсалар: "Биз *(ўша "худо"ларимизга)* фақат улар бизни Оллоҳга яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз", *(дерлар).* Шак-шубҳа йўққи, Оллоҳ *(Қиёмат Кунида)* улар ихтилоф қилаётган нарсалар хусусида уларнинг ўртасида ҳукм қилур. Шак-шубҳа йўққи, Оллоҳ ёлғончи ва кўрнамак кимсаларни ҳидоят қилмас. 4. Агар Оллоҳ бола-чақа тутишни истаса, сўзсиз Ўзи яратган нарсаларидан хоҳлаганини танлаб олган бўлур эди. У Зот *(бундай айбдан)* Покдир. У Якка-ю Ягона ва Ғолиб Оллоҳдир. 5. У осмонлар ва Ерни Ҳақ *(қонун)* билан яратгандир. У кечани кундузнинг устига ўрар, кундузни кечанинг устига ўрар. У қуёшни ҳам, ойни ҳам *(Ўз амрига)* бўйсундириб қўйгандир. *(Уларнинг)* ҳар бири маълум муддатгача жорий бўлур. Огоҳ бўлингизким, У Қудратли ва бениҳоя Мағфиратли Зотдир. 6. У сизларни бир жондан *(Одамдан)* яратди, сўнгра ундан жуфтини *(яъни, Ҳаввони пайдо)* қилди ва сизлар учун чорва ҳайвонларидан саккизта жуфтни туширди *(яъни, дунёга келтирди).* У сизларни оналарингизнинг қорнида уч *(қават)* зулмат ичида аста-секин яратур. Мана шу Оллоҳ Парвардигорларингиздир. Барча подшоҳлик Ёлғиз Уникидир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. Бас, *(ана Ўша Зотга ибодат қилмай)* қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар-а?!

Изоҳ: Ушбу ояти каримадаги саккизта жуфт чорва ҳайвонидан мурод туя, мол, қўй ва эчкининг эркак ва урғочи жинсларидир. Чунки улардан ҳар бир жинс вакили ўз муқобилидаги жинс вакилига нисбатан жуфт ҳисобланади. Бинобарин мазкур тўрт тур ҳайвон эркак ва урғочи бўлиб саккизта жуфтдир.

Энди она қорнидаги уч қават зулмат - она қорни, бачадон ва боланинг йўлдошидир, боланинг аста-секин яратилиши эса унинг она қорнида аввал нутфа, сўнгра лахта қон, сўнгра бир тишлам гўштга айланиб аста-секин ривожланиб боришидир.

7. Агар сизлар кофир бўлсангизлар, бас, албатта Оллоҳ сизлардан Беҳожатдир. *(Аммо)* У Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас. Агар шукр қилсангизлар *(ва иймон келтирсангизлар)* У Зот сизлар учун *(фақат шукр қилиб, иймон келтиришларингизгагина)* рози бўлур. Ҳеч бир кўтаргувчи *(яъни, гуноҳкор жон)* ўзга жоннинг юкини *(яъни, гуноҳини)* кўтармас. Сўнгра Ёлғиз Парвардигорларингизга қайтишларингиз бордир.

Бас, У Зот сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур. Албатта У диллардаги сирларни Билгувчидир. 8. Қачон инсонни бирон зиён ушласа, у Парвардигорига тавба-тазарруъ қилган ҳолида дуо-илтижо қилур. Сўнгра қачон *(Оллоҳ)* Ўз томонидан унга бирон неъмат ато этса, *(инсон)* илгари *(Оллоҳга)* қилган дуо-илтижоларини унутиб қўюр ва *(ўзгаларни ҳам Оллоҳнинг)* Йўлидан оздириш учун У Зотга "тенг"ларни *(ўйлаб)* топур. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Сен ўз куфринг билан *(бу ўткинчи дунёда)* озгина фойдаланиб қол! Шак-шубҳасиз, сен дўзах эгаларидандирсан". 9. Ёки кечалари сажда қилган ва қиёмда-тик турган ҳолда тоат-ибодат қилгувчи, Охиратдан қўрқадиган ва Парвардигорининг раҳмат-марҳаматидан умид қиладиган киши *(билан куфру исёнга гарқ бўлган кимса баробар бўлурми)?!"* Айтинг: "Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!" Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина панд-насиҳат олурлар. 10. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Менинг иймон келтирган бандаларимга айтинг: "Парвардигорингиздан қўрқингиз! Бу дунёда чиройли амал қилган зотлар учун *(Охиратда)* чиройли *(оқибат-жаннат)* бордир. Оллоҳнинг Ери кенгдир. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўкис қилиб берилур.

Изоҳ: Ушбу оятда сўз ҳижрат ҳақидадир. Парвардигордан қўрқиб, тақводорлик билан яхши амал қилган зотларнинг амаллари зое бўлмаслиги уқтирилиб, энди агар киши ўз ватанида золим ҳоким, ёки носоз тузум сабабли Оллоҳ таолога ибодат қилишдан маҳрум этилса, у ҳолда ўзга юртларга - Оллоҳ таолога бехалал тоат-ибодат қилиш мумкин бўлган жойларга ҳижрат қилиши вожиб бўлиши, зотан, Оллоҳнинг Ери кенг эканлиги уқтирилади ва Дину иймон йўлида ўз диёрларидан ҳижрат қилгач, ватан ҳижрони ва мусофирлик меҳнат-машаққатларига сабр-тоқат қилган кишилар учун беҳисоб ажр-мукофотлар бўлиши ҳақида хабар берилади.

11. Айтинг: "Дарҳақиқат, мен Оллоҳга У Зот учун Динимни холис қилган ҳолда ибодат қилишга буюрилганман. 12. Ва мен мусулмонларнинг - бўйинсунгувчиларнинг аввали - пешқадами бўлишга буюрилганман. 13. Айтинг: "Албатта мен агар Парвардигоримга осий бўлсам, улуғ Куннинг азобидан қўрқурман". 14. Айтинг: "Мен Ёлғиз Оллоҳга У Зот учун Динимни холис қилган ҳолда ибодат қилурман. 15. Энди сизлар эса *(эй мушриклар),* У Зотни қўйиб, ўзларингиз хоҳлаган бутларингизга

ибодат қилаверинглар, *(яқинда бу ширкларингизнинг оқибати қандай бўлишини жуда яхши билиб олурсизлар!" "Эй Муҳаммад алайҳис-салом, агар ота-боболарингнинг динидан чиқсанг, зиёнкор бўлурсан", дейдиган мушрикларга)* айтинг: "Албатта зиёнкорлар Қиёмат Кунида ўзларига ҳам, аҳли оилаларига ҳам зиён қилгувчи *(яъни, ўзи ҳам мушрик бўлиб, аҳли-оиласини ҳам Тўғри Йўлдан оздиргани сабабли Қиёмат Кунида ўзи ва аҳли оиласи дўзах азобига гирифтор бўлгувчи)* кимсалардир. Огоҳ бўлингизким, ана шугина очиқ зиёнкорликдир". 16. Улар учун устларидан ҳам оловдан бўлган "соябонлар", остларидан ҳам *(оловдан бўлган)* "соябонлар" бўлур. Бу *(бўлажак азоб-уқубат)* билан Оллоҳ Ўз бандаларини қўрқитур. Эй бандаларим, Мендан қўрқингиз! 17-18. Шайтондан - унга ибодат қилишдан йироқ бўлган ва Оллоҳга *(яъни, Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилишга)* қайтган зотлар учун *(жаннат)* хушхабари бўлсин! Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Менинг бандаларимга - сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига *(яъни, нажотга элтгувчи рост Сўзга)* эргашадиган зотларга хушхабар беринг! Ана ўшалар Оллоҳ ҳидоят қилган зотлардир. Ва ана ўшаларгина ақл эгаларидир. 19. Ахир бир кимсага азоб Сўзи *(яъни, азобга дучор бўлиш)* ҳақ бўлса, *(Сиз уни ҳидоят қилишга қодир бўлурмисиз)?!* Ахир Сиз дўзахдаги кимсани қутқара олурмисиз?! 20. Лекин Парвардигорларидан қўрққан зотлар учун *(жаннатда)* устма-уст қурилган хоналар бўлиб, уларнинг остидан дарёлар оқиб турар. *(Бу)* Оллоҳнинг ваъдасидир! Оллоҳ ваъдасига хилоф қилмас. 21. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Оллоҳ осмондан сув *(ёмғир-қор)* ёғдириб, уни Ердаги булоқлар-чашмалар қилиб оқизиб қўйганини кўрмадингизми? Сўнгра у *(сув)*нинг ёрдамида ранго-ранг экин-тикин чиқарур, сўнгра у қуриб-қовжирар, бас, Сиз уни сарғайган ҳолда кўрурсиз, сўнгра *(Оллоҳ)* уни хас-хашакка айлантирур. Албатта бунда ақл эгалари учун эслатма-ибрат бордир. 22. Ахир Оллоҳ кўксини Ислом учун кенг қилиб қўйган, бас, ўзи Парвардигори томонидан бир Нур - Ҳидоят устида бўлган киши *(куфр зулматларида адашиб-улоқиб юрган кимса билан баробар бўлурми)?!* Бас, диллари Оллоҳни эслашдан қотиб қолган *(яъни, Оллоҳни эслашни тарк қилган)* кимсаларга ҳалокат бўлгай! Улар очиқ залолатдадирлар! 23. Оллоҳ энг гўзал Сўзни *(оятлари фасоҳат ва балоғатда)* бир-бирига ўхшаган, *(ичидаги ҳукмлари)* такрор-такрор келгувчи бир Китоб - Қуръон қилиб нозил қилдики, *(ундаги Оллоҳнинг азоби ҳақидаги оятларни тиловат қилганларида)* Парвардигорларидан қўрқадиган зотларнинг

терилари - баданлари титраб кетар, сўнгра терилари - баданлари ҳам, диллари ҳам Оллоҳнинг зикрига юмшар - мойил бўлур. Мана шу *(Китоб)* **Оллоҳнинг Ҳидоятидирки, унга Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Ва кимни Оллоҳ йўлдан оздирса, бас, унинг учун бирон ҳидоят қилгувчи бўлмас. 24. Ахир Қиёмат Кунида ёмон азобдан ўз юзи билан сақланадиган кимса** *(у Кундаги ҳар қандай азобдан тинч-хотиржам киши билан баробар бўлурми)?!* *(У Кунда)* **золим-кофирларга "Ўзларингиз касб қилиб ўтган нарсани** *(яъни, динсизлик мевасини)* **тотиб кўринглар!" дейилди.**

И з о ҳ: "Қиёмат Кунидаги ёмон азобдан ўз юзи билан сақланадиган кимса" дейилганида қўллари кишанбанд бўлгани сабабли у қўллар билан юзларини дўзах ўтидан тўсишга қодир бўлмайдиган ва оқибат-натижада у оловда аввал юзлари куядиган кимсалар тушунилади.

25. Улардан *(Макка мушрикларидан)* **аввалгилар ҳам** *(ўз пайғамбарларини)* **ёлғончи қилганларида, уларга азоб ўзлари сезмайдиган томондан келган эди. 26. Бас, Оллоҳ уларга мана шу ҳаёти дунёда расволикни тоттирди. Шак-шубҳасиз, Охират азоби янада каттароқдир. Агар улар** *(Оллоҳнинг азобини)* **билсалар эди** *(ўз пайғамбарларини ёлғончи қилмаган бўлур эдилар).* **27. Аниқки, Биз ушбу Қуръонда одамлар учун турли мисоллар келтирдик. Шояд эслатма-ибрат олсалар. 28.** *(Биз уни)* **бирон эгрилик эгаси бўлмаган арабий Қуръон ҳолида** *(нозил қилдик).* **Шояд** *(Оллоҳдан)* **қўрқсалар. 29. Оллоҳ** *(шундай)* **бир мисол келтирди: бир киши - қул борки, унинг устида талашгувчи шериклар** *(яъни, хожалар)* **бор. Яна бир киши - қул борки, у бус-бутун ҳолида бир киши хожаникидир. Иккисининг мисоли баробар бўлурми?!** *(Йўқ, баробар бўлмас. Худди шунингдек бир неча "худо"ларга сиғинадиган мушрик билан Ёлғиз Оллоҳгагина бандалик қиладиган мўмин ҳам баробар бўлмас).* **Ҳамду сано** *(Ёлғиз)* **Оллоҳ учундир. Йўқ, уларнинг кўплари билмаслар,** *(бас, ана шу сабабдан турли "худо"ларга сиғинурлар).* **30.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **ҳеч шак-шубҳасиз, Сиз ҳам ўлгувчидирсиз, улар ҳам ўлгувчидирлар. 31. Сўнгра албатта сизлар Қиёмат Кунида Парвардигорларингиз ҳузурида** *(бир-бирларингиз билан)* **талашиб-тортишурсизлар** *(ва Сиз ўз зиммангиздаги Пайғамбарликни тўла-тўкис етказганингизга ҳужжат келтирурсиз, улар эса Сизни ёлғончи қилиб куфру залолатда ўтганларига турли баҳоналарни рўкач қилурлар, аммо Оллоҳнинг адолатли ҳукмидан қочиб қутула олмаслар)!*

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ЖУЗЪ

32. Ахир Оллоҳ шаънига *(Унинг шериги ва бола-чақаси бор", деб)* ёлғон сўзлаган ва Рост - Қуръонни ўзига келиб-етган пайтидаёқ *(ўйламай-нетмай)* ёлғон деган кимсадан ҳам золимроқ бирон кимса бормиї! Ё жаҳаннамда кофирлар учун жой йўқми?! 33. Рост Қуръонни келтирган зот *(яъни, Муҳаммад алайҳис-салом)* ва уни тасдиқ этган *(мўминлар)* - ана ўшалар тақводор зотлардир. 34. Улар учун Парвардигорлари ҳузурида *(яъни, жаннатда)* ўзлари хоҳлаган нарсалари бордир. Бу чиройли амал қилгувчи кишиларнинг мукофотидир. 35. Зеро, Оллоҳ уларнинг қилган ёмон амалларини ўчириб, қилиб ўтган энг чиройли амалларининг ажри билан мукофотлар. 36. Оллоҳ Ўз бандасига *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломга, у кишини барча бало-қазодан асраш учун)* етарли эмасми?! *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, улар Сизни *(Оллоҳдан)* ўзга бутлари билан қўрқитурлар.

Изоҳ: Қурайш кофирлари Пайғамбар алайҳис-саломни "Сен бизнинг худоларимизни айблаётганинг сабабли улар сени ҳалок қилмасалар эди", деб қўрқитмоқчи бўлганларида, ушбу оят нозил бўлиб, Оллоҳ Ўз бандасини ҳар қандай ёмонликдан асрашга Қодир эканини уқтиради ва жонсиз бут-санамларга сиғинадиганларни йўлдан озган кимсалар, деб атайди.

Кимни Оллоҳ йўлдан оздирса, бас, унинг учун бирон ҳидоят қилгувчи бўлмас. 37. Кимни Оллоҳ ҳидоят қилса, бас, унинг учун бирон йўлдан оздиргувчи бўлмас. Оллоҳ Қудратли ва *(Ўз душманларидан)* Интиқом олгувчи эмасми?! 38. Қасамки, агар Сиз улардан: "Осмонлар ва Ерни ким яратган", деб сўрасангиз, улар албатта "Оллоҳ" дерлар. Айтинг: "Энди хабар беринглар-чи, сизлар Оллоҳни қўйиб дуо-илтижо қилаётган бутларингиз - агар Оллоҳ менга бирон зиён етказишни истаса - ўша *(бутлар)* У Зотнинг зиёнини аритга олгувчимилар? Ёки *(Оллоҳ)* менга бирон марҳамат қилишни ирода қилса, ўша *(бутлар)* У Зотнинг марҳаматини ушлаб - тўхтатиб қолгувчимилар?!" Айтинг: "Менга Оллоҳнинг Ўзи етарлидир. Таваккул қилгувчи - суянгувчи зотлар ёлгиз Унга таваккул қилурлар". 39-40. Айтинг: "Эй қавмим, жойингиздан жилмай *(яъни, куфрингиздан қайтмай)* амалингизни қилаверинг. Мен ҳам *(Парвардигорим буюрган)* амални қилгувчиман. Бас, яқинда кимга расво қиладиган азоб келишини ва мангу азоб тушишини билажаксизлар!" 41. Албатта Биз Сизга

бу Китобни барча одамлар *(билиб, амал қилишлари)* **учун ҳаққи-рост нозил қилдик. Бас, ким Ҳидоят Йўлига юрса, ўз фойдасига** *(юрган бўлур)*. **Ким** *(бу Ҳидоят Йўлидан)* **озса, фақат ўзининг зиёнига адашган бўлур. Сиз уларнинг устида вакил - қўриқчи эмассиз. 42. Жонларни ўша** *(жон)***лар ўладиган вақтида Оллоҳнинг Ўзи вафот қилдирур,** *(ҳали-ҳануз)* **ўлмаган** *(жонлар)***ни ҳам ухлаётган пайтларида** *(Оллоҳнинг Ўзи)* **олур. Сўнг** *(ўша уйқудаги)* **Ўзи ўлимга ҳукм қилган жонларни** *(баданларга қайтармасдан, яъни, уйқуларидан уйғотмасдан)* **ушлаб қолур, бошқаларини** *(яъни, ҳали ўлимга ҳукм қилинмаган жонларни)* **эса белгиланган бир муддаттача** *(яъни, ажаллари етгунича)* **қўйиб юборур. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир.**

Изоҳ: Дарҳақиқат, ўлим - узун уйқу, уйқу эса қисқа ўлимдир. Маълумки, кундалик одатдаги уйқуга чўмган кишилар ичидан куни битганлари уйғонмасдан - қайта ҳаётга келмасдан дунё ҳаётидан Охират диёрига ўтиб кетадилар. Лекин ҳали-ҳануз ажаллари етмаган кишиларга эса қайтадан ҳаёт ато этилади ва улар ўлимдан ҳаётга қайтганларидан бехабар ҳолда одатдаги уйқудан уйғондим, деб хаёл қиладилар. Аммо тафаккур қиладиган ақлли кишилар эса бу янги кун Яратган томонидан берилган янги ҳаёт эканини англаб, ибрат оладилар.

43. *(Йўқ, мушриклар тафаккур қилмадилар)*, **балки улар Оллоҳдан ўзга "қўлловчилар"ни** *(яъни, ўзларининг гумонларича уларни Оллоҳ ҳузурида шафоат қиладиган "қўлловчи" - бутларни)* **ушлаб олгандирлар?** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **айтинг:** *"(Ўша жонсиз бутлар сизларни оқлайдими?!)* **Агар улар бирон нарсага эга бўла олмайдиган ва** *(бирон нарсани)* **англамайдиган бўлсалар ҳам-а!". 44. Айтинг: "Барча шафоат-қўллаш Ёлғиз Оллоҳникидир. Осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги ҳам Уникидир. Сўнгра** *(барчаларингиз)* **Ёлғиз Унгагина қайтарилурсизлар". 45. Қачон Ёлғиз Оллоҳ зикр қилинса Охиратга иймон келтирмайдиган кимсаларнинг диллари сиқилиб кетар. Қачон У Зотдан ўзга бутлар зикр қилинганида эса баногоҳ улар шодланиб кетурлар. 46. Айтинг: "Оллоҳим,** *(эй)* **осмонлар ва Ерни илк Яратгувчи Зот,** *(эй)* **ғайбу шаҳодатни** *(яъни, яширин ва ошкор нарсаларни)* **Билгувчи Зот, Ёлғиз Ўзинггина бандаларинг ўртасида улар ихтилоф қилиб ўтган нарсалар ҳақида ҳукм қилурсан". 47. Агар золим-кофир кимсалар учун Ердаги бор нарса ва у билан бирга яна ўшанинг мислича нарса бўлса, албатта улар Қиёмат Кунидаги азобнинг ёмонлигидан, ўша** *(қўлларидаги бор нарсаларини)* **тўлов қилиб**

бериб юборган бўлур эдилар. *(Чунки у Кунда)* уларга Оллоҳ томонидан улар ўйлаб ҳам кўрмаган нарсалар - азоблар кўринди. 48. Уларга ўзлари касб қилган ёмонликлари ошкор бўлди ва уларни ўзлари *(дунёдалик чоғларида)* масхара қилиб ўтган *(азоб)* ўраб олди. 49. Бас, қачон инсонни бирон зиён ушласа, У Бизга дуо-илтижо қилур. Сўнгра қачон Биз Ўз томонимиздан унга бирон неъмат ато этсак, у "Ҳеч шак-шубҳасиз, бу *(неъмат)* менга ўзимнинг билимдонлигим сабабли берилди", дер. *(Йўқ, у неъмат ўша инсоннинг саъй-ҳаракати ва донолиги учун берилган эмас),* балки у *(ўша банданинг шукр ё кўрнамаклик қилишини билиш учун бир)* синов-имтиҳондир. Лекин уларнинг кўплари билмаслар. 50. У *(сўз)*ни улардан аввалгилар ҳам айтган эдилар. Бас, уларга ўзлари касб қилиб топган нарсалари асқотгани йўқ. 51. Бас, уларга қилган ёмонликлари етди. Ана улардан *(Макка мушрикларидан)* бўлган золим кимсаларга ҳам яқинда қилган ёмонликлари етар. Улар ҳам қочиб қутилгувчи эмасдирлар. 52. Ахир улар Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишининг ризқини кенг қилишини ва *(Ўзи хоҳлаган кишининг ризқини)* танг қилишини билмадиларми?! Албатта бунда иймон келтирадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 53. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Менинг *(турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан)* ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: "Оллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Оллоҳ *(Ўзи хоҳлаган бандаларининг)* барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина Мағфиратли, Меҳрибондир. 54. Сизларга азоб келиб, сўнгра ёрдам берилмай қолишидан илгари *(яъни, Оллоҳнинг бирон бало-қазосига дучор бўлмай туриб)* Парвардигорларингизга қайтинглар ва Унга бўйинсунинглар! 55. Сизларга, ўзларингиз сезмаган ҳолингизда тўсатдан азоб келиб қолишидан илгари Парвардигорларингиз томонидан сизларга нозил қилинган энг гўзал Нарсага - Қуръонга эргашинглар! 56. Бирон жон: "Оллоҳ ҳақида *(яъни, У Зотга тоат-ибодат қилишда)* сусткашлик қилганимга надомат бўлгай! Ростдан ҳам мен *(Унинг Динини ва Қуръонини)* масхара қилгувчилардан бўлган эдим", деб қолмаслиги учун; 57. Ёки: "Агар Оллоҳ мени ҳидоят қилганида, албатта тақводорлардан бўлур эдим", деб қолмаслиги учун; 58. Ёки азобни кўрган чоғида: "Қани эди мен учун яна бир карра *(яшашнинг имкони)* бўлса-ю, мен ҳам чиройли амал қилгувчилардан бўлсам", деб қолмаслиги учун *(Қуръонга эргашинглар)!* 59. *(Акс ҳолда унга Оллоҳ томонидан айтилур):* "Йўқ, *(Мен сенга Ҳидоят Йўлини кўрсатган эдим)* аниқки, сенга Менинг

оятларим келганида, сен уларни ёлғон деган эдинг ва кибр-ҳаво қилиб, кофирлардан бўлган эдинг!" 60. Қиёмат Кунида Оллоҳ шаънига ёлғон сўзлаган кимсаларни юзлари қора ҳолда кўрурсиз. Ё жаҳаннамда мутакаббир кимсалар учун жой йўқми?! 61. Оллоҳ тақво қилган зотларни *(жаннатга)* эришганлари сабабли *(жаҳаннам азобидан)* қутқарур - уларга бирон ёмонлик ҳам етмас ва улар ғамгин ҳам бўлмаслар. 62. Оллоҳ барча нарсанинг Яратувчисидир. У барча нарсанинг устида Вакил-Ҳомийдир. 63. Осмонлар ва Ернинг очқичлари Унинг *(қўл остидадир)*. Оллоҳ оятларига кофир бўлган кимсалар - ана ўшаларгина зиён кўргувчилардир. 64. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, у мушрикларга)* айтинг: "Ҳали сизлар мени Оллоҳдан ўзгага ибодат қилишга буюрурмисизлар, эй нодонлар!" 65. Дарҳақиқат, Сизга ҳам, Сиздан аввалги *(пайғамбарларга)* ҳам *(шундай)* ваҳий қилингандир: "Қасамки, агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўргувчилардан бўлиб қолурсан! 66. Йўқ, сен Ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қилгин ва шукр қилгувчилардан бўлгин!" 67. Улар *(мушриклар)* Оллоҳни тўғри таний олмадилар! Бутун Ер Қиёмат Кунида Унинг қабзаси - чангали*(дадир)*. Осмонлар эса Унинг Қўлида йиғилгандир. У Зот уларнинг ширкларидан Пок ва Юксакдир. 68. Сур чалинди-ю, осмонлар ва Ердаги бор жонзот ўлди, магар Оллоҳ хоҳлаган зотларгина *(тирик қолдилар)*. Сўнгра у иккинчи бор чалинди-да, баногоҳ улар *(яъни, барча халойиқ қайта тирилди ва қабрларидан)* туриб, *(Оллоҳнинг амрига)* кўз тутарлар. 69. Ер *(яъни, маҳшаргоҳ)* Парвардигорининг нури билан ёришди; китоб - номайи аъмол *(ҳисоб-китоб қилиш учун ҳозирлаб)* қўйилди; пайғамбарлар ва гувоҳлар келтирилди ва уларнинг *(яъни, барча бандаларнинг)* ўрталарида *(биронталарига)* зулм қилинмаган ҳолда ҳақ *(ҳукм)* билан ҳукм қилинди. 70. Ва ҳар бир жонга қилган амали*(нинг мукофот ёки жазоси)* комил қилиб берилди. *(Оллоҳ)* уларнинг қилар ишларини жуда яхши билур; 71. Ва кофир бўлган кимсалар тўда-тўда қилиниб жаҳаннамга ҳайдалди. То қачон улар *(жаҳаннамга)* келиб етганларида, унинг дарвозалари очилди ва унинг қўриқчилари *(кофирларга)*: "Сизларга ўзларингиздан бўлган пайғамбарлар - Парвардигорларингизнинг оятларини сизларга тиловат қилган ҳолларида ва сизларни мана шу Кунингиздаги мулоқотдан огоҳлантирган ҳолларида келмаганмидилар", деганларида улар "Ҳа, *(келганлар)*, лекин азоб Сўзи кофирлар устига ҳақ бўлгандир, *(бас, бизлар ҳам уларни ёлғончи қилганимиз сабабли мана шу азобга*

гирифтор бўлдик)", дедилар. 72. *(Шунда уларга)* айтилди: "Жаҳаннам дарвозаларидан кирынглар! Сизлар ўша жойда мангу қолурсизлар!" Бас, *(Оллоҳ таолога иймон келтиришдан ва яхши амаллар қилишдан)* кибр-ҳаво қилгувчи кимсаларнинг жойлари нақадар ёмондир! 73. Парвардигорларидан қўрққан зотлар эса тўп-тўп ҳолда жаннатга "ҳайдалдилар". То қачон улар дарвозалари очилган ҳолдаги *(жаннатга)* келиб етганларида ва унинг қўриқчилари: "Сизларга тинчлик-омонлик бўлсин! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолгувчи бўлган ҳолларингизда кирингиз", деганларида *(улар беҳад шодланурлар)*. 74. Ва "Бизларга ваъдасини рост қилган ва бизларни бу *(жаннат)* ерига ворис қилган ҳамда жаннатдан ўзимиз хоҳлаган тарафда жой-ўрин олишимизга *(муваффақ қилган)* Оллоҳга ҳамду сано бўлсин", дерлар. Бас, *(чиройли)* амал қилгувчи зотларнинг ажр-мукофоти нақадар яхшидир! 75. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз *(ўша Кунда)* фаришталар Арш атрофини ўраб олган ҳолларида Парвардигорларига ҳамду сано айтиш билан - *(У Зотни)* поклаб-тасбеҳ айтаётганларини кўрурсиз. *(Зеро),* уларнинг *(яъни, барча бандаларнинг)* ўрталарида ҳақ *(ҳукм)* билан ҳукм қилинди. Ва "ҳамду сано барча оламларнинг Парвардигори бўлмиш Оллоҳ учундир", дейилди.

ҒОФИР сураси (40)

Қуръони Каримдаги суралар тартибида пайдар-пай жойлашиб, "Ҳо, Мим" ҳарфлари билан бошланадиган етти суранинг аввалгиси бўлган бу сура Маккада нозил қилинган. У саксон беш оятдир.

Суранинг аввалида ушбу Қуръонни нозил қилган Зот - Оллоҳ таолонинг улуғ сифатларидан бир нечаси санаб ўтилади. Улардан бири "Ғофир - Мағфират қилгувчи" сифати бўлиб, сура мана шу улуғ сифат билан номлангандир.

Бу сурада ҳам сўз бошқа Макка сураларида бўлгани каби Исломий ақида атрофида бориб, Ҳақ билан ботил, иймон билан туғён ўртасидаги Одам Ато давридан буён давом этиб келаётган кураш Илоҳий қалам билан чизиб берилади.

Бу сурада фаришталар туну кун дуо-ю тасбеҳларида Яратгандан мўминларнинг гуноҳларини мағфират қилишини сўраб дуо-илтижо қилишлари ҳақида хабар берилади. Шунингдек, бу сурада ҳам Мусо пайғамбар билан Фиръавн ўртасида бўлиб ўтган можаролар баён қилиниб, бошқа сураларда зикр қилинмаган бир лавҳа анча батафсил тасвирланадики, у ҳам бўлса Фиръавн хонадонидан бўлган ва ўзининг Оллоҳ таолога иймон келтирганини сир тутиб юрган бир мўмин кишининг қиссасидир. Шунинг учун бу сурани "Мўмин" сураси деб ҳам атайдилар.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Ҳо, Мим. 2-3. *(Ушбу Қуръон)* **Қудратли ва Билгувчи, гуноҳни Мағфират қилгувчи, тавба-тазарруъни Қабул қилгувчи, азоби қаттиқ ва инъом-эҳсон Эгаси бўлмиш Оллоҳ томонидан нозил қилинган Китобдир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. Фақат Унинг Ўзига қайтилур. 4. Оллоҳнинг оятлари ҳақида фақат кофир бўлган кимсаларгина талашиб-тортишурлар. Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сизни уларнинг шаҳарларида кезишлари алдаб қўймасин!**

И з о ҳ: Ушбу оятда Пайғамбар алайҳис-салом ва барча мўминларга хитоб қилиниб, Оллоҳнинг оятларига иймон

келтирмаган кимсаларнинг Ҳақ таоло азобига дучор бўлмай соғ-саломат шаҳарма-шаҳар кезиб юришлари ва савдо-сотиқлари ҳам ривож топаётганини кўриб, алданиб қолмаслик лозимлиги уқтирилмоқда ҳамда ундай кимсалар гарчи бу фоний дунёда айшу ишрат билан ўтсалар-да, Охиратда мангу азобга гирифтор бўлишлари шубҳасиз, эканлигига ишора қилинмоқда.

5. Улардан *(яъни, Макка кофирларидан)* илгари Нуҳ қавми ва у *(қавмдан)* кейинги *(Од, Самуд қабилалари каби турли)* ҳизблар - фирқалар ҳам *(ўз пайғамбарларини)* ёлғончи қилганлар. *(Ўша миллатлардан)* ҳар бир миллат ўзларининг пайғамбарларини тутишга-ўлдиришга қасд қилган ва ботил *(ҳужжатлар)* билан талашиб-тортишиб, унинг ёрдамида Ҳақни енгмоқчи бўлган эдилар. Шунда Мен уларни *(ўз азобим билан)* ушладим. Бас, Менинг азобим қандай бўлди?! 6. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Сизнинг қавмингиз орасидаги)* кофир бўлган кимсаларнинг устига ҳам Парвардигорингизнинг Сўзи - азоби мана шундай ҳақ бўлгандир, албатта улар дўзах эгаларидир. 7. Аршни кўтариб турадиган ва унинг атрофидаги *(фаришталар)* Парвардигорларига ҳамду сано айтиш билан *(У Зотни барча айбу нуқсонлардан)* поклаб-тасбеҳ айтурлар ва У Зотга иймон келтирурлар, ҳамда иймон келтирган кишиларни мағфират қилишини сўрарлар: "Парвардигоро, Ўзинг раҳмат-меҳрибонлик ва илм жиҳатидан барча нарсадан кенгдирсан. Бас, тавба-тазарруъ қилган ва Сенинг Йўлингга эргашган кишиларни Ўзинг мағфират қилгин ва уларни дўзах азобидан сақлагин. 8. Парвардигоро, уларни ҳам, уларнинг ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётлари орасидаги солиҳ-мўмин бўлган кишиларни ҳам Ўзинг уларга ваъда қилган мангу жаннатларга дохил қилгин. Албатта Сенинг Ўзингтина қудрат ва ҳикмат Соҳибидирсан. 9. Ўзинг уларни ёмонликлардан асрагин. Кимни ўша Кундаги *(Қиёматдаги)* ёмонликлардан асрасанг, бас, ҳақиқатан, унга раҳм-шафқат қилибсан. Мана шу буюк саодатдир". 10. Шубҳа йўқки, кофир бўлган кимсаларга *(Қиёмат Кунида дўзахга ташланиб, шундай азобга дучор қилган нафсларини лаънатлаб турган вақтларида)*: "Сизлар *(ҳаёти дунёда)* иймонга чорланиб *(иймон келтириш ўрнига)* кофир бўлган чоғларингиздаги Оллоҳнинг ғазаби-ёмон кўриши сизларнинг *(бу Кундаги)* ўз нафсларингизни ёмон кўришингиздан каттароқдир", деб нидо қилинур. 11. Улар дедилар: "Парвардигоро, Сен бизларни икки бор ўлдирдинг ва икки бор тирилтирдинг *(яъни, аввал она қорнида*

ўлик-жонсиз ҳолда яратиб, сўнгра Ўзинг бизларга жон-ҳаёт ато этдинг. Кейин, ажалимиз етганда Ўзинг жонимизни олиб-ўлдириб, Қиёмат Кунида яна тирилтирдинг). **Бас, бизлар** *(ҳаёти дунёда қилиб ўтган барча)* **гуноҳларимизни эътироф этдик. Энди** *(бу дўзах азобидан)* **чиқишнинг бирон йўли борми?" 12.** *(Йўқ, сизлар мана шу азобда мангу қолурсизлар).* **Бунга сабаб, қачон** *(сизларни)* **Ёлгиз Оллоҳгагина** *(ибодат қилишга)* **даъват қилинганида, кофир бўлиб-бўйинсунмай, агар У Зотга ширк келтирилса,** *(яъни, сизларни кимдир турли бут-санамларга сигинишга чорлаганда)* **иймон келтиришларингиздир. Бас, барча ҳукм Юксак ва Улуг Оллоҳникидир. 13. У Зот сизларга Ўз оятларини** *(яъни, Ўзининг борлиги ва бирлигига далолат қиладиган аломатларни)* **кўргизур ва сизларга осмондан ризқу рўз ёгдирур.** *(Лекин бу оят-аломатлардан)* **фақат** *(Оллоҳга)* **инобат-илтижо қиладиган кишигина эслатма-ибрат олур. 14. Бас,** *(эй мўминлар),* **гарчи кофирлар ёмон кўрсалар-да, Оллоҳга - У Зот учун Динни холис қилган ҳолингизда дуо-илтижо қилингиз! 15.** *(У)* **Юксак мартабалидир, Арш Соҳибидир. У Ўз амри билан бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишига - токи у** *(инсонларни)* **мулоқот Кунидан** *(яъни, Қиёматдан)* **огоҳлантирсин учун - ваҳий туширар. 16. Улар** *(қабрларидан)* **чиқадиган Кунда Оллоҳга улар***(нинг қилиб ўтган амаллари)***дан бирон нарса махфий бўлиб қолмас. Бу Кунда подшоҳлик кимникидир? Якка-ю Ягона ва Голиб Зот - Оллоҳникидир! 17. Бу Кунда ҳар бир жон ўзи қилган иш-амали билан жазоланур. Бу Кунда** *(ҳеч кимга)* **зулм қилинмас. Албатта Оллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи Зотдир. 18.** *(Эй Муҳаммад алайҳиссалом),* **Сиз уларни яқин Кундан** *(яъни, Қиематдан)* **огоҳлантиринг! Ўшанда улар юраклари ҳалқумларига тиқилиб,** *(ўзлари)* **гам-ҳасратга тўлиб турурлар. Золим кофир кимсалар учун** *(у Кунда)* **на бир дўст ва на итоат қилинадиган** *(яъни, шафоати қабул қилинадиган)* **қўлловчи бўлмас. 19.** *(Оллоҳ)* **кўзларнинг хиёнатини** *(яъни, қараш ҳаром қилинган нарсага ўгринча кўз ташлашни)* **ҳам, диллар яширадиган нарсаларни ҳам билур. 20. Оллоҳ ҳақ** *(ҳукм)* **билан ҳукм қилур. Улар** *(Оллоҳни)* **қўйиб дуо-илтижо қилаётган бутлари эса бирон нарсага ҳукм чиқара олмаслар. Албатта Оллоҳнинг Ўзигина Эшитгувчи ва Кўриб тургувчи Зотдир. 21. Ахир улар Ер юзида сайру саёҳат қилишиб, ўзларидан аввал ўтган,** *(Ўз пайгамбарларини ёлгончи қилиб, иймонсиз кетган)* **кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини** *(улар қандай қисматга йўлиқишганини)* **кўрсалар бўлмайдими?! Ҳолбуки, улар** *(Макка*

мушрикларидан) кўра куч-қувват ва Ердаги осори атиқалари жиҳатидан зўррок эдилар. Бас, Оллоҳ уларни гуноҳлари сабабли ушлади - ҳалок қилди ва улар учун Оллоҳдан *(яъни, Унинг азобидан)* бирон сақловчи бўлмади. 22. Бунга сабаб - уларга пайғамбарлари аниқ ҳужжатлар келтирганларида, улар кофир бўлдилар. Бас, Оллоҳ уларни ушлади - ҳалок қилди. Зеро, У қувват Эгаси ва азоби қаттиқдир. 23-24. Аниқки, Биз Мусони, Ўз оят-мўъжизаларимиз ва очиқ ҳужжат билан Фиръавн, Ҳомон ва Қорунга юборганимизда, улар "*(Бу Мусо)* ёлғончи сеҳргардир", дедилар. 25. Энди қачонки *(Мусо)* уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ *(пайғамбарлик)* билан келганида, улар: "У билан бирга мўмин бўлганларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдирингиз!", дедилар. *(Лекин)* кофирларнинг макр-ҳийлалари албатта залолатдир *(яъни, зое бўлгувчидир)*.

Изоҳ: Фиръавн бани Исроил қавмидан бўлган ўғил болаларни қатли ом қилгани ҳақида бошқа сураларда (жумладан "Тоҳо" сурасидаги 37-40 - оятлар ва уларга берилган изоҳда) батафсил айтилган эди. Энди юқоридаги оятда Фиръавн Мусо алайҳис-саломга иймон келтирган кишиларни яна қатли ом қилишга буюргани, лекин унинг бу макру ҳийласи ҳам бефойда кетгани ҳақида хабар берилди. Шунда у Мусо пайғамбарнинг ҳаётларига суиқасд қилмоқчи бўлгани ва бу уриниши ҳам беҳуда кетгани тўғрисида қуйидаги оятларда баён қилинади.

26. Фиръавн деди: "Мени қўйинглар, Мусони ўлдирай. *(Қани)* у Парвардигорига дуо-илтижо қилсин-чи, *(унга нажот берармикан)*. Дарҳақиқат, мен *(Мусо)* сизларнинг динингизни ўзгартириб юборишидан ёки Ер юзида бузғунчилик авж олдиришидан қўрқмоқдаман". 27. Мусо айтди: "Албатта мен, Парвардигорим ва Парвардигорингиз *(бўлмиш Оллоҳ)*дан ҳисоб-китоб Кунига иймон келтирмайдиган барча мутакаббир *(кимсаларнинг ёмонлиги)*дан паноҳ сўраганман. 28. *(Шунда)* Фиръавн хонадонидан бўлган, ўзининг иймонини яшириб юрадиган бир мўмин киши деди: "Бир кишини, "Менинг Парвардигорим Оллоҳдир", дегани учун ўлдирурмисизлар?! Ҳолбуки, у сизларга Парвардигорингиз томонидан аниқ ҳужжатлар келтиргандир. Агар у ёлғончи бўлса, ёлғони ўз бўйнига. *(Аммо)* агар ростгўй бўлса, *(у ҳолда)* сизларга у *(кофирлар учун)* ваъда қилаётган *(азоблардан)* айримлари етиб қолади-ку! Албатта Оллоҳ ҳаддан ошгувчи, ёлғончи кимсаларни ҳидоят қилмас. 29. Эй қавмим, бугун-ку мулку давлат сизларники, мана

шу ерда ғолибсизлар. Энди агар бизларга Оллоҳнинг азоби келар бўлса, ким бизларга *(ундан нажот топишимиз учун)* ёрдам берур?!" Фиръавн айтди: "Мен сизларга фақат ўзим раъй қилаётган нарсани *(яъни, Мусони ўлдиришнинг маслаҳатини)*гина кўрсатурман ва мен сизларни фақат Тўғри Йўлга етакларман. 30-31. Иймон келтирган киши деди: "Эй қавмим, ҳақиқатан, мен сизларнинг устингизга ҳам худди Нуҳ қавми, Од, Самуд *(қабилалари)* ва улардан кейинги *(куфр йўлини тутган)* кимсаларнинг иши - ўша ҳизбларнинг - фирқаларнинг куни тушиб қолишидан қўрқурман. Ҳолбуки, Оллоҳ ўз бандаларига зулм қилишни истамас *(яъни, Оллоҳ ўша ҳизбларни ҳалок қилиш билан уларга зулм қилгани йўқ, балки улар ўзларининг куфру туғёнлари сабабли ҳалокатга мустаҳиқ бўлдилар)*. 32. Эй қавмим, ҳақиқатан, мен сизлар ҳақингизда *(кишилар бир-бирларига)* нидо қилиб қоладиган Кундан *(яъни, Қиёмат Кунида дўзах азобига дучор бўлиб, дод-вой қилиб қолишларингиздан)* қўрқурман. 33. У Кунда сизлар *(жаҳаннам даҳшатларидан)* юз ўгириб қочурсизлар, *(аммо)* сизлар учун Оллоҳ*(нинг азоби)*дан сақлагувчи - тўсгувчи бўлмас. Кимни Оллоҳ йўлдан оздирса, бас, унинг учун бирон ҳидоят қилгувчи бўлмас. 34. Дарвоқеъ, илгари Юсуф сизларга *(ўзининг пайғамбар эканлигини исботлайдиган)* аниқ ҳужжатлар келтирганида ҳам, у сизларга келтирган нарсалардан шубҳа-гумон қилиб туриб олган эдинглар. То қачон у ҳалок бўлганида эса: "*(Энди Юсуф алайҳис-саломдан)* сўнг Оллоҳ ҳаргиз пайғамбар юбормас", дединглар. Ҳаддан ошувчи, шак келтирувчи бўлган кимсаларни Оллоҳ мана шундай йўлдан оздириб қўяр. 35. Оллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган бирон ҳужжат-далилсиз талашиб-тортишадиган кимсалар Оллоҳ наздида ҳам, иймон келтирган зотлар наздида ҳам катта нафратга дучор бўлурлар. Оллоҳ ҳар бир мутакаббир ва зўравоннинг қалбини мана шундай муҳрлаб қўяр. 36-37. Фиръавн *(мўмин кишидан юқорида зикр қилинган сўзларни эшитган одамлар Ҳақ Йўлига юриб кетишларидан қўрқиб, уларни чалғитиш учун ўз вазирига қараб)* деди: "Эй Ҳомон, мен учун бир *(баланд)* қаср қургин, шоядки, мен *(у қасрнинг устига чиқиб)* йўлларга - осмонларнинг йўлларига етиб, Мусонинг илоҳини кўрсам, дарҳақиқат, мен уни ёлғончи деб гумон қилмоқдаман". Фиръавнга ўзининг ёмон амали мана шундай чиройли кўринди ва у *(Тўғри)* Йўлдан тўсилди. Фиръавннинг барча макру ҳийласи албатта зиёндир - ҳалокатдир. 38. Иймон келтирган киши деди: "Эй қавмим, сизлар менга

эргашинглар, мен сизларни Тўғри Йўлга етаклайман. 39. Эй қавмим, бу ҳаёти дунё фақат бир *(арзимас)* матоъдир. Албатта Охиратгина *(мангу)* қароргоҳ бўлган диёрдир. 40. Ким бирон ёмонлик қилса, унга *(Охиратда ўша ёмонлиги)* баробарида жазо берилиши аниқдир. Ва эркакми, аёлми ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхшилик қилса, ана ўшалар жаннатга дохил бўлурлар *(ва)* у жойда уларга беҳисоб ризқ берилур. 41. Эй қавмим, нега мен сизларни нажотга - жаннатга чорласам, сизлар мени дўзахга чақирмоқдасизлар-а? 42. Сизлар мени Оллоҳга кофир бўлишга ва *(ўзим илоҳ эканлигини)* билмайдиган нарсаларни У Зотга шерик қилишга чақирмоқдасизлар. Мен эса сизларни Қудратли, бениҳоя Мағфиратли Зотга чорламоқдаман. 43. Шак-шубҳа йўқки, албатта сизлар мени *(ибодат қилишга)* чақираётган бутларингиз *(жонсиз нарсалар бўлгани сабабли)* на дунёда ва на Охиратда *(бирон кимсани ўзларига ибодат қилиш учун)* даъват қила олмас. Ва албатта *(барчаларимизнинг)* Оллоҳга қайтишимиз бордир. Дарҳақиқат, ҳаддан ошувчи кимсаларгина дўзах эгаларидир. 44. Ҳали *(бошларингизга азоб тушганида албатта ҳозир)* мен сизларга айтаётган сўзларни эслайсизлар. Мен ўз ишимни Оллоҳга топширурман. Зеро, Оллоҳ бандаларини Кўриб тургувчидир". 45. Бас, Оллоҳ у *(иймон келтирган киши)*ни уларнинг ёмон макр-ҳийлаларидан сақлади ва Фиръавн хонадонини ёмон азоб ўраб олди. 46. *(У азоб бир)* оловдирки, улар эрта-ю кеч ўшанга кўндаланг қилиниб *(куйдирилурлар)*. *(Қиёмат)* Соати қойим бўладиган Кунда эса *(дўзах фаришталарига)*: "Фиръавн хонадонини энг қаттиқ азобга киритинглар", *(дейилур)*.

Изоҳ: Ушбу оят барча уламолар томонидан қабр азоби ҳақ эканига очиқ далил деб тафсир қилинган. Чунки унда ҳали Қиёмат қойим бўлмасдан туриб Фиръавн ва унга эргашган кофирлар эрта-ю кеч олов азобига гирифтор қилинишлари очиқ-ойдин баён қилинди. Яна неча ўнлаб муборак ҳадислар ҳам ушбу ояти карима мазмунини - қабрда азоб бўлишини тасдиқлайди. Демак, бу ҳар бир мусулмон учун қабр азобига иймон келтириш вожиб эканлигига очиқ ҳужжатдир.

47. Ўшанда улар дўзахда ўзаро тортишиб, бечора *(эргашувчи)*лар мутакаббир кимсаларга *(яъни, ўзларининг собиқ йўлбошчиларга)*: "Бизлар сизларга эргашган эдик, энди сизлар бизлардан дўзах *(азоби)*дан бирон бўлагини дафъ қила олурмисизлар", дер эканлар; 48. Мутакаббир кимсалар айтдилар: "Бизларнинг барчамиз шак-шубҳасиз, *(дўзахдадирмиз)*.

Дарҳақиқат, Оллоҳ бандалари ўртасида Ўз ҳукмини чиқарди". 49. *(Шунда)* дўзахдаги кимсалар жаҳаннам қўриқчиларига: "Парвардигорингларга дуо қилинглар, бизлардан бирон кунлик азобни енгиллатсин", деб ёлворганларида; 50. Улар айтдилар: "Ахир сизларга пайғамбарларингиз аниқ ҳужжатлар билан келмаганмидилар?!" "Ҳа, *(келган эдилар, лекин бизлар уларни ёлғончи қилган эдик)"*, деди улар. *(Шунда фаришталар уларга)* айтдилар: "У ҳолда ўзларингиз дуо-илтижо қилаверинглар. Кофирларнинг дуо-илтижолари албатта залолатдадир *(яъни, бефойдадир)"*. 51. Албатта Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар *(ҳозир бўлиб)* турадиган Кунда *(Қиёматда)* ҳам ёрдам берурмиз. 52. У Кунда золим-кофир кимсаларга узру баҳоналари фойда бермас ва уларга лаънат бўлур, уларга энг ёмон жой - дўзах бўлур. 53-54. Аниқки, Биз Мусога ҳидоят ато этган ва бани Исроилни ақл эгалари учун ҳидоят ва эслатма-ибрат бўлган Китоб - Тавротга ворис қилган эдик. 55. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом, Сизга мушриклар томонидан етаётган озор-азиятларга)* сабр қилинг - зеро, Оллоҳнинг *(Ўз пайғамбарлари ва мўминларга ёрдам бериш ҳақидаги)* ваъдаси ҳақдир - ва гуноҳингизга мағфират сўранг ҳамда туну кун Парвардигорингизга ҳамду сано айтиш билан *(У Зотни)* покланг! 56. Албатта Оллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган бирон ҳужжат-далилсиз талашиб-тортишадиган кимсалар, аниқки, уларнинг дилларида бир кибр *(яъни, ўзларини сиздан катта олиш)* бордирки, улар ўшанга *(яъни, ўзлари орзу қилган катталикка)* етувчи эмасдирлар. Бас, Сиз Оллоҳдан паноҳ сўранг! Албатта Унинг Ўзи Эшитгувчи, Кўриб тургувчидир. 57. Шак-шубҳасиз, осмонлар ва Ерни яратиш инсонларни яратишдан каттароқ *(иш)*дир. Лекин кўп одамлар билмайдилар.

И з о ҳ: Кофирларга: "Осмонлар ва Ерни ким яратган?", дейилса: "Оллоҳ", дейдилар-у, аммо "Оллоҳ таоло Қиёмат Кунида барча инсонни қайта тирилтиради", дейилса, ишонмайдилар. Мазкур ояти карима ана ўшаларга берилган танбеҳдир.

58. Кўр кимса билан кўргувчи зот, иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар билан ёмонлик қилгувчи кимса баробар бўлмас. Камдан-кам эслатма-ибрат олурсизлар. 59. Албатта *(Қиёмат)* Соати келгувчидир. У ҳақда шак-шубҳа йўқдир. Лекин кўп одамлар *(унинг келишига)* иймон келтирмаслар. 60. *(Эй инсонлар)*, Парвардигорларингиз: "Менга дуо-илтижо қилинглар! Мен сизларга *(қилган дуоларингизни)* мустажоб қилурман. Албатта

Менга ибодат қилишдан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини эгган ҳолларида жаҳаннамга кирурлар", деди. 61. Оллоҳ сизлар ором олишингиз учун *(қоронғу)* кечани ва *(касбу кор, сайру саёҳат қилишингиз учун)* очиқ-ёруғ кундузни яратиб қўйган Зотдир. Албатта Оллоҳ одамларга фазлу марҳамат Соҳибидир. Лекин одамларнинг кўплари шукр қилмайдилар. 62. Мана шу Оллоҳ Парвардигорларингиздир, У барча нарсанинг Яратгувчисидир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. Бас, *(сизлар ана ўша Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилишдан юз ўгириб)* қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар?! 63. Оллоҳнинг оят-мўъжизаларини инкор қилгувчи бўлган кимсалар мана шундай бурилиб кетурлар. 64. Оллоҳ сизлар учун Ерни қароргоҳ, осмонни бино - том қилиб қўйган ва сизларга сурат-шакл бериб, суратларингизни гўзал қилган ҳамда сизларни ҳалол-пок нарсалардан ризқлантирган Зотдир. Мана шу Оллоҳ Парвардигорингиздир. Бас, барча оламларнинг Парвардигори бўлмиш Оллоҳ Баракотли - Буюкдир. 65. У Тирик Зотдир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. Бас, *(эй мўминлар)*, сизлар *(Оллоҳга)* У Зот учун Динни холис қилган ҳолингизда дуо-илтижо қилингиз! Ҳамду сано барча оламларнинг Парвардигори Оллоҳ учундир. 66. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, айтинг: "Шак-шубҳасиз, мен ўзимга Парвардигорим томонидан аниқ ҳужжатлар келган пайтида, сизлар Оллоҳни қўйиб, дуо-илтижо қилаётган бутларга ибодат қилишдан қайтарилдим ва барча оламларнинг Парвардигорига бўйинсунишга буюрилдим". 67. У сизларни*(нг отангиз Одамни)* тупроқдан, сўнгра *(унинг барча авлодларини)* нутфадан, сўнгра лахта қондан яратган Зотдир. Сўнгра У сизларнинг *(оналарингиз қорнидан)* чақалоқ ҳолингизда *(ёруғ дунёга)* чиқарур, сўнгра *(У Зот)* сизларни вояга етишларингизга, сўнгра қариб-қартайишингизга *(қўйиб берур)*. Сизларнинг орангизда *(вояга етишдан ёки кексалик ёшидан)* илгари вафот топадиган кишилар ҳам бўлур. *(У Зот)* сизларни белгиланган ажалга етишларингизга *(қўйиб берур)*. Шоядки, ақл юргизсангизлар. 68. Ҳаёт берадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам Ўша Зотдир. Бас, қачон У Зот бирон ишни ҳукм қилса, унга фақат "Бўл", дер, холос. Бас, у *(иш)* бўлур. 69. Оллоҳнинг оятлари ҳақида талашиб-тортишадиган кимсаларни кўрмадингизми? Қаёққа бурилиб кетмоқдалар-а?! 70. *(Биз Муҳаммад алайҳис-саломга нозил қилган)* Китоб - Қуръонни ва Биз *(аввал ўтган)* пайғамбарларимиз билан юборган нарсаларни - Китобларни ёлғон деган кимсалар

яқинда *(Қиёмат Кунида динсизликларининг оқибатини)* билажаклар. 71-72. Ўшанда *(яъни, дўзахга ташланганларида)* улар бўйинларида кишан ва занжирлар *(билан)* қайноқ сув томонга судралурлар, сўнгра оловда ёндирилурлар. 73-74. Сўнгра уларга: "Сизлар Оллоҳни қўйиб ширк келтириб ўтган бутларингиз қани?", дейилганида, улар: "У *(бут)*лар бизлар*(нинг кўзимиз)*дан ғойиб бўлиб қолишди. Йўқ-йўқ, бизлар илгари *(ҳаёти дунёда)* ҳеч нарсага дуо-илтижо қилган эмасмиз", дедилар. Оллоҳ кофирларни мана шундай йўлдан оздирур. 75. Бунга *(жаҳаннам азобига йўлиқишларингизга)* сабаб, сизлар Ерда *(ўзларингиз қилган айшу ишрат ва гуноҳ-маъсиятлар билан)* ноҳақ шоду хуррам бўлганларингиз ва кибру ҳаво қилганларингиздир. 76. Жаҳаннам дарвозаларидан у жойда мангу қолгувчи бўлган ҳолларингизда кирингиз! Бас, мутакаббир кимсаларнинг жойи нақадар ёмон бўлди! 77. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом, Сизга мушриклар томонидан етаётган озор-азийятларга)* сабр қилинг - зеро, Оллоҳнинг *(Ўз Пайғамбари ва мўминларга ёрдам бериш ва кофирларни азоблаш ҳақидаги)* ваъдаси ҳақдир! Энди агар Биз Сизга ўша *(кофирлар)*га ваъда қилаётганимиз *(азоб)*дан айримларини кўрсатсак *(яъни, Сиз ҳаётлик пайтингизда уларни айрим азоб-уқубатларга дучор қилсак)* ҳам ёки Сизни *(уларга азоб туширишимиздан илгари)* вафот топдирсак ҳам, ҳар ҳолда улар Ёлғиз Ўзимизга қайтарилурлар. 78. Аниқки, Биз Сиздан илгари *(кўп)* пайғамбарлар юборгандирмиз. Улардан Биз Сизга ҳикоя қилиб берган кишилар ҳам бор, яна улардан Биз Сизга ҳикоя қилмаган кишилар ҳам бордир. Бирон пайғамбар учун - Оллоҳнинг изну иродасидан ташқари бирон оят-мўъжиза келтириш жоиз бўлган эмас *(яъни, ҳар бир пайғамбар фақат Оллоҳ унга амр қилган мўъжизаларнигина келтиргандир)*. Бас, қачон Оллоҳнинг *(кофирларга азоб тушиши тўғрисидаги)* амри келгач, *(пайғамбарлар ва уларни ёлғончи қилган кофирлар ўртасида)* ҳақ *(ҳукм)* билан ҳукм қилинур ва ўшанда бузғунчи кимсалар зиёнкор бўлурлар. 79. Оллоҳ сизлар учун чорва ҳайвонларини *(токи)* сизлар ўша *(ҳайвон)*лардан *(айримларини)* минишларингиз учун *(пайдо)* қилди. Ўша *(ҳайвон)*лардан ейсизлар ҳам. 80. Сизлар учун уларда *(кўп)* фойдалар бордир. *(У ҳайвонлар)* сизлар уларнинг устида дилларингиздаги ҳожатларингизга етишларингиз учун ҳам *(яратилгандирлар)*. Сизларни *(қуруқликда)* ўша *(ҳайвонлар)* устида ва *(дарё-денгизларда эса)* кемаларда *(кўзлаган манзилларингизга)* элтиб қўйилур. 81. *(Оллоҳ)* сизларга Ўз оят-

аломатларини кўрсатур. Бас, сизлар Оллоҳнинг қайси оятларини инкор қилурсизлар?! 82. Ахир улар Ер юзида сайру саёҳат қилишиб, ўзларидан аввалги *(ўз пайғамбарларини ёлғончи қилиб иймонсиз кетган)* кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини *(улар қандай қисматга йўлиққишганини)* кўрсалар бўлмайдими?! Ҳолбуки, улар *(Макка мушрикларидан)* кўра кўпроқ ҳамда куч-қувват ва Ердаги осори атиқалари жиҳатидан зўрроқ эдилар. *(Аммо)* уларга топган *(молу дунёлари ҳам, куч-қувватлари ҳам)* асқотгани йўқ. 83. Чунки уларга пайғамбарлари *(Оллоҳга иймон келтириш ва У Зотга бўйинсуниш зарур эканлиги ҳақида)* аниқ ҳужжатлар келтирган вақтларида улар ўзларининг олдиларидаги *(фақат дунёвий бўлган)* билимлари билан шодланиб-мақтандилар *(ва пайғамбарлари огоҳлантирган азобни масхара қилиб кулдилар)*. Ва уларни ўзлари масхара қилгувчи бўлган *(азоб)* ўраб олди. 84. Энди қачонки улар Бизнинг азобимизни кўришгач, "Якка-ю Ягона Оллоҳга иймон келтирдик ва *(илгари Оллоҳга)* шерик қилиб олганимиз бутларга кофир бўлдик", дедилар. 85. *(Лекин)* Бизнинг азобимизни кўрган вақтдаги иймонлари уларга фойда бергувчи бўлмади - *(Бу)* Оллоҳнинг *(барча)* бандалари ҳақидаги ўтган Йўли - қонунидир *(яъни, азоб тушган вақтида келтирилган иймоннинг фойдаси бўлмас)* - Ва ўшанда кофирлар зиёнкор бўлдилар.

ФУССИЛАТ сураси (41)

Бу сура эллик тўрт оятдан ташкил топган бўлиб, Маккада нозил қилинган.

Сура Қуръони Карим таърифи билан бошланиб, хушхабар элтгувчи ва огоҳлантиргувчи бўлган бу Китобнинг оятлари онгли - ақлли кишилар учун муфассал баен қилиб берилганлигини уқтиради. Шунинг учун ҳам бу сура "Фуссилат - Муфассал баён қилинган сура" деб аталгандир.

Сўнгра Еру осмонларнинг Оллоҳ таоло томонидан яратилиб - интизомга солингани ва Ўша Зот томонидан идора килиб турилиши батафсил баён қилинади.

Бу сурада Оллоҳ таоло Қиёмат Кунида ҳар бир инсоннинг кўз-қулоғидан терисигача тил-забон бериб, дунёдан куфру исён билан ўтган кимсаларнинг аъзойи баданлари ҳам ўзларига қарши гувоҳлик бериши ҳақида огоҳлантирилади ва инсоннинг "қилаётган амалларимни Оллоҳ билмайди", деган гумонда бўлиши унинг Охиратини куйдириши аниқ эканлиги таъкидланади.

Шунингдек, бу сурада Ёлғиз Оллоҳ таолони Парвардигорим деб, сўнгра У Зот кўрсатган Тўғри Йўлда устивор бўлган зотлар учун Охират диёрида тайёрлаб қўйилган мукофот-зиёфатлар ҳақида ҳам хабар берилади.

Сура бутун борлиқда ҳам, ҳар бир инсоннинг вужудида ҳам Яратганнинг қудрати ва ҳикматига далолат қиладиган оят-аломатлар мавжуд эканлиги ва Оллоҳ таоло бор мавжудотни Ўз илму қудрати билан иҳота қилиб - ўраб олган Зот эканлиги ҳақидаги оятлар билан ниҳоясига етади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Ҳо, Мим. 2. *(Ушбу Қуръон)* **Меҳрибон ва Раҳмли** *(Оллоҳ)* **томонидан нозил қилингандир. 3-4. У биладиган қавм учун** *(мўминларга)* **хушхабар бергувчи ва** *(кофирларни азобдан)* **огоҳлантиргувчи - арабий Қуръон ҳолида** *(нозил қилиниб)*, **оятлари муфассал баён қилинган Китобдир. Бас,** *(кофирларнинг)* **кўплари**

(унинг оятлари ҳақида тафаккур қилишдан) юз ўгирдилар, демак, улар "эшитмаслар". 5. Улар *(Пайғамбар алайҳис-саломга)* дедилар: "Дилларимиз сен бизларни даъват қилаётган нарсадан пардаланган, қулоқларимизда эса оғирлик-карлик бордир ва сен билан бизларнинг ўртамизда бир тўсиқ бордир. Бас, сен ҳам *(ўз амалингни)* қилавер, бизлар ҳам албатта *(ўз амалларимизни)* қилгувчидирмиз". 6-7. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* айтинг: "Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам худди сизлар каби бир одамдирман. Менга Оллоҳингиз Ёлгиз Оллоҳнинг Ўзи экани *(яъни, сизлар учун ҳам, мен учун ҳам Ёлгиз Оллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ экани)* ваҳий қилинмоқда. Бас, сизлар Унинг Ўзига тўғри *(тоат-ибодатда)* бўлингиз ва Ундан мағфират сўрангиз! Закотни *(ҳақдорларга)* ато этмайдиган, ўзлари Охиратга кофир бўлган мушрикларга эса ҳалокат бўлгай!" 8. Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун битмас-туганмас ажр-мукофот бордир. 9. Айтинг: "Ҳақиқатан ҳам сизлар Ерни икки кунда яратган Зотга кофир бўлурмисизлар ва ўзгаларни Унга тенглаштирурмисизлар?! Бу *(Оллоҳ)* барча оламларнинг Парвардигори-ку?! 10. У Зот *(Ернинг)* устида тоғларни *(пайдо)* қилди ва уни баракотли қилди ҳамда ўша *(Ер)*да унинг емишларини *(яъни, Ер аҳлининг ризқу рўзларини)* тўла тўрт кунда белгилаб - тақсимлади. *(Бу тафсилот)* сўрагувчилар учундир. 11. Сўнгра тутун ҳолидаги осмонга юзланиб, унга ва Ерга: "*(Менинг амри-фармонимга)* ихтиёран ёки мажбуран келинглар!", деган эди, улар: "Ўз ихтиёримиз билан келдик, *(амрингга бўйинсундик)*", дедилар. 12. Бас, икки кунда етти осмонни барпо қилди ва ҳар бир осмонга *(унга буюрилган)* иши-вазифасини ваҳий қилди *(билдирди)*. Ва қуйи осмонни чироқлар-юлдузлар билан безадик ва *(уни офат-балолардан)* сақладик. Бу Қудратли ва Билгувчи Зотнинг тақдири - ўлчовидир.

Изоҳ: Мазкур оятлар Қуръонда бир неча ўринларда келган Оллоҳ таоло осмонлар ва Ерни олти кунда яратгани ҳақидаги оятларнинг тафсилотидир. Яъни, Ҳақ таоло Ерни икки кунда яратиб, тўрт кун деганда унинг ризқу рўзини ҳам тақсимлаб-бўлиб бергани ва олти кун деганда эса етти осмонни ҳам яратиб бўлгани баён қилиб берилди.

13. Бас, агар улар *(яъни, Макка мушриклари мана шу тафсилотдан кейин ҳам Ёлгиз Оллоҳга иймон келтиришдан)* юз ўгирсалар, у ҳолда айтинг: "Мен сизларни худди Од ва Самуд *(қабилаларини урган)* чақмоққа ўхшаган бир чақмоқ - ҳалокат

*(келиши)*дан огоҳлантирдим". 14. Ўшанда пайғамбарлари уларнинг олдиларидан ҳам, орқаларидан ҳам келишиб: "Ёлғиз Оллоҳтагина ибодат қилинглар", *(деганларида)*, улар: "Агар Парвардигоримиз *(пайғамбар юборишни)* хоҳлаганида, албатта фаришталарни нозил қилган бўлур эди. Бас, *(модомики, сизлар фаришта эмас, балки одамзот экансизлар)* бизлар сизлар элчи қилиб юборилган динга кофирдирмиз", дедилар. 15. Энди Од *(қабиласига)*га келсак, бас, улар Ер юзида ноҳақ кибр-ҳаво қилдилар ва: "Куч-қувватда бизлардан зўрроқ ким бор?", дедилар.- Ахир улар ўзларини яратган Зот - Оллоҳ куч-қувватда улардан Зўрроқ эканини билмадиларми?! - Ва улар Бизнинг оятларимизни инкор қилгувчи бўлдилар. 16. Бас, Биз уларга мана шу ҳаёти дунёда хор - расво қилгувчи азобни тотдириб қўйиш учун нахсли-шум кунларда устиларига бир даҳшатли бўрон юбордик. Охират азоби эса шак-шубҳасиз, янада хор қилгувчироқдир ва уларга *(ўзлари сиғиниб ўтган бутлари томонидан ҳеч қандай)* ёрдам берилмас. 17. Энди Самуд *(қабиласи)*га келсак, бас, Биз уларни *(Тўғри Йўлга)* ҳидоят қилган эдик, улар Ҳидоятни қўйиб, кўрликни, залолатни ихтиёр қилдилар. Бас, ўзлари қилгувчи бўлган нарсалари *(яъни, куфрни ихтиёр этганлари)* сабабли уларни хор қилгувчи азоб чақмоғи урди. 18. Ва Биз иймон келтирган ва тақводор бўлган зотларга *(яъни, Самуд қабиласини Ҳидоят Йўлига даъват қилган Солиҳ пайғамбар ва у кишига иймон келтирган зотларга чақмоқ балосидан)* нажот бердик. 19. Оллоҳнинг душманлари дўзахга *(ҳайдалиш учун)* тўпланиб, тизилиб турадиган Кунни *(эсланг)!* 20. Энди қачонки улар *(дўзахга)* келишгач, *(улардан ҳаёти дунёда қилиб ўтган куфру исёнлари ҳақида сўралади, лекин улар ўз қилмишларидан тонишга уринадилар. Шунда)* уларнинг қулоқлари, кўзлари ва терилари улар қилиб ўтган нарсалари ҳақида ўзларига қарши гувоҳлик беради. 21. Улар териларига "Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердинглар?", дейишганида, *(терилари)*: "Бизларни барча нарсани сўзлаттан Зот Оллоҳ сўзлатди. Сизларни дастлаб У яратган ва сизлар яна Унинг Ўзига қайтарилурсизлар", дедилар. 22. Сизлар *(ҳаёти дунёда гуноҳ ишларни қилганларингизда шарманда бўлишдан қўрқиб, одамлардан яширинар эдинглар-у, аммо)* қулоқларингиз, кўзларингиз ва териларингиз ўзларингизга қарши гувоҳлик беришидан *(сақланиш учун улардан)* яширингувчи эмас эдинглар, *(чунки сизлар Қиёмат Кунида аъзойи баданларингизга ҳам забон берилишини билмасдинглар)*. Лекин сизлар Оллоҳ қилаётган амалларингиздан кўпини *(яъни, одамлардан яширинча қилган*

гуноҳларингизни) билмайди, деб ўйладинглар. 23. Ва Парвардигорларингиз ҳақида ўйлаган мана шу гумонларингиз сизларни ҳалок қилди *(яъни, дўзахга тушишларингизга сабаб бўлди)*. Бас, сизлар зиёнкор кимсаларга айланиб қолдинглар. 24. Энди агар улар *(азобга)* чидасалар, ана ўша дўзах жойларидир *(яъни, азоб-уқубатини тортаверадилар)*, агар ортга қайтишни талаб қилсалар, энди улар қайтарилгувчи эмаслар. 25. Биз улар учун *(уларни Тўгри Йўлдан оздирадиган)* "дўстлар" тайёрлаб қўйдик, бас, ўша *("дўстлар")* уларга олдиларидаги *(гуноҳларини)* ҳам, орқаларидаги *(гуноҳларини)* ҳам чиройли кўрсатдилар ва уларга ҳам ўзларидан аввал ўтган - ҳалок бўлган инсу жиндан иборат умматлар қаторида Сўз - азоб ҳақ бўлди. Дарҳақиқат, улар зиёнкор бўлдилар. 26. Кофир бўлган кимсалар *(бир-бирларига "Муҳаммад тиловат қилаётган вақтда)* сизлар бу Қуръонга қулоқ солмангдар ва *(уни ўзгаларга ҳам эшиттирмаслик учун огизларингизга келган гапни)* жаврайверинглар *(шунда)* шояд голиб бўлсангизлар", дедилар. 27. Бас, албатта Биз ана ўша кофир бўлган кимсаларга қаттиқ азобни тотдирурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган *(куфру исёнлари сабабли)* энг ёмон жазо билан жазолармиз. 28. Бу *(қаттиқ азоб)* Оллоҳ душманларининг жазоси бўлган дўзахдир. Улар учун, Бизнинг оятларимизни инкор қилувчи бўлганлари жазосига ўша жойда мангу қолиш *(азобланиш)* бордир. 29. Кофир бўлган кимсалар *(дўзах ўтида азобланар эканлар)*, дедилар: "Парвардигоро, бизларни *(Сенинг Тўгри Йўлингдан)* оздирган инсу жиндан бўлган кимсаларни бизларга кўрсаттин, уларни оёқларимиз остига олиб *(эзайлик)*, токи улар *(дўзахнинг қаъридаги)* энг тубан - хор кимсалардан бўлсинлар". 30. Албатта: "Парвардигоримиз Оллоҳдир", деб, сўнгра *(Ёлгиз Оллоҳга тоат-ибодат қилишда)* тўгри - устивор бўлган зотларнинг олдиларига *(ўлим пайтида)* фаришталар тушиб, *(дерлар)*: "Қўрқмангдар ва гамгин бўлмангдар. Сизларга ваъда қилинган жаннат *(хушхабари)* билан шодланинглар! 31. Бизлар ҳаёти дунёда ҳам, Охиратда ҳам сизларнинг дўстларингиздирмиз. Сизлар учун *(жаннатда)* кўнгилларингиз тилаган нарсаларингиз бордир ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз бордир. 32. *(Бу)* Магфиратли ва Меҳрибон Зот томонидан бўлган зиёфатдир". 33. *(Одамларни)* Оллоҳ*(нинг дини)*га даъват қилган ва ўзи ҳам яхши амал қилиб, "Шак-шубҳасиз, мен мусулмонлардандирман", деган кишидан ҳам чиройлироқ сўзлагувчи ким бор? 34. Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас.

Сиз *(ҳар қандай ёмонликни)* энг гўзал сўзлар билан дафъ қилинг! *(Шунда)* баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ-содиқ дўст каби бўлиб қолур. 35. Унга *(ёмонликни яхшилик билан дафъ қилиш хислатига)* фақат сабр-тоқатли зотларгина эришурлар, унга фақат улуғ насиба эгасигина эришур. 36. Агар сизни шайтон томонидан бирон васваса йўлдан оздириб *(мазкур хислат эгаси бўлишдан қайтармоқчи бўлса)*, у ҳолда Оллоҳдан паноҳ сўранг. Зеро, У Эшитгувчи, Билгувчи Зотдир.

Изоҳ: Мазкур оятларда Оллоҳ таоло ҳар бир мўмин мусулмон учун зарур бўлган гўзал фазилатларни баён қилди. Қуйидаги оятларда энди Ўзининг қудрат ва етук ҳикматига далолат қиладиган оят-аломатларни келтириб, Ёлгиз Ўзигина маъбудликка Лойиқ Зот эканлигини уқтиради.

37. Кеча ва кундуз, қуёш ва ой Унинг *(Танҳолиги ва қудратига далолат қиладиган)* оят-аломатларидандир. Агар сизлар *(Оллоҳга)* ибодат қилгувчи бўлсанглар, қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар, *(балки)* уларни*(нг барчасини)* яратган Зотга - Оллоҳга сажда қилинглар! 38. Энди агар *(кофирлар Оллоҳга сажда қилишдан)* кибр-ҳаво қилсалар, бас, *(билингки)*, Парвардигорингизнинг ҳузуридаги зотлар *(фаришталар)* кеча-ю кундузи ҳеч зерикмасдан-малолланмасдан У Зотга тасбеҳ айтурлар - сажда қилурлар.

Изоҳ: Ушбу оят навбатдаги сажда оятидир. Бундай оят ўқилганда, ўқувчига ҳам, тингловчига ҳам бир марта Оллоҳга сажда қилиш вожиб бўлади.

39. Унинг *(Танҳолиги ва қудратига далолат қиладиган)* оят-аломатларидан *(бири)* сиз Ерни қуп-қуруқ ҳолда кўришингиздир. Бас, қачон Биз унинг устига сув-ёмғир ёғдирсак, у ҳаракатга келар ва униб-ўсар. Албатта ўша Ерни тирилтирган Зот ўликларни ҳам тирилтира олгувчидир. Зеро, У барча ишга Қодирдир. 40. Албатта Бизнинг оятларимизга эгрилик қиладиган *(яъни, уларни бузмоқчи бўлган)* кимсалар Бизга махфий-номаълум бўлиб қолмаслар. Ахир дўзахга ташланадиган кимса яхшироқми ёки Қиёмат Кунига *(Оллоҳнинг азобидан)* хотиржам ҳолда келадиган кишими?! Ўзларингиз хоҳлаган амални қилаверинглар! Албатта У қилаётган амалларингизни Кўриб тургувчидир. 41. Албатта ўзларига Эслатма - Қуръон келган вақтда унга кофир бўлган кимсалар *(қаттиқ азобга йўлиқурлар)*. Шак-шубҳасиз, у азиз - қудратли Китобдир. 42. Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам *(ҳеч қандай)* ботил-ноҳақлик келмас *(яъни, Қуръони Каримнинг ҳеч қайси томонидан*

бирон китоб ё ҳужжат келиб уни ботил қила олмас, чунки у) **ҳикмат ва ҳамду сано Эгаси томонидан нозил қилингандир. 43.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сизга ҳам** *(кофирлар томонидан)* **фақат Сиздан аввалги пайғамбарларга** *(кофирлар томонидан)* **айтилган сўзларгина айтилур** *(яъни, агар мушриклар Сизга озор-азиятлар етказаётган бўлсалар, Сиз бунга сабр қилинг, чунки аввалги пайғамбарларга ҳам кофирлар томонидан худди шунга ўхшаган озор-азиятлар етгандир).* **Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз ҳам мағфират Соҳибидир, ҳам аламли азоб Соҳибидир. 44. Агар Биз** *(Қуръонни)* **ажамий** *(яъни, араб тилида бўлмаган)* **Қуръон қилганимизда, албатта улар: "Унинг оятлари** *(бизларнинг тилимизда)* **баён қилинмабди-да.** *(Муҳаммаднинг ўзи)* **арабку,** *(нега унга)* **ажамий** *(Қуръон тушибди?)"*, **деган бўлур эдилар. Айтинг: "***(Ушбу Қуръон)* **иймон келтирган зотлар учун Ҳидоят ва** *(дилларидаги шак-шубҳани кетказувчи)* **Шифодир. Иймон келтирмайдиган кимсаларни эса қулоқларида оғирлик-карлик бордир ва** *(Қуръон)* **уларга кўрлик** *(яъни, қоп-қоронғи зулмат)* **бўлур. Улар** *(гўё)* **узоқ бир жойдан чақирилаётган кишилар** *(кабидирлар, яъни, гарчи Қуръон оятларини эшитсалар-да, унинг маъно-ҳикматларини англай олмаслар).*

Изоҳ: Ушбу ояти карима "Қуръон агар ажамларнинг тилида бўлганида бизлар ҳам. унга иймон келтирган бўлардик", деб баҳона қилган айрим мушрикларга жавобан нозил бўлгандир.

45. Дарҳақиқат, Биз Мусога Китоб - Таврот ато этганимизда, у *(Таврот)* **ҳақида ҳам** *(худди Қуръон ҳақида ихтилоф қилинганидек)* **ихтилоф қилингандир. Агар Парвардигорингиз томонидан** *(барча ҳисоб-китоб Қиёмат Куни бўлиши хусусидаги)* **Сўз ўтмаганида, уларнинг ўртасида ҳукм қилинган бўлур эди** *(яъни, уларга иймонсизликлари учун дарҳол жазо берилган бўлур эди).* **Ҳақиқатан ҳам улар** *(Қуръон)* **ҳақида шубҳа-гумондадирлар. 46. Ким бирон яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса, ўз зиёнига қилур. Парвардигорингиз бандаларига зулм қилгувчи эмасдир.**

47. *(Қиёмат)* Соати *(қачон бўлиши)* ҳақидаги билим Унинг Ўзигагина қайтарилур *(яъни, Қиёмат қачон бўлиши ҳақида сўралган киши "Уни Ёлғиз Оллоҳ билади", дейиши лозимдир)*. Барча меваларнинг ўз гулкосаларидан чиқиши ҳам, ҳар бир аёлнинг *(урғочи жинснинг)* ҳомила олиб, кўз ёриши ҳам албатта Унинг илми билан бўлур. У Зот *(мушрикларга)*: "Менинг "шерикларим" қани?!", деб нидо қиладиган Кунда улар: "Бизлар Сенга билдирурмизки, орамизда *(Сенинг "шерикларинг" борлигига)* биронта ҳам гувоҳ йўқдир", дедилар. 48. Ва ўзлари илгари *(ҳаёти дунёда)* дуо-илтижо қилиб ўтган бутлари улардан ғойиб бўлди. Ва улар ўзлари учун *(Оллоҳнинг азобидан)* қочадиган бирон жой йўқ эканлигига ишондилар. 49. Инсон *(ўзи учун)* яхшилик *(мулку давлат, бахт-саодат)* тилашдан ҳеч зерикмас. Агар унга ёмонлик *(камбағаллик, бахтсизлик)* етиб қолса эса у ноумидликка, тушкунликка тушгувчидир. 50. Қасамки, агар унга бирон бало-кулфат етганидан сўнг Биз унга Ўз томонимиздан бўлган бирон марҳаматни тотдирсак, албатта у: "Бу ёлғиз ўзимнинг *(донолигим ва саъй-ҳаракатим билан бўлди)*. Мен *(Қиёмат)* Соати қойим бўлишига ишонмайман. Қасамки, агар *(мабодо Қиёмат қойим бўлиб)*, мен Парвардигоримга қайтарилсам, ҳеч шак-шубҳасиз, Унинг даргоҳида ҳам мен учун гўзал *(оқибат - жаннат)* бўлур", дер. Бас, *(ана ўша ўзлари иймон келтирмаган ва яхши амал қилмаган ҳолларида жаннатдан хомтамаъ бўлиб юрган кимсалар билсинларки)*, албатта Биз кофир бўлган кимсаларга ўзлари қилган амалларининг хабарини берурмиз ва албатта уларга қаттиқ азобдан тотдирурмиз. 51. Қачон Биз инсонга *(неъмат - давлат)* инъом қилсак, у *(Бизга шукр қилишдан)* юз ўгирар ва ўз томонига кетар *(яъни, Бизни унутар)*. Қачон унга ёмонлик *(камбағаллик-кулфат)* етиб қолса эса у узундан-узоқ дуо-илтижо эгасидир. 52. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушрикларга)* айтинг: "Хабар берингиз-чи, агар *(Қуръон)* ҳақиқатан ҳам Оллоҳ ҳузуридан *(нозил қилинган)* бўлса-ю, сўнгра сизлар у *(Қуръон)*га кофир бўлсангизлар *(у ҳолда)* ким *(сизлар каби)* мангу ихтилофда бўлган кимсалардан ҳам йўлдан озганроқ бўлур?!" 53. Токи уларга *(ушбу Қуръон ростдан ҳам Оллоҳ томонидан нозил қилинган)* Ҳақ *(Китоб)* эканлиги аниқ маълум бўлгунича албатта

Биз уларга атроф-офоқдаги ва ўз вужудларидаги *(Бизнинг борлигимиз ва қудратимизга далолат қиладиган)* **оят-аломатларимизни кўрсатажакмиз. Ахир** *(уларга)* **Парвардигорингизнинг барча нарсага гувоҳ экани** *(яъни, Оллоҳ таоло ушбу Қуръонда коинотдаги барча нарсани қамраб олиб, Ўз ҳукмини баён қилаётгани Сизнинг ҳақ Пайғамбар эканлигингизни исботлаш учун)* **етарли эмасми?! 54.** *(Эй инсонлар),* **огоҳ бўлингизким, албатта улар Парвардигорларига рўбарў бўлишдан шак-шубҳададирлар. Огоҳ бўлингизким, албатта У Зот барча нарсани Иҳота қилгувчидир.**

ШЎРО сураси (42)

Бу сура эллик уч оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил қилинган.

У Қуръони Каримнинг Оллоҳ таоло томонидан туширилган Илоҳий ваҳий эканлигини таъкидлаш билан бошланиб, сўнгра аввалу охир барча пайғамбарлар келтирган Шариатлар моҳияти жиҳатидан бир бўлиб, Ёлғиз Оллоҳ таологагина сиғиниб-ибодат қилишга буюргани ҳақида хабар беради

Бу сурада ҳам бошқа Макка сураларидаги каби мўминлар қўрқув ва умид билан кутаётган, кофирлар эса инкор этаётган Қиёмат Кунининг келиши аниқ ва яқин экани таъкидланади ва барча инсонларни ўша Кун келиб қолишидан илгари Парвардигорга иймон келтириб, Ёлғиз Унинг амр-фармонига итоат этишга буюрилади.

Сура ниҳоясида ушбу Қуръон мўминларни Ҳақ Йўлига ҳидоят қиладиган бир Илоҳий Нур эканлиги уқтирилади.

Бу сурада аҳли иймоннинг гўзал фазилатларидан бўлмиш - ҳар бир ишда маслаҳат - кенгаш билан иш тутиш хислатига даъват этадиган оятлар ҳам мавжуд бўлгани учун у "Шўро - Маслаҳат" сураси деб номланган.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Ҳо, Мим. 2. Айн, Син, Қоф. 3. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Қудратли ва Ҳикматли Оллоҳ Сизга ва Сиздан аввалги** *(пайғамбарлар)***га мана шундай ваҳий қилур. 4. Осмонлар ва Ердаги бор нарсалар Уникидир. У Юксак ва улуғдир. 5.** *(Мушрик жамоаларнинг ширк келтиришлари сабабли)* **устларидаги осмонлар ёрилиб кетишга яқин бўлур. Фаришталар эса Парвардигорга ҳамду сано айтиш билан** *(У Зотни айбу нуқсондан ва "шериклар"дан)* **поклар ва Ердаги** *(мўмин-мусулмон)* **кишилар учун** *(Оллоҳдан)* **мағфират сўрарлар. Огоҳ бўлингизким, албатта Оллоҳнинг Ўзигина Мағфират қилгувчи, Меҳрибондир. 6.** *(Оллоҳни)* **қўйиб** *(бошқа)* **"дўстлар"ни ушлаган** *(яъни, ўшаларга сиғинаётган)* **кимсалар устида Оллоҳ Кузатиб тургувчидир.** *(Эй*

Муҳаммад алайҳис-салом), Сиз уларнинг устида вакил-қўриқчи эмассиз. 7. *(Барча)* қишлоқ-шаҳарлар онаси - пойтахти *(Макка аҳли)*ни ва унинг атрофидаги кишиларни *(Охират азобидан)* огоҳлантиришингиз учун ва *(келишида)* шак-шубҳа бўлмаган тўпланиш Кунидан огоҳлантиришингиз учун Биз Сизга мана шундай арабий Қуръонни ваҳий қилдик. *(У Кунда)* бир гуруҳ жаннатда бўлса, бир гуруҳ дўзахдадир. 8. Агар Оллоҳ хоҳлаганида, албатта уларни *(яъни, барча инсонларни)* бир миллат *(бир динда - Исломда)* қилган бўлур эди. Лекин У Ўзи хоҳлаган кишиларни Ўз раҳматига *(жаннатига)* дохил қилур. Золим-кофирлар учун эса бирон дўст ва ёрдамчи йўқдир. 9. Ёки улар *(Оллоҳни)* қўйиб *(бошқа)* "дўстлар"ни ушлаб олдиларми *(яъни, ўшаларга сиғинмоқдаларми)?! (Йўқ),* фақат Оллоҳнинг Ўзигина Дўстдир. У ўликларга ҳаёт берур ва У барча нарсага Қодирдир. 10. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мўминларга айтинг):* "Сизлар *(бу ҳаёти дунёда кофирлар билан)* ихтилоф қилган ҳар бир нарсанинг ҳукми *(Қиёмат Кунида)* Оллоҳга *(қайтарилур ва У Зот ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини ажратиб берур).* Мана шу Оллоҳ Парвардигоримдир. Ўзига суяндим ва Ўзига илтижо қилурман". 11. *(Оллоҳ)* осмонлар ва Ернинг илк Яратгувчисидир. У сизлар учун ўзларингиздан бўлган жуфтларни яратди ва чорва ҳайвонларидан ҳам жуфт-жуфт *(яратди).* У сизларни ўша *(жуфтлик воситасида)* кўпайтирур. Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У Эшитгувчи ва Кўриб тургувчидир. 12. Осмонлар ва Ер *(хазиналарининг)* очқичлари Уникидир. У Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва *(Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини)* тан. қилур. Дарҳақиқат, У барча нарсани Билгувчидир. 13. *(Эй мўминлар, Оллоҳ)* сизлар учун ҳам диндан Нуҳга буюрган нарсани ва Биз Сизга *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломга)* ваҳий қилган нарсани, *(шунингдек),* Биз Иброҳим, Мусо ва Ийсога буюрган нарсани - Шариат *(қонун)* қилди: "Динни барпо қилинглар ва унда фирқа-фирқа бўлиб бўлинманглар!"

И з о ҳ: Ушбу ояти каримада Оллоҳ таоло барча пайғамбарларга бир нарсани, яъни, Ёлғиз Оллоҳнинг Динини барпо қилишни ва бу динда турли фирқаларга бўлиниб кетмасликни буюргани баён этилмоқда.

(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), мушрикларга Сиз даъват қилаётган нарса *(яъни, Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилиш)* зўр келди - оғирлик қилди. Оллоҳ унга *(яъни, Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилиш*

бахтига) Ўзи хоҳлаган кишиларни сайлар ва унга *(Ёлгиз Оллоҳга)* илтижо қиладиган кишиларни ҳидоят қилур. 14. Улар *(яъни, аввалги пайғамбарларнинг қавмлари)* ҳам бўлинмаганлар, магар ўзларига *(турли фирқаларга бўлинмаслик зарурлиги ҳақида)* билим-ҳужжат келганидан сўнг ўзаро ҳасад-адоват қилишиб *(фирқа-фирқа бўлиб кетганлар.)* Агар Парвардигорингиз томонидан *(уларнинг жазоларини)* белгиланган муддатгача *(яъни, Қиёматгача таъхир қилиш хусусидаги)* Сўз ўтмаганида, албатта уларнинг ўртасида ҳукм қилинган бўлур эди *(яъни, улар мана шу дунёдаёқ жазоларини тортган бўлур эдилар)!* Албатта улардан кейин Китобга *(Таврот, Инжилга)* ворис қилинган кимсалар *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломга замондош бўлган яҳудий ва насронийлар)* ҳам ундан *(ўз Китобларидан)* шак-шубҳададирлар. 15. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, мана шунинг учун *(яъни, аввалги қавмлар фирқа-фирқа бўлиб кетганлари сабабли йўлдан озганлари учун - сиз ўз умматларингизни бирлик-иттифоққа)* даъват қилинг ва ўзингизга буюрилгани янглиғ Тўғри Йўлда бўлинг ҳамда уларнинг *(мушрикларнинг)* ҳавойи нафсларига эргашманг! Айтинг: "Мен Оллоҳ нозил қилган ҳар бир Китобга иймон келтирдим ва сизларнинг ўртангизда *(мендан сўраб келган муаммоларингизни ҳал этишда)* адолат қилишга амр этилдим. Бизнинг Парвардигоримиз ҳам, сизларнинг Парвардигорингиз ҳам *(Ёлгиз)* Оллоҳдир. Бизларнинг амалларимиз ўзимиз учун, сизларнинг амалларингиз ўзларингиз учундир. Бизлар билан сизларнинг ўртангизда бирон жанжал йўқдир. Оллоҳ *(Қиёмат Кунида)* барчамизни жамлар ва Ёлгиз Унга қайтиш бордир. 16. Оллоҳ *(Дини - Ислом)* ҳақида у *(одамлар томонидан)* қабул қилинганидан сўнг *(ўша одамларни Исломдан чиқариш учун)* талашиб-тортишадиган кимсаларнинг ҳужжатлари *(яъни, талашиб-тортишишлари)* Парвардигор наздида ботил-беҳудадир. Уларга *(бу дунёда)* газаб, *(Охиратда эса)* қаттиқ азоб бордир. 17. Оллоҳ ҳаққи-рост бўлган Китобни ва тарози-адолатни нозил қилган Зотдир. Қаердан билурсиз, эҳтимол *(Қиёмат)* Соати яқиндир. *(Бас, ғафлатда қолмай Оллоҳ нозил қилган Ҳақ Китоб ва адолатни маҳкам ушлаш лозимдир).* 18. *(Қиёматга)* иймон келтирмайдиган кимсалар уни шоштирурлар. Иймон келтирган зотлар эса ундан қўрқувчидирлар. Улар *(Қиёматнинг)* ҳақ эканлигини билурлар. Огоҳ бўлингизким, *(Қиёмат)* Соати хусусида талашиб-тортишадиган кимсалар *(Ҳақ Йўлдан)* йироқ залолатдадирлар. 19.

Оллоҳ бандаларига Меҳрибондир. У Ўзи хоҳлаган кишиларга *(кенг-мўл)* ризқ берур. У Кучли, Қудратлидир. 20. Ким *(ўз амали билан)* Охират экинини *(яъни, савобини)* истар экан, Биз унга экинини*(нг ҳосилини)* мўл-зиёда қилурмиз. Ким дунё экинини истар экан, Биз унга ўшандан *(дунё матоларидан)* берурмиз ва унинг учун Охиратда бирон насиба бўлмас!

Изоҳ: Бу ояти каримада ҳар қандай яхши амал фақат Охиратдаги мукофотни кўзлаб қилинсагина Оллоҳ таоло унинг ажру савобини комил қилиб бериши, аммо агар мол-дунё ва шон-шуҳратга етиш гаразида риёкорлик билан қилинган амаллар учун эса Охиратда ҳеч қандай савоб йўқлиги уқтирилмоқда.

21. Балки улар *(Макка мушриклари)* учун диндан Оллоҳ изн бермаган *(куфр ва ширк каби)* нарсаларни уларга шариат қилиб берган шериклари - бутлари бордир?! Агар *(яхши-ёмон амаллар фақат Қиёмат Кунида)* ажралиши хусусидаги Сўз бўлмаганида, албатта уларнинг ўрталарида *(шу дунёдаёқ)* ҳукм қилинган бўлур эди. Золим кимсалар учун шак-шубҳасиз, аламли азоб бордир. 22. *(Қиёмат Кунида)* у золимларни ўзлари *(ҳаёти дунёда)* касб қилган нарсадан *(яъни, куфру исёнларига бериладиган жазолардан)* қўрқиб турган ҳолларида кўрурсиз. У *(жазо эса қўрқсалар-қўрқмасалар)* уларга тушгувчидир! Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар эса жаннатларнинг богларида бўлишиб, улар учун Парвардигорлари ҳузурида хоҳлаган нарсалари бордир. Мана шу катта фазлу марҳаматнинг ўзидир! 23. Мана шу Оллоҳ иймон келтирган ва яхши амаллар қилган бандаларига берадиган хушхабаридир! *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Макка мушрикларига)*, айтинг: "Мен сизлардан бу *(даъватим)* учун ажр-мукофот сўрамайман, фақат қариндошчиликдаги дўстлик-яқинликнигина *(яъни, мен сизлар билан насл-насаб жиҳатидан қариндош бўлганим ҳаққи-ҳурмати бу даъватимга тўсқинчилик қилмасликларингизнигина сўрайман)*". Ким бирон чиройли амал қилса, Биз унинг ўша *(чиройли амали)*га яна зиёда чирой бахш этурмиз *(яъни, зиёда савоб ато этурмиз)*. Албатта Оллоҳ Мағфират қилгувчи, яхшиликни Билгувчидир. 24. Ёки улар: "*(Муҳаммад, Қуръон Оллоҳ томонидан нозил бўлган, деб)* Оллоҳ шаънига ёлгон тўқиди", дейдиларми?! *(Ундоқ эмас)*, чунки агар *(Сиз ёлгон тўқийдиган бўлсангиз)*, Оллоҳ хоҳласа, дилингизни муҳрлаб қўюр; Оллоҳ Ўз Сўзлари билан ботил-ноҳақ *(гаплар)*ни йўқ қилур ва Ҳақни ҳақ қилур - рўёбга чиқарур. Албатта У дилларни эгаллаган

*(сирлар)*ни Билгувчидир. 25. У бандаларидан тавба-тазарруъни қабул қиладиган, ёмонликларни афв этадиган ва қиладиган ишларингизни биладиган Зотдир. 26. У иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларнинг *(дуоларини)* ижобат қилур ва уларга *(сўраган нарсаларини ато этиб, яна)* Ўз фазлу карамидан зиёда қилур. Кофирлар учун эса қаттиқ азоб бордир. 27. Агар Оллоҳ *(барча)* бандаларининг ризқларини кенг-мўл қилса, албатта улар Ер юзида зулм-тажовузкорлик қилган бўлур эдилар. Лекин У Зот *(бандаларининг ризқу рўзларини)* Ўзи хоҳлаганича ўлчов билан туширур. Албатта У бандаларидан Огоҳ ва Кўриб тургувчидир. 28. У *(одамлар ёғин-сочиндан)* умидсизликка тушганларидан кейин ёмғир ёғдирадиган ва Ўз раҳмат-баракотини кенг ёядиган Зотдир. У ҳамду сано Эгаси бўлган Дўстдир. 29. Осмонлар ва Ернинг яратилиши ҳамда *(Оллоҳ)* уларда тарқатиб-ёйиб юборган жониворлар Унинг *(қудрати Илоҳиясига далолат қиладиган)* оят-аломатларидандир. У Ўзи хоҳлаган вақтида уларни жамлаб-йиғиб олишга Қодирдир. 30. *(Эй инсонлар)*, сизларга не бир мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса - гуноҳ сабабли *(етур)*. Яна У кўп *(гуноҳларнинг жазосини бермасдан)* афв қилиб юборур. 31. Сизлар Ерда *(ҳеч қаёққа)* қочиб қутулгувчи эмассизлар. Ва сизлар учун Оллоҳдан ўзга бирон дўст ва ёрдамчи йўқдир. 32. Денгиз-дарёлардаги тоғлар янглиғ сузиб юрган *(кема)*лар ҳам Унинг *(қудрати Илоҳиясига далолат қиладиган)* оят-аломатларидандир. 33. Агар *(Оллоҳ)* хоҳласа, шамолни тўхтатиб қўюр, бас, улар *(денгиз)* устида *(ҳеч қаёққа сузолмай)* туриб қолурлар - Албатта бунда ҳар бир *(балога)* сабр қилгувчи, *(Оллоҳнинг неъматларига)* шукр қилгувчи учун оят-ибратлар бордир;- 34. Ёки *(агар Оллоҳ хоҳласа, қаттиқ бўрон юбориб, кемадаги одамларнинг)* қилган гуноҳлари сабабли у *(кема)*ларни ҳалок *(ғарқ)* қилур ва кўпларни *(ҳалокатдан қутқариб)* афв этур. 35. *(Токи)* Бизнинг оятларимиз хусусида талашиб-тортишадиган кимсалар ўзлари учун *(Оллоҳнинг азобидан)* бирон қочиб қутуладиган жой йўқ эканлигини билиб олсинлар! 36. Бас, *(эй инсонлар)*, сизларга ато этилган бор нарса*(лар)* ҳаёти дунё матосидир ва иймон келтирган ҳамда Ёлғиз Парвардигорларига суянадиган зотлар учун Оллоҳ ҳузуридаги нарсалар *(яъни, Охират неъматлари - дунё матоларидан)* яхшироқ ва боқийроқдир. 37. Улар катта гуноҳлардан ва бузуқликлардан четланадиган, ғазабланган вақтларида эса кечириб юборадиган зотлардир.

И з о ҳ: Ушбу ва қуйидаги оятларда Оллоҳ таоло Охират неъматларига сазовор бўладиган мўминларнинг сифат-фазилатларини баён қилади. Муҳтарам ўқувчи эътибор берган бўлса, юқоридаги оятда умуман гуноҳлардан эмас, балки катта гуноҳлар ва бузуқликлардан йироқ бўлиш ҳақида айтилди. Улар Оллоҳга ширк келтириш, ноҳақ одам ўлдириш, ота-онага оқ бўлиш, ўғрилик, порахўрлик, судхўрлик ва зинокорлик кабилар бўлиб, мўмин одам ундай иллатлардан пок бўлиши вожибдир. Аммо киши билиб-билмай қилиб қўядиган кичик саҳву хатолар ҳам бордирки, бу ҳақда Пайғамбар алайҳис-салом шундай марҳамат қилганлар: "Ҳар бир одам боласи хатокордир. У хатокорларнинг яхшироғи - қилиб қўйган саҳву хатоларига тавба-тазарруъ қиладиган кишилардир".

Энди "ғазабланган вақтларида кечириб юборадилар" жумласини шундай тушунмоқ лозим. Ислом дини назарида ғазабланмасликнинг ўзи ҳеч қандай фазилат эмас, чунки масалан динга тош отилган вақтда ғазабланмаган мусулмон мусулмон эмас, балки мунофиқ бўлади. Фазилат ўша ғазаб туйғусига қул бўлиб қолмасдан ақл ва инсоф билан иш юритмоқдир.

38. Улар Парвардигорларига ижобат-итоат этган ва намозни тўкис адо қилган зотлардир. Уларнинг ишлари *(мудом)* **ўзаро шўро-маслаҳат** *(билан)* **бўлур ва Биз уларни ризқлантирган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилурлар. 39. Улар ўзларига зулм етган вақтда** *(унга қарши курашиб)* **ғолиб бўладиган зотлардир.**

И з о ҳ: Агар бошқа динларда "Ўнг юзингга урсалар, чап юзингни ҳам тутиб бер" қабилида золимларга мутеълик тарғиб қилинса, Ислом дини назарида ҳақиқий мўмин зулму зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиб ғолиб бўладиган кишидир. Зотан, золимнинг зулмидан қўрқиб ҳақсизлик, адолатсизликка қарши тура олмаган одамнинг иймони комил иймон эмасдир! Зеро...

40. *(Ҳар қандай)* **ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир** *(яъни, ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бордир).* **Энди ким** *(интиқом олишга қодир бўлгани ҳолда)* **афв қилиб** *(ўртани)* **тузатса, бас, унинг ажри Оллоҳнинг зиммасидадир. Албатта У зулм қилгувчиларни севмас. 41. Албатта ким мазлум бўлганидан сўнг** *(ўзига зулм қилган кимсадан)* **ғолиб бўлса,** *(интиқом олса),* **бас, улар***(ни олган интиқомлари учун айблаш)***га йўл йўқдир. 42. Фақат одамларга зулм қиладиган ва Ерда ноҳақ ҳаддаридан ошадиган кимсалар***(ни айблаш ва зулму зўравонликлари учун жазолаш)***гагина йўл бордир. Ана ўшалар учун**

аламли азоб бордир. 43. Албатта ким *(ўзига етган озор-азиятларга)* сабр қилса ва *(интиқом олмай Оллоҳ учун)* кечириб юборса, шак-шубҳасиз, бу *(иш)* ишларнинг мақсадга мувофиғидир. 44. Кимни Оллоҳ йўлдан оздирса, бас, унинг учун ўшандан кейин бирон *(Тўғри Йўл кўрсатгувчи)* дўст йўқдир. Ундай золимларнинг *(Қиёмат Кунида)* азобни кўрган вақтларида "*(Яна дунёга)* қайтишга бирон йўл бормикан?" деяётганларини кўрурсиз. 45. Уларнинг хорликдан эгилган ва *(дўзахга қўрқа-писа)* кўз қирлари билан қараган ҳолларида унга кўндаланг қилинаётганларини кўрурсиз. Иймон келтирган зотлар: "Албатта зиён кўргувчилар *(гарчи дунё неъматларидан фойдаланиб ўтган бўлсалар-да)* Қиёмат Кунида ўзларига, аҳли-оилаларига зиён қилган кимсалардир", дедилар. Огоҳ бўлингизким, у золимлар мангу азобдадирлар. 46. Улар учун Оллоҳдан ўзга ёрдам берадиган ҳеч қандай "дўстлар" бўлмас. Кимни Оллоҳ йўлдан оздирса, бас, унинг учун бирон *(Тўғри)* Йўл йўқдир. 47. *(Эй инсонлар)*, Оллоҳ томонидан, ҳеч қайтариб бўлмайдиган бир Кун *(Қиёмат)* келиб қолишидан илгари Парвардигорингизга ижобат-итоат этингиз! У Кунда сизлар учун бирон қочадиган жой ҳам бўлмас ва сизлар учун *(қилиб ўтган гуноҳларингизни)* инкор қилиш *(имкони)* ҳам бўлмас. 48. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, агар *(мушриклар)* энди ҳам *(Ёлғиз Оллоҳга иймон келтиришдан)* юз ўгирсалар, бас, Биз Сизни уларнинг устига қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ! Сизнинг зиммангизда фақат *(Биз Сизга нозил қилган ваҳийни)* етказиш бор, холос. Дарҳақиқат, Биз инсонга Ўз томонимиздан раҳмат-неъматни тотдирган вақтимизда у ўша *(неъмат)* билан шодланур, *(аммо)* агар уларга ўз қўллари қилган *(гуноҳлари)* сабабли бирон ёмонлик етса, бас, албатта инсон *(зоти)* куфрони неъмат қилгувчидир - кўрнамакдир! 49. Осмонлар ва Ер Оллоҳнинг мулкидир. У Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. У Ўзи хоҳлаган кишига қизларни ҳадя этур ва Ўзи хоҳлаган кишига ўғилларни ҳадя этур. 50. Ёки уларни эгизак ўғиллар ва қизлар қилур ва Ўзи хоҳлаган кишини - туғмас *(бепушт)* қилиб қўюр. Албатта У *(барча нарсани)* Билгувчи ва *(Ўзи хоҳлаган нарсани яратишга)* Қодирдир. 51. Бирон одам учун Оллоҳ унга сўзлаши жоиз эмас, магар ваҳий-илҳом орқали ё бирон парда-тўсиқ ортидан ёки бирон элчи-фаришта юбориб, ўша *(фаришта Оллоҳнинг)* изни-ихтиёри билан У хоҳлаган нарсани ваҳий қилиши орқали *(сўзлар)*. Албатта У Юксак ва ҳикмат Эгасидир.

И з о ҳ: Мазкур оятдан пайғамбарлар Оллоҳ таоло билан уч восита орқали боғланганлари маълум бўлди: биринчиси ғойибдан келган ваҳий - илҳом ёки ўнгидан келадиган туш орқали. Чунки Пайғамбар алайҳис-салом: "Пайғамбарларнинг тушлари ваҳийдир", деганлар. Бунга мисол, Иброҳим Халилуллоҳга тушларида ўз ўғиллари Исмоил Забиҳуллоҳни Оллоҳ Йўлида қурбонлик қилишга буюрилишидир. Иккинчиси бирон парда-тўсиқ ортидан Оллоҳ таоло Ўз пайғамбарига сўзлашидир. Бунга мисол Тур тоғида Оллоҳ таоло Мусо пайғамбарга бевосита сўзлаганидир. Учинчиси эса Оллоҳ таоло Ўз пайғамбарларига фаришталар орқали ваҳий юбориши бўлиб, Жаброил алайҳис-салом Оллоҳ таолонинг ваҳийларини пайғамбарларга элтгувчи фариштадир.

52. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **шундай қилиб** *(худди аввалги пайғамбарларга ваҳий қилганимиздек)* **Биз Ўз амримиз билан Сизга Руҳни - Қуръонни ваҳий қилдик.**

И з о ҳ: Бу ўринда Оллоҳ таоло томонидан Қуръони Карим Руҳ деб аталишига сабаб, жасад жон билан тирик бўлгани каби Диннинг руҳи - жони Қуръондир.

Сиз *(Пайғамбар бўлишингиздан)* **илгари на Китобни - Қуръонни ва на иймонни** *(яъни, унинг ҳақиқат-моҳиятини)* **билгувчи эдингиз. Лекин Биз уни** *(Қуръонни)* **бир нур қилдикки, у билан бандаларимиздан Ўзимиз хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилурмиз. Албатта Сиз** *(ўзингизга тушган ваҳий ёрдамида)* **Тўғри Йўлга етаклайсиз. 53. У** *(Йўл)* **осмонлардаги ва Ердаги бор нарса Ўзиники бўлган Зот - Оллоҳнинг Йўлидир! Огоҳ бўлингизким, барча ишлар Ёлгиз Оллоҳга қайтур!**

ЗУХРУФ сураси (43)

Маккада нозил қилинган бу сура саксон тўққиз оятдан ташкил топган.

У Қуръони Каримни таърифлаш билан бошланиб, сўнгра Оллоҳ таоло Ўз бандаларига ато этган беҳисоб неъматлардан айримлари санаб ўтилади.

Бу сурада ўзлари барча нарсани Оллоҳ яратганига иқрор бўлиб туриб, яна Яратганга ўзгаларни "шерик" қиладиган ва хусусан "Унинг боласи бор" дейдиган мушрикларнинг даъволари аниқ-равшан ҳужжатлар билан кескин рад этилади.

Бу сурада ҳам Муҳаммад алайҳис-саломнинг салафларидан ҳазрати Иброҳим ва Мусо пайғамбарларнинг даъватлари ва чеккан азиятларидан айрим лавҳалар тасвирланади.

Суранинг "Зухруф - Зеб-зийнат" деб номланишига сабаб, унда бу дунё олтин-кумуш ва зеб-зийнатлари Оллоҳ таоло наздида қандай мартабада эканлиги батафсил баён қилинади.

Сура Пайғамбар алайҳис-саломни мушриклардан юз ўгиришга буюриб, уларнинг яқинда қилмишларига яраша жазо олишлари аниқ экани ҳақида хабар бериш билан ниҳоясига етади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Ҳо, Мим. 2-3. Очиқ-равшан Китобга - Қуръонга қасамки, албатта Биз уни сизлар ақл юргизишингиз *(маъно-мазмунини фаҳмлашингиз)* **учун арабий Қуръон қилдик. 4. Дарҳақиқат, у Бизнинг даргоҳимиздаги Асл Китобда** *(Лавҳул-Маҳфузда)* **юксак** *(мартабали)* **ва ҳикматли** *(Китобдир)* **5. Бас, сизлар** *(куфру исёнда)* **ҳаддан ошувчи қавм бўлганларингиз учун Биз сизлардан бу Эслатмани буриб** *(сизларни ўз ҳолларингизга ташлаб)* **қўюрмизми?! 6. Биз аввалгиларга ҳам қанча пайғамбар юборганмиз. 7. Улар ҳам ўзларига келган ҳар бир пайғамбарни масхара қилиб кулган**

эдилар. 8. Бас, Биз улардан *(Макка кофирларидан)* кучли-қувватлироқларни ҳам ҳалок қилганмиз. *(Ушбу Қуръонда)* аввалгиларнинг масал-қиссалари ўтди-ку! 9. *(Эй Муҳаммад алайҳиссалом)*, қасамки, агар Сиз улардан: "Осмонлар ва Ерни ким яратган?", деб сўрасангиз, албатта: "Уларни Қудратли ва Билгувчи *(Оллоҳ)* яратган", дерлар. *(Аммо ўзлари бўлса, ҳеч нарса ярата олмайдиган бут ва санамларни У Зотга шерик қилиб олиб, ўшаларга сиғинурлар).* 10. Ўша Зот сизлар учун Ерни бешик - қароргоҳ қилиб қўйди ва *(сафарларингизда кўзлаган манзилларингизга)* йўл топишларингиз учун унда *(Ерда турли)* йўлларни *(пайдо)* қилди. 11. Ўша Зот осмондан *(аниқ)* ўлчов билан сув-ёмғир ёғдирди. Бас, Биз у *(сув)* билан "ўлик" шаҳар *(қишлоқларни)* тирилтирдик *(яъни, қуруқ Ердан турли-туман гиёҳларни чиқардик)*. Сизлар ҳам *(Қиёмат Кунида қабрларингиздан)* мана шундай чиқарилурсизлар. 12. Ўша Зот барча жуфтларни *(яъни, бор махлуқотни)* яратди ва сизлар учун кемалар ва чорва ҳайвонларидан - сизлар минадиган нарсалар *(пайдо)* қилди. 13-14. Токи сизлар уларнинг устига ўрнашгайсизлар, сўнгра унга ўрнашиб олгач, Парвардигорингизнинг неъматини эслаб: "Бизларга бу *(кема ёки от-улов)*ни бўйсундириб қўйган Зот *(яъни, Оллоҳ барча айбу-нуқсондан)* Покдир. Бизлар ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Шак-шубҳасиз, бизлар *(барчамиз)* Парвардигоримизга қайтгувчидирмиз", дегайсизлар.

Изоҳ: Юқоридаги оятларда Оллоҳ таоло бандаларига ато этган неъматлари қаторида улар шукр қилиб, ибрат олишлари учун ўзларидан неча баробар катта ва кучли кема ва туя каби, инсонлар миниб ва бошқариб юрадиган нарсаларни ҳам яратиб қўйганини ва шундай қудратли, баҳайбат нарсаларни инсонга бўйинсундириб қўйганини баён қилди. Энди қуйидаги оятларда "фаришталар - Оллоҳнинг қизлари", деган ботил ақида эгалари бўлган мушриклар ҳақида ҳикоя қилиниб, уларнинг бу пуч даъволари Илоҳий мантиқ билан рад этилади.

15. Улар *(мушриклар Оллоҳ)* учун Ўз бандаларидан *(айримларини яъни, фаришталарни)* жузъ - бўлак қилдилар! *(Оллоҳнинг бандалари бўлган фаришталарни "У Зотнинг қизлари яъни, Унинг бир жузъи", дедилар. Чунки фарзанд отанинг жузъидир).* Дарҳақиқат, инсон очиқ-ойдин кўрнамак-ношукурдир! 16. Балки *(Оллоҳ)* Ўзи яратадиган нарсалардан қизларни олиб қолиб, сизларга ўғилларни танлаб бергандир?! 17. Қачон уларнинг биронтасига, ўзи Раҳмон учун мисол қилган нарса *(яъни, қиз*

кўргани) ҳақида хушхабар берилса, ғазабга тўлган ҳолда юзи қорайиб кетар. 18. "Ҳали зеб-зийнат ичида ўстириладиган, *(ҳеч қандай)* жанжал-мунозарада *(ўз мақсадини)* очиқ-равшан баён қилиб бера олмайдиган *(ожиз нотавон қиз боламиЛ)*" 19. *(Ҳолбуки,)* ўзлари Раҳмоннинг бандалари бўлмиш фаришталарни "Қизлар" дедилар! Ё улар *(Оллоҳ фаришталарни)* яратишига гувоҳ бўлганмидилар?! Уларнинг бу "гувоҳ"ликлари албатта *(номаи аъмолларига)* ёзилур ва улар *(Қиёмат Кунида)* сўроққа тутилурлар! 20. Улар: "Агар Раҳмон хоҳлаганида, бизлар уларга *(яъни, фаришталарга "улар Оллоҳнинг қизлари", деган эътиқод билан)* ибодат қилмаган бўлур эдик", дедилар. *(Яъни, бизлар фаришталарга Оллоҳнинг розилиги - хоҳиши билан сиғинганмиз, деб даъво қилдилар).* Улар учун бу ҳақда ҳеч қандай билим-асос йўқдир. Улар фақат ёлғон сўзламоқдалар! 21. Ёки Биз уларга *(Қуръондан)* илгари бирон китоб ато этганмиз-у, улар ўшани ушлагувчимилар?! *(Йўқ, асло ундоқ бўлган эмас)!* 22. Йўқ, *(улар учун ўзларича Оллоҳга турли махлуқотларни шерик қилиб олишларида бирон ҳужжат-далил йўқдир, шунинг учун ҳам бошқа ҳеч қандай сўз топа олмай)* улар *(шундай)* дедилар: "Албатта бизлар ота-боболаримизни бир миллат - дин устида топганмиз ва албатта бизлар уларнинг изларидан бориб ҳидоят топгувчидирмиз". 23. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, шунингдек, Биз Сиздан илгари бирон қишлоқ-шаҳарга бирон огоҳлантиргувчи-пайғамбар юбормадик, магар *(юборганимизда)* у жойнинг боёнлари: "Албатта ота-боболаримизни бир миллат - дин устида топганмиз ва албатта бизлар уларнинг изларидан эргашгувчидирмиз", деганлар. 24. *(Шунда пайғамбарлари уларга)* "Агар мен сизларга сизлар ота-боболарингизни *(эътиқод қилган ҳолларида)* топган диндан тўғрироқ Динни келтирган бўлсам ҳам-а?", деганида, улар: "Албатта бизлар сизлар элчи қилиб юборилган Динга кофирдирмиз", дедилар. 25. Бас, Биз улардан интиқом олдик. Энди у *(ўз пайғамбарларини)* ёлғончи қилгувчиларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринг! 26. Эсланг, Иброҳим отасига ва қавмига деган эди: "Албатта мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан покдирман. 27. Магар мени яратган Зотгагина *(ибодат қилурман).* Бас, албатта У мени *(Ҳақ Динга)* ҳидоят қилажак". 28. У *(Иброҳим)* ўшани *(яъни, ўзининг Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилиши ҳақидаги сўзни ўзидан кейин келадиган зурриёт-авлодлари ҳам унга)* қайтишлари учун ўз ортида қолгувчи сўз қилди. 29. Мен эса *(Иброҳим*

авлодларидан бўлган, аммо у қолдирган Сўзга итоат этмаган) ана у *(Макка аҳолиси)*ни ҳам, уларнинг ота-боболарини ҳам то уларга Ҳақ - Қуръон ва очиқ-равшан Пайғамбар *(Муҳаммад алайҳис-салом)* келгунича *(узун умр ва фаровон ҳаёт билан)* фойдалантирдим. 30. *(Аммо)* қачонки уларга Ҳақ - Қуръон келгач, улар: "Бу сеҳрдир, албатта бизлар унга кофирдирмиз", дедилар. 31. Яна улар: "Бу Қуръон икки қишлоқ*(нинг бири)*дан бўлган улуғ одамга нозил қилинганида эди", дедилар.

Изоҳ: Икки қишлоқдан мурод Макка ва Тоиф шаҳарларидир. Мушриклар назарида Макканинг улуғи ўша жойлик боёнлардан Валид ибн-ал-Муғийра бўлса, Тоифнинг улуғи Урва ибн Масъуд ас-Сақафий номли бир бой эди. У мушриклар ҳам барча замонлардаги дунёга қул бўлган кимсалар каби улуғликни мол-давлат ва салтанат билан ўлчар эдилар. Шунинг учун улар: "Агар бу Қуръон ҳақ китоб бўлганида Муҳаммадга ўхшаган бир етим ва камбағалга эмас, балки Валид ва Урва каби улуғ зотларга тушган бўлар эди", дедилар.

32. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Парвардигорингизнинг раҳмати *(бўлмиш пайғамбарлик)*ни ўшалар тақсимлайдиларми?! *(Йўқ, асло ундоқ эмас!)* Уларнинг ҳаёти дунёдаги маишат-тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз Ўзимиз тақсимлаганмиз ва баъзилари баъзиларини қўл остига олиб *(ишлатишлари)* учун *(бировларини бой ёки кучли-қувватли қилиб, бошқа бировларини эса камбағал ёки заиф-кучсиз қилиб)* айримларини айримларидан баланд даража-мартабаларга кўтариб қўйганмиз. Парвардигорингизнинг раҳмати - пайғамбарлик эса улар тўплайдиган нарса *(мол-дунё)*ларидан яхшироқдир. *(Бас, Биз бу улуғ неъматни фақат Ўзимиз танлаган кишиларгагина ато этурмиз)*. 33. Агар *(иймонсиз кимсаларнинг бой-бадавлат, тўкин-сочинликда яшаётганларини кўриши, барча)* одамлар бир миллат *(яъни, кофир)* бўлиб олишлари *(хавфи)* бўлмаганида эди албатта Биз Раҳмонга *(яъни, Бизга)* кофир бўладиган кимсалар учун уйларининг шифтларини ҳам, унга чиқадиган нарвонларни ҳам кумушдан қилиб қўйган бўлур эдик. 34. Яна уларнинг уйларининг эшикларини ҳам, ўзлари устида суяниб-ястаниб ўтирадиган сўриларни ҳам *(кумушдан қилиб қўйган бўлур эдик)*. 35. Яна *(барча)* зеб-зийнат - нақш-нигорларни ҳам *(ўша кофирлар учун қилиб қўйган бўлур эдик. Зеро, буларнинг)* барчаси фақат ҳаёти дунё матоларидир. Охират эса Парвардигорингиз наздида тақводор зотлар учундир.

И з о ҳ: Ушбу оятлардан Оллоҳ таоло наздида бу дунё ўзининг бор зебу зийнат ва ҳою ҳаваси билан нақадар ҳақир бир нарса экани маълум бўлди. Пайғамбар алайҳис-саломдан ривоят қилинган бир ҳадиси шариф мазкур оятларнинг муносиб тафсири бўлса керак: "Агар Оллоҳ таолонинг ҳузурида дунё учун пашшанинг қанотича вазн-қиммат бўлганида Оллоҳ кофирга ундан бир қултумини ҳам раво кўрмаган бўлур эди". Қуръони Карим бу оятлар воситасида бизларни тарки дунёчиликка тарғиб қилмайди, балки бу дунё қул бўлишга арзийдиган матоҳ эмаслигини уқтиради.

36. Ким Раҳмон Эслатмасидан *(яъни, Қуръон панд-насиҳатларидан)* **кўр бўлиб олса - юз ўгирса, Биз унга шайтонни яқин қилиб қўюрмиз, бас, у ўша** *(кофирга доимий)* **ҳамроҳ бўлур. 37. Шак-шубҳасиз,** *(шайтонлар, Қуръондан юз ўгирган кимсаларни Тўғри)* **Йўлдан тўсурлар,** *(аммо ўша шайтонларнинг етовидаги адашганлар эса)* **ўзларини ҳидоят топгувчилар, деб ҳисоблайдилар. 38. То қачон Бизнинг ҳузуримизга келгач,** *(ўзини Тўғри Йўлдан оздирган шайтонга қараб)*: **"Орзу эди, мен билан сенинг ўртанг Шарқу Ғарбнинг ўртасидаги масофа** *(каби йироқ)* **бўлса! Бас,** *(сен)*, **нақадар ёмон ҳамроҳдирсан", дер. 39.** *(Эй кофирлар ва уларни Тўғри Йўлдан оздирган пешволари, ҳаёти дунёда куфр йўлини танлаш билан ўзларингизга)* **зулм қилганларингиз сабабли бу Кун сизларга азобда шерик эканликларингиз ҳаргиз фойда бермас** *(яъни, азобни қаттиқлигидан ҳар бирингиз ўзингиз билан овора бўлиб, шерикларингизга ҳамдардлик билдириб, азобларини енгиллата олмассизлар)*! **40. Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Сиз "кар"ларга эшиттира олурмисиз ё "кўр"лар ва очиқ залолатда бўлган кимсаларни ҳидоят қила олурмисиз? 41. Бас, агар Биз** *(кофирларни мағлуб этишдан илгари)* **Сизни кетказсак** *(яъни, вафот қилдирсак ҳам)* **албатта Биз улардан** *(Охиратда)* **Интиқом олгувчидирмиз. 42. Ёки албатта Биз уларга ваъда қилган нарсани** *(яъни, кофирликлари сабабли уларнинг бошларига тушажак азобни ҳаётлик чоғингиздаёқ)* **Сизга кўрсатурмиз. Зеро, Биз уларга** *(азоб беришга)* **Қодирдирмиз. 43. Бас, Сиз ўзингизга ваҳий қилинган нарсани - Қуръонни маҳкам ушланг! Албатта Сиз Тўғри Йўлдадирсиз. 44. Албатта у** *(Қуръон)* **Сиз учун ҳам, қавмингиз-умматингиз учун ҳам бир шарафдир ва яқинда** *(Қиёмат Кунида бу неъмати Илоҳийя хусусида)* **сўралурсизлар. 45.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Биз Сиздан илгари юборган пайғамбарлардан сўраб** *(яъни, улар келтирган диний таълимотларни ўрганиб)* **боқинг-чи, Биз Раҳмондан** *(яъни,*

Ўзимиздан) ўзга ибодат қилинадиган "илоҳ"лар қилганмиканмиз?! *(Йўқ, барча пайғамбарлар Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилишга даъват этгандирлар)!* 46. Аниқки, Биз Мусони Ўз оят-мўъжизаларимиз билан Фиръавн ва унинг одамларига юбордик. Бас, у: "Албатта мен барча оламлар Парвардигорининг пайғамбаридирман", деди. 47. Энди қачонки у Бизнинг оят-мўъжизаларимизни уларга келтиргач, баногоҳ улар у *(мўъжиза)*лар устидан кула бошладилар. 48. Биз уларга *(тўфон, чигиртка балолари каби азоб оят-аломатларидан)* бирон оят кўрсатсак, албатта у *(ўзидан аввалги)* шеригидан улуғроқ-даҳшатлироқ *(бало-офат)* бўлур эди. Шояд *(куфрдан иймонга)* қайтсалар, деб Биз уларни *(турли)* азоб билан ушладик. 49. Улар *(Бизнинг оятларимизни кўришгач, Мусога)*: "Эй сеҳргар, сенга берган *(дуойингни мустажоб қилиши хусусидаги)* ваъдаси ҳаққи-ҳурмати Парвардигорингга бизлар учун дуо қил. *(Агар У сенинг дуойинг сабабли бизлардан бу азобларни аритса)*, албатта бизлар ҳидоят топгувчидирмиз *(яъни, ўша Оллоҳга иймон келтиргувчидирмиз)*", дедилар. 50. Энди қачонки Биз *(Мусонинг дуоси шарофати билан)* улардан азобни аритсак, баногоҳ улар *(ўзларининг иймон келтирамиз, деб берган аҳдларини)* буза бошладилар. 51. Ва Фиръавн ўз қавмига жар солиб, деди: "Эй қавмим, Миср подшоҳлиги ва мана бу остимдан оқиб турган дарёлар менинг *(мулким)* эмасми?! Ахир кўрмаяпсизлармиʔ! 52. Балки мен мана бу хор бўлган ва *(ўз мақсадини)* очиқ баён қила олмайдиган кимсадан *(яъни, Мусодан)* яхшироқдирман?! 53. Бас, унга *(Мусога осмондан худди подшоҳларнинг бўйнига гулчамбар ташланганидек)* олтиндан бўлган билагузуклар ташланганида эди ёки у билан бирга фаришталар ҳамроҳ бўлиб келганида эди *(унинг пайғамбарлигига ишонсанглар бўлар эди. Ундоқ бўлмагач, нега унга иймон келтирасизлар)?!"* 54. Бас, у ўз қавмини тезлатган эди, улар унга итоат этдилар. Дарҳақиқат, улар фосиқ қавм эдилар. 55. Энди қачонки улар Бизни дарғазаб қилишгач, Биз улардан интиқом олдик - уларнинг барчаларини *(денгизга)* гарқ қилиб юбордик. 56. Бас, уларни кейингилар учун ўтмиш-ибрат ва мисол қилиб қўйдик. 57. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, қачонки *(Ийсо)* бинни Марям мисол келтирилса, баногоҳ қавмингиз *(бу мисолдан шодланиб)* қичқира бошлайдилар. 58. Улар: "Бизларнинг илоҳларимиз яхшироқми ёки уми *(яъни, Ийсоми?!)* дедилар. Улар *(бу мисолни)* Сизга фақат талашиб-тортишиш учунгина келтирдилар. Ахир улар хусуматчи-урушқоқ қавмдирлар!

И з о ҳ: Бу оятлар мушриклар Ийсо бинни Марямни мисол қилиб, Муҳаммад алайҳис-саломни мулзам этмоқчи бўлишгани хусусидадир. Пайғамбар алайҳис-салом Қурайшликларга "(Эй мушриклар), сизлар ҳам, Оллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидир", оятини (Анбиё сураси, 98-оят) тиловат қилганларида, мушриклар ғазабга минишиб: "Эй Муҳаммад, бу фақат бизларга тегишлими ёки барча миллатларгами?", деб сўрашади. Ҳазрат уларга: "Бу оят барча замонлардаги мушриклар ва улар сиғинадиган нарсаларга тегишлидир", деб жавоб бергач, улардан бири бу жавобдан шодланиб: "Ахир сен Ийсони Оллоҳнинг пайғамбари деб эдинг-ку! Ҳолбуки, насронийлар уни худо деб сиғинадилар. Бас, агар Ийсо насронийлар уни худо қилиб олганлари сабабли дўзахга тушадиган бўлса, бизлар ҳам ўз худоларимиз билан дўзахга тушишга розимиз. Энди бизларга айтгин-чи, бизларнинг худоларимиз яхшироқми ёки Ийсоми?!", деб қичқиради. Шунда юқоридаги оятлар нозил бўлиб, Ийсо пайғамбар Оллоҳ таоло ҳузурига кўтарилиб кетгандан кейин насронийлар у зотни худо қилиб олишганлари учун у киши айбдор эмасликлари, бу мушриклар эса фақат талашиб-тортишиш учунгина бундай беҳуда мисолларни келтиришлари баён этилади. Қуйидаги оятларда Ийсо бинни Марям ким бўлганликлари хусусида яна бир бор уқтирилади.

59. У фақатгина Биз *(пайғамбарлик)* **инъом этган бир бандадир. Биз уни** *(отасиз дунёга келтириш билан)* **бани Исроил учун** *(Бизнинг қудратимизни намойиш қиладиган)* **бир мисол-ибрат қилдик. 60. Агар хоҳлаганимизда, албатта сизларнинг ўрнингизга Ерда халифа бўладиган фаришталарни** *(пайдо)* **қилган бўлар эдик.**

И з о ҳ: Бу оятда Оллоҳ таоло учун нафақат Ийсони отасиз яратиш, балки Ер юзидаги барча одамларни йўқ қилиб, уларнинг ўрнига фаришталарни қўйиб қўйиш ҳам жуда осон иш эканлиги таъкидланади.

61. Албатта *(Ийсо Қиёмат)* **Соати ҳақидаги билим-аломатдир. Бас, сизлар у** *(Соат)* **ҳақида ҳаргиз шак-шубҳа қилмангиз!**

И з о ҳ: Саҳобайи киромлардан Ибн Аббос ва Қатоданинг айтишларича, (Оллоҳ улардан рози бўлсин), Қиёмат қойим бўлиши олдида Оллоҳ таоло Ийсо алайҳис-саломни дунёга тушириб, у киши бутун Ер юзида Ислом ҳукмини юргизар эканлар. Шунинг учун ушбу ояти каримада Ийсо - Қиёмат аломатидир дейилди. Оятнинг давомида энди Пайғамбар алайҳис-саломга буюрилади:

(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Макка аҳлига айтинг): "Менга эргашинглар! Мана шу Тўғри Йўлдир. 62. Сизларни ҳаргиз шайтон *(Оллоҳнинг Динидан)* тўсмасин! Албатта у сизлар учун очиқ душмандир". 63. Қачонки Ийсо аниқ-равшан ҳужжат-мўъжизаларни келтиргач, деди: "Мана, мен сизларга Ҳикмат - Инжил билан, сизларга ўзларингиз ихтилоф қилаётган айрим нарсаларни баён қилиб бериш учун келдим. Бас, Оллоҳдан қўрқингиз ва менга итоат этингиз! 64. Албатта менинг Парвардигорим ҳам, сизларнинг Парвардигорингиз ҳам Оллоҳнинг Ўзидир, бас, *(Ёлғиз)* Унга ибодат қилингиз! Мана шу Тўғри Йўлдир". 65. Сўнг *(Насронийларнинг ичидан чиққан)* ҳизблар - фирқалар *(Ийсо хусусида, айримлари уни "худо", деб, айримлари "Худонинг ўғли, деб)* ўзаро ихтилоф қилдилар. Бас, у золим кимсаларга аламли Кун *(Қиёмат)*нинг азоби - ҳалокат бўлгай! 66. Улар фақат ўзлари ҳам сезмаган ҳолларида *(Қиёмат)* Соати тўсатдан келиб қолишини кутмоқдалар, холос. 67. У Кунда дўстлар бир-бирларига душмандир, магар *(Оллоҳ Йўлида дўстлашган)* тақводор зотларгина *(мангу дўстдирлар)*. 68-69. *(У Кунда уларга айтилур):* "Эй, Бизнинг оятларимизга иймон келтирган ва мусулмон бўлиб ўтган бандаларим, бу Кун сизлар учун ҳеч хавфу-хатар йўқдир ва сизлар асло ғамгин бўлмайсизлар. 70. Сизлар жуфти ҳалолларингиз билан бирга шод-хуррам бўлган ҳолларингизда жаннатга кирингиз!" 71. Уларга олтиндан бўлган лаганлар*(да таомлар)* ва қадаҳлар*(да шароблар)* айлантирилур. У жойда кўнгиллар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган *(барча)* нарса бордир. Сизлар у жойда мангу қолурсизлар. 72. Қилиб ўтган амалларингиз сабабли сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир. 73. Сизлар учун у жойда кўплаб мева-чевалар бўлиб, сизлар улардан ерсизлар.

Изоҳ: Мазкур оятларда беш кунлик дунёда тақво билан яшаб ўтган мўмин-мусулмонларга мерос қилиб бериладиган жаннатдаги ноз-неъматлар беадад ва мангу боқий, боғ мевалари эса хазон билмас эканлиги баён этилди. Энди динсиз осийларнинг оқибатлари қандай бўлиши ҳақида хабар берилади.

74. Албатта жиноятчи кимсалар *(яъни, кофирлар)* жаҳаннам азобида мангу қолгувчидирлар. 75. Улардан *(азоб бирон лаҳза ҳам)* енгиллатилмас ва улар *(ўша азобда қолиб)* бутунлай номурод бўлгувчидирлар! 76. Уларга Биз зулм қилмадик, лекин улар *(ўзларига)* зулм қилгувчи бўлдилар. 77. Улар *(дўзах ходими бўлган фариштага)* "Эй Молик, Парвардигоринг бизларга Ўз ҳукмини

қилсин *(яъни, тезроқ жонимизни олсин, бизлар бу азобдан қутулайлик", деб)* нидо қилганларида, у: "Албатта сизлар *(мана шу азобда мангу)* тургувчидирсизлар", деди. 78. Аниққи, Биз сизларга Ҳақ - Қуръонни келтирганмиз, лекин сизларнинг кўпларингиз Ҳақни ёмон кўргувчидирсизлар. 79. Балки улар *(яъни, Макка мушриклари Пайғамбар алайҳис-саломга суиқасд қилиш учун)* бирон ишга қарор қилгандирлар?! Бас, албатта Биз ҳам *(Ўз Пайғамбаримизга уларнинг макрларидан нажот бериб, у суиқасд қилгувчиларнинг ўзларини ҳалок этишга)* қарор қилгувчидирмиз. 80. Балки уларнинг гумонларича, Биз уларнинг сирларини *(билмасмиз)* ва шивир-шивирларини эшитмасмиз?! Ундоқ эмас! Бизнинг элчиларимиз *(фариштапар)* уларнинг олдиларида *(ҳар бир қилган ишларини)* ёзиб турурлар. 81. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, "Оллоҳнинг боласи бор", дейдиган мушрикларга)* айтинг: "Агар Раҳмоннинг боласи бўлганида мен *(у болага)* ибодат қилгувчиларнинг биринчиси бўлур эдим, *(лекин У Зотнинг боласи ҳам, оиласи ҳам йўқдир)!*" 82. Осмонлар ва Ернинг Парвардигори, Арш Эгаси *(бўлган Оллоҳ)* улар сифатлаётган айблардан Покдир! 83. Бас, Сиз уларни тарк қилинг! Улар то Ўзларига ваъда қилинган Кунга рўбарў бўлгунларича *(ноҳақ йўлларига)* шўнғишиб, *(ўз дунёларида)* ўйнаб-кулиб юраверсинлар! 84. У *(Оллоҳ)* осмонда ҳам Илоҳ, Ерда ҳам Илоҳ бўлган Зотдир. У ҳикмат Эгаси ва Билгувчидир. 85. Осмонлар ва Ер ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсалар подшоҳлиги Ўзиники бўлган Зот Баракотли - Буюкдир. *(Қиёмат)* Соати ҳақидаги билим ҳам Ёлғиз Унинг ҳузуридадир. Ёлғиз Унгагина қайтарилурсизлар. 86. *(Мушриклар Оллоҳни)* қўйиб дуо-илтижо қилаётган бутлари *(Қиёмат Кунида бирон кишини)* шафоат қилишга эга бўла олмас, магар ўзлари билган ҳолларида ҳақ гувоҳлик берган *(яъни, "Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Ёлғиз Оллоҳгина бор эканлигига гувоҳлик бераман", деган)* кишиларгина *(Оллоҳнинг изни-иродаси билан шафоат қилишга қодир бўлурлар)*. 87. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, қасамки, агар Сиз улардан ўзларини ким яратгани ҳақида сўрасангиз, албатта улар: "Оллоҳ", дерлар. Бас, *(Ўша Яратгувчига ибодат қилиш ўрнига)* қаёққа бурилиб кетмоқдалар?! 88. *(Оллоҳ таоло Муҳаммад алайҳис-саломнинг)*: "Парвардигорим, дарҳақиқат, ана улар иймон келтирмайдиган қавмдир", деган *(сўзларини ҳам билур)*. 89. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз улардан юз ўгиринг ва "Тинчлик-омонлик бўлсин", денг! Бас, улар яқинда *(куфру исёнларининг оқибати қандай бўлишини)* билиб олажаклар!

ДУХОН сураси (44)

Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган бўлиб, эллик тўққиз оятдир.

Сура Қуръони Каримнинг муборак Қадр кечасида нозил бўлгани ҳақида хабар бериш билан бошланади.

Сўнгра бу азиз Китобдан шак-шубҳада бўлган мушриклар осмондан "тутун" - ғубор ёғиладиган кун билан огоҳлантириладиларки, сuранинг "Духон - Тутун", деб номланиши шундандир.

Бу сурада Оллоҳ таолонинг пайғамбарларидан Мусо алайҳис-саломнинг Фиръавн қавмига юборилишлари ва у зотга иймон келтирган кишиларга қандай нажот берилиб, инкор этганлар қандай ҳалокатга йўлиққанлари батафсил баён қилинади.

Сура кофирлар тушадиган дўзах даҳшатлари ва мўминлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат манзараларини тасвирлаш билан ниҳоясига етади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Ҳо, Мим. 2-3. Очиқ-Равшан Китобга - Қуръонга қасамки, албатта Биз уни бир муборак-баракотли кечада нозил қилдик. Дарҳақиқат, Биз *(инсонларни ушбу Қуръон билан Охират азобидан)* **огоҳлантиргувчи бўлдик.**

Изоҳ: Кўпчилик уламоларнинг айтишларича, бу кеча Рамазон ойидаги Қадр кечаси бўлиб, Қуръони Карим ўша кечада нозил бўла бошлагандир. Унинг "муборак-баракотли кеча" дейилишига сабаб эса жаҳолат зулматларида қолиб, ўз йўлини йўқотиб қўйган инсоният олами ўша кечада осмон билан богланиб, ундан ўзи учун то Қиёмат дастурул-амал бўладиган Илоҳий йўл-йўриқлар ола бошлаганидир. Бу кечанинг яна бошқа хислатлари ҳам борки, у ҳақда қуйидаги оятларда баён қилинади.

4. У *(кеча)***да барча пухта-аниқ иш***(лар)* **айрилур** *(белгиланур).*

Изоҳ: Ибн Аббос (Оллоҳ ундан рози бўлсин) айтадиларки, Оллоҳ таоло бу кечада то келгуси сананинг шу кечасигача бўладиган, бандаларга тааллуқли барча ишлар ҳақида ҳукм қилур.

5. *(Бу кечада тақдир қилинадиган барча ишлар)* **Бизнинг ҳузуримиздан бўлган Ишдир. Дарҳақиқат, Биз** *(башариятга пайғамбарлар)* **юборгувчи бўлдикки; 6.** *(Бу)* **Парвардигорингиз томонидан бўлган раҳмат-меҳрибонликдир. Албатта Унинг Ўзи** *(барча нарсани)* **Эшитгувчи, Билгувчидир. 7. Агар ҳақиқий ишонгувчи бўлсангизлар** *(ўша сизларнинг Парвардигорингиз)* **осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг ҳам Парвардигоридир. 8. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзи бордир. Ҳаёт ва ўлим берадиган ҳам Унинг Ўзидир. Сизларнинг Парвардигорингиз ҳам, аввалги ота-боболарингизнинг Парвардигори ҳам** *(Унинг Ўзидир)*. **9. Йўқ, улар** *(яъни, мушриклар қайта тирилиш хусусида)* **шак-шубҳада бўлиб,** *(Оллоҳнинг пайғамбарларининг устидан масхара қилиб)* **ўйнарлар. 10. Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Сиз осмон очиқ** *(яъни, барчага кўринадиган)* **тутунни келтирадиган Кунга кўз тутинг! 11. У** *(тутун барча)* **одамларни ўраб олур. Бу аламли азобдир.**

Изоҳ: Имом Бухорий ривоят қилишларича, қурайшликлар ўз куфру исёнларидан қайтишмагач, Пайғамбар алайҳис-салом Оллоҳ таолодан Юсуф пайғамбар замонларида бўлиб ўтган қаҳатчилик каби бало юборишни сўраган эканлар. Шунда бир неча йил давомида шундай қурғоқчилик ва қаҳатчилик бўлибдики, одамлар қўлларига тушган нарсани ея бошлабдилар ва қуриб-қақшаб кетган Ердан кўтарилган чанг-тўзон уларнинг кўзларига тутундек кўрина бошлабди. Ана энди улар Оллоҳ таолога ёлвориб дуо-илтижо қилишга тутинадилар.

12. "Парвардигор, Ўзинг бизлардан бу азобни аритгин. Албатта бизлар иймон келтиргувчидирмиз". 13-14. *(Лекин)* **улар учун қаёқдан ҳам** *(бошларига тушган бу бало-офатлардан)* **эслатма-ибрат олиш бўлсин?! Ҳолбуки, уларга очиқ Пайғамбар** *(яъни, Муҳаммад алайҳис-салом)* **келди, сўнгра ундан юз ўгирдилар ва: "***(Унга Қуръон бировлар томонидан)* **ўргатиб қўйилган,** *(у)* **мажнун", дедилар-ку?!** *(Бас, очиқ-равшан мўъжиза - Қуръонни келтирган Пайғамбарга иймон келтирмай, ундан юз ўгирган кимсалар бошқа бирон нарсадан панд-насиҳат олармидилар?!)* **15. Албатта Биз бу азобни** *(сизлардан)* **бир оз** *(вақтгача)* **аритгувчидирмиз, сизлар ҳам шак-шубҳасиз,** *(ўз куфру исёнларингизга)* **қайтувчидирсизлар. 16. Биз даҳшатли ушлаш билан ушлайдиган кунда** *(яъни, Бадр жангида ёки Қиёмат Кунида Биз улардан интиқом олурмиз)*. **Зеро, Биз Интиқом олгувчидирмиз.**

17. Аниқки, Биз улардан илгари Фиръавн қавмини ҳам имтиҳон қилганмиз ва уларга бир улуғ пайғамбар *(яъни, Мусо алайҳиссалом)* **келгандир. 18.** *(У Фиръавн ва унинг одамларига деди):* **"Сизлар менга Оллоҳнинг бандаларини** *(яъни, бани Исроил қавмини)* **топширинглар! Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман".**

Изоҳ: Маълумки, Фиръавн ва унинг қавми бўлган Мисрлик қибтийлар бани Исроил қавмини мустамлака қилиб, уларга кўп зулму зўравонликлар қилар эдилар. Мусо пайғамбар Оллоҳ таолонинг амри билан Фиръавн олдига бориб, ундан бани Исроил қавмини Мисрдаги тутқинликдан озод қилиб, ўз ватанлари Шом диёрига кетишларига йўл беришини талаб қилади. Мазкур ва қуйидаги оятларда шу ҳақда хабар берилади.

19. "Ва Оллоҳга кибру ҳаво қилманглар! Албатта мен сизларга *(ўзимнинг ҳақ пайғамар эканлигимга)* **очиқ-равшан ҳужжат** *(мўъжизалар)* **келтирурман". 20.** *(Шунда Фиръавн ва унинг қавми Мусони ўлдириш билан таҳдид солганларида у деди):* **"Албатта мен Парвардигорим ва Парвардигорингиз** *(бўлмиш Оллоҳ)***дан сизлар мени тошбўрон қилишларингиздан паноҳ сўраганман,** *(демак, сизларнинг таҳдидларингиздан қўрқмайман).* **21. Агар менга иймон келтирмасангизлар, у ҳолда мени холи қўйинглар!" 22. Бас, у Парвардигорига: "Дарҳақиқат, улар жиноятчи қавмдир** *(яъни, Ўзинг уларнинг жазоларини бергин)***", деб дуо қилди. 23. Бас,** *(Оллоҳ Мусога ваҳий юбордики),* **"Бандаларим** *(яъни, бани Исроил қавми)* **билан бирга тунда йўлга чиққин! Албатта сизларнинг изингизга тушилур.** *(яъни, Фиръавн ва унинг қўшини ортингиздан қувиб етур).* **24. Ва денгизни сокин** *(яъни, сизлар ўтаётганда иккига бўлинган эди, ана ўша ҳолида)* **қўявергин** *(ва Фиръавн ўз қўшини билан ундан ўтиб олишидан қўрқма).* **Шак-шубҳасиз, улар гарқ қилингувчи қўшиндир". 25-26. Улар қанчадан-қанча боғларни, чашмаларни, экинзорларни ва улуғ-гўзал жойларни қолдириб** *(ўзлари гарқ бўлиб)* **кетдилар! 27. Ва** *(қанчадан-қанча)* **ўзлари вақтичоғлик қилган неъматларни** *(қолдириб кетдилар)!* **28. Шундай қилиб, Биз у** *(неъматларни)* **бошқа бир қавмга мерос қилиб бердик! 29. Бас, уларга осмон ҳам, Ер ҳам** *(аза тутиб)* **йиғлагани йўқ ва уларга** *(тавба-тазарруъ учун)* **муҳлат ҳам берилмади! 30-31. Дарҳақиқат, Биз бани Исроилга хор қилгувчи азобдан - Фиръавндан нажот бердик. У ҳақиқатан, мутакаббир, ҳаддан ошувчилардан эди. 32. Дарҳақиқат, Биз**

уларни *(бани Исроил қавмини)* билган ҳолимизда *(ўз замонларидаги)* барча оламлар - одамлардан танлаб олдик - афзал қилдик. 33. Ва уларга оят-мўъжизалардан *(денгизнинг қоқ ўртасидан бўлиниши, осмондан ризқу рўз ёғилиши каби)* нарсаларни ато этдикки, уларда *(тафаккур қилгувчи учун)* очиқ имтиҳон-синов бордир. 34-35-36. Албатта ана улар *(яъни, Қурайш кофирлари: "Ўлим)* фақат биринчи ўлимимиздир ва бизлар қайта тирилгувчи эмасмиз. Бас, агар *("Охират ҳаёти ҳам бор", деган сўзларингизда)* ростгўй бўлсангизлар *(ўлиб кетган)* ота-боболаримизни *(қайта тирилтириб)* келтиринглар-чи?", дерлар. 37. Улар *(куч-қувватда)* яхшироқми ёки Туббаъ қавми ва улардан аввалги кимсаларми?! Биз уларни ҳалок қилдик. Чунки улар жиноятчи - осий эдилар.

Изоҳ: Туббаъ - қадим замонда Мадина атрофида яшаб ўтган бир солиҳ подшоҳ бўлиб, унинг қавми жуда бақувват кишилар эди. Улар куч-қувватларига ишониб Туббаъга итоат этмаганлиридан кейин Оллоҳ таоло уларни ҳалок қилган эди. Ушбу оят "Бизларни ёшимизни яшаб бўлгунимизча ҳеч ким ҳалок қила олмайди ва ўлганимиздан кейин ҳеч ким тирилтира олмайди", дейдиган Қурайш кофирлари ҳақидадир.

38. Биз осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларни ўйнаб-беҳуда яратганимиз йўқ. 39. Биз уларни фақат Ҳақ *(қонун, интизом)* билан яратганмиз. Лекин уларнинг кўплари билмаслар. 40. *(Ҳақ билан ботилнинг)* ажралиш Куни *(яъни, Қиёмат Куни)* барчаларининг *(инсонларнинг ҳисоб-китоб)* вақтидир. 41. У Кунда дўст дўстга бирон нарсада асқотмас ва уларга ёрдам ҳам берилмас. 42. Магар Оллоҳ раҳмат қилган кишиларгагина *(ёрдам берилур)*. Албатта Унинг Ўзигина Қудратли ва Меҳрибондир. 43-44. Албатта *(дўзахнинг ўртасида ўсадиган)* Заққум дарахти гуноҳкорнинг таомидир. 45-46. *(У таом)* мисоли қайноқ сувнинг қайнаши каби қоринларда қайнайдиган эритилган *(доғланган)* ёғдир! 47-48. *(Дўзах фаришталарига)*: "Уни *(гуноҳкорни)* ушлаб дўзахнинг ўртасига судраб олиб боринглар, сўнгра боши устидан қайноқ сувдан - азобдан қуйинглар!" *(деб амр этилур)*. 49-50. *(Унга масхара қилиш учун: "Мана бу азобни)* тотиб кўргин! Ахир сен "қудратли ва улуғсанку". Дарвоқеъ, бу *(азоб)* сизлар *(ҳаёти дунёдалик пайтингизда)* шак-шубҳа қилган нарсангиздир!", *(дейилур)*. 51-52. Албатта тақводор зотлар *(У Кунда)* осойишта жойда, боғлар ва чашмалар устида бўлурлар. 53. Улар

бир-бирларига рўбарў бўлган ҳолларида ипак-шойидан либослар кийиб *(ўлтирурлар)*. 54. Мана шундай! Яна Биз уларга оҳукўз ҳурларни жуфти ҳалол қилиб қўйгандирмиз. 55. Улар у жойда тинч-хотиржам бўлган ҳолларида *(хизматкорлардан)* барча мева-чевани чақирурлар. 56. Улар *(жаннатда)* биринчи ўлимдан *(яъни, ҳаёти дунёдан кўз юмганларидан)* бошқа ўлимни тотмаслар. *(Оллоҳ)* уларни дўзах азобидан сақлагандир. 57. *(Бу)* Парвардигорингиз томонидан бўлган фазлу марҳаматдир. Мана шу буюк саодатдир. 58. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, дарҳақиқат, шояд улар эслатма-ибрат олсалар, деб Биз *(бу Қуръонни)* Сизнинг тилингиз билан осон-енгил қилиб бердик. *(Лекин улар Қуръон панд-насиҳатларини қабул қилмадилар)*. 59. Бас, энди Сиз *(уларнинг ҳоллари не кечишига)* кўз тутинг! Улар ҳам албатта *(Сизнинг ҳалокатингизга)* кўз тутгувчидирлар.

ЖОСИЯ сураси (45)

Ўттиз етти оятдан иборат бўлган бу сура ҳам Макка сураларидандир.

Дастлабки оятлариданоқ осмонлар ва Ердаги ҳар бир нарса ва воқеа, ҳодисада Ягона Яратгувчининг борлигига далолат қиладиган аломатлар мавжуд эканлигини уқтирадиган бу сурада ҳам сўз асосан иймон-эътиқод устида боради.

Бу сурада яна бани Исроил қавмига Оллоҳ таоло томонидан ато этилган ноз-неъматлар ва имтиёз фазилатларга улар ношукурлик қилганликлари ҳақида ва умуман ҳавойи нафсларини "худо" қилиб олган кимсалар ва уларнинг топажак оқибатлари хусусида хабарлар берилади.

Сура ниҳоясида Қиёмат Кунида рўй берадиган аҳвол тасвирланади ва у Кунда ҳар бир уммат тиз чўккан ҳолда Оллоҳ Роббил-оламийн тарафидан бўладиган ҳукмга кўз тутиб туриши баён этилади. Суранинг "Жосия - Тиз чўкувчилар", деб аталишининг сабаби шудир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Ҳо, Мим. 2. *(Бу Қуръон)* **Қудратли ва Ҳикматли Оллоҳ томонидан нозил қилинган Китобдир. 3. Шак-шубҳасиз, осмонлар ва Ерда мўминлар учун** *(Оллоҳнинг қудрат ва ҳикматига далолат қиладиган)* **оят-аломатлар бордир. 4. Яна сизларнинг** *(бир томчи сув - нутфадан)* **яралишингизда ва** *(Оллоҳ Ер юзига)* **тарқатиб юборган жониворлардан иборат нарсаларда ҳам аниқ ишонадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 5. Яна кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ва Оллоҳ осмондан ёғдириб, унинг ёрдамида "ўлган" Ерни тирилтирган ризқ-ёмғирда ҳамда шамолларнинг йўналтирилишида ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 6.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **булар Оллоҳнинг оятлари бўлиб, Биз уларни Сизга ҳаққирост тиловат қилиб бермоқдамиз. Бас, улар** *(Макка кофирлари)* **Оллоҳ ва Унинг оятларини қўйиб қайси сўзга иймон келтирурлар?! 7. Барча бўҳтончи-ёлғончи гуноҳкорга ҳалокат бўлғайки; 8. У ўзига тиловат**

қилинаётган Оллоҳ оятларини эшитар, сўнгра гўё уларни эшитмагандек, кибру ҳаво қилган ҳолда *(ўз куфрида)* оёқ тираб турар! Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз унга аламли азоб "хушхабарини" беринг! 9. Қачон у Бизнинг оятларимиздан бирон нарса билиб олса, у *(оят)*ларни масхара қилур! Ана ўшалар учун хор қилгувчи азоб бордир! 10. Уларнинг ортида жаҳаннам бор! Касб қилган-топган *(мол-дунё, бола-чақалари)* ҳам, Оллоҳни қўйиб ушлаган "дўстлари" ҳам уларга бирон нарсада асқотмас! Улар учун улуғ - катта азоб бордир! 11. Ушбу *(Қуръон иймон келтирган зотлар учун)* Ҳидоятдир. Парвардигорларининг оятларига кофир бўлган кимсалар учун эса ашаддий азобдан аламли насиба бордир! 12. Оллоҳ - *(денгиздаги)* кемалар Ўзининг амри билан жорий бўлиши ҳамда сизлар *(у кемаларда)* Унинг фазлу марҳаматидан *(ризқу рўз)* исташларингиз учун ва шукр қилишларингиз учун сизларга денгизни бўйинсундириб қўйган Зотдир. 13. У Ўз томонидан *(яъни, Ўз хоҳиш-иродаси билан)* сизларга осмонлардаги ва Ердаги барча нарсаларни бўйинсундирди. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 14. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, иймон келтирган зотларга айтинг, улар Оллоҳ *(ваъда қилган ҳисоб-китоб)* Кунларидан ноумид бўлган кимсалар *(етказаётган озор-азиятлар)*ни кечириб юбораверсинлар. Токи *(Оллоҳ ўша озорларга сабр-тоқат қилган)* қавмни касб қилган нарсалари *(яъни, кечириб юборганликлари)* сабабли мукофотлагай! 15. Ким бирон яхшилик қилса, бас, ўзи учун *(яъни, ўз фойдасига қилган)* бўлур, ким ёмонлик қилса, бас, ўз зиёнига *(қилган)* бўлур. Сўнгра Парвардигорингизга қайтарилурсизлар. 16. Дарҳақиқат, Биз бани Исроил *(қавми)*га Китоб - Таврот, ҳикмат ва пайғамбарлик ато этдик ва уларни ҳалол-пок нарсалардан ризқлантирдик ҳамда уларни *(ўз замонларидаги)* барча оламлардан устун қилдик. 17. Яна Биз уларга *(Дин)* ишлари ҳақида аниқ-равшан ҳужжатлар ато этдик. Бас, улар ихтилоф қилмадилар, магар уларга *(Биз томонимиздан Дин ҳақида)* илм-ҳужжат келганидан сўнг ўзаро ҳасад-адоват қилишиб *(талашиб-тортишдилар)*. Албатта Парвардигорингиз Қиёмат Кунида уларнинг ўрталарида ихтилоф қилиб ўтган нарсалари ҳақида ҳукм қилур.

Изоҳ: Муфассирларнинг айтишларича, мазкур оятларда бани Исроил қавми ва уларнинг ўзларига Оллоҳ таоло томонидан ато этилган шунчалик аниқ оят-мўъжизалар ва ноз-неъматлардан кейин ҳам ўзаро ҳасад-адоват қилишиб Дин ҳақида турли

ихтилофларга берилиб кетганликлари тўғрисида ҳикоя қилинишидан мақсад, Макка мушриклари томонидан берилаётган хилма-хил озор-азиятлардан изтиробга тушган Муҳаммад алайҳис-саломга таскин-тасаллий бериш ва у кишини ҳам худди Мусо пайғамбар бани Исроилнинг зулмига сабр қилганидек сабр-тоқат қилишга даъват этишдир.

18. Сўнгра *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Биз Сизни** *(Дин)* **ишидан бир Шариат** *(аниқ-равшан қонун)* **устида** *(барқарор)* **қилдик. Бас, Сиз** *(фақат мана шу қонунга)* **эргашинг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг! 19. Чунки** *(агар Сиз уларнинг ҳавойи нафслари кўрсатган залолат йўлига юрсангиз),* **улар Сиздан Оллоҳ томонидан бўлган бирон нарсани** *(азобни)* **қайтара олмаслар. Албатта золимлар бир-бирларига дўстдирлар. Оллоҳ эса тақводор зотларнинг Дўстидир. 20. Ушбу** *(Қуръон барча)* **одамлар учун** *(равшан)* **кўрсатмалардир ва аниқ ишонадиган қавм учун Ҳидоят ва Раҳматдир. 21. Балки ёмонлик-гуноҳлар касб этган кимсалар Биз уларни ҳам иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар каби қилишимизни ва ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам** *(яъни, дунёлари ҳам, Охиратлари ҳам мўминлар билан)* **баробар бўлишини ўйлагандирлар?! Нақадар ёмон** *(нотўғри)* **ҳукм қилурлар-а?! 22. Оллоҳ осмонлар ва Ерни** *(Ўзининг қудрати Илоҳийясига далолат қилиши учун)* **ва ҳар бир жон мазлум бўлмаган ҳолларида ўзлари қилган амаллари сабабли жазоланиши учун Ҳақ** *(қонун ва низом)* **билан яратди. 23.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **ҳавойи нафсини ўзига "илоҳ" қилиб олган ва Оллоҳ уни билган ҳолида йўлдан оздириб, қулоқ ва кўнглини муҳрлаб, кўз олдига парда тортиб қўйган кимсани кўрганмисиз? Бас, уни Оллоҳ** *(йўлдан оздиргани)***дан сўнг ким ҳидоят қила олур?! Ахир эслатма-ибрат олмайсизлармиі?! 24. Улар** *(яъни, Қиёматни инкор қилгувчилар: "Ҳаёт)* **фақат дунёдаги ҳаётимиздир.** *(Баъзиларимиз)* **ўлиб,** *(бошқаларимиз)* **ҳаётга келаверамиз ва бизларни** *(Оллоҳ ўлдирмайди, балки)* **фақат замон** *(ўтиши)***гина ўлдиради", дедилар. Ҳолбуки, улар учун бу тўғрида бирон билим-ҳужжат йўқдир. Улар фақат** *(шундай)* **гумон қилурлар, холос. 25. Қачон уларга** *(қайта тирилиш ҳақлиги тўғрисидаги)* **Бизнинг аниқ-равшан бўлган оятларимиз тиловат қилинса, уларнинг** *(бу оятларга қарши)* **"ҳужжатлари" фақат: "Агар ростгўй бўлсангизлар, ота-боболаримизни** *(тирилтириб)* **келтиринглар-чи", дейишларигина бўлур. 26. Айтинг: "Оллоҳ сизларга ҳаёт берур, сўнгра** *(ажалларингиз етгач),* **ўлдирур, сўнгра**

сизларни ҳеч шак-шубҳасиз, *(келадиган)* Қиёмат Кунига тўплар. Лекин одамларнинг кўплари *(буни)* билмаслар"! 27. Осмонлар ва Ернинг мулки-эгалиги Оллоҳникидир. *(Қиёмат)* Соати қойим бўладиган Кунда - ана ўша Кунда бузғунчи кимсалар зиён тортурлар! 28. *(У Кунда)* барча умматни *(даҳшат ва изтироб-ла)* тиз чўккан ҳолда кўрарсиз. Ҳар бир уммат ўз номаи аъмолига чақирилур, *(сўнг уларга дейилур)*: "Бугун қилиб ўтган амалларингиз билан жазоланурсизлар. 29. Мана бу китобимиз *(яъни, Бизнинг амримиз билан ёзилган номаи аъмолингиз)* сизларга ҳақиқатни айтур. Дарҳақиқат, Биз сизлар қилгувчи бўлган барча амалларингизни *(ушбу номаи аъмолга)* кўчириб қўйгандирмиз". 30. Бас, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга келсак, уларни Парвардигорлари - Оллоҳ Ўз раҳмати-жаннатига дохил қилур. Бу очиқ бахтнинг ўзидир! 31. Энди кофир бўлган кимсаларга келсак, *(бас, уларга айтилур)*: "Ахир сизларга Менинг оятларим тиловат қилинган эмасмиди?! Бас, сизлар *(у оятларга иймон келтирмасдан)* кибру ҳаво қилдинглар ва жиноятчи қавм бўлдинглар! 32. Қачон *(сизларга)*: "Дарҳақиқат, Оллоҳнинг ваъдаси ростдир, *(Қиёмат)* Соати шак-шубҳасиз, *(келгувчидир)*", дейилса, сизлар: "Биз у Соат нима эканини билмаймиз, фақат гумон қиламиз, холос. Биз *(Қиёмат Соати келишига)* аниқ ишонгувчи эмасмиз", дединглар. 33. *(Мана энди)* уларга қилиб ўтган ёмонликлари ошкор бўлди ва ўзлари масхара қилиб ўтган *(азоб)* уларни ўраб олди! 34. Ва *(уларга)* дейилди: "Худди сизлар мана шу бугунги Кунингиздаги учрашувни унутганларингиздек, Биз ҳам бугун сизларни "унутурмиз". Сизларнинг жойингиз дўзахдир ва сизлар учун *(дузах азобидан қутқарувчи)* ёрдамчилар ҳам йўқдир! 35. Бунга сабаб - сизлар Оллоҳнинг оятларини масхара қилиб олган эдинглар ва сизларни ҳаёти дунё алдаб қўйган эди. Бас, бугун улар *(дўзахдан)* чиқарилмаслар ва улардан *(Оллоҳ рози бўладиган амалларга)* қайтиш ҳам талаб қилинмас. 36. Бас, барча ҳамду сано осмонлар Парвардигори, Ер Парвардигори, бутун оламлар Парвардигори - Оллоҳ учундир. 37. Осмонлар ва Ердаги буюклик Ёлғиз Уникидир! У қудрат ва ҳикмат Соҳибидир!

АҲҚОФ сураси (46)

"Ҳо, Мим" харфлари билан бошлангувчи суралранинг сўнгги - еттинчиси бўлган бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, ўттиз беш оятдир.

У Қуръони Каримнинг қудрат ва ҳикмат Соҳиби бўлмиш Оллоҳ томонидан туширилган Китоб эканини таъкидлаш билан бошланиб, сўнгра мушрикларнинг сиғинаётган бутлари бирон нарса яратишга ҳам, уларнинг дуо-илтижоларини эшитишга ҳам қодир бўлмаган, жонсиз тошлар эканлигини уқтиради.

Бу сурада ҳар бир инсон ота-онасига яхшилик қилишга амр этилгани хусусида хабар берилади ва фарзандни туғиб, қаторга қўшгунча она чекадиган меҳнат-машаққатлар айрича тасвирланади.

Бу сурада ўтган пайғамбарлардан Ҳуд алайҳис-саломнинг Яман юртидаги қумтепаларни маскан тутган Од қабиласини Ёлгиз Оллоҳ таологагина ибодат қилишга даъват этганлари, улар эса куч-қувватларига ишониб, пайғамбар даъватини инкор қилишлари оқибатида ҳалокатга дучор бўлганлари ҳақида хабар берилади. Суранинг "Аҳқоф - Қумтепалар" деб номланишининг боиси шудир.

Сура Пайғамбар алайҳис-саломни кофирлар томонидан тортаётган азиятларга сабр-тоқат қилишга чақириш билан хотима топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Ҳо, Мим. 2. ***(Бу Қуръон)*** **Қудратли ва Ҳикматли Оллоҳ томонидан нозил қилинган Китобдир. 3. Биз осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат ҳақ** ***(қонун)*** **ва** ***(Қиёмат Кунигача)*** **белгиланган муддат билан яратдик. Кофир бўлган кимсалар эса ўзлари огоҳлантирилган нарсадан** ***(яъни, Охиратдаги азобдан)*** **юз ўгирувчидирлар** ***(уни инкор***

қилгувчидирлар). 4. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушрикларга)* айтинг: "Сизлар Оллоҳни қўйиб дуо-илтижо қилаётган *(бутларингиз)* ҳақида хабар беринглар - менга кўрсатинглар-чи, улар Ердан нимани яратганлар?! Ёки улар учун осмонлар*(ни яратиш)*да шериклик борми?! Агар ростгўй бўлсангизлар, менга ушбу *(Қуръон)*дан илгари *(нозил бўлган ва сизларнинг бутларга сиғинишингизни тасдиқлайдиган)* бирон китобни ёки бирон илмий асарни *(яъни, аввалги уламолардан қолган биронта аниқ ҳужжатни)* келтиринглар!" 5. Оллоҳни қўйиб, Қиёмат Кунигача ҳам *(дуони)* мустажоб қила олмайдиган бутларга дуо-илтижо қиладиган кимсадан ҳам йўлдан озганроқ ким бор?! Ҳолбуки, у *(жонсиз бут)*лар ўша *(мушрик)*ларнинг дуоларидан ғофилдирлар! 6. *(Қиёмат Кунида)* инсонлар *(ҳисоб-китоб учун)* тўпланган вақтида ўша *(бутлар)* уларга *(мушрикларга)* душман бўлурлар ва уларнинг *(Оллоҳни қўйиб, ўзларига)* ибодат қилганларини ҳам инкор этурлар 7. Қачон уларга Бизнинг аниқ-равшан бўлган оятларимиз тиловат қилинса, кофир бўлган кимсалар Ҳақ *(Қуръон)* тўғрисида у ўзларига келган вақтидаёқ *(тафаккур қилиб кўрмасданоқ)*: "Бу очиқ сеҳрдир", дерлар. 8. Ёки улар *("Қуръонни Муҳаммаднинг)* ўзи тўқиб олган", дейдиларми?! Айтинг: "Агар уни ўзим тўқиб олган бўлсам, у ҳолда, сизлар мен учун Оллоҳ *(азоби)*дан бирон нарса*(ни даф қилиш)*га эга бўла олмассизлар *(яъни, у ҳолда Оллоҳнинг Ўзи Унинг шаънига ёлғон тўқиганим учун мени ҳеч ким қайтара олмайдиган азоб билан жазолаган бўлур эди. Бас, мен сизлардан эмас, балки Оллоҳ таолодан қўрққаним сабабли сизларга Ҳақ ваҳийни келтирмоқдаман)!* У сизлар киришаётган нарсани *(яъни, Қуръонни бир сеҳр десангизлар, бир уйдирма деяётганларингизни)* жуда яхши Билгувчидир. Унинг Ўзи мен билан сизларнинг ўртангизда етарли Гувоҳдир. У Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир". 9. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* айтинг: "Мен пайғамбарлардан янги - биринчи эмасман *(яъни, мендан аввал ҳам Оллоҳнинг пайғамбарлари ўтган-ку, нега сизлар менинг Пайғамбарлигимга ҳайрон бўлиб, инкор қилмоқдасизлар?!)* Мен *(келажакда)* на ўзимга ва на сизларга нима қилинишини билмасман *(яъни, ғайбдан хабардор эмасман).* Мен фақат ўзимга ваҳий қилинадиган нарсага эргашурман. Мен фақат очиқ огоҳлантиргувчидирман". 10. Айтинг: "*(Эй мушриклар),* хабар берингиз-чи, агар *(ушбу Қуръон)* Оллоҳнинг ҳузуридан бўлса-ю, сизлар унга кофир бўлсангизлар ва бани Исроилдан бўлган бир гувоҳ ҳам у *(Қуръон)*нинг ўхшаши

*(Ёлғиз Оллоҳ томонидангина нозил бўлиши)*га гувоҳлик бериб, иймон келтирса-ю, сизлар *(унга иймон келтиришдан)* кибр-ҳаво қилсангизлар, *(у ҳолда сизлар энг золим одамлар бўлиб қолмайсизларми?!)* Албатта Оллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас!"

Изоҳ: Муфассирлар айтишларича, "Бани Исроил қавмидан бўлган бир гувоҳ" - яҳудий Абдуллоҳ ибн Салом бўлиб, у киши Пайғамбар алайҳис-саломнинг олдиларига келиб Қуръони Карим оятларини эшитгач ва бир неча саволларига Расулуллоҳ алайҳис-саломдан аниқ жавоблар олгач, дарҳол Қуръоннинг Илоҳий Китоб эканига ва Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбар эканликларига иймон келтирган экан.

11. Кофир бўлган кимсалар иймон келтирган зотлар ҳақида: "Агар *(бу Қуръон)* яхши бўлганида, *(анави яланғоёқлар)* унга биздардан илгари бормаган бўлур эдилар", дедилар. Улар ўзлари у *(Қуръон)* билан ҳидоят топишмагач: "Бу эски уйдирмадир", дерлар.

Изоҳ: Маълумки, аввал-бошда Ислом динини Аммор, Билол, Суҳайб ва Хаббоб каби камбағал бечоралар қабул қилган эдилар. Шунинг учун зодагон мушриклар юқоридаги сўзларни айтдилар.

12. У *(Қуръон)*дан илгари Мусонинг пешво ва раҳмат бўлган Китоби *(Таврот)* бор эди. Бу *(Қуръон)* арабий лисондаги, *(ўзидан аввал нозил бўлган барча Илоҳий Китобларни)* тасдиқлагувчи бир Китобдир. У золим-кофир бўлган кимсаларни *(Охират азобидан)* огоҳлантириш учун ва чиройли амал қилгувчиларга *(жаннат ҳақида)* хушхабар бўлиш учун *(нозил қилингандир)*. 13. Албатта "Парвардигоримиз Оллоҳдир", деган, сўнгра *(Тўғри Йўлда)* устивор бўлган зотлар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмаслар. 14. Ана ўшалар жаннат эгалари бўлиб, у жойда мангу қолурлар. *(Бу)* улар қилиб ўтган амалларининг мукофотидир. 15. Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлиб, қийналиб туққандир. Унга ҳомиладор бўлиш ва уни *(сутдан)* ажратиш *(муддати)* ўттиз ойдир. Энди қачон у вояга етиб, қирқ ёшга тўлганида: "Парвардигорим, мени Сен менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларни қилишга муваффақ этгин ва Ўзинг мен учун зурриётимда ҳам яхшилик қилгин *(яъни, фарзандларимни ҳам аҳли солиҳ бандаларингдан қилгин)*. Албатта мен Сенга *(қилган барча гуноҳларимдан)* тавба қилдим ва албатта мен мусулмонлардандирман", деди.

Изоҳ: Ушбу ояти каримада яна ҳар бир инсонни ота-онага яхшилик қилишга буюрилди. Табиий бир савол туғилиши мумкин: Нега Қуръонда бот-бот ота-онага меҳр-мурувват кўрсатиш вожиб эканлиги уқтириладию, фарзандларга меҳрибонлик қилишга буюрилган оятлар деярли учрамайди? Каломуллоҳни синчиклаб ўқиб-ўрганган киши ундан юқоридаги саволга жавоб топа олади: Қуръонда бирон беҳуда жумла ёки сўз йўқдир. Оллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни комил инсон қилиб тарбиялаш учун қайси фармонни неча марта такрорлаш лозим бўлса, уни шунча марта нозил қилган. Негаки, Яратган Ўз бандаларининг жисмоний жиҳатларидан ҳам, руҳоний хусусиятларидан ҳам жуда яхши Огоҳдир. Масалан, У Зот ота-онага, хусусан онага ўз фарзандларига нисбатан шундай меҳр ато этганки, она учун энг оғир, ҳатто таҳликали давр бўлган ҳомиладорлик ва кўз ёриш даври ҳамда чақалоқни эмизиб, тарбиялаш йиллари ота-она ҳаётидаги энг бахтли дамлардир. Бинобарин ота-онани (албатта улар агар инсоний маънавиятдан ажраб, ваҳшийлик даражасига тушиб кетмаган бўлсалар) фарзандга яхшилик қилишга буюраверишнинг ўзи ортиқча бир ишдир. Аммо фарзандлар эса ёшликларига бориб ёки ўзларининг олдиларидаги ўғил-қизлари билан овора бўлишиб, ортларидаги ота-оналарига бепарво бўлиб қолишлари мумкин. Шунинг учун Қуръон фарзандларни тез-тез ота-она олдидаги бурчларини адо этишга даъват қилади.

Юқоридаги оятнинг давомида камолот ёши бўлмиш қирқ ёшга етган мусулмони комил киши учун Оллоҳ таолодан қандай тилак-истаклар сўраш лойиқ эканлиги баён қилинди. Энди қуйидаги оятда ана шундай хислат эгалари бўлган мўмин-мусулмонларнинг келажак-оқибатлари ҳақида хабар берилади.

16. Ана ўшалар шундай зотлардирки, Биз улардан қилган энг чиройли амалларни қабул қилурмиз ва жаннат эгалари қаторида уларнинг ёмонлик гуноҳларидан ўтиб юборурмиз. *(Бу)* **уларга ваъда қилингувчи ҳаққирост ваъдадир. 17. Яна бир кимса борки, ота-онасига: "Суф сизларга! Сизлар менга** *(ўлганимдан кейин қайта тирилиб, қабрдан)* **чиқарилишим ҳақида ваъда беряпсизлармиؚ?! Ҳолбуки, мендан илгари ҳам асрлар-авлодлар ўтган-ку,** *(улардан биронтаси қайта тирилиб келдими)?!"* **дер. У иккиси Оллоҳдан мадад тилаган ҳолларида** *(ўғилларига қараб):* **"Ҳалок бўлгур, иймон келтиргин! Албатта Оллоҳнинг** *(барча бандаларни қайта тирилтириш ҳақидаги)* **ваъдаси ҳақдир",**

(десалар), у: "Бу фақат аввалгиларнинг афсоналаридир", дер. 18. Ана ўшалар шундай кимсалардирки, уларнинг устига ўзларидан илгари ўтган инсу жиндан иборат *(кофир)* умматлар қаторида *(азоб)* Сўзи ҳақ бўлгандир. Албатта улар зиён кўргувчи бўлдилар. 19. *(Мўминлар ва кофирлардан)* ҳар бири учун ўзлари қилган амаллари сабабли даража-мартабалар бордир. Чунки *(Оллоҳ)* уларга қилган амалларини*(нг мукофот ва жазоларини)* комил қилиб берур ва уларга зулм қилинмас. 20. Кофир бўлган кимсалар дўзахга кўндаланг қилинадиган Кунда *(уларга дейилур):* "Сизлар ўз ҳузур-ҳаловатларингизни ҳаёти дунёларингиздаёқ кетказдингиз ва улардан фойдаланиб бўлдингиз. Энди Бугун Ерда ноҳақ кибру ҳаво қилганларингиз ва итоатсиз бўлганларингиз сабабли хорлик азоби билан жазоланурсизлар". 21. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Од *(қабиласи)*нинг биродарини *(яъни, Ҳуд пайғамбарни)* эсланг! Ўшанда у - дарвоқеъ, ундан илгари ҳам, ундан кейин ҳам огоҳлантиргувчи *(пайғамбар)*лар ўтгандир - ўзининг қумтепалардаги қавмини: "Сизлар Ёлгиз Оллоҳгагина ибодат қилинглар! Мен ҳақиқатан, сизларнинг устингизда улуғ Куннинг азобидан қўрқурман", деб огоҳлантирган эди; 22. Улар: "Сен бизларни худоларимиздан буриш *(юз ўгиртириш)* учун келдингми?! У ҳолда агар ростгўй кишилардан бўлсанг, бизларга ваъда қилаётган нарсангни *(яъни, Оллоҳнинг азобини)* келтиргинчи?", дедилар. 23. У айтди: "*(Азоб келар вақтнинг)* билими Ёлгиз Оллоҳ ҳузуридадир. Мен сизларга ўзим элчи қилиб юборилган нарсани - динни етказурман. Лекин мен сизларни нодон қавм эканлигингизни кўрмоқдаман". 24. Бас, қачонки улар ўша *(азоб)*ни ўз водийларига қараб келаётган бир қора булут ҳолида кўришгач: "Бу бизларга ёмгир келтиргувчи булутдир", дедилар. *(Ҳуд айтди)*: "Йўқ, у ўзларингиз шоштирган нарса - бир бўронки, унда аламли азоб бордир. 25. У Парвардигорининг амри билан барча нарсани вайрон *(ҳалок)* қилур". Бас, *(у бўрон келиб, Од қабиласидаги кофирларнинг ўзларини ҳам, мол-ҳолларини ҳам ҳалок қилди. Барчалари қирилиб битиб),* тонг отганида, фақат уларнинг уй-жойларигина кўзга ташланар эди. Биз жиноятчи-осий қавмни мана шундай жазолаймиз. 26. Ҳолбуки, *(эй Макка аҳли),* Биз уларни *(мол-дунё ва куч-қувват жиҳатидан)* сизларни қодир қилмаган нарсаларга қодир қилган эдик ва уларга ҳам қулоқ, кўз ва диллар *(ато)* қилган эдик. *(Лекин)* улар Оллоҳнинг оят-мўъжизаларини инкор этганлари учун уларга қулоқ-кўзлари ҳам,

дилларп ҳам бирон фойда бермади, *(яъни, Ҳақ Йўлни кўриб-идрок қила олмадилар).* Ва уларни ўзлари масхара қилиб кулган нарсалари *(Оллоҳнинг азоби)* ўраб олди. 27. *(Эй Макка аҳли),* аниқки, Биз сизларнинг атрофингиздаги қишлоқ-шаҳарларни ҳалок қилдик. Биз шояд *(куфру исёнларидан)* қайтсалар, деб *(уларга)* оят-мўъжизаларни батафсил баён қилган эдик, *(лекин улар қайтмай ҳалокатга дучор бўлдилар).* 28. Ахир ўзлари Оллоҳни қўйиб, *(Оллоҳга)* яқин қиладиган "худолар", деб ушлаб олган - сиғинган бутлари *(ҳалокатдан қутулишлари учун)* уларга ёрдам берсалар бўлмасмиди?! Йўқ, у *(бутлар мушриклардан ёрдамга муҳтож бўлган вақларида)* ғойиб бўлиб қолишди. Бу *(яъни, бутлар бутпарастларни Оллоҳга яқин қилади, деган ақида)* уларнинг уйдирмаларидир ва *(Оллоҳ шаънига)* тўқиб олган бўҳтонларидир. 29. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* эсланг, Биз Сизнинг олдингизга бир гуруҳ жинларни Қуръон тингласинлар, деб юборган эдик. Бас, қачонки улар *(Қуръон тиловатига)* ҳозир бўлишгач, *(бир-бирларига)* "Жим туринглар", дедилар. Энди қачонки *(тиловат)* тугатилгач, улар ўз қавмлари олдига огоҳлантиргувчи бўлган ҳолларида қайтиб кетдилар.

И з о ҳ: Ривоят қилинишича, Пайғамбар алайҳис-саломнинг ҳузурларига бир неча бор жин тоифасининг вакиллари келиб, Қуръонни тинглаб кетган эканлар Мазкур оятдаги воқеа шулардан бири бўлиб, уни келтиришдан мурод Макка мушрикларини огоҳлантиришдир. Гўё уларга: "Инсон тоифасидан бўлмаган жинлар Қуръонни бир бор эшитишлари биланоқ, унга иймон келтириб, бошқа жинларни ҳам иймонга даъват қилиш учун кетсалар-у, сизлар ўзларингизнинг тилингиздаги Қуръонга ва ўз тоифангиздан бўлган Пайғамбарга иймон келтирмай кофирлигингизча қолаверасизлармиؚ?!", дейилмоқда Қуйидаги оятларда жинларнинг ўз қавмлари олдига бориб, Қуръон хабарини етказганлари баен қилинади.

30. Улар дедилар: "Эй қавмимиз, дарҳақиқат, бизлар Мусодан кейин нозил қилинган, ўзидан олдинги *(Илоҳий Китоб)*ларни тасдиқ қилгувчи бўлган, Ҳақ *(Дин)*га ва Тўғри Йўлга ҳидоят қиладиган бир Китобни - Қуръонни тингладик. 31. Эй қавмимиз, Оллоҳга даъват қилгувчи *(Муҳаммад алайҳис-саломнинг даъвати)*ни қабул қилинглар ва унга иймон келтиринглар, *(шунда Оллоҳ)* сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ва сизларга аламли азобдан паноҳ берур. 32. Ким Оллоҳга даъват қилгувчи

*(даъвати)*ни қабул қилмаса, бас, у Ер юзида *(бирон жойга)* қочиб қутулгувчи эмасдир ва унинг учун *(Оллоҳан)* ўзга *(Унинг азобидан қутқаргувчи)* "дўстлар" ҳам йўқдир. Ана ўшалар очиқ залолатдадирлар". 33. Ахир улар *(Охиратда қайта тирилиш ҳақ эканини инкор қилгувчи кимсалар)* осмонлар ва Ерни яратган, уларни яратишга ожизлик қилиб қолмаган Зот - Оллоҳ ўликларни тирилтиришга ҳам Қодир эканлигини *(ўйлаб)* кўрмадиларми?! Йўқ, албатта *(Оллоҳ ўликларни тирилтиришга ҳам Қодирдир)*. Зеро, У Зот барча нарсага Қодирдир. 34. Кофир бўлган кимсалар дўзахга кўндаланг қилинадиган Кунда *(уларга)*: "Ушбу *(азоб)* ҳақ эмас эканми?!", *(дейилганида)*, улар: "Йўқ, Парвардигоримизга қасамки, *(бизларга ваъда қилинган азоб ҳақ экан)*", дерлар. *(Шунда Оллоҳ)* айтар: "Бас, кофир бўлганларингиз сабабли мана шу азобни тотинглар". 35. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз ҳам *(ўтган)* пайғамбарлар орасидаги улул-азм - сабот-матонат эгалари сабр қилганларидек *(мушрикларнинг озор-азиятларига)* сабр қилинг ва уларга *(тушадиган азоб)*ни шоштирманг! Улар ўзларига ваъда қилинаётган *(азобни)* кўрадиган Кунда гўё *(бу дунёда)* фақат кундуздан бир соаттина тургандек бўлиб қолурлар! *(Бу Оллоҳ томонидан нозил қилинган)* бир баёнот-хабардир. Бас, фақат итоатсиз қавмгина ҳалок қилинур.

МУҲАММАД сураси (47)

Мадинада нозил бўлган бу сура ўттиз саккиз оятдан ташкил топган.

Унда сўз асосан Оллоҳ Йўлида жиҳод қилиш ва у жангда риоя қилиниши лозим бўлган тартиб-интизом ва қонун қоидалар ҳақида боради. Шунинг учун уни "Жанг" сураси деб ҳам атайдилар.

Бу сурада мўминларга агар улар Оллоҳнинг Динига ёрдам берсалар, Оллоҳ таоло ҳам уларнинг ёрдамида бўлиши таъкидланади.

Шунингдек, рўбарўдаги душманга қарши жанг қилиш билан бирга, ораларидаги мунофиқлардан ҳам огоҳ-эҳтиёт бўлиб туриш лозимлиги уқтирилади ва уларнинг айрим сифат-кирдикорлари анча батафсил баён қилинади.

Сура ниҳоясида Оллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга Ўзи улар билан бирга эканлигини уқтириб, уларни Ҳақ Йўлида сустлашмай-оғишмай саъй-ҳаракат қилаверишга даъват этади.

Бу сура Пайғамбар алайҳис-салом номлари билан "Муҳаммад" деб аталгандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Кофир бўлган ва *(ўзгаларни ҳам)* **Оллоҳ Йўлидан тўсган кимсаларнинг амалларини** *(Оллоҳ)* **зоеъ кетказур.**

Изоҳ: Ушбу оятда ўзлари иймонсиз бўлиб, бошқаларни ҳам Дин-иймон Йўлидан тўсадиган кимсалар агар яхши амалларни қилсалар ҳам уларга ҳеч қандай ажр-савоб берилмаслиги баён этилди.

2. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда Муҳаммад *(алайҳис-салом)***га нозил қилинган Нарсага** *(Қуръонга)* **- ҳолбуки, у Парвардигорлари томонидан келган Ҳақиқатдир - иймон келтирган зотларнинг эса ёмонлик-гуноҳларини ўчирур ва ишларини ўнглар. 3. Бунга** *(яъни, кофирларнинг амаллари зоеъ бўлиши ва мўминларнинг гуноҳлари ўчирилишига)* **сабаб, кофир бўлган кимсаларнинг ботил** *(йўл)***га эргашганлари, иймон**

келтирган зотларнинг эса Парвардигорлари томонидан бўлган Ҳақ *(Қуръон Йўли)*га эргашганларидир. Оллоҳ инсонларга уларнинг мисолларини мана шундай баён қилиб берур. 4. Бас, *(эй мўминлар)*, қачон сизлар *(жанг майдонида)* кофир бўлган кимсалар билан тўқнашганларингизда бўйинларига урингиз - ўлдирингиз! Энди қачон уларни*(нг кўпларини)* қириб *(мағлуб қилганингиздан кейин уларни асир олиб)* арқонлар билан боғлангиз! Сўнг ё *(уларни озод қилиб юбориш билан)* марҳамат кўрсатурсизлар ва ё *(уларни қўйиб юбориш учун)* фидя-товон олурсизлар. Токи уруш юкларини қўйгунича *(яъни, тўхтагунича сизларга буюрилган иш)* мана шудир. Агар Оллоҳ хоҳласа, улардан *(жанг-жадалсиз ҳам)* Ғолиб бўлур *(яъни, уларни йўқ қилиб юборур)* эди, лекин У Зот сизларнинг айримларингизни айримларингиз билан имтиҳон қилиш учун *(сизларни жангга буюрди)*. Оллоҳ Йўлида ўлдирилган зотларнинг амалларини ҳаргиз зое кеткизмас. 5. Уларни *(жаннат Йўлига)* ҳидоят қилур ва ишларини ўнглар. 6. Уларни *(Оллоҳнинг)* Ўзи уларга таниттан жаннатга киритур. 7. Эй мўминлар, агар сизлар Оллоҳга ёрдам берсангизлар *(яъни, Унинг Йўлида жиҳод қилсангизлар)*, У Зот ҳам сизларга ёрдам берур ва *(жанг майдонида)* қадамларингизни собит-барқарор қилур. 8. Кофир бўлган кимсалар учун эса ҳалокат бўлур ва *(Оллоҳ)* уларнинг амалларини зоеъ кетказур. 9. Бунга сабаб, уларнинг Оллоҳ нозил қилган нарсаларни *(яъни, Қуръон ва ундаги ҳукмларни)* ёмон кўрганларидир. Бас, *(Оллоҳ)* уларнинг амалларини беҳуда кетказди. 10. Ахир улар Ер юзида сайру саёҳат қилишиб, ўзлардан аввалги *(пайғамбарларни ёлғончи қилиб иймонсиз кетган)* кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини *(улар қандай қисматга йўлиқишганини)* кўрсалар бўлмайдими?! Оллоҳ уларнинг устига ҳалокат юбориб *(бутунлай йўқ бўлиб кетдилар-ку)*! Бу кофирлар учун ҳам худди ўша *(оқибат-ҳалокат)*ларнинг ўхшаши бўлур. 11. Бунга *(яъни, Оллоҳ мўминларга ёрдам беришига, кофирларни эса ҳалок қилишига)* сабаб, Оллоҳ иймон келтирган зотларнинг Дўсти-Ҳомийси эканлиги, кофирлар учун эса ҳеч қандай ҳомий йўқ эканлигидир. 12. Албатта Оллоҳ иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур. Кофир бўлган кимсалар эса *(мана шу ҳаёти дунёнинг ўткинчи лаззатларидан)* фойдаланиб, чорва ҳайвонлари еганидек, еб-ичурлар ва дўзах уларнинг жойлари

бўлур! 13. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сизни ҳайдаб чиқарган қишлоқ *(яъни, Макка аҳли)*дан кўра *(аҳолиси)* кучли-қувватлироқ бўлган қанчадан-қанча қишлоқни ҳалок қилганмиз. Бас, улар учун бирон ёрдамчи бўлмаган. 14. Ахир Парвардигори томонидан аниқ-равшан Ҳужжатга *(яъни, Қуръонга)* эга бўлган киши *(яъни, Расулуллоҳ алайҳис-салом ва мўминлар),* қилган ёмон амали ўзига чиройли кўрсатиб қўйилган ва ҳавойи нафсига эргашган *(кофир)* кимсалар каби бўлурми?! 15. Тақво эгалари учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли-сифати *(будир):* "Унда айнимаган сувдан бўлган дарёлар ҳам, таъми ўзгармаган сутдан бўлган дарёлар ҳам, ичгувчилар учун лаззатли *(яъни, бадтаъм ва ақлдан оздиргувчи бўлмаган)* майдан бўлган дарёлар ҳам, мусаффо асалдан бўлган дарёлар ҳам бордир. Улар учун у жойда барча мевалардан бордир ва *(улар учун у жойда)* Парвардигорлари томонидан мағфират бордир. *(Ана шундай жаннат аҳли бўлган тақво эгалари)* дўзахда мангу қоладиган ва *(у жойда)* қайноқ сув билан суғорилиб, у *(сув)* ичакларини бўлак-бўлак қилиб ташлаган *(кофир)* кимсалар каби бўлурми?!

И з о ҳ: Юқоридаги оятларда Оллоҳ таоло мўминлар билан кофирлар ҳеч қачон баробар бўлмасликларини аниқ далиллар билан баён этди ва тақводор мўминларнинг борар жойларини ҳам, кофирларнинг топажак оқибатларини ҳам жонли лавҳалар билан тасвирлаб берди. Энди қуйидаги оятларда сўз мунофиқлар ва уларнинг кирдикорлари ҳақида боради.

16. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* уларнинг *(мунофиқларнинг)* орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар Сизга қулоқ солиб турадилар-да, ҳузурингиздан чиққан вақтларида эса илм ато этилган зотлардан *(масхара қилишиб):* "Ҳозиргина *(Муҳаммад)* нима деди?", деб сўрарлар. Ана ўшалар Оллоҳ дилларини муҳрлаб қўйган ва ўзларининг ҳавойи нафсларига эргашган кимсалардир. 17. Ҳидоят топган - Тўғри Йўлга юрган зотларга эса *(Оллоҳ)* яна ҳидоятни зиёда қилур ва тақво ато этур, *(яъни, уларга ҳаромдан парҳез қилиш йўлларини кўрсатур).* 18. Улар *(Макка кофирлари ўтмишдаги ўз пайғамбарларини ёлғончи қилган қавмлар дучор бўлган ҳалокатлардан эслатма-ибрат олмадилар),* энди улар фақат тўсатдан *(Қиёмат)* Соати келиб қолишинигина кутмоқдалар. Дарвоқеъ, унинг шартлари - аломатлари келди. Бас, уларга *(Қиёмат Соати)* келган вақтида уларнинг эслатма-ибрат олишлари *(учун)* қандай *(имкон)* бўлур?!

И з о ҳ: Яъни, Оллоҳ таолонинг оят-мўъжизаларидан панд-насиҳат олиб Тўғри Йўлда юришни истаган киши Қиёмат Соати келиб қолишидан илгари панд-насиҳат олсин. Чунки у Соат келиб қолгач, қилинган тавба-тазарруънинг ҳеч қандай фойдаси йўқдир. Дарвоқеъ, Қиёмат яқинлигининг аломатлари кўриниб қолди. Ўзлар ётга, оғайнилар ёвга айланиши, улуғлар камайиб, пасткаш-тубан кимсалар кўпайиши ана шундай аломатлардандир.

19. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Оллоҳгина бор эканлигини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар***(нинг гуноҳлари)* **учун мағфират сўранг! Оллоҳ сизларнинг** *(бу дунёдаги)* **кезар жойларингизни ҳам,** *(Охиратда)* **борар жойларингизни ҳам билур. 20-21. Иймон келтирган зотлар: "***(Кофирларга қарши жанг қилишга буюрилган)* **бирон сура нозил қилинганида эди", дерлар. Энди қачон аниқ бир сура нозил қилиниб, унда жанг зикр этилса, дилларида мараз бўлган кимсаларни, Сизга худди** *(келиб қолган)* **ўлимдан** *(қўрқиб)* **беҳуш бўлиб қолган кимсанинг қараши билан қарашаётганини кўрурсиз.** *(Ҳолбуки),* **улар учун** *(Сизга)* **итоат этиш ва яхши сўз** *(сўзлаш)* **лойиқроқ эди. Энди иш - жанг муқаррар бўлган вақтда эса, агар улар Оллоҳга** *(иймон келтириш ва Унинг жанг қилиш ҳақидаги амрига итоат этишда)* **содиқ-ростгўй бўлганларида, албатта ўзлари учун яхшироқ бўлур эди. 22. Агар** *(иймондан)* **юз ўгирсангизлар, яқин-ки, сизлар Ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз** *(билан ҳам алоқаларингиз)***ни узурсизлар! 23. Ундай кимсаларни эса Оллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг** *(қулоқларини панд-насиҳат эшитишдан)* **кар, кўзларини эса** *(Тўғри Йўлни кўра олмайдиган)* **кўр қилиб қўйгандир. 24. Ахир улар Қуръон ҳақида фикр юритмайдиларми?! Балки дилларида қулфлари бордир,** *(шунинг учун у дилларга Қуръон нури етмаётгандир)?!* **25. Албатта ўзларига Ҳидоят** *(Йўли)* **аниқ-равшан бўлганидан кейин яна ортларига** *(куфрга)* **қайтиб кетган кимсаларга** *(бу ишларини)* **шайтон чиройли қилиб кўрсатди ва улар учун** *(пуч орзу-хаёлларни)* **узун қилиб қўйди. 26. Бунга** *(яъни, мунофиқларнинг куфрга қайтиб кетишларига)* **сабаб, уларнинг Оллоҳ нозил қилган Нарсани** *(Қуръонни)* **ёмон кўрган кимсаларга: "Биз айрим ишларда сизларга итоат этамиз", деганларидир. Ҳолбуки, Оллоҳ уларнинг яширган** *(сирлари)***ни билур.**

И з о ҳ: Мунофиқлар яҳудийлар билан мусулмонларга қарши баъзи бир режаларни хуфёна тузиб юрар эдилар. Мазкур оятда Оллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига уларнинг сирларини ошкор қилди.

27. Энди - фаришталар уларнинг юзлари ва кетларига уриб, жонларини олар вақтида, *(уларнинг ҳоллари)* қандай бўлур?! 28. Бунга *(яъни, ўлим соатидаги бундай азобга)* сабаб, уларнинг Оллоҳни ғазаблантирган нарсага *(яъни, мунофиқлик йўлига)* эргашиб, У Зотнинг ризолигини *(яъни, мўминлар билан бирга кофирларга қарши жанг қилишни)* ёмон кўрганларидир. Бас, *(Оллоҳ)* уларнинг *(қилган яхши)* амалларини ҳам беҳуда кетказди. 29. Балки дилларида мараз-нифоқ бўлган кимсалар Оллоҳ уларнинг *(дилларидаги мўминларга нисбатан бўлган)* адоватларини ошкор қилмас, деб ўйлагандирлар?! 30. *(Эй Муҳаммад алайҳиссалом)*, агар Биз хоҳласак, албатта Сизга уларни *(мунофиқларни)* кўрсатиб-танитиб қўйган бўлур эдик, у ҳолда Сиз уларни *(Биз белгилаб қўйган)* белги-аломатларидан таниб олган бўлур эдингиз. *(Қасамки, энди)* албатта Сиз уларни *(улар сўзлаётган - зоҳири иймонга далолат қиладиган, ботини эса куфр бўлган)* сўз оҳанг - услубидан таниб олурсиз. Оллоҳ сизларнинг *(барча)* амалларингизни билиб турур. 31. Албатта Биз, то сизларнинг орангиздаги *(Бизнинг Йўлимизда молу жонлари билан)* жиҳод қилгувчи ва *(яхши-ёмон кунларда)* сабр қилгувчи зотларни билгунимизча ҳамда сизларнинг ҳоли-хабарларингизни текшириб - юзага чиқаргунимизча, сизларни имтиҳон қилурмиз. 32. Албатта кофир бўлган ва *(ўзгаларни ҳам)* Оллоҳнинг Йўлидан тўсган ҳамда ўзларига Ҳидоят *(Йўли)* аниқ-равшан бўлганидан кейин яна Пайғамбарга қаршилик қилган кимсалар, Оллоҳга бирон зиён етказа олмаслар ва *(Оллоҳ)* уларнинг *(Пайғамбарга қаршилик қилиш йўлидаги барча)* амалларини беҳуда кетказур. 33. Эй мўминлар, Оллоҳга итоат этингиз ва Пайғамбарга итоат этингиз! Ва *(куфр ё мунофиқлик йўлига кириш билан, қилган)* амалларингизни ботил-бефойда қилиб қўйманглар! 34. Албатта кофир бўлган ва *(ўзгаларни ҳам)* Оллоҳ Йўлидан тўсган, сўнгра кофир ҳолларида ўлган кимсаларни ҳаргиз Оллоҳ мағфират қилмас! 35. Бас, *(эй мўминлар)*, сизлар *(у кофирларга қарши жанг қилаётганингизда ҳаргиз)* сусткашлик қилмангиз ва ўзларингиз устун-ғолиб бўлган ҳолларингизда *(уларни)* ярашга ҳам чақирмангиз! Оллоҳ сизлар билан биргадир ва У ҳаргиз қилган амалларингизни*(нг савоб-мукофотини)* камайтирмас. 36. Албатта бу ҳаёти дунё фақат *(бир нафаслик)* ўйин-кулгидир. Агар сизлар иймон келтирсангизлар ва тақво эгалари бўлсангизлар, У Зот сизларга ажр-мукофотларингизни берур ва сизлардан мол-

дунёларингизни*(нг барчасини Оллоҳ Йўлида сарф қилиб юборишни)* сўрамас, *(балки фақат мол-дунёларингиздан қирқдан бирини закот қилиб беришларингизни буюрар).* **37.** Агар *(Оллоҳ)* сизлардан *(мол-дунёларингизнинг барчасини)* сўраб, сизларни қийнайдиган бўлса, сизлар бахиллик қилурсизлар ва У сизларнинг *(дилларингиздаги)* кек-адоватларингизни ошкор қилур. **38.** *(Эй мўминлар),* мана, сизлар шундай кишилардирсизки, Оллоҳ Йўлида инфоқ-эҳсон қилиш учун даъват қилинурсизлар. Бас, *(аниқки),* сизларнинг орангизда бахиллик қиладиган кимсалар ҳам бордир. Ким бахиллик қилса, бас, албатта у фақат ўз зиёнига бахиллик қилур. *(Чунки у ажр-савобдан маҳрум бўлур).* Оллоҳ *(сизларнинг хайр-эҳсонларингиздан)* Бой-Беҳожат, сизлар эса *(У Зотнинг ажр-савобига)* фақир-муҳтождирсизлар. Агар сизлар *(Оллоҳга итоат этишдан)* юз ўгириб кетсангизлар, У Зот *(ўрнингизга)* сизлардан бошқа бир қавмни алмаштириб қўюр, сўнгра улар сизларга ўхшаган бўлмаслар, *(балки Оллоҳга тоат-ибодат қилурлар)!*

ФАТҲ сураси (48)

Бу сура Мадинада нозил қилинган бўлиб, йигирма тўққиз оятдир

Бу сурада Пайғамбар алайҳис-салом билан Макка мушриклари ўртасида ҳижрий олтинчи санада бўлиб ўтган Ҳудайбийя сулҳи ҳақида ва бу сулҳнинг орадан бир йил ўтгач рўй берадиган буюк Фатҳ - Макка мушриклари устидан қозонилган ғалабанинг бошланиши бўлиб қолгани тўғрисида сўз боради. Суранинг "Фатҳ" - "Ғалаба" деб номланишининг боиси ҳам шудир.

Яна унда мўминларнинг Дин Йўлида қилган жиҳодлари, иймони заиф кимсалар ва мунофиқларнинг эса бу жиҳоддан қолиш учун кўрсатган баҳоналари ҳақида, шунингдек, саҳобаларнинг то бошларига ўлим келгунича Оллоҳ Йўлида курашиш хусусида Расулуллоҳ алайҳис-саломга берган байъат-қасамёдлари тўғрисида хабар берилади.

Бу сурадан Оллоҳ таоло Ўз Пайғамбарининг кўрган тушларини рост қилгани ҳақидаги оят ҳам ўрин олгандир.

Сура Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбар эканликларини таъкидлаш ва у зот билан бирга бўладиган - у зот кўрсатган йўлга юрадиган мўмин мусулмонларнинг сифат-фазилатларини баён қилиш билан хотима топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2-3. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **токи Оллоҳ Сизнинг гуноҳингиздан илгари ўтган ва кейин кел***(ади)***ган нарсалар** *(барча гуноҳларингиз)***ни мағфират қилиши учун ва Сизга Ўз неъматини комил қилиб бериб, Сизни Тўғри Йўлга ҳидоят қилиши учун ҳамда Оллоҳ Сизга қудратли ёрдам бериши учун дарҳақиқат, Биз Сизга очиқ-равшан фатҳ - ғалаба ато этдик.**

Изоҳ: Сура мана шундай файзи Илоҳий - кечмиш-келмиш барча гуноҳларни мағфират қилиш, Илоҳий неъматларни комил қилиб бериш, Тўғри Йўлга ҳидоят, Оллоҳ таоло томонидан бериладиган қудратли мадад ва очиқ-равшан фатҳ - ғалабани эълон

қилиш билан бошланди. Шунинг учун ҳам Пайғамбар алайҳис-салом ушбу сура нозил бўлганида: "Бу кеча менга дунё ва ундаги бор нарсадан суюклироқ бўлган бир сура нозил қилинди", деган эканлар. Хўш, мазкур ғалаба қандай ғалаба эди? Ислом тарихидан маълумки, ҳижрий олтинчи сананинг охирида (милодий 627 йилда) Расулуллоҳ алайҳис-салом ўзларининг бир ярим мингга яқин саҳобалари билан умра (суннат бўлган ҳаж ибодати) қилиш ниятида Мадинайи мунавварадан Маккайи мукаррамага қараб йўл оладилар. Улар уруш ғаразида кетмаётганларини билдириш учун Маккага етиб борганларида қурбонлик қилиш учун олган чорва ҳайвонларини олдиларига солиб ҳайдаб борадилар. Лекин мусулмонлар Макка яқинидаги Ҳудайбийя деб номланган бир водийга етиб келганларида, мушриклар уларни Байтуллоҳга киришдан тўсадилар. Шунда Муҳаммад алайҳис-салом мақсадлари Макка шаҳрини эгаллаб олиш эмас, балки Каъбатуллоҳни зиёрат-тавоф қилиб қайтиб чиқиб кетиш эканлигини етказиш учун Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу бошлиқ бир гуруҳ элчиларни Макка катталари олдига юборганларида, улар Усмонни ҳибсга оладилар, лекин Пайғамбар алайҳис-саломга мушриклар Усмонни қатл қилдилар, деган хабар боради. Шунда Расулуллоҳ алайҳис-салом саҳобаларни Маккани фатҳ этиш учун байъат - қасамёд қилишга чақирганларида, уларнинг барчалари байъат қиладиларки, бу ҳақда сура давомида алоҳида ҳикоя қилинади. Мусулмонларнинг қасамёдларини эшитиб даҳшатга тушиб қолган мушриклар ўз одамларини Ҳудайбийяга жўнатиб, бу йил мусулмонларни Каъбатуллоҳга йўлатмасликларини ва агар рози бўлсалар келгуси йилда ўлари мусулмонларга бемалол зиёрат қилишлари учун Маккани бўшатиб беришларини билдириб, сулҳ таклиф қиладилар. Пайғамбаримиз бу таклифни қабул қиладилар ва бу сулҳ дини Ислом тарихидаги бурилиш нуқталаридан бири бўлиб қолади. Чунки бундан бор-йўғи бир йил олдин мусулмонларни Ер юзидан йўқ қилиб юбориш ғаразида жуда катта лашкар билан Мадинага борган Макка мушриклари бугунга келиб уларга қарши урушиш у ёқда турсин, ўзлари яраш таклиф қилмоқда эдиларки, бу ўз моҳият эътибори билан Ислом динининг ҳақ ва ўлмайдиган бир дин эканлигини эътироф этиш эди. Бу сулҳнинг Маккадаги ва бошқа атроф-жавонибдаги одамларга жуда катта таъсири бўлиб, мусулмонларнинг улар билан бевосита мулоқот қилишлари ва Исломга даъват этишлари натижасида минглаб кишилар бу Ҳақ Динга иймон келтирадилар.

4. *(Оллоҳ)* Ўз иймон-ишончларига яна ишонч қўшишлари учун мўминларнинг дилларига сакинат-ором туширган Зотдир. Осмонлар ва Ер қўшинлари *(яъни, коинотдаги барча жонзот ва кучлар)* Ёлгиз Оллоҳникидир. Оллоҳ билим ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 5. У мўмин ва мўминаларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритиш учун ва улардан ёмонлик-гуноҳларини ўчириш учун *(уларнинг дилларини Ўзи буюрган, кофирларга қарши жиҳод қилиш каби ҳукмлардан таскин-ором оладиган қилиб қўйди).* Ва бу Оллоҳ наздида буюк саодат бўлди. 6. Ва Оллоҳ ҳақида *(У Ўз Пайғамбарига ва мўминларга мадад - ғалаба бермайди, деб)* ёмон гумон қилгувчи мунофиқ ва мунофиқаларни ҳамда мушрик ва мушрикаларни азоблаш *(учун мўминларни уларга қарши жиҳод қилишга буюрди).* Уларнинг устига ҳалокат балоси *(тушгувчидир).* Оллоҳ улардан даргазаб бўлди, уларни лаънатлади ва улар учун жаҳаннамни тайёрлаб қўйди. Нақадар ёмон жойдир у! 7. Осмонлар ва Ер қўшинлари Оллоҳникидир. Оллоҳ қудрат ва ҳикмат Соҳиби бўлган Зотдир 8. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* дарҳақиқат, Биз Сизни *(Қиёмат Кунида барча умматлар устида)* гувоҳлик бергувчи, *(мўминларга жаннат ҳақида)* хушхабар элтгувчи ва *(у кофирларни дўзах азобидан)* огоҳлантиргувчи қилиб юборгандирмиз. 9. *(Эй инсонлар, Биз бу Пайғамбарни)* сизлар Оллоҳга ва Унинг Пайғамбарига иймон келтиришларингиз учун ва У Зотни улуғлаб, эҳтиром қилишларингиз ҳамда эрта-ю кеч Уни поклаб, тасбеҳ айтишларингиз учун *(юбордик).* 10. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* дарҳақиқат, Сизга байъат - қасамёд қиладиган зотлар ҳеч шак-шубҳасиз, Оллоҳга байъат қилурлар - Оллоҳнинг Қўли уларнинг қўллари устида бўлур. Энди ким *(ўз қасамёдини)* бузса, бас, у фақат ўз зиёнига бузур. Ва ким Оллоҳ билан аҳд-паймон қилган нарсасига вафо қилса, у ҳолда *(Оллоҳ)* унга улуғ ажр-мукофот ато этур.

Изоҳ: Саҳиҳул-Бухорийда ривоят қилинишича, Ҳудайбийя водийсидаги бир дарахт остида ўша жойда ҳозир бўлган бир ярим мингга яқин саҳобалар Пайғамбар алайҳис-саломга қўл бериб, то бошларига ўлим соати келгунича у зотга содиқ бўлишга байъат-қасамёд қиладилар. Қуръон уларнинг Пайғамбар воситаларида Оллоҳ таолонинг Ўзига байъат қилганларини уқтиради ва бу байъат Ислом тарихида "Байъатур - ризвон", яъни, Оллоҳ рози бўлган байъат деган ном билан қолади. Бу ҳақда ушбу сурада алоҳида оят мавжуддир.

11. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* ҳали *(Мадинага қайтганингиздан кейин)* Сизга аъробийлардан бўлган *(Сиз билан бирга умра сафарига чиқмасдан)* қолган *(мунофиқ)* кимсалар "Бизларни мол-мулкларимиз ва аҳли-оилаларимиз машғул қилиб қўйди, *(шунинг учун сен билан бирга сафарга чиқа олмадик).* Энди ўзинг бизлар учун *(Оллоҳдан)* мағфират сўрагин", дерлар. Улар тилларида дилларида бўлмаган нарсани - ёлғонни айтурлар. Айтинг: "Агар *(Оллоҳ)* сизларга бирон зиён *(етказиш)*ни истаса ёки У сизларга бирон манфаат *(етказиш)*ни истаса, у ҳолда ким сизлар учун Оллоҳ томонидан бўлган бирон нарса*(ни дафъ қилиш)*га эга бўла олур?! Йўқ, Оллоҳ сизлар қилаётган амалларингиздан Огоҳ бўлган Зотдир! 12. Балки сизлар Пайғамбар ва мўминлар *(бу сафарлариддан)* ўз аҳли-оилаларига ҳеч қачон қайтиб келмайдилар, деб ўйладинглар ва бу дилларингизга чиройли кўриниб, ёмон гумон қилдинглар ҳамда ҳалок бўлгувчи қавм бўлдинглар!" 13. Ким Оллоҳга ва Унинг Пайғамбарига иймон келтирмаган бўлса, бас, албтта Биз ундай кофирлар учун дўзахни тайёрлаб қўйгандирмиз. 14. Осмонлар ва Ернинг мулки Оллоҳникидир. У Ўзи хоҳлаган кишиларни мағфират қилур ва Ўзи хоҳлаган кимсаларни азоблар, Оллоҳ Мағфиратли ва Меҳрибон бўлган Зотдир. 15. Ҳали сизлар *(Хайбар жангида қўлга киритган)* ўлжаларни олиш учун кетаётган вақтингизда *(жиҳодга чиқмасдан)* қолган кимсалар: "Бизлар ҳам *(ўша ўлжалардан олиш учун)* сизларга эргашишимизга *(йўл)* қўйинглар", дерлар. Улар Оллоҳнинг Каломини ўзгартирмоқчи бўладилар. Айтинг: "Ҳаргиз бизларга эргашмайсизлар! Оллоҳ илгари мана шундай дегандир". Энди улар: "Йўқ, сизлар бизларга ҳасад-бахиллик қилмоқдасизлар", дерлар. Йўқ, улар камдан-кам нарсаларнигина англарлар.

Изоҳ: Пайғамбар алайҳис-салом бошлиқ саҳобалар Ҳудайбийя сулҳидан қайтишгач, Хайбар воҳасидаги яҳудийларга қарши жанг қилишиб, ғалаба қозонадилар ва катта ўлжаларни қўлга киритадилар. Бу ўлжалардан хабар топган мунофиқлар ўзлари жангдан қочган бўлсалар-да, ўлжадан хомтамаъ бўлганларида, мазкур оят орқали уларга кескин рад жавоби берилади ва Оллоҳ таоло бу ўлжаларни фақат Ҳудайбийя сулҳида иштирок этган кишилар учун хос қилиб қўйгани баен этилади, ҳамда у мунофиқларнинг Оллоҳ буюрган ҳукмларидаги ҳикматини англай олмасликлари ҳам ошкор қилинади.

16. Аъробийлардан бўлган *(жиҳодга чиқмасдан)* қолган *(мунофиқ)* кимсаларга айтинг: "Яқинда сизлар куч-қувват эгалари бўлган бир қавм *(билан жанг қилиш)*га даъват этилурсизлар. *(Ўшанда ё)* улар билан уришурсизлар ёки улар *(жанг-жадалсиз)* Исломга кирурлар. Бас, агар *(ўша пайт сизларни кофир қавмга қарши жиҳод қилиш учун даъват этувчига)* итоат этсангизлар, Оллоҳ сизларга гўзал ажр-мукофот ато этур. Агар илгари юз ўгириб кетганларингиздек юз ўгириб кетсангизлар, *(Оллоҳ)* сизларни аламли азоб-ла азоблар. **17.** *(Жиҳодга чиқмай қолишдан)* кўзи ожиз кишига ҳараж-танглик йўқдир. Чўлоққа ҳараж йўқдир, хастага ҳараж йўқдир *(яъни, улар жиҳодга чиқмаганлари учун айбланмаслар).* Ким Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоат этса, У Зот уни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур. Ким юз ўгириб кетса, уни аламли азоб-ла азоблар. **18-19.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* дарҳақиқат, Оллоҳ мўминлардан - улар дарахт остида Сизга байъат қилаётган вақтларида - рози бўлди. Бас, У Зот уларнинг дилларидаги нарса *(садоқат ва вафо)*ни билиб, уларга сакинат-ором туширди ва уларни *(Хайбар жангида эришиладиган)* яқин ғалаба ва ўзлари*(гина)* оладиган кўпдан-кўп ўлжалар билан мукофотлади. Оллоҳ қудрат ва ҳикмат Соҳиби бўлган Зотдир. **20.** *(Эй мўминлар),* Оллоҳ сизларга кўпдан-кўп ўлжалар ваъда қилдики, сизлар у *(ўлжа)*ларни *(вақти соати билан албатта)* олурсизлар. Энди мана бу *(Хайбар жангида қўлга киритадиган ўлжаларингиз)*ни эса нақд қилиб қўйди ва *(сизларга душман бўлган)* одамларнинг қўлларини сизлар*(га бирон зиен етказиш)*дан тўсиб қўйди. Токи *(бу неъматлар)* мўминлар учун оят-ибрат бўлгай ва *(Оллоҳ)* сизларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилгай. **21.** Яна бошқа сизлар ҳали-ҳануз қодир бўлмаган *(ўлжа)*лар ҳам борки, Оллоҳ уларни *(сизларнинг ўлжаларингиз эканини Ўз илми Илоҳийси билан)* иҳота қилиб олгандир. Оллоҳ барча нарсага Қодир бўлган Зотдир. **22.** Агар *(Макка аҳлидан)* кофир бўлган кимсалар *(сулҳ тузиш ўрнига)* сизлар билан жанг қилганларида, албатта ортларига қараб қочган бўлур эдилар. Сўнгра улар бирон дўст ҳам бирон ёрдамчи ҳам топа олмаслар. **23.** *(Бу, яъни, мўминлар зафар топиб, кофирлар мағлуб бўлиши)* Оллоҳнинг Йўли - қонуни бўлиб, илгари ҳам ўтгандир. Оллоҳнинг Йўлини эса ҳаргиз ўзгартира олмассиз. **24.** *(Оллоҳ)* сизларни уларнинг *(Макка мушрикларининг)* устига ғолиб қилганидан кейин Макканинг ичида *(яъни, Ҳудайбийяда)* уларнинг қўлларини сизлардан, сизларнинг қўлларингизни улардан тўсган *(яъни, ўрталарингизда сулҳ*

пайдо қилган) Зотдир. Оллоҳ қилаётган амалларингизни Кўриб тургувчи бўлган Зотдир. 25. Улар *(Макка мушриклари)* кофир бўлган ва сизларни Масжид ал-Ҳаромдан тўсган, ҳадя *(қурбонлик қилиш учун олган ҳайвонларингиз)*ни эса маҳбус бўлган ҳолида, ўз *(сўйиладиган)* жойига етишдан *(тўсган)* кимсалардир. Агар *(Маккада)* сизлар билмаган мўмин кишилар ва мўмина аёллар бўлмаса эди - сизлар уларни билмаган ҳолингизда *(мушриклардан деб ўйлаб)* бостириб - ҳалок қилиб қўйиб, улар сабабли сизларга ор-гуноҳ етмаса эди, *(Оллоҳ сизларни Маккага юриш қилишдан тўсмаган бўлур эди)*. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни Ўз раҳматига дохил қилиш учун *(яъни, уларни мушриклар қаторида ҳалок бўлиб кетишларидан асраш учун сизларни жанг қилишдан тўсди)*. Агар *(Маккадаги мўминлар мушриклардан)* ажралиб олганларида, албатта улардан *(яъни, Макка аҳлидан)* кофир бўлган кимсаларни аламли азоб-ла азоблаган бўлур эдик. 26. Ўшанда кофир бўлган кимсалар дилларига қизиққонликни - динсизлик қизиққонлигини солганларида, *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломнинг Пайғамбар эканликларини инкор этишиб, мусулмонларни Маккага киришдан тўсганларида)*, Оллоҳ Ўз Пайғамбарининг ва мўминларнинг устига Ўз сакинат - оромини туширди ва уларга тақво калимасини *(яъни, Ла илаҳа иллоллоҳ калимасини)* лозим қилди. Улар ўша *(калима)*га жуда ҳақдор ва аҳл-лойиқ эдилар. Оллоҳ барча нарсани Билгувчи бўлган Зотдир. 27. Албатта Оллоҳ Ўз Пайғамбарига *(у киши кўрган)* тушни ҳаққи-рост қилди: албатта сизлар *(эй мўминлар)*, иншооллоҳ, Масжид ал-Ҳаромга тинч-омон, бошларингизни *(сочларингизни)* қирдирган ва *(ёки)* қисқартирган ҳолларингизда хавф-хатарсиз кирурсизлар. Бас, *(Оллоҳ)* сизлар билмаган нарсани билиб, ундан *(Макка фатҳидан)* олдин яқин бир ғалабани *(Хайбар жангидаги ғалабани муяссар)* қилди.

И з о ҳ: Муфассирлар ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳис-салом Ҳудайбийя сулҳидан илгари тушларида саҳобалари билан бирга Маккага кирганларини ва Каъбатуллоҳни тавоф қилишгач, айримлари сочларини қирдириб, айримлари қисқартириб ҳаж-умра маросимларини адо этганларини кўрган ва саҳобаларга бу тушларини сўзлаб берган эканлар. Бундай хушхабардан бениҳоя шодланган саҳобалар Расулуллоҳ алайҳис-салом билан бирга умра ибодатини адо этиш учун Маккайи мукаррама томон юриш қиладилар. Лекин Ҳудайбийя водийсига етиб келганларида мушриклар тарафидан йўллари тўсилиб, икки ўртада ўтган оятларда мазкур бўлган сулҳ тузилгач, Маккага кира олмасдан

Мадинага қайтиб кетишаётганида мунофиқ кимсалар: "Муҳаммаднинг кўрган туши рост чиқмади-ку!", деб, мусулмонлар орасида игво тарқатганларида юқоридаги оят нозил бўлиб, Пайғамбар алайҳис-саломнинг тушлари шак-шубҳасиз, ўнгидан келиши, аммо Оллоҳ таоло бандалар билмайдиган сир-асрорларни билиб Макка фатҳидан аввал Хайбар жангидаги ғалабани муяссар қилгани ҳақида хабар берилди. Мана шундан кейин орадан бир йил кечгач, Макка мусулмонлар томонидан фатҳ қилинди.

28. У *(Оллоҳ)* **Ўз Пайғамбари** *(Муҳаммад алайҳис-салом)***ни Ҳидоят ва Ҳақ Дин** *(Ислом)* **билан, у** *(Дин)***ни барча** *(дин)***ларга ғолиб-устун қилиш учун юборган Зотдир. Оллоҳнинг Ўзи** *(ушбу ваъдасининг рўёбга чиқишига)* **етарли Гувоҳдир. 29. Муҳаммад Оллоҳнинг Пайғамбаридир. У билан бирга бўлган** *(мўмин)***лар кофирларга қаҳрли, ўзораларида** *(мўминлар билан)* **эса раҳм-шафқатлидирлар. Уларни** *(мудом)* **Оллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилаб рукуъ-сажда қилаётган ҳолларида кўрурсиз. Уларнинг юзларида сажда изидан** *(қолган)* **сиймо-аломатлари бордир. Мана шу** *(яъни, кофирларга қаҳрли, мўминларга меҳрли бўлиш ва кўп намоз ўқиб, рукуъ-сажда қилиш)* **уларнинг Тавротдаги мисолларидир.** *(Яъни, Тавротда ҳам Оллоҳ таоло мўминларни мана шундай сифатлар билан сифатлагандир).* **Уларнинг Инжилдаги мисоллари эса худди бир шохлар чиқариб, қувватга киргач, йўғонлашиб, ўз новдасида тик турган, деҳқонларни лол қолдирадиган ўсимликка ўхшайди.** *(Мўминларнинг аввал-бошда заиф-озчилик бўлишиб, кейин аста-секин кўпайиб, кучга тўлиб кетишлари Инжилда юқорида зикр қилинганидек, ўсимликка ўхшатилиши)* **улар сабабли кофирларни хафа қилиш учундир. Оллоҳ** *(мўминлардан)* **иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга мағфират ва улуғ ажр-мукофот ваъда қилгандир.**

ҲУЖУРОТ сураси (49)

Бу сура Мадинада нозил қилинган бўлиб, ўн саккиз оятдир.

У нисбатан қисқа сура бўлишига қарамасдан, ўз ичига Исломий одоб-ахлоққа оид жуда кўп қонун-қоидаларни қамраб олгандир.

Сура дастлаб мўминларни Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари изни-рухсатисиз бирон иш ё сўз қилмасликка буюриш билан бошланиб, сўнгра Пайғамбарга нисбатан муомала одоби баён этилади.

Шунингдек, бу сурада жамият интизомини сақлаш учун зарур бўлган кўпдан-кўп йўл-йўриқлар кўрсатилади.

Сура мўминларни бировларни масхара қилиб кулишдан, бир-бирларига турли лақаблар тақишдан, ғийбат, айғоқчилик қилиш ва асоссиз ўзгалардан бадгумон бўлиш каби иллатлардан сақланишга чақиради.

Сура ниҳоясида тилларида иймон келтирдик, дейдиган, аммо дилларига иймон нури кирмаган кимсалар тўғрисида хабар берилиб, ҳақиқий мўминлар эга бўлиши лозим бўлган сифат-фазилатлар баён этилади.

Бу сурада Пайғамбар алайҳис-саломнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш оналаримиз истиқомат қиладиган ҳужралар ҳақида зикр қилинган ояти карима ҳам мавжуд бўлгани сабабли у "Ҳужурот - Ҳужралар" деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Эй мўминлар, сизлар Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари олдида *(яъни, Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарининг изнисиз бирон сўз ёки ишга)* **қадам босманглар! Оллоҳдан қўрқинглар! Албатта Оллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир. 2. Эй мўминлар,** *(токи қилган яхши)* **амалларингиз ўзларингиз сезмаган ҳолларингизда беҳуда-бефойда бўлиб қолмаслиги учун сизлар** *(Пайғамбар билан сўзлашган пайтларингизда)* **овозларингизни Пайғамбарнинг овозидан юқори кўтарманглар ва унга бир-бирларингизга очиқ**

(дағал сўз) қилгандек очиқ-дағал сўз қилманглар! 3. Албатта Оллоҳнинг Пайғамбари ҳузурида овозларини паст қилган зотлар - ана ўшалар Оллоҳ дилларини тақво учун имтиҳон қилган *(яъни, тақво имтиҳонидан ўтган)* зотлардир. Улар учун мағфират ва улуғ ажр-мукофот бордир. 4. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* албатта *(Сизнинг аҳли аёлларингиз истиқомат қиладиган)* ҳужралар ортидан туриб Сизни *(бақириб)* чақирадиган кимсаларнинг кўплари ақлсиз кимсалардир. 5. Агар улар то Сиз ўзингиз уларнинг олдига чиққунингизча *(Сизни чақириб безовта этмасдан)* сабр қилганларида, албатта ўзлари учун яхшироқ бўлур эди. Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 6. Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сизлар *(ҳақиқий аҳволни)* билмаган ҳолингизда бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун *(у фосиқ кимса олиб келган хабарни)* аниқлаб-текшириб кўринглар! 7. Ва билингларки, ораларингизда Оллоҳнинг Пайғамбари бор. Агар у кўп иш*(лар)*да сизларга *(иймони комил бўлмаган жоҳил кимсаларга)* бўйинсунса, *(яъни, Оллоҳ томонидан ваҳий нозил бўлишини кутмасдан сизлар келтирган хабарларга ишонадиган бўлса),* албатта сизлар бало-мусибатларга дучор бўлур эдингизлар. Лекин Оллоҳ сизларга *(иймони комил, тақво имтиҳонидан ўтган зотларга)* иймонни суюкли қилди ва уни дилларингизга чиройли кўрсатди ҳамда сизларга куфрни, *(Оллоҳ ва Пайғамбарга)* итоатсизликни ва исённи ёмон кўрсатиб қўйди. Ана ўшаларгина *(яъни, иймон йўлида собитқадам бўлиб, куфр-исённи ёмон кўрган кишиларгина)* Тўғри Йўлга юргувчи зотлардир. 8. *(Бу)* Оллоҳ томонидан бўлган фазлу марҳамат ва неъматдир. Оллоҳ билим ва ҳикмат Соҳибидир. 9. *(Эй мўминлар),* агар мўминлардан бўлган икки тоифа *(бир-бирлари билан)* урушиб қолсалар, дарҳол сизлар уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовузкорлик қилса, бас, то *(тажовузкор тоифа)* Оллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовузкорлик қилган *(тоифа)* билан урушинглар! Энди агар у *(тоифа тажовузкорликдан)* қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан ўнглаб қўйинглар. *(Мудом)* адолат қилинглар! Зеро, Оллоҳ адолат қилгувчиларни севар. 10. Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз, оға-инилардир. Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Оллоҳдан қўрқинглар - шояд У Зот томонидан бўладиган раҳматга

эришсангизлар. 11. Эй мўминлар, *(сизлардан бўлган)* **бир қавм** *(бошқа)* **бир** *(мўмин)* **қавм устидан масхара қилиб кулмасин - эҳтимолки,** *(ўша масхара қилинган қавм)* **улардан яхшироқ бўлсалар. Яна** *(сизлардан бўлган)* **аёллар ҳам** *(бошқа мўмина)* **аёллар устидан масхара қилиб** *(кулмасинлар)* **- эҳтимолки,** *(ўша масхара қилинган аёллар)* **улардан яхшироқ бўлсалар. Ўзларингизни** *(яъни, бир-бирларингизни)* **мазах қилманглар ва бир-бирларингизга лақаблар қўйиб олманглар! Иймондан кейин фосиқлик билан номланиш** *(яъни, мўмин кишининг юқорида манъ қилинган фосиқона ишлар билан ном чиқариши)* **нақадар ёмондир. Ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар золим кимсалардир. 12. Эй мўминлар, кўп гумон***(лар)***дан четланинглар! Чунки айрим гумон***(лар)* **гуноҳдир!** *(Ўзгаларнинг айблари ортидан)* **жосуслик қилиб юрманглар ва айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана ёмон кўрдингизми?!** *(Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган ғийбатни ҳам ёмон кўрингиз)!* **Оллоҳдан қўрқингиз! Албатта Оллоҳ тавбаларни Қабул қилгувчи, Меҳрибондир.**

И з о ҳ: Мазкур ояти каримада мўминлар жамиятдаги тартиб-интизомни издан чиқарадиган ва меҳр-оқибат йўқолиб кетишига сабаб бўладиган уч иллатдан қайтарилдилар. Булардан биринчиси, ўзгалар ҳақида ёмон гумон қилиш, иккинчиси, бировларнинг айбларини ахтариб топиш учун орқаларидан жосуслик-айғоқчилик қилиб юришдир. Шариати Исломийяда шахснинг зоҳирда қилаётган иш амали ва айтган сўзи мўътабардир. Яъни, масалан бир кишининг муайян бир айб ё жиноятга дахлдор эканлигига аниқ ҳужжат бўлмас экан, унинг ўша айб ё жиноятда гумон қилиниши ҳаромдир. Фақат унинг мунофиқлиги ёки хоинлиги аниқ бўлиб қолган тақдирдагина у ҳақда ёмон гумон қилиш ва ундан ҳазар қилиш вожибдир. Чунки Пайғамбар алайҳис-салом айтганларидек: "Мўмин киши бир тешикдан (яъни, унда яшириниб ётган илон ё чаёндан) икки марта чақилмайди".

Юқоридаги оятда яна ғийбатдан қайтарилди. Ғийбат ўзи нима? Бу тўғрида Пайғамбаримиз шундай деганлар: "Ғийбат - биродарингнинг ортидан ўзи эшитиб қолса хафа бўладиган айб-нуқсонини айтишингдир". Демак, бир мўминнинг ортидан унда бўлмаган айбларни унга нисбат бериш айрим билимсиз кишилар ўйлаганидек ғийбат эмас, балки унинг ҳақига бўҳтон ва туҳмат

бўлар экан, унда бўлган айбларни ортидан айтиш эса уни сифатлаш эмас, балки ғийбат қилиш бўлар экан. Энди ғийбатнинг нақадар оғир гуноҳ эканлиги хусусида мазкур оятда Оллоҳ таоло томонидан келтирилган мисол ибратлидир. Чунки ақл-хуши жойида бўлган бирон инсон бошқа бир инсоннинг гўштини ейишни истамайди. Энди агар ўша инсон ўзининг биродари бўлса-чи, яна камига ўлган ҳолда бўлса-чи! Унинг гўштини ейиш дунёдаги энг ваҳший ҳайвон ҳам ҳазар қиладиган бир жиноятдир! Бир мўминнинг ортидан ғийбат қилиш ана ўшандан-да оғирроқ жиноятдир! Шунинг учун ҳам Пайғамбар алайҳис-салом: "Ғийбат қилиш (бировни ноҳақ) ўлдиришдан-да ёмонроқдир", деганлар.

13. Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак *(Одам)* **ва бир аёл** *(Ҳавво)***дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишувинглар** *(дўст-биродар бўлишинглар)* **учун сизларни** *(турли-туман)* **халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизларнинг Оллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Албатта Оллоҳ Билгувчи ва Огоҳдир.**

И з о ҳ: Ушбу оятда Ислом динининг инсоният оламига нисбатан бўлган кўз қараши баён этилгандир: биринчидан, барча инсонлар бир ота-онанинг фарзандларидир. Иккинчидан, инсонларнинг турли эл-уругларга бўлинишлари бир-бирлари билан ер ёки мол-дунё талашиб уруш-жанжал билан умр ўтказишлари учун эмас, балки бир-бирлари билан танишиб, ҳамкорлик қилишлари ва биргаликда ўзлари халифа бўлган заминни обод қилишлари учундир. Ва ниҳоят учинчидан, одамларнинг Оллоҳ таоло ҳузурида обрў-эътиборли бўлишлари мол-дунё ёки олийнасаб билан эмас, балки Оллоҳдан қўрқиш ва У Зот нозил қилган амр-фармонларга итоат этиш билан бўлур.

14. Аъробийлар: "Иймон келтирдик", дедилар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* **айтинг: "Сизлар иймон келтирганларингиз йўқ, лекин сизлар "Бўйинсундик", денглар,** *(чунки ҳали-ҳануз)* **иймон дилларингизга кирган эмасдир. Агар сизлар Оллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат этсангизлар, У Зот сизларга** *(қилган яхши)* **амалларингиздан** *(яъни, уларнинг савобидан)* **бирон нарсани камитмас. Албатта Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир".**

И з о ҳ: Муфассирларнинг айтишларича, бу ва қуйидаги оятлар бани Асад номли қабиладан бўлган бир гуруҳ аъробийлар ҳақида нозил бўлгандир. Улар қаҳатчилик йилида Мадинага тушиб, Пайғамбар алайҳис-саломга ўзларининг мўмин бўлганларини пеш

қилиб, у зотдан мусулмонларга тегишли бўлган ўлжалардан уларга ҳам беришларини талаб қилишади. Лекин Қуръон уларнинг дилларига иймон кирмаганини, улар фақат ўлжага эга бўлиш учун зоҳирда Исломга кириб турганларини ошкор қилади ва агар улар сидқидилдан иймон келтириб, Оллоҳ ва Пайғамбарга итоат этсалар, Оллоҳ таоло уларни бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам кам қилмаслигини уқтиради.

15. Ҳақиқий мўминлар Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига иймон келтириб, сўнгра *(ҳеч қандай)* **шак-шубҳа қилмаган ва молу жонлари билан Оллоҳ Йўлида курашган зотлардир. Ана ўшаларгина** *(ўз иймонларида)* **содиқ бўлган зотлардир. 16.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, у аъробийларга)* **айтинг: "Сизлар Оллоҳга динингларни** *(иймонларингни ҳақиқий эканлигини)* **билдирмоқчимисизлар?! Ҳолбуки, Оллоҳ осмонлардаги ва Ердаги бор нарсани билур. Оллоҳ барча нарсани Билгувчидир!" 17. Улар Сизга мусулмон бўлганларини миннат қилурлар. Айтинг: "Сизлар менга мусулмон бўлганларингизни миннат қилманглар. Балки агар** *(иймонингларда)* **содиқ бўлсангизлар,** *(яъни, агар ростдан ҳам иймон келтирган бўлсангизлар)* **Оллоҳ сизларни иймонга ҳидоят қилганини миннат қилур. 18. Албатта Оллоҳ осмонлар ва Ердаги ғайб-сирларни билур. Оллоҳ қилаётган амалларингизни Кўриб тургувчидир."**

ҚОФ сураси (50)

Қирқ беш оят бўлган бу сура Маккада нозил қилинган.

Барча Макка суралари каби Исломий ақиданинг асослари ҳақида сўзлагувчи бу сурада сўз асосан мана шу ақиданинг бир бўлаги бўлган қайта тирилиш ва бу дунёда қилиб ўтилган барча амаллар ҳисоб-китоб қилиниши ҳақ эканлиги тўғрисида боради.

Сура оятлари Охиратни инкор этувчи кимсаларнинг назарини Еру осмондаги Оллоҳ таолонинг қудрати Илоҳиййясига далолат қилиб турган кўпдан-кўп ажойиботларга жалб қилади ва мана шу коинотни йўқдан бор қилган Зот уларни қайта яратишга ҳам Қодир эканлигини таъкидлайди.

Бу сурада ҳам қайта тирилишни ёлғон деганлари сабабли турли азоб-уқубатларга гирифтор бўлган аввалги қавму-қабилалар яна бир бор эслатиб ўтилади.

Сура сур чалиниб қабрлардан ҳисоб-китоб учун чиқиладиган Кунда бўладиган воқеа-ҳодисаларни баён қилиш билан хотима топади.

Сура ўзининг илк калимаси бўлмиш "Қоф" ҳарфи билан номланган.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Қоф. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Улуғ Қуръонга қасамки,** *(Биз Сизни қайта тирилиш ҳақ эканлигидан огоҳлантиргувчи Пайғамбар қилиб юборганимизда, Макка аҳли иймон келтирмади).* **2. Балки уларга** *(фаришта эмас),* **ўзларидан бўлган бир огоҳлантиргувчи келганидан ажабландилар - ҳайрон бўлдилар. Шунинг учун ҳам у кофирлар айтдилар: "Бу жуда қизиқ нарса-ку! - 3. - Бизлар ўлиб, тупроқ бўлиб қолган вақтимизда** *(яна ҳаётга қайтариламизми)?!* **Бу жуда узоқ** *(ақл бовар қилмайдиган)* **қайтишдир!" 4. Аниқки, Бизга Ер улар***(нинг жасадлари)***ни камайтираётгани** *(яъни, жасадлари чириб тупроққа айланиб кетаётгани)* **маълум. Ва Бизнинг ҳузуримизда** *(барча нарсани ўз*

саҳифаларида) сақлагувчи Китоб *(Лавҳул-Маҳфуз)* бордир. *(демак, уларни қайта тирилтириб, ҳисоб-китоб қилиш Биз учун қийин иш эмасдир).* 5. Балки, уларга Ҳақ *(Қуръон)* келган вақтида уни ҳам ёлғон дедилар. Бас, улар бир ноаниқ ишга - ҳолга *(тушиб қолганлар. Шунинг учун улар гоҳ Қуръонни "сеҳр" дейишса, гоҳ "шеър" дейишади, гоҳо эса "Аввалгилардан қолган афсона", дейдилар).* 6. Ахир улар устларидаги осмонни - Биз уни қандай бино қилиб, *(юлдузлар билан)* безаб қўйганимизни ва унинг учун бирон тешик-ёриқ йўқ эканлигини кўрмадиларми?! 7. Ерни эса ёйиқ - кенг қилдик ва унда тоғларни ўрнатиб қўйдик ҳамда унда *(ўсимлик, мевалардан)* ҳар турли гўзал жуфтларни ундириб-ўстирдик. 8. *(Парвардигорга)* қайтгувчи - тавба-тазарруъ қилгувчи ҳар бир бандага кўргазма ва эслатма-ибрат бўлсин учун *(мана шундай қилдик).* 9-10. Биз осмондан баракотли сув - ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида боғ-роғларни ва ўриб олингувчи дон-дунларни ҳамда тизилган *(мевали)* новдалари бўлган баланд хурмоларни ундириб-ўстирдик. 11. Бандаларга ризқ бўлсин учун *(мана шундай қилдик).* Яна у *(сув)* ёрдамида ўлик шаҳарни - ерни тирилтирдик. *(Ўликларнинг ўз қабрларидан қайта тирилиб)* чиқишлари ҳам мана шундай бўлур.

Изоҳ: Ушбу оятларда худди ўлик замин вақти соати билан тирилиб боғу роғларга ва гулу гулзорларга айлангани каби инсонларга ҳам Қиёмат Соати келганида қайта жон ато этилиб, қабрларидан чиқишлари эслатиб ўтилгач, энди қуйидаги оятларда илгари ўтган ва Охиратни инкор этгувчи бўлган қавм-қабилаларнинг бошларига тушган кўргулик зикр қилинади.

12-13-14. Улардан *(Макка кофирларидан)* илгари Нуҳ қавми, қудуқ эгалари *(яъни, Шуайб пайғамбарни ёлғончи қилганлари сабабли қудуққа қулаб ҳалок бўлган бир қавм),* Самуд ва Од *(қабилалари),* Фиръавн *(ва унинг қавми),* Лутнинг оға-инилари, дарахтзор эгалари *(яъни, Шуайб пайғамбарнинг қавми)* ва Туббаъ қавми ҳам *(ўз пайғамбарларини)* ёлғончи қилган эдилар. *(Уларнинг)* барчалари пайғамбарларни ёлғончи қилишгач, Менинг ваъдам *(яъни, азобим уларнинг устига)* ҳақ-вожиб бўлди. 15. Хўш Биз аввалги яратишга *(яъни, йўқдан бор қилишга)* ожизлик қилдикми? Йўқ, *(ожизлик қилмадик, демак, тупроққа айланган жасадларга қайта жон ато этишга ҳам ожизлик қилмаймиз),* улар эса янги яралишдан *(яъни, қайта тирилишдан)* шак-шубҳададирлар. 16. Аниқки, инсонни Биз яратганмиз, *(демак),* унинг нафси васваса

қиладиган *(яъни, кўнглидан ўтган барча)* **нарсаларни ҳам билурмиз. - Биз унга жон томиридан ҳам яқинроқдирмиз. 17. Зотан, ўнг ва чап** *(томон)***да ўтирган икки қабул қилгувчи** *(ёзиб тургувчи фаришта инсоннинг айтган ва қилган барча яхши-ёмон сўз-амалларини)* **қабул қилиб-ёзиб турурлар. 18. У** *(инсон)* **бирон сўзни талаффуз қилмас, магар** *(талаффуз қилса),* **унинг олдида ҳозиру нозир бўлган бир кузатгувчи** *(фаришта у сўзни ёзиб олур).* **19. Мана ўлим мастлиги** *(яъни, жон чиқар пайти)* **ҳаққи-рост** *(етиб)* **келди.** *(Эй инсон),* **бу** *(ўлим)* **сен қочгувчи бўлган нарсадир. 20.** *(Қайта тирилишга даъват қилгувчи)* **Сур ҳам чалинди.- Бу** *(кофирларга азоб)* **ваъда қилинган Кундир! - 21.- Ва ҳар бир жон ўзи билан бирга** *(уни маҳшаргоҳга)* **ҳайдагувчи** *(бир фаришта)* **ва** *(унинг қилиб ўтган амалларига)* **гувоҳлик бергувчи** *(бир фаришта)* **бўлган ҳолда келди. 22.** *(Эй инсон),* **аниқки, сен бу** *(оғир Кун)***дан ғафлатда эдинг. Бас, Биз сендан пардангни** *(яъни, мана бу Қиёмат Куни ҳақидаги шак-шубҳаларингни)* **очиб юбордик. Энди бу Кун сенинг кўзинг жуда ўткирдир. 23. Унинг** *(кофирнинг)* **яқини-ҳамроҳи** *(бўлган, унинг қилиб ўтган гуноҳларини ёзиб-гувоҳлик бергувчи фаришта)* **деди: "Мана бу** *(номаи аъмол)* **менинг ҳузуримда ҳозиру нозир бўлган нарсадир". 24-25.** *(Шундан кейин дўзах ходимларидан икки фариштага айтилур):* **"Барча** *(Ҳаққа қаршилик қилгувчи)* **қайсар, яхшиликни манъ қилгувчи, зўравон ва** *(Оллоҳнинг Динига)* **шак келтиргувчи кофир-кўрнамакни жаҳаннамга ташланглар! 26.** *(Қай)* **бир кимса Оллоҳ билан бирга бошқа бир "илоҳ" қилиб олса** *(яъни, Ёлғиз Оллоҳга бирон нарса ё кимсани шерик қилиб олса),* **бас, уни қаттиқ азобга ташланглар!" 27. Унинг яқини** *(бўлган шайтон):* **"Парвардигоро, уни мен туғёнга солганим йўқ, лекин унинг ўзи** *(Ҳақ Йўлдан)* **йироқ - залолатда бўлди", деди. 28.** *(Оллоҳ кофирга ва унинг шайтонига)* **айтди: "Менинг даргоҳимда талашиб-тортишманглар, аниқки, Мен илгари сизларга** *(кофир бўлганларингиз сабабли Охиратда азобга гирифтор бўлишларингиз тўғрисида)* **ваъда қилганман. 29. Менинг даргоҳимда** *(ваъда қилинган)* **сўз ўзгартирилмас ва Мен бандаларга зулм қилгувчи ҳам эмасдирман". 30. У Кунда Биз жаҳаннамга: "Тўлиб битдингми?", дермиз, у эса: "Яна қўшимча борми?", дер.**

Изоҳ: Юқоридаги оятларда ҳаёти дунёдан куфру исён билан ўтган кимсаларнинг Қиёмат Кунида кечадиган аҳвол-кўргуликлари батафсил баён этилгач, энди тақво эгалари учун тайёрлаб қўйилган жаннат манзаралари тасвирланади.

31. Жаннат тақводор зотларга йироқ бўлмаган *(бир маконга)* келтирилди *(ва уларга дейилди)*: 32-33. "Мана шу *(неъматлар)* сизларга - ҳар бир *(Оллоҳга)* қайтгувчи, *(ўз аҳдини)* сақлагувчи *(риоя қилгувчи)*, гайбдаги Раҳмондан қўрққан ва тавба-тазарруъ қилган дил билан келган кишиларга ваъда қилинаётган нарсалардир. 34. Унга *(жаннатга)* тинч-омон киринглиз! Бу *(кун)* мангу *(қоладиган)* Кундир". 35. Улар учун у жойда хоҳлаган нарсалари бордир. Ва яна Бизнинг даргоҳимиздаги қўшимча *(иззат-икром)*лар ҳам бордир. 36. Биз улардан *(Қурайш кофирларидан)* илгари улардан кучли-қувватлироқ бўлган қанча аср-авлодни ҳалок қилдик. Бас, ўшалар *(Биз бошларига туширган балодан)* қочиб, бирон нажот бормикан, деб шаҳарларда изгиб юрдилар, *(лекин ҳалокатдан қочиб қутула олмадилар)*. 37. Албатта бунда *(огоҳ)* қалб эгаси бўлган ёки ўзи ҳозир бўлган ҳолда *(яъни, сидқидилдан)* қулоқ тутган киши учун эслатма-ибратлар бордир. 38. Аниқки, Биз осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсани олти кунда яратдик ва Бизни ҳеч қандай чарчоқ ушлагани йўқ. 39. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, улар *(кофирлар)* айтаётган сўзларга сабр-тоқат қилинг ва қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Парвардигорингизга ҳамду сано айтиш билан *(У Зотни)* покланг - намоз ўқинг! 40. Яна кечанинг *(бир қисмида)* ва саждалар *(яъни, намозлар)* ортидан У Зотни покланг! 41. Ва жарчи *(Исрофил фаришта)* яқин бир макондан туриб жар соладиган Кунда *(унинг нидосига)* қулоқ тутинг! 42. У Кунда улар *(барча халойиқ)* у даҳшатли кичқириқни ҳаққи-рост эшитурлар. Бу *(қабрлардан тирилиб)* чиқиш Кунидир! 43. Албатта Биз Ўзимиз *(барча жонзотга)* ҳаёт берурмиз ва ўлим берурмиз. Ёлгиз Бизга қайтиш бордир! 44. У Кунда уларнинг устидаги Ер ёрилиб, *(улар)* шошган ҳолларида *(қабрларидан чиқиб келурлар)*. Бу *(яъни, Қиёмат Кунида барча халойиқни ҳисоб-китоб учун тўплаш)* Ёлгиз Бизгагина осон бўлган тўплашдир. 45. Биз улар *(кофирлар)* айтаётган сўзларни жуда яхши билурмиз. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз уларнинг устида *(дину иймонга)* зўрлагувчи эмассиз. Бас, ушбу Қуръон билан Менинг *(кофирларни азоб-уқубатга гирифтор қилиш ҳақидаги)* ваъдамдан қўрқадиган кишиларга панд-насиҳат қилинг!

ВАЗ-ЗАРИЁТ сураси (51)

Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган бўлиб, олтмиш оятдан ташкил топгандир

Сура аввалида Оллоҳ таоло Ўзи яратган тўрт нарса номи билан қасамёд қилиб, Охират диёри ва ундаги жазо-мукофот ҳақ эканлигини таъкидлайди ва инсонларга нотаниш бўлган у сирли оламнинг сир-синоатини - кофирларни ютишга ҳозир бўлиб кутиб турган жаҳаннамни ва мўминларга мунтазир кўз тутиб турган жаннатни Илоҳий Сўз билан таърифлаб, Ўз бандаларини огоҳлантиради.

Бу сурада ҳам ўз қавмининг иймон келтирмаётганидан озурдадил бўлган Пайғамбар алайҳис-саломга таскин-тасалли ва барча инсонларга эслатма-ибрат бўлсин учун у кишининг салафлари бўлмиш ўтган пайғамбарлар ва уларни ёлғончи қилганлари сабабли турли азоб-уқубатларга дучор бўлган қавм-қабилалар ҳақидаги ибратли қиссалар зикр қилингандир.

Сура инсу жиннинг яратилишидан кўзда тутилган бирдан-бир мақсад уларнинг Яратганни таниб, Ёлгиз Ўша Зотгагина сиғиниб-ибодат қилиб ўтишлари эканлигини таъкидлаш билан хотима топади.

Бу сура ўзининг илк ояти "Ваз-зориёт" номи билан аталган бўлиб, бу калима "Суриб кетгувчи шамолларга қасам" деган маънони англатади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2-3-4-5. *(Булутларни)* **суриб кетгувчи** *(шамол)***ларга; юк** *(ёмғир)* **ташигувчи** *(булут)***ларга;** *(сув юзида)* **енгил сузиб боргувчи** *(кема)***ларга ва** *(Оллоҳнинг амри билан барча)* **иш***(лар)***ни тақсимлагувчи** *(фаришта)***ларга қасамки, сизларга ваъда қилинаётган нарса** *(қайта тирилиш)* **шак-шубҳасиз, ҳаққи-ростдир! 6. Ва албатта** *(Қиёмат Кунида ҳисоб-китоб қилинганидан кейин)* **жазо-мукофот воқеъ бўлгувчидир. 7-8.** *(Самодаги юлдузлар ҳаракат қиладиган)* **йўллар эгаси бўлган осмонга қасамки, албатта сизлар** *(ушбу Пайғамбар хусусида)* **хилма-хил сўз устидадирсизлар.**

Изоҳ: Яъни, худди самодаги сайёраларнинг ҳаракат қиладиган йўллари хилма-хил бўлгани каби сизлар ҳам эй мушриклар, Пайғамбар алайҳис-салом ҳақида турли-туман сўзлар айтурсизлар: айримларингиз у зотни "сеҳргар", десангизлар, бошқаларингиз "шоир", дейсизлар.

9. Ундан *(яъни, Қуръондан, Пайғамбардан Оллоҳнинг илми азалийсида Ҳидоят Йўлидан)* **бурилган** *(ва саодатдан маҳрум қилинган)* **кимса бурилиб** *(юз ўгириб)* **кетур. 10-11.** *(Ҳақ Пайғамбарни "ёлғончи, сеҳргар, шоир", дегувчи)* **ўша ёлғончиларга -** *(жаҳолат)* **гирдобида адашиб юргувчи бўлган кимсаларга ўлим - лаънат бўлгай! 12. Улар жазо** *(Қиёмат)* **Куни қачон бўлишини сўрарлар. 13.** *(У Кун)* **улар дўзахда текшириладиган - ёндириладиган Кунда бўлур. 14.** *(Ўшанда уларга айтилур):* **"Азобларингизни тотинглар! Сизлар** *(ҳаёти дунёдалик пайтингизда)* **шоштиргувчи бўлган нарса мана шудир!" 15-16. Албатта тақводор зотлар** *(у Кунда)* **Парвардигор ўзларига ато этган нарсаларни** *(ажр-мукофотларни)* **қабул қилган ҳолларида жаннатлар ва чашмалар устида** *(бўлурлар).* **Зеро, улар бундан илгари** *(яъни, ҳаёти дунёдалик чоғларида)* **чиройли амаллар қилгувчи эдилар. 17. Улар кечадан озгина** *(фурсатгина)* **кўз юмар эдилар. 18. Ва саҳарларда улар** *(қилган саҳву-хатолари учун Парвардигордан)* **мағфират сўрар эдилар. 19. Уларнинг мол-мулкларида сўрагувчи ва** *(мол-давлатдан)* **маҳрум-муҳтож кишилар учун** *(ажратилган)* **ҳақ-улуш** *(бўлар эди).* **20-21.** *(Эй инсонлар),* **Ерда** *(ундаги тоғу тошлар ва водий-даралар да, денгизлар ва дарёларда, ҳайвонот ва наботот оламида)* **ҳамда ўзларингизда** *(ушбу ҳаётга келиб-кетишингиздан тортиб, вужудларингиздаги ҳар бир аъзойингизда, балки ҳар бир ҳужайрангизнинг нақадар нозик тартиб-интизом билан яратилиб, ўз ўрнига жойлаштирилганида ва ўз зиммасидаги Яратган буюрган вазифани қулоқ қоқмасдан адо этиб боришида)* **ишонгувчи зотлар учун** *(Оллоҳнинг қудратига далолат қиладиган)* **оят-аломатлар бордир. Ахир кўрмайсизлармн?! 22. Осмонда эса сизларнинг ризқу рўзларингиз** *(яъни, Ерда мўл ҳосил бўлишига сабаб бўлгувчи ёмғир)* **ва сизларга ваъда қилинаётган нарса** *(яъни, жаннат)* **бордир. 23. Бас, осмон ва Ернинг Парвардигорига қасамки, албатта у** *(яъни, сизларга ваъда қилинаётган барча нарса)* **худди сизларнинг сўзлашингиз каби** *(яъни, сўзлаган сўзларингиз ўзларингиз учун қандоқ ҳақ бўлса, ана шундай)* **ҳаққи-ростдир! 24.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сизга**

Иброҳимнинг иззат-икромли меҳмонлари ҳақидаги хабар келдими? 25. Ўшанда улар *(Иброҳимнинг)* ҳузурига кириб, "Салом", дейишган эди, у ҳам: "Салом, *(Булар)* нотаниш қавм-ку", деди. 26-27. Сўнг у аста оиласи олдига чиқиб, *(қовурилган)* бир семиз бузоқни келтирди-да, уни уларга яқин қилиб, "*(Таомдан)* емайсизларми?", деди. 28. *(Лекин меҳмонлар овқатга қўл чўзишмагач)*, улардан хавфсирай бошлади. *(Шунда)* улар: "Қўрқмагин. *(Бизлар фариштлармиз, шунинг учун таом емаймиз)*", дедилар ва *(Иброҳимга)* бир доно ўғил хушхабарини бердилар. 29. Шунда *(уларнинг сўзини эшитиб турган Иброҳимнинг)* хотини қичқирганча келди-да, *(бу хушхабардан ажабланганидан)* ўзининг юзига уриб: "*(Ахир мен)* туғмас кампир*(ман)*ку!", деди. 30. Улар айтдилар: "Парвардигоринг мана шундай деди. Албатта Унинг Ўзигина ҳикмат ва билим Соҳибидир".

31. *(Иброҳим)* деди: "Эй элчилар, не юмуш билан келдингиз?" 32-33-34. Улар айтдилар: "Бизлар бир жиноятчи қавмга *(яъни, Лут қавмига)* уларнинг устидан, Парвардигорнинг ҳузурида ҳаддан ошувчи кимсалар учун белгилаб қўйилган, лойдан-сополдан бўлган *(яъни, ҳар бир ҳалок қилингувчи кофирнинг номи ёзилган)* тошни ёғдириш учун юборилгандирмиз. 35. Бас, Биз у жойдаги мўминлардан бўлган кишиларни чиқариб юбордик. 36. *(Лекин)* у жойда бир хонадондан *(яъни, Лут пайғамбар хонадонидан)* ўзга мусулмонларни топмадик. 37. Биз *(у қишлоқдаги барча кофирларни ҳалок қилганимиздан сўнг)* аламли азобдан қўрқадиган зотлар *(ибрат олишлари)* учун у жойда оят-аломат қолдирдик.

И з о ҳ: Ушбу ояти каримада Оллоҳнинг қудратига далолат қиладиган оят-аломатлардан фақат Охиратдаги аламли азобдан қўрқадиган кишиларгина панд-насиҳат олишлари таъкидлаб ўтилди. Энди Иброҳим алайҳис-саломга юборилган фаришталар ва уларнинг Лут қавмидан кофир бўлган кимсаларни ҳалок қилганлари ҳақидаги ибратли қисса ҳикоя қилингач, навбатдаги оятларда кофир бўлганлари сабабли ҳалокатга дучор қилинган бошқа бир қанча қавмлар тўғрисида қисқача хабарлар берилади.

38. Мусо *(қиссаси)*да ҳам *(ибрат бордир)*. Эсланг, Биз уни очиқ ҳужжат билан Фиръавн олдига юборган эдик. 39. У ўз аркони *(давлати)*га суяниб *(Мусога иймон келтиришдан)* юз ўгирди ва "*(Мусо ё)* сеҳргар ёки мажнун", деди. 40. Бас, Биз уни ҳам, қўшинларини ҳам ушлаб, уларни денгизга отдик - ғарқ қилиб юбордик. У *(Фиръавн ўзининг кибру ҳавоси ва куфру исёни сабабли ҳар қандай)* маломатга лойиқдир. 41. Од *(қабиласининг қиссаси)*да ҳам *(ибрат бордир)*. Эсланг, Биз уларнинг устига туғмас *(яъни, ҳеч қандай фойда етказмайдиган)* бўронни юборган эдик. 42. У *(бўрон)* нимaнинг устидан ўтса, албатта уни *(ҳалок этиб)* худди чириб-битган суяклар каби қилиб қўяр эди. 43. Самуд *(қабиласининг қиссаси)*да ҳам *(ибрат бордир)*. Эсланг, уларга *(Оллоҳ томонидан мўъжиза қилиб юборилган туяни сўйиб юборган пайтларида)*: "Бир вақтгача *(яъни, уч кунгача тириклик неъматидан)* фойдаланиб қолингиз", дейилган эди. 44. Бас, улар Парвардигорнинг амри*(га итоат этиш)*дан кибр-ҳаво қилишгач, қараб турган ҳолларида уларни чақмоқ урди. 45. Бас, улар *(у чақмоқдан қочиб қутулиш учун ўринларидан)* туришга ҳам қодир

бўлмадилар ва *(бирон кимса томонидан)* ёрдам олгувчи ҳам бўлмадилар! 46. *(Мазкур қавмлардан)* илгари Нуҳ қавмини ҳам *(ҳалок қилгандирмиз)*. Чунки улар фосиқ-итоатсиз қавм эдилар. 47. Осмонни Биз қудрат билан барпо қилдик. Дарҳақиқат, Биз Қудратлидирмиз. 48. Ерни эса ёйиқ-кенг қилиб қўйдик. Бас, *(Биз)* нақадар яхши Ёйгувчидирмиз. 49. Сизлар эслатма-ибрат олишларингиз учун Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик. 50. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга айтинг)*: "Бас, Оллоҳга *(иймон келтириш учун)* чопинглар-шошинглар! Албатта мен сизлар учун У Зот*(нинг азоби)*дан очиқ огоҳлантиргувчидирман. 51. Ва сизлар Оллоҳ билан бирга яна бошқа бирон илоҳ бор, деманглар! Албатта мен сизлар учун У Зот*(нинг азоби)*дан очиқ огоҳлантиргувчидирман". 52. Худди шунингдек, *(яъни, Сизни сеҳргар, мажнун, шоир деганлари каби)* улардан *(яъни, Макка мушрикларидан)* аввалги *(кофир бўлган)* кимсаларга бирон пайғамбар келганида, улар ҳам албатта *(ўша пайғамбарни ё)* сеҳргар ёки мажнун, дер эдилар. 53. Улар ўша *(сўз)*ни бир-бирларига васият қилиб қолдирганмилар? Йўқ, *(зотан, улар бир-бирларидан йироқ замонларда ва маконларда яшаб ўтганлари сабабли ўзаро васият қилиш имконига эга эмаслар, лекин фақат бир нарса уларнинг барчаларини юқоридаги каби сўзларни айтишга мажбур этар)* - улар туғёнга тушган қавмдирлар! 54. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз улардан юз ўгиринг! Энди *(зиммангиздаги Пайғамбарликни тўла етказганингиздан сўнг кофирлардан юз ўгирсангиз)* Сиз маломат қилингувчи эмассиз. 55. Ва *(Қуръон билан)* панд-насиҳат қилинг! Зеро, у панд-насиҳатлар мўминларга нафъ етказур. 56. Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим. 57. Мен улардан бирон ризқ истамасман ва улар Мени таомлантиришини ҳам истамасман. 58. Зеро, Оллоҳнинг Ўзигина *(барча халойиққа)* Ризқу рўз бергувчи, куч-қувват Соҳиби ва Қудратлидир. 59. Бас, золим-кофир бўлган кимсалар учун шак-шубҳасиз, худди *(илгари ўтган кофир)* дўстларининг насибалари каби *(азобдан иборат)* насиба бордир. Бас, улар Мени*(нг азобимни)* шоштирмай қўя қолсинлар! 60. Бас, кофир бўлган кимсалар учун уларга ваъда қилинаётган *(азобга гирифтор қилинадиган)* Кунларида ҳалокат бўлгай!

ВАТ-ТУР сураси (52)

Бу сура Маккада нозил бўлган. У қирқ тўққиз оятдир.

Сура аввалида Оллоҳ таоло беш нарсага қасамёд қилиб, Қиёмат Кунидаги кофирлар устига тушадиган азоб ҳақ эканлигини уқтиради.

Сўнгра Оллоҳ таолодан қўрқувчи тақво эгалари учун тайёрлаб қўйилган жаннат ва унда кечажак мангу саодатли ҳаёт ҳақида сўз боради.

Шунингдек, бу сурада Қуръони Каримга иймон келтирмаган ва Муҳаммад алайҳис-саломни ёлғончи қилган кимсаларнинг барча даъволари пуч ва асоссиз эканлиги рад этиб бўлмайдиган далиллар воситасида очиб берилади

Сура ниҳоясида Пайғамбар алайҳис-саломни Оллоҳ таолонинг ҳукми Илоҳийсига сабр қилишга буюрилиб, эрта-ю кеч Оллоҳни поклаб тасбеҳ айтишга даъват этилади.

Сура ўзининг илк ояти номи билан "Ва-т-тур - Тур тоғига қасам" деб аталгандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Тур *(тоғи)***га; 2-3. Очиқ саҳифага битилган Китобга** *(Қуръонга)***; 4. Байтул-Маъмурга** *(Обод Уйга)***; 5.** *(Баланд)* **кўтарилган томга** *(осмонга)***; 6. Ва тўлиб-тошган денгизга қасамки, 7. Парвардигорингизнинг азоби шак-шубҳасиз, воқеъ бўлгувчидир! 8. Унинг учун бирон дафъ қилгувчи - тўсиқ йўқдир.**

И з о ҳ: Юқорида зикр қилинган "Байтул-Маъмур - Обод Уй"дан мурод Оллоҳ таолонинг амри билан Одам алайҳис-салом бино қилган Байтуллоҳ бўлиб, Нуҳ пайғамбар замонларида рўй берган тўфон балосида Оллоҳ таолонинг амри билан фаришталар у уйни еттинчи осмонга олиб чиқиб кетган эканлар. Унинг "Обод Уй" деб аталишига сабаб, у уйни ҳар куни етмиш минг фаришта тавоф қилишидир.

9. У Кунда осмон титраб-чайқалур. *(Яъни, ундаги бор юлдузлар - сайёраларнинг ўринлари ўзгариб, тартиблари бузилур)***. 10. Ва тоғлар ҳам** *(ўрнашган жойларидан жилиб)***, йўлга тушур! 11-12. Ана ўша Кунда** *(пайғамбарларни)* **ёлғончи қилгувчи, ўзлари**

шўнғиган *(нотўғри йўлларида)* адашиб юрадиган кимсаларга ҳалокат бўлур! 13. У Кунда улар жаҳаннам ўтига ҳайдалурлар! 14. *(Ва уларга дейилур):* "Сизлар ёлғон деб юрган дўзах мана шудир! 15. Қани, бу *(азоб)* ҳам сеҳрми ёки сизлар *(ҳаёти дунёда ҳақни кўра олмаганларингиз каби бу азобни ҳам)* кўрмаяпсизлармиؚ?! 16. *(Дўзахга)* киринғиз! Энди *(унинг азобига)* хоҳ сабр қилинглар, хоҳ сабр қилманглар, сизларга баробардир! *(Яъни, у азоб сизлардан енгиллатилмас).* - Сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган қилмишларингизнинг жазосини тортурсизлар!" 17-18. Тақводор зотлар эса уларга Парвардигорлари ато этган нарсалар билан шод-хуррам бўлган ҳолларида шак-шубҳасиз, жаннатлар ва неъматлар ичра барқарордирлар. Парвардигорлари уларни дўзах азобидан сақлагандир. 19-20. *(Уларга):* "Сизлар қилиб ўтган *(яхши)* амалларингиз сабабли қатор тизилган сўрилар устида ястанган ҳолларингизда пок ва муборак *(жаннат неъматларидан кўнгилдагидек)* еб-ичинглар", *(дейилди)* ва Биз уларга оҳу кўзли ҳурларни жуфти ҳалол қилиб бердик. 21. Ўзлари иймон келтирган ва зурриётлари ҳам уларга иймон билан эргашган зотларга *(жаннатда ўша)* зурриётларини қўшдик ва уларга қилган амалларидан бирон нарсани ҳам камитмадик. Ҳар бир киши ўзи касб қилган иши билан гаровга олингувчидир - ушлангувчидир.

Изоҳ: Ушбу оятни шундай тушунмоқ лозим. Агар аждодлар ҳаёти дунёдан иймон ва эзгу амаллар билан ўтиб, Оллоҳ таоло наздида юксак даражотларга эришсалар ва уларнинг фарзандлари ҳам уларга иймон билан эргашсалар-у, аммо ота-боболари муяссар бўлган баланд мақомларга кўтарила олмасалар-да, Оллоҳ таоло уларни ҳам ота-боболарига қўшиб, барчаларига Ўзи ваъда қилган жаннатдан жой ато этади, аммо фарзандлари сабабли аждодларнинг ажр-мукофотларини заррача камитмайди. Чунки ҳар бир жон ўзи қилган ишига жавобгардир.

Энди қуйидаги оятларда яна ўша аҳли жаннатга ато этиладиган бахт-саодат ва ноз-неъматлар зикр қилинади.

22. Яна Биз уларни кўнгиллари истайдиган мева-чева ва гўшт*(ли таомлар)* билан қувватлантирдик. 23. Улар у жойда *(шундай шароб)* косаларини талашиб - қўлма-қўл қилиб ичурларки, у *(шароб)*да *(яъни, уни ичганлари сабабли)* на беҳуда-сергаплик ва на гуноҳ бўлар. 24. Уларнинг устида гўё *(садаф ичида)* яширинган гавҳардек *(покиза ва хушсурат)* ғуломлар айланиб *(хизматга ҳозир бўлиб)* турур. 25-26. Улар бир-бирларига боқишиб, басти-жавоб қилишиб, *(дейдилар)*:

"Ҳақиқатан, бизлар илгари *(ҳаёти дунёда)* аҳли-оиламиз орасида *(бўлган чоғимизда Охиратда Оллоҳнинг азобига дучор бўлишдан)* қўрқар эдик. 27. Мана, Оллоҳ бизларга марҳамат кўргузди ва бизларни Самумдан *(яъни, баданларни илма-тешик қилиб юборадиган дўзахий шамолдан)* сақлади. 28. Дарҳақиқат, бизлар илгари *(ҳаёти-дунёда)* У Зотга дуо-илтижо қилар эдик. Албатта Унинг Ўзигина Марҳаматли, Меҳрибондир". 29. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз *(инсонларга Қуръон оятлари билан)* панд-насиҳат қилаверинг! Чунки Сиз Парвардигорингизнинг неъмат-марҳамати билан коҳин-фолбин ҳам мажнун ҳам эмасдирсиз. 30. Балки улар *(мушриклар: "Муҳаммад),* бир шоирдир. Бизлар унга замон ҳодисот-балолари *(етиши)*ни кутурмиз", дерлар?! 31. Айтинг: "Кутаверинглар! Мен ҳам сизлар билан бирга куттувчилардандирман. *(Қани, балога ким йўлиқар экан)?!*" 32. Балки уларнинг "ақллари" мана шундай *("доно" сўзларни айтишга)* буюрар?! Ёки улар туғёнга тушган қавмлар*(ки, бундай сўзларни айтишларига сабаб ўша туғёнми)?!* 33. Балки улар: "*(Муҳаммад Қуръонни)* ўзи ичидан тўқиб олган", дерлар?! - Йўқ, улар иймон келтирмаслар! - 34.- У ҳолда агар ростгўй бўлсалар ўзлари ҳам ўша *(Қуръон)*га ўхшаш бирон сўз - китоб келтирсинлар-чи?! 35. Балки улар ҳеч нарсадан *(яъни, Яратгувчисиз)* яралиб қолгандирлар?! Ёки улар ўзлари яратгувчиминканлар-а?! 36. Балки осмонлар ва Ерни ҳам улар яратгандирлар?! Йўқ, улар ишонмаслар! 37. Балки уларнинг ҳузурларида Парвардигорингизнинг хазиналари бордир?! Ёки улар *(бутун борлиқни)* бошқариб тургувчимиканлар-а?! 38. Балки уларнинг *(осмонга кўтарилиб, фаришталарнинг сўзларини)* эшитиб оладиган нарвонлари бордир?! У ҳолда уларнинг эшитиб олгувчилари *(ўзларининг ҳақиқатан Оллоҳнинг амридан хабардор бўлганига)* бирон очиқ ҳужжат келтирсин-чи?! 39. *(Эй мушриклар),* балки қизлар У Зотники-ю, ўғиллар сизларникидир?!

Изоҳ: Яъни, сизлар "Фаришталар Оллоҳнинг қизлари", деб даъво қиласизлар. Қай бир ҳужжат билан бундай демоқдасизлар?! Сизлар "доно"ликларингиздан ўзларингиз ёмон кўрадиган ва орланадиган қизларни Оллоҳники деб, ўғил болаларни ўзларингизники қилиб олмоқчимисизлар?! Агар шу "доно"ликларингиз бўлса, сизларнинг Қуръонни ҳам, Пайғамбарни ҳам, ўлгандан кейин қайта тирилишни ҳам инкор қилишларингиз ҳеч тонг эмасдир!

40. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* балки Сиз улардан *(ўз даъватингиз учун)* ажр-ҳақ сўраётгандирсизки, улар *(ўша)* тўлов*(ни тўлаш)*дан қийналиб қолгандирлар *(ва шу сабабли иймон келтирмаётгандирлар)?!* 41. Балки уларнинг ҳузурларида ғайб *(илми - Оллоҳ таолонинг Ўз бандаларидан яширган сирлари)* бўлиб, улар *(ўша сирларни)* ёзиб олаётгандирлар *(ва шу сабабли Сиз келтирган хабарларга ишонмаётгандирлар?! Асло ундоқ эмасдир! У ҳолда нега улар Сизга иймон келтирмаслар?!)* 42. Балки улар *(Сизни ҳалок қилиш учун)* бирон ҳийла-найранг қилмоқчидирлар?! У ҳолда ўша кофир бўлган кимсаларнинг ўзлари ҳийла-найрангга гирифтор бўлурлар! 43. Балки улар учун Оллоҳдан ўзга бирон "илоҳ" бордир?! Оллоҳ уларнинг ширкларидан Покдир! 44. Агар улар *(устларига уларни ҳалок қилиш учун)* осмоннинг бир парчаси тушаётганини кўрсалар, *(ўшанда ҳам иймон келтирмаслар, балки)* "Бу тўпланган булутдир", дерлар. 45. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз уларни токи ўзлари ҳалок қилинадиган кунларига рўбарў бўлгунларича тарк қилинг! 46. У Кунда уларнинг ҳийла-найранглари бирон фойда бермас ва уларга ёрдам ҳам берилмас! 47. Албатта золим-кофир бўлган кимсалар учун бундан *(Қиёмат Кунидан)* илгари *(ана шу дунёда)* ҳам азоб-уқубат*(лар)* бордир, лекин уларнинг кўплари *(буни)* билмаслар! 48. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз Парвардигорингизнинг ҳукмига *(яъни, мушрикларни дарҳол азобга дучор қилмаганига ва Сизни турли машаққатли синовлар билан имтиҳон қилишига)* сабр қилинг.- Зотан, Сиз шак-шубҳасиз, Бизнинг кўз ўнгимизда *(яъни, ҳифзи-ҳимоямизда)*дирсиз.- Ва *(тонгда уйқудан)* турган пайтингизда Парвардигорингизга ҳамду сано айтиш билан *(У Зотни барча айб-нуқсондан)* покланг! 49. Шунингдек, кечадан *(бўлган соатларда)* ва юлдузлар юз ўгириб кетгач *(яъни, саҳар пайтларида)* ҳам У Зотга тасбеҳ айтинг!

ВА-Н-НАЖМ сураси (53)

Олтмиш икки оятдан ташкил топган бу сура Маккада нозил қилинган.

У бутун пайғамбарлар тарихида ягона бўлган мислсиз мўъжиза - Муҳаммад алайҳис-саломнинг меърожга чиқишларини ва у даргоҳдаги ақлу шуурни лол қилгувчи манзарани тасвирлаш билан бошланади.

Сўнгра мушриклар ўз қўллари билан ясашиб, кейин ўзларича турли номлар билан атаб олишиб сиғинадиган бут ва санамлари ҳеч кимга ҳеч қандай фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган жонсиз махлуқлар эканлиги уқтирилади.

Бу сурада яна ҳар бир инсон Охиратда фақат ўзи қилиб ўтган амаллари билан жазоланиши, ўзгалар унинг гуноҳларини ўз елкаларига ололмаганлари каби, унга ўзларининг савобларидан ҳам бера олмасликлари айрича таъкидланади.

Сура этагида эса ўтмишда куфру исён билан ўтган қавмларнинг қандай ҳалокатларга дучор бўлганликлари эслатилиб, барча инсонларни Ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қилишга даъват этилади.

Сура ўзининг илк ояти номи билан "Ван-нажм - Юлдузга қасам" деб аталгандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. Ботиб кетаётган юлдузга қасамки, сизларнинг соҳибингиз *(яъни, Муҳаммад алайҳис-салом)* **залолатга ҳам кетгани йўқ, йўлдан ҳам озгани йўқ! 3. Ва у** *(сизларга келтираётган Қуръонни)* **ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. 4. У** *(Қуръон)* **фақат** *(Оллоҳ томонидан Пайғамбарга)* **ваҳий қилинаётган** *(туширилаётган)* **бир ваҳийдир. 5-6-7. Унга** *(бу ваҳийни)* **бир кучга тўлган, соҳиби қудрат** *(яъни, Жаброил алайҳис-салом)* **таълим бермишдир. Бас, у** *(аввал)* **юксак уфқда** *(кўриниб)*, **тик турди. 8. Сўнгра яқинлашиб, пастлади. 9. Бас,** *(Муҳаммад алайҳис-саломга)* **икки камон оралиғида ё** *(ундан-да)* **яқинроқ бўлиб; 10.** *(Оллоҳ)* **Ўз бандаси** *(Муҳаммад алайҳис-салом)***га туширган ваҳийни келтирди. 11.** *(Пайғамбарнинг)* **кўнгли кўрган нарсасини инкор этмади.** *(Яъни,*

Жаброил фариштанинг суратини кўриб, Пайғамбарнинг кўнгли ҳам қаноатланди ва унинг Оллоҳ таоло томонидан юборилган фаришта эканлигига иймон келтирди). **12. Энди сизлар,** *(эй мушриклар, Пайғамбар ўз кўзи билан)* **кўриб турган нарсаси устида у билан тортишурмисизлар?! 13-14. Дарвоқеъ,** *(Муҳаммад алайҳис-салом Жаброил фариштани ўзининг аслий суратида)* **иккинчи бор** *(жаннат)* **четидаги Нилуфар олдида кўрди.**

Изоҳ: Бу кўриш Пайғамбар алайҳис-салом Жаброил фаришта билан бирга меърожга кўтарилганларида рўй берган эди. Энди қуйидаги оятларда Расулуллоҳ алайҳис-саломнинг ўша меърожда кўрган - гувоҳ бўлган манзаралари тасвирланади.

15. *(Тақводор зотларга ваъда қилинган)* **Жаннати маъво ҳам ўша** *(Нилуфар)***нинг олдидадир. 16. Ўшанда Нилуфарни ўраган нарса** *(яъни, Оллоҳ таолонинг файзи Илоҳийси)* **ўраб олган эди. 17-18.** *(Пайғамбарнинг)* **кўзи** *(ўнгу сўлга)* **оғгани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ. Дарҳақиқат, у** *(ўша соатда)* **Парвардигорининг буюк оятларини** *(яъни, У Зотнинг қудрати Илоҳийсига далолат қиладиган жуда кўп аломатларни),* **кўрди. 19-20.** *(Эй мушриклар, ўзларингизча сиғинаётган санамларингиз)* **- "Лот", "Уззо", ва яна учинчилари бўлмиш тубан "Манот" ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми?! 21.** *(Сизлар ўша бут-санамларни ва фаришталарни "Оллоҳнинг қизлари", дейсизлар, демак),* **эркак** *(жинси)* **сизларники-ю, аёл** *(жинси)* **У Зотникими?! 22. У ҳолда бу адолатсиз тақсим-ку?! 23. У** *(ном)***лар фақат сизлар ўзларингиз ва ота-боболарингиз қўйиб олган номлардир. Оллоҳ улар***(га ибодат қилиш)* **ҳақида бирон ҳужжат туширган эмас. У** *(мушрик)***ларга** *(Пайғамбар алайҳис-салом воситаларида)* **Парвардигор томонидан ҳидоят** *(Қуръон)* **келиб турган ҳолда улар фақат гумонга ва ҳавойи нафсларигагина эргашадилар-а! 24. Ёки инсон учун ўзи орзу қилган нарса бўлаверарми?!** *(ҳаргиз бўлмас!)*

Изоҳ: Мушриклар ўзлари ясаб, кейин: "Лот, Уззо ва Манот" деб от қўйиб олган бутлари ҳақида "Булар Оллоҳнинг қизларидир. Мана шулар Қиёмат Кунида бизларни шафоат қилишади", деб хомхаёл қилиб юрар эдилар. Юқоридаги оят уларнинг бу хомхаёллари ҳеч қачон амалга ошмаслигини таъкидлади.

25. Зеро, Охират ҳам, дунё ҳам Ёлгиз Оллоҳникидир! 26. Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар бўлиб, ўшаларнинг шафоатлари ҳам бирон фойда бермас, магар Оллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлган кишилар учун *(шафоатга)* **изн берганидан кейингина** *(у шафоатнинг фойдаси тегур).* **27. Дарвоқеъ, Охиратга**

иймон келтирмайдиган кимсалар фаришталарни аёллар номи билан атайдилар. 28. Ҳолбуки, улар учун бу ҳақда *(яъни, фаришталарнинг қайси жинсдан эканлиги ҳақида)* бирон билим-ҳужжат йўқдир. Улар фақат гумон-тахминга эргашурлар, холос. Аниқки, гумон ҳақиқатдан бирон нарсанинг ўрнига ўтмас! 29. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз Бизнинг Эслатмамиздан орқа ўгириб кетган ва фақат ҳаёти дунёнигина истаган кимсалардан юз ўгиринг! 30. Уларнинг "илм"дан етган жойлари мана шу *(ҳаёти дунё матоларинигина исташ)*дир. Албатта Парвардигорингизнинг Ўзи Унинг Йўлидан озган кимсаларни жуда яхши Билгувчидир ва У ҳидоят топган зотларни ҳам жуда яхши Билгувчидир. 31. Осмонлардаги ва Ердаги бор нарсалар Ёлгиз Оллоҳникидир. У Зотнинг Ўзи ёмонлик-гуноҳ қилиб ўтган кимсаларни қилган амаллари билан жазолагай ва чиройли амал қилган зотларни гўзал *(савоб-жаннат)* билан мукофотлагай! 32. Улар *(яъни, жаннатга сазовор бўлганлар)* кичик хатолардан бошқа катта гуноҳлардан ва бузуқликлардан йироқ бўладиган зотлардир. Албатта Парвардигорингиз мағфирати кенг Зотдир. Унинг Ўзи сизларни *(яъни, оталарингиз Одамни)* Ердан - тупроқдан пайдо қилган пайтиданоқ ва сизлар оналарингизнинг қорнида ҳомила бўлган пайтингизданоқ жуда яхши Билгувчидир. Бас, сизлар ўзларингизни покламай қўя қолинглар! Унинг Ўзи тақводор бўлган кишиларни жуда яхши Билгувчидир. 33-34. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, иймондан)* юз ўгириб кетган ва озгина *(мол)* бериб, *(кейин шарт қилинган молни беришни)* тўхтаттан кимсани кўрдингизми?

Изоҳ: Бу оятларнинг нозил бўлишига бир воқеа сабаб бўлган. Валид ибн Мугийра деган бир киши Пайғамбар алайҳис-салом ҳузурларида ўтириб, у зотнинг панд-насиҳатларини эшитгач, таъсирланиб, Ислом динига кирмоқчи бўлади. Шунда мушриклардан бири унга: "Сен ота-боболарингни йўлдан озган кимсалар, деб, уларнинг динини тарк қилиб, Муҳаммаднинг динига кирмоқчимисан", деб қутқу солади. Иккиланиб қолган Валид: "Ахир мен Исломга кирмасам Оллоҳнинг азобига гирифтор бўламан-ку?", деганида, ҳалиги мушрик унга: "Агар сен менга фалон миқдорда мол-пул берсанг, сенинг барча гуноҳларингни Охиратда ўз бўйнимга оламан", дейди. Унинг васвасасига учган Валид диндан юз ўгиради ва ўзаро шартлашган моллардан бир қисмини ҳалиги мушрикка беради, аммо қолганини бахиллик қилиб бермай қўяди. Шунда юқоридаги оят кариматар нозил бўлади ва шу мавзуъ қуйидаги оятларда ҳам давом этади.

35. Унинг ҳузурида ғайб илми бормидики, у *(келажакда бошқа биров ўзининг гуноҳини зиммасига олишини)* билиб олса?! 36-37. Ёки унга Мусонинг ва *(аҳдига)* вафодор зот бўлган Иброҳимнинг саҳифаларидаги сўзлар хабари берилмаганмиди?! - 38.- Ҳеч бир кўтаргувчи *(яъни, гуноҳкор жон)* ўзга жоннинг юкини *(яъни, гуноҳини)* кўтармас. 39. Ва инсон учун фақат ўзи қилган ҳаракатигина бўлур *(яъни, ўзгаларнинг қилган яхши амалларидан унга бирон фойда етмас)*. 40. Унинг қилган саъй-ҳаракати эса яқинда *(Қиёмат Кунида)* кўринур. 41. Сўнгра у *(ўша саъй-ҳаракати учун)* тўла-тўкис жазо-мукофот олур. 42. Албатта охирги чегара Ёлғиз Парвардигорингиз олдига *(бормоқлик)*дир. 43. Албатта кулдирган ҳам, йиғлатган ҳам Унинг Ўзидир. 44. Албатта ўлдирган ҳам, тирилтирган ҳам Унинг Ўзидир. 45-46. Ва албатта У Зот отилиб чиқадиган нутфадан эркак-аёл жуфтларни яратгандир. 47. Албатта *(барча халойиқни ўлганидан сўнг)* иккинчи бор пайдо қилиш ҳам Ёлғиз Унинг зиммасидадир. 48. Албатта бой қилган ҳам, бадавлат қилган ҳам Унинг Ўзидир. 49. Албатта Шеъро *(юлдузи)*нинг Парвардигори ҳам Унинг Ўзидир.

Изоҳ: Мушрикларнинг бир тоифаси ёзнинг иссиқ кечаларида кўринадиган Шеъро (Сириус) номли юлдузга сиғинар эдилар. Мазкур ояти карима Оллоҳ таоло улар сиғинаётган Шеъронинг ҳам Парвардигори эканлигини уқтиради.

50-51. Албатта У Зот аввал ўтган Од ва Самуд *(қабилалари)*ни ҳам ҳалок қилди, бас, *(улардан бирон кишини тирик)* қолдирмади. 52. Яна У Зот илгари Нуҳ қавмини ҳам *(ҳалок қилгандир)*. Чунки уларнинг ўзлари жуда золим ва туғёнга тушган кимсалар эдилар. 53-54. Яна У Зот зеру забар бўлган *(қишлоқни яъни, Лут пайғамбар қавмини)* ҳам қулатиб, уни ўраган нарса *(яъни, осмонда ёғилган тошлар)* билан ўраб - кўмиб ташлади. 55. Бас, *(эй инсон)* Парвардигорингнинг қайси неъматлари ҳақида шак-шубҳа қилурсан?! 56. Бу *(яъни, Муҳаммад алайҳис-салом ҳам)* аввалги огоҳлантиргувчилар *(пайғамбарлар жумласи)*дан бир огоҳлантиргувчидир. 57-58. Яқин бўлгувчи *(Қиёмат)* яқин қолди. Унинг учун Оллоҳдан ўзга бирон очгувчи *(қачон бўлишини билдиргувчи)* йўқдир. 59. *(Эй мушриклар)*, ҳали сизлар мана шу Сўздан *(Қуръондан)* ажабланурсизлармн?! 60-61. *(Ундаги оятларнинг беназир ва бемисл ўгит-насиҳатларидан таъсирланиб)* йиғламасдан, ғофил бўлган ҳолларингизда кулурсизларми?! 62. Бас, сизлар Ёлғиз Оллоҳга сажда ва ибодат қилинглар!

Изоҳ: Ушбу ояти карима навбатдаги сажда ояти бўлиб, уни ўқиган ва тинглаган ҳар бир киши учун бир бор сажда қилмоқ лозим бўлур.

ҚАМАР сураси (54)

Бу Сура ҳам Макка сураларидан бўлиб, эллик беш оятдир.

У Пайғамбар алайҳис-саломга ато этилган мўъжизалардан бири - Ойнинг бўлиниши ҳақидаги ояти карима билан бошланади. Суранинг "Қамар - Ой" деб номланишининг боиси ҳам шудир.

Сўнгра барча одамлар "гўё ёйилган чигирткалар каби қабрларидан чиқиб келадиган" Қиёмат Куни ва у Кунда рўй берадиган даҳшатли ҳодисалар тасвирланади.

Бу сурада ҳам ўтмишдаги ўзларига юборилган пайғамбарларни ёлғончи қилган қавмларнинг мана шу дунёдаёқ ҳалокатга дучор этилганликлари уқтирилиб, уларнинг Охиратда кўражак азоб уқубатлари янада даҳшатлироқ эканлиги тўғрисида ҳам хабар берилади.

Сура тақво эгалари учун Оллоҳ таоло ҳузурида тайёрлаб қўйилган гўзал оқибат - жаннатнинг тавсифи билан хотима топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Қиёмат)* Соати яқинлашиб қолди ва ой ҳам бўлинди. 2. Агар улар *(Қурайш кофирлари Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбар эканликларига далолат қиладиган)* бирон оят-мўъжиза кўрсалар *(ҳам у Пайғамбарга иймон келтириш ўрнига)* юз ўгирурлар ва "*(Бу)* ҳар доимги сеҳр-ку!", дерлар.

Изоҳ: Жуда кўп саҳобалар томонидан ривоят қилинишича, Макка кофирлари Пайғамбар алайҳис-саломга: "Агар сен чин Пайғамбар бўлсанг, бизларга анави ойни иккига бўлиб бер-чи", дедилар ва агар у зот шу ишни қила олсалар, иймон келтиришларини айтишди. Ўшанда ой тўлган кеча эди. Шундан сўнг Расулуллоҳ алайҳис-салом Парвардигорига илтижо қилиб, фазлу марҳаматини дариғ тутмаслигини ёлвориб сўраган эдилар, баногоҳ тўлин ой қоқ ўртасидан бўлиниб, ярми Сафо тоғи устида, ярми эса унинг рўбарўсидаги Қайқаон тоғи устида пайдо бўлди. Бу мўъжизани кўриб турган мушриклар... "Муҳаммад бизларни

сеҳрлаб қўйди. Майли, у ҳамма одамларни сеҳрлай олмайди-ку, бу ерда ҳозир бўлмаган кишилардан сўраймиз", дедилар. Мана шу пайтда Маккага кириб келган карвон аҳлидан сўрашган эди, улар ҳам йўлда келишаётганида ойнинг иккига бўлинганини кўрганларини айтдилар. Лекин Абу Жаҳл (жоҳил - нодонларнинг отаси) лақабли бир мушрик бошлиқ кофирлар: "Бу ҳар доимги сеҳрлардан бири", деган гапдан нарига ўтмадилар. Шунда юқоридаги оятлар нозил бўлди.

3. Улар *(Пайғамбарни)* **ёлғончи қилдилар ва ҳавойи нафсларига эргашдилар.- Ҳар бир иш** *(ўз)* **жойини топгувчидир** *(яъни, гарчи кофирлар юз ўгирсалар-да, бу Ҳақ Дин Ер юзида қарор топур).* **4-5.- Ҳолбуки, уларга** *(илгари ўтган кофирларнинг динсизликлари учун топган ҳалокатлари ҳақидаги)* **хабарларидан иборат нарсалар -** *(ўша хабарларни батафсил еткизадиган)* **етук ҳикмат - Қуръон келдики, унда** *(куфру залолатдан)* **тийилиш** *(лозим эканлигини уқтиргувчи ибратлар)* **бор эди.** *(Лекин улар ўзларининг куфрларидан тийилмадилар).* **Бас,** *(уларга ҳеч қандай)* **огоҳлантириш фойда бермас! 6-7.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **энди Сиз улардан юз ўгиринг! Чорлагувчи** *(Исрофил фаришта)* **нотаниш бўлган бир нарсага** *(яъни, Қиёматдаги кофирлар учун бўладиган даҳшатли ҳисоб-китобга)* **чорлайдиган Кунда улар** *(кофирлар)* **кўзлари** *(қўрқувдан)* **қуйига боққан ҳолларида гўё ёйилган чигирткалар каби, қабрларидан чиқиб келурлар! 8. Чорлагувчи томонига шошганларича** *(кетар эканлар),* **у кофирлар "Бу оғир кундир", дерлар! 9. Улардан** *(Макка кофирларидан)* **илгари Нуҳнинг қавми ҳам** *(уни)* **ёлғончи қилган эди.- Улар Бизнинг бандамиз** *(Нуҳ)***ни ёлғончи қилишиб: "***(У)* **бир мажнун", дедилар ва у** *(ўз пайғамбарлик вазифасини адо этишдан)* **тўсиб қўйилди. 10. Шунда у Парвардигорига: "Мен** *(у кофир қавмимдан)* **мағлубдирман. Ўзинг ёрдам қилгин", деб дуо-илтижо қилган эди. 11. Биз осмон дарвозаларини** *(тинимсиз)* **қуйилгувчи сув - сел билан очиб юбордик. 12. Ва ерни ҳам ёриб чашмалар чиқариб юбордик. Бас,** *(осмон ва Ернинг)* **суви тақдир қилиб қўйилган бир иш** *(яъни, кофирларни ғарқ қилиб юбориш)* **устида учрашдилар! 13. Уни** *(Нуҳни)* **эса тахта-ю, михлар эгасида** *(яъни, тахталар ва михлардан ясалган бир кемада)* **кўтардик. 14. У** *(кема)* **Бизнинг кўз ўнгимизда** *(ҳифзу ҳимоямизда)* **сузар.** *(Бу ўз қавми томонидан пайғамбарлиги)* **инкор қилинган киши** *(яъни, Нуҳ пайғамбар)* **учун мукофотдир. 15. Дарҳақиқат, Биз у** *(Тўфон балоси)***ни бир оят-ибрат қилиб қолдирдик. Бас, бирон эслатма-ибрат олгувчи борми?! 16.**

Бас, Менинг *(пайғамбарларимни ёлғончи қилган кимсаларга кўрсатган)* азобим ва огоҳлантиришим қандоқ бўлди?! 17. Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма-ибрат олгувчи борми? 18. Од *(қабиласи ҳам ўзларига юборилган Ҳуд пайғамбарни)* ёлғончи қилди. Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришим қандоқ бўлди?! 19-20. Дарвоқеъ, Биз уларнинг устига бир давомли нахс кунида *(яъни, нахс-шумлиги ҳеч кетмайдиган кунда)* бир даҳшатли бўронни юбордикки, у одамларни гўёки улар суғуриб олинган хурмо *(дарахти)*нинг таналаридек юлиб-учириб кетур. 21. Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришим қандоқ бўлди?! 22. Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма-ибрат олгувчи борми?! 23. Самуд *(қабиласи ҳам Солиҳ пайғамбар келтирган)* огоҳлантиришларни ёлғон, деди. 24. Бас, улар айтдилар: "Бизлар ўзимизнинг орамиздаги бир одамга *(пайғамбар деб)* эргашурмизми?! У ҳолда бизлар ҳақиқатан ҳам гумроҳлик ва аҳмоқлик-нодонликда бўлурмиз-ку! 25. Бизларнинг орамиздан ана ўшанга эслатма-ваҳий ташланибдими?! Йўқ, у ҳаддан ошган ёлғончидир". 26. Улар эртага *(Охиратда)* ким ҳаддан ошган ёлғончи эканлигини билиб олажаклар. 27. Албатта Биз уларни имтиҳон қилиш учун бир туя юборгувчидирмиз. Бас, *(эй Солиҳ)*, сен *(уларнинг қилмишларини)* кузатиб ва *(озор-азиятларига)* сабр қилиб туравергин! 28. Ва сувнинг улар *(билан туя)* ўртасидаги тақсимлаб қўйилгани *(яъни, сувдан бир кун улар ичсалар, бир кун туя ичишлиги лозим эканлиги)* ва ҳар бир ичишга *(навбат келганида)* ҳозир бўлиниши *(лозим эканлиги)* ҳақида уларга хабар бергин! 29. Сўнг улар *(Самуд қабиласи)* ўзларининг бир шерикларини *(туяни ўлдириш учун)* чорлаган эдилар, у *(келиб қиличини)* олди-да, *(туяни)* сўйиб юборди. 30. Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришим қандоқ бўлди?! 31. Дарвоқеъ, Биз уларнинг устига бир даҳшатли қичқириқ юборган эдик, улар худди *(қўйлари учун)* қўра ясовчининг *(қўрасидан тўкилган)* хас-хашак каби бўлиб қолдилар. 32. Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма-ибрат олгувчи борми? 33. Лут қавми *(у келтирган)* огоҳлантиришларни ёлғон деди. 34. Дарвоқеъ, Биз уларнинг устига *(тош)* бўрон юбордик. Магар Лут хонадонигагина тонг-саҳарда нажот бердик. 35. *(Бу нажот)* Бизнинг ҳузуримиздан бўлган бир неъматдир. Шукр қилган кишиларни Биз мана шундай мукофотлаймиз. 36. Аниққи, *(Лут)* Бизнинг *(азоб билан)* ушлашимиздан уларни *(яъни, ўз қавмини)*

огоҳлантирган эди, *(аммо)* улар огоҳлантиришлардан шубҳаланиб, *(ёлғон дедилар)*. 37. Аниқки, улар *(Лутнинг)* меҳмон*(лар)*ини йўлдан урмоқчи бўлдилар. Бас, Биз уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйдик: "Энди Менинг азобимни ва огоҳлантиришимни тотиб кўринглар!" 38. Ҳақиқатан, эрта тонгда уларга барқарор-мангу азоб келди. 39. Энди Менинг азобимни ва огоҳлантиришимни тотиб кўринглар! 40. Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма-ибрат олгувчи борми?! 41. Аниқки, Фиръавн хонадонига ҳам огоҳлантиришлар келди. 42. Улар Бизнинг барча оят-мўъжизаларимизни ёлғон деганларидан сўнг, Биз уларни Кучли-Қудратли Зотнинг ушлаши билан ушладик *(яъни, барчаларини денгизга ғарқ қилиб юбордик)*. 43. *(Эй Макка аҳли)*, сизларнинг кофирларингиз ана ўшалардан яхшироқ-ортиқроқми ёки сизлар учун *(самовий)* китобларда ора очиқлик *(васиқаси)* борми *(яъни, сизлар кофир бўлиб, ўз пайғамбарларингизни ёлғончи қилсангизлар ҳам ҳеч қандай азоб-уқубатга йўлиқмаслигингиз тўғрисида васиқаларингиз борми)*?! 44. Балки, улар: "Биз ғолиб жамоатдирмиз", дейишар?! 45. Яқинда ўша жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар!

Изоҳ: Ушбу оят Пайғамбар алайҳис-саломнинг чин Пайғамбар эканликларига далолат қиладиган, келажакда содир бўладиган ҳодиса ҳақидаги хабарлардан биридир. Дарвоқеъ, мана шу оят нозил бўлганидан сўнг кўп вақт ўтмай, "Бадр" жангида ўша мағрур мушриклар енгилиб ортларига қараб қочиб қолдилар.

46. *(Бугина эмас)*, балки уларга *(мангу азоб учун)* ваъда қилинган вақт *(Қиёмат)* Соатидир. У Соат янада балолик, янада аччиқдир! 47. Албатта жиноятчи-осий кимсалар гумроҳлик ва аҳмоқликдадирлар. 48. Улар юзтубан ҳолларида дўзахга судраладиган Кунда *(уларга)*: "Дўзах азобини тотиб кўринглар!", *(дейилур)*. 49. Албатта Биз ҳар бир нарсани *(аниқ)* ўлчов билан яратдик. 50. *(Яратмоқчи бўлган ҳар бир нарсамиз учун)* Бизнинг фармонимиз фақат биргина *(яъни, "Бўл", деган сўз)*дир. *(Бас, ўша нарса)* кўз юмиб очгунча *(йўқдан бор бўлур)*. 51. Дарҳақиқат, Биз сизларнинг ўхшашларингизни ҳалок қилдик. Бас, бирон эслатма-ибрат олгувчи борми? 52. Улар қилган ҳар бир нарса китобларда *(номайи аъмолларида)* бордир. 53. Ҳар бир кичик ва катта *(амал Лавҳул-Маҳфузда)* битилмишдир. 54-55. Албатта тақводор зотлар жаннатларда ва дарёлар *(усти)*да, Қодир Подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган ўринда бўлурлар.

РАҲМОН сураси (55)

Бу сура Мадинада нозил қилинган бўлиб, етмиш саккиз оятдир.

У ўзининг илк оятида Оллоҳ таолонинг Раҳмон - Меҳрибонлигини уқтириб, У Зотнинг Ўз бандаларига кўрсатган энг катта марҳамати уларга бутун ҳаётлари учун дастурул-амал бўлган Қуръони Каримни туширгани эканлигини таъкидлайди.

Сўнгра коинотдаги энг катта сайёралардан тортиб, энг майда заррагача бўлган барча мавжудот Оллоҳ таоло томонидан ўта нозик ҳисоб-китоб билан яратилгани ва улардан ҳар бири ўз зиммасига қўйилган вазифани бажаришда Яратганга сўзсиз итоат этиши баён қилиниб, инсонлар учун ҳам ўзаро олди-берди муомалаларида адлу инсоф билан иш тутсинлар, деб мезон-тарозу барпо қилингани уқтирилади.

Бу сурада мўминларга ато этиладиган жаннат неъматлари ва кофирларга кўз тутиб турган дўзах азоби батафсил баён этилади ва ўзга сураларда гувоҳ бўлинмаган бир услуб қўлланиб, Оллоҳ таолонинг қудрати Илоҳиийясига далолат қиладиган ҳар бир жумладан сўнг, яъни, сура давомида ўттиз бир бор инсу жинга қараб: "Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?!", деб хитоб қилинади.

Сура Оллоҳ таолонинг Буюк ва Баракотли Зот эканлигини яна бир бор таъкидлаш билан хотималанади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. Меҳрибон *(Оллоҳ Муҳаммад Пайғамбар ва унинг умматларига)* **Қуръонни таълим берди. 3-4. У Зот инсонни яратиб, унга** *(дилидаги мақсадини аён эта олиши учун)* **баённи** *(нутқни)* **таълим берди. 5. Қуёш ҳам, ой ҳам** *(аниқ)* **ҳисоб-ўлчов билан** *(жорий бўлур).* **6. Ўт-ўлан ҳам, дов-дарахт ҳам** *(Ёлгиз Оллоҳга)* **сажда қилур - бўйинсунур. 7-8. У Зот осмонни баланд қилиб қўйди ва сизлар тош-тарозида туғёнга тушмасликларингиз** *(яъни, ўзгаларга зулм*

қилмасликларингиз) учун мезон-тарозини ўрнатди. 9. *(Эй инсонлар, ўзаро олди-берди муомалаларингизда)* тўғри, адолат билан тортинглар ва тарозидан уриб қолманглар! 10. Ерни У Зот *(жамийки)* жонзотлар учун *(яъни, улар жойлашиб, фойдаланишлари учун)* паст-текис қилиб қўйди. 11. Унда *(турли-туман)* мева-чева ва гулкосали хурмо дарахтлари бор. 12. Яна сомонли дон-дун ва хушбўй *(гуллар)* бор. 13. Бас, *(эй инсонлар ва жинлар)*, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея *(яъни, инкор қила)* олурсизлар?! 14. У Зот инсонни *(яъни, Одам алайҳис-саломни)* сопол каби қуриган қора лойдан яратди. 15. Жин-иблисни эса алангадан - оловдан яратди. 16. Бас, *(эй инсонлар ва жинлар)*, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 17. *(Оллоҳ)* икки Шарқнинг *(яъни, кун ва ой ботадиган жойларнинг)* ҳам Парвардигоридир. 18. Бас, *(эй инсонлар ва жинлар)*, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 19. У Зот икки денгиз-дарёни бир-бирлари билан учрашадиган ҳолларида *(ёнма-ён)* оқизиб қўйди. 20. *(Аммо)* у иккисининг ўрталарида бир тўсиқ бўлиб, улар *(ўша тўсиқдан)* ошиб ўтмаслар.

Изоҳ: Маълумки, денгиз қаъри ҳам, дарё туби ҳам сув бемалол сизиб ўта оладиган қумлоқ ёки тупроқдир. Кўп ҳолларда шўр сувли денгиз билан чучук сувли дарё ёки кўл шундоқ ёнма-ён жойлашиб ҳам қолади. Лекин Оллоҳ таолонинг қудрати билан улардан бирининг шўри иккинчисига уриб кетмайди.

21. Бас, *(эй инсонлар ва жинлар)*, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 22. У иккисидан *(бири бўлмиш денгиздан)* марварид ва маржонлар чиқур. 23. Бас, *(эй инсонлар ва жинлар)*, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 24. Денгиздаги тоғлар каби баланд кўтарилган қатновчилар *(яъни, елканли кемалар)* ҳам Ёлғиз У Зотникидир. 25. Бас, *(эй инсонлар ва жинлар)*, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 26. *(Ер)* юзидаги барча жонзот фонийдир. 27. Буюклик ва карам Соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг Юзи - Ўзигина боқий мангу қолур. 28. Бас, *(эй инсонлар ва жинлар)*, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 29. Осмонлар ва Ердаги *(барча)* жонзот *(Унга муҳтождир ва бор тилак-мақсадларини Ёлғиз)* Ундан сўрар. У Зот ҳар куни иш-амалдадир.

Изоҳ: Ушбу ояти карима ўзи мўъжаз бўлишига қарамасдан Исломий ақиданинг асосий рукнларидан бирини тўла ифодалагандир Яъни, Еру осмонда Оллоҳ таолога муҳтож бўлмаган ва Ундан мадад-ёрдам тиламаган бирон жонзот йўқдир. У Зот ҳар куни, ҳар соат, ҳар лаҳзада Ўзи яратган коинотдаги барча жонзотни бошқариб-парвариш қилиб турадиган Парвардигордир. Бу оят, Оллоҳ таоло борлиқ ва ундаги нарсаларни яратгач, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйган", дейдиган айрим файласуфларга очиқ раддиядир.

30. Бас, *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 31. Яқинда** *(Қиёмат қойим бўлган Кунда)* **сизлар***(ни ҳисоб-китоб қилиш)* **учун фориғ бўлажакмиз, эй инсу жинлар!**

Изоҳ: Яъни, озгина фурсат ўтгач, ҳаёти дунё тугаб, ундаги иш-амал битар ва Оллоҳ таоло барча инсонлар ва жинларнинг ҳаётларида қилиб ўтган амалларини ҳисоб-китоб қилиш ва муносиб мукофот-жазо бериш учун фориғ бўлур. У Кунда Оллоҳ таолонинг одил жазосидан ҳеч ким қочиб қутула олмас. Қуйидаги оятларда сўз шу ҳақда боради.

32. Бас, *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 33. Эй жин ва инс жамоаси! Агар сизлар** *(Оллоҳнинг жазосидан қочиб)* **осмонлар ва Ер чегараларидан ўтиб кетишга қодир бўлсангизлар, у ҳолда ўтиб кетаверинглар! Сизлар фақат куч-қудрат билангина ўта олурсизлар,** *(лекин у Кунда сизларда ҳеч қандай куч-қудрат бўлмас)!* **34. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 35.** *(У Кунда)* **сизларнинг устингизга оловдан бир аланга ва тутун юборилурки, сизлар** *(ундан ҳаргиз)* **қутула олмассизлар! 36. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 37. Энди қачон** *(Қиёмат қойим бўлгач),* **осмон ёрилиб,** *(жаҳаннам ҳароратидан доғланган)* **ёғ каби қизариб қолганида - 38. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 39.- Ана ўша Кунда на бир инс ва на бир жин** *(қилиб ўтган)* **гуноҳидан сўралмас! 40. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 41,** *(Чунки у Кунда)* **жиноятчи-осий кимсалар сиймо-белгиларидан танилиб, пешона ва оёқларидан олинурлар** *(ва жаҳаннамга отилурлар)!* **42. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 43. Жиноятчи-осий кимсалар ёлғон дейдиган**

жаҳаннам мана шудир! 44. Улар ўша *(жаҳаннам)* **билан ўта қайноқ сув ўртасида айланаверурлар!**

Изоҳ: Яъни, ҳаёти дунёдан куфру исён билан ўтган кимсалар Охиратда дўзах ўтида куяр эканлар, дўзах ходимлари бўлмиш фариштулардан бирон қултум сув беришни сўрарлар. Шунда уларга қайноқ сув берилиб, яна дўзахга отилурлар ва бу ҳол абадул-абад давом этур.

Мазкур оятларда кофирлар дучор бўлажак азоб-уқубатлар баён этилди. Энди қуйида келадиган оятларда иймон эгаларига кўз тутиб турган гўзал оқибат - жаннатдаги мангу саодатли ҳаёт зикр қилинади.

45. Бас, *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсизлар?! 46. Парвардигори** *(ҳузурида)* **туришидан** *(яъни, ўзининг Парвардигор олдида туриб ҳаёти дунёда қилиб ўтган барча амалларига жавоб беришидан)* **қўрққан киши учун икки жаннат бордир. 47. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсизлар?! 48.** *(У икки жаннат сон-саноқсиз)* **шоҳ-новдалар эгасидирлар,** *(яъни, сермева ва соя-салқиндирлар).* **49. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсизлар?! 50. У иккисида икки оқар чашма бордир. 51. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсизлар?! 52. У иккисида барча мевадан икки нави бордир. 53. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсизлар?! 54.** *(Аҳли жаннат)* **астарлари шойидан бўлган кўрпачалар устида ястанган ҳолларида** *(ўлтирурлар).* **У жаннатларнинг меваси яқин бўлгувчидир** *(яъни, жаннат аҳли қайбир мевани ейишни истаса ўша меванинг ўзи уларга эгилиб, яқин келур).* **55. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсизлар?! 56. У** *(жаннат)***ларда шундай кўзларини** *(бегона эркакларга қарашдан)* **тийгувчи** *(қиз)***лар борки, уларга** *(жаннат аҳлидан)* **илгари на бир инс ва на бир жин тегингандир. 57. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсизлар?! 58. Улар** *(софлик ва оқликда)* **гўёки ёқут ва маржондирлар. 59. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсизлар?! 60. Эҳсон-яхшиликнинг жазоси-мукофоти фақат яхшиликдир.**

И з о ҳ: Яъни, ҳаёти дунёдан иймон ва эзгу амаллар билан ўтган кишининг Охиратдаги мукофоти жаннатдир. Эҳсон калимасининг луғавий маъноси - чиройли амал қилмоқликдир. Пайғамбар алайҳис-саломдан: "Эҳсон нимадир?", деб сўралганида, у киши шундай жавоб қилган эканлар: "Эҳсон - Оллоҳ таолога гўё Уни кўриб тургандек ибодат қилишингдир. Зотан, сен У Зотни кўрмасанг-да, У Зот шак-шубҳасиз, сени Кўриб турғувчидир".

61. Бас, *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 62. У икки** *(жаннат)***дан қуйироқда яна икки жаннат бордир. 63. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 64.** *(У икки жаннат серсув ва серяпроқликдан)* **қорамтирдирлар. 65. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 66. У иккисида тинмай отилиб турғувчи икки чашма бордир. 67. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 68. У иккисида мева, хурмо ва анорлар бордир. 69. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 70. У** *(жаннат)***ларда хушхулқ ва гўзал юзли** *(аёл)***лар бордир. 71. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 72.** *(Улар)* **чодирларда асралган ҳурлардир. 73. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 74. Уларга** *(жаннат аҳлидан)* **илгари на бир инс ва на бир жин тегингандир. 75. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 76.** *(Жаннат аҳли у жаннатларда)* **яшил болишлар ва гўзал гиламлар устида ястанган ҳолларида** *(ўлтирурлар).* **77. Бас,** *(эй инсонлар ва жинлар),* **Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! 78. Буюклик ва карам Соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг номи Баракотли - Буюкдир.**

ВОҚЕА сураси (56)

Тўқсон олти оятдан ташкил топган бу сура Маккада нозил бўлган.

Бу сурада Қиёмат қойим бўлиши ва ўша пайтда рўй берадиган даҳшатли воқеа-ҳодисалар ҳамда у Кунда кишилар уч тоифага бўлиниб қолишлари ҳақида хабар берилади ва сура давомида ҳар бир тоифанинг топажак оқибатлари баён қилинади. Шунинг учун ҳам у "Воқеа - Воқеъ бўлгувчи" (Қиёмат) деб номлангандир.

Шунингдек, бу сурада дўзах даҳшатлари ва жаннат манзаралари батафсил тасвирланади ҳамда Охират ҳаётини инкор этгувчи кимсаларга ҳеч рад қилиб бўлмайдиган ҳужжатлар билан жавоб берилади.

Сура хотимасида юқорида зикр қилинган ҳар бир хабар аниқ ҳақиқат эканлиги яна бир бор таъкидланиб, барча мўмин-мусулмонларни Улуғ Парвардигор номини поклаб-тасбеҳ айтишга амр этилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. Қачон Воқеа - Қиёмат воқеъ бўлса, у воқеъ бўлган чоғда бирон ёлғон сўзлагувчи бўлмас.

Изоҳ: Яъни, аниқ тушгувчи бўлган Қиёмат Соати келганида, ҳаёти дунёда Оллоҳ таоло шаънига ёлғон тўқиб юрган кимсалардан биронтаси ёлғон сўзлай олмай қолади.

3. *(Қиёмат кофирларни дўзахга дучор этиш билан)* **паст қилгувчи,** *(мўминларни эса жаннатга киритиш билан)* **баланд қилгувчидир.**

Изоҳ: Яъни, бу дунёда нафслари истаган хирсу ҳавасларга муккадан кетиб, мол-давлат ва салтанатлари билан ҳаволаниб юрган динсиз-иймонсиз кимсаларни Қиёмат энг тубан дўзахга ташлаш билан паст қилиб қўяр, аммо бу ҳаёти дунёда мудом рўй бериб турадиган зулму ситам ва ҳақсизлик азобидан эзилиб юрсаларда, ўз иймон-эътиқодларида устивор бўлган мўмин-мусулмонларни эса жаннатлардаги баланд мақомларга кўтарур.

4-5-6-7. *(У Кунда)* **Ер** *(қаттиқ)* **ларзага келди; тоғлар титилиб, чанг-тўзонга айланди ва сизлар уч синф-тоифа бўлиб қолдингизлар. 8. Бас,** *(у уч тоифадан биринчиси)* **ўнг томон эгаларидир. Ўнг томон эгалари** *(бўлмоқ)* **не** *(саодат)***дир! 9.** *(Иккинчи тоифа)* **шум-чап томон эгаларидир. Шум-чап томон эгалари** *(бўлмоқ)* **не** *(бахтсизлик)***дир!**

И з о ҳ: Ўнг томон эгалари ҳаёти-дунёдан иймон-эътиқод билан ўтганлари сабабли Қиёмат Кунида номаи аъмоллари ўнг томонларидан берилиб, жаннат неъматларига сазовор бўлган саодатманд кишилардир. Чап томон эгалари эса ҳаёти дунёдан куфру исён билан ўтганлари сабабли Қиёмат Кунида номаи аъмоллари чап томонларидан берилиб, дўзахга гирифтор бўлган бадбахт кимсалардир.

10. *(Учинчи тоифа бўлмиш барча яхши амалларга)* **пешқадам бўлгувчи зотлар** *(жаннат неъматларига эришишда ҳам)* **пешқадам бўлгувчи зотлардир! 11-12. Ана ўшалар ноз-неъмат боғларида** *(Оллоҳ таолога)* **яқин қилингувчилардир. 13-14.** *(У пешқадамлар)* **аввалги** *(уммат)***лардан кўпчилик, кейингилардан** *(яъни, Муҳаммад алайҳис-салом умматларидан)* **эса оздир.**

И з о ҳ: Яъни, Одам алайҳис-саломдан тортиб, то Муҳаммад алайҳис-саломгача ўтган барча пайғамбарларга иймон келтирган ва уларнинг ёнларида туриб Оллоҳ таоло буюрган Динга даъват қилишда ёрдамчи бўлган аввалги умматлар орасидаги пешқадам зотларнинг саноқларига нисбатан Муҳаммад алайҳис-салом умматлари ўртасидаги пешқадам зотларнинг сонлари оздир.

15-16. *(Улар олтиндан)* **тўқилган сўриларда ястанган ҳолларида бир-бирларига рўбарў бўлиб** *(ўлтирурлар)*. **17-18. Устларида эса мангу ёш** *(яъни, ҳеч қаримайдиган)* **болалар оқар чашмадан** *(май-ли)* **қадаҳларни, кўзаларни ва косаларни айлантириб турурлар. 19. У** *(май)***лардан уларнинг бошлари ҳам оғримас, маст ҳам бўлмаслар. 20-21. Яна ўзлари танлаб оладиган мева-чева ҳамда иштаҳалари тортган қуш гўштлари ҳам** *(айлантириб турилур)*. **22-23. Яна** *(улар учун)* **худди** *(садаф ичида)* **яшириб қўйилган гавҳар мисол оқу кўз ҳурлар бордир. 24.** *(Бу)* **улар** *(ҳаёти дунёда)* **қилиб ўтган амалларининг мукофотидир. 25-26. Улар у жойда бирон беҳуда ва гуноҳ-ёлғон** *(сўз)***ни эшитмаслар, фақат "Салом-салом", дейилганинигина** *(эшитурлар)*. **27. Ўнг томон эгалари... Ўнг томон эгалари** *(бўлмоқ)* **не** *(саодат)***дир! 28.** *(Улар)* **тикансиз бутазорларда; 29. Тизилган бананзорларда; 30. Ёйилган соя** *(ости)***да; 31. Оқизиб қўйилган сув** *(усти)***да; 32-33. Тугаб**

қолмайдиган ва манъ этилмайдиган кўпдан-кўп *(турли-туман)* мева-чева *(ости)*да; 34. Баланд кўтарилган кўрпачалар *(усти)*дадирлар. 35. Дарвоқеъ, Биз уларни *(оҳу кўз ҳурларни)* дафъатан пайдо қилдик *(яъни, улар онадан туғилмадилар, балки Оллоҳнинг қудрати билан дафъатан пайдо бўлдилар)*. 36-37-38. Сўнг уларни ўнг томон эгалари учун *(ёшда ҳам, ҳусну жамол ва қадду қоматда ҳам)* бири-бирига тенг, эҳтиросли, бокира қизлар қилиб қўйдик. 39-40. *(Ўнг томон эгалари бўлмиш саодатманд кишилар)* аввалги *(уммат)*лардан ҳам кўпчилик, кейингилардан *(яъни, Муҳаммад алайҳис-салом умматларидан)* ҳам кўпчиликдир. 41. Чап томон эгалари... Чап томон эгалари *(бўлмоқ)* не *(бахтсизлик)*дир! 42. *(Улар дўзахда тинимсиз эсиб турадиган, баданларни илма-тешик қилиб юборувчи)* Самум *(шамоли)* ва қайноқ сув ичида; 43-44. Ва на салқин, на фойдали бўлмаган қора тутундан иборат "соя" *(ости)*дадирлар. 45. Дарвоқеъ, улар бундан илгари *(яъни, ҳаёти дунёда хирсу ҳавасга муккадан кетган)* боёнлар эдилар. 46. Улар улуғ гуноҳ *(яъни, ширк)* устида оёқ тираб турар эдилар. 47-48. Ва: "Бизлар ўлиб, тупроқ ва суякларга айлангач, ростдан ҳам қайта тирилгувчимизми, аввалги ота-боболаримиз ҳам-а?!", деб *(масхара қилар)* эдилар. 49-50. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Сиз уларга)* айтинг: "Албатта аввалгилар ҳам, кейингилар ҳам маълум Кундаги белгиланган вақтга шак-шубҳасиз, тўплангувчидирлар. 51. Сўнгра албатта сизлар, эй *(қайта тирилишни)* ёлғон дегувчи гумроҳлар! 52. Шак-шубҳасиз, *(жаҳаннамнинг ўртасида ўсадиган)* Заққум дарахтидан егувчи -53.- ундан қоринларингизни тўлдиргувчидирсизлар. 54. Сўнг унинг устига қайноқ сувдан ичгувчи, *(ичганда ҳам)* - 55. Ташна-тўймас туялар каби ичгувчидирсизлар! 56. Мана шу уларнинг Жазо *(Қиёмат)* Кунидаги "зиёфат"ларидир! 57. *(Эй инсонлар)*, сизларни Биз Ўзимиз яратдик-ку! Энди сизлар *(Охиратда яна қайта яратишга Қодир эканлигимизни)* тасдиқ этмайсизларми?!

Изоҳ: Яъни, йўқдан бор қилишга Қодир бўлган Зот қайта яратишга ҳам шак-шубҳасиз, Қодирдир. Энди қуйидаги оятларда Оллоҳ таоло Ўзининг қайта яратишга Қодир эканлигига тўрт нарсани, яъни, инсонни яратганини, наботот (экин-ўсимликлар)ни яратганини, сувни яратганини ва ўт-оловни яратганини далил қилиб келтиради.

58. Сизлар *(хотинларингизнинг бачадонига)* тўкадиган манийуруғ ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми? 59. Уни сизлар *(комил инсон қилиб)* яратурмисизлар ёки Биз яратгувчимизми?!

Изоҳ: Дарҳақиқат, бу инсон кўз ўнгида доимо такрорланиб турганлиги сабабли эътибор берилмайдиган буюк бир мўъжизадир. наҳотки киши баданидан ажралиб чиқиб турадиган тер, кўз ёши каби бўлган бир томчи сувдан - манийдан озгина муддат ўтгач, ўз-ўзидан эркак ё аёл жинсига мансуб, эшитгувчи, кўргувчи бир инсон пайдо бўлиб қолса. Тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган бу иш қандай содир бўлди? Ахир бу инсон ўзининг суяклари, гўшти ва териси билан; томирлари-ю, тук ва тирноқлари билан ҳамда фақат ўзигагина хос бўлган хулқи-табиати билан қаерга яшириниб олган эди?! Қай бир доно одам бир томчи сув ўз-ўзидан мана шундай инсонга айланган дея олади? Ҳеч ким! Чунки маний она бачадонига тушиши биланоқ эр-хотиннинг иш-амали битган: улар ўша бир томчи сувдан ҳомила пайдо бўладими-йўқми билишга қодир эмаслар, энди бу ёғи Ёлғиз Яратганнинг хоҳишига ҳавола. Агар У Зот хоҳласа, Ўз қудратини намоён қилиб, бир хил ҳужайрадан иборат бўлган ўша манийдан инсоннинг жамийки аъзоларининг ҳар бири ўзига хос бўлган минг-минглаб ҳужайраларини пайдо қилади ва ҳар бир аъзонинг ҳўжайрасига ўз вазифасини белгилаб беради. Ўша бир томчи сувдан аста-секин инсон жасадини пайдо қилади ва унга жон киритади... Дарҳақиқат, бу Илоҳий мўъжизада ақл юритгувчи кишилар учун етарли ибрат бордир.

60-61. Сизларнинг ўртангиздаги ўлимни ҳам Биз белгилаб қўйгандирмиз *(яъни, сизларга ҳаётни ҳам, ўлимни ҳам Биз берурмиз)*. **Ва Биз** *(сизларни вафот топдириб, ўрнингларга)* **сизларга ўхшаганларни алмаштириб қўйишга ҳамда сизларни ўзларингиз билмайдиган ҳолат-суратда қайта пайдо қилишга ҳам ожиз эмасдирмиз. 62. Дарвоқеъ, сизлар дастлабки пайдо бўлишларингиз** *(қандай бўлгани)***ни билдинглар-ку! Бас, эслатма-ибрат олмайсизларми?! 63. Сизлар экаётган зироатларингиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми? 64. Уни сизлар ундириб-ўстирурмисизлар ёки Биз ундиргувчимизми?! 65. Агар Биз хоҳласак, албатта уни қуруқ чўп қилиб қўйган бўлур эдик, бас, сизлар ажабланган ҳолларингизда: 66. "Шак-шубҳасиз, бизлар зиён кўргувчилармиз. 67. Йўқ, бизлар** *(барча ризқу рўздан)* **маҳрум бўлгувчилармиз",** *(деб надомат қилиб қолган бўлур эдингизлар)*. **68. Сизлар ўзларингиз ичадиган сув ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми? 69. Уни булутлардан сизлар ёғдирдингларми ёки Биз ёғдиргувчимизми?! 70. Агар Биз хоҳласак, уни шўр қилиб қўйган бўлур эдик. Бас, шукр қилмайсизларми?! 71. Сизлар ўзларингиз ёқадиган ўт-олов ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми? 72.**

Унинг дарахтини сизлар пайдо қилдингларми ёки Биз пайдо қилгувчимизми?! 73. Биз уни *(жаҳаннам ўтидан)* бир эслатма ва *(саҳроларда юрадиган)* мусофир - йўловчилар учун фойдаланадиган нарса қилиб қўйдик. 74. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, улуг Парвардигорингизнинг номини *(ҳар қандай айб-нуқсондан)* поклаб-тасбеҳ айтинг! 75-76-77-78. Мен юлдузларнинг ботар жойларига қасам ичурманки, - ҳолбуки, бу *(қасам)* агар билсангизлар, шак-шубҳасиз, улуг-катта қасамдир - албатта у *(Қуръон сеҳр ёки уйдирма эмас, балки)* асралган Китобдаги *(Лавҳул-Маҳфуздаги)* Улуг Қуръондир! 79. Уни фақат таҳоратли - пок кишиларгина ушларлар. 80. *(У)* барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилингандир. 81. Бас, *(эй кофирлар)*, сизлар мана шу Сўз - Қуръонга беларволик қилурмисизлар *(яъни, сизлар шундай улуғ Китобни назарларингизга илмасдан инкор қилмоқдасизларми)*?! 82. Ва сизлар *(Қуръонни)* ёлгон дейиш*(дек бадбахтлик)*ни ўзларингизнинг ризқ-насибаларингиз қилиб олурсизларми?! 83-84-85-86-87. Бас, қачон *(вафот қилаётган кишининг жони)* халқумига етганида - ҳолбуки, ўша вақтда сизлар қараб турурсизлар ва Биз унга сизлардан кўра яқинроқ бўлурмиз, лекин сизлар *(буни)* кўрмайсизлар *(билмайсизлар)*. - Бас, агар сизлар эгасиз бўлсангизлар *(ва ўзларингизнинг: "Ҳеч қандай эга - Парвардигор ҳам, қайта тирилиш ҳам йўқ", деган сўзларингизда)* ростгўй бўлсангизлар ўша *(ҳалқумга келиб қолган жонни яна жасадга)* қайтара олсангизлар эди! *(Йўқ, ҳеч қачон қайтара олмассизлар)*. 88-89. Энди агар ўша *(вафот қилгувчи киши Оллоҳга)* яқин қилинган *(пешқадам)*лардан бўлса, у ҳолда *(унинг учун)* роҳат-фароғат, гўзал ризқ ва ноз-неъматли жаннат бордир! 90-91. Энди агар у ўнг томон эгаларидан бўлса, у ҳолда *(эй саодатманд бандам)*, сенга ўнг томон эгаларидан салом бўлгай! 92-93-94. Энди агар у *(қайта тирилишни)* ёлгон дегувчи гумроҳлардан *(яъни, чап томон эгаларидан)* бўлса, у ҳолда қайноқ сувдан иборат "зиёфат" ва дўзахга киритилиш бордир! 95. Шак-шубҳасиз, *(ушбу сурада зикр қилинган нарсалар)* айни ҳақиқатнинг ўзидир! 96. Бас, улуг Парвардигорингизнинг номини *(ҳар қандай айб-нуқсондан)* поклаб-тасбеҳ айтинг!

ҲАДИД сураси (57)

Йигирма тўққиз оятдан ташкил топган бу сура Мадинада нозил бўлган.

У борлиқдаги барча нарса мудом Яратганга тасбеҳ айтиб, улуғлаб туриши ҳақида хабар бериш билан бошланади. Шундан кейин Оллоҳ таолонинг Илоҳий сифатлари баён қилинади.

Бу сурадан мўминларни Оллоҳ уларга ато этган нарсалардан хайр-саховат қилишга чорлаган оятлар ҳам ўрин олгандир.

Сура мўминлар билан мунофиқларнинг Охиратдаги аҳволи тўғрисида хабар бериб, у жойда мунофиқлар дунёдаги каби мўминлар орасига қўшилиб кета олмасдан ажралиб қолишларини уқтиради ва бу ҳаёти дунёнинг ўткинчи эканлигини баҳор ёмғири остида тўрт кун барқ уриб очилиб, сўнг ёз иссиғига бардош бера олмай қуриб, қовжираб қоладиган чечакларга ташбеҳ қилинади. Сура Ийсо пайғамбар йўлларига эргашган аҳли китобларни Оллоҳдан қўрқишга ва У Зотнинг сўнгги Пайғамбари Муҳаммад алайҳис-саломга иймон келтиришга даъват қилиш билан хотима топади.

Бу сурада кишиларнинг тинчлик-осойишталик кунларида ҳам, харбу зарбларида ҳам бирдек зарур ва фойдали бўлган темир моддаси ҳақида зикр қилингани учун, у "Ҳадид - Темир" сураси деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Осмонлар ва Ердаги бор нарса Оллоҳга тасбеҳ айтди. У қудрат ва ҳикмат Соҳибидир. 2. Осмонлар ва Ер Унинг мулкидир. У ҳаёт ва ўлим берур. У барча нарсага Қодирдир. 3. Аввал ҳам, Охир ҳам, Зоҳир ҳам, Ботин ҳам Унинг Ўзидир. У барча нарсани Билгувчидир.

И з о ҳ: Ушбу ояти каримада ҳар бир мўмин Оллоҳ таолонинг Бор ва Бирлигига иймон келтириш билан бирга эътиқод қилиши лозим бўлган тўрт Илоҳий сифат баён этилди: Оллоҳ Аввалдир,

яъни, У Азалий Зот бўлиб, Ундан аввал бирон замон ўтган эмас; Оллоҳ Охирдир, яъни, У Абадий-Мангу Зот бўлиб, барча нарса йўқ бўлур, лекин Унинг интиҳоси йўқдир; Оллоҳ Зоҳирдир, яъни, коинотдаги ҳар бир нарса Унинг борлигига очиқ-зоҳир далолат қилиб туради; Оллоҳ Ботин-Махфийдир, яъни, Унинг Зотини кўз билан идрок этиб бўлмас ва Унинг моҳият-ҳақиқатига ақл билан етиб бўлмас.

4. У осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра Ўз Аршига ўрнашган Зотдир. У Ерга кирадиган *(ёмгир-қор суви, хазина-ю дафина ва жасадлар каби)* **нарсаларни ҳам, ундан чиқадиган** *(ўт-ўлан, наботот ва булоқ сувлари каби)* **нарсаларни ҳам, самодан тушадиган** *(ризқу насиба, хайру барака каби)* **нарсаларни ҳам, унга** *(самога)* **кўтариладиган** *(яъни, амал ва дуо-илтижо каби)* **нарсаларни ҳам билур. Сизлар қаерда бўлсангизлар У сизлар билан биргадир. Оллоҳ қилаётган амалларингизни Кўриб тургувчидир. 5. Осмонлар ва Ер Унинг мулкидир. Барча ишлар Ёлгиз Оллоҳга қайтарилур. 6. У кечани кундузга киритур ва кундузни кечага киритур. У диллардаги сирларни Билгувчидир. 7.** *(Эй инсонлар)*, **Оллоҳга ва Унинг Пайғамбари** *(Муҳаммад алайҳис-салом)***га иймон келтиринглар ҳамда У Зот сизларни халифа қилиб қўйган нарсалардан** *(яъни, вақтинча қўлларингизда турган эрта бир кун сизлар истасангиз-истамасангиз ўзгаларнинг қўлларига ўтиб кетадиган Оллоҳ берган мол-давлатдан)* **инфоқ-эҳсон қилинглар! Бас, сизлардан иймон келтирган ва инфоқ-эҳсон қилган зотлар учун катта ажр-мукофот бордир. 8. Агар сизлар иймон келтиргувчи бўлсангизлар - Пайғамбар** *(ораларингизда)* **сизларни Парвардигорингизга иймон келтиришга даъват қилиб тургани ҳолда** *(Оллоҳ эса сизларнинг руҳларингизни яратган пайтидаёқ иймон келтириш ҳақидаги)* **аҳду паймонингизни олгани ҳолда нега сизлар** *(Оллоҳга)* **иймон келтирмаяпсизлар? 9. У Ўз бандаси** *(Муҳаммад алайҳис-салом)***га токи у сизларни** *(куфр)* **зулматларидан** *(иймон)* **нурига олиб чиқиши учун аниқ-равшан оятларни** *(яъни, Қуръони Каримни)* **нозил қиладиган Зотдир. Албатта Оллоҳ сизларга Меҳрибон ва Раҳмлидир. 10. Нега сизлар Оллоҳ Йўлида инфоқ-эҳсон қилмаяпсизлар?! Ҳолбуки, осмонлар ва Ернинг ворислиги Ёлгиз Оллоҳники-ку** *(яъни, оз кунда сизлар бу оламдан ўтиб кетиб, қўлларингиздаги барча мол-дунёларингиз Оллоҳга мерос бўлиб қолади-ку)!* **Сизлардан** *(Макка)* **фатҳ бўлишидан илгари инфоқ-эҳсон қилган ва** *(Расулуллоҳ билан бирга кофирларга қарши)* **жанг қилган кишилар** *(Макка фатҳидан кейин*

инфоқ-эҳсон қилган ва жанг қилган кишилар билан) баробар бўлмас. Улар кейин инфоқ-эҳсон қилган ва жанг қилган кишилардан улуғроқ мартабададирлар. Барчаларига Оллоҳ гўзал *(оқибат - жаннат)* ваъда қилгандир. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир. 11. Оллоҳга қарзи ҳасана *(ихтиёрий қарз, яъни, Унинг Йўлида хайру саховат)* қиладиган ким бор? Бас, У Зот ўша *(киши)*га бир неча ҳисса қилиб *(қайтарур)* ва унинг учун улуғ ажр-мукофот бўлур. 12. Мўмин ва мўминаларнинг олдиларида ва ўнг томонларида нурлари *(яъни, қилган яхши амаллари ва номаи аъмоллари йўлларини ёритиб)* кетаётганини кўрадиган Кунни *(эсланг! Ўша Кунда уларга дейилур):* "Сизлар учун Бугунги хушхабар - остидан дарёлар оқиб турадиган, *(сизлар)* мангу қоладиган жаннатлардир. Бу буюк саодатнинг ўзидир!" 13. У Кунда мунофиқ ва мунофиқалар иймон келтирган зотларга: "Бизга қараб турингизлар, биз ҳам сизларнинг нурингиздан озгина олиб *(фойдаланайлик)*", десалар, *(уларга)* "Ортингларга қайтиб нур истайверинглар", дейилур. Сўнг улар *(билан мўминлар)*нинг ўртасига дарвозали бир девор урилурки, унинг ичида раҳмат-жаннат, ташқарисида - олдида эса азоб - дўзах бўлур. 14. Улар *(мўминларга)* "Биз *(ҳаёти дунёда)* сизлар билан бирга эмасмидик", деб нидо қилганларида, *(мўминлар)* дерлар: "Ҳа, *(кўринишда биз билан бирга эдинглар)*, лекин сизлар *(мунофиқлик билан)* ўзларингизни фитнага дучор қилдинглар ва *(бизларга бало-офатлар етишига)* кўз тутдинглар ҳамда *(Исломнинг Ҳақ Дин эканлиги тўғрисида)* шубҳаландинглар ва то Оллоҳнинг амри *(яъни, ўлим)* келгунича сизларни *(ҳали умр узоқ эканлиги, Оллоҳ ҳар қандай гуноҳни кечиб юбораверишии каби)* хомхаёллар алдади. Сизларни Оллоҳ ҳақида *(У Зотнинг карами кенг, ҳеч қачон Ўзи яратган бандаларни азобга гирифтор қилмайди, деб)* алдагувчи *(шайтон)* алдаб қўйди". 15. Мана Бугун сизлардан ҳам, *(эй мунофиқлар)*, кофир бўлган кимсалардан ҳам *(дўзах азобидан қутулишларингиз учун)* бирон тўлов олинмас. Жойларингиз дўзахдир! У сизларга энг муносиб жойдир! Нақадар ёмон оқибат *(бу)!*

И з о ҳ: Мазкур оятларда зоҳирлари мўмин-у, ботинлари динсиз бўлган мунофиқ кимсаларнинг Охиратда дучор бўладиган оқибатлари баён қилинди. Энди мўминларга мурожаат қилиниб, уларни ўзларидан аввал ўтган аҳли китоблар каби диллари қотиб, фосиқ-итоатсиз бўлиб кетмасдан кўнгилларини Оллоҳнинг зикрига ва Қуръон тиловатига мойил қилишга даъват этилади.

16. Иймон келтирган зотлар учун Оллоҳнинг зикри сабабли ва нозил бўлган Ҳақ - Қуръон *(тиловат қилиниши)* **сабабли қалблари эриб, қўрқиш** *(вақти)* **келмадими?!** *(Шунингдек, улар учун)* **илгари Китоб ато этилган, сўнг** *(улар билан Пайғамбарлари ўртасидаги)* **муддат узайгач, диллари қотиб кетган кимсалар** *(яъни, яҳудий ва насронийлар)* **каби бўлиб қолмаслик** *(вақти келмадими)*?! **Улардан** *(яҳудий ва насронийлардан)* **кўплари фосиқ-итоатсиздирлар!**

Изоҳ: Ушбу ояти каримада мўминларнинг сифати бўлиши керак бўлган икки фазилат ҳақида сўз боради: Оллоҳ таолонинг номи зикр қилинганида ва Қуръон тиловат қилинганида, ҳақиқий мўминнинг дили эрийди, қалби қўрқувга тушади ва кўзларига ёш келади. Тошбағирлик ва Оллоҳнинг амрига итоатсизлик эса аҳли Китобларнинг - кофирларнинг хулқларидандир. Улуғ саҳобалардан Абу Бакр Сиддиқ (Оллоҳ у кишидан рози бўлсин) Ямома қабиласидан келган, янги Исломни қабул қилган бир жамоат билан ўтирганларида юқоридаги оят тиловат қилинган эди, ўтирганлар қаттиқ йиғлаб юбордилар. Шунда Абу Бакр: "Бизлар ҳам худди шундай эдик..." дедилар.

17. *(Эй мўминлар),* **билингларки, албатта Оллоҳ ўлган Ерни тирилтирур** *(яъни, Оллоҳ қуриб-қақшаб ётган Ерни ёмғир билан "тирилтиргани" каби сизларнинг диллариңгизни ҳам Оллоҳнинг зикри ва Қуръон тиловати билан юмшатур).* **Мана Биз ақл юргизишларингиз учун сизларга** *(Ўз қудрати Илоҳийямизга далолат қиладиган)* **оятларни аниқ баён қилдик. 18. Албатта садақа қилгувчи эркаклар ва садақа қилгувчи аёллар ҳамда Оллоҳга қарзи ҳасана берганлар учун** *(берган хайру садақалари)* **бир неча ҳисса қилиб** *(қайтарилур)* **ва улар учун улуғ ажр-мукофот бордир. 19. Оллоҳга ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирган зотлар - ана ўшалар Парвардигорлари ҳузурида сиддиқлар** *(яъни, жуда ростгўй зотлар)* **ва шаҳидлар** *(мақомида)***дирлар. Улар учун** *(Охиратда)* **ажр-мукофотлари ва** *(Қиёмат Кунида уларнинг йўлларини ёритиб борадиган)* **нурлари** *(бўлур)*. **Кофир бўлган ва Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсалар - улар дўзах эгаларидир! 20. Билингларки, бу ҳаёти дунё фақат** *(бир нафаслик)* **ўйин-кулги, зеб-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мақтаниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдир, холос.** *(У)* **худди бир ёмғирга ўхшарки, унинг** *(ёғиши сабабли униб чиққан)* **ўт-ўлани деҳқонларни ҳайратга солиб** *(ақлларини банд қилиб қўюр)*. **Сўнгра у қурир, бас, уни сарғайган ҳолда кўрурсиз. Сўнгра у қуруқ чўп**

бўлиб қолур. *(Ҳаёти дунёнинг ҳоли ҳам шундан ўзга эмасдир).* **Охиратда эса** *(ўша тўрт кунлик дунёга алданиб қолганлар учун)* **қаттиқ азоб ва** *(иймон-эътиқод билан ўтганлар учун)* **Оллоҳ томонидан мағфират ва ризолик бордир. Ҳаёти дунё эса фақат алдагувчи матодир.**

И з о ҳ: Ушбу оятдаги "куффор - кофирлар" сўзини кўпчилик муфассир уламолар изидан бориб, "деҳқонлар", деб таржима қилинди. Чунки "кофир" сўзининг луғавий маъноси "кўмувчи", деганидир. Маълумки, деҳқонлар уруғни ерга кўмувчилардир Истилоҳий маънода эса Энг Олий Ҳақиқатни - Оллоҳнинг борлигини инкор қиладиган динсизлар "кофирлар" яъни, ҳеч яшириб бўлмайдиган Ҳақиқатни кўмадиган - яширадиган кимсалар, деб аталади.

21. *(Эй инсонлар),* **Парвардигорингиз томонидан бўладиган мағфиратга ҳамда Оллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирган зотлар учун тайёрлаб қўйилган, кенглиги осмон ва Ернинг кенглиги каби бўлган жаннатга шошилингиз! Бу** *(яъни, ваъда қилинган мағфират ва жаннат)* **Оллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга ато этур. Оллоҳ улуғ фазлу марҳамат Соҳибидир. 22. На Ерга ва на ўзларингизга бирон мусибат етмас, магар** *(етса),* **Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда** *(Лавҳул-Маҳфузда битилган)* **бўлур. Албатта бу Оллоҳга осондир.**

И з о ҳ: Яъни, ҳаётда содир бўладиган ҳар бир яхши-ёмон, катта-кичик воқеа-ҳодиса албатта Оллоҳ таолонинг тақдири азалийсида битилган бўлади. Яратганнинг амрисиз бировнинг баданига бир тикан кирмайди. Бу ҳақиқат баён этилишига сабаб...

23. Токи сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмагайсизлар ва *(Оллоҳ)* **сизларга ато этган нарса билан шодланиб** *(ҳаволаниб)* **кетмагайсизлар. Оллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни суймас. 24. Улар бахиллик қиладиган ва одамларни ҳам бахил бўлишга буюрадиган - чақирадиган кимсалардир. Ким** *(бахиллик қилиб, инфоқ-эҳсон қилишдан)* **юз ўгириб кетса, у ҳолда албатта Оллоҳнинг Ўзи** *(барча оламдан)* **Беҳожат ва ҳамду санога Лойиқ Зотдир. 25. Дарҳақиқат, Биз Ўз пайғамбарларимизни аниқ ҳужжат-мўъжизалар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб,** *(шунингдек),* **одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон-тарози туширдик. Яна Биз темирни туширдик - яратдик. Унда куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир. Оллоҳ ғайбда** *(бандалари кўзига кўринмасдан)*

турган ҳолида Ўзига ва пайғамбарларига *(Оллоҳ Йўлида жиҳод қилиш билан)* ёрдам берадиган кишиларни билиш учун *(темирни яратди)*. Албатта Оллоҳ Кучли, Қудратлидир.

Изоҳ: Ушбу ояти каримада жамият интизоми ва кишилар осойишталиги учун Оллоҳнинг Китоби ва адолат тарозиси билан бирга яна темир, яъни, қуролли кучга ҳам муҳтож бўлинишига ишора қилинмоқда.

26. Дарҳақиқат, Биз Нуҳ ва Иброҳимни пайғамбар қилиб юбордик ҳамда пайғамбарлик ва Китобни *(яъни, Таврот, Инжил, Забур ва Қуръонни)* ҳам икковининг зурриётларига *(ато)* қилдик. Бас, уларнинг *(яъни, Нуҳ ва Иброҳим зурриётларининг)* орасида ҳидоят топгувчи *(кишилар)* ҳам бор, *(аммо)* уларнинг орасида кўплари фосиқ-итоатсиздирлар. 27. Сўнгра уларнинг изларидан кетма-кет пайғамбарларимизни юбордик ва Ийсо бинни Марямни ҳам *(уларнинг)* ортидан юбордик ва унга Инжил ато этдик ҳамда унга эргашган зотларнинг дилларида меҳрибонлик ва раҳм-шафқат *(пайдо)* қилдик. Роҳибликни эса улар ўзлари чиқариб олдилар. Биз уларга *(роҳиб бўлишларини)* ёзганимиз - буюрганимиз йўқ, лекин улар ўзлари Оллоҳнинг ризолигини истаб *(роҳибликни одат қилдилар-у)*, сўнг унга тўғри-тўла риоя қила олмадилар. Бас, Биз улардан иймон келтирган зотларга ажр-мукофотларини ато этдик. *(Аммо)* уларнинг орасида кўплари фосиқ-итоатсиздирлар. 28. Эй *(Ийсога)* иймон келтирган зотлар, Оллоҳдан қўрқинглар ва Унинг Пайғамбари *(Муҳаммад алайҳис-салом)*га ҳам иймон келтиринглар, *(шунда)* У Зот сизларга Ўз раҳматидан икки ҳисса ато этур ва сизлар учун *(Қиёмат Кунида олдиларингизда)* юрадиган нур *(пайдо)* қилур ҳамда сизларни мағфират қилур. Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 29. Аҳли Китоб ўзлари Оллоҳнинг фазлу марҳаматидан бирон нарсага *(етишга)* қодир бўла олмасликларини ва фазлу марҳамат Оллоҳнинг Қўлида бўлиб, уни фақат Ўзи хоҳлаган кишиларга ато этишини билишлари учун *(Оллоҳ уларга юқоридаги ҳукмларни баён қилди)*. Оллоҳ улуғ фазлу марҳамат Соҳибидир.

МУЖОДАЛА сураси (58)

Бу сура ҳам Мадинада нозил қилинган бўлиб, йигирма икки оятдир.

Сура аввалида бир аёл ўз эрининг қилмиши тўғрисида шикоят қилиб келиб Пайғамбар алайҳис-салом билан мунозара қилгани баён этилади. Суранинг "Мужодала - Мунозара" деб номланганининг боиси шудир. Сўнгра ўша шикоят қилиб келинган "Зиҳор" масъаласининг ҳукми ва зиҳор қилгувчи зиммасига тушадиган каффорат-тўлов ҳақида сўз боради.

Бу сурада яҳудий ва мунофиқларнинг гуноҳ, зўравонлик ва Пайғамбар алайҳис-саломга итоатсизлик қилиш тўғрисида ўзаро шивир-шивир қилишиб тил бириктиришлари, уларнинг мўминларга ва хусусан Пайғамбаримизга етказадиган озор-азиятлари ҳамда охир-оқибат топажак азоб-уқубатлари хусусида хабар берилади.

Шунингдек, бу сурада мўминларга уларнинг ўзаро муносабатларида ва Пайғамбар алайҳис-салом билан қиладиган муомалаларида риоя этишлари лозим бўлган одоб-ахлоқ борасида йўл-йўриқлар кўрсатилади.

Сура ниҳоясида Оллоҳ таологa ва Охират Кунига иймон келтирган кишиларнинг сифат-фазилатлари хусусида сўзланиб, улар эришажак бахт-саодат хабари берилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **дарҳақиқат, Оллоҳ Сиз билан ўз жуфти ҳақида баҳслашаётган ва Оллоҳга шикоят қилаётган** *(аёл)***нинг сўзини эшитди. Оллоҳ сизларнинг бастижавобларингизни эшитур. Албатта Оллоҳ Эшитгувчи, Кўргувчидир.**

Изоҳ: Ушбу оятнинг нозил бўлишига қуйидаги воқеа сабаб бўлгандир. Саҳобалардан Авс ибн Сомитнинг хотини Хавла бинти Саълаба исмли бир аёл Пайғамбар алайҳис-саломнинг ҳузурларига келиб: "Ё Расулуллоҳ, Авс мени зиҳор қилди", деб ўз эридан шикоят

қилади. "Зиҳор" ибораси арабларнинг истилоҳида киши ўз хотинига: "Онамнинг бадани каби сенинг баданинг ҳам менга ҳаром", дейишини англатади. Ислом дини келишидан илгари зиҳор қилинган хотин эри учун онага айланиб қолган, демак, талоқ қилинган ҳисобланар эди. (Бу хусусда "Аҳзоб" сурасининг тўртинчи оятида ҳам баён қилинган). Шунинг учун мазкур аёл эрининг бу қилмишидан нолиб, ўрталарида гўдак болалари борлиги, агар эр-хотин ажрашиб кетсалар, ўша болаларга жабр бўлишини айтиб келади. Лекин Пайғамбаримизга "Зиҳор" масъаласи ҳақида ҳали-ҳануз Оллоҳ таоло томонидан бирон ҳукм нозил қилинмаган эди. Шу сабабдан у зот шикоятчи аёлга: "Демак, сен эрингга ҳаром бўлиб қолибсан", деб жавоб қиладилар. Аммо у аёл бу жавобдан қаноатланмай яна ўз сўзларини такрорлайди. Расулуллоҳ алайҳис-салом ҳам яна аввалги жавобларини қайтарадилар. Иккалалари шу тариқа басти-жавоб қилиб туришлари асносида бирдан Пайғамбар алайҳис-саломга юқоридаги ва қуйидаги оятлар нозил бўлади ҳамда уларда Оллоҳ таоло "Зиҳор" масъаласи хусусида Ўз ҳукмини баён қилади.

2. Ораларингиздаги ўз хотинларини зиҳор қиладиган кимсаларнинг *(зиҳор қилинган хотинлари)* **уларнинг оналари эмасдирлар. Фақат уларни туққан** *(аёл)***ларгина уларнинг оналаридирлар. Шак-шубҳасиз, улар сўзнинг номақбул ва ёлғонини айтурлар.** *(Лекин)* **Оллоҳ шубҳасиз, Афв этгувчи ва Мағфират қилгувчидир.**

Изоҳ: Яъни, ўша ўз хотинларини оналарига ўхшатишдек номақбул ва ёмон сўз айтганлар ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, тавба қилсалар шак-шубҳасиз, Оллоҳ таоло Афв этгувчи, Мағфират қилгувчидир. Уларнинг ўртасига ҳеч қандай талоқ тушмайди. Лекин ўз хотинини зиҳор қилиб, кейин унга қайтмоқчи бўлган кимса бу қилмиши учун маълум миқдорда каффорат - тўлов тўлаши керак. Энди қуйидаги оятларда ўша каффорат миқдорлари баён қилинади.

3. Ўз хотинларини зиҳор қилиб, сўнгра айтган сўзларидан қайтадиган кимсалар *(зиммасида эр-хотин)* **қўшилишларидан илгари бир қулни озод қилиш бордир. Бу сизларга мавъиза-ибрат бўлгай. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир. 4. Энди ким** *(озод қилиш учун қул)* **топа олмаса,** *(унинг зиммасида эр-хотин)* **қўшилишларидан илгари пайдар-пай икки ой рўза тутиш бордир. Энди ким** *(рўза тутишга)* **қодир бўлмаса,** *(унинг зиммасида)* **олтмишта бечора-мискинга таом бериш бордир. Бу** *(ҳукмлар)* **сизлар Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига иймон келтиришларингиз учун** *(нозил қилинди)*. **Булар Оллоҳнинг** *(белгилаб қўйган)* **ҳадлари -**

қонунларидир. Ва *(бу қонунларни инкор этгувчи)* **кофирлар учун аламли азоб бордир. 5. Албатта Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари чизган чизиқдан чиқадиган кимсалар худди ўзларидан аввалгилар ҳалок қилингани каби ҳалок қилинурлар. Дарвоқеъ, Биз очиқ-равшан оятлар нозил қилдик.** *(Мана шу оятларни инкор этгувчи)* **кофирлар учун хор қилгувчи азоб бордир. 6.** *(Ўша кофирлар азобга дучор қилинадиган)* **Кунда Оллоҳ уларнинг барчаларини қайта тирилтириб,** *(ҳаёти дунёда)* **қилган амалларининг хабарини берур. У** *(амаллар)***ни Оллоҳ ҳисоблаб-битиб қўйди, улар эса унутиб юбордилар. Оллоҳ барча нарса устида Гувоҳдир. 7. Оллоҳ осмонлардаги ва Ердаги бор нарсани аниқ билишини кўрмадингизми - билмадингизми?! Уч кишининг ўзаро шивир-шивирлари бўлса, албатта У Зот уларнинг тўртинчисидир, беш кишининг** *(ўзаро шивир-шивирлари бўлса),* **албатта У Зот уларнинг олтинчисидир.** *(Ўзаро сирлашаётган кишилар)* **бундан оз бўладими ё кўп бўладими, албатта У Зот қаерда бўлсалар ҳам улар билан биргадир. Сўнгра Қиёмат Кунида уларга қилган амалларининг хабарини берур. Албатта Оллоҳ барча нарсани Билгувчидир. 8.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **ўзаро шивир-шивирдан қайтарилганларидан сўнг яна ўзлари қайтарилган нарсага қайтадиган ҳамда гуноҳ, зўравонлик ва Пайғамбарга итоатсизлик қилиш тўғрисида ўзаро шивирлашадиган кимсаларни кўрмадингизми?! Қачон улар Сизнинг олдингизга келсалар, Сизга бир ибора билан салом берурларки, Оллоҳ Сизга ўша** *(сўз)* **билан салом бермаган эди. Яна ўзларича: "Нега айтаётган сўзимиз сабабли Оллоҳ бизларни азобламаяпти?** *(Агар Муҳаммад ҳақ пайғамбар бўлганида албатта Оллоҳ бизларни азобга гирифтор қилган бўлур эди)***", дерлар. Уларга ўзлари кирадиган жаҳаннам** *(азоб тўғрисида)* **кифоя қилар! Бас, нақадар ёмон оқибат** *(бу)!*

И з о ҳ: Ушбу оят мўминларни кўрганларида бир-бирлари билан пичир-пичир ва турли имо-ишоралар қилишиб уларга озор берадиган яҳудий ва мунофиқлар ҳақидадир. Пайғамбар алайҳис-салом уларни бу қилиқларидан қайтарганларидан кейин ҳам улар ўз висир-висирларидан қайтмайдилар, балки ҳадларидан ошиб Расулуллоҳ алайҳис-саломга рўбарў бўлганларида: "Ассалому алайкум", яъни, "Сизларга тинчлик-омонлик бўлсин", дейиш ўрнига: "Ассому алайкум", яъни, "Сизларга ўлим бўлсин", дейдилар. Шунинг учун Оллоҳ таоло уларнинг жазолари жаҳаннамга кириш эканлиги хусусида хабар беради.

9. Эй мўминлар, сизлар ўзаро шивирлашиб гаплашганларингизда гуноҳ, зўравонлик ва Пайғамбарга итоатсизлик қилиш тўғрисида шивирлашманглар, *(балки)* яхшилик ва тақво ҳақида шивирлашинглар ҳамда сизлар ҳузурига тўпланадиган Зот - Оллоҳдан қўрқинглар! 10. *(Яҳудий ва мунофиқларнинг)* ўзаро шивир-шивирлари фақат шайтон томонидан бўлиб, иймон келтирган зотлар *(у сабабли)* ғамгин бўлишлари учундир. *(Лекин у шивир-шивирлар)* Оллоҳнинг изни иродасисиз уларга бирон зиён етказа олгувчи эмасдир. Бас, мўминлар, Ёлгиз Оллоҳгагина таваккул қилсинлар - суянсинлар! 11. Эй мўминлар, қачон сизларга *(мажлис-суҳбатларда дўст-биродарларингиз келиб: "Бизларга ҳам шу мажлисдан)* жой беринглар", дейилса, дарҳол жой беринглар, Оллоҳ сизларга ҳам *(Ўз жаннатидан)* жой берур. Ва Қачон: "*(Ўринларингиздан)* туринглар", дейилса, дарҳол туринглар, Оллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни *(баланд)* даража-мартабаларга кўтарур. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир.

И з о ҳ: Бу ояти каримада мўминларга мажлис одоблари таълим берилди ва уларни бағрикенгликка, яъни, мажлисларига келиб қўшилмоқни истаган дўстларига ёнларидан жой беришга ва агар ҳамма жойлар банд бўлса, кейин келганларга ўз ўринларини бўшатиб беришга даъват этилди. Яна бу оятда илмнинг фазилати алоҳида таъкидлаб ўтилдики, бу борада Пайғамбар алайҳис-салом томонларидан ҳам кўпдан-кўп ҳадислар ривоят қилинган бўлиб, улардан бири мана бу ҳадиси шарифдир: "Олимнинг обид устидаги фазилати худди тўлин ойнинг бошқа юлдузлар устидаги фазилати кабидир". Ҳукамолардан бирининг қуйидаги сўзлари ҳам ибратлидир: "Мен илм топа олмаган одам нима топганини, илм топган одам эса нима йўқотганини билсам эди".

12. Эй мўминлар, қачон сизлар Пайғамбар билан сирлашмоқ - суҳбатлашмоқни истасангизлар, суҳбатларингиз олдидан *(камбағал-мискинларга)* бирон хайр-садақа тақдим этинглар. Бу ўзларингиз учун яхшироқ ва *(гуноҳларингизни)* поклагувчироқдир. Энди агар *(садақа қилгудек нарса)* топа олмасангизлар, у ҳолда албатта Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 13. Суҳбатларингиз олдидан хайр-садақалар тақдим этишдан *(камбағал бўлиб қоламиз, деб)* қўрқдингларми? Бас, сизлар *(хайр-садақа)* қилмаган экансизлар ва Оллоҳ *(бу хатоларингиз учун қилган)* тавбаларингизни қабул қилган экан, энди намозни тўкис адо

этинглар ва закотни *(ҳақдорларга)* ато этинглар ҳамда Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоат этинглар! Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир. 14. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлган қавмни *(яҳудийларни)* дўст тутган кимсаларни *(мунофиқларни)* кўрмадингизми? У *(мунофиқлар)* сизлардан *(яъни, мусулмонлардан)* ҳам, улардан *(яъни, яҳудийлардан)* ҳам эмасдирлар! Яна улар *(ўзларининг мунофиқ эканликларини)* билиб турган ҳолларида *("Бизлар мусулмонлармиз", деб)* ёлғондан қасам ҳам ичурлар. 15. Оллоҳ улар учун қаттиқ азобни тайёрлаб қўйгандир! Дарҳақиқат, уларнинг қилган амаллари нақадар ёмондир! 16. Улар ўзларининг *(ёлғон)* қасамларини қалқон қилиб олишиб, *(одамларни)* Оллоҳнинг Йўлидан тўсдилар. Бас, улар учун хор қилгувчи азоб бордир! 17. Уларнинг моллари ҳам, болалари ҳам Оллоҳ томонидан *(бўладиган)* бирон нарсани-азобни улардан дафъ қила олмас. Улар дўзах эгаларидир. Улар, ўша жойда мангу қолгувчидирлар! 18. У Кунда *(яъни, Қиёматда)* Оллоҳ уларнинг барчаларини қайта тирилтирур. Бас, улар худди сизларга қасам ичаётганларидек, У Зотга ҳам қасам ичурлар ва ўзларини *(шу ёлғон қасамлари сабабли)* бирон *(фойда)* устида деб ҳисоблarлар. Огоҳ бўлингизким, албатта улар гирт ёлғончи кимсалардир! 19. Уларни шайтон эгаллаб олиб, уларга Оллоҳни эслашни унуттирди. Ана ўшалар шайтон ҳизби-гуруҳидирлар. Огоҳ бўлингизким, албатта шайтон ҳизби *(бўлган кимсалар)* зиён кўргувчилардир. 20. Албатта Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари чизган чизиқдан чиққан кимсалар - ана ўшалар энг хор кимсалар қаторидадирлар! 21. Оллоҳ *(Лавҳул-Маҳфузга):* "Шак-шубҳасиз, Мен Ўз пайғамбарларим билан бирга ғолиб бўлурман", деб ёзиб қўйгандир. Албатта Оллоҳ Кучли, Қудратлидир. 22. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Оллоҳга ва Охират Кунига иймон келтирадиган қавмнинг Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари чизган чизиқдан чиққан кимсалар билан - гарчи улар ўзларининг оталари ёки ўғиллари ёки оға-инилари ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да - дўстлашаётганларини топмассиз. Ана ўшаларнинг дилларига *(Оллоҳ)* иймонни битиб қўйгандир ва уларни Ўз томонидан бўлган Руҳ-Қуръон билан қувватлантиргандир. У Зот уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритур. Оллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам *(Оллоҳдан - У Зот берган ажр-мукофотлардан)* рози бўлдилар. Ана ўшалар Оллоҳнинг ҳизбидирлар. Огоҳ бўлингизким, албатта Оллоҳнинг ҳизби *(бўлган зотлар)* нажот топгувчидирлар!

ҲАШР сураси (59)

Йигирма тўрт оятдан иборат бу сура Мадинада нозил қилинган.

Сура меҳвари - ўқи яҳудийлардан бану Назийр номли қабиланинг хиёнаткорликлари сабабли ўз диёрларидан сургун қилинишларини ва Ислом тарихида "Бану Назийр ғазоти" номи билан қолган ғазот тафсилотини баён қилиш атрофида айланади. Шунинг учун ҳам бу сура "Жамлаб сургун қилиш" деган маънони ифодаловчи "Ҳашр" номи билан аталгандир. Шунингдек, бу сурада яҳудийларнинг ҳамтовоқлари бўлган мунофиқларнинг кирдикорлари очиб ташланади ва улар гарчи кўринишларида бир-бирлари билан ўзаро иттифоқдек кўринсалар-да, дилларидаги ғараз-мақсадлари тамоман турли-туман эканлиги таъкидланади.

Сура саҳобайи киромларнинг таъриф-тавсифлари ва Қуръони Каримнинг қадр-мартабаси ҳақидаги оятларни ҳам ўз ичига олгандир.

Сура ниҳоясида Оллоҳ таолонинг гўзал исмлари ва Илоҳий сифатлари зикр этилиб, мўминларни Ёлғиз Оллоҳдангина қўрқишга буюрилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Осмонлардаги ва Ердаги бор нарса Оллоҳга тасбеҳ айтди. У қудрат ва ҳикмат Соҳибидир. 2. У аҳли Китоблардан *(яҳудийлардан)* кофир бўлган кимсаларни биринчи тўплашдаёқ ўз диёрларидан ҳайдаб чиқарган Зотдир. *(Эй мўминлар),* сизлар уларнинг чиқиб кетишларини ўйлаган ҳам эмас эдингиз. Улар ҳам ўзларининг қўрғон-қалъаларини Оллоҳ*(нинг азобидан)* тўсгувчи деб ўйлаган эдилар. Бас, Оллоҳ*(нинг азоби)* улар ҳисобга олмаган томондан келди ва дилларига қўрқинч солди. Улар *(уйларини)* ўз қўллари ва мўминларнинг қўллари билан бузурлар. Бас, эй ақл эгалари, *(уларнинг аҳволидан)* ибрат олингиз!

И з о ҳ: Пайғамбар алайҳис-салом Маккайи мукаррамадан Мадинайи мунавварага ҳижрат қилиб келганларидан сўнг яҳудийларнинг Мадина атрофида яшайдиган бану Назийр қабиласи

у киши билан бетарафлик тўғрисида сулҳ тузган эди. Лекин мусулмонлар Уҳуд жангида мағлубиятга учраганларидан кейин бану Назийр яҳудийлари ўртадаги сулҳни бузишиб, мусулмонлар орасига суқулиб кириб олган айрим мунофиқ кимсалар билан тил бириктиришиб, Макка кофирларига одам юборадилар ва Муҳаммад алайҳис-саломга қарши жанг қилиш учун улар билан ҳамкорликка тайёр эканликларини билдирадилар. Расулуллоҳ бу хиёнатдан хабар топгач, яҳудийларнинг Маккага юборилган элчилари Каъб ибн Ашрафни қатл қилишга буюрадилар ва ўзлари қўшин билан бориб, бану Назийр қабиласини қамал қиладилар. Қамалнинг йигирма биринчи кунида дилларига қўрқинч тушган яҳудийлар Пайғамбаримизга қайта сулҳ тузишни таклиф қилишганида у зот хоинлар билан ҳеч қандай сулҳ тузилиши мумкин эмаслигини билдириб, улардан кўтарганларича нарса-матоларини олиб дарҳол бу юртдан чиқиб кетишларини талаб қиладилар. Шундай қилиб яҳудийлар яшаётган уйларнинг устун-тўсинларигача бузиб туяларга юклашиб ҳеч қандай жанг-жадалсиз ўз диёрларидан жўнаб қоладилар.

3. Агар Оллоҳ уларга сургунни ёзмаганида, албатта уларни мана шу дунёда *(қатл қилиш ёки асирлик билан)* **азоблаган бўлур эди. Улар учун Охиратда дўзах азоби ҳам бордир. 4. Бунга сабаб, уларнинг Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига қарши турганларидир. Кимки Оллоҳга қарши турса, бас, албатта Оллоҳнинг жазоси қаттиқдир. 5.** *(Эй мўминлар),* **сизлар** *(бану Назийр хурмозорларидан)* **бирон хурмо дарахтини кесдингларми ёки уни ўз поясида турган ҳолида қолдирдингларми, бас,** *(сизлар қилган ҳар бир иш)* **Оллоҳнинг изни-иродаси билан ва у фосиқ-итоатсиз кимсаларни расво қилиш учун** *(бўлди).* **6. Оллоҳ Ўз Пайғамбарига улардан ўлжа қилиб берган нарсаларнинг устига сизлар оту туяларни - ўйнатиб-чоптириб борганларингиз йўқ** *(яъни, у ўлжаларни сизлар қийналиб, машаққат чекиб, жанг-жадал билан қўлга киритганларингиз йўқ),* **лекин Оллоҳ Ўз пайғамбарларини Ўзи хоҳлаган кимсалардан** *(мана шундай)* **устун қилиб қўюр. Оллоҳ барча нарсага Қодирдир. 7. Оллоҳ қишлоқ-шаҳарларнинг** *(кофир)* **аҳолисидан Ўз Пайғамбарига ўлжа қилиб берган нарсалар - токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин учун - Оллоҳники, Пайғамбарники ва** *(у зотнинг)* **қариндош-уруғлари, етимлар, бечора-мискинлар ва йўловчи-мусофирларникидир. Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар ва**

Оллоҳдан қўрқинглар! Албатта Оллоҳнинг жазоси қаттиқдир. 8. *(У ўлжалар яна)* **ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан ҳайдаб чиқарилган зотлар - камбағал муҳожирларникидирки, улар Оллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик истарлар ҳамда Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига ёрдам берурлар. Ана ўшалар** *(иймонларида)* **содиқ зотлардир. 9. Улардан** *(муҳожирлардан)* **илгари** *(Мадина)* **диёрига ўрнашган ва иймон-эътиқодни** *(маҳкам ушлаган)* **зотлар** *(ансорлар)* **эса ўзлари***(нинг ёнлари)***га ҳижрат қилиб келган кишиларни суюрлар ва дилларида уларга** *(муҳожирларга)* **берилган нарса-ўлжалар сабабли бирон ҳасад туймаслар ҳамда гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб** *(ўзгаларни)* **ийсор-ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топгувчи зотлардир.**

И з о ҳ: Мазкур оятларда ўзларининг уй-жой ва мол-мулкларини тарк этиб Пайғамбар алайҳис-салом билан Мадинайи мунавварага ҳижрат қилиб келган муҳожирларнинг орзу-ниятлари фақат Оллоҳнинг ризолигини исташ ҳамда Оллоҳ ва Пайғамбар алайҳис-саломга ёрдам қилиш бўлганлиги таъкидланди ва ғазотлардан тушадиган ўлжаларнинг бир қисми ўшаларнинг ҳақлари эканлиги уқтирилди. Шунингдек, уларнинг йўлларига уй-жой ва иймон-эътиқод билан пешвоз чиққан ансорлар - ёрдамчилар (улар Пайғамбаримизга ва бошқа муҳожирларга ҳар бир ишда кўмак берганлари учун мана шу номга сазовор бўлганлар), ва уларнинг бағрикенгликлари, ўз манфаатларидан ўзгаларнинг манфаатини устун қўя олишлари таърифланди.

Ҳукамолардан Абу Зайднинг ғоят ибратли мана бу сўзи худди ўша ансорлар ҳақида айтилгандек: "Балхлик бир йигит менга: "Ўзларингизнинг зуҳд-тақволарингиз ҳақида гапириб бергин", деган эди, мен айтдим: "Топсак еймиз, топмасак сабр қиламиз". Шунда у деди: "Бизда Балхнинг итлари шундай қилишади, биз эса топмасак сабр қиламиз, топсак ўзимиздан муҳтожроқларга берамиз".

10. Улардан кейин *(дунёга)* **келган зотлар айтурлар: "Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон гилли-ғаш қилмагин. Парвардигоро, албатта Сен Меҳрибон ва Раҳмлидирсан". 11.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **мунофиқ кимсалар ўзларининг аҳли Китоблардан** *(яҳудийлардан)* **бўлган кофир биродарларига: "Қасамки, агар сизлар** *(Мадинадан)* **қувиб чиқарилсангизлар, албатта бизлар ҳам сизлар билан бирга чиқиб кетурмиз ва**

сизлар*(га қарши урушиш)* **тўғрисида ҳеч қачон бирон кимсага итоат этмасмиз. Агар сизларга қарши жанг қилинса, албатта бизлар сизларга ёрдам берурмиз", дейишларини кўрмадингизми? Оллоҳ гувоҳлик берурки, улар шак-шубҳасиз, ёлғончидирлар. 12. Қасамки, агар** *(яҳудийлар ўз диёрларидан)* **қувиб чиқарилсалар,** *(мунофиқлар)* **улар билан бирга чиқиб кетмаслар, қасамки, агар** *(яҳудийларга қарши)* **жанг қилинса,** *(мунофиқлар)* **уларга ёрдам ҳам бермаслар ва агар** *(фаразан)* **ёрдам берсалар ҳам, албатта** *(яҳудийлар мўминлар томонидан мағлуб қилинишиб)* **ортларига қараб қочурлар ва кейин уларга бирон ёрдам берилмас. 13.** *(Эй мўминлар)***, аниқки, сизлар** *(мунофиқларнинг)* **дилларида Оллоҳдан кўра қўрқинчлироқдирсизлар. Бунга сабаб, улар** *(Оллоҳнинг қудратини)* **англамайдиган қавм эканликларидир. 14. Улар** *(мунофиқ ва яҳудийлар)* **бирлашган ҳолларида сизлар билан фақат қалъа-қўрғонли қишлоқлар ичида** *(беркиниб)* **ёки деворлар ортидангина жанг қила олурлар,** *(яъни, ҳеч қачон сизларга қарши очиқ жангга чиқа олмаслар)*. **Улар ўз ўрталарида кучли-қувватлидирлар,** *(яъни, жанг-жадал бўлмасдан туриб ўзаро куч-қудратли эканликлари ҳақида лоф уравերадилар, аммо жанг пайтида ожиз-қўрқоқдирлар). (Оғизларидаги сўзларидан)* **уларни бир деб ҳисоблайсиз-у,** *(аммо)* **диллари хилма-хилдир. Бунга сабаб, уларнинг ақлсиз қавм эканликларидир. 15.** *(Улар)* **худди ўзларидан озгина олдин ўтган, ўз қилмишларининг зиёнини тотган кимсаларнинг** *(яъни, Бадр жангида енгилиб шарманда бўлган мушрикларнинг)* **ўхшашидирлар. Улар учун** *(Охиратда ҳам)* **аламли азоб бордир. 16.** *(Яҳудийларни мўминларга каршилик қилишга гиж-гижлаётган мунофиқлар)* **худди шайтоннинг ўхшашидирлар. Эсланг, у инсонга "Кофир бўл", деган эди. Энди қачонки** *(инсон)* **кофир бўлгач,** *(шайтон унга)* **"Албатта мен сендан безорман. Зеро, мен барча оламлар Парвардигори бўлмиш Оллоҳдан қўрқурман", деди. 17. Бас, иккисининг** *(шайтон ва унинг сўзига кириб кофир бўлган инсоннинг)* **оқибати дўзахга кириб, унда мангу қолишлари бўлди. Золим кимсаларнинг жазоси шудир! 18. Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқинглар ва** *(ҳар бир)* **жон эрта** *(Қиёмат Куни)* **учун нимани** *(яъни, қандай эзгу амални)* **тақдим этганига қарасин! Оллоҳдан қўрқинглар! Албатта Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир. 19. Сизлар Оллоҳни унутиб қўйган** *(яъни, У Зотнинг амр-фармонларига итоат этмаган)***, бас,** *(шундан кейин Оллоҳ)* **уларга ўзларини ҳам унуттириб қўйган** *(яъни, ўзларига Охиратда фойда берадиган амаллар қилишдан юз*

ўгиртириб қўйган) кимсалар каби бўлмангиз! Ана ўшалар фосиқ-итоатсиз кимсалардир! 20. Дўзах эгалари билан жаннат эгалари баробар бўлмас. Жаннат эгалари *(бахт-саодатга)* эришгувчи зотлардир. 21. Агар Биз ушбу Қуръонни бирон тоғга нозил қилганимизда, албатта Сиз у *(тоғ)*ни Оллоҳнинг қўрқувидан эгилиб-ёрилиб кетган ҳолида кўрган бўлур эдингиз. *(Лекин айрим инсонларнинг диллари тоғнинг тошидан ҳам қаттиқроқ бўлгани сабабли уларга Қуръон оятлари ҳам таъсир қилмас).* Биз бу мисолларни одамлар учун, шояд улар тафаккур қилсалар, деб келтирмоқдамиз. 22. У - Оллоҳ, шундай Зотдирки, ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. *(У)* ғайб ва шаҳодатни *(яъни, яширин ва ошкора нарсаларни)* Билгувчидир. У Меҳрибон ва Раҳмлидир. 23. У - Оллоҳ, шундай Зотдирки, ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У *(Ёлғиз)* Подшоҳдир, *(барча айб-нуқсондан)* Покдир-Саломатдир, *(Ўзи хоҳлаган бандаларини дунё бало-офатлари ва Охират азобидан)* Омон қилгувчидир, *(бандаларнинг амалларини)* Кўриб-Кузатиб тургувчидир, қудрат Соҳибидир, Бўйсундиргувчидир, *(Танҳо)* кибр Эгасидир. Оллоҳ уларнинг *(мушрикларнинг)* ширкларидан Покдир. 24. У - Оллоҳ Яраттувчидир, *(йўқдан)* Бор қилгувчидир, *(барча нарсага)* Сурат-Шакл бергувчидир. Унинг гўзал исмлари бордир. Осмонлар ва Ердаги бор нарса Унга тасбеҳ айтур. У қудрат ва ҳикмат Соҳибидир.

МУМТАҲАНА сураси (60)

Бу сура ҳам Мадинада нозил қилинган бўлиб, ўн уч оятдир.

У мўминларга Оллоҳнинг ҳам, ўзларининг ҳам душманлари бўлган мушриклар билан дўстлашмасликни буюриш билан бошланиб, сўнгра бу ҳақда Иброҳим алайҳиссалом, у зотнинг тобеълари тарихида ибрат олса арзийдиган гўзал намуна борлиги таъкидланади ва шу билан бирга сура давомида мусулмонларга қарши урушмаётган ҳамда уларнинг зиёнларига ўзгалар билан тил бириктирмаётган ғайри динлар билан яхши алоқа-муомала тузиш дуруст эканлиги ҳам маълум қилинади.

Бу сурада мўминларга мушрикларнинг қўлларидан қочиб, Мадинага ҳижрат қилиб келган ва ўзларининг мўмина эканликларини билдирган аёлларнинг иймонларини имтиҳон қилиб кўриш буюрилади. Суранинг "Мумтаҳана - Имтиҳон қилингувчи аёл", деб номланишининг боиси шудир.

Сура мўминларни Оллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўлган мушриклар билан дўст бўлмасликка такроран даъват қилиш билан хотима топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Эй мўминлар, Менинг ҳам душманим, сизларнинг ҳам душманларингиз *(бўлган мушриклар)*ни дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик *(ҳақида хат-хабар)* юборурсизлар, ҳолбуки, улар сизларга келган Ҳақ *(Дин ва Қуръон)*га кофир бўлгандирлар! Улар Пайғамбарни ҳам, сизларни ҳам Оллоҳга - Парвардигорларингизга иймон келтирганларингиз сабабли *(ўз диёрларингиздан)* ҳайдаб чиқармоқдалар-ку! Агар сизлар Менинг Йўлимда жиҳод қилиш учун ва Менинг розилигимни истаб чиққан бўлсангизлар, *(у ҳолда мушрик-кофир кимсаларни дўст тутманглар)!* Сизлар уларга пинҳона дўстлик қилмоқдасизлар! Ҳолбуки, Мен сизлар яширган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсани ҳам жуда яхши Билгувчидирман! Сизлардан ким шу *(иш)*ни қилса, бас, аниқки, у Тўғри Йўлдан озибди!

Изоҳ: Ушбу оятнинг нозил қилинишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган. Пайғамбар алайҳис-салом Маккани фатҳ этиш учун тайёргарлик кўриб юрган кезларида муҳожир саҳобалардан Ҳотиб ибн аби-Балтаа бу ҳақда Макка зодагонларига хат ёзиб уларга қарши урушга ҳозирлик кўрилаётганининг хабарини беради ва уни ўша тарафга кетаётган бир аёлдан бериб юборади. Шунда Жаброил фаришта келтирган ваҳий орқали бу хуфёна ҳаракат Расулуллоҳ алайҳис-саломга маълум бўлади ва у зот ҳазрати Алини яна уч саҳоба билан ўша аёлнинг изидан юборадилар. Улар аёлни Пайғамбаримиз айтган Мадина яқинидаги Равзиҳоҳ деган жойдан топиб, ундан хатни беришини талаб қилганларида, у аввал тонади, лекин кейин элчиларнинг дўқ-пўписаларидан сўнг сочларининг орасидан чиқариб беради. Хат қўлларига келиб теккач, Пайғамбар алайҳис-салом Ҳотибни чақириб, ундан: "Бу қандай қилиқ?", деб сўраганларида, у шундай жавоб қилади: "Ё Расулуллоҳ, мен Исломга кирганимдан буён Диндан қайтган ҳам эмасман, Сизга хиёнат қилган ҳам эмасман. Лекин мен ҳижрат қилиб чиқар эканман, бола-чақаларим Маккада қолгандир. Бошқа муҳожирларнинг Маккада қолиб кетган бола-чақа ва мол-мулкларини ўз ҳимояси остига оладиган қариндош-уруғлари бор, аммо менинг Маккада бирон ҳимоячим йўқдир. Шу сабабдан мана бу хатим Макка зодагонларининг қўлларига бориб тегса, улар аҳли-оиламга ҳомийлик қилишар, деб ўйлаган эдим. Мен бу хатни динимизга бирон зиён етказиш учун ёзган эмасман". Бу сўзни эшитган Умар: "Ё Расулуллоҳ, рухсат беринг, бу мунофиқнинг бошини танасидан жудо қилай", деганида, Пайғамбаримиз шундай дедилар: "Йўқ, у "Бадр"га гувоҳ бўлган (яъни, мусулмонлар ҳали жуда озчилик ва ночор ҳолатдалик пайтларида улар билан бирга Бадр жангида кофирларга қарши жанг қилган). Сен қаердан билурсан, эй Умар, эҳтимол Оллоҳ таоло Бадр жангида иштирок этган мусулмонларнинг барча қилган ва қиладиган гуноҳларини мағфират қилиб юборгандир". Мана шу пайтда юқоридаги ояти карима нозил бўлди.

2. *(Эй мўминлар),* **агар улар** *(мушриклар)* **сизларга зафар топсалар, душманларингиз бўлурлар ва сизларга қўл ва тилларини ёмонлик билан чўзурлар** *(яъни, сизларни ўлдирурлар, ҳақоратлар қилурлар).* **Улар сизларнинг яна кофир бўлишларингизни истарлар. 3.** *(Қиёмат Кунида)* **сизларга қариндош-уруғларингиз ҳам, бола-чақаларингиз ҳам ҳаргиз фойда бермас! Қиёмат Кунида** *(Оллоҳ)* **ўрталарингизни ажратиб**

қўюр, *(Бас, нечун ўша уруг-авлодингизни ҳимоя қилиш учун Оллоҳга гуноҳкор бўлмоқдасизлар?!)* **Оллоҳ қилаётган амалларингизни Кўриб тургувчидир. 4. Сизлар учун Иброҳим ва у билан бирга бўлган кишиларда** *(уларнинг кофирларга қилган муносабатларида)* **гўзал намуна бордир. Эслангиз, улар ўз қавмларига: "Дарҳақиқат, бизлар сизлардан ва сизлар Оллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларингиздан безормиз. Бизлар сизлар** *(ишониб, ибодат қилаётган бут-санамлар)***ни инкор этдик. Токи сизлар Ёлгиз Оллоҳга иймон келтиргунларингизча, сизлар билан бизнинг ўртамизда адоват ва ёмон кўриш зоҳирдир", дедилар. Фақат Иброҳим ўз***(ининг кофир бўлган)* **отасига: "Албатта мен** *(Оллоҳдан)* **сен учун магфират сўрайман,** *(лекин)* **сенга Оллоҳ томонидан бўладиган бирон нарсани** *(азобни қайтаришга)* **молик эмасман",** *(деган сўзларигина сизларга намуна бўлмасин)!*

И з о ҳ: Иброҳим алайҳис-салом оталарининг иймонга келишидан умидвор бўлиб, унга Оллоҳ таолодан магфират сўраш ҳақида ваъда қилган эдилар. Аммо унинг иймонга келмаслиги аниқ маълум бўлгач, Иброҳим пайгамбар ундан юз ўгирганлар. Бу ҳақда "Тавба" сурасининг 114-оятида баён қилингандир.

(Иброҳим ва у билан бирга бўлган мўминлар яна шундай дуо қилган эдилар): **"Парвардигоро, Ёлгиз Ўзингга таваккул қилдик ва Ўзингга инобат-тавба қилдик. Ёлгиз Сенгагина қайтишимиз бордир. 5. Парвардигоро, бизларни бу кофир бўлган кимсаларга мафтун-алдангувчи қилиб қўймагин, бизларни***(нг гуноҳларимизни)* **магфират қилгин. Парвардигоро, албатта Сен Ўзинг қудрат ва ҳикмат Соҳибидирсан". 6. Дарҳақиқат, сизлар учун - Оллоҳ ва Охират Кунидан умидвор бўлган кишилар учун уларда** *(Иброҳим пайгамбар ва у зот билан бирга бўлган мўминларнинг тутган йўлларида)* **гўзал намуна бордир. Ким** *(Исломдан ва мана шу панд-насиҳатлардан)* **юз ўгириб кетса, у ҳолда албатта Оллоҳ** *(ундай кимсалардан)* **Беҳожат ва мақтовга Лойиқ Зотдир. 7. Эҳтимол, Оллоҳ сизлар билан** *(Макка кофирлари орасидаги)* **сизлар душманлашиб юрган кимсалар ўртасида -** *(уларни ҳам иймон ва Исломга муваффақ қилиш билан)-* **бир дўстликни пайдо қилиб қўяр. Оллоҳ** *(барча ишга)* **Қодирдир. Оллоҳ Магфиратли, Меҳрибондир. 8. Оллоҳ Дин***(ингиз - Ислом)* **тўгрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқармаган кимсалардан - уларга яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингиздан қайтармас. Албатта Оллоҳ адолат**

қилгувчиларни севар. 9. Оллоҳ сизларни фақат Динларингиз тўғрисида сизлар билан урушган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқарган ҳамда сизларни ҳайдаб чиқаришда бир-бирларига ёрдамлашган кимсалардан - улар билан дўстлашишларингиздан қайтарур. Кимки улар билан дўстлашса, бас, ана ўшалар золим кимсаларнинг ўзидир. 10. Эй мўминлар, қачон сизларга *(Макка кофирларининг қўли остида қолган)* мўминалар ҳижрат қилиб келсалар, сизлар улар*(нинг иймонлари)*ни имтиҳон қилиб кўринглар *(яъни, улар ўз эрларини ёмон кўриб ёки сизлардан биронтангизга ишқи тушиб қолгани учун эмас, балки фақат мўмина бўлганлиги сабабли, дини Ислом учун ҳижрат қилганлари ҳақида сизларга қасам ичсинлар).*- Оллоҳ уларнинг *(диллларидаги)* иймонларини *(ҳам)* жуда яхши Билгувчидир.- Бас, агар сизлар уларнинг *(ҳақиқий)* мўмина эканликларини билсангизлар, у ҳолда уларни кофирларга қайтарманглар!- У мўминалар *(кофирлар)* учун ҳалол эмас ва у *(кофир)*лар *(мўмина)*лар учун ҳалол бўлмайдилар- Ва уларга *(яъни, сизларнинг олдингизда қолган мўминаларнинг Маккада қолган кофир эрларига мана шу хотинлари учун)* сарфлаган маҳрларини *(қайтариб)* беринглар! Қачон сизлар у *(мўмина)*ларга маҳрларини берсангизлар, сизларга уларни никоҳларингизга олишда бирон гуноҳ йўқдир. *(Шунингдек)*, сизлар ҳам кофираларнинг билак-қўлларидан ушламанглар *(яъни, сизларнинг хотинларингиз кофира бўлган ҳолларида кофирлар билан қолишни истаса, сизлар уларнинг йўлларини тўсиб никоҳларингизда сақламанглар, балки уларга уйланмоқчи бўлган кофирлардан)* ўзларингиз сарфлаган маҳрни талаб қилинглар ва улар ҳам *(ўзларининг никоҳидан чиққан ва мусулмонларнинг олдига ҳижрат қилиб кетган мўминаларга)* сарфлаган маҳрларини талаб қилсинлар. Бу Оллоҳнинг ҳукмидирки, У Зот сизларнинг ўртангизда ҳукм қилур. Оллоҳ Билгувчи ва ҳикмат Соҳибидир. 11. Агар жуфтларингиздан биронтаси кофирлар томонга ўтиб кетса-ю, *(аммо улар ўша хотин учун берилган маҳрни унинг эрига қайтариб бермасалар)*, сўнг сизлар ўч олсангизлар *(яъни, у кофирлар билан урушиб ғалаба қилсангизлар ва ўлжалар олсангизлар)*, у ҳолда *(ўша ўлжалардан)* жуфтлари *(кофирлар томонга ўтиб)* кетган кишиларга улар сарфлаган маҳр миқдорини беринглар! Ва ўзларингиз иймон келтиргувчи бўлган - Оллоҳдан қўрқинглар! 12. Эй Пайғамбар *(алайҳис-салом)*, қачон Сизнинг олдингизга мўминалар келишиб,

Сизга ўзларининг Оллоҳга бирон нарсани шерик қилмасликларига, ўғрилик қилмасликларига, зино қилмасликларига, *(камбағаллик ёки шарманда бўлишдан қўрқиб)* **ўз болаларини ўлдирмасликларига ва қўл-оёқлари ўртасида тўқиб оладиган бўҳтонни қилмасликларига** *(яъни, фарзандсизлик сабабли ўз эрларидан ажралиб қолмаслик учун бирон ташландиқ болани топиб, гўё у қўл-оёқлари ўртасидан чиққандек, яъни, ўзлари туққандек эрларига: "Мана шу бола сендан бўлди"; деб бўҳтон қилмасликка)* **ҳамда бирон яхши ишда Сизга итоатсизлик қилмасликларига қасамёд қилсалар, Сиз уларнинг қасамёдларини қабул қилинг ва улар учун Оллоҳдан мағфират сўранг! Албатта Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир. 13. Эй мўминлар, Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлган қавм билан дўст бўлманглар! Худди барча кофирлар қабр эгалари***(нинг яъни, ўликларнинг қайта тирилишлари)***дан ноумид бўлганларидек, уларнинг ҳам Охиратдан умидлари узилгандир.**

САФ сураси (61)

Мадинада нозил бўлган бу сура ўн тўрт оятдир.

У дастлаб Оллоҳ таолога тасбеҳ айтилганидан сўнг мўминларга берган ваъдаларининг устидан чиқишлари лозим эканлигини уқтириш билан бошланади.

Сўнгра Оллоҳ таоло Ўзининг Йўлида саф бўлиб курашадиган кишиларни суйиши таъкидланадики, суранинг "Саф" деб номланишига шу сабабдир.

Бу сурада Мусо ва Ийсо пайғамбарларнинг бани Исроил қавми томонидан кўрган озор-азийятлари ҳам зикр қилингандир.

Сура мўминларга Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари Муҳаммад алайҳис-саломга иймон келтирганларидан кейинги энг нажотбахш амал Оллоҳнинг Йўлида молу жонлари билан жиҳод қилишлари эканлигини уқтириб, уларни Ҳақ таолонинг ёрдамчилари бўлишга даъват қилиш билан якунланади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Осмонлардаги ва Ердаги бор нарса Оллоҳга тасбеҳ айтди. У қудрат ва ҳикмат Соҳибидир. 2. Эй мўминлар, нега сизлар ўзларингиз қилмайдиган нарсани *(қиламиз, деб)* **айтурсизлар?! 3. Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни** *(қиламиз, деб)* **айтишларингиз Оллоҳ наздида ўта манфур** *(ишдир).*

Изоҳ: Бу икки оят айрим саҳобалар ўзларича: "Оллоҳ таолога энг суюкли бўлган ишни билсак эди, албатта ўша амални қилган бўлур эдик", деб юришиб, сўнгра ўша суюкли амал Оллоҳ Йўлида жиҳод қилиш эканлиги ҳақида оят нозил бўлгач эса уларнинг баъзи бирлари сусткашлик қилганларида нозил бўлгандир.

4. Албатта Оллоҳ Ўзининг Йўлида гўё туташ бинолардек бир сафга тизилган ҳолларида жиҳод қиладиган зотларни севар. 5. Эсланг, Мусо ўз қавмига: "Эй қавмим, нега сизлар мен Оллоҳнинг сизларга *(юборган)* **пайғамбари эканлигимни билган ҳолларингизда менга озор берурсизлар?!", деган эди. Бас, қачонки улар** *(Ҳақ Йўлидан)* **оғишгач, Оллоҳ уларнинг дилларини** *(ҳидоятдан)* **оғдириб қўйди.** *(Зотан),* **Оллоҳ фосиқ-итоатсиз**

қавмни ҳидоят қилмас. 6. Эсланг, Ийсо бинни Марям: "Эй бани Исроил, албатта мен Оллоҳнинг сизларга *(юборган)* **пайғамбаридирман.** *(Мен)* **ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир Пайғамбар ҳақида хушхабар бергувчи бўлган ҳолда** *(юборилдим)***", деган эди. Бас, қачонки** *(Ийсо)* **уларга** *(ўзининг ҳақ пайғамбар эканлигига)* **аниқ-равшан ҳужжат-мўъжизалар келтиргач, улар: "Бу очиқ сеҳр", дедилар.**

И з о ҳ: Ушбу икки оят Пайғамбар алайҳис-саломнинг салафлари ҳаётидан келтирилган лавҳалар бўлиб, улар ҳам ўз қавмлари томонидан азийят тортиб, ёлғончи қилинганлари баён этилди ва бу билан Оллоҳ таоло Ўзининг сўнгги Пайғамбарини кофирлар томонидан етадиган озорларга ўз салафлари каби сабр-тоқат қилишга даъват этди. Кейинги оятдаги Аҳмад - Пайғамбаримизнинг исмлари бўлиб, Муҳаммад сўзи билан бир ўзакдан чиққандир. У ўзак "ҳамд-мақтамоқ" калимаси бўлиб, Аҳмад - Парвардигорга кўп ва хўб ҳамд айтгувчи маъносини ифодаласа, Муҳаммад - дунё ва Охиратда мақтовга сазовор бўлгувчи деган мазмунда келади.

7. Ўзи Исломга даъват қилинаётган ҳолида *(у даъватни қабул қилиш ўрнига)* **Оллоҳ шаънига** *("У Зотнинг боласи бор, шериклари ҳам бор", деб, ёки Оллоҳнинг оят-мўъжизаларини "Бу сеҳр", деб)* **ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Оллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас! 8. Улар Оллоҳнинг нурини** *(яъни, Исломни)* **оғизлари** *(яъни, беҳуда гаплари)* **билан ўчирмоқчи бўлурлар. Оллоҳ эса, гарчи кофирлар истамасалар-да, Ўз нурини** *(яъни, Динини)* **тўла** *(яъни, ҳар тарафга)* **ёйгувчидир. 9. У** *(Оллоҳ)* **- гарчи мушриклар истамасалар-да - Ўз Пайғамбарини Ҳидоят ва Ҳақ Дин билан барча динларга ғолиб қилиш учун юборган Зотдир. 10. Эй мўминлар, сизларга аламли азобдан нажот берадиган бир "тижорат"ни кўрсатайми? 11.** *(Ўша "тижорат" мана будир)***- Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига иймон келтирурсизлар ва Оллоҳ Йўлида мол ва жонларингиз билан жиҳод қилурсизлар. Мана шу, агар билсангизлар, ўзларингиз учун энг яхши** *(иш)***дир. 12.** *(Агар шундай қилсангизлар, Оллоҳ)* **сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ҳамда сизларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга ва абадий жаннатлардаги покиза масканларга киритур. Бу эса буюк саодатдир. 13. Ва** *(Оллоҳ сизларга)* **яна бошқа сизлар суядиган** *(бир неъматни ҳам берурки, у)* **Оллоҳ томонидан бўлган ғалаба ва**

яқин*(да рўй бергувчи Макка)* фатҳидир. *(Эй Муҳаммад)*, мўминларга *(мана шу)* хушхабарни етказинг! 14. Эй мўминлар, сизлар ҳам худди *(ҳаворийлар каби)* Оллоҳнинг ёрдамчилари бўлингиз!- Ийсо бинни Марям ҳаворийларга: "Оллоҳга *(яъни, Унинг Динига даъват қилишимда)* ким менинг ёрдамчим бўлур?", деганида, ҳаворийлар айтдилар: "Биз Оллоҳнинг *(Динига)* ёрдам бергувчилармиз". Бас, бани Исроилдан бир тоифа *(одамлар Ийсога)* иймон келтирди ва бир тоифа кофир бўлди. Бас, Биз иймон келтирган зотларни душманларидан кучли қилиб, улар *(кофирлар устига)* ғолиб бўлиб қолдилар.

ЖУМЪА сураси (62)

Бу сура ҳам мадина сураларидан бўлиб, ўн бир оятдан ташкил топгандир.

Сура барча инсониятни жаҳолат-билимсизлик ботқоғидан чиқариб, уларга Қуръон таълимотини етказиш учун Муҳаммад алайҳис-саломни Пайғамбар қилиб юборган Оллоҳ таологa тасбеҳ айтиб, У Зотни барча айбу нуқсондан поклаш билан бошланади.

Шунингдек, бу сурада ўзларига ато этилган Таврот кўрсатмаларига амал қилмаган яҳудийларни устларига китоб юкланган эшакларга ташбеҳ қилиниб, уларнинг золим қавм эканликлари таъкидланади.

Сўнгра Жумъа намозининг аҳкомлари баён қилиниб, мўминларни ҳаёти дунё матоларига учмасдан Оллоҳ таоло ҳузуридаги ажр-мукофот учун амал қилишга даъват этилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Осмонлардаги ва Ердаги бор нарса *(Ёлғиз)* **Подшоҳ,** *(барча айб-нуқсондан)* **Пок, қудрат ва ҳикмат Соҳиби бўлмиш Оллоҳга тасбеҳ айтур. 2. У** *(Оллоҳ)* **омийлар** *(яъни, аҳли Китоб бўлмаган илмсиз кишилар)* **орасига ўзларидан бўлган, уларга** *(Қуръон)* **оятларини тиловат қиладиган, уларни** *(ширк ва жаҳолатдан)* **поклайдиган ҳамда уларга Китоб - Қуръон ва ҳикмат - ҳадисни ўргатадиган бир Пайғамбарни** *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломни)* **юборган Зотдир. Шак-шубҳасиз, улар** *(ўзларига Пайғамбар келишидан)* **илгари очиқ залолатда эдилар. 3.** *(Оллоҳ бу Пайғамбарни)* **яна улардан бошқаларга - уларга ета олмаган** *(энди дунёга келадиган барча инсонларга ҳам юборгандир).* **У қудрат ва ҳикмат Соҳибидир. 4. Бу** *(яъни, барча инсониятга Пайғамбар бўлиш)* **Оллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Оллоҳ улуғ фазлу марҳамат Соҳибидир. 5.** *(Устларига)* **Таврот юкланган сўнгра уни кўтара олмаган** *(яъни, унинг кўрсатмаларига амал қилмаган)* **кимсалар** *(яҳудийлар)***нинг мисоли худди** *(устига ортиб қўйилган)* **китобларни кўтариб кетаётган эшакка ўхшайди** *(яъни, бу кимсалар унинг*

вазминлигидан чарчаб-толадилар-у, аммо у Китобнинг ичидаги нарсалардан фойдаланмайдилар). **Оллоҳнинг оятларини ёлгон, деган қавмнинг мисоли нақадар ёмондир. Оллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас! 6.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **айтинг: "Эй яҳудийлар, агар сизлар** *(бошқа)* **одамларни эмас, фақат ўзларингизни Оллоҳнинг дўстлари деб даъво қилсангизлар - агар** *(мана шу даъволарингизда)* **ростгўй бўлсангизлар - ўлимни орзу қилинглар-чи!" 7. Улар қўллари** *(яъни, ўзлари)* **қилиб қўйган ишлари** *(яъни, Тавротда Ҳақ Пайғамбар эканликлари зикр қилинган Муҳаммад алайҳис-саломни ёлгончи қилганлари)* **сабабли ҳеч қачон** *(ўлимни)* **орзу қила олмаслар. Оллоҳ бундай золим кимсаларни Билгувчидир. 8. Айтинг: "Сизлар қочаётган бу ўлим албатта сизларга йўлиққувчидир. Сўнгра сизлар ғайбу шаҳодатни** *(яъни, барча яширин ва ошкора нарса-амалларни)* **Билгувчи** *(Оллоҳ)***га қайтарилурсизлар. Бас, У Зот сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур!" 9. Эй мўминлар, қачон Жумъа кунидаги намозга чорланса** *(яъни, азон айтилса),* **дарҳол Оллоҳнинг зикрига** *(яъни, жумъа намозини адо қилиш учун)* **шошиб боринглар ва олди-сотдини тарк қилинглар! Агар биладиган бўлсангизлар мана шу** *(яъни, Оллоҳнинг зикрига - Жумъа намозини ўқишга шошилиш)* **ўзларингиз учун яхшироқдир. 10. Энди қачон намоз адо қилингач, Ерга тарқалиб, Оллоҳнинг фазлу марҳаматидан** *(ризқу рўз)* **истайверинглар. Оллоҳни кўп зикр қилингларки, шояд нажот топурсизлар. 11.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **қачон улар бирон тижоратни ёки ўйин-кулгини кўриб қолсалар, ўшанга қараб сочилиб тарқалиб кетурлар ва Сизни** *(минбарда)* **тик турган ҳолингизда тарк қилурлар.**

И з о ҳ: Ривоят қилинишича, бир Жумъа куниda Пайғамбар алайҳис-салом минбарда хутба - ваъз айтиб турганларида, Мадинага савдогарлар карвони кириб келади. Шунда айрим саҳобалар Расулуллоҳни минбарда қолдириб савдо-сотиқ қилиш учун карвон томонига югуришганида, мусулмонларга танбеҳ бўлиб ушбу оят нозил қилинади. Оят давомида дунёнинг фоний матоларидан Оллоҳ таоло мўминларга Охиратда ато этадиган нарсалар яхшироқ эканлиги таъкидланади.

Айтинг: "Оллоҳ ҳузуридаги нарса *(иймон ва яхши амаллар учун бериладиган ажр-мукофот)* **ўйин-кулгидан ҳам, тижоратдан ҳам яхшироқдир! Оллоҳ ризқ бергувчиларнинг Яхшироғидир!**

МУНОФИҚУН сураси (63)

Ўн бир оятдан иборат бўлган бу сура Мадинада нозил қилингандир.

"Мунофиқун - Мунофиқлар" деб номланган бу сура уларнинг кирдикорларини - тубан ахлоқларини, ярамас сифатларини, тиллари билан диллари бошқа-бошқа эканлигини ва ниҳоят улар устларига Ислом тўнини кийиб олишиб, одамларни Исломдан тўсишларини фош этади.

Сура ниҳоясида мўминларни дунё зийнатларига алданиб қолмасликка ва бошларига ўлим келиб қолишидан илгари Оллоҳ таоло уларга ато этган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилишга буюрилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **қачон мунофиқлар Сизнинг олдингизга келсалар: "Гувоҳлик берамизки, Сиз шак-шубҳасиз, Оллоҳнинг Пайғамбаридирсиз", дерлар. Оллоҳ дарҳақиқат, Сиз Ўзининг Пайғамбари эканлигингизни билур, яна Оллоҳ у мунофиқларнинг шак-шубҳасиз, ёлғончи эканликларига ҳам гувоҳлик берур.**

И з о ҳ: Яъни, мунофиқлар Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбар эканликларига чин дилдан иймон келтирганлари йўқ, балки фақат тилларидагина гувоҳлик бердилар, демак, уларнинг бу гувоҳликлари ёлғон гувоҳликдир.

2. Улар ўзларининг *(мусулмон эканликлари ҳақида ичган ёлғон)* **қасамларини қалқон қилишиб олиб,** *(одамларни)* **Оллоҳнинг Йўлидан тўсдилар! Уларнинг қиладиган иш-амаллари нақадар ёмондир! 3. Бунга сабаб, уларнинг** *(тилларида)* **иймон келтириб, сўнгра** *(дилларида)* **кофир бўлганларидир. Бас, уларнинг диллари муҳрлаб қўйилди. Энди улар** *(иймоннинг ҳақиқатини)* **англай олмаслар! 4. Қачон Сиз уларга боқсангиз, уларнинг жисмлари** *(кўринишлари, кийган кийимлари)* **Сизни ҳайратга солур, сўзлаганларида эса сўзларига** *(оҳангдор, фасоҳатли бўлгани учун берилиб)* **қулоқ солурсиз.** *(Лекин уларнинг диллари иймон ва яхшиликдан холи бўлгани учун)* **улар гўё** *(деворга)* **йўлаб қўйилган**

(чирик) ёғочларга ўхшайдилар. Улар *(юраксизликлари сабабли)* ҳар бир қичқириқ-овозни устларига *(тушаётган бирон бало-офат деб)* гумон қиладилар. Улар душмандирлар! Бас, улардан эҳтиёт бўлинг! Уларни Оллоҳ лаънатлагай! Қандай адашмоқдалар-а! 5. Қачон уларга: "Келинглар, Оллоҳнинг Пайғамбари сизлар учун мағфират сўрар", дейилса, албатта улар бошларини буриб кетурлар ва Сиз *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, уларни кибр-ҳаво қилган ҳолларида юз ўгиришларини кўрурсиз.

И з о ҳ: Ушбу ва қуйидаги оятлар мунофиқлар бошлиғи Абдуллоҳ ибн Салул ҳақида нозил бўлгандир. Воқеа бундай бўлган. Пайғамбар алайҳис-салом саҳобалари билан банул-Мусталиқ қабиласига қарши жанг қилиб ғалаба қозонганларидан сўнг Мадинага қайтаётганларида бир мунофиқ кимса муҳожир мусулмонлардан бири билан сув талашиб жанжаллашиб қолишади. Шу пайт ўша ерда ҳозир бўлган Абдуллоҳ ибн Салул ҳалиги муҳожир ва умуман барча муҳожир мусулмонлар ҳақида ножўя сўзлар айтиб, уларни ҳақорат қилади ва ўз қавмига қараб: "Бу келгиндиларга (яъни, муҳожирларга) ёрдам ва хайр-саховат қилманглар, токи улар Муҳаммадни ташлаб ўз юртларига қайтиб кетсинлар. Ҳали Мадинага қайтганимизда албатта кучлилар (яъни, бизлар) кучсизларни (яъни, мусулмонларни) Мадинадан қувиб чиқарур", дейди. Аммо кейинроқ, Пайғамбар алайҳис-салом бу воқеадан хабардор бўлганларидан кейин ундан: "Сен шу гапларни айтдингми?", деб сўраганларида эса у қасам ичиб айтган сўзларидан тонади ва ёлғон қасамни қалқон қилиб олади. Энди у ва унинг ҳамтовоқлари ҳақида оятлар нозил бўлгач, айрим кишилар унга: "Эй Абдуллоҳ, сенинг хусусингда қаттиқ оятлар тушди, сен Расулуллоҳнинг ҳузурларига бориб узр сўрагин, у киши сенинг гуноҳларингни мағфират қилишини сўраб Оллоҳ таолога дуо қилсинлар, шояд Оллоҳ мағфират қилса", дейишганида, у бундан бош тортади ва: "Сизлар иймон келтир, дединглар, иймон келтирдим; молингнинг закотини бер, дединглар, закот бердим, энди бир камим бориб Муҳаммадга сажда қилиш қолувди", деб жавоб беради. Шунда юқоридаги оят нозил бўлади ва навбатдаги оятда эса ундай мунофиқ кимсалар ҳақида қилинган ҳеч қандай дуо-илтижо ижобат бўлмаслиги уқтирилади.

6. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз улар учун мағфират сўрадингизми ёки мағфират сўрамадингизми уларга баробардир - Оллоҳ уларни ҳаргиз мағфират қилмас! Албатта Оллоҳ бундай

фосиқ-итоатсиз қавмни ҳидоят қилмас. 7. Улар шундай кимсаларки, *(ўзларининг тобеъларига)*: "Оллоҳнинг Пайғамбари ҳузуридаги кишиларга инфоқ-эҳсон қилманглар, токи улар тарқалиб кетсинлар", дейдилар. Ҳолбуки, осмонлар ва Ер хазиналари Ёлгиз Оллоҳникидир. Лекин мунофиқлар *(буни)* англамаслар. 8. Улар: "Қасамки, агар Мадинага қайтсак, албатта кучлилар кучсизларни ундан қувиб чиқарур", дерлар. Ҳолбуки, куч-қудрат Оллоҳники, Унинг Пайғамбариники ва мўминларникидир. Лекин мунофиқлар *(буни)* билмаслар. 9. Эй мўминлар, на мол-дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизларни Оллоҳнинг зикридан *(яъни, Оллоҳга ибодат қилишдан)* юз ўгиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир! 10. Сизларнинг *(ҳар)* бирингизга ўлим келиб, у: "Парвардигорим, мени озгина муддатга *(ҳаётда)* қолдирсанг, мен хайр-садақа қилиб, солиҳ *(банда)*лардан бўлсам", деб қолишидан илгари - Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз! 11. *(Чунки)* Оллоҳ бирон жонни ажали келган вақтида *(вафот этдирмасдан)* қолдирмас. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир.

ТАҒОБУН сураси (64)

Бу сура Мадинада нозил қилинган бўлиб, ўн саккиз оятдир.

Сура Оллоҳ таолонинг қудрати Илоҳийясига далолат қиладиган оятлар билан бошланиб, сўнгра илгари ўтган динсиз кимсалар топган оқибатлар ва улар Охиратда гирифтор бўладиган аламли азоб ҳақида хабар берилади.

Бу сурада ўлгандан кейин қайта тирилиш Куни бор эканлигини инкор қилган кофирларнинг даъволари кескин рад этилиб, Парвардигори олам номига қасам билан у Куннинг ҳақ экани таъкидланади ва уни "Тағобун", яъни, "Бир-бирларини алдаш-зиён етказиш" Куни деб аталади. Чунки бу дунёда мўминларни алдаб, уларга зиён етказиш ҳаракатида юрган кофирлар у Кунда дўзахга гирифтор қилинишлари билан ўзларининг зиён тортиб, алданиб қолганликларини билишиб, надоматлар қилурлар, мўминлар эса у Кунда жаннат неъматига эришишлари билан ҳаёти дунёда кофирларнинг васваса-алдовларига учмаганликлари сабабли катта фойда кўрганликларини билурлар.

Сура охирида мўминларга топган мол-мулк ва бола-чақалари улар учун фақат бир имтиҳон эканлиги уқтирилиб, уларни қўлларидан келганича тақво билан ҳаёт кечиришга ва Оллоҳ Йўлида бечора-мискинларга хайр-эҳсон қилишга даъват этилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Осмонлардаги ва Ердаги бор нарса Оллоҳга тасбеҳ айтур. Эгалик - подшоҳлик Ёлғиз Уникидир ва ҳамду сано Ёлғиз Унинг учундир. У барча нарсага Қодирдир. 2. У сизларни яратган Зотдир. Бас, сизлардан *(айримларингиз)* кофир, сизлардан *(айримларингиз)* мўминдир. Оллоҳ қилаётган амалларингизни Кўриб тургувчидир. 3. У осмонлар ва Ерни Ҳақ *(қонун)* билан яратди ва сизларга сурат-шакл берди - суратларингизни гўзал қилди. Ёлғиз Унга қайтиш бордир. 4. У осмонлар ва Ердаги бор нарсани билур ва У сизлар

яширадиган нарсани ҳам, ошкор қиладиган нарсани ҳам билур. Оллоҳ диллардаги сирларни Билгувчидир. 5. *(Эй Макка кофирлари),* сизларга аввалги кофир бўлган, сўнг *(ҳаёти дунёдалик пайтларидаёқ)* ўз ишларининг зиёнини тотган кимсаларнинг хабари келдими? Яна улар учун *(Охиратдаги)* аламли азоб ҳам бордир. 6. Бунга сабаб, уларга пайғамбарлари *(ўзларининг ҳақ пайғамбар эканликларини билдирувчи)* ҳужжатлар билан келганларида, улар: "Бизларни *(ўзимизга ўхшаган)* башар *(авлодлари)* ҳидоят қилурлармии?!", дейишиб, *(у пайғамбарларга)* кофир бўлганлари ва *(иймондан)* юз ўгириб кетганларидир. *(Шунда)* Оллоҳ *(уларни ҳалок қилиш билан Ўзи уларнинг иймонларидан)* Беҳожат эканлигини кўрсатди. Оллоҳ Беҳожат ва ҳамду санога Лойиқ Зотдир. 7. Кофир бўлган кимсалар ўзларининг ҳеч қачон қайта тирилмасликларини гумон-даъво қилдилар. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* айтинг: "Йўқ, Парвардигоримга қасамки, албатта қайта тирилурсизлар, сўнгра албатта сизларга қилган амалларингизнинг хабари берилур. Бу Оллоҳга осондир". 8. Бас, сизлар Оллоҳга, Унинг Пайғамбарига ва Биз нозил қилган Нурга - Қуръонга иймон келтиринглар! Оллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир. 9. *(Оллоҳ)* сизларни тўпланиш Кунига тўплашини *(эсланглиз)!* Бу *(одамлар)* бир-бирларини "алдаб-зиён етказадиган" Кундир *(яъни, ҳаёти дунёда иймон эгаларини алдаб-зиён етказиб юрган кофирлар у Кунда дўзах азобига дучор қилиниш билан ўзларининг алданган кимсалар эканликларини билиб олурлар).* Ким Оллоҳга иймон келтирса ва яхши амал қилса, *(Оллоҳ)* унинг ёмонлик-гуноҳларини ўчирур ва уни остидан дарёлар оқиб турадиган, *(барча жаннат аҳли)* абадул-абад қоладиган жаннатларга киритур. Бу эса буюк саодатдир. 10. Кофир бўлган ва Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсалар - ана ўшалар дўзах эгалари бўлиб, ўша жойда мангу қолгувчидирлар. Нақадар ёмон оқибат *(бу)!* 11. *(Бирон кимсага)* бирон мусибат етмас, магар Оллоҳнинг изни-иродаси билангина *(етур).* Ким Оллоҳга иймон келтирса, У Зот унинг қалбини *(Тўғри Йўлга)* ҳидоят қилур. Оллоҳ барча нарсани Билгувчидир. 12. Оллоҳга итоат этингиз ва Пайғамбарга бўйсунингиз! Энди агар *(итоатдан)* бош тортсангиз, у ҳолда *(билингизки),* Пайғамбаримиз зиммасида фақат *(Бизнинг ваҳийларимизни сизларга)* очиқ-равшан қилиб етказиш бор, холос. 13. Оллоҳ - ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. Бас, мўминлар Ёлгиз Оллоҳга таваккул қилсинлар - суянсинлар! 14. Эй мўминлар, албатта жуфтларингиз ва болаларингиздан сизлар

учун душман бўлганлари ҳам бордир. Бас, улардан эҳтиёт бўлинглар! Агар сизлар *(уларни)* афв этсанглар, кечириб юборсанглар ва мағфират қилсанглар, у ҳолда албатта Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир.

Изоҳ: Ривоят қилинишича, Макка аҳлидан бир гуруҳ кишилар Исломни қабул қилишиб, сўнгра Пайғамбар алайҳис-салом ҳузурларига - Мадинаи мунавварага ҳижрат қилмоқчи бўлганларида, уларнинг динсиз бўлган хотин ва бола-чақалари бу ниятларидан тўсишиб: "Исломга кирганларингизга сабр қилдиқ, аммо бизларни ташлаб ҳижрат қилишларингизга чидай олмаймиз", дейишган экан. Шунда улар бу гапга кўнишиб Маккада қолишган ва орадан анча замон ўтиб, Мадинага келганларида эса бу ердаги мусулмонлар Диний билимларни пухта эгаллаб олганларини кўришиб, илгари ўзларининг йўлларини тўсган хотин, бола-чақаларидан ўч олмоқчи бўлганларида юқоридаги оят нозил бўлгандир. Муфассирлар айтишларича, ушбу ояти карима Оллоҳ таолога тоат-ибодат қилишдан тўсадиган хотинлар ва болаларнинг сўзларига кирадиган барча кишилар учун танбеҳдир.

15. Сизларнинг мол-мулкларингиз ва бола-чақаларингиз фақат бир фитна-имтиҳондир, холос. Улуғ ажр-мукофот эса Ёлғиз Оллоҳнинг ҳузуридадир. 16. Бас, кучларингиз етганича Оллоҳдан қўрқинглар, *(ўзларингизга қилинаётган панд-насиҳатга)* қулоқ тутинглар ва итоат этинглар ҳамда инфоқ-эҳсон қилинглар, *(мана шу)* ўзларингиз учун яхшироқ бўлур. Ким ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топгувчидирлар. 17. Агар сизлар Оллоҳга қарзи-ҳасана берсангизлар *(яъни, Унинг мискин-бечора бандаларига инфоқ-эҳсон қилсангизлар)*, У Зот сизларга бир неча баробар қилиб *(қайтарур)* ва сизларни*(нг гуноҳларингизни)* мағфират қилур. Оллоҳ ўта Шукр қилгувчи *(яъни, озгина яхши амал учун кўп мукофот ато этгувчи)* ва Ҳалимдир. 18. *(У)* ғайбу шаҳодатни *(яъни, барча яширин ва ошкор ишларни)* Билгувчи, қудрат ва ҳикмат Соҳибидир.

ТАЛОҚ сураси (65)

Бу сура ўн икки оятдан иборат бўлиб, Мадинада нозил қилинган.

Унда сўз асосан оилавий аҳволга тааллуқли Шариат ҳукмларидан талоқ ва унинг қонун-қоидалари устида боради. Шунинг учун у "Талоқ" сураси деб номлангандир.

Яна бу сурада идда ва унинг турлари ҳамда иддадаги аёлни жой ва нафақа билан таъминлаш тартиблари ҳам баён этилади.

Сура давомида эр ё хотиндан бирортасига зулм бўлмаслиги учун Оллоҳдан қўрқишга бўлган даъват бот-бот такрорланиб туради.

Сура Қуръони Карим нозил қилинишидан ва Муҳаммад алайҳис-салом Пайғамбар қилиб юборилишларидан мурод, мўминларни жаҳолат зулматларидан иймон нурига олиб чиқиш эканини таъкидлаш ҳамда етти осмону етти заминни яратган Зот бўлмиш Оллоҳ таоло барча нарсани Билиб, Иҳота қилиб тургувчи Зот эканлигини уқтириш билан хотима топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Эй Пайғамбар *(алайҳис-салом)*, **қачон сизлар** *(яъни, мўминлар)* **аёлларингизни талоқ қилсангизлар, уларнинг иддаларида** *(яъни, ҳайз ёки нифосдан поклик пайтларида)* **талоқ қилинглар ва идда сананглар! Ва Парвардигорларингиз бўлмиш Оллоҳдан қўрқинглар!** *(То иддалари тугагунча)* **уларни** *(ўзлари яшаб турган)* **уйларидан ҳайдаб чиқарманглар ва улар ўзлари ҳам чиқиб кетмасинлар! Фақат улар очиқ фаҳш ишни** *(яъни, бузуқлик ёки беҳаёлик каби қилиқларни)* **қилсаларгина** *(яшаб турган уйларидан ҳайдаб чиқарилурлар)*. **Бу Оллоҳнинг қонун-чегараларидир. Кимки Оллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, аниқки, у ўзига зулм қилибди. Сиз билмассиз, эҳтимол Оллоҳ бу** *(талоқ)***дан кейин бирон ишни пайдо қилар.**

Изоҳ: Бақара сурасининг 228-оятида айтилганидек, талоқ қилинган аёллар уч ҳайз муддатида идда сақлаб ўзларининг

ҳомиладор бўлган-бўлмаганларини кузатадилар. Агар бирон аёл ҳайз кўриш пайтида талоқ қилинса, у мана шу ҳайзидан ташқари яна уч ҳайз идда сақлаши лозим бўладики, бу ўша аёлга зулм қилиш демакдир. Чунки у идда муддати тугаши билан бошқа эр билан турмуш қуриш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳолатда эса талоқ қилинган аёл яна ортиқча бир ҳайз идда сақлашга мажбур бўлади. (Умуман оиласиз эркак ва аёлларнинг кўпайиши жамиятда бузуқлик ва нопокликнинг авж олишига сабаб бўлгани учун Ислом дини оилаларнинг бузилиб кетишига имкон қадар йўл бермасликка, агар бузилган чогда эса иложи борича тезроқ ярашишга ёки бошқа турмуш қуришга даъват этади). Шунинг учун юқоридаги оятда талоқ қилгувчилар хотинларини идда сақлайдиган поклик пайтларида талоқ қилишга ҳамда иддани аниқ ҳисоб-китоб қилиб боришга буюриладилар. Ушбу фармоннинг яна бир ҳикмати, аёл киши ҳайз кўриш пайтида одатда эри унга поклик пайтидагидек рағбат қилмайди, бинобарин ундан ажралиш ҳам эр учун у қадар қийин иш эмасдек туюлиши мумкин. Шу сабабдан Қуръон эркакларга, агар улар хотинларидан ажралмоқчи бўлсалар у аёлларни пок ва марғуба бўлган пайтларида талоқ қилишлари мумкин эканлигини билдиради. Бундан ташқари ушбу оятда талоқ қилинган аёлларни модомики, улар бузуқлик, беҳаёлик қилмас эканлар, то идда муддатлари тугамагунича эрларининг уйларидан чиқариб юбориш дуруст эмаслиги баён қилинди. Бу ҳукмдан мурод, биринчидан, идда сақлаётган аёл мана шу идда муддати асносида талоқ қилган эрининг ҳукмида эканлигини, яъни, бошқа эрга никоҳланиши дуруст эмаслигини билдириш бўлса, иккинчидан, агар у аёл уч талоқ қилинмасдан бир ёки икки талоқ қилинган бўлса, жаҳл устида талоқ қилиб юборган эри ҳар куни уни кўриб турганлиги сабабли, меҳр кўзда, деганларидек яна унга мойил бўлиб, эр-хотиннинг қайтадан ярашиб кетишлари ҳам осонлашишидир. Шунинг учун ҳам оят ниҳоясида "Сиз билмассиз, эҳтимол Оллоҳ бу (талоқ)дан кейин бирон ишни пайдо қилар", дейилди.

2. Энди қачон *(талоқ қилган аёлларингизнинг идда)* **муддатлари битиб қолса, бас, уларни яхшилик билан олиб қолинглар** *(яъни, қайта никоҳларингизга олинглар)* **ёки яхшилик билан** *(яъни, ҳаққи маҳрларини бериб)* **улардан ажрашинглар. Ва** *(ярашиб олиб қолаётган ёки ажрашиб кетаётган чоғларингда)* **ўзларингиздан** *(яъни, мусулмонлардан)* **бўлган икки адолат соҳибини гувоҳ қилинглар ва** *(гувоҳ бўлгувчилар)* **гувоҳликни Оллоҳ учун тўкис адо қилинглар! Бу** *(ҳукм)***дан фақат Оллоҳга ва**

Охират Кунига иймон келтиргувчи бўлган киши панд-ибрат олур. Ким Оллоҳдан қўрқса *(яъни, юқорида мазкур бўлган талоқ қилиш қонун-қоидаларига Оллоҳдан қўрққани учун риоя этса),* **У Зот унинг учун** *(барча ғам-кулфатлардан)* **чиқар йўлни** *(пайдо)* **қилур. 3. Ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур. Ким Оллоҳга таваккул қилса, бас,** *(Оллоҳнинг)* **Ўзи унга етарлидир. Албатта Оллоҳ Ўзи** *(хоҳлаган)* **ишига Етгувчидир** *(яъни, Унинг хоҳишига қарши тургувчи кимса йўқдир).* **Дарҳақиқат, Оллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб қўйгандир** *(яъни, ҳаётда рўй берадиган ҳар бир яхши-ёмон воқеа-ҳодиса Ёлғиз Оллоҳ хоҳлаган - белгилаган вақт ва ўлчовда рўй беради).* **4. Аёлларингиз орасидаги** *(кексайиб қолгани сабабли)* **ҳайз кўришдан умид узганлари, агар сизлар** *(уларнинг иддалари қанча давом этиши хусусида)* **шубҳалансангизлар, бас,** *(билингизки),* **уларнинг иддалари уч ойдир, яна** *(ҳали-ҳануз)* **ҳайз кўрмаган** *(аёллар)***нинг** *(иддалари ҳам уч ойдир).* **Ҳомиладор** *(аёл)***ларнинг** *(идда)* **муддатлари эса ҳомилаларини қўйишлари** *(яъни, кўз ёришларидир).* **Ким Оллоҳдан қўрқса,** *(Оллоҳ)* **унинг ишини осон қилур. 5. Бу Оллоҳнинг сизларга нозил қилган ҳукмидир. Ким Оллоҳдан қўрқса,** *(Оллоҳ)* **унинг ёмонлик-гуноҳларини ўчирур ва унинг ажр-мукофотини улуғ қилур. 6. Уларга** *(яъни, талоқ қилиниб, идда сақлаётган аёлларингизга)* **ўзларингиз маскан тутган - қудратингиз етган жойдан маскан беринглар ва уларни** *(турган жойларидан)* **қисиб чиқариш учун уларга зиён етказманглар. Агар улар ҳомиладор бўлсалар, у ҳолда то ҳомилаларини қўйгунларича уларга нафақа бериб туринглар! Энди агар** *(талоқ қилган аёлларингиз)* **сизлар учун** *(бола)* **эмизсалар** *(яъни, ўзларининг сизлардан бўлган болаларини эмизсалар),* **у ҳолда уларнинг** *(эмизганликлари учун)* **ажр-ҳақларини беринглар! Ва** *(эмизиш, ҳамда унинг ҳаққи хусусида)* **ўзаро яхшилик билан келишиб олинглар! Агар** *(келиша олмасдан)* **танг ҳолга тушсангизлар, у** *(ота)* **учун** *(боласини)* **бошқа** *(бир аёл)* **эмизур.** *(Яъни, ота боласини бошқа - бегона аёлга эмиздурур).* **7. Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан** *(яъни, бойлигига ярашадиган)* **нафақа берсин. Кимнинг ризқи танг қилинган** *(камбағал)* **бўлса, у ҳолда Оллоҳ ўзига ато этган нарсадан** *(яъни, ўз ҳолига яраша)* **нафақа берсин! Оллоҳ ҳеч бир жонни Ўзи унга ато этган** *(ризқ-рўз)* **дан бошқа нарсага таклиф қилмас** *(яъни, ҳар бир инсон фақат Оллоҳ ўзига ато этган ризқдан инфоқ қилишга таклиф қилинур).* **Оллоҳ танглик-камбағалликдан кейин енгиллик-бойликни ҳам** *(пайдо)* **қилур. 8. Қанчадан-қанча қишлоқ-шаҳарлар**

борки, ўз Парвардигорлари ва Унинг пайғамбарлари амридан бош тортгандирлар, бас, Биз улардан қаттиқ ҳисоб-китоб олганмиз ва ёмон азоб билан азоблаганмиз. 9. Бас, у *(қишлоқ-шаҳарларнинг аҳли)* ўз иш-қилмишларининг зиёнини тотдилар ва бу ишларининг оқибати зиён тортиш-ҳалокат бўлди. 10. Оллоҳ улар учун *(Охиратда ҳам)* қаттиқ азобни тайёрлаб қўйгандир. Бас, эй иймон келтирган ақл эгалари, Оллоҳдан қўрқинглар! Дарвоқеъ, У Зот сизларга Эслатма - Қуръонни нозил қилди. 11. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни зулматлардан нурга чиқариш учун сизларга Оллоҳнинг очиқ-равшан оятларини тиловат қиладиган Пайғамбарни *(Муҳаммад алайҳис-саломни юборди)*. Ким Оллоҳга иймон келтирса ва яхши амал қилса, *(Оллоҳ)* уни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадул-абад қоладиган жаннатларга киритур. Дарҳақиқат, Оллоҳ унинг учун гўзал ризқ *(яъни, жаннатнинг туганмас ризқини ато)* қилди. 12. Оллоҳ етти осмонни ва Ердан ҳам ўшаларнинг мислини *(яъни, етти қават Ерни)* яратган Зотдир. *(Оллоҳнинг)* амри фармони уларнинг *(яъни, етти қават осмон ва етти қават Ернинг)* ўртасига нозил бўлиб-тарқалиб турур. Токи сизлар Оллоҳнинг барча нарсага Қодир эканлигини ва Оллоҳ барча нарсани *(Ўз)* билими билан иҳота қилиб олганини билишларингиз учун *(У Зот сизларга юқорида зикр қилинган нарсалар ҳақида хабар берди)*.

ТАҲРИМ сураси (66)

Ўн икки оятдан ташкил топган бу сура ҳам Мадинада нозил бўлган.

"Таҳрим - Ҳаром қилиб олиш", деб номланган бу сура Пайғамбар алайҳис-саломга Оллоҳ ҳалол қилган нарсаларни ўзлари учун ҳаром қилиб олганлари учун танбеҳ бериш билан бошланади.

Сўнгра у зот билан аҳли байтлари ўртасида бўлиб ўтган айрим воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилинади ва бу билан мусулмонларга эр билан хотиннинг оилада тутиши лозим бўлган ўрни-мавқеи ҳамда улар ўртасидаги риоя этилиши лозим бўлган айрим тартиб-қоидалар ўргатилади.

Сура давомида мўминлар ўзларини ва аҳли-оилаларини дўзахга дучор қиладиган гуноҳлардан сақлашга ҳамда холис тавба-тазарруълар қилишга қайта-қайта даъват этиладилар.

Сура мўмин зот (Нуҳ ва Лут пайғамбарлар) қарамоғидаги кофира аёллар ва кофир кимса (Фиръавн) қўл остидаги мўмина аёл ва Марям бинти Имрон ҳақидаги икки ибратли мисол билан хотима топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Эй Пайғамбар *(алайҳис-салом)*, **нега Сиз жуфтларингизнинг розилигини истаб Оллоҳ Сиз учун ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиб олурсиз?! Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир.**

Изоҳ: Ушбу ояти карима нозил бўлишининг сабаблари ҳақида бир неча ривоятлар мавжуд бўлиб, улардан бири "Саҳиҳул-Бухорий"да келтирилган қуйидаги ривоятдир: Пайғамбар алайҳис-салом жуфти ҳалоллари Зайнаб бинти Жаҳш (Оллоҳ ундан рози бўлсин)нинг хоналарида истироҳат қилиб, онамиз қуйиб берган асал шарбатидан ичиб ўтирар эканлар, бошқа аёллари Оиша ва Ҳафса оналаримизнинг (Оллоҳ улардан рози бўлсин) рашклари келиб, Пайғамбар алайҳис-салом бу ердан чиқиб қайси биримизнинг олдимизга кирсалар: "Магофийр (ўзи лаззатли, аммо саримсоққа ўхшаган бадбўй таом) едингизми", деймиз, деб келишиб оладилар

ва Расулуллоҳ олдиларига кирганларида ҳар иккалалари ўша сўзни айтадилар. Шунда ҳар қандай бадбўй ҳидни ёмон кўрадиган Пайғамбаримиз: "Йўқ, мен фақат Зайнабнинг олдида асал шарбати ичган эдим", деб қайта асал тановул қилмасликка қасам ичганларида юқоридаги оят нозил бўлади.

2. Дарвоқеъ, *(эй мўминлар),* **Оллоҳ сизлар учун** *(маълум миқдорда каффорат-эваз тўлаб)* **қасамларингиздан қутулиб чиқишни буюрган-ку. Оллоҳ Хожаларингиздир. У Билгувчидир ва ҳикмат Соҳибидир.**

И з о ҳ: Бу оятда Оллоҳ таоло Пайғамбаримизни ва у зотнинг барча умматларини ноўрин ичилган қасамларидан каффорат-эваз тўлаб қутулишга буюрмоқда. Қасамнинг каффорати ҳақида Моида сурасининг 89-оятида батафсил айтилгандир.

3. Пайғамбар жуфтларидан бирига *(яъни, Ҳафсага)* **бир сўзни пинҳона айтганини эсланг! Энди қачонки** *(Ҳафса)* **у** *(сир)* **ҳақида** *(Оишага)* **хабар бергач ва Оллоҳ** *(Жаброил фаришта воситасида Пайғамбарни Ҳафсанинг қилмишидан)* **воқиф қилгач, у** *(Ҳафсага ўзи воқиф бўлган нарсанинг)* **баъзисини билдирди ва баъзисидан юз ўгирди-билдирмади. Бас, қачонки** *(Пайғамбар алайҳис-салом Ҳафсага ўзи воқиф бўлган нарсанинг баъзиси ҳақида)* **хабар бергач, у: "Ким Сизга бу хабарни берди?", деган эди,** *(Пайғамбар алайҳис-салом):* **"Менга Билгувчи ва Хабардор Зот хабар берди", деди. 4.** *(Эй Ҳафса, Оиша),* **агар сизлар иккингиз** *(бу қилмишларингиз учун)* **Оллоҳга тавба қилсангизлар** *(ўзларингизга яхшироқ бўлур).* **Чунки сизларнинг дилларингиз** *(Ҳақ Йўлдан)* **тойиб кетди!** *(Аммо)* **агар сизлар** *(Пайғамбарнинг)* **зиёнига** *(яъни, у зот билан аёллари ўртасини бузадиган ишлар устида)* **бир-бирингизга ёрдам берсангизлар, у ҳолда шак-шубҳасиз, Оллоҳнинг Ўзи ҳам, Жаброил ҳам, аҳли солиҳ мўминлар ҳам унинг мададкоридирлар. Яна, булардан кейин фаришталар ҳам** *(Пайғамбарга)* **ёрдамчидир. 5. Эҳтимол Парвардигори - агар у сизларни талоқ қилса - унга сизлардан яхшироқ жуфтларни - муслима, мўмина** *(Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига)* **итоат этгувчи, тавба-тазарруъ қилгувчи, обида,** *(мудом Оллоҳнинг Йўлида)* **кетгувчи жувон ва қизларни алмаштириб берур.**

И з о ҳ: Юқоридаги оятларда Оллоҳ таоло Пайғамбар алайҳис-саломнинг аёлларига ибратли панд-насиҳат қилиб, уларни Расулуллоҳ алайҳис-салом билан бирга кечаётган саодатли ҳаётларининг қадрига етишга даъват этгач, қуйидаги оятларда барча мўминларга хитоб қилади.

6. Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли-оилаларингизни дўзахдан сақлангизки, унинг ўтини одамлар ва тошлардир, у *(дўзах)*нинг устида қаттиқдил ва қаттиққўл, Оллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, *(фақат)* ўзларига буюрилган нарсани қиладиган фаришталар турур. 7. *(Кофирлар дўзахга киритилар эканлар, уларга дейилур):* "Эй кофирлар, бу Кун узр айтмай қўя қолинглар, *(чунки энди ҳар қандай узр-баҳона бефойдадир)!* Сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган амалларингиз билан жазоланмоқдасизлар! 8. Эй мўминлар, Оллоҳга холис тавба қилинглар, шоядки, Парвардигорингиз сизларнинг ёмонлик-гуноҳларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур. У Кунда Оллоҳ Пайғамбарни ва у билан бирга иймон келтирган зотларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида *(уларнинг йўлларини ёритиб)* юрур. Улар: "Парвардигоро, Ўзинг бизларга нуримизни комил қилгин ва бизларни мағфират қилгин. Албатта Сен барча нарсага Қодирдирсан", дерлар. 9. Эй Пайғамбар *(алайҳис-салом)*, Сиз кофир ва мунофиқларга қарши курашинг ва уларга қаттиққўл бўлинг! Уларнинг жойлари жаҳаннамдир! Нақадар ёмон оқибат бу! 10. Оллоҳ кофир бўлган кимсалар *(ва уларни мўминлар билан бирга ҳаёт кечиришлари ҳам Оллоҳнинг азобидан қутқара олмаслиги)* ҳақида Нуҳнинг аёли ва Лутнинг аёлини мисол келтирди. У иккиси Бизнинг бандаларимиздан икки солиҳ банда қўл остида эдилар. Бас, у *(аёл)*лар *(Нуҳ ва Лутга)* хиёнат қилган эдилар, *(Нуҳ ва Лут)* Оллоҳ*(нинг азоби)*дан бирон нарсани у иккисидан дафъ қила олмадилар ва *(уларга):* "Киргувчилар билан бирга дўзахга киринглар!", дейилди. 11. Оллоҳ иймон келтирган зотлар *(ва улар ўзлари ҳақиқий мўмин бўлсалар, яқин одамларининг кофир ҳолда бўлиши уларга зиён қилмаслиги)* ҳақида Фиръавннинг аёлини мисол келтирди. Ўшанда *(яъни, Фиръавн у аёлнинг Мусо пайғамбарга иймон келтирганини билиб қолгач, азоблаган чоғида)* у: "Парвардигорим, Ўзинг мен учун ҳузурингда - жаннатда бир уй бино қилгин, менга Фиръавн ва унинг қилмишидан нажот бергин ва менга бу золим қавмдан нажот бергин", деди. 12. Яна *(Оллоҳ иймон келтирган зотлар ҳақида)* ўз номусини сақлаган аёлни - Марям бинти Имронни *(мисол келтирди)*. Бас, Биз Ўз тарафимиздан бўлган руҳни унга пуфладик *(ва у Ийсога ҳомиладор бўлди)*. У Парвардигорининг Сўзларини ва Китобларини тасдиқ этди ҳамда *(Оллоҳнинг амрига)* итоат этгувчилардан бўлди.

МУЛК сураси (67)

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, ўттиз оятдан ташкил топгандир.

Сура барча оламлар мулки - подшоҳлиги Ўз Қўлида бўлган Оллоҳ таборака ва таоло беҳад Буюк-Баракотли Зот эканини таъкидлаш билан бошланади. Шу боисдан у "Мулк" сураси деб номлангандир. Айрим манбаъларда уни "Таборак" сураси деб ҳам атайдилар.

Бу сурада Оллоҳ таоло ўлим ва ҳаёт неъматларини нима учун яратгани ҳамда У Зот етти қават осмон ва ундаги бор мавжудотни қандай дақиқ ҳикмат-интизом билан бунёд этгани баён қилинган оятлар қаторида Охират ҳақида ва у Кунда кофирлар дучор бўладиган азоб ҳамда уларнинг чекадиган бефойда афсус-надоматлари тўғрисида хабар берадиган оятлар ҳам мавжуддир. Сўнгра Еру осмондаги Ҳақ таолонинг қудрати Илоҳийсига далолат қилиб турган турли-туман оят-аломатлар тасвирланади ҳамда кофир ва мўмин ҳақида ибратли мисоллар келтирилиб, барча инсонларни Оллоҳ таоло рози бўладиган Тўғри Йўлни тутишга даъват этилади.

Ушбу суранинг фазилатлари баёнида кўплаб ҳадислар ривоят қилинган бўлиб, улардан бири имом Тирмизий ривоят қилган мана бу ҳадиси шарифдир: Пайғамбар алайҳис-салом айтдилар:

"Дарҳақиқат, Оллоҳнинг Китобида ўзи фақат ўттиз оятдан иборат бўлган бир сура ҳам борки, у (ўша сурани ўқиб, амал қилиб юрган) кишини шафоат қилур ва ҳатто Қиёмат Кунида уни дўзахдан чиқариб, жаннатга киритур. У "Таборак " сурасидир".

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Барча оламлар)* **подшоҳлиги Ўз Қўлида бўлган Зот - Оллоҳ Баракотли-Буюкдир. У барча нарсага Қодирдир. 2.** *(Эй инсонлар,*

У) **сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-яхшироқ амал қилгувчи эканлигингизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган Зотдир. У Қудратли ва Мағфиратлидир.**

Изоҳ: Демак, Оллоҳ таоло ҳар бир инсоннинг мана шу ҳаёти дунёда қилиб ўтадиган амалларини синаб, Охиратда ўша амалга яраша мукофот-жазо бериш учун ўлим ва ҳаётни яратган экан. Ушбу ояти каримада ўлим сўзи ҳаёт сўзидан муқаддам келтирилишига сабаб шуки, ўлим калимасининг мазмуни ҳаёт калимасининг маъносидан теранроқ, қамровлироқдир. Чунки ҳаёт сўзи мана шу ўткинчи дунёда вақтинча яшашнинг бошланишини билдирса, ўлим сўзи Охират диёридаги мангу ҳаётнинг бошланишини англатади. Демак, ўлим юзаки қараганда муваққат ҳаётнинг интиҳоси бўлиб кўринса-да, аслида у мангу ҳаётнинг ибтидосидир. Бу хусусда Пайғамбар алайҳис-салом шундай деганлар: "Жоним Қўлида бўлган Зотга - Оллоҳга қасамки, сизлар менинг сўзларимни улардан (ўликлардан) яхшироқ англагувчи эмассизлар. Фақат улар жавоб қила олмайдилар, холос".

3. *(У)* **етти осмонни устма-уст қилиб яратган Зотдирки, сен** *(эй инсон),* **У Раҳмоннинг** *(Меҳрибон Зотнинг)* **яратишида бирон тафовут-нуқсонни кўрмассан. Энди кўзингни яна** *(самога)* **қайтаргин-чи,** *(унда)* **бирон футур-ёриқни кўрармикансан? 4. Сўнгра кўзингни қайта-қайта** *(самога)* **қайтаргин, кўзинг сенга чарчаб, ҳолдан тойган ҳолда қайтур** *(аммо Оллоҳ таоло яратган осмонлардан бирон айб-нуқсон топа олмас).*

Изоҳ: Ушбу оятларда Қодир Оллоҳ осмонларни Ер деган бинонинг устидаги етти қават томга, Ўзини эса мана шу бинонинг бунёдкори - устасига ўхшатади. Одатда усталар уйни битириб, эгаларига топширишдан олдин, "Қани кўринглар-чи, биз қурган бинодан бирон тафовут, яъни, унинг деворидан, эшик-деразасидан ёки шифти-томидан чиройда ва пухталикда бирон номутаносиблик, бошқача айтганда, бирон нуқсон топа олармикансизлар", деб сўрайдилар. Худди шунингдек Ҳақ таоло ҳам устимизга етти қават осмонни бирон устунсиз том қилиб кўтариб қўйиб, "Қани, эй инсонлар, қайта-қайта қараб, текшириб кўринглар-чи, Биз кўтарган томдан - осмондан бирон айб топа олармикансизлар", деб сўрайди ва дарҳол Ўзи қатъий жавоб қилади: "Ҳеч қачон, ҳеч ким, ҳеч қандай тафовут - нуқсон топа олмайди!". Бу аён ҳақиқатдир. Бас, шундай экан, ҳар бир ақлли, инсофли инсон осмонлар ва Ер ҳамда улардаги барча нарсаларни Ягона Бунёдкори

ва Ҳукмдори бўлган Оллоҳ таолонинг борлигига, бирлигига ва чексиз қудратига дарҳол иймон келтиради - теран ишонч хосил қилади. Фақат гумроҳ ва адашган кимсаларгина ушбу ҳақиқатдан кўз юмишлари, Яратгандан юз ўгиришлари мумкин. Жаноби Ҳақ эса Ўзининг бандалари ичидаги ақлли, инсофли, Тўғри Йўл истаган кишиларга Ўзининг чексиз қудратини намойиш қилишда давом этиб, Ўзи кўтарган томга - осмонга юлдузларни қандил қилиб илиб қўйганини, қоронғу тушиши билан уларни Ўзи "ёқиб", тонг отиши билан "ўчириб" туришини миннат қилади ва у "қандиллар"нинг яна бошқа вазифалари ҳам бор эканлигини уқтиради:

5. Дарҳақиқат, Биз энг яқин осмонни чироқлар *(юлдузлар)* **билан безадик ва уларни шайтонларга отиладиган тошлар қилиб қўйдик. Биз улар** *(шайтонлар)* **учун** *(Охиратдаги)* **олов-дўзах азобини ҳам тайёрлаб қўйгандирмиз. 6. Парвардигорларига кофир бўлган кимсалар учун ҳам жаҳаннам азоби бордир. Нақадар ёмон оқибат бу! 7. Қачон улар** *(жаҳаннамга)* **ташланганларида, қайнаб турган** *(жаҳаннамнинг худди эшак ҳанграшидек)* **бир ўкирик-фарёдини эшитурлар. 8. У ғазабдан бўлиниб-парчаланиб кетгудек бўлур. Ҳар қачон** *(жаҳаннамга)* **бир тўда** *(кофир)* **ташланганида, унинг қўриқчилари улардан** *(кофирлардан)*: **"Сизларга** *(ҳаёти дунёда)* **бирон огоҳлантиргувчи - пайғамбар келмаганмиди?", деб сўраганида; 9. Улар дерлар: "Ҳа, дарҳақиқат, бизларга огоҳлантиргувчи келган эди,** *(лекин бизлар уни)* **ёлғончи қилганмиз ва: "Оллоҳ** *(ҳеч кимга)* **ҳеч нарса нозил қилган эмас, сизлар фақат катта залолат-гумроҳликдадирсизлар", дегандимиз". 10. Улар** *(кофирлар)* **яна: "Агар бизлар** *(огоҳлантиргувчи пайғамбарнинг сўзларини)* **тинглаб, ақл юргизувчи бўлганимизда, дўзах эгалари қаторида бўлмас эдик", дерлар. 11. Мана улар ўз гуноҳларини эътироф этдилар! Энди у дўзах эгаларига ҳалокат бўлгай! 12. Албатта ғайбдаги** *(кўзларига кўринмайдиган)* **Парвардигорларидан қўрқадиган зотлар учун мағфират ва катта ажр-мукофот бордир. 13.** *(Эй инсонлар)*, **сизлар сўзларингизни яширинглар ёки ошкора қилинглар** *(ҳар ҳолда Оллоҳ билиб турур)*. **Албатта У диллардаги сирларни Билгувчидир. 14.** *(Ахир)* **яратган Зот** *(Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни)* **билмасми?! У Меҳрибон ва** *(ҳар нарсадан)* **Огоҳдир. 15. У** *(Оллоҳ)* **сизлар учун Ерни ҳокисор-бўйсунгувчи қилиб қўйган Зотдир. Бас, сизлар у** *(Ер)***нинг ҳар томонида** *(сайр-саёҳат қилиб ё тижорат билан ёки деҳқончиликни касб қилиб)* **юраверинглар ва** *(Оллоҳнинг берган)* **ризқ-рўзидан**

ентлар! Ёлғиз Унинг ҳузурига тирилиб чиқиш-қайтиш бордир. 16. *(Эй Макка кофирлари),* ё сизлар *(кофирлигингизда оёқ тираб тураверсангизлар)* осмондаги Зот сизларни Ерга юттириб юборишидан, бас, баногоҳ *(Ер)* титроққа тушиб, *(сизларни босиб)* қолишидан хотиржаммисизлар *(қўрқмайсизлармми)*?! 17. Ёки сизлар осмондаги Зот устингизга тош ёғдиришидан хотиржаммисизлар?! Ҳали *(азобга гирифтор қилинганларингизда)* Менинг огоҳлантиришим қандай эканлигини билиб олажаксизлар! 18. Дарвоқеъ, улардан аввалги кимсалар ҳам *(ўз пайғамбарларини)* ёлғончи қилгандилар. Бас, Менинг инкорим - азобим қандоқ бўлди?! 19. Улар устларида *(қанотларини)* ёйгувчи бўлган ва йиққан ҳолда *(учиб юрган)* қушларни кўрмадиларми?! У *(қуш)*ларни Ёлғиз Раҳмонгина *(самода)* ушлаб турар! Албатта У барча нарсани Кўриб тургувчидир. 20. *(Эй мушриклар),* Раҳмондан ўзга сизларга ёрдам берадиган, сизлар учун қўшин-ёрдамчи бўлган ўша зот ким ўзи?! *(Оллоҳдан ўзга бирон мададкор йўқдир).* Кофирлар эса фақат ғурур-алданишдадирлар. *(Шунинг учун улар ўзлари сиғинаётган бут-санамлари уларни Оллоҳнинг азобидан қутқара олади, деб ҳисоблайдилар).* 21. Агар *(Раҳмон)* Ўз ризқини ушлаб-тўхтатиб қўйса, сизларга ризқ-рўз берадиган ўша зот ким ўзи?! *(Оллоҳдан ўзга бирон ризқ-рўз бергувчи йўқдир).* Йўқ, улар *(кофирлар)* катта кетишда ва *(Ҳақдан)* йироқлашишда оёқ тираб туриб олдилар. 22. Ахир юз тубан *(яъни, оёғининг остидан ўзга ёққа қарамасдан)* юрадиган кимса Ҳақ Йўлни топгувчироқми ёки қадди рост ҳолида Тўғри Йўлда юрадиган кишими?!

И з о ҳ: Ушбу ояти карима кофир билан мўмин ҳақида келтирилган ибратли бир масалдир. Уни шундай тушунмоқ лозим. Динсиз-эътиқодсиз кимса бирон Илоҳий йўлланмасиз, ўтган кунини ҳам, келажагини ҳам унутиб, фақат бугунини қандай ўтказиш ғами, бугуннинг муаммоларини ҳал қилиш ташвиши билан овора-ю сарсон бўлиб, яъни, фақат оёғининг тагига қараб кун ўтказади. Демак, унинг эрта бир кун йўлидан чиқиб қолиши аниқ бўлган ҳар қандай тошга-тўсиққа қоқилиб, юз тубан қулаши ҳеч гап эмас. Аммо иймон-эътиқод эгаси эса Яратган юборган Илоҳий қўлланма кўрсатиб қўйган Тўғри Йўлда, қаддини рост тутиб, қиладиган ҳар бир иш-амалида фақат ҳозирнинг ҳузурини кўзламасдан, балки Эрта - Қиёмат Кунидаги ҳисоб-китоб ва ажр-мукофотни ўйлаб боради. Бинобарин бугуннинг, яъни, ўткинчи дунёнинг арзон матолари уни ўзи танлаб олган Тўғри Йўлидан адаштира олмайди.

23. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, у кофирларга)* **айтинг: "У** *(Оллоҳ)* **сизларни** *(йўқдан)* **пайдо қилган ва сизлар учун қулоқ-кўзлар ва дилларни** *(ато)* **қилган Зотдир. Сизлар эса камдан-кам шукр қилурсизлар". 24. Айтинг: "У сизларни Ер юзида яратиб қўйган Зотдир. Сизлар** *(Қиёмат Кунида)* **Ёлгиз Унинг ҳузурига тўпланурсизлар". 25. Улар: "Агар ростгўй бўлсангизлар** *(айтинглар-чи)* **ушбу ваъда** *(қилинган Қиёмат Куни)* **қачон бўлади?", дерлар. 26.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга)* **айтинг: "***(Қиёмат қачон қойим бўлиши ҳақидаги)* **билим Ёлгиз Оллоҳнинг ҳузуридадир. Мен фақат бир очиқ огоҳлантиргувчидирман, холос". 27. Бас, қачонки улар** *(Қиёмат Кунида ваъда қилинган азобни ўзларига)* **яқин ҳолда кўришгач, у кофирларнинг юзлари қорайиб кетур ва** *(уларга)*: **"Мана шу сизлар истаган нарсадир", дейилур. 28.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, у кофирларга)* **айтинг: "Хабар берингиз-чи, агар Оллоҳ мени ва мен билан бирга бўлган кишиларни ҳалок қилса ёки** *(умримизни узун қилиш билан)* **бизларга раҳм-шафқат қилса** *(Ўзининг изн-ихтиёридадир)*. **Аммо энди кофирларни** *(яъни, сизларни)* **ким аламли азобдан ҳимоя қилур?!**

Изоҳ: Макка кофирлари доим Муҳаммад алайҳис-салом ва у зотнинг саҳобаларига ўлим-ҳалокат тилар эдилар. Шунда Оллоҳ таоло томонидан Пайгамбаримизга юқоридаги оят нозил қилиниб, у кишини кофирларга шундай жавоб қилишга амр этилди: "Биз мўминлар икки гўзал оқибатга кўз тутиб яшаймиз. Улардан бири сизлар орзу қилаётганингиздек Дин Йўлида ҳалок бўлиб жаннатга етиш бўлса, иккинчиси омон қолиб, сизларнинг устингиздан ўзимиз умид қилган галабага эришишдир. Аммо сизлар кофир бўлган ҳолларингизда кимнинг ҳимоясини кутмоқдасизлар?!"

29. **Айтинг: "У** *(Оллоҳ)* **Раҳмон - Меҳрибондир. Бизлар Унга иймон келтирдик ва Ёлгиз Унинг Ўзига таваккул қилдик - суяндик. Ҳали сизлар ким очиқ залолатда эканлигини билиб олажаксизлар!". 30.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, у мушрикларга)* **айтинг: "Хабар берингиз-чи, агар** *(баногоҳ ичар)* **сувларингиз** *(Ер тубига)* **сингиб кетар бўлса, у ҳолда** *(Оллоҳдан ўзга)* **ким сизларга оқар сув келтира олур?!** *(Жонсиз бутларингизми?! Бас, нега у бефойда-бежон бутларни Меҳрибон Оллоҳга шерик қилиб олдингизлар?!)"*

ҚАЛАМ сураси (68)

Бу сура ҳам Макка сураларидан бўлиб, эллик икки оятдир.

Сура аввалида Оллоҳ таоло инсон зотига ато этган буюк неъмати - Қалам ва у билан битиладиган битикларга қасам ичиб, Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳис-саломнинг Макка мушриклари ҳасад, адоват билан у кишига тақаётган тухмат-мажнунлик айбидан пок эканликларини уқтиради ва у зотнинг улуғ Хулқ устида эканликларини таъкидлайди. Сўнгра Пайғамбаримизга кофирларнинг бирон сўзига итоат этмаслик буюрилиб, улардан бирининг ҳатто ўзи ҳам билмайдиган иллатлари ҳақида хабар беради.

Бу сурадан бахилликлари сабабли бор нарсаларидан айрилган бир қавм тўғрисидаги ибратли масал ҳам ўрин олгандир.

Сура Пайғамбар алайҳис-саломни кофирлар томонидан етадиган озор-азиятларга сабр-тоқат қилишга даъват этиш билан хотима топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. Нун. Қалам ва *(у билан фаришталар)* **битадиган битикларга қасамки,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз - Парвардигорингизнинг марҳамати билан мажнун эмасдирсиз.**

И з о ҳ: Сура "Нун" ҳарфи билан бошланди. Қуръондаги бир неча сура мана шундай ёлғиз-ёлғиз ҳарфлар билан бошланади. Кўпчилик Ислом уламолари наздида мазкур ҳарфлар "хуруфи муқаттаот", яъни, маънодан узилган ҳарфлар саналиб, уларнинг маъноси Ёлғиз Оллоҳ таологагина маълумдир.

Жаноби Ҳақ Ўзининг Муқаддас Каломидаги айрим сураларни мана шундай, одамлар осон ўқиб-англайдиган ҳамда ўзаро мулоқот ва ёзувларида ишлатадиган оддий ҳарфлар билан бошлашида яна бир Илоҳий ҳикмат зоҳирдир. Яъни, масалан қора лойдан энг ҳунарманд ёки санъаткор киши ҳам нари борса бирон одамнинг ҳайкалини ясаши мумкин, аммо Оллоҳ таоло ана ўша қора лойдан ҳазрати Одам алайҳис-саломни яратди. Худди шу янглиғ оддий

ҳарфлар билан Ҳақ таоло шундай Буюк Илоҳий Мўъжиза - Қуръонни нозил қилдики, бундай Сўзни айтиш бирон инсоннинг қўлидан келмас.

Қуръондаги сураларнинг жойлашиш тартибида ушбу сура ёлғиз-ёлғиз ҳарфлар билан бошланадиган сураларнинг сўнггисидир.

3. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **албатта Сиз учун** *(кофирларнинг бундай озорларига сабр-тоқат қилганингиз сабабли)* **битмас-туганмас ажр мукофот бордир. 4. Албатта Сиз улуғ Хулқ устидадирсиз.**

И з о ҳ: Айрим муфассирларнинг айтишларича, бу оятдаги "улуғ Хулқ"дан мурод улуғ диндир. Зеро, Оллоҳ таоло наздида Ислом динидан суюклироқ ва гўзалроқ бирон хулқ йўқдир.

Оиша онамиздан (Оллоҳ ундан рози бўлсин) Пайғамбар алайҳис-саломнинг ахлоқлари тўғрисида сўралганида: "У зотнинг хулқлари Қуръон эди. Қуръон рози бўлган ишдан рози, Қуръон норози бўлган ишдан норози бўлар эдилар", деб жавоб қилганлари ҳам юқоридаги тафсирни қувватлайди. Зотан, Расулуллоҳ алайҳис-саломнинг ўзлари ҳам: "Дарҳақиқат, мен улуғ хулқларни камолига етказиш учун Пайғамбар қилиб юборилганман", деб марҳамат қилганлар.

5-6. Ҳали яқинда қайсиларингиз *(яъни, Сизми ёки уларми)* **мафтун-мажнун эканликларингизни Сиз ҳам кўражаксиз, улар ҳам кўражаклар. 7. Албатта Парвардигорингизнинг Ўзи Унинг Йўлидан озган кимсаларни жуда яхши Билгувчидир ва У ҳидоят топгувчиларни ҳам жуда яхши Билгувчидир. 8. Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом, Сизнинг Ҳақ Пайғамбарлигингизни ва Қуръонни)* **"ёлғон", дегувчи кимсаларга итоат этманг! 9. Улар Сизнинг** *(ўзларига)* **кўнгилчанлик-муроса қилишингизни истарлар, шунда улар ҳам** *(Сизга)* **кўнгилчанлик қилурлар.** *(Лекин Сиз уларнинг бу истакларига бўйинсунманг!)* **10-11-12-13.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **яна Сиз ҳар бир тубан қасамхўр, ғийбатчи-ю, гап ташувчи, яхшиликни манъ қилгувчи - бахил, тажовузкор, гуноҳга ботган, қўпол ва булардан ташқари бенасаб-ҳароми кимсага итоат этманг! 14-15. У мол-мулк ва ўғиллар эгаси бўлгани учун** *(ўзидан кетиб),* **қачон унга Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса: "Булар аввалгиларнинг афсоналари-ку!", дер. 16. Яқинда Биз уни тумшуғидан тамғалаб қўяжакмиз!**

И з о ҳ: Бу оятлар малъун кофир Валид ибн Муғийра ҳақида нозил бўлгандир. У Қуръон оятларига аввалгилардан қолган

афсоналар, деб, Пайғамбаримизга эса мажнун, деб тухмат қилганида, Оллоҳ таоло унинг бир эмас, тўққиз иллатини фош қилади. Шунда у мазкур иллатлардан саккизтасини рад эта олмайди, аммо тўққизинчи, бенасаб-ҳароми деган номни кўтара олмай, (чунки то Оллоҳ таоло Ўз ояти билан ошкор қилгунича Валид ўзининг ҳаромдан - зинодан пайдо бўлган бола эканлигидан бехабар эди) бу шармандаликни ўзидан дафъ қилиш учун туққан онасини қисти-бастига олиб сўровга тутганида, онаси ҳақиқатан, унинг зинодан бўлган бола эканлигини тан олади. Саҳобалардан Ибн Аббос (Оллоҳ ундан рози бўлсин) гувоҳлик беришларича, Оллоҳ таоло Ўзи ваъда қилганидек, Валид ибн Муғийра Бадр жангида "тумшуғидан тамғаланади", яъни, худди бурнидан қилич еб, ўлгунича одамлар орасида ўша "тамға"си билан юради. Мана, ушбу оятларда бир кофир кимсанинг кирдикори ва кўргулиги ҳақида хабар берилгач, қуйидаги оятларда Оллоҳ таоло ато этган неъматларга ношукурлик-нонкўрлик қилганлари учун бутун Макка аҳли қаҳатчилик ва очарчиликка мубтало қилинганлари баён этилиб, илгари ҳам Ҳақ таоло имтиҳон қилиш учун берган ноз-неъматлардан камбағал-бечораларнинг ҳақларини бермасдан бахиллик қилганлари сабабли бир боғнинг эгалари бор будларидан маҳрум бўлганлари тўғрисидаги бир ибратли қисса сўйланади. Қиссанинг аввали будир: Маккадан унча узоқ бўлмаган Яман диёрида жуда катта мевали боғ эгаси бўлган бир киши ўтган эди. У ҳар йили ҳосил пишганида ундан камбағал-мискинларнинг ҳақ-улушларини ажратиб берарди. Лекин у киши вафот этгач, мевазор-боғнинг эгалари бўлиб қолган фарзандлари бошқа йўлни тутадилар. Қуйидаги оятларда Оллоҳ таоло мана шу ҳақда ҳикоя қилади.

17-18. Дарҳақиқат, Биз уларни *(Макка аҳлини очарчилик ва қаҳатчилик билан)* **балоладик. Биз** *(илгари)* **боғ эгаларини ҳам худди шундай** *(маҳрумлик билан)* **балолаган эдик. Ўшанда улар албатта уни** *(яъни, боғнинг ҳосилини)* **эрта тонгда** *(камбағал-мискинларга ҳақ-улуш)* **ажратмаган ҳолларида узиб олишга қасам ичган эдилар. 19-20. Бас,** *(тунда)* **улар уйқуда бўлган чоғларида у** *(Боғ)***нинг устида Парвардигорингиз томонидан бўлган айлангувчи** *(Бало-олов)* **бир айланди-ю, у** *(боғнинг ҳосили)* **узилгандек бўлди-қолди** *(яъни, бутун боғ куйиб кул бўлди)*. **21-22. Улар эса тонгда туришиб** *(тунда бўлган ҳодисадан бехабар бўлган ҳолларида)*: **"Агар** *(ҳосилни)* **узмоқчи бўлсангизлар зироатгоҳларингизга юра қолинглар",** *(деб)* **бир-бирларини чақирдилар. 23-24. Сўнг: "Бугун**

у *(боғда ҳосил узаётган вақтда)* устларингизга бирон мискин кириб қолмасин-да", *(дейишиб)* бир-бирларига пичирлашган ҳолларида жўнаб кетдилар. 25. Улар ёмон ният билан *(ўз гумонларича мискинларни боққа йўлатмаслик тўғрисидаги мақсад-ғаразга)* қодир бўлган ҳолларида тонг-саҳарлаб бордилар. 26-27. Энди қачонки уни *(яъни, куйиб кулга айланган боғларни)* кўришгач, *(аввал)*: "Шак-шубҳасиз, бизлар йўлдан адашиб қолдик *(яъни, адашиб бошқа боғга келиб қолдик)*", дедилар, *(сўнг бу ўзларининг боғлари эканини билишгач эса)*: "Йўқ, бизлар *(боғимиздан)* маҳрум бўлибмиз", дедилар. 28. *(Шунда)* уларнинг инсофлироқлари: "Мен сизларга *(Оллоҳга)* тасбеҳ айтиб - шукр қилмайсизларми *(яъни, шундай мўл ҳосил ато этганининг шукронасига камбағалларнинг улушларини бермайсизларми)* демаганмидим?, деган эди; 29. Улар *(энди вақт ўтгач)*: "Парвардигоримизни поклаймиз. Дарҳақиқат, бизлар *(ўзимизга)* зулм қилгувчи бўлдик", дедилар. 30. Сўнг улар бир-бирларига боқиб, маломат қилиша бошладилар. 31. Улар дедилар: "Эй ўлим бўлсин бизларга! Дарҳақиқат, бизлар ҳаддан ошгувчи бўлдик. 32. Шоядки Парвардигоримиз бизларга у *(боғ)*дан ҳам яхшироғини алмаштириб берса. Бизлар албатта Ёлғиз Парвардигоримизга рағбат-илтижо қилгувчидирмиз". 33. *(Оллоҳнинг амридан четга чиққан кимсалар учун)* мана шундай азоб бордир. Агар билсалар, Охират азоби шак-шубҳасиз, янада каттароқдир. 34. Албатта тақводор зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида ноз-неъмат боғлари бордир.

И з о ҳ: Ушбу оят нозил бўлганида Макка мушриклари: "Агар Муҳаммаднинг айтганлари рост бўлса, бизларга худди бу дунёда бўлганидек Охиратда ҳам ундан ва у билан бирга бўлган мусулмонлардан яхшироқ ноз-неъматлар берилади", дея бошладилар. Шунда уларнинг бу пуч даъволарини инкор этиб қуйидаги оятлар нозил бўлди.

35. Ахир Биз мусулмонларни жиноятчи-кофир кимсаларга баробар қилурмизми?! 36. *(Эй мушриклар)*, сизларга нима бўлди? Қандай ҳукм чиқармоқдасизлар? 37-38. Балки сизлар учун *(осмондан туширилган)* бирон китоб бўлиб, унда сизлар ўзларингиз учун *(Охиратда)* шак-шубҳасиз, танлаган-хоҳлаган нарсаларингиз бор эканлигини ўқиб-ўрганаётгандирсизлар?! 39. Балки сизлар учун Бизнинг зиммамизда: "Шак-шубҳасиз, ўзларингиз ҳукм-қарор қилган бор нарса сизларники бўлур", деган то Қиёмат Кунигача етгувчи қасамлар *(яъни, Биз томондан*

берилган аҳд-паймонлар) **бордир?! 40.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **улардан сўранг-чи, қайсилари бунга** *(яъни, ўзларининг пуч даъволарининг ҳақ эканлигига)* **кафил бўла олар эканлар?! 41. Балки уларнинг** *(бу даъволарини тасдиқлайдиган)* **шериклари бордир?! У ҳолда ростгўй бўлсалар ўша шерикларини келтирсинлар! 42-43. Болдир очиладиган** *(яъни, оғир ҳисоб-китобга чоғланиладиган)* **ва улар** *(кофирлар)* **кўзлари** *(қуйига)* **эгилган, хорлик уларни ўраб-эгаллаб олган ҳолларида сажда қилишга чорланишиб,** *(лекин саждага)* **кучлари етмай қоладиган Кунни** *(эсланг! Чунки ҳаёти дунёдалик пайтларида)* **улар соғ-саломат бўлган ҳолларида сажда қилишга чорланар эдилар** *(аммо саждага қодир бўла туриб ундан бош тортар эдилар).* **44. Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз ушбу Сўзни - Қуръонни ёлғон дейдиган кимсаларни Менга қўйиб беринг! Яқинда Биз уларни ўзлари билмайдиган - сезмайдиган томондан аста-секин** *(ҳалокатга дучор қилажакмиз)!* **45. Мен** *(гуноҳларини кўпайтиришлари учун)* **уларга муҳлат бериб,** *(умрларини узун қилиб)* **қўюрман. Дарвоқеъ, Менинг "макрим" жуда қаттиқдир! 46. Балки Сиз,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом, Динга даъват қилганингиз учун),* **улардан ажр-ҳақ сўраб, улар зиён қилишларидан оғирсинаётгандирлар?!** *(Яъни, Сиз улардан ҳеч қандай ҳақ сўраётганингиз йўқ-ку)!* **47. Балки уларнинг олдиларида ғайб** *(яъни, ғайбда бўладиган барча ишлар битилган Лавҳул-Маҳфуз)* **мавжуд бўлиб, улар** *(айтаётган сўзларини ўшандан)* **ёзиб олаётгандирлар?! 48. Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз Парвардигорингизнинг ҳукмига** *(яъни, У Зот кофирларга муҳлат бериб қўйганига, Ислом дини тезроқ ғолиб бўлмаётганига)* **сабр қилинг ва наҳанг-балиқ соҳиби** *(яъни, Юнус пайғамбар)* **каби** *(бесабр)* **бўлманг! Эсланг, у** *(ўзи бесабрлиги учун тушиб қолган балиқ қорнида туриб)* **ғамга тўлган ҳолда** *(Парвардигордан паноҳ тилаб)* **нидо қилган эди. 49. Агар унга Парвардигори томонидан бўлган неъмат-марҳамат етмаганида, албатта қуруқликка мазамматланган ҳолда улоқтирилган бўлур эди** *(лекин Парвардигори унга марҳамат кўрсатиб балиқ қорнидан соғ-омон чиқарди).* **50. Сўнг Парвардигори уни** *(яна пайғамбарликка)* **танлаб, солиҳ** *(пайғамбар)***лардан қилди. 51.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **албатта кофир бўлган кимсалар Эслатма - Қуръонни эшитган вақтларида Сизни кўзлари билан йиқитаёзурлар ва** *(Муҳаммад)* **шак-шубҳасиз, мажнундир, дерлар. 52. Ҳолбуки, у** *(Қуръон)* **барча оламлар учун фақат бир** *(буюк)* **Эслатмадир.**

АЛ - ҲААҚҚА сураси (69)

Бу сура эллик икки оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил қилингандир. "Ал-ҳааққа - Аниқ рўй бергувчи" деб номланган бу сурада асосан Қиёмат Кунида содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳақида сўз юритилади.

Шунингдек, бу сурада ўтмишдаги куфр йўлини тутган миллатларнинг топган оқибатлари, Сур чалинадиган Кунда осмону заминда рўй берадиган даҳшатли ҳодисалар ва шундан кейин ҳар бир банда ҳаёти дунёда қилиб ўтган барча амаллари тўғрисида ҳисоб бериши, ўша ҳисоб-китоб Кунида номаи аъмоли ўнг қўлидан келадиган саодатманд кишиларга ато этиладиган улуғ мукофотлар ва номаи аъмоли чап томонидан келадиган бадбахт кимсалар дучор бўладиган мудҳиш азоб-уқубатлар хусусида хабар бергувчи оятлар ҳам мавжуддир.

Сура Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбар эканликларини ва Қуръони Каримнинг чин Илоҳий Китоб эканини таъкидлайдиган оятлар билан хотима топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Аниқ рўй бергувчи *(Қиёмат)...* **2. Ўша аниқ рўй бергувчи нимадир? 3.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз Аниқ рўй бергувчининг нима эканлигини қаердан билурсиз?**

И з о ҳ: Ушбу оятларда "Ал-ҳааққа" (Қиёмат Кунининг номларидан бири) яъни, Аниқ рўй бергувчи Қиёмат ибораси кетма-кет уч бор такрорланди. Бунга сабаб, у Куннинг Оллоҳ таоло наздида нақадар улуғ мақом тутишини таъкидлашдир. Шунинг учун ҳам сўнгги оятда Пайғамбар алайҳис-саломга хитоб қилиниб, у Куннинг қандай Кун эканини, моҳият-ҳақиқатини Сиз билмассиз, дейилди. Энди қуйидаги оятларда ўша Қиёмат Куни ҳақ эканлигини инкор этиб ҳалокатга дучор бўлган қавмлар ҳақида хабарлар берилади.

4. Самуд ва Од *(қабилалари ўз даҳшатлари билан қалбларни)* **қаттиқ қоқувчи** *(Қиёмат Куни)***ни ёлғон, дедилар. 5. Энди Самуд** *(қабиласига келсак),* **бас, улар ҳаддан ташқари қаттиқ нарса**

(қичқириқ) билан ҳалок қилиндилар. 6. Энди Од *(қабиласига келсак)*, бас, улар бир даҳшатли, қутурган бўрон билан ҳалок қилиндилар. 7 У *(бўронни Оллоҳ)* уларнинг устига пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз ҳоким қилиб қўйдики, энди у жойдаги қавмни худди чириб - ичи бўшаб қолган хурмо дарахтининг танасидек қулаб - ҳалок бўлиб ётганларини кўрурсиз. 8. Бас, улардан бирон *(омон)* қолгувчини кўрармисиз? *(Асло, уларнинг барчалари ҳалок бўлиб битдилар)*. 9. Фиръавн ҳам, ундан аввал *(ўтган динсиз)* кимсалар ҳам, зеру забар бўлган қишлоқлар *(яъни, Лут пайғамбар қавмининг қишлоқлари)* ҳам катта хато қилдилар - 10.- Улар Парвардигорларининг пайғамбарига итоатсизлик қилдилар. Бас, У Зот уларни ортиқча қаттиқ ушлаш билан ушлади *(яъни, мислсиз қаттиқ азоб билан азоблади)*. 11. Дарвоқеъ, Биз сув туғёнга тушган вақтида сизларни *(Нуҳ пайғамбар ясаган)* кемада кўтардик. 12. Биз у *(ишни, яъни, мўминларга нажот бериб, кофирларни сувга ғарқ қилиб юбориш)*ни сизлар учун эслатма-ибрат қилиш учун ва англагувчи қулоқлар англаб-эшитиб олишлари учун *(қилдик)*. 13. Бас, қачон сур бир бор чалинганида; 14. Ва Еру тоғлар *(ўз жойларидан)* кўтарилиб, *(бир-бирларига)* бир бор урилиб *(чилпарчин бўлганида)*; 15. Ана ўша Кунда Воқеа воқеъ бўлур! *(Яъни, Қиёмат қойим бўлур!)* 16. Ва осмон ёрилур! Чунки *(осмон)* у Кунда заиф бўлиб қолур! 17. Ва фаришталар *(осмоннинг)* чор-атрофида *(Оллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб)* турурлар. Уларнинг устида Парвардигорингизнинг Аршини у Кунда саккиз *(фаришта)* кўтариб турур. 18. Ўша Кунда сизлар *(ҳисоб-китоб учун Оллоҳга)* кўндалант қилинурсизлар - сизларнинг бирон сирингиз махфий қолмас. 19-20. Бас, энди ўз китоби - номаи аъмоли ўнг қўлидан берилган киши: "Мана менинг китобимни ўқинглар. Дарҳақиқат, мен ҳисоб-китобимга *(яъни, Охиратдаги ажр-мукофотга)* рўбарў бўлишимни билган эдим", дер. 21-22-23. Сўнг у кўнгилли ҳаётда, мевалари *(аҳли жаннат учун)* яқин бўлган юксак жаннатда бўлур. 24. *(Жаннат аҳлига)*: "Ўтган кунларда *(яъни, ҳаёти дунёда)* қилиб ўтган *(эзгу)* амалларингиз сабабли *(ушбу ноз-неъматларни)* пок билиб еб-ичаверинглар", *(дейилур)*. 25. Энди ўз китоби чап қўлидан берилган кимса эса дер: "Эҳ, қани энди менга китобим берилмаса эди! 26. Ва мен ҳисоб-китобим *(яъни, оладиган жазойим)* нима эканлигини билмасам эди! 27. Эҳ қани энди ўша *(биринчи ўлим барча нарсани)* тугатгувчи-узгувчи бўлса *(ва Қиёматдаги мана бу қайта тирилиш бўлмаса)* эди! 28. Менга *(не машаққатлар билан топган)* мол-дунёйим асқотмади-я! 29. Мулку салтанатим ҳам

ҳалок бўлиб кетди-я!" 30. *(Бас, Оллоҳ жаҳаннам қўриқчиларига дер):* **"Уни ушлаб, кишанланглар! 31. Сўнгра дўзахга ташланглар! 32. Сўнгра узунлиги етмиш газ бўлган занжирга солиб богланглар!" 33. Чунки у** *(ҳаёти дунёдалик пайтида)* **Улуг Оллоҳга иймон келтирмас эди. 34. Ва мискин-бечорага таом беришга** *(ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам)* **тарғиб қилмас эди. 35. Бас, Бугун, бу ерда унинг учун бирон дўст-мададкор йўқдир! 36. Ва бирон таом ҳам йўқдир! Фақат йирингдан бўлган** *(бир "таом" борки);* **37. Уни фақат** *(йўлдан)* **адашган** *(кофир)***ларгина ерлар! 38-39-40. Бас, Мен сизлар кўрадиган нарсаларга ҳам, сизлар кўра олмайдиган нарсаларга ҳам қасам ичурманки, у** *(Қуръон)* **шак-шубҳасиз, улуғ Пайғамбарнинг** *(Оллоҳ даргоҳидан келтирган)* **сўзидир! 41. У бирон шоирнинг сўзи эмасдир! Сизлар** *(ушбу Қуръон Оллоҳнинг Каломи эканлигига)* **камдан-кам иймон келтирурсизлар! 42. Ва бирон коҳин-фолбиннинг сўзи ҳам эмасдир. Сизлар камдан-кам панд-насиҳат олурсизлар! 43.** *(У)* **барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилинган** *(Китобдир).* **44. Агар** *(Пайғамбар)* **Бизнинг шаънимизга** *(Биз айтмаган)* **айрим сўзларни тўқиб олганида; 45-46. Албатта Биз унинг ўнг қўлидан ушлаган, сўнгра албатта унинг шоҳтомирини узиб ташлаган бўлур эдик. 47. У ҳолда сизлардан бирон киши ундан** *(яъни, Пайғамбардан ҳалокатни)* **тўса олгувчи бўлмас эди.** *(Бас, Муҳаммад алайҳис-салом Оллоҳнинг Каломига ўз томонидан бирон сўз қўшмагани, балки зиммасидаги омонат-Пайғамбарликни ҳалол адо қилиб келаётгани учун ҳам сизларнинг орангизда соғ-омон ҳаёт кечирмоқда, акс ҳолда Оллоҳ уни ҳалок қилган бўлур эди. Бу Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбар эканликларининг яна бир ёрқин далилидир).* **48. Албатта у** *(Қуръон)* **тақводор зотлар учун панд-насиҳатдир. 49. Шак-шубҳасиз, Биз сизларнинг орангизда** *(Қуръонни)* **ёлғон дегувчилар ҳам бор эканини аниқ билурмиз. 50. Албатта у** *(Қуръон)* **кофирларга** *(улар Қиёмат Кунида Қуръонга иймон келтирган кишиларнинг савобга эга бўлганларини кўрган вақтларида)* **ҳасрат-надомат бўлур. 51. Албатта у** *(Қуръон)* **аниқ Ҳақиқатдир! 52. Бас, Улуг Парвардигорингизнинг номини** *(мудом, барча айб-нуқсонлардан)* **пок тутинг!**

МАОРИЖ сураси (70)

Бу сура Маккада нозил бўлган. У қирқ тўрт оятдир.

Сура кофирларнинг тугёнга тушиб, ўзлари огоҳлантирилган Охират азобини инкор этишлари ҳақида хабар бериш билан бошланиб, сўнгра улар иймон келтирмаётган Қиёмат Кунида кофирларга бериладиган ҳақли жазодан ҳеч қандай тўлов билан қутулиб бўлмаслиги яна бир бор таъкидланади.

Бу сурада яна инсоннинг хафачиликни ҳам, хурсандчиликни ҳам кўтара олмайдиган ожиз вужуд эканлиги уқтирилиб, фақат тақво ва эзгу амалгина инсонни бундай ожизликдан омон сақлай олиши мумкинлиги айтилади.

Сура ниҳоясида кофирларнинг жаннатга кириш тўғрисида беҳуда-бефойда тамаъ қилишлари баён қилиниб, сўнгра Пайғамбар алайҳис-саломга уларни то ўзларига ваъда қилинган азобга йўлиқишгунча тарк қилиш буюрилади.

Сура номланган "Маориж" калимаси асли "Погоналар" маъносида бўлиб, бу сурада "Осмон қаватлари" маъносида келгандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2-3. Бир сўрагувчи кимса *(осмонларнинг барча)* **погоналари - қаватлари Соҳиби бўлмиш Оллоҳ томонидан кофирларга тушгувчи, биров қайтара олмайдиган азобни** *(ўз устига тушишини)* **сўради.**

Изоҳ: Бу оятлар мушриклардан Назр ибн Хорис ҳақида нозил бўлган Пайғамбар алайҳис-салом кофирлар учун тайёрлаб қўйилган Оллоҳ таолонинг азоби бор эканлигини билдириб, уларни огоҳлантирганларида Назр туриб. "Эй Худо, агар мана шу (Қуръон) Сенинг даргоҳингдан келган ҳақиқат бўлса, устимизга самодан тош ёғдиргин ёки бизларга аламли азоб келтиргин", деди. Мана шу тилакнинг ўзидан Назр ва у кабиларнинг ким эканликлари маълумдир. Чунки улар Ҳақ Йўлга юришни истаган кишилар бўлганларида: "Эй Худо, агар мана шу Қуръон Сенинг даргоҳингдан келган ҳақиқат бўлса, бизларни ҳам унинг йўлига ҳидоят қилгин", деган бўлур эдилар.

Энди қуйидаги оятда барча фаришталар Қиёмат Кунида осмон қаватларини босиб ўтишиб, Оллоҳ ҳузурига тўпланишлари зикр қилинади.

4. Фаришталар ва Руҳ *(яъни, Жаброил)* **миқдори-узунлиги** *(дунё ҳисобида)* **эллик минг йил бўлган бир Кунда** *(яъни, Қиёмат Кунида)* **У Зотнинг ҳузурига кўтарилурлар. 5. Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом, кофирларнинг озор-азийятларига)* **чиройли сабр билан сабр-тоқат қилинг! 6-7. Чунки улар у** *(Кун)***ни узоқ деб билурлар, Биз эса унинг яқинлигини билурмиз! 8. У Кунда осмон эритилган ёғ каби бўлиб қолур. 9. Тоғлар эса юнг каби** *(енгил)* **бўлиб қолурлар. 10. Ва бирон дўст дўстидан** *(ҳол-аҳвол)* **сўрамас. 11-12-13.** *(Ҳолбуки,)* **улар** *(бир-бирларига)* **кўрсатилурлар! Жиноятчи-кофир кимса у Куннинг азобидан** *(қутулиш учун)* **ўғилларини, хотинини, биродарини, уни ўз паноҳига оладиган қариндош-уруғини ва Ердаги барча кишиларини тўлов қилиб бериб юборишни, сўнгра** *(бу тўлов)* **унга нажот беришини истар. 15-16. Йўқ,** *(ҳеч қандай тўлов уни азобдан қутқара олмас)!* **Албатта у** *(яъни, кофирлар ташланадиган дўзах ўз ҳарорати билан)* **бош териларини сидириб олгувчи бўлган бир оловдир! 17-18. У** *(Ҳақ Йўлидан)* **юз ўгириб, терс қараб кетган ва** *(пул-мол)* **йиғиб тўплаган** *(яъни, уни Оллоҳ буюрган жойларга сарфламаган)* **кимсаларни** *(ўзига)* **чорлаб турар! 19. Дарҳақиқат, инсон бетоқат қилиб яратилгандир. 20. Қачон унга ёмонлик** *(камбағаллик-кулфат)* **етиб қолса, у ўта бесабрлик қилгувчидир. 21. Қачон унга яхшилик** *(бойлик, саломатлик)* **етса, у ўта манъ қилгувчи-бахилдир. 22. Фақат намоз ўқигувчи зотлар** *(яъни, мусулмонларгина ундоқ эмасдирлар)***ки, 23. Улар намозларида доим-барқарор бўлгувчи зотлардир. 24-25. Улар** *(топган)* **мол-мулкларида сўрагувчи - тиланчи ва** *(мол-давлатдан)* **маҳрум кишилар учун маълум ҳақ** *(яъни, закот)* **бўлган зотлардир. 26. Улар Жазо - Қиёмат Кунини тасдиқ этадиган зотлардир. 27. Улар Парвардигорларининг азобидан қўрқувчи бўлган зотлардир. 28. Зотан, Парвардигорларининг азоби** *(ҳеч ким учун)* **бехатар эмасдир** *(яъни, ҳеч кимнинг "Менга Оллоҳнинг азоби тушмайди", деб хотиржам бўлишга ҳаққи йўқдир).* **29. Улар авратларини** *(ҳаромдан - зинодан пок)* **сақлагувчи зотлардир. 30. Магар ўз жуфти ҳалолларидан ва қўлларидаги чўриларидангина** *(сақланмайдилар).* **Бас, улар маломат қилинмаслар. 31. Энди ким бундан ўзгани** *(яъни, зино ва шу каби Шариати Исломийяда ҳаром қилинган бошқа нарсаларни)* **истаса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошгувчи кимсалардир. 32. - Улар**

(яъни, мўмин-мусулмонлар) ўзларига ишонилган омонатларга ва *(ўзгаларга берган)* аҳд-паймонларига риоя қилгувчи зотлардир. 33. Улар ўз гувоҳликларини тўгри-холис адо қилгувчи зотлардир. 34. Улар намозларини *(вақтида адо этиб, қазо бўлишдан)* сақлагувчи бўлган зотлардир. 35. Ана ўшалар жаннатларда ҳурмат-иззат кўргувчидирлар.

И з о ҳ: Мазкур оятларда ҳақиқий мўмин-мусулмонларнинг сифат-фазилатлари баён қилинди ва ана ўшалар жаннат неъматларига сазовор бўлгувчи зотлар эканликлари уқтирилди. Энди қуйидаги оятларда Пайғамбар алайҳис-салом атрофларига келишиб, тўп-тўп бўлиб ўтиришиб олишиб, у зот айтган сўзларни масхара қиладиган ва бир-бирларига саҳобаларни кўрсатишиб: "Агар мана шулар Муҳаммад айтаётгандек, жаннатга кирадиган бўлсалар, бизлар ҳеч шак-шубҳасиз, улардан олдинроқ ўша жойга кирамиз", деб сафсатабозлик қиладиган мушриклар ҳақида сўзланиб, уларнинг бундай тамаълари бефойда эканлиги таъкидланади ва Пайғамбар алайҳис-саломни улардан юз ўгиришга амр этилади.

36-37. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, бу кофир бўлган кимсаларга нима бўлдики, улар ўнг ва сўлдан тўда-тўда бўлиб, Сиз томонга чопурлар?! 38. Ё улардан ҳар бир кимса ноз-неъмат жаннатига киритилишни тамаъ қилурми?! 39. Йўқ, *(улар ҳеч қачон жаннатга кирмаслар)!* Албатта Биз уларни ўзлари биладиган нарсадан *(яъни, бир томчи сувдан)* яратдик. 40-41. Бас, *(шундоқ экан)* Машриқу Магрибларнинг Парвардигорига қасам ичурманки, шак-шубҳасиз, Биз *(бу кофирларни ҳалок қилиб, ўринларига)*, улардан яхшироқ *(инсонларни)* алмаштириб қўйишга Қодирдирмиз ва Биз *(бу ишга)* ожиз эмасдирмиз. 42. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз уларни тарк қилинг! Улар то ўзларига ваъда қилинаётган Кунларига рўбарў бўлгунларича *(ўз ботил-беҳуда хаёлларига)* шўнғишиб, ўйнаб-кулиб юраверсинлар! 43-44. У Кунда улар гўё *(ўзлари сиғинадиган)* бутларга қараб чопишаётгандек шошилган, кўзлари *(қуйишга)* эгилган, хорлик уларни ўраб-эгаллаб олган ҳолларида қабрларидан чиқиб келурлар! Мана шу *(ҳаёти дунёда)* уларга ваъда қилингувчи бўлган Кундир!

НУҲ сураси (71)

Маккада нозил қилган бу сура йигирма саккиз оятдан ташкил топгандир.

Бу сурада пайғамбарлар оқсоқоли Нуҳ алайҳис-саломнинг қиссалари у зотнинг пайғамбар қилиб юборилишларидан тортиб, то қавмларининг орасидаги кофир бўлган кимсалар тўфон балосига дучор қилинишларигача батафсил ҳикоя қилинади. Шунинг учун бу сура "Нуҳ" сураси деб аталади.

Бу сурада Оллоҳ таолонинг Ўз пайғамбарлари орқали юборган Динига қаршилик қиладиган кимсалар барча замон ва маконларда бўлгани ва бўлажаги ҳақида хабар берилиши билан бирга инсоният тарихида Яратган буюрган Диндан чиққан барча миллатларнинг оқибатлари ҳалокат бўлгани ҳам уқтирилади.

Сура Нуҳ алайҳис-салом ўз қавмлари орасида тўққиз юз эллик йил туриб, уларни Оллоҳнинг Динига даъват қилганларидан кейин ҳам улар панд-насиҳат олишиб Ҳидоят Йўлига юришмагач, у зот Оллоҳ таолога илтижо қилиб бу кофирларга Ўз балосини юборишини сўраганлари ҳақида ҳикоя қилувчи оятлар билан хотима топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Дарҳақиқат, Биз Нуҳни: "Қавмингни уларга аламли азоб келиб қолишидан илгари огоҳлантиргин", деб ўз қавмига пайғамбар қилиб юбордик. 2. У деди: "Эй қавмим, албатта мен сизларга *(юборилган)* **очиқ огоҳлантиргувчидирман. - 3. - Оллоҳга ибодат қилинглар ва У Зотдан қўрқинглар ҳамда менга итоат этинглар. 4.** *(Шунда Оллоҳ)* **сизларни гуноҳларингиздан мағфират қилур ва сизларни белгиланган муддатгача** *(яъни, ажалларингиз битгунича тирик)* **қолдирур. Агар билгувчи бўлсангизлар, Оллоҳнинг** *(ўлим учун белгилаб қўйган)* **муддати келган вақтида асло ортга сурилмас". 5.** *(Нуҳнинг бу даъватлари уларга кор қилмагач),* **у деди: "Парвардигорим, албатта мен қавмимни кеча-ю кундуз** *(иймон-эътиқодга)* **даъват этдим. 6.** *(Аммо)* **менинг даъватим уларга фақат** *(иймондан)* **қочишни зиёда қилди, холос.**

7. Дарвоқеъ, ҳар қачон мен уларни Сенинг мағфиратингга *(сабаб бўладиган Дин Йўлига)* **даъват қилсам, улар** *(менинг сўзларимни эшитмаслик учун)* **бармоқларини қулоқларига тиқиб,** *(мени кўрмаслик учун юзу кўзларига)* **кийимларини ўраб-чирмаб олдилар ва** *(ўз куфрларида)* **оёқ тираб турдилар ҳамда** *(менга итоат этишдан бош тортиб)* **кибр-ҳаво қилдилар.**

И з о ҳ: Муҳтарам ўқувчи эътибор берган бўлса, Нуҳ пайғамбарнинг қавмлари орасидаги кофир кимсалар Муҳаммад алайҳис-салом замонларидаги ва ундан кейинги даврлардаги кофирларга ўхшаб Оллоҳнинг Динидан юз ўгириб. терс қараб кетмайдилар, балки улар худди гўдак болаларга ўхшаб бармоқларини қулоқларига тиқиб, юзу кўзларини рўмоллар билан ўраб олишиб, Ҳақ Йўлидан қайсарлик билан бош тортадилар. Бунга сабаб, Қуръони Карим бизларга ушбу сурада неча ўн минг йиллар илгари ўтган, иккинчи Одам Ато ҳисобланмиш Нуҳ алайҳис-салом замонларидан, яъни, башариятнинг айни гўдаклик палласидан ҳикоя қилмоқда. Қуръоннинг бу ажиб услуби, яъни, ҳар бир давр ҳақида айни ўша даврнинг руҳи - тили билан сўзлаши-тасвирлаши ҳам унинг Илоҳий мўъжиза эканлигига яна бир далолатдир. Зеро, Муҳаммад алайҳис-саломдек хат-саводи бўлмаган бир киши ўзининг инсоний онг-шуури билан узоқ ўтмиш қаърига сингиб кетган қавм-қабилаларнинг ҳар бирини "ўз тили" билан сўзлата олиши мумкин бўлмаган бир ишдирки, бунга фақат барча замонларда Ҳаёт ва барча нарсадан Огоҳ бўлган Азалий ва Абадий Зот - Оллоҳ таологина Қодирдир.

8. Сўнгра мен уларни ошкора *(яъни, одамлар тўпланган жойларда баланд овозда)* **даъват этдим. 9. Сўнгра мен уларга** *(ўз даъватимни)* **очиқ эълон ҳам қилдим, пинҳона сир қилиб ҳам айтдим. 10. Мен дедимки: "Парвардигорингиз** *(Оллоҳ)***дан мағфират сўранглар, албатта У ўта Мағфиратли бўлган Зотдир. 11.** *(Шунда)* **У Зот устларингизга осмондан ёмғир қуйдирур. 12. Ва сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад берур ҳамда сизларга боғу бўстонлар** *(ато)* **қилур ва сизларга оқар дарёлар** *(ато)* **қилур. 13. Нега сизлар Оллоҳни улуғлашни** *(яъни, Унга ибодат қилишни)* **ўйламайсизлар?! 14. Ҳолбуки, У Зот сизларни босқичма-босқич яратди-ку!**

И з о ҳ: Ушбу ва қуйидаги оятларда нима сабабдан бандалар Оллоҳ таологa ибодат қилишлари зарур эканлигига далиллар келтирилгандир. Оллоҳ таоло инсонларнинг диққат-эътиборларини аввало ўзларининг қандай яратилганларига қаратади. Дарҳақиқат, ҳар бир инсон она қорнида даставвал бир томчи сув бўлиб, сўнгра қуюқ қонга айланиб, кейин бир тишлам гўшт бўлиб, сўнгра унга жон ато этилиб ёруғ дунёга келиши ҳақида ўйлаган ҳар бир соғлом

ақл ва тоза дил эгаси беихтиёр Яратганнинг қудратига-улуғлигига тасаннолар айтиб, У Зотга сажда қилмай тура олмас.

Энди қуйидаги оятларда Оллоҳ таолонинг қудрати нақадар чексиз-чегарасиз эканлигига очиқ далолат қилиб турган самовот ва ундаги сайёралар ҳақида сўз юритилади.

15-16. Оллоҳ етти осмонни қандай устма-уст қилиб яратганини ва ойни улардаги нур-ёруғлик қилиб, қуёшни эса *(нур сочгувчи)* чироқ қилиб қўйганини кўрмадингларми?! 17. Оллоҳ сизларнинг *(отангиз Одамни)* Ердан ундириб-ўстирди *(яъни, пайдо қилди).* 18. Сўнгра *(вафот қилганларингизда)* У Зот сизларни яна *(Ерга)* қайтарур ва *(Қиёмат қойим бўлганида)* Унинг Ўзи сизларни чиқариб олур! 19-20. Оллоҳ Ерни сизлар учун - сизлар ундаги кенг йўлларда юришларингиз учун ёйиқ - текис қилиб қўйди". 21. Нуҳ айтди: "Парвардигорим, дарҳақиқат, улар менга итоатсизлик этдилар ҳамда *(топган)* мол-дунёси ва бола-чақаси ўзига фақат зиённи *(яъни, куфр ва туғённи)* зиёда қилган кимсаларга *(ўзларининг бой-бадавлат бошлиқларига)* эргашиб кетдилар". 22. *(Уларнинг бошлиқлари Нуҳга қарши)* жуда катта макр-ҳийлалар қилдилар. 23. Ва *(ўзларига эргашган тубан-пасткаш кимсаларга):* "Сизлар ҳаргиз ўз худоларингизни тарк қилманглар! "Вад"ни ҳам, "Сувоъ"ни ҳам, "Яғус"ни ҳам, "Яуқ"ни ва "Наср"ни ҳам ҳаргиз тарк қилманглар!", дедилар.

Изоҳ: Бу оятда зикр қилинган бешта ном Нуҳ пайғамбар замонларидаги кофирлар сиғинадиган бут-санамларнинг номидир. Улар Нуҳ алайҳис-саломнинг даъватларига қулоқ солмай ўша бутларга сиғинганликлари учун ҳам тўфон балосига гирифтор қилиниб, ҳалок бўлганлар.

24. "Дарҳақиқат, улар *(яъни, Нуҳ қавмининг бой-бадавлат бошлиқлари)* кўп *(кишилар)*ни йўлдан оздирдилар. *(Парвардигорим),* бу золим кимсаларга фақат гумроҳликни зиёда қилгин", *(деди Нуҳ).* 25. Улар ўз хато-гуноҳлари сабабли ғарқ қилиниб, дўзахга киритилдилар. Бас, ўзлари учун Оллоҳдан ўзга ёрдам бергувчиларни топмадилар *(яъни, сиғинган бут-санамлари уларни Оллоҳнинг азобидан қутқара олмадилар).* 26. Нуҳ айтди: "Парвардигорим, Ер юзида кофирлардан бирон ҳовли-жой эгасини қолдирмагин. 27. Чунки Сен агар уларни *(Ер юзида)* қолдирсанг, улар бандаларингни йўлдан оздирурлар ва улар фақат кўрнамак, нопок *(кимсалар)*ни туғиб-кўпайтирурлар. 28. Парвардигорим, Ўзинг мени, ота-онамни, менинг уйимга мўмин ҳолда кирган кишиларни ва барча мўмину мўминаларни мағфират қилгин, золим кимсаларга эса фақат ҳалокатни зиёда қилгин!"

ЖИН сураси (72)

Бу сура йигирма саккиз оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил қилингандир.

У Оллоҳ таоло оловдан яратган кўзга кўринмас махлуқлар - жинлар олами ҳақида ҳикоя қилади. Маълумки, Муҳаммад алайҳис-салом инсу жинга баробар Пайғамбар қилиб юборилганлар. Худди инсонлар орасида бўлгани каби жинлар орасида ҳам у зотнинг Пайғамбар эканликларига иймон келтирганлар ҳам, иймон келтирмайдиганлар ҳам бордир. Бу сура аввалида Қуръон оятларини эшитишлари билан у Китобга дарҳол иймон келтирган бир гуруҳ жинлар ҳақида хабар берилиб, сўнгра умуман жинлар қандай махлуқлар эканликлари тўғрисида маълумотлар келтирилади. Ва улар айрим кишилар ўйлаганидек, инсонларга бирон фойда ёки зиён етказишга ё ғайб сирларини билишга қодир эмасликлари, шунингдек, уларнинг ичида яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам, мусулмонлари ҳам, иблиси лаин каби кофирлари ҳам бор эканлиги очиқ-равшан баён қилинади.

Сура Пайғамбар алайҳис-саломни ўзларининг зиммаларида қандай вазифалар борлигини, Оллоҳ Ўз Пайғамбарига нималарни маълум қилиши ва нималарни билдирмаслигини, Оллоҳ таоло ва Унинг Пайғамбарига осийлик қилган кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлишини айтишга буюриш билан хотима топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. *(Эй Муҳаммад алайҳис-малом),* **айтинг: "Менга ваҳий қилиндики, жинлардан бир гуруҳи** *(менинг Қуръон тиловат қилганимни)* **эшитишиб,** *(ўз қавмларига қайтиб боришгач),* **дедилар: "Дарҳақиқат, бизлар Ҳақ Йўлга ҳидоят қиладиган бир ажиб Қуръонни эшитдик ва дарҳол унга иймон келтирдик. Бизлар** *(энди)* **Парвардигоримизга ҳаргиз бирон кимсани шерик қилмасмиз".**

И з о ҳ: Саҳобалардан Ибн Аббос (Оллоҳ ундан рози бўлсин) гувоҳлик беришларича, Пайғамбар алайҳис-салом бомдод намозини

ўқиётган чоғларида бир гуруҳ жинлар ҳозир бўлишиб, Қуръон оятларини тинглаганлар ва дарҳол Унга иймон келтирганлар. Лекин Расулуллоҳ алайҳис-салом уларнинг келишганидан ҳам, Каломуллоҳга қулоқ тутишганидан ҳам бехабар эдилар. Қачонки ушбу сура нозил қилинганидан кейингина у зот бу воқеадан огоҳ бўладилар. Юқоридаги оятларда жинларнинг Қуръонни эшитишлари билан бу башар сўзи эмас, балки Илоҳий мўъжиза деб иймон келтирганлари тўғрисида хабар берилишидан кўзланган мақсад, муфассирларнинг айтишларича, биринчидан, барча инсониятга Каломуллоҳ фақат инсонлар учунгина эмас, балки жинлар олами учун ҳам Илоҳий кўрсатма бўлиб нозил қилинганини эълон қилиш бўлса, иккинчидан, Муҳаммад алайҳис-саломни шахсан танийдиган ва у кишининг хат-саводлари йўқ эканлигини ҳам жуда яхши биладиган Макка аҳлига - арабларга, ўзларининг тилларида нозил бўлган, фасоҳат-балоғатининг беназирлигидан саводсиз одам эмас, балки дунёдаги энг етук адиблар бирлашиб ҳам ёза олишлари имконсиз бўлган бир Китобга - ҳатто жинлар ҳам эшитибоқ иймон келтирган Каломуллоҳга улар (Макка аҳли) иймон келтирмаганлари учун танбеҳ-дашном беришдир.

Энди қуйидаги оятларда Оллоҳ таоло мўмин жинлар тилидан ҳикоя қилишда давом этади.

3. "Албатта буюклиги Юксак бўлган Парвардигоримиз бирон жуфт ва ё фарзанд тутган эмасдир. 4. Албатта бизларнинг ичимиздаги аҳмоқ *(иблис)* **Оллоҳ шаънига:** *("У Зотнинг хотини ва боласи бор", деб)* **ноҳақ сўз айтар эди. 5. Албатта бизлар инс ҳам, жин ҳам Оллоҳ шаънига ҳаргиз ёлғон сўзламас, деб ўйлар эдик".**

Изоҳ: Бу сўзлар жинлар томонидан Оллоҳ таолога айтилган узрдир. Яъни, улар инсонлар ҳам, жинлар ҳам Оллоҳ шаънига ёлғон сўзни айта олмайди, деб ўйлаганлари учун жинлардан бўлган иблис уларга "Оллоҳнинг хотини, боласи бор", деб игво қилганида унинг сўзларига ишонганлари ва қачонки Қуръон оятларини эшитганларидан кейингина Оллоҳ таолонинг бирон шериги йўқ Якка-ю Ягона Зот эканини билишиб, "Бизлар (энди) Парвардигоримизга ҳаргиз бирон кимсани шерик қилмасмиз", деб онт ичганларини айтишиб узр сўрамоқдалар.

6. "Албатта инсдан бўлган *(айрим)* **кишилар жиндан бўлган кимсалардан паноҳ тилашиб, уларга янада ҳаддан ошишни-муттаҳамликни зиёда қилур эдилар".**

И з о ҳ: Яъни, қадимда (ҳозир ҳам) айрим кимсалар бирон хилватроқ ерга бориб қўнмоқчи бўлсалар, ўша ернинг "эгалари" бўлган жинларнинг катталаридан паноҳ сўрар эдилар ва буни билган жинларнинг муттаҳамлиги янада зиёда бўлиб, "Мана бизлар фақат жинларга эмас, балки инсларга ҳам хожамиз", дейишиб гурурланар эдилар. Ушбу оятда Қуръон бундай ақиданинг ботил эканлигини айтиб, жинлар ҳам худди инсонлар каби Оллоҳнинг бандалари эканликларини, бинобарин, Оллоҳ таолонинг изни-иродасисиз ҳеч кимга фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмасликларини билдиради.

Қуйидаги оятларда яна жинлар тилидан ҳикоя қилинади. Дастлабки оятда мўмин жинлар кофирларига хитоб қилиб, дедилар:

7. "Албатта улар *(яъни, инсонларнинг кофирлари)* **ҳам худди сизлар гумон қилганингиздек, Оллоҳ ҳаргиз бирон кимсани қайта тирилтирмас, деб гумон қилдилар.** *(Яъни, сизларнинг гумонларингиз ҳам, уларнинг гумонлари ҳам нотўгридир. Чунки Қуръонда қайта тирилиш ва ҳисоб-китоб бўлиши ҳақ экани тўгрисида айтилди ва бизлар бунга иймон келтирдик).* **8. Албатта бизлар** *(фаришта給ларнинг сўзларини ўгринча эшитиб олиш учун)* **осмонга тақилган эдик, унинг кучли қўриқчи** *(фаришта)***лар ва** *(ўгри жинларга отилгувчи учар)* **юлдузлар билан тўла эканлигини кўрдик. 9. Албатта бизлар** *(илгари осмондан айрим)* **жойларга** *(фаришталарнинг сўзларини ўгринча)* **эшитиб олиш учун ўтириб олар эдик. Энди ҳозир** *(яъни, Муҳаммад алайҳис-салом Пайгамбар қилиб юборилганларидан кейин)* **эса ким** *(яъни, қайси жин ўгринча)* **эшитар бўлса, ўзини кузатиб турган бир** *(учар)* **юлдузни кўрар. 10. Албатта бизлар Ердаги кишиларга** *(Оллоҳ томонидан)* **ёмонлик ирода қилинганми ёки Парвардигорлари уларга тўгрилик - яхшиликни ирода қилганми, билмасмиз".**

И з о ҳ: Мазкур оятлардан маълум бўладики, Муҳаммад алайҳис-салом Пайгамбар қилиб юборилишларидан илгари, жоҳилият даврида жинлар осмон хабарларини ўгирлаб, айрим коҳин-фолбинларга етказиш билан машгул бўлар эканлар. (Бу ҳақда "Ҳижр" сурасининг 18-оятига берилган изоҳда батафсил айтилган эди). Аммо Ислом дини келиб, Қуръон нозил бўла бошлагач, эса жинлар учун осмоннинг барча йўллари беркилган ва юқоридаги оятда жинларнинг ўзлари эътироф этишларича, улар Оллоҳ Ердаги бандалари бўлмиш инсонларга нимани, яъни, яхшилик ё ёмонликни ирода қилишидан мутлақо бехабардирлар. Бас, жинлардан паноҳ

тилаш ёки улардан нажот кутиш нодонликдан ўзга нарса эмасдир. Паноҳ ҳам, нажот ҳам Ёлғиз Оллоҳ таолонинг Ўзидангина сўралиши лозимдир. Қуръон ушбу оятлари билан мўмин-мусулмонларни ҳар қандай ваҳму гумондан халос этади.

Қуйидаги оятларда жинлар тилидан ҳикоя қилиш давом этади.

11. "Албатта бизларнинг орамизда яхшилар ҳам бордир ва *(шунингдек),* **орамизда ундоқ эмаслар** *(яъни, ёмонлар)* **ҳам бордир. Бизлар** *(Қуръонни эшитишдан илгари)* **бўлак-бўлак йўлларда эдик.**
12. Албатта бизлар *(Қуръонни эшитганимиздан сўнг)* **билдикки, Ер юзида ҳаргиз Оллоҳни ожиз қила олмасмиз** *(яъни, фақат Оллоҳ ирода қилган ишгина бўлур)* **ва У Зотдан** *(яъни, Унинг жазосидан)* **қочиб ҳам қутула олмасмиз. 13. Албатта бизлар қачонки Ҳидоятни - Қуръонни эшитгач, унга иймон келтирдик. Бас, кимки Парвардигорига иймон келтирса, демак, у** *(яхшиликларининг)* **камайиб қолишидан ҳам,** *(ёмонликларининг)* **ҳаддан ортиб кетишидан ҳам қўрқмас** *(яъни, Парвардигори унга ҳаргиз зулм қилмас, балки қилган ҳар бир амали учун муносиб жазо-мукофот ато этур).* **14. Албатта бизларнинг орамизда мусулмонлар ҳам бордир ва** *(шунингдек),* **орамизда** *(йўлдан)* **озганлар ҳам бордир. Бас, кимки мусулмон бўлса, демак, ана ўшалар Тўғри Йўлни мақсад қилиб олибдилар. 15. Энди** *(йўлдан)* **озганларга келсак, бас, улар жаҳаннам учун ўтин бўлган кимсалардир".**

И з о ҳ: Мана шу оятга келиб, иймон келтирган жинлар тилидан қилинган ҳикоя ниҳоясига етди.

16-17. Албатта агар *(инсонлар ва жинлар Тўғри)* **Йўлда устивор турганларида, албатта Биз уларни имтиҳон қилиш учун мўл ёмғир билан суғорган бўлур эдик** *(яъни, уларга мўл-кўл ризқ ато этган бўлур эдик).* **Кимки Парвардигорининг Зикридан - Қуръондан юз ўгирса, У Зот уни қаттиқ азобга йўллар. 18. Албатта** *(барча)* **масжидлар Оллоҳникидир. Бас,** *(масжидларда)* **Оллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо-илтижо қилманглар! 19. Албатта қачонки Оллоҳнинг бандаси** *(яъни, Муҳаммад алайҳис-салом)* **У Зотга дуо-илтижо қилган ҳолда турганида, улар** *(яъни, жинлар Қуръон эшитиш иштиёқида)* **унинг устига ғуж-ғуж бўлиб ёпирилишга яқин бўлдилар. 20.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Динингиздан қайтишингизни талаб қилаётган кофирларга)* **айтинг: "Мен Ёлғиз Парвардигоримгагина дуо-илтижо қилурман ва У Зотга бирон кимсани шерик қилмасман". 21. Айтинг: "Албатта мен**

сизларга на бир зиён ва на бир Тўғри Йўл беришга эга эмасдирман, *(Тўғри Йўлга солгувчи ҳам, зиён етказа олгувчи ҳам Ёлғиз Оллоҳдир)*". 22. Айтинг: "Албатта мени Оллоҳ*(нинг азоби)*дан *(агар У Зотга осийлик қилсам)*, бирон кимса ҳимоя қила олмас ва мен У Зотдан ўзга паноҳгоҳ ҳам топа олмасман. 23. *(Мен)* фақат Оллоҳ томонидан етказишга ва У Зотнинг элчилик вазифаларигагина *(эгадирман)*. Кимки Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига осий бўлса, бас, албатта унинг учун жаҳаннам олови бордир. *(Ундай кимсалар)* ўша жойда мангу қолурлар. 24. Энди қачон улар ўзларига ваъда қилинаётган азобни кўрганларида, бас, *(ўша пайтда)* кимнинг *(яъни, уларнингми ёки мўминларнингми)* ёрдамчиси ожизроқ ва саноғи ҳам озроқ эканини билажаклар!" 25. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, у кофирларга)* айтинг: "Мен сизларга ваъда қилинаётган *(азоб)* яқинми ёки Парвардиторим унинг учун *(узоқроқ)* муҳлат қилганми, билмасман. 26. *(У Зот)* ғайбни Билгувчидир. Бас, Ўз ғайбидан бирон кимсани огоҳ қилмас. 27-28. Фақат Ўзи рози бўлган пайғамбарнигина *(Ўзининг ғайбидан сир-асрорининг айримларидан огоҳ этар)*. Бас, албатта У *(Оллоҳ)* токи *(пайғамбарлар)* Парвардиторларининг элчилик вазифаларини *(ўз умматларига)* тўла етказганларини билиш учун *(Ўзининг ғайбидан огоҳ қилиб қўйган ҳар бир пайғамбарнинг)* олдидан ҳам, ортидан ҳам кузатгувчи *(фаришта)* йўллар. У Зот *(пайғамбарлар)* ҳузуридаги бор нарсани *(яъни, уларнинг илму амалларини)* иҳота қилиб олгандир ва *(коинотдаги)* ҳар бир нарсанинг саноғини ҳисоб-китоб қилиб қўйгандир".

МУЗЗАММИЛ сураси (73)

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, йигирма оятдан иборатдир.

"Ё айюҳал-муззаммил - Эй (кийимларига) ўралиб олган зот!" деб, Муҳаммад алайҳис-саломга хитоб қилиш билан бошланадиган бу сурада дастлаб Пайғамбаримиз кечаларни тоат-ибодат қилиб бедор ўтказишга ва бу билан нозил бўлажак "Оғир Сўз" - Каломуллоҳни башариятга етказиш учун руҳий тайёргарлик кўришга буюриладилар.

Сўнгра у кишига Макка мушриклари томонидан етадиган турли озор-азиятларга сабр-тоқат қилиш ва улардан юз ўгириш лозим эканлиги уқтирилиб, у мушриклардан Оллоҳ таолонинг Ўзи интиқом олажаги билдирилади.

Сура ниҳоясида Оллоҳ таолонинг мўминларга ато этган енгиллик - марҳаматлари баён қилиниб, уларга тоат-ибодатда устивор бўлиш буюрилади ва бу ҳаёти дунёда қилиб ўтган ҳар бир яхши амалнинг ажр-мукофотини Охиратда Оллоҳ таоло ҳузурида беками-кўст, зиёдаси билан топишлари ҳақида хабар берилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2-3-4. Эй *(кийимларига)* **ўралиб олган зот, кечаси** *(бедор бўлиб, намозда)* **туринг! Фақат озгина - унинг** *(кечанинг)* **ярмида** *(ухлаб ором олинг)* **ёки** *(уйқуни кечанинг)* **ярмидан ҳам бир оз камайтиринг, ёхуд унга** *(бир оз)* **зиёда қилинг** *(яъни, кечанинг ярмидан кўпроғида ухлаб, истироҳат қилинг)* **ва Қуръонни тартил билан** *(яъни, дона-дона қилиб)* **тиловат қилинг!**

Изоҳ: Ушбу оятларда Пайғамбар алайҳис-саломга кечанинг ярмини ёки учдан иккисини ёхуд учдан бирини бедор бўлиб тоат-ибодат билан ўтказиш ҳамда Қуръони Каримни шошмасдан, мазмун-моҳиятига эътибор бериб тиловат қилиш буюрилди.

Бу оятларнинг нозил бўлиш сабаблари ҳақида турли ривоятлар мавжуддир. Улардан бирида айтилишича, Пайғамбар алайҳис-салом Қурайш кофирлари тўпланишиб Ислом динига ва

Пайғамбар алайҳис-саломнинг ўзларига қарши ҳар хил макр-ҳийла режаларини тузишаётганидан хабар топгач, ғамгин бўлиб, кийимларига ўралган ҳолларида ётиб энди уйқуга кетганларида Жаброил фаришта мазкур оятларни келтириб, уларда Пайғамбаримизга ҳозир уйқу вақти эмаслиги, балки тунларни тоат-ибодат билан бедор ўтказиб, барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилинаётган Илоҳий Қўлланма - Қуръони Каримни дона-дона қилиб ўқиб, кишиларга етказиш вақти эканлиги уқтирилади.

5. Зеро, Биз Сизга оғир Сўзни - Қуръонни туширажакмиз. 6. Албатта кечаси *(ибодат учун бедор бўлиб)* **туриш** *(тун уйқу-ором вақти бўлгани сабабли)* **жуда оғир юкдир ва** *(лекин у пайтда кундузги безовталиклар бўлмагани учун)* **энг тўғри сўздир.**

И з о ҳ: Тун сукунатида ибодат қилаётган киши Қуръонни ҳам адашмай тиловат қилади, дуо-илтижоларни ҳам ҳузури дил билан бехато қилади ва бу вақтда ўзгалар уйқу-ғафлатда бўлгани учун унинг қилган ибодати - ўқиган намози бериё, яъни, Ёлгиз Оллоҳ учун бўлади. Шунинг учун ҳам Оллоҳ таоло тунлари бедор бўлиб ибодат қилишни: "Энг тўғри сўздир", дейди.

7. Албатта Сиз учун кундузи узун-тинимсиз машғулот бордир *(шу сабабли кечалари бедор бўлиб ибодат қилинг)*! **8. Парвардигорингизнинг номини** *(мудом)* **ёд этинг ва Унга бутунлай берилиб,** *(чин ихлос билан бандалик қилинг)*! **9.** *(У)* **Машриқ ва Мағрибнинг Парвардигоридир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзигина бордир. Бас, Сиз** *(ўзингиз учун)* **Унигина Вакил-Ҳомий қилиб олинг! 10. Ва улар** *(мушриклар)* **айтаётган сўзларига** *(бераётган озорларига)* **сабр қилинг ҳамда уларни чиройли тарк этинг! 11.** *(Сизни)* **ёлғончи қилгувчи у аҳли неъмат-аҳли дунёларни менга қўйиб беринг ва уларга озгина** *(Қиёматгача)* **муҳлат беринг! 12. Зеро, Бизнинг даргоҳимизда** *(кофирлар учун тайёрлаб қўйилган)* **кишанлар ва** *(уларни куйдириб азоб бергувчи)* **олов-дўзах бордир! 13. Ва** *(томоққа)* **тиқилгувчи** *(йиринг ва қон каби)* **"таом" ҳамда аламли азоб бордир! 14. У Кунда Ер ва тоғлар титроққа тушар ва у тоғлар тўкилиб тургувчи қумтепаларга айланиб қолур! 15.** *(Эй Макка аҳли)*, **дарҳақиқат, Биз худди Фиръавнга** *(Мусо)* **пайғамбарни юборганимиз каби сизларга ҳам** *(агар бу ҳаёти дунёдан куфру исён билан ўтсангизлар Қиёмат Кунида)* **сизларнинг зиёнингизга гувоҳлик бергувчи бўлган бир Пайғамбарни** *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломни)* **юбордик. 16.** *(Ўшанда)* **Фиръавн** *(Мусо)* **пайғамбарга итоатсизлик қилгач, Биз уни қаттиқ ушлаш билан**

ушладик *(яъни, денгизга гарқ қилиб юбордик)*. 17. Бас, агар сизлар кофир бўлсангизлар *(ўз даҳшати билан)* болаларни*(нг сочларини оқартириб)* чолларга айлантириб қўядиган Кун*(нинг азоби)*дан қандай сақланурсизлар! 18. У *(даҳшатли Кун)* сабабли осмон ҳам ёрилгувчидир! *(Оллоҳнинг)* ваъдаси амалга ошгувчидир! 19. Албатта ушбу *(оятлар)* бир эслатмадир. Бас, ким хоҳласа *(бу насиҳатдан ибрат олиб)* Парвардигорига йўл тутар. 20. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, албатта Парвардигорингиз Сиз ва Сиз билан бирга бўлган кишилардан иборат тоифа *(яъни, саҳобаларингиз гоҳо)* кечанинг учдан иккисидан озрогида, *(гоҳо)* унинг ярмида ва *(гоҳо)* учдан бирида *(бедор бўлиб, намозда)* туришларингизни билур. Кеча ва кундуз *(соатлари)*ни Оллоҳ белгилар. У Зот *(фасллар ўзгариши билан кечалар ҳам узун-қисқа бўлиб туриши сабабли сизлар у кечаларда бедор бўлишларингиз лозим бўлган соатларнинг)* саногига ета олмасликларингизни билиб, сизларга қайта енгиллик берди. Энди *(кечалари намозларингизда)* Қуръондан муяссар бўлган миқдорда ўқийверинглар. У Зот сизларнинг орангизда *(кечалари бедор бўлишга қуввати етмайдиган)* беморлар бўлишини, бошқалар Оллоҳнинг фазл-марҳаматидан *(ризқ-рўз)* истаб Ер юзида *(яъни, унинг турли томонларига)* сафар қилишларини ва яна бошқалар эса Оллоҳ Йўлида жангга чиқиб кетишларини билди. Бас, *(ўзларингизни қийнамай Қуръондан)* муяссар бўлган миқдорда ўқийверинглар. Ва намозни тўкис адо этинглар, закотни *(ҳақдорларга)* ато этинглар ва *(бечора мискинларга хайру саховат қилиш билан)* Оллоҳга қарзи ҳасана беринглар! Ўзларингиз учун тақдим қиладиган ҳар бир яхшиликни *(Қиёмат Куни)* Оллоҳнинг ҳузурида янада яхшироқ ва улуғроқ ажр-мукофот ҳолида топурсизлар. Оллоҳдан мағфират сўранглар! Албатта Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир.

МУДДАССИР сураси (74)

Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган. У эллик олти оятдир.

Бу сурада ҳам худди аввалги сурада бўлганидек, сўз асосан Пайғамбар алайҳис-салом шахсийятлари хусусида бориб, дастлабки оятларда Пайғамбаримизга даъват юкини ўз зиммаларига олишлари амр этилади ва бу йўлда кофирлар томонидан ўзларига етадиган озор-азийятларга Оллоҳ учун сабр-тоқат қилиш буюрилади.

Сура давомида Қиёмат Кунида кофирлар учун осон бўлмаслиги таъкидланади ва улардан бирининг кирдикори батафсил фош этилади.

Сўнгра кофирларга ваъда қилинган дўзах ва унинг қўриқчи-ходимларининг саноқлари тўғрисида сўз юритилиб, бу саноқ фақат имтиҳон учун айтилгани баён қилинади.

Бу сурадан жаннат аҳлининг дўзахилар билан қиладиган савол-жавоблари ҳам ўрин олгандир.

Сура Макка мушрикларининг Ҳақ Йўлига юрмаётганларидан ғамгин бўлган Пайғамбар алайҳис-саломга ҳар иш Оллоҳ таолонинг хоҳиш-иродаси билан бўлишини билдириб, таскин-тасалли бериш билан хотима топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. Эй *(либосларига)* **бурканиб олган зот, туринг-да,** *(инсонларни Охират азобидан)* **огоҳлантиринг!**

Изоҳ: Саҳобалардан Жобир ибн Абдуллоҳ (Оллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳис-салом юқоридаги оятлар нозил бўлиши хусусида шундай деганлар: "Мен бир куни йўлда кетаётиб осмондан бир овоз эшитдим. Бошимни кўтариб қарасам, баногоҳ мен Ҳиро ғорида эканлигимда олдимга келган фаришта осмон билан Ернинг ўртасида муаллақ бўлган бир курсида ўтирибди. Бу ҳолни кўриб қўрққанимдан Ерга йиқилдим ва қалтираб-титраган ҳолимда уйга етиб келиб, "Мени ўраб қўйинглар, мени ўраб қўйинглар", дедим. Энди кўрпага бурканиб

ётганимда менга "Эй (либосларига) бурканиб олган зот", деб бошланган оятлар нозил бўлди".

3. **Ёлгиз Парвардигорингизни улугланг! 4. Либосларингизни пок тутинг! 5. Бутлардан йироқ бўлинг! 6.** *(Бераётган нарсангизни)* **кўп санаган ҳолингизда эҳсон қилманг! 7. Ёлгиз Парвардигорингиз** *(Юзи)* **учун** *(кофирлар томонидан етадиган озорларга)* **сабр қилинг! 8-9. Чунки қачон** *(Қиёмат қойим бўлгани ҳақида хабар бериб)* **бурғу чалинганида, ана ўша Кун қийин Кундир! 10. Кофирларга осон бўлмаган** *(Кундир)!*

Изоҳ: Ушбу оятларда Оллоҳ таоло Ўз Пайғамбарини зиммасидаги пайғамбарлик вазифасини сабр-тоқат билан адо этишга чорлаб, у зотга яқинда Дин Йўлига ғов бўлган кимсалар учун қийин бир Кун - Қиёмат келиши тўгрисида хабар берди. Энди қуйидаги оятларда ўша кофирлардан бири бўлган Валид ибнул-Мугийранинг Қуръон ва Пайғамбар алайҳис-саломга қарши қилган кирдикори ва у топажак оқибат ҳақида сўз боради.

11. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Мен сўққабош ҳолида яратган кимсани Ўзимга қўйиб беринг! 12-13.** *(Сўнгра)* **Мен унга кенг-мўл мол-давлат ва** *(доимо ёнида)* **ҳозиру нозир ўғилларни** *(ато)* **қилдим. 14. Яна унга** *(ҳаётнинг барча неъматларини)* **қулай-осон қилиб қўйдим. 15. Сўнгра у яна зиёда қилишимни тамаъ қилур. 16. Йўқ,** *(унинг тамаъси беҳудадир)!* **Чунки у Бизнинг оятларимизга қаршилик қилгувчидир. 17. Яқинда Мен уни бир харсанг тошга** *(яъни, ўтиб бўлмас тўсиққа)* **дучор қилажакман! 18. Чунки у** *(Қуръонни эшитгач, бу Илоҳий Китобга қандай туҳмат қилиш тўгрисида)* **ўйлади, режа тузди. 19. Ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?! 20. Яна ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?! 21. Сўнгра у** *(ўйлаган режаларига)* **қаради. 22. Сўнгра** *(Қуръондан бирон айб топа олмагач, пешонасини)* **тириштирди ва** *(афтини)* **буриштирди. 23. Сўнгра** *(Ҳақдан)* **юз ўгирди ва кибр-ҳаво қилди. 24-25. Бас, у: "Бу** *(Қуръон Оллоҳнинг сўзи эмас, балки)* **фақат** *(аввалгилардан)* **нақл қилинаётган бир сеҳрдир. Бу фақат башарнинг сўзидир", деди. 26. Яқинда Мен уни Сақарга** *(жаҳаннамга)* **киритажакман! 27.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сақарнинг нима эканлигини Сиз қаердан ҳам билар эдингиз. 28. У** *(бирон кофирни)* **қолдирмас - қўймас** *(балки куйдириб ҳалок қилур)!* **29.** *(У беш юз йиллик масофадан)* **инсонларга яққол кўриниб тургувчидир. 30. Унинг устида ўн тўққиз** *(фаришта қўриқчилик-эгалик қилур).* **31. Биз дўзах эгаларини - қўриқчиларини фақат**

фаришталардан қилдик ва Биз фақат кофир бўлган кимсаларни синаш учун у *(фаришта)***ларнинг саноғини** *(ўн тўққизта)* **қилдик. Токи Китоб берилган кимсалар** *(яъни, яҳудий ва насронийлар ўзларининг Илоҳий Китоблари бўлмиш Таврот ва Инжилда ҳам дўзах қўриқчилари бўлган фаришталар саноғи ўн тўққизта эканлиги айтилганини кўриб, Қуръоннинг Оллоҳ томонидан нозил қилинган Ҳақ Китоб эканлигини)* **аниқ билгайлар ва иймон келтирган зотларнинг иймонлари эса янада зиёда бўлгай ҳамда Китоб берилган кимсалар ҳам, мўминлар ҳам** *(дўзах қўриқчиларининг саноғи тўғрисида)* **шак-шубҳа қилмагайлар. Ва токи дилларида мараз** *(мунофиқлик)* **бўлган кимсалар ва кофирлар: "Буни мисол қилиш билан** *(яъни, фаришталар саноғини ўн тўққизта қилиш билан)* **Оллоҳ нима демоқчи?", дегайлар. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни мана шундай йўлдан оздириб қўюр ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Парвардигорингизнинг қўшинларини** *(яъни, фаришталарнинг қанча ададда ва қандай сифатда эканликларини)* **Ёлғиз Унинг Ўзигина билур. У** *(яъни, ушбу оятларда таърифланган жаҳаннам)* **фақат инсонлар** *(панд-насиҳат олишлари)* **учун бир эслатмадир. 32. Дарҳақиқат, Ойга қасам; 33. Ўтиб кетган тунга қасам; 34. Ёришиб келаётган тонгга қасамки, 35-36-37. Албатта у** *(жаҳаннам барча)* **инсонлар учун - сизларнинг орангизда** *(яхшилик ва тоат-ибодат томонга)* **илгарилашни ёки** *(куфру исён томонига)* **чекинишни хоҳлаётган кишилар учун огоҳлантиргувчи бўлган чўнг** *(бало)***лардан биридир. 38. Ҳар бир жон ўзи** *(ҳаёти дунёда)* **касб қилган амали сабабли** *(дўзахда)* **ушлангувчидир. 39. Фақат ўнг қўл эгаларигина** *(яъни, ҳаёти дунёда иймон келтирганлари ва эзгу амаллар қилганлари сабабли Қиёмат Кунида номаи аъмоллари ўнг қўлларидан берилган саодатманд зотларгина дўзахдан нажот топгувчидирлар).* **40-41. Улар жаннатларда бир-бирлари билан** *(дўзахга ташланган)* **жиноятчи-кофирлар ҳақида савол-жавоб қилишурлар. 42.** *(Улар дўзах аҳлига):* **"Сизларни нима Сақарга киритди?",** *(деганларида);* **43. Улар айтурлар: "Бизлар намоз ўқигувчилардан бўлмадик. 44. Мискин-бечорага таом бергувчи ҳам бўлмадик. 45. Бизлар** *(ботил-беҳуда сўзларга)* **шўнғигувчи кимсалар билан бирга шўнғир эдик** *(яъни, Қуръон ва Пайғамбар хусусида туҳмат-ёлғонлар тўқир эдик).* **46-47. То бизларга аниқ** *(ўлим)* **келгунича бизлар Жазо - Қиёмат Кунини ёлғон дер эдик". 48. Энди қўллагувчиларнинг қўллови уларга фойда бермас!**

И з о ҳ: Яъни, Қиёмат Кунида ҳаёти дунёдан кофир бўлиб ўтган кимсалар ўзлари учун бирон қўлловчи топа олмаслар ва агар фаразан Ер юзидаги барча одамлар уларни шафоат қилган - қўллаган тақдирда ҳам бу шафоат уларга фойда бермас! Юқоридаги оятларда кофирлар топадиган оқибат зикр қилинди. Энди қуйидаги оятларда уларнииг Ҳақдан юз ўгиришлари тўғрисида бир ибратли мисол келтирилади:

49-50-51. Нега улар худди шердан қочган ёввойи эшакларга ўхшаб бу Эслатмадан - Қуръондан юз ўгирадилар-а?! 52. Йўқ, *(улар ҳеч қачон Қуръон оятларига қулоқ тутмаслар, балки)* **улардан ҳар бир кимса ўзига очиқ саҳифалар берилишини истар!**

И з о ҳ: Макка мушриклари Муҳаммад алайҳис-саломга: "Токи сен бизларнинг ҳар биримизга осмондан алоҳида саҳифа келтирмагунингча ва у саҳифада ҳар биримизга Оллоҳ томонидан сенга эргашиш буюрилганини ўқиб кўрмагунимизча сенга иймон келтирмаймиз", деганларида, ушбу ояти карима нозил бўлди.

53. Йўқ, *(уларнинг кофир бўлишларига сабаб, асло уларга очиқ саҳифалар берилмагани эмас),* **балки улар Охират***(га иймон келтирмайдилар ва унда бўладиган азоб-уқубат)***дан қўрқмайдилар** *(ва шу сабабдан Қуръондан юз ўгирурлар).* **54. Ҳа, албатта у** *(Қуръон)* **бир Эслатмадир. 55. Бас, хоҳлаган киши ундан эслатма-ибрат олур. 56. Улар Ёлгиз Оллоҳ хоҳлаганидагина** *(Қуръондан)* **эслатма-ибрат олурлар. У** *(Оллоҳ)* **тақво Эгасидир** *(яъни, бандалари Ундан тақво қилишлари - қўрқишлари лозимдир)* **ва** *(У Оллоҳ тақво қилгувчи бандалари учун)* **мағфират Эгасидир.**

ҚИЁМАТ сураси (75)

Бу сура ҳам Макка сураларидан бўлиб, қирқ оятдан иборатдир.

Суранинг номидан маълум бўлиб турганидек, унда сўз асосан Қиёмат Куни ва қайта тирилиш хусусида боради. Дастлабки оятларда Оллоҳ таоло наинки ҳар бир инсоннинг суякларини йиғиб тўплашга, балки унинг бармоқларигача тиклаб бут қилишга Қодир экани уқтирилганидан сўнг, ана ўша Қиёмат Кунининг аломатлари зикр қилинади ва у Кун келгач, бирон инсон Ҳақ таолонинг одил жазосидан қочарга жой топа олмай қолиши ҳақида хабар берилади.

Шунингдек, бу сурада Пайғамбар алайҳис-саломга нозил бўлаётган ваҳийни қандай қабул қилиб олишлари лозимлигини таълим берадиган оятлар мавжуддир.

Сура давомида дунё маишатига муккасидан кетиб, Охиратни унутаётган кимсаларга дашном берилиб, у Кунда инсонлар икки тоифага - Парвардигорнинг дийдорига мушарраф бўлган саодатмандларга ва юзлари қаро бадбахтларга бўлинишлари тўғрисида огоҳлантирилади ҳамда ажал етиб, ўлим соати келган вақтида жон таслим қилаётган киши рўбарў бўладиган даҳшатлар баён этилади.

Сура қайта тирилиш ҳақ эканлиги тўғрисида бир ибратли ақлий далил келтириш билан хотима топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Мен Қиёмат Кунига қасам ичурман. 2. Ва Мен маломатгўй нафсга қасам ичурманки, *(ҳеч шак-шубҳасиз, қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилинурсизлар)!*

И з о ҳ: Ушбу ояти каримадаги "маломатгўй нафс" Оллоҳ таолога ибодат қилишда қосирлик - бепарволик қилган эгасини маломат қиладиган нафсдир. Умуман Қуръонда нафс калимаси уч хил сифат билан келади: 1. - Нафси аммора - (Ёмонлик-гуноҳга) буюргувчи нафс (Юсуф сураси, 53-оят), 2. - Маломатгўй нафс, 3. - Хотиржам-сокин нафс (Фажр сураси, 27-оят).

3. Инсон Бизни унинг *(чириб, тупроққа айланиб кетган)* **суякларини ҳаргиз тўплай олмас, деб гумон қилурми?! 4. Йўқ, Биз унинг бармоқларини** *(ҳам)* **тиклаб-жойига келтиришга Қодир бўлган Зотдирмиз!**

Изоҳ: Оллоҳ таоло Қиёмат Кунида ҳар бир инсоннинг бармоқларигача тиклаб-асл ҳолига келтириши ҳақидаги хабардан икки нарсани уқиш мумкин: Биринчидан, шундай кичик нозик бармоқларни тиклашга Қодир бўлган Зот бошқа суяк-сўнгакларни ҳам тиклай олиши шубҳасиздир. Иккинчидан, Қиёмат қойим бўлганида ҳар бир банда ҳаёти дунёда қилиб ўтган барча яхши-ёмон амалларига жавоб берар экан, унинг бармоқлари бутун бўлиши ўта муҳимдир. Чунки дунёдаги ҳеч бир кишининг бармоқ изи иккинчи кишининг бармоқ изига ўхшамайди. (Бу ҳақиқатни илм-фан ўрганиб, исботлашидан неча аср илгари Қуръони Карим бир оғиз сўз билан айтиб қўйганининг ўзи барча инсонни ҳар бир бармоғигача яратган ҳам, ушбу азиз Китобни юборган ҳам Ёлғиз Оллоҳ эканига очиқ далолатдир)! Бинобарин, қилинган барча эзгулик ҳам, ёмонлик ҳам адолат тарозусида тортилиб, ўзининг мукофот ёки жазосини оладиган Кунда ҳар бир бармоқ ўз эгасининг ҳаёти дунёда қилиб ўтган қилмишларига жонли гувоҳ бўлиши шубҳасиздир.

5-6. Балки инсон олдинда *(келгуси ҳаётида ҳам)* **фисқ-фужур** *(гуноҳ амалларни)* **қилмоқни истаб: "Қиёмат Куни қачон ўзи?", деб сўрар?!**

Изоҳ: Иймонсиз кимсаларни ёмон амаллар қилишдан қайтарилса, улар ўзлари ўрганиб қолган фисқ-фужурларидан ажралгилари келмасдан: "Қиёматгача ҳали жуда узоқ, кексайганимизда қилган гуноҳларимизга тавба-тазарруъ қилиб оламиз", дейдилар. (Худди қўлларида то кексайиб, тавба қилгунларича ўлмаслик ҳақида васиқалари бордек)! Қуйидаги оятларда ана шундай кимсаларнинг Қиёмат Кунидаги аҳволи тасвирланади.

7-8-9-10. Бас, *(кўрган даҳшатларидан)* **кўз қамашиб,** *(осмондаги)* **ой ҳам тутилган ҳолда қуёш ва ой бирлаштирилган вақтда - ана ўша Кунда у инсон: "***(Бу бало-офатлардан)* **қаерга қочиб-қутулиш мумкин?", деб қолур! 11. Йўқ!** *(Эй инсон, Оллоҳнинг азобидан қочиб қутуладиган)* **бирон бошпана йўқдир! 12. У Кунда Ёлғиз Парвардигоринг** *(ҳукм қилган жой)***га қарор топишгина бордир! 13. У Кунда инсонга** *(ҳаёти дунёдалик чоғида)* **қилиб ўтган ва** *(ўзидан кейин)* **қолдирган** *(барча)* **нарсаларнинг** *(яъни, яхши-ёмон амалларнинг)* **хабари берилур. 14-15. Балки** *(У Кунда)* **инсон -**

гарчи ўз узр-баҳоналарини *(ўртага)* **ташласа - келтирса-да, -** *(унинг барча аъзолари)* **ўзининг зиёнига гувоҳлик бергувчидир!**

И з о ҳ: Яъни, инсон ҳаёти дунёдалик пайтида ҳар қандай ҳакамни ўз тили-нутқи билан алдаб кетиши мумкин, аммо Қиёмат Кунида - Ёлғиз Оллоҳ таоло Ҳакам бўлган пайтида инсоннинг нотиқлиги бекор-бефойда бўлиб қолади. Чунки у Кунда инсон ўзини оқлаш учун қандай сабаб-баҳоналар топмасин, Оллоҳ таоло томонидан унинг баданидаги барча аъзоларига тил ато этилиб, улар ўз эгаларининг қилиб ўтган гуноҳларига гувоҳлик берадилар.

Мазкур оятларда Қиёмат Куни ва инсоннинг у Кундаги аҳволи тасвирлангач, энди сўз Қуръонга ва унинг оятларини Жаброил фариштадан қабул қилиб олиш тариқасига кўчади.

Пайғамбар алайҳис-салом ўзларига ваҳий нозил бўлаётган пайтда бирон калима ёдларидан чиқиб қолмаслиги учун лабларини қимирлатиб - такрорлаб турар эдилар. Ушбу оятларда у зотга бундай қилишнинг ҳожати йўқ эканлиги уқтирилди.

16. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Қуръонни)* **тезроқ** *(ёдлаб)* **олиш учун тилингизни у билан қимирлатмай - пичирламай қўя қолинг! 17. Зеро, уни** *(Сизнинг дилингизда)* **жамлаш ҳам,** *(тилингизда)* **қироат қилдириш ҳам Бизнинг зиммамиздадир. 18. Бас, қачон Биз** *(яъни, Жаброил фаришта)* **уни** *(яъни, ҳар бир ваҳийни)* **ўқиб битганимиздан сўнггина Сиз ҳам уни ўқишга эргашинг! 19. Сўнгра уни - Қуръонни баён қилиб бериш ҳам албатта Бизнинг зиммамиздадир.**

И з о ҳ: Яъни, Оллоҳ таоло Ўз Каломидаги тушуниб етиш мушкул бўлган айрим оятларни Пайғамбар алайҳис-саломга англатиш кафолатини ҳам Ўз зиммасига олиб, Пайғамбаримизни хотиржам қилмоқда. Мана шу оятлар келгач, Расулуллоҳ алайҳис-салом ваҳий нозил бўлаётган вақтда бошларини қуйи солиб, хомуш ўтирадиган ва қачонки ваҳий келтирган Жаброил алайҳис-салом кетганларидан сўнггина нозил қилинган оятларни ўқийдиган бўлдилар.

Қуйидаги оятларда сўз яна Қиёмат Кунини ёлғон дегувчи кимсаларга ва у Куннинг аҳволини тасвирлашга қайтади.

20. Йўқ, *(эй Макка мушриклари, сизлар гумон қилгандек қайта тирилиш ва ҳисоб-китоб йўқ нарсалар эмасдир)!* **Балки сизлар нақд** *(дунё)***ни яхши кўрурсизлар. 21. Охират** *(Куни)***ни эса тарк қилурсизлар** *(яъни, Охират учун амал қилмайсизлар)!* **22-23. У Кунда** *(мўминларнинг)* **юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб тургувчидир!**

И з о ҳ: Дарҳақиқат, аҳли жаннат учун Парвардигорнинг дийдорига етишдан суюклироқ бирон нарса йўқдир. Шунинг учун ҳам Яратганга боқар эканлар, уларнинг юзлари янада яшнаб, мунаввар бўлиши табиий ҳолдир. Саҳиҳул-Бухорийда ворид бўлган мана бу ҳадиси шариф ҳам мазкур ояти карима мазмунини таъкидлайди: "Албатта сизлар яқинда Парвардигорингизни худди мана шу тўлин ойни кўриб турганингиздек очиқ-аён кўрурсизлар".

24-25. Ва у Кунда *(кофирларнинг)* **юзлари буришиб, ўзларига албатта белни синдиргувчи** *(бирон бало)* **қилинишини ўйлаб-кутиб қолур!**

И з о ҳ: Ушбу оятларда Қиёмат Кунида кишилар албатта икки гуруҳга - саодатмандлар ва бадбахтларга бўлинишлари ҳақида хабар берилгач, қуйида инсонларнинг дунё ҳовлисидан Охират диёрига кўчишлари - жон таслим қилиш соатлари ғоят жонли лавҳаларда тасвирланади.

26-27-28-29-30. Дарҳақиқат, *(жон)* **ҳалқумга етган,** *(вафот қилаётган кимсанинг атрофидагилар томонидан):* **"Дам солиб-ўқиб қўйгувчи бирон киши борми?", деб қолинган,** *(жон таслим қилаётган кимсанинг)* **ўзи** *(бу ҳолатнинг ҳаёти дунёдан)* **ажралиш эканини англаган ва** *(жон бериш қийинлигидан)* **оёқ оёққа чалмашиб қолган бир вақтда - ана ўша Кунда Ёлғиз Парвардигорингиз** *(ҳузури)***га ҳайдалиш бордир!**

И з о ҳ: Дунёда яшаш соати битиб, ажали етган ҳар бир киши топган бола-чақасини ҳам, мол-давлатини ҳам, шаъну шавкатини ҳам тарк этиб, ёлғиз ҳолда Оллоҳ таоло ҳузурига ҳайдалиши бор экан, демак, у Яратганга ёруғ юз билан рўбарў бўлиш учун ҳаёти дунёдаги ҳар бир лаҳзасини иймон-эътиқод ва эзгу амаллар қилиш билан ўтказиши лозим. Аммо калтабин инсон эса...

31. На *(Қуръон ва Пайғамбарни)* **тасдиқ этди ва на намоз ўқиди! 32. Балки у** *(Қуръонни)* **ёлғон деди ва** *(иймондан)* **юз ўгирди! 33. Сўнгра** *(мана шу қилмишларидан уялиш ўрнига)* **гердайганича ўз аҳли томон кетди! 34.** *(Эй кўрнамак инсон),* **ўлим бўлсин сенга, ўлим! 35. Сўнгра яна ўлим бўлсин сенга, ўлим! 36. Инсон ўзини** *(бу дунёда дину иймонга буюрилмасдан, Охиратда эса қайта тирилиб ҳисоб-китоб қилинмасдан)* **бекор ташлаб қўйилишини ўйлармиӣ** *(тамаъ қилурми)***?! 37. Ахир у** *(бачадонга)* **тўкиладиган манийдан бир** *(ҳақир)* **нутфа эмасмиди?! 38. Сўнгра лахта қон бўлди. Бас,** *(Оллоҳ уни)* **яратиб, расо** *(инсон)* **қилди. 39. Сўнг ундан эркак ва аёл жуфтларни** *(пайдо)* **қилди. 40. Ана Ўша** *(Оллоҳ)* **ўликларни тирилтиришга Қодир эмасми?!** *(Албатта Оллоҳ бунга Қодирдир)***!**

ИНСОН сураси (76)

Мадинада нозил бўлган бу сура ўттиз бир оятдан ташкил топгандир. "Инсон" деб номланган бу суранинг аввалида Оллоҳ таоло инсон зотини қай тарзда йўқдан бор қилгани ва уни ҳаётга йўллагани тўғрисидаги оятлар зикр қилингач, дунёдан кофирлик билан ўтадиган кимсаларнинг Охират Кунида топажак оқибатлари ва у Кунда аҳли иймон эришадиган саодати абадийя хусусида батафсил хабар берилади.

Сўнгра Муҳаммад алайҳис-саломга хитоб қилиниб, у кишига Қуръони Каримни нозил қилган Парвардигор ҳукмига сабр-тоқат қилиб ўз зиммаларидаги пайғамбарлик вазифасини адо этиш ва дин душманларига итоат қилмаслик ҳамда эрта-ю кеч Яратганни ёдлаш билан тоат-ибодатга машғул бўлиш амр этилади.

Сура Қуръон оятлари фақат бир эслатма эканлигини ва хоҳлаган кишилар бу Илоҳий Эслатмадан панд-насиҳат олиб, Оллоҳ таоло томон йўл топишларини таъкидлаш билан ниҳояланади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Аниқки, инсоннинг устига замондан у тилга олгулик бир нарса бўлмаган вақт-муддат ҳам келгандир.

И з о ҳ: Ушбу ояти каримани муфассирлар икки хил тафсир қилганлар. Биринчи тафсир: Оллоҳ таоло Ер юзидаги барча мавжудотни ва ундаги ҳаёт кечиришга қулай-мувофиқ иқлимни Инсон учун яратгандир. Лекин Оллоҳ таоло мана шу оламни яратганидан то Одам алайҳис-саломни яратиб, унга жон ато этгунича орадан ўтган узун бир муддатда инсон исмли, Ер юзида Яратганнинг халифаси бўлгувчи жонзот дунёга келиши зикр қилинмаган - тилга олинмаган эди. Иккинчи тафсир: Одамзот она қорнида пайдо бўлганидан тортиб то инсон шаклига кириб, унга жон ато этилгунича ўтадиган муддатда уни аввал нутфа, сўнг лахта қон, кейин бир тишлам гўшт, деб номланади-ю, аммо уни ҳали инсон дейилмайди. Аниқки, ҳар бир инсон то онадан таваллуд топгунича мана шу савдоларни ўз бошидан ўтказгандир.

2. Дарҳақиқат, Биз инсонни *(вояга етганидан сўнг Шариат таклифлари билан)* имтиҳон қилгувчи бўлган ҳолимизда *(дастлаб яралишида оталик ва оналик сувларидан)* аралаш бўлган нутфадан яратдик. Бас, уни *(Бизнинг оятларимизни тинглаши ва оламдаги Бизнинг борлигимизга далолат қилиб турган аломатларни кўриши учун)* эшитувчи, кўрувчи қилиб қўйдик. 3. Дарҳақиқат, Биз уни *(инсонни)* хоҳ у шукр қилгувчи-мусулмон бўлсин ва хоҳ кўрнамак-кофир бўлсин *(Тўғри)* Йўлга ҳидоят қилдик *(яъни, шукр қилгувчилар Биз уларни ҳидоят қилган Тўғри Йўлни - Ҳақ Динни маҳкам тутадилар, кўрнамак кимсалар эса ўзларига кўрсатилган Тўғри Йўлдан юз ўгириб кетадилар)*. 4. Албатта Биз кофирлар учун занжиру кишанларни ва *(дўзах)* алангасини тайёрлаб қўйгандирмиз! 5-6. Албатта *(ҳаёти дунёдан Оллоҳ таолонинг амру фармонларига итоат қилиб ўтган)* яхшилар *(жаннатда)* мизожи-аралашмаси кофувр - Оллоҳнинг *(яхши)* бандалари ичадиган *(жаннатий)* чашма - бўлган майкосалардан *(май)* ичурлар. Улар у *(чашмани ўзлари хоҳлаган жойдан)* чиқариб-оқизиб олурлар. 7. Улар *(ҳаёти дунёда ўз зиммаларига олган)* назрларини тўла адо қилурлар ва ёмонлик-даҳшатлари кенг ёйилгувчи бўлган *(Қиёмат)* Кунидан қўрқурлар. 8. Ва таомни суюб-хоҳлаб турсаларда, *(ўзлари емасдан)* мискин, етим ва асирларни таомлантирурлар. 9. *(Улар айтурлар)*: "Биз сизларни Ёлғиз Оллоҳнинг Юзидан таомлантирурмиз. Сизлардан *(бу ишимиз учун)* бирон мукофот ва миннатдорчилик истамасмиз - кутмасмиз. 10. Албатта бизлар Парвардигоримиз томонидан бўладиган, *(даҳшатли азобдан юзлар)* тиришиб, буришиб қолгувчи бир Кундан қўрқурмиз". 11. Бас, Оллоҳ уларни ўша Куннинг ёмонлигидан сақлади ва улар*(нинг юзлари)*га жилва-нур, *(дилларига)* сурур бахш этди. 12. Ва уларни сабр-қаноатлари сабабли жаннат ва *(жаннатда эгниларида бўладиган)* ипак *(либослар)* билан мукофотлади. 13. Улар у жойда сўриларга ястанган ҳолларида ўтирурлар. Улар у жойда қуёш*(нинг қизиги)*ни ҳам, замҳарир *(қишнинг совуғи)*ни ҳам кўрмаслар. 14. *(Жаннат)* соялари уларга яқин ва мевалари ҳам *(узиб тановул қилиш осон бўлсин учун)* эгиб қўйилган бўлур. 15-16. Уларга кумуш идишлар*(да таомлар)* ва ўзи кумушдан *(ясалган бўлса-да нафислигидан)* шиша-шиша *(бўлиб кетган)* қадаҳлар*(да шароблар)* айлантирилиб турилур. *(У шаробларни соқийлар ҳар кимнинг эҳтиёжига яраша)* ўлчаб-белгилаб қўйгандирлар. 17-18. *(Жаннат аҳли)* у жойда мизожи-аралашмаси занжабил бўлган майкосалар билан - *(жаннатлардаги)* салсабил-ўтимли деб

аталадиган чашма билан суғорилурлар. 19. Уларнинг устида мангу ёш *(яъни, ҳеч қаримайдиган)* болалар *(хизмат қилиб)* айланиб турурларки, уларни кўрган вақтингизда *(гўзалликлари, рангларининг тиниқлиги ва юзларининг нурлилигидан)* сочиб юборилган гавҳарларми, деб ўйларсиз. 20. У жойда қачон қарасангиз ноз-неъматларни ва катта мулку давлатни кўрурсиз. 21. Уларнинг устларида яшил ипак ва шойи либослар бўлиб, улар кумуш билакузуклар билан безангандирлар ва Парвардигорлари уларни ниҳоятда покиза шароб-ла суғоргандир. 22. Албатта бу *(жаннат ва ундаги ноз-неъматлар)* сизлар учун мукофот бўлди ва сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз *(Оллоҳ наздида)* мақбул бўлди. 23. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* албатта Бизнинг Ўзимиз Сизга бу Қуръонни бўлиб-бўлиб нозил қилдик. 24. Бас, Сиз Парвардигорингизнинг ҳукмига сабр қилинг ва улардан *(кофирлардан)* бирон гуноҳкор ё кўрнамакка итоат қилманг! 25. Ва эрта-ю кеч Парвардигорингизнинг номини зикр қилинг! 26. Яна кечанинг бир қисмида ҳам У Зотга сажда қилинг ва узун тунда *(бедор бўлиб)* У Зотга тасбеҳ айтинг! 27. Албатта ана у *(кофир)*лар нақд *(дунё)*ни суюрлар ва оғир Кунни *(Қиёматни)* эса орқаларига ташлаб қўйюрлар *(яъни, у Кун учун бирон амал қилмаслар)*. 28. Биз уларни яратдик ва *(барча)* аъзоларини мустаҳкам қилдик ва хоҳлаган вақтимизда *(уларни ҳалок қилиб, ўринларига)* ўзларига ўхшаганларни алмаштириб қўюрмиз. 29. Албатта бу *(сура)* бир панд-насиҳатдир. Бас, ким хоҳласа *(бу панд-насиҳатни қабул қилиб),* Парвардигори томонга йўл тутур. 30. *(Эй инсонлар),* сизлар фақат Оллоҳ хоҳлаган вақтдагина *(У Зот томонга йўл тутишни)* хоҳларсизлар *(яъни, бирон иш Оллоҳнинг хоҳиш-иродасисиз бўлмас).* Албатта Оллоҳ билим ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. 31. У Ўзи хоҳлаган кишиларни *(яъни, мўминларни)* Ўз раҳматига - жаннатига киритур. Золимлар учун эса аламли азобни тайёрлаб қўйгандир.

ВАЛ-МУРСАЛОТ сураси (77)

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, эллик оятдир.

Сура Қиёмат қойим бўлиши ҳақ эканлигини таъкидлайдиган оятлар билан бошланиб, сўнгра у Кун келган вақтида рўй берадиган хорикул-одат воқеа-ҳодисалар баён қилинади.

Бу сурада динсизлик оқибатида ҳалокатга дучор бўлган аввалги қавмлар ҳақида хабар берилиб, кишиларни иймон-эътиқодга даъват қилинади ва ҳар бир инсонни Оллоҳ таоло Ўз қудрати билан бир томчи сувдан яратиб, комил инсонга айлантиргани алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Сура давомида Қиёмат Кунини ёлғон дегувчилар ўша Кунда ҳалокатга дучор бўлишлари бот-бот (суранинг ўн оятида) такрорланиб боради.

Сура ўзининг илк ояти номи билан "Вал-мурсалот - Юборилган (шамолларга) қасам", деб аталади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. Пайдар-пай юбориладиган *(шамол)***ларга, қутурадиган** *(бўрон)***ларга қасам; 3-4-5-6-7.** *(Булутларни Оллоҳ хоҳлаган томонларга)* **ёйиб юборадиган** *(фаришталарга, Ҳақ билан ботилни ва ҳалол билан ҳаромни)* **ажратиб берадиган** *(фаришталарга, мўмин бандаларни)* **узр-мағфират қилиш учун ё** *(кофирларни Охират азобидан)* **огоҳлантириш учун эслатма-ваҳий олиб тушадиган** *(фаришта)***ларга** *(яъни, юқорида мазкур бўлган барча нарсаларга)* **қасамки, ҳеч шак-шубҳасиз, сизларга ваъда қилинаётган нарса** *(Қиёмат ва ҳисоб-китоб)* **воқеъ бўлгувчидир! 8. Бас, қачон юлдузлар** *(нурлари сўниб)* **ўчирилгач; 9. Ва қачон осмон** *(қобиғи)* **ёрилиб-очилгач; 10. Ва қачон тоғлар** *(қумлар каби)* **сочилгач; 11. Ва қачон пайғамбарларга** *(уларни ёлғончи қилган қавмлари билан ҳисоб-китоб қилишлари учун)* **белгиланган вақт келгач,** *(ана ўша вақтда ваъда қилинган Қиёмат қойим бўлур).* **12.** *(Пайғамбар ўз қавмлари билан ҳисоб-китоб қилишлари)* **қай Кунга белгиланган эди? 13.** *(Ҳақ билан ботил)* **ажратиладиган Кунга** *(белгилангандир)***! 14.** *(Эй инсон),* **сен** *(ҳақ билан ботил)* **ажратиладиган Кун нима**

эканлигини қаердан ҳам билурсан?! 15. У Кунда *(ўша Кунни)* **ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай! 16. Ахир Биз аввалги** *(ўз пайғамбарларини ёлғончи қилган уммат)***ларни ҳалок қилмадикми?! 17. Сўнгра кейинги** *(яъни, Муҳаммад алайҳис-саломни ёлғончи қилгувчи Макка кофирлари ва бошқа)***ларни ҳам уларга эргаштирурмиз! 18. Биз барча жиноятчи-кофирларни мана шундай** *(ҳалок)* **қилурмиз! 19. У Кунда** *(ўша Кунни)* **ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай! 20. Ахир Биз сизларни бир ҳақир сувдан яратмадикми?! 21-22-23. Сўнг у** *(сувни-нутфа)***ни маълум муддатгача** *(яъни, ой-куни етиб туғилгунича)* **мустаҳкам қароргоҳда** *(она қорнида барқарор)* **қилиб қўймадикми?! Бас, Биз** *(бир томчи сувни комил инсон қилиб яратишга)* **Қодир бўлдик. - Нақадар Қудратлидирмиз!**

И з о ҳ: Ушбу оятларда яна қайта тирилиш масаласи баён қилинди. Мана бу ҳадиси Қудсий ҳам юқоридаги оятларга муносиб тафсирдир. Пайғамбар алайҳис-салом бир куни кафтларига тупурдилар-да, саҳобаларга бармоқлари билан ўша тупукни кўрсатиб дедилар: "Оллоҳ таоло айтур: "Эй одам боласи, ахир Мен сени худди мана шунга ўхшаган бир томчи сувдан яратдим-ку! Бас, сен Мендан (яъни, Қиёмат Куни Менинг ҳузуримга йиғилиб, ҳисоб-китоб беришдан) қаёққа ҳам қочиб қутула олар эдинг?!"

24. У Кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай! 25-26. Ахир Биз Ерни тирикларни ҳам, ўликларни ҳам йиққувчи қилиб қўймадикми?!

И з о ҳ: Мазкур оятлардан заминни беҳуда она дейилмаслиги маълум бўлади. Зеро, у Оллоҳ таолонинг амри билан тирикларни ўз елкасида - устида кўтариб турса, ўликларга ўз қучоғидан жой беради.

27. Яна Биз *(Ерда)* **баланд тоғларни** *(пайдо)* **қилдик ва сизларни** *(ўша тоғлардан оқиб тушадиган)* **чучук-тотли сув билан суғордик. 28. У Кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай. 29.** *(У Кунда кофирларга дейилур):* **"Сизлар** *(ҳаёти дунёдалик пайтингизда)* **ёлғон дегувчи бўлган нарсага** *(ҳисоб-китоб ва дўзах азобига)* **боринглар! 30-31.** *(Жаҳаннамда ёнаётган дўзахилардан кўтарилаётган бадбўй тутундан иборат, осмонга ўрлаган сари бўлиниб кетган)* **уч бўлакли, ҳеч қандай соя-салқинлик бермайдиган ва** *(дўзах)* **алангасини ҳам тўсмайдиган "соя"га боринглар!" 32-33. Дарвоқеъ, у** *(жаҳаннам ҳар томонга ҳар бири)* **қасрдек, худди сариқ туяларга ўхшаган учқунларни отиб турур! 34. У Кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай! 35-36. Бу** *(Кун)* **улар**

сўзлай олмайдиган ва улар учун узр айтишларига ҳам изн берилмайдиган Кундир! 37. У Кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай! 38. Бу *(Ҳиқ билан ботил)* ажратиладиган Кундир! *(Эй бу Кунни ёлғон дегувчи кимсалар, мана)* Биз сизларни ҳам, аввалги *(ўз пайғамбарларини ёлғончи қилган)*ларни ҳам жамладик. 39. Мана, агар сизлар учун *(дўзахдан қутқарадиган)* бирон найранг бўлса, Менга ўша найрангларингизни кўрсатинглар-чи?! 40. У Кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай! 41-42. Тақводор зотлар эса *(У Кунда)* албатта соя-салқинларда, чашмалар ва кўнгиллари тусаган мева-чевалар устидадирлар. 43. *(Уларга дейилур):* "Қилиб ўтган *(яхши)* амалларингиз сабабли *(ушбу жаннат ноз-неъматларини)* пок билиб еб-ичаверинглар". 44. Албатта Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. 45. У Кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай! 46. *(Эй кофирлар),* озгина вақт *(яъни, тўрт кунлик дунёда ақлсиз ҳайвонлардек)* еб, фойдаланиб қолинглар! Албатта сизлар жиноятчидирсизлар! 47. У Кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай! 48. Қачон уларга: "Рукуъ қилинглар, *(яъни, намоз ўқинглар)*", дейилса, рукуъ қилмаслар! 49. У Кунда *(ўша Кунни)* ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай! 50. Ахир улар *(Қуръондан)* кейин *(яъни, беназир Илоҳий мўъжиза бўлган шундай азиз Китобга иймон келтирмасдан)* қандай сўзга-китобга иймон келтирурлар?!

НАБАЪ сураси (78)

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, қирқ оятдан иборатдир.

Қуръони Карим сўнгги жузъининг илк сураси бўлган бу сура "Набаъ - Хабар" деб номланган бўлиб, унда ўлгандан кейин қайта тирилиш, Қиёмат ва у Кунда мўминлар етажак мангу бахт-саодат ҳамда кофирлар дучор бўлажак абадий азоб ҳақидаги хабарлар ўз аксини топгандир.

Бу сурада Оллоҳ таолонинг қудрати Илоҳийясига далолат қилиб турадиган бир неча ҳужжатлар келтирилиб, шундай қудрат Соҳиби бўлган Зот учун Қиёмат Кунида ўликларга қайта жон ато этиб тирилтириш жуда осон иш эканлиги таъкидланади ва у Кунни "Ҳақ билан ботил ажратиладиган Кун", деб аталади.

Сура ўша Кунда кофирлар Оллоҳ таолонинг одил жазосидан қочгани жой топа олмасдан қайтадан тупроққа айланишни орзу қилиб қолишлари тўғрисида хабар бериш билан хотималанади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Мушриклар)* **бир-бирларидан нима ҳақида сўрашмоқдалар?! 2-3. Улар ўзлари ихтилоф қилгувчи бўлган - улуғ хабар ҳақида** *(яъни, қайта тирилиш тўғрисида савол-жавоб қилмоқдалар).* **4. Йўқ,** *(уларнинг гумонлари беҳудадир).* **Улар яқинда** *(бу хабарнинг ҳақ эканини)* **билиб олажаклар! 5. Яна бир бор йўқ! Улар яқинда билиб олажаклар!**

И з о ҳ. Муҳаммад алайҳис-салом Пайғамбар қилиб юборилганларидан сўнг Макка аҳлига қайта тирилиш ҳақ эканлиги ҳақида хабар берганларида, айрим мушриклар бу хабарни инкор қилган бўлишса, айримлари унга гумон билан қарашиб, бир-бирлари билан шу ҳақда талашиб-тортиша бошладилар. Шунда юқоридаги оятлар нозил бўлиб, уларнинг бундай савол-жавоблари нодуруст экани ва эрта бир Кун - Қиёмат қойим бўлгач, улар бу хабарнинг

ҳақ эканлигини билиб қолишлари, аммо у Кунда уларнинг билишлари ҳам, тавба-тазарруъ қилишлари ҳам бефойда бўлиб қолиши таъкидланди.

Энди қуйидаги оятларда Оллоҳ таолонинг қудратини намойиш этадиган, ўлган жасадни қайта тирилтиришга нисбатан беқиёс улкан ва улуғ Илоҳий мўъжизалар санаб ўтилади.

6-7. Биз Ерни *(барча жонзотлар маскан тутиб яшашлари учун)* **бир тўшак, тоғларни эса** *(ўша Ерни тутиб тургувчи)* **қозиқлар қилиб қўймадикми?! 8. Биз сизларни жуфт-жуфт қилиб яратдик. 9. Биз уйқуларингизни** *(баданларингиз ва асабларингиз учун)* **ором қилдик.**

Изоҳ: Дарҳақиқат, уйқу Оллоҳ таолонинг энг улуғ неъматларидан биридир. Зеро, дунёдаги барча жонзот мубтало бўлган толиқиш, чарчаш деган бир дард борки, бу дарднинг уйқудан бўлак дармони йўқдир. Эҳтимол уйқусизлик дардига йўлиққан кишини бирон дори воситасида ухлатиш мумкиндир, лекин мана шу уйқуни яна бадтар чарчатадиган меҳнат эмас, балки ором-роҳат қилиш Яратгандан ўзганинг қўлидан келмас.

10. Биз Кечани *(ўз қоронғуси билан барча нарсани яшириб турадиган)* **либос қилдик. 11. Кундузни эса тирикчилик** *(учун белгиланган вақт)* **қилдик. 12. Устларингизда етти** *(қават)* **пишиқ-мустаҳкам** *(осмонни)* **бино қилдик. 13. Ва доимо чарақлаб тургувчи чироқни** *(яъни, қуёшни пайдо)* **қилдик. 14-15-16. Яна Биз** *(Ўзидан ёмғирни)* **сиқиб чиқаргувчи** *(булут)***лардан - ўша** *(ёмғир)* **ёрдамида дон ва набототни ҳамда** *(қалинлигидан дарахтлари)* **бир-бирига чирмашиб кетган боғларни ундириб чиқариш учун - мўл-кўл сув-ёмғир ёғдирдик.**

Изоҳ: Юқоридаги оятларда Оллоҳ таоло Ўзининг қудратини кўрсатиб турадиган тўққиз ёрқин далилни келтиргач, энди яна аввалги мавзу - қайта тирилиш мавзусига қайтилади.

17. Албатта *(Ҳақ билан ботил, яхши билан ёмон)* **ажратиладиган Кун** *(ҳисоб-китоб учун)* **белгиланган вақт бўлди. 18. У Кунда сур чалинур, бас, сизлар тўп-тўп бўлиб** *(маҳшаргоҳга)* **келурсизлар! 19. Осмон ҳам очилиб,** *(фаришталар тушиб келадиган)* **эшикларга айланиб қолди! 20. Тоғлар ҳам** *(минглаб йиллар ўрнашиб турган жойларидан жилдирилиб)***, сайрга чиқарилиб,** *(осмонда учиб юрган)* **саробга айланиб қолди! 21-22. Албатта туғёнга тушгувчиларнинг борар жойлари бўлган жаҳаннам** *(ўзига қулаб тушадиган кофирларга)* **кўз тутиб тургувчи бўлди. 23. Улар у жойда узоқ замонлар** *(яъни, абадул-абад)*

қолгувчидирлар! 24. Улар у жойда *(жаҳаннам ўтидан ором берадиган)* **бирон салқинни ва бирон ичимликни тотмаслар! 25. Фақат қайноқ сув ва йирингнигина** *(тотурлар)!* **26.** *(Мана шу уларнинг қилмишларига)* **яраша жазодир! 27. Чунки улар** *(Қиёмат Кунидаги)* **ҳисоб-китобдан умидсиз бўлган кимсалардир. 28. Улар бизнинг оятларимизни бутунлай ёлгон дер эдилар! 29. Ҳолбуки, Биз барча нарсани ҳисоб-китоб қилиб, ёзиб қўйгандирмиз!-30. Бас,** *(эй кофирлар, Бизнинг азобимизни)* **тотиб кўринглар! Энди Биз сизларга фақат азобнигина зиёда қилурмиз! 31. Албатта тақводор зотлар учун** *(жаннатда)* **нажот манзили бордир. 32. Яна боғлар ва узумзорлар; 33.** *(Ёш ва ҳуснда)* **тенгдош хушқад** *(ҳур)***лар; 34. Ва** *(шароб билан)* **тўла майкосалар бордир. 35. Улар у жойда бирон беҳуда ва ёлгон сўз эшитмаслар. 36-37-38.** *(Бу)* **Парвардигорингиз томонидан - осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг Парвардигори бўлмиш Меҳрибон Зот томонидан** *(берилган)* **мукофот, етарли марҳаматдир. Руҳ** *(Жаброил)* **ва** *(барча)* **фаришталар саф тортиб турадиган Кунда улар** *(инсонлар)* **У Зотдан** *(Оллоҳдан қўрқиб)* **бирон сўз айтишга эга бўлмаслар. Улар сўзлай олмаслар, фақат У Меҳрибон Зот изн берган кишигина** *(сўзлар)* **ва** *(фақат)* **рост сўзни айтур. 39. Бу ҳаққи-рост Кундир. Бас, ким хоҳласа ўз Парвардигори томон қайтадиган йўлни тутур. 40.** *(Эй Макка кофирлари),* **дарҳақиқат, Биз сизларни яқин***(да воқе бўладиган)* **азобдан огоҳлантирдик. У Кунда** *(ҳар бир)* **киши ўзи қилиб ўтган нарсани** *(яъни, барча яхши-ёмон амалларини)* **кўрур ва кофир кимса: "Эҳ, кошки эди** *(қайтадан)* **тупроқа айланиб кетсам** *(у, муҳаққақ бошимга тушадиган азобдан қутулсам)"***, деб қолур.**

ВАН-НОЗИОТ сураси (79)

Маккада нозил бўлган бу сура қирқ олти оятдан иборатдир.

Сура аввалида фаришталар номига қасам ичиш билан қайта тирилиш ҳақ эканлиги таъкидланади ва буни инкор қилган мушрикларнинг ўша Кунда қандай ёмон аҳволга тушиб қолишлари ҳақида хабар берилади.

Сўнгра Макка кофирларининг туғён ва қайсарликларидан озор чекаётган Пайғамбар алайҳиссаломга таскин-тасалли бериш учун ўзларининг салафларидан бўлмиш Мусо пайғамбар ҳақида ҳикоя қилиниб, ўша зот ҳам Фиръавн ва унинг одамларини Оллоҳнинг Динига даъват қилганларида, у малъун бу даъватни қабул қилиш ўрнига ўзини худо деб даъво қилгани ва Ҳақ Йўлига қарши тургани оқибатида ўзи ҳам, одамлари ҳам ҳалокатга дучор бўлганликлари баён этилади.

Сура ниҳоясида яна Қиёмат Соати ҳақидаги мавзуга қайтилиб, у Куннинг даҳшатини кўрган пайтларида кофирлар бу ҳаёти дунёда бир кун ҳам турмагандек бўлиб қолишлари уқтирилади.

Сура ўзининг илк ояти билан "Ван-нозиот - Жон олгувчи фаришталарга қасам" деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Кофирларнинг жонларини баданларининг)* **ич-ичидан қаттиқ суғуриб оладиган** *(фаришта)***ларга қасам; 2.** *(Мўминларнинг жонларини осонлик билан)* **илдам тортиб оладиган** *(фаришта)***ларга қасам; 3-4-5.** *(Осмонлар билан Ер ўртасида)* **силлиқ сузиб,** *(ўз зиммаларидаги вазифаларни адо этишда)* **шошиб-ўзиб,** *(Оллоҳ буюрган барча)* **ишнинг тадбирини тузиб турадиган** *(фаришта)***ларга қасамки,** *(сизлар албатта қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилинурсизлар).*

Изоҳ: Мазкур оятларда Оллоҳ таоло Ўз фаришталарининг номига қасам билан ўлгандан кейин қайта тирилиш ва бу дунёда қилиб ўтилган ҳар бир иш учун ҳисоб бериш бор эканининг хабарини

берди. Дарвоқеъ, Оллоҳнинг лашкарлари ҳисобланмиш, сон-саноғини Ёлғиз Яратгандан ўзга ҳеч ким билмайдиган фаришталар Ҳақ таоло амр этган ҳар бир ишни адо қилишга ҳозиру нозир бўлиб турар эканлар. Хусусан, ўлим фариштаси Азроил ва унинг ёрдамчилари томонидан бандаларнинг жонларини олиш соати ибратлидир. Ҳадиси шарифда айтилишича, улар кофирнинг жонини олишда худди баданининг ҳар бир аъзосидан мих суғургандек азоблаб олар эканлар, мўминнинг жони эса унинг танасидан гўё боғлиқ қўл арқондан бўшатилгандек осон ва роҳат билан чиқиб кетар экан. Шунинг учун ҳам Пайғамбар алайҳис-салом доим намозларидан кейин: "Парвардигоро, бизларга ўлим мастлигини (яъни, жон чиқар соатидаги машаққатни) осон қилгил", деб дуо қилар эдилар.

Энди қуйидаги оятларда юқорида зикр қилинган қайта тирилиш соатидаги аҳвол тасвирланади.

6-7. У Кунда *(сур биринчи марта чалиниши билан)* **титрагувчи** *(Ер)* **титраб** *(устидаги бор жонзот ҳалок қилинади)*, **унга эргашувчи эргашур** *(яъни, орадан қирқ сана ўтгач, сур иккинчи марта чалиниб, барча нарсага қайтадан ҳаёт ато этилади ва Қиёмат Куни бошланади)*. **8. У Кунда** *(кофирларнинг)* **диллари қўрқувга тушгувчи; 9. Кўзлари эса** *(даҳшатдан ерга)* **эгилиб қолгувчидир! 10. Улар** *(бу дунёда)* **дерлар: "Ҳақиқатан ҳам бизлар** *(ўлганимиздан кейин яна қайта тирилиб)* **аввалги ҳолатимизга қайтарилгувчимизми? 11. Чириган суякларга айланиб қолган вақтимизда-я?" 12. Улар** *(истеҳзо билан)*: **"Ундоқ бўлса, бу** *(бизлар учун)* **зиён қилгувчи қайтиш-ку!", дедилар. 13. Бас, у** *(қайтиш)* **фақат биргина даҳшатли қичқириқдир** *(яъни, сурнинг иккинчи марта чалинишидир)*. **14. Сўнг баногоҳ улар** *(тирик ҳолда)* **Ер устида бўлиб қолурлар! 15.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Сизга Мусонинг хабари келдими? 16. Эсланг, Парвардигори унга муқаддас Тuво водийсида** *(шундай)* **нидо қилган эди: 17. "***(Эй Мусо)*, **сен Фиръавннинг олдига боргин, чунки у** *(куфру исён билан)* **ҳаддидан ошди. 18. Бас,** *(унга)* **айтгин: "Сенинг** *(куфр иллатидан)* **покланишга рағбат-хоҳишинг борми?- 19.- Мен сени Парвардигоринг** *(Йўли)***га ҳидоят қилсам, бас, сен** *(У Зотдан)* **қўрқсанг". 20-21. Сўнг** *(Мусо)* **унга бир улкан мўъжиза кўрсатган эди,** *(Фиръавн уни)* **ёлғончи қилди** *(яъни, Мусога: "Сен сеҳргарсан", деб туҳмат қилди)* **ва** *(Оллоҳ таолога)* **осий-итоатсиз бўлди. 22. Сўнгра** *(фисқу фасодни ёйиш йўлида)* **саъй-ҳаракат қилган ҳолида** *(Мусодан)* **юз ўгириб кетди. 23-24. Сўнг** *(ўз одамларини)* **тўплади-да, жар солиб: "Мен сизларнинг энг юксак парвардигорингиздирман", деди. 25. Бас, Оллоҳ уни ҳам Охират, ҳам дунё азоби билан ушлади** *(яъни, дунёда у денгизга ғарқ қилиб*

юборилди, Охиратда эса дўзах азобига дучор бўлур). **26. Албатта бу** *(қисса)***да** *(Оллоҳдан)* **қўрқадиган кишилар учун ибрат бордир.**

И з о ҳ: Юқоридаги оятларда Мусо алайҳис-салом қилган даъватни қабул қилмасдан, унга қарши фитна-фасод тарқатиб юргани сабабли дунё ва Охират азобига гирифтор қилинган Фиръавн қиссаси зикр қилингач, бу қиссадан фақат Оллоҳдан қўрқадиган кишиларгина ибрат ва панд-насиҳат олишлари таъкидланди. Бинобарин, Яратгандан қўрқмайдиган эътиқодсиз кимсаларга ҳеч қандай мўъжиза ёки ваъз-насиҳат кор қилмаслиги аниқ экан.

Энди қуйида Оллоҳ таоло Қиёмат Кунида барча халойиқни қайта тирилтириб, уларни ҳаёти дунёда қилиб ўтган амалларига яраша жазолашига шак келтиргувчи кимсаларга хитоб қилинади.

27. *(Эй мушриклар),* **сизларни яратиш қийинроқми ёки осмонними?!** *(Яъни, бутун Ер куррасининг атрофини ўзга сайёралардан бирон зиён етмаслиги учун том - осмон билан қоплаб қўйишга Қодир бўлган Зот учун сизларни яратиш ёки қайта тирилтириш ҳеч гап эмас-ку! Оллоҳ)* **уни бино қилди; 28. Шифтини баланд қилиб, тиклади. 29. Ва У ўша** *(осмон)***нинг тунини қоронғу қилиб,** *(ундан)* **кундузини чиқарди. 30. Ва шундан кейин Ерни ёйиб-текис қилди.- 31.- Ундан суви-ю, ўтлоқларини чиқарди. 32. Ва у** *(Ер)***га тоғларни ўрнаштирди. 33.** *(Буларнинг барчаси)* **сизлар учун ва чорва ҳайвонларингиз учун манфаат бўлсин деб** *(қилингандир).* **34. Бас, қачон катта бало** *(яъни, Қиёмат)* **келганида - 35.- Инсон ўз қилмишини эслаб қоладиган Кунда; 36. Ва дўзах кўрадиган** *(ҳар бир)* **кишига кўрсатиб қўйилганида; 37. Бас, ана ўшанда ким** *(ҳаёти дунёда куфру исён билан)* **туғёнга тушган; 38. Ва ҳаёти дунёни** *(Охиратдан)* **устун қўйган бўлса; 39. У ҳолда фақат жаҳаннамгина** *(унинг учун)* **жой бўлур! 40. Энди ким** *(ҳаёти дунёдалик пайтида Қиёмат Куни маҳшаргоҳда)* **Парвардигорининг** *(ҳузурида)* **туриши** *(ва У Зотга ҳисоб-китоб бериши)***дан қўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса; 41. У ҳолда фақат жаннатгина** *(унинг учун)* **жой бўлур. 42.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушриклар)* **Сиздан** *(ўша Қиёмат)* **Соатини қачон воқеъ бўлиши ҳақида сўрарлар. 43. Сиз қаердасиз-у, уни** *(яъни, Қиёмат қачон бўлишини)* **зикр қилиб-эслаш** *(қаерда? Яъни, Сиз ҳеч қачон у Куннинг вақтини айтиб бера олмайсиз).* **44. Уни** *(билиш)* **Ёлғиз Парвардигорингизга бориб тўхтар. 45. Сиз фақат ўша** *(Қиёмат)***дан қўрқадиган кишиларни огоҳлантиргувчисиз, холос.** *(Аммо у Куннинг қачон воқеъ бўлишини айтиб бериш Сизнинг вазифангиз эмасдир).* **46. Улар у** *(Қиёмат Соати)***ни кўрадиган Кунда** *(бу дунёда)* **гўё биргина пешиндан сўнг ёки чошгоҳ пайтида тургандек** *(яъни, бир кун ҳам яшамагандек)* **бўлиб қолурлар!**

АБАСА сураси (80)

Қирқ икки оятдан ташкил топган бу сура ҳам Маккада нозил бўлгандир.

У ҳузурларига келган кўзи ожиз бир кишига рўйхуш бермаган Пайғамбар алайҳис-саломга танбеҳ бериш билан бошланади (шунинг учун ҳам бу сура "Абаса - Қош чимирди", деб номлангандир) ва у Зотга зиммаларидаги вазифалари яна бир бор уқтирилиб, сўнгра Қуръон оятлари Оллоҳ таоло томонидан панд-насиҳат оладиган бандалар учун юборилган бир эслатма эканлиги таъкидланади.

Бу сурада ниҳоят ихчам суратда инсонга ўзининг қаердан келганидан тортиб, то қаерга бориши ва кейинги ҳоли нима кечишигача баён қилиниб, сўнгра инсон учун яратилган ноз-неъматлар, санаб ўтилади ва ўртага бир ҳаққоний савол ташланади: Ҳаёт йўлини кўрсатиб берадиган Қуръон неъмати ҳам, Ер юзидаги одамлар роҳат-фароғатда яшашлари учун ато этилган барча ноз-неъматлари ҳам ақл эгаларини Ёлғиз Яратганга иймон келтириб, У Зотга шукр қилишга даъват этиб турибди-ку, бас, инсон зотини бу қадар куфру туғёнга кетишга нима мажбур қилди?!

Сура кишилар аниқ икки тоифага бўлиниб қоладиган Қиёмат Кунида рўй берадиган даҳшатли воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар бериш билан хотима топади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. *(Пайғамбар алайҳис-салом)* **ўзининг олдига кўзи ожиз киши келгани учун қош чимирди ва** *(ундан)* **юз ўгирди.**

И з о ҳ: Ривоят қилинишича, бир куни Пайғамбар алайҳис-салом Қурайш зодагонларидан бир гуруҳини Исломга даъват қилиб турганларида олдиларига Абдуллоҳ ибн умми Мактум исмли кўзлари ожиз бир саҳоба келиб, бир неча бор: "Ё Расулуллоҳ, менга Оллоҳ Сизга билдирган нарсалардан таълим беринг", деб такрорлади. Чунки у киши аъмо бўлганлари сабабли Пайғамбаримизнинг бошқалар билан банд эканликларини сезмаган эди. Пайғамбар алайҳис-салом ҳалиги Қурайш катталари Исломни қабул қилишса,

уларга эргашиб орқаларидаги тобеълари ҳам мусулмон бўлиб қолади, деган умид билан берилиб сўзлаётганлари сабабли, мана шу пайтда Абдуллоҳ ибн умми Мактум келиб сўзларини бўлганидан аччиқланиб, қовоқ солдилар ва у кишига орқа ўгириб Қурайш катталари билан сўзлашишда давом этдилар. Шунда Пайғамбаримизга танбеҳ бўлиб мазкур ва қуйидаги оятлар нозил бўлди.

Шу ўринда биз муҳтарам ўқувчи эътиборини мазкур оятлардаги икки ибратли нуктага жалб этмоқчимиз.

Биринчидан, Оллоҳ таоло Ўзининг Ҳабиби ва сўнгги Пайғамбарига танбеҳ берар экан, у кишига бевосита хитоб қилмади, балки гўё учинчи шахс ҳақида гапираётгандек танбеҳ бердики, бу Дўст Дўстга қиладиган муомаланинг беназир намунасидир.

Иккинчидан, агар бизда Оллоҳ таолонинг Ўзи: "Шак-шубҳасиз, Сиз улуғ Хулқ устидадирсиз", (Қалам сураси, 4-оят) деб таърифлаган Пайғамбаримиз мазкур воқеада бир аъмо кишига озор бердилармиi, деган савол туғилса, бундай саволнинг жавоби ҳам ўша воқеанинг ўзида мавжуддир, яъни, юқоридаги оятлар гувоҳлик беришича Пайғамбар алайҳис-салом у кишининг дилига озор берадиган бирон қаттиқ сўз айтганлари йўқ, балки фақатгина қовоқларини уюб, юз ўгирдилар холоски, бундай ҳолатни кўзи ожиз одам кўра олмагани учун озор топмаслиги аниқдир.

Оллоҳ таолонинг танбеҳидан сўнг Расулуллоҳ алайҳис-салом қачон Абдуллоҳ ибн умми Мактумни кўриб қолсалар: "Марҳабо, эй менга Парвардигоримдан дашном олиб берган зот", деб у кишига пешвоз чиқадиган бўлган эканлар.

3. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз қаердан билурсиз, эҳтимол у** *(Сиздан ўрганадиган илму маърифати ёрдамида ўз гуноҳларидан)* **покланар. 4. Ёки панд-насиҳат олар-да, сўнг бу панд-насиҳат унга фойда берар?! 5. Энди** *(ўз мол-мулки билан иймондан)* **истиғно қилиб турган кимса бўлса; 6. Бас, Сиз ўшанга иқбол қилиб - юзланмоқдасиз! 7. Ҳолбуки, у** *(ўзининг куфридан)* **покланмаслиги сабабли Сизга бирон зиён етмас! 8-9. Энди** *(Оллоҳдан)* **қўрққан ҳолида олдингизга югуриб-елиб келган зот бўлса; 10. Бас, Сиз ундан чалғиб - юз ўгириб олмоқдасиз! 11. Йўқ,** *(Сиз асло бундай қилманг)!* **Албатта** *(Қуръон оятлари)* **бир панд-насиҳатдир. 12. Бас, ким хоҳласа ундан панд-насиҳат олур. 13-14.** *(У оятлар Оллоҳ назддида)* **азизу мукаррам, қадри баланд, покиза саҳифаларга; 15-16. Мукаррам, итоатли мирзолар** *(яъни, фариштылар)* **қўллари билан** *(Лавҳул-Маҳфуздан кўчириб битилгандир).* **17. Ҳалок бўлгур**

инсон-а! Бунчалар кофир бўлмаса! 18. *(Оллоҳ)* уни қай нарсадан яратди ўзи?! 19. Уни бир *(ҳақир)* нутфадан яратиб, сўнг Ўзи уни*(нг она қорнидаги ривожини ва ой-кунини)* белгилаб қўйди-ку! 20. Сўнгра Ўзи унга *(она қорнидан чиқиш)* йўлини осон қилди. 21. Сўнгра унга ўлим бериб, қабрга киритди *(яъни, бошқа ҳайвонлар сингари унинг жасадини Ер юзида қолдириб, йиртқичларга ем қилиб қўйгани йўқ)*. 22. Сўнгра Ўзи хоҳлаган вақтида уни яна қайта тирилтирур. 23. Йўқ, у *(кофир кимса Оллоҳ)* ўзига буюрган бирон нарсани адо қилмади. 24. Энди инсон ўзининг таомига *(ибрат кўзи билан бир)* қараб кўрсин-чи! 25. Биз *(осмондан)* сув-ёмғирни қуйдирдик. 26. Сўнгра Ерни *(гиёҳлар билан)* ёрдик. 27-28-29-30-31-32. Сўнг Биз унда дон-дунни, узум ва кўкларни, зайтун ва хурмоларни, қуюқ дарахтзор боғларни, мева-чева-ю, ўт-ўланларни сизлар учун ва чорва ҳайвонларингиз учун манфаат бўлсин деб ундириб-ўстириб қўйдик-ку! 33. Бас, қачон *(қулоқларни)* кар қилгувчи *(даҳшатли қичқириқ)* келганида *(яъни, сур иккинчи марта чалиниб, барча халойиққа қайтадан жон ато этилганда, ҳар бир инсон ўзи билан ўзи бўлиб қолур)*! 34-35-36. У Кунда киши ўз оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотини-ю, бола-чақасидан ҳам қочур! 37. *(Чунки)* улардан ҳар бир киши учун у Кунда ўзига етарли ташвиш бўлур! 38-39. У Кунда *(мўминларнинг)* юзлари ёруғ, кулгувчи ва хуррам бўлур. 40. Ва у Кунда *(кофирларнинг)* юзлари устида чанг-ғубор бўлиб, 41. У *(юз)*ларни қоролик қоплаб олур! 42. Ана ўшалар фисқу фужур қилгувчи кофирларнинг ўзидир!

ТАКВИР сураси (81)

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, йигирма тўққиз оятдир.

У Қиёмат қойим бўлганида бутун коинотда рўй берадиган даҳшатли инқилоб-ўзгаришлар тасвири билан бошланиб, ана ўша Кунда ҳар бир жон ўз ҳаётида қандай амаллар қилиб ўтганини билиб, иқрор бўлиши ҳақида хабар берилади.

Сўнгра Оллоҳ таоло Ўзи яратган бир неча мавжудот номига қасам билан Қуръони Карим фаришта Жаброил келтирган Илоҳий Сўз эканини ва ушбу Каломуллоҳнинг бирон оятини қолдирмасдан инсонларга етказиб бераётган Муҳаммад алайҳис-салом мажнун эмасликларини таъкидлайди.

Сура давомида инсонларга хитоб қилиниб, улардан қўлларида Ҳақ Йўлини кўрсатиб турган шундай буюк Китоб мавжуд бўла туриб ўзлари учун яна қандай йўл ахтариб кетаётганлари сўралади.

Сура Қиёмат Кунида бутун Ер юзини ёритиб ва иситиб турадиган қуёш ҳам ўралиб, нурсизланиб қолиши хусусидаги оят билан бошлангани сабабли "Таквир - Ўралиш" деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Қуёш ўралиб *(нурсизланиб)* **қолганида; 2. Юлдузлар ҳам** *(ўз фалакларидан)* **тўкилганида; 3. Тоғлар ҳам** *(ўз жойларидан жилдирилиб)*, **сайр қилдирилганида; 4.** *(Қорнидаги боласи)* **ўн ойлик бўлган бўғоз туялар ҳам бўш қўйиб юборилганида; 5. Ваҳший ҳайвонлар ҳам** *(бир жойга)* **тўпланиб қолганида; 6. Денгизлар** *(тандир каби)* **қизитилганида** *(ва сув ўрнига олов билан тўлганида)*; **7. Жонлар** *(қайтадан баданларга)* **жуфтланганида; 8-9. Тириклай кўмилган** *(ҳар бир)* **қиздан қандай гуноҳ сабабли ўлдирилгани сўралганида; 10.** *(Номаи аъмол)* **саҳифалари очилганида; 11. Осмон** *(Ернинг устидан)* **сидириб олинганида; 12. Дўзах** *(кофирлар учун)* **ловуллатиб ёқилганида; 13. Жаннат** *(тақводор зотларга)* **яқин қилинганида; 14.** *(Ана ўша Кунда ҳар бир)* **жон ўзи** *(мана шу Кун учун)* **ҳозирлаб келган нарсани** *(яъни, барча яхши-ёмон амалларини)* **билур!**

Изоҳ: Мазкур оятларда Қиёмат Кунида рўй берадиган ўн икки ҳодиса ҳақида хабар берилди. Демак, у Кунда кечаётган даҳшатнинг зиёдалигидан қуёшнинг нури сўниб, юлдузлар ҳар ёққа

сочилиб кетади ва тоғлар ҳам жойларидан жилдирилиб, худди булутлар каби осмонда сузиб юради. Саҳро аҳли жуда авайлаб-асрайдиган ва уларнинг бой-бадавлатликлари рамзи бўлган - туғиш соати яқинлашиб қолган бўғоз туялар ҳам эгаларининг ёдидан кўтарилиб, ҳар ким ўзи билан ўзи бўлиб қолади (яъни, кишилар ўзларининг энг ардоқли нарсаларини ҳам унутадилар). Доимо бир-бирларининг гўштларини еб тирикчилик ўтказадиган ваҳший ҳайвонлар ҳам қандай қилиб бир жойга тўпланганларини билмай қоладилар, денгизлар эса сувлари қуриб, худди тагидан олов ёқилаётган қозонга айланадилар (минг-минг йиллик денгизларнинг бугунга келиб қурий бошлагани ўша Кун яқин қолганининг аломати эмасмикан?), инсонлар ўлиши билан чиқиб кетган жонлари қайта ўз баданларига киради, шунингдек, у Кунда тириклай кўмиб юборилган мазлума қизларнинг ҳам додига етилади (бу ҳақда "Наҳл" сурасининг 59-оятида батафсил изоҳ берилган) ва инсон ўлиши билан ёпилган номаи аъмоли қайта очилиб, ҳисоб-китоб қилинади, у Кунда Ернинг томи бўлган осмон ҳам очиб юборилади ва ниҳоят кофирларга ловуллаб ёнаётган дўзах, мўминларга эса жаннат яқин қилинади - мана шу воқеа-ҳодисалар содир бўладиган Қиёмат Кунида ҳар бир жоннинг ҳаёти дунёда қилиб ўтган яхши амаллари ўнг ёнига, ёмон амаллари чап ёнига келтириб қўйилади ва ҳеч ким ўз амалидан тона олмайди! Демак, ўша Куннинг қийноқ-азобидан халос бўлишни истаган ҳар бир инсон бугунини Исломий эътиқод ва эзгу амал билан ўтказмоғи вожибдир!

15-16-17-18. Бас, Мен *(кундузлари кўздан)* **ғойиб бўлгувчи,** *(кечалари ҳам)* **тез ўтиб** *(ўз "уя"лари - буржларига)* **яширингувчи** *(юлдуз)***ларга, ўз зулмати билан келиб-кетаётган кечага ва отаётган тонгга қасам ичурманки; 19-20-21. Шак-шубҳасиз, у** *(Қуръон)* **бир улуғ, кувватли, Аршнинг Соҳиби** *(бўлмиш Оллоҳ)* **наздида макон-мартабали, у жойда** *(яъни, осмонларда фаришталар томонидан)* **итоат этилгувчи, ишончли элчининг** *(яъни, Жаброил фариштанинг Оллоҳ таоло томонидан келтирган)* **Сўзидир. 22. Ва сизларнинг соҳибингиз** *(Муҳаммад алайҳис-салом)* **мажнун эмасдир. 23. Дарҳақиқат, у** *(Жаброилни)* **очиқ уфқда кўрди. 24. У** *(Муҳаммад алайҳис-салом)* **ғайбга** *(яъни, ғайбдан келган ваҳийга)* **бахил ҳам эмасдир.** *(У Оллоҳ таоло томонидан ўзига келадиган ваҳийларни бузмасдан, тўла-тўкис ҳолда сизларга етказур).* **25. Ва у** *(Қуръон)* **қувилган-малъун шайтоннинг сўзи эмасдир. 26. Бас, сизлар** *(мана шу Қуръони Карим кўрсатган Ҳақ Йўлни инкор этиб)* **қаён кетмоқдасизлар?! 27-28. У** *(Қуръон)* **ҳеч шак-шубҳасиз, бутун оламлар учун - сизларнинг орангиздаги Тўғри Йўлда бўлмоқни хоҳлаган кишилар учун бир Эслатмадир. 29. Сизлар фақат бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Оллоҳ хоҳласагина** *(Тўғри Йўлда бўлишни)* **хоҳларсизлар.**

ИНФИТОР сураси (82)

Ўн тўққиз оятдан иборат бўлган бу сура ҳам Маккада нозил қилингандир.

У ҳам Қиёмат Кунининг даҳшатли манзараларини чизиш билан бошланади ва инсонга хитоб қилиниб, уни йўқдан бор қилган ва унга шундай гўзал сурат бериб қўйган Парвардигорига ибодат қилишдан уни - инсонни нима тўсиб тургани сўралади.

Сўнгра жазо Куни ҳақ эканлиги айтилиб, ҳар бир кишининг қилган амалини ёзиб турадиган улуғ фаришталар бирон ишни қолдирмасдан номаи аъмол саҳифаларини тўлдириб бораётганликлари яна бир бор уқтириб ўтилади.

Сура охирида Жазо Куни қандай Кун эканини Ёлғиз Оллоҳдан ўзга ҳеч ким била олмаслиги ва у Кунда барча ҳукм Ёлғиз Оллоҳ таолонинг Қўлида бўлиши ҳақида хабар берилади.

Сура Қиёмат Кунида осмон ёрилиб - очилиб қолиши хусусидаги оят билан бошлангани учун уни "Инфитор - Ёрилиш" деб аталади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Осмон ёрилганида; 2. Юлдузлар *(ҳар томонга)* **сочилганида; 3. Дарё-денгизлар** *(ўртасидаги тўсиқ-тўғонлар)* **очилганида; 4. Қабрлар тўнкариб қўйилганида** *(яъни, уларнинг ичидаги инсонларга жон ато этилиб, Ер юзига чиқарилганларида);* **5.** *(Ана ўша Кунда ҳар бир)* **жон ўзи** *(ҳаёти дунёдалик чоғида)* **қилиб ўтган ва** *(ўзидан кейин)* **қолдирган** *(барча)* **нарсаларни** *(яъни, яхши-ёмон амалларини)* **билур! 6. Эй инсон, нима сени Улуғ Парвардигоринг ҳақида** *(Унга ибодат қилмасанг ҳам бўлаверади, деб)* **алдаб қўйди?! 7. У сени яратиб, сўнг** *(барча аъзоларингни)* **тиклаб, сўнг** *(қоматингни ҳам)* **расо қилиб, қўйган Зот-ку! 8. У сени Ўзи қай суратни хоҳлаган бўлса** *(ўша сурат - шаклда)* **таркиб топтирди - ижод қилди-ку!**

Изоҳ: Ушбу оятларда Оллоҳ таоло инсонга ўзининг ким томонидан яратилиб, бундай ақл-хуш, мавзун қомат ва гўзал суратга эга бўлганини уқтирмоқда ва ундан ўзини бошқа барча

махлуқотлардан ажратиб шундай азизу мукаррам қилиб яратган Улуғ Парвардигорига нега қуллуқ - ибодат қилмаетганини сўраб танбеҳ бермоқда. Дарҳақиқат, инсон вужудидаги қай бир аъзога ибрат кўзи билан қараса - ундаги мукаммалликни кўриб Яратганнинг буюк қудратига, билим ва ҳикматига қуллуқ қилмасдан илож қолмайди "Ким ўзини таниса, ўша Парвардигорини танир", деган ҳадиси шариф ҳам мазкур оятларнинг шарҳи, десак, хато бўлмас.

Энди қуйидаги оятларда динсиз кимсалар Оллоҳ таолонинг амрига итоат этмасликларининг сабаби нима эканлиги зикр қилинади.

9. Йўқ, балки сизлар жазо *(Қиемат Куни)***ни ёлғон дерсизлар** *(шунинг учун ҳам Оллоҳ буюрган эзгу амалларни қилмайсизлар ва У Зот қайтарган ёмон амаллардан қайтмайсизлар)***! 10-11. Ҳолбуки, шак-шубҳасиз, сизларнинг устингизда** *(қилган ҳар бир амалингизни)* **ёд олиб, ёзиб тургувчи улуғ** *(фаришта)***лар бордир. 12. Улар сизлар қилаётган ишларни билурлар. 13. Шак-шубҳасиз, яхшилар** *(яъни, мўминлар жаннат)* **неъматларидадирлар. 14. Шак-шубҳасиз, фисқ-фужур қилгувчи кимсалар** *(яъни, Қуръон ва Пайғамбарни ёлғончи қилгувчи, Жазо Куни ва қайта тирилишни инкор қилгувчи кимсалар)* **дўзахдадирлар! 15. Улар** *(дўзах)***га Жазо** *(Қиёмат)* **Кунида кирурлар! 16. Ва улар** *(дўзахдан)* **ғойиб бўлгувчи** *(яъни, халос бўлгувчи)* **эмасдирлар! 17.** *(Эй инсон),* **сен Жазо Куни нима эканини қаердан ҳам билурсан?! 18. Сўнгра** *(яна такрор айтаманки),* **сен Жазо Куни нима эканини қаердан ҳам билурсан?! 19. У Кунда ҳеч бир жон** *(бошқа)* **бир жонга бирон нарса қилишга** *(яъни, бирон фойда етказишга ёки ундан бирон зиённи кетказишга)* **эга бўлмас! У Кунда барча иш Ёлғиз Оллоҳники бўлур!**

МУТАФФИФУН сураси (83)

Бу сура ўттиз олти оят бўлиб, Макка сураларидандир.

У дастлаб Охират ҳисоб-китобидан қўрқмаганлари учун бировнинг ҳаққидан ҳазар қилмайдиган кимсалар Оллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўлишлари тўғрисида хабар бергувчи оятлар билан бошланади.

Бу сурада ҳаётларини фисқу фужур билан ўтказадиган иймонсиз кимсалар топадиган даҳшатли оқибат - дўзах азоби ҳақида огоҳлантиргувчи оятлар ҳам, бу тўрт кунлик дунёдан Ҳақ Йўлини маҳкам тутиб ўтадиган аҳли иймон учун тайёрлаб қўйилган саодати абадийя - жаннат неъматлари зикр қилинган оятлар ҳам мавжуддир.

Сuранинг номи бўлмиш "Мутаффифун" калимаси "(Бировларнинг ҳақларидан) уриб қолгувчилар" деган маънони англатади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Ўлчов ва тарозидан)* уриб қолгувчи кимсаларга ҳалокат бўлгай! 2-3. Улар одамлардан *(бирон нарсани)* ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир. 4-5-6. Улар ўзларининг улуғ бир Кунда - барча одамлар бутун оламлар Парвардигори ҳузурида тик туриб *(ҳисоб-китоб берадиган Қиёмат)* Кунида қайта тирилгувчи эканликларини ўйламайдилармми?! 7. Йўқ, *(бировларнинг ҳақларидан уриб қолишдан ҳазар қилинглар)!* Чунки *(бундай)* фисқ-фужур қилгувчи кимсаларнинг номаи аъмоллари албатта Сижжийнда бўлур! 8. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* Сиз Сижжийн нима эканини қаердан ҳам билурсиз?! 9. *(У)* битилган китобдир.

Изоҳ: Сижжийн - уламоларнинг таъкидлашича, етти қават Ер остида тургувчи, инсу жиндан бўлган кофирларнинг номаи аъмоллари битиб қўйиладиган бир китобдир.

10. У Кунда *(ўша Кунни)* ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай! 11. Улар Жазо *(Қиёмат)* Кунини ёлғон дейдиган кимсалардир! 12. У *(Кун)*ни фақат барча гуноҳга ботган тажовузкоргина ёлғон дер! 13. Қачон *(ундай кимсага)* Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса, у: "*(Бу)* аввалгилардан *(қолган)* афсоналар", дер. 14. Йўқ, *(ундоқ*

эмас)! **Балки уларнинг дилларини ўзлари касб қилгувчи бўлган гуноҳлари қоплаб олгандир!**

Изоҳ: Яъни, уларнинг дилларини ўзларининг доимий касб-корлари бўлган гуноҳ ва жиноят занглари босиб қолгани сабабли улар Илоҳий Ҳақиқатни афсонадан ажрата олмаслар.

15. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, улар ўша *(Қиёмат)* **Кунида Парвардигорларидан тўсилгувчидирлар.** *(Яъни, Парвардигорнинг дийдорига етиш уларга ҳеч насиб қилмагай)!* **16. Сўнгра шак-шубҳасиз, улар дўзахга киргувчидирлар. 17. Сўнгра** *(уларга):* **"Мана шу сизлар ёлгон деб юрган нарса - азобдир", дейилур. 18. Дарҳақиқат, яхшиларнинг номаи аъмоллари шак-шубҳасиз, Иллийийундадир. 19.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз Иллийийун нима эканини қаердан ҳам билурсиз?! 20.** *(У)* **битилган китобдирки; 21. Унга** *(Оллоҳнинг)* **яқин** *(фаришта)***лари гувоҳ бўлурлар.**

Изоҳ: Иллийийун - Пайғамбар алайҳис-саломдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда айтилишича, еттинчи осмонда, Оллоҳ таолонинг Арши аълоси остидаги бир макон бўлиб, инсу жиндан бўлмиш мўминларнинг номаи аъмоллари битилган китоб ўша маконда сақланади.

22. Шак-шубҳасиз, яхшилар *(яъни, мўминлар жаннат)* **неъматларидадирлар. 23. Улар сўриларда** *(Оллоҳ таоло ўзларига ато этган неъматларга)* **боқиб** *(ўтирурлар).* **24. Сиз уларнинг юзларида неъматларнинг жилвасини танирсиз - кўрурсиз. 25. Улар** *(жаннатда)* **муҳрланган майдан суғорилурларки; 26. У** *(май)***нинг муҳри мушк бўлур. Бас, баҳслашгувчи - мусобақа қилгувчи кишилар** *(мана шундай мангу неъматга етиш йўлида)* **баҳслашсинлар - мусобақа қилсинлар. 27. У майнинг мизожи - аралашмаси Таснимдандир. 28.** *(Тасним Оллоҳнинг)* **яқин** *(бан-да)***лари ичадиган бир чашмадир. 29. Дарвоқеъ, жиноятkор - кофир кимсалар иймон келтирган зотлардан** *(масхара қилиб)* **кулгувчи бўлдилар. 30. Қачон** *(мўминлар)* **уларнинг олдидан ўтсалар, улар бир-бирларига кўз қисишиб имо-ишоралар қилурлар. 31. Қачон уйларига қайтсалар,** *(мўминларни масхара қилиб озор берганларидан)* **шодланиб қайтардилар. 32. Қачон** *(мўминларни)* **кўрсалар: "Ана улар шак-шубҳасиз, йўлдан озгувчи кимсалардир", дердилар. 33. Ҳолбуки, улар** *(мўминларнинг)* **устига қўриқчи қилиб юборилган эмасдилар. 34. Энди бу** *(Қиёмат)* **Кунида иймон келтирган зотлар кофирлардан кулурлар. 35. Улар** *(жаннатдаги)* **сўриларда** *(кофирларнинг азобланишига)* **боқиб** *(ўтирурлар).* **36. Кофирлар ўзлари қилиб ўтган қилмишларининг жазосини олдиларми?** *(Албатта олдилар).*

ИНШИҚОҚ сураси (84)

Маккада нозил бўлган бу сура йигирма беш оятдан ташкил топгандир.

Сура аввалида Қиёмат қойим бўлган куни само ёрилиб, замин эса ёйилиб, теп-текис бўлиб қолиши баён этилади. Шунинг учун ҳам бу сура "Иншиқоқ - Ёрилиш" деб номланган.

Бу сурада инсон зоти дунёга келган вақтидан тортиб ўзи билса-билмаса, хоҳласа-хоҳламаса Парвардигор томонга, яъни, ўлим деган - дунё билан Охират ўртасига ўрнатиб қўйилган кўприк орқали Парвардигорнинг одил ҳисоб-китоби сари интилиб бориши таъкидланади.

Сўнгра ўша Жазо Кунида қандай кишиларнинг ҳисоб-китоби осон бўлиши ва қандай кимсалар мангу азобга йўлиқишлари ҳақида хабар берилади.

Сура ниҳоясида Оллоҳ таоло қасам билан барча инсонлар ўлгандан кейин ўзларига ваъда қилинаётган даҳшатли ҳолатларга босқичма-босқич йўлиқишларини таъкидлаб, сўнг иймон келтирмаган кимсаларнинг ҳолларига таассуф билдирилади ва уларга аламли азоб "хушхабари", мўминларга эса битмас ажр-мукофот муждаси берилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. Осмон ёрилган ва у Парвардигори*(нинг ёрилиш тўғрисидаги амри)***га қулоқ тутган -** *(мана шу амрга)* **лойиқ топилган вақтда; 3-4-5. Ер ёйилган** *(теп-текис бўлган)* **ва ўз ичидаги** *(жасадларни устига)* **чиқариб ташлаб, бўшаниб олган ва у Парвардигори***(нинг ёйилиб, теп-текис бўлиш тўғрисидаги амри)***га қулоқ тутган -** *(мана шу амрга)* **лойиқ топилган вақтда** *(ана ўша Қиёмат Кунида ҳар бир инсон ўзи қилиб ўтган амалларига рўбарў бўлур)!* **6. Эй инсон, албатта сен меҳнат-машаққат чекиб Парвардигорингга** *(яъни, Унинг мукофот ёки жазосига)* **боргувчисан, бас,** *(бу ҳаёти дунёдан ўтганингдан сўнг)* **У Зотга йўлиққувчисан. 7. Ана энди кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан берилса; 8. Бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак. 9. Ва ўз***(инининг жаннатдаги)* **аҳли-оиласига шоду хуррам ҳолда**

қайтажак. 10. Энди кимнинг номаи аъмоли орқа томонидан берилса; 11. Бас, у ўлимини чақириб қолажак. 12. Ва дўзахга киражак! 13. Дарвоқеъ, у *(ҳаёти дунёдалик пайтида)* **аҳли оиласида** *(ўз куфру исёни билан)* **шоду хуррам эди. 14. Албатта у ўзининг ҳеч қачон** *(Парвардигори ҳузурига)* **қайтмаслигига ишонар эди. 15. Йўқ, Парвардигори уни шубҳасиз, Кўриб тургувчи эди. 16-17-18. Бас, Мен** *(қуёш ботаётган пайтда бутун уфқни қоплаб оладиган)* **шафаққа, кеча ва у қамраб олган** *(барча)* **нарсага ҳамда тўла бўлган вақтидаги ойга** *(яъни, тўлин ойга)* **қасам ичурманки; 19. Албатта сизлар** *(эй инсонлар)*, **табақадан табақага мингурсизлар** *(яъни, бир ҳолдан иккинчи ҳолга кўчиб турурсизлар).*

И з о ҳ: Ушбу оятларда Оллоҳ таолонинг Илоҳий қалами билан ҳар бир инсоннинг ҳаёт-мамотидаги бир ҳолдан иккинчи ҳолга кўчиши тўғрисида бетакрор манзара чизиб берилди. Дарҳақиқат, худди уфқни қон йиғлатиб кун ботиб, сўнг атрофни тун зулмати қоплаб, кейин самога балқиб чиққан тўлин ой кечани бамисоли кундузга айлантириб, агар Ерга игна тушса топилгудек ёруғ қилиб юборгани каби ҳар бир инсон ҳам ўз ҳаётининг шомида устида турган яқинларини қон йиғлатиб, ўлим деб аталган остонадан хатлайди. Энди у ёғи тамоман бошқа бир ҳолат - худди тун қоронғулиги янглиғ қабр зулмати. Лекин бу асло сўнгги ҳолат эмас, балки киши бошидаги ҳолатлар занжирининг бир ҳалқаси, холос. Навбатдаги ҳолат Қиёмат қойим бўлган Кунда рўй беради. У Кунда худди тўлин ой тун қоронғулигида яшириниб ётган барча нарсани ошкор қилганидек, ҳар бир кишининг қоронғу ўтмиши ибтидосидан интиҳосигача, ипидан-игнасигача ёритилиб, ҳисоб-китоб қилинади ва навбат кейинги ҳолатларга келади. Улар энди саодати абадийя ёки мангу азобдир! Шундоқ экан...

20. Бас, нега улар иймон келтирмайдилар?! 21. Уларга Қуръон қироат қилинган вақтида эса *(унга иймон келтиришиб, Яратганга)* **сажда қилмайдилар?!**

И з о ҳ: Бу ояти карима навбатдаги сажда ояти бўлиб, у тиловат қилинганида ўқувчига ҳам, тингловчига ҳам бир марта Оллоҳга сажда қилиш вожиб бўлади.

22. Йўқ, у кофирлар *(Қуръонни ҳам, Қиёмат Куни қайта тирилишни ҳам)* **ёлғон дерлар! 23. Оллоҳ эса улар ичларига солиб яшираётган нарсаларини** *(яъни, куфрларини, иймонсизликларини)* **жуда яхши Билгувчидир! 24. Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Сиз уларга аламли азоб "хушхабари"ни беринг! 25. Фақаттина иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун битмас-туганмас ажр-мукофот бордир.**

БУРУЖ сураси (85)

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, йигирма икки оятдир. У бошидан охиригача иймон-эътиқод мавзусини ёриттувчи сура бўлиб, аввал узоқ ўтмишда мўминларни фақат Оллоҳ таолога иймон келтирганлари учун азоблаб ўлдирган бир тўда золим кимсалар ҳалокатга дучор қилинганлари ҳақида хабар берилади ва барча замонлардаги аҳли иймонни фитнага солиб, уларга зулм қиладиган кимсалар дўзах азобига гирифтор бўлишлари таъкидланади.

Сўнгра Яратганнинг қудрати нақадар буюк эканлигига далолат қиладиган оятлар зикр қилингач, сура ниҳоясида Қуръони Мажид ҳеч қачон бирон ҳарфи ўзгармайдиган - бузилмайдиган Китоб экани уқтирилади. Бу суранинг номи "Буруж" бўлиб, "(Осмондаги) буржлар" деган маънони англатади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Буржлар эгаси бўлмиш осмонга қасам; 2. Ваъда қилинмиш *(Қиёмат)* **Кунига қасам; 3.** *(Ўша Кунда)* **гувоҳ бўлгувчи** *(барча халойиққа)* **ва гувоҳ бўлингувчи** *(барча воқеа-ҳодисалар)***га қасамки; 4. Чоҳ эгалари лаънат қилингайлар! 5.** *(У чоҳ ўзига итқитилган одамларнинг таналаридан иборат бўлган)* **"ўтин"ли оловдир! 6. Ўшанда улар ўша** *(чоҳ)***нинг устида ўтириб олган - 7. Ва мўминларга қилаётган ишларига ўзлари гувоҳ бўлган эдилар.**

И з о ҳ: Ушбу оятларда қадимда ўтган бир золим подшоҳ ва унинг малайлари мўминларни Оллоҳ таолога бўлган иймон-эътиқодларидан қайтариш учун қўллаган мудҳиш чоралари ва оқибат-натижада ўзлари қазиган чоҳга ўзлари қулаб ҳалок бўлганлари ҳақида хабар берилди. Ўшанда улар мўминларни ташлаб ёқиб юбориш учун узун ва чуқур чоҳ кавлашиб, ҳар бир мўминни ўша чоҳ ёқасига келтиришгач, агар иймонидан қайтмаса, мана шу ловуллаб ёниб турган чуқурга итқитилишини айтишганида, бирон мўмин иймонсиз яшашни иймон билан шаҳид бўлишдан ортиқ билмаган экан. Лекин улар ўша чуқурга отилган пайтларида ҳали олов баданларига тегмасидан Оллоҳ таоло уларнинг жонларини Ўз

ҳузури олийсига чорлаган, мўминларнинг жасадларини куйдиришдан ор қилган олов эса юқорига ўрлаб, чоҳ ёқасида томошабин бўлиб ўтирган кофирларни куйдириб ҳалок қилган экан. Бу қиссадан ҳисса шуки, мангу саодатга элтгувчи иймон Йўли осон йўл эмас, балки барча замонлардаги носоз тузум ва бузуқ жамиятларда аҳли иймон бошига ана шундай оғир синов тушиши мумкин. Ана ўша пайтда иймон имтиҳонидан гарчи шаҳид бўлиш баробарига бўлса-да, ўта олган мўминлар нажот топган бўлурлар. Уларга зулму ситам кўрсатган мустабид ҳокимлар эса шак-шубҳасиз, ҳалокатга маҳкумдирлар.

8-9. Улар *(мўминлардан)* **фақат у** *(мўмин)***лар қудрат ва мақтов Эгаси бўлган Оллоҳга - осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган Зотга иймон келтирганлари учунгина ўч олдилар! Оллоҳ барча нарсага Гувоҳдир! 10. Албатта мўмин ва мўминаларни фитнага солиб, сўнгра** *(бу қилмишларидан)* **тавба қилмаган кимсалар учун жаҳаннам азоби бордир ва улар учун ўт азоби бордир! 11. Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Мана шу буюк саодатдир. 12.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг** *(кофирларни азоб билан)* **ушлаши қаттиқдир. 13. Албатта Унинг Ўзи бошлар** *(яъни, бошлаб йўқдан бор қилур)* **ва қайтарур** *(яъни, халойиқни ўлганларидан кейин қайта тирилтирур).* **14. У** *(мўминларга)* **Мағфиратли, Муҳаббатли Зотдир. 15.** *(У)* **Арш Соҳиби бўлмиш Буюк Зотдир. 16.** *(У)* **истаган нарсасини Амалга оширгувчидир. 17-18.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сизга қўшинларнинг - Фиръавн** *(ва унинг одамларининг)* **ҳамда Самуд** *(қабиласининг)* **хабари келдими?**

Изоҳ: Яъни, улар кофир бўлганлари сабабли ҳалокатга дучор бўлдилар-ку! Бас, Қуръонга ва Муҳаммад алайҳис-саломга иймон келтирмаганлар ҳам худди ўшалар каби ҳалок бўлурлар!

19. Йўқ, кофир бўлган кимсалар *(ўзларидан аввал ўтган динсиз кимсалар йўлиққан азоб-ҳалокатлардан ибрат олмай, ҳали ҳам Қуръонни)* **ёлғон дейишда** *(оёқ тираб турибдилар!)* **20. Ҳолбуки, Оллоҳ уларнинг ортидан** *(барча нарсани билиб)* **Иҳота қилиб тургувчидир. 21-22. Йўқ,** *(улар ёлғон дейишаётган нарса)* **Лавҳул-Маҳфуздаги** *(яъни, ҳар қандай бузилиш ва ўзгаришдан сақланган-ҳимояланган Лавҳдаги)* **Буюк Қуръондир.**

ТОРИҚ сураси (86)

Бу сура ҳам Макка сураларидан бўлиб, ўн етти оятдир. Бу сурада ҳар бир инсоннинг қилган амаллари махсус фаришталар томонидан мунтазам ёзилиб борилиши; Қиёмат Кунида жамийки халойиқ қайта тирилиши ҳақ эканлиги; Қуръони Каримнинг Ҳақ билан ботилни ажраттувчи Сўз эканлиги ва Оллоҳ таоло буюрган Динга қарши турли ҳийла-найранглар қилиш кўчасига кирган кимсалар бир оз муҳлатдан сўнг ўз қилмишларига яраша жазо олишлари муқаррарлиги ҳақидаги мавзулар атрофида сўз боради.

Суранинг номи бўлмиш "Ториқ", сўзи "Тунги йўлчи - яъни, Юлдуз" маъносида келгандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Осмонга қасам, тунги йўлчига қасамки,- 2.- *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз тунги йўлчи нима эканини қаердан ҳам билар эдингиз?! 3.** *(У)* **учар юлдуздир.- 4.- Ҳар бир жоннинг устида** *(унинг қилган барча амалларини)* **ёд олгувчи** *(фаришта)* **бордир. 5. Энди инсон ўзининг нимадан яралганига бир боқсин! 6-7. У** *(эркакнинг)* **бели билан** *(аёлнинг)* **кўкрак қафаси ўртасидан отилиб чиқувчи бир сувдан яралган-ку! 8-9. Шак-шубҳасиз,** *(Оллоҳ)* **уни сирлар фош қилинадиган** *(Қиёмат)* **Кунида қайта тирилтиришга Қодирдир. 10. Бас,** *(у Кунда инсон)* **учун** *(Оллоҳнинг азобини қайтаргувчи)* **бирон куч ҳам, бирон ёрдамчи ҳам бўлмас!**

И з о ҳ: Демак, ҳар бир инсон ўзини бир томчи сувдан яратишга Қодир бўлган. Оллоҳ уни Қиёмат Куни қайта тирилтиришга ҳам Қодир эканини ўйлаб, куч-қувватининг борида иймон-эътиқод ва яхши амал билан ўша Кунга ҳозирлик кўрсин.

Мазкур оятларда Қиёмат ҳақида хабар берилгач, энди мана шу хабар келган Қуръони Карим қандай Китоб эканини баён қилинади.

11. Қайта-қайта тушгувчи *(ёмғир)***нинг эгаси бўлмиш осмонга қасам; 12.** *(Ўша ёмғир сабабли)* **ёриб чиққувчи** *(дон-дун, ўт-ўлан)***нинг эгаси бўлмиш Ерга қасамки; 13. Шак-шубҳасиз, у** *(Қуръон Ҳақ билан ботилни)* **ажратгувчи Сўздир. 14. У ҳазил** *(яъни, асоссиз, беҳуда сўз)* **эмасдир. 15. Албатта** *(кофирлар Муҳаммад алайҳис-саломга қарши турли)* **ҳийла-найранг қилурлар. 16. Мен ҳам бир ҳийла қилурман** *(яъни, уларнинг ҳийла-найрангларига муносиб жазо берурман)*. **17. Бас,** *(эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Сиз кофирларга озгина вақт-муҳлат беринг** *(яъни, Сиз бир оз шошмай туринг, майли улар бугун Дину иймонга қарши қўлларидан келганини қилсинлар, эртага Қиёмат қойим бўлганида албатта қилмишларига яраша жазоларини олурлар)!*

АЪЛО сураси (87)

Маккада нозил бўлган бу сура ўн тўққиз оятдир. Сура аввалида барча нарсадан Олий ва Юксак бўлган Зот - Оллоҳ таолонинг номини пок тутишга амр этилади. Бу суранинг "Аъло - Энг Олий Зот" деб номланишининг боиси ҳам шудир.

Сўнгра Ҳақ таоло Ўз Пайғамбарига нозил қиладиган оятларини у кишининг қалбига ҳеч қачон ўчмайдиган қилиб муҳрлаб қўйиши ҳақида башорат беради. Бу сурада фақат Яратгандан қўрқадиган кишиларгина панд-насиҳатни қабул қилиб фойдаланишлари, аммо дўзахи бадбахтлар эса насиҳат эшитишдан қочишлари баён қилинади. Сура ниҳоясида ўзини пок тутиб, Парвардигорини ёд этиб намоз-ибодатини канда қилмайдиган ҳар бир киши нажот топиши ҳақида хабар берилади ва бу сўзлар аввал ўтган Иброҳим ва Мусо пайғамбарларга нозил қилинган саҳифаларда ҳам бор эканлиги уқтирилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **энг Олий Зот бўлмиш Парвардигорингизнинг номини** *(ҳар қандай айб-нуқсондан)* **покланг! 2. У** *(барча нарсани)* **яратиб, расо қилиб қўйган Зотдир. 3. У** *(ҳар бир нарса учун муносиб йўлни)* **белгилаб,** *(У нарсани ўша йўлга)* **ҳидоят қилиб қўйган Зотдир. 4-5. У ўт-ўланни ундириб чиқариб, сўнг уни қорамтир хас-хашак қилиб қўйган Зотдир. 6-7.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Биз Сизни** *(Жаброил фаришта воситасида Қуръон)* **қироат қилдирурмиз. Бас, Сиз Оллоҳнинг Ўзи** *(унутишингизни)* **хоҳлаган оятлардан бошқа** *(бирон оят)***ни унутмассиз. Албатта У Зот ошкора** *(сўз ва ишлар)***ни ҳам, яширин нарсаларни ҳам билиб турур. 8. Биз Сизни осон** *(Динга)* **муваффақ қилурмиз.**

И з о ҳ: Дарҳақиқат, Шариати Исломийя динларнинг ичида энг осон ва енгилидир. У буюрган барча аҳкомларни ҳар бир ақли расо киши ҳеч қийналмасдан адо этиши мумкин. Фақат Ёлгиз Оллоҳга ва У Зот юборган Қуръонга сидқидилдан иймон келтирган бўлса, бас.

9. Бас, Сиз агар панд-насиҳат фойда берса, *(кишиларга)* **панд-насиҳат қилинг!** *(Яъни, насиҳат кор қилмайдиган кимсаларга сўзингизни исроф қилманг!)* **10.** *(Оллоҳдан)* **қўрқадиган киши панд-насиҳат олажак. 11-12. Катта ўтга** *(дўзахга)* **кирадиган бадбахт кимса эса ўзини у** *(насиҳат)* **дан четта олур. 13. Сўнгра у жойда у на ўла олур ва на яшай олур! 14-15. Дарҳақиқат,** *(куфру исёндан)* **пок бўлган ва Парвардигорининг номини ёд этиб намоз ўқиган** *(ҳар бир)* **киши нажот топгандир. 16. Йўқ, сизлар** *(эй кофирлар),* **ҳаётн дунёни устун қўюрсизлар! 17. Ҳолбуки, Охират яхшироқ ва боқийроқдир. 18-19. Дарвоқеъ, бу** *(сурада мазкур бўлган панд-насиҳатлар)* **аввалги** *(пайғамбарларга нозил бўлган)* **саҳифаларда - Иброҳим ва Мусо саҳифаларида ҳам бордир.**

ҒОШИЯ сураси (88)

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, йигирма олти оятдир.

У барча халойиқни ўз даҳшати билан ўраб оладиган Қиёмат Куни рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни баён қилиш билан бошланади. Шунинг учун бу сура "Ғошия - Ўраб олгувчи" деб номлангандир.

Бу сурада Еру осмондаги ҳар бир мавжудот Ягона Яраттувчининг - Оллоҳ таолонинг борлигига далолат қилиб туриши таъкидланади.

Сура ниҳоясида Пайғамбар алайҳис-саломнинг зиммаларидаги вазифа фақат панд-насиҳат билан Ҳақ Йўлига даъват қилиш эканлиги уқтирилиб, панд-насиҳатга қулоқ тутмаган кимсалар Оллоҳ таолонинг ҳузурига борганларида ўз қилмишларига яраша жазо олишлари ҳақида хабар берилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сизга ўраб олгувчи** *(Қиёмат Куни)* **ҳақидаги хабар келдими? 2. У Кунда** *(кофирларнинг)* **юзлари эгилиб қолгувчи. 3.** *(Бўйни ва қўл-оёқлари кишан ва занжирларни судраш билан)* **меҳнат-машаққат чеккувчидир. 4.** *(Улар)* **қизиган дўзахга кирур! 5. Қайнаб турган булоқдан суғорилур! 6-7. Улар учун бирон таом бўлмас,** *(уларнинг емишлари)* **фақат** *(еган кимсани)* **семиртирмайдиган ва очликдан халос қилмайдиган зарийъдан** *(заҳарли ва бадбўй тикансимон ўсимлик)* **бўлур! 8.** *(Мўминларнинг)* **юзлари эса у Кунда** *(ўзларига ато этилган ноз неъматлардан)* **шодхуррам; 9.** *(Ҳаёти-дунёда Оллоҳ Йўлида қилган)* **саъй-ҳаракатларидан рози бўлур. 10.** *(Улар)* **олий жаннатда бўлиб; 11. У жойда бирон беҳуда сўз эшитмаслар. 12. У жойда оқар булоқ бордир. 13. У жойда баланд сўрилар; 14. Ва** *(булоқ бўйига)* **қўйиб қўйилган қадаҳлар; 15. Тизиб қўйилган ёстиқлар; 16. Ва тўшалган гиламлар бордир.**

Изоҳ: Юқоридаги оятларда кофирлар тушадиган дўзах азоби ва мўминлар етадиган жаннат неъматлари тасвирланди. Охират ҳаётидан келтирилган бу жонли лавҳалар кишилар ўқиб, ибрат олишлари учун эди. Энди инсонлар кўриб ибрат олишлари ва Яратганнинг борлигини, бирлигини билиб иймон келтиришлари учун улар ҳар кун, ҳар соатда рўбарў келадиган тўрт нарса мисол тариқасида келтирилади.

17-18-19-20. Ахир улар туянинг қандай яратилганига, осмоннинг қандай кўтариб қўйилганига, тоғларнинг қандай тикланганига ва Ернинг қандай ёйиб-текислаб қўйилганига *(ибрат назари билан)* **боқмайдиларми?!**

Изоҳ: Ушбу оятларда кишиларнинг назари аввало ҳайвонот оламидан "саҳро кемаси" деб ном олган туяга қаратилмоқда. Дарҳақиқат, саҳро аҳли учун туя ҳам алоқа воситаси, ҳам оғир юкларни ташувчи ва оғир вазифаларни бажарувчи хизматкор; унинг юнги кийим бўлса, сути тўйимли ва суюмли таом. У ўзи баҳайбат ва ниҳоят даражада бақувват бўлишига қарамасдан ёш гўдак етакласа ҳам бўйсуниб кетаверади. Унга миниш ёки вазмин юкларни ортиш ўта қулай: бир ишора билан олдингизга чўкиб, гўё бир харсанг тошдек қилт этмасдан туради, миниб олгач эса яна бир ишора билан у "харсанг тош" ўрнидан кўчиб, исталган тарафга равона бўлади. Булар туянинг ташқаридан кузатилган пайтда кўзга ташланадиган жиҳатларидир. Энди унинг вужудига ибрат назари билан қаралса, у ойлаб овқатсиз, сувсиз юра олишидан тортиб, унинг баданидаги ҳар бир аъзо нақадар саҳрога мослаб яратилганини кўриб Яратганнинг қудратига тан бермай илож йўқ.

Энди яна кўриб, ибрат олишимиз лозим бўлган мавжудотлардан бири устимизда "том" бўлиб, бизларни бошқа сайёралар ва бошқа оламлардан етиши мумкин бўлган зиён захматдан сақлаб тургувчи осмон бўлса, яна бири "Ернинг қозиқлари" бўлган тоғлардирки, улар ўзларининг атрофидаги иқлимни мудом мўътадиллаштириб туришларидан ташқари ичларида инсонлар учун зарур бўлган хазиналарни ҳам асраб берадилар. Энди тоғлардан Ерга тушадиган бўлсак, у ҳам бизлар яшашимиз, уй-жойлар бино қилишимиз ва экинзорлар, боғ-роғлар барпо этишимиз учун қулай - текис қилиб қўйилибди. Хўш, буларнинг барчаси ўз-ўзидан пайдо бўлиб, шундай аниқ ва ҳикматли тартиб-интизомга келиб қолганми? Ёки бу мавжудотларнинг ҳар бирини одамлар ўз қўллари билан яратиб, мана шундай

жойлаштириб қўйишдимикан? Бу икки тахминнинг ҳам тўғри эмаслигини билиш учун катта илмнинг ҳожати йўқ, фақат тоза, заҳарланмаган фикр ва озгина инсоф бўлса, бас, мазкур мавжудотларни яратиш фақат барча оламлар Парвардигори бўлмиш Оллоҳ таолонинг Қўлидан келиши маълум бўлади - қолади. Шунинг учун ҳам юқоридаги оятларда барча инсонлар Еру осмондаги нарсаларга холис кўз билан, ибрат олиш учун назар солишга даъват қилиндилар.

Қуйидаги оятларда Пайғамбар алайҳис-саломга кишиларни Исломга даъват этишда мана шундай ибратли мисоллар билан панд-насиҳат қилиш йўлини тутмоқ амр этилди.

21. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Сиз панд-насиҳат қилинг! Зотан, Сиз фақат бир панд-насиҳат қилгувчидирсиз, холос. 22. Сиз уларнинг устида зўравонлик билан ҳукм юргизгувчи эмассиз. 23. Илло ким** *(бу панд-насиҳатдан)* **юз ўгириб, кофир бўлса; 24. У ҳолда Оллоҳ уни энг катта азоб билан азоблар! 25. Зеро, Ёлгиз Ўзимизга қайтишлари бордир! 26. Сўнгра уларни ҳисоб-китоб қилиш** *(жазо бериш)* **ҳам Ёлгиз Бизнинг зиммамиздадир!**

ВАЛ-ФАЖР сураси (89)

Бу сура ҳам Макка сураларидан бўлиб, ўттиз оятдан иборатдир.

Бу сурада сўз аввал узоқ ўтмишда ўтган ва Оллоҳ таолонинг пайғамбарларини ёлғончи қилганлари сабабли ҳалокатга дучор бўлган баъзи бир қавмлар ҳақида, сўнгра Ҳақ таоло бандаларини бойлик билан ҳам, камбағал-фақирлик билан ҳам имтиҳон қилиши хусусида ва сура ниҳоясида эса Қиёмат Куни рўй берадиган даҳшатли ҳодисалар ва дунёдаги ҳаётини иймону эътиқодда устивор бўлиб ўтказган жонлар у Кунда жаннат неъматларига эришишлари тўғрисида боради.

Сура ўзининг илк ояти билан "Вал-фажр - Тонгга қасам", деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Тонгга қасам; 2. *(Зул-ҳижжа ойидаги аввалги)* **ўн кечага қасам; 3. Жуфт ва тоқ** *(ракаатли намозлар)***га қасам; 4. Ўтиб бораётган кечага қасамки,** *(албатта кофирлар азобга гирифтор бўлурлар)!* **5. Мана шу** *(қасам ичилган нарсаларда)* **ақл эгаси учун** *(етарли)* **қасам бордир?! 6-7-8.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Парвардигорингиз** *(бошқа)* **юртларда ўхшаши яратилмаган, баланд устун***(ли қаср)***лар эгаси бўлган Ирам** *(шаҳридаги)* **Од** *(қабиласи)***ни қандай** *(ҳалокатга дучор)* **қилганини кўрмадингизми? 9.** *(Қуро)* **водийсида харсанг тошларни кес***(иб ўзларига уйлар солиб ол)***ган кимсалар бўлмиш Самуд** *(қабиласини қандай ҳалокатга дучор қилганини-чи)?* **10. Қозиқлар** *(яъни, Ерга қозиқдек қоқилган баланд эҳромлар ва қасрлар)* **эгаси бўлган Фиръавнни** *(қандай ҳалокатга дучор қилганини-чи)?* **11-12. Улар юртларида ҳаддаридан ошиб, у жойларда бузғунчиликни кўпайтириб юборган эдилар. 13. Бас, Парвардигорингиз уларнинг устига турли азоб-офатни ёғдирди! 14. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз** *(барча нарсани)* **Кузатиб тургувчидир.**

Изоҳ: Юқоридаги оятларда куфру исёнлари сабабли ҳалокатга дучор бўлган қавм ва қабилалар зикри ўтгач, энди бахт-саодатни мол-дунё билан ўлчайдиган кофир кимсалар ҳақида хабар беради

15. Бас, энди инсон қачон Парвардигори уни имтиҳон қилиб, азиз қилиб қўйса ва унга неъмат ато этса дарҳол: "Парвардигорим *(иззат-ҳурматга лойиқ бўлганим учун)* **мени азиз қилиб қўйган", дер. 16. Энди қачон** *(Парвардигори)* **уни имтиҳон қилиб, ризқини танг қилиб қўйса, дарҳол: "Парвардигорим мени хор қилди", дер. 17. Йўқ,** *(сизлар гумон қилганларингиздек, иззат-икром - бойлик билан, хор-зор қилиш - камбағаллик билан бўлмас).*

Изоҳ: Оллоҳ таоло бировни яхши кўргани учун бой қилиб, ёки бошқа бировни ёмон кўргани учун камбағал қилиб қўймайди. Умуман, агар Оллоҳ наздида мол-дунёнинг пашшанинг қанотича ҳурмати бўлганида, кофирга ундан бир чақа ҳам бермаган бўлур эди. Лекин Оллоҳ таоло инсонларни шукр қиладиларми-йўқми синовдан ўтказиш учун ризқларини танг қилиб қўяди. Демак, инсоннинг бойлик билан суюниб, камбағаллик билан куйиниб кетиши нотўғридир.

Оятнинг давомида энди Макка кофирларига хитоб қилиниб, уларнинг ўта очкўз ва хасис кимсалар эканликлари, бировнинг ҳаққидан ҳазар қилмасликлари ва ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормасликлари фош қилинади.

Йўқ, сизлар етимни иззат-икром қилмассизлар! 18. Мискин-бечорага таом беришга ҳам бир-бирларингизни тарғиб қилмассизлар! 19. Меросни эса *(ўзларингизнинг улушингизга ўзгаларникини ҳам)* **қўшиб ейиш билан еяверурсизлар! 20. Яна мол-дунёни қаттиқ муҳаббат билан яхши кўрурсизлар! 21. Йўқ,** *(бундай кирдикорларингиздан қайтингиз)!* **Қачон Ер** *(зилзилага тушиб, барча нарса)* **чил-парчин қилинганда; 22. Парвардигорингиз ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда; 23.** *(Кофирлар кўришлари учун)* **ўша Кунда жаҳаннамни ҳам** *(яқин)* **келтириб қўйилганда - ана ўша Кунда инсон** *(бу кўрганларидан)* **эслатма-ибрат олур!** *(Аммо у Кунда)* **бу эслатма-ибрат***(нинг фойдаси)* **қаёқдан тегсин?! 24. У: "Эҳ, кошки эди мен ҳаёт вақтимда** *(яхши амаллар)* **қилиб ўтган бўлсам", деб қолур! 25. У Кундаги** *(Оллоҳнинг)* **азоби каби ҳеч ким азоблай олмас! 26. Ва У Зотнинг** *(кишан ва занжирлар билан)* **боғлаши каби ҳеч ким боғлай олмас! 27.** *(У Кунда ҳаёти дунёдан Оллоҳ таолонинг ваъдасига ишониб иймон ва эзгу амаллар билан ўтган мўминларга хитоб қилиниб, дейилур):* **"Эй** *(Оллоҳнинг зикри билан)* **хотиржам - сокин нафс; 28. Сен** *(Оллоҳ ато этган неъматлардан)* **рози бўлган** *(ва Оллоҳ таоло томонидан сенинг амалларингдан)* **рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг** *(ҳузури)***га қайт! 29. Бас,** *(солиҳ)* **бандаларим қаторига киргин; 30. Ва Менинг жаннатимга киргин!"**

БАЛАД сураси (90)

Маккада нозил қилинган бу сура йигирма оятдан ташкил топгандир.

Сура аввалида Оллоҳ таоло - Ўзининг неча-неча пайғамбарлари туғилиб ўсган ва хусусан сўнгги Пайғамбари ҳазрати Муҳаммад алайҳис-саломнинг она масканлари бўлган улуғ шаҳар - Маккаи мукаррамага ва барча инсонларнинг ҳақларига қасамёд қилиш билан - инсон зоти бу дунёга меҳнат-машаққат чекиш учун келиши ҳақида хабар беради. Бу сура "Балад - Шаҳар" деб номланишининг боиси шудир.

Сўнгра қўлларидаги мол-мулкларини хўжакўрсинга совуриб, мақтаниб юрадиган кимсалар огоҳлантирилиб, фақат иймон-эътиқод билан Оллоҳ таоло буюрган жойларга бериё сарф-харажат қилиш билангина Охират бахт-саодатига эришиш мумкинлиги, Оллоҳ таолонинг оятларига кофир бўлган кимсалар эса шак-шубҳасиз, дўзахи бадбахтлар эканликлари таъкидланади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2-3. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **мана шу шаҳарга - ҳолбуки, Сиз ҳам мана шу шаҳарда яшарсиз - ҳамда Ота ва ундан бўлган болаларга** *(яъни, Одам алайҳис-салом ва унинг барча зурриётларига)* **қасамёд қилурманки; 4. Дарҳақиқат, Биз инсонни меҳнат-машаққатга яратдик.**

И з о ҳ: Яъни, инсон ўзига жон ато этилганидан то ўша жон баданини тарк қилиб чиқиб кетгунича меҳнат-машаққатда ҳаёт кечиради. Бу борада мусулмон ҳам, кофир ҳам бир-бирига ўхшаган меҳнат-машаққатларни бошдан ўтказадилар. Лекин мусулмон Яратган буюрган иш-амалларда жон куйдиради, ўзининг куч-ғайратини имкон қадар савобли ишларга сарфлайди ва керак бўлса Ҳақ Йўлида жонини қурбон қилиб, Охиратдаги мангу роҳат-фароғатга эришади Аммо кофир, эътиқодсиз кимсалар эса арзон ҳою ҳаваслар ва ўзларига ҳам, ўзгаларга ҳам бефойда-бевафо бўлган пуфак орзу-хаёлларга етиш йўлида жонларини жабборга бериб, оқибатда бу дунёдаги меҳнат-машаққатларидан ташқари у

дунёдаги дўзах азоби - машаққатига ҳам гирифтор бўладилар. Қуйидаги оятларда ана шундай топган мол-дунёси ва куч-қуввати билан мағрурланиб, Пайғамбар алайҳис-саломга ва бошқа мўминларга дилозорлик қилиб юрадиган бир кимса ҳақида ҳикоя қилинади.

5. У ўзига ҳеч кимнинг кучи етмайди, деб ўйлармиѕ?! 6. У *(мақтаниб):* **"Жуда кўп мол-дунёни** *(сарфлаб)* **йўқ қилдим", дер. 7. У ўзини** *(риёкорлик билан мол-дунё совураётган пайтида)* **ҳеч ким кўрмаган, деб ўйлармиѕ?!** *(Йўқ, Оллоҳ таоло ҳар вақт, ҳар нарсани кўриб-билиб турур!)* **8-9. Ахир Биз унга икки кўз, тил ва икки лаб** *(ато)* **қилмадикми?! 10. Ва Биз уни икки баландликка** *(яъни, яхшилик ёки ёмонлик довонларини ошиб ўтишга)* **йўллаб қўйдик-ку!**

И з о ҳ: Яъни, Оллоҳ таоло инсонни яратиб, яхшилик йўлига юришга ҳам, ёмонлик йўлига юришга ҳам ихтиёр бериб қўйди. Бу икки йўл ҳам баландлик - довондир. Демак, иккисига чиқиш учун ҳам тер тўкиш, машаққат чекиш лозим бўлади. Лекин яхшилик довонига чиқиш учун саъй-ҳаракат қилиб довондан ўтган киши жаннат неъматларига етса, ёмонлик довонига чиққан кимса унинг ортидаги дўзах жарлигига қулайди.

11. Бас, у *(мақтанчоқ кимса яхшилик)* **довонини ошиб ўтмади! 12.-** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **довон** *(ошиш)* **нима эканини Сиз қаердан билар эдингиз?! 13.** *(Яхшилик довонини ошиб ўтиш - бир қул)* **бўйнини** *(қулликдан)* **озод қилмоқ; 14-15-16. Ёки очарчилик кунида бирон қардош етимга ё муҳтож бечора-мискинга таом бермоқдир. 17.- Сўнгра у** *(мақтанчоқ-кимса)* **иймон келтирган ва бир-бирларига** *(тоат-ибодатини адо этишдаги машаққатларга)* **сабр-қаноат қилишни тавсия этган, бир-бирларига** *(Оллоҳнинг бандаларига)* **меҳр-мурувват кўргузишни тавсия этган зотлардан бўлмади!** *(Демак, у мақтанчоқ кимсанинг юқорида зикр қилинган сифатларга эга бўлмай туриб, хўжакўрсинга совурган молу давлатидан унинг ўзига ҳеч қандай манфаат - савоб йўқдир).* **18. Ана ўша** *(яъни, юқоридаги фазилатларга эга бўлган)* **зотлар ўнг томон эгаларидир** *(яъни, Охират Кунида ишлари ўнгдан келгувчи саодатманд кишилардир)*. **19. Бизнинг оятларимизга кофир бўлган кимсалар эса чап томон эгаларидир! 20. Уларнинг устида қопланиб қолгувчи олов-дўзах бўлур!**

ВАШ-ШАМС сураси (91)

Бу сура ҳам Маккада нозил бўлган. У ўн беш оятдир.

Бу сурада Оллоҳ таоло Ўзи яратган бир қанча мавжудотга ва Ўз Зотига қасам билан жонини иймон билан пок тутган киши нажот топиши, уни куфр билан хор қилган кимса эса номурод бўлиши ҳақида хабар беради.

Сўнгра ана шундай ҳалокатга учраган қавмлардан Самуд қабиласи мисол қилиб келтирилади.

Сура ўзининг илк ояти билан "Ваш-шамс - Қуёшга қасам", деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Қуёш ва унинг ёғдусига қасам; 2. У *(қуёш)***нинг ортидан келган ойга қасам; 3. У** *(қуёшни оламга)* **ошкор қилган кундузга қасам; 4. У** *(қуёшни ўз зулмати билан)* **ўраб-яшираётган кечага қасам; 5. Осмонга ва уни бино қилган Зотга қасам; 6. Ерга ва уни ёйиб-текис қилиб қўйган Зотга қасам; 7-8. Жонга ва уни расо қилиб-яратиб, унга фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилиб-ўргатиб қўйган Зотга қасамки; 9. Дарҳақиқат, уни** *(яъни, ўз нафсини-жонини иймон ва тақво билан)* **поклаган киши нажот топди. 10. Ва у** *(жонни фисқ-фужур билан)* **кўмиб хорлаган кимса номурод бўлди.**

Изоҳ: Саҳобалардан ибн Аббос томонидан (Оллоҳ у кишидан рози бўлсин) ривоят қилинишича, Пайғамбар алайҳис-салом қачон юқоридаги оятларни тиловат қилсалар, бир тўхтаб Оллоҳ таолога бундай дуо қилар эканлар: "Оллоҳим, Ўзинг нафсимга - жонимга тақво ато этгин, Ўзинг унинг Эгаси - Хожасисан ва Ўзинг уни энг яхши Поклагувчисан".

Энди қуйидаги оятларда Самуд қабиласининг кирдикорлари баён қилинади. Улар ўзларига юборилган пайғамбар - Солиҳ алайҳис-саломни ёлғончи қилишиб, у зотдан мўъжиза талаб қилганларида Солиҳ алайҳис-салом Оллоҳ таолонинг қудрати билан бир харсанг тошни тирик туяга айлантириб қўйдилар ва Самуд қабиласининг одамларига у туяга бирон зиён-заҳмат етказмасдан, навбати келганда суғориб туришни буюрадилар ва акс ҳолда ҳалокатга

учрашлари ҳақида огоҳлантирадилар. Лекин у кофирлар пайғамбарнинг устидан кулишиб, туяни сўйиб юборадилар ва барчалари ҳалок бўладилар. (Биз бу ҳодиса ҳақида аввалги сураларнинг изоҳларида ҳам айтиб ўтган эдик).

11. Самуд *(қабиласи)* **ҳаддан ошганлари сабабли** *(ўз пайғамбарларини)* **ёлғончи қилишди. 12. Эсланг, уларнинг орасидаги энг бадбахт кимса** *(туяни сўйиш учун)* **қўзғалганида; 13. Оллоҳнинг пайғамбари** *(Солиҳ алайҳис-салом)* **уларга: "Оллоҳнинг туяси***(ни сўйиб юбориш)***дан ва уни суғориш***(га тўсиқ бўлиш)***дан** *(сақланинглар)***!" деди. 14. Бас, улар** *(пайғамбарни)* **ёлғончи қилишиб, у** *(туя)***ни сўйиб юборган эдилар, Парвардигорлари уларнинг бу гуноҳлари сабабли устларига қирғин юбориб, уни** *(қирғинни барчаларига)* **баробар қилди. 15.** *(Зотан, Оллоҳ таоло бу ишининг)* **оқибатидан қўрқмас!**

И з о ҳ: Яъни, Еру осмонлардаги барча мавжудот Оллоҳ таолонинг Ўз мулки бўлгани сабабли У Зот Ўз мулкини Ўзи хоҳлагандек тасарруф қилади ва бу тасарруфи хусусида ҳеч кимнинг олдида ҳисоб-китоб бермайди. Аксинча, бутун борлиқ У Зотнинг ҳузурида ҳисоб-китоб беради.

ВАЛ-ЛАЙЛ сураси (92)

Йигирма бир оятдан иборат бўлган бу сура Маккада нозил қилинган.

Унда сўз инсонларнинг туриш-турмушлари ҳам, саъйу-ҳаракатлари ҳам турли-туман экани хусусида бориб, Охират Кунидаги мукофотга иймон келтириб, тақво ва муҳтожларга хайру саховат билан умрларини ўтказадиган кишиларга ато этиладиган жаннат ва бахиллик, иймонсизлик билан тирикчилик қилиб ўтадиган кимсаларнинг борар жойлари бўлган дўзах азоби тўғрисида хабар берилади.

Сура ниҳоясида Ёлғиз Оллоҳнинг ризолигини кўзлаб қилинган эзгу амалларгагина ажр-савоб берилиши таъкидланади.

Бу сура ҳам ўзининг илк ояти билан "Вал-лайл - Кечага қасам" деб номланган.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Борлиқни ўз зулмати билан)* **ўраб келаётган кечага қасам; 2. Ёришиб-кўринган кундузга қасам; 3. Эркак ва аёлни яратган Зотга қасамки; 4. Шак-шубҳасиз, сизларнинг саъйу ҳаракатларингиз хилма-хилдир. Ана энди ким** *(ўз мол-давлатидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни)* **ато этса ва** *(Оллоҳдан)* **қўрқса; 6. Ҳамда гўзал оқибатни** *(яъни, жаннат бор эканини)* **тасдиқ этса; 7. Бас, Биз уни осон йўлга муяссар қилурмиз.**

Изоҳ: Ушбу оятлардан маълум бўлишича, ким дунё ва Охиратда бахтли-саодатли ҳаёт кечириши учун осон йўл изласа, у киши уч хислатга эга бўлиши лозим экан: ўз зиммасидаги Оллоҳ таоло буюрган хайр-эҳсонни камбағал бечораларга ато этиш, мудом тақво билан, Ёлғиз Оллоҳдан қўрқиб яшаш ва яхши амал учун гўзал мукофот-жаннат бўлишини чин дилдан тасдиқ этиш. Оллоҳ таоло ана шу уч хислатга эга бўлган кишиларга жаннат йўлини осон қилишга ваъда берди. Энди қуйидаги оятларда юқоридаги хислатларнинг зиддига мубтало бўлган кимсалар ва улар топажак оқибат ҳақида сўз юритилади.

8. Энди ким *(Оллоҳ Йўлида хайр-саховат кўрсатишдан)* **бахиллик қилса ва** *(ўзини Оллоҳ ҳузуридаги ажр-мукофотлардан)* **беҳожат билса; 9. Ҳамда гўзал оқибатни** *(яъни, Оллоҳ ваъда қилган жаннатни)* **ёлғон деса; 10. Бас, Биз уни** *(дунё ва Охиратда бахтсиз бўладиган)* **оғир йўлга "муяссар" қилурмиз! 11. Ва у** *(дўзахда)* **ҳалок бўлган вақтида молу дунёси унга асқотмас! 12. Шак-шубҳасиз, ҳидоят** *(яъни, инсонларни Тўғри Йўлга йўллаш)* **Ёлғиз Бизнинг зиммамиздадир. 13. Шак-шубҳасиз, Охират ҳам, дунё ҳам Ёлғиз Бизникидир.**

И з о ҳ: Яъни дунёнинг ҳам, Охиратнинг ҳам Якка-ю Ягона Ҳақиқий Подшоҳи - Эгаси Ёлғиз Оллоҳ таолодир. Бас, кимки Оллоҳдан ўзга бирон кимсага сиғинса, Оллоҳдан ўзга бирон кимсадан ҳидоят ёки бахт-саодат сўраса, у очиқ гумроҳдир.

14. Бас, *(эй инсонлар)*, **Мен сизларни ловуллаб ёниб турган оловдан - дўзахдан огоҳлантирдим. 15-16. Унга фақат** *(Ҳақни)* **ёлғон деган ва** *(иймон-эътиқоддан)* **юз ўгирган бадбахт кимсагина кирур! 17-18. Ўзи покдоман бўлиб, мол-давлатини** *(яхшилик йўлида)* **сарф қиладиган тақводор зот у** *(дўзах)***дан йироқ қилинур. 19. У** *(тақводор зот)* **ҳузурида - зиммасида бирон кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир.** *(Яъни, у бирон кимсанинг ўзига ўтказиб қўйган яхшилигини қайтариш учун хайр-саховат кўрсатмайди).* **20. У фақат энг Олий Зот бўлмиш Парвардигорининг Юзини - ризолигини истаб** *(мол-давлатини сарф қилур).* **21. Ва яқинда** *(Парвардигори унга ато этадиган мукофот - жаннат неъматларидан)* **рози бўлур.**

ВАЗ-ЗУҲА сураси (93)

Маккада нозил қилинган бу сура ўн бир оятдан иборатдир. У Пайғамбар алайҳис-салом шахсиятларига хос бир сура бўлиб, унда Оллоҳ таоло Ўзининг сўнгги Пайғамбарига нисбатан бўлган меҳр-муҳаббати ва раҳм-шафқати ҳақида хабар беради. Сўнгра у кишига Илоҳий йўл-йўриқлар кўрсатилади. Сура ўзининг илк ояти билан "Ваз-зуҳа - Чошгоҳ вақтига қасам" деб номланган.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Чошгоҳ вақтига қасам; 2. *(Ўз зулмати билан чор-атрофни)* **қоплаб-ўраб олган кечага қасамки; 3.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Парвардигорингиз Сизни тарк этгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқдир.**

И з о ҳ: Ушбу оятлар Пайғамбаримизга ваҳий келиши бир неча муддат тўхтаб қолган ва айрим мушриклар: "Мана Муҳаммадни Парвардигори ташлаб кетди", деб гап тарқатган вақтларида нозил бўлгандир. Оллоҳ таоло Ўзи яратган чошгоҳ (ёруғлик) ва кеча (қоронғулик) ҳаққига қасам билан Муҳаммад алайҳис-саломни тарк этмагани ва ёмон кўриб қолмагани ҳақида хабар бериши орқали гўё ойнинг (ваҳий келмай қолган) ўн беши қоронғу бўлган бўлса, қолган ўн беши ёруғ бўлишига ишора қилаётгандек.

4. Албатта Охират Сиз учун дунёдан яхшироқдир. 5. Яқинда Парвардигорингиз Сизга *(шундай неъматлар)* **ато этурки, Сиз** *(у Илоҳий марҳаматлардан)* **рози бўлурсиз. 6.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Парвардигорингиз)* **Сизни етим ҳолда топгач, бошпана бермадими?**

И з о ҳ: Бу ўринда Пайғамбар алайҳис-салом ёш гўдаклик чоғларида етим бўлиб қолганларида аввал боболари Абдулмутталиб, сўнгра амакилари Абу Толиб қарамоғларида тарбия топганларига ишора қилинмоқда.

7. У Зот Сизни гумроҳ-ғофил ҳолда топиб, *(Ҳақ Йўлига)* **ҳидоят қилиб қўйди-ку! 8. У Зот Сизни камбағал ҳолда топиб, бой қилиб қўйди-ку! 9. Бас, энди Сиз ҳам етимга қаҳр қилманг! 10.**

Сўрагувчи - тиланчини эса *(бирон нарса бермасдан)* **ҳайдаманг!**
11. Ва Парвардигорингизнинг *(Сизга ато этган пайғамбарлик ва бошқа барча)* **неъмати ҳақида** *(кишиларга доимо)* **сўзланг!**

Изоҳ: Ушбу Илоҳий йўл-йўриқлар фақат Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларига тааллуқли бўлмай, балки у зотнинг барча умматларига ҳам алоқадордир. Зеро ҳар бир иймон-эътиқодли кишининг бурчи ўзи фазлу марҳаматига муҳтож бўлган энг Олий Зот - Оллоҳ таолонинг унга ато этган беҳисоб ноз-неъматларини эслаб, ўзига муҳтож бўлган етим-бечораларга зулм қилмай, аксинча уларга қўлидан келганича ёрдам бериб юрмоқдир.

ШАРҲ сураси (94)

Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган бўлиб, саккиз оятдир. У ҳам ўзидан аввалги сура каби бошидан охиригача Пайғамбар алайҳис-саломга хитоб бўлиб, Оллоҳ таоло томонидан у зотга ато этилган фазл-марҳаматлар зикр қилинади ва у зотни машаққатларга сабр-тоқат қилишга ҳамда Оллоҳ таолонинг ибодатига мудом рағбат кўрсатишга даъват этилади.

Суранинг номи бўлмиш "Шарҳ" калимаси "Очмоқ, кенг қилмоқ" деган маънони англатади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Биз Сизнинг қалбингизни** *(иймон ва Қуръон нури билан)* **кенг-мунаввар қилиб қўймадикми? 2-3. Ва Биз Сиздан елкангизни эзиб турган оғир юкингизни олиб қўйдик.**

Изоҳ: Мазкур оғир юкдан мурод Пайғамбар алайҳис-салом йўл қўйган ва йўл қўядиган - мунофиқларнинг жиҳодга чиқмасликларига изн беришлари, олдиларига келган кўзи ожиз саҳобага қовоқ уйганлари каби кичик хатолар эдики, булар мудом оғир юк бўлиб Пайғамбаримизнинг елкаларини эзиб-азоблаб турар эди. Ушбу оятлар билан Оллоҳ таоло Ўзининг Ҳабиби ва сўнгги Пайғамбарига у кишининг бу янглиғ кичик хатолари афв этилгани хусусида хабар бермоқда. Энди қуйидаги оятда Расулуллоҳ алайҳис-саломга ато этилган яна бир файзи Илоҳий ҳақида сўз боради.

4. Ва Биз сизнинг зикрингизни *(яъни, мартабангизни)* **баланд қилиб қўйдик.**

Изоҳ. Дарҳақиқат, ҳар бир мўмин-мусулмон қаерда Оллоҳ таолонинг номини ёд этиб, У Зотни улуғласа, албатта У Зот билан бирга Пайғамбари Муҳаммад алайҳис-саломнинг номларини ҳам зикр қилиб, у кишига салавот ва салом айтадики, бу мартабайи олия Пайғамбаримиздан ўзга ҳеч кимга насиб этган эмас.

5. Бас, албатта ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир. 6. Албатта ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир.

И з о ҳ: Агар муҳтарам ўқувчи эътибор берган бўлса, юқоридаги оятларда ҳар бир машаққатдан кейин эмас, балки айни ўша машаққат билан бирга енгиллик борлиги икки бор таъкидланди. Буни икки хил маънода тушуниш мумкин. Биринчиси: ҳар бир қийинчиликдан кейин шу қадар тез осонлик келадики, гўё улар иккиси бирга, ёнма-ён тургандек бўлади. Бас, демак, қийинчиликка рўбарў келганда ноумидликка тушишнинг асло ҳожати йўқ. Иккинчи маъно: бир кишининг бошига иймон, эътиқоди сабабли бирон оғирлик тушса, у киши ҳаргиз бундан ранжимаслиги лозим. Зеро, у Охиратдаги осонликка - мангу саодатга айни мана шу дунёда тортаётган қийинчилиги шарофати билан, яъни, мана шу қийинчиликка сабр-тоқат қилгани сабабли эришиши мумкин. Демак, у киши тортаётган муваққат машаққатнинг ўзида унинг учун мангу бахт-саодат бор экан.

7. Бас, *(эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **қачон Сиз** *(кишиларни Ҳақ Йўлига даъват қилишдан ва бошқа дунёвий ҳожатлардан - ишлардан)* **фориғ бўлсангиз** *(ўрнингиздан)* **туринг! 8. Ва Ёлғиз Парвардигорингизга юзингизни буринг!**

ВАТ-ТИЙН сураси (95)

Бу сура саккиз оятдан ташкил топган бўлиб, Маккада нозил қилинган.

Унда Оллоҳ таоло яраттан энг гўзал ва мукаммал хилқат инсон эканлиги, лекин айрим кимсалар куфру исён ботқоғига ботиб, пастларнинг пастига айланиб қолишлари, бу ҳаёти дунёдан иймон ва эзгу амаллар билан яшаб ўтган инсонлар эса беадоқ ажр-мукофотларга эга бўлишлари ҳақида сўз боради.

Сура ўзининг илк ояти билан "Ват-тийн - Анжир мевасига қасам" деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Анжирга қасам, зайтунга қасам; 2. *(Оллоҳ таоло Мусо пайғамбар билан бевосита сўзлашган)* **Тури Сино тоғига қасам; 3. Мана шу тинч-осойишта шаҳар** *(Маккаи мукаррама)***га қасамки; 4. Дарҳақиқат, Биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик. 5. Сўнгра** *(у Биз ато этган шундай гўзал сурат ва мукаммал хилқатнинг шукрини қилмасдан, куфру туғён йўлига кетгач),* **уни асфаласофилинга** *(яъни, энг тубан дўзахга)* **қайтардик. 6. Фақат** *(қай)* **бир зотлар иймон келтирсалар ва яхши амаллар қилсалар, ана ўшалар учун битмас-туганмас ажр-мукофот бордир. 7. Бас,** *(эй инсон),* **энди** *(яъни, Оллоҳ таолонинг барча нарсага Қодир Зот эканлигини билганингдан сўнг)* **нима сени** *(Қиёмат Кунида бандаларнинг қилиб ўтган амалларига бериладиган)* **жазони ёлғон дейишга мажбур қилур?! 8. Ахир Оллоҳ энг афзал, энг одил Ҳукм қилгувчи эмасми?!** *(Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло Қиёмат Кунида энг одил Ҳукм қилгувчидир. Демак, У Зот албатта ҳар бир яхшига баҳосини, ёмонга жазосини бериши муҳаққақдир).*

АЛАҚ сураси (96)

Маккада нозил бўлган бу сура ўн тўққиз оятдан иборатдир.

Суранинг ўқиб-ўрганишга ва Яратганнинг қандай Зот эканини, инсоннинг нимадан яратилганини англашга даъват этувчи аввалги беш оятл заминни осмон билан боглаб тургувчи Каломуллоҳнинг - барча инсонлар учун Илоҳий дастурул-амал бўлмиш Қуръони Каримнинг илк оятларидир, Оллоҳ таоло Ўзининг сўнгги Пайғамбари ҳазрати Муҳаммад алайҳис-саломга қилган илк Илоҳий хитобдир.

Суранинг кейин нозил бўлган оятларида инсон табиатидаги бир қусур - ўзини бой-беҳожат кўриши билан туғёнга тушиши тўғрисида сўз юритилиб, ана шундай ҳаддаридан ошган кимсалар ҳали Парвардигор даргоҳига қайтиб ҳисоб-китоб бериш борлиги ҳақида огоҳлантириладилар.

Сўнгра ўшалардан бири, ўзининг мол-дунёси ва ҳамтовоқларининг кўплигига ишониб ҳаддидан ошган ва Пайғамбаримизга тинимсиз озор-азиятлар етказган Абу Жаҳл (Жоҳил - нодонларнинг отаси) лақабли бир малъун кофирнинг кирдикорлари келтирилиб, агар у ўзининг куфру туғёнидан қайтмаса, охир-оқибат дучор бўладиган ҳалокати ҳақида хабар берилади.

Бу сурада инсон қуюқ - лахта қондан яратилгани тўғрисида илк бора айтилгани сабабли уни "Алақ - Лахта қон" деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Сиз ўзингизга нозил бўладиган Қуръонни барча мавжудотни)* **яратган Зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан** *(бошлаб)* **ўқинг! 2. У инсонни лахта қондан яратган** *(Зотдир).* **3-4. Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз** *(инсониятга)* **қаламни** *(яъни, ёзишни - хатни)* **ўргатган ўта Карамли Зотдир. 5. У Зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди.**

Изоҳ: Ушбу оятлар инсоният ҳаётига янги Илоҳий таълимот ва то Қиёмат бузилмай сақланиб қоладиган, Оллоҳ таоло юборган динларнинг энг сўнггиси бўлган мукаммал бир Дин - Ислом

кириб келгани ҳақидаги илк хабарлар эди. Ушбу илк оятлардаёноқ Ислом дини инсонларни жаҳолат-хурофотга эмас, балки илм-маърифатга чорлаши ва фақат ўқиш-ўрганиш билан Яратган рози бўладиган Ҳидоят Йўлини топишга даъват этиши маълум бўлди. Шунинг учун ҳам Пайғамбар алайҳис-салом: "Илм исташ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир", деб марҳамат қилганлар. Энди қуйидаги оятларда динсиз кимсаларни мол-дунё ва мансаб-мартабалар қандай кўйларга солиши ҳақида хабар берилади.

6-7 Дарҳақиқат, *(кофир)* инсон ўзини бой-беҳожат кўргач, албатта туғёнга тушар - ҳаддидан ошар. 8. *(Эй инсон)*, албатта Ёлғиз Парвардигорингга қайтишинг бордир! *(Ўшанда бу туғёнларинг учун ҳисоб-китоб қилиниб, жазоланишинг аниқдир)!* 9-10. *(Эй инсон)*, бир бандани (яъни, *Муҳаммад алайҳис-саломни)* намоз ўқиган вақтида *(намозидан)* тўсадиган кимсани кўрдингми?! 11-12. Хабар бергин-чи, агар у *(намоз ўқигувчи)* ўзи Тўғри Йўлда бўлса ёки *(ўзгаларни)* тақвога *(Оллоҳдан қўрқишга)* буюрса (*уни намоздан ва тақводан тўсган кимса ҳалок бўлмасми)?* 13-14. Хабар бергин-чи, агар у *(намоздан тўсгувчи кимса Оллоҳнинг Китобини)* ёлғон, деса ва *(у Китобга иймон келтиришдан)* юз ўгирса, албатта Оллоҳ *(унинг барча қилмишларини)* кўриб туришини билмасми?!

Изоҳ: Бу оятлар Қурайш зодагонларидан бўлган Абу Жаҳл лақабли ашаддий кофир бир кимса ҳақида нозил бўлгандир. У Пайғамбаримизни Масжид ал-Ҳаромда намоз ўқишларидан тўсиб: "Агар Муҳаммад яна шу ерга келиб намоз ўқийдиган бўлса, унинг бўйнини эзиб юзини тупроққа белайман", деб ўзининг бутларини номига қасам ичади. Юқоридаги оятларда бу кофирнинг барча қилмишларини Оллоҳ таоло кўриб тургани айтилгач, энди қуйида агар у бундай бемаъниликларни тўхтатмаса, қаттиқ азобга гирифтор бўлиши ҳақида хабар берилади:

15-16. Йўқ! Қасамки, агар у *(бундай гумроҳликдан)* тўхтамаса, албатта биз уни пешона сочидан - ўша ёлғончи, адашган пешона сочидан тутармиз-да *(жаҳаннамга отурмиз)!* 17. Бас, у ўзининг жамоасини *(ёрдамга)* чақираверсин! 18. Биз эса азоб фаришталарини чақиражакмиз! 19. Йўқ! *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, Сиз унга итоат этманг ва *(Ёлғиз)* Оллоҳга сажда-ибодат қилиб, *(У Зотга)* яқин бўлинг!

Изоҳ: Ушбу ояти карима Қуръондаги сунгги сажда ояти бўлиб, бу оятни ўқиган ёки эшитган киши бир марта Оллоҳга сажда қилиши вожиб бўлади. Бу оятдаги хитоб гарчи Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-саломга қаратилган бўлса-да, унинг ҳукми барча мусулмонлар учун умумий ҳукмдир. Бинобарин, Яратганга ибодат қилишдан тўсадиган бирон кимсага итоат этмасдан Ёлғиз Оллоҳ таологагина сажда қилиш ҳар бир мусулмон учун фарздир.

ҚАДР сураси (97)

Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган бўлиб, беш оятдан иборатдир. Унда сўз инсоният тарихида мисли кўрилмаган бир Кеча ҳақида - инсонларга бу ҳаёти дунёдан чин инсоний ҳаёт кечириб ўтиш йўл-йўриқларини кўрсатиб берадиган сўнгги мукаммал Илоҳий дастурул-амал бўлмиш Қуръони Карим нозил бўла бошлаган ниҳоят қадрли бир Кеча ва унинг фазилатлари ҳақида боради.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Албатта Биз у *(Қуръон)***ни Қадр кечасида нозил қилдик. 2.** *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **Қадр кечаси нима эканлигини Сиз қаердан ҳам билар эдингиз?! 3. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир.**

И з о ҳ: Демак, у кечада қилинган тоат ибодат ҳам минг ойлик ибодатдан яхшироқ бўлади. Биз бу кечанинг баракоти ҳақида Духон сурасининг 2-5 - оятлари изоҳида айтиб ўтган эдик. Кўпчилик уламоларнинг айтишларича, Қадр кечаси Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечасидир.

4. У *(кеча)***да фаришталар ва Руҳ** *(яъни, Жаброил алайҳис-салом)* **Парвардигорларининг изни-ихтиёри-ла** *(йил давомида қилинадиган)* **барча ишлар билан** *(осмондан заминга)* **тушурлар. 5. У** *(кеча)* **то тонг отгунча тинчлик-омонликдир.**

БАЙЙИНА сураси (98)

Бу сура Мадинада нозил қилинган. У саккиз оятдир. Бу сурада сўз аҳли Китоблардан бўлган яҳудий ва насронийларнинг ҳамда мушрикларнинг кирдикорлари ҳақида; Ёлғиз Оллоҳ таолонинг Ўзига ихлос билан ибодат қилиш лозимлиги тўғрисида ва Охиратда кофирлар дучор бўладиган азоб ҳамда иймон ва яхши амал билан ўтган зотларга муяссар қилинадиган мангу бахт хусусида боради.

Сурадан Пайғамбар алайҳис-салом Оллоҳ таоло томонидан юборилган аниқ ҳужжат эканликлари ҳақидаги оятлар ҳам ўрин олгани сабабли бу сура "Баййина - Аниқ ҳужжат" деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Аҳли Китобдан ва мушриклардан бўлган кофир кимсалар, то уларга очиқ ҳужжат келгунича *(куфрдан)* **ажрагувчи бўлмадилар. 2.** *(У очиқ ҳужжат)* **Оллоҳ томонидан** *(юборилган)* **бир Пайғамбар** *(яъни, Муҳаммад алайҳис-салом бўлиб, уларга)* **покиза саҳифаларни** *(яъни, Қуръонни)* **тиловат қилур. 3. У** *(Қуръонда)* **энг тўғри ёзувлар - ҳукмлар бордир.**

Изоҳ: Оллоҳ таолонинг сўнгги, мукаммал Дини бўлмиш Ислом дини келиши арафасида Таврот, Инжил каби аввал нозил қилинган Китоблар берилган яҳудий ва насронийлар ҳам, бутпараст мушриклар ҳам куфр ботқоғига ботиб қолишган, аҳли Китоблар Таврот ва Инжилда келиши айтилган бир Пайғамбарга кўз тутаётган эдилар. Қачонки улар кутган ҳужжат - Пайғамбар алайҳис-салом тилларида Оллоҳнинг Каломи - Қуръон билан келганларида эса...

4. Китоб ато этилган кимсалар фақат уларга очиқ ҳужжат - Пайғамбар келганидан кейингина бўлиниб кетдилар *(яъни, айримлари ўша - ўзлари кутган Пайғамбарга иймон келтирдилар, айримлари эса унга кофир бўлдилар)!* **5. Ҳолбуки, улар фақат Ягона Оллоҳга, У Зот учун Динни холис қилган, Тўғри Йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўкис адо этишга ҳамда закотни** *(ҳақдорларга)* **ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу**

Тўғри *(Йўлдаги миллатнинг)* Динидир. 6. Албатта аҳли Китобдан ва мушриклардан бўлган кофир кимсалар жаҳаннам ўтида бўлиб, ўша жойда мангу қолурлар! Ана ўшалар энг ёмон махлуқдирлар. 7. Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар - ана ўшалар яралмиш жонзотларнинг энг яхшисидирлар. 8. Уларнинг Парвардигорлари ҳузуридаги жазо-мукофотлари - остидан дарёлар оқиб турадиган мангу жаннатлардир. Улар ўша жойда абадул-абад қолгувчидирлар. Оллоҳ улардан рози бўлди, улар *(Оллоҳдан)* рози бўлдилар. Бу *(мукофот)* Парвардигоридан қўрққан киши учундир.

ЗАЛЗАЛА сураси (99)

Саккиз оятдан иборат бу сура ҳам Мадинада нозил бўлгандир. "Залзала" (Зилзила), деб номланган бу сура дастлаб Қиёмат қойим бўлган Кунда замин зилзилага тушиб титраб-ёрилиб, тилга кириши ҳақида ҳикоя қилади.

Сўнгра у Кунда ҳаёти дунёда қилиб ўтилган бир зарра мисоли яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бежазо қолмаслиги баён қилинади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Қачон Ер ўзининг *(энг даҳшатли)* **зилзиласи билан ларзага тушганида; 2. Ва Ер** *(ўз бағридаги хазина-ю дафиналардан ва инсон жасадларидан иборат)* **"юк"ларини** *(юзага)* **чиқариб ташлаганида; 3. Ва** *(ҳаётлик пайтида қайта тирилишни инкор қилгувчи бўлган)* **инсон** *(қайта тирилганидан даҳшатга тушиб: "Ерга)* **нима бўлди ўзи?", деб қолганида -4-5.- Ана ўша Кунда** *(Ер)*, **Парвардигорингиз унга ваҳий қил***(иб, сўзлашга буюр)***гани сабабли ўз хабарларини сўзлар!**

Изоҳ: Саҳобалардан Абу Ҳурайра (Оллоҳ у кишидан рози бўлсин) ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳис-салом Ернинг хабарлари нима эканлиги ҳақида сўзлаб: "Ернинг хабарлари - ҳар бир эркагу аёл унинг устида қандай амал қилган бўлса, барчасини Оллоҳ таоло ҳузурида сўзлаб, гувоҳлик беришидир", деган эканлар.

6. Ўша Кунда одамлар, уларга *(қилиб ўтган)* **амаллари***(нинг жазо ёки мукофотлари)* **кўрсатилиши учун тўда-тўда бўлиб чиқиб келурлар! 7. Бас, ким** *(ҳаёти дунёдалик пайтида)* **зарра мисқоличалик яхшилик қилса,** *(Қиёмат Кунида)* **ўшани кўрур. 8. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!**

ВАЛ-ОДИЁТ сураси (100)

Маккада нозил қилинган бу сура ўн бир оятдан иборатдир. Бу сурада Оллоҳ таоло Йўлида жиҳод қилгувчи зотлар жангга миниб борадиган учқур отларга қасамёд қилиш билан динсиз-эътиқодсиз кимсалар албатта Яратган ўзларига ато этган неъматларга ношукурлик қилгувчи, ашаддий дунёпараст бўлишлари таъкидланади ва Оллоҳ таоло барча ишлардан Хабардор бўлиб туриши, демак, бирон ёмонликни бежазо қолдирмаслиги уқтирилади.

Сура ўзининг илк ояти билан "Вал-одиёт - Чопқир отларга қасам" деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2-3-4-5. *(Оллоҳ Йўлида)* **харсиллаб чопадиган,** *(чопган пайтида туёқларидан)* **чақмоқлар чақадиган, тонг пайтида** *(ёв устига)* **бостириб борадиган, бас, ўшанда чанг-тўзон кўтариб, шу** *(чанг-тўзон)* **билан** *(душман)* **жамоасининг қоқ ўртасига кириб келадиган** *(от)***ларга қасамки; 6. Шак-шубҳасиз,** *(кофир)* **инсон Парвардигори** *(унга ато этган неъматлар)***га кўрнамаклик қилгувчидир. 7. Ва шак-шубҳасиз, у бунга** *(ўзининг бу ношукурлигига)* **гувоҳдир. 8. Ва шак-шубҳасиз, у мол-дунё муҳаббатига жуда қаттиқ** *(берилгувчи)***дир. 9. Ахир у билмасмики,** *(Қиёмат қойим бўлиб),* **қабрларнинг ичидаги нарсалар** *(жасадларга қайта жон ато этилиб, ташқарига)* **чиқарилганида; 10. Ва диллардаги сирлар ошкор қилинганида - 11.- Ана ўша Кунда шак-шубҳасиз, Парвардигорлари улардан** *(яъни, барча халойиқнинг ҳаёти дунёда қилиб ўтган ишларидан)* **Огоҳ-Хабардор-ку!**

***И з о ҳ:** Бу оятларда Қиёмат Кунида барча сирлар ошкор бўлишини эслатиш билан ҳар бир инсон ўз ҳаётини ўша Кунда шарманда бўлиб қолмайдиган тарзда ўтказиши лозим эканлиги уқтирилмоқда.*

АЛ-ҚОРИА сураси (101)

Маккада нозил қилинган бу сура ҳам ўн бир оятдан ташкил топгандир.

Бу сурада ҳам Қиёмат даҳшатлари тасвирланиб, у Кунда ҳар бир инсон ўз қилмишига қараб мукофот ёки жазога мустаҳиқ бўлиши ҳақида хабар берилади.

Сuranинг номи бўлмиш "Ал-қориа" калимаси "Қалбларни қаттиқ қоқувчи (Қиёмат)" деган маънони англатади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Ўз даҳшатлари билан кишилар қалбини)* **қаттиқ қоқувчи** *(Қиёмат)*! **2. У қаттиқ қоқувчи недур?! 3.** *(Эй инсон)*, **қаттиқ қоқувчи** *(Қиёмат)* **нима эканлигини сен қаердан билар эдинг?! 4. У Кунда одамлар тўзғитиб юборилган парвоналар каби бўлиб қолурлар!** *(Яъни, қабрларидан чиқишиб, Қиёмат даҳшатидан ўзларини ҳар ёнга уриб-тўзиб кетадилар).* **5. Тоғлар эса титилган жун каби** *(осмонда учиб юрадиган)* **бўлиб қолур! 6-7. Бас, энди** *(у Кунда)* **кимнинг тортилган** *(яхши амаллари)* **оғир келса, ана ўша** *(киши ҳар бир инсон)* **рози бўладиган-орзу қиладиган ҳаётда бўлур. 8-9. Энди кимнинг тортилган** *(яхши амаллари)* **енгил келса, унинг жойи "жарлик"дир! 10. Унинг нима эканини қаердан ҳам билар эдинг?! 11.** *(У)* **қизиган дўзахдир!**

ТАКОСУР сураси (102)

Бу сура Макка сураларидан бўлиб, саккиз оятдан ташкил топгандир.

Бу сурада кўп одамларнинг то жонлари чиқиб, қабрларига киргунларича мол-дунё тўплашга ва ўша арзимас матолар билан бир-бирларига мақтанишга машғул бўлишиб, Оллоҳни эслашдан ва У Зот буюрган Ҳақ Йўлда юришдан юз ўгирганлари баён этилади ва уларга бу қилмишларининг оқибати жаҳаннам экани тўғрисида хабар берилади.

Сура "Такосур - Тўплаб кўпайтиришга берилмоқ" деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. *(Эй инсонлар),* **сизлар то қабрларни зиёрат қилгунларингизча** *(яъни, ўлиб, қабрга киргунларингизча)* **сизларни** *(мол-дунё)* **тўплаб-кўпайтириш** *(Оллоҳга тоат-ибодат қилишдан)* **машғул қилди!**

Изоҳ: Дарҳақиқат, бутун ҳаётларида Оллоҳ таолога бирор кун ибодат қилмасдан мол-дунёга сиғиниб ўтадиган кимсалар жуда кўпдир. Бу хусусда Саҳиҳул-Бухорийда ривоят қилинган Пайғамбаримизнинг бир ҳадислари ўта ибратлидир: "Маййитнинг - ўликнинг ортидан уч нарса эргашиб боради ва кейин у учтадан иккиси қайтиб кетади, бири эса ўлик билан бирга қолади - унга бола-чақаси, мол-дунёси ва шу дунёда қилган амаллари эргашиб боради-да, сўнгра бола-чақаси ва мол-дунёси яна қайтиб кетади. Қилиб ўтган амаллари эса у билан бирга қабрда қолади".

3. Йўқ, сизлар яқинда *(бу қилмишларингизнинг оқибатини)* **билурсизлар! 4. Яна бир бор йўқ, сизлар яқинда билурсизлар. 5. Йўқ, агар сизлар** *(дунёга қул бўлиб қолишнинг оқибати нима эканлигини)* **аниқ билиш билан билсаларингиз эди,** *(унга қул бўлиб қолмас эдингизлар)*! **6. Қасамки, албатта сизлар дўзахни кўрурсизлар! 7. Яна бир бор қасамки, сизлар уни аниқ кўриш билан кўрурсизлар! 8. Сўнгра ана ўша Кунда албатта** *(ҳаёти дунёда сизларга ато этилган барча)* **неъматлар тўғрисида масъул бўлурсизлар.**

ВАЛ-АСР сураси (103)

Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган бўлиб, уч оятдан иборатдир.

Қуръони Каримдаги энг қисқа суралардан бири бўлган бу сурада Оллоҳ таоло Аср намозининг вақтига қасам билан, инсоният ҳақиқий бахт саодатга эришиш учун тўрт нарсага - иймонга, эзгу амалга, Ҳақ Йўлга ва шу Йўлда чекиладиган машаққатларга сабр-тоқат қилишга муҳтож эканлигини таъкидлайди.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. Аср *(вақти)*га қасамки, *(барча)* инсон зиён-бахтсизликдадир. 3. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ *(Йўли)*ни тавсия этган ва бир-бирларига *(мана шу Ҳақ Йўлида)* сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина *(нажот топгувчидирлар)*.

ҲУМАЗА сураси (104)

Тўққиз оятдан ташкил топган бу сура Маккада нозил бўлгандир.

Унда тўплаган мол-дунёлари билан қувонишиб, ўша моллари ўзларини ҳар қандай бало-офатдан сақлайди, деб ўйлайдиган ва ҳаддаридан ошиб бировларнинг обрўларини тўкиб юрадиган ғийбатчи-бўҳтончи кимсалар албатта дўзах азобига дучор қилинишлари ҳақида сўз юритилади.

Суранинг номи бўлмиш "Ҳумаза" сўзи "Бўҳтончи" деган маънони англатади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Барча *(кишиларга дилозорлик қилиб, уларнинг обрўларини тўкиб юрадиган)* **бўҳтончи-ғийбатчига ҳалокат бўлгай. 2-3. Ки, у** *(топган)* **мол-дунёси ўзини мангу** *(ўлмайдиган)* **қилиб қўйган, деб ўйлаган ҳолида** *(фақат)* **мол тўплаган ва ўша** *(мол-дунё)***ни ҳисоб-китоб қилиб** *(бирон савобли ишга сарфламасдан)* **юрган кимсадир. 4. Йўқ,** *(унинг бу ҳисоб-китоби бекордир)***! Қасамки, албатта у чил-парчин қилгувчи** *(дўзах)***га ташланур! 5.** *(Эй инсон)*, **чил-парчин қилгувчи нима эканлигини сен қаердан билар эдинг?! 6-7.** *(У)* **Оллоҳнинг ёқиб қўйилган бир оловидирки,** *(ўз аланғаси билан баданларни тешиб ўтиб)* **юракларга қадар етур! 8-9. Албатта** *(у кофирлар)* **узундан-узун устунларга** *(занжирлар билан боғлаб қўйилган ҳолларида олов)* **уларнинг устида қопланиб қолгувчидир** *(яъни, кишанбанд бўлганлари сабабли на улар жаҳаннам қаъридан қутулиб чиқа олурлар ва на улар нафас олишлари учун бир ютум тоза ҳаво кирур)***!**

ФИЛ сураси (105)

Бу сура беш оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил қилингандир.

У Каъбатуллоҳни вайрон қилиш ғаразида келганлари сабабли Оллоҳ таолонинг ғазабига учраб ҳалок бўлган "Асҳоби фил - Фил минган лашкарлар" қиссаси ҳақида сўзлайди. Бу воқеа Оллоҳ таолонинг сўнгги, суюкли Пайғамбари Муҳаммад алайҳис-салом таваллуд топган милодий 570 - йилда рўй берган бўлиб, саноқсиз лашкар билан, қудратли филларга миниб Оллоҳнинг уйини бузиш учун Яман ҳокими Абраҳа бошчилигида бостириб келган кофирларни Оллоҳ таоло Ўзининг ожиз махлуқлари бўлмиш қушлар тумшуқларида келтирган майда тошлар билан ҳалок қилади ва Каъбатуллоҳни яқинда туғилажак Пайғамбар Муҳаммад алайҳис-салом учун, келажак янги Дин, янги уммат учун сақлаб қолади. Кейин, ҳазрат дунёга келиб, вояга етгач ва у кишига Қуръон оятлари нозил бўла бошлагач, ўша Илоҳий мўъжиза то Қиёматтача Каъбатуллоҳ томон юзланиб ибодат қилгувчи мўминларга ибрат, Оллоҳнинг Динига қарши тургувчи кофирларга эса бир аччиқ сабоқ бўлиши учун у ҳақда мана шу сураи карима нозил қилинди.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **Парвардигорингиз фил эгаларини қандай** *(ҳалок)* **қилганини кўрмадингизми? 2. У Зот уларнинг** *(Каъбатуллоҳни вайрон қилиш учун қўллаган барча)* **ҳийла-найрангларини барбод қилмадими? 3-4. У Зот уларнинг устига сополдан бўлган тошларни отадиган тўп-тўп қушларни юбориб; 5. Уларни** *(қурт-қумурсқалар томонидан)* **чайнаб ташланган сомон каби** *(илма-тешик)* **қилиб юборди!**

И з о ҳ: Ривоят қилинишича, қушлар томонидан отилган ҳар бир тош бир кофирнинг бошидан тешиб кириб, остидан чиқиб кетган экан.

ҚУРАЙШ сураси (106)

Бу сура Макка сураларидан бўлиб, тўрт оятдир. Бу сурада Пайғамбар алайҳис-саломнинг қабилалари бўлмиш Қурайш қабиласига Оллоҳ таоло томонидан ато этилган икки улуғ неъмат - тинчлик-омонлик ва тўқлик-фаровонлик неъматлари зикр қилиниб, Қурайшликларни мана шундай роҳат-фароғатда яшашларига сабабчи бўлган Байтуллоҳнинг Парвардигорига ибодат қилишга даъват этилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2. Қурайшга *(агар улар Оллоҳнинг бошқа саноқсиз неъматларини эсламаганларида ҳам, мана бу неъмат, яъни, уларга)* **осон қилиб қўйилгани - уларга қиш ва ёз сафари осон қилиб қўйилгани учунгина; 3. Улар мана шу Уйнинг Парвардигорига ибодат қилсинлар! 4. У Зот уларни очликдан** *(қутқариб)* **таомлантирди ва хавфу хатардан тинч қилди.**

Изоҳ: Яъни, Қурайшга Оллоҳ таоло томонидан жуда кўп неъматлар ато этилгандир. Агар улар бошқа неъматлар учун Оллоҳ таолога ибодат қилмасалар ҳам, уларга тижорат, олди-сотди қилсинлар, деб қишда Яманга, ёзда эса Шомга сафар қилишлари осон қилиб қўйилгани ва улар бу сафарлардан доимий равишда фойдаланиб келаётганлари учун мана шу Байтуллоҳнинг Парвардигорига ибодат қилишлари лозимдир. Чунки айни мана шу Байтуллоҳнинг шарофатидан атроф-жавонибдаги одамлар Қурайшликларга тегмайдилар ва: "Қурайш қабиласи Байтуллоҳнинг қўшниларидир. Ким уларга бирон зиён етказса худди Абраҳа ва унинг қўшинига ўхшаб мана шу Уйнинг Эгаси бўлган Оллоҳ таолонинг ғазабига учрайди", дейдилар. Демак, Қурайш одамлари сафар-саёҳатларида бирон кимса уларга зиён бермай, тинчлик ва тўкин-сочинликда яшаётганлари учун мана шу Байтуллоҳдан ва унинг Эгаси бўлмиш Оллоҳ таолодан қарздордирлар. Бас, улар У Зотга ибодат қилиш билан ўзларига ато этилган неъматнинг шукрини адо этсинлар!

МОЪУВН сураси (107)

Бу сура ҳам Маккада нозил бўлган. У етти оятдир.

Бу сурада Диннинг моҳияти ҳақида сўз юритилиб, айрим ўзларини диндор ҳисоблаб юрган, лекин атрофларидаги етим-ғарибларга дилозорлик қиладиган, бечора-мискинларнинг ҳолидан хабар олмайдиган кимсаларни Динни (яъни, қилинган ҳар бир иш-амал учун Охиратда ҳисоб-китоб, жазо бор эканини) инкор қилгувчилар деб аталади.

Шунингдек, бу сурада ўзлари Ёлғиз бўлганларида намоз ўқишни "унутиб" қўядиган ва фақат эл кўрсинга намозхон бўлган ҳамда қўни-қўшни, ҳамсоялардан одатда ўртада ишлатиладиган энг арзимас рўзғор буюмларини ҳам аяйдиган риёкор ва хасис кимсалар ҳаққига дўойи бад қилинади ва бу билан етим бечораларга мудом ёрдам қўлини чўзадиган, тоат-ибодатини Ёлғиз Яратганнинг ризолигини кўзлаб, бериё қиладиган хайр-саховатли зотларгина ҳақиқий мўмин-мусулмонлар эканлиги таъкидланади.

Суранинг номи бўлмиш "Моъувн" калимаси - Идиш-товоқ, болта-теша каби майда рўзғор буюмлари деган маъноларда келади,

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Динни *(Охиратдаги жазони)* **Ёлғон, дейдиган кимсани**(*нг қандай кимса эканлигини)* **кўрдингизми - билдингизми? 2-3. Бас, бу етим-есирни** *(қўполлик билан)* **ҳайдаб соладиган ва** *(кишиларни)* **мискин-бечорага таом беришга тарғиб қилмайдиган кимсадир.**

Изоҳ: Яъни, кимки иймон келтирганман, деса-ю, аммо етим-есирнинг ҳаққидан қўрқмаса; бечора-мискинларнинг бошини силаб меҳрибонлик қилмаса, у Динни инкор қилгувчи кимсалар билан баробардир.

4-5. Бас, намозларини "унутиб" қўядиган кимсалар бўлган "намозхон"ларга ҳалокат бўлгайки; 6-7. Улар риёкорлик қиладиган ва рўзғор буюмларини ҳам *(кишилардан)* **манъ қиладиган** *(яъни, бирон кишига фойдалари тегмайдиган)* **кимсалардир!**

КАВСАР сураси (108)

Уч оятдан ташкил топган бу сура Маккада нозил қилингандир.

Қуръони Каримдаги энг ихчам сура бўлган бу сурада Пайғамбар алайҳис-саломга хитоб қилиниб, Оллоҳ таоло у кишига ато этган буюк неъмат - жаннатдаги Кавсар ҳовузи зикр этилади ва бу билан бирга ана шундай Илоҳий мукофотга етишнинг барча воситалари - Қуръон, Пайғамбарлик ато этилгани таъкидланиб, Ҳазратни бундай Илоҳий марҳаматнинг шукронаси учун намоз ўқишга ва қурбонлик қилишга даъват этилади.

Сўнгги оятда эса кимда-ким Пайғамбар алайҳис-саломни ёмон кўриб-душманлик қилса, ана ўша кимса беному нишон йўқ бўлиб кетиши ҳақида башорат берилади.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **албатта Биз Сизга Кавсарни ато этдик. 2. Бас, Сиз Парвардигорингиз учун намоз ўқинг ва** *(жонлиқ)* **сўйиб-қурбонлик қилинг! 3. Албатта Сизни ёмон кўргувчи кимсанинг думи қирқилгандир** *(яъни, беному нишон йўқ бўлиб кетгувчидир)***!**

КОФИРУН сураси (109)

Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган бўлиб, олти оятдир. Бу сурада Ислом дини кучайиб, тарқалиб кетаётганини кўриб хавотирга тушиб қолган кофирлар Пайғамбар алайҳис-саломни ҳам, саҳобаларни ҳам бу Тўғри Йўлдан чалғитиш ғаразида у кишининг олдиларига келиб: "Эй Муҳаммад, кел, бизлар сенинг Худойингни тан олиб унга ҳам ибодат қилайлик, сен ҳам ўз Худойингга қўшиб бизларнинг бутларимизга ҳам сиғингин", дейишганида нозил бўлгандир. Бу сурадан кўзда тутилган мақсад Пайғамбар алайҳис-саломни ҳам, у зотнинг то Қиёматтача келадиган барча умматларини ҳам кофирларнинг бундай найрангларига учмасликка ва Ёлғиз Оллоҳ таологагина ибодат қилишга даъват этишдир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)*, **айтинг: "Эй кофирлар! 2. Мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман. 3. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган** *(Оллоҳ)***га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. 4. Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилгувчи эмасман. 5. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган** *(Оллоҳ)***га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. 6. Сизларнинг динингиз ўзларингиз учун, менинг Диним ўзим учундир!"**

НАСР сураси (110)

Мадинада нозил бўлган бу сура уч оятдан иборатдир. Унда Пайғамбаримизга ва барча мўмин мусулмонларга Оллоҳ таоло Ўз Динини барча динлардан ғолиб қилган Кунга гувоҳ бўлганларида, берган мадад ва ғалабаси учун Оллоҳга ҳамду тасбеҳ айтиш ва У Зотдан мағфират сўраб, тавба-тазарруълар қилиш таълим берилади.

Сура "Наср - Ёрдам" деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **қачон Оллоҳнинг ёрдами ва ғалаба келса; 2. Ва одамлар тўп-тўп бўлишиб Оллоҳнинг Дини** *(Ислом)***га кираётганларини кўрсангиз; 3. Дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан** *(У Зотни ҳар қандай "шерик"лардан)* **покланг ва У Зотдан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган Зотдир.**

И з о ҳ: Ушбу сураи каримада мўмин-мусулмонларнинг вазифаси имконлари борича Диннинг равнақи йўлида саъй-ҳаракат қилиш эканига, ғалабани эса Ёлғиз Оллоҳ таолонинг Ўзи беришига ишора бор.

МАСАД сураси (111)

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, беш оятдир. Бу сурада гарчи ўзи Пайғамбар алайҳис-саломга амаки бўлса ҳам Пайғамбаримизга ҳаддан ташқари азиийятлар етказган "Абу лаҳаб - дўзах ўтининг отаси" деган лақабга эга бўлган бир ашаддий кофир ва унинг куфрда ундан қолишмайдиган хотини ҳақида сўз юритилади.

Сура "Масад - Пишиқ тола" деб аталгандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. Абу лаҳабнинг қўллари куригай - ҳалок бўлгай! *(Аниқки,)* **у қуриди - ҳалок бўлди! 2. Мол-мулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотгани йўқ! 3-4-5. Яқинда унинг ўзи ҳам, унинг ўтин орқалаган, бўйнида пишиқ толадан** *(эшилган)* **арқон бўлган хотини ҳам** *(ловуллаб турган)* **алангали дўзахга киражак!**

Изоҳ: Абу лаҳабнинг хотини Умми Жамил доимо кишиларни Пайғамбар алайҳис-саломга қарши гиж-гижлаб, уларнинг ўртасида адоват ўтини ёқиб юргани сабабли Қуръон уни "ўтин орқалаган" деб сифатлади ва дўзахга ҳам эри билан бирга худди ўша ҳолида кириши ҳақида хабар берди.

ИХЛОС сураси (112)

Бу сура ҳам Маккада нозил бўлган. У тўрт оятдир. Бу буюк сура мўминларга Оллоҳ таолони қандай танишни ва У Зотга қандай ихлос-эътиқод қилишни ўргатади. Бу сура бир гуруҳ Макка мушриклари Пайғамбар алайҳис-салом ҳузурларига келишиб, Оллоҳнинг таъриф-тавсифини қилиб беришни сўрашганида, ўшаларга жавобан нозил бўлгандир. Пайғамбар алайҳис-салом ушбу сураи карима ҳақида: "Ихлос" сураси Қуръоннинг учдан биридир", деб марҳамат қилганлар.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **айтинг: "У - Оллоҳ Бирдир.** *(Яъни, Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У Якка-ю Ёлғиздир).* **2. Оллоҳ** *(барча ҳожатлар билан)* **кўзлангувчидир** *(яъни, барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир).* **3. У туғмаган ва туғилмагандир** *(яъни, Оллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У Азалий ва Абадий Зотдир).* **4. Ва ҳеч ким У Зотга тенг эмасдир".**

ФАЛАҚ сураси (113)

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, беш оятдир. Ушбу ва бундан кейинги сура "Ал-Муаввазатони", яъни, "Икки паноҳ сўралгувчи сура" деб ҳам аталади. Чунки ҳар икки сурада Оллоҳ таоло Пайғамбар алайҳис-саломга ва барча мўминларга Еру осмондаги барча ёмон нарса ва ҳодисалардан Ёлғиз Ўзига илтижо қилиб паноҳ сўрашларини таълим беради.

Бу сура ўзининг илк оятидаги сўз билан "Фалақ - Тонг" деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2-3-4-5. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **айтинг: "Мен тонг Парвардигоридан** *(менга)* **Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан; зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан; тугунларга дам солгувчи** *(жодугар)***ларнинг ёмонлигидан ва ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман".**

АН-НОС сураси (114)

Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган. У олти оятдан иборатдир. Бу сура, айтиб ўтилганидек, ўзидан аввалги суранинг узвий давомидир.

Бу сурада жинлар ва инсонлардан бўлган, кишиларни васвасага солиб йўлдан урадиган "шайтон"ларнинг ёмонлигидан Ёлғиз Парвардигорга сиғиниб паноҳ сўраш лозимлиги уқтирилади.

Сура ўзининг илк оятидаги сўз билан "Ан-нос - Инсонлар" деб номлангандир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан.

1-2-3-4-5-6. *(Эй Муҳаммад алайҳис-салом),* **айтинг: "Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан, барча инсонларнинг Подшоҳидан, барча инсонларнинг Илоҳидан** *(менга)* **ўзи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган,** *(қачон Оллоҳнинг номи зикр қилинганида)* **яшириниб оладиган васвасачи** *(шайтон)***нинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман".**

* * *

Оллоҳ таолонинг тавфиқ ва мадади билан Қуръони Каримнинг ушбу таржимаси ҳижрий 1412-йил, Рабийъус-соний ойининг 21-инчиси, сешанба куни (милодий 1991-йил, 29-ўктабири)да ўз ниҳоясига етди.

Ҳижрий 1422-йил, Рабиъу-соний ойининг 11-инчиси - сешанба куни (милодий 2001-йил, 3-июл)да эса, Жаноби Ҳақнинг марҳамат ва инояти билан ушбу таржимани қайта ишлаш, тузатиш ва тўлдириш ишлари ўз поёнига етди. Оллоҳ таоло ушбу Муқаддас Китоб маъноларини англаб, унинг кўрсатмаларига амал қилган кишиларга улуғ ажру мукофотлар ато айласин ҳамда уларни Ўзи рози бўладиган Ҳақ Йўлга ҳидоят қилсин. Омийн!

Алоуддин МАНСУР

Ушбу таржимада қуйидаги тафсир китобларидан фойдаланилди:

1. *Тафсирул-Қозий Байзовий (4 жузъ)*
2. *Тафсирул-Жалолайн*
3. *Тафсири ибни Касир (4 жилд)*
4. *Тафсирул-Қуртубий (20 жузъ)*
5. *Тафсирун-Насафий (2 жилд)*
6. *"Ал-Муҳаррар ал-важийз". Абдуллоҳ Андалусий асари (20 жузъ)*
7. *"Фий зилол ал-Қуръон". Саййид Қутб асари (6 жилд)*
8. *"Софватул-баён лимаонил-Қуръон". Муҳаммад Махлуф асари*
9. *"Ал-Мунтахаб фий тафсирил-Қуръонил-Карим"*
10. *"Софватут-тафосир". Муҳаммад Алий Собуний асари (3 жилд)*
11. *"Равойиул-баён". Муҳаммад Алий Собуний асари*
12. *"Жомиул-Баён". Муҳаммад ибн Жаъфар Табарий асари (15 жузъ)*
13. *"Ад-дуррул-мансур". Жалолиддин Суютий асари (6 жузъ).*

МУНДАРИЖА

ҚУРЪОНИ КАРИМ

Ўзбекча изоҳли таржима

Таржима ва изоҳлар муаллифи:
Алоуддин МАНСУР

Муҳаррирлар:
Анвар ТУРСУН
Зиёуддин МАНСУР

«Чўлпон» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси ижара пудратидаги. Тошкент полиграфия комбинати 700129 Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

86.78 Қурони Карим / Таржима ва изоҳлар муаллифи
К. 80 Алоуддин Мансур/
- Т.: Чўлпон,

К $\frac{0401000000-28}{360(04)-92}$

ISBN 5-8250-0344-4

© Алоуддин Мансур

طبع
على نفقة فاعل خير
بواسطة الهيئة العالمية لتحفيظ القرآن الكريم
تقبل الله منه و غفر لوالديه

Ушбу Китоб яхшилик қилувчи бир мусулмоннинг
харажати билан чиқарилди.
Оллоҳ Таоло унинг савоб ишларини
қабул қилсин ва ота-онасининг
гуноҳларини кечирсин.